

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ГРАММАТИКАСИ

I том
МОРФОЛОГИЯ

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕГИ

ТОШКЕНТ — 1975

СЎЗ БОШИ

Фан ва техниканинг, шунингдек, халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг ниҳоят даражада тез ривожланиши, республикамизда матбуот, радио, телевидение, мактаб-маориф, илм-фан ва бошқа соҳаларда ишларнинг она тилида олиб борилиши натижасида ўзбек адабий тили ҳар тарафлама кенг ривожланди. Шу билан бирга, халқимизнинг маданий савияси ва талаблари ҳам тобора ўсиб бормоқда. Булар, ўз навбатида, тилшунос мутахассисларимиз олдига ўзбек тилшунослигининг барча соҳалари бўйича ҳозирги ўзбек адабий тили нормаларини белгилаб берувчи, ўзбек адабий тилининг тараққиёти қонуниятларини очиб берувчи асарлар яратиш вазифасини қўймоқда. Ана шундай ҳозирги кун талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ўзбек тилшунослигининг бошқа соҳаларида олиб борилаётган муҳим ишлар билан бир қаторда, ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий грамматикасини яратишни кун тартибидаги асосий вазифалардан бири қилиб қўйди.

Ўзбек тилининг илмий грамматикасини яратишга 1966 йилдан бошлаб киришилди ва ниҳоятда мураккаб, маъсулиятли, шу билан бирга, энг шарафли бўлган бу иш 1973 йилда икки томдан иборат ҳолда ниҳоясига етказилди. Ҳар бир томда рус тилшунослиги ҳамда туркологияга оид ютуқ ва бой тажрибаларга асосланган ҳолда, ўзбек совет ёзувчилари асарлари, вақтли матбуотдан тўпланган бой материаллар, маълум даражада фольклор асарлари, оғзаки нутқ материалларининг таҳлили асосида ёзилди.

Сўз ясадишининг асосий (етакчи) йўли аффиксация бўлганлигидан, бу ҳодиса, маълумки, традицияга кўра, морфологиянинг бир қисми сифатида ўрганилиб келар эди. Ҳолбуки, у морфологиядан кўра ҳам лексикага яқин туради, чунки сўз ясашнинг вазифаси янги лексик бирлик ҳосил қилиш, демак, тилда сўзларни кўпайтириш экан, унинг лексикологияга ҳослиги аниқ. Лекин унинг яшаш йўллари ҳар хил бўлиб, бу йўллар семантика, синтаксис, фонетика билан ҳам алоқадордир. Кейинги текширишлар сўз ясадишининг тилшуносликдаги мустақил бир соҳа эканлигини кўрсатди (унинг бир қанча соҳалар билан алоқадорлиги шубҳасиз). Шунга кўра, кейинги вақтда нашр этилган ишларда, ҳатто айрим мактаб грамматикаси дарсликларида ҳам сўз ясадиши тил фанининг мустақил

қисми сифатида берилган. Ўзбек тилшунослиғи соҳасида сўз яса-
лишининг мустақил қисм эканлиги ҳақида айрим фикр-мулоҳазалар
айтилган бўлса ҳам, лекин у ҳам грамматик адабиётларда морфо-
логиянинг ичида берилиб келади. Бу грамматикада сўз ясалиши
мустақил қисм сифатида ажратилди. Шу муносабат билан бу қисм-
нинг структураси ҳақида айрим изоҳлар бериб ўтиш зарур
бўлади.

Асар ҳозирги ўзбек тили грамматикаси бўлганлигидан, унга
грамматик сўз ясалишигина киритилди. Грамматик бўлмаган сўз
яшаш йўллари ҳақида эса сўз ясалишининг умумий масалаларига
бағишланган киришдагина маълумот бериб ўтилди. Бу китобда
сўз ясалишининг айрим қисм сифатида ажратилиши грамматик
сўз ясалишига доир ҳамма маълумотларнинг шу қисмда берилиши-
дан дарак беради. Лекин бу ишда айрим мулоҳазаларни кўзда
тутиб, сўзларнинг ҳар бир лексик-грамматик категориясининг
ясалиши ўша туркумнинг ўз ичида берилди. Демак, сўз ясалиши
қисмида конкрет сўз туркумларининг ясалиш ҳодисаси қаралмаган,
балки ўзбек тили сўз ясалиши системасининг умумий характе-
ристикаси, унинг қонуниятлари, типлари ва турли типларнинг ўзаро
муносабати, яшаш воситалари, сўзнинг ясалиш структурасидаги
хусусиятлар, ясалиш моделлари, сўз ясалиш анализи, регулярлик
ва акси, унумли-унумсизлик, аффиксал омонимия, аффиксал сино-
нимия, аффиксал антонимия, қўшма аффиксларнинг ҳаёт йўли,
аффиксларнинг қўшилиш тартиби каби масалалар берилган.

Сўзнинг ясалиш структурасига доир масалаларни баён қилиш-
да бериладиган маълумотларнинг илмий ёритишлар асосида бўли-
ши, шу билан бирга, асарнинг норматив характердаги — синхрон
пландаги, тасвирий грамматика эканлиги кўзда тутилди. Сўз яса-
лиши масалаларининг берилишида бир умумий меъёрнинг ҳамма
ўринида ҳам изчил характерда бўлмаганлиги, айрим масалаларнинг
нисбатан торроқ ёритилганлиги, баъзи ҳодисаларнинг узил-кесил
ечилган масала тарзидаги тасвирга эга эмаслиги кабилар ўзбек
тили илмий грамматикасининг, шу билан бирга, нормативлик маса-
лаларининг ҳозирги ишланиш даражаси билан изоҳланади.

Сўздаги фонетик бошқалик, ўзгаришлар, маълумки, аффикса-
цияда ҳам, сўз қўшишда ҳам учрайди. Аффикс қўшиш натижасида
ўзакнинг фонетик структурасида тугиладиган ўзгаришлар ясовчи
аффиксларнинг ўзи билангина боғлиқ эмас. Шу сабабли уларни
«Морфология»да қолдириб, ўзак морфемалар ва аффиксал мор-
фемаларнинг баенидан кейин «Аффиксациядаги фонетик ўзгариш-
лар» сарлавҳаси остида бериш маъқул топилди.

«Морфология» қисмида сўзларнинг лексик-грамматик кате-
гориялари, сўз туркумлари билан бирга парадигматика ҳам айрим
баён қилинган. Лекин ҳар бир конкрет туркумнинг парадигматик
хусусиятлари, худди сўз ясалишидаги каби, шу туркумнинг ўз ичи-
да берилган.

Асарнинг бўлимлари турли авторлар томонидан ёзилганлиги
сабабли, бу қисмларнинг услуб жиҳатидангина эмас, балки ҳажм

га мазмун жиҳатидан ҳам фарқланиб туриши табиий. Лекин ишнинг умумий таҳрири давомида мумкин қадар услубда бир хилликнинг бўлишига эришиш учун ҳаракат қилинди.

Қуйида кўрсатилган авторлар коллективи ва уларга оид бўлимлардан кўриниб турибдики, «Грамматика»нинг бўлимлари шу соҳада узоқ йиллардан бери ишлаб келаётган, шу соҳада ўз ишлари билан қўзғатилган мутахассислар томонидан ёзилган. Бу нарса, шубҳасиз, ишнинг илмий жиҳатдан юқори савияда бўлишини таъминлади. Лекин авторларнинг ўз текшириш объекти бўлган ҳодисанинг моҳиятини очиш даражаси ва бу ҳодисаларга бўлган қарашни бир хилда бўла олмайди, албатта. Бунинг натижасида айрим тил ҳодисаларига бўлган қарашда турли нуқтаи назарнинг, ҳатто қарама-қарши нуқтаи назарнинг бўлиши табиий.

Ҳар бир ҳодисани бевосита тил материалларидан келиб чиқиб изоҳлашга (баён этишга) алоҳида эътибор бериш натижасида кўп ҳолларда ҳодисаларнинг ҳақиқий моҳиятини очишга эришилди. Бу нарса янги-янги илмий хулосаларга эришиш билан бирга айрим ҳодисаларнинг ўзига хос ҳақиқий атамасини (номини) белгилашга ҳам имкон берди. Демак, бу билан айрим ҳодисаларнинг ҳозиргача бўлган талқини билан эндиги талқини ўртасидагига эмас, шунингдек, уларнинг эски атамаси билан ҳозирги (янги) атамаси ўртасида ҳам маълум номувофиқлик келиб чиқади.

Бу ишнинг авторлари ўз бўлимлари бўйича «Ўзбек тили грамматикаси» ни яратиш планлаштирилганига қадар ҳам, узоқ вақтлардан бери шуғулланиб келаётганлари сабабли уларнинг текшириш соҳалари бўйича эришган ютуқлари, янги фикр-мулоҳаза ва хулосалари матбуотда эълон қилиниб келди. Ҳатто, айрим бўлимлар юзасидан алоҳида монографиялар эълон қилинди. Демак, ўрганилаётган соҳалар бўйича эришилган ютуқлар, янги фикр-мулоҳазалар ҳақида бу йўл билан жамоатчиликнинг, мутахассисларнинг фикрини олишга маълум даражада эришилган. Бундан ташқари, «Грамматика»ни яратишга киришилгандан сўнг ЎзССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг Ҳозирги ўзбек тили сектори қошида лингвистик семинар ташкил этилиб, унда «Грамматика»нинг барча бўлимлари бўйича қўллаб доқладлар тингланди ва муҳокама этилди. Бу семинарга Тил ва адабиёт институти ходимларидан ташқари Тошкентдаги олий ўқув юртларидаги лингвист-олимлар ҳам жалб этилди. Шу йўл билан ҳам кўпгина масалаларда мутахассислар ўртасида бир хил фикрга келишга эришилди.

Лекин бирор авторнинг ўзи текшираётган ҳодиса ҳақидаги янги фикр-мулоҳазалари, янги хулосалари ҳамма вақт ҳам тўғри, асосли бўлиб чиқаралмайди, албатта. Шунинг учун бирор авторнинг ўзи янги деб қараган ҳар қандай фикр, хулосалари «Грамматика»га киритилавермади, балки бундай фикр, хулосалар тил фактлари билан етарли даражада асосланган бўлсагина берилди. Терминларда ҳам шундай. Масалан, «От» туркуми «Грамматика»нинг жуда пухта ва мукаммал ўрганилган бўлимларидан биридир. Бу

бўлим янги фикр, хулосаларга бойлиги билан бирга, унда ҳодисаларнинг моҳиятига мос келувчи анчагина янги терминлар ҳам қўллашган. Лекин автор тавсия этган «сонлаш категорияси» («сон категорияси» ўрнига) «нисбатлаш категорияси» («эгаллик категорияси» ўрнига) терминлари тақризчилар ва муҳаррирлар томонидан унчалик мувофиқ деб топилмаганлиги учун ҳозирча бу ҳодисаларнинг эски атамасини қўллаш (аввалги терминларнинг ўзини қолдириш) маъқул кўрилди.

Айрим ҳодисалар бўйича ўзбек тилшунослигидагина эмас, балки туркологияда ҳам аниқ (ягона) бир фикрга келинган эмас. Масалан, жуфт ва такрорий сўзлар қўшма сўзлар қаторига киритиб ўрганилиб келар эди. Кейинги вақтларда эса уларни қўшма сўздан фарқли ҳодиса сифатида қаровчилар ва қўшма сўздан ажратиш тарафдорлари кўпайиб бормоқда. Шунингдек, етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топувчи *ўқиб чиқмоқ*, *йиқила ёзмоқ*, *ўрганиб олмақ* каби бирикувлар қўшма феъл деб қаралар эди ва кўпгина ишларда ҳозир ҳам шундай талқин этилмоқда. Кейинги вақтларда буларнинг қўшма феъл эмас, балки феълнинг аналитик формаси экани исботланаяпти. Лекин бу масалаларда тамомила ягона фикрга келингани йўқ. Демак, бундай ҳодисалар бўйича икки хил қараш бу ишда ҳам бўлиши мумкин.

Қўлинигиздаги бу китоб «Ўзбек тили грамматикаси» деб аталувча асарнинг биринчи томи бўлиб, унинг бўлимлари қуйидаги муаллифлар томонидан ёзилган: «Сўз ясалиши», «Морфологияга кириш» — А. Ғ. Фуломов; «От», «Модал сўзлар» — Ш. У. Раҳматуллаев; «Сифат» — М. С. Содиқова; «Сон», «Олмош» — М. А. Асқарова; «Феъл» — А. П. Ҳожиев; «Равиш» — С. Ф. Фузаилов; «Кўмакчи», «Боғловчи», «Юклама» — Ш. Ш. Шоабдураҳмонов, «Ундов», «Тақлид сўз» — Р. Қ. Қўнғуров.

Мазкур ишнинг юзага келишида ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазаларини билдириб, ишдаги айрим камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга ёрдам берган тақризчиларга, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек тилшунослиги, умумий тилшунослик ҳамда қозоқ тилшунослиги кафедраларининг аъзоларига авторлар коллективи чуқур миннатдорчилик билдиради.

СЎЗ ЯСАЛИШИ

КИРИШ

Ҳар бир тилнинг сўзлари, лексикаси доим ҳаракатда бўлиб, натижада, унинг состави турли типдаги ўзгаришларга учрайди: баъзи сўзлар эскириб, актив қўлланишдан чиқади, қўлланиши чегараланиб, бора-бора умумистеъмолдан қолади; янги сўзлар пайдо бўлиб, улар лексикани тўлдиради, бойитади; айрим сўзларнинг маъноларида ўзгариш юз беради ва бошқалар. Лексикадаги тараққиётнинг энг асосий йўллари бошқа тиллардан сўз олиш ва сўз ясашидир. Лексик олинмалар — бошқа тиллардан сўз олиш (бундай олинма шевалардан адабий тилга сўз олиш тусида бўлиши ҳам мумкин) икки тиллилик шароитида, айниқса, катта аҳамиятга эга бўлади, тилларни, шунингдек, халқларни яқинлаштириш воситаларидан бири бўлади.

Сўз ясаш, умуман, қандай усул, қандай восита билан бўлмасин, янги сўз ҳосил қилишидир. Масалан, *бетончи* (-чи аффикси орқали ясалган); *гулбеор* (икки сўзнинг қўшилишидан ясалган); *каттани ҳурмат қил* (бир лексик-грамматик категориядаги сўзни бошқа категорияга ўтказиш йўли билан сифатдан от ҳосил бўлган: *каттани-катта* ёшдаги одамни); *ишда бурилиш ясадик* (*бурилиш* сўзи бу ўринда *ўзгариш* маъносига бўлиб, дастлабки маъносидан анча фарқланади: унга нисбатан бошқа сўз саналади); *янги* формасидаги сўз икки хил; урғуси охири бўғинга тушганда, русча «новый» маъносини билдиради (*янги китоб* каби), урғуси бош бўғинга тушганда, русча «только-что» деган маънони билдиради (*у янги кетди...*, ҳозиргина кетди) ва бошқалар.

Мисоллар кўрсатадики, сўз ясаш лексиканинг ўсишида муҳим роль ўйнайдиган факторлардан бири бўлиб (унинг маҳсули тилда сўзларни кўпайтиради, лексикага хизмат қилади), йўллари ҳам, воситалари ҳам ҳар хил (аффикс ёрдами билан ясаш: аффиксация, сўзларни қўшиб ясаш: композиция ва бошқалар), улар бутун бир системани ташкил қилади.

Сўз ясалиши тилшунослик фанининг айрим бир бўлими, мустақил лингвистик соҳа, тармоқ бўлиб, у сўзларнинг ясалишини, янги сўз ҳосил қилишнинг қонун-қоидаларини, моделларини, воситаларини, шу билан боғлиқ ҳолда, сўзларнинг структурасини текширади. Демак, бу соҳанинг объекти сўздир. Сўзни лексикология ҳам, грамматика ҳам текширади, лекин бу икки хил текшириш бир-бири-

дан маълум белгилар билан ажралиб туради, шунингдек, сўзнинг ясалиш — ҳосил бўлиш томондан текширилиши ҳам ўз хусусиятларига эга. Лекин бу текширишлар ўзаро боғлиқ: тилнинг фикрларни ифодалашти, ҳис-туйғуларни билдириши, фикр ифодалайдиган энг кичик единица бўлган гапнинг сўзлардан ташкил топиши, бу сўзларнинг материали товуш эканлиги, сўзларнинг ҳам, товуш ҳодисаларининг ҳам, сўз формаларининг ҳам, сўзларни бириктириб, сўз бирикмаси ва гап ҳосил қилишнинг ҳам ўз маълум қоидалари борлиги — буларнинг ҳаммаси — тилда мундарижа, форма ва функциянинг ўзаро боғлиқлигини, тилдаги қонун-қоидаларнинг шу уч томонга асосланганлигини, демак, фонетик, лексик ва грамматик системаларнинг органик алоқасини — тилнинг қисмлари бир-бири билан боғланган яхлит, бир бутун ҳодиса — система эканлигини кўрсатади.

Тилшуносликнинг бу бўлимида, биринчидан, янги сўзларнинг қандай ҳосил қилиниши, иккинчидан, мавжуд ясалмаларнинг қандай пайдо бўлганлиги текширилади. Текширишнинг бу икки томони ўзаро боғлиқ ҳодисалардан. Янги сўз мавжуд моделга қараб, шу асосда ҳосил қилинади. Сўз яшашнинг турли йўллари билан ҳосил қилинган сўзларни ўз ичига олиши ҳам унинг асосини характерлаб беради: бу асос тилнинг лексик, фонетик ва грамматик воситаларидир. Демак, сўз ясалишининг ўз объекти бор, бунда грамматика ва лексика соҳалари билан умумийлик томонлари ҳам бор. Ҳозирги тилларда сўз яшашнинг энг кенг тарқалган усули аффиксация (аффикс ёрдами билан яшаш) бўлганлигидан, унинг (сўз яшашнинг) биринчи навбатда морфология билан яқинлиги (бунда ясама сўзларнинг структураси ўрганилиши) кўзга ташланиб туради. Ҳолбуки, сўз яшашнинг бошқа йўллари унинг лексика билан ҳам; фонетика билан ҳам, синтаксис билан ҳам (қўшма сўз ва сўз бирикмаси ҳодисаларининг муносабатини эсланг) боғлиқ эканлигини кўрсатади. Демак, сўз ясалиши ҳодисаси ўзининг асосий, ётакчи хусусиятлари билан грамматика ва лексикологияга яқин туради. Бу хусусиятларга кўра, сўз ясалиши илгари тилшуносликнинг айрим бир соҳаси сифатида эмас, балки морфологияда текширилиб келинган. Бундай ўрганиш энг асосий усулда сўз яшашнинг ҳам, форма яшашнинг ҳам бир типда (аффиксал ясалиш) бўлиши ва улар орасидаги ўзаро кўчиш ҳодисалари, кўпгина ясовчиларнинг сўз туркумлари билан ҳам боғлиқ бўлиши — шу ясама сўзнинг қайси туркумга киришини ҳам кўрсатиши (масалан, *-ла* аффикси феълликнинг бир кўрсаткичидир: у феъл ясайди), аффиксациядаги фонетик ўзгаришларнинг ҳамма типдаги аффиксларда учраши мумкинлиги каби хусусиятларга асосланади. Чоғиштиринг: редупликация — сўзларни такрорлаш, асосан, морфологик функцияни бажаради; сўзнинг формасини ҳосил қилади, лекин баъзан, айрим ҳолларда, лексик функцияни ҳам бажаради — янги сўз яшаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Сўз ясалишини грамматиканинг морфология ва синтаксис каби айрим бир қисми деб қараш грамматик сўз ясалишини кўзда тутади.

Кўринадики, сўз яшашнинг морфологияга ёки лексикологияга киритилиши унинг бир томонинигина ўз ичига олади. Шунга кўра, у кейинги вақтларда айрим соҳа сифатида ажратилди. Одатда, морфологиянинг ҳар бир сўз туркумига бағишланган қисмида шу туркумнинг (масалан, отларнинг) ҳамма типдаги ясалишлари (аффиксация, субстантивация каби) қаралар эди. Сўз ясалишининг айрим қисм саналиши билан буларнинг ҳаммаси энди, табиий, шу қисмда текширилади.

Янги сўз ҳаётнинг талаби билан туғилади. Бу талаб жамиятнинг — шу билан алоқадор ҳолда—онинг тараққиётига боғлиқ. Бу талаб турмушда пайдо бўлган бирор янгиликни—масалан, янги предметни — аташ учун янги сўз яратиш ёки бошқа тилдан шу янгиликнинг номини ҳам олишдангина иборат эмас, балки у ҳамма янгиликларнинг, динамиканинг, ҳамма ўзгаришларнинг туғилиш манбаидир: тилдаги бирор элементнинг активлашиши ёки пассивлашиши, йўқолиши, кенгайиши ё торайиши бирор тилда маълум нарсани билдирувчи сўзнинг бор бўлишига қарамай, бошқа тилдан шу маънони билдирувчи сўзнинг ҳам олиниши (лексик олинма ҳамма вақт ҳам янги тушунчани ифодалаш талаби билан боғлана бермайди) ва бошқалар. Сўз яшаш тилнинг лексикасини ривожлантириш йўлларида биридир.

Сўз ясалишининг хусусий масалаларига ва материалларнинг конкрет анализига киришишдан аввал, табиий, бу соҳанинг умумий ҳолатлари билан танишиб ўтиш зарур бўлади.

Сўз ясалиши синхроник аспектга таянади. Бунда тил тараққиётининг маълум бир даври кўзда тутилади. Масалан, ҳозирги замон ўзбек тили. Тил ҳодисаларини текширишда синхрония («бир вақтликлик») ва диахрония («ҳар вақтликлик») ўзаро муносабатда, булар бири бошқасини тамоман рад этмайди: синхрония тил тарихидаги бир звено. Демак, синхрония билан диахрония бир-биридан фарқли бўлишига қарамай, ўзаро алоқадор: булар орасида кескин узатиш бор деб қаралмайди. Маълум бир даврнинг тасвирида ҳам, одатда, диахрониянинг элементлари бўлади, чунки соф синхрония билангина чегараланишда даврларга кўра бўлган ўзгариш—тараққиёт ҳисобга олинмаган бўлиб қолади, ҳолбуки тил тараққиётидаги маълум звено (масалан, ҳозирги тил) бундан олдинги тараққиётнинг қонуний натижасидир: ўтган ҳодисанинг излари ҳозиргидан ҳам сезилади, ҳозирги ҳодиса ўз тарихи—тарихийлик билан тўла англашилади. Синхрония ва диахрония тил мавжудлиги ва тараққиётининг икки формасидир: «Ҳодисалардаги статика улардаги динамиканинг хусусий кўринишидир» (Бодуэн де Куртене). Лекин маълум ўринларда шу даврнинг қонун-қоидаларини, маълум изчилликка эга бўлган қонуниятларни аниқлашда синхронияга қараб иш тутилади: шу давр адабий тилининг нормаларини—нормативликни белгилашда, таълимда, сўз ясалишида, бирор ҳодисанинг умумли-унумсизлигини аниқлашда ва б. Бундай ҳолларда диахрониянинг ҳам қўлланиши нормалар белгилаш имкониятини йўқотади. Масалан, *ўтлоқ* (*ўтзор*), *тошлоқ*, *қумлоқ*, *қишлоқ* ва *овлоқ* сўзлари кўри-

нишда структура жиҳатидан ўхшаш, буларнинг ҳаммаси аслда ўрин маъноси билан боғланган **-лоқ** аффикси орқали ясалган (**ўтлоқ**: ўтли, ўт кўп ўсган жой), лекин, шундай бўлса ҳам, ҳозирги тилда дастлабки уч сўз ясама саналиб, морфемаларга ажралади, кейинги иккитаси (**қишлоқ** ва **овлоқ**) бундай қисмларга ажралмайди, чунки буларда қисмларнинг семантик муносабати сезилмайдиган бўлиб қолган (ясама сўзда қисмлар орасидаги ассоциатив алоқа — ўзаро боғланиш, биргаликда бўлиш, умумлик — сезилиб туриши шарт): **қишлоқ** сўзи фасл билдирувчи **қиш** сўзи билан боғланмайди: онгимизда бу тасаввурларнинг муносабати йўқ (аслда: **қиш + ла + қ** -қишда яшайдиган жой), **овлоқ** сўзи энди «*ов жойи, ов қилинадиган жой*» маъносида эмас, балки маъноси ўзгариб, «хилват жой» деган мазмунни беради (аслда: **овлоқ**: ов жойи—хилват жой. Чоғиштиринг: эскида: **қушлоқ**—қуш жойи, қуш кўп бўладиган жой), яна лекин: **қишлов** сўзи қисмларга ажралади: орадаги боғланиш уқилади. Яна: **шолча**—ажралмайди (**шол** ва **шолча** сўзлари орасида семантик боғланиш сезилмайди); **юксак** сўзи ҳозир қисмларга бўлинмайди (аслда: **юк + са + к**: **юк||юк**: баланд, юқори маъносида, чоғиштиринг: **юкса + к** ва **юкса + л**; **юқори**), **ияк** (аслда **ий** — пастга тушмоқ; **энгаиш-энгиш**, **энгай-энкай** ва **энгак** сўзларини, шунингдек, **суяк-сўнгак** сўзларини ҳам чоғиштиринг); **унамоқ** (кўнмоқ), **инда** (**индамади**), **ундамоқ**, **ундов** (ундов гап, ундов сўз), **ундалма**, **унли-унсиз** (товушлар) сўзларнинг асли овоз маъносидаги «ун» сўзидан келиб чиққан, кейин ажралмас ҳолга келган, баъзиларида «и-у» тусидаги ўзгариш натижасида фарқланиш тўпилган (**ундамоқ-индамоқ**); **буйрак** (аслда: **буйор—биқин**).

Буларнинг ҳаммаси шуни кўрсатадики, сўз ясалишида синхрония билан диахрония қатъий фарқланади. Лекин бу синхрониянинг характери айрим ҳолларда бошқачароқ тусга ҳам эга бўлади. Масалан, сўз қўшилмаларининг бир сўз ҳолига келиши (синтактик усулда ёки лексик-синтактик усулда сўз яшаш), сўз туркумлари орасидаги категориал кўчиш (морфологик-синтактик усулда яшаш) каби ҳолларда ясалиш ҳодисасининг узокроқ вақт билан боғланиши — диахрония элементларининг ҳам бўлиши айниқса яққол кўриниб туради. Семантик усул билан сўз яшашда бу ҳодисанинг одатда бир давр — бир звенонинг маҳсули бўлмаслиги яна ҳам аниқ сезилади; иккинчидан, бунда полисемантик сўздан омонимик жуфт ҳосил бўлиши орадаги ички боғланишнинг йўқолишини кўзда тутади, демак, ассоциатив алоқа сезилмас ҳолга келган бўлади: ясовчи ва ясалиб чиққан элементларнинг муносабати (аффиксациядаги «пилла-пиллачи» сўзларининг муносабатини эсланг) — «иплари» узилган бўлади. Семантик усулнинг диахроник характерга эга эканлиги — бир давр маҳсули бўла олмаслиги, бунда ясалишнинг ҳозир уқилмаслиги бу ҳодисанинг сўз ясалишига жуда шартли равишда киритилганлигини, унинг аслда, синхрон асосга кўра, сўз ясалиш ҳодисасидан бошқача эканлигини кўрсатади. Хуллас, сўз ясалиши синхронияга таянади, лекин бунда син-

хрониянинг хусусияти ўзига хосликка ҳам эга, унинг айрим усул-ларида диахрония элементлари ҳам аралашган бўлади.

Сўз ясалишининг грамматика билан боғлиқлиги (морфологияда: айниқса, аффиксация йўли билан ясалиш; категориал кўчиш; синтаксисда: қўшма сўз билан сўз бирикмаси орасидаги муносабат ва б.) унинг табиатидаги етакчи хусусиятларидандир. Ўзак ва аффиксларнинг анализи морфологияда ҳам, сўз ясалишида ҳам учрайди, лекин бу икки соҳанинг анализи-ҳодисага қандай нуқтаи назардан ёндашиши—ҳар хил, шундай бўлса ҳам, бари бир, ҳар икки соҳа учун умумий бўлган ҳодисалар ҳам бор. Шунга кўра, кейинги вақтларда буларни ёритишнинг янги схемаларни пайдо бўлди: дастлаб морфемаларнинг ҳар икки соҳага алоқадор бўлган томонлари айрим берилади, бу айрим қисм *морфемика* деб аталади, кейин сўз ясалиши, ундан кейин морфология баён қилинади. Бу янги тартиб илмий жиҳатдан пухта асосланган бўлиб, практик томондан ҳам афзалликларга эга.

Морфемика сўзнинг энг кичик маъноли қисмлари ҳақидаги таълимотдир. Бу кичик қисмлар морфемалардир. Бу морфемалар турли кўринишларга ҳам эга бўлади. Масалан, *ишла* сўзидаги *-ла* элементи *ҳайда* сўзида *-да* формасида келган (лекин *ҳай-ҳайла* феълида яна *-ла* тусида қўлланган), ҳозир ажралмайдиган *унда* сўзида ҳам аслда шу *-да* аффикси бор (*ун—овоз*). Бу *-ла* ва *-да* кўринишлари умумий тарзда *морфема* дейилади. Бунинг ҳар бир кўриниши эса морф саналади. Демак, морфема морфларнинг йиғиндисидир. Бу турли кўринишдаги қисмлар, морфлар, бир-бирига нисбатан алломорф саналади. Бу ҳол ўзак морфемаларда ҳам учрайди: *ташқи* сўзидаги *таш* элементи *тиш* тусида ҳам учрайди (*чиқ* сўзининг келиб чиқишини эсланг: *тишиқ — чиқ*). Яна: *ювмоқ — юмоқ* (у кўйлакни ювган-юган), *тўзғи-тўзи* (*-ғи* ва *-и*), *қўзға* ва *тўзғи* (*-ға* ва *ғи*), *тўзиди—тўзғиди—тўзғоқ* (*тўзи* ва *тўз*, *қўзи* ва *қўз*, *қаз* ва *қаз*: *қазиган—қазган*), *-ганча* ва *-гунча* (Бу формалар кейинроқ дифференциацияга учраган), *кучук увлади—Бўри улиди* (*ув* ва *у*, *-ла* ва *-ли*). Англашиладики, морфема деганимизда (ўзак морфема ҳам, аффиксал морфема ҳам), юқоридаги каби яқин—ўхшаш морфларнинг йиғиндисини кўзда тутамиз, шу ҳар хил кўринишларнинг умумий аталишини англаймиз (лекин маълум морфологик моделга кўра регуляр такрорланадиган вариантлар морф саналмайди). Морфема составига кўра, кўпинча, умумлаштириб айтганда, фонемалар комплексидан, баъзан бир фонемадан иборат бўлади (ҳар бир конкрет кўринишга нисбатан айтганимизда морф фонемадан иборат бўлади), бир қанча сўзларда такрорланади, (бир хил маънода), мунтазамлик характерига эга бўлади. Морфларнинг бир морфема саналиши (*-ла* ва *-да* аффиксларини эсланг) уларнинг маъно жиҳатидангина эмас, балки формал томондан (материал-товуш томондан) ҳам яқин-ўхшаш бўлишига асосланади. Масалан, *исламоқ* ва *искамоқ* феълларидаги *-ла* ва *-ка* ясовчи аффиксларининг семантик функцияси бир хил, лекин булар орасида материал яқинлик-ўхшашлик йўқ, демак, булар синоним аффиклардир.

Морфемалар функциясига кўра сўз ясалишига ҳам, сўз ўзгарishiга ҳам алоқадор. Аффиксларнинг сўз ясовчи аффикслар (derivацион аффикслар. Бундай сўз яшаш дериватология дейилади) ва сўз ўзгартувчилар (реляцион аффикслар) тусидаги классификацияси шу ҳолатга асосланади. Бу ҳодиса сўз ясалиши (аффиксал) билан парадигматика орасида формал ўхшашлик борлигини кўрсатади. Масалан, *темир+чи* (аффикс орқали сўз яшаш)—*темир+ни* (аффикс орқали форма яшаш: бир сўзнинг формасини (кенг маънода) ҳосил қилиш). Кўринадики, «яшаш» сўзи ҳар икки маънода ҳам, умуман, ҳосил қилиш (бир-биридан ҳосил қилиш) маъносида умумий ном бўлиб қўлланади. Бу сўз: 1. *узум—узум+ни*, *узум+га* каби ҳолларда сўзнинг формасини ҳосил қилиш маъносида қўлланади. Ҳар бир сўз маълум бир формада бўлади (*узум*—ноль форма, *узумни*—тушум келишиги формаси ва б.), у шу ҳамма формаларнинг жамини ўз ичига олган, умумлаштирган бирлик саналади. Унинг ҳамма кўринишлари бир сўзнинг турли формалари саналади. Бундаги аффикслар (-ни, -га, -дан каби) синтактик функцияни бажаради: сўзларни бир-бирига боғлайди, сўзнинг қўшилмадаги—гапдаги ва сўз бирикмасидаги—синтактик вазифасини кўрсатади. Демак, бу формалар орасидаги ҳар хиллик грамматик фарқдир. Бундаги маъно грамматик бўлиб, сўзнинг лексик маъноси ўзгармаган. 2. *Узум—узум+чи*, *узум+зор* каби ҳолларда янги сўз ҳосил қилиш маъносида қўлланади. Бунда аффикс лексик функцияни бажаради: янги лексик бирлик ҳосил қилади. Бунда жуфт (аффикс қўшилмаган ҳолат билан аффикс қўшилган ҳолат: *узум—узумчи*) орасидаги фарқ семантик пландаги фарқдир. Демак, бу ўринда аффиксация орқали туғилган икки ҳодисани кўрамыз: 1. Аффикс—янги сўз яшаш воситаси (*узум+чи*). 2. Аффикс—сўз формаси ҳосил қилиш воситаси. «Яшаш, ясама» сўзлари бу ҳодисаларнинг ҳаммаси учун ҳам—«ҳосил қилиш, тугдириш, яратиш» каби маъноларда қўлланади, лекин термин сифатида янги сўз яратиш маъноси учун хосланган: *ясама сўз* (*ясама сўзи*—сифат), *ясалма* (ясалиш натижасида ҳосил бўлган сўз—*ясалма сўз*, *ясалма* термини—от).

Ҳар бир тилнинг ясама сўзлари шу тилдаги сўз яшаш моделлари асосида яратилади. Масалан, бажарувчи шахс отларининг ясалиш моделлари: от (ўзак-негиз) +чи аффикси (*кран+чи*); от+соз (*самолётсоз*); сифатнинг маълум турларини яшашнинг моделлари: от+ли (*болали*), феъл+қ (*очиқ*); қўшма отларнинг ясалиш моделлари: от+от (*нон жийда*, *қўл арра*, *қўл соат*), сифат+от (*кўк қарға*); абстракт маъноли отларнинг ясалиш моделлари: сифат+лик (*яхшилик*, *катталиқ*), равиш+лик (*тезлик*); натижа отларининг ясалиш моделлари: феъл+м (*тўплам*, *боғлам*), феъл+н (*туғун*, *бўгин*) ва б.

Сўз яшаш моделлари, умуман, ҳосил қилиш, яратиш схемаси—андазаси маъносидаги умумлашган, абстракт ҳодисадир. Бунинг айрим хусусиятлари: 1) ясалиш модели бир хил бўлган сўзлар структура ва маъно томонидан ўхшаш бўлади; 2) сўз яшаш моделларининг унумли ё унумсиз бўлиши унинг—шу структурадаги мо-

дешнинг янги ясалма ҳосил қилиш ё ҳосил қилмаслигидандир. Масалан, қўшма сўзнинг сифат+от, от+от моделлари унумли, унинг изофа билан ҳосил бўлиши (*фасли баҳор* тусида) унумсиз; қўшма сўз ҳосил қилмайди; 3) *модель* сўзи абстракт тушунчани билдиради, лекин жуда умумийлик ва нисбатан умумийлик ҳолатларига қараб, унинг составидаги элементлар ҳам турли тусга киради. Масалан, ясама сўз ҳосил қилишнинг моделлари: ўзак+суффикс, префикс+ўзак, лекин бунинг нисбатан аниқ турлари ҳақида гапирганимизда, моделнинг қисмлари ҳам шунга мос номлардан бўлади; иш отлари яшашнинг моделлари: феъл+қ (*сувоқ, чопиқ*), феъл+м (*терим, ўрим*); қўшма сўз ҳосил қилишнинг модели: сўз+сўз, қўшма отларнинг моделлари: от+от, сифат+от, сон+от ва б. Қўшма сўзнинг моделлари сўз бирикмасининг моделларига ўхшайди, лекин уларнинг ҳамма тури ҳам ўхшаш бўла бермайди. Қўринадики, сўз яшаш модели ясама сўзнинг тузилиши схемаси, демак, бу схема сўз яшаш схемасидир. У сўзнинг ясалиш структурасини текширишнинг умумлаштирилишидан туғилган: сўзнинг ясалиш структурасини аниқлаш билан умумлаштириш натижасида сўз яшаш моделлари белгиланади, бу моделлар тилнинг сўз ясалиш системасини ташкил қилади.

Ҳар бир ясалманинг асосида бошқа сўз ётади («фалон сўз фалон сўздан ясалган») ва бу ясалиш маълум моделга кўра бирор йўл, усул билан юзага келган бўлади. Демак, ҳар бир ясалишда икки элементнинг муносабати бор: яшашга асос бўлган сўз ва ясалиб чиққан сўз (яшашга асос бўлган элемент мустақил ҳолида айрим сўз, лекин ясалмага асос бўлгач—ундан янги сўз ясалгач—сўзнинг қисми: ўзак ёки негиз). Ясалмадаги бу икки элемент ташқи ва ички томонлардан ўзаро муносабатда бўлади. Бу муносабатнинг хусусиятлари:

Сўз ясалишининг, ясама сўзнинг, бинарлик (икки қисмдан иборат бўлиш) ҳолати, бинар оппозиция тусида бўлиши, унда икки элементнинг алоқадор эканлигини кўрсатади: ясама сўз (маҳсул) ва унинг ясовчиси (ясалишига асос бўлган элемент). Масалан, *сутчи* (*сутчи* сўзи *сут* сўздан ясалган, *-чи* морфемаси ясовчи аффикси бўлиб, яшашнинг воситаси бўлиб келган). Бинар конструкциядаги бу қисмлар бир хил ўзакли—бир ўзакдан бўлади. Демак, ўзак ўша элементларнинг умумий қисми саналади: қиёсланаётган элементларнинг (ясама сўзнинг ёки қариндош сўзларнинг) умумий—ўхшаш қисми. Ясалмадаги икки элемент семантик жиҳатдан ҳам, формал (ташқи) жиҳатдан ҳам алоқадор: шу томонлар ясалганликнинг кўрсаткичидир (бусиз ясалмалик муносабати бўлмайди): а) сўзнинг формал структураси мураккаблашади (кенгайди: ясовчи элемент ясалмага нисбатан содда бўлади: *иш*—*ишчи*): бу ясалганликнинг ташқи томони; б) маъноси ҳам мураккаблашади. Масалан, *ўроқ* ясалмаси ўз ясовчи сўзига («ўр»га) нисбатан икки томонлама мураккабдир. Лекин конверсияда формал мураккаблашиш маълум бир ташқи—материал

кўрсаткич орқали кенгайиш — узайиш тусида эмас, балки категориал ўзгариш тусида бўлади.

Кўринадики, ясалган сўз билан ясовчи сўз ўзаро ясалмалик муносабати билан боғланган бўлади: буларнинг алоқаси сўз яшаш муносабати саналади. Бу элементлар орасидаги семантик алоқа сезилмас ҳолга келса, орада сўз яшаш муносабати бўлмайди, ясама сўз туб сўзга айланади (содаланиш ҳодисаси). Сўз ясаллиқ структураси деганда, шу икки элемент орасидаги формал ва семантик муносабатларнинг биргалигини, йиғиндисини тушунамиз. Ясама сўзнинг маъноси ясовчи сўзнинг маъносига асосланади: ясалма ўзакнинг маъносини ривожлантиради, ўшандан келиб чиқади: *Уроқ* ясалмасининг маъноси ўриш ҳаракати билан асосланади (мотивланади). Шунга кўра: биринчи элемент асословчи (мотивловчи), иккинчи элемент асосланувчи (мотивланувчи), иккала элементнинг орасидаги муносабат мотивация (мотивлаш, асослаш) муносабати саналади. Демак, «мотивланган» сўзи «ясалган» деган маънони талқин қилади. «Мотивловчи» эса «шунга асос бўлган, шуни яратувчи» деган маънодир. Шунинг учун ҳам ясама сўзнинг маъноси, келиб чиқиши аниқ сезилиб туради (мотивловчи орқали: кўчган маънодаги сўзнинг асл маънодаги сўз орқали сезилиб тургани каби. Масалан, «мард» маъносидаги *хўроз* сўзи «петух» маъносидаги *хўроз* сўздан — (шунинг ясалмаси), лекин туб сўзнинг маъноси бундай эмас: ясама сўзлардаги мотив — составидаги қисмларни ва қарииндош сўзларни чоғиштириб аниқлаш — бунда йўқ. Шунинг учун туб сўзларнинг жуда ками генетик жиҳатдан (тарихий-этимологик текширишлар орқали) аниқланган бўлади: ясамалиги белгиланади.

«Сўзнинг маъноси унинг составидаги қисмларнинг семантик хусусиятлари билан боғлиқ» деган фикр ҳамма вақт ҳам шу қисмларнинг маъноси йиғилиб, ўша сўзнинг маъносини ҳосил қилади, шунга тенг бўлади, деган мазмунни англата бермайди. Бунда икки ҳолат бор: 1. Ясалманинг маъноси кўпинча, қисмларининг маъносидан туғилади (*сувоқ, сувоқчи, сувоқчилик* каби). 2. Ясалманинг маъноси, баъзан, қисмлардан англашилган маъноларнинг йиғиндисидан бошқача бўлади. Масалан, *андаваламоқ* (андава+ла) сўзининг хас-пўшлаш маъноси қисмларнинг асл маъносидан бошқа: бунда идеомативлик бор (бу ҳодиса ясовчи сўзда йўқ). Яна: *қўлқоп* (чоғиштиринг: *шакар қоп*), *темирчи* (эзма маъносида), *ниначи* (жуда «майда» одам: «икир-чикир»ларигача эътибор берадиган одам). Яна: *ўқ илон, ит узум, ит қовун*. Бу мисоллар ясалманинг, асл сўз ясалиш маъносини сақлаш билан бирга, яна бошқача — ўзакда бўлмаган мазмунга ҳам эга бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Баъзан бунинг аксига ўхшаганроқ ҳолни кўрамыз: ясовчи сўз кўп маъноли бўлганда, ясалмада, одатда, унинг ўша ҳолати, ҳамма маъноси сақланмайди. Масалан, *кўп* формасидаги элемент а) феъл *кўпмоқ*: *хамир кўпди*, бўртиб чиқмоқ, б) русча «многo» маъносидаги сўз. Бундан *-чи* аффикси орқали сўз ясаганимизда (*кўпчимоқ*), унинг «многo» маъноси сақланган.

Туб сўз мотивга эга бўлмаганлигидан, у предмет, ҳодиса ва бошқаларни бевосита англатади, ясама сўз мотивланган сўз бўлиб, у восита орқали англатади. Мисоллар: *туз, сув, тарамоқ, оқ* — *тузлуқ* (туз орқали англанади), *сувчи* (сув орқали), *тароқ* (тараш ҳаракати орқали), *оқармоқ* (ранг-тус орқали). Демак, бирор сўзни ясама санаш учун семантик корреляция бўлиши шарт.

Тароқчи сўзи *тароқ* сўзидан ясалган, бунда ясовчи сўзнинг ўзи ҳам аслда ясама (*тароқ* элементи — нисбий: якка ҳолда — ясама сўз, *тароқчи* сўзининг составида — ясовчи сўз). Демак, бундай сўзларда деривация (ясалганлик) даражали — босқичли бўлади: биринчи деривация (*тароқ*), иккинчи деривация (*тароқчи*); учинчи деривация (*тароқчилик*). Буларнинг биринчиси — туб сўздан (ўзакдан) яшаш, иккинчиси — ясама сўздан (негиздан) яшаш, учинчиси — иккинчи ясалмадан (негиздан ҳосил бўлган негиздан) яшаш. Бунда: *тароқчи* — биринчи («бирламчи») негиздан яшаш, *тароқчилик* — иккинчи («иккиламчи») негиздан яшаш. Сўзнинг ясамалигини белгилашда энг кейинги ясалиш ҳисобга олинади: *бичиқчилик* (*бичиқчи* сўзидан ясалган: *бичиқчи* + *лик*), *бичиқчи* (*бичиқ* сўзидан ясалган: *бичиқ* + *чи*), *бичиқ* (*бич* сўзидан ясалган: *бич* + *иқ*), *бич* (ясалмаган: туб сўз, ўзак сўз). Демак, ҳар гал — бир ҳаракат, бир ясалиш: ҳар гал — бир муносабат (ясовчи ва ясалма орасидаги муносабат — сўз яшаш муносабати). Бу ясалиш тизмаси ўз қонуниятларига, изчилликка эга («*бичиқчилик* сўзи *бич* сўзидан ясалган» деб бўлмайди). Лекин бундай ясалиш тизмасида ҳам дастлабки элементнинг (туб сўзнинг) маъноси (*тарамоқ, бичмоқ*) охиргача сезилиб — боғланиб бориши шарт. Қаерда бу боғланиш узилса (сезилмас ҳолга келган бўлса), ўша ерда сўз ясалиш алоқаси ҳам йўқолади.

«Бу сўз қандай ясалган?» деган сўроқ ҳар гал бир бутун, яхлит сўзни, бир процессни кўзда тутаяди («*тўқимачилик* сўзи *тўқимачи* сўзидан ясалган: *тўқимачи* + *лик*»), «бу сўз қандай морфемалардан иборат?» сўроғи эса, сўз яшаш анализини эмас, балки морфематик анализни кўзда тутаяди («*тўқимачилик* сўзи тўрт морфемадан иборат: *тўқи* + *ма* + *чи* + *лик*: *тўқи* — ўзак морфема, қолганлари — аффиксал морфемалар»).

Сўзнинг морфологик қисмларга бўлиниши сўз яшашга ҳам, сўзнинг формасини яшашга ҳам алоқадор: иккаласида ҳам ҳосил қилиш йўли (аффиксация) ва воситаси бир хил. Лекин сўзнинг структурасини ўрганиш — уни қисмларга бўлиш икки хил: морфологик анализ ва сўз яшаш анализи. Морфологик анализ (морфематик анализ деб ҳам юритилади) сўзнинг морфологик структурасини — морфема составини аниқлайди, шунга кўра у морфема анализи деб ҳам юритилади. Бундаги икки қисмга бўлиниш хусусияти «ўзак ва аффикс» тусидаги грамматик зидлик ҳолатидир. Сўз яшаш анализи сўзнинг ясалиш структурасини — ясама сўзнинг структурасини аниқлайди. Бунда: ясовчи ва ясалма, бу икки қисм орасидаги семантик-морфологик муносабат белгиланади. Масалан, *яхшилик* (*яхши* — ясовчи сўз, *яхшилик* — ясалма). Бу аффикс орқали, аф-

фиксация йўли билан ясалишдир. Демак, бу сўз ўзак ва аффиксининг муносабатга киришиши билан ҳосил бўлган. Бундай ясашни дериватология текширади: ўзак+аффикс ёки негиз+аффикс: *нотинчлик*. Бунда аффикс дериватор саналади.

Сўз ва унинг структураси

«Тил — киши алоқасининг энг муҳим воситаси» (В. И. Ленин). Бу алоқада, инсонларнинг ўзаро алоқа — аралашувида, фикрлашувида, энг муҳим вазифани гап ва сўз бажаради: фикрни гап ифода қилади, гап эса сўзлардан тузилади, унинг материали сўздир. Демак, сўз грамматик қурилишининг базаси бўлиб, у тилнинг лексикада ҳам, грамматикада ҳам энг зарур асосий бирлигидир. Сўзлар якка ҳолда предмет, ҳодиса, белги кабиларни билдиради (шулар ҳақидаги тушунчани ифодалайди), шуларни атайди (бу тилнинг номинатив функцияси), лекин фикр баён қилишда у гап составида бўлади: сўз гап составида, нутқда тилнинг фикр баён қилиш воситалари системасидаги ўз функциясини бажаради, шу билан бирга, маъноси яна ҳам конкретлашади (масалан, полисемантик сўз бўлса, шу қўшилишда ўша маънолардан биттасини кўрсатади). Тил, номинатив ва коммуникатив функциялардан ташқари, экспрессив функцияга ҳам эга. Сўзнинг бу функцияни бажаришда ҳам маълум роли бор.

Сўз объектив борлиқдаги предмет ё ҳодисалар ҳақидаги тушунчанинг товуш воситаси билан ифодаланишидир; бу тушунча предмет ё ҳодисанинг онгда аке этишидир. Аниқки, сўз маъносининг асоси онгимиздаги тушунчалар, демак, воқелиқдаги ҳодисалардир: сўз орқали борлиқнинг турли томонлари, кишилиқ жамиятининг, инсоннинг турмуш тажрибалари акс эттирилади. Сўз, маъно ифодалаш билан бирга, эмоцияларни, ҳис-туйғуларни билдириши ҳам мумкин (ундовлар шу хусусиятга эга). Келиб чиқадики, сўз тушунчани ифодалайди ё ҳис-туйғуларни билдиради. Буларнинг ҳаммаси сўзнинг маъно томонидир («Маъно» термини кенг бўлиб, тушунчани ҳам, ҳис-туйғунини ҳам ўз ичига олади). Сўз якка ҳолда билдирган маъносидан ташқари, қўлланишда, нутқ ичида, кўчган маънода ишлатилган бўлиши, эмоционал бўёққа эга бўлиши ҳам мумкин. Масалан, *болам* сўзн *ўрнига бўтам, қўзим, чирғим* дейиш; *жўжаси кўп* (боласи кўп деган маънода), *бу бола — хўроз* (мард маъносидан, бу маънода баъзан *қўчқор* сўзи ҳам ишлатилади), *тирноқ* (фарзанд маъносидан) каби қўллашлар: *бошларим, болагинам, отажон — жон ота, отажоним — жоним отам* сўзларининг маъноси ва турли йўллар билан ифодаланган эмоционал бўёғи.

Англашиладики, сўз маъноси бутун бир система бўлиб, у қўшимча маъноларни ҳам, эмоционал-стилистик оттенкаларни ҳам ўз ичига олади. Бу ҳодиса сўзнинг маъно структураси дейилади. Сўзнинг маъно структураси шу сўз ифодалайдиган маъноларнинг йиғиндиси, сўзнинг бутун маъно системасидир.

Сўзнинг тушунча ва эмоцияларни товуш воситаси билан ифодаланиши унда фонетик томоннинг мавжудлигини кўрсатади. Бу сўз-

нинг материал томони: «Ҳар бир тилнинг материяси товушлардир» (К. Маркс, Ф. Энгельс). Товушнинг ёлғиз ўзи сўзни ташкил қилмайди: сўз маъносиз бўлмайди. Сўзнинг маъноси шу товуш билан ифодаланган мундарижадир. Сўз маъно ва товушнинг— ички (семантик) ва ташқи (формал) томонларининг ажралмас бирлигидан иборат, шу билан бирга, сўз маълум грамматик хусусиятларга ҳам эга: товушлар маълум тушунчани ифодалаб, шу билан бирга, сўзнинг грамматик шаклланишини ҳам кўрсатади.

Сўзда ўзаро боғланган фонетик, лексик-семантик ва грамматик ҳодисаларнинг борлиги унинг фонетика билан ҳам, лексикология билан ҳам алоқадорлигини кўрсатади. Сўзнинг товуш томони: қандай фонемалардан ва қандай йўл билан ташкил топиши, урғу ва бошқа воситалар орқали бир бутун фонетик яхлитликка эга бўлиши, бўғин хусусиятлари; сўзнинг лексик томони: маъноси, бу маънонинг турлари, сўзнинг семантик турлари, келиб чиқиши, қўлланиш хусусиятлари, эмоционал-стилистик бўёғи; сўзнинг грамматик томони: морфемалари (сўзнинг морфемаларга бўлиниши маъно билан бевосита боғлиқ), грамматик формаси ва грамматик маъноси, қайси лексик-грамматик категорияга кириши, гапдаги роли.

Юқоридагилардан сўзнинг шундай характеристикаси келиб чиқади: сўз тилнинг мустақилликка эга бўлган, айрим маъно, эмоцияларни билдирадиган, фонетик ва грамматик жиҳатдан шаклланиган, тугалликка эга бўлган бирлигидир.

Сўзнинг яхлит структурага, айримликка эга эканлиги, гапнинг бирор бўлаги бўлиб келиши унинг бошқа элементлардан, масалан, морфемадан фарқ қилишини кўрсатиб туради (морфема сўз ичиде яшайди, сўз эса — гап ичиде); у ўз айрим хусусиятлари, масалан, ўзига хос тарзда шаклланиши билан сўз бирикмасидан ҳам фарқланади.

Лексика — тилнинг энг ҳаракатчан соҳаси: тилдаги сўзларнинг миқдори қўлланиши ва маънолари ўзгариб турадиган ҳодисалардир (эскирган сўзларнинг йўқолиши, янги сўзларнинг туғилиши, сўзларнинг янги маънода қўлланиши, маънонинг кенгайиши ёки торайиши ва б.), тилларнинг аралашуви — бир-бирига таъсири лексикадан бошланади.

Сўзнинг ўзгариши бир қанча кўринишларга эга: 1. Ички томони (маъноси), ўзгаради. Мисоллар: *отланиш* (аслда: бирор томонга бориш учун отга миниб, тайёр бўлиш, ҳозирги маъноси умуман, бирор жойга боришга тайёрланиш), *ютуқ* (эски маъноси: бирор ўйинда ютилган нарса, янги маъноси: умуман, муваффақият), *туғма* (асл маъноси: туғиш иши билан боғланган), *ақча* (асл маъноси: оқ кумуш танга: «кичик оқ парса». Чоғиштиринг: *қизилча*: бир хил касалликнинг номи). 2. Ташқи (фонетик) томони ўзгаради. Мисоллар: *яқиши, яхши—яхши* (ёқиш феълидан), *ўлтур—ўлтур, япроқ* (асли *япурғақ* формасида бўлган), *қовоқ* (кўзнинг усти, аслда *қапақ* формасида бўлган: қоплаб турувчи). 3. Ҳар икки томони бирга ўзгаради. Мисоллар: *бу кун—бугун, сезган* (сезиш), *сескан* (з-г-с-к) *изла — иста* (з-л-с-т), *оға-ини* (ака-ука), *оғайни* (и унлиси тушган, й товуши орттирилган) — дўст, ўртоқ.

Сўзнинг ички томони жуда ҳаракатчан, тез тараққий қиладиган ҳодисадир: «Сўзнинг товуш томонига нисбатан маъно томони анча тез ўзгаради» (А. А. Потебня). Сўзнинг маъно томони ва унинг ўзгарниши билан боғланган ҳодисалар кўп (сўзнинг умумий ва хусусий маънода ишлатилиши, кўчган маънода қўлланиши, полисемия ва омонимия, буларнинг ўзaro муносабати: бир сўз доирасида қолиш ёки бошқа-бошқа сўзлар туғилиши, ички ўзгарнишнинг — бошқалиқнинг фонетик восита орқали фарқланиш ҳоллари ва бошқалар), бу ўринда мисоллар кўриб ўтамиз. *Ел*: 1. Шамол, 2. Югурмоқ (*қиёсланг: шамолдек югурмоқ, елиб-югуриб* ва *югуриб-елиб*). 3. Тез ривожланиб — тарқалиб кетадиган бир хил касалликнинг номи (*бурнига ел тушди* каби). 4. Касалликдан қолган асар, таъсир (*бу болада қизамиқнинг ели қолган*). 5. *Ел чиқармоқ*. *Тур*: 1. Бирор ҳолатда бўлиш, статика (сен шу ерда тур, мен ҳозир келаман). 2. Динамика, вертикал ҳаракат (ўрнингдан тур). 3. *Мен шу шаҳарда т у р а м а н* (яшайман). 4. *Гапингда т у р*. 5. *Бу кўприк кучли тошқинга т у р и ш берди* (туриб берди; бардош, чидам). *Нок*: 1. *Нок* дарахти. 2. Меваси (*қиёсланг: «ток»*да бошқача ҳолни кўрамиз: ҳосили, меваси бошқа сўз билан аталади: узум). 3. Кўчган маънода: тажрибасиз, хом, «пишмаган». *Гап*: 1. Русча «разговор», «речь», сўз (мажлисда фалон нарса ҳақида гап бўлди). 2. Умуман, бирор хабар (кўпинча — салбий маънода: ёмон хабар, иғво маъноларида). 3. Русча «пир» — йиғилиш — зиёфат. 4. Реал бўлмаган, қуруқ гап (унинг айтгани — фақат гап). 5. «Предложение» (грамматик термин). *Қўл*: 1. Русча «руки», «рука» 2. «Яқин кишиси» деган маъно (бу одам — унинг ўнг қўли). 3. «Мос», «мувофиқ» деган маъно (бу иш унга жуда қўл келди). 4. Иштирок (бу ишда унинг қўли бор). 5. Имзо ва б. *Бош*: 1. Русча «голова». 2. Русча «начало». 3. Русча «конец» (кўчанинг бошига бориб, бир эшикни тақиллатди). 4. Бошлиқ. 5. Ақл, мия (боши яхши ишлайди). 6. Бутун вужуд, гавда (боши омон,...). 7. *Бир бош узум* ва б. *Бор*: 1. Бормоқ, 2. Бор-бор («йўқ, жўна» маъносида: эмоционаллик: болалар нутқида учрайди). *Бот*: 1. *Сувга ботди*. 2. *Унга мош овқат ботмайди*. 3. *Кечаги гап унга сал ботди*. 4. *Енбошига бирор нарса ботяпти* ва б. *Янги марка* (почта маркаси): 1. қоғози, бўёғи... янги (уринмаган, «қобирғаси синмаган» эскирмаган, эзилмаган). 2. Типи янги (масалан, космонавтарга бағишлаб чақирилган марка). 3. Янги замон маркаси (революциядан аввалги эмас, «ўтадиган»).

Юқоридагиларнинг ҳаммаси шундай хулосага олиб келади: сўз шундай белгилар билан характерланади: маъноси, товуш томони (унинг кўпинча маълум фонетик қонунлар асосида ўзарo бириккан, уюшган товушлар комплексидан, баъзангина бир товушдан иборат бўлиши; типик фонетик структураси, урғуси: урғу ҳам шу комплексдаги товушларнинг уюшишига ёрдам қилиб, сўзга фонетик яхлитлик беради), шунингдек, грамматик белгилари. Бу белгилар сўзда уч хил структуранинг бирлашган эканлигини кўрсатади: сўзнинг семантик структураси, сўзнинг фонетик структураси ва сўзнинг морфологик структураси.

Сўзнинг семантик структураси: бу ҳодиса сўз ифодалайдиган маъноларнинг йиғиндисидир: сўзнинг маъноси (предмет ва ҳодисалар ҳақидаги тушунчани ифодалаши — кенг маънода номинатив, аташ функцияси), бундаги маъно оттенкалари, унинг қўшимча эмоционал, стилистик оттенкалари, кўчган маъно, эмоцияларни билдириши. Хуллас, сўз билан ифодаланадиган маънолар бутун бир системадир. (Бунда сўз маъноси иборасини жуда кенг доирада оламиз: у тушунча маъносини ҳам билдиради. Демак, сўз маъноси билан тушунча бир-биридан фарқлидир).

Сўзнинг фонетик структураси: бу ҳодиса сўзнинг типик фонетик хусусиятларидир. Сўзнинг фонетик структураси бир қанча компонентлардан иборат: фонемалари, уларнинг сўздаги ўрни ва бириктиш қонунилари, силлабик структура (бўгин тузилиш қоидалари), акцентологик структура, бу компонентларнинг ўзаро муносабати (масалан, урғу ўрнининг ўзгариши, одатда, шу комплекдаги товушларга таъсир қилади: урғусиз унлининг редукцияга учраши каби), сўзнинг фонетик системасидаги ўзгаришлар (ҳозирги ўзгаришлар ва тарихий ўзгаришлар). Сўзнинг товуш томони, табиий, унинг грамматик томонини ҳам билдириб туради. Ўзбек тилида сўзнинг фонетик структураси ундаги сўзларнинг энг кўпи, асосий қисми, бир ва икки бўғинли сўзлардан иборат эканлиги (бир бўғинли сўзларнинг асосий қисми тарихан кўп маъноли. Масалан, *пақир* сўзи аслида метални, мис, жезни билдирган, бу металдан ишланган челак ва танга — майда чақа пул ҳам шу сўз билан аталган, кейин бу сўзлар орасидаги боғланиш узилиб, лексик омонимлар ҳосил бўлган. Умуман, тилда бир бўғинли сўзларнинг кўп бўлиши ва полисемиянинг кенг тарқалиши. бпри-бири билан боғлиқ), товушларнинг сўз бошида ва сўз, бўғин охирида келиши, маълум бўғинда қўлланиш ёки бирор позицияда қўлланмаслик билан характерланиш, бириктиш хусусиятлари (*л-к, р-т, л-к*: сонор билан жарангсиз ундошнинг бир бўғин доирасида бириктиб кела олиши каби), урғунинг кўпинча боғлиқ бўлиши (сўзнинг охириги бўғинига тушиши), эркин урғунинг ҳам кўринишларга эга эканлиги, бошқа тиллардан кирган сўзларда ва сўзга урғу олмай-диган элементлар (урғусиз аффикслар ва юкламалар) қўшилганда, урғунинг охириги бўғинга тушмаслиги каби ҳодисалардан иборат.

Сўзнинг морфологик структураси: бу ҳодиса сўзнинг морфемаларга, маъно билдирадиган энг кичик қисмларга ажралиш хусусиятларидир: *тер + им + чи + лар + дан* каби.

Бу структураларнинг ҳар бири тиллараро ҳам, бир тилнинг ўз ичида ҳам фарқланади. Уларнинг бир тил доирасида, бир тилнинг ўз ичида фарқланиши тил тараққиётининг турли даврларига кўра, диалект — шеваларга кўра ва стилистик хусусиятларга кўра бўлади. Мисолларни қиёсланг: *ўрт — ўт* (олов маъносидаги *ўт* сўзи аслида *ўрт* формасида бўлган, чоғиштиринг: *ўртанмоқ* ёнмоқ), *увун — ун* (мука), *тиш (таш) + иқ* (ташқарига чиқмоқ, чоғиштиринг: *ичикмоқ* (чиқ) жарангсиз ундошлар орасидаги редукцияга учраган, *и* ундиси тушган, *т — и:* *и*), *бўйинчоқ — мўйинчоқ —*

мунчон; тўкта — тўхта, андин сўнг (эски ўзбек тилида) ундан кейин (ҳозирги тилда); ўқ ва ўқи, экин (адабий тилда) — ўқ ва ўқи, эгин (диалектал форма), андоқ қилодирман, мандоқ қилодурман («ушдай қиламан, бундай қиламан» маъносида: салбий баҳолаш, масхара, мазах, эмоционаллик), кангул («кўнгил» маъносида) қоро: терга тушиб кетди (кучайтириш учун қора сўзи қоро формасида қўлланган).

Мисоллар тил ҳодисаларидаги статика — турғунликнинг абсолют эмаслигини, уларнинг динамик характерда эканлигини, тилдаги нормативликнинг турли типдаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда туғилишини кўрсатади.

Сўзнинг лексик ва грамматик маънолари

Қўзиларни ўтлатдик типдаги биринчи сўз жониворнинг маълум бир турини билдиради, иккинчи сўз эса ҳаракатни (шу предмет билан боғланган ҳаракатни) билдиради. Демак, бу ҳар икки сўз конкрет маънога эга. Бу ҳодиса ўша сўзларнинг лексик маъносидир. Бу маъноларни қўзи ва ўтла элементларининг ўзи англатади. Бу сўзлар, юқоридаги мазмунлар билан бирга, яна шундай маъноларни билдиради: биринчи сўзда кўплик (бир неча қўзи), тушум келишиги формаси билан ифодаланган маъно (шу предметнинг ҳаракат объект эканлиги); иккинчи сўзда шахс-сон (биринчи шахснинг кўплиги), замон (ўтган замон), майл (аниқлик майли), даража (орттирма даража) каби маънолар. Демак, сўзда лексик ва грамматик маъноларнинг бирлигини кўраимиз.

Лексик маъно сўзнинг реал мундарижасидир (предмет, белги, ҳаракат тушунчаларини ифодалаш, эмоцияларни билдириш...); грамматик маъно шу асосий маънога орттирилган қўшимча, йўлдош маънодир (сон, шахс, келишик, замон, майл, ҳаракатнинг бўлишли-бўлишсизлиги кабилар). Булар лексик маънони конкретлаштиради, унинг формал белгилари сўз орасидаги муносабатларни кўрсатади.

Сўзнинг лексик маъноси ўзак-негизнинг ўзи билан ифодаланади, шунинг маъносидир: сўздаги материал қисмнинг маъносидир (қўзи, ўтла: ясовчи аффикслар сўздаги материал қисмнинг ичига қиради). Демак, лексик маъно сўз ясалиши билан, лексикология билан алоқадор.

Сўзнинг лексик маъноси (қўзи, ўтла) шу сўзнинг ўзига хос — конкрет-индивидуал маъноси бўлиб, грамматик маъноси (қўшимча маъно) бир сўзга, шу сўзнинг ўзигагина хос бўлмай, бир қатор ўхшаш сўзларга умумийдир: лексик маъно хусусийлик, махсуслик характерида бўлиб (бу маъно шу сўзнинг ҳамма формаси учун доимий маънодир), грамматик маъно умумийлик характерига эгадир.

Грамматик маънони ифодаловчи воситалар сўз формасини ҳосил қилади (бир сўзнинг турли формалари — грамматик формалар), булар грамматиканинг объектидир.

Сўз ясаш йўллари

Лексика доимий ҳаракатда бўлиб, унинг ривожланиши, бойиш йўллари ҳар хил: бошқа тиллардан сўз олиш, сўз ясаш (*бетончи, атомчи* каби), айрим грамматик категорияларнинг лексикализацияси (*бирдан, тўсатдан, тезда* каби сўзларнинг тўла парадигма кўринишларига эга бўлмай, бутунлигича бир формада «қотиши»), сўз комплексларининг ажралмас, семантик бир бутун ҳолга келиб, бир сўзнинг хусусиятларини эслатувчи сўзга тенг бирлик ҳосил қилиши: фразеологик характердаги бирликлар (*нефтни қайта ишлаш саноати, меҳнат резервлари бошқармаси* каби) ва б. Буларнинг энг асосийлари бошқа тилдан сўз олиш ва сўз ясашдир.

Сўз ясаш — турли воситалар, ҳар хил усуллар орқали янги сўз яратиш — тилнинг ҳамма соҳалари билан боғланган ҳодисадир. Бу процессни — янги сўзларнинг қандай ясалиши мумкинлигини, бу ясашнинг қандай типлари, моделлари, воситалари борлигини, ясалыш техникасини, ясалмаларнинг хилларини, структурасини тилшўнослик фанининг сўз ясалиши бўлими текширади. Янги сўз одатда тилдаги бор материаллардан ҳосил қилинади. Масалан, *эритма* сўзи *эрит* (*эри+т*) ва *-ма* (сўз ясовчи: *қайнатма, иситма* каби) элементларидан сўз ясашнинг маълум модели асосида келиб чиққан. Демак, бунинг янги сўзлиги маълум маънода нисбийдир: материал ва модели аввалдан маълум, лекин ҳосил бўлгани янгидир (тилда тамоман янги сўз ҳосил қилиш учрамайди ҳисоб: товушларни қўшиб, маълум бўлмаган бир «ўзак сўз» яратилганида ҳам, барибир, бор материалдан ясалган саналади; товушлар тилдан олинади).

Сўзнинг ясалган-ясалмаганлигини белгилаш, сўз ясаш анализи, синхроник планда — ҳозирги тил нуқтаи назаридан қаралади. Масалан, *ўроқ* ва *пичоқ* сўзлари, умуман олганда, бир типда, бир хил усулда, бир воситанинг ўзи билан ясалган: аффиксация йўли билан (аффикс қўшиш орқали — морфологик усул билан) ҳосил қилинган. Модели: «февъл ўзаги+қурол оти ясовчи — оқ аффикси»: *ўр+оқ* (ўриш асбобининг оти) *пич+оқ* (пичиш — кесиш асбобининг оти). Шунга қарамай, биринчи сўз ясама саналади: қисмларга бўлинади (*ўр+оқ*), *ўр* ва *ўроқ* ўзаро алоқадор: элементларнинг айримлиги, ҳар бирининг маъноси ва уларнинг алоқа — муносабати сезилади: бу предмет ўриш ҳаракати орқали англашилади; иккинчи сўз туб (ясалмаган) саналади: ҳозир қисмларга бўлинмайди (лекин қадим бу асбоб пичиш ҳаракати орқали уқилган, шу йўл билан келиб чиққан, демак, бу сўз ясама бўлган, морфемаларга ажралган): биринчи элементнинг кесиш маъносидаги аниқлиги, шунингдек, орадаги боғланиш йўқолган («ипи узилган»). Яна: тошлоқ (ажратилади: *тош+лоқ*: тош билан боғланиш бор), қишлоқ (ажратилмайди: энди қиш билан боғланмайди: аслда қишлоқ — қишда яшайдиган жой). Демак, ясама сўзларда янги ҳосил қилинган элемент билан аввалгиси (шунга асос бўлгани) орасидаги алоқа сезилиб туради (*иш* ва *ишичи*, *тунука* ва *тунукачи*; *арра* ва *аррала*, *ўйин* ва *ўйна* каби). Бундан келиб чиқадикки, ҳар

қандай ясалма (ҳосил қилинган — ясалиб чиққан элемент) дастлабки («бирламчи») эмас, балки кейинги («иккиламчи») ҳодисадир: у бошқа бир ҳодисага тобе (маъно ва бошқа жиҳатлардан), унинг семантик ва структурал хусусиятлари ўша дастлабки ҳодиса орқали аниқланади. Сўз ясалиши анализда тарихий, диахроник фактлар зарур бўлиб қолган ўринлардагина, қиёс учун келтирилади, ҳисобга олинади, лекин асосга олинмайди.

Сўз ясашининг воситалари ҳар хил. Масалан, *кранчи* (яшаш воситаси: аффикс); *фотожурнал*, *кинолента* (сўзларни қўшиш йўли билан ясалган); *МТС* (қисқартириш йўли билан ясалган: *машина-трактор станцияси*); *олдингилар*, (сифатни отга кўчириш ва отга қўшилаётган -лар аффиксини келтириш билан: *олдинги одамлар* масалан, *олдинги теримчилар* — *олдингилар*); *ака* ва *ука*, *бўз* ва *бўр* (*бўз* сўзи оқ тусни билдиради: *ранги бўзарди* — оқарди каби, оқ тусли материя ҳам бўз дейилган); *бўр* сўзи ҳам оқ, оқниш предметни билдиради: *бўр* — мел, *бўри* — оқиш рангдаги жонивор, демак, қадим *бўр* ва *бўз* сўзлари бир-бири билан алоқадор бўлган, улар товуш ўзгариши (р-з) йўли билан бир-биридан фарқланган — ясалган. Яна: *кўр* ва *кўз*, *семир* ва *семиз*. *қимир* (*қимир-қимир*) ва *қимиз*; *бош бола* қўшилмасидаги *бош* сўзи «бириши, бошлангич, дастлабки, тўнгич» маъносини билдиради. Бу сўз аслда «голова» маъносидаги *бош* сўзи билан боғлиқ (*бош* — гавданинг бошланиши, *бош бола* — наслининг бошланиши), кейинроқ бу маънолар орасидаги бошланиш йўқолиб, натижада, булар икки айрим-айрим сўз бўлиб кетган. Яна: *оёқ* — «ноги», *оёқ //одоқ// одош* — бирор нарсаининг охири, сўнгги, тугалиш қисми; *пақир* (*бақир*): аслда металл маъноси (жез) — *челак* (челак металдан ясалган) — *пул* (арх., майда пул — бу ҳам металдан): булар ҳозир омонимлар. Демак, полисемиянинг йўқолиши ва омонимияга ўтиш йўли билан бошқа сўз келиб чиққан.

Мисоллар кўрсатадиги, ўзбек тилида сўз ясашининг воситалари ҳар хил бўлиб, уларнинг типлари шундай кўринишларга эга: морфологик тип (сўз ясашининг морфологик йўли), лексик-семантик тип (сўз ясашининг лексик-семантик йўли), морфологик-синтактик тип (сўз ясашининг морфологик-синтактик йўли), фонетик тип (сўз ясашининг фонетик йўли). Демак, сўз яшаш: 1. Грамматик сўз яшаш (аффикс «ёрдами билан яшаш—аффиксация, сўз қўшиш йўли билан яшаш — композиция сўзни бир лексик-грамматик категориядан бошқасига, бошқа туркумга кўчириш — категориал кўчириш йўли билан яшаш — конверсия). 2. Лексик-семантик сўз яшаш (маъно ўзгариши орқали янги сўзнинг ҳосил бўлиши). 3. Фонетик сўз яшаш (фонетик воситалар — ҳар хил фонетик ўзгаришлар ёрдами билан яшаш) тусида бўлади. 4.

Ҳозирги замон ўзбек тилида сўз ясашининг кенг қўлланиладиган энг ушумли, етакчи типлари аффиксал йўл ва композиция — сўз қўшиш йўлидир. Бу усуллар орқали содда, ясама сўзлар ва қўшма сўзлар ҳосил қилинади. Бу йўллар билан ясалишда — янги сўз ҳосил қилишда, биричидан, семантик бошқалик (масалан, аф-

фиксацияда: ясовчи ўзак-негизнинг маъносидан жиддий фарқланадиган янги маъно), иккинчидан, фонетик бошқалик (масалан, фонетик жиҳатдан кенгайиш) келиб чиқади. Мисолларни қиёсланг: *сувоқчи* (*сувоқ+чи*), *бронтешар* (*брон+тешар*). Демак, бу жиҳатдан содда ясама сўзлар ва қўшма сўзлар ўхшашликка эга. Лекин бу хусусият (янги маъно ва фонетик комплекснинг туғилиши) сўзнинг ясалганлигини кўрсатадиган ягона — умумий белги эмас: лексик-семантик, морфологик-синтактик каби ясашлар бу хусусиятга эга эмас. Лексик-семантик ясалишда фақат семантик бошқалик бор, морфологик-синтактик ясалишда эса, грамматик ва қисман семантик бошқалик бор. Демак, буларнинг ҳар иккаласида ҳам фонетик бошқалик учрамайди. Келиб чиқадики, умуман олганда, ҳар қандай ясалишда формал, фонетик бошқалик — янги товуш комплекси бўлиши шарт эмас, ясашнинг ҳамма типини ўз ичига оладиган умумий белги — чегара йўқ, бу белги ҳар бир турнинг ўзига қараб белгиланади, айрим типлар орасида турли даражадаги ўхшашликлар учрайди.

Ҳамма типдаги сўз ясалиши учун умумий белги янги лексема ҳосил қилишдир. (Умумийлик икки элемент орасида алоқа бўлишидир). Лекин бу лексема (лексик единица, сўз) ўз мотивини сақлаши — шу ясалишга асос бўлган элемент билан (масалан, ясовчи ўзак-негиз билан) боғланган бўлиши, бу боғланишнинг сезилиб туриши шарт (бетончи, темирчи каби); Бу жиҳатдан қараганда, лексик-семантик йўл билан ясаш ҳодисаси янги сўз ясаш тилига ўхшайди. Лексик-семантик йўл билан ясаш сўз маъносининг ўзгариши, маънонинг кўчиши, полисемантик сўзнинг айрим маънолари орасидаги боғланиш йўқолиб («алоқа — ип» узилиб), айримларининг махсусланиши, шу полисемия асосида омонимлар — айрим-айрим сўзлар туғилишидир. Масалан, *тўз* сўзи ҳам от (ниль), ҳам феъл (тўзмоқ, тўзғиноқ) бўлиб, бу икки суз тарихий планда ўзаро боғлиқ (ҳаракат ва шу ҳаракат билан боғланган иредмет) полисемантик характердаги бир сўзdir. Яна мисоллар: *тош* (бирор нарсанинг сирти: от ва тоши ичидан сиртига — тошига чиқиш: феъл), *ич* (ички қисм: от ва ичга тортмоқ — ичга олмоқ; ичмоқ — феъл; бундай ўринларда ҳам лексик омонимияни, ҳам грамматик омонимияни кўраимиз), *бел* (жонлиларнинг бели — организмнинг ўрта қисми ва довои, перевал: тоғ йўлининг ўрта қисми), *қари* (қўлнинг юқори қисми ва ўлчов бирлиги: узунлик ўлчови; ҳар икки сўз ҳам архаик, тарихий боғланиши: қадим тўқилган материални қўл билан ўлчаганлар. Қиёсланг: *бўзчининг тушига икки қари бўз кирар*, (Мақол); *қарич сўзи* асда шундан келиб чиққан (*қари+ч*: кичрайтиш аффикси). Кўринадики, бундай ўзгариш ҳам тилда сўзнинг миқдорини кўпайтириш йўлларидаан бири, лекин бу ҳодиса, биринчидан, тарихий планда бўлади, аста-секин юз берадиган ўзгариш натижасида туғилади, иккинчидан, ясашга асос бўлган элемент билан боғланишини сақламайди, шунга кўра у лексикологиянинг бир қисми, лексикани бойитиш йўлларидаан бири сифатида қараладиган

ходиса бўлиб, унинг сўз яшаш йўли сифатида қаралиши жуда ҳам шартлидир.

Ясалган сўзнинг яшашга асос бўлган элементга муносабати дериват лексемадаги (ясалган сўздаги) янгиликнинг даражаси, сўз яшаш типига қараб ҳар хил бўлади, лекин яшашдаги семантик ўзгариш, бошқалик янги лексик бирликни ажратишга асос берадиган даражада бўлиши зарур. Масалан, *-ча*, *-роқ*, *-иш* каби аффикслар форма ясовчи бўлиб, улар лексик маънога жиддий ўзгариш киритмайди, грамматик маънони ифодалайди (синтактик бўлмаган формани ҳосил қилади), демак, *қисқа+ча*, *ката+роқ*, *оқ+иш* каби кўринишлар сўз ясалиш ҳодисаси саналмайди. Қиёсланг: *қиз+ча* (форма ясалиши) — *қизил+ча* (сўз ясалиши: *-ча* аффикси бу ўринда, кичиклик маъносини сақлаш билан бирга, сўз туркумини ҳам ўзгартиради: сифатдан от ҳосил қилади).

Сўз яшаш ҳодисасининг сўзнинг лексик-грамматик категориялари (сўз туркумлари) билан алоқаси унинг бу категорияларга кўра фарқланишида, қўлланиш доирасининг ҳар хиллигида аниқ кўринади: ясовчи аффиксларнинг кўпи сўзга категориал ўзгариш киритади: бир туркумдан бошқа туркумга кўчиради (бу ҳодиса ташқи ясалиш саналади; отдан сифат яшаш, сифатдан от яшаш, феълдан от яшаш, сифат, от ва ундовлардан феъл яшаш каби); ички ясалиш (туркумни ўзгартирмай яшаш, *тунука+чи* каби) нисбатан кам тарқалган бўлиб, у, асосан, от категорияси билан чегараланди; аббревация, қисқартиш йўли билан ҳосил қилиш ҳам отларга хосдир; конверсия, туркумни кўчириш, ташқи ясалиш характерига эга; от, сифат ва феълларда аффиксация ҳам, композиция ҳам кенг қўлланади, сонларда эса аффиксал ясалиш учрамайди, бу ҳодиса олмош ва ундов, тақлид сўзларда ҳам йўқ ҳисоб.

Сўз яшаш типлари ва ҳар бир типнинг моделлари аралаш ҳолда ҳам қўлланади. Масалан, аффиксациянинг «ўзак+суффикс» ва «префикс+ўзак-негиз» моделларининг бир сўзда учраши: «префикс+ўзак+суффикс» (*контрразведкачи*, *нотинчлик*, *бейхизовлик* каби; бу моделда сўз яшаш, маълум сабабларга кўра жуда кам учрайди); *музёра*, *отбоқар*, *товонтешар*, *тиллатопар*, *бешиктерватар* (ҳашарот отлари) каби сўзларда композиция — сўз қўшиш ҳам конверсия — категориал кўчиш ҳам бор (субстантивация — отлашиш), *қўшқулоқ*, *мингоёқ*, *қўйкўз* каби ясалмаларда ҳам шундай: қўшқулоқли идиш — қўшқулоқ: эгалик билдирадиган *-ли* аффикси бундай конструкцияларда кўпинча қўлланмайди. Қиёсланг: «*Қарчиғай чангаллим, сенга йўл бўлсин?* (Фозил Йўлдош, *-ли* аффикси қўлланган).

Тарихий жиҳатдан қараганимизда, аффиксация йўли композициядан туғилган: *ўзак+ўзак* → *ўзак+аффикс* (ёки: *аффикс+ўзак*): аффикслар аслда мустақил сўзлардан келиб чиққан: *ошхона*, *ишхона*, *товуқхона*, *молхона*, *қабулхона*, *пивохона*; *Ҳалқобод*, *Ленинобод*, *Кировобод* каби отлардаги *хона* ва *обод* компонентларининг аффиксга томон силжиётганлигини қиёсланг. Демак,

сўз ясашиши (сўз ясаш йўллари, моделлари, уларнинг актив-пассивлиги ва бошқалар) тарихан, тил тарихининг турли даврларига кўра, ўсиб-ўзгариб турувчи ҳодисадир. Қуйидагиларни қиёсланг: қадимги *-лаю (-ла+ю)* аффиксининг функциясини (ўхшатиш маъносини ифодалаш: *қазлаю* — ғозга ўхшаб, ғоз бўлиб, ғоз каби) ҳозирги тилда бошқа воситалар бажаради; ҳозирги тилда талаб натижасида бир қанча аффиксларнинг қўлланиши жуда кенгайиб кетган, сўз қўшиш йўли ҳам кенг ривожланган, қисқартиб ясаш йўли туғилган; фонетик ясаш (қадимги) ҳозирги тилда ясаш йўли эмас ва б.

Сўз қўшиб ясашга жуда яқин турган ясаш типларидан бири лексик-синтактик йўл билан ҳосил қилишдир. Бунда янги сўзнинг пайдо бўлиши сўз бирикмасининг, айрим гапларнинг, ундаги элементларнинг тамоман қўшилиб-битиб кетиб, бир бутунлик ҳосил қилиши характерида бўлади. Масалан, *ҳолбуки* (аслда: эга ва кесим), *ўзи билармон* (ўзи — билармон) — *ўзбилармонлик*, *барибир* (*бари* — эга, *бир* — кесим). Кўринадики, бундай ясаш фразеологизм билан ҳам боғлиқ бўлиб, янги сўз ясаш сўз бирикмаларини ва гапларни лексикализация қилиш натижасида пайдо бўлади. Бу йўл билан ясашда аффиксация ҳам, конверсия ҳам иштирок эта олади. Масалан, *бола даладан қайтаётганлигини эшитиб, онаси жуда севинди*. (Бундай «бутунлашда» кўпинча *-лик: -лиг+и* аффикси қўлланади).

Калькаләш (лексик калька: бошқа лексик-семантик модели асосида янги сўз ҳосил қилиш) ҳам сўз ясашнинг бир йўлидир. Масалан, *тилчак* (техника термини) рус тилидаги «язычок» терминининг ўзбекча калькаси (язык — тил, -ок: кичрайтириш аффикси: *-чак*). Калькаләш оддий таржима эмас (бунда ўша сўзга мос келадиган сўз қўйилади: *лист — япроқ, рука — қўл, лицо — юз*), чунки калькаләшда янги сўз туғилади. Демак, калькаләшда тушунчанинг ўзи бошқа тилдан олинади ва ўша тилда шу тушунчани ифодаловчи сўзга қараб янги сўз ясалади, лекин бу ясашнинг материали — морфемалари шу тилнинг ўзиники бўлади: янги сўз бошқа тилнинг таъсири билан келиб чиқади.) Калькаләшдаги таржима қисмма-қисм, морфемалар бўйича таржима қилишдир. Масалан, *ледокол — музёрач (лёд — муз, колоть — ёрмоқ), топливо — ёқилғи (топить — ёқмоқ), двенадцатипёрстная кишка — ўн икки бармоқли ичак (двенадцать — ўн икки, пёрст — бармоқ, кишка — ичак), опрыскиватель — чанглагич (опрыскивать — чангламоқ, пыль — чанг), раствор — эритма (растопливать — эритмоқ), находка — топилма (найтись — топилмоқ), кровяное давление — қон босими (кровь — қон, давление — босим), костный туберкулёз — суяк сили (кост — суяк, туберкулёз — сил), полость рта — оғиз бўшлиғи (полость — бўшлиқ, рот — оғиз), согласный — ундош (голос — ун, овоз), ударение — урғу (ударить — урмоқ, удар — уриш, зарб) ва б. Ўзбек тили лексикасининг бойишида, айниқса, илмий терминологиянинг шаклланишида ва ривожланишида, рус тилидан олинган сўзларнинг, шунингдек, калька-*



лашнинг аҳамияти жуда катта. Қийёсланг: *гласный* — *унли* (голос — ун, овоз), *звонкий* — *жарангли* (звон — жаранг), *ископаемое* — *қазилма* (*копать* — қазимоқ), *определение* — *аниқловчи* (определить — аниқлаш), *дополнение* — *тўлдирувчи* (дополнить — тўлдиrhoмоқ), *отделение* — *бўлим, бўлирма* (отделять — бўлиш, ажратиш), *управление* — *бошқарма* (управлять — бошқариш), *напоминание* — *эслатма* (напомнить — эслатмоқ), *навык* — *кўникма* (привыкать — кўникмоқ), *ученик* — *ўқувчи* (учиться — ўқимоқ), *истребитель* — *қирувчи* (истреблять — қирмоқ), *путеводная звезда* — *йўлчи юлдуз* (путь — йўл, звезда — юлдуз) ва б.

Қалыкалашнинг бошқача кўринишлари ҳам бор: масалан, ўзбек тилида бир қанча сўзлар шу маънода қўлланадиган русча сўзларнинг маъноларига қараб, янги маънолар олиб, семантик жиҳатдан кенгайган (семантик калька). Мисоллар: *аккумулятор ўтириб қолди* (ўтирди — сел, жонли сўзлашув нутқидан), *бу хаваскор шофёр экзаменда йиқилди* («Муштум»). *Йиқилди* — провалился; *у яхши ўқийди, думи йўқ* (дум — хвост; қарз — задолженность), *қуён* — билетсиз пассажир (*қуён* — заяц).

Фонетик йўл билан сўз ясаш икки ҳодисани кўзда тутати: 1. Сўзнинг составида фонетик ўзгариш қилиш орқали янги сўз яратиш. Масалан, *тун* ва *кун*, *бит* (*яраси битди*, *экин битди*, *иш битди* — тугалланди) ва *бут* (тугал, феъла ва сифат), *ака* ва *ука*, *ота* (*ота*) ва *ада*. 2. Урғунинг ўрничи ўзгартириш йўли билан ясаш. Масалан, *янги* — урғуси кейинги бўғинда: «новый» маъносида (сифат) — *янги* (урғуси бош бўғинга кўчган) «сейчас, только-что» (равиш); *ҳозир* (тайёр) — *ҳозир* (v *ҳозир* кетди, у *ҳозир* келди: равиш). Кўринадик, бунда лексик урғунинг ўз ўрничи ўзгартириши — фонетик бошқалик сўзнинг маъносига, категориал турига таъсир қилиб, янги лексема ҳосил қилиш воситаси бўлган.

Биринчи йўл билан ясаш қадимги ҳодисалардан бўлиб, ҳозирги тилда қўлланмайди, лекин қадимда ҳам кенг тарқалган эмас. Бу йўлнинг асосий характери аслда шундан иборатки, предмет, ҳодисалар, ҳаракатлар, ажралиб-фарқланиб бориши билан уларнинг номлари ҳам фарқлана борган. Масалан, бир сўз ҳам предметнинг ўзини, ҳам унинг ҳаракатини билдирган бўлса, кейинроқ булар ўзакнинг фонетик составини ўзгартириш орқали икки сўзга айланган (*ака-ука*, *бўр* — *бўз*, *кўр* — *кўз*). Бунда турли фонетик воситалардан фойдаланилган: товуш алмаштириш (фонетик шариот билан боғлиқ бўлган товуш алмашишлар бундан бошқа), товушларнинг қаттиқ-юмшоқлиги, унлиларнинг узун-қисқалиги, ундошларнинг такрорланиши, товушларнинг ўрич алмаштириши каби. Булар, асосан, фонетик вариантлардан (масалан, сўзларнинг шеваларга кўра бўлган фонетик вариантларидан) семантик дифференциация учун (шунингдек, маъно оттенкаларини, стилистик бошқаликларни билдириш учун ҳам) фойдаланиш тусида бўлган. Мисолларни чоғштириш: *кўп-кўп* (аслда икки вариантдаги бир сўз бўлган: *кўп-кўп* — *кўпаймоқ*, *ортмоқ*, *кўтарилмоқ*; *хамир кўпди*, *хамир кўпчиди*, *кўпик* — *кўп+ик*, ҳозирги тилда: *кўп* —

Феъл: *кўп* — сифат, *қўп* — феъл: *кўприкни қўпорди*, тоғ динамит билан *қўпорилди*, бола *ўрнидан турди* — *қўлди*: диалектал чоғиштиринг: *йук* ва *йук* ўзаклари: *йук + қори* — *йукқори*, *йук + са + к* — *йук + са + л*, *сиқ* — *суқ* (сиқилди — суқилди), *қис* — *сиқ* (*кўзи қиссиқ*, *қисқичбақа...* ит думини *қисиб...* бир *сиқим* ва бир қисим, *сиқиб чиқармоқ*, *қисимлаб*), *ёз* — *ёй*, (*ёй* сўзи қадимдан кўламни билдирган), *тош* — *тиш* (қаттиқлик жиҳатдан ўхшаш), *оёқ* (ноги) — *адоқ* (ноги ва конец), *қозон* — *қозғон* — *қосқон* (қозоннинг тури), *сила* — *сийла* (оддий силаш ҳам эркалаш, ҳурматлаш билан боғланади), *изда* — *иста*, *юр* — *джур* (ҳар иккиси бир шевада учраганда кейингиси кучайтириш оттенкасига эга бўлади), *қатиқ* — *қаттиқ* (ҳар иккаласи ҳам аслда қотган маъноси билан боғлиқ) *йўқ* (юқори) — *қуй* (қуйи: паст), *чўк* (пастга қараб ҳаракат) — *кўч* (юқорига қараб кўзғалиш) *чириди* — *чуриди*, *увиди* — *увиди*, *ёқ* (томош, тараф — душман) — *ёв* (душман), *йўл* — *йўр* ва *йўр* (чоғиштиринг: *йўр + га + ла*, *йўр + га от*, *йўр + т + иш*, *йўр + т + ма + чоқ*), *йир* (моқ) — *йор* (моқ). Чоғиштиринг: *йир + т*, *йирик* ва *йырық*, *йирик* ва *ёриқ* (*йорилган*). Қиёсланг: рус тилида *ноготь* (тирноқ) — *коготь* (чангал, парранданинг тирноғи, масалан, қарчиғайнинг чангали). Мисоллар кўрсатадики, бу йўл дастлаб, асосан, вариантлардан фарқлаш мақсадида фойдаланиш билан боғлиқ. Бунинг натижаси сўз ясашга, форма ясашга олиб келганидек, салғица фарқ қилиш (кичик семантик-стилистик оттенок) ё диалектал фарқни кўрсатиш характерида ҳам бўлади. Буларнинг ҳаммаси қадимда сўзнинг фонетик турғунлигининг нисбатан кучсизлигини, вариантларнинг кўплигини ва айрим фонетик ўзгаришларнинг маъно билан ҳам боғлиқ бўлганлигини кўрсатади.

Иккинчи йўл билан ясаш туб сўзларни фарқлаш тарзида (янги-янги) учрамайди ҳисоб, у кўпроқ нисбатан бир тусдаги аффиксларни ёки аффикс ва шу тусдаги юкламаларни ажратиш, шу йўл билан сўзларни фарқлаш характерида бўлади: *сузма* (от, -ма: от ва сифат ясовчи) — *сўзма* (феъл: -ма: инкор белгиси), *қизгин* (-гина: эркалаш белгиси) — *қўзгина* (-гина: чегаралаш юкламаси, «фақат»), *йўин + а йўна* (-а: феъл ясовчи аффикс) — *йўин-а* (-а: таъкид, таажжуб, сўроқ каби маъноларни ифодаловчи юклама. Бу ўринда шу нарса ҳам характерлики, аффикс қўшилганда, ўзакдаги тор унли тушади, лекин юклама билан бириктишда тушмайди), *гулсиз* (-сиз: инкор, йўқлик белгиси) — *гулсиз* (-сиз: предикативлик белгиси: *болалар, сиз гулсиз*), *қуш* (*қуш*) — *қўш* (*қуш*), *қуш* (*қуш*) ва б.

Кўрсатиб ўтилган сўз ясаш типлари ўзбек тилида сўз ясаш йўллариининг умумий кўринишидир. Биз сўз ясашнинг ҳозирги замон ўзбек тилидаги унумли типларинигина кўриб ўтамиз. Булар — аффиксация ва композиция — билан бирга, кўчириб ясаш йўли билан ҳам қисман танишамиз. Мисолларни қиёсланг: *олдингилар* (бирор ишда олдинда бораётган одамлар: *олдинги одамлар*), *қолоқлар* (қолоқ одамлар).

Содда сўзлар

Сўзлар структурасига кўра содда ёки қўшма бўлади. Бу турларнинг ҳар бири ўз ичида яна турлича классификация қилинади. Сўзнинг бу структурал типлари — сўз яшашнинг йўлларига кўра турлари бўлиб, уларнинг лексик-семантик, грамматик хусусиятлари, моделлари хилма-хилдир.

Содда сўзлар икки хил: туб сўзлар (ясалмаган сўзлар) ва ясама сўзлар (аффикс орқали ҳосил бўлган сўзлар).

Ўзбек тилида содда сўзларнинг тараққиёт йўли ўзак, негиз ва аффиксларнинг ҳаёт йўли билан, уларнинг хусусиятлари билан, шунингдек, сўз туркумларининг баъзи томонлари билан боғланади. Қуйида шунга доир айрим нуқталарни кўриб ўтамиз.

1. Аффикс орқали сўз яшаш ўзбек тилида илгаридан сўз яшашнинг энг актив йўли бўлиб келади. Лекин бу ҳодиса Октябрь революциясидан кейинги ўзбек тилида қиёс қилиб бўлмайдиган даражада тез ва кенг масштабда тараққий қилди. Масалан, *-чи* (*-чилик*), *-ли*, *-ла* (*-лаштириш*) каби аффикслар ёрдами билан яшаш авж олди (айниқса янги кирган сўзлардан яшаш). Бу ҳодисанинг сабаби Совет даврида турмушдаги революцион, сиёсий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар, юксалиш билан боғлиқ равишда ўзбек тилининг ривож топиши, унинг ижтимоий функциясининг кенгайишидир. Ҳаётнинг тараққиёти натижасида янги сўзларга талаб кучайди, бу эҳтиёж ўзбек тили сўз яшаш системасини ўстирди, бойитди: жуда кўп янги сўзлар пайдо бўлди. Бу сўзларнинг ясалишида рус тилидан калькалалаш катта аҳамиятга эга бўлди.

2. Дунёнинг деярли ҳамма тилларида сўз яшаш ва сўз формаси ҳосил қилишнинг етакчи *воситаси* бўлган аффиксация ўзбек тилида суффиксация характердадир (унда инфикс орқали яшашнинг йўқлиги, префиксларнинг бошқа тиллардан олинганлиги юқорида айтилган эди). Префикслар ясовчи аффикс характерда бўлиб, уларнинг қўлланиш доираси тор, уларнинг синонимлари актив (*бақувват* — *қувватли*, *барвақт* — *вақгли*, *беақл* — *ақлсиз*, *бетиним* — *тинимсиз*, *бетўхтов* — *тўхтовсиз*, *бесўроқ* — *сўроқсиз*, *нойрин* — *ўринсиз*).

Суффиксал сўз яшаш ҳодисаси, айтиқса от ва сифатларда кучли: *сувоқчи*, *теримчи*, *комбайнчи*, *газчи*, *водопроводчи*, *сутчи* каби. Қиёсланг: *аррала*, *винтла* (фезьла).

3. Форма ясовчи аффикслар, айтиқса сўз ўзгартувчилар, сўз туркумларини, от ва фезьл группаларини фарқлашда сигнализаторлик вазифасини бажаради. Лекин бунда формал жиҳатдан бир хил бўлган аффикслар ҳам учрайди. Масалан, *-лар* аффикси, бир томондан, от туркумининг форма ясовчиси ва сўз ўргартувчиси, иккинчи томондан, фезьлнинг тусловчиси (*Болалар кўчатларни экдилар*). Ясовчи аффикслар ҳам, кўпинча маълум группанинг сигнали сифатида бўлади. Масалан, *-ла* аффикси фезьллик белгиси (ясама фезьл). Бунда икки ҳолат бор: 1) аффикс сўзга категориял ўзгариш киритади, бир туркумни бошқа туркумга кўчиради,

шу кўчиришнинг воситаси саналади. Масалан, *тинчлик* (от), *мева-ли* (сифат), *ўғитла* (фезл). 2) категориал ўзгариш киритмайди. Масалан, *тракторчи, ишчи* (Лекин тарихий планда бу сифатга «кўчириш» бўлган: бунда предмет маъноси ҳам, белги маъноси ҳам бор: шахс белгиси орқали ифодаланган: *тракторчи* — трактор билан иш қиладиган одам, *ишчи* — иш билан шуғулланадиган одам). Бир аффикс бир неча туркумнинг кўрсаткичи сифатида, ҳам сўз яшаш, ҳам форма яшаш воситаси сифатида қўлланадиган бўлса, у аффиксал омонимия ё аффиксал полисемия билан боғлиқ бўлади. Масалан, *чуғурчуқ, тўй+чуқ* (кичик тўй) ва *қопчиқ, ён-чиқ* (*кармон*), *ўр+оқ, ёт+оқ* ва *ўтр+оқ* кичрайтиш маъноси билан боғланган аффиксларнинг сўз ясовчилик ва форма ясовчилик функцияси: *қизилча* (лавлагининг тури ва касаллик номи) — *қисқа-ча; қўлчиқ* ва *тилчак* (техникага оид терминлар): кичрайтиш маъноси ҳозирги замон тилида кўпроқ аналитик йўл билан ифодаланади: *кичик дарё, кичик тоғ* (*паст тоғ*), *кичик кўл* каби.

4. Аффикс орқали яшаш ўзакдан негиз яратиш ёки бир негиздан бошқа негиз ҳосил қилиш бўлади. Бу икки хил морфеманинг қўшилишидир (деривация: аффиксал сўз ясалishi. Қиёсланг: **реляция: сўз формасини ҳосил қилиш**). Бу икки хиллик қўшма ўзакдан яшашда ҳам сақланади. Масалан, *кўзойнак+ли*. Қиёсланг: *Қарчиғай чангалим, сенга йўл бўлсин?* (Фозил Йўлдош, *қарчиғай. чангал+ли+м*). Демак, ясама сўз ҳосил қилиш шундай кўринишларга эга: 1. Ўзакдан яшаш (*темир+чи*): биринчи деривация (биринчи негиз). 2. Негиздан яшаш (*терим+чи*): иккинчи деривация (иккинчи негиз); *теримчи+лик*: учинчи деривация (учинчи негиз). 3. Қўшма ўзакдан яшаш (*шаршар+ак, манман-лик, темир йўлчи*).

Сўзнинг морфематик анализида унинг умуман состави, морфемалари аниқланса (*ўқи-т-ув-чи-лик*), сўз яшаш анализида сўз ясалма сифатида икки қисмга ажратиб қаралади: *тер+им* (ясовчи ўзак+ясовчи аффикс), *терим+чи* (ясовчи негиз+ясовчи аффикс): *терим* — ясама сўз, бироқ теримчилик сўзига нисбатан — ясовчи негиз: биринчи ясовчи негиз. Яна: *теримчи+лик* (теримчи: иккинчи ясама негиз), *ўқитувчи+лик; шаршар-ак*. Кўринадикки, сўз яшаш анализида сўзнинг формал қисмини ташкил қиладиган элементлар текширилмайди: *катта-роқ, ўрта-ча, оқ-иш* каби ажратишлар сўз яшаш анализи эмас, чунки бундаги аффиксларда лексик маънони ўзгартиришдан кўра грамматик функцияни бажариш устундир: булар грамматик формани кўрсатади, бу тусдаги аффиксация лексема ҳосил қилмайди.

Аффиксация сўз яшашнинг энг унумли типи бўлса ҳам, лекин унинг унумсиз моделлари ҳам бор. Масалан, *-чи* аффикси билан яшаш — энг актив, энг унумли, *-ма* аффикси орқали яшаш — камунум, *кўр+к, севин+ч, тин+ч, тинч+и* каби яшашлар унумсиздир.

5. Бошқа тиллардан кирган ясовчилар, дастлаб, олинган сўзларнинг составида учрайди (икки хил морфеманинг ҳар бири ало-

ҳида ўқилгандагина ажратилади), улар кейинроқ шу тилдаги ўзак-негиздан ҳам ясаши мумкин.

6. Сўз ясовчи аффиксларнинг қўлланиш доираси сўз ўзгартувчи аффиксларникига нисбатан торроқ. Масалан, деярни ҳамма феъл туслашиб, тўла парадигмани ҳосил қилади, лекин ҳамма феълдан ҳам аффикс орқали сифат ясала бермайди. Шунингдек, айрим сўз туркумларидан яшаш жуда кам учрайди: [отларда ташқи ясалиш (от бўлмаган сўзлардан яшаш) ҳам, ички ясалиш (отнинг ўзидан яшаш) ҳам кучли, бундан бошқа сўз туркумларида ички ясалиш йўқ ҳисоб; от, сифат, феъллар орасида бир-бирдан ясалиш (ташқи ясалиш) кучли: мимемалардан от, сифат ва феъл яшаш ҳам шундай; лекин мимема, сон ва олмошларнинг бошқа туркумдаги сўздан ясалмаслиги асосий ҳолатдир; олмош ва сонлардан феъл яшаш жуда кам учрайди (*сизла, сенла, сенсира, сизсира, иккилан, бирлаш*)] ва б.

7. Ясовчи аффиксларда полифункционаллик, полисемантиклик ва омонимлик ҳолати (оморфемалар) анча кенг тарқалган. Масалан, *-қ* аффикси: от ясовчи (қурол оти: *ўроқ — тароқ*; бажарувчи шахс оти: *қароқ — кўз*, процесс оти: *сўроқ*, натижа оти: *чизиқ* ва б.), сифат ясовчи (*очиқ, ёпиқ, ёниқ, тарқоқ* ва б.), феъл ясовчи (*чиниқ, йўлиқ* ва б.); *-чи*: *теримчи* (отдан ясалган) *аълочи* (сифатдан ясалган), *юзмингчи* (сондан ясалган), *манманчи* (олмошдан ясалган); *-моқ*: феълдан от ясайди (*қуймоқ — яичица*) — феълнинг функционал формасини ҳосил қилади (*қуймоқ — лить*); *-қич*: *қисқич* (ҳаракат қуролининг сти ёки бажарувчи шахсининг оти; қиёсланг: *қисқичбақа*) — *сўрғич* (ҳаракат объекти номин сўрладиган предмет) ва б. Айрим аффиксларнинг фарқлиниш ҳолати урғу орқали ҳам билинади. Масалан, *сизсиз* (урғу охириги бўғинда: *тўй сизсиз* ўтмайди, *-сиз* — ясовчи аффикс) — *сизсиз* (урғу биринчи бўғинда: *семинарнинг раҳбари Сизсиз*, — *сиз* — сўз ўзгартувчи аффикс; бу ҳол-*сиз* аффиксини *сиз* олмошидан ҳам фарқлайди).

Баъзан содда аффикс билан қўшма аффикс орасида ҳам формал ўхшашлик туғилиб қолади. Масалан, *бошланғич* (*-ғич*: бир аффикс) — *қирғич* (тарихий планда *-ғич* / *ғи* + *ч*: *-ғу*: қурол оти ясайди, *-ч* — кичиклик билдиради. Қиёсланг: *қирғи, чалғи*), *ёпишқоқ* (*-қоқ*) — *қопқоқ* (тарихий планда: *қоп* — беркитиш, *қопқа*: беркитадиган предмет, дарвоза, *-қ*: кичиклик билдиради).

Баъзан бир аффикс турли бирикишларда ҳар хил формада учраши мумкин. Масалан, *қўлла* (отдан феъл яшаш) — *қўлда* (ўшанинг ўзи, бироқ *-ла* аффикси *-да* формасида келган: диалектал ва тарихий форма. Қиёсланг: *қўлдаса...* *йўлдаса...* *ҳиқирда*: Навоий асарларида (ҳозирги тилда, *қўлласса, йўлласса, ҳиқирла*), яна қиёсланг: *шақирла — шақилла — шақилдоқ, шилпилла — шилпилдоқ, ҳиқирла — ҳиқилдоқ*). Демак, бу аффикс *-ла* ва *-да* формаларида келади, улар функцияси бир хил бўлган, вариант аффикслардир. *Уйча* (кичик уй, лекин *бўйинча* сўзида маъно бундан бошқача), *типирла — типирчила — термачала* (майда нарсалар).

ни, секин термоқ) — *терчила* (*терла* — потеть, *терчила* — сал терламоқ: слегка потеть). Бу мисоллардаги *-ча* ва *-чи* морфемалари, умуман олганда, бир хил маънони ифодалайди: «кичиклик маъноси (кичиклик, камлик ва б.): предмет отларига қўшилганда, кичиклик — қисқалик билдиради (Қиёсланг: сифатларда: *қисқа* — *қисқача*, равишларда: *ҳозир* — *ҳозирча*); терчила типидagi ҳолларда камлик билдиради («сал», «бир оз»); ҳаракат отига қўшилганда (*термачала*), ишнинг «майдалашишини» билдиради. Демак, бу аффикс *-ча* ва *-чи* формаларида келади. Булар олломорф саналади. Лекин аффикснинг фонетик шароитга қараб тугиладиган — фонетик шартланган — кўринишлари (масалан, сифатдош аффиксининг *-ган*, *-кан*, *-ған*, *-кан* формалари) олломорф саналмайди.

8. Айрим ҳолларда аффикснинг «ортиқча» ишлатилиш ҳоллари учрайди. Масалан, (болани) *эркалади* маъносида *эркалатди* формаси ҳам қўлланади (асосан диалектал форма): ўтимли *эркала* феълига қўшилган *-т* аффикси, назарий жиҳатдан қараганимизда, феълнинг орттирма даражасини ҳосил қилиши керак эди (қиёсланг: *уқала* — *уқалат*), лекин бу ўринда бу ҳол йўқ (*-т* ўз функциясига эга эмас: у «ўлган» — «паразит» аффикс бўлиб келган). Шунингдек, аффикс қўшилган ва қўшилмаган конструкцияларнинг семантик фарқи айрим ҳолларда жуда кучсизланиб қолади. Масалан, *Эшон кечаси муриднинг чўнтагидаги пулларни қоқиштириб олди*, («Эртак»). Чоқиштиринг: *қоқиштириб олди* — *қоқиб олди* яна: *жойлади* — *жойлаштирди*. Бундай ҳодисалар ҳам ўз тарихий ва бошқа сабабларига эга.

Баъзи аффиксларнинг «ортиқчалиги» аналогия натижасида келиб чиққан бўлади. Масалан, *ёқилғи* («топливо») — *ёнилғи* («горючий»): *ёқ* — ўтимли феъл, *-ил* аффикси — мажхул даражаси белгиси, *-ғи* аффикси — от ясовчи, лекин *ён* феъли бу ўринда *-ил* аффиксини олмаслиги керак эди (*ён* — ўтимсиз феъл), *-ил* морфемаси ўз функциясига эга эмас. Демак, *ёнилғи* сўзида *-ил* аффиксининг қўлланиши *ёқилғи* сўзининг структурасига аналогия йўли билан келиб чиққан.

9. Аффикслардаги кўп маънолилиқ ҳодисаси ҳар хил хусусиятларга эга: баъзиларининг ўзаро муносабати сезилмас ҳолга келиб, улар бошқа-бошқа аффикс бўлиб кетган (лексик-семантик типда сўз яшаш каби), баъзиларида бу боғланиш уқилиб туради. Бу маънолар бир вақтда эмас, балки тил тараққиётининг турли даврларида пайдо бўлган: бир маъно бошқасидан урчиб чиққан. Бундай ҳар хиллик аффиксларнинг тараққиёт йўлини кўрсатиб туради. Масалан, сифат ясовчи *-ли* аффикси эгалик маъносини англатади (ўзак-негиздан англашилган предметга эгалик: *портфелли*, *болали* каби), баъзан ортиқлик маъносини ҳам билдиради (шу предметга эгалик билан боғланган ортиқлик, *гавдали*: гавдаси нисбатан катта, *ёғли палов*: ёғи нормадан ортиқроқ). Сифат ясовчи *-сиз* аффикси ҳам шундай (*боласиз* — *ёғсиз*: ёғи кам). Демак, бу аффикснинг ортиқлик (камлик) маъноси семантик кўчириш, ошириш йўли билан эгалик (акси: эга эмаслик) маъносидан келиб

чиққан. *Ичимли* (чай), *юрйшли* (йўл) мисолларида ҳам шундай.

10. Сўз ясовчи аффиксларнинг маъно ва функцияларини тасвирлашда илгаридан икки хил йўл бор: 1. Алфавит тартибида баён қилиш. Масалан, *-а: айлан+а, ўйин+а (ўйна), бур+а, ялтир+а; -в: қишла+в (қишлоқ), ишла+в — ишлов* (обработка, шлифовка), *сайла+в — сайлов, ўқи+в — ўқув, ўлча+в — ўлчов, бура+в — буров* (асбоб оти); *кўр+к* (хусн), *туга+л* (тугалланган, мукамал), *тўпла+м, қатла+м* ва б. Бундай анализда, ҳамма сўз туркумлари биргаликда бир бутун сифатида қаралса, сўз ясовчи аффикслар билан сўзларнинг лексик-грамматик категориялари орасидаги алоқа эътибордан четда қолади, ҳар хил аффиксларни (ясовчилардаги омонимия, синонимия, антонимия ҳодисаларини) фарқлаш кўзда тутилмайди. Бундай анализни ҳар бир сўз туркуми бўйича айрим-айрим ўтказиш ҳам мумкин. Демак, бундай тасвирлашда ҳар бир аффикс алфавит тартиби билан айрим олиниб, унинг барча хусусиятлари кўрсатилади. 2. Маъносига қараб баён қилиш. Бундай анализда ҳар бир сўз туркумининг ясовчилари, дастлаб, семантик асосда классификация қилинади (масалан, от ясовчи аффикслар: бажарувчи шахс оти ясовчилар, ўрин оти ясовчилар, белги оти ясовчилар ва б.), кейин ҳар бир аффикснинг хусусиятлари қараб чиқилади. Демак, бундай текширишда синоним аффикслар бир ўринга тўпланади (чунки классификацияда семантика асосга олинади), бошқа-бошқа сўз туркумига кирадиган омоним аффикслар турли ўринларда қаралади, бу ҳолат бир сўз туркуми доирасидаги омоним аффиксларда ҳам сақланади.

Совет тилшунослигида сўз ясовчи аффиксларнинг кенг тарқалган тасвирлаш йўли семантик асосда баён қилишдир (ўрнига қараб, биринчи йўл ҳам қўлланади, лекин шунда ҳам ҳар бир сўз туркумининг ясовчилари айрим қаралади). Мисол учун от ясовчи аффикслар: I От ўзаклардан от ясовчи аффикслар: 1) шахс оти ясовчилар (*-чи: тунукачи; -дош: йўлдош, мактабдош, курсдош* ва б.); 2) ўрин оти ясовчилар (*-лоқ: ўтлоқ, қумлоқ; -лиқ -лик: қуруғлик; музлик, тепалик* ва б.); 3) белги оти ясовчилар (*-лик: болалик*); 4) предмет оти ясовчилар (*-ча: қизилча*); 5) қарашлилик, ҳослик оти ясовчилар (*-лик: беллик, терлик*: от абзаллари, *енглик*). II Феъл ўзаклардан от ясовчи аффикслар: 1) бажарувчи шахс оти ясовчилар (*-ин: ёғин; -қин: тошқин, уққун; -қоқ: қочқоқ*); 2) иш оти ясовчилари *-им: терим; -в: қаров, ишлов*); 3) ҳаракат натижаси оти ясовчилар (*-им: тўплам; -н: йиғин; -қ: чизик; -ма: ёрма — крупа*); 4) ҳаракат қуроли оти ясовчилар (*қ: ўроқ, тароқ; -қи: чопқи; -қич: қисқич*); 5) ҳаракат объекти оти ясовчилар (*-ги: куйдирги, -ғи ёқилғи*); 6) ўрин оти ясовчилар (*-ма: қайнама, бостирма*).

Қўшма сўзлар

Композиция йўли билан сўз яшаш композиталар — қўшма сўзлар яратиш бўлиб, бунда икки (ё ундан ортиқ) сўзнинг қўшилиши

лнги лексик бирлик — лексемани ҳосил қилади. Сўз яшашнинг бу тури ҳам ўзбек тилидаги актив йўллардандир. Қўшма сўзнинг компонентлари, составидаги қисмлари, айрим сўз (туб сўз ва ёки ясама сўз) тусида бўлади: бу элемент шу кўринишида бошқа комбинацияларда ўзак ё негиз вазифасида кела олади. Лекин бу элементнинг икки ҳолати — айрим сўзлиги ва қўшма сўз составида келиши (мустақил сўзлиги ва сўзнинг қисми бўлиши) бири-биридан жиддий фарқлар билан ажралиб туради.

Қўшма сўзнинг кўпи ташқи томондан «аниқловчи-аниқланмиш» схемасидаги сўз бирикмасига ўхшайди, ҳатто шундай омонимик ҳоллар ҳам борки, шу формадаги комплекснинг қўшма сўзми ё сўз қўшилишими эканлиги турли воситалар орқали аниқланади: бунда семантик-грамматик, интонацион воситалар фарқловчилик ролини ўйнайди. Ҳар ҳолда омонимик кўринишлар ҳам тўла, аниқ ажралиб туриш хусусиятига эга бўлади. Масалан, *қора қовун*: сўз бирикмаси ва қўшма сўз: қора тусдаги қовун ва қовуннинг бир тури. Қиёсланг: *барибир* комплекси ҳозирги тилда — бир сўз (лексикализация). Лекин у аслда (шунингдек, ҳозирги тилда ажратилган ҳолда қўлланган ўринларда) икки сўздир: *бари* (эга), *бир* (кесим). Биринчи ҳолатда, табиий бир сўз — икки ўзак морфеманинг бирикиб кетишидан туғилган бир сўз саналади, лекин у, генетик жиҳатдан қараганда, грамматик алоқага киришган икки мустақил сўздир.

Қўшма сўз бир бутун лексик маъно — бир мураккаб тушунча ва яхлит шаклланиш — грамматик структурасининг ҳам яхлитлиги, фонетик бугунлик билан характерланади: демак, у бир сўздир, унинг компонентлари — қисмлари орасида грамматик алоқа йўқ (лекин семантик алоқа бор), у ҳар қандай сўз қўшилмасида — гапда, сўз бирикмасида — бир синтактик функцияни бажаради. Қўшма сўз, содда сўзлар каби, тилнинг бир бирлиги бўлиб, ундан нутқда ҳар гал тайёр лексик материал сифатида фойдаланамиз, сўз бирикмаси эса бундай тайёр ҳодиса эмас: у нутқ процессида маълум қоидалар асосида ҳосил қилинади. Сўз бирикмасидаги ҳар бир компонент, мустақил сўз ўзаро грамматик алоқага киришган бўлади, демак, бу синтактик ҳодисадир. Масалан, *пахтанинг гули*: аниқловчи + аниқланмиш.

Сўз бирикмаси билан қўшма сўз орасидаги фонетик фарқланиш сезиларли, жиддий характерга эга эмас: одатда, фонетик яхлитланиш сўз бирикмасида ҳам, қўшма сўзда ҳам, асосан, бир тусда бўлади: *ёш бола* ва *тош бодом* комплексларини қиёсланг.

Қўшма сўзнинг бир тури туғилиш жиҳатидан сўз бирикмаси билан алоқадор, лекин кўпи мавжуд қўшма сўзларга аналогия йўли билан, қўшма сўзнинг тайёр моделига қараб ҳосил қилинган.

Қўшма сўзларда ҳам ясалганликнинг умумий белгилари — чоғиштиришдаги семантик ва формал боғланиш сақланади, лекин бу алоқа турли сабаблар натижасида (масалан, фонетик ўзгариш натижасида) сезилмас ҳолга келиши ҳам мумкин (соддаланиш ҳодисаси): *тоғолча*: то-ғол-ча — тоғ-олча — тоғ олуча, *оғайни* —

ога-ини, қайни — қайини — қайин-ини, бугун — бу кун, аччучув — аччиқчучув — аччиқ-чучук (асли — жуфт сўз, бир хил салат, шакароб маъносида), бу ҳодиса жонли сўзлашувда кўпроқ учрайди.

Қўшма сўз ўзининг бир қанча хусусиятлари билан характерланади. Энди шуларнинг асосийларини кўриб ўтамиз.

1. Қўшма сўзнинг составидаги компонентларнинг ўзаро муносабати:

1) улар орасидаги грамматик муносабат шу типдаги сўз бирикмасига қараб, тарихий планда белгиланали; демак, синхроник жиҳатдан қараганимизда, орада бундай муносабат фарз қилинмайди, чунки бу алоқа сақланган бўлса, у комплекс сўз бирикмаси бўлади, икки сўз саналади. Масалан, *шакар қоп* (қўшма сўз, стабил ҳолатга эга, нутқ процессида ҳосил қилинмайди) *шакарнинг қопи* (сўз бирикмаси). Компонентларнинг грамматик алоқаси, тугилиш эътибори билан икки хил: а) тобеланиш (компонентларнинг муносабати аслда тобеланиш йўлини кўрсатадиган қўшма сўзлар): *ўқ ариқ, ўқ илон, сув илон; қўй тикан, чўл қурбақа; дала чумчуқ, шаҳар чумчуқ, тол чумчуқ; йўл пашиша, йўл чивин, ит пашиша* каби; б) тенгланиш (компонентларнинг муносабати аслда тенглашишга асосланган бўлади): *ўтин-кўмир* (ёқилги), *ота-она, мош-гурунч, соч-соқол*; составли сонларда: *ўн беш* (ўн ва беш. Қийёсланг: беш юз — юз беш: биринчиси — тобеланиш, иккинчиси — тенгланиш: юз ва беш). Бу икки хил боғланишчи чоғиштирсак, боғланиш — бирикиншининг нисбатан тобеланишда кучли эканлигини кўрамыз: *ўтин-кўмир* типидagi комплексларда компонентларнинг нисбатан айрим-айримлиги аниқ сезилиб туради.

Компонентларнинг боғланиш йўллари, уларда боғланишнинг турли воситаларининг ишлатилиши ҳам бир хил эмас: аморф ҳолда (аффиксиз) боғланиш, аффикс ёрдами билан боғланиш (*тўй боши, сўз боши* каби). Аффиксиз боғланиш энг қадимги, содда йўл бўлиб, у жонли — сўзлашув нутқида кўп учрайди.

2) Компонентларнинг семантик муносабати ҳар хил: хослик муносабати (*ит пашиша, от тўрва*), ўхшашлик (*тош кўмир, тош нок, анжир шафтоли, карнай гул*), ўринга муносабат (*қўқон гул*), бирор белгига муносабат (*аччиқ олма*), миқдорга муносабат (*мингоёқ, қирқоғайни*), ҳаракат ва объект муносабати (*бешик терватар, муз ёрар, ер тешар*). Бундай муносабатнинг тури кўп: (булар ҳар бир туркумининг ўз ичида анализ қилинади) биринчи компонент иккинчисини семантик жиҳатдан конкретлаштиради — чегаралайди (*илон* — умуман, *ўқ илон, сув илон* — шунинг турлари), бу билан бир жинсининг ичидаги қисмлар — тур маъноси ҳам келиб чиқади. Буларда маъноларнинг ўзаро чатишиш ҳодисаси ҳам бор.

Компонентларнинг маъно муносабати бутун комплекснинг — составнинг материал томонига, сўз туркумига, ҳам боғлиқ. Масалан, хослик (кенг маънода) билдиришда ясалмиш от+от моделида

(қўл арра, қўл машина, оёқ машина каби), белгига муносабат билдиришда сифат (ёки: шу функциядаги бошқа сўз) +от моделида (сассиқ саримсоқ — чеснок, оқ жўхори, кўк нўхат каби), миқдорга муносабат билдиришда сон (ёки: миқдор билдирувчи бошқа сўз) +от моделида бўлади.

2. Баъзан қўшма сўзлар ташқи томондан боғли — турғун, барқарор бирикма характерига эга бўлади: *темир йўл*, темирдан қилинган ҳамма йўл ҳам темир йўл дейила бермайди, чунки темир йўл комплекси торайган — махсусланган), *девор соат* (бунда ҳам махсусланиш бор). Қўшма сўзнинг лексик-семантик (мураккаб тушунчани бир бутун ҳолда ифодаловчи) ва грамматик бутунлиги, тилнинг тайёр материали сифатида бўлиши, структура ва семантик функция томонидан айрим сўз билан бўлган яқинлиги уни турғун бирикма тусига кирса ҳам, лекин булар тилнинг номинатив функцияни бажарадиган бир яхлит элементидир. Демак, ташқи томондан турғун бирикма тусига эгаллик, уларнинг бир томони бўлиб, улар бу ҳолатда ҳам қўшма сўз бўла беради.

Турғун бирикма одатда кўчган маънони кўрсатади (лекин бундай кўчиш турғун бирикма бўлишнинг шарт саналадиган доимий белги эмас). Қиёсланг: *зангори олов* (газ), *зангори кема* (пахта териш машинаси); *қуш тили* (бир хил овқатнинг номи), *ер ёнғоқ*, *бош бармоқ*, *ўрта бармоқ*. Улар сўз бирикмасидан шу томони билан ҳам ажралади: сўз бирикмаси бундай хусусиятга эга эмас. Лекин «*меҳнат-роҳат*» (колхозни), *шунинг учун* типидagi — жипсланиб, бир бутун ҳолга келиб қолган, лексикализацияга учраган комплекслар қўшма сўз саналмайди.

Юқоридagилардан келиб чиқадики, қўшма сўзнинг ясама сўз билан ҳам, ўз бирикмаси билан ҳам (айрим ҳоллардаги ташқи бир хиллик), шунингдек, турғун бирикмалар билан ҳам алоқаси бор.

3. Қўшма сўзнинг асосий қисми икки компонентлидир. Бундаги ҳар бир компонент қандай тусда бўлишига (ўзак+ўзак, ўзак+иегиз ва б.), бу қўшилишда айрим сўзлик ҳолатидан фарқланишига ва бошқа хусусиятларига (янги маъно, формал жиҳатдан охириги қисмининггина ўзгариши, орага сўз кирмаслиги, тартибининг, одатда, турғун бўлиши ва б.) қарамай, мустақил лексемалик ҳолати билан муносабатини сақлаб туради, у сўз тусида бўлади. Иккидан ортиқ сўздан тузилган қўшма сўзлар, умуман, кам учрайди, шунингдек, унга (жуфт сўзга ҳам) аффикс қўшиш йўли билан (қўшма ўзакдан) сўз ясаш ҳодисаси ҳам кенг тарқалган эмас. Масалан, *ярим оролдаги* (ўсимликлар), *тиш-тирноғли* (*тиш-тирноқ* формаси айрим қўлланмайди: у боғли морфема). Сўзнинг состави узайган сайин унинг қисқаликка интилиш тенденцияси бу ўринда ҳам сезилади (*сариф ёғ* — *сарийёғ* — *сарёғ*, *қора ёғоч* — *қайрағоч*). Қўшма сўзнинг составида учрайдиган фонетик ўзгаришлар (компонентларнинг туташган ўрнидаги турли ўзгаришлар, товуш тушиши ва б.), умуман олганда, аффиксациядаги фонетик ўзгаришлар билан ўхшаш, лекин бундай ўзгаришларнинг доира-

ен қўшма сўзларда нисбатан тор. Мисоллар: *бора олади* — *боролади* (*боралади*: диалектал форма), *бош бармоқ* — *бошмалдоқ*, *ош пичоқ* — *ачпичоқ*: *ш-ч-ч*, *мош кичкири* — *мочкичири*. Кўринадики, бундай ўзгариш билан боғлиқ ҳолда соддаланиш туғилиши ҳам мумкин.

Компонентларнинг сони ва бошқа айрим хусусиятлар жиҳатидан қўшма феъллар (кўмакчи феълли тури) бошқачароқ ҳолатга эга: уч (баъзан ортиқ) компонентли бўлиш буларда нисбатан кўпроқ учрайди: *айтиб бера қолди*, *сўзлаб тура берди*, *айтиб бера бошлади* (грамматик жиҳатдан уларнинг ҳамма кўринишлари ҳам, барибир, икки қисмли бўлади): кўмакчи феълларнинг асосий қисми ўз мустақил сўзлик ҳолати билан бўлган боғланишни йўқотиб, сўз формаси (аналитик форма) ҳосил қилиш функциясини бажаришга ўтган (баъзиларигина бу алоқани ҳали йўқотмаган); бу комплексдан одатда аффиксация йўли билан сўз ясалмайди.

4. Қўшма сўзнинг маъноси ундаги компонентларнинг семантик хусусияти ва ички муносабатнинг характерига боғлиқ: компонентлар, одатда, ўз асл маъноси — мустақил ҳолати билан алоқасини йўқотмайди (кўчган маъно бошқача хусусиятга эга). Масалан, *оқ ўрик* (ўриқнинг тури), *қўл арра*, *уч бурчак* (термин). Бунда маъно умумлашиш жиҳатидан қаралади. Масалан, *қўл арра* ва *қўл соат* (кенг маънода: хослик билдиради, ҳолбуки, булар семантик отенкаси билан фарқланади), *муз ёрар*, *товон тешар* (ҳаракат ва унинг объекти): *от+феъл*: *ит+қараш*: *Бой менга ит қораш қилди* (Ғафур Ғулом), ҳаракат ва унинг белгиси: равиш функциясидаги *от+ҳаракат* *оти* (бундай қўшилишларни кўрсатишда *от*, *сифат*, *феъл* каби, сўзнинг лексик-грамматик категориясини кўрсатадиган, терминлар шартли равишда — ўша сўзларнинг мустақиллик ҳолатидаги туркумига қараб ишлатилади, ҳолбуки булар қўшма сўз составида айрим сўз эмас, балки сўзнинг қисмидир). Кўринадики, қўшма сўзнинг маъноси компонентларнинг тури қайси лексик-грамматик категорияга кириши билан ҳам боғлиқ (ҳар бир лексик категориянинг қўшма сўзлари ўз баҳсида баён қилинади).

5. Қўшма сўзлар *от*, *сифат*, *сон*, *равиш* ва қисман *феъллар*да кенг тарқалган. Қўшмалик ҳолати ёрдамчи сўзларда ҳам учраб қолади.

6. Қўшма сўз ясаш Улуғ Октябрь революциясидан кейин жуда кенг масштабда, тез ривожланди, чунки турмушдаги, онгдаги улкан ўзгаришлар, прогресс натижасида янги сўзларга талаб-эҳтиёж туғилди. Бу эҳтиёж рус тилидан жуда кўп сўзлар олиш, шунингдек, янги сўзлар ясаш (шу жумладан, қўшма сўзлар ҳосил қилиш) йўли билан қондирилиб келмоқда. Ясалган қўшма сўзларнинг, умуман, ясалмаларнинг ичида рус тилидан калькаланиш йўли билан (*бошқарма*, *ўринбосар*, *сафдош*, *ўнг оғмачи* каби) ҳосил қилинганлари ҳам кўп. Демак, ўзбек тили лексикасининг (фоне-

тика, грамматика, стилистика каби бошқа соҳаларнинг ҳам) ривожланишида рус тили етакчилик ролини ўйнаб келмоқда.

Рус тилидан олинган сўзлар ичида состави уқиладиган, қисмларга ажраладиган қўшма сўзлар ҳам кўп: *фотовиставка, кинолента, кинокамера, киногеатр, фотокабинет* каби.

7. Қўшма сўзнинг компонентлари ўз турғун тартибига эга. Масалан, отларда улар, одатда, аниқловчи+аниқланмиш тартибиде ўринлашган бўлади (*тиш чўтка, кўк нўхот, қизил олма*).

8. Қўшма отларнинг бир қисми конверсия ҳодисаси билан боғланади (конверсия — бир лексик-грамматик категориядаги сўзнинг бошқа категорияга кўчиши). Масалан, сифатнинг отга ўтиши: *Брон тешар* (брон тешадиган ўқ); *муз ёрар* (музни ёриб ўтадиган пароход), *бўри калла* (қовуннинг бир тури: бўри калла қовун: бўрининг калласига ўхшаган қовун), *қизилуруғ* (бу ҳам қовуннинг номи, қизил уруғли қовун), *қўш қулоқ* (бир хил идишнинг номи: қўш қулоқли идиш) каби (конверсия баҳсига қаранг).

Қўшма сўзнинг юқориде, асосан, бир турини (кенг маънода «аниқловчи+аниқланмиш» формасида ҳосил бўлган турни) — аниқловчили қўшма сўзларни кўриб ўтдик. Қўшма сўз термини, бундан ташқари, жуфт сўзларни (*ота-она, қовун-тарвуз* каби), қисқартма сўзларни (*МТС* — машина-трактор станцияси, *БМТ* — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти каби), шунингдек, редупликация, сўз такрори йўли билан ҳосил қилинган сўзларни (*қуқу*: қуш каби) ҳам ўз ичига олади. Жуфт сўзлар ва редупликация йўли билан ясалган сўзлар қўшма сўзнинг бошқа турларидан анча кескин фарқланади.

Сўз бирикмаларининг ва қўшма сўзларнинг қисқаришидан ҳам янги сўз ҳосил бўлиши мумкин (машина-трактор станцияси — *МТС* каби). Бундай сўзларнинг (аббревиатураларнинг — қисқартма сўзларнинг) ясалиш йўли аббревиациядир. Бундай йўл билан сўз ясаш ўзбек тилининг совет даврида эришган ютуқларидандир. Рус тилидан олинган бу сўз ясаш йўли ихчамлик билан характерланади: у экономия принципига жуда мос келади. Унинг номи рус тилидан калькалаш йўли билан ясалган: сложносокращенные слова — қисқартма қўшма сўз: қисқартирилган қўшма сўз. Булар қўшма сўзнинг қисқартиб бириктириш йўли билан яратилган бир кўриниши бўлиб, бир сўз каби қўлланиб, ўзи махсус аффикслар ҳам олади (*райшжрокомдан* каби), сўз яшашнинг бу тури от туркумига хосдир.

Рус тилидан олинган сўзлар ичида аббревиатуралар ҳам бор, булар ҳам ўзбек тилини бойитиб келмоқда. Ўзбек тилида русча-интернационал сўзлар қатламнинг ўса бориши, лексикани ривожлантириш билан бирга, халқларни ва тилларни яқинлаштириб, қисқартма сўзларнинг тўла формасининг ҳам ўзлашиб, натижада, бундай лексемаларнинг қўшма сўз сифатида ўқилишига йўл очади. Масалан, бугунги ўзбек тилида *партком* сўзининг икки қисмдан иборатлиги ва бу сўзнинг (ҳар бир қисмининг) тўла формаси, бу сўзнинг шу тўла форма билан муносабати билиниб туради,

чунки ўзбек тилида *партия* ва *совет* сўзлари, шунингдек, *партия* комитети комплекси бор. Қиёсланг: *телекамера* (телевизион камера; яна *телеочерк, телестудия, телефильм*), *зоопарк*, (зоология парки, яна: *зоокабинет, зоомагазин, зоомузей*), *авиабомба* (авиацион бомба: авиация бомба; яна: *авиазавод, авиапочта, авиабаза*), *агитбригада* (агитацион бригада: агитация бригадаси; яна: *агитпоезд, агитмашина, агитпункт*). Бундай сўзнинг бир элементи ўзбек тилида тўла комплексда таржима билан ишлатиладиган айрим ҳолларда (*райисполком*: районний исполнительный комитет, *райижроком*: район ижроия комитети каби) баъзан ҳамма компонентнинг тўла формасини қўллаш ҳодисаси учрайди (Қиёсланг: *телеочерк, телевизион эшиттириш*). Бундай ҳолларда ҳам асосий норма сақланади: қисқа элемент ишлатилади (райижроком, телезритель — телетомошабин, телепередача — телеэшиттириш, телецентр — телемарказ, авиаписьмо — авиахат каби). Бу ҳол калькаларнинг бир кўринишидир.

Ҳозирги ўзбек тилидаги қисқартма отлар ясалиш техникаси жиҳатидан бир қанча кўринишларга эга (бу ҳақда «От» баҳсига қаранг. Бу ўринда мисолларни кўриб ўтиш билан чегараланамиз): *Ўзкомпартия* (Ўзбекистон Коммунистик партияси), *ЎзТАГ* (Ўзбекистон телеграф агентлиги), *райком* (район комитети), *Ўздавнашр* (Ўзбекистон давлат нашриёти), *партмажлис* (партия мажлиси), *автозавод* (автомобиль заводи), *колхоз* (коллектив хўжалик, қиёсланг: колхозчи), *Тошунивермаг* (Тошкент универсал магазини), *ТошПИ* (Тошкент политехника институти) ва б.

Такрор йўли билан сўз яшаш (*пақпақ* типиди — сўзин такрорлан орқали қўшма ҳолга келтириш йўли билан янги сўз ҳосил қилини), *тош йўл* типиди қўшма отларга ўхшаш, морфологик, синтактик сўз яшашнинг қадимги кўринишидир. Бунинг ясалиш техникасининг соддалиги ҳам қадимгилликдан дарак беради.

Такрорнинг кўринишлари кўп. Бунда дастлаб икки нарсга фарқланади: такрор (одатдаги такрор) ва иккилангиш (удвоение).

✓ Оддий такрор маънони кучайтириш, интенсификани, эмоционал бўёқни билдириш учун хизмат қилади. Бунда баъзан икки марта такрорлаш ҳам учрайди. Масалан, *тезроқ, тезроқ юр*: тезлик маъноси кучайтирилади (қиёсланг: *тезроқ юр, тезроқ. Айтинг, айтинг, бугун ёмғир ёғмасин-да. У тез-тез гапирди* (қиёсланг: *у тез гапирди*): бу такрор «иккиланиш» бўлиб, у ҳаракатнинг такрорланиши, узоқ давом этиши каби маъноларни ифодалайди. Қуйидаги мисолларни чоғиштиринг: *отасига айтинг, айтинг, жиддийроқ айтинг, тушунтиринг. — У йўлаб-йўлаб, бир фикрга келди (йўлаб-йўлаб: узоқ йўлаб), нима олдинг? (бир предмет) — нима-нима олдинг? (кўп предмет, нима-нима олдинг? — Нималар олдинг? Такрор орқали кўплик маъноси ифодаланган). Сўз такрорининг бу кўриниши сўз яшаш (пақпақ каби) ҳодисасидан фарқли. Яна айрим мисолларни чоғиштирамиз: *тўй, маросимларга тоғора, тугун кўтариб боришдан қутулмадик, қутулмадик-да («Муштум»).* *Тур-тур, кетамиз, — деди акаси («Эртақ»).* *Бир оздан**

кейин, эрта тонгда, тур-тур бошланди (тур-тур: подъём, туриш). Ая, нега би би п келяпти? («Муштум»); биби, бибби: автобус (болалар нутқида).

Англашиладики, редупликация, сўз такрори, ўзбек тилида икки хил характерга эга: сўз ясаш воситаси ва грамматик восита. У кўпинча грамматик функцияни бажаради: предметнинг кўплиги, белгининг оширилиши, маънонинг кучайиши, ҳаракатнинг такрорланиши ва узоқ давом этиши ва б. (сўз ясаш функциясиши бажариши айрим ҳолларда учрайди), шунга кўра уни «Морфология» баҳсида айрим кўриб ўтаемиз.

Одатдаги такрор ва иккиланиш (тақ-туқ каби) фарқли бўлиб, сўз ясаш ҳодисаси билан кейингисигина боғланади. Иккиланиш, умуман, сўз қўшишнинг бир кўриниши, лекин у аниқловчилик қўшма сўздан (масалан, *беш йиллик*) составининг такрорланган бир хил элементдан иборат бўлиши (одатдаги қўшма сўзда бу ҳол йўқ) ва бу элементлар асл боғланиш йўли жиҳатидан фарқланиб туради.

Такрор икки хил: тўла такрор (*катта-катта* каби) ва қисқа такрор (*кап-катта* каби). Қисқа такрор сўз ясамайди, балки сўз формаси ҳасил қилади (*қизил—қип-қизил* каби). Такрор орқали қўшма сўз ҳосил қилиш тўла такрорда учрайди.

Такрорнинг составидаги қисмларнинг аморф ҳолда келиши (*тақ-тақ, тақир-туқур* каби) ёки орада кучайтирувчи элементнинг бўлиши (*тақа-тақ, тақира-туқур*) бир қанча хусусиятларга эга: орадаги элементнинг равиш ясовчи аффикс билан боғланиши (*таққа тўхтади: таққ+а, тақа-тақ тўхтади* каби), кучайтирувчи бўлиб келиши ва қисман бириктиришга ёрдам бериши, боғланишни кучайтириши (*тарақ-туруқ; тарақа-туруқ, тақир-туқур, тақира-туқур, шақир-шуқур* каби; кейинги ҳолда биринчи қисмнинг охириги бўғинида иккинчи даражали урғунинг ўрни аниқроқ сезилади) ва б. Лекин орадаги элемент (-а) бу йўл билан сўз ясаш ҳодисасини ўзгартирмайди.

Такрор сўз ясаш воситаси бўлганда, сўз қўшиш ҳодисаси билан ўхшашлик туғдиради (қийёсланг: *қуқу* (қуш) — *Кўксув* (жой оти); грамматик восита бўлганда эса, аффиксация ҳодисаси билан яқинлашади. Бундай ўхшашлик, яқинлик структура, маъно, функция жиҳатидандир. Қийёсланг: *ким-ким келди?*—*Кимлар келди?* Кўплик биринчи ҳолда сўз такрори орқали, иккинчи ҳолда эса аффикс орқали ифодаланган. Бу ҳолат (такрор ёки аффикс қўллаш) турли томонлари билан ажралади: баъзан бири иккинчисининг ўрнида қўллана олади (лекин стилистик жиҳатдан фарқланади: биричиси жонли — сўзлашув ҳолатига мос келади), баъзан ҳар иккаласи бир моментда, бир конструкцияда қўлланади (кучайтирув: умуман, бир маънонинг икки восита билан, қайтадан икки марта ифодаланиши, экспрессия, кучайтириш, ошириш функциясини бажаради), баъзан уларни алмаштириб бўлмайди.

Бу қадимги йўл билан ҳосил қилинган сўзлар (-ча: *-чув* — шовқин маъносида, ба: *-бу* — *бу* ҳам шовқин-сурон маъносида) жонли

сўзлашув стилини билдириб туради ва тақлид сўзлардан ясашда, кўпинча, эмоционал тусга эга бўлади. Бундай ясалишнинг бобов каби кўринишларида қисмлар жуда бирикиб кетган, ўрнига қараб, одатдагича, аффикслар ҳам қабул қилади.

Бундай йўл билан ясаш бир қанча кўринишларга эга:

1. Тақлид сўз иккиланиб, шу товуш билан характерланидиган предметнинг номи ҳосил бўлади: предмет, ҳодиса овоз белгиси — шунини кўрсатувчи сўз орқали аталади. Мисоллар: *шақшақ* (қушнинг номи. Қиёсланг: *ола шақшақ, қора шақшақ*), *қаққақ* (кейини -а аффикси қўшилган: *қаққақа*: кулги), бобов (бов+бов: ит), *чучут* (чут+чут: бедана овида ишлатиладиган бир хил предмет: беданани чақиради), *пақпақ* (болалар ўйинида), *попоп* (поппоп: тикиш машинаси; оёқ машина, попоп машина ҳам дейилади. Бу сўзнинг аслда Попов фамилияси билан боғланган бўлиши ҳам мумкин), *пат-пат* (мотоцикл), *бибип* (бипбип: автобус), *тўқтўқ* (қизил иштон: қуш), *биёвбиёв* (қуш), *қуқу* (мусича), *туту* (товуқ), *дудут* (дудут: енгил машина), *лик-лик*, бир хил кўкат: петрушка). Бундай сўзларнинг бир қисми состави сезилмас ҳолга келган (кўпинча фонетик ўзгариш натижасида: соддаланиш). Масалан, *чумчуқ* сўзи аслда — этимологик жиҳатдан — *чип-чип* мимемаси билан боғланади.

Бу типда сифат ҳам ясалади. Мисоллар: *шиқшиқ тугма* (*пис-пис тугма* ҳам дейилади; бу комплекс — бир қўшма от), *чақчақ одам* (қувноқ одам: қиёсланг: *чақчақа юлдуз*: лекин бу чақнамоқ билан боғлиқ, асли товушга тақлид сўз билан эмас, балки образга — ҳолатга тақлид сўз билан алоқадор), *липлип чироқ* (қадимги қора чироқ).

Товуш белгиси орқали аташ баъзан такрорсиз ҳам бўлади (*ба — қўй, мў — сигир, миёв — мушук каби*), демак, бобов типдаги ясаишларда шунинг иккиланишини кўрамиз (*миёв-миёв, бов-бов*).

2. От иккиланиб, шу сўз ифодалаган предмет билан боғланган ўйин номини (болалар ўйини) ҳосил қилади. Масалан, *отот* (кўпинча *отот — акам* формасида қўлланади, ўғил болалар ўйини), *хола-хола* (*холахолакам*; қиз болалар ўйини). Болалар нутқидаги бу ясаишга аналогия билан, шу моделда, ҳосил қилинган янги ўйин номлари (болалар нутқида, ўйиннинг ўзи ҳам аналогия билан яратилган): *кино-кино, боғча-боғча, такси-такси, доктор-доктор, машина-машина*.

Бу ясаишда ҳам такрорнинг ўз маъноси бор: ўйиннинг номини отнинг ўзи кўрсатади, иккиланиш эса бу ўйиннинг икки томон билан (уларнинг шунга боғлиқ бўлган ҳаракатни навбатма-навбат бажариши билан) боғлиқ эканлигини билдиради, демак, бу ўринда ҳам ҳаракатнинг такрорини ифодалаш ҳодисасини кўрамиз. Қиёсланг: олмошнинг иккиланиши орқали ясалган *манман* сўзида ҳам такрорланиш маъноси бор.

3. Феълнинг такрорланиши (*тур-тур*: подъём — туриш) кўчиш орқали процесс номи ҳосил қилганда ҳам шу ҳодисани кўрамиз:

қоч-қоч (қочиш), *қув-қув* (қувиш) каби. Бундай процесс номи шу ҳаракат учун характерли бўлган товушни билдирадиган тақлид сўзни иккилаш орқали ҳам ясалади: *қарс-қурс*, *қасир-қусур* (қарсир-қурсир), *қасир-қусир* (қарсир-қурсир). Бу йўл билан сифат ҳам ясалади (*шатир-шутур товушлар* каби).

4. *Уқтин-ўқтин* (қараб қўйди), *вақт-вақт* (у вақти-вақти билан келиб туради) каби ясалишларда, равиш ясада ҳам, сўз такронининг маълум вазифаси бор.

Жуфт сўзлар структурасига кўра иккиланиш йўли билан ясалган сўзларга анча ўхшаса ҳам, аниқловчилик типдаги қўшма сўзлардан бир қанча томонлари билан ажралиб туради:

1. Жуфт сўзнинг компонентлари орасидаги грамматик алоқа, боғланиш, аслда, тенгланиш бўлиб (қиёсланг: *тоғ-тош*: *тоғу тош*, *тоғ ва тош*), аниқловчилик қўшма сўзларда тобеланишидир.

2. Аниқловчилик қўшма сўзда компонентларнинг тартиби, одатда, грамматик роль ўйнайди: уларнинг бир моделнинг ўз доирасида ўрин алмаштириши грамматик ҳолатни ўзгартиради (масалан, *ош қовоқ*: *аниқловчи + аниқланмиш — қовоқ си*: *аниқловчи + аниқланмиш*); жуфт сўзларда эса бу ҳодиса учрамайди (унинг компонентлари грамматик жиҳатдан бир хил ҳолатда бўлади): жуфт сўзларда баъзан компонентлар грамматик ва семантик ҳолатларни сақлаган ҳолда ўрин алмаштира оладилар (*гўшт-ёғ — ёғ-гўшт* каби). Уларнинг ўрин алмаштиришлари мумкин бўлмаса, унинг сабаби семантик ё бошқа характерда бўлади, лекин грамматик характерда бўлмайди.

3. Урғу жиҳатидан ҳам фарқланади: охиридан бошқа компонентда иккинчи даражали урғунинг бўлиш ҳолати кўпроқ жуфт сўзда учрайди (қиёсланг: *қовун полиз — қовун-тарвуз*). Умуман, фонетик бирикиш, зичлик, яхлитланиш нисбатан жуфт сўзда кучсиз бўлади.

4. Компонентларнинг материал-категориал тури жиҳатидан ҳам фарқланади: жуфт сўзнинг компонентлари сўз туркуми жиҳатидан, одатда, бир хил бўлади: *от + от* (ёки *от* вазифасида қўлланган бошқа сўз), *сифат + сифат* каби.

5. Компонентларнинг ҳар жиҳатдан бирикиши — пайванд бўлиб кетиши жуфт сўзлардагига қараганда «аниқловчилик қўшма сўз»ларда кучли. Жуфт сўзнинг компонентлари сўз ўзгартувчи аффиксларни айрим-айрим олиш ҳолатига ҳам эга (*ота-онаси*: *отаси-онаси*). Баъзи типларда бу аффикснинг ҳар икки компонентга айрим-айрим қўшилиши шарт. Бу билан у қисмларнинг нисбатан айримлиги кучаяди.

Баъзи ҳолларда бу формадаги комплекс «аниқловчилик қўшма сўз» ҳам, жуфт сўз ҳам бўлиши мумкин. Бу семантик, контекстуал ва интонацион хусусиятларга қараб аниқланади. Мисоллар: 1. *Куёв ўғил* (*Сени куёв ўғил қиламиз* (Фозил Йўлдош): *Ўғил* деб қабул қилинган куёв (аниқловчилик қўшма сўз) *куёв-ўғил* (жуфт сўз). 2. *Жўжа хўроз* (кичик хўроз) — *жўжа-хўроз* (жуфт сўз). 3. *Тун кеча* (ярим кеча, қоронғи кеча: аниқловчилик қўшма сўз) —

тун-кеча (жуфт сўз), қора сариқ (аниқловчили қўшма сўз: қора оттенкага эга бўлган сариқ ранг) — қора-сариқ (жуфт сўз). Қиёсланг: *қўйиб-қўйиб* комплекси: 1) редупликация (ҳаракатнинг такрори ёки узоқ давом этиши маъносини билдиради); 2) аналитик феъл: ҳаракатнинг ўринсиз бажарилганлигини — бажарилмаслиги керак бўлган ишнинг бажарилганлигини билдиради.

✓ Жуфт сўзлар турли сабаблар (кўпинча, фонетик ўзгаришларнинг таъсири) билан соддаланиш ҳодисасига учраши ҳам мумкин: *аччуқ-чуқ* (юқорида анализ қилинган) — салат, *оға-ини* (жуфт сўз) *оғайни*, *ошиқ-мошиқ* (шарнир, эшик-ромларнинг шарнири), *о:шиқ-ма:шуқ* (севишганлар: жуфт сўз). *Ошиқ-мошиқ* комплекси ташқи томондан ўзгарган такрорга ўхшайди (*ошиқ-мошиқ*: ҳайвоннинг суягидаги *ошиқ-мошиқ*: товуш орттириб такрорлаш: *ўрик-мўрик* каби). *О:шиқ-ма:шуқ* комплексининг фонетик ўзгариши билан туғилган формаси аналогия йўли билан сўз такрорига ўхшаб қолган: овоз-мовоз (*овоз-повоз*) — *ошиқ-мошиқ*. Демак, бу ўринда унлининг ўз узунлигини йўқотиши компонентларнинг зичроқ бирикшига ёрдам берган, фонетик ўзгариш, ҳар хиллик, семантик дифференциация учун хизмат қилган (*о:шиқ-ма:шуқ*: севишганлар, *ошиқ-мошиқ*: шарнир). Қиёсланг: *оғиз-моғиз* — *оғизма-оғиз* (аналогия бўйича ўзгариш).

Жуфт сўзлар — копулятив типдаги қўшма сўзлар — деярли ҳамма сўз туркумига хос, лекин у от, сифат ва равиш туркумларида кўп учрайди: *ота-она*, *кирим-чиқим*, *бориш-келиш*, *эрта-кеч*, *ер-кўк*, *оқ-қора ранг* (*оқ қора ранг* комплекси бошқа), *наст-баланд* гаплар *юқори-қуйи* гаплар (ҳар хил, яхши-ёмон гаплар), *беш-олти*, *ўттиз-қирқ* ва б. Феъллар *ўқиди-ташлади* типда жуфт формага эга бўлганда, кейинги элемент модификаторлик ролини ўйнайди: у сўзнинг аналитик формасига тўғри келади, лекин ҳар икки элемент бир хил формада бўлади: *ўқиди-ташлади*, *ўқийсан-ташлайсан*, *айтдинг-қўйдинг* каби. Бундай комплексда иккинчи компонент вазифасида қўлланадиган элементлар саноқлидир (*ташла*, *чиқ*, *қол*, *қўй* ва б.).

Жуфт сўзларнинг асосий семантик хусусияти умумлаштириш, жамликни билдиришдир. Жуфтлашиш шу талаб натижасида келиб чиққан. Мисоллар: *олма-ўрик* (хўл мевалар), *жийда-майиз* (қуруқ мевалар). Демак, шу турдаги ҳамма предметларнинг жамини билдирувчи жинс оти ҳосил бўлади. Қиёсланг: *у уйга кириб чиқди*: кириб чиқмоқ — кириш ва чиқиш ҳаракатларининг умумий номи, яна: *бориш-келиш*: алоқа, муносабат.

Жуфт сўзларнинг компонентлари ўз характериға кўра ҳар хил бўлади. 1. Ҳар икки элемент ҳам якка ҳолда айрим маъно бера оладиган мустақил сўз бўлади: *соч-соқол*, *ош-сув*, *ер-сув*, *ер-кўк*, *қўл-оёқ*, *бош-оёқ*, *ўпка-жигар* ва б. 2. Бир элемент (одатда кейингиси) бугунги тилда айрим қўлланмайди, якка ҳолда маъно бермайди: *идиш-оёқ*, *кийим-кечак*, *кўча-кўй*, *бозор-ўچار* ва б. Буларнинг кейинги элементи ҳам аслда мустақил сўз бўлган: у ё эскириб, истеъмолдан чиққан, ё бошқа тилдан олинган сўз бўлади.

3. Ҳар икки элемент ҳам якка ҳолда қўлланмайди, фақат жуфтлашиб келади: *иқир-чиқир*, *ғиди-биди*, *чиртин-пиртин* каби. Буларнинг асли этимологик анализ орқалигина аниқланади.

Биринчи тур («муस्ताқил сўз+муस्ताқил сўз»)нинг компонентлари семантик жиҳатдан бир неча хил бўлади: 1. Бир турдаги, яқин предметларнинг номлари (умуман, шу семантик характердаги икки сўз): *мош-гурунч*, *арпа-буғдой*, *қош-қовоқ*, *қош-кўз*, *олтин-қумуш*, *қовун-тарвуз* каби. 2. Синоним сўзлар: *куч-қувват*, *аста-секин*, *кекса-қари* каби. 3. Бутун ва бўлак, умум ва конкрет қисм номлари: *ой-кун*, *вақт-соат*, *тоғ-тош* каби. 4. Антоним сўзлар: *кеча-кундуз*, *яхши-ёмон*, *катта-кичик*, *келиш-кетмиш*, *ёш-қари*, *баланд-паст* каби.

Умумлаштириш, жамлаш маъносини ифдалаш жуфтлашишнинг асосий семантик белгисидир. (Қиёсланг: *яхши-ёмон*: ҳамма маъносида — жамловчи от): одатда, компонентларнинг маънолари асосида янги маъно келиб чиқади: *эғиз-бурун*, *лаб-лунж*, *тиш-тирноқ*; *кўз-қулоқ* (кўз-қулоқ бўлиб турмоқ: қараб — қўриқлаб турмоқ) ва б. Бунда доим маънонинг кенгайиши шарт эмас. Демак, жуфт сўзларда: 1. Маъно кенгайди: жуфт сўзнинг маъноси компонентларнинг семантик жамлигидан, суммасидан кенг бўлади. Масалан, *қозон-товоқ* (шуларнинг атрофидаги, шулар билан боғланган предметларни ҳам ўз ичига олади: лаган, коса, қошиқ, чўмич, калкир ва б.). 2. Маъно кенгаймайди, лекин умумлашиш, жамлик ифодаланади: ҳар икки қисмдан англашилган предметларнинг умумий номи келиб чиқади. Масалан, *ота-она* (қиёсланг: рус тилида: отец и мать: родители), *ака-ука*, *тун-кун*, («сутки», бир сутка). Булар — кенгайиш, умумлашиш — жуфт сўзларнинг умумий семантик хусусиятидир. Умумлаштириш хусусияти биринчи ҳолатда (маъно кенгайганда) ҳам сақланади. Бу маъно турли айримликларга, оттенкаларга эга бўлади. Масалан, предметларнинг умумлашган номи (жинс оти), ҳаракатларнинг умумлашган номи (*бориш-келиш*, *олиш-бериш*, *қўйиш-чиқиш*, *уриш-сўкиш* каби) ва б. Сонлар жуфтлашганда, ундаги умумлик чама, тахмин, ноаниқлик мазмуллари билан боғланади: *уч-тўрт*, *ўн-ўн беш*, *йигирма-ўттиз* каби. *Аста-секин*, *куч-қувват*, *кекса-қари* типигаги жуфтлик (синонимик жуфтлик) компонентларнинг семантик жиҳатдан бир-бирини изоҳлаши, кучайтириш характерида бўлади, стилистик роль ўйнайди; антонимик жуфтлашиш (*яхши-ёмон*, *катта-кичик*, *ёш-қари*), одатда, умумлаштириш хусусиятига эга бўлади.

Жуфт сўзнинг составидаги элементларнинг, компонентларнинг, ўринлашуви — тартиби, одатда, шундай ҳолатларга асосланади:

1. Кам бўғинли, состави қисқа компонент аввал келади: *соч-соқол*, *эр-хотин*, *чол-кампир*, *мош-гурунч*, *тош-тарози*, *тахта-ўқлоғи*, *қўй-қўзи* ва б. Бу тартиб сўзда урғунинг охириги бўғинда бўлиши билан боғлиқ.

2. Бўғин сони бир хил бўлса, унли товуш билан бошланадиган компонент аввал келади (талаффузга осон): *ош-нон*, *ош-сув*, *ўлим-*

кўмир, ўйин-кулеи, эшик-дераза, олтин-кумуш, ота-бола, аччиқ-чуқук ва б.

Ҳар икки компонент ҳам ундош товуш билан бошланган бўлса, спирант ёки жарангли портловчи товуш билан бошланадигани аввал келади: *сигир-бузоқ, сўроқ-жавоб, сан-ман* (иккаласи *сан-манга* боришди), *савзи-пиёз, бош-қош* (у тўйда *бош-қош* бўлиб турди) ва б.

Бу қоидалар асосий ҳолатни кўрсатади: айрим жуфт сўзларда бундан бошқача кўринишларга ҳам дуч келамиз. Масалан, *ўғил-қиз*: кам бўғинли компонент кейинги ўринда келган. Бундай ҳолларда қуйидагиларни ҳам эътиборга олиш зарур бўлади: 1. Асосий қоидага мувофиқ кейинги ўринда келиши лозим бўлган айрим компонентлар семантик хусусиятига, аҳамиятига, предмет, ҳодиса-воқеалар орасидаги логик изчилликка ва шу каби ҳолатларга кўра биринчи ўринда келади: *хотин-қиз, ўғил-қиз, олма-нок, нина-ин, йигит-қиз, юмалоқ-ясси, ўтин-чўп, эрта-кеч, йиқила-қўпа, секин-аста* (*аста-секин* формаси билан бирга, бунинг акси ҳам бор. Қиёсланг: фонетик ўзгариш билан боғланган соддаланиш натижасида аналогиянинг иштироки билан бу жуфт сўздан *секина-сига* равиши тузилган: *секин-аста — секина-сига*), *ейиш-ичиш, қовун-узум* ва б. Бу ҳол компонентлари асосий қоидага мувофиқ ҳолда ўринлашган жуфт сўзларда ҳам роль ўйнаган бўлиши мумкин (*чол-кампир, тиниб-тинчиб, аввал-кейин, олдин-кетин, бирин-кетин* каби). Яна: *ой-кун, тоғ-тош, савдо-сотик* каби жуфтларда «умум-қисм» (умум тушунчанинг бир қисмини билдирадиган компонентнинг кейин келиши: «кенг-тор») тарзидаги ҳолат ҳам аҳамиятга эга бўла олади. 2. Аҳамияти бир хил ёки шунга яқин бўлганда, тартиб жуда ҳам боғлиқ бўлмайди: баъзан инверсия билан ҳам қўллана беради: *ғўшт-ёғ* ва *ёғ-ғўшт, хас-чўп* ва *чўп-хас, қўл-оёқ* ва *оёқ-қўл*. 3. Ундош товуш билан бошланадиган элементнинг аввал келиши ҳам учраб қолади: *кўйлак-иштон, қовун-узум* каби. 4. Тартибда ҳар хилликнинг бўлиши баъзан диалектал хусусиятлар, шева фарқлари билан боғланган бўлади: *қайнона-келин* (Тошкент) ва *келин-қайнона* (Фарғона). 5. Аниқ тушуниладиган (маъноси аниқ бўлган) сўз тушунилмайдиган сўздан ёки мустақил қўлланадиган сўз бундай қўллана олмайдиган сўздан ёки кўп қўлланадиган сўз оз қўлланадиган, кам уқиладиган, аниқ тушунилмайдиган сўздан аввал келади: *кўча-кўй, темир-терсақ, катта-калон*. Қиёсланг: *ўт-ўлан* жуфти бугунги тилда шу типга тўғри келади (ўлан ҳозирги замон адабий тилида ўт маъносида қўлланмайди), лекин унинг элементлари аслда бўғин сони кам бўлган компонентнинг аввал келиши ҳолатига кўра ўринлашган: эски ўзбек тилида *ҳўл, нам* сўзи маъносида *ўл* сўзи, *ўт* маъносида *ўлан* сўзи ишлатилади, демак, *ўт-ўлан* аслда синонимик характердаги жуфт сўздир (*ўлан: ўл + анг*). 6. Сонларнинг жуфтлашиши айрим хусусиятга эга: улар изчиллик билан, кичикдан каттага — пастдан юқорига бориш йўли билан жуфтлашиб, компонентлар шу асосда ўринлашади: а) якка сонларнинг бирикиши: бирдан ўнга-

ча бўлган сонлар кетма-кет, орадаги сонни қолдирмай — «сакраб ўтмай» жуфтлашади (*бир-икки, уч-тўрт, етти-саккиз*), лекин беш ва ўн (икки беш) ҳам жуфтлаша олади: *беш-ўн киши* (камайтириб кўрсатиш), паст қараш каби маъноларни бериш учун *беш-тўрт* каби формада ишлатиш ҳам учрайди: диалектал форма: б) йирик бўлақларнинг бирикishi (*ўн-ўн беш, йигирма-ўттиз, қирқ-эллик, икки юз-уч юз қаби*): биринчи ўнликда унинг ярми (беш) билан бирикиш (*ўн-ўн беш*) одатдаги ҳол, лекин дастлабки икки ўнликнинг қўшилиши (*ўн-йигирма*) жуда кам учрайди; ундан кейингилари ўнликлар тартибида, бирдан ўнгача бўлган сонлар тартибига ўхшаш, қўшила боради (*ўттиз-қирқ, саксон-тўқсон* каби); ундан кейин *юз-икки юз, уч юз-тўрт юз* ва б. Кейинги ҳолатда юз, минг каби сўзлар ҳар бир компонент билан бирга такрорланиб келади (*беш юз-олти юз* қиёсланг: *беш-олти юз*), шунингдек, бундай ўринларда улар қўлланмай қолади ҳам (*беш-олти минг*, қиёсланг: *беш минг-олти минг*). Бундай айримликлар ихчамликка интилиш (жуфт сўз — бир сўз: унинг «кенгайиши» кўп жиҳатдан ноқулай), стилистик талаб каби ҳодисалар билан боғлиқ.

Жуфт сўзлардаги компонентларнинг ўзаро фонетик муносабатида шундай ҳодисани кўрамиз: уларнинг бир турида бир-бирига оҳангдош бўлиш — қофияланиш тенденцияси бор. Бунинг натижасида компонентларда фонетик ўзгариш юз бериши ҳам мумкин: бир элементнинг фонетик ўзгариши фонетик ҳолатга мослашишдан туғилади. Масалан, *эски-туски* (*эски-тўзги*): иккинчи компонент аслида *тўз* феъли билан боғлиқ), *босар-тусар* (*босар-турар: у босар-тусарини билмай қолди*), *ясаниб-тусаниб: ясан-тусан* (*ясан-тузан: у ёқ-бу ёғини тузатмоқ; бежамоқ*), *телик-тешик* (асли: *тилик-тешик*) и унлиси э унлисига ўтган (*қумлий-шумлий, қувлик-шумлик: қув-айёр*, баъзан *шумлий-қумлий* формасида ҳам қўлланади). Бундай фонетик яқинлик, ўзгариш маълум ўринлардагина учрайди (қиёсланг: *оғиз-бурун, опа-сингил, қулоқ-чакка, сигир-бузоқ* каби жуфтлашишларда бошқа ҳолни кўрамиз). Бу ҳодиса уларда фонетик бутунлик, бир сўз сифатида бўлиш хусусиятини кучайтиради. Фонетик ўзгариш, одатда, иккинчи компонентнинг биринчисига мослашиши тусида бўлади. Бу ўзгариш натижасида шу элементнинг (ўзгарган элементнинг) мустақил сўзлик ҳолати хиралашади, баъзан сезилмас ҳолга келади — соддаланиш юз беради. Жуфт сўзнинг компонентлари орасида бундан бошқача фонетик ўзгаришлар ҳам учрайди: қисқаришга интилиш, чегара товушларнинг ўзаро таъсири (*сан-ман — сам-ман: улар қизишиб кетиб, сан-манга боришди*), бўгин структурасидаги ўзгариш (*қўлоқ: қў-ло-ёқ*) каби. Лекин бундай ўзгаришларнинг ҳаммаси жуфт сўзгагина хос эмас. Қиёсланг: *буйтма*-бундай этма (халқ дostonларида), *қор оқ* (эга+кесим: *қо-роқ*: одатда тезроқ темпдаги нутқда; яна: *сут оқ, от оқ*) каби.

Тилнинг умумий ривожланишини жуфт сўзларда ҳам кўрамиз: *генерал-майор, мактаб-интернат, вагон-ресторан, русча-ўзбекча*

(луғат), *ҳарбий-денгиз* (флот) каби жуфтлар тилни бойитувчи янги ҳодисалар бўлиб, булар рус тилидан олинган (*генерал-майор* каби), рус тилидан калька қилинган (*Совет-Чехословакия дўстлиги* каби). Рус тилидаги бундай жуфтлар турли тинда бўлиб, улар ўзбек тилида ҳам шу ҳолни сақлайди; баъзан комплекснинг семантик хусусиятига мос равишда аниқловчи + аниқланмиш моделига берилади. Масалан, *член-корреспондент: корреспондент ағзо, самолёт-бомбардировщик: бомбардирмончи самолёт, дом-музей: музей дом, уй* каби. *Завод-фабрика* типдаги жуфт сўзлар рус тилидан олинган сўзлар асосида яратилган нисбатан янги жуфт сўзлардир.

Конверсия

Бир лексик-грамматик категориядаги сўз бошқа категориядаги сўз ўрнида қўлланиши ҳам мумкин. Масалан, *ишлаган тишлав* мақолидаги *ишлаган* сўзи аслда феълнинг сифатдош формаси бўлиб, бу ўринда от каби қўлланган (ишлаган одам маъносига: *ишлаган* — аниқловчи, *одам* — аниқланмиш). Бундаги ўзгариш аниқловчи функциясидаги сифатдошнинг аниқланмиш бўлакнинг функциясини (аниқланмиш қўлланмаганда) ўз устига олишидангина иборат эмас, балки бунда функция ўзгаришидан бошқа ҳам семантик-грамматик ўзгаришлар юз беради. Бу ўзгаришлар кўчишнинг маълум шароитлари, категориал бошқалик (сўз туркумининг бошқа бўлиши) билан боғланган бўлиб, шуларнинг хусусиятларидан келиб чиқади.

Конверсияда: категориал ўзгариш юз беради: сўз туркуми ўзгаради (*бир каттанинг гапига кир, бир кичикнинг* мақолида *катта, кичик* сифатлари от ўрнида қўлланган), шу билан боғлиқ равишда сўзнинг синтактик ҳолати ҳам ўзгаради: кўчган сўз аввалги синтактик функциясини қолдириб, бошқа — кейинги туркумининг функциясини бажаради (*катта одам: аниқловчи + аниқланмиш, каттанинг* — қаратқич: энди у от бажарадиган вазифаларда келади), демак, унинг синтактик қуршови — қандай сўзлар билан бирикиш ҳолати — ҳам ўзгаради (эга бўлиб, кесим билан бирикади; қаратқич бўлиб, қаралмиш билан бирикади ва б.); формал-морфологик хусусияти ҳам ўзгаради (*катта одам: «катта»* бўлагини формал жиҳатдан ўзгармайди: сўз ўзгартувчи аффиксларни қабул қилмайди; *каттанинг: отлар* каби кўплик, эгалик ва келишик аффиксларини олиб ўзгаради); маънода ҳам ўрни билан ўзгариш бўлади (*каттанинг* — торайган: *катта* сифати турли маънодаги отлар билан бирика олади: *катта одам, катта от, катта қовун, катта ариқ, катта гилам* ва б. — *каттанинг* — фақат одам маъноси билан боғлиқ). Англашиладики, бир лексик-грамматик категориядаги сўзнинг бошқа категорияга ўтиши сўз яшашнинг, янги сўз ҳосил қилишнинг бир кўринишидир. Бу морфологик-синтактик йўл билан сўз яшашдир. Бунда сўзнинг туркуми ўзгаради, бу ўзгариш, одатда, контекстда — синтактик ҳолатнинг, гап ва сўз бирикма-

ларининг кучи билан юзага келади. Бунда конверсия (кўчиш — кўчириш) маълум бир аниқ ҳодисанинг номн деб қаралади: сўзнинг ўз формасини ўзгартмаган ҳолда бошқа туркум вазифасида қўлланиши.

Конверсия йўли билан сўз яшаш ҳодисасининг умумий хусусиятларини кўриб ўтамиз.

1. Кўчиришдаги моҳиятнинг сўз туркумини ўзгартириш характерида бўлиши бу ҳодисанинг ташқи ясалиш тўсида эканлигини кўрсатади. Лекин бу кўчиш бир ҳодисанинг аввалги ҳолатини тамоман қолдириб, бошқа ҳолатга ўтиши — айланиши характернда эмас, балки аввалги ҳолати турган ҳолда янги ҳолатга ҳам эга бўлишдир: бир сўз икки сўзга айланади. Демак, бу аслда кўчиш эмас, балки бир томондан қараганимизда, «кенгайиш»дир. Шунга кўра кўчиш, ўтиш, ўзгариш каби терминларнинг ҳеч қайсиси бу ҳодисани тўла акс этгирмайди. Англашиладики, бундай яшанишнинг нисбатан кенг маънода қўлланган конверсия («ўзгариш», «ўтиш», «айланиш») термини билан аталиши шартли характерга эгадир.

Сўзнинг бир лексик-грамматик категориядан (бир туркумдан) бошқа лексик-грамматик категорияга (бошқа туркумга) кўчиши — категориал кўчиш — умуман, кўчишнинг бир кўринишидир. Бундай кўчиришнинг бошқа йўллари ҳам бор. Масалан, конверсия аффикс орқали юзага келиши ҳам мумкин (*чоп* — фель, *чоп-иқ* — от: аффиксация йўли билан кўчириш: бунда конверсиянинг воситаси аффиксдир). Кўчиш сўзи бир сўз туркумининг ўз ичидаги турли «айланишлар»га нисбатан ҳам қўлланади: атоқли отнинг турдош отга кўчиши, отдан ясалган нисбий сифатнинг кўчма маънода қўлланиши билан аслий сифатга ўтиши (*ширали овоз, оловли йиллар* каби). Хуллас, конверсия термини сўзнинг ўз формасини ўзгартмаган ҳолдаги категориал кўчиши маъносига хосланган.

Конверсия натижасида туғилган грамматик синонимияни баъзан фонетик восита, лексик урғу орқали фарқлаш ҳодисаси ҳам учраб қолади. Масалан, урғунинг ўрнини кўчириш орқали равишнинг ташқи шаклланиши: *янги* — сифат, — *янги* — равиш; *энди* (*энди чўмилишга борамиз*) — *энди* (*Келин кир ювишга энди киришган эди, эшикдан опаси кириб келди*).

2. Кўчишнинг асли синтактик шароит — синтактик ҳолатнинг кучи билан боғлиқ бўлса ҳам, бу ҳодиса маъно ва бошқа томонлар билан ҳам алоқадор. Шунингдек, синтактик ҳолатнинг ўзи ҳали бутунлай бошқа категорияга ўтиши билдирмайди (демак, бунда белгилар комплекси бор). *Илғор, қаҳримон, мард, ялқов, касал* каби сўзлар бугунги тилда синтактик ҳолатдан — грамматик алоқа орқали бирикишдан ташқари ҳам деярлик от каби қўлланиш хусусиятига эга бўлиб қолган.

Кўчиш семантик ўзгаришнинг — маъно тараққиётининг натижаси (синтактик ҳолатнинг роли билан бирликда) бўлиб ҳам туғилади. Масалан, *энди* равиши («теперь» маъносида) ўрни билан юклама бўлиб ҳам келади: — *Нега энди жўжаларни сўяр эканмиз? — деди хотини* («Муштум»). Бундаги *энди* сўз семан-

тик-грамматик хусусияти билан рус тилидаги же юкламасига тўғри келади. Мисолларни қиёсланг: *Ёмғир ёмон қўйди* (ёмон: жуда, жуда қаттиқ қўйди). *Экспедитор — ўлғундай дағал сдам* («Муштум»): *ўлғундай*: жуда. *Охир сўзи* («конец» маъносида: жонли сўзлашувда *ахир* формасида ҳам қўлланади), одатда, фонетик ўзгаришнинг ёрдами билан (*о — а*), «ведь», «же» маъносигадики юклама бўлиб кела олади: *ахир, кеча бориб келди-ку! Сенга айтган эди-ку, ахир!*

Мустақил сўзлар семантик ўзгариш ва ажралиш натижасида ундовга кўчиши ҳам мумкин. Масалан, — *Кел, бир чўлни айланиб келай*, — *деди чол* (эرتак: *кел* феъли бу гапта ундов ўрнида). — *У боради*. — *О л а с а н, боради. У ҳеч ҳам бормайди* (эртак: *ола сан* феъли ундов ўрнида).

3. Ясалганликни белгилашнинг умумий қондаси конверсияда ҳам сақланади: яшашга асос бўлган элемент (ясовчи элемент) билан ясашиб чиққан элемент орасида боғланиш бўлади. Масалан, от ўрнида қўлланган *қимирлаган* сўзи (*қимирлаган қир ошар*: мақол) шу маъно билан боғланган феъл (сифатдош формаси) билан алоқада. Бу семантик-грамматик алоқа сезилмас ҳолга келса, ясалганлик ҳам билинмайди. Бу соддаланишнинг бир кўринишидир. Масалан, *оғир* сифати аслда *-р* аффикси ёрдами билан ҳосил қилинган сифатдош формаси бўлган (*оғир*: оғадиган. Чоғиштиринг: *тарозининг ўнг томони оғир келди*): Архаик чопар сўзи (от: хабар келтирувчи) ҳам аслда ўша типдаги сифатдош бўлган (чопар: чопадиган — югурадиган, чопувчи): *илғор* сифати ҳам шундай; *илға* (асли *ил+ға*: қиёсланг: *олға+ол+ға*) феъли билан алоқадор бўлиб, бунга *-р* аффикси қўшилиши натижасида сифатдош формаси ҳосил бўлган, кейин бу сифатдош сифатга кўчган (*илғор*: олдинда, илгарилаб борувчи), у ҳозирги тилда от бўлиб ҳам қўлланади. Демак, феъл → адъективация (сифатланиш) → субстантивация (отлашиш): *ғажир* (чўл бургут, асли *ғажир+р* — «ғажийдиган»); *ўртар* (диалектларда: иссиқ, қайноқ маъносига; *ўрт* — *ўт*: олов, *ўрт+а+р* — сифатдош); ҳозирги *қопқон*, *сичқон* отлари ҳам аслда сифатдош: *қопағон*, *билағон* сифатлари ҳам шундай: буларда бошқариш, равиш билан аниқланиш каби феъллик белгилари йўқолган. Кўринадики, ўтганликнинг, ясалганликнинг, сезилмас ҳолга келиши, одатда, деэтимологизация (этимологик асосини йўқотиш) ҳодисаси билан боғланади (Бунда энди грамматик омонимиягина эмас, лексик омонимия ҳам туғилган). Бу алоқа этимологик анализ йўли билан аниқланади; бугунги тил нуқтаи назаридан буларда ясалганлик йўқдир.

4. Конверсия йўли билан боғланиш одатда икки сўзни кўзда тутати. Масалан, семиз: 1. *Семиз одам* (сифат; аниқловчи + аниқланмиш). 2. *Озғин сал илжайди, семиз хаҳолаб қорнини ушлаб кулди* (ким? — семиз, озғин: эга). Баъзан уч сўз кўзда тутилади: 1. *Яхши одамлар* (сифат). 2. *Яхшилар* (от ўрнида). 3. *Яхши гапирди* (равиш вазифасида). Келтирилган мисоллардаги *семиз*, *озғин*, *яхши* сифатлари дастлабки ясовчи (биринчи)

элемент бўлиб, от ва равиш ўрнида келганлари шундан ҳосил бўлган (иккинчи) элементдир. Лекин шундай сўзлар ҳам борки, уларнинг якка ҳолда қайси туркумга кириши аниқ бўлмайди. Масалан, *иссиқ*: сифат (*иссиқ кун*) ва от (*Шундай иссиқда қаерга кетяпсиз? Иссиқ таъсир қилади*), *совуқ*: сифат (*совуқ сув*) ва от (*ўша йили ҳаво ёмон келиб, шолини совуқ урди. Совуқда қолган чорва молларини асраб қолиш учун шошилинч чоралар кўрилди*), *тўй*: от ва феъл, *кўч*: феъл ва от, *чуқур*: сифат ва от, *ёпиқ* (*ёп+иқ*): сифат (*ёпиқ эшик*) ва от (*отнинг ёпиғи*: отнинг устига ёпиладиган материя: попона, покрывало). Қиёсланг: *ёпиқли қозон ёпиқлиғича...* иборасида: биринчи *ёпиқ* (*ёп+иқ*) — от (*иқ*: ясовчи аффикс: ёпиш-беркитиш воситаси бўлган предметнинг отини ясайди, унга сифат ясовчи -ли аффикси қўшилган), иккинчи *ёпиқ* (*ёп+иқ*) — сифат (*-иқ* аффикси ҳолат сифати ясайди, унга белги оти ясовчи -лик аффикси қўшилган). Бундаги *-иқ* аффикслари оморфемаларни кўрсатади. *Тешик* сўзида ҳам шундай: *теш+иқ*: от («дыра», отверстие, *-иқ*: от ясовчи аффикс: натижа оти ясайди) ва сифат («дырявый», *-иқ*: сифат ясовчи аффикс: натижа сифати ясайди). Кўринадики, ясама сўзлардаги омонимлик уларнинг аффиксларидаги омонимлик ҳолати билан боғлиқдир. Этимологик жиҳатдан боғлиқ бўлган юқоридаги жуфтлар (улар полисемиядан вужудга келган омонимлардир) конверсия ҳодисасини кўрсатмайди: уларнинг икки томонлилиги бошқача характерга эга. Қиёсланг: *зўр* сўзи ўзбек тилида сифат бўлиб, у *кучли* сўзига тўғри келади (*зўр дори, зўр ишонч*; бундан *-лик* аффикси орқали белги оти ясалади: *зўрлик*). Бу сўз конверсия натижасида от каби қўллана олади (*полвонларнинг зўри — ...кучлиси, зўрлар — кучлилар*), бироқ *зўр* билан (*гардеробни ўрнидан куч билан зўрға — зўр билан қўзғатдик*), *зўр бермоқ* (*у чопиш мусобақасига зўр бериб тайёрланди*) каби ўринларда бу сўзнинг от бўлиб қўлланиши конверсия ҳодисаси билан боғлиқ эмас (*зўр* сўзи этимологик жиҳатдан отдир).

5. Конверсиянинг категориал кўчиш тусида бўлиши унинг грамматик омонимия билан боғланишини кўрсатади. Масалан, *қизил байроқ* (*қизил* — сифат) — *қизиллар оқларни енгдилар* (*қизил, оқ* — от каби қўлланган).

6. Конверсиядаги морфологик ўзгариш турланмайдиган сўзнинг турланадиган бўлиши — умуман, отга хос бўлган сўз ўзгарувчи аффиксларни қабул қила олиши (*Семиз киши — семизи, семизни, семизга...*) ёки акси: кўрсатилган типда формал жиҳатдан ўзгарадиган сўзнинг бошқа қўшилишда ўзгармас ҳолга ўтиши (*темирни, темирдан... ғиштни, ғишдан... — темир каркас, ғишт бино*), парадигмасининг бошқалиги (омонимия от билан феъл ўртасида бўлганда: от турланади, феъл тусланади) тусида бўлади. Демак, бундай ҳолларда фарқловчилик вазифасини синтактик ва семантик ҳолат билан бирга формал ҳолат — парадигма ҳам бажаради. (Парадигма — сўз ўзгартиш формалари системаси. Масалан, *пахтанинг, пахта, пахтага, пахтада, пахтадан* —

турланиш парадигмаси; *бордим, бординг, бордик...*— тусланиш парадигмаси).

7. Конверсиядаги семантик ўзгариш, кўпинча, «торайиш» характерига ҳам эга бўлади. Масалан, *яхши* ва *ёмон* сифатлари одамларнинг ҳам, бошқа жонлиларнинг ҳам, шунингдек, жонсиз предметларнинг ҳам белгисини кўрсатишга хизмат қилади, лекин от ўрнида қўлланганда, одатда, одамгина кўзда тутилади (*яхшилар*— *яхши* одамлар). Аммо ҳамма вақт ҳам шундай ўзгариш бўлиши шарт эмас. Масалан, *жонлилар* (умуман, жонли нарсалар); бунда кўрсатилган типдаги «торайиш» йўқ. Бунда бошқа томондан қараганимизда «торайиш» ҳам бор: *яхши* сифати предметнинг белгисини билдиради, от ўрнида қўлланганда ҳам белги, ҳам предмет маъноларини ўз ичига олади: предметни белгиси орқали англатади.

8. Конверсиянинг синтактик ҳолат билан алоқаси— контекст орқали аниқлаш айниқса субстантивацияда (от бўлмаган сўзнинг от ўрнида қўлланишида) яққол кўринади. Масалан, *яхши одамлар*— *яхшилар*: бунда айтилмаган предметнинг одам эканлиги, демак, отнинг қўлланмаганлиги аниқ билиниб туради. Лекин конверсияга учраган сифат ва равиш аниқланмиш (қаралмиш) бўлиб келганда, бу даражада аниқлик бўлмайди: қўлланмаган отнинг қайси сўз эканлиги, маъноси бошқа-бошқа бўлиши ҳам мумкин. Мисоллар: *Олма кўп: у яхшиларидан танлаб олди* (*яхшилари*: олманинг). *Иш охирига келиб қолди: кўпни кетиб, ози қолди* (*кўпни, ози*: ишнинг) — *Чол секин сўз бошлади: «Онанг қариб қолди, кўпни кетиб, ози қолди* (*кўпни, ози*: умрнинг бундай ҳолларда конверсияга учраган сўзнинг маъноси аниқловчи (қараткич) орқали конкретлаштирилади.

9. *Чиндан* (*у чиндан сени севади*), *бирдан* (*у бирдан кулиб юборди*) каби сўзларнинг келишик формасини олган ва олмаган ҳолатлари сўз туркуми жиҳатидан бир хил эмас: *чин*— сифат, от, *бир*— сон. Бу сўзлар *чиндан*, *бирдан* формасида эса равишдир: маълум бир келишик формаси билан «қотиб», турланишнинг умумий парадигмасидан ажралиб, равиш бўлган (лекин улар формасини ўзгартмаган ҳолда ҳам равиш каби қўллана олади: *у чин гапирди*: рост гапирди, ёлгон гапирмади; *бир айтди, икки айтди*, бунда равишнинг ҳосил бўлиши— сўз туркумининг ўзгариши айрим хусусиятга ҳам эга. Қиёсланг: *бирдан ёмғир ўради берди* (*бирдан* формаси парадигмадан айрилиб чиққан: изоляция) — *бола ҳисоблай бошлади: бирдан ярмини олсак, ярим қолади; бирга учни қўшсак. ... улар иккаласи бирга кетди* (ажралиш йўқ: тўла парадигма). Кўринадики, биз бунда грамматик форманинг лексикализациясини кўраемиз. Қиёсланг: ҳозирги *қишин-ёзин, эрта-кечин* каби равишлар *-н* ясовчи аффикси орқали ҳосил бўлган сўз тусидадир, лекин аслда бу *-н* келишик кўрсаткичи бўлган, демак, *қишин-ёзин*: сўзнинг бир формаси, бу форма кейинроқ равишга ўтган: *қараб: у сенинг сўзингга қараб келган эди. —... кўра..* (*қара+б, кўр+а*: аслда феълнинг равиш-

дош формаси бўлиб, кейинроқ равишга кўчган); яна равиши аслда қайтмоқ маъносида эски *ён* феълидан — равишдош формасидан (*ён + а*) ҳосил бўлган (*яна — қайта: қайт + а*). Равиш ва ёрдамчиларнинг бу йўл билан ясалиши анчагина учрайди: *бирга* (биргаликда): аслда *бир* сонининг жўналиш келишиги формаси, ёки: *бир (сон) + ик* (феъл ясовчи аффикс) + *-а* (равишдош формаси кўрсаткичи) *бирика-бирига—бирга* (қийёсланг: *зўр + иқ + а—зўриқа, зўриға—зўрға*); *билан—бир + ла + н* (бир бўлган ҳолда), *бошқатган* (бошқа), *буён* (бу + ён: томон), *бери* (*беру: бе + ру, нару, ичкару, ташқару...*). Буларнинг кўпида асли билан аниқ алоқани сақлаб туриш ҳолати йўқолган: ясалганлик сезилмайди, булар содаланиш ҳодисасига учраган. Демак, *оғир, зўрға* каби кўринишлар энди нутқ ҳодисаси эмас, балки тил ҳодисасидир. Булар шу тусда маълум бир туркумга кирадиган сўзлар (*оғир* — сифат, *зўрға* — равиш) бўлиб, уларнинг категориал ҳолати нутқ процессида белгиланмайди. Қийёсланг: *яхши* сўзи тил ҳодисаси тусида — сифат, унинг от бўлиб келиши нутқ процессида келиб чиқади. Демак, унинг бу ҳолати нутқ ҳодисасидир. Қийёсланг: сўз бирикмаси (нутқ ҳодисаси) — *қўшма сўз* (шу моделдаги) тил ҳодисаси.

10. Ясама сўзларда ҳам ички (семантик), ҳам ташқи (фонетик) бошқаликнинг бўлиши (*тўпла — тўплам* каби) сабабли уларда ясалганлик дарров ўқилади, конверсияда эса ташқи бошқалик ифодаланмайди, шунга кўра бунда ясалмаликнинг сезилиши — бунинг аниқлиги ясама сўзлардаги даражада бўлмайди. Ясалиш сўзининг етакчи типга (аффиксацияга) нисбатан қўлланиб, шунгагина хосдек бўлиб кетганлиги ҳам бунинг сабабларидан биридир.

Айрим сўзларнинг конверсия йўли билан ясалганлиги одатдаги ҳол тусига кирган, ўзлашган, умумлашган, бундай ясалмалар якка ҳолда ҳам ҳар икки томонни, бу ясалмага асос бўлган — ясовчи элементни ва ясалиб чиққан элементни, эслатиб туради (*ялқов, ярадор* типидagi сўзлар), буларда синтактик — конструктал ҳолатнинг роли энди нисбатан кучли эмас, бироқ *қовуннинг пишгани* (*пишгани*. Қийёсланг: *пишган қовун*), *бу ишнинг бирон лекини бор, шекилли, лекинини айт* (*лекини: зид томонни, тўсиқ маъносида; от ўрнида*) — *Нега?* — *Негасини кейин кўрасиз* (*Негаси: сабаби маъносида; от ўрнида*) каби ўринларда кўчишнинг кучсизлиги, бунда синтактик-контекстуал ҳолатнинг максимал роль ўйнаши, бундай кўчишнинг одатдаги — ўзлашган ҳол бўлмай, онда-сонда учрайдиган («лекин»и каби) ҳодиса эканлиги кўриниб туради. Буларнинг биринчиси узуал кўчиш («одат» — «бирор ҳодисанинг одатдаги ҳолати» маъносидagi *узус* сўзидан), иккинчиси окказионал кўчиш («тасодифий» — «одатдаги қўлланиш тусига кирмаган — узуал бўлмаган» маъносидagi *окказионал* сўзидан) ҳисобланади. Баъзи кўринишлар тилнинг маълум тараққиёт даврида кўрсатилган ҳолатлар орасида, ўтиш процессида бўлади.

Конверсия, лексикани бойитиш воситаларидан бири бўлган бу йўл, бир томондан, мустақил сўзнинг ёрдамчи сўзга кўчиши характерида бўлади. Масалан, кўпгина кўмакчи феълларнинг шу формадаги мустақил феъл билан боғланиши бутунлай йўқолган бўлиб, улар сўзнинг аналитик формасини ҳосил қиладиган ёрдамчига айланган: *айтиб қўй, айтиб бер, айтиб юбор, айтиб чиқ, айтиб ташла, айтиб тур, айтиб юр, айтиб қол, айтиб ўтир, айтиб ол*, ва б.; бундай тенденциянинг айрим кўринишлари ёрдамчи отларда ҳам учрайди: *сўзнинг усти, сўзнинг юзи. У ўз устига олган вазифани тўла бажарди. Қор устида тулкининг излари қолган эди. Китоб устида ишлаш* ва б.; иккинчи томондан, бир туркумнинг бошқа туркумга ўтиши мустақил сўзларнинг ўзаро категориал кўчиши тусидадир (кўчиш ҳодисаси ундов ва тақлид сўзларда ҳам учрайди).

Категориал кўчишда, аффиксациядаги ясалиш принципига қиёс қилганимизда, аввалги туркумдаги сўз ясовчи элемент вазифасини, кейинги туркумдаги сўз ясалган элемент (ясалма, махсул) вазифасини бажаради. Орадаги муносабат сезилиб туради, сезилмаган ҳолда эса энди ясалма саналмайди. Масалан, *оғир* сифатининг асли *оғмоқ* феълидан (сифатдош формасидан) келиб чиққани бугунги тил учун жонли ясалиш ҳодисаси эмас, балки этимологик текширишдир.

Конверсиянинг сўз яшашда асосий роль ўйнайдиган кўринишлари субстантивация, адъективация, адвербиализация ва прономинализациядир (булар ҳар бир сўз туркумининг ўз ичида айрим-айрим қаралади).

МОРФОЛОГИЯ

КИРИШ

Грамматика тилшунослик фанининг бир қисми бўлиб, у тилнинг грамматик қурилишини текширади. Демак, у сўз ва гапнинг ҳар бир тилдаги формал-грамматик томонларини—сўзнинг форма ўзгаришларини, сўз қўшишнинг, сўз бирикмаларининг турли кўринишларини, воситаларини ва гапнинг структурасини, типларини ўргатади. Лекин грамматика термини тилнинг грамматик қурилиши маъносида ҳам қўлланади. Аниққи, бу термин кейинги маънода ишлатилганда, грамматика фанининг текшириш объектини билдиради.

Ҳар бир тилнинг спецификасини унинг фонетик, лексик ва грамматик структуралари акс эттиради. Бу структураларнинг ҳаммаси бир бутун системани ҳосил қилади, демак, тилнинг грамматик қурилиши унинг фонетик қурилиши билан ва лексик системаси билан боғлиқдир: тилнинг ўзаро боғланган бўлақларнинг яхлитлигидан иборат бўлиши грамматиканинг фонетика ва лексикология билан алоқада эканлигини англатиб туради. Келиб чиқадикки, тилнинг ҳамма томонлари ўзаро боғланган, ўзаро шартланган бўлиб, грамматик қурилиш тил системасининг бир қисмидир. Грамматика сўзларни шакллантиради, бириктиради, уларнинг фикр англатиш воситаси системасидаги вазифасини реализация қилади.

Ҳар бир тилнинг грамматик қурилиши маълум нормаларга, қонун-қоидаларга эга. Масалан, ўзбек тилида: сифатловчининг сифатланмишдан олдин келиши, бунда инверсиянинг бўлмаслиги (бундай ўринларда тартибнинг ўзгариши эга-кесим алоқасини ёки изоҳланмиш-изоҳловчи муносабатини кўрсатади), қаратқич ва қаралмиш дистант ҳолатда бўлганда, одатдаги бўлакнинг аниқланмишга қарашли (шунинг аниқловчиси) бўлиши, эргаш гапнинг, кўпинча, бош гапдан ёки бош гапдаги ҳоким (шу эргаш гапни ўзига қарам қилган) элементдан аввал келиши, қаратқич ва қаралмишнинг шахс жиҳатидан мослашиши ва бошқалар. Тил орқали фикрлашишда, алоқа-аралашув процессида, нутқда, тил материалларидан шу қонун-қоидалар асосида фойдаланилади, бу билан тилнинг реализацияси, тилдан фойдаланишнинг конкрет кўринишлари, нутқ ҳосил бўлади. Аниққи, тилдан фойдаланиш аниқ қоидалар, нормалар асосида бўлади. Бу нормалар тил струк-

турасининг ўзида бор, грамматикада шулар, қондалар, маълум тартибда баён қилинади. Масалан, *Бола югурди. Қиз куйлади. Бедана сайради* каби гапларнинг ҳаммаси бир ягона қоида — модель асосида тузилган гаплардир.

Кўпгина тилларнинг грамматик қурилишида ўхшашликлар бор, лекин, иккинчи томондан, бир оилга кирадиган тилларнинг орасида ҳам маълум фарқлар бор. Тилларнинг грамматик қурилишидаги ўхшашлик нисбатан синтаксисда кучли (айниқса, қўшма гапларнинг структурасида), фарқланиш, ноўхшашлик эса сўз формаларида кучлидир.

Грамматика тилнинг грамматик қурилишига хос бўлган қонун-қоидаларни, нормаларни тасвирлайди, унинг турли хусусиятларини текширади. Мисол учун ўзбек тилининг грамматик қурилишига доир айрим ҳодисаларни эслаб ўтаемиз: эганинг бош келишида бўлиши, шахс жиҳатидан мосланиш (*мен бораман, сен борасан* каби), сўзларнинг бирикишидаги ички мослик (маънонинг бир-бирига тўғри келиши, бундай мослик, умуман, ҳамма тилларда бўлади: тафаккур қонунлари интернационал характерга эга) — мувофиқлик. Масалан, *-инқира* аффиксини олган сўз ҳаракатнинг юзага келишидаги «кучсизлик, камлик, нормадан пастлик» маъносини билдиради, шунга кўра бу сўз семантик жиҳатдан мос равишда «сал», «бир оз» сўзлари билан бирика олади (*ранги сал оқаринқиради* каби), *-роқ* аффиксини олган сўз ҳам шундай (*сал оқарганроқ* каби), булар «жуда» типидagi кучайтирувчи элемент билан қўшила олмайди, чунки ички томони, мазмун тўғри келмайди, мослашмайди.

Тилнинг грамматик қурилишининг нормалари, тилнинг лексик ва фонетик системаларида бўлганидек, тил тараққиётининг турли даврларига кўра ўзгариб, фарқланади ҳам. Баъзи мисолларни кўриб ўтаемиз: 1. Навоий даври ўзбек тилида, эски ўзбек тилида, *-роқ* аффиксининг (юмшоқ вариантда ҳам) асосий хусусияти чоғиштириш билан боғланган ортиқлик, қиёс-ортиқлик маъносини англашиш бўлган (*...барчадин яхшироқдир ҳаёт гули*. Навоий), ҳозирги замон ўзбек тилида бу аффикс камликни, белгининг нормадан кучсизлигини билдириш билан характерланади (*ундан яхши*: белгининг одатдаги, қиёсдаги, нисбий ортиқлиги, *яхшироқ*: сал яхши — ортиқликнинг ўзи одатдагидан, нормадан кучсиз: «Незначительно» маъноси). 2. Кесим мажхул формадаги феъл билан ифодаланган бўлса, шу гапнинг эгаси логик объектни (ўша феъл кесимдан англашилган ҳаракатнинг объектини) билдирадиган сўз билан ифодаланиб, логик субъект, одатда, ифодаланмайди. Логик субъектни ифодалаш зарур бўлган ўринларда гапнинг конструкцияси пассивдан активга ўтади. Ҳозирги замон ўзбек тилида логик субъектни гапнинг пассив конструкциясини ўзгартмай туриб ҳам ифодалашнинг бир неча хил йўллари мавжуд. Бу ҳодиса гап структурасининг тараққиётидаги кўринишлардан биридир. 3. Эски ўзбек тилида *-гу* (фонетик вариантлари билан) аффикси ёрдами билан ясалган иш отига *-м, -нг* каби аффиксларнинг

қўшилиб, шу сўзнинг кесим эканлигини кўрсатиш ҳодисаси ҳам учрайди. *Мен кўргум* типиди. Гапнинг бундай конструкциясида *-м, -нг* каби аффикслар предикативлик кўрсаткичи функциясида келади (демак, эгалик аффикслари билан тусловчи аффикслар генетик жиҳатдан алоқадор). Бу ҳол ҳозирги замон ўзбек тилининг грамматик нормалари доирасига кирмайди. *Кўргим келди, кўргинг келди* типидаги конструкциялар бундан бошқачадир.

Даврлар бўйи тилнинг структурасида бўладиган ўзгаришлар синтаксисда ҳам, морфологияда ҳам учрайди. Гап конструкциясининг — гапнинг структурал типларининг тил тараққиётидаги даврларга нисбатан ҳар хил тусга кира олиши «тил тарихи гапнинг бир қанча таърифини бериши керак» (А. А. Потебня) деган фикрни тасдиқлайди. Яна қуйидаги ҳодисаларни чоғиштиринг: 1. Эски ўзбек тилида гапнинг *бу сенинг* (ҳозирги тилда: *бу сеники*) типидаги конструкцияси ҳам учрайди (ҳозирги тилда қаратқич келишиги кўрсаткичи *-ники* аффикси функциясида қўлланмайди). 2. Эски ўзбек тилида кишилик олмошлари *бирлан, учун* каби айрим ёрдамчи элементлар билан биргаликда келганда, одатда, қаратқич келишиги формасида бўлган (*сенинг бирлан, сенинг учун*). Чоғиштиринг: *сенингдек*). Булар, ҳозирги нормаларга мувофиқ, бош келишикда қўлланади (*сен билан, сен учун; сендек*). Бу олмошларнинг сўз ўзгартувчи аффикслар олгандаги фонетик ҳолати ҳам фарққа эга. Эски ўзбек тилида: *ул* (бош келишик, бирлик) — *алар* (бош келишик, кўплик), *андин* (чиқиш келишигида), *анга* (жўналиш келишигида), *анда* (*ўрин-пайт* келишигида) — ҳозирги замон ўзбек тилида: *у, улар, ундан, унга, унда*. 3. Эски ўзбек тилидаги «ва-лекин» типидаги кўриниш бугунги тилда поэзияда ҳам қўлланмайди (қиёсланг: баъзан «лекин-аммо» формасида диалектал кўриниш учрайди). 4. Қадимги тилдаги восита келишиги (*-н* кўрсаткичи билан: *кўзун кўриб* — кўзи билан кўриб...) бугунги тилда учрамайди. 5. *Анинг бирла яяқ келмиш* (эски ўзбек тилида) — *у билан яёв келган* (ҳозирги тилда. Қиёсланг: *ўлчак — ўлчов*). Қиёсланг: бундай ўзгаришлар фонетика соҳасида ҳам учрайди: *фу:ло+д* (асли тожикчадан) сўзи ҳозирги тилда *пўлат* тусида бўлиб, бунда ўзгармай қолган, қаттиқ-юмшоқлик ҳисобга олинмаса, *л* товушигинадир: *ф→п*, унлиларнинг узунлиги йўқолган: *у:→ў, о:→а, д→т* (лекин бунда *д→т* ҳолатида ҳар хиллик бор: *пўлат — Аҳмад, қанд — қант*).

Тил ҳодисаларининг ҳаракатини, ўзгаришини кўрсатишда *-р* аффикси орқали ҳосил бўлган сифатдошнинг ҳаёт йўли характерлидир. Бу аффиксининг бириктирувчи унлиси эски ўзбек тилида лабиал гармониянинг талаби билан туғиладиган (*йўрур, кўрур* каби) ўринлардагина эмас, *қолур, борур* каби, бошқа ҳолларда ҳам *у* формасида учрайди (лабиал гармонияга бўйсунмаган ҳоллари ҳам бор), бу сифатдош эски ўзбек тилида иш-ҳаракат оти бўлиб ҳам қўлланади: *кўзунг кўнглум олурға майл қилса...* (Атойи, *олурға* — олишга), *барурға* (Навойи: боришга, бормоққа)

каби. Ҳозирги ўзбек тилида бу сифатдошнинг унлиси *a* формасида (юрар, қолар каби), унинг иш оти бўлиб қўлланиши қотган ибораларда, мақол, матал, топишмоқ кабилардагина учраб қолади, баъзан бадий асарларда поэтик, стилистик хусусиятлар билан боғлиқ ҳолда қўлланиб қолади. Ҳозирги тилда бу сифатдош кесим функциясида келганда, тахмин, мўлжал, тусмол маъноси билан боғланади. Бу модаллик отгенкаси икки хилликка олиб келади: *борар* типдаги формалари ҳам аниқлик (боради), ҳам тахмин (борса керак) билан боғланади. Натижада, бу типдаги кесимлар аниқлик ифодаси учун феълнинг бошқа формаси билан алмашган, *-р* формаси тахмин маъноси учун хосланиб қолган. Ҳатто, мақолларда ҳам бундай алмашиш юз берган «Ўзбек халқ мақоллари» тўпламларининг турли даврлардаги нашрларида ҳам бундай алмаштириш юз берди: бу ҳодиса тилдаги тараққиёт тенденциясининг таъсири билан бўлди. Бу сифатдошнинг иш оти бўлиб қўлланиш функциясининг бир кўриниши ҳозирги тилда феълнинг, асосан, *-ш* аффикси билан ясалган формасига кўчган, мисоллар: *...қилурға юз пора* (Саккокий: қилишга)... *учарга* (Саккокий: учарга — учишга)... *Бу дамким, гул қилур булбулга алтаф...* *рақибларга қилур лаълинг табассум* (Атоий: қилур — қилади).. *Ишлаган тишлар* (... тишлайди). *Ҳар ким экканини ўрар* (... экканини ўради). *Меҳнат роҳатга етказар* (.. етказди) *Ишчилар, уйғон, уйғон, уйғон: Сенга етишди ўқурга замон* (Ҳамза). *Келди очилур чоғинг* (Ҳамза). *Одамзод бахтининг биргина сенда бўлурига мукамал қондим* (Ҳ. Олимжон).

Тилдаги бундай ўзгаришлар жамият тараққиётининг объектив қонунлари асосида, талаб натижасида туғилади. Бу каби ҳодисаларни, шу билан боғлиқ ҳолда, ҳозирги тилнинг структурасини, нормаларини, қонун-қоидаларини тасвирлаш тил фактларига тарихий ёндашиш билан боғлиқ. Бундай ёндашиш тил ҳодисаларининг «туғилиши ва тадрижий тараққиётини кузатиш билан она тилининг материал ва формасининг аниқ, тушунарли ва равшан бўлишига» (Ф. Энгельс), ҳодисалар орасидаги «тарихий алоқаларни аниқлашга» (В. И. Ленин) эришиш имконини беради. Бундай текшириш тилдаги янги ҳодисаларни, тараққиётни аниқлаб беради. Масалан, ҳозирги замон ўзбек тилидаги *болалар ўқидилар* (кесимнинг ҳам, эгага қараб, кўплик кўрсаткичи олиши ҳодисасининг одатдаги ҳол тусига кириши), *Пахта машиналарда териб олинди* («Совет Ўзбекистони». Яна ҳам аниқлик, таъкид учун «машина»нинг кўплик формасига кириши), *«Эртага бораман», — деди чол* (кўчирма гапли конструкцияда автор гапи кейинги ўринда бўлганда, кесимнинг эгадан аввал келиши), *Бу йил маҳсулдорлик ўн процентга ошди* («Совет Ўзбекистони». «Процент»нинг жўналиш келишиги формасида келиши), *Бу кўприк шу маҳаллада яшовчилар томонидан қурилди* (мажҳул конструкциянинг ривожини каби қўллашлар нисбатан янги ҳодиса бўлиб, булар рус тилининг ўзбек тили тараққиётдаги прогрессив ролин кўрсатувчи фактлардандир. Қиёсланг: ўзбек тилининг рус тилидан сўз олиш йўли

билан бойиши натижасида урғуси охиридан бошқа бўғинга тушадиган сўзлар ҳам кириб, урғуда янгилик пайдо бўла бошлади: халқнинг маданий савиясининг ошиши билан *коммуна, тонна, техника, радио, партия, конституция* каби сўзлар одатдаги адабий урғу нормаси билан айтиладиган бўлди, шу билан бирга, сўзга аффикслар қўшилганда урғунинг кўчиш ҳодисаси бундай сўзларда бошқачароқ тус олди, асосий урғунинг ўз ўрнида қолиб, сўз охирида иккинчи даражали урғунинг пайдо бўлиши, бош урғунинг сўз охиригача кўчиб, аввалги бош урғунинг иккинчи даражали урғуга айланиши каби янги нормалар пайдо бўлди. Ҳозирги тилдаги *айтинглар (айтингиз ўрнига. Қиёсланг: ҳорманглар, чопинглар, чангитманглар)* каби қўллаш, *айтингизлар* типидagi (-инг + из + лар) қўллашнинг истеъмолдан чиқиши, қўшма от ҳосил қилишда аффиксиз бирикиш (*кунжут* ёғ каби) адабий тилнинг жонли нутқ билан тобора яқинлашишини кўрсатади.

Тилнинг грамматик қурилиши ва товуш томонининг муносабати. Умуман, тилнинг ҳар бир ҳодисаси унинг, тилнинг товуш томони билан боғлиқ: «Ҳар бир тилнинг материяси товушлардир» (К. Маркс, Ф. Энгельс). Ҳар бир грамматик ҳодисанинг товуш билан ифодаланиши грамматиканинг фонетика билан муносабатини кўрсатади. Қуйидаги ҳодисаларни қиёсланг: гапнинг характерли белгиларидан бири унинг интонацион тугалликка эга бўлишидир: синтагмалардаги ва сўз бирикмаларидаги логик-грамматик бутунлик шу ҳодисага хос интонацион бутунликдан ҳам билиниб туради: лексик урғу сўзга фонетик бутунлик беради; гапда, сўз бирикмаларида пауза ўрнининг ўзгариши фикрий-грамматик ҳолатнинг бошқалигидан дарак беради: сўзларда лексик урғунинг бошқа-бошқа бўғинга тушиши орқали айрим ҳолларда, маълум шароитларда, сўзнинг маъноси, қайси лексик-грамматик категорияга кириши ва составидаги морфемаларнинг типни дифференцияция қилинади (масалан, *қушча*: урғуси охириги бўғинда бўлганда — от, бундаги *-ча* аффикси кичрайтиш маъносини билдиради: *қушча*: кичик қуш: бу сўзнинг урғуси бош бўғинда бўлганда — равиш, бундаги урғусиз *-ча* аффикси ўхшатиш маъносини билдиради. *Қўшча*: қушдек, қуш каби, қуш қадар. Демак, бу ўринда лексик урғу орқали от билан равиш фарқланган) ва бошқалар. Яна: *қизгина* (урғуси охириги бўғинда, урғули *-гина* элементи эркалаш маъносини билдиради) — «*қизгина* (урғуси бош бўғинда, урғули *-гина* элементи чегаралаш, ажратиш мазмунини, «фақат» маъносини ифодалайди), *-чи* сўроқ-таажжуб билдирувчи юклама; *ҳозёр* (тайёр; шу пайтда) — *ҳозир* («только-что», яқиндагина); айрим ҳолларда бир формадаги, товуш состави бир хил бўлган, сўзларнинг қайси сўз категориясига кириши ва маъноси составидаги унлининг миқдори, фонетик вариантлари бора-бора ажралиб, бу нарса бошқа-бошқа ҳодисаларни кўрсатишга олиб келиши мумкин (*қишлоқ ва қишлоқ* сўзларининг, *-ганча* ва *-гўнча* аффиксларининг бора-бора айрим-айрим элемент бўлиб кетганлигини чоғиштиринг). Аниқки, тилнинг товуш томони-

нинг бошқа ҳамма томонлар билан чамбарчас боғлиқ эканлиги табиий ҳолдир.

Тилнинг грамматик қурилиши ва лугат состави. Тилдаги ҳар бир сўз унинг (тилнинг) лексик бирлигидир. Сўзнинг морфологик ва синтактик хусусиятлари ҳақидаги таълимот грамматиканинг асосидир. Сўзнинг лексик-грамматик хусусиятлари, ўхшашликлари от, феъл каби группаларнинг ажратилишига асос бўлади. Сўз нутқда бошқа сўз билан алоқага киришиб, грамматик жиҳатдан шаклланган бўлади, бирикишда маълум формага кирди (*паркка кетди, паркдан келдим* каби), сўз қўшилмаларининг, гап ва сўз бирикмаларининг материали сўзлардир. Бу ҳодисалар тилнинг грамматик қурилишининг лексика билан бўлган муносабатини билдиради. Лексика ва грамматиканинг объектлари жуда яқин, ўзаро зич муносабатдадир. Демак, сўз лексикологияда текширилишига қарамай, у маълум томонлари билан грамматикага ҳам алоқадордир, сўз умуман тилнинг бирлигидир.

Морфология — сўз ҳақидаги грамматик таълимот. Грамматика тилнинг сўз ўзгартиш ва сўз қўшиш — бириктириш қоидаларининг йиғиндиси бўлиб, у сўзнинг формаларини, сўз категорияларини, сўз бирикмаси ва гап ҳосил қилишдаги хусусиятларни текширади. Грамматиканинг асосини сўз туркумлари ва гап ҳақидаги таълимот ташкил қилади. Бу ҳол грамматиканинг икки қисмдан — морфология ва синтаксисдан иборат эканлигини кўрсатади.

Морфологиянинг объекти сўзнинг грамматик томонидир: у сўзни тилнинг грамматик системаси нўқтаи назаридан текширади (лексикология эса сўзни тилнинг лексик системаси нўқтаи назаридан текширади): сўзнинг морфологик структураси — морфемалари, морфологик категориялар, сўзнинг формалар системаси, сўз формаларининг ҳосил бўлиш йўллари, воситалари, сўзларнинг лексик-грамматик категориялари.

Морфологиянинг асоси кенг маънода форма яшашдир, сўзнинг формасидир, грамматик томонидан (сўзнинг грамматик томони деганда, унинг от, сифат, феъл каби категорияларга бўлинишини ҳам тушунамиз). Демак, морфология сўз ҳақидаги грамматик таълимотдир. Фонетиканинг асосини унли-ундош, жарангли-жарангсиз каби фонетик оппозициялар ташкил қилганидек, морфологиянинг асоси бир-бирига зид, лекин ўзаро боғланган, шартланган грамматик оппозициялардир (бирлик-кўплик, бўлишли-бўлишсиз каби).

Морфология ва синтаксиснинг объектларини қулайлик учун айрим-айрим кўрсатиш традиция бўлиб қолган, лекин бу англишларнинг ҳаммаси, иккинчи томондан, синтактик ва морфологик ҳодисаларнинг жуда яқин алоқасини кўрсатиб туради. Морфология ва синтаксис бир-бири билан узвий боғлиқдир: тилнинг грамматик қурилиши яхлит система бўлиб, у морфология ва синтактик ҳодисалардан, уларнинг қисмлари ўзаро муносабатда бўлган бир бутунлик, ягона система ҳосил қилишидан иборатдир.

Чоғиштиринг: сўзлар ўзаро боғланиш талаби билан, демак, синтактик хусусият натижасида, турли формаларга киради: *театрнинг биноси, театрга бормоқ, театрдан келмоқ* каби. Бундай форма ўзгариши бутун бир система бўлиб, сўзнинг ҳар бир конкрет формаси шу системанинг бир кўринишидир.

Морфология билан синтаксиснинг яқин муносабати жуда кўп ҳодисаларда уқилиб туради: уларнинг объектлари яқин ва алоқадор; сўзларнинг грамматик категориялари, сўз туркумлари билан гап бўлаклари орасида боғланиш бор — гап ва сўзнинг алоқаси синтаксис билан морфологиянинг алоқасини кўрсатади (бунда лексика билан ҳам боғланиш бор); гапда сўзларнинг боғланиш усуллари ва алоқа формалари сўзнинг формал, морфологик ўзгариши билан боғлиқ; сўзнинг формаси (синтактик форма) унинг бошқа сўз билан бирикишидан дарак беради, шу бирикишнинг характери кўрсатади: сўз ўзгартувчи аффиксларнинг функцияси синтактиkdir, кўмакчи ва боғловчиларда ҳам худди шу ҳолдир; сўзнинг форма ўзгариши билан синтактик функцияси ўзаро боғлиқ; айрим сўз қўшилмалари сўз формасини кўрсатишга хизмат қилади; модал сўзлар синтаксис билан айниқса зич боғланган; сўзларни от, феъл каби группаларга ажратишнинг бир асоси уларнинг синтактик белгисидир; сўзнинг номинатив функцияси билан тилнинг коммуникатив функциялари узвий боғлиқ.

Морфологиянинг сўз ҳақидаги грамматик таълимот сифатида таърифланиши унинг текшириш объектлари доирасига сўзларнинг лексик-грамматик категорияларга бўлинишини — сўзларнинг туркумланишини ҳам (от, феъл каби) киритишга имкон беради. Сўзларнинг туркумланишида грамматик белгиларнинг асослиги ўша группаларнинг хусусиятларидан аниқ сезилиб туради. Морфологияни тор маънода олиб (айрим асарларда шундай қаралган), уни сўз формалари системаси — парадигматика ҳақидаги илм деб қарасак, бу соҳани чегаралаб қўйган бўламиз.

Морфология ва лексикология. Морфологиянинг лексикология билан яқинлиги, айниқса, морфологик йўл билан — аффикслар орқали сўз яшашда (шунингдек, бир туркумдаги сўзнинг бошқа туркумга ўтиши — кўчиш йўли билан сўз яшашда) очиқ кўринади. Сўз мустақилликка, яхлит структурага эга бўлиб, унда ўзаро боғланган фонетик, лексик-семантик ва грамматик томонлар бор. Бу нарса сўзнинг ўзаро боғланган уч хил структурага эга эканлигини кўрсатади: сўзнинг семантик структураси (сўз англададиган маъноларнинг бутун системаси), сўзнинг фонетик структураси (сўзнинг типик фонетик хусусиятлари), сўзнинг морфологик структураси (морфемаларга бўлиниши).

Янги сўз ҳосил қилиш, тилда сўзларни кўпайтириш, тилнинг лексикасини бойитиш усуллари билан биридир. Демак, сўз ясалиши ҳодисаси лексикология билан бевосита боғлиқ; у лексик функцияни бажаради. Шунга кўра сўз ясалишини лексикологияга киритиш мумкин. Лекин бу мураккаб ҳодисанинг бир қанча томонлари бор. Сўз ясалишнинг энг кўп тарқалган, етакчи усули аффиксация бўл-

ганлигидан ва бундай ясалиш формал, ташқи томондан сўз формалари яратиш билан бир хил кўринишда бўлганлигидан, бу ҳодиса кўп замонлардан бери морфологияга киритилади, ҳолбуки, сўз яшашнинг синтактик, фонетик ва лексик-семантик усуллари ҳам бор. Сўз яшашнинг фонетик ва лексик-семантик типлари (грамматик сўз яшашдан бошқа усуллар) морфологиядан анча узоқ туради. Сўз яшашнинг усуллари ва воситалари ҳар хил. Сўз яшаш ҳодисаси янги лексик бирлик яратиш демакдир. Англашиладики, сўз ясалишининг функцияси лексик характерда, у лексикологияга жуда яқин туради. Шунга кўра айрим ишларда сўз ясаши лексикологияга киритилади.

Сўз яшашнинг функциясини, ҳамма усуллари (грамматик ва грамматик бўлмаган усуллар), воситаларини, тил системасининг турли томонлари билан муносабатини — умуман, унинг табиатини, ўзига хос хусусиятларини жамлаб, бир бутун сифатида олиб қарасак, унинг тилшуносликдаги мустақил бир қисм эканлигини кўрамиз. Демак, сўз ясаши тил ҳақидаги фаннинг айрим бир соҳаси бўлиб, унинг бир томони морфология билан алоқадордир.

Грамматик категориялар

Морфология умуман сўз ҳақидаги таълимот бўлмай, балки сўзнинг грамматик томонини текширадиган илмдир. Грамматик аспект-сўзнинг бир томони, қулайлик учун уни биз текшириш объекти сифатида айрим кўрсатамиз, аслида эса у сўзнинг бошқа аспектларидан ажралмайди. Қиёсланг: луғат китобларида сўзларни айрим-айрим, узук ҳолда кўрсатамиз: уларни якка ҳолда олиб, турди хусусиятларини тасвирлаймиз, ҳолбуки, улар алоқа-аралашув процессида, тилнинг ўз функциясини бажаришида, нутқда бошқа сўзлар билан боғланган бўлади (*Сув тиниқ. Барлар шитирлади. Сен теримчисан*) — уларнинг ҳаёт йўли шудир: «Сўзнинг ҳақиқий ҳаёти нутқ ичидадир» (А. А. П о т е б н я).

Сўз тилнинг мустақилликка эга бўлган, айрим маъно ё эмоцияларни билдирадиган, фонетик ва грамматик жиҳатдан шакланган, тугалликка эга бўлган бирлигидир. Демак, сўз маъно ва шаклланиш жиҳатидан яхлитликка, махсусликка эга: у семантик ва фонетик, грамматик бутунликдир. Бу ҳолат сўзнинг бир-биридан ажралмайдиган икки томоннинг — маъно (ички томон) ва товуш (ташқи томон)нинг бирлигидан иборат эканлигини билдиради.

Тилдаги сўзларнинг структураси — маъноси ва формаси бора-бора ўзгарган бўлиши ҳам мумкин. Мисоллар: эски ўзбек тилида: *ўлтур* (ўлдириш ва ўтириш маъноларида) — ҳозирги ўзбек тилида: *ўлди* ва *ўтир*; *сўрди*, *битди* (эски ўзбек тилида) *сўради* ва *битди* (ёзи); ҳозирги ўзбек тилида); эски ўзбек тилида *олинди*, *ўтқарур*, *ёлғузун*, *сарғариб*, *киши то бўлмаса ошиқ*, *шифо тилай келдим*, *сенсизин*, *ўгрин боқмоқ* — ҳозирги ўзбек тилида: — *олди*, *ўтказди*, *ёлғиз*, *сарғайиб*, *киши ошиқ бўлмагунча* — *киши то ошиқ*

Бўлмагунча, шифо тилаб келдим, сенсиз, ўғринча боқмоқ. Умуман, бу фарқланиш, биринчидан, тил тараққиётининг турли даврларига кўра, иккинчидан, диалект-шеваларга кўра, учинчидан, стилистик хусусиятларга кўра бўлади.

Сўзнинг структурасида турли томонларнинг ўзаро боғланганлигини лексик ва грамматик маъноларнинг бир бутунлик ташкил қилишида ҳам кўрамиз.

Сўзнинг лексик маъноси унинг предмет, белги кабилар ҳақидаги тушунчасини реаллаштириши — нимани англатишидир. Сўз, ўз лексик маъносидан ташқари, грамматик маънога ҳам эга бўлади. Масалан, *каптарларни севамиз* гапидаги биринчи сўз парранданинг маълум бир турини билдиради, иккинчи сўз эса шу билан боғланган ҳаракатни билдиради. Бу ҳодиса ўша сўзларнинг лексик маъносидир. Бу сўзларнинг грамматик маънолари: *каптарларни* — тушум келишиқдаги, кўплик формасидаги от (қайси сўз туркумига кириши, сони ва келишиқ формаси); *севамиз* — биринчи шахснинг бирлиги формасидаги, ҳозирги-келаси замонни кўрсатувчи, аниқлик майлидаги бўлишли феъл (қайси сўз туркумига кириши, шахс-sonи, майли ва бўлишли-бўлишсизлиги). Демак, сўз лексик ва грамматик маъноларнинг бирлигидан иборат. Буларнинг биринчиси асосий маъно, иккинчиси қўшимча маъно саналади.

Лексик маъно сўзнинг материал қисми орқали ифодаланади (сўзнинг материал қисми — асосий, лексик қисми), шунинг учун лексик маъно баъзан материал маъно деб ҳам юритилади. Сўзнинг грамматик маъноси унинг формал қисми орқали ифодаланади (сўзнинг формал қисми — асосий қисмдан, ўзак-негиздан қолган қисми), шунинг учун грамматик маъно баъзан формал маъно деб ҳам юритилади. Лексик маъно — сўзнинг асосий қисмининг маъноси — лексикологияда ўрганилади, грамматик маъно — сўзнинг формал қисмининг маъноси (грамматик маъно ва грамматик форма) эса грамматикада ўрганилади (грамматик маънонинг ифодаси грамматик формадир). Мисол келтирайлик: *толларни* сўзида учта морфема бор (морфема — сўзнинг маъно билдирадиган энг кичик, бўлинмас қисмлари): *тол + лар + ни*, бу сўзнинг лексик маъносини *тол* қисми (ўзак) англатади (шу жиҳатдан у лексик морфема саналади), грамматик маъноларини *-лар* ва *-ни* аффикслари билдиради (шу жиҳатдан улар грамматик морфема дейилади). Грамматик маънонинг бундан бошқа ҳам ифодаланиш усуллари бор. Грамматик маънонинг ифодаланиш йўллари грамматик усул саналади: уни ифода қиладиган аффикс, ёрдамчи сўз кабилар грамматик восита саналади. Бу воситалар (кўрсатилган типдаги аффикслар ва ёрдамчи сўзлар) сўзнинг лексик маъносини ўзгартирмайди (*толда, толдан, толга* каби). Ясама сўзда шу сўзнинг лексик маъноси негизда бўлади («ўзак + сўз ясовчи аффикс» формасидаги қўшилиш негизни ҳосил қилади). Бундай ҳолларда ўзак қариндош сўзларни бирлаштирадиган умумий қисмини, умумий маънони билдиради. Сўзнинг лексик маъноси ўзак-

негиз орқали ифодаланса, грамматик маъно, кўпинча, аффикс орқали ифодаланди. Бу ҳодиса — грамматик маънонинг бундай воситалар орқали ифодаланишидан ҳосил бўлган форма — грамматик форма саналади. Грамматик форма кўрсатилган типдаги воситалар орқали ифодаланган грамматик маънодир: грамматик формасиз грамматик маъно йўқдир. Чоғиштиринг: *ёз-ди-м, ёз-ди-нг, ёз-ди-к* каби кўринишлар *ёз* сўзининг формаларидир. Яна: *пахтани, пахтанинг, пахтада, пахтадан, пахтага*. Аниқки, грамматик форма сўзнинг (бир сўзнинг) бир-биридан грамматик маъноси билан фарқланадиган формал ҳар хилликларидир.

Аффиксация, ўзак-негизларга аффикс қўшиш орқали ҳар доим сўз формаси ҳосил бўла бермайди. Қиёсланг: 1) *ўр-оқ, ўр-им, тер-им, тер-им-чи*; 2) *ўр-ди-к, тер-ди-м, теримчи-га*: биринчи типдаги мисолларда аффикс орқали янги сўз ясалган, булар — сўз ясовчи аффикслар, иккинчи типдаги мисолларда аффикс орқали бир сўзнинг турли формалари ҳосил қилинган, булар сўз формасини кўрсатувчи аффикслардир. Грамматикада форма ясовчи аффикслар ўрганилади.

Бир форма ясовчи аффикснинг биргина грамматик маъноси ифодалаши шарт эмас: баъзи бир аффикс бирдан ортиқ грамматик маънони ифодалайди. Масалан, *борсак* сўзидаги *-к* аффикси шахс ва сон маъноларини кўрсатади: биринчи шахс, кўплик (чоғиштиринг: борсанг: *-нг*. иккинчи шахс, бирлик).

Лексик ва грамматик маъно, грамматик форма ҳодисалари, уларнинг ўзаро муносабати грамматик процессларнинг турли кўринишларида сезилиб туради; сўзнинг грамматик маъносининг грамматик формага қараб аниқланиши, сўзнинг қайси туркумга жиришига қараб, лексик маънонинг маълум грамматик маънолар билан боғланиши (отларда — келишик, феълларда — тусланиш), лексик маънонинг ўзгариши билан сўздаги грамматик маънонинг ва форманинг ўзгариши (масалан, от «чоғиштириш» формасига эга бўла олади: *тулкироқ, шайтонроқ* каби) ва б.

Грамматик маъно билан унинг формал ифодаси биргаликда бир бутунлик ҳосил қилувчи, бири бошқасисиз мавжуд бўлмайдиган, ажралмайдиган, ажралмас ҳодисалар бўлиб, уларнинг бирлиги грамматик категорияни ташкил қилади.

Грамматик категория термини грамматик маънога нисбатан кенг. Масалан, отларда кўплик формаси унинг бирлик формасига зиддир (кўплик маъноси *-лар* аффикси орқали ифодаланади, бирлик эса бундай махсус кўрсаткичнинг йўқлиги — ноль форма билан характерланади: бундай ҳолларда бир белгининг йўқлиги ҳам, бошқаларига нисбат қилганда, ажратувчи белгидир), бу бирлик-кўплик формасидаги грамматик оппозиция сон категориясини ташкил қилади (грамматик категория шундай зид ҳолдаги ҳодисаларнинг, грамматик оппозицияларнинг, умумлаштирувчи категорияси сифатида бўлади), келишик формаларининг йиғиндиси келишик категориясини ташкил қилади; замон категорияси ўтган,

ҳозирги ва келаси замон формаларини ўз ичига олади. Демак, бир хил грамматик маънони ифодалайдиган формаларнинг йиғиндиси грамматик категорияни ташкил қилади. Яна бир мисол: ҳар бир келишкнинг ўз грамматик маъноси бор, умуман, келишкларнинг грамматик маънолари, грамматик формалари, келишк категориясини ташкил қилади. Келиб чиқадики, сўзнинг ҳар бир формаси бир грамматик категорияга киради: шу умумий ҳодисанинг бир хусусий кўриниши бўлади.

Ҳар бир сўз туркумининг ўз грамматик категориялари бор: отларда — сон категорияси, келишк категорияси; феълларда — замон категорияси, шахс-сон категорияси, даража категорияси каби. Демак, грамматик категория — тил бирликларининг умумий хусусиятларидан бири. Бу умумийликнинг ўзи ҳам нисбат билан белгиланади. Масалан, ҳар бир сўзнинг мазмун ва тузилиш типини лексик ва грамматик маъноларнинг ўзаро муносабатига қараб белгиланади, шунга кўра сўзларнинг от, феъл каби йирик гуруҳларга — туркумларга бўлинишининг ўзи ҳам грамматик (лексик-грамматик) категориядир (от категорияси, сифат категорияси каби), шу билан бирга, ҳар бир туркумнинг ўзига хос шахс, сон, замон каби ҳодисалари ҳам грамматик категориядир. Демак, грамматик категория жуда кенг маънода сўз туркумларини ўз ичига олади, тор маънода сон, замон каби умумлашган маъноларни, форма ясашни кўрсатувчи категорияларни билдиради (бу маънолар маълум форма билан ифодаланган бўлади) сўз туркумлари (булар: лексик-грамматик категориялар) энг «йирик», «юқори» грамматик категорияни кўрсатади.

Грамматик категория сўзга хос бўлган, умумлашган характердаги — умумий маънолар бўлиб, грамматик маъно бу умумий маъноларнинг хусусий кўринишидир (умумий: замон категорияси — хусусий: ҳозирги замоннинг маъноси каби).

Грамматик категориялар бевосита морфологияга хос бўлган — сўз туркумлари, сон, келишк, замон каби ҳодисаларни (морфологик категорияларни), шунингдек, синтагма, эга, кесим, тўлдирувчи каби ҳодисаларни (синтактик категорияларни) ҳам ўз ичига олади. Лекин бу ҳодисалар (масалан, сўз туркуми билан гап бўлаги, сўз формаларининг, синтактик формаларининг, сўзларни бириктиришдаги вазифаси) бир-бири билан шу қадар боғлиқки, бу ҳол грамматик категорияларни морфологик категориялар ва синтактик категориялар деган номлар билан ажратишнинг жуда ҳам шартли эканлигини кўрсатади.

Морфологик категориялар сўзнинг қайси туркумга кириши билан боғлиқ. Улар, табиий, сўзнинг туркумини ўзгартирмайди (сўз туркумлари орасидаги кўчиш ҳодисаси бошқа). Сўзнинг грамматик маъноси бир туркумга кирадиган сўзларнинг ҳаммасини бирлаштиради, демак, у лексик маъно билан боғлиқ: ҳар бир сўз туркумининг лексик-грамматик маъноси шу туркумнинг грамматик категориялари ва семантик хусусиятларига асосланади. Масалан, қўл сўзининг предмет билдириши, турланиши отнинг лексик-

грамматик хусусиятидир. Ҳар бир сўзнинг ўз туркумига мос лексик маъноси ва унинг грамматик хусусиятлари орасидаги боғланишни кўрсатиш учун айрим мисоллар келтирамиз: от предмет маъноси билан боғланган бўлиб, у табиий, сон категориясига эга, феъл-замон категориясига эга; сўзнинг гапдаги функцияси билан унинг маъно ва морфологик хусусиятлари орасида боғланиш бор (эганинг бош келишик формасидаги от билан ифодаланиши, ёрдамчи сўзнинг айрим гап бўлаги бўлиб келмаслиги каби), бир формадаги сўзнинг қайси туркумга киришига қараб, маънода ҳам ўзгариш бўлади (масалан, *қуймоқ*: от, овқат номи ва феълнинг ҳаракат номи формаси, қуйиш; *ишлов*: ишламоқ ва феълдан ясалган от — «обработка», «шлифовка»: *ғўзага ишлов бердик*).

Сўз формалари. Сўз фармаси тушунчаси бир сўзнинг ўз лексик маъносини сақлаган ҳолда формал жиҳатдан турли тусга киришини билдиради: *олма—олмани, олмага, олмадан,...; югур — югурдим, югурдинг, югурдик...*

Сўзнинг формаси ҳар бир сўз туркумининг асосий фарқловчи белгиларидан бўлиб, у ўша сўзнинг асосий ва формал қисмга бўлиниш хусусиятини кўрсатади. *Ипак-лар-га* сўзидаги-лар морфемаси кўплик формани ҳосил қилган, асосий маънога кўплик оттенкасини кўшган (қиёсланг: *қўйчиоқ—қўйчиоқлар*), лекин у синтактик функцияга эга эмас (шу бирикишида); *-га* аффикси эса шу сўзни бошқа сўз билан боғлаш вазифасини — синтактик функцияни бажаради (қиёсланг: *театрга бормоқ*). Демак, сўз формасини ҳосил қиладиган аффикслар икки хил: синтактик форма ясовчилар ва синтактик бўлмаган форма ясовчилар (булар кўпинча маъно оттенкасини кўрсатади). Форма ясовчи термини икки хил маънода қўлланади: кенг маънода сўз ясовчидан бошқа аффиксларнинг ҳаммасини, тор маънода эса буларнинг синтактик характерга эга бўлмаганларини билдиради. Демак, сўз формалари икки хил: синтактик формалар (буни сўз ўзгартувчи аффикслар кўрсатади) ва синтактик бўлмаган формалар (буни форма ясовчи аффикслар кўрсатади). Англашиладики, *сут-чилар-дан* сўзидаги *-чи* аффикси янги сўз ясашга хизмат қилади (сўз ясовчи аффикс), *-лар*, аффикси шу сўзнинг кўплик формасини кўрсатади (қўшимча маъно орттиради), *-дан* аффикси бу сўзнинг бошқа сўз билан боғланишига хизмат қилади. Булардан шундай хулоса келиб чиқади: сўзнинг грамматик формаси бир сўзнинг турли тусдаги ўзгаришлари бўлиб булар бир тушунчани, бир лексик маънонинг ўзини ифода-лаб, ё қўшимча маъно оттенкаси билан фарқланади ёки бир фикр предметининг бошқа предметлар билан бўлган муносабатини ифода-лайди» (акад. В. В. Виноградов).

Морфологияда кенг маънода форма ясовчи аффикслар ўрганилади. Тор маънодаги форма ясовчи аффикслар сўз ясаш билан форма ясашни анча яқинлаштиради. Масалан, *бўта-лоқ, қўзи-чоқ, катта-роқ, қисқа-роқ, тара-н(моқ)*. Буларда лексик маънонинг бир оз ўзгариши сезилса ҳам, лекин, барибир, булар янги сўз эмас, балки бир сўзнинг формаларидир: буларда «бошқа сўзга

айлантирадиган» ўзгариш йўқ. Форма ясовчи аффиксларнинг айрим шароитда сўз яшаш функциясини бажариши (ва акси) каби ҳодисалар ҳам учрайди (бу ҳақда аффиксларнинг классификацияси қисмида гапирилади).

Бир сўзнинг ҳамма формалари биргаликда парадигмани ташкил қилади. Парадигма — сўзнинг формалари системаси — шу сўз туркумининг морфологик хусусиятларини кўрсатади. Морфологиянинг сўз формаларини текширадиган қисми парадигматика саналади. Парадигматика тушунчаси билан боғланган ҳодисалар (турланиш, тусланиш, тор маънодаги форма ясовчилар) конкрет сўз туркумлари билан боғлиқ (Шунга кўра, уларни ҳар бир сўз туркумининг ўз ичида қараймиз).

Грамматик формалар грамматик маъно ифодаловчи воситалардир. Сўз формаси ҳосил қилишнинг асосий йўллари — усуллари (грамматик маънони ифода қилишнинг йўллари):

1. Синтетик йўл билан: аффикслар қўшиш-аффиксация орқали: а) сўз ўзгартувчи аффикс орқали: *далага* (кетди), *даладан* (қайтди) каби; б) форма ясовчи аффикс орқали: *каттароқ*, *сарғиш* каби.

2. Аналитик йўл билан: ёрдамчи сўз орқали: *бораётган эдим* (эдинг), *бола учун*, *бола билан* каби. Кўринадики, синтетик усулда лексик ва грамматик маъно бир сўз билан ифодаланган бўлади, аналитик усулда (аналитик формада) сўз формал жиҳатдан ўзгармай, формаси бошқа сўз билан (формал сўзлар ёрдами билан) ҳосил бўлади. Ўзбек тилидаги кўмакчи феълларнинг бир қисми ўз мустақиллик ҳолатидаги маъноси ва грамматик хусусиятларини бутунлай йўқотиб, сўз формасини кўрсатиш вазифасини бажариш ҳолатига ўтган. Булар ҳам сўзнинг аналитик формасини ҳосил қилади. Қиёсланг: *ўқиди—ўқиб чиқди* (*чиқ*—тугаллик билдиради), *гапирди—гапира кетди* (*кет*—интенсивлик, тезлик, узоқ давом), *ўқиб ташлади* (*ташлади*—интенсивлик, тезлик, ишнинг осон бажарилиши, тугаллик), *бошлаб юборди* (*юбор*—тезлик, бирдан, интенсивлик, тез давом этиш) каби.

Аналитик форма ташқи томондан айрим белгилари билан сўз бирикмасига ўхшаса ҳам, лекин ундан кескин фарқланади.

3. Аралаш йўл билан: бунда аффикс ҳам, формал сўз ҳам иштирок қилади: *паркка қадар*, *мен бораман* каби.

Грамматик маъно сўз тартиби ва редупликация (такрор), унлининг узайиши каби воситалар ёрдами билан ҳам ифодаланади.

Сўз формасини ҳосил қилиш воситаларининг ҳар хиллигига қараб, бу форманинг ўзи ҳам турлича бўлади: синтетик воситалар орқали ясалган форма (бу содда форма саналади) ва аналитик воситалар орқали ясалган форма (бу қўшма форма саналади).

Сўзнинг айрим форма олмаган кўриниши парадигмада, шакланган кўринишлар ичида, ўзининг махсус форма олмаганлиги билан ажралиб туради. Бу ноль форма саналади: бош келишиқдаги, бирликдаги от (*қовун—қовунни*, *қовунга*, *қовундан...*); буйруқ

майли, II шахс бирлигидаги феъл (*қол-қолай, қолсин, қолинглар...*).

Тилнинг бошқа ҳодисаларида бўлгани каби, сўз формаларининг тарихий йўли ҳам айрим ўзгаришларни кўрсатади: 1. Қадимги восита келишиги аналитик форма билан алмашган (*кўзин — кўз билан*); бу келишик ўз парадигмасидан ажралиб, шу ўз кўрсаткичи билан қотган, бу кўрсаткич билан келган сўзларнинг бир қисми равишга кўчган (*ёзин-қишин, эртан-кечин, ичин-тошин* каби). Бу ўринда грамматик форманинг лексикализацияси ҳодисасини кўрамиз (қиёсланг: айрим ҳолларда бунинг аксини кўрамиз: *сари* сўзи илгари «тараф» маъносида бўлиб, турланган ҳам, кейин тамоман ўзгармайдиган бўлиб, формал сўзга айланган. Бу грамматикализация ҳодисасидир). 2. *Бахтимизга, олға, афтидан, мазмуни, яхшиси, чиндан, тўсатдан (тўсиндан)* каби модал сўз ва равишларда ҳам келишик ва эгалик формаларининг қотиши, шу формада сўзнинг махсусланишини кўрамиз. Булар энди шу ҳолатида парадигманинг бир формаси — кўриниши саналмайди. 3. Эгалик аффиксининг билгу типидagi иш отларига қўшилиб, предикативлик аффикси вазифасида қўлланиши (бу эски ўзбек тилида учрайди) ҳозирги ўзбек тили нормаларига тамоман зид (қиёсланг: қаратқич келишиги кўрсаткичида: *сенинг—«сеники»* маъносида).

Сўзнинг морфологик структураси

Сўзнинг морфологик структурасини текшириш сўз ва морфеманинг (ўзак морфема ва аффиксал морфема), ўзак ва негизнинг муносабатини аниқлаш ва морфемаларнинг турли типдаги структураси ва классификацияси каби ҳодисаларни ўз ичига олади.

Сўз ва морфема. Сўзнинг составини грамматик жиҳатдан текширганимизда, унда маълум маъно англатадиган қисмларни, бу қисмларнинг ўзаро боғланганлигини кўрамиз. Сўзнинг морфологик структураси унинг айрим маънога эга бўлган шундай грамматик элементлардан ташкил топиши — грамматик қисмларга бўлинишидир. Сўзнинг бундай бўлинмас, энг кичик қисмлари **м о р ф е м а** деб аталади. Сўзнинг морфологик структураси, морфемаларга ажралиш хусусияти, шуни кўрсатадики, унинг составидаги бу элементлар ўзак ва аффиксдан иборатдир.

Тил бирликларининг энг муҳимларидан бири бўлган морфема сўзнинг миқимал, энг кичик маъноли қисмидир (Масалан: *йил-ил-ни-лар-да*). Бу морфологик бирлик маъносини йўқотмай туриб қисмларга ажралмайди: ундан кейинги бўлиниш (бўгинларга ва ва айрим фонемаларга ажралиш) морфологик структурани эмас, балки фонетик хусусиятни кўрсатади: товушлар сўз маъносини фарқлашга хизмат қилса ҳам, лекин маъно билан бевосита боғланмайди. Булардан келиб чиқадики, тил ҳодисаларининг маъно билан боғлиқлигини бевосита билдирадиган — маъно берадиган, бу боғланишнинг чегарасини кўрсатадиган энг кичик бўлак морфемадир.

Товуш ва маънонинг бир бутунлигидан иборат бўлиш, маъно ашлатиш хусусияти сўзда ҳам бор, лекин булар бир қанча белгиларга кўра бир-биридан фарқланади: сўз морфемаларга бўлиниш, нутқда бошқа сўзлар билан муносабатга кириш, гап бўлаги функциясида келиш — бирор синтактик вазифага эга бўлиш хусусиятларига эга; морфема эса, биринчидан, нутқда мустақил қўлланмайди, сўз составидагина яшайди, иккинчидан, маъноли қисмларга бўлинмайди.

Морфемалар ўз характериغا кўра икки хил: **ў з а к м о р ф е м а** ва **а ф ф и к с а л м о р ф е м а**. Ўзак морфема сўзнинг лексик маъносини билдирувчи асосий қисм бўлиб, аффикслар шу ўзак билан биргаликда, шу орқали қўлланади. Шунга кўра, ўзак морфема маъносида асосий морфема ва аффиксал морфема маъносида эргаш морфема (ёки ёрдамчи морфема) терминлари ҳам ишлатилади.

Тилда кўпгина сўзлар икки ёндан ортиқ морфемадан иборат бўлади: *экин, йиғим, болалик, тинчлик, теримчиларимиз* каби. Морфемаларни ўрганиш сўзларнинг тузилиш қоидаларини, системасини, маъно хусусиятларини аниқлаб беради, шу билан бирга, адабий тилни, унинг нормаларини, масалан, сўз ишлатиш нормаларини, орфографик нормаларни пухта билишга, уларнинг назарий асосларини аниқлашга ёрдам беради.

Сўзнинг морфемаларга ажралиши (*сув-чи, тин-ч-лик*) шу сўзнинг составидаги морфемаларнинг бошқа сўздаги элементлар билан, шунингдек, ўзаро алоқанда—муносабатдош бўлишини кўзда тутади. Масалан: *сувчи—сувли—сувсиз—сувдон*. Буларда қариндош сўзга муносабат бор (қариндош сўзлар — бир ўзакдан ясалган сўзлар; ўзак—қариндош сўзларнинг умумий, ажралмас қисми); *сув* элементи *-чи* элементига нисбатан ўзак саналди, *сув* ва *сувчи* сўзлари маъно ва грамматик жиҳатдан алоқадор. *Сув, сийир, тунука* каби сўзларда бундай нисбат—қилинадиган қисмлар йўқ. Шунга кўра, бундай элементлар одатдагича сўз деб юритила беради. Лекин лингвистик адабиётларда бундай (морфемаларга ажралмайдиган) сўзлар (туб сўзлар) маъносида баъзан, шартли равишда, «ўзак сўзлар» термини ҳам қўлланади (ўзак сўзлар—ўзак билан бир хил кўринишга эга бўлган сўзлар).

Сўзни ўзак ва аффиксларга ажратишнинг икки шarti бор: 1. Ўзак деб ажраладиган қисм бугунги тилда айрим маъно бериши, бу маъно ясалиб чиққан (умуман, аффикс олиб кенгайган) сўзнинг маъноси билан боғланиши, ўзак бундан бошқа ҳам аффикс қабул қила олиши (демак, такрорлана олиши — бошқа қўшилишда ҳам учраши) шарт. 2. Аффикс деб ажратиладиган қисм бундан бошқа ўзакка ҳам қўшила олиши (демак, такрорлана олиши) шартдир. Чоғиштиринг: *йиғим; йиғ-им; 1. Йиғ-иқ, йиғ-ма* (сифат), *йиғ-ин; 2. Тер-им, ўр-им, бос-им*.

Ўзак ва сўз. Ўзбек тилида аффикс қўшишда ўзакнинг фонетик жиҳатдан ўзгариши кам учрайди, шунга кўра, унда ўзак билан

сўз кўпинча ташқи кўринишдан ўхшаш бўлади (уларнинг орасида семантик алоқа бўлади: *бил-билим, гавда—гавдали* каби). Морфологик структураси жиҳатидан бўлинмас ҳолдаги сўзнинг ўзак билан бир хил кўринишда келиши, шунингдек, ўзак ва сўзнинг ҳар иккаласининг ҳам маъно англадиган элемент бўлиши, уларнинг алоқа-аралашув процессида ҳосил бўладиган ҳодисалар — нутқ ҳодисалари эмас, балки тил ҳодисалари эканлиги бу элементларнинг яқин муносабатини кўрсатади, лекин, шундай бўлса ҳам, булар бир-бирига тенг ҳодисалар эмас. Демак, сўз ва ўзак-сўз ва морфема бир-бирига тенг эмас. Ҷоғиштиринг: *ўр—ўроқ, бетон—бетончи*: *ўр, бетон* сўзлари бошқа сўзлар билан синтактик алоқага кириша олади (тез *ўр*, бегон қуйилади каби), шу формадаги *ўроқ, бетончи* сўзларидаги ўзаклар эса сўзнинг бир элементи бўлиб, бундай хусусиятга эга эмас. Сўзнинг, ўрни билан, морфемаларга бўлиниши, морфеманинг эса ажралмас элемент эканлиги, сўзнинг грамматик жиҳатдан шаклланган бир бутунлик бўлиб, аниқ бир лексик-грамматик категорияга — сўз туркумига кириши, морфеманинг (ўзак морфеманинг) шу сўз мансуб бўлган туркум билан бир хиллик яратиши шарт эмаслиги — бундай туркумларга ажрალიшнинг сўзгагина хослиги (қиёсланг: *сутчи—от, ўроқ—от, тозала—фезл*) каби ҳодисалар ҳам ўзак билан сўз орасидаги фарқлардандир. Аниқки, морфема ва сўз бир-бирига тенг ҳодисалар эмас: улар ҳар хил томонлари билан бир-биридан ажралиб туради. Аффиксал морфеманинг баъзи томонлари ёрдамчи сўз билан ўхшашлик туғдиради.

Сўздаги ҳар бир қисм ўз маъносига эга: *ўр-оқ-чи-лар-нинг* (*ўр—ўзак*: ҳаракатни билдиради, *-оқ* аффикси: шу ҳаракатнинг қуролини билдиради; *-чи*: шахс от ясайди, *-лар*: кўпликни билдиради, *-нинг*: қарашлилиқни билдиради); Морфемаларнинг бир-бири билан бирикиб бориши, улар ифодалаган маъноларнинг боғланиши ўз қонун-қоидаларига, изчилликка асосланган: ўзак морфемадан бошланган маъно, шунингдек, бу маъно билан боғланиш ҳамма морфемаларда уқилиб туради: *ўроқчи* сўзи *ўроқ* негиздан ясалган, у (*ўроқ*) эса *ўр* ўзагидан ясалган. Яна: *тер-ма-ча-ла-моқ* (*-ча* аффикси бу ўринда ҳам «кичиклик» билан алоқадор: ишнинг «майдаланиши»), *тута-н-тир-иқ, топ-иш-ма-чоқ, электр-лаш-тир-иш*. Сўзнинг бу тартибда морфемаларга ажрალიши морфологик элементлар орасидаги муносабатга қараб, шуларни қиёслаш орқали белгиланади. Масалан: *Йўлдош* сўзидаги *йўл* қисми (ўзак морфема) *йўлчи, йўловчи, йўлсиз* каби сўзларнинг составида ҳам шундай (*сирдош, замондош, сафдош* каби). Кўринадики, *йўлдош* сўзи икки морфемага ажралади. Англашиладики, сўз составининг мураккаблаша бориши сўз маъносининг мураккаблана боришини кўрсатади.

Ўзак ва негиз. Сўзнинг «ўзак+ясовчи аффикс» тусидаги қисми негиз деб аталади: *ишчиларнинг* (*иш-ўзак, -чи—* аффикс: ясовчи, демак: *ишчи—*негиз, қолган аффикслар сўзнинг формасини ҳосил қилади). Ўзбек тилида аффикслар суффикс (ўзакдан кейин қўши-

ладиган эргаш морфема) характерида бўлганлигидан, негиз асосан «ўзак+ясовчи аффикс» формасида бўлади, лекин бошқа тиллардан кирган префиксларнинг мавжудлиги ва бу префиксларнинг сўз ясовчи морфема характерида бўлиши негизнинг «префикс+ўзак», шунингдек, «префикс+ўзак+ясовчи аффикс» формасидаги типлари ҳам ҳосил қилиниши мумкин эканлигини кўрсатади. Булар сўзнинг материал элементини ташкил қилади (ўзак+ясовчи аффикс, префикс+ўзак+ясовчи аффикс), қолганлари — формал элементни кўрсатади (сўз ясовчидан бошқа аффикслар). Кўринадики, негиз морфемаларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади, демак, унинг ўзи морфема саналмайди. Сўзнинг ўзак-негизи, материал қисми, ундан кейинги (формал-грамматик) қисм учун асосдир. Ўзбек тилига кириб қолган префикслар *бе-, но-, ба-, сер-* элементлари бўлиб (*пешқадам, пешбурун — дурадгорлик* термини — сўзларидаги *пеш* морфемасига ўхшаш элементлар бу ҳисобга кирмайди: улар бир-икки сўздагина учрайди), буларнинг маъно ва функцияси ўзбек тилидаги *-ли* ва *-сиз* аффиксларига ўхшайди, лекин улардан бир қанча томонлари билан фарқланади (масалан, актив-пассивлик жиҳатидан). Булар кирган сўзлар составида учрайди, баъзан ўзбекча сўзларга ҳам қўшилади. Буларнинг *-ли* ва *-сиз* аффиксларига нисбати тарихан бир хил эмас. Булар ҳам, умуман синонимлардаги каби, бир-биридан нимаси биландир фарқланади: маъно оттенкаси, стилистик томони ва б. Булар сўзга категориал ўзгариш киритади: сўз туркумини ўзгартиради (*бемаза—мазасиз, беўхшов—ўхшовсиз, бақувват-қувватли*), баъзиларни ўзгартирмайди (*нотинч—номаълум*).

Кўринадики, негиз ва ясама сўз тушунчаларни ўзаро алоқадор, лекин булар бошқа-бошқа ҳодисалардир. Сўз морфологик структураси жиҳатидан содда (*тер, терим* каби) ёки қўшма (*картошка қовоқ, гултожхўроз* каби) бўлади. Содда сўзларнинг ўзи икки хил: туб сўз ва ясама сўз. Туб сўз морфологик элементлардан иборат бўлган, морфологик қисмларга бўлинмайдиган сўздир (*тоғ, балиқ, сигир* каби). Ясама сўз махсус аффикслар ёрдами билан ҳосил қилинган сўздир (*тароқ, ўрим, сувоқ, мослама, қотишма* каби). Кўринадики, ясама сўзнинг ўзидан яна янги сўз яшаш ҳам мумкин (*мос-ла-ма* каби). Кўп морфемали сўзлар содда ясама ё қўшма бўла олади, шунингдек, туб ҳам бўла олади (*пахталар, опам, тердик* каби). Ясама сўз туб сўзнинг қарши томонидир. Туб сўз, ўзак билан деярли ҳамма вақт бир хил тусда бўлишига қарамай, ундан фарқланади: туб сўз лексик-грамматик бугунлик бўлса, ўзак сўзнинг қисмидир. Ўзак шу сўзнинг асосий лексик маъносини билдирадиган, морфологик жиҳатдан бўлинмайдиган элемент, сўзнинг ядроси: ўзаксиз сўз йўқ. Ўзакнинг сўз билан ўхшаш тусда бўлиш ҳодисаси уни аффикслардан кескин фарқлайди.

Ўзбек тилининг морфологик структурасидаги асосий хусусият агглютинациядир. Унда ясама сўзлар ва сўз формалари ўзакка маълум тартибда, изчиллик билан аффикслар қўшиш орқали ҳо-

сил қилинади. Сўз бир-биридан қатъий фарқ қиладиган, ажрала оладиган икки товуш комплексидан (ўзак комплекси ва аффикс комплексидан) иборат бўлади. Агглютинацияда ўзак, кўпинча, ўзгармайди. Лекин ўзбек тилида ўзакнинг ўзгариш ҳоллари ҳам учрайди: аффиксацияда ўзак-негиздаги бирор товушнинг алмашиши, тушиши (натижада, ўзакнинг бошқа тусга, фонетик вариантга эга бўлиши) ва бошқалар. Бундай вақтларда сўзнинг морфемаларга бўлиниши, айниқса, ўзак-негизнинг ажратилиши, одатдагига қараганда бир оз бошқачароқ характерга эга бўлади, қийинлашади: сўздаги элементларнинг (*бош-ла-ди-лар* типида) механик қўшилиш картинаси ўзгаради. Ҳатто шундай кўринишлар ҳам бўладики, аффиксация сабабли юз берган фонетик ўзгариш натижасида сўзнинг морфемаларга бўлиниш хусусияти йўқолади, сўз соддаланиш ҳодисасига учрайди; баъзан орада маъно ва унинг оттенкаси жиҳатидан фарқланиш ҳосил бўлади: дифференциация келиб чиқади. Масалан: *сескан* феъли аслда *сез* ўзагидан (*сез-ка-н-моқ*), лекин ҳозирги тилда бу сўзнинг биринчи қисми сўз сифатида *сес* формасида қўлланмайди, иккинчидан, *сезмоқ* билан *сесканмоқ* феъллари ички томондан боғланмайди. Ўзбек тилида сўз формаси аналитик йўл билан ҳам ҳосил бўлади (бу ҳақда юқорида гапирилди); унда бирдан ортиқ грамматик маънони ифодалайдиган аффикслар ҳам учрайди (масалан, *бор-ди-к* сўзидаги *к* элементи шахс ва сонни кўрсатади: биринчи шахснинг кўплиги). Англашиладикки, ўзбек тили морфологик структурасига кўра агглютинациянинг (агглютинатив тузумнинг) устунлиги билан характерланадигани, унда бундан бошқа тузумнинг — бошқача морфологик қурилишнинг кўринишлари ҳам учрайди.

Ўзақларнинг структураси

Ўзак морфема. Сўзнинг морфологик структураси жиҳатидан ажратилган қисмлари—ўзак ва аффикс ўзаро боғланган ҳодисалар бўлиб, буларни чоғиштириш йўли билан текшириш улардан ҳар бирининг хусусиятларини тўла аниқлашга ёрдам беради. Ўзакнинг сўздаги асосий лексик маънони англатиши, сўзнинг қариндош (бир ўзакдан чиққан) сўзларга умумий бўлган, ажралмас, энг кичик, маъноли бўлагига эканлиги унинг умумий хусусиятларидир. Энди унинг бундан бошқа хусусиятларини кўриб ўтамыз.

Ўзбек тилида ўзакларнинг фонетик структураси: типик ўзак бир бўғинли ўзакдир. Тарихий жиҳатдан ўзакнинг шу типи ҳоким ҳолатда бўлган. Бу ўзакнинг фонетик жиҳатдан кўринишлари: 1) бир унлидан иборат (*у каби*); 2) унли+ундош; 3) ундош+унли; 4) ундош+унли+ундош; 5) унли+ундош+ундош; 6) ундош+унли+ундош+ундош; 7) ундош+ундош+унли+ундош; 8) ундош+унли+ундош+ундош+ундош; 9) ундош+ундош+унли+ундош+ундош. Буларнинг энг кўп учрайдигани биринчи навбатда «ун-

дош + унли + ундош» формасида бўлиб (*бош, қош, туз, тош* каби), ундан кейин «унли + ундош» формасидир (*от, ов, ич, иш, эш, эр, ўг, уй* каби). Ўзакларнинг—«ундош + унли + ундош + ундош» (шунингдек, унли + ундош + ундош») формасидаги кўриниши—бир бўғин доирасида, охирида ундошларнинг бирикиб қатор келиши—ҳам жуда кам учрайди (*қилт-қилт, шилт-шилт, қирқ, тўрт* каби); бунда охирги жуфт («ундош + ундош») маълум товушлардагина бўлади. Бошқа тиллардан олинган сўзларда ўзакнинг бошида ундош қатор келган (*стул, штраф, шкаф* каби), охиридаги ундошлари турли типда бириккан (*спорт, балл, парк, цирк* каби) кўринишлари ҳам учрайди, шунингдек, «ундош + унли» формалари ҳам одатдагидек қўлланади. Бу кўринишларнинг ҳаммаси ҳозирги ўзбек тилидаги ўзакларнинг (бир бўғин доирасида) фонетик структурасининг нормаларидан бўлиб, улар бўғин тузилиши ва сўзнинг фонетик қондалари билан ўхшашлик ҳосил қилади, чунки ўзбек тилида сўз, ўзак ва бўғинлар маълум сабабларга кўра, ташқи томондан, бир хил бўлади. Кўринадики, ўзбек тилидаги ўзак (шунингдек, бир бўғинли сўз—«ўзак сўз») кўпинча товуш бирикмасидан, товушлар комплексидан, баъзангина товушдан (унлидан) иборат бўлади. Типик ўзакларнинг бир бўғинли бўлиши («сода» типда ҳам, «мурак-каб»—охирида ундошлар қатор келган—типда ҳам) уларнинг ҳаммаси ташқи томондан туб сўзга тенг деган хулосага олиб келмайди. Бу хулосага «кўпинча» ёки «асосан» сўзини қўшиш керак бўлади («... асосан тенг»), чунки баъзан бир бўғин доирасида ҳам ясама (аффикс орқали яратилган) сўз учраб қолади: *ем* (*e + м*), *ғоз* (тарихан: *ға-ға* тақлид сўзи билан боғлиқ); бир бўғинли сўз «ўзак—ясовчи аффикс» формасида ҳам бўлади (*деб, еб* каби).

Бир бўғинли типик ўзакларнинг (демак, шу тусдаги сўзларнинг ҳам) хусусияти шуки, уларнинг бир қисми полисемантиклик ва омонимлик хусусиятига эга бўлади. Мисоллар: 1) *бот*: чўкмоқ (*сувга ботди*), ҳазм бўлмоқ (*унга овқат ботмайди*). Яна: *ёндошига бир нарса ботди*. Бу гап *унга ботди*. Бу сўзни *унга ботиниб айта олмасди* ва б.; *бот* тез; 2) *кўп*—«многo» (*қор кўп ёғди*)—кўпаймоқ, шишиб чиқмоқ (*кўпчиди, кўпик* сўзларининг ўзакларини чоғиштиринг); 3) *ел*: шамол, югурмоқ (...*югуриб-елиб боради*: халқ дostonларида отнинг тасвири), тез ривожландиган бир хил касалликнинг номи ва б.; 4) *чоп*: югурмоқ, кесмоқ (чоғиштиринг: *ер чопди*) ва бошқалар; 5) *қўш*: жуфт, қўшиш-кўшилиш процесси билан, жуфтлик билан характерланадиган предмет (арханк сўз, от; *қўшга, қўшди* каби), *қўшмоқ* феъли. Бу типдаги ҳар бир сўз бир қанча маънога эга бўлиб, у маънолар кўпинча ўзаро боғланган бўлади (*тил*: тилмоқ феъли; сўзлаш органи, алоқа-аралашуви воситаси, сўз ва бошқалар; булар аслда бир-бири билан боғланган маънолардир): бир сўзнинг бир қанча маънолари—полисемия. Бир бўғинли сўзларда бу ҳодисанинг кўп учраши, кучлилиги булар орасида—тилда сўзнинг бир бўғинли бўлиши ва полисемантик характерга эга бўлиши орасида—тари-

хий жиҳатдан қандайдир боғланиш борлигини кўрсатади. Бу маъноларнинг бир-бири билан боғланмаслик ҳоллари (омонимия: ички томондан маънолари бир-бири билан боғланмаган сўзларнинг бир формада бўлиши) ҳар бир жиҳатдан полисемия билан боғлиқ: тарихий жиҳатдан боғлиқ бўлган маънолар орасидаги алоқанинг йўқолиши натижасида полисемиядан омонимияга кўчиш ҳосил бўлади: кўп маъноли бир сўз икки айрим-айрим сўзга айланади. Демак, бундай йўл билан ҳам тилда сўзлар кўпаяди. Шунинг учун бу ҳодиса сўз яшаш усулларида бири саналади. («Сўз ясалиш» баҳсига қаранг). Мисоллар: 1. *Тош*: предметнинг ташқи томони, сирти (чоғиштиринг: *ичин-тошин*) — от ва *тошмоқ* феъли (*сут тошди*—предметнинг ичидан тошига, сиртига чиқди). Русча «камень» маъносидаги *тош* сўзи булар билан омонимик муносабатда. *Тош* сўзининг «сирт» ва «сиртга чиқмоқ» маънолари орасидаги алоқа йўқолиб, натижада, икки сўз ҳосил бўлиб, булар ҳам омонимик муносабатни кўрсатадиган бўлган. 2. *Ич*: организмнинг ички қисми — от ва *ичмоқ* феъли (ичмоқ — суюқликни ичкарига йўналтирмақ). 3. *Уч*: сон ва бирор предметнинг учи (*тераkning учи*) каби. Бармоқнинг учинчиси, ўртадагиси (қолган тўрттасидан узун, унинг учи бошқаларникидан юқори).

Ўзак фонетик жиҳатдан аффиксга нисбатан турғун, барқарордир, аффикс ўзакнинг фонетик табиатига мосланиб, турли вариантларга кириди (-*лик* ва -*лик*, -*кар* ва -*қар*, -*гиз* ва -*ғиз* каби), лекин ўзак бундай кўринишларга эга бўлмайди ҳисоб: унинг фонетик вариантларга эга бўлиши аффикс қўшилганда ўзакнинг ўзгариши юз берган ўринлардагина (*онг*—*англа*, *ўзак*—*ўзаги*, *сон*—*сана*, *бурун*—*бурнинг*: ўзакнинг фонетик состави ўзгарган), шунингдек, шевалараро учрайди: диалектал мос келиш ҳодисаси (*манга*—*менга*, *ташқи*—*тишқи*, *қуённи*—*қўянни* каби). Мисоллардан кўриниб турибдики, бундай вариантлашишда (бу ҳодиса негизда ҳам учрайди) маъно бир хил бўлади, ҳар хиллик фонетик қонунлар асосида тугилади, ҳар икки вариант орасида уларнинг фонетик алоқасини кўрсатиб турадиган даражада ўхшашлик бўлади: бу ҳодиса аффикс қўшишда — сўз яшашда ҳам, форма ҳосил қилишда ҳам учрайди (сўзнинг ўзида кам учрайди: *бузоқ* — *бўзак* каби. Қиёсланг: *беза-бежа*: булар бир феълнинг икки варианты, лекин бундан от яшашда *бежа* формаси қўлланмайди: *беза+к*). Тилнинг тарихий тараққиёти жиҳатидан қарасак, бошқачароқ ҳолни кўрамиз: қадимги ўзақларнинг фонетик турғунлиги нисбатан кучсиз бўлган. Бунини чоғиштириш, тарихий этимологик текшириш орқали аниқлаймиз: 1. *йуқори* ва *йуксак* сўзларнинг иккаласи ҳам аслда баланд, юқори маъносидаги бир ўзакдан ясалган (*юк*—*грузь* сўзининг ҳам шунга алоқаси бор кўринади). Бу ўзак икки формага—қаттиқ ва юмшоқ вариантларга эга бўлган: *йўқ-қари* (чоғиштиринг: *ичкари*), *йуқори* ва *йук-са-к* (чоғиштиринг: *йук-са-л*). Яна: *йирик* (*йир*—ажратиш, очиш)—*йырық* (*нега тўқасан? Оғзинг йирикми?* Чоғиштиринг: *йиртиқ*); *йол*—*йоруқ*, *йуруқ* юриш: ҳаракат номи)—*йурак* (сердце).

Бир аффикснинг бир ўзакнинг ўзига икки вариантда (қаттиқ ва юмшоқ формаларда) қўшилиши (бошқа-бошқа сўз ясашда) ҳам икки вариантли ўзақлардан сигнал беради: *йўлак* (*йўл*)—*йолук* (*йўл*), *кўнай* (кўп: ҳамир кўпди, кўпчиди) — *кўпор* (*кўп*). Чоғиштиринг: *йиқила-қўпа чопиб боради, тоғларни қўпордик; қўпол*); *улуғ* (ул) — *улкан* (ул); *будун* (*халқ*); қадимги ёдгорликларда)—*бутун* (тугал, синиқ эмас, ҳамма каби маъноларда. Чоғиштиринг: ҳозирги замон ўзбек тилида: *бут* — *тугал*, камчиликсиз маъносида, *бит*—тугаш; тузалиш маъносида: *ишни битирди, яраси битди* ва б. Қиёсланг: эски ўзбек тилида *бутов* (ҳозирги талаффузда: *битов*) сўзи: битиб қолган, беркилган, кўр, «сўқир» маъносида қўлланади.

Ўздаги вариантлашишнинг ҳамма кўринишлари «қаттиқ-юмшоқлик» билан боғланиши шарт эмас. Мисолларни қиёсланг: *илгари, илдам, илк* (ил) — —*эрт, эрта, эртаки* (эр)—*а:лын, алд* (ал). Лекин *бол* (быть) — *бёл* (ажратиш, чоғиштиринг: *бўлак*) каби ҳодисалар аслда ҳам бошқа-бошқа ўзақларни кўрсатади. Бу каби ҳодисалар: вариант ўзақларнинг (негизларнинг ҳам) кўринишлари (товушнинг тушган, алмашган, тенг келган, юмшарган, узайган ё қисқарган, ўрни алмаштирган бўлиши кабилар), туғилиш йўллари, бора-бора фарқланиши натижасида, вариантлик йўқолиб, айрим-айрим сўзларнинг пайдо бўлиши кабилар устида биз тўхталмаймиз (*шимар*—*ҳимар, думалоқ* — *юмалоқ* — *қумалоқ, фижим-ла*—*мижиғ-ла, арит-арт, қурут-қурт* мисолларини қиёсланг), чунки ўзақларнинг фонетик структурасига — ўзақлар фонетикасига доир масалаларнинг бу томони тил тарихи курсига оиддир.

Фонетик ўзгаришлар натижасида айрим ҳолларда ўзак-негиз қисқариб ё «кенгайиб», сезилмайдиган бўлиб қолади: *тескари*—*герсков, иста* — *изла, сескан, сезган, ўртамоқ* — аслда: *ўртолов*, у ҳозирги тилда *ўт* формасида ишлатилади, лекин *ўрта* феълида «р»ли формасини сақлаган; *ғажу-ғаржу*: *ғарж* тақлид сўзидан феъл ясалган (қиёсланг: *ғарча* тишлади; *миж-и-ғ-ла, мижгов*: -в-ғу.

Юрди — *юрди* каби чоғиштиришларда яна бошқача ҳолни кўрамыз: *юрди* (ҳозирги тилда: *юр-ди*) — *юрди* (эски ўзбек тилида ва диалектларда: *юри-ди*). Бу каби ўринларда ўзакни аниқлаш, умуман морфемаларга ажратиш, маълум давр тилининг морфологик системаси, унинг хусусиятлари, сўзнинг морфологик табиатига қараб бўлади: *сўради* (сўра-ди), — *сўрди* (сўр-ди: эски ўзбек тилида), *қизиди* (қизи-ди) — *қизғин* (қиз-ғин), *қўзғатди* (қўз-ғат-ди), *қўзиди* (қўзи-ди), *кўрмоқ* (кўр-моқ) — *қўрмоқ* (қўри-моқ), *қуриди* (ювилган рўмол қуриди: қури-ди) — *қурғоқчилик* (қур-ғоқчилик), *қалқди* (қалқ-ди), *қалқиди* (қалқ-ди), *қазиди* (қаз-ди), *қазғоқ* (қаз-ғоқ), *қизғин* (қиз-ғин) — *қизиди* (қизи-ди), *қиздир* (қиз-дир) — *қизит* (қизи-т), *пишган* (пиш-ган) — *пишиди* (пиши-ди). Мисоллар кўрсатадики, бу «қисқа ва кенгайган» ўзақларнинг туғилиш сабаби тилнинг тарихий тараққиёти билан изоҳланади: улар давр-

ларга кўра ҳам фарқланади, тараққиёти билан изоҳланади: уларда дифференциация юз бериши ҳам мумкин. Бу икки хил кўриниш маъно оттенкаси билан ҳам фарқланади («кенгайгани» — кучлироқ, демак, бундай ҳолларда «кенгайтирувчи аффикс» кучайтирувчи, узоқ давом ё такрор билдирувчи элемент бўлади).

Ўзакнинг яна бир фонетик хусусияти шундан иборатки, уларнинг составида тилнинг ҳамма товушлари иштирок эта олади (лекин аниқ тартибда, маълум позицияда: масалан, *нг* фонемаси сўз бошида келмайди). Қиёсланг: аффикснинг составида айрим товушлар қўлланмайди.

Қолган, қилган, келибди каби сўзларнинг ўзаклари охиридаги л фонемаси айтилмай ҳам қолади: *кел-ке* (л адабий норма учун ҳамма ҳолларда сақланади). Лекин бу ҳолда ундан олдинги угли бошқачароқ айтилади: сўзнинг чегарасини шу ерда тугалланишини билдирувчи сигнал сезилиб туради: орқасидан товуш кутилмайди. Бу икки хиллик аффиксациянинг айрим кўринишларида ҳам (морфемаларга бўлиниш билан бўғинларга бўлиниш чегараси бир хил бўлганда: қолган) сақланади: *қопти, келти, кеган* (қолипти, келипти, келган). Бу л фонемасининг айтилмай қолишида ундан олдинги унлининг тури ҳам аҳамиятга эга. Чоғиштириш (фёъл: *кел, қол*-от: *бел, ёл*) кўрсатадики, бу ҳодиса (л товушининг тушиш-тушмаслиги) сўз туркуми билан ҳам боғлиқ, бу ҳодиса от туркумида учрамайди.

Ҳозирги ўзак ва тарихий ўзак. Ҳозирги ўзбек тилидаги бирдан ортиқ бўғинли ўзакларнинг кўпи, тарихий жиҳатдан қараганимизда, икки ёки ундан ортиқ морфемадан иборат бўлиб чиқади. Масалан: *бўйин* (бўй-ин), *биқин* (биқ-ин), *юрак* (юр-ак), *қишлоқ* (қиш-ла-қ), *яйлов* (яй-ла-в), *чўмич* (чўм-гич > чўм-ич), *ўра* (ўр—чуқур, пастлик). Бундай ёритишлар тил тарихига, диалектларга мурожаат қилиш, фактларни ҳар хил йўл билан қиёслаш орқали майдонга келади, бир қанчаси тахмин тусида бўлади. Лекин шунда ҳам, тилда тарихий состави аниқ бўлмаган кўп бўғинли ўзаклар, сўзлар ҳам анчагина учрайди: *балиқ, сигир, кийик, тунука* каби. Буларнинг тарихан морфемалардан тузилганлиги ёки аслда кўп бўғинли сўз бўлганлиги ҳали жуда ҳам аниқ эмас. Сўзларнинг этимологиясини, келиб чиқишини, тарихини, асл ўзакни одатда қиёс йўли билан аниқлаётимиз. Мисолларни чоғиштиринг: *йалпаъ* — *йалпоқ* (демак, умумий қисм *йалп* деб тахмин қилинади), *болга—болта* (бол: «босиш» маъносига), *ўпқон—ўпирилмоқ* (ўп), *писмиқ—пистирма—бостирма* (пис-пус), *мели* (менгли) — *менг—менгиз—Холтой—Холдор* (менг: хол, менгиз—юз, менгли—холли—холдор—холтой: бу ўринлардаги *-ли* ва *-дор, -той* аффиксларининг маъноси ўхшаш: эгалик маъноси). Тарихий жиҳатдан ҳам ажралмайдиган кўп бўғинли сўзларнинг бир қисми бошқа тиллардан кирган сўзлар бўлиб чиқади.

Ҳозирги тилда морфемаларга ажралмайдиган кўп бўғинли ўзакларнинг, сўзларнинг, асосий кўринишлари шундай: 1. Аслда

кўл қисми бўлса ҳам, бора-бора ажралмас ҳолда келган сўзлар: *терак* (қатор терилган, келишган маъносида), *исирға* (*асирға*: осмоқ феълидан: «осилиб турадиган нарса»; қиёсланг: осилчоқ), *тиқ-а* (тақилган предмет), *қовурға*, *қопурға* (қоп-ла-ш: берки-тиш), *қовоқ* (қопоқ, бу ҳам қоп феълидан: «кўзнинг устини қоплаб турадиган маъносида»). 2. Тарихий анализ билан ҳам ажратиб бўлмайдиган сўзлар: *қулан*, *булан*, *ўрдак*, *талқон*, *қирғий*, *қора*, *қўноқ* (*дон*), *эчки*, *манглай*, *тариқ* каби. 3. Бошқа тиллардан кирган сўзлар: *пешана* (*пеш-олдин*; чоғиштиринг: *о-лин* сўзи эски ўзбек тилида пешона дегани), *хамак*, *патнис* (*поднос*: подносить—элтиб бериш, келтирмоқ, тутмоқ), *телеграмма* (*теле* — узоқ, *грамма* — ёзув), *гастроном* (*гастер* — ошқозон, қиёсланг: *гастрит*), *экскаватор*, *холвайтар* (хўл ҳолва, *тар*—хўл: *тар меза*—хўл меза), *долчин* (қорица, асли: *доруи чин* хитой дориси). Бошқа тиллардан кирган сўзларнинг состави, морфемалари ўқилса, қисмлари айрим-айрим билиниб турса, бошқа сўзларда ҳам учраса, улар ҳам одатдагича ажратила беради. Мисоллар: *ленинизм* (чоғиштиринг: *ленин-чи*), *маркс-ист*, *реал-ист*—*футур-ист*: морфологик структура жиҳатидан ўхшаш, лекин шунга қарамай, маълум сабабларга кўра у қисмларга ажратилмайди.

Тилда, одатда, эргаш морфемаларга нисбатан ўзак морфеманинг сони кўп бўлади: эргаш морфемаларнинг сони ўзак морфемаларликка қараганда аниқ бўлади. Одатда тил янги ўзақлар яратмайди, лекин бошқа тиллардан олган сўзлар ҳисобига (*ленинчи*, *экскаваторчи*, *самбочи*, *динамочи*, *торпедочи*, *коллективлаштириши* каби), шунингдек, бир неча морфемали сўзнинг қисмлари орасидаги алоқа йўқолиб, уларнинг ажралмас ҳолга келиши (*юрак*, *ипак*: асли «ип» дан; *қачон*: асли — *қайчоғин*, *тушун* каби) билан уларнинг (ўзақларнинг) миқдори ортик боради.

Юқоридаги мисоллар (*юракда*, *ипакчи* каби) кўрсатадики, бир даврда ўзак деб ажратилган қисм (*юр*, *ип*) бора-бора, ҳар хил сабаблар натижасида, кейинги морфема билан бириккан ҳолдагина ўзак саналадиган бўлиб қолади (уларнинг қандай қисмларга ажратилиши ўша қисмларнинг, улар орасидаги муносабатнинг уқилишига боғлиқ): *юракда* сўзи аслда, қадим, уч морфемадан иборат бўлиб (*юр-ак-да*), унинг ўзаги *юр* морфемаси бўлган, ҳозирги тилда эса, бу сўз икки морфемали бўлиб, ўзаги *юрак* морфемасидир. Яна бир характерли мисол: ҳозирги тилда бирор жойга боришга тайёрланиш маъносида қўлланадиган *отланмоқ* феъли аслда от маъноси билан боғланган (кўчманчининг от миниб, бирор жойга боришга ҳозирланиши), ҳозирги тилда эса бундай боғланиш йўқ. Демак, аслда ясама бўлган бу сўз бугунги тилда туб саналади. *-лан* аффикси аслда икки эргаш морфемадан иборат бўлса ҳам, уни бу ўринда иккига ажратиб бўлмайди, чунки *отла* деган сўз йўқ: *-лан* бундай ҳолларда қўшма аффикс ҳисобланади; лекин *отлан* феълида бугун морфологик бўлиниш йўқ. Аниқки, *юракда* сўзи тарихий, этимологик жиҳатдан — уч морфемали, ҳозирги замон тили нуқ-

тан назаридан—икки морфемали. Бундан келиб чиқадики, ўзакнинг (умуман, сўз составининг) морфологик планда (ҳозирги тилга нисбатан) текширилиши билан этимологик планда анализ қилиниши бир-биридан маълум хусусиятлари билан фарқланади. Шунга кўра, ўзакларни икки қисмга ажратамиз: ҳозирги ўзак: (ёки: морфологик ўзак) ва тарихий ўзак (ёки: этимологик ўзак). Этимологик ўзак генетик характердаги текширишлар орқали аниқланади.

Эркин ўзак ва боғлиқ ўзак. Ўзак аффикслардан ажралган ҳолда сўз билан ташқи ўхшаш бўлиб келадиган эркин морфемадир. Бу хусусият унинг аффиксал морфемадан фарқлайдиган белгиларидандир (*терим—тер, темирчи—темир* каби). Лекин айрим ҳолларда сўзнинг ўзак ва аффиксга ажралиши сезилиб турса ҳам, ўзак шу аффиксдан ажрала олмайди, айрим қўлланмайди, демак, «сўз каби бўла олиш» хусусиятини йўқотган бўлади. Масалан, *эчил* сўзининг ўзаги *эп* морфемасидир. Қиёсланг: *эпла* (эвла), *эви* (*эпи*) келганда... , *эпақа* (эпақага келмаса...). Лекин бу ўзак аффиксдан ажралиб, сўз каби қўллана олмайди. Бу хусусиятга кўра ўзаклар иккига бўлинади: эркин ўзаклар ва боғлиқ ўзаклар. Мисолларни чоғиштиринг: *етакла* (қиёсланг: *етакчи*, лекин «*етак*» қисми эркин эмас: шеваларда эркин ўзак сифатида бунинг *етов* формаси бор: *етов-и-ни*), *эмакла*, *кўргиси келди* (*кўрги—кўргу*: феълдан ясалган: *кўрги-си*). Қиёсланг: *кўргим келди*, *кўргине келди*; *кўргилик*, *боргим келди*, *боргим йўқ*. Бу типдаги ясалма доим бирор аффикс билан келади, шунингдек, унинг бошқа сўзлар билан келиши чегарали: *у келмоқ*, *бор*, *йўқ* каби маълум сўзлар билангина келади), *ёқимли* (қиёсланг: *ёқимсиз*), *ўсимта* (қиёсланг: *ўсимлик*), *тегишли* (алоқадор, доир, қарашли, норма, улуш каби маъноларни англатади: *бу сенга тегишли*, *бу — сенинг тегишинг*). Мисоллар кўрсатадики, боғлиқ ҳолда келиш ўзакда ҳам, негизда ҳам учрайди, лекин ўзбек тилида бу, кўпинча, боғлиқ негиз тусида бўлади. Ўзбек тилида ўзак-негизларнинг боғлиқ ҳолда келиши оз учрайди. Умуман олганда, кенг маънода боғлиқ бўлиш сўзнинг ўзида ҳам учрайди. Масалан, *тутқич* сўзи (иш оти) айрим, мустақил, эркин лексема ҳолатига эга эмас (у «тутқич бермади» қўшилмасидагина учрайди). Бу ҳодисанинг маълум типлари ва ўришлари бор. Масалан, *-р* аффикси орқали ҳосил бўлган сифатдош (*борар*, *ётар* каби) иш оти сифатида қўлланганда, кўпинча, боғлиқ ҳолда бўлади. Масалан, *Одамзод бахтининг биргина сенда бўлурига мукамал қондим* (Ҳ. Олимжон; *бўлурига* —бўлишига). Ўзакнинг боғлиқ бўлиш-бўлмаслиги баъзан диалектал хусусиятга ҳам қарайди. Масалан, *қувла*, *қучоқ*, *йиқит* сўзларининг ўзаклари *қув*, *қуч*, *йиқ* элементлари айрим қўлланмайдиган шевалар учун боғлиқ ўзакдир. Яна: 1. *Типирла*, *терла* каби ўзак эркин (*типир-ла*, *тер-ла*), лекин ишнинг «кичиклигини» («майдаланиши», «камлиги» кабиларни) англатадиган *-чи* аффикси қўшилган бўлса, бу ҳолат ўзгаради: *типирчила*: *терчила* (боғлиқ ўзак: *типирчи*, *терчи*). 2. *Фарзиннинг кўзи* (шахмат

ўйинида: *бу ерга юрманг, чунки фарзиннинг кўзига тўғри келиб қолади*) иборасидаги *кўзи* (*кўз-и-га...*) боғлиқ ўзакдир. Бунинг боғлиқ бўлиши сўзнинг қайси маънода қўлланганлиги билан алоқадор.

Боғлиқ ўзакларда ўзак морфема (шунингдек, негиз ҳам) билишиб туради. Шунга кўра, *пийпасла* (*пайпасла*), *тимирскила*, *ўсмоқчила* каби кўринишлар боғлиқ ўзак доирасига кирмайди, чунки буларда *-ла* аффиксининг борлиги ясама сўздан дарак берса ҳам, лекин уларнинг ўзаклари, уларнинг нима маъно бериши маълум эмас, демак, бундай сўзлар морфемаларга ажратилмайди. Шунингдек, *захча* (зоғча), *декча* каби кўринишлар ҳам бошқа ҳодисадир: булар ҳам морфемаларга ажратилмайди, чунки буларда *-чи* аффикси сезилиб тургани билан *зағ*, *дек* (*дег*) қисмлари ўзак бўлиб келмайди: улар ўзбек тилида маъно бермайди — лексема ёки унинг фонетик варианты эмас (улар тожик тилида икки морфемали сўздор: *зоғ—зо-ғ—қарга*, *дег—де-г—қозон*).

Аффиксларнинг структураси

Аффиксал морфема. Аффикс мустақил қўлланмайдиган, боғлиқ ҳолда, ўзакка қўшилиб келадиган, ўзакнинг лексик-грамматик хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ҳар хил маъноларни ифодалашга хизмат қиладиган морфемадир. Сўзнинг ўзаро бириккан маъноли қисмларнинг бирлигидан ҳосил бўладиган бутунлик эканлиги, у билдирган маънонинг ўша составдаги морфемаларнинг маъносидан, шуларнинг йиғиндисидан келиб чиқиши аффиксларнинг ўзак билан жуда боғлиқ эканлигини очиқ кўрсатиб туради. Аффикслар ташқи — формал томонлари, маънолари, функцияси ва қўлланиши жиҳатидан бир қанча хусусиятга эга.

Аффикслар фонетикаси. Аффиксларнинг фонетик структураси айрим ҳолларда ўзакнинг структураси билан бир хиллик туғдирса ҳам (масалан, асосий қисмнинг — типик аффиксларнинг уч товушли ё икки товушли бўлиши), лекин булар ўзларининг бир қанча хусусиятлари билан ажралиб туради: 1. Типик ўзакнинг фонетик структурасида ҳоким форма «ундош+унли+ундош» ва «унли+ундош» типиди бўлса, аффиксда бундай ҳокимлик ҳолати йўқ: бунда уч ё икки товушли типнинг ҳамма комбинацияси, барча кўринишлари («ундош+унли+ундош», «ундош+ундош», «ундош+унли») деярли бир хил ҳолатга эга. 2. Ўзакнинг бир унлидан бўлиши жуда кам учрайдиган ҳодиса бўлса, аффиксларда бу одатдаги ҳолдир: *тиш-и*, *тинч-и* (*моқ*), *бур-а* (*моқ*), *ош-а* (*моқ*) каби. 3. Аффикс бир ундошдан иборат бўлиши ҳам мумкин: *ручка-м*, *ручка-не*, *тани-т* (*моқ*), *тўпла-н* (*моқ*), *туга-л*, *тани-ш* каби. 4. Аффиксларда ундош қатор келмайди. 5. Ўзак-негизнинг охириги товуши билан аффикс «ундош+ундош» ёки «унли+унли» формасида бир хил бўлганда, ўзак-негиз билан аффикснинг чегараси бўғинга ажралиш билан бир хил (*бор-ган*, *югур-ди*) бўлмаганда — аффикс қўшилиши натижасида бўғинларга ажралиш ўзгариб, натижада,

ўзакнинг ва аффикснинг чегараси бўғинларнинг ажралиш ўрни билан дуч келмаганда, бир боғловчи, туташтирувчи товуш орттирилади (*ручка-м, дафтар-им*). Бу боғловчининг ҳар хил бўлиши баъзан сўзнинг маъносини ҳам, аффиксни ҳам фарқлайди. Бундай дифференциация айрим ҳоллардагина учрайди: *қоч-оқ (одам) — қоч-иқ* (бедана). Умуман, аффикснинг фонетик вариантлари бора-бора фарқланиб, худди ўзаклардаги каби, икки аффиксга айланиб кетиши мумкин. 6. Охирида узун унли бўлган ўзак-негизларга эгалик аффикси қўшишда шундай фонетик ҳодисани кўрамиз: аффикс қўшиш процессида узунлик йўқолиб, бирикиш одатдагидек бўла беради (*даъво: даъвонг, хато: хатонг*) ёки шу унлидан кейин *й* товуши орттирилади (бунда узунлик, одатда йўқолмайди): *даъвойинг*. Бу ҳол аввалгисига нисбатан кўпроқ учрайди. Лекин учинчи шахс аффиксини қўшишда бошқачалик ҳам учрайди: *парвойим, парвойинг, парвойи (парвоси формаси ҳам учрайди); хатойим, хатойинг, хатоси (хатойи формаси учрамайди), баҳоси (бахойи?), даъвоси* (даъвойи?). Бунда узун унлининг тури ҳам аҳамиятга эга: **о** унлиси (юқорида кўриб ўтдик) **а**: бўлганда, эгалик аффикси *хато*: типидагидек қўшилади; **э**: бўлганда, *парво*: типида бўлади; **у**: бўлганда, *чалғуси* формасида бўлади (баъзан узунликни йўқотиш учун **в** қўшилади: *чолғувчи*). Бадий асарларда нутқни индивидуаллаштириш учун ишлатиладиган *оповси* формасини қиёсланг): **и**: бўлганда (ёзувдаги *-ий* формасига яқин келади): *илми+си—илмий-си* (қиёсланг *ҳақиқи: си, ҳақиқийси*). Учрашган чегара товушлар ҳар хил («унли+ундош» ёки «ундош+унли») бўлганда, морфемаларга ажралиш билан бўғинларга ажралиш чегараси дуч келмаган ҳолларда, боғловчи товуш орттирилмай, элементлар ўзича туташа беради (*ручка-м, дафтар-и*). Бу жиҳатдан *де* ва *йе* феъллари баъзан бошқача хусусиятга эга бўлади: *де-й-иш* (*де-и* бўлиши кутилари эди. Қиёсланг: *де-б, де-нг*) *де-й-ил-а-ди, йе-й-им-сак* (*йе-м-сак*) бўлиши кутилари эди. Қиёсланг: *йем йе-м*: от. Яна: *дер* (сифатдош): *у шундай дер эди: де-р, ер эди: е-р; деяр, еяр* формалари ҳам бўлиши керак эди (деярли): *де-й-ар-ли*: «почти» маъносидан), бунинг *де-р-ли* формаси ишлатилмайди. 7. Аффикснинг составида, одатда, **у** ва **ў** унлилари қўлланмайди. Лекин *-гу, -ғу* каби аффикслар, традицияга кўра, баъзи ҳолларда **у** фонемасини сақлаб келади (*чолғу, урғу, туйғу* каби. Қиёсланг: *қолур, борур*: эски ўзбек тилида). Ҳозирги тилда, айниқса жонли сўзлашувда, бундай ўринларда, кўпинча **и** ишлатилади: *кулеи, сурғи, сунурғи, қирғи, бурғи, чопқи* каби. *Ютуқ, қуюқ, ютум* каби ҳолларда аффикснинг составида **у** қўлланиши лабиал гармония сабаблидир: *йўт-уқ* (**у—у**), *қуй-уқ* (чоғиштиринг: *чоп-иқ сол-иқ*; демак, **у—и, у—у**). 9. Икки ва уч бўғинли ажралмас ўзаклар бор, лекин аффиксларда бу ҳол деярли учрамайди (бошқа тиллардан кирганларида учраши мумкин): бирдан ортиқ бўғинли аффикслар, одатда, аффиксларнинг бирикиб кетган ҳолатини—қўшма аффиксни кўрсатади. 10. Аффикснинг ўзакка боғлиқ ҳолда қўлланиши, мустақил эмаслиги, унинг фонетик жиҳатдан тобе бўлишида ҳам билинади. Аффикс-

нинг «қаттиқлик» ва «юмшоқлик»ка қараб (ўзакнинг «қаттиқ» ва «юмшоқ» бўлишига қараб) турли тусга кириши (-*лық*, -*лик*; -*моқ*, -*мак*; -*қан*, -*кән* каби). Ўзакда лабланган унлиларнинг бўлишига қараб фонетик вариантга эга бўлиши (-*им* ва -*ум*, -*иқ* ва -*уқ* каби) ҳодисасини эсланг. Яна: *кунга-кўкка* (-*га* ва -*ка*). Буларнинг ҳаммаси—сингармонизм ҳодисасига кўра ўзгариш—аффиксларда фонетик вариантларга эга бўлишнинг кучли эканлигини кўрсатади. Демак, ўзакка нисбатан аффиксларнинг состави турғун (барқарор) эмас.

Сингармонизмнинг йўқола бориши натижасида (у қадимги ёдгорликлар тилида, эски ўзбек тилида анча кучли бўлган) аффикслар стандарт формаларга эга бўлади. Бу ҳодиса талаффуз учун, айниқса орфография учун анча қулайликлар яратди (-*моқ*, -*мак*→*моқ*; -*роқ*, -*рак*→*роқ*; -*ган*, -*ған*→*ган* каби). Лекин сингармонизм бир қанча шеваларда ҳали ҳам сақланган, шунингдек, ҳозирги ўзбек тилида ҳам унинг айрим кўринишлари учрайди: -*лик* ва -*лик*, -*қа* ва -*ка*, -*иқ* ва -*ик* каби жуфтлар ҳам шундай ишлатилади (баъзилари дифференциация топиб кетган). Қиёсланг: эски ўзбек тилида аффикслар сингармонизм қоидаларига кўра, фонетик вариантларга эга бўлиб, икки (*и* ва *ы* каби), тўрт (-*ик*, -*ық*, -*ук*, -*уқ* каби), ҳатто саккиз кўринишдан иборат бўлган. (Масалан, феълнинг даража кўрсаткичлари: -*гиз*; -*ғиз*, *қыз*, -*ғуз*, -*қуз*, -*куз*). Бундай формалар, ўрни билан—фонетик қонун асосида алмашувчи дублетлар, сингармонистик вариантлар, аффиксларнинг шу формаларининг йиғиндисидан иборат эканлигини кўрсатади (масалан, жўналиш келишиги кўрсаткичи «фалон-фалон формалардан иборат»). Бунда ҳар бир форма ўша морфеманинг бир варианты бўлади. Лекин *тақир-да* (эски формаси) —*тақир-ла* (ҳозирги формаси) типдаги кўринишлар бошқача характерга эга. Бунда алломорфемаларни кўрамыз (*алло* префикси вариант маъносини англатади, алломорфема — морфеманинг варианты. Қиёсланг: *аллолог*—сўзнинг варианты).

Юқоридаги кўрсатилган ҳолларда морфема бир-бирига нисбат қилиб қараладиган кўринишларнинг жами бўлиб чиқади (икки алломорфемали ўзак, икки алломорфемали аффикс каби ибораларни чоғиштиринг). Буларни аниқлашда икки ҳолат бор: 1. Палатал гармонияга, «қаттиқ—юмшоқлик» принципига асосланган вариантлар сақлаганда, морфема шу вариантларнинг жамидан иборат деб қаралади: ҳар бир вариант бир бутунлиқнинг бир кўриниши саналади. Масалан, чиқиш келишигининг кўрсаткичлари: -*дан*||-*дин* (бу формалар бири бошқасидан ҳосил бўлган эмас), -*тан*||-*тин* (булар ҳозирги ўзбек тилида бир индифферент формага келган: -*тан*) бу жуфт аслда ўзак-негизнинг охиридаги жарангсиз ундошнинг таъсири билан, прогрессив ассимиляция натижасида, аввалги жуфтдан туғилган: *қўлдан* ва *қўлдән* — *кыштан* ва *штән*, — *нан* — *нән* (булар ҳам шу йўл билан аввалги жуфтдан туғилган: *тўннан* — *куннән*). 2. «Қаттиқ-юмшоқлик» вариантлари сақланмаганда, бир кўринишни асос тутиш мумкин, масалан, чиқиш келишигининг

кўрсаткичи -дан аффикси), чунки бошқа кўринишлар маълум фонетик қонунлар асосида шу бош, стандарт формадан келиб чиқади (...жарангли ундош + дан... жарангсиз ундош + тан; ...н, м, не + дан ... н, м, не + нан). Аффиксининг фонетик вариантларга эга бўлиши префиксларда, асосан, учрамайди.

Аффиксларнинг келиб чиқиши. Бу ҳодиса сўзларнинг тараққиёт йўли билан боғлиқ: бу фикр (мустақил сўзнинг маъно ва формал томондан ўзгариб, ёрдамчи сўзга ўтиши ва аффиксга айланиши) бир қанча тилларнинг материалларини, тарихини текшириш асосида келиб чиққан. Мисоллар: Сифатдошлардаги *-диган* аффикси (*ишлайдиган, борадиган* каби) аслда *тургон* сўзидан келиб чиққан (*юратурган — юратырган — юратыған — юрадыған — юрадигон — юрадиган*). Рус тилида феълларнинг ўзлик даражасини кўрсатадиган *-ся* формаси (*мыть: ювмоқ — мытсья: ювинмоқ*) аслда *себя* олмошидан келиб чиққан («ўз», «ўзи» маъносига «сам» олмошини қиёсланг). *Боряпти, бор-а-яп-ти: ... ётипти—ёпти—япти-яп* аффикси туғилган). *Бу дарё кенг турур (... турур — дурур: ту:р—ду:р—тур—дур—дир: -дир* аффикси туғилган: бу аффикс *-ди* формасида ҳам қўлланади). *Қўзичоқ* сўзидаги *-чоқ* аффикси миқдор, мўлжал, чама, кичиклик билдирадиган *чоғ* сўзидан келиб чиққан (қиёсланг: *чоғроқ—кичикроқ, хипчароқ*). Кейинроқ бу *-чоғ* аффикси турли формаларга кирган: «қаттиқ» ўзак-негизларга *-чоқ* формасида, «юмшоқ» ларига *-чак* формасида қўшилган (*келинчак*), *-чуқ* (*тўйчуқ*); *-ча* (*тойча*, қиёсланг: *тойчоқ — тойча*), *-чи*: *қирғи* — кесадиган, қирадиган асбоб, *қирғич* — шунинг кичиги: қовун қирадиган асбоб. Бу *-чи* аффикси *-ши* формасида ҳам қўлланади). Яна: *бордим*, (*ман—м*), *студентмиз* (*биз— -миз*), *тўлат* (*тўла-эт*), *йўқот* (*йўқ—эт*), *йўқол* (*йўқ ўл—йўқ бўл*). Қиёсланг: *билан* кўмакчиси (*бир-ла-н: бир* сонидан); *қичқириб юборди* феълдаги *юбор* қисми (асли *юбормоқ* сўзидан) ишнинг бирдан, тез бажарилишини билдиради: у асл маъносини (мустақил маъносини) йўқотган, ёрдамчи—эргаши элементга айланган, бундан бора-бора аффикс туғилиши мумкин (қиёсланг: шеваларда: *айтиб юбор—айтвэр: семантик, лексик-грамматик ўзгариш билан бирга, фонетик деформация ҳам бор. Бу деформация — аффиксга айлана боришнинг характерли белгиларидан бири*).

«Аффикслар муостақил сўзлардан келиб чиққан» деган фикр уларнинг аслини кўзда тутаяди, кейинроқ улар бошқа йўллар билан ҳам туғилган. Буларни (аффиксларнинг туғилиш йўллари) умумлаштирганимизда, қуйидаги ҳолни кўрамиз. 1. Аффикс муостақил сўздан келиб чиққан. 2. Бир аффиксининг фонетик варианты бора-бора маъно ва функция жиҳатидан фарқланиб, махсусланиб (аввалги умумий мазмун ва вазифа бу икки вариант орасида тақсимланиб), икки аффикс туғилган: *-ган* (сифатдош учун), *гин* (отва сифат учун: *қочқин, тошқин, қизқин, ёнқин*), *-дир* ва *-дар* (*огдир—ағдар*); *-ганча* (*у чопганича кетди, еганча -еди* каби), *-ғунча* (*поезд келгунча, биз вокзални томоша қилдик, бекор ўлтиргунча, бекор ишла. Мақол*). Демак, бунда товушнинг бошқа бўлиши,

тушиши каби фонетик ҳодисалар бора-бора дифференциацияга хизмат қилган (ўзаклардаги каби). Қиёсланг: бир аффикснинг аввалги формаси истеъмолдан чиқиб, фонетик жиҳатдан ўзгарган формаси унинг ўрнига қолиши мумкин (*икагу—иков: -гу-в; қўн-ғирагу—қўнғирақ: -ғу—қ*), шунингдек, икки форма ҳам ўрни билан ишлатилиши (*яяқ—яяв, ўлчак—ўлчав—ўлчов: -қ, -п—в*), булар дифференциацияга учраши мумкин. 3. Бир аффикснинг урчиб, икки аффикс бўлиб кетиши фонетик ўзгаришсиз ҳам бўлади (уларни лексик урғу орқали фарқлаш ҳодисаси ҳам учрайди). Масалан: одатдаги кўплик аффикси *-лар* (отларда: *болалар, феълларда: бордилар*) билан унинг синтактик функцияга эга бўлмай, тахмин, экспрессия, муболага, кучли эмоция кабиларни билдириш учун хизмат қиладиган кўриниш ҳозирги тилда уларнинг икки аффикс эканлигини кўрсатади (*қизлар куйладилар. —Мен ярим соатлардан кейин келаман; семириш ҳам шунчаларми? —... шунчаликми? «Бошларингдан ўрғилай, —деди онаси. Чоғштиринг: бўйларингдан—бўйгинангдан*) яна: *китобча* (кичик китоб)—*қисқача—қизилча* (лавлагининг бир тури)—*ҳозирча* (*у ҳозирча далада турибди*) —*термачалади* (майда нарсани секин-секин терди. Қиёсланг: *терчилади—сал терлади* феълида бу морфема *-чи* формасига кирган). Кичрайтиш-эркалаш аффикси *-ча* бора-бора икки аффиксга айланган. Қиёсланг: *китобча* (кичрайтиш: *-ча* урғули) —*мингача* (тахмин: *-ча* урғусиз). Буларнинг кейингиси аввалгисидан келиб чиққан: ҳозир булар—икки аффикс. Бундай урчишларда ҳам, худди ўзаклардаги каби, полисемия ва омонимиянинг турли типдаги муносабати бор. Аффиксларнинг қўшилишидан ҳам бошқа аффикслар туғилади: *пишиқчилик* (-чилик), *мўлчилик, ёғингарчилик* (-гарчилик). Қиёсланг: *-дош, -да-ш: йўлдош* каби). Кўринадики, ҳамма аффикснинг ҳам тарихи тўғридан-тўғри мустақил сўзга бориб тақала бермайди: умуман уларнинг туғилиш йўллари ҳар хил. Кўпгина аффиксларнинг пайдо бўлиш йўллари (қайси сўздан келиб чиққанлиги ёки бошқа йўл билан туғилганлиги) ҳали аниқ эмас. Аффиксларнинг аслда мустақил сўздан туғилиши келиб чиқиш жиҳатидан сўз бирикмаси билан қўшма сўз орасида, қўшма сўз билан содда ясама сўз орасида тарихий муносабат борлигини кўрсатади.

Аффиксларнинг бир тилдан бошқа тилга ўтиши шундай хусусиятга эга: сўз ясовчилар ўтади, лекин форма ясовчилар, сўз ўзгартувчилар ўтмайди (бирор сўзнинг составида ўтиб қолса ҳам, бари бир одатда, ажралмайди, асл семантик, морфологик хусусиятини сақламайди). Бошқа тиллардан кирган аффикслар (улар, одатда сўз билан бирга киради) тилда аффиксларни кўпайтиради.

Префикслар ҳақида. Аффикслар ўзбек тилида суффикс характеридadır: ўзак кетига қўшилади. Лекин *анти* (*антифашист* каби), *де* (*демобилизация* каби) сингари префикслар ҳам бор (улар бошқа тиллардан кирган). *Қопқора, капкатта* каби сўзларнинг бош қисми (*қоп, кап*) префикс эмас: уларнинг хусусиятлари аффикс-

ниқидан бошқача. Улар аслда ўша ўзакнинг бир қисмини такрор-лашдир. *Куппа-кундузи, ёппа-ёруғ; катак-каталак, ачом* (қучоқ-лаш) -*ачалом, шап* (шап-шап) -*шамл* (шалп-шалп) -*шалоп* (тақ-лид сўзлар), *ялтира-ялтирла* каби ҳолларда а, ла, л элементлари ташқи томондан ўзакнинг ичига қўшилган аффикс (инфикс) дек кўринса ҳам, аслда улар аффикс эмас.

Аффиксоидлар. Аффиксларнинг туғилишида шундай ҳол ҳам учрайди: баъзи сўзлар аффикс функциясини бажариб, эргаш морфемага яқинлаша бошлаган бўлса ҳам, ҳали аффиксга айланиб етмаган бўлади. Булар аффиксоид саналади. Масалан, *бу уйда тўрт хона бор — Биз и ш хона га бордик.* Кўринадики, *хона* элементи ўрни билан сўз бўлиб ҳам қўлланади, аффикс бўлиб ҳам қўлланади (кейинги ҳолда ўрин билдирадиган аффиксга жуда яқин келади). У бир ўринда ўзак морфема, бошқа ўринда — эргаш морфема: *молхона, музхона* (чоғиштиринг: музлик); *сомонхона* (ўтхона, мактабхона (шеваларда: *мактаб* сўзидаги -*ма* элементи-нинг ўрин маъноси ўзбек тилида ўқилмайди: бу структура ўзбек тилига ёт, шунинг учун -*хона* морфемаси қўшилган), *сартарошхона* қиёсланг: (*сартарошлик*). Жон элементи ҳам шундай: *жоним отам — отажоним, жон қизлар — қизларжон, жон болам — жоним болам, болажоним, жонгинам — болажонгинам* каби. Ўзбек тилида аффиксоидлар (улар сўз-аффикс, аффикс-сўз деб ҳам юритилади) кам учрайди.

Аффиксларнинг тарихини, ҳаёт йўлини ўрганиш уларнинг актив-пассивлигини, унумли--унумсизлигини, маҳсулли-маҳсулсизлигини яна конкретлаштиришга ҳам ёрдам беради, шунингдек, сўз ясаш усулларининг ва воситаларининг турли даврларда тутган ўрни, ўзаро муносабати каби ҳодисаларни ойдинлаштиришда ҳам унинг ўрни бор. Масалан, қўшма сўз билан содда ясама сўзнинг — сўз қўшиш билан аффиксация усулларининг, айрим аффиксларнинг «тўла ва қисқа» (қисқарган) формаларининг ўзаро муносабатини аниқлаш каби. Кўринадики, тилнинг ҳамма ҳодисалари бир даврда туғилган эмас, улар кишилик жамиятининг асрлар давомига тараққиётининг турли даврларида вужудга келади, ҳар хил ўзгаришларга учрайди: тилнинг механизми ва умуман унинг ҳозирги структураси — кўриниши ва состави бундан аввалги бутун тараққиётнинг натижасидир.

Сўз ясовчи, форма ясовчи ва сўз ўзгартирувчи аффикслар. Аффиксларнинг сўз ясаш ва форма ясаш хусусиятлари уларнинг вазифасига қараб белгиланади. Улар маъно ва функцияларига кўра уч турга бўлинади: *сўз ясовчилар, форма ясовчилар* ва *сўз ўзгартирувчилар*.

Сўз ясовчи аффикслар ўзак-негизга қўшилиб, лексик маънони ўзгартириб, янги сўз ҳосил қилади. Демак, бундай аффиксларнинг ўзак-негизнинг маъносини тараққий қилдириши лексик система жиҳатидан, янги сўз яратиш планида бўлади (*теримчи, экскаваторчи, ленинизм, гулламоқ, тинчлик* каби) — ясовчи аффикснинг маъноси лексик характерда бўлади.

Форма ясовчи аффикслар янги сўз ҳосил қилмайди, маънони кескин равишда бошқа қилиб юбормайди, балки ҳар хил оттенкалар орттиради, модификация қилади. Ясовчилар лексик маъно билан боғланади, булар грамматик маънога эга бўлади. Булар кичрайтиш, эркалаш, чегаралаш, камлик, ошириш, кучайтириш, гумон, тахмин, эмоционаллик кабиларни билдириш — асосий маънога шуларни қўшиш билан характерланади. Булар орттирган қўшимча маъно ясовчи даражасидаги айрим маъно эмас. Англашиладики, форма ясовчилар сўз ўзгартувчилардан ҳам фарқланади: лексик маънога қўшимча оттенка бериши, синтактик характерга эга эмаслиги, парадигма ҳосил қилмаслиги ва б. Форма ясовчи аффикслар: от туркумида (кенг маънода): кичрайтиш-эркалаш, (ёки акси), ачиниш, камайтириш, тахмин, гумон каби маънолар билдирадиган аффикслар (*қизча, бўғалоқ, қўзичоқ, онажон, болагина; семизроқ, оқиш, қорамтир, қисқача* ва б.); отлардаги (олмошда ҳам) кўплик кўрсаткичи (*болаларни... нималарни*), сонларнинг турли кўринишларини ҳосил қиладиган аффикслар (*-та, -инчи, -ала, -ча: -тача*); гумон олмоши ҳосил қилувчи *-дир* аффикси (*қимдир, нимадир*); феъл туркумида: бўлишсизлик кўрсаткичи *-ма (келмади)*, феълнинг «кенгайтирувчи» —интенсивлик билдирувчи, кучайтирувчи, вид-тус, ҳаракатнинг такрорланиши, узоқ давом этиши ва кучсизланишини билдирадиган аффикслари (*-қа, -ка, -ғи, -ғи, -ла, инқира, -и, -а, кабилар: бур—бурра; чай—чайқа, тўз—тўзғи, қўзи—қўзга, юл—юлқи, бижн-бижғи, теп—тепкила, оқарди—оқаринқиради, кулди—кулимсиради* ва б. Қиёсланг: *терлади—терчилади, терди—термачалади*); буйруқ-истак майлининг «кучайтирувчилари» (*-ғил, -ин: борғил: билайин*); замон, майл кўрсаткичлари; феълнинг функционал формаларини ҳосил қилувчи аффикслар (*сифатдош, равишдош* ва ҳаракат номи кўрсаткичлари), даража кўрсаткичлари. Тақлид сўзларнинг кенгайган формаларини ҳосил қиладиган *-ир* каби аффикслар ҳам форма ясовчига киради (*тақ-тақ: тақир-тақир* каби).

Сўз ўзгартувчи аффикслар сўзларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилади: улар синтактик вазифани бажаради. Сўз ўзгартувчи аффикслар: эгалик аффикслари, келишик кўрсаткичлари, феъллардаги шахс ва сон кўрсаткичлари.

Аффиксларнинг маънолари ҳар хил: сўз ясовчиларнинг маъноси лексик характерда, лекин буларнинг ясаш характери бир хил эмас: ясашда сўз туркуми ўзгармаслиги мумкин (ички ясалиш, масалан, *тепловоз—от, тепловозчи—от*), ўзгариши ҳам мумкин (ташқи ясалиш, масалан: *ўроқ: ўр—феъл, ўроқ—от*); ташқи ясалишни кўрсатувчи аффиксларнинг маъноси лексик-грамматик характерда бўлади (сўз туркумини ўзгартиради). Сўз ўзгартувчиларнинг маъноси соф грамматик характердадир.

Форма ясовчилар билан сўз ўзгартувчиларнинг иккаласи ҳам фақат бир туркум доирасида бўлади.

Сўз ясовчи, форма ясовчи ва сўз ўзгартувчи аффикслар ҳам, тилнинг бошқа ҳодисалари каби, маълум тарихий даврга нисбатан

белгиланади: бу соҳада бирор аффикснинг форма ўзгартириши, натижада, бошқа аффикс билан ўхшаш бўлиб қолиши; аффикснинг бора-бора пассивлашиб, архаик элемент бўлиб қолиши, янги элементларнинг туғилиши, сўз ўзгартувчи аффиксларнинг сўз ясовчига айланиши каби ҳодисалар ҳам учраб туради. Мисоллар: *ўрғоқ* — *ўроқ*, (*ғоқ* → *оқ*); *лик*, — *-лық*, — *-ли*; *-дин* ва *-дан*; равиш ясовчи *-қари*, *-қари* аффикси аслда жўналиш келишиги белгиси бўлган: *ташқари*, *ичқари*, *юқори* (*юққори*), *тесқари* (*терсқари*): *қа + ри* (аслда *-ру*, *-ра* элементларининг ўзи қадимда жўналиш кўрсаткичи бўлган: ҳозирги *ичқарига кирди* формасида тарихан жўналишнинг уч кўрсаткичи бириктиб келган: *ич-қа-ри-га*); жўналиш кўрсаткичининг *-на* формаси аслда *-а* кўрсаткичининг ўзи бўлиб (отама—отамга), *н* элементи «орттирилган» (*ёнида*—*ёнида*, *ичида*—*ичида* каби), кейин булар қўшилиб кетиб, натижада, *-ни* формасига келган: (*ён-и-н-а ён-и-на*); *талашмиш* ва *талашган*, *айтурға* ва *айтишга*, *айди* ва *айтди*, *бирлан* ва *билан*, *айтадур* ва *айтади*.

Кўплик кўрсаткичларидан *-лар* аффикси от туркумида ҳам, феъл туркумида ҳам қўлланади (*гуллар*—*бордилар*), лекин у феълларда ўзак-негизга (буйруқ маъининг иккинчи шахс бирлиги формасига) бевосита қўшилмайди. Бу аффикс семантик жиҳатдан хилма-хил хусусиятларга эга бўлишидан ташқари, грамматик томондан икки хилдир: 1) синтактик функцияни бажармайди. Масалан, *у китоб олди*. *У китоблар олди* (бирлики кўпликка айлантирди). 2. Синтактик характерда бўлади. Масалан, *борди*—*бордилар*: бунда бирлики кўпликка айлантириш бу бўлакнинг (кесимнинг) формал жиҳатдан эгага мослашишини билдириш билан боғлиқ (*бола борди*—*болалар бордилар*), демак, кўплик кўрсаткичи бу ўринда синтактик функцияга эга. Англашиладики, бу аффикс: синтактик функцияга эга бўлмаган ҳолларда форма ясовчи саналади, синтактик характерда бўлганда эса сўз ўзгартувчи саналади.

Бир эргаш морфеманинг ташқи томони бир хил бўлган ҳолда бир-бири билан боғланган икки ҳолатни кўрсатиши юқоридагидан бошқа айрим аффиксларда ҳам учрайди. Мисоллар келтирамиз: 1. Феъл ясовчи *-ла* ва *-а* аффикслари: феъл бўлмаган сўзлардан феъл ҳосил қилганда, сўз ясовчи аффикс саналади (*бошла*, *ишла*, *дуқурла*, *тозала*, *сўзла* каби), феъл ўзак-негизларининг ўзига қўшилиб келганда, ҳаракатининг такрори, узоқ давом, интенсивлиги, «майдаланиши» каби маъноларни ифода-лаб, форма ясовчи саналади (*савала*, *бура*, *қашила*, *ишқала*, *бука* каби). 2. От ва сифатларга қўшилиб, кичрайтиш-эркалаш маъносини билдирадиган *-ча* аффикси баъзан бошқа сўз туркумини келтириб чиқаришда (сифатдан от) ҳам иштирок қилади. Масалан, *қизилча* (лавлагининг бир тури; бир хил касалликнинг номи). Бунда бир туркумдаги сўзнинг бошқа туркумга кўчиш ҳодисаси билан ҳам боғланиш бор. Лекин бундай ясалишда, умуман, туркумнинг ўзгариши, кўчиши шарт эмас. Масалан, *дўконча*

(*Дўкон* сўзининг кичрайтириш формаси), *рўмолча* (янги сўз: дастрўмол). Демак, бу аффикс биринчи ҳолда (*қизча, қисқача* каби) форма ясовчи саналади, иккинчи ҳолда (*қизилча, кўкча*: қовуннинг тури, *калтача* — нимчанинг тури) сўз ясовчи саналади. Қиёсланг: *ақча* (*оқ-ча*: танга пул; *-ча* аффикси сўз яшаш функциясини бажаради), *бўйинча* (отнинг бўйинчаси, «ёлғондакам» бўйин — бўйинга хос, *-ча* сўз ясовчи), *енгча* (*енглик*: бу ҳам). 3. Феълнинг функционал формаларини ҳосил қилувчи *-ган, -моқ, -ш* каби аффикслар форма ясовчи бўлиб, *босқон* (сифатдош ва от): катта болға, *тўқмоқ* (ҳаракат номи) урмоқ; (тегмоқ ва от: — ҳаракат ва унинг қуроли), *қуймоқ* (қуйиш ва овқат номи), *илмоқ* (илиш ва илгак), *ўймоқ* (ўйиш ва чуқурча: ўйдим), *йиртиш* (йиртмоқ ва материя: материянинг йиртиб берилган парчаси), *ишло* (ишлаш ва обработка), *синов* (синаш ва испытание). 4. Эгалик аффикслари сўз ўзгартувчи бўлиб, қаратқич билан қаралмишнинг муносабатини кўрсатишга хизмат қилади (*унинг ашуласи, гулнинг барги* каби), лекин уларнинг эркалаш, ҳурмат каби модал маъноларни ифодалаб келиш ҳоллари ҳам учрайди (одатда бундай вақтда — ҳозирги тилда — синтактик алоқани кўрсатмайди). Бундай ўринларда у форма ясовчи саналади (эгалик аффиксларнинг синтактик муносабатни кўрсатмай, нисбатсиз қўлланиши модал маъноларни ифодалаш ҳоллари билангина чегараланмайди: бошқа ўринларда ҳам бор). Мисоллар: *акаси, менга қара. Оповси* (аслда: *опаси*), *бери кел* каби. *Ойим қиз* (барышня), *жоним болам* каби қўлланишларда ҳам асл, жонли эгалик аффикси, муносабат кўрсатиш сезилмайди. 5. Аффикснинг тури айрим ҳолларда лексик урғу орқали фарқланади: сўз ясовчи аффикс билан сўз ўзгартувчи аффикс (*ўғилсиз хотин* — *Сиз унга ўғилсиз*), сўз ясовчи билан форма ясовчи аффикс (*кўтарма кран* — *оғир юк кўтарма*), форма ясовчи билан сўз ўзгартувчи аффикс (*...бу вимларга салом айтинг*: ашуладан — *Қизлар йўғилдилар*) ва б.

Тақлид сўзларда, ундовларда аффиксация ҳодисаси (бу ҳодиса уларда жуда кучсиз) икки хил: 1) *дирк-дирк* (қиёсланг: *дир-дир*), *чирк-чирк* (қиёсланг: *чир-чир*), *диринг-диринг* (қиёсланг: *дир-дир*), *тақир-тақир* (қиёсланг: *тақ-тақ*) каби сўзлардаги аффикс форма ясовчи бўлади; 2) *пишт-пишт* (ҳайдаш, қиёсланг: *пиш-пиш*: чақирини), *ҳайт* (ҳайдаш: *ҳай-ҳай* овози билан характерланадиган ҳаракатнинг «таъсирига йўлиқниш — йўлиқтириш»; *ҳайиқмоқ* феълини қиёсланг) каби ҳолларда унинг аффикси сўз ясовчи бўлади.

Аффиксларнинг юқоридаги турлари қўлланиш хусусиятлари билан ҳам фарқланади: ясовчи аффикс ҳар бир ясалишда маълум ўзакнинг маъносини тараққий қилдириб, шу сўзнинггина доирасида ҳаракат қилади, сўз ўзгартувчилар эса бу жиҳатдан икки хил кўринишга эга: 1. Ҳар бир сўз билан айрим қўлланади: *отамонам деб...* («Эртак») Қиёсланг: *ота-онасини деб...* 2. Уюшиқ бўлакларда, жуфт сўзларда, охириги бўлакка қўшилиб, ҳаммасига

умумий бўлади: *тол, терак ва қайрағочлар... Ака, опа ва сингиллари...* Бу жиҳатдан форма ясовчилар иккига ажралиб кетади (сўз ясовчига яқин турадиганлари ва сўз ўзгартувчига ўхшайдиганлари). Бу икки хил қўлланиш бир-биридан бир қанча хусусиятлари билан ажралади: маъно оттенкасида фарқланиш, таъкид, экспрессия, ажратиб кўрсатиш, тасвир, умумий интонациянинг, пауза ўрнининг, ўзгариши билан мазмун бошқалигининг берилиши; аралаш типда қўлланиш ҳоллари; бадий тилдаги тизма шеърлардаги айримликлар ва б. (Буларнинг ҳаммаси ўз ўрнида ҳар бир сўз туркумининг ўз ичида берилади). Қўлланиш жиҳатидан айрим аффикслар уларни ўз турдошларидан фарқлаб турадиган хусусиятларга эга. Масалан, *-лик, -ли* ва *-сиз* ясовчилари. Мисолларни чоғиштиринг: «тўй сизларсиз бўладими?» *-лар -сиз*: сўз ясовчи аффикс форма ясовчидан кейин келган. *Баланд бўйли, кенг яғринли, доворак бу йигит...*: *-ли* (ва *-лик*) аффикси, умуман, ўзак-негизларгагина эмас, сўз бирикмаларига, ҳатто предикативлик характеридаги қўшилмаларга ҳам қўшилиб, бутун бирикмани, қўшилмани «от характеридаги бир сўз» ҳолига келтиради: қўшма сифатлар ёки қўшма отнинг бир қисмини ҳосил қилишда унинг қўлланиши баъзан факультатив характерда бўлади (*баланд бўйли, кенг яғринли, лекин: доворак йигит. Қиёсланг: дов юрак йигит*): *қўшқанотли дарвоза; қилич бўйин отлар; қўшоғиз милтиқ*; «от+от» типдаги бирикшнинг биричи элементи кейинги элементни аниқлаб, ундан англашилган предметнинг бирор нарсага (аниқловчидан англашилган предметга) эгаллигини ёки шунга эга бўлиш жиҳатдан ориқлигини билдиради. Бу грамматик, лексик-семантик хусусият, умумий шароит *-ли* аффиксининг қўлланиш ўрnidан сигнал бериб туради, лекин бундай ҳолларда ҳам унинг қўлланиши доим шарт эмас (айниқса, жонли сўзлашув нутқи аморф қўшилишни — аффиксиз бирикишни афзал кўради): *ёғли овқат, ёғ уна, ёғ краска, тухум шўрва* (лекин: *ёғитли шўрва*), *беҳи палов, қази палов, нон палов, зар дўппи, оҳакли эритма, сут чой* (сутли чой), *қанд чой* ва б. Бундай икки хил қўлланишлар бир-биридан нимаси биландир фарқланади: орада маълум семантик-грамматик ва стилистик айримликлар бор; шунингдек, булар тарихий планда ҳам ажралади.

Ў Сўз ўзгартувчи аффикслар ясовчиларга қараганда анча кенг қўлланади: уларнинг ҳар бир тури ўз сўз туркуми доирасида деярли ҳамма сўзга қўшила олади (бирор семантик ва стилистик тўсиқ бўлмаган ҳолларда). Масалан, келишик аффикслари: *китобга, дафтарга, боққа...*, *китобдан, уйдан, паркдан* ва б. Сўз ясовчилар эса бундай тенгликка эга эмас. Масалан, энг актив морфема бўлган *-чи* ясовчиси ҳам маълум типдаги ўзак-негизларга қўшилади: *-ла* ясовчиси ҳам шундай. Форма ясовчилар бу жиҳатдан ҳам икки хилликка эга: бир хиллари сўз ясовчига, баъзилари эса сўз ўзгартувчиларга ўхшайди: *-лар, -роқ, -иш*

(оқиш, кўкиш), -н (ясан, таран, ювин), -са (борса) аффиксларини қиёсланг.

Сўз ясовчи аффикслар ўзакдан ҳам, негиздан ҳам сўз ясай олади: *терим—теримчи—теримчилик, терла—терлама (от), боғла—боғлама (от), чидам—чидамли, чидамсиз—чидамсизлик* каби (қайта ясалиш, одатда, икки-уч қат ясалишдан ошмайди). Улар қўшма сўзлардан ҳам ясайди — *темир йўли, беш қайрагочли йиғит* каби. Лекин булар сўз ўзгартувчи олган лексемага қўшила олмайди (айрим истиснолар ва уларнинг сабаблари ўз ўрнида изоҳ қилинади), чунки ясовчилар сўзнинг материал элементига киради, сўз ўзгартувчилар эса формал элементига киради: булар сўзни грамматик жиҳатдан шакллантириб, унинг чегарасини, тугаллигини, сўз ясаши, форма ясаши каби процессларнинг ўтиб бўлганлигини билдиради. Демак, аффиксларнинг кўрсатилган уч тури ўзакка қўшилиш тартиби билан ҳам фарқланади.

Ҳозирги ўзбек тилида сўз ясовчи аффикснинг энг кенг тарқалган соҳаси от, сифат ва феъллардир. Бу ҳолни қадимги ёдгорликлар тилида ҳам, эски ўзбек тилида ҳам кўрамиз, лекин ҳозирги тилнинг жамиятдаги роли кенгайиб, у тез тараққий қилиб бораётгани сабабли, унинг ҳамма соҳаларида ҳам интенсивлик рўй берди. Бу ҳодиса сўзларни кўшиш ва аффиксация йўли билан янги сўзлар ҳосил қилишда айниқса очиқ кўринади.

Аффиксацияда, сўз ясалиш процессида, баъзан шундай ҳол юз беради: ўзакнинг бирор товуши бошқа товуш билан алмашинади. Масалан: *сергак* (қиёсланг: *сезгир, тўзғоқ, тойғоқ, уйғоқ*). Демак, бу ўринда феълдан ясаши ҳодисасини кўрамиз, *кўргу*—кўз ойнак, *сурғи*: дори, *бичқи*—пичоқ, *ёрғи* — арра: диалектал, *чалғи*. Демак, бунда ҳам феълдан ясаши кўрамиз: *-гу—ги* аффикси орқали ўзакдан англашилган ҳаракатнинг бажарувчисини, бажаришда восита бўлган асбобни билдирадиган от ясалади. Маълум фонетик шароитда, фонетик қонуларга кўра, *р* ва *з* ундошлари бир-бирининг ўрнига қўлланиши мумкин, лекин бу ўринда, аффиксацияда, фонетик қонулар асосидаги жонли, регуляр алмашиш (*қ→ғ: ўртоқ—ўртоғи, а→о: яма—ямоқ* каби) ҳодисасини кўрмаймиз. Бундаги товуш ўзгалигининг (*сергак: з→р, кўзгу: р→з*) сабаби бошқа.

Сўз ясовчи аффиксларнинг ўзак-негизнинг лексик маъносини ўзгартириб, янги сўз ҳосил қилиш хусусияти бу аффиксларни ўрганишда лексик маънонинг қанчалик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб туради. Булар сўз ўзгартувчилар типигаги умумлашган грамматик маъноларни ифодалаб, маълум парадигма ҳосил қиладиган морфемалар эмас, уларнинг бутун табиати морфемаларнинг конкрет қўшилишидаги маънолари ва бундаги ўзаро муносабатга қараб белгиланади. Бу ҳол ясовчиларнинг кўп маъноли ёки омонимлик хусусиятига эга бўлишида яна ҳам аниқ сезилади.

Аффиксларнинг маъноси ўзакнинг маъноси билан боғлиқ ҳолда аниқ белгиланади: унинг аниқ маъноси ҳар бир конкрет қўшилишдан келиб чиқади. Аффикслар, худди сўзлар каби, бир маъно-

ли ё кўп маъноли бўлади. Булардаги омонимия, синонимия ва антонимия (-ли ва -сиз аффиксларидаги каби) ҳодисалари умумий принцип жиҳатидан сўзлардаги шу ҳолатга ўхшайди. Кўпчилик аффикслар, одатда, шундай семантик хусусиятга эга бўлади: у маълум бир маънони ифодалайди (масалан, от ясовчи *-чи* аффикси шахс маъносини билдиради), лекин бу маънони ифодалаш ўз ичига ҳар хил айримликларни кўрсатади (шахсни нимага кўра— нимага қараб ифодалаш: ҳаракатга кўра, белгига кўра, ўрнига кўра ва б.). Шу билан ўзаро боғланган маънолар системаси ҳосил бўлади. Бир маъно тараққий қилиб, бундан бошқа маънолар туғилиши ҳам мумкин, бора-бора бу маънолар орасидаги муносабат сезилмай кетиши ҳам мумкин. Масалан, *-лар* аффикси кўпликни (ноаниқ кўпликни) билдиради, лекин у, ўрни билан, ҳурмат, кесатиш, ошириш-кучайтириш, экспрессия, умумлаштириш, тахмин, ҳаракатнинг такрори ё узоқ давом этиши каби маъноларни ифодалай олади.

Бугунги тилда бу маъноларнинг муносабати бир хил эмас: масалан, кўплик ва ҳаракатнинг такрори орасидаги боғланиш сезилиб туради, лекин кўплик билан тахмин орасидаги алоқа уқилмайдиган бўлиб кетган. Орадаги муносабат йўқолса, уларни бошқа-бошқа маънолар санаймиз. Қиёсланг: *типирчила* феълидаги *-чи* аффиксининг аслда, генетик жиҳатдан, *уйча* сўзидаги *-ча* аффикси билан алоқаси бор. Айрим ҳолларда бир аффикснинг турли маънолари ўзаро шунчалик туташиб, аралашиб-айқашиб, тўқилиб кетган бўладик, натижада, у маъно шу сўзнинг ўз доирасида эмас, балки контекст орқали конкретлашади. Масалан, *қовунлар* (кўплик ва ошириш), *унлар* (тур ва маъноси) ва *ошириш*, *кучайтириш*: *магазинга кириб унлардан олдик*; шунга мос ҳолда қўлланган аниқловчи ҳам бунини ажратишга хизмат қила олади: *ҳар хил унлар* (*Унлар* — кўп ун), *сувлар* (ҳар хил сувлар— *сувлар тошди*).

Аффикснинг маъносини аниқлашга шу маънонинг бошқа (масалан, лексик ё синтактик) йўл билан ифодаланиши ҳам ёрдам беради: бир маънони ифодаловчи турли воситалар ўзаро мослашган бўлади (ички мослик), иккаласи бирликда шу маънони кучайтиради: *кичкина қушча* («кичик» билан «ча» нинг маъноси мос), *ранги бир оз оқарганроқ* («бир оз» ва «роқ»), *сал каттароқ* («сал» ва «роқ»).

Аслда бир бўлган аффикслар урғу орқали фарқланиши ҳам мумкин. Масалан, *китобча* (урғули *-ча*: кичрайтиш маъноси) *-тингача* (урғусиз *-ча*: тахмин маъноси).

Содда ва қўшма аффикслар. Аффикслар структурасига кўра, морфологик хусусиятига қараб, икки хил бўлади: содда аффикслар ва қўшма аффикслар. Масалан, *-чи* (*сувчи*, *суғорувчи*), *-да* (*далада*), *-дан* (*даладан*) — содда аффикслар; *-гарчилик* (*лойгарчилик*), *-лама* (*бир ёқлама*) — қўшма аффикслар. Қўшма аффикс содда аффиксларнинг бирикишидан ҳосил бўлади ва шу комплексида унинг аслда икки (ё ундан ортиқ) эргаш морфемадан иборат

эканлиги сезилиб туради. Лекин бу эргаш морфемалар шу қўшилишда бир-биридан ажралмайди. Масалан, *темирчилик* (*темирчилик*: икки аффикснинг одатдаги кетма-кет, қатор келиши, қўшма аффикс ҳосил бўлмаган, чунки бу икки қайта ясалишдир, *темир ўзагидан* — *темирчи*, *темирчи* негизидан — *темирчилик*, «темирчи» — айрим қўллана олади) — *косибчилик* (*косибчилик*: бу ўринда *-чилик* комплекси қисмларга бўлинмайди: *косибчи* формасидаги ясалиш йўқ, косиб сўзининг ўзи шахсни, касб билан шуғулланувчи шахсни билдиради, шунга кўра шахс билдирадиган от ясовчи *-чи* аффиксига бу ўринда эҳтиёж йўқ, демак, бу ясалишда — *-чилик* қўшма аффикси орқали касб оти ҳосил қилинган). Яна: *терлама* (касалик номи: *тер-ла-ма*: икки содда аффикс), *икки томонлама* (сифат; *-лама* — қўшма аффикс), *секинлаш* (ёмғир секинлашди: *секин-ла-ш*), *ўзлаш* (дарс ўзлашди: *ўзлаш*), *сўзлаш* (улар сўзлашди: *сўзла-ш*), *бирлаш* (бирлашди: *бирлаш*); *оғирлаш* (касал оғирлашди), *жонлан* (иш жонланди) ва б.

Аффиксларнинг содда ва қўшма бўлиши, уларнинг чегараси ҳам, тилнинг бошқа ҳодисаларида бўлгани каби, тарихий жиҳатдан ўзгарувчандир: қўшма аффикснинг турли сабаблар натижасида состави уқилмай, сезилмас ҳолга келиб, содда аффикс тусига кириши мумкин. Масалан, ҳозирги содда *-дош* аффикси (*йўлдош*, *сирдош*, *синфдош* каби) аслда, туғилиш эътибори билан, икки морфемадан иборат: феъл ясовчи *-да* аффикси ва биргаликда билдирувчи *-ш* аффикси: *-да* аффикси феъл ясовчи *-ла* аффиксининг эски варианты бўлиб (чоғиштиринг: ҳозирги *қўлла*, *йўлла* феъллари Навоий асарларида *қолда*, *йолда* формаларида келади), бора-бора *-ла* вариантнинг ишлатилиш доираси кенгайиб, *-да* варианты янгидан сўз ясамайдиган бўлиб қолган. *-ш* аффикси ҳозирги *таниш-билиш* каби сўзларда учрайди. Яна мисоллар: *-инчи* (*биринчи*, *бешинчи* каби), *-вул* (*қоровул*—*қарағул*), *-имтир* (*оқимтир* каби); *-моқчи* (*у бормоқчи* каби), *-моқда* (*у ўқимоқда* каби) аффикслари ҳам аслда қўшмадир. Қўшма аффиксларнинг ўз туғилиш йўллари, қоида ва тишлари бор.

Қўшма аффиксли ҳар бир сўздаги бу морфема «содда аффикс+содда аффикс→қўшма аффикс» этапини ўтган деб қараш керак эмас. Масалан, *ўқимоқда* сўзида бу ҳодиса бор (*-моқ+да→моқда*), лекин *сирдош* сўзида бу ҳол йўқ: у тўғридан-тўғри *-дош* аффикси орқали ясалган.

Қўшмалик ҳолати сўз ўзгартувчи аффиксларда нисбатан кам учрайди.

Қўшма аффиксларнинг бир қисми аналогия йўли билан туғилган. Масалан, *ёқилғи* (топливо; состави: *ёқ-ил-ғи*) — *ёнилғи* (горючий; состави: *ён-ил-ғи*: қўшма аффикс): бу сўзда *-ил* аффикснинг ўрни йўқ (*ёқ* феъли *-ил* аффикси орқали мажхул даражага айланган, ўтимсизланган, *ён* феъли ўзи ўтимсиз), демак, *ёқилғи* сўзига аналогия йўли билан *ён* сўзига ҳам *-ил* қўшилиб, натижада, қўшма аффикс келиб чиққан. Қиёсланг: *мардикорчилик* (чоғиштиринг: *сироқ-чи-лик* — мардикорчилик). Кўринадики, аналогияга кўра

қўшилган аффикс шу комплексда «ўлик» ҳолда — ортиқчадек бўлади; айримлик ҳолатига эга бўлмайди, бошқа морфема билан биргаликдагина бир аффикс саналади. Лекин, шундай бўлса ҳам, бу морфема шу типдаги қўлланишларда ҳам ўз функциясига эга: *деҳқончилик* каби ҳолларда унинг бузғини тил нуқтаи назардан сўзларни дифференциация қилиш вазифаси бор: *қарилик—қаричилиқ* каби ҳолларда ҳам назик фарқ бор: умумийликни кучайтириш ёки акси: белги отининг маъносини, абстрактликни бир оз конкретлаштиради (лекин бу отенек жуда кучсиз). Яна: *тотувчилик* (тотувлик дейиш ҳам мумкин) — *битувчилик* (битувлик дейилмайди). *Пишиқчилик*, *қурғоқчилик* типдаги сўзларда *-чилик* аффиксининг қўлланиши бундан бошқача хусусиятга эга.

Тузилишига кўра уч элементли бўлган *-гарчилик* морфемаси (*ёгингарчилик*, *лойгарчилик*, *расвогарчилик* каби) аслда бошқа тилдан ўтган аффикснинг шу тилда маъно ва функция жиҳатидан ўхшаш бўлган аффикс билан бирга келишига—аффиксал синонимияга бориб тақалади. Бундаги *-гар* элементи, аналогияга кўра қўшилган аффикслардаги каби, кучсиз ҳолда бўлади. Бундай аффиксларнинг қўлланиши, ҳаёт йўли ҳар хил хусусиятларга эга. Мисолларни солиштиринг: *чорвачилиқ* (қўшма аффикс бўлмаганда, икки форма қўлланади: *чорвачи — чорвадор*), *пахтачилик* (лекин: *пахтакор*: бироқ: пахтакорлик маъносида *пахтачилик* қўлланади), *боғдорчилик* (*-дор* ва *-чилик*: *пахтакор* ва *пахтачилик* типига кўра *шолиқор* ва *шоличилик* формаси қўлланиши керак эди, лекин бу маънода *шолиқорлик* сўзи ишлатилади).

Юқоридаги *-чилик* ва *-гарчилик* аффиксларнинг қўлланиши шевалараро анча фарқланади. Диалектал айримлик қўшма аффикс ҳосил қилишнинг ўзида ҳам сезилади. Масалан, адабий тилдаги *уйланмоқ* (тошкент шевасида — *ўйланмоқ*) сўзининг составида *-лан* қўшма аффикси бор (*уйла* деган феъл йўқ), лекин Фарғона шеваларида бу ўринда икки аффиксни кўрамиз (қўшма аффикс йўқ), чунки бу шеваларда *уйла* феъли бор бўлиб, у адабий тилдаги *уйлантирмоқ* феълига тўғри келади: *сен уни уйлантириб қўй* (адабий тилда)... *уйлап қўй* (Фарғона шеваларида).

Боғлиқ негизли сўзларнинг составида доим қўшма аффикс бўлади: *айт-гудек* каби. Яна: *чақимчи* (*чақ-имчи*, *чақим* негизи боғлиқ, эркин негиз сифатида *чақиқ* қўлланади), *таниқли* (*таниқ*: *таниқ — боғлиқ* негиз). Қўшма аффикснинг ҳосил бўлишига айрим ҳолларда фонетик ўзгариш ёрдам беради. Масалан, Тошкент шевасидаги *-диги* аффикси (*тепадиги*, *қўлидиги*, *сувдиги*) аслда *-да*, *-ги* формасидан ҳосил бўлган, охириги *и* унлисининг биринчи аффиксдаги *а* унлисига таъсири билан комплекс ажралмас ҳолга келган. Яна: *тақ-ир-ла*, *дук-ур-ла*, *шап-ир-ла*, лекин: *шап-илла*; *зир-илла*; *дўр-илла*, *виз-илла* (ўзакда *р* ё *з* товушининг бўлиши билан *-илла* формасининг қўлланиши орасида боғланиш бор).

Унумли ва унумсиз аффикслар. Аффиксларнинг унумли-унумсизлиги уларнинг сўз ясашдаги актив-пассивлигига, маҳсулдорлик даражасига қараб белгиланади. Унумли ясовчилар ҳозирги тилда

ҳам актив равишда янги сўз ясайди, қатор янги ясалмалар составида ажралиб туради. Масалан, *-чи* аффикси (*ўрмончи, бетончи, кранчи, киоскачи, лотокчи, магазинчи*); *-ли* аффикси (*станокли, тўрт моторли, прицеппли*); *-ла* (*-лаш, -лаш-тир*) аффикси (*винтла, фармала, электрлаштириши, газлаштириши каби*); *-ма* ясовчиси (*қазилма, топилма, мослама, эритма каби*); унумсиз ясовчилар ҳозирги тилда янги сўз ясамайди, санокли сўзлардагина учрайди. Масалан, *кўрк* (ҳусн—кўр-к), *сувсира* (сира), *жизза* (*-а*), *қона* (*-а*), *иска* (ҳидламоқ, ка; қиёсланг: *искаб топар, искович ит*) каби.

Аффиксларнинг унумли-унумсизлиги бир қанча ҳодисалар билан алоқадор: 1. Унумли-унумсизлик форма ясовчи аффиксларга ҳам тааллуқли. Масалан, *-роқ* — унумли, *-иш* — унумсиз (оқиш, кўкиш), *-имтир* (кўкимтир), *-ча* (*стулча, моторча, портфелча, копточка*), *-чоқ* (*қўзичоқ, тойчоқ, тугунчақ*), *-лоқ* (*бўталоқ, тойлоқ*). 2. Унумсиз ясовчи орқали ҳам баъзан янги сўз ясалиб қолиши мумкин. Масалан, *қўлчиқ* (ипакчилик саноатида бир деталнинг номи, «ручка» сўзидан калька), лекин бу ҳодиса регуляр — мунтазам тусда бўлмай, тасодифийлик характерида бўлади. 3. Унумлиликнинг даражаси ҳам ҳар хил. Масалан, *-чи, -ли, -ла* аффиксларининг маҳсулдорлиги *-ма* (*топилма, қазилма каби*), *-дош* (*партиядош, елкадош, қуролдош, сафдош, ёстиқдош, ўриндошлик каби*) аффиксларининг ясаш даражасидан юқори. Шунга кўра, унумли ясовчилар иккига бўлинади: ссрунум ясовчилар ва кам унум ясовчилар. 4. Аффикснинг унумли-унумсизлиги сўз ясаш моделининг унумли-унумсизлиги ҳодисаси билан боғлиқ: аффикснинг унумли-унумсизлиги сўз ясаш типларида кўринади. Масалан, ҳозирги ўзбек тилида қурол отларининг *-ғу* аффикси (фонетик вариантлари билан) орқали ясалиш типини учрамайди, демак, бу тип ва унинг ясовчи аффикси унумсиздир. Англашиладики, унумли аффикс сўз ясашнинг маҳсулдор типини кўрсатувчи аффиксдир. Қиёсланг: шахс отининг ўзак-негиздан *-чи* аффикси орқали ясалиш типини маҳсулдор (демак, *-чи* унумли аффикс), *-ар* аффикси билан ясалиш типини эса маҳсулсиз (демак, бу аффикс унумсиз. Қиёсланг: *қирармон, йиғармон, ўлармон*: *-мон* морфемаси унумсиз). 5. Унумсиз аффиксларнинг ўзи икки хил: сўзнинг составида эркин ажралиб, маъно ва функцияси аниқ сезилиб турадиган, лекин янги сўз ясамайдиган аффикслар (*тинч, севинч, иска, қизғин каби*) ва ҳозирги тилда ажралмас ҳолга келган (тарихий анализ билангина аниқланадиган) аффикслар (*юрак*: асли — *юр-ак, қўлтиқ*: асли «қўл»дан). Буларнинг биринчиси тирик аффикслар, иккинчиси ўлик аффикслар саналади. 6. Аффикснинг унумли-унумсизлиги турли даврлардаги сўз ясалиш ҳодисасини солиштиришда айниқса яққол кўринади. Айрим аффиксларнинг маҳсулдорлиги, кам маҳсулдорлиги ёки маҳсулсизлиги даврларга кўра ўзгаради ҳам, демак, бу ҳодисалар орасида ўтиш ҳоллари ҳам бор. Масалан, *-чи, -ла, -ли* аффиксларининг функцияси ҳозирги тилда жуда ҳам кенгайган, активлашган (*аппаратчи, регулировкачи, телефонли,*

моторли, антеннали ва б.). Ҳозирги тилда улар орқали ясалган неологизмлар мавжуд. Аффиксларнинг, сўз ясаш воситаларининг ҳаёт йўли, улардаги унумли-унумсизлик, маҳсулдорликнинг кенгайиш ва торайиши, буларнинг маълум даврдаги ҳолати, бир аффикснинг бошқа бир унумли аффикс томонидан сиқиб қўйилиши, синонимия асосидаги кураш (*исла* ва *иска* феълларидаги *-ла* ва *-ка* аффиксларининг тарихий йўлини қиёсланг) каби ҳодисаларнинг ҳаммаси диахроник текшириш билан боғлиқ. Жамият тараққиётининг талаби, эҳтиёж — янги сўзларга бўлган эҳтиёж — аффиксларнинг актив қўлланишига сабаб бўлади. Умуман, аффиксларнинг унумли-унумсизлиги бир қанча ҳодисалар билан боғлиқ. Масалан, от, сифат ва феълларда аффиксларнинг активлашиши кучли, лекин сонларнинг форма ясовчиларида (*-та, -инчи* каби аффиксларда) бу ҳол бошқача: уларнинг активлашиши учун янги сонлар зарур, ҳолбуки жамиятда бунга эҳтиёж йўқ (аввалги сонларнинг қаторига, асосан, миллион қўшилган: *миллионта*), демак, бу аффикслар активлаша олмайди. Унумли-унумсиз, актив-пассив бўлишга ифода усулининг ўзгариши, моделнинг эскириши (масалан, ҳаракатнинг давоми, такрори каби маъноларнинг *-ғила* (фонетик вариантлари билан) аффикси орқали берилиши (*чўзғила, титкила, тепкила* каби; асли *-ғу-ла*) ҳозирги усул эмас, у янги ясалма бермайди, бугунги тилда бу маъно синтактик йўл билан ифодаланади); синонимик ҳолат — бирининг қўлланиш доираси кенгайиб, бошқасининг сиқиб чиқарилиши (масалан, ҳаракат номи функциясидаги *-ур* ва *-ш* аффиксларининг муносабати: *айтурга—айтишга; кўрар* типидagi сифатдошнинг кесим функциясида келиш ҳолатидаги ўзгариш: *у борар — у боради*) ва шу каби ҳоллар ҳам сабаб бўлади. 7. Бирор аффикснинг унумли бўлиши билан унинг қўлланивчан бўлиши, кўп қўлланиши ҳодисалари ҳар вақт мос кела бермайди. Масалан, феъллардан от ясайдиган *-к, -қ* аффикси бир қанча сўзларда учрайди, лекин у янги ясалма бермайди, унумсиз. 8. Тилда унумли аффикслар, одатда, кўп бўлмайди, лекин шу борларининг ясаш ҳаракати, функцияси, қўлланиш доираси кенгайиб бора беради, полисемантизм кучаяди. Масалан, Октябрь революциясидаг кейин ўзбек тилининг кенг ривожланиш йўлига кириши патижасида янги сўзларга талаб туғилиб, эҳтиёж кучайиб, *-чи* каби айрим аффикслар жуда активлашиб кетди: бу аффикслар орқали янги сўзлар ясалди: *темир йўлчи, инқилобчи, оғмачи, пулемётчи, мичуринчи, кранчи, паррандачи, монтажчи, алоқачи, печкачи, стрелкачи; электрлаштириши, коллективлаштириши, оммалаштириши, машиналаштириши, вольгарлаштириши, идеаллаштириши* ва б. Актив *-чи* морфемаси араб тилидан кирган китобий, оммага тушунарли бўлмаган, бажарувчи шахс оти бўлса ҳам, состави уқилмайдиган, бажарувчи шахсни кўрсатадиган, морфемаси сезилмайдиган айрим сўзларга ҳам қўшилиб, ундаги бажарувчи шахс кўрсаткичини алмаштирди: сингмаган, ёт структурадаги сўзда учрайдиган бир қисмининг ўрнини она тилининг одатдаги воситаси олди: *муаррих — тарихчи, мунаққ*

қид — танқидчи, муассис — асосчи (бунинг эгалик маъноси англатишида -ли аффикси билан алмашишни ҳам қиёсланг: мухтарам—хурматли, мухташам—ҳашаматли). Юқоридаги мисолларнинг составида учрайдиган му- элементи бажарувчи шахсни билдиради, қиёсланг: мактаб, мажлис каби сўзлардаги ма- элементи аслда ўрин, жой маъноси ифодалайди: лекин буларнинг ҳаммаси араб тили нуқтаи назаридандир. Ўзбек тилидаги -чи аффикси жуда актив, универсал морфемадир. Қиёсланг: тожик тилида бундай ўринларда бажарувчи шахс (кенг маънода) дифференциация билан берилади: қўшма сўзнинг иккинчи элементи машгулликнинг турига қараб қўлланган, шуни билдирадиган сўзлардан бўлади (этикдўз, меҳнаткаш, тузфуруш, мурасосоз, соатсоз, тунукасоз каби), ўзбек тилида -чи аффикси бу маъноларнинг ҳаммаси учун ҳам қўллана беради. Масалан, тунукачи ва этикчи сўзларидаги -чи морфемаси — етакчи ва эргаш морфемаларнинг қўшилиш хусусияти — шахсни дифференциация билан аниқ билдириб туради. (Қиёсланг: шахматчи сўзидаги -чи аффикси «ўйнайдиган шахс» маъноси билан ўзлашган). Маъно икки хил бўладиган ўринларда, -чи билан ясалган сўз асосий, одатдаги, маъно учун ишлатилади, иккинчи маъно бошқача берилади. Масалан, тароқчи (тароқ ишлаб чиқарадиган шахс) ва тароқ сотадиган. Омонимия ва полисемиянинг контекстда фарқланиши одатдагича бўлади (ниначи: одам ва бир хил ҳашарот, балиқчи: одам ва бир хил қуш). Икки хиллик туғиладиган ўринларда отбоқар типиди бериш ҳам учрайди: чўқчабоқар (лекин: чўққачилик), сут соғувчи (лекин: сутчилик: қиёсланг: сутчи — сут соғувчи, демак, -чилик буларнинг иккаласини ҳам ўз ичига олади: соғиш ҳам, сотиш ҳам). Юқоридаги каби ўринларда тожикча иккинчи сўзнинг маъноси -чи аффикси орқали бериш тил тарихининг ёзма ёдгорликларида ҳам, диалектларда ҳам учрайди (айниқса, Хоразм шеваларида): дуочи (Саккокий дуоғўй); меҳнатчи (Ҳамза), созчи, арвачи, адикчи (Хоразм шевалари), тунукачи, этихчи — этийчи, ўтувчи, мурасачи, соатчи — соғотчи (Тошкент шевалари) ва б. Юқоридагилардан англашиладики, аффикслардаги кенг, хилма-хил қўлланиш уларнинг полисемантиклик, бундан омонимлик ҳолатига эга бўлиши учун замин тайёрлайди.

12 **Регуляр ва нерегуляр аффиклар.** Аффиксларнинг унумли-унумсизлиги билан регулярлик-нерегулярлик ҳолати орасида богланиш бор бўлса ҳам, бу ҳодисалар бир-бирига тенг эмас. Регуляр ва нерегуляр (регуляр бўлмаган) — мунтазам ва номунтазам (мунтазам бўлмаган) аффикслар бир-биридан бир қанча белгилар орқали фарқланади. Дастлаб мисоллар кўрайлик: 1. -чи, -ли каби аффикслар (қўллаш ўрни, маъноси, қандай сўзларга қўшилиши ва б.) аниқ бир ҳолатга — турғунликка, муқимликка эга бўлиб, маълум бир моделни яратган, шунга кўра, булар конкрет қўшилишдан ташқарида ҳам уқилиб туради (-чи: шахс билдиради, -ли: эгалик билдиради), демак, буларнинг умумий тарздаги аниқ маъноси бор, у тайёр қисм ҳолатида бўлиб, зарур бўлган ўринларда

эсланиб, ўзак-негизга қўшилиб юборила беради. 2. *Ўсимта, уч яшар, қарич, ичак, кўрк, жизза* сўзларидаги *-та, -ар, -ч, -ак, -к, -а* аффикслари бошқача характерда: булар мунтазам қўлланмайди, онда-сонда, маълум сўзларда, баъзилари ягона сўзларда учрайди, шу тарзда ясалган маълум қатор яратилмайди, сўздан ташқарида уқилмайди: эсланадиган модел яратган эмас, уларнинг қандай аффикс эканлиги шу конкрет ясалмаларнинг морфематик анализидан келиб чиқади. Буларнинг биринчиси — регуляр аффикслар, иккинчиси — нерегуляр аффикслар.

Регуляр ва нерегуляр аффиксларни фарқлашда бир қанча ҳодисалар ҳисобга олинади: 1. Тил тараққиётининг турли даврларига муносабат: регуляр-нерегулярлик ҳозирги давр тилига нисбатан, синхрония асосида белгиланади (Қиёсланг: унумли-унумсизликни белгилашда диахрония ҳам кўзда тутилади). 2. Нерегуляр аффикслар доим унумсиз бўлади. Лекин ҳамма унумсиз аффикс нерегуляр бўла бермайди. Масалан, *чопиқ, ўроқ, сувоқ* каби иш отларидаги *-қ* аффикси ҳозирги тилда неологизм бермайди, унумсиз морфема, лекин у билан ясалган қатор сўзлар унинг регуляр характерга эга эканлигини билдиради (у илгари унумли аффикс бўлган: *юруғ—юриш* каби). Чоғиштиринг: *чуввос, ғуввос, уввос, шаррос (-ос морфемаси); шаршарак, тартарак, пирпирак, бизбизак, ғурғурак—ғуррак, чурчурак, варварак—варрак (-ак морфемаси)*. 3. Аффикснинг нерегуляр ҳолатда бўлиши ўзининг тарихий сабабларига эга. Шунингдек, унинг маълум кўринишлари бор: ҳозирги адабий тилда айрим, ягона сўзларда учрайдиган (*кўрк, ўсимта, қарға* каби), бир-икки сўзларда учрайдиганлари ва б.

Регулярлик-нерегулярлик ҳолати, нерегулярликнинг турли кўринишлари жиҳатидан шевалараро фарқланиш бўлиши ҳам мумкин. Масалан, кичрайтиш маъносидаги *-чуқ* аффикси адабий тилда *тўйчуқ* сўзида, шеваларда *қарағулчуқ* (лойдан қилинган кичик уйча, болалар ўйинида) каби сўзларда учрайди. 4. Генетик жиҳатдан боғлиқ бўлган аффиксларнинг бири (аслда—бир кўриниши) регуляр, бошқалари нерегуляр бўлиши ҳам мумкин (бу ҳодиса аффиксларнинг унумли-унумсизлигида ҳам учрайди). Қиёсланг: *чоқ, -чак, -чуқ, -ча*.

Аффиксал омонимия. Худди лексемалардаги, сўзлардаги каби аффиксларда ҳам омонимия ва антонимия (*кучли—кучсиз: -ли ва -сиз*) ҳодисалари учрайди.

Аффиксал омонимия семантик томондан ўзаро боғлиқ бўлмаган, турли маъноларни билдирувчи ҳар хил аффиксларнинг формал жиҳатдан бир хил бўлишидир. Масалан, *ётоқ, ўроқ, қўрқоқ, бошоқ* сўзларидаги *-оқ* аффикслари фонетик жиҳатдан бир хил бўлса ҳам, лекин булар ташқи томони ўхшаш бўлган тўртта ҳар хил аффикслардир: уларнинг биринчиси феъллардан жой оти ясайди (ўзак-негиздан англашилган ҳаракат учун хос ўрин), иккинчиси феъллардан асбоб оти ясайди (ҳаракатни бажаришда воқита бўладиган қурол. Яна: бу формада иш оти ясовчи аффикс ҳам бор: *ўроқ—ўриш—ўрим*), учинчиси феъллардан сифат ясайди

(ўзак-негиздан англашилган ҳаракат билан характерланидиган белги), тўртинчиси отларга қўшилиб, асосий маънога кичрайтиш маъносини қўшади (*бошоқ*: «кичкина бош». Ҳозирги замон ўзбек тилида унинг «бош» билан муносабати сезилмас ҳолга келиб, *бошоқ* морфемаларга ажралмайдиган туб сўз ҳолига келган). Бундай аффиксларнинг бошқа-бошқа морфемалар эканлиги, тури, маъно ва вазифаси ҳар гал ўзак-негиз билан бирикишига, бу бирикманинг семантик ва грамматик хусусиятларига, умумий маънога қараб белгиланади. Юқорида кўриб ўтилган типдаги аффикслар оморфемалар дейилади.

Аффиксал омонимия турли типдаги эргаш морфемалар орасида учрайди: 1. Сўз ясовчи аффиксларнинг ўз доирасида. Масалан, тўплам (-м аффикси ҳаракат натижаси оти ясади), *ўрим* (-им аффикси процесс номи ясади). 2. Сўз ясовчи аффикс билан сўз ўзгартувчи аффикс орасида. Масалан, *тинчи* (-и: феъл ясовчи аффикс: *у тинчиди*; учинчи шахсни кўрсатувчи эгалик аффикси ҳам шу формада бўла олади). 3. Сўз ясовчи аффикс билан форма ясовчи аффикс орасида. Масалан, *айлана* (-а: от ясовчи), *бура* (-а: форма ясовчи); *қумлоқ* (-лоқ жой оти ясади: асли: -ла-қ), *бўталоқ* (-лоқ: кичрайтиш, эркалаш маъносини ифодалайди). 4. Форма ясовчи аффиксларнинг ўз доирасида. Масалан, *қизча* (-ча кичрайтиш-эркалаш маъноси), *термачала* (бу феълнинг састабида -ча аффикси иш-ҳаракатнинг «кичкилигини» —«майдалигини» билдиради; буларнинг иккаласи генетик жиҳатдан алоқадор), *бура* (феъл: бур-а), *чопа* (чоп-а: равишдош), *оқиш* (сифат, -иш белгисининг озлигини билдиради), *чопиш* (чопмоқ: -иш: феълнинг функционал формасини ҳосил қилади). 5. Форма ясовчи аффикс билан сўз ўзгартувчи аффикс орасида. Масалан, *чайқа* (феъл: чаймоқ—чайқамоқ), *боққа* (-қа: жўналиш келишиги кўрсаткичи), *қазу* (феъл: қазмоқ—қазимоқ), *кўзи* (-и эгалик аффикси). 6. Сўз ўзгартувчи аффиксларнинг ўз доирасида. Масалан, *эчкинг* (-нг эгалик аффикси), *бординг* (-нг: туловчи аффикс).

Аффиксал омонимиянинг уч тур аффикс (сўз ясовчи аффикс, форма ясовчи аффикс ва сўз ўзгартувчи аффикс) орасида бўлиши ҳодисаси жуда кам учрайди. Унинг энг кўп тарқалган кўриниши икки морфеманинг омонимик ҳолатидир: сўз ясовчи—сўз ўзгартувчи, сўз ясовчи—форма ясовчи. Уч аффикснинг омонимлик ҳолати нисбатан кам, тўрт аффикснинг бу ҳолати эса санокли ўринлардадир. Аффиксал омонимия бир сўз туркуми доирасидаги аффиксларда кам учрайди.

Омонимик аффикслар баъзан урғу орқали фарқланади. Масалан, урғули -ма аффикси от ва сифат ясади, урғусиз -ма аффикси феълларнинг инкор формасини ҳосил қилади. Яна: -ча (урғули -ча кичрайтиш, эркалаш каби маъноларни билдиради; урғусиз -ча тахмин, ўхшашлик, қиёслаш каби маъноларни ифодалайди); -дир феълларда орттирма даража аффикси, урғули—модаллик билдирувчи -дир элементи урғусиз.

Аффиксал омонимиянинг келиб чиқиш йўллари: 1. Эргаш морфемаларининг орада генетик алоқа бўлмаган ҳолда формал жиҳатдан бир хиллик натижасида: *оқиш* (сифат)—*боқиш* (ҳаракат номи). Бундай омонимия бошқа тилдан олинган сўзнинг составидаги морфема билан ўхшашлик туғилиши натижасида ҳам бўлади: *иска* (ҳидла, *-ка*: феъл ясовчи)—*йўлка* (*-ка*: кичрайтиш аффикси)—*студентка* (*-ка*: род-жинс кўрсаткичи). 2. Полисемантик аффикснинг турли маънолари орасидаги боғланишнинг йўқолиши, бу билан айрим-айрим аффикслар туғилиши натижасида (демак, срада генетик алоқа бор): *кўзим* (*-м*: эгалик аффикси), *бордим* (*-м*: тусловчи аффикс). Буларнинг ҳар иккиси ҳам келиб чиқиш жиҳатидан биринчи шахснинг бирлигини кўрсатувчи *мен* олмоши билан алоқадор.

Аффиксал омонимия эргаш морфеманинг фонетик ўзгаришга учраши натижасида ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Масалан, *-ғи* аффиксининг (феълларда) *-и* формасига, *-ғоқ* аффиксининг *-оқ* формасига келиб қолиши натижасида (*тўзғи*: *тўзи*, *қочқоқ*: *кочоқ* каби): *тўзи* (феъл: *тўз-и-ди*, қиёсланг: *тўзон*) — *юзи* (*-и*: эгалик аффикси), *ўроқ* (асли: *ўрғоқ*)—*ётоқ*.

Айрим ҳолларда бир хил кўринишдаги морфемаларнинг полисемия—(бир аффикс) ёки омонимия (бирдан ортиқ аффикс) билан боғлиқлигини аниқлаш қийин бўлади (бу ҳол лексик омонимларда ҳам учрайди). Булардан ташқари, аффиксал омонимиянинг яна айрим томонлари бор.

Келишик аффиксларининг маъноларини тасвирлашда, одатда, шундай йўл тутилади: *мактабда* (бундаги *-да* морфемаси ўринни билдиришга хизмат қилади), *ёзда* (шу морфема пайт билдиришга хизмат қилади) ва б. Натижада, *-да* морфемаси ўрин, пайт каби айрим-айрим маъноларни ифодалайдиган оморфемага ўхшаб қолади. Ҳолбуки, бундаги семантик ҳар хиллик ўзакнинг лексик маъносидадир: *мактаб* — ўрин оти, *ёз* — пайт оти ва б. *-да* морфемаси эса ҳар икки ҳолда ҳам ўз грамматик маъносидадир. Яна: *балиқчи* (балиқ тутувчи, умуман: одам; итга нисбатан эса *овчи* ит ибораси қўлланади, ҳолбуки буни «балиқчи»га солиштирсак, бу ўринда ҳам маънони икки хиллигича қолдириш мумкин эди, лекин бунда бошқача йўл тутилган: тил мумкин бўлганича аниқликка, демак, икки хилликдан, омонимиядан қочишга интилади), *ўқчи* (илгари: ёшнинг ёки араванинг ўқини тайёрлайдиган одам, кейинроқ—*ўқ отувчи*, қиёсланг: *ўқчилар бригадаси*), *кўчки* (кўкатлар сотувчи ёки бўёқчи, нилчи), *бўёқчи*, *чопувчи*, *темирчи*, *далачи* (далада яшовчи) сўзларини қиёсланг: бу сўзларнинг ҳаммаси ҳам шахс (кенг маънода, умуман, бажарувчи шахс) маъносини билдиради, бу маънони ўша сўзни ҳосил қилган морфема *-чи* аффикси ифодалайди (шунинг учун у бажарувчи шахс оти ясовчи морфема саналади), лекин бу шахс оти ҳар хил ифодаланади: касбга кўра (*сувоқчи*), бажараётган ишига кўра (*сўзловчи*), бирор белгисига кўра (аълочи, уйланувчи), машғулотида асосий ўринни тутувчи предметга кўра (*темирчи*, *тунукачи*), ишлаб чиқа-

радиган, ясайдиган предметига кўра (*тароқчи, қошиқчи, тақачи*) ва б. Кўринадики, *-чи* аффикси юқоридаги ҳамма мисолларда ҳам бажарувчи шахс категориясини кўрсатади: у омоним аффикс эмас, шахсни ифодалашдаги фарқ, фарқлаш («нимага кўра» лигнининг хилма-хиллиги) аффиксга эмас, ўзак-негизнинг ўзига, ички томонига боғлиқ. Бундай ясалишнинг иккинчи томони ҳам бор: *тароқчи* сўзи шахсни фақат «ишлаш, ясаш предметига кўра» эмас, балки «сотилш предметига кўра» аниқлаштириши ҳам мумкин эди, ҳолбуки кейинги маънода «тароқ сотадиган» ибораси қўлланади (яна: *ойначи*—ойна соладиган, *ўқчи*—ўқ ясайдиган, *юганчи*—юган тикадиган, *қўйчи*—қўй боқувчи ва қўйларнинг эгаси, *қўйчивон*—қўй боқувчи): тил максимал аниқликка интилади: *тунукачи* сўзи ҳозирги тилда «тунукадан турли предметлар ясайдиган шахс» маъноси учун қўлланади (*шу шахс—уста томни ёпиш билан шуғулланса, «тунука қоқадиган»* ибораси қўлланади),— «тунука ясайдиган — тунука қуядиган шахс» маъносида ҳам қўлланиши мумкин (леккин унда икки хиллик туғилади: қиёсланг: *дугорчи*: «чаладиган» ва «ясайдиган»), *шахматчи* сўзи «шахмат ўйнайдиган шахс» маъносидан ташқари, «шахмат ясайдиган» («шахмат сотадиган» ҳам) маъносида ҳам қўлланиш имкониятига эга. Аниқки, шахсни нимага кўра аниқлаштириши ўша сўзнинг тарихан қандай ўзлашиб қолганлигига ҳам боғлиқ.

Ташқи томондан ўхшаш бўлиб қолишнинг шундай кўриниши ҳам бор: икки аффикснинг кетма-кет келиб бирикишидан туғилган комплекс бошқа бир эргаш морфема билан бир хиллик ҳосил қилади. Масалан, *сийдик (сий-ди-к: феъл)*—*сийдик (сий-дик)*, *болалар (бола-лар: кўплик формаси)*—*болалар (бола-ла)*—*феъл, + -р сифатдош формаси*, *тинчи (тинч-и)*—*сифат+и, феъл ишчи (иш-чи)*. Булар омоним аффикслар саналмайди, чунки бундай ҳолларда бир томон икки аффиксдан иборат...

Омоним аффикслар орқали бир ўзак-негиздан сўзлар ясалганда (табiiй, ҳар бир ясашда ўзак-негиз такрорланади) омоним сўзлар ҳосил бўлади (лексик омонимлар). Масалан, *қара (феъл): қароқ (иш оти: ясайди, қиёсланг: қароқчи)*—*қароқ (бажарувчи оти: ясалди: қароқ — кўз, архаик)*. Шу асосда ҳар хил сўз ўйинлари (бадий асарларда) келиб чиқади (*ўйнаш, таниш* каби сўзларнинг маъносига диққат қилинг). Шева материаллари бундай ҳолларнинг фонетик усул билан, составидаги унлини ўзгартиш орқали, фарқланиши ҳодисасини ҳам кўрсатади. Масалан, адабий тилда: *чиқар (чиқ-ар)*: 1) *чиқмоқ* феълнинг сифатдош формаси; 2) шу феълнинг орттирма даражаси формаси. Демак, *-ар*: аффиксал омонимия. Омоним аффиксларнинг фонетик восита орқали дифференциация топиши, юқорида кўрсатиб ўтилганлардан (лексик урғу орқали ва унлини алмаштириш йўли билан фарқланишлардан) ташқари, яна шундай бир ҳодисани кўрсатади: сўз ясовчи (от туркуми доирасида) *-и* аффикси билан эгалик аффиксининг учинчи шахс бирлигини кўрсатувчи формаси (ундошдан кейин: *қўл-и*) омониморфемалар бўлиб, улар *к* ундоши билан тугаган ўзак-

негизларга қўшилганда, шу ундошнинг фонетик ҳолати аффикснинг тури (сўз ясовчими ёки сўз ўзгартувчими эканлиги) ҳақида олдиндан сигнал бериб туради, фарқлайди: *қ→F* формасидаги фонетик ўзгариш юз берган бўлса, қўшилган аффикс сўз ўзгартувчи бўлади, бундай ўзгариш юз бермаган бўлса, қўшилган аффикс сўз ясовчи бўлади: бу оморфемаларнинг сўз ўзгартувчиси ўзак-негизда товуш алмашинишига сабабчи бўлади, сўз ясовчи ўзак-негизни фонетик жиҳатдан ўзгартрмайди. Масалан, *бузуқ*; *бузуқи*—*бузуғи*; *қишлоқ*: *қишлоқи*—*қишлоғи*; *кесак*; *кесаки*—*кесағи*.

Аслида ташқи томондан ҳам ўхшаш бўлмаган айрим-айрим аффикслар айрим қўшилишларда фонетик қонулар асосидагина ўзгариш натижасида, айтилиш жиҳатидан бир хил бўлиб қолади, натижада, омоним аффикслар туғилади. Масалан, *-ги* аффикси (сифат ясовчи) *нг* ундоши билан тугаган ўзак-негизларга қўшилганда, оддий бирикувни кўрамайди: *етакчи* ва *эрга*ш морфемаларнинг чегараси, туташган ўрни, сўзнинг бўғинларга ажрлиниш ўрнига—чегарасига мос бўлади (*тонг-ги*: *тонгги шамол*), шу типдаги ўзак-негизларга учинчи шахс эгалик аффикси (*-и* формаси) қўшилганда, бу ўрин—чегара мос келмайди: бундай фонетик шароитда ўзак-негизнинг охириги товуши (ундош) аффикс билан бирикиб, бир бўғин ҳосил қилади (*қўл-и*: *қўли*, *таг-и*: *таги*), демак, *тонг-и*: *то-нги* (кўклам тонги), лекин бу қўшилишда биринчи бўғин назарий ҳолатга кўра кутилган аниқ очик бўғинни кўрсатмайди: бошқачароқ фонетик ҳодиса туғилади. (Бу ҳодиса товушнинг сўз ва бўғин бошида келмаслиги билан боғлиқ). Бундай фонетик шароитда юқоридаги *-ги* ва *-и* аффикслари бир хил айтилиб, омоним аффикслар ҳолида бўлади («ёлғондакам омоним»), лекин у омофон характерида бўлиб, ёзувда асли сақланади: омонимия бўлмайди (*тонгги* ва *тонги*).

Сўзнинг морфологик структурасини анализ қилишда юқоридаги каби ҳодисаларнинг ҳаммаси составидаги қисмларнинг семантик ва бошқа хусусиятларига, ўзаро боғланишларига ва сўзларнинг бирикишларига қараб конкретлаштирилади. Яна бир мисол: *терим*: 1) *тер* ўзагидан (фезлдан) ясалган от (*тер-им*: *пахта терими* каби); 2) *тер* ўзагига (отга) биринчи шахснинг бирлигини кўрсатувчи эгалик аффикси қўшилган (*тер-им*); 3) *тери* ўзагига биринчи шахснинг бирлигини кўрсатувчи эгалик аффикси қўшилган (*тери-м*).

Аффиксларнинг омонимлик ҳолати, умуман, омонимия ҳодисаси ҳам, тилнинг тарихий тараққиёт процессида ҳар хилликларга эга бўла олади. Масалан, *-лик* аффикси (фонетик вариантлари билан) аста-секин полнсемантикликдан омонимликка ўтган (*бола-лик*: белги оти ясовчи ва сифат ясовчи: ўзак-негиздан англашилган предметга эга бўлиш белгиси ва б.), кейинроқ унинг от ясаш ва сифат ясаш функциялари фонетик вариантлараро фарқланган ҳам (*-лығ* ва *-лиғ* сифат ясаш учун, *-лық* ва *-лик* от ясаш учун ишлатилган, демак, бошқа-бошқа аффикслар, урчиш юз берган); бора-

бора бу аффиксларнинг уч товушли ва икки товушли кўринишлари (-лик ва -ли: бу кўринишлар шеваларда ҳам учрайди: -лик, -лиг, -лий; -лы, -лъ) қисман дифференциация топган: белги оти -лик аффикси билан ясалади (болалик, ёшлик, кичиклик; бу аффикс предмет номини ҳам ясайди. Масалан, *ширинлик*: русча «сла-дость», «приятность» ва «сласти»; булар генетик жиҳатдан алоқа-дор), сифат -ли аффикси билан ясалади (ақлли бола, гавдали йигит, тўйимли овқат, юришли йўл, бешқаватли бино ва б.). Қиёсланг: ёқимлилиқ (-ли; сифат ясайди, -лик: от ясайди (бундай -ли, -лик типидagi бирикиш имкониятининг ўзи шу фарқланиш ҳодисаси билан боғлиқ. Бу ҳозирги замон ўзбек адабий тилида нормадир). Ҳозирги адабий тилда -лик ва -лиқ формаларининг фарқланиш ўрни ҳам учрайди (борлиқ ва борлик).

3 Аффиксал синонимия. Бу ҳодиса формал томондан ҳар хил бўлган аффиксларнинг семантик жиҳатдан бир хил — ўхшаш (ёки жуда яқин) бўлишидир. Масалан, *исла* (ҳидла) ва *иска* феълларидаги -ла ва -ка аффикслари, *ўхшовсиз* ва *бейхшов* сўз-ларидаги -сиз ва *бе-* аффикслари, *ҳомилали* ва *ҳомиладор* сўзла-ридаги -ли ва -дор аффикслари фонетик жиҳатдан ўзаро ўхшаш эмас, уларнинг орасида генетик томондан ҳам боғланиш йўқ, лекин ҳар бир жуфтнинг маъно жиҳатдан ўзаро алоқаси бор. Қиёсланг: сўз ясовчи аффиксларнинг (қисман тор маънодаги фор-ма ясовчи аффиксларнинг ҳам) одатдаги классификацияси (шахс оти ясовчилар, ўрин оти ясовчилар, ҳаракат оти ясовчилар, субъек-тив баҳо формаси ясовчилар... деб ажратиш типидagi классифи-кацияси) маънога асосланган бўлиб, ундаги ҳар бир группа маз-мунига кўра бир-бирига ўхшаш, яқин бўлган, умуман, бир маъно доирасига кирадиган аффиксларни ўз ичига олади — бир-лаштиради.

Умуман, синонимларнинг бир-бирига тамоман тенг, бир хил бўлиши — абсолют синонимлар — учрамайди ҳисоб, улар ўзаро нимаси биландир — бирор томони билан фарқланадиган — нисбий синонимлар бўлади. Бу фарқлар маънода, унинг оттенкасида, стилистик хусусиятида, қўлланишда, аффиксациядаги хусусияти-да, актив-пассивликда эскирган-эскирмаганликда, қўлланиш дон-расининг кенг-торлигида, бошқа сўзлар билан бирикишидаги (синтактик) айримликларда кўринади. Бу фарқларга эътибор қилиш орқали мазмунни очиқ, нозик оттенкаларини, эмоцияларни аниқ беришга, ифодалиликка — умуман стилистик жиҳатдан са-водли бўлишга эришилади.

Синонимлардаги фонетик ҳар хиллик билан морфемаларнинг вариантлари (масалан, жўналиш келишигининг кўрсаткичлари: -га, -ка, -қа) орасидаги ҳар хиллик бир-биридан фарқли ҳодиса-лардир (лекин булар орасида айрим жиҳатлардан ўхшашлик ҳам бор: морфеманинг вариантлари товуш жиҳатидан фарқли бўлса ҳам, маъно томондан тенг, улар стилистик жиҳатдан фарқланиши мумкин): вариант морфемалар генетик жиҳатдан бир хил (фоне-тик жиҳатдан бутунлай бошқа бўлиб кетмайди: умумий фонетик

қиёфани сақлайди, бир варианты бошқасини эслатиб туради), синоним аффикслар эса генетик алоқага эга эмас, улар маъно оттенкаси, стилистик хусусиятлари билан ажралиб туради.

Синоним аффиксларнинг келиб чиқиш йўллари: 1. Бошқа тиллардан кирган аффиксларнинг (булар, одатда, олинган сўзлар составига киради) шу тилда, шу маънода қўлланадиган аффикс билан функциядош бўлиб ишлатилиши натижасида. Мисоллар: *-ист* ва *-чи*: *парашютист* — *парашютчи*, *футболист* — *футболчи*, *тракторист* — *тракторчи* (лекин кўп ўринларда *-ист* аффиксининг ўзи қўлланади: *марксист*, *реалист*, *интернационалист*, *танкист* каби); *-сиз* ва *но-*: *ўринсиз* — *ноўрин*; *-ли* ва *ба-*: *қувватли* — *бақувват*, *-ли* ва *-дор*: *унумли* — *унумдор*. 2. Аффикслардаги бу функциядошлик ҳодисаси, синоним аффикслар ҳосил қилиш, бир тилнинг ўз материаллари асосида туғилган бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳодиса бир қанча кўринишларга эга бўлиб, булардан бири синоним аффиксларнинг диалектлар орасидаги фарқлар асосида келиб чиқишидир: бирор шевадаги бир аффикснинг маъно ва вазифаси бошқа шеваники билан ўхшаш бўлади. Мисоллар: *бир тилим гўшт* — *бир тилиш гўшт* — *бир тилик гўшт* (*-им*, *-иш* ва *-ик* ясовчи аффикслари), *қаттиқ* — *қаттим* (*-иқ* ва *-им* аффикслари), *чопқир* ва *чопагон* (*-қир* ва *-агон*), *кийим* — *кийит* (*-им* ва *-ит*). Бу ҳолат бир шеванинг ўз ичида бўлиши ҳам мумкин. 3. Бу ҳодиса адабий тилда юқорида кўрсатилган — бошқа тил формаларининг иштироки билан ҳосил бўладиган — синоним аффикслардан бошқа кўринишларга ҳам эга. Масалан, *қанығ*, *қапқа* (эски ўзбек тилида: *эшик*, *дарвоза*; *-ығ* ва *-қа* аффикслари. Бундай ҳолат аслда фонетик ўзгариш натижасида туғилган бўлиши ҳам мумкин), *туфла* ва *тупир* (*-ла* ва *-ир*), *исла* (ҳидла) ва *иска* (*-ла* ва *-ка*), *шунчалар* (ошириш, кучайтириш; адабий тилда кам ишлатилади) — *шунчалик* (*-лар* ва *-лик*), *камай* — *ками* (*-ай* ва *-и*), *тўйимли овқат* ва *ичишли чой* (*-им* ва *-иш*), *сурт* — *сурка* (*-т* ва *-ка*), *кирит* (қўлга киритган ютуқларимиз) — *киргаз* (*-т* ва *-гиз*), *тўлдир* (челакни тўлдир) — *тўлғаз* (*-дир* ва *-ғаз*; лекин *тўлат* феълнинг морфологик состави бошқача: *тўл* — феъл, *тўла* — сифат, *тўлат* — тўла эт) ва б. Бу кўринишлар аслда, бир томондан, тил тарихи билан (турли типдаги фонетик ўзгаришлар ҳам шу ҳисобда), иккинчи томондан, диалектал ҳар хилликлар билан боғланади.

Аффиксал синонимиянинг айрим хусусиятлари: 1. Улар бир сўз доирасидагина учрайди. Масалан: *-ли* ва *ба-* морфемалари отлардан сифат ясайди: *қувватли* — *бақувват* (ясалма бир тилда ҳосил қилинган бўлиб, иккинчи тилда ясамалиги уқиладиган сўз сифатида бўлиши ҳам мумкин). Лекин ҳар бир жуфтдаги компонентларнинг ўзаро муносабати бундан бошқачароқ типда бўлиши ҳам мумкин. Масалан, инкор, йўқлик маъносини ифодаловчи *-сиз* ва *но-* (унлиси узун) морфемаларининг ўзак морфемага категориал ўзгариш киритиш-киритмаслиги, сўз туркумини ўзгартиш-ўзгартмаслиги, бир хил эмас: *-сиз* аффикси отларга қўшилиб, ўша (ўзак ё негиз билан ифодаланган) предметнинг (кенг маънода)

йўқлигини, шунга эга эмасликни ёки камлигини билдиради (*боласиз, ақлсиз, кучсиз*), бу хусусият ички томондан унга мос келади, *тўлиқ-сиз* типидagi ясалиш (сифатга қўшилиш) бу морфема учун характерли эмас; *но-* морфемаси эса, аксинча, сифатга қўшилади (белгининг инкорини билдиради: *ноаниқ, нотаниш, номағлум, номағқул*), отга қўшилиш, предметнинг йўқлигини билдириш бунинг хусусияти эмас. *Нойрин* (ўринсиз) каби қўшилишларда (*но+от*), барабир, сифат (ўринли) кўзда тутилади: *ўринли—ўринли бўлмаган—нойрин*. Қиёсланг: *ўринли—ўринсиз, ҳақ—ноҳақ (ҳақли—ноҳақ: ким ҳақ, ким ноҳақ. Чоғиштиринг: ҳақ гап—ҳақ сўзи сифат вазифасида)*.

2. Аффиксларнинг тарихий пландаги ўзгариши уларнинг синонимлик ҳолатига таъсир қилиши мумкин. Масалан, *билиг (-из аффикси, қадимги ёдгорликлар тилида) — билим (-им аффикси, ҳозирги тилда)*. Тарихий жиҳатдан синонимик ҳолат туғдирадиган жуфтлар аслда бир морфеманинг ўзи (унинг дастлабки ва кейинги — фонетик жиҳатдан ўзгарган — формалари) бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Масалан, *икаку — икав (-ку→в), йирағу* (ашулачи: *йэр — джир: ашула) — жиров (-ғу→в)*.

3. Аффиксал синонимия эргаш морфемаларнинг ҳамма турида бор: сўз ясовчиларда (*унумли—унумдор*), форма ясовчиларда (*оқиш—оқимтир, оқиш—оқроқ*), форма ўзгартувчиларда (*айтинглар—айтингиз, ҳорманглар—ҳормангиз; бордик—бордимиз: диалектал форма*).

4. Умуман, синонимларда бўлгани каби, синоним аффикслар ҳам ўзаро баъзи томонлари билан фарқланади: унумли-унумсизлик, актив-пассивлик, стилистик фарқланиш, компонентлардан бирининг стилистик бўёққа эга бўлиши, шу аффиксни қабул қиладиган ўзакнегизларнинг чегарали бўлиши, оттенокда, даражада фарқланиш ва б. Мисолларни қиёсланг: *ёқимли — ёқимтой (-ли ва -той; яна чоғиштиринг: эрка — эркатой), ярадор — ярали (-дор ва -ли), ҳомилали — ҳомиладор (-ли ва -дор. Яна чоғиштиринг: оғир оёқли — оғир оёқ), пулли — пулдор (-ли ва -дор), байроқли — байроқдор (-ли ва -дор), унумли — унумдор (-ли ва -дор), бетоқат — тоқатсиз (бе- ва -сиз)*. Мисоллардан кўринадики, бу жуфтлар (-ли ва -дор каби) дифференциацияга учраши ҳам мумкин. Чоғиштиринг: *бошсиз — бебош (бевош), бошвоқсиз — бебошвоқ, соқолсиз — бесоқол* каби айрим фарқланишлар сўзнинг кўчган маънода қўлланиши, компонентларнинг кўчган-кўчмаган ҳолатлар орасида «тақсимланиши», махсусланиши билан ҳам боғлиқ. Жуфтларнинг фарқланишини айрим ҳолларда бошқа жуфтлар билан алмаштириб кўриш орқали ҳам аниқлаш мумкин бўлади. Умуман, конкрет қўлланишда синоним аффиксларнинг бирини бошқаси билан алмаштириш (бир-бирини ҳамма томондан тўла қоплайдиган ҳолда «силлиқ» алмаштириш) кам учрайдиган ҳодиса.

5. Аффиксларнинг синонимик ҳолатда бўлиши уларнинг ҳар биридаги ҳамма семантик хусусиятларнинг, нозик фарқларнинг, шунингдек, грамматик хусусиятларнинг ҳам, бутунлай ўхшаш бў-

лишини кўзда тутмайди. Булар орасида, умуман, семантик бир хиллик бор, лекин бу бир хилликнинг ҳар хил даражалари — «узоқ-яқинлиги» ҳам бор. Оранинг «узоқроқ» бўлиш ҳолларини *-лик* ва *-лар* аффиксларининг синонимик ҳолатда бўлиш мисоли аниқ кўрсатади: кучайтиришга хизмат қилиш, шу функцияда келиш бу аффиксларнинг ҳаракат доирасидаги бир нуқтагинадир, бир томондан улар шу нуқтадагина учрашган бўлиб, бошқа томонлари (улар асосий қисми ташкил қилади) ўхшаш эмас. Демак, синонимликда ҳам, одатдагича бўлиш «турғунлик» ва «окказионаллик» ҳодисалари бўлиши мумкин.

6. Синоним аффикслар, бошқа турдаги синонимлар (масалан, лексик синонимлар) каби, бадиий асарларда персонажларнинг нутқини индивидуаллаштириш, нутқий характеристика учун хизмат қилади.

7. Тил ҳодисаларининг тарихий процессида кўрсатишда синонимия соҳаси ҳам характерлидир. Баъзи мисоллар: 1. Матбуот тилида дастлаб ишлатилган *нишондор* сўзи кейинроқ *орденли* сўзи билан алмашди. Қиёсланг: *зотли сигирлар*. 2. Қадимги ёзма ёдгорликлар тилида, эски ўзбек тилида ҳам, предметнинг ўрни (шу предмет ўсадиган, бўладиган ёки кўп бўладиган жой) маъносини *-лоқ* аффикси (*-лық*, *-лик* ҳам) билдирган: *ўтлоқ*, *қумлоқ*, *овлоқ*, *қушлоқ*; *чечаклик*, *тераклик*, *олмалық*, *арчалық*, каби (*лоқ* ва *-лық*, *-лик* морфемалари қўлланиш жиҳатидан ҳам фарқли), кейинроқ айрим ҳолларда — *-зор* морфемаси билан ясалган формалар қўлланган: *арчазор*, *ўрикзор*, *олмазор*, *терақзор* каби. 3. *Меҳнаткаш*, *сураткаш*, *этиқдўз*, *тилунос*, *адабиётшунос* каби кирган сўзлардаги шахс билдирувчи элементларни ўзбекча *-чи* аффикси билан алмаштириш ҳоллари ҳам синонимларнинг ўзаро муносабатидаги айрим нутқларни кўрсатади (*-чи*: одатдаги, аниқ тушуниладиган, универсал, актив морфема). Бу ҳодиса жонли нутқда кучли: *муқовасоз* — *муқовачи*, *ҳасадағўй* — *ҳасадачи*, *меҳнатчи*, *адабиётчи*, *тилчи*, *суратчи* (чоғиштиринг: *фоточи*), *этикчи*. 4. Тожикчадан кирган сўзлар составидаги (ажраладиган) *но-*, *бе-*, *ба-*, *бар-*, *-дор*, *сер-* элементлари (булар кейинроқ баъзи ўзбекча ўзак-негизларга ҳам қўшилган: *ярадор* каби) билан ўзбекчадаги *-ли* ва *-сиз* ясовчиларининг муносабатида шундай ҳолни кўрамиз: а) эгалик маъносидаги *ба-* элементи ўрнида *-ли* қўллана олади: бақувват-қувватли (қиёсланг: *савлатли*, *маънили* ва б. деярли ҳамма вақт *-ли* қўлланади); б) *барвақт* — *вақтли* (воҳлий); в) но — элементи (унинг сифатларга қўшилиши ҳақида юқорида гапирилди); г) бетартиб — тартибсиз (қиёсланг: *тўзсиз* — *бетуз*, *тўхтовсиз* — *бетўхтов*, *ўхшовсиз* — *беўхшов*); д) *-ли* аффикси эгалик маъносида ҳам, ортиқлик — ошириш маъносида ҳам *-дор* элементи ўрнида қўллана олади: *ҳосилдор*—*ҳосилли* (қиёсланг: *унумли*—*унумдор*, *зотдор*-*зотли*); е) *сер* элементи «кўп» маъносида келади, *-ли* аффикси, ўрни билан, шу маънода ҳам қўллана олади: *серғайрат* — *ғайратли* (қиёсланг: *серсоқол* — *соқолли*, *серунум* — *унумли*, *серсут* — *сутли*; *серсив* — *сивли*, *серғйшт* — *ғйштли*, қиёсланг: *этли*). Умуман, *-ли*

ва *-сиз* аффикслари жуда актив, унумли, серунум бўлиб, тожик тилидан кирган юқоридаги элементлар санокли сўзлардагина учрайди (ажраладиган ҳоллардагина. Қиёсланг: *хуштор, безовта*: ажралмайди). Касб, машғулот номлари ясашда ҳозирги тилда *-чи* ва *-дор* (*-кор* ҳам) морфемаларининг ҳам бир хил нисбатини кўрамиз (айниқса — қўшма аффиксларда). Мисолларни қиёсланг: *боғдорчилик* (составида *-дор* ҳам, *-чи* ҳам бор), *хусусий мулкчилик*, чорвачилик, лекин: *чорвадор*, жонли нутқда эса, кўпинча, сабзавотчи қўлланади. Кўринадики, етакчи, унумли, асосий ҳолат *-чилик* формаси орқали ҳосил қилишдир: *гулчилик, паррандачилик, қўйчилик, чўққачилик, ипакчилик, узумчилик, виночилик* ва б.

8. Синонимларни, умуман, тил ҳодисаларини, уларнинг ўзаро муносабатини, нормативликни белгилашда, аниқки, тилнинг жонли қонуниятларини кўзда тутамиз: ҳозирги тилда синонимик ҳолат ҳосил қилган жуфтларнинг бирор элементи тарихий жиҳатдан бошқа ҳодисани кўрсатиши ҳам мумкин. Масалан, *уч яшар* (уч ёшар) қўшилмасидаги *яшар* сўзи аслда сифатдош (*ёш-а*: феъл, *яшар*: сифатдош формаси), лекин унинг ҳам ички, ҳам ташқи томони ўзгариб, ҳозирги тилда феълликдан чиқиб кетган, морфемаларга ажралиши ҳам ўзгарган, натижада «*ёш -ар*» формасида уқиладиган бўлиб, бундаги *-ар* элементининг маъноси («эгалик билдириш») *-ли* аффиксининг маъноси билан ўхшашлик ҳосил қилган: аффиксал синонимия туғилган (уч яшар—уч ёшли): *-ар* формаси бугунги тилда бир аффикс саналади. Лекин бир аффикс билан ифодаланадиган маъно бошқа бир қўшилишда, диалектал ва тарихий хусусиятларига кўра, бир неча аффикс билан берилса, бу ҳодиса аффиксал синонимия саналмайди. Масалан, *уйла* (фарғона шеваларида) — *уйлантир* (адабий тилда ва кўпчилик шеваларда: бу феълларнинг ҳар иккиси ҳам русча «женить» маъносини ифодалайди, лекин «-ла» ва «-ла-н-тир» формалари синонимик аффикс ҳосил қилмайди. Бирор аффикснинг фонетик жиҳатдан ўзгарган кўриниши аввалги ҳолати билан алоқасини йўқотмаган бўлса (бу боғланиш сезилиб турса, албатта, ички ўзгариш юз бермаган бўлса), бу ҳодиса ҳам аффиксал синонимия доирасига кирмайди (*тойчоқ — тойча, тугунчак — тугунча, уйчак — уйча* каби).

Аффиксларнинг тартиби. Аффиксларнинг сўз составидаги тартиби маълум қонуниятларга эга бўлиб, бу ҳодиса уларнинг тури билан зич боғлиқ: сўз ясовчи, форма ясовчи ва сўз ўзгартувчи аффикслар сўздаги ўрни, қўшилиш сираси билан ҳам фарқланиб туради.

Морфемаларнинг ўринлашишидаги тартиб, изчиллик уларнинг маъно-грамматик хусусиятлари билан боғлиқ экан, сўзнинг материал қисмига кирадиган аффиксларнинг формал қисми ташкил қиладиган морфемалардан аввал келиши табиийдир.

Аффиксларнинг ўринлашишидаги норматив — одатдаги ҳолат, қоидалар, айрим истисноларга, эргаш морфемаларнинг ўзаро ўрин алмаштириш ҳолатига эга (*опа-лар-им — опа-м-лар, айт-ди-нелар — айт-ди-лар-инг* каби). Лекин бу ҳодиса, биринчидан, санок-

ли ўринлардагина учрайди, иккинчидан, унинг ҳар бир кўриниши орадаги маълум хусусият билан фарқланади: маъно оттенкасидаги фарқ, грамматик фарқланиш, стилистик ва диалектал фарқланиш.

«Ўзак+сўз ясовчи аффикс+сўз ўзгартувчи аффикс» тусидаги қоида бундаги турларнинг ўзаро муносабати ва ҳар бир турнинг ўз ичидаги морфемаларнинг тартиби жиҳатидан бир қанча хусусиятларга эга.

Отларда аффикслар орқали сўз яшаш айрим бир хусусиятга эга: бунда бошқа туркумдаги сўзлардан яшаш (ташқи ясалиш) ҳам, отнинг ўзидан яшаш (ички ясалиш) ҳам бор (отдан бошқа туркумдаги сўзлар, одатда, ташқи ясалиш хусусиятига эга). Бунда: аввал ташқи ясовчи, кейин ички ясовчи қўшилади *сувоқчи, кийимлик* каби.

Умуман, морфемаларнинг қўшилиш-бирикиш қоидалари, моделлари, турғун, барқарор бўлиб, унинг «истиснолари» ҳам ўз асосларига, схемаларига, нормаларига эга: *-им-чи, -ма-чи, -иқ-сиз, -қ-ла, -имтир-роқ, -ли-лик...*, *-лар-им* ва *-м-лар* каби.

Форма ясовчи аффиксларнинг одатдаги тартиби: а) отларда: «субъектив баҳо» (кичрайтиш — эркалаш, «паст қараш», мазах кабилар) билдирувчи аффикслардан кейин сон аффикси келади (*тойчоқларим*); «субъектив баҳо» аффиксларининг пассив, кам учрайдиганлари нисбатан кўпроқ қўлланадиганларидан аввал келади: умуман, «тирик» аффикслар «ўлик» аффикслардан кейин келади (*тойчоқча, тайловча* каби); *-гина, -жон, -хон, -вой* каби морфемаларнинг кейинги ўринда келиши (*тойчавой* каби) уларнинг аффиксга тамоман ўтиб етмаганлиги билан ҳам боғлиқ (бошқаларига нисбатан олинганда). *Болагинам* типидан қўлланган *-гина* элементи «фақат» маъносида қўлланадиган *-гина* элементидан фарқли: булар келиб чиқиш жиҳатидан, аслда, бир элемент бўлса ҳам, ҳозирги тилда фарқланади: у эркалаш, ачиниш каби модал маънолар ифодалаганда, форма ясовчи саналади (бундай вақтларда сўз ўзгартувчи аффикслар аввал келади), чегаралаш, ажратиб кўрсатиш маъносини билдирганда («фақат» маъноси) юклама саналади (Бундай вақтларда ҳамма турдаги аффикслардан кейин келади). Булар урғу орқали ҳам ажратилади: аффикс бўлса — урғули, юклама бўлса — урғусиз. Юклама бўлганда, бунинг маъноси «фақат» («ёлғиз») сўзининг маъносига тенг келади ва кўпинча, шу сўз билан кучайтирилади ҳам (ички мослик бор). Масалан, *қизгина гапирди (-гина: урғули) — қизгина гапирди (-гина: урғусиз, фақат қиз гапирди, ўғил бола индамай ўтирди)*;

б) Сифатларда форма ясовчи *-роқ* аффикси (у, одатда, озайтириш маъносини ифодалайди) форма ясовчи *-иш, -имтир* (*оқиш, оқимтир*) аффиксларидан кейин келади (*оқишироқ, кўкишироқ*, каби). У сифатдош ва равишдошларга қўшилганда ҳам, кейинги ўринда келади (*сув совинқираганроқ, у тортиниброқ турди*);

в) сонларда: тахмин билдирадиган *-ча* аффикси «дона» маъно-

сини ифодаловчи *-та* (урғусиз) элементидан кейин келади (ўнтача);

г) олмошларда: гумон билдирувчи *-дир* (урғусиз) элементи (*кимдир, нимадир*), умуман, юклама характерида бўлиб, ҳамма турдаги аффикслардан кейин қўшилади: *нима-лар-ни-дир...*;

д) феълларда: феълнинг даража аффикслари (орттирма даража аффикслари бошқа даража кўрсаткичларидан кейин келади: *кўр-ин, кўр-ил-ди, кўр-иш-ди, юв-ин-тир; лекин ўзликдан бошқа даражаларнинг кўсаткичлари орттирма даража аффиксидан кейин ҳам келади: тарқа-т-ил-ди, югур-тир-иш-ди, тик-тир-тир-иш-ди*); феълнинг вид-тус аффикслари ва кучайтирувчилари (*чайқа, бура, тўзғи*); бўлишсизлик аффикси (*уринтирма, чайқатма*); замон аффикслари; шарт майли аффикси ва буйруқ майлининг кучайтирувчилари (*борди, боради, борса, борай, боргин — боргил*), феълнинг функционал формаларини ҳосил қилувчи аффикслар (*бор-моқ, борган, бориб* ва бошқалар).

Сўз ўзгартувчи аффиксларнинг одатдаги тартиби:

а) отларда: эгалик аффикси + келишик кўрсаткичи (*боламни, боламга* ва бошқалар).

б) феълларда: шахс кўрсаткичи + сон кўрсаткичи (*бордик, борайлик, айтинглар*).

Ҳамма турдаги аффикслардан кейин аффикс типигаги юклама-ларгина қўшилади: *терим-чи-лар-им-из-ни-гина, тер-им-чи-лар-дан-чи? юв-ин-т-ир-ди-нг-лар-ми?* каби. Сўроқ билдирувчи *-ми* юкламаси (урғусиз): бундай юкламаларнинг ҳаммаси ҳам сўзда эргаш морфемаларнинг тартиби жиҳатидан бир хиллик («энг охирда келиши») ҳолатини сақламайди: сўроқ *-таажжуб* билдирувчи *-чи* юкламаси доим охирда келади (*бола-чи? — болалар-чи? — Болалардан-чи? ва б.*), *-гина* элементи охирдан бошқа ўринда, сўз ўзгартувчидан аввал келганда, форма ясовчи бўлади (бу ҳақда юқорида гапирилди); сўроқ билдирувчи *-ми* юкламаси бошқача хусусиятга ҳам эга: а) у ҳамма сўз туркуми учун бирдек умумий (қиёсланг: *-гина* юкламаси учун феъл билан қўлланиш характерли эмас); б) *эди* феъли қисқариб, *-ди* формасида келганда, *-ми* юкламаси шу ёрдамчидан аввал ҳам кела олади: *айтибмидим? кўрибмидинг? Олмоқчи бўлмабмидинг? айтмабмидим? Келармиди? — келардимми? Даданг уйдამилар? — ...Уйдадарми? Келган эди-ми? — Келган-ми-ди? Ип эди-ми? — Ип-ми-ди? Бориб-ми-ди? Борув-ди-ми?* Бу икки хиллик маънодаги, стилистик хусусиятдаги отенок, тарихий ва диалектал фарқ билан боғлиқ; в) *борар-ми-сан?* — *бора-сан-ми?* типигаги икки хиллик ҳам шундай; г) бу юклама ёрдами билан тузилган сўроқ гапларда сўроқ кесимдан бошқа бўлакка қаратилган бўлганда ҳам, бирибир, юклама кесимга қўшилади: сўроқнинг қайси бўлакдан эканлиги сўз тартибини ўзгартириш ва логик урғу орқали билдирилади: *Сен китобни келтирдингми?* (— Ҳа, келтирдим) — *Сен китобни келтирдингми?* (— Ҳа, китобни) — *Китобни сен келтирдингми?* (— Ҳа, мен). Буни «Сен китобними келтирдинг?» формасида (эски ўзбек тилида, одатда, поэзия-

да учрайдиган формада) қўллаш ҳозирги ўзбек тили нормаларига хилофдир.

Морфемаларнинг ўринлашишидаги бу тартибдан бошқалик, биринчидан, баъзи сўз ясовчиларнинг форма ясовчилардан ё сўз ўзгартувчилардан кейин келишида, иккинчидан, икки турдаги баъзи аффиксларнинг «ўрин алмаштириш»ида (*опа-лар-им* — *опа-м-лар* каби) кўринади (лекин биринчи ҳолатда морфемаларнинг «ўрин алмаштириш» ҳодисаси йўқ; уларни алмаштириб бўлмайди ҳам). Икки ҳолат: а) семантик бошқалик талаби билан боғлиқ бўлади: *опаларим* (-лар кўпликни билдиради) — *опамлар* (-лар ҳурмат билдиради). Демак, бу икки хилликнинг ўзи норматив ҳолатдир; б) тил ҳодисаларининг даврларга кўра ўзгариши (тарих), диалектал фарқ ва ўзгариш хусусияти, поэтик талаб билан боғлиқ бўлади. Мисоллар: *билурлар эрди* (Қутб) — билар эдилар, *қилмағайларсиз* («Бобирнома») — қилмағайсизлар, *қўшниллар ҳам солурлар эрди қулоқ* (Муқимий) — ... қулоқ солур эрдилар.

Тартибдаги бундай икки хилликлар уларнинг нозик фарқлари (*айт-инг-лар* — *айт-лар-инг*: кейингиси «ўзини катта тутиш», «мен-симай гапириш» оттенкасига эга: *айтинглар* билан *айтингиз* формалари орасида стилистик фарқ бор) мисолларнинг ўзидан ҳам билиниб туради:— *Терисини нега шилдиларинг?...— деди бой* (Ғ. Ғулом. Гапнинг эгаси ҳам шунга мос равишда — «сизлар» эмас, «сенлар» бўлади); *...ёмон бўлади, жонларингга жабр бўлади* («Гўрўглининг туғилиши»; демак, бунда диалектал фарқланиш ҳам бор); истасанлар — *истасаларинг*. Қиёсланг: *китобларинг* (бир шахснинг кўп китоби: сенинг китобларинг, ёки кўп шахс, кўп китоб ё бир китоб: *сенларнинг китобларинг* — оттенок бошқа) — *китобинлар* (кўп шахс, кўп китоб ё бир китоб); *устларингда арза қилман, бу пулни сенлар олгансанлар* («Муштум»);— *Мен сенларни деб югуриб юрсам-у, сенлар мени хаёлингга ҳам келтирмасаларинг... Сенлар мени бир пиёла чой тенги қилмасаларинг,— деди карнайчи* («Муштум»); *сизлар учувчисизлар—сизлар учувчиларсиз*.

Сўз ясовчи аффиксларнинг бошқа турдаги аффикслардан кейин келиши айрим ясовчиларгагина хос: а) *-да-ги*: сифат ясовчи *-ги* аффикси (*ёзги, кечки, кузги*: пайтга муносабат: ўзакнинг ўзи пайт билдиради; *ички, ташқи, сиртқи*: ўринга муносабат) ўрин-пайт келишиги аффиксидан кейин қўшилганда ҳам сифат ясовчилик хусусиятини сақлайди, лекин бундаги *-да* аффикси турли даражада кучсизланади, ўзининг синтактик томонини йўқотади (энди боғлаш воситаси бўлмайди), *-ги* билан бирикиб, иккаласи биргаликда бир аффиксга айлангандек бўлади (қиёсланг: айрим шеваларда фонетик жиҳатдан ҳам ўзгариб, деформацияга учраб, бутунлай бир аффиксга айланган: *-да+ги-диги*: а—и и—и); бироқ *-ги* ва *-даги* аффикслари орасида фарқ бор: *-ги* билан ясалган сифат турғун белгини билдиради, *-даги* билан ясалганларида бу ҳол йўқ (*кузги шамол* — *куздаги шамол, тушки овқат* — *тушдаги овқат; шкафдаги*

житоблар, сувдаги ўрдаклар, қишлоқдаги бобом каби); баъзан булар шунчалик яқинлашадики, натижада, бирининг ўрнига бошқасини ишлатиш ҳоллари ҳам учраб қолади; б) *-лик* аффикси: *юзбошиликдан тушди* (Эртак)... *-и-лик, унинг дўн ди қ қ и н а л и г и* (Эртак: *-қина-лик*), *унга бу материянинг оқимтироқлиги ёқмади* (...*-имтир-роқ-лик*), *уйқудалигимда (-да-лик)*; в) *-ча* аффикси (равиш ясашда): *қаҳрамонларча (-лар-ча)*, *озмади: семизлигича қолди (-лик-и-ча)*, *унинг фикрича (-ича)*, *чопганича кетди (-ган-и-ча)*. Яна: *кечгача (-га-ча)*, *сенингча, бизнингча* (—қаратқич келишиги аффикси+ча); г) *-сиз* аффикси: *тўй сизларсиз бўлмайди* («Муштум»: *-лар-сиз*), *унинг рухсатисиз (-и-сиз)*; д) *-дай* аффикси (*-дек*): *йигитлардай (-лар-дай)*, *отнинг калласидек қулф* («Муштум»: *си-дек*); *шунингдек* (қаратқич келишиги аффикси+дек). Қиёсланг: *сенингдек бевафо,... менингдек бир гадо...* (эски ўзбек тилида) ва бошқалар.

Феъллардан от, сифат каби сўзлар ясалганда, ўзак-негиз (феъл), семантик талабга мувофиқ, бош даражада ҳам, бошқа даражаларда ҳам бўлади (*сурғи — қичитқи*), кейинги ҳолда форма ясовчи аффикс (феълнинг составида) сўз ясовчи аффикслардан аввал келади. Мисоллар: *қайнатма* (шўрва; *-т-ма*), *эритма* (раствор), *ачитқи* (*-т-қи*), *буйортма* (*-т-ма*); қиёсланг: *қичима* (касаллик) — *иситма* (касаллик): бирида — бош даража, иккинчисида — орттирма даража.

Юқоридагилардан англашиладики, аффиксларнинг тури (сўз ясовчи, форма ясовчи, сўз ўзгартувчи) уларнинг ўзакка қўшилиш тартибидан ҳам биллиниб туради. Улар бу белги орқали ҳам ажралади. Аффиксларнинг тартиби — қоида («форма ясовчи сўз ясовчидан кейин келади») сўз туркумларинро эмас, балки ҳар бир туркумнинг ўз ичидадир. Туркумлараро эса, улар шундай қўшилади: шу туркумнинг форма ясовчи аффикс+бошқа туркумга айлантирувчи аффикс, ясовчи аффикс.

Аффиксациядаги асосий хусусиятлардан бири бир сўзда бир хил аффикснинг бирдан ортиқ бўлмаслигидир. Лекин бу ҳолатнинг ҳам ўз аниқ сабабларига эга бўлган турли типдаги чекинишлари бор.

Бир сўзда маънолари бир хил ё яқин бўлган аффиксларнинг — бир хил аффикснинг такрорланиши (икки, баъзан уч) — аффиксал плеоназм (*айтингизлар: -ингиз ва -лар*; қиёсланг: *боринг-из — боринг-лар*) ҳар хил кўринишга эга: бир аффикснинг айнан ўзи такрорланади ёки ташқи формаси ҳар хил бўлган — синоним аффикслар такрорланади; такрорланган бу аффикслар контакт ҳолда (*ёнма-ён, кетма-кет; -из-лар*) бўлганидек, дистант ҳолда (ажралган: *ишдалигимда*: *иккита -да*, лекин *кетма-кет* эмас) ҳам бўлади.

Аффиксал плеоназмнинг кўринишлари, туғилиш сабаблари ҳар хил: бир аффикс ўзак билан жуда зич боғланиб, ўзакнинг составига сингиб кетади, бунда ўзак ўз мустақиллигини йўқотган бўлиши ҳам мумкин, натижада, шу аффикс (ёки унинг синоним) янги-

дан қўшилади, ёки: аффикс архаиклашган бўлиб, ундан кейин ўша маънодаги тирик аффикс қўшилади (*бариси, эркатой: аслида эрк+а: -а* — эгалик билдирувчи аффикс, сифат ясайди; *илгарига қараб югурди, нарига, берига, ичкарига, ташқарига*), ҳозирги жонли синоним аффикслар биргаликда қўлланиб, таъкид, кучайтириш каби маънолар учун хизмат қилади (*Сизлар айтингизлар*); бошқа тилдан кирган аффикс одатдаги тушунарли, морфема бўлмаганлигидан, ундан кейин шу тилнинг ўша маънони билдирадиган, одатдаги, жонли морфемаси қўшилади (*ёр-он-лар*); аффиксация натижасида юз берадиган фонетик ўзгаришлар ҳар бир аффикснинг икки марта қўшилишига сабаб бўладиган ҳодисалардан бири саналиши мумкин ва бошқалар. Мисоллар: *ярмиси* (ярим), *кичкинагина уйча қуриб* (Т. Р а с у л о в), *кичкинагинийна* (*кичиккинийна*), *кечасилари, униси* (у—ул), *анавиниси, анависи* (*ана у*), *қайсиниси* (*қайси, қайсиси*), *сингелиси* (*сингил — сингли...*), *тайлоқча* ва б.

Аффиксал плеоназмга доир айрим изоҳлар: 1. От ва сифат ясовчи *-лик* аффикси (фонетик вариантлари билан) дифференциация топиб, функцияси ажралиши натижасида булар кетма-кет қўлланидиган бўлган (*-ли*: сифат ясайди, *-лик*: от ясайди): *ақллилик* (*-ли* ва *-лик*), *ифодалилик, билимлилик*; ўрни билан *-лик-ли* формаси ҳам қўлланади. Масалан, *шодликли кун* (Хоразм диалекти). Бугунги тилда бундай қўлланиш — бу аффикслар бир маънонинг икки марта ифодаланишини кўрсатмайди (улар икки аффиксга айланиб кетган), шунга кўра, улар плеонастик аффикс саналмайди. 2. Оғзаки — сўзлашув нутқида баъзан учраб қоладиган *машшоқчи* (*машшоқ*), *ходимчи* («ходим» маъносида; ҳаммомда) каби сўзларда бажарувчи шахс маъноси икки марта ифодаланган: ички флексия орқали (араб тилида: *машшоқ* — машқ қилувчи шахс; қиёсланг: *нақш — наққош; ходим* — хизмат қиладиган шахс) ва аффикс (*-чи*) орқали. Бу ҳодиса шундай туғилган: ички флексия орқали ифодалаш ўзбек тили хусусиятига мос келмаганлигидан, бу арабча сўзларга ўзбек тилидаги *-ча* аффикси қўшилган (*сувоқчи, ишчи, хизматчи, теримчи* типига қараб). Демак, ўзбек тилидаги *машшоқчи* каби сўзларда аффиксал плеоназм йўқ, чунки, биринчидан, бундай ҳолларда бажарувчи шахсни аффиксациядан бошқа йўл билан ифодалаш сезилмайди, иккинчидан, бу сўзларда *-чи* морфемасидан бошқа аффикс иштирок этмайди. 3. *Етоқхона* (халқ эртақларида) сўзида ўрин маъноси икки марта ифодаланган: *-оқ-хона, мактабхона* (бу ҳам фольклорда) сўзида эса *ма-элементининг ўрин билдириши* (араб тили хусусиятларига кўра: *китоб — кутуб — котиб — мактаб...*) уқилмайди, демак, бу сўзда плеонастик аффикс йўқ. 4. Бир хил маънодаги икки аффикс (улардан бири — бошқа тилдан кирган), кўпинча, қўшма аффикс ҳосил қилишда иштирок этади (*ёғингарчилик, намгарчилик, расвогарчилик*), бу составда уларнинг семантик-грамматик ҳолати бир хил бўлмайди. Бунда, кўпинча, ўзбекча аффикс кейин келади. Буларнинг семантик фарқланиш ҳоллари ҳам бор (*қўйчи — қўйчивон* каби). 5. Келишик маъносининг икки марта ифодаланиши (бир

хил келишикнинг ва ҳар хил келишикларнинг); а) эски ўзбек тилида қаратқич келишиги кўрсаткичининг бошқа келишик аффикси билан бирга (ундан аввал) келиши учрайди (-нинг-дан каби); б) жонли сўзлашув нутқида:... *килосини уч сўмданга олди (-данга)* типиди қўллаш учрайди. 6. *Китобнинг сўз бошиси* каби ибораларда кетма-кет келган эгалик аффиксининг ҳар бири (-и-си) ўз айрим функциясига эга (*сўз боши — китобнинг сўз бошиси*). 7. Бир аффиксининг ўзи такрорланганда, кўпинча, улар морфеманинг фонетик вариантларининг қатор келиши тусида бўлади (фонетик, стилистик қулайлик): *қисталанг (-та-ла), шошилинч (-л-н), тикилинч (-л-н)*. 8. Бир маънодаги икки аффиксининг кетма-кет қўлланиши аналогия натижасида туғилиши ҳам мумкин. Масалан, бириси — *бир-и-си*; қиёсланг: *икки-си*; *ялоқи (яла-қ — ялоқ -қ аффиксини қўшиш билан одатдагидек сифат ясалган, кейин -и аффикси ҳам қўшилган)*, сайроқ — сайроқи, ўйноқ — ўйноқи, *бўрдоқи (бўрда феъли семириш маъносини англатади), йиғлоқ — йиғлоқи (қиёсланг: қишлоқ — қишлоқи; қозоқи, қалмоқи — тарсаки, шарттаки, журттаки, оғзаки, вайсақи)*.

Сўзнинг морфологик структурасидаги ўзгаришлар. Тилнинг бошқа ҳодисаларида бўлгани каби, тарихий тараққиёт процессида сўзларнинг морфологик структураси ҳам ўзгариши мумкин. Масалан, *айт* (сказать) феъли ҳозирги тилда морфологик қисмларга ажралмайди, лекин у аслда икки морфемадан ташкил топган бўлиб, қадимда унинг *ай* элементи ўзак бўлган (ҳозирги *айтди* феъли қадим *айди* формасида бўлган), демак, *-т* элементи аслда шу ўзакка қўшилган морфема — орттирма даража аффиксидир: *ай-т* (*ай+ит*) — *айт*. Ҳозирги *айт* сўзида *ай* қисми ажралмайди (у айрим қўлланмайди), шунингдек, орттирма даража белгиси ҳам ажралмайди (бўлинмас сўз) ва бу сўзда орттирмалик маъноси ҳам йўқдир. Ҳозирги тилда ажралмайдиган *арт* феълини ҳам олиб қарайлик. Бу сўз аслда *ари* ўзагидан ҳосил бўлган (*ари* феълининг маъноси: йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ — кетмоқ, Қиёсланг: *кўйлакнинг кири ариди, дарди-касали ариди, калла солган жойдан ит аримас*. Мақол): *ари-т*: йўқотмоқ («йўқол» маъносидаги *ари* феълининг орттирма даражаси «йўқот» маъноси: *т* аффикси орқали ўтимсиз феълдан ўтимли феъл ҳосил қилинган: *кир ариди—кирни аритди*), кейинроқ «и» сиз форма ҳам туғилган (*арит — арт*), бу формалар маъно томонидан ҳам дифференциация топган, фарқланган: *арит* (йўқотмоқ, кетказмоқ; орттирма даражадаги феъл, икки морфемадан иборат: *ари-т: кирни арит*) — *арт* (тозалармоқ, чанг-чунгини кетказмоқ; устки қатламини қобиғини йўқ қилмоқ — пўстини олмоқ; бу маънода айрим шеваларда *арч* феъли қўлланади). Бу *арт* феъли ҳозир морфологик қисмларга ажралмайди: *ойнани арт, қўлинени арт*. Қиёсланг: *чангни арт*. Кўринадики, сўз составидаги бу ўзгаришда фонетик ҳодисанинг роли бор (*и* тушган).

Сўзнинг морфологик структурасида учрайдиган тарихий ўзгаришларнинг энг асосийлари соддаланиш ва морфологик қайта бўлинишидир.

Соддаланиш. Сўзнинг морфемаларга бўлиниш ҳодисасининг бора-бора ўзгаришга юз тутиши мумкинлигини юқорида *айт, арт* сўзлари мисолида кўрдик (илгари икки морфемага ажралган, ҳозир ажралмайди). Яна қуйидаги мисолларни чоғиштиринг:

1. *Қопла* (бугдойни қопла!) сўзи икки морфемадан иборат бўлиб, ўзаги *қоп* отидир (*қоп-ла*; қиёсланг, *қоп-қанор*): *қоп-беркитадиган* предмет, *қопла* — шу предмет воситаси билан беркитиш, шу предметга эга қилиш. Лекин *қоп* сўзи беркитиш маъносидаги феъл ҳамдир. Мисолларни қиёсланг: *тишинг устини тилла билан қоплади, ҳаражатни қоплади, кўрпани қоплади, ер юзини қоплади* каби гаплардаги *қопла* феълнинг ўзаги «берк» маъносидаги сифат бўлса (*қопла* — беркла, берк, бекик ҳолга келтир), *кучук қопди* гапидаги *қоп* сўзининг ўзи феълдир; демак, биз бу ўринда шундай ҳолни кўрамиз: *қоп* сўзи ҳам феъл, ҳам от (кенг маънода), булар аслда ички томондан бир-бири билан боғлиқ бўлган. Бу сўз феъл сифатида ўзаро боғланган «беркитиш» ва «тутиш, тутиб олиш» маъноларини англатган. Шу ўзакдан ясалган сўзларни чоғиштиринг: *қопоқ* (*қовоқ*, «кўзнинг устини қоплаб турадиган» маъносида, *қопурға* (*қовурға*, «қоплаб, беркитиб турувчи»), *қопқа* ва *қопиғ* (дарвоза маъносидаги архамк сўз «беркитадиган»), *қопқоқ* («крышка»); *қопқон* («қопадиган; тутувчи — тутадиган») от сифатида эса «берк, ёпиқ ва беркитадиган предмет (бундан *қоп оти* чиққан) маъносини билдирган. Бугунги тилда *қоп* феълни русча—«кусать» маъносигагина уқилади, шунга кўра *қопагон* каби сўзларда ўзак деб ажратилади (*қоп-а-гон*: қопадиган, а: аслда интенсивлик билдирадиган аффикс), чунки бу ўзак (*қоп*) ҳозир ҳам айримликка эга бўлиб, мустақил маъно беради, бу маъно бошқа аффикслар қўшилгандан кейин келиб чиққан элемент ифодалайдиган маъно билан боғланади, демак, ҳар бир элементнинг маъноси ва маъноларнинг муносабати аниқ уқилади, бу ўзак (*қоп*) бошқа сўзларда ҳам учрайди (*қопагон, қопонғич, қопган, қоптир, қопмоқ* каби); бошқа ҳолларда (*қопқон, қопурға* каби) эса морфологик ўзак сифатида ажралмайди; *қоп оти* «бугдойни қопла» каби ҳоллардагина ажратилади, англашиладики, аслда ўзаро боғланган бир қанча маъноларни билдирган, кейинчалик айрим маънолар орасидаги боғланишнинг йўқолиши (ипнинг узилиши) натижасида бир неча сўзга айланиб кетган *қоп* сўзи бугунги тилда *қоп* (от: тор маънода) ва *кусать* маъносидаги феъл сифатидагина айрим лексемаликни сақлайди ва аффикслар қўшилганда, ўзак сифатида ажратилади (*қоп* феъли аслда, *ған этиб* — *хан этиб оғидан олди* каби ибораларда учраганидек, тақлид сўзга алоқадор кўринади).

2. *Оғриқ* (*оғри-қ*, «касалланган», «касаллик», «боль» маъноларида: *бош оғриғи; қўли оғриди*) орриқ (ғ — р — р; чоғиштиринг: *ўғри* — *урри*, диалектал форма) *о: риқ* («озғин» маъноси (қиёсланг: *оз* — ҳам феъл, ҳам равиш), «боль» маъноси, демак, энди морфемаларга ажралмайди).

3. *Увла* (*кучук увлади, ув-ла* формасида морфемаларга ажра-

лади: *ува, увулла, ули*: *бўри улиди*: ҳозирги тилда морфемаларга ажралмайди).

4. *Илгари* (қийёсланг: *ич-кари*), *илғор* (олдинда борувчи, асли-сифатдош; *илға*: олдинда — илгарилаб бориш, олдиндаги бирор нарсани кўриш), *илдам тез-олдинлаб бориш*, *иллайида* (диалектал форма: ёнида — олдида, арханк «қошида»), *илк* (*илк баҳор*), *олға* (вперёд), *олд*, *олдин* (аввал, впереди: *олдинда бораётган колхозлар*), *эрта* (*эрта баҳор, эрта билан, эртага*), *эртак* (*эртаки*: аввалги, ўтган) сўзларининг ҳаммаси аслда «олдинда, олдиндаги нарса, олдинги қисм» маъносига *ил—ол* ўзагидан ясалган. Қийёсланг: 1. Эски ўзбек тилида «пешана» (пе:ш — о:на)-манглай» маносида *о:лин* сўзи учрайди; *олд* сўзидаги *ол* элементи аслда русча «передняя часть» маъносини, *орт*, *орқа* сўзларидаги *ор* элементи эса русча «задняя часть» маъносини билдирган. 2. *Эрта баҳор, эрта билан, эртага*), *эрталаб, эртак* (*эртаки*: илгари, олдин, аввал бўлиб ўтган ҳодиса: чўпчак; чоғиштининг: *кечки, кузги, тушки*) сўзларидаги *эр* элементи аслда «олдин-аввал» маъносини ифодалаган.

5. *Йилон—жилон—илон*: жил—сурилмоқ, ползатъ, секин сурилиб ҳаракат қилмоқ (қийёсланг силжимоқ: *жилға* — ўтлар орасидан жилиб чиқадиغان сувлардан ҳосил бўлган ариқ).

6. *Увоқ* — *увала феълини қийёсланг* (*ушоқ*) *ушат, ушал* ва б., *увада, урвоқ, ун, упа, уқала, жўхорини уқалади*) сўзлари аслда «майда, порошок, кукун» маъносига *ув—у* ўзагидан ясалган.

7. Яна: *бақир, чақир, йқир, бўқир, кеқир, йшқир, қийқир, қичқир* аслда *-қир-қир* аффикси орқали ясалган); *ундалма* (*ун—овоз, товуш ўзагидан*). Қийёсланг, *унамоқ* — кўнмоқ, хўш демоқ, *унда* (мади) — *инда*: овоз чиқармоқ, гапирмоқ; *бўрсиқ* (бўр — семиз, қийёсланг, *бўрдоқи қўй*; *бўрда*—семирмоқ демак, аслда: *бўр-си-қ*).

Юқоридагилар кўрсатадики, сўзнинг морфемаларга ажратилиши унинг қадимги, аввалги даврлардаги ҳолатига эга эмас, балки ҳозирги тилдаги структурасига асосланади: сўзларнинг туб-ясамалиги уларнинг ҳозирги кунда қандай ўқилишига қараб белгиланади. Баъзи сўзлар қадимда ясалган бўлса ҳам, бора-бора турли сабаблар натижасида уларнинг бу ҳолати йўқолган: уларнинг ясалганлиги сезилмай қолиб, улар ажралмас бир сўзга айланган. Демак, шу сўз билдирган предмет ва ҳодисалар восита орқали ангилашилиш хусусиятини йўқотган — бевосита алмашиладиган бўлиб қолган: ясама сўз туб сўзга айланган: *кўрпача* аслда: *кўрпа-ча*); *кўмир* (асли *кўм-ир, ёки: куй-мир*: куйган, куядиган»; қийёсланг: *ўсмир* — ўсадиган, *ёмғир* — ёғадиган, *куймир* — куядиган, ёнадиган); *яхши* (*ёқмоқ феълдан*); *чақирим* (асли: *ча-қир-им*).

Сўзнинг морфологик структурасидаги бу тарихий ўзгариш — бир неча қисмли сўзнинг ажралмас бир бўлакка айланиши — соддаланиш деб аталади. Бундай соддаланиш қўшма сўзларда ҳам бўлиши мумкин. Масалан, *тоғолча* сўзи аслда икки элементдан иборат бўлса ҳам, ҳозирги тилда бир ажралмас элементдан иборат бўлса (*олу-ча*) *тоғ олча* (*тоғолча*); *саксон* (*саккиз+ўн*), *тўқсон* (*тўққиз+*

ўн), *одамови* (одамларга кам аралашадиган, аралашмайдиган одам) *одам йови* (й товуши тушган) сўзлари ҳам шундай.

Сўзнинг составида кўпинча аффиксация билан боғлиқ ҳолда бўладиган фонетик ўзгаришлар соддаланишнинг сабабларидан бири бўлиб, улар соддаланишни яна ҳам кучайтиради: бунда сўзнинг морфемаларга ажралмаслик ҳолати яна ҳам мустаҳкамланади. Масалан, *бу кун-бугун, сез-сесканмоқ, терс+қари — тесқари, қарс-қурс+ир-қасир-қусир, наст-ай — пасаймоқ, суст-ай-сусаймоқ*.

Соддаланиш натижасида ясама сўз туб сўзга (негиз—ўзакка), айланади: морфемаларнинг сони камаёди. Соддаланиш ҳодисаси аффиксларда ҳам учрайди. Масалан, феъл ясовчи-*да* (асл-*да-ли* аффиксининг варианты) ва от ясовчи (кенг маънода)-*ш* аффиксларининг бирикишидан (-*да-ш*) туғилган қўшма аффикслар кейинчалик тарихий тараққиёт процессида маълум сабаблар билан бир содда аффиксга айланган (*қўл-да-ш — қўлдош; йўлдош, сафдош, қуролдош*).

Юқоридагилардан англашиладики, сўзни морфемаларга ажратишда, бошқа соҳаларда бўлгани каби, тарихий ҳодисалар билан ҳозирги ҳодисалар бир-бирига мос кела бермайди, қадим, тил тарихининг аввалги даврларида, морфемаларга ажралган сўз кейин ажралмас бирлик бўлиб қолиши мумкин. Демак, морфологик анализ (ҳозирги ҳолатига қараб ажратиш) билан этимологик анализ (келиб чиқишини аниқлаш, аслига қараб ажратиш) маълум белги асосида фарқланади.

Соддаланиш ҳодисасининг ўз фонетик, лексик-семантик ва грамматик сабаблари бор:

1. Ўзакнинг ўз мустақиллик ҳолатини йўқотганлиги (унинг сўз сифатида йўқолганлиги) сабабли, *семиз* (асл ўзаги — *сем: семир* феълини чоғиштиринг. Демак, *сем* ўзаги ҳозир якка ҳолда қўлланмайди, маъно бермайди ва айрим қўлланмайди); *қимир* (-*ла, қимир-қимир*): асли *қим* ўзагидан (*қимиз* сўзини чоғиштиринг, «доим қимирлаб турадиган» деган маънода); *сийла* (асли ҳурмат маъносигаги *сий* ўзагидан); *қитиқ* (*у болани қитиқлади, боланинг қитиғи келди*). Чоғиштиринг: *қичиқ: қўли қичиди, қўлининг қичиғи босилди* каби, демак, *қитиқ* ва *қичиқ* сўзлари аслда бир ўзакдан, лекин *қитиқ* бугунги тилда морфологик қисмларга ажралмайди), *юксак* сўзи аслда баланд маъносигаги *юк* ўзагидан ясалган (чоғиштиринг: *юк-са-к—юк-са-л*). Бу *ўзак юк* формасида («қаттиқ» формасида) *юқори* сўзида ҳам бор (*юқ-қори — юқори*, чоғиштиринг: таш-қари; сўзи аслда баланд маъносигаги *юқ* ўзагидан ясалган чоғиштиринг: ёзма ёдгорликларда «юқорига кўтарилмоқ» маъносига *юқла* феъли учрайди).

2. Морфемалар орасидаги семантик алоқанинг йўқолганлиги сабабли, *кириш* (жужунча ювилгандан кейин киришади) феъли аслда *кир* ўзагидан; *қишлоқ* (асли: «қишланадиган жой»: *қиш-ла-қ*), *юрак* (*юр-ак*: «донм юриб турадиган»); *шолча* (*шол* билан *шолча* маънолари бугунги тилда боғланмайди); *огир* (асли *ог* фелидан: «бир томонга оғадиган»); *пичоқ* (*пич-бич* ўзагидан, «кесадиган»);

бич сўзи қадимда умуман «кесиш» маъносида қўлланган. Демак, бунда ўзак-негизнинг маъноси билан ясалиб чиққан сўзнинг маъноси орасидаги боғланиш йўқолган. Мисол учун *бош* ва *бошоқ* сўзларини чоғиштиринг: ҳозирги тилда бу сўзларнинг («кичрайтирилган» ва «кичрайтирилмаган» ҳолатларнинг) орасидаги семантик муносабат йўқолган аслда: *бош-оқ*; кичик *бош* — «кичрайган» ўз махсуслашган, кичрайиш маъносини сақламаган. Баъзи ҳолларда бу кичрайтиш маъносининг оттенкаси сезилиб туради (*қўл-қўлчиқ*: техника термини, рус тилидан калёка; *тил-тилчак* техника термини), лекин шунда ҳам аввалги элементдан узоқлашгани, махсуслашганлиги унинг ажралмас ҳолда эканлигини кўрсатади. Чоғиштиринг: *тил-тилча* ажралади: *тилча* — кичик тил).

3. Фонетик ўзгариш сабабли (ўзакнинг турли ўринларидаги ёки морфемалар тўқнашган ўриндаги фонетик ўзгаришлар сабабли): *иста* (хоҳламоқ, морфемаларга бўлинмайди); *изла* (издан бормоқ, қидирмоқ, икки морфемага ажралади: *из-ла*, кейинчалик булар дифференциация топиб, бошқа-бошқа сўз бўлиб кетган: *изла-қидириш*, *иста-хоҳиш*. Чоғиштиринг: айрим шеваларда *иста* феъли *изламоқ* маъносида қўлланади); *тишиқ* (ташқарига чиқмоқ, *тиш* — *тош*: сирт, *тиш-иқ*, Чоғиштиринг: *ич-иқ*). *чиқ* (выходить).

Мисоллар кўрсатадики, сўзнинг составидаги фонетик ўзгариш (сўзнинг морфологик составини хиралаштирадиган фонетик ўзгариш) соддаланишнинг сабабларидан бири бўлиб, у кўпинча, бу ҳодисанинг соддаланишнинг бошқа сабаблари билан биргаликда келиб, шуларга ёрдамчи бўлади, бу ҳодисани кучайтиради, шунга замин тайёрлайди. Умуман, соддаланишнинг фонетик, лексик-семантик ва грамматик сабаблари ўзаро боғланган.

Пичоқ, оқча (асли: *оқ-ча*: кумушдан қилинган танга пул — «кичик оқ нарса», кейинчалик бу сўзнинг семантикаси кенгайиб, умуман, пул маъносида қўлланган) каби сўзлар соддаланиш ҳодисасининг ўзак морфеманинг маъносидаги (умуман, сўзнинг семантикасидаги) ўзгаришлар билан боғлиқлигини ҳам кўрсатади. *Қуйи* сўзини олиб қарайлик: бу сўз «паст» деган маънони англатади (Хоразм диалектида бу сўз «қудуқ» маъносида қўлланади, бу сўз (қудуқ) ҳам шу *қуйи* сўзи билан боғланишда, й—д формасидаги тарихий фонетик ҳодисасини эсланг), бундаги *қуй* элементи русча «лить» маъносидаги феълни кўрсатади. Англашиладики, булар ҳаммаси этимологик жиҳатдан ўзаро боғлиқ (*қуйиш* ҳаракати пастга йўналган бўлади, қудуқ ердан пастда бўлади ва бошқалар. Демак, *қуй-и*), лекин ҳозирги тилда бу ҳол йўқ, *қуйи* ажралмас элемент, *қудуқ* энди бу элемент билан боғланмайди, бошқа сўз саналади.

Соддаланишнинг турли даражалари бор: баъзи сўзлар бутунлай соддалашган: уларда морфемаларга бўлиниш, ясамалик (сўз ясалиши ва форма ясалиши) ҳодисаси сезилмайди (*ун, уна, бошоқ, олға, тўсатдан-тўсиндан, айт*); баъзиларида бу ҳол ҳали тамоман билинмаслик даражасига етмаган, сал-пал сезилади ҳам, лекин бемалол ажралмайди; *тушмай* (*тумум* феъли ҳам бор, бўлинмас *ўшшай* феълени чоғиштиринг), *ажрим*: *айирмоқ, ажратмоқ* ва

айрим сўзларини қиёсланг; *кичкинийнагина, кичик-гина-гина; чўмил* феълининг ўзаги (*чўм*) асл маъносида айрим ишлатилмайди. Яна *қучоқ-қуч, қувла-қув, тикка-тик, қарга: қарр-қарр*. Келиб чиқадики, қисмларнинг тамоман сезилмаслиги ёки қисман сезилиши ўша сўзга қариндош сўзларнинг ҳозирги тилда бор-йўқлиги, ажралиш-ажралмаслиги ҳодисаси билан ҳам боғланади.

Соддаланиш натижасида янги ўзаклар туғилади, сўзнинг состидадаги айрим морфемалар шу морфологик конструкцияда уқилмайдиган бўлади — «ўлади»: юқоридаги айт мисолини эсланг (*айит — айт*), *тушунмоқ* феъли ҳам шундай (*тушмоқ* ва *тушунмоқ* маънолари ҳозир бир-бири билан боғланмайди). Лекин *зоғча (загча — захча), декча* каби сўзларнинг (улардаги *-ча* аффиксининг *китобча, қозонча* сўзларидагидек кичиклик билдириб туришига қарамай) морфемаларга ажралмаслиги бошқача характерга эга: улардаги *дек* (тожикча: *ди:г, де:г — қозон*), *зоғ* (тожикча: *зо:ғ — қарға*) қисмлари ўзбек тилида қўлланмайди («Ҳеч ким йўқ» мазмунида баъзан қўлланадиган «ҳеч зоғ йўқ» гапидаги зоғ элементи ўзбек тилида зоғча билан боғланмайди). Демак, булар ўзбек тилидаги ясалмалар эмас. Чоғиштиринг: *қозон — қозон-ча*, лекин *қозон* билан *декча* супплетивизмдир. Аниқки, бир тилдаги ясалма бошқа тилда ҳам ясалма бўла бермайди (бу ҳодисанинг турли кўринишлари бор). Масалан, *марксизм, ленинизм, реализм* сўзлари ўзбек тилида ҳам икки морфемага бўлинади, ўзаклари ҳам айрим қўлланади (маркс-изм, ленин-изм), лекин морфологик структура жиҳатидан шу типда бўлган *футуризм* сўзи қисмларга ажралмайди (ўзбек тилида *футур* қисми айрим қўлланмайди, лекин аслида — латин тилида қўлланади: *футурист* сўзи ҳам шундай); *делитант* (ажралмайди. Чоғиштиринг: *квартира-нт, курс-ант*); *себзор* — маҳалла номи: асли тожикча, *си:б — се:б* (олма, ўзбекчада — олма + зор).

Сўзнинг морфемаларга ажралиши унинг маъносини, бу маънонинг асосини (нега шундай дейилишини) — мотивини кўрсатиб беради, «ўроқ»нинг шу сўз билан аталиши — унинг функциясига кўра (ўр-оқ: ўриш асбоби, қуроли), *шаршарак* ва *чуғурчуқ* — овозга кўра аталган (шар-шар, чуғур-чуғур), *қизилча* (лавлагининг бир тури) — тусига кўра *сувчи, тароқчи* — машғуллик, ишлаб чиқариш предметига кўра аталган ва бошқалар. Умуман, предметларнинг қандай аталиши уларнинг ҳаракат, умуман, ҳаракатга бўлган ҳар хил муносабати, вазифаси кенг маънодаги бирор белгиси (туси, характери, объёми, мазаси, ҳиди ва бошқалар) асосида бўлади: тилдаги ҳодисалар асоссиз яралмайди. Лекин ҳамма сўзнинг ҳам мотиви, структураси осонгина очила бермайди. Нега юқори — *осмон* (небо — кўк) шу сўз билан аталган, унинг қаршиси («земля») — *ер* дейилган? Бошида унинг тескариси бўлиши ва шундай ўзлашиб кетиши мумкинмиди? Бу каби масалалар сўз маъноси ҳодисаси билан боғланган. Бу ҳодиса жуда хилма-хил ва қизиқарлидир: *осмон* ва *кетмон* сўзларининг ташқи томони, эшитилиши — товуш структураси,

қанчалик ўхшаш, қофиядош бўлса ҳам, булар ички томондан бир-бирига ҳеч алоқаси бўлмаган бошқа-бошқа сўзлардир, лекин ташқи томони ўхшаш бўлмаган *ёғ*, *жир* ва *мой* сўzlари ички томондан яқин алоқадорлар.

Ясама сўзнинг семантик йўли сезилиб туради (албатта, ҳозирги тилда), уни аниқлашнинг имкониятлари кўпроқ. Масалан, *-ма* аффикси орқали ясалган янги сўзларда: *қазилма* (геологик термин): қазилма маъносидаги ўзакдан ясалган: *қазил-ма*; чоғиштиринг: *қазилма-раскопка*; *мослама* (приспособление—асбоб: *мос-ла-ма*, *мос-лаш*, мувофиқлаштириш маъноси билан боғлиқ), *қотишма* (*қот-иш-ма*, қот-аралаштирмақ маъноси билан боғлиқ). Кўчган маънодаги сўзники ҳам шундай: *латта одам* (бўшанг маъносидаги бу *латта* сўзи аслида «бир парча юмшоқ материя» маъносини билдирадиган «латта» дан олинган); *бу иш унга қўл келди* (*қўл* — руки — мос, мувофиқ, — подходящий; чоғиштиринг: *қўл* — иштирок, *қўл* — ёрдамчи, *қўл* — имзо); *олмос талант* (*олмос*: от, ўткир—сифат); *тош юрак* (*тош* камень—қаттиқ), *олтин куз*, *олтин япроқлар* (*олтин*—золото — сариқ, сарғаймоқ). Лекин туб сўзларнинг лексик-семантик асосини аниқлаш жуда қийин (сўз тўғри маънода қўлланганда). Масалан, «осмон» маъносида *кўк сўзи* ҳам бор, *кўк*—*ювилган*: *артилган шиша...* *Кўкда юлдузлар норлар* (Уйғун: *ер-кўк... кўкка боқиб... кўкрагини кўкка тираган* ва б). Бу *кўк* (от) сўзини ранг-тус маъносидаги *кўк* (сифат) билан боғлаш мумкин бўлган тақдирда ҳам, бари бир, бу сифатнинг қайси маънога қараб олинганлиги ноаниқлигича қолади. Яна мисоллар: *эт* (гўшт), *манглай* (пешана), *тиш* (зубы), *бир*, *бор*, *сув*, *ўттиз*, *қора*, *йўл* (балки, *юр* феъли билан боғланар), *қош* (балки «пара» — жуфт, шунингдек, бириктириш каби маънолардаги қўш сўзи билан алоқадордир, *соч* (волосы, балки «сочмоқ — таратмоқ» билан боғланар), *кўз* (кўр — видеть, смотреть маъноси билан алоқадордир), *тил* (язык, кесиш маъносидаги *тил* феъли билан боғланар: «бир тилим — бир тилик — бир кесим» маъносида: натижа оти). Хуллас, бундай сўзларнинг асосий қисми кўпгина тилларда ҳали аниқланиб етмаган.

Лексик-семантик мотивга эга бўлиш ҳодисаси сўзларнинг соддаланиши ҳодисаси билан ҳам алоқадор: соддаланиш натижасида сўзнинг мотивга эгалик ҳолати йўқолади: соддаланишга учраган сўзнинг мотивини морфологик анализ билан эмас, балки этимологик текшириш йўли билан аниқлаймиз. Масалан, олқинди (совунининг қолган парчаси, асли: «камаймоқ» маъносидаги *олқин* феълидан), *асқат* — *асигат* — *о*: *сиг эт* (фойда қилиш, фойда келтириш маъносида), *кетмон* кертмоқ: кертувчи — чопувчи). Чоғиштиринг: *подушка* (*под-уш-ка*: қулоқнинг остида турадиган предмет), *мешок* (аслда «мўйна» маъносидаги *мех* ўзагидан олинган: *ҳ*—*ш*. Чоғиштиринг: *ухо* — *уши*, *порошок*, асли: *порох-ок-порошок*), *окно* (асли *кўз* маъносидаги *око* сўзидан олинган: *око* — *кўз*, *очи* — *кўзлар*), инкор билдирадиган *нет* сўзи «аслида *не-есть* (бор эмас) формасининг ўзгариши йўли билан туғилган» деб ҳам тахмин қилинади. Демак, сўзнинг ўз этимологик мотивини йўқотиш—деэтимологизация—унинг морфологик составининг ҳозирги тилда уқилиш-уқилмаслиги билан боғланган тарихий ҳодисадир.

Морфологик қайта бўлиниш. Сўзнинг морфемаларга бўлиниши, морфемалар орасидаги чегара — ажралиш ўрни тарихий тараққиёт натижасида ўзгариши ҳам мумкин. Мисоллар: 1. *Улар* олмоши ҳозирги тилда *у-лар* формасида ажратилади, лекин бу аффикснинг бошидаги *л* товуши аслда ўзакникидир, *у* олмоши аслда *ул* формасида бўлган. Демак, *ул+ар* — *улар*: ўзакнинг бир товуши аффиксга ўтган, ўзак морфема қисқарган, аффиксал морфема кенгайган. 2. Ёзиш маъносида ҳозирги тилда (оғзаки — сўзлашув нутқида) баъзан учраб қоладиган *битиш* сўзи *бит-иш* формасида ажралади (*битдим, битдинг, битди*: *ўзак — бит*), эски ўзбек тилида бу элемент, *бити* формасида бўлган (*бити-ди, бити-к*: хат, ёзув; сифатдош формасини қиёсланг: эски ўзбек тилида; *бити-р*, ҳозирги тилда: *бит-ар*). Демак, *бити-к, бит-иш, бити-м*. 3. Юриш сўзи шундай: *юру-ғ* (*юриш*), *юр-уғ* (чоғиштиринг: *йўл-йўруғ*).

Сўзнинг морфемаларга ажралишидаги бундай тарихий ўзгариш — сўз составидаги морфемаларнинг ажралиш чегарасининг ўзгариши — морфологик қайта бўлиниш дейилади.

Мисоллардан ҳам кўринадики, одатда морфемалар чегарасида учрайдиган бу ҳодисани аниқлашда ҳам сўзнинг морфологик состави билан этимологик составини фарқлаш зарур бўлади.

Морфемалар орасидаги чегаранинг ўзгариши — бир морфемадаги бир элементнинг бошқа морфемага ўтиши, одатда, янги морфеманинг туғилишига ёки бир аффикснинг бошқа вариантнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади (*-ар — лар*); бу ҳодиса *бити* (*битмоқ — ёзмоқ, юри* (юрмоқ) каби ўринларда ўзакдан ажралган элементнинг қўшни морфемага ундошларни туташтирувчи восита сифатида ўтиши характерига эгадир. Демак, морфологик қайта бўлиниш натижасида аффикс ташқи томондан бошқа тусга қиради.

Морфологик қайта бўлинишнинг туғилиш сабаблари фонетик (ўзакка аффикс қўшилиши билан бўғин тузилишининг ўзгариши: *ул+ар — у+лар*: *ул* ва *у, -ар* ва *-лар*) ва лексик-морфологик (ўзак элементининг эскириб, аввалги ҳолатининг унутилиши: *ул — у, юри-юр*) характердаги ҳодисалар билан боғлиқ.

Аффиксациядаги фонетик ўзгаришлар. Бир морфеманинг аффикс қўшилиши билан фонетик жиҳатдан бошқа тусга кириши (*сана — саноқ*: *а — о*: *сана — сано*: *этак-этаги*: *к — г*: *этак — этаг, кура-к — кураги*: *к — г*: *курак-кураг*) бирининг бошқасидан туғилишини кўрсатади. Лекин фонетик томондан икки вариантда бўлиш ҳамма вақт ҳам бир-биридан ҳосил бўлишни кўрсата бермайди (Чоғиштиринг: *йўқ — жўқ*). Буларнинг ҳаммасини — бир элементнинг, умуман, бошқа фонетик вариантда ҳам учрашини — фонетик бошқалик деб атаймиз: соф фонетик характердаги бошқалик (товуш олмошиши: *қ — ғ*, товушларининг тиллар, шевалар ёки бир тилнинг тараққиетидаги турли даврларга кўра мос келиш ҳодисаси: *товуш — довуш, йўналиш — жўналиш, бичмоқ — пичмоқ* ва б.), семантик дифференциация билан боғланган бошқалик (*дамла-димла, шимар-химар*, ва б.), грамматик дифференциация билан боғланган бошқалик (*қишлоқ-и — қишлоғ -и*: биринчи аффикс — сўз ясовчи, иккинчи-

си — сўз ўзгартувчи), экспрессия билан боғланган бошқалик (*кўтариб — кўттариб урди*).

Товуш ўзгаришларининг сабаблари ҳар хил (экономия принципи, сўзлаш органларининг ҳаракатига, айтишга қулайлик, фарқлаш талаби), шунингдек, ҳар бир бошқаликнинг ўз фонетик шароити бор: сўзнинг қайси ўринда келиши, қайси бўғинда ва бўғиннинг қаерида келиши, очиқ ёки ёпиқ бўғинда бўлиши, қайси товушлар билан қўшни бўлиши, бирикиши; қандай товушлар орасида келиш (масалан, интервокал позицияда); урғули ва урғусиз бўлиш. Товуш ўзгаришлари хилма-хил, бунда тарихий ўзгаришлар ва ҳозирги регуляр характердаги ўзгаришлар бошқа-бошқа хусусиятларга эга бўлади.

Товуш бошқаликлари туб сўзнинг составида, аффиксацияда (сўз ясашда ҳам, кенг маънода форма ясашда ҳам), қўшма сўзларда (шу жумладан жуфт сўзларда) учрайди. Бу ўзгариш, кўпинча, морфемаларнинг учрашган ўринларида юз беради. Жуфт сўзларда фонетик бошқалик ўз айримликларига эга: *ясан-тусан* (*ясан-тузан*; *ясанмоқ-тузанмоқ*), *эски-туски* (эскирган ва тўзган маънолари билан боғлиқ), *босар-тусар* (босар-турар), *қувлик-шумлик* (*қувлик-шумлик*: тескари таъсир). Бу ўзгаришларнинг баъзилари фонетик доирадагина бўлса, кўплаб морфология билан боғланади.

Морфология билан боғлиқ бўлган товуш ҳодисалари кейинги пайтларда, ҳозирги даврда, тилшуносликдаги махсус таълимот сифатида морфонологияда (фономорфологияда) ўрганилади. Ҳақиқат олганда, морфологиягина эмас, балки ҳамма қисмлар ҳам товуш ҳодисаси билан боғлиқ: товуш тилнинг материал томони бўлиб, нутқ маънолу қонуниятлар асосида бириккан, маъноли элементларни шакллантирган товушлар йиғиндиси — шуларнинг тизмаси — тусида бўлади. Тилнинг реализацияси эса нутқ орқали бўлади, морфология сўздаги маъноли элементларни ва сўзнинг лексик-грамматик томонларини текширади, морфонология эса буларнинг (морфема ва сўзларнинг) фонологик жиҳатдан шаклланишидаги қонуниятларни белгилайди: уларнинг фонетик қиёфаси, морфемаларнинг қўшилишида, сўз составида учрайдиган фонетик вариантларнинг, ҳар хилликларнинг пайдо бўлишидаги қонуниятлар (*борлик-тузлуқ*: *лик* ва *-луқ*, *тани-танув*: *тани* ва *танув*, *йўқ* — *йўғи* (*бор-йўғи*): *йўқ* ва *йўғ*), *буйур-уқ* — *буйруқ*: *буйур* ва *буйр*); морфемаларнинг чегарасида ва қўшилаётган морфемаларнинг ўз ичида, қўшилиш натижасида бўладиган фонетик ҳодисалар. Англашиладики, морфонология морфемаларни шакллантирувчи фонемаларнинг шу позициядаги хусусиятларини, морфемаларнинг қўшилишида учрайдиган фонетик ҳодисаларни, ўзгаришларни текширади, бу ўзгаришларнинг регуляр моделларини аниқлайди. Фонетик ўзгаришлар система ҳолидаги ҳодисалар бўлиб, улар тилнинг орфоэпик нормаларида ҳам акс эттирилади. Лекин, биринчидан, бу ўзгаришларнинг нормадан чекиниш ҳоллари ҳам учрайди (*бағир-бағри*, лекин: *яғир* — *яғри*; *буйор* — *буйруқ*, лекин: *кўрин* — *кўриниш*);

айир — *айрим*, лекин, *айир* — *айириш*: булар ҳам ўз сабабларига эга), иккинчидан, одатдаги орфоэпик нормадан маълум мақсад билан чекинишнинг (бошқаликнинг) кўпчилик кўринишлари ҳам одатдаги ҳол саналади: бадий асарларда диалектал ёки тарихий колорит бериш учун, поэтик талабни қондириш учун (масалан, кучайтириш билан: бу ҳол баъзангина учраб қолади), маънони кучайтириш эмоционалликни бериш, семантик фарқлаш, оттенка бериш учун, грамматик талабни қондириш учун (сўз формаси ҳосил қилиш), модал маъно ифодаси учун (болалар нутқининг фонетик структурасига тақлид қилиш йўли билан эркалашни ифодалаш каби), омонимларни фарқлаш учун (масалан, *оғиз*: *сигирнинг оғзи* — *сигирнинг оғизи*) ва б.

Аффиксация билан боғланган товуш ўзгаришлари, табиий, фонетика билан ҳам, морфология билан ҳам боғлиқ. Биз бунда *о*→*а*, *и*→*у* товушнинг тушиши каби ҳолатларни кўзда тутамиз. Бу ўзгариш, кўпинча, ўзакда бўлади. Соф фонетик маънода олсак, аффикс қўшилиши билан ўзак деярли ҳамма вақт ўзгаради: ургу аффиксга кўчиб, ургу олмайдиган аффикслар қўшилганда, ўзак фонетик жиҳатдан ўзгаради — кучсизланади (*тоғ-тоғлар*, *бола-болалар*, *қиш* — *қишда* ва б).

Аффиксациядаги товуш ўзгаришларининг асосий қисми бу процесда ўзакда фонетик бошқаликнинг юз бериши характеридадир. Бу ўзгаришнинг кўринишлари:

1. Товуш алмашиши. 1) **унлиларнинг алмашиши:** *а* — *о* (*ишлашлов*, *алда*—*алдов*, *сўра*—*сўроқ*). Фонетик шароити: *а* фонемаси билан тугаган сўзга *к* ёки *в* аффиксининг қўшилиши (бўғинларнинг чегараси ўзгармайди). Сабаби: аффикснинг ўша унлига тескари таъсири (чоғиштиринг: *сўра*—*сўраш*); *о*—*а* (*йор-яра*, *от-ата*, *той*—*тайлоқ*). Фонетик шароити: бир бўғинли (ёпиқ бўғиндан иборат бўлган) сўзга аффикснинг қўшилиши (аффикс унлидан иборат бўлса, бўғинларнинг чегараси ўзгаради: ундош билан бошланган бўлса,— ўзгармайди). Сабаби: ургусизлик (ургу кўчган); *и*—*у* (сови-совуқ, тани-танув). Фонетик шароити: *и* фонемаси билан тугаган сўзга *к* ёки *в* аффиксининг қўшилиши (бўғинларнинг чегараси ўзгармайди). Сабаби: аффикснинг ўша унлига таъсири (чоғиштиринг: тани-таниш). 2) **Ундошларнинг алмашуви:** *к*—*г*: *кўрак*—*кўраги*), *қ*—*ғ* (*ўртоқ* — *ўртоғи*, *чақириқ* — *чақириғи*). Фонетик шароити: *қ* ё *к* ундоши билан тугаган бирдан ортиқ бўғинли сўзларга *и* фонемасидан иборат бўлган ёки шу товуш билан бошланадиган сўз ўзгартувчи аффикснинг қўшилиши (демак, бунинг шароити фонетик-грамматик характерда): интервокал позиция, бўғинларнинг чегараси ўзгаради (морфемалар чегарасида). Сабаби: интервокал позициянинг ҳар жиҳатдан жарангли ундош учун қулайлиги (жаранглиниш); *л* — *д* (*чирилла* — *чирилдоқ*, *шиқирла* — *шиқилла* — *шиқилдоқ*). Фонетик шароити: охириги бўғини *-ла* тусида бўлган уч бўғинли сўз (мимеманинг *-ир*, *-ил* аффикси орқали кенгайган формаси — феъл ясовчи *-ла* аффикси), бунга от-сифат ясовчи *-қ* аффиксининг қўшилиши (бўғинларнинг чегараси ўзгармайди); *р* — *с* (*борар* — *бор-*

мас, аслда: р-з-с). Фонетик шароити: охирги бўғини *ма* тусида бўлган сўзга (инкор формасидаги феълга), сифатдош ясовчи -р аффиксининг қўшилиши (бўғинларнинг чегараси ўзгармайди).

2. Унлининг чўзилиши: о—о: (*жон—жо: ним, йор—йо: рим;* аслда — этимологик жиҳатдан — бу сўзлардаги унлининг ўзи учун: *жо: н*).

Чоғиштиринг: *ўн + уч — ў: — нуч*. Фонетик шароити: унлидан иберат бўлган ёки унли билан бошланадиган аффиксининг қўшилиши билан сўзнинг охиридаги ундош товушнинг аффиксга кўчиши натижасида ҳосил бўлган очиқ бўғин (демак бўғинларнинг чегараси ўзгаради, *мадор-мадо: — рим, сон — со:ни — миқдори*).

3. Товушларнинг тушиши: 1) унлиларнинг тушиши (*буйур — буйрук, улуг — улғай, ўйин — ўйна, ўрин — ўрни, айир — айрим, икки—икков, иккала*). Фонетик шароити, биринчи бўғинни (*су*), иккинчи бўғинни тор унли билан тузилган *вус* тусида бўлган икки бўғинли сўзга *в* (ёки: *ус*) формасидаги аффиксининг қўшилиши билан сўзнинг охиридаги ундош товушнинг аффиксга кўчиши натижасида ҳосил бўлган очиқ бўғин — иккинчи бўғин. Бўғинларнинг сони ҳам, чегараси ҳам ўзгаради: унлиси тушган, *сус* тусидаги бўғиннинг биринчи ундоши ўзидан аввалги бўғинга, иккинчи ундоши ўзидан кейинги бўғинга қўшилади (*ба-ғир: бағ-рим*). Сабаби: ўрта бўғиннинг очиқ бўлиши ва урғусизлик (урғунинг кўчиши); *икки — икков* типиди: *и* унли билан тугаган сўзга унли билан бошланган аффиксининг қўшилиши. Сабаби: ҳар хил унлиларнинг кетма-кет келиши *и — о, и — а*); 2) ундошларнинг тушиши (*қарс-қурс — қа(р) сир-қу(р) сир — қасир-қусур; қочқоқ-қочоқ; қайерда? — қаерда? тупрук — тупук, пастай — пасай*). Фонетик шароити: ёпиқ бўғинли сўз (охирида ундаш қатор келганда ҳам) + аффикс (*паст — пасай* типиди бошқача). Сабаби: сўзнинг составида бир хил ундошнинг чегарада учрашиши, кетма-кет келиши (*й—ў*), *р* ундошининг бирдан ортиқ келиши, сўз составининг узайиши — кенгайиши (*паст-пасай*, аффикс қўшилмаганда ҳам ундоши айтилмайди: *сссс* охирида икки жарангсиз).

4. Товушларнинг иккиланиши. Бир хил товушнинг такрорланиши унлиларда, одатда, узунликни келтириб чиқаради. Ундошларда ҳам шу ҳол, лекин буларда такрорланиш, иккита бир хил товуш, нисбатан аниқроқ сезилади. Масалан: *иси — иссиқ, саси — сассиқ, ачи — аччиқ*. Буларда аффикс қўшилиши билан ўзакдаги ундошнинг иккиланиши шарт: буларда параллел — такрорланган ва такрорланмаган — вариантлар йўқ, иккинчидан, такрор бундай ўринларда семантик ва стилистик — кучайтириш каби бирор функцияга эга эмас. Чоғиштиринг: *маза — мазза, бошига — бошишига, нима — ниммага* (кучайтириш, эмоционаллик), *ўн — ў: нуч* (диалектал; унлидаги узунликнинг компенсацияси). Фонетик шароити: очиқ бўғин: *су* (*в — и* унлиси) тусидаги сўз -қ ясовчиси (бўғинларнинг чегараси ўзгаради).

5. Товуш орттириш (*хато — хатойинг, парво — парвойинг*). Фонетик шароити: очиқ бўғин (унлиси узун) + аффикс. Сабаби, айтишга қулай қилиш.

6. Товушларнинг ўрин алмаштирилиши (*ёғ-мур — ёмғир*). Чоғиштиринг: бу ҳодисанинг аффиксация билан боғланган бўлиши шарт эмас: *турпоқ — турпоқ, тўғра — тўғра, супра — сурпа* ва б. Бундай ўзгаришда (товуш тушишида ҳам), кўпинча, бирор товушнинг иштироки бўлади.

Сўзларнинг лексик-грамматик категориялари

Тилдаги сўзларнинг от, сифат, феъл каби тўдаларга бўлиниши уларнинг ҳам сўзлик ҳолати (товуш ва маънонинг ажралмас бирлигидан иборат бўлиши), ҳам грамматик хусусиятлари (морфологик хусусиятлари ва синтантик функцияси) асосида майдонга келади. ҳар бир сўзда лексик-грамматик томонларнинг бирлиги бор. Шунинг учун бундай тўдалар лексик-грамматик категориялар дейлади.

Сўзларнинг лексик-грамматик категориялари (сўз туркумлари) классификацияси шундай принципларга таянади: морфологик принцип, лексик-семантик принцип ва синтактик принцип.

Морфологик томонга таяниш сўзларни формал-грамматик белгиларига, морфологик хусусиятларига қараб тўдаларга ажратишдир. Бу морфологик белгилар: сўз ўзгартувчи аффикслар олиш ёки олмаслик, ўзгариш-ўзгармаслиги (сон, эгалик, келишик, шахс-сон аффиксларини олиб ўзгариш ёки ўзгармаслик), турланиш ва тусланиши ва б. Масалан, от тўдасига кирадиган сўзлар, сон, эгалик аффикслари билан ўзгариш, келишик аффиксларини олиб ўзгариш — турланиш хусусиятларига эга. **Феъллар** шахс-сон аффиксларини олиб ўзгариш-тусланиш хусусиятига эга (соф феъл туслувчиларнинг қисқа формаларинигина олади: *бордим. Чоғиштиринг борганман, студентман*). Юкламалар формал-грамматик жиҳатдан ўзгармайди.

Сўзлар формал кўрсаткичларга эга бўлиш ё бўлмаслик жиҳатидан икки гурппага бўлинади: 1. Ўзгартувчи сўзлар — сўз ўзгартиш формасига эга бўлган сўзлар (турланувчи сўзлар: масалан, отлар, олмошлар; тусланувчи сўзлар: феъллар). 2. Ўзгармовчи сўзлар — сўз ўзгартиш формасига эга бўлмаган сўзлар (масалан, боғловчилар, кўмакчилар).

Бу классификация сўз ўзгартувчи аффиксларни олиш-олмасликни — соф грамматик (морфологик) ҳолатни кўзда тутди. Лекин аффиксларнинг бошқа турлари ҳам сўзларнинг туркумларга кўра бўлган дифференциациясини кўрсатишга хизмат қилиши — категориал фарқловчи белги сифатида бўла олиши мумкин: 1. Форма ясовчи аффикслар (форма сўзи — тор маънода): *-ча, -лоқ* каби қичрайтиш-эркалаш аффикслари шу сўзнинг отличини кўрсатади; белгининг камлигини билдирадиган *-роқ, -иш, -ча* каби аффикслар шу сўзнинг сифатлигини кўрсатади; *-инчи* аффикси сонга хос ва б. 2. Сўз ясовчи аффикслар: айрим сўз категорияларининг ўз махсус ясовчилари бор. Бу аффикслар, одатда, бир туркумдаги сўзни бош-

қа туркумга ўтказиш вазифасини ҳам бажаради. Масалан, феъл ясовчи *-ла* аффикси, сифат ясовчи *-ли* аффикси ва б.

Сўзларни лексик-семантик томонига қараб тўдаларга ажратиш уларнинг мундарижасини асос тутишдир: от предмет маъносини ифодалайди, феъл ҳаракат ва ҳолатни билдиради, сифат предметнинг белгисини билдиради.

Сўзларнинг синтактик томони унинг сўз қўшилмасида, сўз бирикмасида ва гапда, бажарадиган вазифасидир. Ҳар бир сўз ўз семантик ва грамматик (морфологик, синтактик) хусусиятларига кўра сўз қўшилмасига эга, аниқловчи, ҳол каби маълум бир бўлак, гап бўлаги, вазифасида келишга мос бўлади — шунга «аталган» бўлади. Ҳар бир бўлак учун типик сўзлар — семантик ва грамматик хусусиятлар билан шу бўлак функциясида қўлланишга жуда мос келадиган сўзлар бор: кесим вазифасида келадиган типик сўз — феъл, аниқловчи учун — сифат ва б. Сўз нутқда ўзига типик бўлмаган вазифада қўлланиши ҳам мумкин. Бу ҳодиса ўша сўзнинг бошқа туркум функциясида ишлатилишидир. Масалан, сўз бир туркумдан бошқа туркумга аффикс орқали ўтиши — айланиши мумкин. Бунда сўз ясовчи аффикс категориал фарқлаш вазифасини ҳам бажаради (*болали*: отдан сифат ясаш). Лекин нутқда бирининг ўрнига иккинчисининг қўлланиши ташқи кўринишда ўзгаришга учрамай контекстнинг, синтактик ҳолатнинг кучи билан бўладиган одатдаги норматив ҳолатдир. Кўчиришнинг бу кўриниши конверсия саналади. Масалан, *бир яхшига бир ёмон ҳар ерда бор, ёр-ёр* (қўшиқ). *Яхши* ва *ёмон* сўзлари (уларнинг типик синтактик вазифаси аниқловчи ва кесим функциясида келишдир: *Тиниқ сув. Пахталар оппоқ*) от учун типик бўлган вазифада — эга ва тўлдирувчи бўлиб келган (Субстантивация — отлашиш ҳодисаси). «Ҳар бир сўз туркумининг ўзи учун типик бўлган синтактик функцияси бор» деганимизда, олмошларни истисно қиламиз, олмош, ўз хусусиятларига кўра, от, сифат, равиш ва сон каби туркумларнинг синтактик белгиларини олган: у синтактик функция жиҳатидан ҳам бир хилликка эга эмас.

Сўзларни туркумларга ажратишда юқоридаги белгиларнинг ҳаммасига асосланамиз. Демак, сўзлар маълум белгилар комплекси (комплекс белгилар) асосида лексик-грамматик группаларга ажратилади. Бундай ажратишда бир томоннинг ўзигагина таяниш — шу билан чегараланиш — сўзларнинг ҳар томонлама табиатига мос келмайди. Масалан, фақат белги англатиш хусусиятига (семантик томонга) асослансак, сифат билан равиш бир хил бўлиб қолади (сифат предметнинг белгисини билдиради, равиш белгининг белгисини билдиради), ҳолбуки равишларнинг қотган формадаги сўзлардан ҳосил бўлиши (буни нутқда қўлланиши орқали, функциясига қараб билиб оламиз), айрим ҳолларда, факультатив равишда, қисман турланиш, парадигмадан турли даражада ажралиш, равишдошдан ҳосил бўлиш, сўз такрори орқали ҳосил бўлиш каби лексик-грамматик белгилари, ҳол функциясида келиши, синтактик белгиси, сифатларникидан бошқадир.

Фақат маънога таянасак, *сувоқ* (*иморат битишга яқин: фақат сувоғи қолди*), *ўроқ* (*Ўрим*) каби сўзларни феълга киритган бўлар эдик, чунки булар иш-ҳаракат маъноси билан боғлиқ, лекин булар феъл эмас, отдир (иш-ҳаракат оти), чунки феъл бўлиш учун ҳаракат билдириш билан боғланган формал белгилар ҳам шарт. Формал жиҳатдан ўзгариш-ўзгармаслик белгисигагина, морфологик томонигагина, асослансак, от билан олмош (от тусидаги), сифат билан олмош (*бу, шу* каби олмошлар), сифат билан кўмакчи бир хил бўлиб қолади (турланиш, формал кўрсаткичлар олмаслик каби белгиларга кўра, ҳолбуки улар бошқа томонлардан ўзаро кескин фарқланади. Бир томонга хос белгининг ўзи билангина чегараланиб қолишининг мумкин эмаслигини кўрсатишда синтактик ҳолатга муносабат жуда характерлидир. Масалан, *ой* сўзи («луна» маъносида) — от (*ой осмон денгизиди сузиб бормоқда*): эга, тўлдирувчи ёки қаратқич бўлиб келиш — унинг типик синтактик функцияси, лекин бу сўз: 1) *ой юз* (*ой юзли жонон*) қўшилмасида аниқловчи бўлиб келган, демак, сифат бажарадиган типик синтактик функцияда келган 2) *ой бориб, омон келсин фронт кетган ёлғизим* (Қўшиқ) мисолида равишда бажарадиган вазифада келган. Фақат синтактик ҳолатга қарасак, буларнинг биринчисини — от, иккинчисини — сифат, учинчисини — равиш деб санашга тўғри келар эди. Ҳолбуки бу сўз от бўлиб, унинг хусусиятлари сифат ва равишларникидан бутунлай бошқачадир. Демак, синтактик белги сўзларни туркумларга ажратишда етакчи, ҳал қилувчи белги бўлолмайди.

Сўзларни туркумларга ажратишда юқоридаги белгиларнинг ҳаммасини биргаликда олиш ва уларнинг ўзаро муносабатини ҳам кўзда тутиш бирор туркум доирасидаги сўзларнинг лексик ва грамматик маъно, синтактик функция жиҳатидан бир хил бўлишини кўзда тутати. Сўзларнинг формал жиҳатдан ўзгариш-ўзгармаслигига асосланган бўлиниш соф грамматик классификация бўлса, юқоридаги белгилар комплекси асосида туркумланиш лексикограмматик классификациядир: бунда сўзларнинг семантик томондан ҳам, грамматик томондан ҳам ҳар хил бўлиши кўзда тутилади.

Сўзларнинг туркумланишида кўрсатилган белгиларга таянишда семантик томоннинг айрим аҳамияти бор: ҳар бир туркумдаги сўзлар, дастлаб, маъноси билан бир гурпуага уюшиб, грамматик маънолари шу билан алоқадор бўлади (Чоғиштиринг: *оғиз* сўзининг отлиги якка олинган ҳолатда ҳам билиниб туради. Туркумланишнинг асосий грамматик белгиси сўзнинг морфологик хусусиятларидир: туркумларни белгилашда сўз формасининг роли, аффиксларнинг маълум туркумга хослик — шу туркум учун типиклик ва туркумни ажратиб бериш — ҳоллари, сўзнинг формал туси билан синтактик функциясининг боғлиқлиги ва б. Мисолларни чоғиштиринг: *бешов* (сон: *-ов* аффикси сонга хос: сонликнинг бир белгиси); *тўйда, тўйдан, тўйга* (*тўй*—от)—*тўйдим, тўйдинг, тўйди* (*тўй* — феъл).

Сўз лексик ва грамматик томонларнинг бирлиги бўлиб (шунга кўра у лексиканинг ҳам, морфологиянинг ҳам объекти), грамматик

жиҳатдан қараганда, сўз — турли формаларнинг (сўз формаларининг) ва улар ифодалайдиган грамматик маъноларнинг йиғиндисидир. Сўзларнинг туркумларга ажралишида бу ҳодисалар асосий таянчдир, бунда сўзларнинг маъно, формал-грамматик хусусият ва синтактик функция жиҳатидан бир хиллиги кўзда тутилади.

Тилдаги сўзларнинг асосий қисми йирик тўдага бўлинади: **мустақил сўзлар** ва **ёрдамчи сўзлар**. Булардан ташқари, **модал сўзлар**, **ундовлар** ва **тақлид сўзлар** ҳам айрим-айрим группаларни ташкил қилади.

Мустақил сўзлар: борлиқдаги турли ҳодисаларни билдиради (предмет, белги, ҳаракат ва б.), демак, ҳар бир мустақил сўзнинг ўз айрим маъноси бор; гапнинг бирор бўлаги вазифасида қўлланади. айрим ҳолларда бир мустақил сўзнинг ўзи бир гапни ҳосил қилади; ясалиш, турланиш, тусланиш каби хусусиятларга эга. **Мустақил сўзлар**, **от**, **сифат**, **сон**, **олмош**, **феъл**, **равиш**. Олмошлар ўз айрим хусусиятлари билан бошқа мустақил сўзлардан ажралиб туради: олмошдан бошқа мустақил сўзлар борлиқдаги турли ҳодисаларни (предмет, белги, миқдор кабиларни) тўғридан-тўғри аташ — билдириш билан характерланса, олмош уларни бевосита билдирмайди — атамайди, балки шуларга ҳавола қилади ёки шуларни кўрсатади, демак, восита билан билдиради.

Ёрдамчи сўзлар ўзича, якка ҳолда, маъно бермайди, ўзича гапнинг бўлаги бўлмайди: уларнинг маъноси қўшилишда англашилади (демак, улар маълум синтактик конструкциядагина қўлланади: сўзларнинг грамматик маъноларини билдиради, мустақил сўзлар, шунингдек, қўшма гап состваидаги қисмларнинг, содда гапларнинг муносабатини кўрсатади ёки мустақил сўз ва гапларнинг мазмунига бир оз бошқача тус бериш, қўшимча маъно орттириш учун хизмат қилади.

Модал сўзлар (*балки*, *албатта*, *шубҳасиз* ва б.) алоҳида группани ташкил қилади. Улар ўз лексик маъносини йўқотган бўлиб, модалликни ифодалайди: сўзловчининг айтилаётган, баён қилинаётган фикрга муносабатини, айтилаётган фикрнинг воқеликка муносабатини билдиради.

Ундовлар турли эмоцияларни, ҳис-туйғу кабиларни билдирадиган, экспрессивлик билан характерланадиган сўзлардир (*эҳ*, *оҳ* ва б.).

Тақлид сўзлар турли типдаги тақлидларни билдирадиган сўзлардир (*шап-шап*, *шивир-шивир*, *ғивир-ғивир милт-милт* ва б.). Сўзларнинг лексик-грамматик категорияларини умумлаштириб, схематик тарзда шундай кўрсатиш мумкин:

I Мустақил сўзлар (1. От. 2. Сифат. 3. Сон. 4. Олмош. 5. Феъл, 6. Равиш).

II Ёрдамчи сўзлар (7. Қўмакчи. 8. Боғловчи. 9. Юклама).

III Модал сўзлар (10. Модал сўзлар).

IV Ундовлар (11. Ундовлар).

V Тақлид сўзлар (12. Тақлид сўзлар).

ОТ

От — мустақил туркумлардан бири. У бошқа туркумлардан бир неча белги-хусусиятлари билан ажралиб туради. От сўзнинг лексик маъно ташувчи қисми (сўздаги бундай қисм лексема деб юритилади) предметлик маъносини англатади. Бундай маъноли лексема предметни ҳам, предмет деб тасаввур қилинувчи мавҳум тушунчани, воқеа-ҳодисани, белгини ҳам англатади.

От лексема нутқда икки грамматик категориянинг — сон категорияси ва келишик категорияси — формасини олади. Бу грамматик категориялар от лексемага бирламчи форма сифатида мансуб, улар от лексеманинг нутқда намоён бўлиш формаси ҳисобланади. Отларда учинчи бир грамматик категория — эғалик категорияси ҳам мавжуд, аммо у ҳар бир от лексеманинг грамматик шаклланишида қатнашувчи доимий форма эмас: вакили қатнашсагина, бу грамматик категория ҳақида гапирилади.

От лексема ўзи олган келишик формасига мувофиқ эга, қаратувчи, тўлдирувчи, номинатив гап, изоҳловчи, ундалма, шунингдек, ҳолнинг келишик билан шаклланувчи турлари вазифасида келади. Булар — от учун бирламчи вазифалар.

От сифатлашса, атрибутив формага кирса, сифатловчи бўлиб келади. Бу — от учун иккиламчи форма, демак, иккиламчи вазифа.

От кесим вазифасида ҳам келади. Бунинг учун маълум келишик формасидан кейин тусловчи қўшилади. Кўринадики, кесимни келишик эмас, тусловчи шакллантиради, бунда келишик синтактик жиҳатдан нейтраллашади.

От лексеманинг яна бир синтактик табиати шундаки, у сифатловчи олади.

От лексемани бошқа туркумлардан фарқловчи белгиларидан бири деб унга хос сўз ясовчилар ҳам таъкидланади, аммо бу жузъий белги бўлиб, ясама отларгагина тааллуқли.

Юқорида айтилган фикрларни ҳисобга олиб отни шундай таърифлаш мумкин: предметлик маъносини англатиб, нутқда сон, келишик (ўрни билан эғалик) категорияларининг формасини олиб, эга, тўлдирувчи, қаратувчи, изоҳловчи каби вазифаларда келадиган лексемага от дейилади. Шундай табиатли лексемалар от туркуми номи билан бирлаштирилади.

Бирор негизга келишик категорияси формасидан олдин (эгаллик категорияси формасидан ҳам олдин) кўшилиб, грамматик миқдор маъносини ифодаловчи формалар системасига сон категорияси дейилади: *олим — олимлар, фасл — фасллар* каби.

Мантиқий миқдор билан грамматик миқдор ўзаро фарқ қилади. Мантиқан атоқли от якка предметни атаб туради: *Собир, Тўй-тепа* каби. Айни шу исм билан бир неча предмет аталиши мумкин, ammo шунда ҳам исм ҳар гал якка, индивидуал предметни атайди.

Турдош от эса, турнинг номи сифатида, ўз-ўзидан, мантиқан биттадан ортиқ (кўп) предметни номлайди. Шу билан бир вақтда турдош от якка предметни англатиб ҳам келади. Масалан, *Кўчат экдим* деганда нутқ ситуациясига қараб битта кўчатни ҳам, кўп кўчатни ҳам тушуниш мумкин. Қўринадики, атоқли отнинг якка предметни аташи лексеманинг семантик хусусиятига боғлиқ; турдош отнинг якка ёки кўп предметни англатиши эса, лексеманинг семантик хусусиятидан ташқари, нутқ ситуациясига, контекстга боғлиқ.

Отларни якка предметни англатишига қараб грамматик бирликда, кўп предметни англатишига қараб грамматик кўпликда деб юритиш мумкин эмас. Юқоридаги мисоллар (*Собир, кўчат*) мантиқан якка ёки кўп предметни англатишидан қатъи назар, сон категориясининг айни бир формасида.

Шундай отлар ҳам борки, ўз семантик хусусиятига кўра доим биттадан ортиқ предметни англатади: *армия, қўшин, полк* каби. Ammo сон категорияси нуқтаи назаридан *кўчат* қайси формада бўлса, *армия* ҳам шу формада.

Хуллас, отнинг семантик жиҳатдан якка ёки кўп предметни англатиши бошқа ҳодиса-ю, сон категориясининг қайси формасида бўлиши бошқа ҳодиса.

Сон категориясининг икки формаси бор: *-лар* формаси ва шунга зидлаб белгиланадиган ноль кўрсаткичли форма; буни ноль кўрсаткичли бошқа формалардан фарқ қилиш мақсадида Ø I деб белгилаймиз.

Одатда *-лар* аффикси кўплик формаси деб аталади; шунга кўра шакл ва маънода унга зид қўйиладиган аффикссиз ҳолат бирлик формаси деб юритилади. Масалан, *дарахт — бирликдаги от, дарахтлар* — кўпликдаги от дейилади. Бундай номлаш грамматик (формал) ёндашишни акс эттиради, албатта. Мантиқан эса *дарахтлар* эмас *дарахт* кўп. Чунки *дарахт*, якка предметни англатишидан ташқари, шундай номланувчи предметларнинг барчасини (турни ялписига) ҳам билдиради, бунда миқдор чегараланмаган бўлади. *Дарахтлар* сўзида эса *-лар* аффикси миқдорни чегаралайди. *Дарахтлар* деганда шу турдаги предметларнинг барчасини тушуниб бўлмайди, фақат кўз олдида келтириш мумкин бўлган қандайдир тўдалари, хиллари қамраб олинади.

Шу жиҳатдан ёндашсак, турдош отда предметнинг кўплигини лексеманинг ўзи билдиради, *-лар* эса «чегараланганлик» маъноси ва унга зид қўйиладиган Ø I формаси «чегараланмаганлик» маъносини ифодалайди.

Ҳақиқатда, ўзбек тилида яқкани ифодаловчи махсус форма (форма единичности) йўқ, турдош от лексема маълум контекстдагина яқка предметни билдира олади, ўзича эса сон жиҳатдан ноаниқ бўлади. Асли *бола* каби формага биринчи галда «умуман» маъноси хос, «битта» маъноси эса *-лар* аффиксининг «бир неча» маъносига зидланишда юзага келади. Демак, *бола* каби сўз асли грамматик сон жиҳатидан нейтрал. Ана шундай нейтраллик сабабли бу формадаги от олдидан биттани ва биттадан ортиқни ифодаладиган сифатловчи келтиравириш мумкин: *битта бола* — *бир неча бола*, *анча бола* каби. Кўринадики, маъно тараққиёти қуйидагича борган: умуман бола — битта бола ёки бир неча бола. Кейинги *болалар* кўplik формаси асосида *бола* бирлик формаси юзага келган. Айтилганларни схемада қуйидагича кўрсатиш мумкин:

Сўзнинг негизи	Сон формасининг кўрсаткичи	Форманинг моҳияти	Форманинг маъноси
<i>бола</i>	Ø I ←	→ бирлик	„хусусан“ → „битта“
↑ <i>бола</i>	—	↑ бетараф	↑ „умуман“
↓ <i>бола</i>	<i>лар</i> ←	↓ кўplik	↓ „биттадан ортиқ“

Ўзбек тилига нисбатан «фақат бирликда ишлатилувчи отлар», «фақат кўplikда ишлатилувчи отлар» ҳақида эмас, балки *-лар* аффиксини олувчи отлар ва *-лар* олмайдиган отлар ҳақида, буларнинг ўз ички маъно гуруҳланиши ҳақида гапириш мақул. *-лар* олмаслик турлича сабабларга кўра воқе бўлади (булар ҳақида ўз ўрнида фикр юритилади.)

Сон категориясининг отлардаги ягона аффикси-*лар*. Бу морфеманинг иш доираси анча кенгайиб, у ҳозирги ўзбек тилида кўplikни, кўplikка боғлиқ маъноларни, шунингдек, кўplik ва сон категориясидан ташқари чиқадиган маъноларни ҳам ифодалайди.

Асли *-лар* аффикси асосида пайдо бўлган, аммо сон категорияси доирасида эмас, балки эгалик категорияси доирасида шаклланган махсус ҳурмат формаси мавжуд, бу формани айтиб ўтилган икки грамматик категориядан ажратиб олиб, алоҳида, мустақил форма сифатида талқин қилиш лозим («ҳурмат формаси» баҳсига қаранг).

Бундан ташқари, *-лар* аффиксининг бошқа барча функцияларини сон категорияси доирасида изоҳлаш ҳам ўринли эмас. Сон категориясида бериладиган талқинлар орасидан *-лар* аффиксининг эгалик ва тусловчи таркибда қатнашувини чиқариб ташлаш лозим: булар сон категориясининг формаси эмас, балки *-лар* кўрсат-

кичининг бошқа грамматик категорияларнинг формалари таркибида қатнашувидир. Шунга кўра *-лар* аффиксининг эгалик ва тусловчилар таркибидаги ўрни, маъно ва функциясини ўша категорияларнинг ўзида баён қилиш керак.

Юқоридагича чеклашлардан кейин *-лар* аффиксининг битта функционал ҳолати қолади, аммо у ифодалайдиган маънолар бир хилликка келмайди. Сўзнинг морфематик структурасида сон категориясининг формаси сифатида қатнашадиган *-лар* аффиксининг маъноларини учта гурпуга бўлиш мумкин: соф кўплик маъноси, оттенкали кўплик маънолари, кўплик ифодаланмайдиган маънолари.

Бундай турлича мундарижа фақат *-лар* аффиксининг ўзи туфайли эмас, балки у қўшиладиган негизнинг семантик хусусиятига боғлиқ ҳолда юзага келади. Демак, бу ўрида аффиксининг маъноси билан у қўшиладиган негизнинг маъноси орасида ўзаро таъсир этиш воқе бўлади, негизнинг семантик табиати аффиксининг маъносини ўзича сақлашга ёки бойитишга, ҳатто инкор этишгача олиб келади. Кўринадики, *-лар* аффиксининг маънолари негизларнинг семантик турларига боғлаб изоҳланса, конкрет ва асосли фикр юритилади.

Отларни семантик жиҳатдан таснифлаш нуқталари жуда кўп, булар асосан лексикологияда амалга оширилади. Бу ерда эса отларнинг грамматик хусусиятлари билан яқиндан боғлиқ тасниф нуқталарини келтириш kifоя. Қўйидагича семантик тасниф, масалан, отлардаги сон категориясини ўрганишда ёрдам беради:

1. От лексемалар бир турдаги предметларнинг ҳаммасини номлани ёки бир турдаги предметлардан биттасини аташи, ажратиб кўрсатиши жиҳатидан қўйидагича группаланади:

1. Турдош от — бир турдаги предметларнинг номи: *қалам, те-рак* каби. Турдош от турни турдан ажратади.

2. Атоқли от — якка предметнинг атамаси. Атоқли отда умумлаштириш йўқ, у лексик жиҳатдан одатда шартли бўлиб, якка бир предметни ўзи каби бошқа якка предметдан фарқлаб беришга хизмат қилувчи тамға вазифасини бажаради. Атоқли отнинг кўринишлари:

1) киши исми, фамилиялар: *Тўлқин Зарифов, Аброр Ҳидоятлов, Александр Сергеевич Пушкин* каби;

2) тахаллуслар: *Уйғун, Яшин, Камтар* каби;

3) ҳайвонларга, масалан, итларга қўйиладиган исмлар: *Қоплон, Олапар, Тўрткўз* каби;

4) географик номлар: *Мирзачўл, Янгиер, Каспий, Чирчиқ, Хадра* каби;

5) ташкилот ва идораларнинг номлари: *«Чкалов» заводи, «Ленин йўли» колхози, ЎзССР Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитети* каби;

6) газета, журнал, китоб номлари: *«Совет Ўзбекистони», «Гулхан», «Олтин водийдан шабадалар»* каби;

7) муҳим тарихий ҳодисалар, саналарнинг номлари: *Улуғ Ватан уруши, Биринчи Май байрами* каби ва бошқалар.

Кўпчилик атоқли отлар турдош от, бошқа бирон туркум сўзи асосида вужудга келади: *Олмос* (турдош отдан), *Уткир* (сифатдан), *Турсун* (фёълдан) каби. Оз бўлса-да, атоқли отнинг турдош отга айланиши ҳам учрайди: *рейтген* (аппаратнинг номи), *бостон* (жундан тўқилган юпка матонинг номи), *хосиятхон* (атлас турининг номи) каби. Бунда якка предметнинг (кўпинча шахсининг, қисман географик пунктнинг) хусусий номи маълум тур предметнинг номи қилиб олинади, натижада атоқли отга хос шартлилик йўқолади, бундай сўз турдош отга айлангач лексик мундарижа кашф этади. Аксинча, турдош от ёки бошқа бирор туркум сўзи атоқли отга айланса, одатда лексик мундарижасидан маҳрум бўлади, шартлилик кашф этади (ном тамгага айланади).

II. Отларни ким ёки нима сўроғига жавоб бўлиши асосида киши отларига ва нарса отларига ажратиш мумкин: *студент, ўқитувчи, телефонист; экзамен, транспорт, иқтисод* каби. Отлардаги бундай семантик зидланиш, сон категориясидан ташқари, бошқа грамматик ҳодисаларга ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, киши отлари туслана олади (*ўқитувчидан, ўқитувчидан* каби), нарса отлари одатда III шахс тусловчиси билангина ишлатилади (масалан, *экзамендан* каби тушлаш мутлақо мумкин эмас).

Кўринадики, киши отлари ва нарса отлари деб группалаш жуда муҳим тасниф нуқтаси бўлиб, ўзбек тилининг (кенг олсак, туркий тилларнинг) ўзига хос хусусиятларидан бирини акс эттиради.

III. Турдош отлар яна бир неча нуқтаи назардан тасниф қилинади:

1. Дона отлари ва жам отлари. Структура жиҳатидан булар ножуфт ва жуфт бўлади: *хотин, қиз; хотин-қиз* каби. Структурал фарқ тагида семантик фарқ ётади. Ножуфт отнинг маъно контурлари аниқ бўлади, жуфт отда эса маънода умумлашиш, кенгайиш юз беради.

2. Конкрет (жисмий) отлар ва абстракт (фикрий) отлар: *дафтар, зал, микрофон; уйқу, жаҳл, сахийлик, озодлик* каби.

3. Предметни якка-якка англата олишига кўра:

1) якка отлар: *қалдирғоч, лектор* каби;

2) ноёкка отлар: а) якка-қўш отлар; булар якка предметни ҳам, қўш предметни ҳам англата олади: *кўз, этик* каби; б) якка-кўп отлар; булар якка предметни ҳам, кўп предметни ҳам англата олади: *соч, киприк* каби; в) тўда отлари; булар доим бир группа предметни англатади: *ўрмон, оломон, халқ* каби.

4. Саналувчи предметларнинг оти ва саналмайдиган предметларнинг оти. Иккинчи группани асосан модда отлари ташкил қилади: *қум, муз, тутун* каби.

Қуйида сонлаш категориясини ана шу семантик таснифга боғлаб баён қиламиз.

Атоқли отларда сон

Атоқли отлар орасида *-лар* олувчилар ҳам, *-лар* олмайдиганлар ҳам мавжуд. Кўпчиликни *-лар* олувчилар ташкил қилади.

-лар олмайдиган атоқли отларга *Қуёш, Ер, Ой* каби планета исмларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Булар одатда тўғри маънода ишлатилади. Кўчма маънода ишлатилса, атоқли отликдан чиқади, турдош отга ёки бошқа бирор туркум сўзига айланади. Масалан, *Эй қуёш, кўрсат юзинг* каби мурожаатда *қуёш* кўчма маънода («гўзал аёл», «парирухсор қиз») турдош от ҳукмида келган. Ана шундай вазиятдаги *қуёш* сўзи *қуёшлар* каби формада ҳам кела олади.

Демак, *-лар* олмайдиган атоқли от фақат бир формада ишлатилади, ўз семантик хусусияти асосида якка предметни англатади, шу сабабли формал жиҳатдан ҳам бирликда деб юритилади. Кўринадики, бундай атоқли отларга бирлик сон формасигина (сон категорияси қисмангина) хос, чунки зидланидиган икки формадан фақат биттаси мавжуд.

Атоқли отнинг *-лар* олмаслиги синтактик сабабга кўра ҳам воқе бўлади. Масалан, изоҳловчи-изоҳланмиш конструкциясининг биринчи компоненти бўлиб келган атоқли от доим бирлик формасида бўлади: *Ушанда мана шу Хўжаназар ака бульдозерчи эди, мен унга шогирд тушган эдим* (Ж. Абдуллахонов).

Географик атоқли от географик турдош от билан биргаликда ишлатилса, атоқли от ҳам, турдош от ҳам *-лар* олмайди: *Руза дарёси устига кўприк қурила бошлади* (Ж. Абдуллахонов). Агар *Руза* сўзининг ўзи ишлатилса эди, уни *Рузалар* шаклига киритиш мумкин бўлар эди.

-лар оладиган атоқли отларда формада зидланиш воқе бўлади: *Фарҳод ЎИ—Фарҳодлар* каби. Аммо бу ерда ҳам *-лар* аффиксининг семантик мундарижаси ҳар хил:

1. Кўплик маъносини ифодалайди: *Фарҳодлар* — «бир неча Фарҳод». Мисол: *Бугун Сирдарёнинг сирин очғали Фарҳод эмас, минглаб Фарҳодлар келди. Дарёнинг йўлига гуллар сочғали Ширинлар* — қадлари шамшодлар келди (Уйғун).

-лар бундай кўплик маъносини ҳар қандай атоқли отга қўшилганида эмас, балки машҳур қаҳрамонларнинг исмига қўшилганида ифодалайди. Шунда ҳам соф кўплик эмас («Фарҳод исмли бир неча киши» эмас), балки «кўплик+ўхшаш» («ўхшаш» оттенкасили кўплик) маъноси ифодаланади («Фарҳодга ўхшаган бир қанча киши»).

2. «Негиздан англашилган предмет ва унинг қуршовидаги бир неча предмет» маъносини ифодалайди. Атоқли отнинг маъно турига қараб бу «қуршов» маъноси турлича тус олади:

1) Киши атоқли отига қўшилса, шу ном билан бирор коллектив билдирилади. Бу коллектив:

а) оила аъзоларидан иборат бўлади: *Ҳулкарлар Авазлардан бир ҳовли нарида туришар эди* (П. Қодиров);

б) иш, шахсий алоқа бўйича яқин, боғлиқ кишилардан иборат бўлади: *Каттаевларнинг бу хатоси ҳар икки қишлоқнинг ҳам иқтисодига зарар келтиргани аниқ* (П. Қодиров). *Вой, Қомилжонлар келишаётибди, мен кетаман* (Уйғун).

Кўринадики, *-лар* аффикси Ҳулкар, Аваз, Каттаев, Комилжон — ҳар бирининг «биттадан ортиқ» эканини эмас, балки «битта» Ҳулкарни ва унга «алоқадор яна бир неча киши»ни билдиради.

2) Географик атоқли отга қўшилса, шу ном билан аталувчи пунктни ўз ичига олган каттароқ территория билдирилади: *Гулламоқда Мирзачўллар, Ям-яшилдир Янгийўллар* (П. Мўмин). Кўринадики, *-лар* аффикси Мирзачўл, Янгийўл — ҳар бирининг «биттадан ортиқ» эканини эмас, балки Мирзачўлни ва унинг атрофидаги ерларни билдиради. Демак, «қуршов» маъноси ўзига хос оттенка билан ифодаланadi, бундай оттенка, аввалги пунктда бўлганидек, негизнинг лексик маъно тури асосида юзага келади.

3. Юқоридаги икки пунктда киши атоқли оти ва географик атоқли отнинг ноуюшиқ ҳолатда ишлатилиши тасвирланди. Бу тур атоқли отлар уюшиб келса, *-лар* аффикси икки хил ишлатилади:


1) уюшувчиларнинг ҳар бирига қўшилади, бунда юқоридаги икки пунктда таъкидланган маънолар ифодаланadi;

2) уюшувчиларга яхлитловчи форма сифатида қўшилади, бунда *-лар* аффикси уюшувчиларни жамлаб кўрсатиш учун хизмат қилади: *Аваз, Ҳулкар ва Холбекларнинг ораларида яна кўп воқеалар бўлиб ўтди* (П. Қодиров). Бунда: *Ҳулкар ва Холбекларнинг* — «Ҳулкар билан Холбекнинг биргаликда». *Ҳамза, Алижон, Турдивой, Оллоқуллар Санобарни олиб чиқиб кетадилар* (Яшин). Бу ерда: «Ҳамза, Алижон, Турдивой, Оллоқул биргаликда». Кўринадики, бундай ишлатишда *-лар* аффикси юқоридаги пунктларда тасвирланганидан фарқ қилувчи маънони — жамлаб кўрсатиш маъносини ифодалайди.

Баъзан, жамлаш билан бир вақтда, кўплик ҳам ифодаланadi: *Мажнун, Фарҳодларга аркон бўлган Шарқ* (Яшин). Бу ерда: *Мажнун, Фарҳодларга* — «бир қанча Мажнун ва бир қанча Фарҳодга биргаликда».

Атоқли отнинг турдош от билан уюшиб келиши ҳам учрайди: *Ҳамза ва батрақлар кирадилар* (Яшин). Бундай ҳолларда *-лар* аффикси ўзи қўшилган негизнинг кўплигини ифодалайди, айни вақтда жамлаш маъноси ҳам билдирилади: «Ҳамза ва батрақлар биргаликда» каби.

Хуллас, *-лар* олувчи атоқли отларда соф кўплик маъноси ифодаланмайди; *-лар* аффиксининг фақат бир ишлатилиш ҳолати — «бир қанча ўхшаш шахс» маъноси билан қатнашувини кўплик формаси деб аташ мумкин (шунда ҳам оттенкали кўплик ифодаланadi). Қолган ҳолатларда *-лар* аффикси кўплик маъносини эмас, кўпликдан ташқарига чиқувчи маъноларни ифодалайди. Юқорида тасвирланган ҳодисалар схемада шундай тус олади:



Жам отларида сон

Турдош отларда сон уларнинг маъно турларига кўра турлича. Бу ҳодисани аввало жам отларида кўриб чиқайлик. Жам отлари деб бу ерда жуфт турдош отлар тушунилади. Бундай отлар ўз семантикасига кўра жамликни билдиради. Масалан, *куч-қудрат* оти «шу икки негиздан англашиладиган ва яна шунга яқин, ўхшаш бошқа предметлар» деган маънони ифодалайди. Гўё бу ерда «кучдан бошлаб қудратгача» ёки «куч, қудрат ва шунинг кабилар» формуласи билан иш кўрилади.

Жам отлари ўз негизига кўра кўпликни ифодалайди, шу сабабли *-лар* аффиксини олмайди деб ҳам изоҳланади. *Куч-қудрат* каби сўз англатадиган кўплик грамматик кўплик эмас, демак, бу ерда кўпликнинг синтактик ифодаланиши ҳақида гапириш ноўрин. Асли бундай сўзда кўплик эмас, жам маъноси билдирилади, бу маъно лексик йўл билан (сўз тузиш йўли билан) ифодаланadi.

Жам отлари ўз семантик табиатига кўра предметни ноёкка

ифодалайди, бундай от англатган предмет доналаб саналмайди. Бу икки нуқтаи назардан жам отлари бир хил, аммо қўйидаги нуқтаи назардан ҳар хил: киши ёки нарса оти, конкрет ёки абстракт от ҳам бўлиши мумкин.

Сон категориясининг формаларида ишлатилиши жиҳатидан жам отларини аввало икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Сон категориясининг бирлик формасида ишлатиладиган отлар. Булар ўз навбатида икки хил.

1) Бирлик формасида ишлатиладиган отлар. Бундай жам отлари оз бўлиб, нега кўплик формасида келмаслигини изоҳлаш қийин. Мисолларни кузатиш бундай отларнинг нарсани англатувчи абстракт отларга тўғри келишини кўрсатади: *меҳр-муҳаббат, савлат-салобат(и)* каби:

Қаландаров назарида с а в л а т-с а л о б а т и, обрўйи аста-секин нураётгандай (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Урушда қанчалик куч-қудрат талаб қилинса, бу ерда ҳам ундан кам талаб қилинмайди* (Ж. Абдуллахонов).

Бу гаплардаги жам отлари *савлат-салобатлар, куч-қудратлар* шаклида ишлатилмайди. *Куч-қудратлари, савлат-салобатлари* каби ишлатишда жам оти бирлик формада қолаверади, чунки бу ердаги *-лари* III шахс эгаликнинг сизлаш формасига тенг.

Яхлитлигича равишга айланган *жон-жаҳд(и) билан, вақти-соати билан* каби кўмакчили конструкция таркибидаги жам оти ҳам фақат бирлик формасида ишлатилади: *У шу саҳродан ўч олмоққа жон-жаҳди билан киришди* (Ж. Абдуллахонов)..., *вақти-соати билан жавоб топамиз* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Биринчи жам отини *жон-жаҳдлари билан* шаклида, яъни III шахс эгаликнинг сизлаш формасини қўшиб ишлатиш мумкин, аммо жам оти сон категориясининг бирлик формасида қолаверади. Иккинчи мисолда бундай ишлатиш имконияти ҳам йўқ, чунки у кишиларга эмас (биринчи мисолда кишиларга эди), балки нарсаларга қаратилган, шу сабабли сизлаш формаси ҳам ишлатилмайди.

Чуқурроқ назар ташласак, бундай жам отларининг компонентлари мустақил сўз сифатида ҳам *-лар* олмайдиган турдош от бўлиб чиқади. Демак, бундай жам отларида *-лар* олмаслик жуфт сўз компонентларига аслида хос; бу отлар жуфтлашгач пайдо бўлган хусусият эмас. Қўринадик, жуфтлик *-лар* аффиксининг қўшилишини одатда инкор қилмайди.

2) Жам оти бошланғич, ёлғиз ҳолатида ҳам *-лар* олиб шаклланади. Масалан, *йигит-қиз, қиз-жувон* каби бирлик формасида жуфтлаш гализ туюлади, бундай отларни *йигит-қизлар, қиз-жувонлар* шаклида тузиш нормал ҳисобланади. Бу сўзлар алоҳида-алоҳида олинса, бирлик ва кўплик формасида ишлатилаверади, шулар асосида тузилган жам оти эса доим кўпликда келади: *Мана шу агрегат ғилдираклари ўрмалаётган жойда боғлар, чиройли далалар бунёд бўлиб, йигит-қизлар қўшиқ айтиб ўтишар...* (Ж. Абдуллахонов).

Демак, бу ерда *-лар* олишнинг мажбурийлиги жам оти туфайли воқе бўлади, жам отининг ўз табиатидан келиб чиқади, *-лар* аффиксисиз жам оти шаклланмайди, *-лар* гўё лексеманинг таркибига кирди.

Бундан ташқари, жам отларига *-лар* қўшиб ишлатиш зарурияти синтактик-семантик талаб билан ҳам юз беради. Масалан, комитет битта ота-онадан тузилмайди, мажлис битта ота-она учун чақирилмайди, шу сабабли қуйидаги каби бирикмаларда ота-она жам оти *-лар* олиб келади: *ота-оналар комитети, ота-оналар мажлиси*.

Бундай ҳодиса жам отларигагина эмас, балки бошқа отларга ҳам хос, албатта. Масалан, *қизлар клуби, болалар боғчаси, пионерлар саройи* каби бирикмаларда биринчи отни *-лар* аффиксисиз ишлатиб бўлмайди, иккинчи компонентнинг семантикаси бунга йўл қўймайди. Қиёс қилинг: *ишчи оиласи* дейиш мумкин, чунки онла якка ишчига мансуб бўлади, аммо *ишчилар шаҳарчаси* дейиш шарт, чунки шаҳарчада жуда кўп ишчи яшайди (битта ишчи яшаган жой шаҳарча бўлмайди).

2. Сон категориясининг ҳар икки формасида ишлатилади. Булар кўп: *Ҳозиргина Моҳидил ёйган дастурхонга қанд-курс олиб қўйди* (Ж. Абдуллахонов)... *туғруқхонанинг кам-кетигини тўғрилади* (А. Қаҳҳор). *Кўрпачи шакларини орқа-лаб йўлга тушдилар* (Ж. Абдуллахонов). *Бу фикр-мулоҳазалар сизга ҳам маъқул тушади* (А. Қаҳҳор).

Биринчи, иккинчи гапдаги жам отларини *қанд-қурслар, кам-кетикларини* шаклида (*-лар* аффиксини қўшиб), учинчи, тўртинчи гапдаги жам отларини *кўрпачи шакларини, фикр-мулоҳаза* шаклида (*-лар* аффиксини ташлаб) ишлатиш мумкин.

Жам отларига қўшилувчи *-лар* аффикси ўзи қўшилаётган негизнинг семантик хусусиятига боғлиқ ҳолда икки хил маънони ифодалайди:

1) Жам отидан англашиладиган маъно компонентлари маъносининг йиғиндиси сифатида гавдаланса, *-лар* аффикси соф кўплик («бир неча», «бир қанча») маъносини ифодалайди. Бундай жам отларини оз: *ота-она, ошиқ-маъшуқ* каби: *Мен ҳам Мирзачўлда ўтказган дастлабки кунларимни худди ана шу ошиқ-маъшуқлардай эслайдиган бўлиб қолганман* (Ж. Абдуллахонов).

Демак, бундай жам оти кишини англайди, ҳар бир компонент якка шахсни билдиради, шу сабабли ота-она сўзи битта ота ва битта она тарзида тушунилади, натижада иккита «битта»ни кўпга айлантириш учун *-лар* қўшилади: (битта) ота-она → (бир қанча) ота-оналар каби.

2) Жам отидан англашиладиган маъно компонентлари маъносининг йиғиндисидан кенг бўлса, *-лар* аффикси соф кўпликни эмас, балки бошқача маънони ифодалайди. Жам отларининг кўпида шундай. Буларда икки хил маъно мавжуд:

а) кўплик маъноси «ҳар хил»лик отенкаси билан ифодаланади: *Ота-она, ошн а-оғайниларни соғиниб, юрак-бағримиз эзилиб юраверайлик* (Ж. Абдуллахонов). «*Ҳаммаси бўлади, — деди*

у ўзича, — боғлар ҳам, гуллар ҳам, тўй-у томошалар ҳам (Ж. Абдуллахонов). Бу ерда *ошна-оғайнилар — «кўп ва ҳар хил» ошна-оғайни, тўй-у томошалар — «кўп ва ҳар хил» тўй-томоша;*

б) агар жам оти организмдаги бирор аъзони билдирса (шу туйфаи ўрин ифодамай олса), *-лар* аффикси «қуршов» маъносини беради: *Чанг келиб юз-кўзларга урилди* (Ж. Абдуллахонов). *Нихоятда дим, ғир этган шабада юрмаганидан юз-бўйинларни тер ювиб тушарди* (Ж. Абдуллахонов). Бу ерда «*юз-кўзлар — «юз, кўз ва шунинг атрофидаги бошқа аъзолар», юз-бўйинлар — «юз, бўйин ва шунинг атрофидаги бошқа аъзолар».*

Киши отларида сон

Отларни киши отлари ва нарса отлари деб гуруҳлаш кенг тасниф нуқтаси бўлиб, атоқли отларни ҳам, турдош отларни ҳам қамраб олади. Сон жиҳатидан атоқли отларда алоҳида хусусият борлиги сабабли киши атоқли отлари ҳам ўша ерда тасвирланди. Жам киши отлари ҳақида юқорида гапирилганлиги сабабли бу ўринда фақат дона киши отлари ҳақида фикр юритамиз.

Дона киши отлари абстракт ҳам, конкрет ҳам бўлади; предметни якка, баъзан ноёкка англатади; кўпинча саналадиган предметни билдиради. Дона киши отларининг кўпи конкрет якка саналувчи маъно турига тўғри келади: *ота, келин, сингил, йигит, қиз, экскаваторчи, раис, директор, кассир* каби. Абстракт ноёкка отлар кам учрайди. Масалан, *коллектив — абстракт ноёкка саналувчи предмет* оти, *бригада — конкрет, ноёкка, саналувчи предмет* оти каби.

Дона киши отлари орасида *-лар* олмайдиганлар озчиликни ташкил қилади. Булар:

1) Абстракт саналмайдиган предмет отлари турида учрайди: *...халойиқ гур-гур кулганда эса қизариб...* (А. Қаҳҳор). Масалан, *комсомол* ташкилотни англатувчи абстракт от бўлиб, ноёкка, саналмайдиган предметни англатади ва шу маъносида ишлатилса, *-лар* олмайди: *Яна комсомол ҳар ерда авангард эмиш* (Ж. Абдуллахонов). Бундай от кўчма маънода конкрет от сифатида келса, *-лар* олади. Масалан, ташкилотни эмас, балки шу ташкилотнинг аъзосини англатиб келса, юқоридаги сўз кўпликда ҳам ишлатилаверади: *Комсомоллар авангард бўлди* каби.

Худди шунингдек, *инсон, одам, киши* сўзлари ҳам абстракт маънода келса, *-лар* олмайди: *Инсон қизиқ нарса, ўйлаб қаранг-а* (Ж. Абдуллахонов). *Иш вақтида ҳам ухлайдими одам, кўрнамак!* (Ж. Абдуллахонов). *Секретарь билан шунақа гаплашадими киши!* (А. Қаҳҳор).

2) Дона киши оти экстралингвистик сабабга кўра *-лар* олмайди. Масалан, *дада* сўзининг фақат якка шахсга нисбатан ишлатилиши, доим *-лар* олмаслиги объектив воқелик билан белгиланади: *Козимбек дадасининг бу кайфиятига эътибор бермабди шекилли...* (А. Қаҳҳор). Қиёс қилинг: *ота, она* сўзлари туққан кишини англатиб келса, *-лар* олмайди, аммо умулаштирилса, *-лар*

олиши мумкин: *нуроний оталаримиз, меҳрибон оналаримиз* каби (Бунда эгалик аффиксининг ҳам кўплик формаси қўшилади).

-лар олмаслик юқоридаги ҳолатларда асосан семантик сабабга кўра воқе бўлади. Бундан ташқари, синтактик сабабга кўра ҳам -лар қўшиб бўлмайдиган ҳоллар мавжуд. Бундай отлар асли -лар олади, фақат маълум синтактик шароитда -лар олмайди. Булар қуйидагича:

1) Соғ билан ифодаланган сифатловчиси бўлса: *тўрт колхозчи, йигирма бешта студент, саккиз-тўққиз киши* каби: *Саксон уч қиздан бу йил ўнинчи классни фақат олти киши битирди* (А. Қаҳҳор).

2) Ҳар бир, бирдан-бир, ҳар қанақа, унча-мунча каби сўзлар билан ифодаланган сифатловчиси бўлса (Бундай сифатловчидан ҳам миқдор тушунчаси англашилиб туради): *ҳар бир киши, ҳар бир бригада, бирдан-бир одам, ҳар қанақа кишини, унча-мунча одамга* (Ж. Абдуллахонов) каби.

3) Сифатловчи билан бирга бир гумон сўзи ҳам келса, сифатланмиш -лар олмайди: *Қаландаров энди худди тепасида улуг бир одам тургандай салобатини йўқотиб қўйди* (А. Қаҳҳор).

4) Изоҳловчи-изоҳланмиш конструкциясида биринчи компонент бўлиб келган от ҳам birlikда ишлатилади: *Сиз, ўртоқ Алиева, эркакларнинг ўрнига хотин-қизлардан қўйиш масаласини кўтарган эдингиз* (А. Қаҳҳор).

Киши отларида -лар аффикси одатда бир маънони — соф кўплик маъносини ифодалайди. Бундай маъно -лар аффикси абстракт отларга қўшилганида ҳам, конкрет отларга қўшилганида ҳам ифодаланади: *мусобақадошлар* — «биттадан ортиқ мусобақадош», *қизлар* — «биттадан ортиқ қиз» каби: *...сўзини мусобақадошларга раҳмат билан бошлаб...* (А. Қаҳҳор). *...коммунистларни бу иллатларга қарши омонсиз курашга чақирди* (А. Қаҳҳор).

Бошланғич, ёлғиз ҳолатида -лар билан шаклланиши мажбурий отлар киши отлари орасида йўқ (Жам киши отлари бундан мустасно, албатта), -лар билан ишлатилиш мажбурияти (-лар аффиксини ташлаб бўлмайдиган ҳолат) маълум синтактик-семантик сабабларга кўра воқе бўлади. Булар қуйидагилар:

1) Қаралмиши *бир, ҳамма* каби сўзлар билан ифодаланган бирикмада қаратувчи -лар олиб келади: *қизларнинг бири (қизлардан бири), хотинларнинг бир қисми, коммунистлардан яна бири, сўзга чиққанларнинг барчаси* каби: *«Жиноят қилган жазо олади-да, наҳот мукофот олса!» — деди қизлардан бири* (А. Қаҳҳор). *Ўртоқларингиздан биттаси ҳазилкаш экан* (Мирмуҳсин). *Болаларимизнинг каттаси ўн олтига қадам қўйди* (А. Қаҳҳор).

2) Қаралмиши *ичида, орасида* каби ўрин оти (кўмакчи от) билан ифодаланган бирикмада қаратувчи -лар олиб келади: *Сепоячилар ичида дам кўринмай...* (Ж. Абдуллахонов).

3) Сифатловчиси *ҳамма, бир қанча, қанчадан-қанча, айрим* каби сўзлар билан ифодаланган бирикмада сифатланмиш *-лар* олиб келади: *Қолхоздаги ҳамма қизлар...* (А. Қаҳҳор), *бир қанча эркаклар ўрнига* (А. Қаҳҳор), *қанчадан-қанча қаҳрамонлар* (Ж. Абдуллахонов), *айрим кишиларнинг* (Ж. Абдуллахонов) каби.

4) Сифатловчиси такрорий сўз ёки жуфт сўз билан ифодаланган бирикмада сифатланмиш *-лар* олиб келади: *девдай-девдай йиғитлар, катта-кичик болалар, қари-қари чоллар* каби: *Ахир девдай-девдай йиғитларга бас келиб ишлаш менга ҳам осонми?!* (Ж. Абдуллахонов).

5) Кесимининг (ёки қаралмишининг) семантикаси унга боғланган эганинг (ёки қаратувчининг) *-лар* олишини талаб қилади: *Одамлар тарқала бошлади* (А. Қаҳҳор) — *одамларнинг тарқала бошлаши* каби. Тарқалиш предметнинг биттадан ортиқ бўлишини тақозо қилади.

Нарса отларида сон

Атоқли нарса отлари, жам нарса отлари юқорида тасвирланди. Бу ерда дона нарса отлари ҳақида гапирамиз. Отларнинг семантик турлари орасида кўпчиликни худди шу турга мансуб отлар ташкил қилади.

Дона нарса отлари абстракт ҳам, конкрет ҳам бўлади, предметни ноякка ҳам, якка ҳам англатади, саналмайдиган предметни ҳам, саналадиган предметни ҳам билдиради (мисоллари қуйироқда).

Дона нарса отларининг кўпчилиги *-лар* олади. Бу тур отларда *-лар* олмайдиганлар одатда абстракт отлар бўлади. Конкрет отлардан *ой, қуёш* каби танҳо предметларнинг номларигина *-лар* олмайди (Булар терминологик маънода атоқли от деб қаралади ва бош ҳарф билан бошланади): *ой сингари* каби.

Абстракт отларнинг *-лар* олмайдиган тури асосан саналмайдиган предметларнинг оти бўлади. Саналадиган предметларнинг отларидан *-лар* олмайдиганларга *олам, ҳукм* кабиларни кўрсатиш мумкин: *Оламни мунаввар қилган...* (Ж. Абдуллахонов), *қурилиш оламига* (Ж. Абдуллахонов). *Мажлисда шундай руҳ ҳукм сурдики...* (А. Қаҳҳор).

Дона нарса отларининг *-лар* олмайдиганлари предметни якка англатади; предметни ноякка англата туриб *-лар* олмайдиган отга *кўпчилик, состав* кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин: *Қаландаров кўпчиликнинг фикрига қўшилишини кўрсатадиган бир тарзда сўз бошлади-ю...* (А. Қаҳҳор). *Сен бюро составига кирмасанг ҳам...* (А. Қаҳҳор).

Бу тур отлар орасида *-лар* олмайдиганлари кўпинча саналмайдиган предметни англатади. Буларни семантик тўдаларга бирлаштириш, бирор ташқи белгиси асосида изоҳлаш қийин, шу сабабли алфавит тартибида санаш билан кифояланамиз: *алфоз, ақл, бригадирлик, дил, диққат, зулмат, илож, ижро, ишонч, кайфият, кўмак,*

мазмун, муҳаббат, навбат, назар, ниҳоя, обрў, орият, паришонлик, раъй, рағбат, романтика, руҳ, салмоқ, салобат, севги, совлат, сукунат, тарбия, тарз, тартиб, тахлит, тақдир, теварак, тинчлик, турмуш, тус, фуқаропарварлик, характер, шаън, эс, юза, қиммат, ғазаб, ҳаёт, ҳайрат, ҳаловат, ҳамкорлик, ҳолат ва бошқалар.

Полисемантик лексемада унинг бир лексик маъноси -лар қўшишга йўл қўймаслиги, бошқа бир лексик маъноси эса йўл қўйиши мумкин. Масалан, *бўй* лексемаси «чет», «ёқа» маъносида -лар олади (*анҳор бўйида — анҳор бўйларида* каби), аммо «давом» маъносида -лар олмайди: *Айтмабидим ҳар бир босган қадамингиз умр бўйи эсда сақланиб қолади деб* (Ж. Абдуллаҳонов).

Шунингдек, *хил* лексемаси «тур» маъносида -лар олади (*Гулнинг хили кўп — Гулнинг хиллари кўп* каби), «тахлит», «йўсин» маъносида эса -лар олмайди: *...колхозни бу хилда радиолоштириш қимматга тушмайдими?! (А. Қаҳҳор)*.

Омонимлар ҳам бошқа-бошқа лексема сифатида, сўзсиз, ҳар хил сонланиши мумкин. Масалан, *мартаба* «ижтимоий мавқе, лавозим» маъноли лексема сифатида ҳам, «дафъа» маъноли лексема сифатида ҳам -лар олмайди. Аммо «олам» маъносили *дунё* лексемаси -лар олмайди-ю, «бойлик» маъносили *дунё* лексемаси -лар олади.

-лар олмайдиган отларнинг алоҳида бир группасини от кўмакчилар ташкил қилади: *ҳақ[и]да, тўғри[си]да, қошида, давомида, юзасидан* каби:... *Қаландаров ҳа қ и да бир гап топиб келдим...* (А. Қаҳҳор). *Шунинг учун бу ҳа қ д а ҳозир таъна қилиш эртароқ* (А. Қаҳҳор). *Кўзига хато кўринган нарса т ў г р и с и д а...* (А. Қаҳҳор)... *бу тўғрида қизлар хато қилишяпти.* (А. Қаҳҳор)... *ҳаммом қошидаги сартарошхонага...* (А. Қаҳҳор)... *бир неча кун да в о м и д а деворларни оқлатди* (А. Қаҳҳор).

Дона нарса отларига -лар қўйидагича синтактик сабабларга кўра ҳам қўшилмайди:

1) Сон билан ифодаланган сифатловчи бўлса: *яна бир латифа, бир тарсаки егандай, шу икки сўзни, иккала қўли билан, бир-икки савол, уч кун, тўққиз кун деганда, ўн йил бурун* каби.

2) *Бирмунча, бирон, бирор, бирорта, бирдан-бир, ҳар бир, ҳар қандай* каби сўз билан ифодаланган сифатловчиси бўлса (Бундай сифатловчидан ҳам миқдор тушунчаси англашилиб туради): *бундан бирмунча вақт бурун, бирон фикрни, бирор чора, бирорта ўрин, бирдан-бир ниятим, ҳар бир япроқни, ҳар қандай шароитда* каби.

3) Қаратувчиси *ҳар бир* каби сўз билан ифодаланган бирикмада қаралмиш -лар олмайди: *Ҳар бирининг кўкрагига тизга-мизни тираб...* (А. Қаҳҳор).

4) Атоқли от+турдош от конструкциясида *ҳар* икки сўз -лар олмайди: «*Социализм*» *колхозидан келадиган...* (А. Қаҳҳор).

5) Нумератив бўлиб келган от ҳам одатда -лар олмайди: *бир бўлак нонни, ярим газ чўккандай бўлди, бир пие́ла мусалас* каби ва бошқалар.

Бошланғич, ёлғиз ҳолатида *-лар* аффикси билан ишлатилиши мажбурий отлар нарса отлари орасида йўқ. *-лар* олиб ишлатилиш мажбурияти (*-лар* аффиксини ташлаб бўлмайдиган ҳолат) маълум синтактик-семантик сабабларга кўра воқе бўлади. Булар асосан қуйндагилар:

1) Қаралмиши бир, ҳамма каби сўзлар билан ифодаланган бирикмада қаратувчи *-лар* олиб келади: *бригада аъзоларидан бири, кулгига сабаб бўлган фактлардан бири* каби.

2) Сифатловчиси *баъзи, айрим, ҳар хил, кўп, бор* («барча» маъносида) каби сўзлар билан ифодаланган бирикмада сифатланмиш *-лар* олиб келади: *Баъзи ишларимиз кўнгулдагидек эмас (Мирмуҳсин)... айрим ҳолларда... ҳар хил гапларни тарқатиши мумкин (А. Қаҳҳор). Кўп дабдабали гаплар айтишди бизга (Ж. Абдуллахонов)... саҳродаги бор жониворлар...* (Ж. Абдуллахонов) каби.

3) Сифатловчиси такрорий сўз ёки жуфт сўз билан ифодаланган бирикмада сифатланмиш *-лар* олиб келади: *қизиқ-қизиқ фактлар (А. Қаҳҳор), ранг-баранг чироқлар (Ж. Абдуллахонов)* каби.

4) Қесимнинг семантикаси унга боғланган эганинг *-лар* олишини талаб қилади: *Қўйилган масалалар ҳам ҳар хил (Ж. Абдуллахонов)* каби.

5) Ўзаро грамматик боғланмаган, аммо семантик боғланишда бўлган икки сўздан биринчисида *-лар* ишлатиш иккинчисининг ҳам *-лар* олиб келишини тақозо қилади, натижада сон формаларида мувофиқлашув (том маънодаги грамматик мослик) юз беради: *ажойиб манзаралар кино кадрларидай югуриб чиқиб... (Ж. Абдуллахонов)*. Бу гапда *ажойиб манзаралар* деб ишлатиш ундан кейинги бирикманинг *-лар* олишини шарт қилиб қўйган.

6) Сифатловчининг семантикаси («биттадан ортиқ»лик тушунчасини билдириб туриши) сифатланмишнинг *-лар* олишини талаб қилади. Масалан, *теварақдаги чироқлар ўрнига теваарақдаги чироқ* деб ишлатиб бўлмайди, чунки *теварақ, атроф* каби сўзлар кўп нуқтани англатади, демак, кўп нуқтада чироқ ҳам кўп бўлади: ҳар бирида камида битта чироқ бор нуқталар кўзда тутилади.

Мана бу гапларда ҳам сифатловчининг семантикаси сифатланмишнинг *-лар* олишини тақозо қилади: *У тахлаб ташлаётган масалаларни мажлисга қўйиш керак (Ж. Абдуллахонов)... бўлинган қоғоз парчалари қўлдан чиқиб...* (Ж. Абдуллахонов).

Қуйидаги гапда уч сўз *-лар* олиб келган: *Ана шу кўзларда теваарақдаги чироқлар сингари ёрқин шуғлалар милтиллайди (Ж. Абдуллахонов)*. Бу сўзлардан биринчисини *-лар* аффиксиз ҳам ишлатиш мумкин; қолган иккисида *-лар* аффикси қатнашуви шарт. Булардан *чироқлар* сўзи сифатловчисининг семантикаси таъсирида *-лар* олиб келса, *шуғлалар* сўзи *чироқлар* сўзи билан сон формаси

бўйича мувофиқлашув асосида -лар олиб келган (Олдинги пунктга қаранг).

Дона нарса отларида -лар аффикси турлича маъноларни ифодалайди:

1) Сон нуқтаи назаридан ўрин отлари ва пайт отлари (биринчиси одатда абстракт, иккинчиси эса ҳам абстракт, ҳам конкрет бўлади) алоҳида ажралиб туради. Бундай отлар сифатловчи ёки қаратувчи олиб келади, ана шу сўзларнинг семантикасига боғлиқ ҳолда икки хил маънони ифодалайди:

а) соф кўплик маъносини ифодалайди: *бошқа жойларга ўрнатилади, бу жойларни обод қилиш учун, шундай жойларни, бу ерларнинг келажаги ҳақида, қақроқ ерларда энг яхши дамларни, шундай оғир дамларда, норма ошиб кетган чоқларда, шу жазирама кунлар иссиғи, уруш йилларини эслаш каби;*

б) чама-тахмин маъносини ифодалайди, *Москва остоналаридан, булоқ бўйларида; дастлабки вақтларда, ўша маҳаллар, яқин кунларда* каби.

Мисоллар кўрсатадики, қаралмиш бўлиб келган ўрин отидаги -лар чама-тахмин ифодалаши учун қаратувчи географик от (ўрин оти) билан ифодаланиши лозим. Пайт отларига нисбатан бундай белгини кўрсатиш қийин.

2) Ўрин ва пайт отларини истисно қилсак, қолган абстракт отлар «кўп+ҳар хил» маъносини ифодалайди: *ғийбатлар тўқшиша, мардликлар талаб қилувчи, ўтмиш сарқитлари; гумонлар, тахминлар туғдирган бўлса ҳам, янгиликлар вужудга келишига, чўпчакда ҳам йўқ бу гаплар, нафис товушлар эшитиларди, бунақа ишларни, бу иллатларга қарши, арзигулик нарсаларимиз йўқ экан, ажойиб манзаралар, ўз олдига катта мақсадлар қўйган одам, трассадаги тартибсизликлар* каби.

3) Конкрет ноякка отларда -лар аффикси қуйидаги маъноларни ифодалайди:

а) якка-қўш маъно турида «кўп+ҳар бири» (доналарни таъкидловчи кўплик) маъносини ифодалайди: *кўзлари милтиллаб, унинг кўзлари катта-катта, қора қошларига, қулоқларни қоматга келтириб* каби;

б) якка-кўп маъно турида соф кўпликка яқин маъно ифодаланади: *сочлари тўзғиб кетган бир қиз, силлиққина сочлари орасидан* каби;

в) тўда отлари турида «кўп+ҳар хил» маъносини ифодалайди: *Ўрмонлардан ёғоч кесиб келиб* каби.

4) Конкрет якка отларда -лар аффикси ифодалайдиган маънолар қуйидагича:

а) саналадиган предметларни англатадиган турида соф кўплик маъносини ифодалайди: *мактабларга, лампочкалар, фермалардаги, қишлоқларга, кўприкларни, гуллар, далалар, қўйлар, каттакон ҳовлиларга, агрегат ғилдирақлари, жийда япроқлари, гўзал шаҳарларни, муздай тўлқинлар, узун скамейкалар* каби;

б) саналмайдиган предметни англатувчи турида жисм отларига қўшилиб, «кўп+мўл» маъносини ифодалайди: *Қулларни аста сийпалаб юрган шамол...* (Ж. Абдуллахонов)... *дарё кучли қарсиллаб, музлар ёрилди* (Ж. Абдуллахонов);

в) саналмайдиган предметни англатувчи бадан, эт каби сўзларга қўшилиб, «кучайтирув» маъносини ифодалайди: *Декабрнинг қаҳратон соғури этларни ялар эди* (Ж. Абдуллахонов). *Баданлари музлаб кетди*;

г) ҳар кимда биттадан мавжуд юрак, бош каби аъзоларнинг номига қўшилса ҳам «кучайтирув» маъноси ифодаланади: *Юракларим ёрила ёзди. Бошларимни қотириб юбординг* каби ва бошқалар.

Турдош отлар уюшиб келса, сон жиҳатдан икки хил бўлади:

а) уларнинг барчаси соннинг бир формасида бўлади: ...*боғлар ҳам, гуллар ҳам, тўй-у томошалар ҳам* (Ж. Абдуллахонов) — барчаси кўплик формасида; *икковининг топганидан шундай ҳовли-жой, шундай рўзғор орттириб бўлармикан?* (А. Қаҳҳор) — барчаси бирлик формада;

б) уларнинг баъзиси бирлик формасида, баъзиси кўплик формасида бўлади: ...*жилваланиб турган мебеллар, ҳеч қаерда кўрилмаган каттакон ялтироқ радиоприёмник, ...деворларга осилган аломат суратларнинг зарҳал рамкалари кўзни жимирлатиб юборар эди* (А. Қаҳҳор). Бу мисолда уюшувчиларнинг биринчи ва учинчиси кўплик формасида, иккинчиси эса бирлик формасида келган.

Уюшиб келган турдош отларда -лар аффикси икки хил ишлатилади:

1) Уюшувчиларнинг ҳар бирига қўшилади ва лексеманинг семантикасига боғлиқ ҳолда ҳар хил маънони ифодалайди:

а) соф кўплик маъносини ифодалайди: *Партбюро коммунистлар, актив комсомоллар, партиясиз активлар кўмагида...* (А. Қаҳҳор) ...*вайрон бўлган йўлларни, кўприкларни тиклашарди* (Ж. Абдуллахонов);

б) «кўп+ҳар хил» маъносини ифодалайди: ...*мажлисда айтилган гаплар, очилган иллатлар, ўртага ташланган фикрларга катта аҳамият бериб...* (А. Қаҳҳор).

2) Уюшувчиларга яхлитловчи форма сифатида қўшилади, бунда -лар аффикси «кўплик+жамлаш» маъносини ифодалайди (кўплик маъносига жамлаш маъноси қўшилади): ...*мактаблардан чопқиллаб чиқаётган йигитча, қизчалар...* (Ж. Абдуллахонов). ...*чодир, бараклардаги суҳбат* (Ж. Абдуллахонов). ...*хотин-халажни йиғиб, уларнинг ҳол-аҳволини, талаб ва эҳтиёжларини билмоқчи бўлди* (А. Қаҳҳор). Бундай ишлатишда -лар аффикси гўё қавслардан ташқарига чиқарилган бўлади: (йигитча, қизча)лар, (чодир, барак)лар, (талаб ва эҳтиёж)лар каби.

Отдан бошқа туркумларда сон категорияси

Сон категорияси отларга бирламчи грамматик форма сифатида мансуб. Бошқа туркумлар шу грамматик категория нуқтаи назаридан (шунингдек, нисбатлаш ва келишик категориялари нуқтаи назаридан ҳам) иккига группаланеди:

1. **От тип лексемалар.** Буларга сон категорияси бирламчи форма сифатида хос. Масалан, от сўроқ олмошларда шундай: *Бунинг оқибати нима бўлишни...* (А. Қаҳҳор) — бирликда; *...ер ўзлаштиришнинг замирида яна нималар ётганига, ўша нималардан қандай янгиликлар вужудга келишига ақлимиз етмасди* (Ж. Абдуллахонов) — кўplikда; *Бунга ким, кимлар монелик қилди?* (А. Қаҳҳор) — бирлик ва кўplikда; *Ҳой, менга қара, қарда катта бўлгансизлар?* (А. Қаҳҳор) — бирликда ва бошқалар.

Юқоридагича ҳолат от гумон олмошларига ҳам хос: *алланима—алланималар, аллаким—аллакимлар* каби.

Сон феълнинг ҳаракат номи формасига ҳам хос. Юқоридаги олмошлардан фарқи шуки, ҳаракат номи одатда сон категориясининг бир формасида—бирлик формасида келади: *исбот қилишга тиришиб, ўз иззатида туриши, тушунтиришимиз керак, қачон келиши* каби. Кўplik формасида (*тушунтиришлар ўтказиш* каби) ишлатиш жуда кам учрайди. *Туришлари* каби ишлатишда эса сон категориясининг кўplik формаси эмас, балки *-лари* эгаллик морфемаси қўшилади.

Сон категориясининг фақат бирлик формасида ишлатилиш ҳеч ким, ҳеч нима каби от инкор олмошларига ҳам хос: *Ҳеч кимнинг қўлидаги ойболтани туширишга қурби етмасди* (Ж. Абдуллахонов).

Олмошлар қаторига киритилувчи ўз таъкид сўзи ҳам сон категориясининг бирлик формасида ишлатилади: *ўзини ўнглаб олиш учун, ўзи раислик қилганига қарамай, ўз кабинетида* каби. Юқорида таъкидланганидек, *ўзлари* каби ишлатишда сон категориясининг кўplik формаси эмас, *-лари* эгаллик кўрсаткичи қатнашади.

От олмошларнинг яна бир тури—кишилик олмошлари ўз табиатиға кўра шахс ҳамда сон маъносини билдиради, шу сабабли сон категорияси нуқтаи назаридан махсус кузатишни талаб қилади. Кишилик олмошларидан фақат *мен* олмоши *-лар* олмайди. Қолган кишилик олмошларига *-лар* қўшилса, олмош негизи билдирган сон маъноси билан *-лар* ифодалайдиган маъно орасида ўзаро таъсир этиш воқе бўлади, булар алоҳида изоҳлашни талаб қилади.

2. **Отлашувчи лексемалар.** Бундай лексемаларга сон категорияси иккиламчи форма сифатида қўшилади. Сон формасини шундай қўшиш:

1). Сифат отлашганда воқе бўлади: *бошқаларнинг* (яъни *бошқа кишиларнинг*) *меҳнатига, беодоблар хуружидан, катталар-*

ни бетга чопар, кичикларни шапшак қилиб, . . . дейишарди баъзилар; биз бечораларга қийин, ғийбатлар тўқишга м о ҳ и р л а р г а ч а бор эди каби.

Юқоридаги мисолларда отлашиш сифат негизига отлик грамматик категорияси формасини бевосита қўшиш билан юз беради. Бу—асосий ҳолат. Сифат негизининг аввал -лик аффиксини олиб отлашуви ҳам мавжуд (Бу аффиксдан кейин сонлаш формаси ўз-ўзидан қўшилади): *семизлигидан нолиб (семиз эканлигидан нолиб)* каби.

2) Сифат олмош отлашганда воқе бўлади:

а) кўрсатиш олмошлари сон категориясининг ҳар икки формасида ишлатилади: *одамлар бундан фойдаланиб, ҳамма шунга кўнди, ўша айтди, унда тортишув бошланади-ю*—бирликда; *буларни пайқамайдиган қилиб қўйган, буларнинг ҳаммасини сезд*и — кўпликда;

б) *ҳамма, барча, ҳар бир* каби белгилаш олмошлари одатда сон категориясининг бирлик формасида келади: *ҳаммаси акс натижа берар эди*—ёлғиз ўзи эгалик олиб келиши; *сўзга чиққанларнинг ҳаммаси*—қаралмиш бўлиб келиши; *ҳамма шунга кўнди, ҳаммадан мана шу ёмон, барчага ибрат кўрсата бошлади*—эгалик қўшилмаган ҳолда отлашуви (том маънода отлашиш асли шу охиргисида содир бўлади).

3) Сон лексема отлашганда воқе бўлади: *ҳали ўн олтига тўлиб-тўлмаган Латифжон . . .* (Ж. Абдуллахонов). Сон лексема қаралмиш бўлиб келганида ҳам гўё отлашиш юз беради: *қизларнинг бири, бухгалтерия ходимларидан бирининг* каби.

Биринчи тип мисолларда сон лексема сон категориясининг ҳар икки формасида ишлатилади: *ўн олтига*—*ўн олтиларга* каби. Бу ерда -лар аффикси чама-тахмин маъносиёй ифодалайди. Иккинчи тип мисолларда сон лексема бирлик формасида ишлатилади.

Сутканинг маълум нуқтасини билдирувчи конструкцияларда сон лексема сон категориясининг ҳар икки формасида ишлатилади: *соат тўққизда*—*соат тўққизларда* каби. Бу ерда ҳам -лар аффикси чама-тахмин маъносини ифодалайди.

4) Баъзи сифат тип равишлар ҳам отлашиб, сон категориясининг фақат бирлик формасида ёки ҳар икки формасида келади: *кўндан бери (кўп вақтдан бери), яқинда (яқин пайтларда), илгари—илгарилар* каби. Мисоллар кўрсатадигани, отлашиш пайт равишларида, қисман миқдор равишларида содир бўлади. Бу ерда ҳам -лар аффикси чама-тахмин маъносини ифодалайди.

5) Сифатдош формасидаги феъл лексема асли сифатловчи ҳолатида бўлиб, сифатланмиш эллипслаган, отлашади: *Сўзга чиққан—укам—сўзга чиққанларнинг ҳаммаси; дарров ақл ўргатадиган (ақл ўргатадиганлар) топилади* каби. Бу ерда -лар аффикси соф кўплик маъносини ифодалайди.

Сифатдош формасидаги феъл лексема ўрин келишиги форма-

сини олиб, пайт ҳолини шакллантирганида ҳам отлашиш юз беради, бундай конструкция сон категориясининг бирлик формасида ишлатилади: *халойиқ гур-гур кулганда (кулган пайтда), гап шу ҳақда бораётганда (бораётган пайтда)* каби.

Сифатдош формасидаги феъл лексема бошқача ҳолатда келишик формасини (кўпинча эгаликни ҳам) олиб келса, гўё сон категориясининг бирлик формасида бўлади; аммо бу ерда том маънодаги отлашиш рўй бермайди: сон, эгалик, келишик категорияларининг формаси бевосита шу вазифаларнинг ўзи туфайли кўшилади. Бундай конструкцияларда сон категорияси қатнашади десак, фақат бирлик формаси келишини таъкидлаш зарур: *одамлар тарқалгандан кейин, ўзи раислик қилганига қарамай, масалани кескин қўйгани учун, бунинг замирида нима ётганини, отасининг айтганидан зиёда қилиб, гап дарахтнинг эгри-бугри ўсганида эмас* каби.

Кейинги тип конструкцияларда *-лик* аффикси ҳам баъзан қатнашади, аммо у факультатив ҳолатда бўлиб, сифатдошни отлаштиради (от формага киритади), грамматик табиати жиҳатидан форма ясовчига тенг келади: *Меҳрининг ўқишга юборилганига (юборилганлигига), коллективни менсимаётганидан (менсимаётганлигидан)* каби ва бошқалар.

-лар кўрсаткичининг эгалик, тусловчи таркибида келиши

Эгалик билан тусловчи шахс ва сон маъносини ифодаловчи форма бўлиб, ўзаро фарқли грамматик моҳиятга эга. Буларда сон маъноси шахс маъноси билан биргаликда ифодалангани, сон кўрсаткичи вазифасида одатда махсус формалар келади. Шу билан бирга, *-лар* аффиксидан ҳам ўрни билан фойдаланилади. Бундай ишлатилувчи *-лар* кўрсаткичи сон категориясининг формаси эмас, балки эгалик ёки тусловчининг таркибий қисми сифатида намоён бўлади.

-лар кўрсаткичининг нисбатловчи таркибида қатнашуви қуйида баён қилинган («эгалик категорияси» баҳсига қаранг).

-лар кўрсаткичининг тусловчилар таркибида ишлатилиши феъл туркумида тасвирланади («Тусланиш» баҳсига қаранг). Бу ерда бир неча мисол келтириш билан кифояланамиз:

1) Аниқлик майлининг III шахс тусловчилари таркибида келиши:

а) *Одамлар бир-бирларига кўмак берадилар* (Ж. Абдуллахонов). *Қуюқ тўфон ичида нималар бўлаётганини билмай қолдилар* (Ж. Абдуллахонов). . . . *муздай тўлқинлар билан мардларча олишадилар* (Ж. Абдуллахонов)—III шахснинг кўплик формаси;

б) *Сизни Хўжаназар ака сўраб келдилар* (Ж. Абдуллахонов). *Бу аёл онангиз бўладиларми?* (Ж. Абдуллахонов) — III шахс бирлигининг сизлаш формаси.

2) мақсад майлининг III шахс тусловчиси таркибида келиши: *Кеча келиб, бугун дарров янги тартиб ўрнатмоқчи-*

лар (Ж. Абдуллахонов)—III шахс бирлигининг сизлаш формаси.

3) Буйруқ майли III шахс тусловчиси таркибида келиши: *Меҳнатга бошқача меҳр қўйсинлар* (Ж. Абдуллахонов) — III шахснинг кўплик формаси.

4) Аниқлик майли II шахс тусловчиси таркибида келиши: *Ҳадеб қулоқни[нг] тагида ногора қоқаверасизларми?!* (Ж. Абдуллахонов).

5) Истак майли III шахс тусловчиси таркибида келиши: *Қўйсаларинг-чи қонунда йўқ гапларни* (Ж. Абдуллахонов) ва бошқалар.

Кўринадики, тусловчи таркибида *-лар* кўрсаткичи ё кўплик маъносини, ёки сизлаш маъносини ифодалашга хизмат қилади.

ЭГАЛИҚ КАТЕГОРИЯСИ

Бирор негизга келишиқ категорияси формасидан олдин, аммо сон категорияси формасидан кейин қўшилиб, ўзи қўшилган негиздан англашилувчи предметнинг (ёки предмет деб тасаввур қилинадиган белги, ҳаракатнинг) бирлик ёки кўпликдаги уч шахсдан бирига нисбат берилаётганини ифодаловчи морфемага эгалиқ аффикси дейилади. Эгалиқ олиб ўзгариш ва шундай ўзгаришни бирлаштирувчи системага эса эгалиқ категорияси дейилади.

Бу грамматик категориянинг асосий аффикслари қуйидагилар: *-м, -миз; -нг, -нгиз, -нглр, -ларинг, -и, -лари.*

Эгалиқ аффиксларининг адабий нутқдаги фонетик вариантлари масаласи осон ҳал бўлади. Бу ерда эгалиқ билан у қўшиладиган негиз орасидаги фонетик муносабат кўзда тутилади. Шу нуқтаи назардан юқорида саналган аффикслар иккига группаланади:

а) *-лар* кўрсаткичи билан бошланадиган аффикслар негизга тўғридан-тўғри қўшилади: *ўзларинг, ўзлари* каби;

б) қолган аффикслар олдидан туташтирувчи товуш қўшилади. Бу аффикслардан биттаси (*-и*) унли товуш билан, бошқалари эса ундош товуш билан гавдаланган ёки ундош товуш билан бошланади.

I, II шахснинг *-им, -имиз, -инг, -ингиз, -инглр* аффиксларида шахс кўрсаткичи *-м, -нг* эканлиги шубҳасиз. Демак, эгалиқ олдидан қўшиладиган *и* унлиси фонетик талабга кўра ишлатилади, бу унли эгалиқ аффиксини (унинг бошланишидаги ундош товушни) негиз охиридаги ундош товушга «елимлайди».

I, II шахсларда товушларни туташтирувчи восита бўлиб *и* унлиси келса, III шахсда худди шундай вазифа *с* ундошига юкланган. Фонетик қонуният нуқтаи назаридан бу шахсда унли эмас, ундошнинг келиши ўз-ўзидан табиий: ундошлар орасида унли, унлилар орасида ундош. Қийинчилик бошқа томонда: *с*

товуши туташтирувчи товуш вазифасида эканини тасдиқловчи яна бирор далил топиш қийин.

Ортгирма товуш назариясига қарши чиқувчилар фикрига қўшилса, *с* ундошини бу морфемага азалдан мансуб деб қарашимиз керак. Унда III шахс эгалигининг *-и* варианты аффикс бошидаги *с* ундошини ташлаш натижасида туғилган деб ҳукм чиқариш лозим. Бундай фикрни исбот қилиш товуш орттирилганини исботлашдан ҳам қийин. Ҳар икки ҳолатда исботлашдан қочиш *-и* билан *-си* ни иккита морфема деб қарашга олиб келди. Бунга мутлақо қўшилиб бўлмайди, чунки айни бир грамматик шахсни ифодалайдиган, на маънода ва на бошқа бирор жиҳатида ўзаро фарқ қилмайдиган иккита морфема тилда узоқ яшаши мумкин эмас.

Ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ҳар уч эгалик кўрсаткичларига ягона ўлчов билан ёндашиш, ҳар уч шахсда товуш орттириш ҳодисаси рўй беришини тан олиш тўғри.

Демак, эгалик кўрсаткичининг адабий нутқдаги фонетик вариантланиши бундай аффикс қўшиладиган негизнинг унли ёки ундош товуш билан тугашига бог-

лиқ ҳолда юзага келади. I, II шахсларда унли билан тугайдиган негизларга эгалик аффиксининг асосий фонетик варианты (эгалик соф ҳолда) қўшилади, ундош билан тугайдиган негизларга эса эгалик аффикси тўғридан-тўғри қўшила олмайди, шу сабабли икки бир хил товуш (ундош-ундош) орасида туташтирувчи унли товуш қатнашади. III шахсда, аксинча, ундош билан тугайдиган негизларга эгалик аффиксининг асосий фонетик варианты (эгалик соф ҳолда) қўшилади, унли билан тугайдиган негизларга эса эгалик кўрсаткичи тўғридан-тўғри қўшила олмайди, икки бир хил (унли—унли) товуш орасида туташтирувчи ундош товуш қатнашади. Туташтирувчи товуш вазифасини ундошлар орасида *и* унлиси, унлилар орасида эса *с* ундоши бажаради. Демак, бу икки товуш эгалик кўрсаткичларининг фонематик таркибига кирмайди. Айтилганларни схемада юқоридагича кўрсатиш мумкин:

Эгалик аффиксини қўшиш муносабати билан баъзи бошқача фонетик ҳодисалар ҳам рўй беради:

1. Иккинчи бўғинида *и*, *у* тор унлси қатнашадиган икки бўғинли негизга (бундай негиз бирлик формасида келганида) эгалик аффикси қўшилса, иккинчи бўғинидаги тор унли редукцияга учрайди (талаффуз қилинмайди): *оғиз* — *оғзим*, *оғзинг*, *оғзи*; *бурун* — *бурним*, *бурнинг*, *бурни* каби.

Туташтирувчи товуш		Эгалик аффикси
ундошдан кейин	унлидан кейин	
—	—	<i>ларинг лари</i>
—	—	
<i>и</i>	—	<i>м</i>
<i>и</i>	—	<i>миз</i>
<i>и</i>	—	<i>нг</i>
<i>и</i>	—	<i>нгиз</i>
<i>и</i>	—	<i>нглар</i>
—	<i>с</i>	<i>и</i>

Бундай фонетик қойданинг иш доираси жуда чекланган; бунда негиз: а) ўзбекча бўлиши, б) от туркумига мансуб бўлиши, в) икки бўғинли бўлиши, г) туб бўлиши, д) унлилари *о—и, ў—и, и—и, у—у* йўсинда жойлашган бўлиши; е) биринчи бўғини очиқ, иккинчи бўғини ёпиқ бўлиши; ж) иккинчи бўғин *н, л, з* ундоши билан тугаши лозим.

Бу шартлардан бирортасига тўғри келмаса, юқоридагича фонетик ўзгариш воқе бўлмайди: *қонун, сокин; бўғин, бутун; тўлқин* каби. Ҳатто юқоридаги талабларга жавоб берувчи *қулун, кукун, чивин, хотин, лочин* каби негизлар ҳам бу қойдага бўйсунмайди: *қулуним, лочининг, чивини* каби.

2. Шу типга мансуб *сингил*- негизи III шахс эгалик аффикси олганида яна бир фонетик ҳодиса юз беради: *сингил-им, сингил-инг, сингил-и-си*. Қўринадик, I, II шахсларда эгалик аффиксининг ундош товушдан кейин қўшиладиган фонетик варианты ишлатилади, III шахсда эса бошқача ҳолат воқе бўлади. *Сингил-и-си* каби ишлатишда эгалик аффикси деб *-си* аффиксини ажратиш тўғри. Негиз (*сингил-*) билан *-си* аффикси орасида келувчи *и* нима? Бошқа негизларда бу *и* III шахс эгалик аффикси бўлиб келади: *ўрн-им, ўрн-инг, ўрн-и* каби. Шундан келиб чиқиб *сингелиси* сўзида икки марта эгалик аффикси қўшилади деб ўйлаш мумкин. Асли бу ердаги *и* товуши I, II шахсдаги ҳолатга аналогия йўли билан сақлаб қолинган, чунки бу товуш эгалик кўрсаткичи деб эмас, негиз билан эгалик аффиксини туташтирувчи товуш деб тушунилган, III шахс эгалик аффикси шундан кейин қўшилади деб ўйланган, шу сабабли эгалик аффиксининг унлидан кейин қўшиладиган варианты ишлатилган. *Сингелиси* сўзидаги орада келган унлини эгалик аффикси эмас дейишга бошқа бир асос ҳам бор: шу *и* товушини олган негиз сонлаш ва келишик категорияларининг формасини олиб, мустақил сўз сифатида ишлатила олиши лозим эди, ваҳолонки *синглига, синглиларни* каби ишлатилмайди (*сингилларни* — бу бошқа форма!). *Сингилларини* каби ишлатиш ҳам *сингли-* таркибдаги *и* товуши негизга ўтиб кетганини кўрсатади.

Хуллас, *сингил*- негизининг яна бир варианты бор бўлиб, бу вариант (*сингли-*) эгалик аффикси қўшишда намоён бўлади: *сингли-м, сингли-нг, сингли-си* каби. Этимологик жиҳатдан бу *и* товуши — негиз билан эгалик аффикси орасидаги орттирма товуш, ҳозирги тил нуқтаи назаридан эса негизнинг таркибига ўтиб қолган. Агар бундай фонетик-морфологик ўзгариш воқе бўлмаса эди, *-си* эгалик аффиксини қўшишга асос туғилмас эди.

Шунга ўхшаш ҳодиса *бириси* сўзида ҳам содир бўлган: *бир-и-нг, бир-и-миз, бир-и-ингиз* каби ишлатишда *и* — туташтирувчи унли, аммо *бир-и* каби ишлатишда эса *и* — III шахс эгалик аффикси. Қўринадик, бу ўринда III шахс эгалик аффиксининг ундош товушдан кейин қўшиладиган варианты ишлатилади; *сингелиси* сўзида эса бу эгалик аффиксининг унлидан кейин қўшиладиган варианты ишлатилади. I, II шахсдаги *бир-и-миз, бир-и-нгиз* каби ишлатишларга аналогия йўли билан (тақлидан) III шахсда ҳам

бир-и-си каби ишлатиш рўй берган. Бундай ишлатишда эгалик аффикси деб охириги *-си* аффиксини ажратиш тўғри, ундан олдинги *и* эса морфологик моҳиятини йўқотиб, икки ундош орасидаги ту-таштирувчи товуш ҳолатига ўтган.

Юқорида таъкидланган ҳодисалар адабий нутққа мансуб, аммо у ерда жуда чекланган. Жонли сўзлашувда, аниқроғи — болаларга қаратилган нутқда бундай аналогия йўли билан ишлатиш анча кучли: *қонниси оғрияпти, бунниси оқипти, оғзисини артип қўйинг* каби. Ҳатто бир бўғинли негизда ҳам учрайди, *кўзиси оғрипти* каби.

III шахс эгалик аффикси кўрсатиш олмошларига қўшилганида ҳам юқоридагича ўзгаришлар рўй беради, бунинг устига яна кўрсатиш олмоши охирида ундош ҳам қатнашади, *шу-н-и-си* каби. Демак, кўрсатиш олмошининг негизи икки вариантли: *шу-* — *шун-* (тарихан *шул-* бўлган, албатта). Бу *н* товуши ҳар уч шахс эгалик аффиксини қўшишда қатнашади: *бу-н-им, бу-н-инг, бу-н-и-си*.

Кўринадики, II шахс эгалик аффиксини олган ҳолат қаратқич келишиги формасини олган ҳолат билан омонимия ҳосил этади: *бун-инг* — *бунинг*. Бундай омонимиядан қутулиш қийин (синтактик боғланиш уларни ажратиб беради).

Агар *бун-* негизига III шахсда *-и* аффиксини қўшсак, яна омонимия туғилар эди: *бу-ни* — *бун-и*. Бир томондан, юқорида тасвирланган аналогия ҳодисаси таъсирида, иккинчи томондан, омонимиядан қутулишга интилиш сабабли III шахсда эгалик аффиксини *бун-и-си* шаклида қўшиш расм бўлгандир.

3. Эгалик аффикси таъсирида негиз охиридаги *қ, к* жарангсиз ундош товуш жаранглилашади (интервокал ҳолатда жарангсиз товуш жарангли жуфтига айланади): *ўртоқ + им* → *ўртоғим, истак + им* → *истагим* каби.

Аммо бу қонданинг ҳам иш доираси чекланган: а) негиз бир бўғинли бўлмаслиги шарт (бундан *ёқ, йўқ* сўзларигина истисно: *ёқ* → *у ёғи, йўқ* → *йўғида* каби); б) кўп бўғинли бўлса, арабча бўлмаслиги лозим: *ямоқ* → *ямоғи, суяк* → *суяғи, станок* → *станоғи, галстук* → *галстуги*, аммо *иттифоқ* → *иттифоқи, идрок* → *идроқи* каби.

Жаранглилашиш ҳодисаси баъзи икки бўғинли араб сўзларига ҳам секин-аста ёйилмоқда (бу ҳол шу сўзларнинг кўп ишлатилиши, ўта ўзлашиб кетиши билан боғлиқ, албатта): *табрик* → *табриғи, маслак* → *маслағимиз, тасдиқ* → *тасдиғидан кейин; Раззоқ* → *Раззоғинғиз, ошиқ* → *ошиғи* (охирги сўзнинг ўзбекча сўз билан омонимлиги ҳам таъсир этган).

Эгалик аффикслари айни вақтда икки маънони — шахс ва сон маъносини — ифодалайди. Шунга мос ҳолда эгалик аффиксларининг асосий қисми мураккаб таркибли бўлиб, шахс кўрсаткичи билан сон кўрсаткичидан тузилган (буни қуйроқда баён қиламиз).

Эгалик аффикслари системасида ўзаро фарқланиш (бошқа-бошқа товуш воситасида гавдаланиш) аввало шахс кўрсаткичларига хос: *-м, -нг, -и*. Бу шахс кўрсаткичлари бирлик ва кўпликда бир хилдир.

Шахс кўрсаткичини I, II шахсларда ундош товуш, III шахсда эса унли товуш гавдалантиради. Бу белги I, II шахс формаларини ўзаро бирлаштиради ва III шахс формасидан фарқлайди. Бундай ички бирлашиш ва ажралиш (қуйироқда таъкидланган бошқа белги-хусусиятлар ҳам) эгалик аффикслари икки босқичда (I, II шахслар алоҳида, III шахс алоҳида) юзага келганини кўрсатади. Масалага кенгроқ ёндашсак, масалан, тусланиш категорияси (кесимдаги шахс-сон) формаларини ҳам назарда тутсак, юқорида айтилган фикрни исботлашга эҳтиёж қолмайди.

Эгалик аффикслари таркибида одатда аввал шахс кўрсаткичи, кейин сон кўрсаткичи жойлашади: $-m + уз$, $-нг + уз$ каби. Демак, I, II шахс кўплик аффикслари шахс кўрсаткичи билан сон кўрсаткичининг бирлашувидан таркиб топган. Шуларга сонда зид қўйилувчи аффикслар эса фақат шахс кўрсаткичи деб қаралиши мумкин. Ҳақиқатда, $-m$, $-нг$ фақат шахсни ифодалайди. (Бу таъбиосини кўпликда ҳам айнан сақлайди). Модомики кўплик алоҳида кўрсаткич қўшиш билан ифодаланар экан, шунга зид қўйилувчи бирлик формаси ҳақида ҳам гапириш лозим. Эгалик категориясининг бу формаларида, худди сон категориясининг формаларидаги каби, бирликнинг товуш ифодаси йўқ, у ноль кўрсаткичли морфема билан ифодаланади: $-m + \emptyset$ — $-m + уз$, $-нг + \emptyset$ — $-нг + уз$.

Бундай оппозиция (ноль кўрсаткичли ҳолат—мусбат кўрсаткичли ҳолат) бу грамматик категория формасига яхлитлигича эмас, балки унинг таркибидаги бир қисмга хос. Шу сабабли сўзнинг морфематик структурасини белгилашда эгалик аффикси таркибидаги бирлик формасини алоҳида (\emptyset белгиси билан) кўрсатишга эҳтиёж йўқ. Бу ўринда \emptyset белгисини қўйиш эгалик аффиксини этимологик таҳлил қилишда зарур. Эгалик аффиксининг ҳозирги ҳолатидан келиб чиқиб бирлик учун \emptyset қўйиш ягона грамматик категорияга бирлашувчи шахс ва сонни иккита мустақил грамматик категорияга ажратиб юбориш бўлади.

Ҳозирги ўзбек тилида эгалик аффикслари морфологик вариантларга деярли эга эмас. Фақат II шахснинг кўплик формасида учта морфологик вариант мавжуд: *шаҳарингиз* — *шаҳаринглар* — *шаҳарларинг*. Кўринадики, бу морфологик вариантлардан иккинчиси кўплик кўрсаткичини бошқаси билан алмаштириш йўли билан ($-из \rightarrow$ -лар). Дучинчиси эса, бундан ташқари, шахс кўрсаткичи билан сон кўрсаткичини ўрин алмаштириш натижасида пайдо бўлган.

II шахс эгалик аффиксидаги бундай вариантланиш бу мураккаб аффикс таркибидаги сон кўрсаткичи ўлик эмаслигидан дарак беради.

Юқорида келтирилган уч морфологик вариантдан биринчиси касосий вариант бўлиб, адабий тил учун ва жонли сўзлашув учун ўмумий; иккинчи, учинчи морфологик вариантлар эса жонли сўзлашувга мансуб.

II шахс эгалик аффиксининг *-ларинг* варианты ўз таркибидаги қисмларнинг жойлашуви жиҳатидан III шахснинг *-лари* аффиксига ўхшайди. Қиёс қилинг, *-миз* — *-нгиз*, *-нглар*, *-ларинг* — *-лари*.

Демак, I шахс эгалик аффиксининг кўплик формаси бир вариантли, таркибида аввал шахс кўрсаткичи, кейин сон кўрсаткичи жойлашган. II шахс кўплигининг биринчи, иккинчи варианты шу жиҳати билан учинчи вариантдан фарқ қилади, демак, бу шахс эгалик аффикси таркибидаги қисмлар икки хил жойлашади. III шахснинг *-лари* аффикси таркибида эса аввал *-лар* кўрсаткичи, кейингина шахс кўрсаткичи келади.

Кўринадики, *-лар* кўрсаткичининг шахс кўрсаткичидан олдин жойлашуви фақат III шахсда эмас, қисман II шахсда ҳам воқе бўлади. Юқоридагича жойлашув ҳурмат формасининг ишлатилишида ҳам юз беради («Ҳурмат формаси» баҳсига қаранг).

Маъно мундарижаси жиҳатидан I, II шахс бирлик эгалик аффикслари бошқаларидан фарқ қилади, булар бир маъноли: *-и* I шахс бирликни, *-ни* II шахс бирликни ифодалайди.

I шахснинг кўплик формаси, II шахс кўплигининг эса адабий тилга хос варианты полисемантик: *оиламиз 1* — «бизнинг оиламиз», *оиламиз 2* — менинг оилам; *оилангиз 1* — «сизнинг оилангиз», *оилангиз 2* — «сенинг оиланг». Биринчи мисоллар кўп шахсга модал маъно жиҳатидан нейтрал ҳолда нисбатлашни ифодаласа, иккинчи мисоллар яқка шахсга модал маъноли нисбатлашни ифодалайди. Демак, бу аффикслар биринчи маъносида шу шахсларнинг кўплик формаси деб, иккинчи маъносида эса шу шахслар бирлигининг модал маъноли формаси деб қаралиши лозим.

Юқоридаги икки эгалик аффикси маъноларининг активлиги; асосийлиги жиҳатидан ўзаро фарқ қилади: I шахс аффикси учун асосий маъно — кўплик маъноси, II шахс аффикси эса одатда бирлик маъноси учун ишлатилади. Бундай ҳол II шахсга сизлаб мурожаат қилиш ўзбекча нутқда жуда кучли эканлиги билан изоҳланади.

II шахс эгалик аффиксининг *-нгиз* варианты қайси маънода ишлатилганини, нутқ ситуациясидан ташқари, кишилик олмоши кўрсатиб туради. Агар *-нгиз* бирлик учун эмас, кўплик учун ишлатилган бўлса, кишилик олмоши (бу олмош гапда қаратувчи, эга; тўлдирувчи вазифасида келади) *сизлар-* шаклида (кўплик аффикси олиб) қатнашади. Масалан, *Сизларнинг суҳбатингиз мароқли ўтди. Сизлар суҳбатингизни давом эттираверинг. Сизларга ишларингизда муваффақиятлар тилайман* каби.

Кўринадики, икки маънолилик *биз, сиз* олмошларига ҳам хос. *Сиз* олмоши асосан бирлик учун ишлатилади, шу сабабли кўплик маъноси алоҳида аффикс қўшиш билан таъкидланади: *сизлар*. I шахс кишилик олмошининг *бизлар* шаклида ишлатилиши эса кам учрайди, шунда ҳам сўзлашув нутқига хос.

Демак, модал маънони (сизлаш маъносини) ифодалаш учун кўплик олмошидан фойдаланилган, натижада кўпликни аффикс қўшиб, қайтадан ифодалашга эҳтиёж туғилган; эгалик аффикси эса шаклан ўзгармай, икки маъноли аффикс ҳолатига ўтган.

II шахснинг *-нгиз* аффиксигина икки маъноли, шу шахс эгалик аффиксининг *-нлар, -ларинг* вариантлари эса бир маъноли. Бу ке-

йинги икки вариантдан ҳар бирининг ўзига хос маъно мундарижаси бор: *-нелар* варианты сизлаб гапиришда, *-ларинг* варианты сенлаб гапиришда ишлатилади. Диққат қилинг: маънодаги бундай зидланишга аффикс таркибидаги морфемаларни ўрин алмаштириш, демак, зид жойлаштириш билан эришилган, шунда ҳам бундай маъно қирралари шахс кўрсаткичи асосида эмас, балки сон кўрсаткичи асосида юзага келган. Бу ҳолат II шахс кўрсаткичининг *-негиз* вариантыда ҳам модал маъно (сизлаш маъноси) сон кўрсаткичи асосида юзага келганидан далолат беради.

↑ Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, II шахс кўрсаткичининг *-негиз* варианты ё кўплик маъносини, ёки модал маънони ифодалаш учун хизмат қилади; шу эгаликнинг қолган икки вариантыда эса кўплик маъноси сақланади, модал маъно шу кўплик маъноси устига қўшилади. Демак, биринчи вариантда икки маънолилик ҳодисаси воқе бўлган; иккинчи, учинчи вариантларда эса маъно мундарижаси бойиган. ↓

Эътиборни яна бир фикрга жалб қилиш лозим: адабиётларда қаратувчи-қаралмиш муносабатида мослик икки жиҳатдан содир бўлиши таъкидланади. Мисолларни таҳлил қилиш кўрсатадики, мослик учинчи жиҳатдан ҳам амалга ошар экан. Масалан, *сизнинг отангиз* каби ишлатишда мослик шахсда (II шахс- II шахс), сонда (бирлик-бирлик), модал маънода (сизлаш -сизлаш) юзага келади; *сенинг опанглари* каби ишлатишда ҳам шахсда, сонда ва модал маънода мослик сақланади, *-лар* аффикси ифодалаётган модал маъно эса бу бирикманинг иккинчи қисмигагина тааллуқли («Хурмат формаси» баҳсига қаранг).

↓ III шахс кўрсаткичи *-и* маъно мундарижаси жиҳатидан бошқа эгалик аффиксларидан кескин фарқ қилади. I, II шахсларда эгалик аффикслари ўзи қўшилган негиздан англашилувчи предмет ёки белгини кишига нисбатлайди. Бундай нисбатлаш *-и* кўрсаткичига ҳам хос. Масалан, *жасорати, кўнгли* каби ишлатишда кишига нисбатлаш воқе бўлаётгани шубҳасиз; бу лексемалар кишига мансуб бўладиган тушунчаларни англатади (сўроғи — кимнинг?)!

Бундан ташқари, *-и* аффикси кишидан бошқа предметларга нисбатлаш учун ҳам ишлатилади. Масалан, *варағи, дастаси* каби ишлатишда кишидан бошқа предметга нисбатлаш воқе бўлаётгани шубҳасиз: бу лексемалар кишига мансуб бўлмайдиган предметларни англатади (сўроғи — ниманинг?).

Шундай лексемалар ҳам борки, уларга қўшилган *-и* аффикси кишига ёки кишидан бошқа предметга тааллуқли эканини нутқ ситуацияси, контекст фарқлаб беради. Масалан, *кўзи* каби ишлатишда нисбатланаётган III шахс киши ҳам бўлиши, нарса ҳам бўлиши мумкин (сўроғи — кимнинг?, ниманинг?: *Носирнинг кўзи, деразининг кўзи* каби). ↓

Маъно мундарижасида юқоридагича фарқланиш кишилиқ олмошларида ҳам мавжуд. I, II шахс олмошлари (*мен, биз, бизлар; сен, сиз, сизлар, сизлар*) — том маънода кишилиқ олмошлари; III

шахс олмошини эса (*у, улар*) фақат кишилик олмоши деб қараш етарли эмас. Агар кишига зид қўйилувчиларни нарса деб атасак, бу олмошни киши-нарсга олмоши деб номлаш тўғрироқ бўлади.

Ҳозирги ўзбек тилида *у* кишилик олмоши билан *у* кўрсатиш олмоши ўзаро омоним. Кишилик олмоши кўрсатиш олмошидан ўсиб чиққанлиги шубҳасиз. Асли кўрсатиш маъносини ифодаловчи олмош кишилик олмошлари системасига кириб келади, шу асосда киши шахсини ифодалашга хизмат қилади; иккинчи томондан, кўрсатиш олмошига хос умумий маъно (кишинигина эмас, барча предметларни кўрсатавериш) кишилик олмошида ҳам сақланади. Шу асосда бу олмош киши-нарсга олмоши ҳолатида шаклланади.

Эгалик аффиксларини кишилик олмошларига қиёслаш улар орасида қонуний боғланиш борлигини кўрсатади. I, II шахс аффикслари фақат кишига нисбатлайди; I, II шахс кишилик олмошлари ҳам фақат кишини билдиради. *-и* аффикси эса кишига ҳам, нарсага ҳам нисбатлайди; III шахс кишилик олмоши ҳам кишини ва нарсани билдира олади. Бундай ҳолат эгалик категорияси формаларининг тараққиёти кишилик олмошларининг тараққиёти билан боғлиқ ҳолда содир бўлганидан гувоҳлик беради.

III шахс кишилик олмоши I, II шахс кишилик олмошидан морфематик таркибига кўра ҳам фарқ қилади. I, II шахс олмошларида шахс маъноси ва сон маъноси учун асли айрим-айрим кўрсаткич келади (*ме+n, се+n; би+z, си+z*), III шахс олмоши эса якка морфемали (Буни унинг кўрсатиш олмошидан ўсиб чиққанлиги билан изоҳлаш мумкин). I, II шахсга, шунингдек, III шахснинг кўплигига зидлаш (оппозицияда олиш) натижасидагина *у* кишилик олмоши бирлик маъносини кашф этади, бу бирлик маъноси ноль кўрсаткичли морфема билан ифодаланади:

$$\begin{array}{l|l} ме | н \text{ --- } би | з \\ се | н \text{ --- } си | з \\ у | \emptyset \text{ --- } у | лар \end{array}$$

Шунга ўхшаш ҳолатни III шахс эгалик аффиксида ҳам кўра-миз:

$$\begin{array}{l|l} -м | \emptyset \text{ ---} \\ -нз | \emptyset \text{ ---} \\ -и | ?! \text{ ---} \end{array} \left| \begin{array}{l} -м | из \\ -нз | из \\ и \end{array} \right. \begin{array}{l} лар \\ лар \\ лар \end{array}$$

Фарқ шундаки, III шахс бирлик олмошини I, II шахс бирлик олмошларига зидлаш имконияти бор: (*ме+n, се+n*) $\leftarrow \rightarrow$ (*у+\emptyset*). Бундай имконият эгалик аффиксларида йўқ, чунки махсус сон кўрсаткичи бирликнинг ҳар уч шахс эгалик аффиксида қатнашмайди.

Шунга қарамай, I, II шахс бирлик эгалик аффиксларида сон ноль кўрсаткичли морфема билан ифодаланган деймиз, чунки бу аффиксларнинг кўплигида сон махсус кўрсаткич билан ифодаланган, демак, шунга зидланувчи бирлик аффиксларида ҳам сон кўр-

саткичи қатнашади деб ҳукм чиқариш зарур (-м + Ø ← → -м + из, -нг + Ø → -нг + из).

Бундай формал оппозиция III шахс эгалик аффиксларида ҳам бор: -и—лар + и. Тўғри, бу ерда кўплик кўрсаткичи шахс кўрсаткичидан олдин жойлашади, чунки олмошлардаги кўплик кўрсаткичидан эмас, сон категориясидаги кўплик кўрсаткичидан фойдаланилган; бундай кўрсаткич эса негизга эгаликдан (шахс кўрсаткичидан) олдин қўшилади.

Бундан қатъи назар, -лар + и аффиксига зидлаб III шахс бирлик формаси таркибини -и + Ø шаклида бериш лозим, аммо ҳодисанинг моҳияти бундай қилишга йўл қўймайди.

Қиёс қилинг: *менинг китобим, бизнинг китобимиз* деб ишлатиш табиий, лекин *бизнинг китоби* деб ишлатиш мутлақо мумкин эмас, аммо *унинг китоби* ва *уларнинг китоби* деб ишлатаверамиз. Агар III шахс эгалик аффикси сон жиҳатдан нейтрал бўлмаганда эди, бундай ишлатишга йўл қўйилмасди.

Демак, *менинг китобим, бизнинг китобимиз* каби боғланишларда эгалик аффикси қаратувчи вазифасидаги сўзнинг негизи билан шахсда, сонда ва модал маънода мослашади, *унинг китоби, уларнинг китоби* каби боғланишларда эса қаратувчи вазифасидаги сўзнинг негизи билан шахсда, модал маънода мослашади-ю, сон жиҳатдан эса нейтрал бўлади.

Тўғри, *уларнинг китоблари* каби ишлатилади, бироқ бу бирикмани *унинг китоби* бирикмасининг сон жиҳатдан зидди деб бўлмайди. Асли *китоблари* сўзи таркибида кўпликдаги негизга (*китоблар-*) -и аффикси ёки бирликдаги негизга (*китоб-*) сизлаш маъноли бирлик эгалик аффикси қўшилган бўлади. Демак, -лари аффикси, худди -миз, -нгиз, аффикслари сингари, икки маънолидир: а) III шахс кўплигининг нейтрал формаси, б) III шахс бирлигининг сизлаш формаси.

Асли -лари аффикси -и аффиксига бу маъноларидан биринчисида зид туради (иккинчисида эса гўё синонимия ҳосил этади). Лекин ҳамма гап шундаки, *сенинг китобинг* → *сизларнинг китобингиз* каби оппозиция қаторида *унинг китаби* → *уларнинг китоблари* каби оппозиция йўқ. -лари аффикси III шахс кўплигининг нейтрал формаси сифатида тамоман бошқача позицияларда намоён бўлади: *улар ҳаммалари, ўртоқларимиз ўзларининг уйларига* каби («эгалик аффиксининг грамматик боғланмаган негизлар доирасида ишлатилиши» баҳсига қаранг).

Хуллас, қаратувчиси кишилик олмоши ёки от билан ифодаланган синтагмада III шахс эгалик аффикси фақат шахс маъносиғи ифодалайди, сон жиҳатдан эса нейтрал бўлади: бирлик олмоши билан ҳам, кўплик олмоши билан ҳам боғланаверади, бунда сон маъноси нисбий (қаратувчидан англашиладиган сон маъноси асосида) ифодаланади: *унинг қараши — уларнинг қараши* каби. III шахс кўплигининг модал маъно жиҳатидан нейтрал формаси (-лари) қаратувчи-қаралмиш синтагмасининг ҳар икки компонентида қатнашади, одатда грамматик боғланмаган бирор бўлакка шахс-

сонда мувофиқлашиб юради: *Улар ўзларининг эски касбларига қайтишди* каби.

Эгалик аффиксларининг морфологик таркибини ва шахс, сон, модал маънолари жиҳатидан таснифини қуйидаги схемада жамлаб кўрсатиш мумкин:

Шахс		I			II			III		
Сон	Аффикснинг морфематик таркиби	сон кўрсаткичи	шахс кўрсаткичи	сон кўрсаткичи	сон кўрсаткичи	шахс кўрсаткичи	сон кўрсаткичи	сон кўрсаткичи	шахс кўрсаткичи	сон кўрсаткичи
	Модаллик									
Бирлик	Нейтрал	—	м	∅	—	нг	∅	—	—	—
	Сизлаш	—	м	из ²	—	нг	из ²	лар	и ²	—
Кўплик	Нейтрал	—	м	из ¹	—	нг	из ¹	лар	и ¹	
	Сизлаш	—	—	—	лар	нг	лар			
	Сенлаш	—	—	—	лар	инг				
Нейтрал	Нейтрал	—	—	—	—	—	—	—	и	—

Эгалик аффикси сон категорияси формасини олган негизга қўшилади, бундай сон характеристикасининг эгалик аффикси ифода-лайдиган сон характеристикасига алоқаси йўқ. Сон категориясининг формаси предметнинг миқдорини белгиласа, эгалик аффикси шу негиз нисбат берилаётган шахснинг миқдорини билдиради.

Бу икки сон маъноси, бошқа-бошқа грамматик категорияга мансуб эканидан қатъи назар, ўзаро таъсир кўрсатади. Шу сабабли эгалик аффиксларининг бирлик ва кўпликдаги негизларга қўшилишида баъзи чегараланишлар воқе бўлади.) Бирликдаги негиздан кейин эгалик аффиксларининг барчаси қўшилаверади:

китоб | ∅ I | *им*
имиз
инг
ингиз
инглар
ларинг
и
лари

Кўпликдаги негиздан кейин *-ларинг*, *-лари* аффикслари қўшилмайди, чунки иккита *-лар* қатор келиб қолади (*китоб + лар + лари*). Адабий тилда кўпликдаги негиздан кейин *-нелар* эгалик аффикси ҳам қўшилмайди (Шевада эса йўл қўйилади: *китоб + лар + ий + ла* каби), чунки адабий тил учун *-негиз* аффиксини ишлатиш норма ҳисобланади (*китоб + лар + ингиз* каби).

Адабий тилда кўпликдаги негиздан кейин қуйидаги эгалик аффикслари қўшилади:

китоб лар	им
	имиз
	инг
	ингиз
	и

Кўринадики, чегараланиш асосий эгалик аффиксларига эмас, балки иккиламчи, аниқроғи, таркибида *-лар* қатнашадиганларига тааллуқли.

Эгалик аффикси билан боғлиқ ҳолда содир бўладиган омонимия

Эгалик аффикси билан боғлиқ ҳолда содир бўладиган омонимияни таҳлил қилиш сўз таркибини морфемаларга тўғри ажратишда ёрдам беради. Бундай омонимия бир неча ўринда содир бўлади.

Шундай омонимиядан бири II шахс кўплигининг *-ларинг* варианты билан иккита грамматик категория формасининг — кўплик формаси *-лар* билан II шахс бирлиги кўрсаткичи *-нг* аффиксининг — ёнма-ён ишлатилиши орасида воқе бўлади (*-ларинг* — *-лар+инг*): *китобларинг* I — бирликдаги негизга II шахс кўплик кўрсаткичи қўшилган, *китобларинг* II — кўпликдаги негизга II шахс бирлиги кўрсаткичи қўшилган.

Бу икки сўзнинг морфемаларга ажралиши қуйидагича:

<i>китоб</i>		∅ I		<i>ларинг</i>
<i>китоб</i>		<i>лар</i>		<i>инг</i>

Бу сўзларда морфемаларнинг негизга қўшилиш ҳолатини қавслар ёрдамида шундай кўрсатиш мумкин:

[(<i>китоб</i>) ∅ I]	<i>ларинг</i>
[(<i>китоб</i>) <i>лар</i>]	<i>инг</i>

Биринчи ҳолатда *-ларинг* битта мураккаб аффиксга тенг, иккинчи ҳолатда эса бошқа-бошқа грамматик категорияга мансуб иккита аффиксга ажралади (*-лар+инг*). Иккита морфема ёнма-ён ишлатилганини ёки битта мураккаб морфема қатнашаётганини нутқ ситуацияси асосида, контекст ёрдамида фарқлаб оламиз. Масалан, *Қишлоқларинг обод бўлиб кетибди* гапи якка бир қишлоқ ҳақида, шу қишлоқни кўпчиликка нисбатлаб гапирилса, *-ларинг* яхлитлигича II шахс аффиксига тенг бўлади; агар бу гап бир неча қишлоқ ҳақида, шу қишлоқларни якка шахсга нисбатлаб гапирилса, *-ларинг* ёнма-ён ишлатилган иккита морфемага тенг бўлади.

Таҳлил қилинаётган сўздаги эгалик аффиксининг маъносини шу гап таркибидаги бирор сўз белгилаб турса, нутқ ситуациясига мувожаат қилиш зарурияти йўқолади. Масалан, *сенинг маслаҳатларинг* каби бирикувда биринчи компонентга иккинчи компонентдаги *-инг* морфемасигина тааллуқли; *сизларнинг* (ёки *сенларнинг*) *мас-*

лаҳатларинг каби бирикувда эса биринчи компонентга иккинчи компонентдаги *-ларинг* мураккаб морфемаси тааллуқли.

Яна бир омонимия II шахс кўплигининг *-нглар* варианты билан иккита аффикснинг — II шахс бирлиги *-нг* ва ҳурмат формаси *-лар* аффиксларининг — ёнма-ён ишлатилиши орасида воқе бўлади (*-нглар* — *-нг+лар*). Бу ўриндаги омонимия *-нглар* олган негизнинг маъно тури асосида фарқ қилинади. Агар *-нглар* ота, она, она каби қариндошлик билдирувчи киши отлари негизига қўшилса, унда иккита аффиксга ажралади. Бунда эгалик аффикси вазифасини *-нг* аффикси бажаради, шунга кўра эгаликни алмаштиришда худди шу қисм ўзгаради:

$$\begin{array}{c|c|c} \text{она} & \emptyset I & \text{м} \\ & & \text{нг} \\ & & \text{нгиз} \end{array} \left| \begin{array}{c} \text{лар} \end{array} \right.$$

Бундай сўзда морфемаларнинг негизга қўшилиши қуйидагича:

$$\{[(\text{она}) \emptyset I] \text{м}\} \text{лар.}$$

Агар *-нглар* аффикси нарсани билдирувчи негизга қўшилса, яхлитлигича II шахс кўплигининг сизлаш формасига тенг бўлади. Бунда у қаратувчи вазифасидаги сўзнинг негизига шахсда ва сонда яхлитлигича мослашади: *китобинглар* — *сизларнинг китобинглар* каби.

Бундай сўзда морфематик таркиб ва уларнинг қўшилиши қуйидагича:

$$\begin{array}{c|c|c} \text{китоб} & \emptyset I & \text{инглар} \\ \text{[(китоб) } \emptyset I] & & \text{инглар} \end{array}$$

Демак, бу ўриндаги омонимияни, негизнинг маъно туридан ташқари, аффикснинг қаратувчи вазифасидаги сўз негизи билан мослашуви асосида, аффиксни ўз системасидаги бошқа аффикс билан алмаштириб кўриш асосида ажратиб оламиз.

Яна бир омонимия III шахснинг *-лари* аффиксига боғлиқ ҳолда воқе бўлади. Аввалгиларидан фарқли ҳолда бу ўринда омонимия икки томонлама рўй беради:

а) III шахснинг *-лари* кўрсаткичи билан иккита аффикснинг — сон категориясининг кўплик формаси ва *-и* эгалик аффиксининг — ёнма-ён ишлатилиши орасида. Масалан, *китоблари* сўзи морфемаларга икки хил ажралади:

$$\begin{array}{c|c|c} \text{китоб} & \emptyset I & \text{лари} \\ \text{китоб} & \text{лар} & \text{и} \end{array}$$

Биринчи сўзда бирликдаги негизга III шахснинг *-лари* эгалик аффикси, иккинчи сўзда эса кўпликдаги негизга III шахснинг *-и* аффикси қўшилаётир. Буни қавслар ёрдамида шундай кўрсатиш мумкин:

$$\begin{array}{c} \{(\text{китоб}) \emptyset I\} \text{лари} \\ \{(\text{китоб}) \text{лар}\} \text{и} \end{array}$$

Айтиб ўтилган омонимиянинг воқе бўлишига сон кўрсаткичи-нинг жойлашуви сабаб бўлган: эгалик аффикси таркибида бундай кўрсаткич одатда шахс кўрсаткичидан кейин туради, III шахсда эса аксинча жойлашиб қолган. Агар сон кўрсаткичи шахс кўрсаткичидан кейин келса, бундай омонимия пайдо бўлмас эди. II шахс кўплиги кўрсаткичининг морфологик вариантлари буни жуда яхши исбот қилади: *Шафтолингиз||шафтолинглар (шафтолийла) фарқ нишиб ётибди.*

Тасвирланаётган омонимиянинг воқе бўлиши биринчи навбатда *-лари* қўшиладиган негизнинг маъно турига боғлиқ: қариндошликни билдирувчи негиз бўлмаслиги керак. Акс ҳолда бошқача («б» пунктидаги каби) омонимия туғилади.

Демак, *китоб-* каби негизларга *-лари I* ва *-лари II* қўшилади. Кейингисини асли *-(лар+и)* II шаклида кўрсатиш тўғрироқ.

б) III шахснинг *-лари* кўрсаткичи, юқоридагидан ташқари, яна иккита аффикснинг — ҳурмат формаси ва *-и* эгалик аффиксининг — ёнма-ён ишлатилиши билан ҳам омонимия ҳосил этади. Бундай омонимия тасвирланаётган аффикслар қариндошлик билдирувчи негизларга қўшилганида воқе бўлади. Масалан, *опалари* сўзи морфемаларга уч хил ажралади:

<i>опа</i>		Ø I				<i>лари</i>
<i>опа</i>		<i>лар</i>				<i>и</i>
<i>опа</i>		Ø I		<i>лар</i>		<i>и</i>

Биринчи сўзда бирликдаги негизга III шахснинг *-лари* аффикси, иккинчи сўзда кўпликдаги негизга III шахснинг *-и* аффикси, учинчи сўзда эса бирликдаги негизга ҳурмат формаси ва III шахснинг *-и* аффикси қўшилаётир. Буларни қавслар ёрдамида шундай кўрсатиш мумкин:

{	<i>(опа)</i>	Ø I	}	<i>лари</i>
{	<i>(опа)</i>	<i>лар</i>	}	<i>и</i>
{	<i>(опа)</i>	Ø I	}	<i>лар</i>
				<i>и</i>

Кўринадики, биринчи, иккинчи тур сўзлар уч морфемага, учинчи тур сўз эса тўрт морфемага ажралади.

Бундай омонимияни нутқ ситуацияси, контекст асосида қуйдагича ажратиб оламиз: *опалари* сўзини ишлатишда (1) «опа» кўн, нисбат берилаётган шахс эса битта бўлиши ёки (2) «опа» битта, нисбат берилаётган шахс ҳам битта бўлиши мумкин; кейингиси *-лар* кўрсаткичи қандай модал маънони ифодалашига қараб яна иккига ажралади: (а) нисбат берилаётган шахсни сизлаш учун келтирилган бўлса, *-лари* яхлитлигича битта мураккаб аффиксга тенг, (б) агар *-лар* «опа»га ҳурматни ифодаласа, *-лар* билан *-и* бошқа-бошқа грамматик категориянинг формаси бўлади.

Кўринадики, қариндошликни билдирувчи негизларда, аввалги тур негизлардан фарқли ҳолда, уч ҳодиса орасидаги омонимия ҳақида гапириш мумкин:

- лари I—III шахс эгалик аффикси (ҳар икки маъносида),
- лари II — сон категориясининг кўплик формаси ва III шахснинг -и аффикси,
- лари III — ҳурмат формаси ва III шахснинг -и аффикси.

Булардан ўзаро ажратиб олиш қийинроғи -лари I билан -лари III, чунки юар иккиси бирликдаги негизга қўшилади, -лар ҳар иккисининг таркибида модал маъно ифодалайди. Фарқ ана шу модал маънонинг турида ва бу модал маъно кимга қаратилганида: а) сизлаш маъноси ифодаланса ва бу маъно нисбат берилаётган шахсга қаратилса, -лари яхлитлигича эгалик аффиксига тенг; б) ҳурмат маъноси ифодаланса ва бу маъно шу негиз билдирган кишига қаратилган бўлса, -лари иккита аффиксга (-лар ҳурмат формасига ва -и эгалик аффиксига) тенг.

Эгалик аффикси билан боғлиқ ҳолда юзага келувчи яна бир омонимия сифатдошнинг -ган формасига тааллуқли. Бунда сифатдошнинг -ган формаси ва III шахснинг -и аффикси биргаликда мақсад равишдоши ясовчи -гани аффикси билан омонимия ҳосил этади. Омонимиянинг туғилишига мақсад равишдоши аффикси таркибида рўй берган товуш ўзгариши сабабчи: -гали > -гани.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида, айниқса унинг прозаник нутқ турида -гали ишлатилмайди, бунинг ўрнини -гани олган: *Биз ҳам бир вақтлар Мирзачўлга борганимизда, янги ер ў з л а ш т и р г а н и к е л д и к д е б т у ш у н а р д и к* (Ж. Абдуллахонов). *Деворга гилам олиб қоққан и пул кетади, яхшиси ўзинг бир сурат солиб қўя қол* (Ж. Абдуллахонов).

Юқоридakilардан маълум бўладики, эгалик аффикси қатнашган негизни морфемаларга ажратишда баъзи қийинчиликлар мавжуд. Бундай ҳолат сон категорияси формаси, ҳурмат формаси, феълнинг функционал формаси билан эгалик категориясининг формалари орасидаги ташқи ўхшашлик туфайли содир бўлади.

Сон ва эгалик категорияларининг формалари қўшилган негизнинг морфематик таркиби ҳақида айтилган фикрларни қуйидагича умумлаштириш мумкин:

I шахснинг бирлик ва кўплик эгалик аффиксини, II шахснинг негиз аффиксини олган негиз морфемаларга доим бир хил ажратилади:

<i>китоб</i> Ø I <i>им</i>	<i>китоб</i> <i>лар</i> <i>имиз</i>
<i>китоб</i> Ø I <i>имиз</i>	<i>китоб</i> Ø I <i>ингиз</i>
<i>китоб</i> <i>лар</i> <i>им</i>	<i>китоб</i> <i>лар</i> <i>ингиз</i>

Бошқа эгалик аффикслари қатнашган негизни морфемаларга ажратишда улар қўшилган негизнинг бирлик ёки кўпликда экани муҳим роль ўйнайди. Масалан, -нг, -и аффикслари бирликдаги негизга қўшилса, бундай негиз морфемаларга доим бир хил ажратилади:

<i>китоб</i> Ø I <i>инг</i>
<i>китоб</i> Ø I <i>и</i>

Худди шу аффикслар кўпликдаги негизга қўшилса, смонимик ҳолат туғилади, чунки *-лар* кўрсаткичи эгалик аффиксининг таркибий қисми бўлиб ҳам келади. Бунда негиз морфемаларга икки хил ажратилади:

а) Агар *-лар* кўplik формаси бўлса, қуйидагича:

китоб | лар | инг
китоб | лар | и

б) Агар *-лар* эгалик аффиксининг таркибий қисми бўлса, эгалик аффикси бирликдаги негизга қўшилган бўлади, унда негиз морфемаларга қуйидагича ажратилади:

китоб | Ø I | ларинг
китоб | Ø I | лари

Демак, *-лар* кўрсаткичи сон категориясининг формаси ёки эгалик аффиксининг таркибий қисми бўлишига қараб юқоридаги тур негизларни морфемаларга икки хил ажратамиз:

китоб | лар | инг *китоб | лар | и*
китоб | Ø I | ларинг *китоб | Ø I | лари*

Эгалик аффикси биринчи мисолларда кўпликдаги негизга, иккинчи мисолларда эса бирликдаги негизга қўшилган.

Эгалик аффиксининг ўзи қўшилган негизнинг бошқа негиз билан боғланишида ишлатилиши

Эгалик аффикси бирор негизга турли шарт-шароитда қўшилади. Унинг ишлатилишида аввало икки ҳолатни фарқ қилиш керак:

I. Эгалик аффикси ўзи қўшилган негизнинг бошқа бир негиз билан боғланишида ишлатилади: *Наҳотки шу оламшумул ишларда менинг ҳам улушим бўлса...* (Ж. Абдуллахонов). *Унинг бригадаси Моҳидилнинг бригадасига қараганда анча олдинда* (Ж. Абдуллахонов) каби.

II. Эгалик аффикси ўзи қўшилган негиз доирасида, бошқа бирор негизга боғланмаган ҳолда ишлатилади: *Зап гапирдинг-да, қизим* (Ж. Абдуллахонов). *Гапингизга тушунолмадим* (Ж. Абдуллахонов).

Эгалик аффиксининг бу икки хил ишлатилиши миқдоран деярли тенг (биринчиси бир оз ортиқроқ).

Эгалик аффиксининг бошқа бирор негиз билан боғланиш туфайли қўшилиши уч хил:

1. Қаратқич келишигидаги негиз билан боғланишда ишлатилади.

2. Чиқиш келишигидаги негиз билан боғланишда ишлатилади.

3. Бош келишикдаги негиз билан боғланишда ишлатилади.

Биринчи, иккинчи пунктлардаги ҳодисалар семантик-грамматик жиҳатдан ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, иккинчи пунктдаги ҳолат чи-

қиш келишигидан қаратқич келишиги ўрнида фойдаланиш деб баҳоланади. Учинчи пунктдаги ҳодиса эса булардан кескин фарқ қилади (Қўйироққа қаранг). Бундай фарқланиш уларнинг миқдорий белгисидан ҳам акс этади: энг кўпи қаратқич келишигидаги негиз билан боғланади, иккинчи ўринда бош келишикдаги негиз билан боғланиш туради. Буларнинг миқдорий муносиблиги қуйидагича: 60:10:1. Қўринадики, чиқиш келишигидаги негиз билан боғланишдан қаратқич келишигидаги негиз билан боғланиш 60 марта кўп; бош келишикдаги негиз билан боғланишдан қаратқич келишигидаги негиз билан боғланиш олти марта кўп.

Демак, эгалик аффикси билан боғлиқ ҳолда ишлатиладиган асосий келишик — қаратқич. Бугина эмас, эгалик аффикси билан боғлиқ ҳолда ишлатилган дастлабки келишик ҳам — қаратқич. Қолган икки келишикнинг қатнашуви иккиламчи ҳолат бўлиб, қаратувчи конструкция асосида юзага келган. Бу уч келишик қатнашадиган конструкциялар яна бошқа белги-хусусиятлари билан ҳам ўзаро фарқ қилади (Бу ҳақда қўйироқда фикр юритилади).

Келишикнинг ҳар хил бўла олиши кўрсатадики, қайси эгалик аффиксининг ишлатилиши у билан боғланган негизнинг келишигига эмас, балки ўша негиздан англашиладиган шахс-сон маъносига боғлиқ. Бунда келишик синтактик алоқанинг турини, биринчи компонентнинг синтактик вазифасини белгилашга хизмат қилади холос.

Юқорида таъкидланган уч пункт уч хил грамматик конструкцияни (қолипни) акс эттиради:

1. (Маълум шахс-сон маъноси англашиладиган негиз + қаратқич келишиги) × (негиз + аввалги негизга шахс-сонда мослашиб юрувчи эгалик аффикси).

2. (Маълум шахс-сон маъноси англашиладиган негиз + чиқиш келишиги) × (негиз + аввалги негизга шахс-сонда мослашиб юрувчи эгалик аффикси).

3. (Маълум шахс-сон маъноси англашиладиган негиз + бош келишик) × (негиз + аввалги негизга шахс-сонда мослашиб юрувчи эгалик аффикси).

Бу грамматик қолипларга баъзи изоҳлар (Мисоллари қўйироқда):

1) «Шахс-сон» деб бирга олишда кишилик олмошларини кўзда тутдик: бундай олмош негизи этимологик жиҳатдан шахс кўрсаткичи билан сон кўрсаткичига ажралса ҳам (*се + н, си + з* каби), ҳозир бундай маъноли қисмларга ажратилмайди, шунга кўра бундай негиз яхлитлигича шахс ва сон маъносини ифодалаб келади. Бошқа ҳолларда, масалан, отларда «маълум шахс маъноси англашиладиган негиз + сон категориясининг кўрсаткичи» деб олиш керак. Чунки буларда шахс маъносини негиз, сон маъносини эса грамматик форма ифодалайди (*эшикнинг қулфи, кўчаларнинг чароғонлиги* каби).

Эгалик асли кишилик олмошлари билан боғлиқ ҳолда юзага

келган грамматик категория, шу сабабли грамматик қолипларни (моделларни) кишилик олмошлари асосида туздик.

2) Шахс ва сон маънолари конструкциясининг биринчи компонентда таъкидланди, чунки эгалик аффикси кейинги негизга шу маъноларга мос ҳолда қўшилади. Иккинчи компонентда эса негиз тушунчасининг ўзи етарли: эгалик аффикси қўшишда кейинги негизнинг грамматик белгилари одатда ҳисобга олинмайди.

3) Бу конструкцияларда биринчи негиз ҳар уч шахс-сон маъноли негиз билан ифодаланади, шунга мос ҳолда иккинчи компонентга уч шахс-сон эгалик аффиксидан бири қўшилади, семантик-грамматик мослик ҳар уч шахсда амалга ошади; лекин биринчи компонент кўпинча III шахс маъноли негиз билан ифодаланади, шу сабабли иккинчи компонент кўпинча III шахс кўрсаткичини олади, (эгалик аффикси ўзи қўшилган негиз доирасида ишлатилганида ҳам энг кўп III шахс эгалик аффикси қатнашади. Тусла-нишда ҳам энг кўп III шахс тусловчиси ишлатилади. Ҳаммасининг сабаби битта: нутқ III шахсга қаратилган бўлади ёки III шахс ҳақида боради).

Эгалик аффиксининг қаратқич келишигидаги негиз билан боғланишда ишлатилиши

Қаратувчи-қаралмиш бирикмасида иккинчи компонентдаги эгалик аффикси биринчи компонент билан шахсда, сонда, модал маънода мослашади. Булардан етакчиси — шахс маъноси: 1) бу маънони ифодаловчи қисм қаратувчида лексеманинг ўзи бўлади, эгалик аффикси таркибида ҳам шахс кўрсаткичи одатда биринчи ўринда туради, 2) қаратувчи вазифасидаги лексема билан қаралмишдаги эгалик аффикси шахсда доим мослашади ва бу мослик ўзгармайди ҳам.

Қаратувчи билан бирикманинг компонентларида модал маъно жиҳатидан мослашув икки хил: а) ҳар икки компонент шу жиҳатдан нейтрал бўлади, б) ҳар икки компонентдан сизлаш ёки сенлаш маъноси англашилади. Бундай мослик III шахс эгалик аффиксида қисман бузилади.

Қаратувчи билан қаралмишнинг сон жиҳатидан мослашув шохсларга кўра турлича. Бундан ташқари, сон маъноси модал маъно билан узвий боғлиқ ҳолда, бир-бирига таъсир кўрсатиб ифодаланади.

I, II шахс эгалик аффиксининг кишилик олмоши билан мослашувни қуйидагича:

- | | |
|---------------|----------------------|
| 1) мен + инг | китоб + Ø I + им, |
| 2) сен + инг | китоб + Ø I + инг |
| 3) биз + нинг | китоб + Ø I + имиз, |
| 4) сиз + нинг | китоб + Ø I + ингиз. |

Биринчи, иккинчи бирикмаларнинг компонентлари бирликда; модал маъно жиҳатидан нейтрал (Шахсда мосликни таъкидлама-

дик). Булардан фарқли ҳолда учинчи, тўртинчи бирикмалар икки маънода ишлатилади, шунга кўра мослик ҳам икки хил бўлади: биринчи маъносида: кўплик, нейтрал; иккинчи маъносида: бирлик, сизлаш. Демак, бу бирикмаларнинг икки маъносида сон маъноси ва модал маъно бири иккинчисининг зиддига айланади.

¶ *Биз, сиз*- негизлари ҳам кўпликни, ҳам бирликни ифодалай олиши сабабли, кўпликни аниқ билдириш мақсадида бу негизларга *-лар* аффикси қўшиб ишлатилади:

биз + лар + нинг китоб + Ø I + имиз,
сиз + лар + нинг китоб + Ø I + ингиз. ¶

Кўпликни лексеманинг ўзи билан эмас, балки махсус морфема қўшиб ифодалаш асли III шахс кишилик олмошида рўй беради: *у — улар*. Юқоридагича ишлатиш туфайли *биз, сиз* олмошлари ҳам III шахс олмошига ўхшаб қолади. Бундан ташқари, кўпликни *-лар* аффиксини қўшиб ифодалаш *сен* олмошига ҳам хос:

сен + лар + нинг китоб + Ø I + ларинг.

Демак, *-лар* кўплик формаси — III шахс кишилик олмошигагина эмас, балки мен олмошидан ташқари барча кишилик олмошларига қўшилувчи морфема.

Қўринадик, *мен* кишилик олмоши билан ифодаланган қаратувчигина сон формаси жиҳатидан бир кўринишли бўлади, бунда сон маъносини лексеманинг ўзи ифодалайди:

мен + инг китоб + Ø I + им.

Биз, сиз олмоши билан ифодаланган қаратувчи эса шу жиҳатдан уч кўринишли бўлади:

1 а) *биз + нинг китоб + Ø I + имиз,*
1 б) *биз + Ø I + нинг китоб + Ø I + имиз,*
1 в) *биз + лар + нинг китоб + Ø I + имиз;*
2 а) *сиз + нинг китоб + Ø I + ингиз,*
2 б) *сиз + Ø I + нинг китоб + Ø I + ингиз,*
2 в) *сиз + лар + нинг китоб + Ø I + ингиз.*

Бу олмошларнинг ҳар хил шакли қатнашган бирикмаларда эгалик аффикси ҳам ҳар хил вазиятда бўлади:

1) *бизнинг китобимиз* каби бирикувда эгалик аффикси яхлитлигича *биз*- негизи (лексемаси) билан мослашади;

2) *бизларнинг китобимиз* каби бирикувда биринчи компонентдаги лексема (бирламчи негиз) билан эгалик таркибидаги шахс кўрсаткичи мослашади (*биз*—*м*), кўплик формаси билан эса эгалик аффикси таркибидаги кўплик кўрсаткичи мослашади (*-лар*—*из*). Демак, бу ерда эгалик аффикси таркибини аналитик тушуниш, қисмма-қисм мослаш мавжуд.

Қўринадик, *биз*-, *сиз*- негизлари шахс маъносини ва сон маъносини ифодалаш учун ҳам, шахс маъноси ва модал маънони ифодалаш учун ҳам хизмат қилади; кейингисиде сон маъноси морфема қўшиб ифодаланади.

Шунга ўхшаш ҳолат *сен*- негизига ҳам хос, ammo бу олмош қатнашадиган бирикмада эгалик аффиксининг ўз фарқли хусусияти бор:

сен + Ø I + *инг* *китоб* + Ø I + *инг*
сен + *лар* + *нинг* *китоб* + Ø I + *ларинг*,
сен + *лар* + *нинг* *китоб* + Ø I + *инг*.

Кўринадики, биринчи, иккинчи бирикувда эгалик аффикси қаратқич келишиги қўшиладиган негиз билан шахсда, сонда ва модал маънода мослашади, учинчи бирикувда эса фақат шахсда ва модал маънода мослашади, сонда мослик воқе бўлмайди.

Сизнинг китобингиз, сизларнинг китобингиз каби ишлатишда эгалик аффиксининг маъно мундарижаси икки хил: биринчи бирикувда у II шахснинг кўплигини ҳам, бирлигини ҳам ифодалай олади, иккинчи бирикувда эса фақат кўплигини ифодалайди. Бу ерда эгалик аффикси сон маъноси жиҳатидан полисемантик: кўплик эгалик аффикси бирлик маъносини ҳам кашф этган. Кўплик кўрсаткичи қатнашган эгалик аффиксининг (*-нг+из*) бирлик маъносини ифодалаши — кейинги тараққиётнинг натижаси; бу ерда бирлик — иккиламчи маъно.

Сенларнинг китобинг каби бирикув юқоридаги бирикувга ўхшайди, ammo моҳияти бошқача. Бундай ишлатишда *-нг* (бирлик) эгалик аффикси иккиламчи маъно сифатида кўплик маъносини ифодалайди дейиш мумкин эмас, чунки тилимиз грамматик системада кўплик учун одатда товуш ифодаси бор морфема келтирилади. Асли *сенларнинг китобинг* каби бирикувда *-нг* аффикси фақат шахс маъносини ифодалайди, сон жиҳатдан эса нейтрал (бетараф).

Сон жиҳатдан бетарафлик, маълумки, III шахснинг *-и* аффиксига хос:

у + Ø I + *нинг* *китоб* + Ø I + *и*,
у + *лар* + *нинг* *китоб* + Ø I + *и*.

Демак, фақат шахс кўрсаткичи бўлиб келиш, сон жиҳатдан нейтрал бўлиш *-и* (III шахс) эгалик аффиксигагина эмас, балки қисман *-нг* (II шахс) эгалик аффиксига ҳам хос.

Сон жиҳатдан нейтрал ҳолатнинг II шахс эгалик аффиксида ҳам мавжудлигини ҳисобга олиб, бундай ҳодисанинг тараққиёт йўлини икки хил изоҳлаш мумкин:

а) Фақат шахс кўрсаткичи бўлиб келиш асли III шахс эгалик аффиксигагина хос бўлиб, кейинчалик қисман II шахс эгалик аффиксига ҳам кўчган, натижада эгалик аффиксларида сон жиҳатдан нейтраллик ҳолати кенгайган.

б) Сон жиҳатдан нейтраллик асли ҳар уч шахс эгалик аффиксига (*-м, -нг, -и*) хос бўлиб, бу хусусият III шахс кўрсаткичида тўлиқ, II шахс кўрсаткичида қисман сақланган, I шахс кўрсаткичидагина йўқолган.

Бу икки тахминдан биринчиси ишонарлироқ, албатта.

I, II шахснинг тасвирида кишилик олмошини ҳар икки сонлаш формасида, аммо қаралмиш бўлиб келган негизни эса фақат бирлик формасида келтирдик. Чунки бундай конструкцияларда иккинчи компонентдаги сон категорияси формасини ундан кейин қўшилувчи эгалик билан қориштириш хавфи деярли йўқ. III шахсда манзара бошқача: бу тур конструкцияда қаралмишдаги сон формасидан эгалик категориясининг формасини ажратиб олиш ҳамма вақт снгил кўчмайди.

III шахс асосида тузилувчи қаратувчили бирикмалар қуйидагича:

у	+	Ø I	+	нинг	китоб	+	Ø I	+	и,
у	+	Ø I	+	нинг	китоб	+	лар	+	и,
у	+	лар	+	нинг	китоб	+	Ø I	+	и,
у	+	лар	+	нинг	китоб	+	лар	+	и,
улар	+	Ø I	+	нинг	китоб	+	Ø I	+	и,
улар	+	Ø I	+	нинг	китоб	+	Ø I	+	лари.

Биринчи бирикмада ҳар икки компонент сон категориясининг бирлик формасида, иккинчи компонентга бирлик (нейтрал) эгалик аффикси қўшилган, қаратувчи-қаралмиш модал маъно жиҳатидан нейтрал.

Иккинчи бирикманинг биринчи бирикмадан фарқи битта: қаралмиш сон категориясининг кўплик формасида.

Учинчи бирикмада эса, аксинча, қаратувчи сон категориясининг кўплик формасида, аммо қаралмишга *-и* эгалик аффикси қўшилади; қаратувчи кўпликда бўлгани сабабли гўё эгалик аффикси ҳам кўплик мундарижаси кашф этади. Демак, бундай бирикмада сон жиҳатдан мослик нисбий.

Тўртинчи бирикманинг учинчисидан фарқи бир нуқтада: қаралмиш сон категориясининг кўплик формасида келган.

Бешинчи бирикма шаклан учинчи бирикмага ўхшайди, мазмунан эса кескин фарқ қилади: *улар* бу бирикувда III шахс кўплик олмоши эмас, балки III шахс бирликнинг сизлаш олмоши сифатида қатнашади; учинчи бирикмада эса *улар* — III шахс кўплик олмошига тенг. Демак, бешинчи бирикмада қаратувчи билан қаралмиш шахсда, сонда мослашади, модал маънода мослик нисбий бўлади: *-и* эгалик аффикси бирликнинг сизлаш олмоши таъсирида гўё сизлаш мундарижаси кашф этади.

Асли модал маъно жиҳатидан ҳам мослик олтинчи бирикмада воқе бўлади: *улар* олмошидан ҳам, *-лари* эгалик аффиксидан ҳам III шахс, бирлик, сизлаш маънолари англашилади.

Демак, биринчи, иккинчи, олтинчи тур бирикмада унинг компонентлари ҳар уч жиҳатдан мослашади; учинчи тур бирикмада сон жиҳатдан мослик, бешинчи тур бирикмада эса модал маъно жиҳатидан мослик нисбий бўлади.

Бундан ташқари, учинчи, тўртинчи тур бирикмада *-лар* сонлаш категориясининг кўплик формаси сифатида ажралади, бешинчи,

олтинчи тур бирикмада эса сон категориясининг кўплик формаси ҳолатидан модал маъно (сизлаш маъноси) формаси ҳолатига ўтади, шу сабабли уни олмошнинг негизига қўшиш, сон кўрсаткичи сифатида ажратмаслик лозим бўлади.

Худди биз, сиз олмошларида бўлганидек, бу ерда ҳам икки маънолилик мавжуд: *улар* — III шахс, кўплик, модал маъно жиҳатидан нейтрал; *улар* — III шахс, бирлик, сизлаш. Лекин биз, сиз олмошларида бу уч-уч маънони негизнинг ўзи ифодалайди, *-лар* қўшиш билан икки маънолилик бартараф қилинади. *Улар* олмошида эса аксинча: икки маънолилик *-лар* кўрсаткичи туфайли туғилади.

Қаралмиш таркибида *-лар* олти бирикманинг учтасида қатнашади, аммо шулардан олтинчисидagina бу кўрсаткич эгалик аффикси таркибига мансуб бўлади, қолган иккитасида *-лар* сон категориясининг кўплик формасига тенг. Демак, биринчи-бешинчи бирикмаларда қаралмиш таркибидаги эгалик аффикси — *и*, олтинчисида — *-лари*.

Сон категорияси билан эгалик категорияси орасидаги муносабат қуйидаги ҳодисада яққол кўринади: эгалик аффикси негизларнинг маълум семантик турига қўшилганида қаратувчи вазифасида келган негизнинг кўпликда бўлишни талаб қилади, яъни бундай негизга қўшилаётган эгалик аффикси қаратувчи вазифасида келадиган негизнинг сон формасига таъсир кўрсатади. Бунга қаралмиш бўлиб келган негизнинг семантикаси сабабчи: *қўзғолончиларнинг бошлиғи, укаларимнинг каттаси, ўртоқларимнинг кўпи* каби («Сон категорияси», «Қаратқич келишиги» баҳсларига қаранг). Шу нуқтада икки грамматик категория — сон категорияси билан эгалик категорияси — орасида узвий боғлиқлик мавжуд бўлиб, бунда эгалик кўрсаткичи оладиган негизнинг семантикаси ҳал қилувчи роль ўйнайди. Охириг омили ҳам эътиборга олсак, бу ўринда грамматик ҳодисалар билан лексик-семантик ҳодиса орасида ўзаро боғлиқлик, ўзаро таъсир мавжудлигини кўрамиз.

Маълумки, уч шахс эгалик аффиксини ишлатиш имконияти қаратувчи кишилик олмоши билан ифодаланганида воқе бўлади. Қаратувчи кишилик олмошидан бошқа негиз билан ифодаланса, бундай қаратувчи III шахс ҳукмида юради, бундай бирикмаларда қаралмишга III шахс эгалик аффикси қўшилади деган фикр мавжуд. Бу фикр аниқлик киритишга муҳтож.

Уч шахс эгалик аффиксини ишлатиш имконияти, кишилик олмошларидан ташқари, қаратувчи бошқа баъзи негизлар билан ифодаланганида ҳам рўй беради. Бунинг асосий кўринишлари:

1) Қаратувчи *ўз* сўзи билан ифодаланиб, қаратқич келишиги белгили келса, келишикдан олдин эгалик аффикси қўшилади, қаралмиш ҳам эгалик аффикси олади; бундай бирикмада ҳар уч шахс-сон эгалик аффикси ишлатилаверади: *Охири ўзининг эски касби — бульдозер бошқаришни маъқул кўрди* (Ж. Абдуллахонов). *Ёлғиз ўзининг қўлидан нима келаркин* (Ж. Абдуллахонов). Қиёс қилинг: *ўзимнинг эски касбим, ўзининг эски касбинг*,

ўзимизнинг эски касбимиз каби. Бундай бирикмада қаратувчи билан қаралмиш таркибидаги эгалик аффикслари ўзаро мослашиб юради.

Нутқда бундай қаратувчи кўпинча қаратқич келишигининг белгисиз шаклида ишлатилади, шу сабабли эгалик аффикси ҳам қатнашмайди: *ўз меҳнатимгагина, ўз бригаданга, ўз ютуғи* каби.

2) *Ҳамма* каби белгилаш олмоши билан ифодаланган қаратувчи эгалик аффикси олиб келса, бундай бирикмада ҳам ҳар уч шахс-сон эгалик аффикси ишлатилаверади: *Аммо қишга етганда ҳаммамизнинг тумшугимиздан қор ёға бошлади* (Ж. Абдуллаҳонов). Қиёс қилинг: *ҳаммамизнинг устозимиз, ҳаммангизнинг устозингиз, ҳаммаларининг устози* ёки *устозлари*.

Бу конструкциянинг биринчи пунктдаги конструкциядан фарқи шуки, эгалик аффиксларининг фақат кўплик формаси қўшилади; -и аффиксини ишлатишга бу аффикс сон жиҳатдан нейтрал эканлиги туфайли йўл қўйилади, бунда эгалик аффиксларининг сон жиҳатдан мослиги nisбий бўлади.

Эгалик аффикси айни вақтда қаратқич келишигидаги иккита негиз билан синтактик боғланишнинг кўрсаткичи бўлиб ҳам келади. Бунда қаралмиш аввал қаратқич келишигининг белгисиз шаклидаги қаратувчи билан бирикади, сўнг иккиси биргаликда яна бир қаратувчи билан бирикади, кейинги қаратувчи қаратқич келишигининг белгиланган шаклида ишлатилади. Қаратувчиларнинг ҳар иккиси от билан ёки бири от билан, иккинчиси эса олмош билан ифодаланади: *Оналарнинг кўз ёшлари эсингда турсин* (Саид Аҳмад). *Саидийнинг қайтиш вақти ҳам яқинлашди* (А. Қаҳқор). *Энди унинг матбуот конференцияси ер юзига шов-шув бўлади* (А. Муртоп). *Бир рўзғорга ўша рўзғорнинг ўз гавғоси ҳам етади* (А. Қаҳқор).

Бунда уч негизнинг боғланиш схемаси қуйидагича:

[Саидийнинг X (қайтиш X вақт)] и

Мисолларни кузатиш кўрсатадики, бундай синтактик конструкцияда иккиламчи боғланишдаги қаратувчи от билан, кишилик олмоши билан ёки отлашган негиз билан ифодаланади: *оналарнинг /уларнинг/ норасидаларнинг/ ҳамманинг кўз ёшлари* каби.

III шахс доирасидан чиқиб, I, II шахсларни кузатиш кўрсатадики, бундай синтактик конструкцияда эгалик аффикси бирламчи синтактик боғланиш томонидан эмас, балки иккиламчи синтактик боғланиш томонидан белгиланади. Юқоридаги мисолда бирламчи синтактик боғланиш қаралмишнинг III шахс кўрсаткичи билан келишини талаб қилади: *қайтиш вақти* каби. Бундай қаратувчидан келиб чиқиб бошқа шахс-сон кўрсаткичи қўшиб бўлмайди.

Агар иккиламчи боғланишда қаратувчи от билан, III шахс кишилик олмоши билан ифодаланса, у ҳам III шахс аффиксининг қўшилишини талаб қилади. Бунда ҳар икки қаратувчи талаб қиладиган эгалик аффиксининг шахс-сони мос тушади, шу сабабли

бундай эгалик аффикси гўё ҳар икки синтактик боғланишни кўрсатишга хизмат қилади:

қайтиш X вақт
Саидийнинг X (қайтиш X вақт) | и

Асли бу конструкцияда эгалик аффикси, ҳар бир босқич синтактик боғланиш туфайли қўшилади, аммо қайси шахс-сон кўрсаткичи қатнашувини иккиламчи синтактик боғланиш белгилайди:

Саидийнинг X (қайтиш X вақт), и,
Менинг X (қайтиш X вақт) им каби.

Агар иккиламчи синтактик боғланишдаги қаратувчи *ўз* сўзи билан ифодаланса, бошқача ҳодиса воқе бўлади. Бу сўз қаратқич келишиги формасидан олдин албатта эгалик аффикси қўшилиб келишини талаб қилади: *ўзининг қайтиш вақти, ўзингнинг қайтиш вақтинг* каби. Қаратувчидаги ана шу эгалик аффикси қаралмишдаги эгалик аффиксининг шахс-сонда мослашиб юришини талаб қилади.

Демак, от билан, кишилик олмоши билан ифодаланса, қаралмишдаги эгалик аффикси шахсда қаратувчисининг негизи билан мослашади; агар *ўз* сўзи билан ифодаланса, қаралмишдаги эгалик аффикси шахс-сонда *ўз* сўзига қўшиладиган эгалик аффикси билан мослашади.

Иккиламчи синтактик боғланишда қаратувчи *ўз* билан ифодаланса, бошқача ҳолат ҳам туғилади: бу қаратувчи *ўз* + эгалик + келишик шаклида эмас, балки *ўз* + [келишик] шаклида ҳам ишлатилади. Шунда ҳам қаралмиш шу *ўз* сўзи орқали кўзда тутилган шахс маъносига мос эгалик аффиксини олади: *ўз қайтиш вақтим, ўз қайтиш вақтинг* каби.

Қаратқич келишиги формасидан олдин эгалик олиш ҳамма каби сўзларга ҳам хос; *ўз* сўзидан фарқи шуки, қаратқич келишигининг белгили шаклини эгалик аффиксиз ҳам ололади: *ҳаммамизнинг қайтиш вақтимиз, ҳаммангизнинг қайтиш вақтингиз, ҳаммаларининг қайтиш вақти, ҳамманинг қайтиш вақти*.

Кўринадики, эгалик аффикс қатнашмаган ҳолат (*ҳамманинг*) III шахс ҳукмида бўлади. Барча ҳолатларда қаралмишдаги эгалик иккиламчи синтактик боғланиш туфайли қўшилади. I, II шахсда қаралмишдаги эгалик қаратувчидаги эгалик билан мослашиб юради; III шахсда эса икки ҳолат бор: қаратувчида эгалик аффикси қатнашса, юқоридагича грамматик мослик воқе бўлади, акс ҳолда эса қаралмишдаги эгалик аффикси шахсда қаратувчининг негизига мослашади.

Иккиламчи боғланишдаги қаратувчи от билан ифодаланиб, бу от негизи эгалик аффикси олиши мумкин: *ука + м + нинг қайтиш вақт + и* каби. Аммо бундай ҳолатда қаралмишдаги эгалик от билан ифодаланган қаратувчидаги эгаликка алоқадор бўлмайди, қа-

ралмишдаги эгалик шахсда бундай қаратувчининг негизи билан мослашади:

Ука — м — нинг қайтиш вақт — и
III ш. I ш. III ш.

Худди юқоридагича ҳолат иккиламчи синтактик боғланишдаги қаратувчи отлашган негиз билан ифодаланганида ҳам рўй бериши мумкин:

норасида — миз — нинг кўз ёшлар — и
III ш. I ш. III ш.

Бирламчи боғланишдаги қаратувчи ҳам от билан ёки ўз сўзи билан ифодаланиши мумкин:

синовнинг (туғаш X муддат) и,
синовнинг (ўз X муддат) и каби.

Ҳатто бу икки хил конструкция асосида уч босқичли синтактик конструкция тузиш мумкин: синовнинг X [ўз X (туғаш X муддат) и. Шунда ҳам қаралмишга эгалик аффикси энг сўнгги босқичдаги қаратувчининг негизига мос равишда қўшилади.

Менинг ўз ишим бор. Укамнинг ўз иш вақти, сенинг ўз дам олиш вақтинг бор каби конструкцияларда ҳам эгалик аффикси юқоридагича ишлатилади.

Юқорида лексемаларнинг тўғридан-тўғри қаратувчи-қаралмиш сифатида боғланишини тасвирладик. Қелишикларнинг баёнида эса бош келишикни қаратқич келишигига алмаштириш билан юзага келадиган конструкциялар изоҳланган («Қаратқич келишиги» баҳсига қаранг). Бу ўринда худди ўша конструкцияларга эгалик кўрсаткичи нуқтаи назаридан изоҳ берамиз.

Эга-кесим муносабати қаратувчи-қаралмиш муносабатига айлантирилганида биринчи компонентнинг бош келишиги қаратқич келишиги билан алмашади, бунда қаратқич келишиги белгили шаклда ҳам, белгисиз шаклда ҳам келади. Қаратқич келишиги белгисиз шаклда келса, уни бош келишик билан қориштириш хавфи туғилади. Чунки предикатив синтагманинг эга бўлагини бош келишик формасида сақлаб, кесимига (асли синтагмага яхлитлигича) маълум ўзгартишлардан кейин эгалик аффикси қўшиб ишлатиш ҳам мавжуд («эгалик аффиксининг бош келишикдаги негиз билан боғланишда ишлатилиши» баҳсига қаранг).

Юзаки қараганда биринчи компоненти бош келишикда бўлиб кўринадиган, асли қаратқич келишигининг белгисиз шаклида турувчи конструкциялар асосан қуйидагилар:

1. Иккинчи компоненти *-ган* сифатдоши формасида келувчи конструкциялар: *нималар бўлаётганини, шабада юрмаётганидан, кимдир келаётганини* каби. Мисоллар: ... *унинг замирида катта тарбия ётганини билмай* қоламиз (Ж. Абдуллахонов). ...*бу гап асосан қайси мақсадда айтилаётганини тушунишга*

шунга кўра у ўрин келишикларидан бири формасини олиб, ҳол бўлиб келади ва бошқалар.

2. Иккинчи компоненти ҳаракат номи формасида келувчи конструкциялар: *душман самолётлари ўқ ёғдириб туришига қарамай, ҳаммаси рўёбга чиқишига, қалб бошқача ҳиссиёт билан тегишини каби:... буларнинг ҳаммаси кейин дилрабо қўшиқдай бўлиб қолишини ҳали билмайдилар* (Ж. Абдуллахонов)... *кўз олдида... солдатлар... душман устига бало-қазодай ёпирилишлари кеча бошлади* (Ж. Абдуллахонов).

Бу конструкцияни ҳам унга ўхшаб кетувчи *сув қайнаши билан* каби конструкциядан (эгаликнинг бош келишикдаги негиз билан боғланишда ишлатилишидан) фарқ қилиш лозим:

1) Қаратқич келишиги формасини белгисиз шаклдан белгили шаклга айлантириш мумкин: *ҳаммаси рўёбга чиқиши* → *ҳаммасининг рўёбга чиқиши* каби (асли келишикни белгили шаклда қўллаш — асосий вариант).

2) Конструкциядан объект маъноси ифодаланади, шунга кўра у тўлдирувчи (баъзан эга) бўлиб келади (сўроғи — *нимани?*, *нимада?* каби) ва бошқалар. *Сув қайнаши билан* каби конструкцияларда бу икки пунктда таъкидланган хусусиятлар йўқ.

3. Иккинчи компоненти зарурият, имконият, мавжудлик англатувчи негиз билан ифодаланувчи конструкциялар: *намоиш қилиши мумкинлигини, самимий дўстлари борлигидан каби:... лекин зиммасида бундай мураккаб масъулиятлар ҳам борлигини сезмаган эди.* (Ж. Абдуллахонов).

Мисоллардан кўринадики, а) биринчи компонентда қаратқич келишигининг белгисиз шаклини белгили шаклга айлантириш мумкин: *дўстлари борлигидан* → *дўстларининг борлигидан* каби; б) иккинчи компонентга эгалик аффиксидан олдин субстантив форма ясовчи *-лик* аффикси доим қўшилиб келади; в) конструкциядан объект маъноси англашилади; г) синтактик вазифаси—тўлдирувчи (баъзан эга) бўлиб келиш ва бошқалар.

Эгалик аффиксининг чиқиш келишигидаги негиз билан боғланишда ишлатилиши

Эгалик аффиксининг чиқиш келишигидаги негиз билан боғланишда ишлатилиши иккиламчи ҳолат бўлиб, бундай конструкция қаратқич келишиги қатнашадиган конструкция асосида юзага келган. Бунда асослик вазифасини қаратқич келишиги воситасида бирикувчи ҳар қандай конструкция эмас, балки маълум семантик-грамматик белги-хусусияти бор конструкциягина бажаради. Бундай бирикмада иккинчи компонент миқдор ёки белги англатадиган негиз билан ифодаланади, бирикманинг биринчи компоненти эса кўплик формасида келади ёки биттадан ортиқ миқдорни англатадиган сифатловчи олган бўлади: *шерикларидан бири, йигитларнинг барчаси, биноларнинг энг шинами, уч хонанинг энг каттаси* каби. Бунда кўп предметдан бирининг белгиси таъкидланади, ажратиб кўр-

сатилади. Худди шундай ажратиб кўрсатиш маъноси чиқиш келишигида ҳам бор бўлиб, у ерда ҳам келишик кўплик формасидан кейин қўшилади: (*Укам — илғор механизаторлардан.*) *Сизлардан уч киши борсин* каби.

Айтиб ўтилган семантик ва грамматик омиллар қаратувчилик бирикмада биринчи компонентни чиқиш келишигида ишлатиш учун шароит яратган. Агар фақат таъкидлашгина эмас, балки улуш маъносини ҳам ифодалашга эҳтиёж сезилса, қаратувчилик бирикманинг биринчи компоненти чиқиш келишигида ишлатилади («Қаратқич келишиги», «Чиқиш келишиги» баҳсларига қаранг).

Чиқиш келишиги қатнашадиган бирикмаларда иккинчи компонентга асосан III шахс эгалик аффикси қўшилади, чунки биринчи компонент одатда от билан ёки от ҳукмидаги негиз билан ифодаланади (юқоридаги мисоллар). I, II шахс-сон эгалик аффикси биринчи компонент I, II шахс кишилик олмоши билан ифодалансагина ишлатилади, шунда ҳам бу вазифада кўплик кишилик олмошларигина келади (умуман, бундай ифодаланиш жуда оз учрайди, сунъий туюлади ҳам): *бизлардан тўрттамыз, сизлардан баъзиларингиз* каби.

Эгалик аффиксининг бош келишикдаги негиз билан боғланишда ишлатилиши

Эгалик аффиксининг бош келишикдаги негиз билан боғланишда ишлатилиши мураккаб ҳодиса бўлиб, шулардан бири шаклан қаратувчи-қаралмиш конструкциясига, мазмунан эса изоҳловчи-изоҳланмиш конструкциясига ўхшаб кетадиган синтактик бирликлардан («Бош келишик» баҳсига қаранг): *Руза дарёси, «Гулбарги хандоним келур» ашуласини, (совет танклари, тарғибот ишлари, комсомол ташкилоти, бетон заводи, насос станцияси,) кўклам кезидаги, аёл тоифаси* каби.

Бундай конструкциялардаги биринчи компонентнинг изоҳловчига, иккинчи компонентнинг қаралмишга ўхшаш эканидан фойдаланиб, бу тур бирикмани изоҳловчи-қаралмиш конструкцияси деб номлаш мумкин.

Изоҳловчи-қаралмиш конструкциясининг бу турида фақат III шахс эгалик аффикси ишлатилади, эгалик аффиксини ишлатиш одатда зарурий бўлади, баъзангина эгалик аффикси факультатив ҳолат кашф этади. Масалан, *Ҳамза театри* каби бирикмаларда эгалик аффиксини ишлатиш зарур, аммо *Тошкент шаҳри* деб ҳам, *Тошкент шаҳар* деб ҳам ишлатиш учрайди (Бугунги адабий тил нуқтаи назаридан норма — *Тошкент шаҳари* деб ишлатиш).

Изоҳловчи-қаралмиш конструкциясига ўхшаб кетадиган, асли таъкид маъносини ифодалашга хизмат қиладиган конструкциялар ҳам бор. Буларда иккинчи компонент эгалик аффикси олиб келади. Ана шу эгалик аффикси бош келишикдаги биринчи компонентдан англашиладиган шахс-сон маъносига монанд ҳолда қўшилади: *Биз*

ҳаммамиз жавобгармиз, Улар барчаси далага чиқиб иш-
ляпти. Сиз ўзингиз ўйлаб кўринг-а каби.

Кўринадики, бундай конструкцияда биринчи компонент киши-
лик олмоши билан, иккинчи компонент эса ўз, барча, ҳамма каби
сўзлар билан ифодаланади. Бу тур конструкцияларда биринчи
компонентни қаратқич келишигида (белгисиз шаклида) деб ўйлаш
хавфи бор: *сизнинг ўзингиз, уларнинг барчаси* каби. Бу фикр бун-
дай конструкцияда иккинчи компонентга эгалик аффикси қаратув-
чи вазифасидаги сўз туфайли қўшилади деб ўйлаш натижасида
туғилади. Аслида бундай негизга эгалик аффикси қаратувчи вази-
фасидаги сўз бўлмаса ҳам қўшилаверади: эгалик аффиксининг
шахс-сонини белгилаб турувчи негиз қаратқич келишигида бўли-
ши, умуман шундай негизнинг қатнашуви шарт эмас: *Унинг ўзига
яхши. У ўзига яхши қилмади. Ўзинг олиб кетарсан* каби.

Иккинчи компонентдан қарашлилиқ маъноси эмас, таъкид маъ-
носи англашилса, биринчи компонентни бош келишикда деб, қа-
рашлилик маъноси англашилса, қаратқич келишигида деб ҳукм
чиқариш лозим. Бунда қаратқич келишиги белгиланган шаклда бўла-
ди, албатта. Демак, *-нинг* қўшилса, қаратқич келишиги ҳақида,
қўшилмаса, бош келишик ҳақида гапириш керак: *ота-оналарнинг
барчаси — ота-оналар барчаси* каби.

Қаратқичли синтагмани сифатловчи¹ синтагмага айлантириш
имконияти бор: *ота-оналарнинг барчаси — барча ота-оналар* каби.
Изоҳловчили синтагмада бу имконият йўқ. Ҳатто бошқа тур изоҳ-
ловчили синтагмалардаги хусусият ҳам — компонентларни ўрин ал-
маштириш имконияти ҳам йўқ: таъкид маъносини ифодаловчи не-
гиз таъкидланувчидан кейин жойлашади: *сиз ўзингиз, сиз ҳамма-
нгиз* каби.

Олдинги параграфда тасвирланган конструкцияга ўхшаш яна
бир синтактик муносабат бор: биринчи компонент бош келишикда-
ги от билан ифодаланади, бу от асли уюшиқ бўлакнинг вакили (эл-
липсга учраган уюшиқ бўлак), иккинчи компонент эса шунинг
умумлаштирувчи сўзи бўлади; кейингиси кўпинча жамловчи сон
билан ифодаланади: *Кампир учови узоқ гаплашгандан кейин...*
(А. Қаҳҳор). *Кулала икковимиз кўчага югурган эдик*
(А. Қаҳҳор).

Бундай конструкцияда уюшиқ бўлакнинг назарда тутилган қис-
мини тиклаш мумкин: *Дадам иккови... кўчага чиқади*
(А. Қаҳҳор) — *Дадам ва у — иккови...* каби.

Эллипсланиш натижасида уюшиқ бўлак вакили билан умум-
лаштирувчи сўз орасидаги пауза ўзгаради (шу сабабли ёзувда
ҳам тире қўйилмайди), бу қисмлар гўё изоҳловчи-қаралмиш ҳо-
латига ўтади.

Агар тикланувчи уюшиқ қисм йўқ бўлса, ҳар қанча ўхшашлик-
дан қатъи назар, эллиптик уюшиқ бўлак билан умумлаштирувчи
сўз муносабати ҳақида эмас, изоҳловчи-изоҳланмиш (изоҳловчи-
қаралмиш) муносабати ҳақида гапириш лозим. Масалан, *Ака-ука
иккови ҳам новча, озгин* (Ойбек) гапида *иккови — умумлаш-*

тирувчи сўз эмас, чунки уюшиқ бўлак йўқ, бирор уюшувчи қисмни туширилган деб ҳам бўлмайди. Агар *ака-ука* жуфт сўз (битта сўз) тарзида эмас, балки иккита мустақил сўз тарзида (*ака, ука* каби) айтилганида ва ёзилганида эди, буларни ўзаро уюшиқ бўлак деб, *иккови* сўзини эса умумлаштирувчи сўз деб қараш мумкин эди. Бунда уюшиқ бўлак тўлиқ ифодаланар, демак, биз таҳлил қилаётган тур конструкция бўлмай қолар эди: *Ака, ука — иккови ҳам...* каби. Бу ерда уюшувчи қисмларнинг ҳар иккисидан III шахс маъноси англашилади, шу сабабли умумлаштирувчи сўз ҳам III шахс эгалик аффикси олиб келади: *Ака, ука //Улар икков+и*. Жуфт сўз ҳолида олинса, изоҳловчидан III шахс маъноси англашилади, изоҳланмиш (қаралмиш) ҳам изоҳловчисига III шахс эгалик аффикси олиб мослашади: *Ака-ука//Улар икков+и*.

Эллиптик уюшиқ қисмли конструкцияда манзара бошқачароқ: *Қампир //Улар учов+и, Кулала //Биз икков+имиз, Дадам // Улар икков+и* каби. Кўринадики, эллиптик уюшиқ қисм билан умумлаштирувчи сўздан англашиладиган сон маъноси зид: биринчисидан бирлик, иккинчисидан кўплик англашилади. *Ака-ука //Улар иккови* каби конструкцияда сон жиҳатдан ҳар ҳолда тенглик бор, чунки жуфт сўз жамлик маъносини ифодалайди.

Ака, ука //Улар иккови каби конструкцияда ҳам сон жиҳатдан тенглик мавжуд, чунки уюшув ҳам кўплик маъносини беради. Уюшувчилар эллипланса, бу тенглик бузилади. Биринчи компонент бирликда бўлгани ҳолда иккинчи компонент кўплик эгалик аффикси олиб келади: *Дадам икковимиз, дадам икковингиз, дадам иккови* (III шахс эгалик аффикси сон жиҳатдан нейтрал экани аввал таъкидланган эди). Бундан хулоса шуки, эллиптик уюшиқ қисмли конструкцияда иккинчи компонентга эгалик аффикси биринчи компонентга мос ҳолда эмас, балки уюшиқ бўлакни тўлиқ назарда тутган ҳолда қўшилади: *дадам [ва мен] иккимиз, дадам [ва сен] иккингиз, дадам [ва у] иккиси* каби. Бунда қайси шахс-сон эгалик аффиксининг қўшилиши назарда тутилган кишилик олмоши қайси шахс-сонники эканига боғлиқ. Натижада бундай конструкцияни уч шахсга нисбатлаш имконияти туғилади: *Кулала икковимиз, Кулала икковингиз, Кулала иккови* каби.

Уч шахсга нисбатлаш тўлиқ ифодаланган уюшиқ бўлакли конструкцияда ҳам мавжуд: *ака, ука — икковимиз; ака, ука — икковингиз; ака, ука — иккови* каби. Аммо қуйидаги тур конструкция I шахс эгалик аффикси олиб ишлатилмайди: *Комил, Азим икковингиз; Комил, Азим иккови* каби. Кўринадики, тўлиқ уюшиқ бўлак турдош от билан ифодаланса, умумлаштирувчи сўз ҳар уч шахс эгалик аффиксини олиб ўзгаради, агар бундай уюшиқ бўлак атоқли от билан ифодаланса, умумлаштирувчи сўз II, III шахс эгалик аффикси билангина ишлатилади.

Предикатив синтагманинг маълум турларида эга эгалик олган сўз билан ифодаланади, бу эгалик кесимдаги тусловчи билан мувофиқлашиб юради. Бу тур предикатив синтагмада эга қуйидагича сўзлар билан ифодаланади:

а) *ўз сўзи билан ифодаланади: Ёлғиз ўзим бўлай деганнинг ҳоли хавф-хатардан холи эмас* (Ж. Абдуллахонов). *Яхшиси, ўзинг бир сурат солиб қўя қол* (Ж. Абдуллахонов);

б) ҳамма каби белгилаш олмоши билан ифодаланади, кўплик эгалик аффиксини олиб келади: *Қайтага ҳаммамиз бир жон-у бир тан бўлиб ишласак деймиз* (Ж. Абдуллахонов). Қиёс қилинг: *ҳаммамиз ишласак, ҳаммангиз ишласангиз, ҳаммалари ишласа ёки ишласалар.*

Юқоридаги икки пунктда тасвирланган таъкид изоҳловчилари бош келишида бўлгани ва бу гапда бош келишикдаги бошқа сўз қатнашмагани сабабли, бундай изоҳловчи гапнинг эгаси деб талқин қилинади, аммо бундай вазифа (эга бўлиб келиш) иккиламчи экани эслатилмайди. Асли бундай тузилишли гапларнинг тадрижи (эволюцияси) қуйидагича: *Биз ишладик.*—*Биз ҳаммамиз ишладик.*—*Ҳаммамиз ишладик.*

Демак, изоҳловчиларнинг баъзи тури қатнашган гапда кесим билан бош келишикдаги иккита негиз боғланади, иккинчи негиз (изоҳловчи) таъкид маъносини билдиради (Шу асосда бундай сўзни таъкидловчи деб номлаш мумкин). Асли эга вазифасини таъкидланмиш билан таъкидловчи биргаликда бажаради. Бунда эга бўлакнинг асоси бўлиб таъкидланмиш хизмат қилади, чунки у — етакчи компонент. Эга вазифасидаги бундай бирикмада етакчи компонент қатнашмаса, бу синтактик вазифада келиш эргаш компонент (таъкидловчи) устига юкланади, шу йўл билан таъкидловчи эга бўлиб келади.

Одатда қаралмишдаги эгалик шахс-сонда (ёки шахсда) қаратувчи вазифасидаги негиз билан мослашади: *бизнинг вазифаларимиз* каби. Маълум конструкцияларда эса қаралмишдаги эгалик шахс-сонда қаратувчи вазифасидаги негиз билан эмас, бундай негизга қўшиладиган эгалик аффикси билан мослашувини ҳам кўрдик: *ҳаммамизнинг вазифамиз* каби. Демак, кейинги тур бирикмаларда шахс-сонда мослик грамматик формалар асосида, шунда ҳам айни бир грамматик категориянинг формалари орасида воқе бўлади. Ўзбек тилидаги грамматик мослик деб асли морфемаларнинг худди шундай ишлатилишини кўрсатиш тўғри.

Бу пунктда грамматик мосликнинг иккинчи бир тури тасвирланди. Бундай грамматик мослик ҳам эгалик аффикси ишлатиш билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Юқорида тилга олинган грамматик мосликдан фарқи шуки, мослик ҳар хил грамматик категориялар формаси (эгалик билан туловчи) орасида содир бўлади.

Предикатив синтагманинг маълум турларида эганинг шахс-сонига мос ҳолда кесимга эгалик аффикси қўшилади, бунда эгалик аффикси туловчи ўрнида келади. Бунинг баъзи кўринишлари:

1. *-ган* сифатдоши формасидаги кесимда бўлишсизлик *йўқ* ёрдамчиси билан ифодаланса, сифатдош кесим эга билан шахс-сонда эгалик аффикси олиб мослашади: *Мен борганим йўқ, сен борганинг йўқ, у боргани йўқ* каби: *Гал сизнинг устингизда кетаётгани*

йўқ (Ж. Абдуллахонов). *Бирорта ўрин бўш қолгани йўқ* (Ж. Абдуллахонов).

Ҳозирги синтактик қурилиш нуқтаи назарида *Мен борганим йўқ* гапида эга мен олмоши билан ифодаланган, бу олмош — бош келишиқда; кесим вазифасини *борганим йўқ* бажаради. Асли бундай гап *Менинг борганим йўқ* каби тузилган, кесим *йўқ* мустақил сўзи билан ифодаланган, эга вазифасида эса қаратувчили бирикма (менинг борганим) келган деб изоҳланади. Синтактик қайта бўлиниш натижасида биринчи сўздаги қаратқич келишиги бош келишиқ билан алмашган, қаратувчи эгага айланган; илгарин қаралмиш сифатида эгалик аффикси олиб келган негиз кесимга айланган, шу йўл билан эгалик аффикси тусловчилик вазифасини ўтай бошлаган.

Кўринадики, бундай конструкцияда эгалик аффиксининг бош келишиқдаги негизга боғланиши иккиламчи ҳодиса бўлиб, асли қаратқич келишиқдаги негиз билан боғланишдан ўсиб чиққан.

Агар тавсирланаётган конструкцияда бўлишсизликни бошқача форма билан ифодаласак, эгалик аффикси эмас, тусловчининг ўзи кўшилади:

Мен борган эмасман || *бормаганман,*
Сен борган эмассан || *бормагансан,*
У борган эмас || *бормаган.*

Демак, ҳозирги тил грамматик системаси нуқтаи назаридан бу ўринда предикатив синтагма ўз моҳиятини сақлайди, синтактик вазифа ўзгармайди; шахс-сон маъносини билдирувчи бир формалар системаси иккинчиси билан алмашади, натижада тусловчи билан эгалик аффикси орасида синонимик муносабат воқе бўлади.

Тавсирланаётган тур синтактик конструкцияда шахс-сон кўрсаткичини ташлаб бўлмайди: *боргани йўқ ўрнига борган йўқ* дейиш мумкин эмас. Акс ҳолда *борган* эгага, *йўқ* кесимга ажралиб кетади; ваҳолонки тавсирланаётган конструкцияда *боргани йўқ = бормаган*.

2. Кесим ҳаракат номи формасидаги феъл ҳамда *керак, лозим, мумкин* каби зарурият, имконият англатувчи сўздан таркиб топади, ҳаракат номи эганинг (бажарувчи шахснинг) шахс-сонига мос эгалик аффикси олади: *Мен айтишим керак, Сен айтишинг керак, у айтиши керак: Кўприк тезда битиши керак* (Ж. Абдуллахонов), *Ёшлар ана шунга тушунишлари керак* (Ж. Абдуллахонов), *Бугунги шон-шухрат эртага ҳеч нарсага арзимаё қолиши мумкин* (Ж. Абдуллахонов), *Бугунги ютуқ эртага бўлмаслиги мумкин* (Ж. Абдуллахонов).

Бундай гаплар асли *Менинг айтишим керак* каби тузилган дейилади. Унда кесим *керак* типидagi сўзнинг ўзи билан ифодаланган, эгалик аффикси эса моҳиятига мос вазифада келган. Синтактик қайта бўлиниш натижасида эгалик аффиксига тусловчилик вазифаси юкланган. Кўринадики, бу конструкцияда ҳам эгалик аф-

фикси асли қаратқич келишигидаги негиз билан боғланиш асосида ишлатишдан ўсиб чиққан.

Бундан қатъи назар, бундай конструкцияда эгалик аффиксини тусловчи билан алмаштириб бўлмайди (аввалги пунктга қаранг); аммо эгалик аффиксини ташлаш, шу билан шахсли гапни шахсиз гапга айлантириш мумкин: *[Мен] айтишим керак. — Айтиш керак.* Бундай ўзгартиш эгаси кишилик олмоши билан ифодаланган гаплардагина мумкин, албатта.

3. Кесими *-ган* сифатдоши формасига кирган предикатив синтагма эгалик ва ўрин келишиги формасини олиб, шарт эргаш гап бўлиб келса, бундай конструкциядаги эгалик аффикси тусловчи вазифасини бажаради: *Эҳ, мен сенинг ўрнингда бўлганимда...* (Ж. Абдуллахонов). Чунки бундай конструкцияда эгалик аффикси тусловчи ўрнида келади:

Мен бўлганман — Мен бўлганимда,...
Сен бўлгансан — Сен бўлганингда,... каби.

Бундай конструкцияда кесим ўтган замон формасида бўлади: *бўлганман — бўлганимда; бўлдим — бўлганимда* каби. Кўринадики, мустақил гап кесимида замон қайси форма билан ифодаланмасин, эргаш гап кесими *-ган* сифатдоши билан ифодаланади, биринчисидаги тусловчи шахс-сонда унга мос келадиган эгалик аффиксига алмаштирилади, сўнгра ўрин келишиги қўшилади. Демак, ҳар икки конструкцияда замон ва шахс-сон маънолари сақланади, булардан биринчисини ифодалашда ҳар хил замон формалари унификация қилиниб, ягона шаклга келтирилади, шахс-сон маъноси эса ҳар хил грамматик категорияларнинг формасини ўзаро муқобилига алмаштириш билан ифодаланади.

Шарт эргаш гапга тенг юқоридаги конструкция шарт майли формасидаги эргаш гап билан синонимик муносабатга киришади: *Мен борганимда, ... — Мен борсам,...* каби. Бу конструкцияларда эгалик аффиксига тусловчи, *-са* шарт формасига *-ган + да* морфемалари тўғри келади.

4. Кесими *-ган* сифатдоши формасига кирган предикатив синтагма эгалик аффикси ва *билан* кўмакчисини олиб, тўсиқсиз эргаш гап бўлиб келса, бундай конструкциядаги эгалик аффикси тусловчи вазифасини бажаради: *Қиш киргани билан, ҳали қор ёққанича йўқ* каби.

Бу конструкцияга ҳам юқоридаги конструкция учун таъкидланган белги-хусусиятлар хос; фарқ келишик ўрнига кўмакчи ишлатишда ва шу сабабли бошқа-бошқа маъно англашилишида, бошқа-бошқа гап тури бўлиб келишида кўринади.

Тасвирунаётган конструкция тўсиқсиз эргаш гапнинг шарт майли формаси ёрдамида шаклландиган тури билан маъно муносабати ҳосил этади: *Қиш киргани билан,... — Қиш кирса ҳам,...* каби.

Кўринадики, бу икки конструкцияда эгалик аффиксига туслов-

чи, биринчисидаги *-ган+билан* формаларига иккинчисида *-са+* ҳам формалари тўғри келади.

5. Кесими *-ган* сифатдоши формасига кирган предикатив синтагма эгалик аффикси ва *учун* кўмакчисини олиб, сабаб ҳоли бўлиб келса, бундай конструкциядаги эгалик аффикси тусловчи ўрнида келади: *Козимбек ҳеч қачон қоронғи тушгандан кейин келмагани учун... хавотирга тушди-ю, дарров чўқилаб кўрди* (А. Қаҳҳор). Бунда: *Козимбек келмагани учун — Козимбек келмагани сабабли*.

Предикатив синтагманинг бундай формага кириши қуйидагича.

Козимбек келма | *ди* | \emptyset
| *ган* |

{ [*Козимбек келма*) *ган*] *и* } *учун*

6. Кесими ҳаракат номи формасига кирган предикатив синтагма эгалик аффикси ва *билан* кўмакчисини олиб, пайт ҳоли бўлиб келса, бундай конструкцияда эгалик аффикси тусловчи ўрнида келади: *Кеч тушиши билан атроф сокинлашди* (Ж. Абдуллахонов). *Ойгул туриши билан Сарой чароқлаб кетди* (Ҳ. Олимжон).

Предикатив синтагманинг бундай формага кириши қуйидагича:

Сув қайна | *й* | *ди*
{ [*Сув қайна*) *ш*] *и* } *билан...*

Кўринадики, бу қайта тузишда гап вазифасига мос синтактик бирлик бўлак вазифасига мос формага киради; бундай қайта тузиш тусловчи гапнинг кесими келаси замон формасида бўлади, грамматик ўзгариш натижасида у ҳаракат номи формаси билан алмашади (*-й* → *-ш*); тусловчи ўрнига эса эгалик аффикси келади (*-ди* → *и*), сўнгра *билан* кўмакчиси қўшилади; эга вазифасидаги сўзнинг келишиги ўзгармайди.

Бу конструкциянинг тўртинчи пунктда тасвирланган конструкциялардан асосий фарқи унинг гап вазифасида эмас, балки бўлак вазифасида келишидир. *Сув қайнаши билан* конструкциясини пайт ҳолининг *сув қайнаган заҳоти* каби ифодаланиши билан қиёсла-сак, унинг бўлак вазифасида келганлиги очиқ кўринади.

Юқоридаги таҳлилнинг учинчи пунктида тасвирланган конструкциянинг омоними бор: *Биз ҳам бир вақтлар Мирзачўлга борганимизда янги ер ўзлаштиргани келдик деб тушунардик* (Ж. Абдуллахонов). Мисолдан кўринадики, бундай конструкция бирор синтактик бирликнинг таркибига киради; ундан пайт маъноси англашилади, шунга кўра у пайт ҳоли вазифасини бажаради.

Пайт ҳоли вазифасида келувчи бундай конструкция асли сифатловчи-сифатланмиш бирикмасидан ўсиб чиққан: *биз борган вақтда* → *биз борган [имиз] да* каби. Демак, бу тур конструкцияда

предикатив синтагма аввал сифатловчи бўлиб келади, бунинг учун у сифатловчи вазифасига мос феъл формасига киради:

Мен бордим. | → | *Мен борган пайтда... Ёки*
Мен борганман. | → | *Борган пайтимда...*
Мен бораянман. → *Мен бораётган пайтда... Ёки*
Бораётганимда...

Демак, сифатловчи вазифасига мувофиқлаш муносабати билан предикатив синтагмадан тусловчи ташланади, замон формаси унификацияга учрайди (-ган ёрдамида ифодаланади), шахс-сон маъноси сифатланмиш таркибига эгалик аффикси киритиш билан ифодаланади. Кейинги босқич ўзгаришда сифатланмиш тушиб, унинг вазифаси сифатловчига юкланади, шу асосда сифатланмишнинг формасини сифатловчи олади; бундай ҳодиса тилимизда кўп учрайди: *яхши одамга* → *яхшига*, *яхши одамлар* → *яхшилар*, *ғўзал ёрим* → *ғўзалим* каби.

Кўринадики, тасвирланаётган конструкциядаги эгалик аффикси, гарчанд у эганинг шахс-сонига мослашиб юрса ҳам, тусловчи ўрнига келмайди, балки эгалик аффикслигини сақлайди (эгалик аффиксининг ўзи сифатланмишдан сифатловчи вазифасидаги предикатив синтагмага кўчади). Бундай конструкцияга боғлиқ ҳолда вергул ишлатиш уни эргаш гап деб қараш асосида воқе бўлади; асли у пайт ҳоли бўлиб, бундай ҳол бўлакни гапдаги бошқа бўлаклардан вергул билан ажратиш ортиқча.

Эгалик аффиксининг ўзи қўшилган негиз доирасида ишлатилиши

Эгалик аффикси ўзи қўшилган негиз доирасида ишлатилса, бундай эгалик кўрсаткичи икки хил моҳиятга молик бўлади:

I. Ўзи мансуб формалар системасининг вакили бўлади, ўз грамматик моҳиятини сақлайди (Куйироқда шундай эгалик аффиксини тасвирлаймиз).

II. Ўзи мансуб формалар системасидан чиқиб, ўз грамматик моҳиятини йўқотади, ўзи қўшилаётган негизда қотиб, шу негиз билан биргаликда янги бир лексеманинг пайдо бўлишида қатнашади. Бунда эгалик аффикси сўзнинг формал қисмидан материал қисмига ўтади, морфологик соддалашиш воқе бўлади. *

Лексема таркибига ўтиб кетиш асосан III шахснинг -и аффиксида, қисмангина I шахснинг -м аффиксида содир бўлади. Масалан, расмий муомалада ишлатилувчи *хоним* сўзи, эркалаб мурожат қилишда ишлатилувчи *жоним* сўзи таркибидаги -м аффиксида шундай грамматик-семантик ўзгариш юз берган. *Ойим қиз* бирикмасидаги биринчи сўз ҳам юқоридагича тараққиёт йўлини ўтган, аммо бу ерда бир туркумдан иккинчи туркумга ўтиш ҳам рўй берган: аввалги мисоллар от туркуми доирасидаги тараққиётни акс эттирса, охириги мисолда отдан сифатга ўтиш юз берган.

Мисолларни кузатиш кўрсатадигани, бир туркум доирасида қолишдан кўра, бир туркумдан бошқа бир туркумга ўтиш кўн воқе бўлади. Булар қуйидагича:

1. Пайт билдирувчи от негизи эгалик аффикси билан бирга равнишга ўтади: *кечаси, эртаси* каби.

Шу ерда яна бир ҳодисага диққатни жалб қилиб ўтиш керак. Биринчи компоненти *бир* сўзи ёки кўрсатиш олмоши билан, иккинчи компоненти *кун*- негизи билан, шунингдек биринчи компоненти тартиб сон билан, иккинчи компоненти *йил*- негизи билан ифодаланувчи бирикмалар III шахснинг *-и* аффиксини олиб, бош келишик формасида ҳол вазифасида келади. Бундай грамматик конструкцияда қатнашадиган *-и* аффикси ҳам ўзи мансуб формалар системасидан ажралиб кетган бўлади: *бир кун*, *ҳар кун*, *ўша кун* каби. Бундай бирикманинг иккинчи компонентига *-и* аффикси биринчи компонент талаби билан қўшилмайди: сифатловчи туфайли сифатланмиш эгалик аффикси олмайди. Шу сабабли юқоридаги тур бирикмаларда *-и* аффиксининг ишлатилишини асослаш қийин.

2. От негизи эгалик аффикси билан бирга модал сўзга ўтади: *чоғи, чамаси, мазмуни* каби. Бу мисолларда модал сўзга ўтиш бош келишик формасида воқе бўлади. Модал сўзга ўтиш бошқа келишик формасида ҳам рўй беради: *афтидан* каби. Модал сўзга юқоридагича ўтиш бошқа туркум негизида ҳам бор: *яхшиси, ўз-ўзидан* каби: *Я х ш и с и, ў з и н г б и р с у р а т с о л и б қ ў я қ о л* (Ж. Абдуллахонов).

Хўш, мақсад нима ўзи? (Ж. Абдуллахонов) каби ишлатишдаги *ўзи* ҳам маъно жиҳатидан модал сўзга жуда яқин туради.

3. *Буйруқ қилгани нимаси?* (Ж. Абдуллахонов), *нолигани нимаси* (Ж. Абдуллахонов) каби конструкцияларда қатнашадиган *ни маси* сўзи таркибидаги эгалик аффикси ҳам қотиб қолган, лексема таркибига ўтиб кетган.

Э с л а т м а. Бу уч пунктда келтирилган мисолларнинг кўпчилигида омонимия воқе бўлишини унутмаслик керак: *кечаси I* — «мажлиси», «йиғилиши», *кечаси II* — «тунда» каби.

Юқорида тасвирланган ҳодисаларни эгалик аффиксининг сўз ясовчи таркибида қотиб қолиши ҳодисасидан фарқ қилиш керак. Масалан, *бутунлигича; бирваракайига* каби сўзлардаги *-лигича, -ига* ясовчиларида III шахснинг *-и* аффикси бу равиш ясовчиларнинг доимий таркибига айланган. Бу ўринда биттадан ортиқ морфеманинг ягона аффиксга бирлашуви юз берган.

Эгалик аффикси ўзи қўшияган негиз доирасида ўз грамматик моҳиятини сақлаб ишлатилса, қуйидагича туркум сўзлари негизига қўшилиб келади:

1. От сўз негизига (Бу энг кўп учрайди): *ниятим, пойтахтимизни ақлинг, онангиз, қулоғига, қизларим, нарсаларимиз, дўқ-пўписаларингиз, шерикларидан* каби.

2. От тип сўз негизига:

1) ўз сўзи негизига: *ўзимга, ўзимизни, ўзинг, ўзи, ўзларига* каби;

2) ҳаракат номи негизига: *таскин топиши, алоқа боғлаши* каби;

3) сон негизига: *учовимиз* каби;

3. Отлашган сўз негизига:

1) сифат негизига: *яхшисидан, улуғимиз, ботирингиз* каби;

2) сифатдош негизига: *билганимизда, танишиб олмаганимизга, нима қилганинг, кўрганига, яраланганлари* каби;

3) сифат олмош негизига: *ҳаммамизнинг, ҳаммасидан, биронтанг* каби;

4) равиш негизига: *кўпи, ози* каби;

5) сон негизига: *иккитаси, биттамиз, учалангиз* каби ва бошқалар.

Мисолларни кузатиш асосида қуйидагича хулосалар чиқариш мумкин:

а) Эгалик аффикси — от негизига, от тип сўзлар негизига табиий равишда қўшилиб келувчи морфема. Бунда эгалик аффиксидан олдин сон категориясининг формаси, эгалик аффиксидан кейин эса одатда келишик категориясининг формаси қатнашади.

Юқорида таъкидланганидан бошқача тур негизлар эгалик аффиксини отлашсагина олади. Бунда ҳам эгалик кўрсаткичидан кейин келишик категориясининг формаси қўшилади. Бундай негизларнинг кўпчилиги сон категориясининг ҳар икки формасида кела олади: *улуғимиз — улуғларимиз, яраланганинг — яраланганларинг, кўпи — кўплари* каби.

Баъзи негизлар сон категориясининг фақат бирлик формасида бўла олади. Масалан, *иккитамиз* деб ишлатилади-ю, аммо *иккиталаримиз* дейиш мумкин эмас, *ҳаммамиз* деб ишлатилади, бироқ *ҳаммаларимиз* дейиш эса ғайри табиий (*иккиталаринг, ҳаммаларинг* каби ишлатишда *-ларинг* яхлитлигича эгалик аффиксига тенг, демак, бу ерда ҳам негиз сон категориясининг бирлик формасида бўлади).

б) Эгалик аффикси от сўз негизига бирлик формасидан кейин ҳам, кўплик формасидан кейин ҳам қўшилаверади (Кўпинча бирлик формасидан кейин қўшилади, чунки бундай негиз кўпинча бирлик формасида ишлатилади); отдан бошқа сўзларнинг негизига эса эгалик аффикси одатда бирлик формасидан кейин қўшилади (Бу ҳолат ҳам шундай сўзлар отлашганда асосан бирлик формасида ишлатилиши билан изоҳланади).

в) Кўпчилик негизлар I, II шахс эгалик аффиксларининг ҳар икки сон формаси билан ишлатилаверади; баъзи негизларга эса шу шахс эгалик аффиксларининг асосан кўплик формаси қўшилади. Кейингича чекланишга шу негизларнинг семантикаси сабабчи бўлади. Масалан, миқдор тушунчасини англатувчи сўзларга (соннинг маъно турларига, олмошнинг, равишнинг миқдор тушунчаси билан боғлиқ турларига) одатда эгаликнинг кўплик формаси қўшилади: *икковимиз, биттангиз, ҳаммамиз, кўпингиз* каби.

г) Миқдор тушунчасини ифодаловчи негизларга I шахс эгаликнинг бирлик формаси мутлақо қўшилмайди, чунки сўзловчи ўзини кўп деб тасаввур қила олмайди, *мен*- негизини *менлар*- шаклига киритиб бўлмайди, демак, «битта миқдор»дан «бирор миқдор» тушунчасини ажратиш мумкин эмас.

Изоҳ. *Учим*, *тўртим* каби ишлатишда негиз миқдор тушунчасини эмас, балки синовда қўйиладиган баҳо баллини англатади, шу сабабли I шахс эгалик аффиксининг ҳар икки сон формаси билан ишлатилаверади.

Миқдор тушунчасини ифодаловчи негизларга II шахс эгалик аффиксининг бирлик формаси (сенлаб гапиришда) қўшилади, чунки тингловчини кўп деб тасаввур қилиш, *сен*-негизини *сенлар*-шаклига киритиш мумкин, демак, кўпдан бирор миқдорни ажратиб олиш имконияти мавжуд: [*сенларнинг*] *ҳамманг* каби.

д) Маълумки, III шахс эгалик аффикси *-и* сон жиҳатдан нейтрал, шу сабабли унинг ишлатилишида I, II шахс аффиксларида рўй берадиган чекланиш йўқ: *иккови*, *биттаси*, *ҳаммаси*, *кўпи* деб ишлатаверамиз. Асли кўплик ғоясидан келиб чиқиш бу ерда ҳам сақланади: назарда тугиладиган қаратувчи кўпликдаги негиз билан ифодаланади (нисбат берилаётган шахс кўп бўлади). Масалан, [*уларнинг*] *иккови*, [*укаларимнинг*] *биттаси*, [*биноларнинг*] *кўпи* каби.

е) Уч шахс доирасида нисбатланиш асли кишиларга нисбат бериладиган предмет ва белги номларида воқе бўлади. Масалан, *кўз*-негизи кишининг қараш органи маъносида келса, уч шахс-сон эгалик аффикси билан ишлатилади: *кўзим*, *кўзинг*, *кўзи* каби. Агар *кўз*- негизи ҳайвоннинг қараш органини ёки бошқа бирор предмети англатса, фақат III шахс кўрсаткичини ола олади: *оҳунинг кўзи*, *узукнинг кўзи* каби.

ж) Эгалик аффикси кўпинча сўз негизига қўшилади (юқоридagi мисоллар). Шу билан бир қаторда, эгалик аффиксининг сўздан йирик синтактик бирлик негизига қўшилиши ҳам анчагина учрайди. Масалан, *Бажараётган иши ҳам зерикарли* (Ж. Абдуллахонов) гапида эгалик аффикси бирикманинг негизига (сон категорияси формасидан кейин) қўшилаётгир: [(*бажараётган иш*) + бирлик] + эгалик аффикси + бош келишик. Кўринадики, икки негиз аввал сифатловчи-сифатланмиш муносабатига киришиб, сўнг бирин-кетин уч грамматик категориянинг формасини олган. Бу грамматик категорияларнинг қайси формасини ишлатиш бирикманинг ўзига боғлиқ эмас: *бажараётган ишларимни* каби ҳар уч грамматик категориянинг формасини алмаштириш мумкин; *бажараётган ишларни* каби эгалик аффиксини ташлаш ҳам мумкин. Демак, бундай бирикмада эгалик аффикси — ташқи, у объектив воқелик билан боғланиш асосида қўшилади.

Эгалик аффикси сўз негизига эмас, балки сўздан йирик синтактик бирлик негизига қўшилгани мана бу тур конструкцияда жуда очиқ кўринади: *Юки енгилларимиз ёрдама шошилдик*. Ички қурилиши предикатив синтагмага тенг бундай конструкцияда эгалик

аффикси иккинчи компонентнинг ўзига қўшилиб келаётир деб бўлмайди; асли ҳар уч грамматик категориянинг формаси шундай ҳолатда бўлиб, буларнинг қўшилишини қавслар ёрдамида қуйидагича кўрсатиш мумкин:

{[(юки энгил) лар] имиз} Ø I

Маҳсулотнинг сифатини каби бирикмаларда ҳам эгалик аффикси икки негизнинг синтактик боғланиши туфайли ишлатилади, аммо бунда у ички бўлади, юқоридаги мисолда қилинганидек уни қавсдан ташқарига чиқариб бўлмайди: [(*маҳсулот*) *нинг* (*сифат*) *и*] *ни*.

Бундай конструкцияда эгалик аффикси қаратқич келишиги аффиксига боғлиқ ҳолда, ички форма сифатида баҳоланади, бирикма негизига қўшилувчи форма сифатида қавслардан ташқарига келишик формаси чиқарилади.

з) Баъзи негизларга эгалик аффикси умуман қўшилмайди. Масалан, кишилик олмоши эгалик аффикси олмайди, чунки булар айна бир маъноларнинг икки хил восита билан ифодаланиши бўлиб, шу сабабли кишилик олмоши ўзига эгалик аффикси қўшилишини рад этади.

Эгалик аффикси ўзи қўшилган негиз доирасида ўз грамматик моҳиятини сақлаб ишлатилганда бундай негизга тобе ва шу эгалик аффиксига шахс-сонда мос бирор негизни келтириш (тиклаш) имконияти мавжуд бўлади. Бундай имконият маълум бир синтактик шарт-шароитдагина йўқолади. Айтиб ўтилган икки ҳолатни тикланувчи негизли ҳолат ва тикланувчи негизсиз ҳолат деб номлаш мумкин.

Тикланувчи негизсиз ҳолат қуйидагича ўринларда воқе бўлади: эгалик аффикси яхлитлигича бир синтактик вазифада келаётган предикатив синтагманинг эга қисмига қўшилади, бундай эга ички бўлади, шу сабабли доим III шахс эгалик аффикси ишлатилади, уни бошқа шахс-сон эгалик аффиксига алмаштириб бўлмайди. Ана шундай «ички» эгалик асосида бирор негизни тиклаш имконияти бўлмайди.

Таъкидланган тур предикатив синтагманинг яхлитлигича бирор форма олиши ва шунга мос ҳолда бажарадиган синтактик вазифалари қуйидагича:

1) Кесим феъл негизи билан ифодаланган бўлса:

а) сифатдошнинг *-ган* аффиксини олиб, сифатловчи бўлиб келади: (*соchlари тўзғиб кетган*) *бир қиз* (Ж. Абдуллахонов), (*юраги пора-пора бўлган*) *Хўжаназар ака* (Ж. Абдуллахонов), (*келини кирган*) *уйга* (П. Қодиров) каби;

б) сифатдош *-ган* аффиксини олади, сўнгра сон ва келишик формасини олиб отлашади, шунга мос синтактик вазифада келади. Масалан, (*хамири ачимаганларни*) *шаклида* (тушум келишигида) *воситасиз тўлдирувчи* бўлади, (*Оғзига кучи етмаганлар*) *шаклида* эга бўлади: *Ичимизда ақли балога етадиганлар топилади* (Ж. Абдуллахонов).

2) Кесими сифат негизи билан ифодаланган бўлса:

а) ҳеч қандай морфема олмай сифатловчи бўлиб келади: (*кўзи қориз*) *Исмаат бобо* (П. Қодиров), (*Энг бағри кенг*) *одам* (П. Қодиров) каби;

б) сон формасини олиб отлашади ва бошқа бирор формани олиб, шунга мос синтактик вазифада келади. Масалан, (*ёши улур*) *ларгача* каби: *Ёши улурларгача секин-секин кириб ўтиришди* (Ж. Абдуллахонов). Предикатив синтагма бу гапда эга бўлиб келаётир (-гача бу ерда ҳам таъкид юкломаси вазифасини ўтамоқда);

в) бундай предикатив синтагмага -лик аффиксини қўшиш ҳам учрайди: *Бундан ичи қоралик дейдилар* (Ж. Абдуллахонов). Бу ерда сифат иборадан (*ичи қора*) от ибора (*ичи қоралик*) ясалган.

3) Кесими бор, йўқ сўзи билан ифодаланган бўлса:

а) ҳеч қандай морфема олмай сифатловчи бўлиб келади: (*олти минг қўйи бор*) *Ойқўл* (П. Қодиров), (*данакдай холи бор*) *бола* (П. Қодиров) каби;

б) сон ва келишик формасини олиб отлашади ва шунга мос ҳолда синтактик вазифа бажаради: *Хотини борлар олиб чиқса, бўлмайдими?* (П. Қодиров) гапда эга бўлиб келаётир ва бошқалар.

Қиёс қилинг:

Болам кўп.—Боласи кўп аёлман.

Боланг кўп.—Боласи кўп аёлсан.

Боласи кўп.—Боласи кўп аёл[дир].

Кўринадики, биринчидан, предикатив синтагма гап бўлиб келса, эга бўлак таркибидаги эгалик кўрсаткичи уч шахс-сонда ўзгаради; бундай синтагма бирор бўлак (масалан, сифатловчи) бўлиб келса, «ички» эгадаги эгалик шахслар бўйича ўзгариш хусусиятини йўқотади. Иккинчидан, предикатив синтагма гап бўлиб келса, тикланувчи негиз ҳақида гапириш мумкин (*Менинг болам кўп* каби); бундай предикатив синтагма бирор бўлак вазифасида келса, тикланувчи негиз ҳақида гапириб бўлмайди.

Эгалик аффикси асосида тикланувчи негиз қўпинча қаратқич келишигида, қисмангина бош келишикда бўлади ва бундай негизни тиклаш имконияти асосан сақланади (*Баъзи*) чегараланишлар юқорида баён қилинди). Тикланувчи негиз қўйидагича ифодаланиш мумкин:

1. Қаратқич келишиги формасида тикланувчи негиз:

1) кишилик олмоши бўлади: *ишларим бор* (*менинг*), *кундалик ҳаётимизда* (*бизнинг*), *жангчиларимизга* (*бизнинг*), *таянчинг ўшалар-ку* (*сенинг*), *бу нима қилганинг* (*сенинг*), *ҳар бир босган қадимингиз* (*сизнинг*), *хабар* *ийўқ эди* (*унинг*), *тим қора кўзлари* (*унинг*), *нафас олишигача* (*унинг*), *улғайганидан* (*унинг*) *хабарингиз* (*сизнинг*) *ийўқ* каби;

2) *Ўз сўзи бўлади: дарё бутун бисотини (ўзининг), Мирзачўлни гуллатишга қўшган ҳиссаси билан (ўзининг), қадимда биров ўғлига (ўзининг), мақсадимизни (ўзимизнинг), дардингни (ўзингнинг), бутун қишлоқни бошларига кўтариб (ўзларининг) каби.*

3) отлашган кўрсатиш олмоши бўлади, бунда кўрсатиш олмоши кўпликда келади, қаралмиш эса ҳамма, барча, бари каби белгилаш олмоши билан ифодаланади: *Ҳаммасидан (буларнинг) хабарим бор* каби.

4) от бўлади (жуда оз учрайди), бундай от кўпликда келади, қаралмиш эса кўрсатиш олмоши билан ифодаланади: *Буниси (йигитларнинг) куёв боладир-а?* каби.

Демак, эгалик аффикси асосида тикланувчи негиз асосан олмоши бўлади, бундай негизлик вазифасини кўпинча кишилик олмоши бажаради. Иккинчи ўрнида *Ўз сўзи* туради. Умуман, *Ўз таъкид* маъносини ифодалайди (шунга кўра, уни олмош деб эмас, асли таъкид сўзи деб юритиш тўғрироқ), шу сабабли у таъкидлаш зарур бўлган ўринлардагина ишлатилади. Бундай зарурият бўлмаса, қаратқич келишигидаги *Ўз сўзи* келтирилмайд.

Маълумки, кишилик олмоши шахс-сон маъносини ифодалаб, бирор от ўрнида ишлатилади. Эгалик аффикси ҳам шахс-сон маъносини ифодалайди. Шу жиҳатдан кишилик олмоши билан эгалик аффикси бири-иккинчисини қайтаради. Бошқача қилиб айтсак, қаратқич келишигидаги кишилик олмоши эгалик аффикси ифодалангандан бошқа бирор маънони билдирмайди. Тежамкорлик қонунини айни бир маънони ифодаладиган бу икки воситанинг биридан воз кечишга олиб келган. *Ўз-ўзидан*, *ортиқча* негизни ташлаш мувофиқ топилган: *менинг укам* → *укам* каби (Бундай қаратувчини ҳозирги нутқда таъкидлаш мақсади билан ёки услуб талаби билан ишлатамиз).

Тежамкорлик қаратқич келишигидаги кишилик олмошини эмас, балки бу сўз билан боғланган негиздаги эгалик аффиксини ташлашга ҳам олиб келган, аммо бундай ишлатиш жуда чегараланган. Кейингича ҳолат қаратувчи бўлиб I, II шахс кўплик кишилик олмоши келганидагина содир бўлади: *бизнинг Ойгулимиз* → *бизнинг Ойгул*, *сизнинг қирғийингиз* → *сизнинг қирғий* каби.

Хуллас, *бизнинг Ойгулимиз* ўрнига *Ойгулимиз* деб ишлатиш сўз ташлаш натижаси бўлганидек, *бизнинг Ойгулимиз* ўрнига *бизнинг Ойгул* деб ишлатиш аффикс ташлаш натижасида юзага келган. Биринчисида бирикмадан яқка сўз ҳолатига ўтилади, иккинчисида эса бирикма шаклан ўзгаради. Шунини тан олсак, *бизнинг Ойгулимиз* ва *бизнинг Ойгул* бирикмаларида уларнинг компонентлари ҳар хил (биринчисида мослашув йўли билан, иккинчисида бошқарув йўли билан) боғланади деб ҳукм чиқариш мумкин эмас. *Бизнинг Ойгул* каби ишлатиш асли мослашувнинг тежамкорлик қонунини таъсирида содир бўлган кўриниши холос.

2. Бош келишик формасида тикланувчи негиз:

1) кишилик олмоши бўлади: *шаҳарда бўлганимизда (биз), шундай бўлиб кетишини билганимизда (биз); ёшларни тарбияла-*

шимиз керак (биз); таскин топшиши ҳам мумкин-да (у); кураш бошлаганликларини билишлари зарур (улар); баҳоси йўқ деб ҳисоблагани учун (у) каби.

2) от бўлади (жуда оз учрайди), бундай от кўпликда келади: *Йигитдай кучи бор деганларига мен сени бошқача тасаввур қилувдим [о д а м л а р]* (Ж. Абдуллахонов) ва бошқалар.

Кўринадики, бош келишикдаги тикланувчи негиз асосан кишилик олмоши билан ифодаланади. Юқорида таъкидланганидек, бош келишикдаги кишилик олмоши эгалик аффикси ифодаланидан ўзга маънони билдирмайди, шу сабабли бундай эга кўпинча келтирилмайди. Маъно (таъкид) ёки услуб талаб қилган ўринларда бундай эга гап таркибида қатнашади («эгалик аффиксининг бош келишикдаги негиз билан боғланишда ишлатилиши» баҳсига қаранг).

Эгалик аффиксининг грамматик боғланмаган негизлар доирасида ишлатилиши

Юқорида эгалик аффиксининг грамматик боғланган негизлар доирасида, шунингдек, ўзи қўшилган негиз доирасида ишлатилишини тасвирладик. Эгалик аффиксининг ишлатилишида учинчи ҳолат ҳам мавжуд. Бунда эгалик аффикси асли ўзи қўшилган негиз доирасида ишлатилган бўлади. Иккинчи томондан эса бундай эгалик аффикси шахс-сонда бошқа бир негизга мувофиқлашади, ammo бу негизлар ўзаро грамматик боғланмаган бўлади. Бундай ҳолат эгалик аффикси олган негиз тобе (иккинчи даражали) бўлак вазифасида келганида юз беради. У шахс-сонда предикатив синтагманинг ё ҳар икки (эга ва кесим) бўлагига, ёки кесим бўлагига мувофиқлашади. Бунинг баъзи кўринишлари:

I. Предикатив синтагманинг ҳар икки бўлаги қатнашадиган конструкциялар:

1. Эгалик аффикси олган тобе бўлак тўлдирувчи вазифасида келади (кўпинча — воситасиз тўлдирувчи):

1) Бундай тўлдирувчи кўпинча ўз сўзи билан ифодаланади: *О д а м меҳнатдан ўзини четга тортса, ҳаётини қоронғилик босади* (Ж. Абдуллахонов). *Улар ўзларини ғолиб ҳис қилишарди* (Ж. Абдуллахонов). Биринчи мисолда эга, кесим — III шахс бирликда, шунга кўра тўлдирувчи ҳам III шахснинг -и эгалик аффикси билан ишлатилган; иккинчи мисолда эга, кесим — III шахс кўпликда, шунга кўра тўлдирувчи ҳам III шахс кўплик эгалик аффиксини олиб келган. Тасвирланаётган тур гапда эга, кесимнинг шахс-сони ўзгарса, бундай тўлдирувчидаги эгалик аффикси ҳам шунга мувофиқлашиб ўзгаради: *мен ўзимни четга тортсам, сен ўзингни четга тортсанг* каби. Кўринадики, бундай конструкцияда шахс маъноси уч марта ифодаланади: эгада, кесимда, тўлдирувчида.

2) Бундай тўлдирувчи ҳаракат номи формасидаги феъл билан ифодаланади: *Музаффар ҳам нима иш қилишини билмайди* (Ж. Абдуллахонов). Кўринадики, эгадан III шахс маъноси англашилади,

бирликда, шу сабабли қесим ҳам III шахс бирликда, шуларга мувофиқлашиб юрувчи тўлдирувчи ҳам III шахс эгалик аффиксини олиб келган.

Бу пунктда тасвирланаётган конструкция аввалги пунктда тасвирланган конструкциядан кескин фарқ қилади:

а) аввалгисида эгалик аффиксини ташлаб бўлмайди, бунисида ташлаш (шахсиз тўлдирувчига айлантириш) мумкин: *нима иш қилишни* каби;

б) аввалгисида тикланувчи негиз йўқ, бунисида бор: [ўзининг] *нима қилишини* каби.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тикланувчи негиз ўз сўзи бўлсагина, тўлдирувчидаги эгалик аффикси эганинг, кесимнинг шахс-сонига мувофиқлашиб юради; агар тикланувчи негиз кишилик олмоши бўлса, тўлдирувчидаги эгалик аффикси ана шу кишилик олмошининг шахс-сони билан мувофиқлашади, гапдаги эганинг, кесимнинг шахс-сонига нисбатан мустақил бўлади. Демак, бу ерда ҳам масала ўз сўзи асосида ҳал қилинади. Қиёс қилинг: *Музаффар ўзининг нима иш қилишини билмади.* — *Музаффар сенинг нима иш қилишингни билмади.*

3) Бундай тўлдирувчи бир сони асосида ифодаланади: *Одамлар бақиршиб-чақиршиб бир-бирларига кўмак берадилар* (Ж. Абдуллахонов). Ҳозирги имлода дефис орқали (ярим қўшиб) ёзиб, такрорий сўз деб қаралаётган *бир-бирига* тузилиши ва мазмуни жиҳатидан *бири иккинчисига* бирикмасини такрорлайди. Бирикманинг биринчи қисмидаги эгалик аффиксини ташлаш уни иккинчи қисм билан дефис орқали қўшиб ёзишга олиб келган. Бундан қатъи назар, ўз грамматик табиатига кўра бош келишиқда ишлатила олмайдиган, аммо бошқа барча келишиқлар бўйича турлана оладиган бу грамматик конструкцияни равиш сўз деб бўлмас (*бир-бирининг, бир-бирини, бир-биридан, бир-бирига, бир-бирида*). Қиёс қилинг: *буниси бошқасининг, буниси бошқасини* каби (аммо *буниси бошқаси* деб, шунингдек *бир-бири* деб ишлатиш мумкин эмас!).

Айтилганлардан қатъи назар, бундай конструкция таркибидagi эгалик аффикси эганинг, кесимнинг шахс-сонига мувофиқлашиб юради. Аввалги пунктда тасвирланган ҳодисалардан фарқи шуки, эгалик аффиксининг кўплик формасигина ишлатилади, чунки эгадан, кесимдан ҳам кўплик англашилади (кесим III шахсда сон жиҳатдан нейтрал бўлиши мумкин): *Биз бир-биримизга кўмак берамиз. Сиз бир-бирингизга кўмак берасиз. Улар бир-бирига (ёки бир-бирларига) кўмак беради (ёки берадилар)* каби.

Маълумки, -и эгалик аффикси сон жиҳатдан нейтрал, шундан фойдаланиб *бир-бирига* деб ишлатилади. Кўпликни таъкидлаш зарур бўлса, *бир-бирларига* деб ишлатилади.

2. Эгалик аффикси олган тобе бўлак ҳол вазифасида келади:

1) Бундай ҳол ўз сўзи билан ифодаланади: *Йигитлар у билан дўст тутинишликни ўзларига катта мартаба ҳисоблашарди* (Ж. Абдуллахонов). Бу мисолда эга, кесим III шахс кўпликда ишлатилган, шунга кўра ўз сўзи билан ифодаланган ҳол

ҳам (*ўзларига-ўзлари учун*) III шахс кўплиги аффиксини олиб келган. Қиёс қилинг: *Мен ўзимга катта мартаба ҳисоблайман. Сиз ўзингизга катта мартаба ҳисоблайсиз.*

2) Бундай ҳол *-ган* сифатдош формасига эгалик аффиксидан кейин *-ча* аффиксини қўшиш билан ифодаланади: *Моҳидил хаёл оғушига чўмганича ўз агрегати томонга кетаверди* (Ж. Абдуллахонов). Қиёс қилинг: *Мен хаёл оғушига чўмганимча кетавердим. Сен хаёл оғушига чўмганингча кетавердинг* каби. Бу ерда *-ча=ҳолда* (*хаёл оғушига чўмганича—хаёл оғушига чўмгани ҳолда*).

3) Мана бу мисолда ҳол вазифасини *жон-жаҳд(и)* билан равини бажарган: *У шу саҳродан йч олмоққа жон-жаҳди билан киришди* (Ж. Абдуллахонов). Қиёс қилинг: *Мен жон-жаҳдим билан киришдим. Сен жон-жаҳдинг билан киришдинг.*

Умуман, бу равиш таркибида ўзгарувчан қисм — эгалик аффиксигина; билан кўмакчиси бу лексеманинг донмий қисмига мансуб, чунки бу кўмакчи ташланса, лексема йўқолади: тилимизда *жон-жаҳд* деган сўз йўқ ва уни шу шаклда лугатга сўз деб киритиш нотўғри. Бу равишни лугатга (айниқса имло лугатига) тўлалигича, яъни *жон-жаҳд(и)* билан шаклида киритиш лозим.

II. Предикатив синтагманинг кесим бўлаги қатнашадиган (эга бўлаги эса тикланувчи негиз ҳолатида бўладиган) конструкциялар:

1. Эгалик аффикси олган тобе бўлак тўлдирувчи вазифасида келади ва юқорида тавсирланганича ифодаланади (Мисолларда тикланувчи эгани квадрат қавсларга олиб келтирдик):

1) *ўз* сўзи билан ифодаланади: [У] *ўзини шу чўлу биёбонда ёлғиздай ҳис қиларди* (Ж. Абдуллахонов). [Биз] *минг ўзимизни мард қилиб кўрсатмайлик...* (Ж. Абдуллахонов). [У] *шунча одамни ўзига қарши қўйди-я* (Ж. Абдуллахонов);

2) *бир* сони асосида ифодаланади: [Улар] *кучли ёнғин, тошқин сув, йиртқичдай ўз қазрига ютмоқчи бўлган ботқоқлар ичида ҳам бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, елкаларига кўтариб чиққанлар* (Ж. Абдуллахонов) каби ва бошқалар.

2. Эгалик аффикси олган тобе бўлак ҳол вазифасида келади:

1) *ўз* сўзи билан ифодаланади, бунда эгагина тикланади, қаратқич келишигида тикланувчи сўз бўлмайди: (*Мен*) *ҳаммасини йўллаб, ўзимча бир фикрга келиб қўйганман* (Ж. Абдуллахонов). Бу сўзда равишлашиш, морфологик яхлитланиш ҳали тугалланган эмас. Қиёс қилинг: *ўзимча, ўзингча, ўзимизча; менингча, сенингча, айтишларича* ва ҳоказо;

2) *-ган* сифатдоши формасига эгалик аффиксидан кейин *-ча* аффиксини қўшиш билан ифодаланади: [Улар] *«Гулбарги хандоним келур» ашуласини баланд қўйганларича тунги сменага кетишаркан...* (Ж. Абдуллахонов). Бу ерда ҳам *-ча=ҳолда*: *баланд қўйганлари ҳолда*. Шахс-сонда мувофиқлашув қуйидагича содир бўлади: [Мен] *ашулани баланд қўйганимча кетар эканман...*, [Сиз] *ашулани баланд қўйганингизча кетар экансиз...* каби;

3) *-ган* сифатдоши формасига эгалик аффиксидан кейин жўналиш келишиги аффиксини қўшиш билан ифодаланади. Бунда, тикланувчи эгадан ташқари, тикланувчи қаратувчи ҳам бўлади ва у *ўз* сўзи билан ифодаланади: [У] [ўзининг] *тушида келиб-келиб Дониёровни кўрганига ҳайрон* (Ж. Абдуллахонов). Қиёс қилинг: [Мен] [ўзимнинг] *кўрганимга ҳайронман*, [Сен] [ўзингнинг] *кўрганингга ҳайронсан каби*.

Агар тикланувчи қаратувчи кишилик олмоши билан ифодаланса, бундай ҳол бўлакдаги эгалик аффикси шахс-сонда [эга], кесим билан эмас, балки ана шу қаратувчи билан мослашади: [Мен] [бизнинг] *ҳалигача танишиб олмаганимизга ҳайронман* (Ж. Абдуллахонов) каби.

3. Эгалик аффикси олган тобе бўлак қаратувчи вазифасида келади (жуда оз учрайди), бундай қаратувчи *ўз* сўзи билан ифодаланади: [У] *охир* *ўзининг эски касби — бульдозер бошқаришни маъқул кўрди* (Ж. Абдуллахонов). Қиёс қилинг: [Мен] *ўзимнинг эски касбимни маъқул кўрдим*; [Сиз] *ўзингизнинг эски касбингизни маъқул кўрдингиз каби*. Агар қаратувчи билан қаралмиш контакт ҳолатда келса, бундай қаратувчидаги келишик кўпинча белгисиз шаклда бўлади, натижада эгалик аффикси ҳам ташланади (қатнашмайди): [Мен] *ўз касбимни маъқул кўрдим каби*.

ХҲРМАТ ФОРМАСИ

Адабиётларда *-лар* кўп маъноли битта аффикс сифатида талқин қилинади. Бундай ёндашув тарихий-этимологик нуқтан назардангина тўғри. Ҳозирги тил грамматик системасидан келиб чиқсак, ягона *-лар* аффиксиники деб келтирилган баъзи маънолар ҳам мазмунаи, ҳам вазифада мустақиллик кашф этганини кўрамиз. Ана шундай маънолардан бири—ҳурмат маъноси. Мисолларни таҳлил қилиш кўрсатадики, ҳурмат маъносини ифодаловчи *-лар* алоҳида аффикс деб, сон категорияси ва эгалик категорияси системасидан ташқарида турувчи мустақил форма деб қаралиши лозим.

Ҳурмат формаси *-лар* аффикси асосида юзага келган. Аммо *-лар* ҳурмат формаси сон категориясининг кўплик формасидан эмас, балки эгалик аффикси таркибида қатнашадиган *-лар* кўрсаткичдан ўсиб чиққан. Сон категориясига мансуб *-лар* аффикси кўплик маъносини ва шунга боғлиқ бир неча маънони ифодалашга хизмат қилади, аммо ҳурмат маъносини ифодалашга қодир эмас. Эгалик аффикси таркибидаги сон кўрсаткичи эса икки хил маънони—кўпликни, сизлашни (ёки сенлашни)—ифодалайди. Масалан, *-нгиз* аффикси II шахс кўпликка нейтрал нисбатлашни ёки II шахс бирликка сизлаб нисбатлашни билдиради. Кўринадики, бу эгалик аффиксида кўплик ифодаланса, сизлаш ифодаланмайди, аксинча, бирлик ифодаланса, сизлаш ифодаланади. Демак, кўплик ва сизлаш маъноларининг ўзаро боғлиқлиги эгалик аффиксида мавжуд.

II шахс эгалик аффикс таркибидаги *-из* сон кўрсаткичини *-лар* билан алмаштириш мумкин. Бу имкониятдан сизлаш маъносини ифодалашда фойдаланилган: [сизларнинг] *китобингиз* — *китобинглар*. Кўринадики, *-из* кўрсаткичини *-лар* кўрсаткичига алмаштиришда кўплик маъноси сақланади ва шунинг устига сизлаш маъноси қўшилади. Қариндошлик билдирувчи от негизга қўшилганида эса *-нглар* таркибидаги иккинчи қисм кўплик, сизлаш маъносини эмас, балки ҳурмат маъносини ифодалаш учун ишлатила бошлайди. Демак, эгалик аффикс таркибидаги сон кўрсаткичида маъно тараққиёти воқе бўлади: кўплик → сизлаш → ҳурмат.

Кейинчалик бу ҳурмат маъноси шахс маъносидан ажралиб, мустақиллик кашф этади. Натижада *-нглар* аффикси ҳам иккига — *-нг* эгалик аффиксига ва *-лар* ҳурмат формасига — ажралади (морфологик қайта бўлиниш юз беради). Юқоридаги маъно тараққиёти йўлини шундай белгилаш мумкин: *китобингиз* (кўплик ёки сизлаш) → *китобинглар* (кўплик ва сизлаш) → *опанглар* (фақат ҳурмат). Охириги *-лар* аффикси мустақиллик кашф этгач, I шахс эгалик аффиксидан кейин ҳам қўшила бошлайди. Бир шахс доирасидан чиқиши бу *-лар* аффиксини мустақил грамматик форма даражасига кўтаради: *опанглар* → *опамлар* каби.

Опангизлар каби ишлатишда *-лар* аффикси ва эгалик аффикси таркибидаги *-из* кўрсаткичи, ўз-ўзидан, бошқа-бошқа грамматик маънони (*-из* эгалик аффиксининг таркибий қисми сифатида шахсга сизлаб нисбатлашни, *-лар* эса ўзи қўшилган негиз англатаётган кишига ҳурматни) ифодалайди. Шу сабабли бу икки хил модал маъно (сизлаш ва ҳурмат) ўз ифодасини бир сўз структурасида топиши мумкин. Демак, бу ўриндаги *-лар* эгалик аффикс таркибидаги элемент эмас, балки мустақил аффикс. Шунга кўра эгалик аффиксининг ўзгариши ҳурмат формасига таъсир қилмайди. Ҳурмат формаси ва эгалик категорияси параллел грамматик ҳодисалар бўлиб, биринчиси иккинчисидан фарқли ҳолда нисбат берилаётган шахсга қараб мослашмайди: *опамлар*, *опанглар*, *опангизлар* каби.

Бундан ташқари, *-лар* аффикси эгалик аффиксидан олдин келса, кўплик маъносини, кейин келса, ҳурмат маъносини ифодалайди деб изоҳлаш ҳам тўғри эмас. Ҳурмат формаси вазифасини ўтовчи *-лар* эгалик аффикси билан ўрин алмашадиган кўплик формаси эмас, балки ўз ўрнида келган аффикс: эгалик аффикс таркибида сон кўрсаткичи одатда шахс кўрсаткичидан кейин жойлашади. Асли ҳурмат формаси эгалик аффикс таркибидаги сон кўрсаткичини ўз ўрнидан ортга томон силжитиш натижасида юзга келган деб изоҳлаш мумкин: аввал эгалик аффиксининг иккинчи қисми ҳолатида бўлиб, кейин эса эгалик аффиксининг ҳар икки қисмидан сўнг қўшилувчи аффикс ҳолатига ўтган. Буни схематик тарзда шундай кўрсатиш мумкин: *опа* + Ø I + (*нглар*) → *опа* + Ø I + (*нг* + Ø I) + *лар*.

Опамлар каби ишлатишда кўплик аффикси эгалик аффикси дан кейинга кўчди дейиш яна бир нуқтаи назардан нотўғри: агар «*опа*» кўп бўлса, *-лар* аффиксини қўшишдан бошқа илож қолмайди; ҳамма гап шундаки, «*опа*» битта, шунга кўра бу негиз ўз маъносига мос формада—бирлик формасида—турибди: *опа* + ØI + м + лар. Демак, сонлаш категориясининг характеристикаси эгалик аффиксидан кейинга ўтказилмайди, шунингдек кўплик формаси бирлик формасига алмашмайди ҳам.

Яна бир нуқтага аҳамият беринг: бунда *-лар* аффикси эгалик аффикси таркибига кирувчи сон кўрсаткичи ўрнига (-нг + из → -нг + лар каби) келмай, шундай сон кўрсаткичидан кейин (*опангиз* + лар каби) қўшилади. Бу хусусиятни ҳурмат формаси вазифасидаги *-лар* аффикси сон формалари системасидан ажралиб чиққанини, уларга параллел, омонимик вазият кашф этганини, аллоҳида грамматик форма сифатида шаклланиб етганини тасдиқлайди.

Хуллас, ҳурмат формаси деб одатда қариндошлик билдирувчи от негизларга сон категорияси формаси билан келишик категорияси формаси оралиғида эгалик аффикси билан биргалликда қўшилиб келувчи *-лар* аффиксини тушунамиз.

Бундай ҳурмат формаси ҳам қатнашган от сўзнинг морфематик тузилиши қуйидагича:

опа + ØI + м + лар + ни,
опа + ØI + нг + лар + ни,
опа + ØI + нгиз + лар + ни,
опа + ØI + си + лар + ни эмас,
опа + ØI + лар + и + ни...

Тасвирдан кўринадики, *-лар* ҳурмат формаси I, II шахсларда эгалик аффиксидан кейин, III шахсда эса эгалик аффиксидан олдин жойлашади. Бу қиёсдан хулоса шуки, *-лар* аффикси ҳурмат маъносини эгалик аффиксидан кейин қўшилганидагина эмас, балки ундан олдин жойлашганида ҳам ифодалайди.

Адабий тилда *-лар* ҳурмат формаси бирлик сон формасини ва бирлик эгалик аффиксини олган негизларга қўшилади: *опамлар*, *опанглар* каби. Сўзлашув нутқида *-лар* ҳурмат формаси бирлик сон формасини ва кўплик эгалик аффиксини олган негизларга ҳам қўшилади: *опа* + миз + [л] а [р], *опа* + нгиз + лар, *опа* + ларий + ла[р].

Ҳурмат формасининг *-нглар* аффиксидан кейин қўшилмаслиги табиий: иккита *-лар* қатор келиб қолади (*опанглар* + лар!). Ҳурмат формасининг *-лари* аффиксидан кейин қўшилмаслиги ҳам юқоридагича сабаб билан изоҳланади (*опалари* -лар!).

Ҳурмат формасининг кўпликдаги негизга қўшилиши адабий тил учун хос эмас, сўзлашув нутқида ҳам фақат *опа* + лар + имиз + [л] а [р] каби ишлатиш учрайди.

Юқоридаги баёндан англашиладики, ҳурмат формасининг ишлатилишида маълум қонуният мавжуд: а) фақат от негизларга

қўшилади, б) шунда ҳам отларнинг маълум маъно турига—қариндошлик билдирувчи от негизларга—қўшилади, в) одатда бирликдаги негизга қўшилади, г) эгалик аффикси билан бирга (I, II шахсларда эгалик аффиксидан кейин, III шахсда эса эгалик аффиксидан олдин) ишлатилади (етақчи ҳолат эгаликдан кейин қўшилиши албатта). Кўплик сон аффиксида эса бундай хусусиятлар йўқ.

Диққат қилинг: *-лар* аффиксининг ҳурмат формаси сифатида эгалик аффикси билан бирга ишлатилиши бошқа-ю, *-лар* кўрсаткичининг эгалик аффиксининг таркибий қисми бўлиб келиши бошқа. Бу иккита *-лар* аффиксининг семантикасида умумий нуқта бор: ҳар иккиси модал маънони ифодалайди. Аммо бу модал маънолар ўз мундарижаси билан кескин ажралиб туради: биринчиси ҳурматни ифодаласа, иккинчиси сизлашни (баъзан, аксинча, сенлашни) ифодалаш учун хизмат қилади. Адабиётларда бу икки хил модал маъно бири иккинчисига зид қўйилмайди, *-лар* аффиксига хос бир маънонинг қирралари сифатида ёнма-ён саналаверади.

Асли ҳурмат формасини ва эгалик аффикси таркибидаги сизлаш кўрсаткичини бир системага бирлаштириб бўлмайди. Булар маънодагина эмас, маъно тармоқланишида ҳам (ҳурмат→сизлаш ёки сенлаш), мустақиллик даражасида ҳам (ҳурмат формаси—мустақил морфема, сизлаш ифодаловчи *-лар* эгалик аффиксининг таркибий қисми), сўзнинг морфематик структурасидаги ўрнига кўра ҳам кескин фарқ қилади (Ҳар бирининг ўз ўрни бор).

Булар аффиксларнинг умумий таснифи нуқтаи назаридан ҳам бошқа-бошқа гурпуага мансуб, ҳурмат формаси морфологик табиатга, эгалик аффикси таркибидаги *-лар* эса синтактик табиатга эга. Шу асосда биринчисини морфологик форма (форма ясовчи) деб, иккинчисини эса (эгалик аффиксининг таркибий қисми сифатида) синтактик форма (форма ўзгартувчи) деб белгилаш лозим.

КЕЛИШИК КАТЕГОРИЯСИ

Бирор негизга сон категорияси формасидан кейин (қатнашса, эгалик аффиксидан, ҳурмат формасидан ҳам кейин, аммо тусловчидан олдин) қўшилиб, одатда синтактик муносабат кўрсатиш учун хизмат қиладиган грамматик формалар системасига келишик категорияси дейилади.

Бирор негизнинг келишик формаларини олиб ўзгаришига турланиш дейилади, келишик формасининг ўзи эса турловчи деб юритилади. Турловчи грамматик морфемаларнинг форма ўзгартувчи турига мансуб.

Келишик ўзи қўшилган негизни грамматик жиҳатдан тугал шакллантиради, негизни сўзга айлантиради, шу жиҳатдан келишик сўзнинг морфематик таркибида одатда тугалловчи форма бў-

лади (Кесим вазифасида келган, кўмакчи билан келган сўз бундай мустасно, албатта).

Келишик—ҳар бир от сўзининг шаклланишида қатнашадиган грамматик форма.

Келишик аввало туркумни эмас, балки синтактик вазифани белгилловчи форма. Демак, бу жиҳатдан келишик асли туркумлараро форма. Лекин келишик барча туркумларга, аниқроғи—барча бўлақларга бирдек хос эмас, Масалан, отларга бу грамматик категория табиий равишда мансуб, от лексеманинг нутқда намоён бўлиши учун зарурий формалардан бири.

Отлардан ташқари, келишик формасини албатта олиб ишлатиладиган бошқа негиз турлари ҳам мавжуд, булар—от олмошлар, феълнинг ҳаракат номи формаси, жамловчи соннинг баъзи кўриниши. Буларни от тип (от табиатли) негизлар деб юритиш мумкин.

Учинчи гуруҳни отлашган негизлар ташкил қилади. Булар учун келишик зарурий, доимий, бирламчи форма эмас: келишик формаси буларга маълум синтактик вазифа талаби билан қўшилади. Булар—сифат, сифат олмошлар, феълнинг сифатдош формаси ва бошқалар.

Лексемаларни бундай уч гуруҳга ажратиб ёндашиш келишиклардагина эмас, балки сон ва эгалик категорияларида ҳам зарур.

Келишик нутқдаги барча синтактик бирликларни (бўлақларни) шакллантирмайди, албатта. Масалан, сифатловчининг шаклланишида келишик қатнашмайди. Аммо кўпчилик бўлақлар, ҳатто гапнинг айрим турлари ҳам келишик билан шаклланади. Масалан, эга, қаратувчи, изоҳловчи, номинатив гап албатта келишик олиб шаклланади. Ҳол, кесим ҳам қисман келишик формасидаги сўз билан ифодаланади. Кўринадики, синтактик бирликларнинг шаклланишида келишик категориясининг хизмати жуда катта.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида олти келишикли система мавжуд: бош келишик, қаратқич келишиги, тушум келишиги, чиқиш келишиги, жўналиш келишиги, ўрин келишиги.

Ҳар бир келишикнинг ўз ифода шакли, ўзига хос маъноси, синтактик вазифаси бор.

Бош келишик

Бош келишикнинг формаси қолган беш (аффиксли) келишикка зидлаб ноль кўрсаткичли форма деб белгиланади. Бундай форма таҳлилда Ø белгиси билан акс эттирилади.

Бош келишикнинг грамматик табиати анчагина мураккаб. Бу келишикда:

I. Синтактик муносабатдаги сўз келади (Буни қуйироқда тасвирлаймиз).

II. Қўшма сўз (от қўшма феъл) таркибидаги биринчи компонент келади. Бундай қўшма сўзнинг иккинчи компоненти одатда *бўл-кўмакчи* феъли билан ифодаланади. Бу кўмакчи феъл ўтимсиз бўлиб, пассив ҳаракат ғоясини беради, бош келишиқдаги сўз билан бирлашади: *тамом бўлмоқ, ҳайрон бўлмоқ, бригадир бўлмоқ, одам бўлмоқ* каби.

Бошқа маъно ва вазифада келган *бўл-* феъли ҳам кўпинча бош келишиқдаги от билан бирлашади: *давлат арбоби бўлмаса ҳам, уруш шароити бўлишига қарамай; уят бўлади, колхозга раҳбар бўлиб кетаётганлиги* каби.

Бош келишиқдаги сўз икки хил синтактик моҳиятга эга бўлади:

А. Синтактик вазифани кўрсатади, бунда бош келишиқдаги сўз бирор мустақил сўз негизига боғланади: *Қитоб меники. Карим — ўқувчи* каби (Буларни қуйироқда тасвирлаймиз).

Б. Синтактик вазифани кўрсатмайди. Бош келишиқнинг синтактик жиҳатдан бундай нейтраллашуви турли-туман бўлиб, шулардан баъзиларини кўрсатиб ўтамиз:

1. Бош келишиқдаги сўз кўмакчи билан бирлашади, келишиқ билан кўмакчи биргалиқда аналитик грамматик форма ҳосил этади (келишиқ формаси + кўмакчи).

Бош келишиқдаги сўз билан қуйидаги кўмакчилар бирлашади:

а) *билан* кўмакчиси: *Саида билан, агитатор билан, звено бошлиқлари билан; мен билан, биз билан, арз қилиш билан, жазога тортиш билан* каби;

б) *учун* кўмакчиси: *Қаландаров учун, хотин-қизлар учун, пойқадамнингиз учун; кулдириш учун, исбот қилиш учун; йўқотиб қўйгани учун* каби;

в) *сингари* кўмакчиси: *Тожиҳон сингари, ҳашаротлар тасвири сингари* каби;

г) *ҳақида, тўғрисида* кўмакчиси: *Қодиров ҳақида, болалар ҳақида, устун турганлиги ҳақида; Манзураҳон тўғрисида, хатолари тўғрисида, нима деб чақиривиши тўғрисида, она сути оғзига келганлиги тўғрисида* каби;

б) *тарзида* кўмакчиси: *шикоят тарзида* каби ва бошқалар.

Кўмакчига нисбатан унинг келишиқни бошқариши ҳақида гапирсак, мустақил сўзнинг формасини ёрдамчи сўз белгилайди деган фикр туғилади. Тарихий-этимологик жиҳатидан қатъи назар, ҳозирги тил системаси нуқтаи назаридан кўмакчи келишиқ билан биргалиқда аналитик грамматик форма ҳосил этади.

2. Бош келишиқдаги *-ган* сифатдоши (келишиқдан олдин эгалик аффикси қўшилади) *йўқ* ёрдамчиси билан бирлашиб, кесим вазифасида келади: *айтганим йўқ, борганинг йўқ, қатнашаётгани йўқ* каби. Бу ўринда *йўқ* сўзи инкор юкламаси ҳолатида келиб, *-ма* морфемасига синоним бўлади, аналитик грамматик форманинг туғилишига олиб келади (*-ган* + эгалик аффикси + бош келишиқ + *йўқ*).

3. Бош келишикнинг аналитик грамматик форма таркибида келиши мана бундай конструкцияга ҳам ҳос: *керак*+ эгалик аффикси+бош келишик+*йўқ*: *Соғ одамга Суқротнинг ҳам кераги йўқ* (А. Қаҳҳор).

Бу форманинг иккинчи пунктдаги формадан фарқи шуки, у қатнашган гап бир составли (эгаси топилмас) гапга тенг бўлади.

4. Бош келишикдаги ҳаракат номи зарурият, имконият англлатувчи сўз билан (ҳолат категорияси сўзи билан) бирлашиб, бир составли гап вазифасида ёки кесим вазифасида келади: *Айттиш керак. Илтимос қилиш мумкин. [Мен] боршим зарур. Сен жўнашинг лозим қаби.*

Бош келишикдаги от, от олмош, ҳаракат номи, шунингдек, отлашган сўз турли синтактик вазифаларда келади.

Бош келишикдаги сўз кўпинча эга бўлиб келади. Бунда бош келишик ҳоким ҳолат кўрсаткичи бўлади, икки составли гапнинг (предикатив синтагманинг) ҳоким бўлагини — эгани шакллантириб, кесимидан англашилган ҳаракатни бажарувчини, белгини ташувчини (грамматик субъектни) билдиради; кесимга тусловчи бош келишикдаги сўздан англашиладиган шахс-сон маъносига мос ҳолда қўшилади. Демак, эгани шакллантирувчи келишикнинг вазияти мураккаб: (негиз+бош келишик) + (негиз+тусловчи).

Эга вазифасида ҳар хил синтактик birlikлар: кўпинча якка сўз ёки бирикма, қисман гапга тенг конструкция—келади. Масалан, *Лекин Манзура хон бахти бор қиз экан* (А. Қаҳҳор) гапида эга якка сўз билан ифодаланган.

Мана бу гапда эга бирикма билан ифодаланган: *Унинг мўлжали беш-олти километр юриб қайтиш эди, бироқ янги машина, тўғри ва раво асфальт йўл ҳавасини келтирди-ю, район марказига тушиб чиқишга қарор берди* (А. Қаҳҳор).

Қуйидаги мисолда гапга тенг конструкциялар отлашиб эга бўлиб келаётир: *«Оғзига кучи етмаганлар кулса-куларда, ойишон»,—деди Ҳулкар* (П. Қодиров). *Нафси ёмон ҳайитда ўлар* (Мақол) қаби.

Эга вазифасида туркумлардан:

1) Кўпинча от келади: *Мартабанг улур бўлсин* (А. Қаҳҳор). *Эр-хотин кўчиб кетадиган бўлишди* (А. Қаҳҳор).

Эга вазифасидаги от кўпинча нарсани англатади, кишини англлатувчи сўзларнинг тўртдан уч қисми атоқли отларга тўғри келади. Бундан қатъи назар, ҳар иккисида ҳам бу негизлар одатда сон категориясининг birlik формасида, оз қисмигина кўплик формасида учрайди (тахминан ўнга бир муносабатида бўлади): *Саида кулиб юборди. Раис айттириб юборди. Дадаси унамабди. Меҳмон келса, ...Бу киши—Тоҷихон Жаъфарова. Эр-хотин маслаҳат қилиб... (ким?). Колхозчилар ўраб олишади. ...кўп вакиллар танқид қилиб... (кимлар?). Эшик тақирлади. Воқеа бундоқ бўлган эди. Гапингиз гапга ўхша-*

майди. Қаландаровнинг ҳовлиси каттагина экан. Самовар қайнаб, ... (нима?). Иллари ўйди. Қошлари қундуздай? ... чакка томирлари бўртиб, ... (нималар?) каби.

Оз бўлса-да эга вазифасидаги сўз қаер? сўроғига ҳам жавоб бўлиб келади, бунда ўрин предмети маъноси англашилади: ... лақирдан учи чиқиб турган... (қаери?) каби. Мана бу тургапларда эгага нима си? деб ҳам, қаери? деб ҳам сўроқ қўйиш мумкин: Шу чоқ эшик секин очилиб, эшоннинг калласи кўринди (А. Қаҳҳор).

2) Олмош келади: Сизлар бораверинглар (А. Қаҳҳор). Мен билан бир жойга бормади, ўзим борсам, фаши келади (А. Қаҳҳор). Унинг гапига ким қулоқ солар эди (А. Қаҳҳор). Хамма жим бўлиб қолди (А. Қаҳҳор). Шу ҳам ишми. (А. Қаҳҳор) каби.

3) Ҳаракат номи формасидаги феъл сўз (кўпинча феъл бирикма) келади: Колхоз раиси бўлганидан бери битта чертгани йўқ. Чертиш у ёқда турсин, ... (А. Қаҳҳор). Чумчуқларнинг чуғурлаши, дераза остида оқаётган ариқчанинг шовуллаши ишитилди (А. Қаҳҳор) каби.

4) Сифатдош формасидаги феъл сўз (кўпинча феъл бирикма) келади: Қаландаров Носировнинг кабинетидан ранги бўзариб чиққани, Саидага дабдурустан: «Мўртгина нарса экансиз, қийнаиб қолмасмикансиз»—дегани, ундан жавоб ҳам кутмай, Назаров билан чиқиб кетгани, демак, райкомнинг тавсиясидан норози эканини ҳатто яширишни ҳам лозим кўрмасани Саиданинг кўнглига фашилик солиб қўйди (А. Қаҳҳор) каби.

5) Эгалик аффикси олган сон (якка ўзи ёки бирикма ҳолида) келади: Уша йили кузакда унга бирдан икки киши совчи қўйибди бери—қишлоқ активларидан шу Қаландаров, икки нчиси—Асад бойвачча деган мол-дунёлик бир киши экан (А. Қаҳҳор). Марказий газеталардан бири «Бўстон» колхозни ҳақида каттагина очерк босиб чиқарди (А. Қаҳҳор).

6) Эгалик аффикси олган сифат (якка ўзи ёки бирикма ҳолида) келади: Оқи оқ, қизили қизил! Қошлари қундуздай! (А. Қаҳҳор). Болаларимизнинг каттаси ўн олтига қадам қўйди (А. Қаҳҳор) каби.

Таркибидаги бирор қисми бош келишида келувчи бир қанча конструкциялар ҳам бор:

1. Сутканинг маълум қисмларини эрталаб, кундуз, кечқурун, кечаси каби сўзлар билан билдирамиз. Сутканинг қисмини эмас, балки аниқ бир нуқтасини англамоқчи бўлсак, махсус конструкция тузамиз: соат X (1 дан 25 гача) саноқ сон. Агар соатгина эмас, минутни ҳам айтиш лозим топилса: соат X (1 дан 25 гача) саноқ сон—дан X (1 дан 61 гача) саноқ сон X минут ўтди (Талаб қилинса, секундлар ҳам айтилади).

Бундай конструкцияда соат сўзи бош келишида бўлади. Асли бу сўз эга, конструкциянинг қолган қисми эса кесим ва-

зифасида келади: *Ҳозир соат ўн бир. Соат ўн бирдан қирқ беш минут ўтди* каби.

Бу тур предикатив синтагма отлашиб, сон ва келишиқ категорияларининг формасини олади, одатда пайт ҳоли вазифасида келади: . . . *кеч соат ўн бирларда қайтди* (А. Қ а ҳ ҳ о р) каби.

2. Юқоридагига ўхшаш конструкция ёш билдиришда ҳам тузилади: . . . *ёши элликда; ёши элликдан ошиб* (А. Қ а ҳ ҳ о р) каби.

Бу икки тур конструкция таркибидаги биринчи ют (*соат, ёш*) бош келишиқда бўлади, иккинчи тур конструкцияда келишиқдан олдин эгалиқ ҳам қўшилади.

Яна бир фарқ бу конструкцияларнинг яхлитлигича келишиқ формасини олишида (шунга мос ҳолда синтактик вазифа бажаришида) намоён бўлади: биринчи конструкция барча келишиқ формаларида бўла олади, иккинчи конструкция эса ўрин келишиқлари формасидагина келади. Масалан, *соат ўн, соат ўннинг, соат ўнни, соат ўндан, соат ўнга, соат ўнда; ёши ўндан* (ошди), *ёши ўнга* (етмай), *ёши ўнда*, аммо *ёши ўн, ёши ўннинг, ёши ўнни* каби ишлатилмайди.

3. Юқоридагича от конструкциялардан ташқари, феъл конструкциялар ҳам бор. Масалан, истак маъносини ифодалашда тузилдиган конструкция шулар жумласидан: феъл негизи+*ги*+эгалиқ аффикси+бош келишиқ *Х.кел*+замон кўрсаткичи+III шахс туловчиси: *...афтидан, уни яна гапиртириб кулгиси келди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Саида шунни тезроқ билгиси келар эди* (А. Қ а ҳ ҳ о р) каби.

Юқоридаги икки конструкцияда мустақил лексемалар предикатив синтагма ҳосил қилади. Учинчи пунктдаги конструкцияда эса иккинчи компонент мустақил лексемадан кўмақчига томон силжиган. Шу туйфайли бу ўринда эга-кесим муносабати ҳақида гапирриш ноўрин. Асли шундай синтактик муносабатни акс эттирган бўлса ҳам, ҳозирги тил системасида у аналитик грамматик форма ҳолатига ўтиб қолган.

Бу пунктда тасвирланган конструкция эгаси топилмас бир составли (кесим) гапга тенг. Шу жиҳатдан ёндашсак, *Саида билгиси келар эди* деб ишлатиш хато. Асли кесим англатган ҳаракат ёки белги қаратилган сўз бундай гап структурасида қаратқич келишиги формасида бўлади (*Саиданинг* каби).

Бундай гапларни трансформация қилиш йўли билан икки составли гапга айлантириш мумкин, аммо унда аналитик грамматик форма ҳам ўзгаради, бундай форма таркибидаги бош келишиқ ҳам йўқолади: *Саида билмоқчи эди* каби.

Изоҳловчи-изоҳланмиш ёки, аксинча, изоҳланмиш-изоҳловчи муносабатини акс эттирувчи бирикмада биринчи компонент бош келишиқда келади. Бунда бош келишиқ тобелиқ кўрсаткичи бўлади, чунки бундай конструкцияда биринчи компонент синтактик вазияти жиҳатидан сифатловчига ўхшаб кетади. Бунинг материал кўринишлари:

1) Изоҳловчи-изоҳланмиш муносабати шундай тузилади:

а) *ўртоқ* сўзи (хорижийларга нисбатан *жаноб* сўзи) + фамилия (ёки исм + фамилия): *ўртоқ Қодиров, ўртоқ Тоҳиржон Носиров* каби. (Кейингиси сунъийроқ: *ё ўртоқ* сўзи, *ёки* исм ишлатилиши керак, иккисидан бири ортиқча туюлади);

б) исм + фамилия: *Арслонбек Қаландаров, Рустам Қодиров, Тожиҳон Жаъфарова, Умнат Назаров* каби;

в) лавозим, унвон кабиларнинг номи + исм (ёки исм + фамилия): *марказий газеталардан бирининг областдаги махсус мухбири Аъзамжон, райком секретари Рустам Қодиров* каби;

г) тўғри маънода ишлатилган қариндошлик оти (доим эгалик аффикси билан келади) + исм: *холаси Тўтинисо, келини Манзурахон, отаси Алибобо, онаси Карима* билан каби.

2) Изоҳланмиш-изоҳловчи муносабати шундай тузилади:

а) исм + лавозим, унвон, касб кабиларнинг номи: *Абулқосим доирачи, Асад бойвачча* каби;

б) исм + тўғри ёки кўчма маънода ишлатилган қариндошлик оти: *Арслонбек ака, Ҳуринисо опа* каби ва бошқалар.

Ҳар икки конструкцияда ҳам биринчи компонентнинг келишиги аниқ бўлади. Бундай бирикмалардаги иккинчи компонент, шунингдек, бирикманинг ўзи ҳам негиз ҳолатида бўлиб, келишикни бошқа бирор негиз билан боғлангач, бирор синтактик вазифада келгач олади, шунга кўра ҳар хил келишикда бўла олади: *Арслонбек Қаландаровнинг, келини Ҳикоятхонни, Асад бойваччага, Арслонбек акангизнинг* каби. Демак, бундай бирикмадаги иккинчи компонентни бош келишикда бўлади деб ҳукм чиқариш хато.

Шаклан қаратувчи-қаралмиш конструкциясига, мазмунан изоҳловчи-изоҳланмиш конструкциясига ўхшаб кетувчи синтактик бирликлар ҳам бор. Бундай конструкцияда биринчи компонент бош келишикда бўлади, худди шу биринчи компонент билан боғланиш сабабли иккинчи компонентга эгалик аффикси қўшилади. Биринчи компонентни қаратқич келишигининг белгисиз шаклида деб ҳукм чиқариш мумкин эмас, чунки *-нинг* аффиксини ҳар қандай грамматик-семантик шароитда ҳам қўшиб бўлмайди. Агар бирор сўз қаратқич келишигининг белгисиз шаклида бўлса, уни белгили шаклга киритиш имконияти албатта топилади.

Биз кўзда тутаётган конструкцияда ҳам, юқоридаги пунктда таъкидлангани каби, бош келишик тобелик кўрсаткичи бўлади. Бундай конструкцияда биринчи компонент атоқли от ёки турдош от билан ифодаланadi:

1) Биринчи компоненти атоқли от билан, иккинчи компоненти турдош от билан ифодаланган конструкциялар:

а. Предметнинг номини билдиради:

а) Географик пунктни билдиради, бунда биринчи компонент географик атоқли от билан, иккинчи компонент эса географик турдош от билан ифодаланadi: *Бекобод шаҳри, Қаваз тоғи* каби.

б) Олий мукофотни, унвонни билдиради, бунда биринчи компонент атоқли отга айланган сўз ёки бирикма билан, иккинчи компонент эса *орден, медаль, унвон* каби сўз билан ифодаланади: «*Шавкатли меҳнати учун*» медали, «*Социалистик Меҳнат Қаҳрамони*» унвони каби.

б. Предмет ниманингдир номи билан аталганини билдиради, бунда биринчи компонент атоқли отга айланган сўз ёки бирикма бўлади:

а) Географик пунктни билдиради, иккинчи компонент географик турдош от билан ифодаланади: «*Октябрь*» массиви, *Мардлик кўчаси, Гилос бекати* каби.

б) Ташкилот, муассасани билдиради, иккинчи компонент ташкилот, муассасани англатувчи турдош от билан ифодаланади: «*Бўстон*» колхози, «*Социализм*» колхози, «*Лола*» кафеси, «*Райхон*» ошхонаси, «*Пахтакор*» стадиони каби.

в) Олий мукофотни билдиради, иккинчи компонент *орден* каби сўз билан ифодаланади: «*Фалаба*» ордени каби.

Юқоридаги пунктларда таъкидланган конструкциялар учун умумий белги—барчасининг *деган, номли сўзи* билан тузилувчи конструкцияга синоним бўлишида кўринади: *Бекобод шаҳри—Бекобод деган шаҳар—Бекобод номли шаҳар*, «*Бўстон*» колхози—«*Бўстон*» деган колхоз—«*Бўстон*» номли колхоз, «*Шавкатли меҳнати учун*» медали—«*Шавкатли меҳнати учун*» деган медаль—«*Шавкатли меҳнати учун*» номли медаль каби. Кейинги (*деган, номли сўзи* билан тузилган) конструкцияда ҳам биринчи компонент бош келишиқда бўлади.

в. Предмет кимнингдир номи билан аталганини билдиради; бунда биринчи компонент киши атоқли оти бўлади:

а) Географик пунктни билдиради, иккинчи компонент географик турдош от билан ифодаланади: *Энгельс кўчаси, Ленин хиббони, Собир Раҳимов райони* каби.

б) Ташкилотни, муассасани билдиради, иккинчи компонент ташкилотни, муассасани англатувчи турдош от билан ифодаланади: *Ворошилдов колхози, Чкалов заводи* каби.

в) Олий мукофотни билдиради, бунда биринчи компонент (киши атоқли оти) сифатловчи олган бўлиши ҳам мумкин, иккинчи компонент эса *орден* сўзи билан ифодаланади: *1-даражали Суворов ордени, 2-даражали Кутузов ордени* каби.

Кейинги уч пунктда таъкидланган конструкциялар учун умумий белги—барчасининг *номидаги, номи билан аталган* сўзлари иштирокида тузилувчи конструкцияларга синоним бўлишида кўринади: *Энгельс кўчаси—Энгельс номидаги (номи билан аталган) кўча, Чкалов заводи—Чкалов номидаги (номи билан аталган) завод, Суворов ордени—Суворов номи билан аталган (номидаги) орден* каби.

Из оҳ. *Энгельс номидаги, Энгельс номи билан аталган* каби конструкцияларда биринчи компонент бош келишиқда эмас, балки қараткич келишигининг белгисиз шаклида бўлади.

г. Бирор географик пунктда жойлашган ташкилотни, муассасани билдиради, бунда биринчи компонент географик атоқли от билан, иккинчи компонент эса ташкилотни, муассасани англатувчи турдош от билан ифодаланади: *Тошкент университети, Москва теле-студияси, Горький автомобиль заводи, Қорасув станцияси* каби.

Бундай конструкция, юқорида тасвирланган, икки группа конструкциялардан фарқли ҳолда, бошқача трансформацияга йўл қўяди: *Тошкент университети—Тошкентдаги (Тошкентда жойлашган) университет* каби.

Кўринадики, юқорида тасвирланган конструкциялар синтактик тузилиши жиҳатидан фарқ қилмайди, аммо уларда ҳар хил маъно муносабати ифодаланади. Бундай ҳар хиллик улардаги компонентларнинг қандай семантик турга мансуб сўз билан ифодаланиши асосида воқе бўлади. Бу маъноларни, албатта, келишик эмас, балки конструкция ифодалайди, бош келишик шундай конструкциянинг зарурий элементи (таркибий қисми) сифатида қатнашади.

2) Ҳар икки компоненти турдош от билан ифодаланувчи конструкциялар кўп ва ранг-баранг бўлиб, булар махсус ўрганишни талаб қилади. Бу ерда баъзи кўринишларини келтириш билан чекланамиз. Бундай конструкцияларда биринчи компонент иккинчи компонент англатган предметнинг:

а) номини билдиради: *миср пахтаси, грузин виноси, арман коньяги; рус миллати, ўзбек халқи; наврўз байрами, сентябрь оғи, шанба кун* каби; бундай компонент одатда қайси? сўрағига жавоб бўлади;

б) турини билдиради: *шаҳар совети, қишлоқ совети; маданият бўлими, партия маорифи, лекция масалалари, хўжалик шилари, савол назари; мева дарахти* каби; бундай компонент одатда қандай? (қанақа?) сўроғига жавоб бўлади;

в) нимага хосланганини билдиради: *юк машинаси, газети киоскиси* каби; сўроғи — қандай? (қанақа?);

г) шуғулланиш предметини билдиради («а» пунктига жуда яқин туради, сўроғи ҳам қайси?): *медицина институти, луғат сектори, ипакчилик звеноси* каби;

д) алоҳида бир турни ўхшатиш англатиладиган конструкциялар ташкил қилади, буларда кўчма маъно ифодаланади: *ит азобиди, жон аччиғида* каби; сўроғи—қандай?;

е) ишлатилиш доираси расмий нутқ, илмий нутқ билан чекланган яна бир конструкция бор: бўлардаги биринчи компонент кўчирма қисм сифатида қатнашади ва бош келишикдаги исм деб қаралади (сўроғи—қайси?): «а» ҳарфи, «-ган» аффикси, «9» («тўққиз») рақами, «ўқувчиларимга» сўзи, «меҳнат фаолиятини» бирикмаси, «Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл!» мақоли каби ва бошқалар.

Кўринадики, шаклан қаратувчи-қаралмишга, мазмунан изоҳловчи-изоҳланмишга ўхшаб кетувчи конструкцияларда (балки худди шундай конструкцияларнигина изофа деб номлаш ўринли бў-

лар) компонентлар доим контакт ҳолатда жойлашади, улар орасига сўз киритиб бўлмайди. Биринчи компонентда предметлик маъносидан белги маъносига силжиш сезилади. Бундай конструкцияда бир предмет иккинчи бир предметга исбат берилмайди, балки биринчи предмет иккинчи предметга белги сифатида келтирилади: *...бир экскурсия вақтида ўз она қишлоғидан келган икки киши билан танишиб қолди* (А. Қаҳҳор). Сўроғи—қайси? *Самарқанд медицина институтида ўқиди* (А. Қаҳҳор). Сўроғи қандай?

Аниқловчи қатнашса, у биринчи компонентнинг ўзига эмас, балки бирикмага яхлитлигича боғланади: *Янги сотиб олинган беш тонналик юк машинаси...* (А. Қаҳҳор). *Ўз бригадасига кирадиган ипакчилик звеносига бошлиқ қилдирибди* (А. Қаҳҳор).

Бу тур конструкция компонентларида лексик маъно мустақиллиги анча сўниб, семантик жиҳатдан яхлитланади, бўлинмас ҳолга келади. Бундай конструкциялар кўпинча русча составли терминларнинг калькаси сифатида пайдо бўлади, русча бирикмадаги сифат компонент ўзбекчага от билан таржима қилинади: *қишлоқ совети, ижроия комитети, партия маорифи* каби. Баъзан русча термин ҳам, унинг ўзбекча муқобили ҳам икки отдан таркиб топган бўлади: *маданият бўлими (отдел культуры)* каби.

Бу тур конструкцияларнинг бир қисми ўзбек тилининг ўзида шаклланган. Булар ҳар хил. Баъзилари семантик ҳамда структура жиҳатдан ажралмас ҳолга етган: *кўз ёши, одам боласи, ит азобиди, жаҳл оти, жон аччиғида* каби. Кейинги уч бирикманинг семантик яхлитланишида компонентларидан бирининг кўчма лексик маънода қатнашуви ҳам маълум роль ўйнаган.

Бундай бирикмаларнинг бошқа бир қисмида семантик яхлитланиш содир бўлмаган, аммо улар шу шаклида қўлланавериб, традицион бирикмага айланиб қолган: *мева дарахти, суҳбат аҳли, савол назари, ёш пардаси, қамоқ муддати* каби. Буларнинг баъзиси индивидуал услубда тузилган янги бирикма ҳолатида бўлади: *Замонамиз дадил қадамлар замонаси-ку!* (А. Қаҳҳор)—*...зеҳнида тажрибасизлик ваҳимаси чўкиб...* (А. Қаҳҳор).

Мисоллардан кўринадики, тилда бу тур конструкция учун маълум қолип яратилган, янги-янги боғланишлар шу қолип асосида воқе бўлаверади. Бундай қолипдаги биринчи компонентни қаратқич келишигида деб ҳукм чиқариш сунъийликка олиб келади. Чунки *нинг* аффиксини ҳар қандай грамматик-семантик шароитда ҳам қўшиб бўлмайди. Шу асосда бу компонентни қаратқич келишигида эмас, балки бош келишиқда дейиш ўринли. Бундай ҳодиса (эгаллик аффиксини олган сўзга бош келишик формасидаги отнинг аниқловчи бўлиб келиши) юқорида таъкидланган тур бирикмалар донраси билан чекланмайди, албатта.

Э с л а т м а. *Қишлоқ хўжалиги, халқ хўжалиги, сув хўжалиги* каби бирикмаларни йирикроқ бирикма таркибда эгаллик аффикси-

сиз ишлатиш тенденцияси бор (*қишлоқ хўжалик министрлиги, сув хўжалик бошқармаси* каби). Бу—адабий тил нормасидан сунъий чекиниш. Бундай чекиниш натижасида туғилган бирикмалар тилимизда қонуний равишда яшовчи *ганч шувоқ, ёғоч кўприк* каби бирикмалар қаторига қўшилиб қолади. Кейинги тур конструкциялардаги биринчи компонент сифатлашган от деб қаралади, демак, унинг морфематик таркибида келишик категориясининг (шунингдек, сон категориясининг) формаси қатнашмайди (бундай конструкцияларни қуйироқда тасвирлаймиз). *Қишлоқ хўжалиги* каби бирикмаларнинг грамматик табиати эса булардан тамоман бошқача.

Бош келишикдаги от ёки бирор туркум лексемаси, ноқоридаги-лардан ташқари, яна қуйидаги вазифаларда келади:

1. Ундалма бўлиб келади: *Бир йил, ниҳоят* бир йил ишлаб берар эмишман, *х о л а ж о н* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Наинки йиғласам, жон қ и з и м!*... (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Бу гапни менга айтдинг, ў р т о қ, бошқа одамга оғзингдан чиқарма!* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Айбга буюрмайсизлар, меҳмонлар, менинг идорада яна бирон соатлик ишим бор* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

2. Номинатив гап ҳам бош келишик формасидаги бирикма билан, баъзан якка сўз билан ифодаланади: *Кечки п а й т. Район партия комитетининг секретари ўртоқ Тоҳир Носиров чанг босган виллисдан тушиб...* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *П о л с и з, қ о р о н ғ и, с у п у р г и билан оқланган, заҳ ҳиди анқиб турган бир кулба. Унинг бутун жиҳози...* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Вокатив гап, сўз-гап ҳам баъзан бош келишик формасидаги от билан ифодаланади (бундай гап учун бош келишик формасида бўлиш мажбурий эмас, албатта): *Саида қоп-қора ва ёпишқоқ бир нарсага тойилиб йиқилди. Қон!*... (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Саиданинг олдидан ўтаётиб унга кўз қирини ташлаб, «С а л о м»,— деди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

3. Ҳол вазифасида келиш бош келишикдаги якка отга ҳос хусусият эмас. Бундай вазифада, аввало, сўзларнинг маълум семантик турларигина келади, шунда ҳам ҳол вазифасини одатда сифатловчи олиб бажаради. Бунинг кўринишлари:

1) (*бир, шу, ўша, ҳар, қайси* сўзларидан бири X йил, кун сўзларидан бири) + III шахс эгалик аффикси + бош келишик: *бир йили, ўша йили, ҳар куни, бир куни, шу куни, қайси куни* каби. Бундай конструкцияда нега эгалик аффикси ишлатилаётганини изоҳлаб бўлмайди (Сифатловчи сифатлашнишга эгалик аффикси қўшишни талаб қилмайди).

Бундай конструкцияда биринчи компонент бўлиб сифатдош формасидаги предикатив синтагма ҳам келиши мумкин: *уруш бошланган йили* (А. Қ а ҳ ҳ о р), *биринчи қор ёққан кунидёқ* (Ж. А б д у л л а х о н о в) каби.

Кейинги тур конструкцияда, аввалгиларининг *шу, ўша, ҳар* сифатловчиси билан келган турларида эгалик аффикси + бош кели-

шик формалари ўрин келишиги билан синонимия ҳосил этади: *ҳар йили—ҳар йилда, қор ёққан йили—қор ёққан йилда* каби.

2) (Тартиб сон *X йил*) + III шахс эгалик аффикси + бош келишик. Бу конструкцияда иккинчи лексик компонент бўлиб, *йил* сўзи келади, биринчи компонент санани билдирувчи тартиб сон билан ифодаланади ва у алмашиниб юради: *Улуғ Ватан Уруши 1941 йили бошланиб, 1945 йили тугади* каби. Бу конструкцияда ҳам эгалик аффикси ва бош келишик формалари биргаликда ўрин келишиги формаси билан синонимия ҳосил этади: *42-йили—42-йилда* каби.

3) (Бир сўзи *X* пайт маъноси сўз) + бош келишик. Иккинчи компонент бўлиб: *вақт, пайт, замон* каби сўзлар келади... *бир вақтлар жамиятда бевосита туган ўрнини йўқотиб қўйгани учун...* (А. Қаҳҳор).

4) (*Ҳар, бу, шу* олмошларидан бири *X сафар, гал* сўзларидан бири) + бош келишик: *ҳар сафар, ҳар гал, бу гал, шу сафар* каби. Масалан: *Ҳар сафар райком розилик берар экан* (А. Қаҳҳор).

Юқорида тасвирланган тўрт конструкция учун умумий белги шуки, уларни бош келишикдан бошқа келишиклар (масалан, тушум, қаратқич келишиклари) формасига киритиб бўлмайди. Бундай сифатловчи бирикмаларнинг бош келишикда келиши ҳол вазифаси учун хос формага айланган. Юқорида таъкидланганидек, биринчи, иккинчи пунктдаги каби конструкцияларда бош келишикни ўрин келишигига алмаштириш мумкин, аммо бунда келишиклар ўзаро эмас, балки эгалик ва келишик биргаликда ўрин келишиги билан алмаштирилади. Демак, синонимия иккита грамматик категория формалари билан бир грамматик категория формаси юрасида воқе бўлади.

От бирикманинг бошқача турлари ҳам бош келишик формасида ҳол бўлиб келади, аммо булар фақат шу келишик формаси билан чекланмайди, синтактик вазифасига мос ҳолда бошқа келишикда ҳам ишлатилади. Булар асосан қуйидагилар:

5) [(Тартиб сон *X* ой номи) *X кун* сўзи]+III шахс эгалик аффикси + бош келишик. Кўринадики, бу конструкцияда доимий компонент — *кун* сўзи; тартиб сон ва ой номи алмашинади: *1 Май кунини, иккинчи сентябрь кунини, 30 декабрь кунини* каби. Бундай конструкцияларда нега эгалик аффикси ишлатилишини изоҳлаш мумкин: *1973 йилнинг 30 декабрь кунини* каби.

Юқоридаги тўрт пунктдан фарқли ҳолда, бундай конструкцияни *30 декабрь кунини, 30 декабрь кунидан (кейин)* каби турли келишик формаларида ишлатиш мумкин (демак, бошқа бўлак вазифасида келтириш мумкин; бу изоҳ кейинги пунктларга ҳам тааллуқли).

6) (Кўрсатиш олмоши *X* пайт маъноли сўз) + бош келишик. Бундай конструкцияда биринчи компонент *бу, шу* олмоши билан, иккинчи компонент *йил, пайт* сўзи билан ифодаланади: *Бу йил*

бормайман (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Ш у п а й т Умнат Назаров кириб келди* (А. Қ а ҳ ҳ о р) каби.

7) (Миқдор равиши *X вақт сўзи*) + бош келишиқ: *кўп вақт* (қолмади), *оз вақт* (берилди) каби.

8) (Саноқ сон ёки чама сон *X йил, ҳафта, кун* сўзларидан бири) + бош келишиқ: *бир йил, икки йил, ўн йил, уч-тўрт йил; бирон ҳафта, уч ҳафта; икки кун, беш-тўрт кун* (ўтибди) каби.

9) (Саноқ сон, миқдор олмоши ёки равиши *X марта сўзи*) + бош келишиқ: *беш марта* (алмашибди), *бир неча марта* (бориб келди), *кўп марта* (синаганман) каби.

10) (Саноқ сон ёки чама сон *X масофа, оғирлик, ҳажм* каби ўлчов бирлигининг номи) + бош келишиқ: *ярим километр* (келадиган), *ўн-ўн беш метр* (келади), *ўттиз бир тонна* (етмабди), *уч-тўрт ёш* (каттароқ) каби.

От билан, от олмош билан, ҳаракат номи билан ифодаланган кесим маълум бир келишиқ формасида бўлади. Аммо ундаги келишиқ синтактик моҳиятини йўқотади, эгадаги, қаратувчидаги, тўлдирувчидаги келишиқдан фарқ қилади. Буни қуйидаги ҳолатлардан билиб олиш мумкин:

1) Бирор бўлакни битта келишиқ (ёки табиати ўхшаш келишиқлар) шакллантиради. Буни, масалан, қаратувчи, тўлдирувчи бўлақларда кўраимиз. Кесимда эса бошқача: кесим вазифасидаги сўз ҳар хил табиатли келишиқлар формасида кела олади. Масалан, бош келишиқ билан бир қаторда, ўрин келишиги формасидаги сўз ҳам кесим бўлиб кела олади: *Бўлдирадиган ҳам хотин, ўлдираган ҳам хотин!* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Ҳамма иллат от амда* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Чол ўшандан бери шу ерда* (А. Қ а ҳ ҳ о р). Бундан хулоса шуки, кесимни шакллантирадиган махсус келишиқ йўқ.

2) Кесим вазифасида келган бу тип сўзларда келишиқдан сўнг албатта тусловчи қўшилади. Демак, бунда келишиқ сўзни тугалловчи форма бўлмайди, негизни сўзга айлантирмайди, келишиқли ҳолат негизга тенг бўлади.

3) Бундай сўзнинг кесим бўлиб келганини (синтактик вазифани) келишиқ эмас, тусловчи кўрсатади, чунки бундай ҳолатда негизни сўзга тусловчи айлантиради.

4) Шу сабабли келишиқ синтактик жиҳатдан нейтраллашади, синтактик вазифани кўрсатмай қўяди, маълум грамматик маънони ифодалаш учунгина хизмат қилади.

Тусловчи ҳар қандай келишиқ формасидан кейин қўшилавермайди. Демак, кесим вазифасида келиш барча келишиқлар формасидаги сўз учун хос эмас. Бундай вазифада асосан бош келишиқдаги, қисман макон келишиқларидаги сўз келади; шу жиҳатдан қаратқич ва тушум келишиқлари бошқа келишиқлардан ажралиб туради.

Кесим, айниқса от кесим кўпинча III шахсда келади, бу шахснинг тусловчиси эса кўп ҳолларда ноль кўрсаткичли бўлади, шунга кўра гўё ҳеч нима қўшилмаётгандек кўринади. Агар бошқа шахсга айлантирсак, тусловчи қатнашаётгани аён бўлади: *Ўзимизнинг*

колхозда врач (А. Қахқор) — Узимизнинг колхозда врачман каби.

Кесим вазифасидаги бундай сўз кишини англатмаса, кишига нисбат берилмаса, III шахсдагина кела олади: *Лекин эркак қадди тўғрисидаги гапи менинг учун ҳам янгилик!* (А. Қахқор).

Бош келишик формасидаги сўз кесим бўлиб келганини, тусловчидан ташқари, *-ми, -а* каби юкламалар, *эди* форма ясовчиси ҳам кўрсатиб туради: *Шу ҳам гапми!* (А. Қахқор). *Ҳалигдан шикоятми?* (А. Қахқор). *Мен сизга айтмоқчи бўлган гапимни ҳали айтганим йўқ. Бу гаплар ҳаммаси даромад эди* (А. Қахқор).

Бош келишикдаги сўздан кейин *экан, эмиш, эмас* формалари, *бўл-* кўмакчисининг ишлатилиши бу сўз кесим вазифасида келганини гарантияламайди, чунки булардан кейин *-лик* аффиксини, эгаллик аффиксини қўшиш билан бошқа келишик формасининг ишлатилишига йўл билади. Демак, *экан, эмас* кабилар тусловчи олса, шундагина кесим ҳақида гапириш мумкин: *Мўртгина нарса экансиз...* (А. Қахқор). *Эшон бола эмас, ёши элликдан ошган кўса экан* (А. Қахқор). *Афлотуннинг қизи бўлсангиз ҳам, гапни тонналаб олинг-у, грамлаб сотинг!* (А. Қахқор). *Булар Мирзачўлга кўчиб келганда ҳам Қаландаров Ворошилов колхозида бригадир, Ҳуринисо ипакчилик звеносининг бошлиғи бўлган экан* (А. Қахқор).

Мисоллардан кўринадики, бош келишик формасидаги от кесим кўпинча якка сўз билан эмас, балки от бирикма билан ифодаланади: *Қишлоқда одам қолмаса, экиннинг оти мулла Норқўзи бўлади* (А. Қахқор). *Ҳаммаси ҳам униб ўсди: бири — колхоз раиси, бири — район маданият бўлимининг бошлиғи, бири — депутат...* (А. Қахқор).

Сифатловчи бўлиб келиш — сифат, сон каби туркумларга хос вазифа. Агар от бу вазифада келса, у сифатлашади. Сифатлашиш (худди отлашиш каби) синтактик жараён бўлиб, бундай ҳолатда келиш учун от ўзи мансуб туркумнинг грамматик категорияларидан холи бўлиши шарт. Бундай ҳолат — от лексема учун иккиламчи форма.

От лексема сифатловчи вазифасида келса, у сифатлаган от негизига эгаллик аффикси қўшилмайди: *пахса девор, асфальт йўлка, сопол товоқ, тунука том* каби.

Сифатловчи бўлиб келиш ҳар қандай отга хос хусусият эмас, бундай от одатда сифатланмишдан англашиладиган предметнинг материални (қандай предметдан тайёрланганини) билдиради. Бунда икки хил семантик муносабат ифодаланади:

1) асосан шу материалдан тайёрланганлиги: *тунука чойнак, фишт девор, бетон йўл* каби;

2) шу материалдан қисман бор эканлиги: *тилла соат, сомон сувоқ, ёқут узук* каби (Бу пункт мисолларини *-ли* аффикси билан ҳам ишлатиб бўлади: *сомонли сувоқ* каби).

Юқоридаги тип сифатловчи-сифатланмиш конструкцияси биринчи отнинг сифатлашуви йўли билан тузилган. Ҳозир сифатловчи-сифатланмиш муносабатини акс эттирувчи баъзи конструкциялар асли қаратувчи-қаралмиш муносабатидан ўсиб чиққан. Кейинги тур конструкцияларнинг тараққиёт босқичлари қуйидагича бўлган деб кўрсатилади: *билакнинг узуги* → *билак узуги* → *билак узук* (Бундан кейинги тараққиёт кўшиб айтиш ва ёзиш даражасига олиб келган, яъни бирикма сўзга айланган: *билагузук* каби). Бундай конструкцияларнинг икки кўриниши мавжуд:

а) асли икки турдош отдан тузилган бўлади: *қўл соат, чўнтак соат; кийим чўтка, тиш чўтка; оёқ машина, қўл машина* каби;

б) сифатловчиси асли географик атоқли от бўлиб, бу бирикмада турдош отга айланади: *қўқон жўхори, қўқон арава, чуст дўппи* каби.

От сифатловчининг яна бир (учинчи) тури асли ўхшатиш формаси билан ишлатилувчи сифатловчилардан ўсиб чиққан: *тошдек нок* → *тош нок* каби. Сифатловчи вазифасидаги от ҳозирги ишлатилишида предметлик маъноси билан эмас, балки белги маъноси билан (кўчма маъносида) қатнашади. Масалан, *тош ойна* бирикмасида тошнинг қаттиқлик белгиси, *олтин куз* бирикмасида олтиннинг ранги (сариқлик белгиси) асосга олинади.

Сифатловчи вазифасида, якка от негиздан ташқари, миқдор билдирувчи сўздан ҳамда масофа, оғирлик, ҳажм каби ўлчов бирлиги номидан тузилган бирикма ҳам келади (Бундай от нумератив деб ҳам номланади); бирикма шаклан бош келишиқда бўлса-да, ундан яхлитлигича белги маъноси англашилади, демак, сифатловчи формасида келади: *икки пиёла чой, бирон оғиз гап, уч соат чамаси (вақт)* каби.

Бу тиш конструкция отга эмас, феъл, сифат, равиш негизига боғланса, ҳол бўлиб келади: *ярим соат [ча] ўтгандан кейин, беш ёш кичик, кўп йиллар муқаддам* каби (Олдинги бетларга қаранг).

Э с л а т м а. Бош келишиқ формасидаги отни такрорлаш билан одатда сўз ясалади: такрорлангач, бундай сўз сифат, равиш туркумига ўтади; келишиқ системасидан чиқади: *йўл-йўл желетка, э с-э с билади* каби.

Қаратқич келишиги

Қаратқич келишиги аффиксли келишиқлардан бири бўлиб, бу аффикснинг бир неча морфологик варианты бор. Қаратқич келишиги аффиксининг асосий морфологик варианты *-нинг* бўлиб, унинг орфографик ва орфоэпик шакли битта: *оиланинг, соининг, баҳорнинг, кузнинг, ишининг, жамиятнинг, китобнинг (китопнинг), докладнинг (доклатнинг)* каби.

Қаратқич келишиги аффиксининг бу морфологик варианты жонли сўзлашувда (ўзбек тили шеваларининг талай қисмида) *-ни* шаклида талаффуз қилинади ва ўз навбатида (негизининг қандай

товуш билан тугашига қараб) яна бир қанча фонетик вариантларга эга бўлади: *оилани, соййи, баҳорри, ишии, жамиятти, китоппи* каби. Демак, жонли сўзлашувда қаратқич келишиги аффиксининг юқоридаги варианты тушум келишиги аффиксининг худди шундай варианты билан омонимия ҳосил қилади. Бунга, аввало, аффикс охиридаги бурун товушининг тушиб қолиши сабаб бўлади, аффикс бошидаги товушнинг ўзгариши эса иккиламчи ҳодиса.

Қаратқич келишиги аффиксининг яна иккита морфологик варианты бор бўлиб, буларда ҳам орфографик ва орфоэпик шакл битта: *-инг, -н*. Булардан *-инг* варианты I, II шахс бирлик кишилик олмоши негизига қўшилади: *мен+инг, сен+инг*. Қаратқич келишиги аффиксининг бу морфологик варианты ҳам жонли сўзлашувда тушум келишиги аффикси билан омонимия ҳосил қилади: *мани (китопим), мани (чақирди)* каби. Кўринадики, бу ерда ҳам омонимия аффикс охиридаги бурун товушининг тушиши билан тугилади.

Қаратқич келишиги аффиксининг учинчи морфологик варианты (*-н*) поэтик нутқдагина учрайди, одатда III шахс эгалик аффиксидан кейин қўшилади: *Ҳар болам уфурган нафасин атри — Шеъримнинг энг етуқ, энг яхши сатри* (Ғ. Ғулум). Бу вариант гўё *-нинг* аффикси таркибидан охирги ундошни унли билан бирга ташлаш натижасида пайдо бўлган.

Бундай шакл (*-н* билан ифодаланиш) тушум келишигида ҳам бор. Шу нуқтада бу икки келишик формаси орасида яна омонимия содир бўлади. Бу омонимия адабий нутққа хос бўлиб, чекланган доирада (поэтик нутқдагина) учрайди, иккинчидан, икки келишик формасининг адабий вариантларидан биттасига тааллуқли (*-нинг, [-нинг], -инг* қаторидаги *-н* ва *-ни, [-ни], -и* қаторидаги *-н*).

Демак, қаратқич келишиги аффиксининг учта морфологик варианты бор, белгилли-белгисиз ишлатиш шулардан *-нинг* варианттидагина учрайди; энг кўп ишлатилувчи вариант ҳам шу. Белгисиз ишлатилишни ҳам ҳисобга олсак, қаратқич келишиги формаси тўрт морфологик вариантга эга бўлиб чиқади.

Қаратқич келишиги формасининг морфологик вариантларини схемада қуйидагича кўрсатиш мумкин:

Келишик	Мавқеи	Асосий вариантлар		Жузъий вариантлар	
		белгилли	белгисиз	I, II шахс кишилик олмошидан кейин	шеъринда III шахс эгалик аффиксидан кейин
Қаратқич	адабий	<i>-нинг</i>	<i>[-нинг]</i>	<i>-инг</i>	<i>-н</i>
	жонли сўзлашув	<i>-ни</i>	<i>[-ни]</i>	<i>-и</i>	—

Қаратқич келишиги аффиксини олган негиз эгалик аффикси олган негиз билан боғланади: *оиланинг бахти, сойнинг ўртаси, куз-*

нинг бошланиши каби. Қаратқич келишиги аффиксини олган негиз қаратувчи деб, эгалик олган негиз қаралмиш деб аталади.

Эгалик аффикси ўзи қўшилган негизни сўзга айлантормайди. Қаралмиш бўлиб келган негиз (аниқроғи, қаратувчи билан қаралмиш биргаликда) сон категорияси ва келишик категорияси формаларини нутқда, бошқа сўз (негиз) билан боғланишда олади, унга эса негиз ҳолатида бўлади. Юқоридаги мисолларни *оиланинг бахти* каби шаклда келтириш уларга бирлик ва бош келишик формаларини ҳам қўйиш билан тенг.

Адабий нутқда қаратувчи-қаралмиш муносабатидаги иккинчи негиз доим эгалик аффикси билан ишлатилади: *менинг синглим, сизнинг мактабингиз, телевизорнинг экрани* каби. Қаралмишдаги эгалик аффиксининг тушиб қолиши жонли сўзлашувга хос хусусият бўлиб, қаратувчи *бизнинг, сизнинг, ўзининг* олмошлари билан ифодаланганида баъзан рўй беради: *биззи ака, силани мактап, ўзимиззи ҳовлида* каби.

Демак, қаратқич келишиги аффикси эгалик аффиксисиз ишлатилмас экан, бу келишикнинг формасини мураккаб, аналитик деб қараш керак: *-нинг* ва шунга боғлиқ ҳолда қўшиладиган эгалик аффикси.

Қаратувчи қаралмишсиз ишлатилмайди, аммо эгалик аффиксини олган негиз сон категорияси ва келишик категорияси формасини олиб, қаратувчисиз кела олади: *бизнинг оиламиз, оиламиз* каби. Аммо *бизнинг* сўзи ёлғиз ишлатилмайди. Бундай сўз ҳатто тўлиқсиз гап сифатида ҳам келмайди. Масалан, «*Кимни чақирди?*»— «*Сени*» каби тушум келишигидаги сўзнинг ўзи гап бўлиб кела олади, аммо «*Кимнинг китоби?*» — «*Менинг*» каби қаратқич келишигидаги сўзнинг ўзи гап ҳосил этиб тура олмайди (Бундай сўроққа бир сўз билан жавоб бермоқчи бўлсак, *-ники* аффиксига мурожаат қиламиз: «*Кимнинг китоби?*»—«*Меники*» каби). Кўринадики, бошқа барча келишклардан фарқи ҳолда, қаратқич келишигидаги сўз ўзи ёлғиз ишлатилмайди, у доим қаралмиши билан бирга юради. Шу сабабли қаратқич келишигидаги сўз доим бирикма таркибида туради, бирикманинг бўлаги (ички бўлак) ҳолатида бўлади.

Қаратувчини тушириш имконияти унинг ифода материалига боғлиқ. Шу жиҳатдан қаратувчилар иккига группаланadi:

1. Кишилик олмоши билан ифодаланган қаратувчи: *менинг иродам, сизнинг нутқингиз, унинг табассуми* каби.

2. Кишилик олмошидан бошқа сўз билан ифодаланган қаратувчи: *уйнинг томи, ўшанинг маслаҳати, ёмоннинг қилиғи, ўннинг ярми* каби.

Кишилик олмоши ҳам, эгалик аффикси ҳам шахс-сон маъносини ифодалайди. Шу сабабли нутқда қаратувчи вазифасида келиши лозим бўлган кишилик олмоши кўпинча туширилади, қаралмишнинг ўзи ишлатилади: *китобим, курсдошинг, квартираси* каби. Қаратқич келишигидаги кишилик олмошини ҳам ишлатиш шахс-сон маъносини плеонастик (икки марта) ифодалашга олиб келади, бундай ифодалаш таъкид талаби билан ёки услуб талаби билан

воқе бўлади: *китобим* — оддий нисбатлаш, *менинг китобим* — таъкидли нисбатлаш.

Қаратувчи кишилик олмошидан бошқа сўз билан ифодаланса, уни ташлаш мумкин эмас: эгалик аффикси бундай сўз негизи англатадиган маънони ифодамайди: *Ёмоннинг бир қилиги ортиқ* каби.

Кўринадики, қаратувчини ташлаш имконияти умуман олмошларга эмас, балки фақат кишилик олмошларига хос, чунки ўзаро мослашиб юриши, маъноси жиҳатидан эгалик аффиксига тенглашиш фақат кишилик олмошига мансуб. Масалан, *сенинг номинг, номинг* ўзаро шахс-сон маъносини жиҳатидан бир хил, бирикмадаги биринчи сўз шу шахс-сонни таъкидлаш учунгина хизмат қилади, янги маъно англатамайди; *аллакимнинг номи* бирикмасида эса биринчи сўз шахс-сон маъносини таъкидлаш учун эмас, балки бошқача маънони англаташ учун ишлатилган, шунга кўра уни ташлаб бўлмайди.

Қаратқич келишигидаги сўз *ким[лар]нинг?*, *ним[лар]нинг?* сўроғига жавоб бўлади: *Мен ўқитган жувонларнинг ҳаммаси ҳам кам бўлгани йўқ* (А. Қаҳҳор). *Токнинг бир неча новдаси симга ўз ҳолича тирмашибди-ю, қолгани ерда ётибди* (А. Қаҳҳор).

Қаратқич келишигидаги сўз кишини англатса, битта сўроққа — *ким[лар]нинг?* сўроғига — жавоб бўлади. Бу келишикдаги сўз нарсани англатганида кўпинча *ним[лар]нинг?* сўроғига, баъзан эса *қаянинг?* сўроғига жавоб бўлади. Бунинг учун шу келишикдаги сўз ўрин маъносини англата олиши керак, айни вақтда қаралмиш бўлиб келган сўз, аксинча, ўрин маъносини англатмаслиги шарт. Ана шундай қаратувчи *қаянинг?* сўроғига жавоб бўлади: *Бу тангиқлигини районнинг ҳозирги раҳбарлари кечирадимй-йўқми?* (А. Қаҳҳор). *Секретарь колхознинг ўзидан бўлса...* (А. Қаҳҳор).

Агар қаралмиш ўрин маъносини англатса, қаратувчи асли ўрин маъносини англата олишидан қатъи назар, бундай қаратувчи *ниманинг?* сўроғига жавоб бўлади, ўрин сўроғига эса қаратувчи-қаралмиш муносабатидаги ҳар икки сўз (бирикма) яхлитлигича жавоб бўлиб келади: *У, юраги ҳовлиқиб, бир зумда перроннинг у бошидан бу бошига бир неча марта бориб келди, станция биносининг ичини, орқа томонларини, йўлнинг у юзидаги чойхона олди ва атрофини кўздан кечирди* (А. Қаҳҳор). Бунда: *қаянга?* — *перроннинг у бошидан бу бошига*, *ниманинг?* — *перроннинг*; *қаяни?* — *станция биносининг ичини*, *ниманинг?* — *станция биносининг*.

Қаратқич келишиги икки хил грамматик муносабатда қатнашади:

1. Қаратувчи-қаралмиш муносабатига киришган икки мустақил негиздан биринчисини—қаратувчини шакллантиради, бунда қаратқич келишиги формаси синтактик вазифани кўрсатади; бундай муносабатдаги негизлар мустақил туркумга мансуб бўлади ёки шундай сўз сифатида ишлатилади: *укамнинг қизи, меваларнинг*

сархили, мавсумнинг бошланиши, «билан»нинг маъно ва вазифалари каби. Бу — қаратқич келишиги учун асосий ҳолат.

2. Қаратқич келишигидаги сўз кўмакчи билан бирлашади, бунда келишик формаси синтактик вазифани кўрсатмайди, сўзнинг грамматик формаси мураккаб, аналитик бўлади: (келишик формаси + кўмакчи). Бундай муносабатда биринчи қисм одатда *шу* кўрсатиш олмоши билан ифодаланади; иккинчи қисм бўлиб *учун*, билан кўмакчилари қатнашади, бу қисмга эгалик аффикси қўшилмайди; конструкцияда яхлитлигича грамматикализация воқе бўлади ва у бўлинмас бирликка айланади: *шунинг учун* (боғловчи), *шунинг сингари*, *шунинг билан бирга* (кириш сўз) каби. *Шунинг сингари*, *бугун чойни қаймоқ фараз қилсак-қилибмиз-да* (Ж. Абдуллахонов). Грамматикализация воқе бўлмайдиган ўринларда (масалан, кишилик олмошларида) қаратқич келишиги белгисиз ишлатилади, фақат махсус таъкид ёки услуб талабига нинг ишлатишга олиб келади: *Лекин эркак қадди тўғрисидаги гап менинг учун ҳам янгилик* (А. Қаҳҳор).

Умуман, бундай кўмакчили конструкцияларда биринчи қисми белгисиз ишлатиш кучайиб бормоқда. *Шу билан гап тамом бўлди* (А. Қаҳҳор). *Шу билан бирга*, *Кифоятхоннинг вақти раиснинг хизматида ўтадиганга ўхшар эди* (А. Қаҳҳор). Бундай ўзгариш учун асос бор: худди шу кўмакчилар (*учун*, *билан*) олмошдан бошқа сўзга бош келишик формасида бирлашади: *мактаб учун*, *укам билан* каби.

Бундай конструкцияда *шу* кўрсатиш олмоши, кишилик олмоши -лар олиб келганида ҳам қаратқич келишиги белгисиз шаклда ишлатилади: *шунинг билан бирга*, аммо: *шулар билан бирга*; *шунинг сингари*, аммо: *шулар сингари*; *сенинг билан*, аммо: *сенлар билан* каби.

Қаратқич келишигидаги сўзнинг қаралмишсиз ишлатилиши олмошларда бу келишик аффиксидан кейин *-дек*, *-ча* форма ясовчилари қўшилганида ҳам содир бўлади: *менингдек*, *сизнингча* каби. Бунда келишик аффикси синтактик жиҳатдан нейтраллашади, синтактик вазифани кўрсатмай қўяди. Келиб чиқиши жиҳатидан бу тип конструкция мустақил сўз билан кўмакчи муносабатига боради.

Қиёсланг: *сенинг* | *каби*
| *дек*

Қаратқич келишиги битта маънони — қаралмиш англатган предмет ёки белги қаратувчи англатган предметга (ёки предмет деб тасаввур қилинувчи белгига) қаратилганини — билдиради.

Қаратувчи-қаралмиш конструкциясида турлича маъно муносабати ифодаланади. Бундан ташқари, қаратқич келишиги формаси белгилли ёки белгисиз ишлатилади ҳам. Буларнинг ҳаммаси аввало қаратувчининг, қаралмишнинг қайси туркум сўзи (негизи) билан ифодаланишига боғлиқ.

Қаратувчи бўлиб, қаралмиш бўлиб турли туркум сўзлари кела олади. Булар асосан қуйидагича:

1. Отларнинг қаратқич келишигида ишлатилиши:

А. Кишиларга, қўйилган атоқли отлар, лақаблар қаратқич кели-

шигида одатда белгили ишлатилади, белгисиз қўллаш кам учрайди. Бунда қаралмишнинг қайси туркум сўзи экани турлича маъноларни ифодалашга хизмат қилади (Бу маъноларни қаратқич келишигининг ўзи эмас, балки грамматик конструкция яхлитлигича ифодалайди):

1. Қаралмиш от билан ифодаланганида бу сўз англатган предмет қаратувчи англатган кишига нисбат берилади. Бунда қаралмиш:

1) Қариндошлик, таниш-билишлик англатувчи от бўлади: *Кифоятхоннинг қизи* (қиз Кифоятхонники), *Ҳуринисонинг ота-онаси*, *Тўтинисонинг эри*, *Қаландаровнинг ошнаси* каби.

2) Конкрет предметни англатувчи от бўлади: *Тўтинисонинг уйида* (уй Тўтинисонники), *Қаландаровнинг ҳовлиси*, *Носировнинг кабинетидан* каби.

3) Киши аъзосини англатувчи от бўлади: *Козимбекнинг қўлига* (қўл Козимбекники), *Саиданинг лабларидаги*, *Қаландаровнинг юзига*, *Ҳуринисонинг жағини* каби.

4) Абстракт предметни англатувчи от бўлади: *Саиданинг кўнгли* (кўнгил Саиданики), *Ҳуринисонинг муомаласидан*, *Қаландаровнинг куч ва талантини*, *Эшоннинг саргузаштини* каби.

Юқоридаги биринчи, иккинчи пунктда алоҳида-алоҳида мавжуд икки предмет ўзаро (бутун бутунга), учинчи, тўртинчи пунктда эса бир предметга ундаги иккинчи бир предмет (қисм бутунга) нисбат берилади.

2. Қаралмиш *олд*, *орқа* каби ўрин оти бўлганида киши унинг теварак-атрофидаги бирор ўрин жиҳатидан характеристика олади (тавсифланади): *Эшоннинг олдида*, *Кариманинг олдидан*, *Қаландаровнинг олдида*, *Манзурахоннинг орқасида* каби.

3. Қаралмиш ўз сўзи бўлганида таъкидлаш ифодаланади: *Кифоятхоннинг ўзи*, *Қаландаровнинг ўзи* каби.

Э с л а т м а. Бош келишиқдаги сўздан (бу ерда — атоқли отдан) кейин ишлатилган ўз сўзи изоҳловчи бўлиб келади, шунла ҳам таъкид маъноси ифодаланади: *Кифоятхон ўзи*, *Қаландаров ўзи* каби.

4. Қаралмиш сифатдош формасидаги феъл бўлганида шу сўз англатган ҳаракат қаратувчи англатган кишига нисбат берилади: *Саиданинг кетаётганлиги* каби (кетаётган киши — Саида). Бунда эга-кесим муносабати қаратувчи-қараллиш муносабатига айлантирилади: *Саида кетаётгир* (*кетаяпти*) → *Саиданинг кетаётгани* (*кетаётганлиги*). Бундай қайта тузишда биринчи сўзнинг бош келишиги қаратқич келишигига алмаштирилади, иккинчи сўз эса икки жиҳатдан ўзгаради: а) ундаги замон формаси сифатдошнинг *-ган*, *-диган*, *-ётган* формаларидан моси билан алмашади, б) тусловчи ташланиб, унинг ўрнига худди шу шахс-соннинг эгалик аффикси қўшилади (Бундай қайта тузишда *-лик* аффиксининг ишлатилиши факультатив).

Иккинчи компонент ўрнидаги сифатдош *аниқ* ёки *мажхул* даражадаги негиздан ясалганига қараб икки хил мазмун англашилади:

1) Сифатдош аниқ даражадаги негиздан ясалган бўлса, бундай тип конструкцияда қаратувчи англатган предмет қаралмишдан англашиладиган ҳаракатнинг бажарувчиси бўлади (юқоридаги мисол).

Тасвирланаётган типдаги конструкцияда қаратқич келишиги баъзан белгисиз ишлатилади. Бунга олиб келувчи сабаблар ҳар хил. Масалан, қуйидаги гапда қаратувчи бўлақдан кейин яна бир сўз қаратқич келишигида ишлатилган, шу асосда кейингиси белгили, биринчи қаратқич эса белгисиз қўлланган: *Қаландаров Носировнинг кабинетидан ранги бўзариб чиққани... Сауданинг кўнглига ғашлик солиб қўйди* (А. Қаҳҳор).

Услуб қойдасига биноан қатор келувчи икки қаратқичдан бири белгили, бошқаси белгисиз ишлатилади. Ёзувчи юқоридаги гапда биринчи қаратқични белгисиз ишлатган. Асли бу қоида қатор келган ҳар қандай икки қаратувчига эмас, балки ўзаро қаратувчи-қаралмиш муносабатидаги иккита қаратувчига тааллуқли: *колхознинг территориясининг плани* деб эмас, *колхоз территориясининг плани* деб ишлатилиши каби. Юқоридаги мисолда эса икки қаратувчи ёнма-ён жойлашган-у, аммо ўзаро қаратувчи-қаралмиш муносабатида эмас. Демак, бундай ҳолларда юқоридаги услуб қойдасини татбиқ қилиб бўлмайди. Асли ёзувчи бошқа қоидага амал қилиб, биринчи қаратувчини белгили, иккинчисини эса белгисиз келтириши лозим эди. Қаратувчи билан қаралмиш орасида бошқа сўз келса (дистант ҳолат), қаратқич келишиги белгили бўлади; шу қоидага кўра юқоридаги гапда *Қаландаров сўзи* белгили ишлатилиши зарур эди. Аксинча, *Носировнинг сўзи ўз қаралмиши (кабинети)* билан ёнма-ён (контакт ҳолатда) жойлашган, қоидага кўра бундай қаратувчини белгисиз ишлатиш мумкин эди. Шундай қилинса, ҳар икки қаратувчи қоида асосида шаклланган бўлади.

Умуман, эга-кесим муносабатини қаратувчи-қаралмиш муносабатига айлантиришда биринчи сўзни -нинг аффиксини қўшмаган ҳолда ишлатиш кучайиб бормоқда. Масалан: *...баъзи сўзлар Хуринисо Қаландаровни юқорига тортганини эмас, Қаландаров уни аста-секин пастга босиб келганини кўрсатар эди* (А. Қаҳҳор). Натижада бундай конструкциядаги биринчи сўзни бош келишикда деб қарашга йўл очилади. Асли қаратувчи ҳолатидаги сўзнинг қаратқич келишигидан чиқиб, бош келишич формасига ўтиши тил тарихидан маълум: а) *Носировнинг суҳбат ўтказиши... керак эди* (А. Қаҳҳор) → *Носиров суҳбат ўтказиши керак эди*. б) *Сауданинг шуни билгиси келар эди*. → *Саида шуни билгиси келар эди* (А. Қаҳҳор) каби.

2) Сифатдош мажҳул даражадаги негиздан ясалган бўлса, бундай тип конструкцияда қаратувчи англатган киши қаралмиш англатган ҳаракатнинг таъсирида экани ифодаланади: *Муҳиддиннинг чақирилгани* каби (чақирилган киши — Муҳиддин, чақирувчи — мажҳул). Бундай конструкция ҳам эга-кесим муносабатини қаратувчи-қаралмиш муносабатига айлантириш билан юзага келади: *Муҳиддин чақирилган* → *Муҳиддиннинг чақирилгани*. Кў-

ринадики, синтактик жиҳатдан бу конструкция юқоридаги *Муҳиддин чақирган* → *Муҳиддиннинг чақиргани* конструкцияси билан ўзаро бир хил: эга-кесим → қаратувчи-қаралмиш. Мантиқан эса фарқ қилади: аниқ даражадаги сифатдош қатнашган конструкцияда атоқли от ҳаракатнинг бажарувчисини (субъектни), мажҳул даражадаги сифатдош қатнашган конструкцияда эса атоқли от ҳаракатни ўз устига олган предметни (объектни) англатади.

5. Қаралмиш ҳаракат номи формасидаги феъл бўлганида ҳам юқоридаги пунктда таъкидлангани каби маъно ифодаланади ва санаб ўтилган ҳодисалар юз беради: *Хуринисонинг қисташига қарамай...* (А. Қаҳҳор) каби. Фарқ шундаки, ҳозирги замон кўрсаткичи ҳаракат номи ясовчиси билан алмашади: *Хуринисо қистаялти* → *Хуринисонинг қисташи*, *Саида тайинланади* → *Саиданинз тайинланиши* каби.

Бу тип қайта тузишларда ҳам биринчи сўзни *-нинг* аффиксини қўшмаган ҳолда ишлатиш кучайиб бормоқда. Масалан: *Қаландаров югурдагини нима деб чақирши...* (А. Қаҳҳор). *Қаландаров жаҳли келганда қандай бўлиши аён экан шекилли...* (А. Қаҳҳор) каби (Юқоридаги тўртинчи пунктга қаранг).

6. Қаралмиш *керак* типидagi (зарурият англатувчи) сўз бўлганида шундай сўз англатган белги-хусусият қаратувчи англатган кишига нисбат берилади: *Соғ одамга Сукротнинг кераги йўқ* (А. Қаҳҳор).

Бу тип конструкция ҳам ўз табиати жиҳатидан тўртинчи, бешинчи пунктдаги ҳодисаларга ўхшайди. Фарқ шундаки, бу ерда эга-кесим муносабатининг қаратувчи-қаралмиш муносабатига ўтиши бўлишсизликни *йўқ* сўзи билан ифодалаш талабига кўра содир бўлади. Қиёсланг: *Сукрот керак*. — *Сукротнинг кераги йўқ* (аммо: *Сукрот керак эмас*).

Эслатма. *Йўқ* сўзи юқоридагича ҳолатда *керак* типидagi сўз билан эмас, балки сифатдош формасидаги феъл билан ишлатилса, булар боғланган сўз қаратқич келишигида эмас, бош келишикда бўлади: *Адҳам келгани йўқ* каби.

Турдош от қаратқич келишигида белгили ҳам, белгисиз ҳам ишлатилади. Бунда келишикни қайси шаклда ишлатиш аввало қаралмишнинг қайси туркум сўзи эканига боғлиқ. Бунинг кўринишлари қуйидагича:

1. Қаралмиши от билан ифодаланганда бу сўз англатган предмет қаратувчи англатган предметга нисбат берилади. Бундай конструкцияларни қаратувчиси белгили ёки белгисиз ишлатилишига қараб икки гурпуага бўлиш мумкин:

1) Қаратувчиси доим белгили ишлатиладиган конструкциялар.

2) Қаратувчиси шарт-шароитга қараб белгили ёки белгисиз ишлатилувчи конструкциялар.

Биринчи тур конструкцияда қаратувчи билан қаралмиш контакт ҳолатда ҳам, дистант ҳолатда ҳам бўлаверади, келишикни белгили ишлатиш орага сўз кириши билан боғлиқ эмас:... *баъзи*

бирлари кишининг кулгисини қистатар эди (А. Қаҳҳор). Секретарнинг бу таърифи Қаландаров учун газетанинг мақтовидан ҳам каттароқ бўлди (А. Қаҳҳор).

Бу тур конструкцияда қаратувчининг турловчига эгалик аффикси олган-олмагани ҳам келишикнинг белгили-белгисиз ишлатилишига таъсир қилмайди: Эшон дуторнинг қорнига бармоқларини теккизмай, ториға зўр келтирмай, товушини тиниқ чиқарар эди (А. Қаҳҳор). ...у мрининг охирини ғарибликда ўтказаетган бир мўйсафид... (А. Қаҳҳор).

Тасвирланаётган тур конструкцияларда қаратувчининг аниқловчи олиб келиши ҳам келишикнинг шаклига таъсир ўтказмайди: ...зинанинг бир чеккасига бориб, коверкот макентошининг этагини, брезент этигини қоқди (А. Қаҳҳор). Қунлардан бир куни марказий газеталардан бири «Бўстон» колхози ҳақида ўз мухбирининг каттагина бир очеркини босиб чиқарди (А. Қаҳҳор).

Бундай конструкцияда орага кирган сўзни, аниқловчини, эгалик аффиксини ташласак ҳам, қаратувчи келишикнинг белгили шаклида қолаверади, уни белгисиз шаклга айлантириб бўлмайди. Масалан, қуйидаги конструкцияда қаратувчининг аниқловчисини, эгалик аффиксини, қаратувчи билан қаралмиш орасидаги сўзларни олиб ташласак ҳам, ходим гапи деб эмас, ходимнинг гапи деб ишлатиш лозим бўлади: Наҳот секретарнинг, яна кекса ва тажрибали партия ходимининг раҳбарлик ишига кетаётган ёш, ҳали ҳеч нарсани кўрмаган коммунистга айтадиган бирон оғиз ҳам гапи бўлмаса! (А. Қаҳҳор).

Қаратувчининг доим белгили ишлатилишини амалий жиҳатдан қуйидагича аниқлаш мумкин: агар қаратувчининг аниқловчиси бўлса, қаратувчида эгалик аффикси бўлса, қаратувчи билан қаралмиш орасида сўз бўлса, шуларни ташлаб, сўнг -нинг аффиксини ҳам ташлаб айтиб кўриш лозим. Шунда сунъийлик туғилса, демак, бундай конструкцияда қаратқич келишигини доим белгили ишлатиш керак.

Юқорида тасвирланган ҳодисани назарий жиҳатдан асослаш қийин. Санаб кўрсатилган грамматик факторлар ёрдам бермагач, изоҳни қаратувчи, қаралмиш бўлиб келадиган сўзларнинг семантик томонидан, услуб кўникмаларидан қидириш лозим бўлади. Масаланинг бу томони ҳали деярли ўрганилмаган.

Иккинчи тур конструкцияда қаратувчи шарт-шароитга қараб белгили ёки белгисиз ишлатилади. Бу тур конструкцияни аввалги тур конструкциядан ажратиб олиш учун ҳам юқорида таъкидланган амалий йўлдан фойдаланамиз: қаратувчини аниқловчисиз, эгалик аффиксисиз, қаралмиши билан контакт ҳолатда олиб, -нинг аффикси билан ва бу аффиксиз ишлатиб кўрилади; шу икки шаклда сунъийлик туғилмаса, иккинчи тур конструкция экани маълум бўлади.

Иккинчи тур конструкцияда қаратқич келишигининг белгили ёки белгисиз ишлатилиши аввало грамматик (синтактик) фактор-

га—қаратувчи билан қаралмишнинг контакт ё дистант жойлашувига боғлиқ: агар дистант жойлашса, қаратқич келишиги белгили ишлатилади. Бу тур конструкцияда қаратувчи аниқловчига эга бўлиши, эгалик аффикс олган бўлиши мумкин, ammo бу грамматик факторлар қаратқич келишигининг белгили-белгисиз қўлланишига таъсир кўрсатмайди, қаратқич келишигини белгили ишлатиш қаратувчи билан қаралмишнинг дистант жойлашуви асосидаёқ содир бўлади: ...*йўлнинг у юзидан чойхона олди ва атрофини кўздан кечирди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Район ижроия қўмитасининг ўша вақтдаги раиси бир кун қаландаровни чақиртириб...* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Қаратувчи билан қаралмиш контакт жойлашса, қаратқич келишиги белгили ёки белгисиз ишлатилади. Бундай икки хил ишлатиш услуб талаби билан, маъно талаби билан воқе бўлади:

а. Услуб талаби олдин-кетин жойлашган, ўзаро бириккан икки қаратувчидан биринчисини белгисиз ишлатишга олиб келади: *районнинг раҳбар ходимлари—район раҳбар ходимларининг кенгаши—район раҳбар ходимлари кенгашининг қарори* каби: *Эртасига райком бюросининг мажлиси бўлди* (А. Қ а ҳ ҳ о р); *У колхоз боғининг темир дарвозасидан кирганида...* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Ўзаро бирикмаган бўлса, олдингиси белгили ишлатилади, чунки бунда биринчи қаратувчи қаралмишдан ажралиб қолади (дистант ҳолат туғилади): *Арслонбек акангизнинг пахтакорлар қурултойида олдирган сурати* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Услуб қаратқич келишигини белгисиз ишлатишга ҳам олиб келади. Масалан, қаралмиш сифатловчига эга бўлса (демак, қаратувчи билан қаралмиш дистант ҳолатда бўлса), қаратқич келишиги одатда белгили ишлатилади: *область партия комитетининг биринчи секретари* каби. Агар шундай бирикма ўз навбатида қаратувчи бўлиб келса, унда бирикма ичидаги қаратувчининг келишиги белгили ҳолатдан белгисиз ҳолатга ўтади, қаратувчи вазифасидаги бирикма эса белгили келади: *область партия комитети биринчи секретарининг қабулхонаси* каби. Шу йўл давом этса, белгили-белгисиз ҳолат ҳам шунга мос ҳолда ўзгариб боради, чунки ҳар бир қаратқични -нинг билан шакллантириш услубни сғирлаштиради, бузади.

Кўринадики, қаратқич келишигини белгисиз ишлатиш имконияти услуб учун жуда катта қулайлик яратади. Иккинчидан, услуб талаби одатда белгили қўлланадиган ўринларда ҳам қаратқич келишигини белгисиз ишлатишга олиб келади. Демак, бу ўринда бир қоида иккинчи бир қоидани чеклайди, унга ўзгартиш киритади.

б. Маъно талабига кўра қаратқич келишиги икки хил ишлатилади:

а) Таъкидлаш мақсад қилиб қўйилса, қаратқич келишиги белгили ишлатилади: *...кўпроқ вақти раиснинг хизматида ўтадиганга ўхшар эди* (А. Қ а ҳ ҳ о р) — *умуман* раис эмас, маълум

бир раис кўзда тутилгани таъкидланаяпти. *Автоинспекциянинг начальниги хотин киши экан* (А. Қаҳҳор) — умуман автоинспекция эмас, маълум бир автоинспекция кўзда тутилгани таъкидланаяпти. Бу мисоллардаги ҳар икки конструкцияда қаратқич келишигини белгисиз ҳам ишлатиш мумкин: *раис хизматида, автоинспекция начальниги* каби. Бунда бошқа лавозимдаги киши эмас, раис экани, бошқа ташкилот эмас, автоинспекция экани ифодаланади, таъкидлаш бўлмайди, қаратувчидан англашиладиган предметлик маъносини гўё белги маъноси чулғаб олади, шу сабабли қаратувчи, кимнинг?, ниманинг? сўроғи билан бир қаторда, қандай?, қанақа? сўроғига ҳам жавоб бўла олади: *қандай хизмат?— раис хизмати, қанақа начальник?— автоинспекция начальниги* каби.

б) таъкидлаш мақсад қилиб қўйилмаса, қаратқич келишиги белгисиз ишлатилади *Саида опаси Карима билан маҳалла болаларига қўшилиб, эшикма-эшик бойчечак айтиб юришган эди*. (А. Қаҳҳор). *Эркаклар суҳбатида етилган қиз бўлса, суҳбат аҳли ё сержан бўлади, ё индамас* (А. Қаҳҳор). Таъкидлаш лозим топилса, бу мисолдаги конструкцияларни *маҳалланинг болалари, эркакларнинг суҳбати* тарзида белгили қўллаш мумкин.

Қаратувчи билан қаралмиш контакт ҳолатда жойлашиб, қаратқич келишигининг белгисиз ишлатилишига унинг аниқловчиси борлиги таъсир кўрсатмайди: *Боғчидан дим кабинетга муздай ҳаво, ҳандалакними, босволди қовунними эсга соладиган ялпиз ҳиди кирди* (А. Қаҳҳор). *...ўша ғамгин куй мақомига тебранаверади* (А. Қаҳҳор). *Икки каватли идора биносининг ўнг қанотида тақаб солинган баланд ёзги қизил чойхона зинасидан бир бола югуриб тушди* (А. Қаҳҳор).

Оз бўлса-да, қаратқич келишиги нисбатловчидан кейин ҳам белгисиз шаклда учрайди:... *ўзимни иззат қилмасанг, аёллигим ҳурмати, чамадонимни қўлимдан олсанг ўласанми!* (А. Қаҳҳор).

Келишикнинг белгили-белгисиз ишлатилишига ўхшаб кетадиган, асли бутунлай бошқача моҳиятли бир ҳодиса ҳам бор: қаратувчи уюшиб келганда унинг таркибидаги ҳар бир қисм ёки фақат охириги қисм келишик аффикси олиб келади. Масалан: *боғчанинг ва полизнинг қаровсизлиги — боғча ва полизнинг қаровсизлиги* (А. Қаҳҳор). Келишик аффикси ҳар бирига қўшилса, ажратиб таъкидланади, охиригисига қўшилса умумлаштириб таъкидланади. Бунда таъкид маъносини *-нинг* аффикси ифодалайди, ажратиш ёки умумлаштириш маъноси эса ҳар бирига алоҳида ёки барчаси учун охиригисига қўшиш билан билдирилади. Келишик аффикси охирига қўшилса, уюшиқ бўлакнинг келишик формаси гўё қавслардан ташқарига чиқарилади: (*боғча ва полиз*)нинг каби. Демак, бунда уюшиқ бўлак келишикда яхлитлигича шаклланади, келишик формасида умумлашиш юз беради. Шунга кўра *боғча ва полизнинг* каби ишлатишда биринчи қисмни қаратқич келишигининг белгисиз формасида, иккинчи қисмни эса келишикнинг белгили формасида деб ҳукм чиқариш мумкин эмас. Бундай ишлатишдаги биринчи қисмни (*боғча*) боч келишикда деб ҳам бўлмайди (Унда

уюшувчиларнинг бири бош келишиқда, иккинчиси эса қаратқич келишиғида бўлиб қолади). Асли бундай қисмнинг грамматик формасини белгисиз форма эмас, яхлитловчи форма деб аташ тўғри. Юқоридаги мисолда икки от сўз эмас, балки иккита турланиш негизи уюшиб келаётир.

Грамматик система, грамматик форма жиҳатидан *район раҳбар ходимларининг кенгаши* бирикмасидаги *район сўзи боғча ва полизнинг қаровсизлиғи* бирикмасидаги *боғча* қисми билан ўзаро тенг эмас: биринчисида келишиқнинг белгисиз шакли ҳақида гапирилса, иккинчисида яхлитловчи форма ҳақида гапириш лозим. Грамматик формани бундай умумлаштириш туркий тилларнинг, шу жумладан ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб, келишиқкагина эмас, бошқа грамматик категорияларга ҳам мансуб. Масалан, бундай умумлаштиришни от туркумининг ҳар уч грамматик категорияси формаларида кўрамиз: *олмаларимизнинг ва беҳиларимизнинг* → (*олмаларимиз- ва беҳиларимиз-*)нинг → (*олмалар- ва беҳилар-*)имизнинг → (*олма- ва беҳи-*)ларимизнинг каби.

Уюшиқ бўлакда грамматик формани бундай умумлаштириш имконияти ҳам услуб учун катта қулайлик яратади, нозик маъно оттенкаларини ифодалашга имкон беради.

Қаралмиши ўрин оти билан ифодаланган конструкцияларда қаратувчи англатган предмет унинг теварак-атрофидаги бирор ўрин жиҳатидан характеристика олади (тавсифланади). Бундай конструкцияда қаратувчи билан қаралмиш контакт ҳолатда бўлади. Бунда қаратқич келишиғи белгили ҳам, белгисиз ҳам ишлатилади. Нутқда бундай конструкциянинг қаратувчиси кўпинча белгисиз қўлланади. Қаратувчини алоҳида таъкидлаш лозим бўлсагина, қаратқич келишиғи белгили ишлатилади: *Кифоятхон кўк рўмолини томоғининг тагидан қайта боғлаб...* (А. Қаҳҳор). *...бир ҳафтанинг ичида ҳамма расм-русумни жойига қўйиб...* (А. Қаҳҳор).

Қаратувчини таъкидлаш лозим бўлмаса, қаратқич келишиғи белгисиз ишлатилади: *... кўз олдиға ўша машғум оқишом манзараси келди-ю...* (А. Қаҳҳор). *Канал бўйидаги соя-салқин чойхона...* (А. Қаҳҳор).

Қаратувчи эгалик аффикси олган бўлса ҳам, бундай конструкцияда таъкидлаш мақсад қилиб қўйилмаса, қаратқич келишиғи белгисиз ишлатилаверади: *Суд Саиданинг дадасини отувға ҳукм қилган экан, Тошкент ўлим жазоси ўрниға ўн йил қамоқ буюрибди* (А. Қаҳҳор).

Бундай конструкция аниқловчи олса ҳам, агар таъкидлаш мақсад қилиб қўйилмаса, қаратқич келишиғи белгисиз ишлатилаверади: *Эшон Саидани қийғос пишган олчалар орасидан оқаришиб кўринган биноға томон бошлаб борди* (А. Қаҳҳор). *Шу одам устидан бюроға тушган аризани Қаландаров бир ярим йилдан бери муҳокама қилгани қўймас экан!* (А. Қаҳҳор).

Қаратқич келишиғини белгили ишлатиш аниқловчига боғлиқ эмаслиғи қўйидаги мисолда очиқ кўринади; уюшиқ бўлакнинг би-

ринчи қисмида қаратувчи белгисиз ишлатилиб, иккинчи қисмида эса айни шу ўрин оти билан белгили ишлатилган: *Бироқ ҳозир, бегона о дам олдида, яна колхоз партия ташкилотининг секретари бўладиган о дамнинг олдида — ёш бир қизнинг олдида бу гапларнинг пучаги ҳам айрим маъно касб этар эди (А. Қаҳҳор).*

Турдош от+ ўрин оти конструкциясида қаратқич келишиги услуб талабига кўра ҳам белгисиз ишлатилади. Бунда шу конструкциядан олдин ёки кейин қаратқич келишигидаги сўз келади ва у белгили ишлатилади: *Врач деганда Саиданинг кўз олдига негадир кап-катта киши келди. (А. Қаҳҳор). ...чумчуқларнинг чуғурлаши, дераза остида оқайтган ариқчанинг шовиллаши эшитилди (А. Қаҳҳор).*

Қаралмиш сифат билан ифодаланган конструкцияларда қаратқич келишиги белгили ишлатилади. Бундай конструкцияда қаратувчи кўплик формасини олган бўлади, сифат англатган белги қаратувчи англатган предметлардан бирига хослиги ифодаланади, ана шундай белгиси бор предмет бошқаларидан ажратиб таъкидланади: *Болаларимизнинг каттаси ўн олтига қадам қўйди (А. Қаҳҳор).*

Предмет ва унинг белгисини англатишга асослангани сабабли бундай қаратувчи-қаралмиш конструкциясини сифатловчи-сифатланмиш конструкциясига айлантириш мумкин: *болаларимизнинг каттаси*→*катта боламиз* каби. Сифатловчи-сифатланмишда ажратиб таъкидлаш маъноси бўлмайди. Бундай қайта тузишда қаратқич келишиги аффикси ва шунга боғлиқ ҳолда ишлатилган эгалик аффикси ташланади, кўплик бирликка айлантирилади, биринчи компонентдаги эгалик аффикси ва бирикманинг бош келишиги сақланади. Сифатловчили бирикма кўпликда ҳам ишлатилаверади. Аммо қаратувчидаги кўплик билан сифатловчили бирикмадаги кўплик турлича маънони ифодалаш учун хизмат қилади: биринчисида кўп предметдан маълум белгиси бор бир предмет ажратиб олинади, иккинчисида маълум бир белгиси бор кўп предмет ифодаланади. Юқоридагича семантик-грамматик ўхшашлик ва фарқлар бу икки тур бирикма орасида синонимик муносабат мавжудлигини кўрсатади.

Иккинчи компонент бўлиб сифат эмас, балки белги оти келадиган конструкция ҳам бор: *эрининг нодонлигидан, хотинларнинг хунуклигини* каби: *Хунук хотинларнинг хунуклигини аксари бошқа фазилатлари кўмиб кетади (А. Қаҳҳор). Бу ердан ҳовлининг, боғча ва полизнинг қаровсизлиги яна ҳам яққолроқ... кўринар эди (А. Қаҳҳор).*

Бундай конструкцияда ҳам қаратувчи одатда белгили ишлатилади (юқоридаги мисоллар). Қаратувчини белгисиз қўллаш эриш туюлади: *Кифоятхон урмайди, лекин жаҳли тезлиги рост (А. Қаҳҳор).*

Баъзан бу тур конструкцияларда сифат -лик олмайди, бунинг ўрнига экан формаси қатнашади, ана шунда қаратувчини белгисиз ишлатиш мумкин бўлади: *Қаландаров бир оз сабр қилса, ёни-*

да ўтирган шофер милиционерга машина янги эканини... айтиб, ортиқча сўзга ўрин ҳам қолмас эди (А. Қаҳҳор).

Дистант ҳолат туғилса ёки таъкидлаш зарур топилса, қаратувчи белгилари ишлатилади: *машинанинг ҳали янги экани, машинанинг янги экани каби.*

Бундай конструкцияни бўл-кўмакчиси билан ишлатиш ҳам учрайди: *Қаландаров қизининг болалигидан жуда ақлли бўлганини айтиб, шундай оиладан шундай тарбияли қиз чиққанига ҳайрон қолар эди (А. Қаҳҳор).*

Бу тур конструкцияда белги предметдан айириб олинади, от формага киритилади, сўнг предметга нисбат берилади: *нодонлик эрига хос, қаровсизлик ҳовли, боғча, полизга хос.*

Асли *хотинларнинг хунуклиги* ва *хотинларнинг хунуғи* бирикмалари шаклланиши, маъноси, бошқа ҳодисалар билан боғланиши жиҳатидан ўзаро фарқ қилади. Биринчисида қаратувчи объект воқеликка қараб бирикда ҳам, кўпликда ҳам кела олади. Иккинчисида эса қаратувчи кўпликда келиши шарт. Биринчиси асли эга-кесим муносабатини қаратувчи-қаралмиш муносабатига айлантириш йўли билан шаклланади, иккинчиси эса сифатловчи-сифатланмиш муносабатидаги бирикма билан боғланади: *хотин [лар] хунук — хотин[лар]нинг хунуклиги, хунук хотин — хотинларнинг хунуғи* каби. Биринчисида от билан белги оти, иккинчисида эса от билан сифат боғланади. Бу фарқлардан қатъи назар, от+белги оти конструкцияси маъноси ва тузилиши жиҳатидан от+от конструкциясидан фарқланиб туради, шу сабабли от+белги оти конструкциясини от+сифат конструкцияси билан ёнма-ён тасвирладик.

Қаралмиш сон билан ифодаланган конструкцияларда қаратқич келишиги белгилари ишлатилади, предметнинг миқдори ажратиб таъкидланади. Бунда қаратувчи кўплик формасида бўлади ёки қаралмишдагидан ортиқ миқдорни аниқлаётган сифатловчи олиб келади: *укаларимнинг иккитаси, икки эшикнинг бири, тўрт хонанинг учтаси* каби:

Айвонга чиқадиган икки эшикнинг биридан хонатлас кўйлак кийган... бир хотин чиқди (А. Қаҳҳор).

Кўп миқдордан оз миқдорни ажратиб ифодалагани сабабли бундай конструкциядаги қаратқич келишиги формасини чиқиш келишигининг формаси билан алмаштирса бўлади: *тўрт хонанинг учтаси — тўрт хонадан учтаси* каби. Қаратувчини қаратқич келишигида эмас, чиқиш келишигида ишлатиш билан қисм, улуш маъноси таъкидланади («Чиқиш келишиги» баҳсига қаранг).

Бу пунктда тасвирланаётган конструкция сифатловчи билан бирикма билан боғланади. Фарқ шундаки, сифатловчи-сифатланмиш муносабатида ажратиб таъкидлаш бўлмайди (*укаларимнинг иккитаси — иккита укам* каби), предметнинг умумий миқдори ҳам кўрсатилмай қолади (*тўрт хонанинг учтаси — учта хона* каби).

Қаралмиши олмош билан ифодаланган конструкцияларда қаратқич келишиги белгилари ишлатилади, олмошнинг турига қараб ҳар хил маъно муносабати ифодланади:

1) Қаралмиш *ўз* олмоши (аниқроғи — *ўз* таъкид сўзи) бўлса, таъкидлаш маъноси ифодаланади: *милиционернинг ўзини, колхознинг ўзидан каби: Саида бу ҳақда Носировга ўша онининг ўзи да гапиролмади* (А. Қаҳҳор).

2) Қаралмиш белгилаш олмоши бўлса, предмет шу олмош англатган миқдорда экани ажратиб таъкидланади. Бундай конструкция сифатловчи-сифатланмиш конструкцияси билан боғланади: *жувонларнинг ҳаммаси — ҳамма жувонлар, саволларнинг биронтасига — биронта саволга каби: Мен ўқитган жувонларнинг ҳаммаси ҳам кам бўлгани йўқ!* (А. Қаҳҳор).

Мисоллардан кўринадики, бундай конструкцияда қаратувчи кўпликда бўлади. Бу от сифатланмиш бўлиб келганида сифатловчига миқдоран мос формада юради: *ҳамма жувонлар* (кўп+кўплик), *биронта савол* («битта+бирлик») каби. Кўп предметлардан бирини ёки уларнинг барчасини ажратиб таъкидлаш маъноси қаратувчининг доим кўплик формасида келишини талаб қилади: *жувонларнинг ҳаммаси, жувонларнинг биттаси* каби.

3) Қаралмиш ўрин маъноли гумон олмоши бўлса, предмет унинг теварак-атрофидаги бирор ўрин жиҳатидан характеристика олади (тавсифланади): *«Бўстон»дек катта ва машҳур колхознинг партия ташкилотига секретарь бўлиб бориш йўли, қалбининг аллақача ерини тимдаласа ҳам, аллақачегига жуда-жуда хуш ёқар эди* (А. Қаҳҳор).

Қаралмиш сифатдош формасидаги феъл бўлганида шу сўз англатган ҳаракат қаратувчи англатган предметга нисбат берилади, қаратувчи кўпинча белгили ишлатилади: *Саида холасининг зимдан кузатиб турганини кўриб қолди-ю, кулиб юборди* (А. Қаҳҳор). Бунда асли эга-кесим муносабати қаратувчи-қаралмиш муносабатига айлантирилади (Айлантириш шартлари юқорида тасвирланади): *Холаси кузатиб турибди* → *холасининг кузатиб тургани* каби.

Сифатдош аниқ даражадаги негиздан ясалган бўлса, бундай тип конструкцияда қаратувчи англатган предмет шу ҳаракатнинг бажарувчиси (субъекти) бўлади (юқоридаги мисол). Сифатдош мажҳул даражадаги негиздан ясалган бўлса, бундай тип конструкцияда қаратувчи англатган предмет шу ҳаракатнинг таъсирида экани (объекти экани) ифодаланади: *Қаландаров сўз мавзунини янгилашга икки-уч марта уринди, бироқ Ҳуринисо бунчи ерининг енгилгани деб билиб, яна авжига чиқди* (А. Қаҳҳор).

Тасвирланаётган тип конструкцияда қаратқични белгисиз ишлатиш кучайиб бормоқда. Асли бундай ишлатиш бир жиҳатдан мақбул эмас: ноаниқликка олиб келади, бош келишик ёки қаратқич келишиги эканини фарқлаб олиш учун эътиқча куч сарфлашни талаб қилади: *...бирмунча колхозларда раҳбар кадрлар сояда ўсаятганлиги тўғрисида гапиришган эди* (А. Қаҳҳор). *...шундай оиладан шундай тарбияли қиз чиққанига ҳайрон қолар эди* (А. Қаҳҳор).

Бу пунктда тасвирланаётган конструкцияни унга ўхшаш (омоним) конструкциядан фарқлаш лозим. Қиёс қилинг: *холасининг*

кузатиб тургани → *мухбирнинг айтгани*. Иккинчи конструкциянинг табиати тамоман бошқача. Бунда эгалик аффикси олган от тушиб қолиб, қаралмишлик унинг сифатловчисига ўтади, натижада сифатдош отлашади: *мухбирнинг айтган гапи* → *мухбирнинг айтгани*, *янги секретарнинг бутун районда кўргани* → *янги секретарнинг бутун районда кўрган одами* каби.

Кўринадики, бу икки тур конструкция асли ҳар хил синтактик боғланишларга боради, ҳозирги кўринишида ўзаро омоним бўлади.

Қаралмиш ҳаракат номи формасидаги феъл бўлганида қаратқич келишиги белгили ишлатилади, бунда ҳам юқоридаги пунктда кўрсатилгани каби маънолар ифодаланади; асли эга-кесим муносабати қаратувчи-қаралмиш муносабатига айлантирилади, бунда ҳозирги замон формаси ҳаракат номи формаси билан алмаштирилади: *қиз-жувонлар ўқиб олади* → *қиз-жувонларнинг ўқиб олиши* каби: ...*чумчуқларнинг чуғурлаши, дераза остида оқаятган ариқчанинг шовиллаши эшитилди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Бундай конструкцияда қаратқични белгисиз ишлатиш мақбул эмас (чунки бош келишик билан қориштириш хавфи туғилади): *Бу замонда х о т и н-қ и з л а р ўқиб, олим бўлиши, ҳурмат ва шўҳрат топиши, ишонч қозониб, давлат арбоби, раҳбар ходим бўлиши фавқулодда бир нарса бўлмаса ҳам...* (А. Қ а ҳ ҳ о р). Бу гапда қаралмишнинг уюшиб келишиёқ қаратқич келишигининг белгили бўлишини шарт қилиб кўяди.

Олмошларнинг қаратқич келишигида ишлатилиши қуйидагича:
1. От олмошлар учун келишик — табиий категория, аммо келишик формасида ишлатилиши жиҳатидан от олмошларнинг конкрет турлари ўзаро фарқ қилади:

1. Кишилик олмошлари барча келишикларда, шу жумладан қаратқич келишигида ҳам доим белгили ишлатилади. Нутқда энг кўп III шахс кишилик олмошига мурожаат қилинади: *менинг машинам, сизнинг пойқадамингиз учун, унинг бўйни* каби.

Қаралмиш қайси туркум сўзи, қандай маъноли сўз билан ифодаланишига қараб қаратувчи-қаралмиш конструкцияси турлича маънони ифодалайди:

а) Қаралмиш от билан ифодаланганида бу сўз англатган предмет қаратувчи билдирган предметга нисбат берилади: *менинг ўғлим* (ўғил меники), *унинг билагига, унинг чамадонини, унинг ҳусн-жамоли* каби.

б) Қаралмиш *олд, орқа* каби ўрин оти бўлганида қаратувчи билдирган предмет унинг теварак-атрофидаги бирор ўрин жиҳатидан характеристика олади (тавсифланади): *унинг кетидан, сизнинг орқангизда, унинг рўпарасида* каби.

в) Қаралмиш *ўз* олмоши (асли таъкид сўзи) бўлганида таъкидлаш маъноси ифодаланади: *унинг ўзига маълум* каби.

г) Қаралмиш сифатдош формасидаги феъл бўлганида шу сўз англатган ҳаракат қаратувчи билдирган предметга нисбат берилади: *унинг қизарганини, унинг ичмаётганини* каби. Баъзан сифатдош формасидан кейин, эгалик аффиксидан олдин *-лик* аффикси:

қўшилади; бу аффикс факультатив ҳолатда бўлиб, форма ясовчилик вазифасини ўтайди (атрибутив формани субстантив формага айлантиради): *унинг милицияга бўйсунмаганлиги* каби.

Юқоридаги мисоллар эга-кесим муносабатини қаратувчи-қаралмиш муносабатига айлантириш натижасида юзага келган. Баъзан бошқача ҳолат ҳам содир бўлади. Масалан, *Бироқ унинг кутгани бўлмади* (А. Қ а ҳ ҳ о р) гапида сифатдош асли сифатловчи бўлиб, сифатланмиш (*иш сўзи*) тушиб қолиши билан отлашган ва шунинг натижасида эгалик аффикси олган: *унинг кутган иши* → *унинг кутгани* каби. Бу ерда эга-кесим муносабати қаратувчи-қаралмиш муносабатига айланмайди, балки қаратувчи-қаралмиш муносабати сақлангани ҳолда қаралмишлик бир сўздан бошқасига ўтади.

д) Қаралмиш ҳаракат номи формасидаги феъл бўлганида ҳам юқоридагича маъно ифодаланади, бунда ҳам асли эга-кесим муносабати қаратувчи-қаралмиш муносабатига айланади: *унинг меҳмон кутиши, унинг дутор чалиши* каби.

2) Ўзлик олмоши (асли таъкид сўзи) қаратувчи вазифасида икки хил қўлланади:

а) Қаратқич келишиги белгили бўлади, бунда келишик аффиксидан олдин эгалик аффикси қўшилади. Бундай шаклда ишлатиш эга-кесим муносабатини қаратувчи-қаралмиш муносабатига айлантиришда зарур бўлади: *...баъзи бирлари ўзининг пўклиги, ҳатто пучлиги билан...* (А. Қ а ҳ ҳ о р). — [Ўзи пўк, ҳатто пуч]; *ўзининг маданиятсизлигини...* (А. Қ а ҳ ҳ о р). — [Ўзи маданиятсиз] каби. Мисоллардан кўринадики, эга-кесим муносабатида кесим сифат билан ифодаланади, қаратувчи-қаралмиш муносабатида бу сифат белги отига айланади.

Ўз сўзини қаратқич келишигида белгили ишлатиш бошқача сабаб билан ҳам воқе бўлади. Масалан, *Ўзимизнинг колхозда врач* (А. Қ а ҳ ҳ о р) гапида қаралмишдаги нисбатловчи туширилган; шу сабабли қаратқич келишигининг белгили бўлиши талаб қилинади.

Юқоридаги икки ҳолатдан ташқари, *ўз сўзи* билан ифодаланган қаратувчини алоҳида таъкидлаш зарур бўлсагина, бу сўз қаратқич келишигининг белгили шаклида ишлатилади: *... ўзининг арқон каравотида... тебраниб ўтирар эди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

б) Алоҳида таъкидлаш зарур бўлмаса, *ўз сўзи* қаратқич келишигида белгисиз ишлатилади, бунда эгалик аффикси ҳам қатнашмайди (Келишик белгили формага айланса, эгалик аффикси албатта қатнашади); *ўз сўзининг* бундай ишлатилиши аввалгисидач кўп учрайди: *ўз оиласига, ўз кўзи билан, ўз она қишлоғидан, ўз бригадасига, ўз ўрнингизга* каби.

3) Гумон олмоши қаратқич келишигида белгили ишлатилади; қаралмиш қандай сўз билан ифодаланишига қараб турлича маъно ифодаланади: *Кимнингдир товуши эшитилди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *...бировларнинг оёғини чўткалаб ўтириши...* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *...бировнинг олдидан* каби.

Бундай сўзларда қаратқич келишигининг белгили ишлатилиши

доим таъкидлашни билдиравермайди. Бу тур олмошларнинг баъзисида келишикни белгили ишлатиш уларнинг грамматик тузилишига боғлиқ. Масалан, *кимдир, нимадир* олмошлари турланганида келишик аффикси *-дир* форма ясовчисидан олдин қўшилади, келишик аффикси сўз таркибида ўрта ўринни эгаллайди, бундай ҳолат келишикнинг белгили бўлишини талаб қилади: *кимдир, кимнидир, кимнингдир* каби.

2. Сифат олмошлар учун келишик — иккиламчи форма: бундай олмош келишикни отлашсагина олади (унинг бирламчи вазифаси — сифатловчи бўлиш, бу вазифа эса келишикни инкор қилади). Отлашиб, қаратқич келишигида ишлатилиш кўпинча кўрсатиш олмошларида, қисман бошқа тур олмошларда учрайди. Буларда отлашиш рўй бериши сабабли келишик, шу жумладан қаратқич келишиги ҳам доим белгилни ишлатилади:

1) Кўрсатиш олмошининг:

а) от билан боғланиши: *бунинг натижасида, буларнинг қаноти остида* каби;

б) сифатдош билан боғланиши: *шунинг айтгани* каби;

в) *ҳамма* олмоши билан боғланиши: *буларнинг ҳаммаси* каби.

Қаратувчи бўлиб келган кўрсатиш олмоши сон жиҳатдан *ҳамма* сўзига мослашуви керак: *шуларнинг ҳаммаси, буларнинг ҳаммаси, ўшаларнинг ҳаммаси* каби. Бу мослик сақланса, *-ни* аффиксини ишлатмасликка йўл очилади: *шулар ҳаммаси* каби. Бундай икки шаклда ишлатиш маънода фарқ қилади: келишик белгилни бўлса, таъкидлаш ифодаланади. Сон жиҳатдан мослик сақланмаса (кўрсатиш олмоши бирликда ишлатилса), қаратқич келишиги белгилни ишлатилади: *...бунинг ҳаммасига одамнинг ичи шир, гаши келар эди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

2) Белгилаш олмошининг от билан боғланиши: *ҳамманинг кўзи* каби ва бошқалар.

Ҳаракат номи феълнинг от формаси бўлиб, қаратқич келишигида у кўпинча белгисиз ишлатилади, бундай қаратувчида предметлик маъносидан кўра белги маъносини ифодалаш кучли бўлади, шу сабабли унга нисбатан *н и м а н и н г*? сўроғидан кўра *қ а н д а й*? сўроғини қўйиш табиийроқ туюлади: *бориш ййи* (ниманинг ййи? — қандай ййи)?, *исбот қилиш хоҳиши, жимликни бузиш мақсадида* каби. Мисоллардан кўринадики, қаралмиш бўлиб одатда мавҳум от келади. Қаралмиш бўлиб ўрин оти келганида ҳам қаратувчи вазифасидаги ҳаракат номи қаратқич келишигининг белгисиз шаклида ишлатилади: *жўнаш олдида* каби.

Қуйидагича конструкцияда қаратқич келишиги белгили ишлатилади: *шундай дейишнинг ҳожати йўқ* (А. Қ а ҳ ҳ о р). Келишикнинг белгили бўлишига бу ерда бўлишсизликнинг *йўқ* билан ифодаланиши олиб келади. Қиёс қилинг: *шундай дейиш ҳожат эмас — шундай дейишнинг ҳожати йўқ*.

Қаратувчи вазифасида баъзан сифатдош формасидаги феъл ҳам келади, бунда отлашиш рўй беради; шунга қарамай, сифатдош формасидаги феъл билан ифодаланган қаратувчи одатда белгисиз


ишлатилади: *Хуринисо бунн эрининг энгилгани аломати деб билиб...* (А. Қаҳҳор).

Бундай сифатдошнинг ўзи қаралмиш ҳолатида бўлади, шунга кўра асли қаратувчи вазифасида сифатдошнинг якка ўзи эмас, балки қаратувчиси билан биргаликда (*унинг энгилгани*) келади.

Сифат отлашиб, қаратқич келишигида келса, доим белгили ишлатилади: *Емоннинг яхшиси бўлгунча, яхшининг ёмони бўл* (Мақол).

Сон қаратувчи вазифасида махсус текстлардагина учрайди: *тўртнинг ярми каби*. Одатдаги текстларда эса қаралмиш ҳолатидаги сон ўз қаратувчиси билан биргаликда қаратқич келишиги олиб келади ва бунда у белгили ишлатилади: *марказий газеталардан бирининг областдаги махсус мухбири* (А. Қаҳҳор).

Қаратқич келишигини белгили-белгисиз ишлатишга таъсир қилувчи факторларни схемада қуйидагича кўрсатиш мумкин:



Тушум келишиги

Тушум келишиги аффиксининг асосий морфологик варианты *-ни* бўлиб, унинг орфографик ва орфоэпик шакли битта: *оилани, сойни, баҳорни, кузни, ишни, жамиятни, китобни (китопни), докладни (доклатни)* каби.

Тушум келишиги аффиксининг бу адабий варианты қаратқич келишиги аффиксининг жонли сўзлашувга хос варианты билан омонимия ҳосил қилади: *оилани (табриклади), оилани (бахти)* каби. Омонимия бу аффиксларнинг турли фонетик вариантларида ҳам воқе бўлади: *ишни (тугаттим), ишни (бошланиши)* каби.

Тушум келишиги аффиксининг, *-ни* вариантдан ташқари, яна иккита морфологик варианты бўлиб, буларда ҳам орфографик ва орфоэпик шакл битта: *-и, -н*. Булардан *-и* варианты I, II шахс бирлик кишилик олмоши негизига қўшилади: *мен+и, сен+и*. Тушум келишиги аффиксининг бу адабий варианты ҳам қаратқич келишиги аффиксининг жонли сўзлашувга хос варианты билан омонимия ҳосил қилади: *мани (чақирди), мани (китопим)* каби.

Тушум келишиги аффиксининг учинчи морфологик варианты (*-н*) поэтик нутқдагина учрайди, одатда III шахс эгалик аффиксидан кейин қўшилади: *Тиним йўқ, ҳар нафас сен ёзар, Баҳор ечиб ўз туғунчагин, Тонгги куртак, оқшоми гунча, Саҳар туриб очар чечакгин* (Ҳ. Олимжон). Шу нуқтада ҳам тушум келишиги билан қаратқич келишиги аффикслари орасида омонимия воқе бўлади («Қаратқич келишиги» баҳсига қаранг).

Демак, тушум келишиги аффиксининг учта морфологик варианты бор, булар адабий тилга хос. Белгили-белгисиз ишлатилиш *-ни* вариантдагина учрайди. Энг кўп ишлатилувчи вариант ҳам шу. Белгисиз ишлатилишни ҳам ҳисобга олсак (Бундай шакл қуйроқда баён қилинади), тушум келишиги тўрт морфологик вариантга эга бўлиб чиқади.

Тушум келишиги формасининг юқорида таъкидланган тўрт морфологик вариантыни схемада шундай кўрсатиш мумкин:

Келишик	Мавқен	Асосий вариантлар		Жузъий вариантлар	
		белгили	белгисиз	I, II шахс кишилик олмошидан кейин	шеърятда III шахс эгалик аффиксидан кейин
Тушум	адабий	<i>-ни</i>	[<i>-ни</i>]	<i>-и</i>	<i>-н</i>

Тушум келишиги аффиксининг адабий тилга хос морфологик вариантлари билан қаратқич келишиги аффиксининг жонли сўзлашувга хос морфологик вариантлари орасида воқе бўладиган омонимияни схемада шундай кўрсатиш мумкин:

Келишик	Мавқеи	Асосий вариантлар		Жузъий вариантлар	
		белги-ли	белгисиз	I, II шахс кишилик олмошидан кейин	Шеърятда III шахс эгалик аффиксидан кейин
Қаратқич	адабий	-нинг	[-нинг]	-инг	-н
	жонли сўзлашув	-ни	[-ни]	-и	—
Тушум	адабий	-ни	[-ни]	-и	-н

Тушум келишиги фақат феъл томонидан, шунда ҳам ўтимли (ёки ўтимлилашган) феъл томонидан бошқарилади: *пахтани термоқ, чироқни ўчирмоқ* каби. Шу асосда тушум келишигининг формасини *-ни* X ўтимли феъл негизи деб кўрсатиш мумкин.

Тушум келишигидаги сўз доим бир вазифада — воситасиз тўлдирувчи вазифасида — келади. Қайси туркум сўзи ва қандай маъноли сўз бўлишига қараб, бу келишикдаги сўзда турлича маъно оттенкаси англашилади.

Отларнинг тушум келишигида ишлатилиши. Бу келишикдаги от кўпинча *н* и *м* [л а р]н и?, қисман *к* и *м* [л а р]н и? сўроғига жавоб бўлади: *Қиз бир даста газетажурнал, битта қизил папкани олиб, унинг кетидан кирди, бу нарсаларни секретарнинг столига қўйди-да, бориб деразаларни очиб юборди* (А. Қаҳҳор). *Уша кун кечқурун райком секретари Рустам Қодиров «Бўстон»га бориб, Қаландаровни шу муносабат билан табрикларди* (А. Қаҳҳор). *Тўғинисо ҳовлини сотиб, икки етимни ўз қишлоғи Ропқонга олиб кетди* (А. Қаҳҳор).

Отларда тушум келишиги битта маънони—ўзи қўшилган негиздан англашилган предмет ҳаракатни ўзига тўла олишини — ифодалайди. Бу маъно тушум келишигидаги сўз конкрет предметни, бошқарувчи феъл ҳам конкрет ҳаракатни англатганида айниқса аниқ ифодаланади: ... *қалин дафтарини қўлтиғига қисиб кирганида...* (А. Қаҳҳор). *Мана бу чамадонни ҳужрага олиб кириб қўйгин* (А. Қаҳҳор). *Саида бу чоқ қарши девордаги сурагларни... кўздан кечирмоқда эди* (А. Қаҳҳор).

Тушум келишигидаги сўз мавҳум предметни ёки тушунчани, бошқарувчи феъл мавҳум ҳаракатни англатса, ҳаракатнинг предметга ўтиши ҳам мавҳум тасаввур қилинади: *Бюро олдида Носиров Саида билан гаплашиб, унинг узил-кесил розилигини олди* (А. Қаҳҳор). *Қаландаров шу жимликни бузиш мақсадида...* (А. Қаҳҳор). ... *райком бюроси бу вазеларни эътиборга олмаслигига қаттиқ ишонар эди* (А. Қаҳҳор).

Тушум келишигидаги сўз *к* и *м* [л а р]н и? сўроғига жавоб бўлса,

одатда соф объект (ҳаракатин ўзига тўла олган объект) маъноси ифодаланади. Бу — асосий ҳолат. Бундай сўз:

1. Кишиларга қўйилган атоқли от ёки лақаб бўлади: *Саидани ўз қаноти остиги олди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Эшонни юборинг!* (А. Қ а ҳ ҳ о р) каби.

2. Кишиларни англаувчи турдош от бўлади: *Бу қизни аёл деб камситмагин* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Қудамизни калака қилма* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Дадасини олиб кетмоқчи бўлган эди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Югурдагини чақирганда...* (А. Қ а ҳ ҳ о р). каби.

Тушум келишигидаги сўз пима[лар]ни сўроғига жавоб бўлганда ҳам асосан соф объект (ҳаракатни ўзига тўла олган объект) маъноси ифодаланади: *Бу йил медицина институтини битирди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Саида Эшоннинг саргузаштини гапириб берди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Қандай негизга қўшилишига ва қандай негиз томонидан бошқарилишига қараб ҳосила объект, восита объект каби маъно отенкалари ҳам ифодаланади:

Ҳосила объект маъно оттенкаси ифодаланиши учун предмет шу ҳаракат жараёнида, шу ҳаракатнинг ҳосиласи, натижаси сифатида пайдо бўлиши лозим: *Гапни орқа-олдингизга қараб гапиринг!* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *У ерга қараганича ғам-ғусса тўла бир куйни хиргойи қилиб Кариманинг олдидан ўтиб кетди* (А. Қ а ҳ ҳ о р)... *ҳовличанинг деворини баланд олдириб, ...* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Восита объект маъно оттенкаси ифодаланиши учун ҳаракат шу предмет бўйлаб амалга ошуви керак: *Унинг ўйнаб турган кўзлари бир лаҳзда хонтахтадаги... тарелка ва ликопчаларни... кезиб чиқди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Тушум келишигидаги сўзнинг негиздан ўрин маъноси англашилса, бундай тўлдирувчи қаерни? сўроғига жавоб бўлади: *Хўжрани ясаганмисан?* (А. Қ а ҳ ҳ о р)... *станция биносининг ичинини, орқа томонларини... кўздан кечирди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). ... *гимнастёрка ва этик кийиб, далаларни айланади* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Жуда оз бўлса ҳам, тушум келишигида пайт маъносини англаувчи негиз ҳам келади, бунда у қачонни? сўроғига жавоб бўлади: *Қаландаров кечани кеча, кундузни кундуз демай колхоз ишига жуда қаттиқ ёпишди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Тушум келишигининг белгили -белгисиз ишлатилиши асосан от туркумига хос хусусият. Бошқа туркум сўзлари тушум келишигида келса, одатда белгили бўлади (Булар қуйироқда баён қилинади).

Атоқли отлар ҳам бу келишкда белгили ишлатилади: *Қаландаров Қифоятхонни дастурхонга чақирди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Лекин бу гапни мавриди билан айтиб, Носировни хабардор қилиб қўйиш зарур эди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Бу қоидадан чекиниш ё поэтик нутқ ҳисобига туғилади, ёки

жошли сўзлашувни акс эттиради, ҳар икки ҳолатни ҳам норма деб қараб бўлмайди.

Бошқа факторларнинг қатнашувидан қатъи назар, негизнинг атоқли от бўлиши тушум келишигини белгили ишлатишга олиб келади. Буни семантик-грамматик фактор деб атаймиз. Мисолларни кузатиш кўрсатадики, бу келишк атоқли отлардагина эмас, кишини англатувчи турдош отларда ҳам асосан белгили ишлатилади. Агар *-ни* ишлатилмаса, тушум келишиги деб эмас, балки бош келишк деб тушуниш хавфи туғилади. Масалан, *Қифоятхон ошни сузаётган пайтда идорадан одам келиб, раисни олиб кетди* (А. Қ а ҳ ҳ о р) гапида тўлдирувчининг *раис* шаклида белгисиз ишлатиб бўлмайди.

Турдош отларнинг тушум келишигида белгили ёки белгисиз ишлатилиши ўз навбатида яна бир неча факторларга боғлиқ. Аввало, негизнинг келишигакча эгалик аффикси олган-олмагани билан ҳисоблашилади: эгалик аффикси олган бўлса, белгили, акс ҳолда эса белгисиз ишлатилади. Аффикс билан боғлиқ бўлгани учун буни морфологик фактор деб атаймиз. Бошқа факторларнинг қатнашувидан қатъи назар, эгалик аффиксининг борлиги тушум келишигини белгили ишлатишга олиб келади:... *узоқ вақт ҳаётда йўлини тополмай юрибди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Қачон ташлайсиз шу феълингизни?!* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Тушум келишигининг эгалик аффикси олмаган турдош отларда белгили ёки белгисиз ишлатилиши синтактик факторга боғлиқ: маълум тип сифатловчиси бўлса (масалан, олмош билан, *-даги* формасини олган от билан ифодаланган сифатловчиси бўлса), шундай турдош отда тушум келишиги белгили бўлади (Бу ҳодиса махсус ўрганишни, аниқлашни талаб қилади): *Саида б у х о т и н н и қ а е р - д а д и р кўргандай бўлди* (А. Қ а ҳ ҳ о р)... *оёқ остидаги қин-қ и з и л гиллини кўриб, туфлисини енди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Тушум келишигининг белгили бўлишини талаб қилувчи юқоридаги уч фактор (атоқли от билан ифодаланиш, эгалик аффикси олганлик, маълум тип сифатловчи олганлик) мавжуд бўлмаса, бошқа бир синтактик фактор — тўлдирувчи билан тўлдирилмишининг дистант ёки контакт ҳолатда жойлашуви — ҳисобга олинади: дистант ҳолатда бўлса, тушум келишиги белгили ишлатилади: *Эшон ч а м а д о н н и силтаб елкасига олди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). ...*х о н - т а х т и н и турли-туман кўкат, ўзи келтирган ва хотини Қифоятхон пиширган закускалар билан безади* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Юқоридаги тўрт фактор тушум келишигида келган сўзнинг ўзига кўра таъкидланди. Навбатдаги таҳлил тушум келишигида келган сўз асосида эмас, балки уни бошқарувчи сўз (негиз) асосида амалга оширилади: бошқарувчи ўз лексик-семантик хусусиятига кўра бошқарилувчининг келишиги доим белгили бўлишини талаб қилади ёки, аксинча, доим белгисиз бўлишини талаб қилади, бир қисм мисолларда эса бошқарувчи бу жиҳатдан нейтрал бўлади.

Қандай лексик-семантик хусусиятли бошқарувчилар тушум келишигини белгили ёки белгисиз ишлатишга олиб келиши махсус

ўрганилиши лозим. Амалий жиҳатдан буни қуйидагича аниқлаш мумкин: бошқарилувчи билан бошқарувчи эгаллик аффиксиз, сифатловчисиз, контакт ҳолатда олинади, тўлдирувчи *-ни* билан ва бу аффиксиз ишлатиб кўрилади; агар ҳар икки конструкцияда сунъийлик тугилмаса, бошқарувчи нейтрал ҳолатда бўлади; агар *-ни* аффиксиз ишлатишда сунъийлик тугилса, бошқарувчи шу формани талаб қилган бўлади. Масалан, ... *унинг милиционер билан қилган можаросини жуда қизиқ қилиб ҳикоя қилди* (А. Қаҳҳор) гапида тушум келишигидаги сўз сифатловчи (*милиционер билан қилган*), эгаллик аффикси (*-ни*) олиб, дистант ҳолатда келган (бошқарилувчи билан бошқарувчи орасида *жуда қизиқ қилиб* сўзлари ишлатилган). Аммо булар бўлмаганида ҳам бу тўлдирувчи *-ни* олиб шаклланар эди: *можаро ҳикоя қилди* дейилмайди.

Тушум келишиги доим белгисиз ишлатилган конструкциялар турғун боғланмаларга, фразеологик бирликларга тўғри келади: *маъно касб этмоқ, бола (невара) кўрмоқ; муҳокама юргизмоқ, қулоқ солмоқ, йўл бермоқ* каби. Масалан, *Қаландаров г а з б е р д и - д а, машинанинг қаноти билан уни уриб йиқитиб ўтди* (А. Қаҳҳор) гапидаги *газ бермоқ* бирикмасини *газни бермоқ* шаклида ишлатиб бўлмайди, сунъийлик тугилади.

Юқорида икки мустақил сўздан (негиздан) таркиб топган конструкциялар ҳақида гапирдик. Мустақил сўз билан *қил-* феълидан таркиб топган конструкциялар алоҳида баҳоланиши лозим. Булар яхлитланиб, қўшма сўзга айланган; шу сабабли уларнинг биринчи компонентини *-ни* билан ишлатиб бўлмайди: *ҳаракат қилмоқ, муомала қилмоқ, писанд қилмаслик; раҳбарлик қилмоқ, йқитиувчилик қилмоқ; қазо қилмоқ, ғалаба қилмоқ* каби. Масалан, ...*ундан кейин яна Қаландаров билан суҳбат қилди* (А. Қаҳҳор) гапидаги феъль кесимини *суҳбатни қилди* шаклида ишлатиб бўлмайди.

Белгили ҳам, белгисиз ҳам ишлатилиши мумкин конструкцияларда асосга семантик фактор олинади: таъкидлаш лозим бўлса, тушум келишини белгили ишлатилади, акс ҳолда эса белгисиз ишлатилади: ...*туриб, чирокни ёқди, қалин дафтарини олиб, ёзди* (А. Қаҳҳор). ...*бир ойга қолмасдан ҳовлини сотиб, «Бўстон»га кўчиб келишди* (А. Қаҳҳор). Бу гаплардаги *чирокни ёқди, ҳовлини сотиб* бирикмаларининг асли *чирок ёқди, ҳовли сотиб* шаклида ҳам ишлатиш мумкин, аммо бу гаплардаги таъкидлаш тушум келишинини белгили ишлатишга сабаб бўлган.

Таъкидлаш зарур топилмагани сабабли мана бу гапларда тушум келишиги белгисиз ишлатилган: *«Эшон ҳей» дегани эса «Ҳовлига бориб, хотинимга айт, нозик меҳмон олиб бораман» дегани бўлар экан* (А. Қаҳҳор). *Эшон «Жуда ўткир гап бўлди» деган маънода бош чайқаб, қотиб-қотиб кулди* (А. Қаҳҳор). Таъкидлаш лозим топилганида эди, *меҳмонини олиб бораман, бошини чайқаб* деб ишлатилар эди (Иккинчи мисолда келишикни белгили ишлатиш эгаллик аффикси ишлатишга ҳам олиб келади).

Хуллас, тушум келишинини белгили ишлатиш маълум қонунқондаларга бўйсунди. Бу келишикни белгисиз ишлатишнинг ҳам

ўз аниқ чек-чегараси бор. Тушум келишиги белгили ҳам, белгисиз ҳам кела оладиган конструкциялар тушум келишиги ишлатиладиган конструкцияларнинг тахминан бешдан бирига тўғри келади.

Олмошлар тушум келишигида асосан белгили ишлатилади:

1. От олмошлар:

1) Кишилик олмоши (Энг кўпи — шулар): *У нима эканки, сени кулдирар экан-у, мени йиғлатар экан?*.. (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Саида уни гапга солмоқчи бўлиб, боғча, болалар ҳақида бир қанча саволлар берди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Ким айтади сизни комсомол тарбиясини кўрган қиз деб* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

2) Ўз олмоши (аниқроғи — таъкид сўзи; бу сўзга турловчидан олдин эгалик аффикси қўшилади): *Қаландаров Саиданинг гапини эшитмади, ё ўзини эшитмаганга солди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

3) Гумон олмоши: *Шу ёшигача бир овни сен деганини билмайман* (А. Қ а ҳ ҳ о р). ...*ниҳоят бир нимани баҳона қилиб, настига тушиб кетди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). Бу олмош баъзан белгисиз ҳам учрайди. ...*Саида ётган жойида дафтарига шошиб-пишиб бир нималар ёзаётгубди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

4) Бўлишсизлик олмоши: «*Наҳот секретарнинг ...ёш, ҳали ҳеч нарсани кўрмаган коммунистга айтадиган бирон оғиз гапи бўлмас!*» (А. Қ а ҳ ҳ о р). Бу олмош баъзан белгисиз ҳам учрайди: *Жаннат хола унинг гапларидан ҳеч нарсани тушунмади* (Саид Аҳмад).

5) Белгилаш олмоши: *Ҳар кимни ўз оёғидан осади* (Мақол). Бу ҳил олмош баъзан белгисиз ҳам ишлатилади: *Саида «У адамдан ҳар нима кутти мумкин» деган маънода жилмайиб бош чайқади* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

6) От сўроқ олмошларидан ким тушум келишигида белгили келса, нима олмоши белгили ҳам, белгисиз ҳам ишлатилади: *Иш кимларни оутмаган* (Саид Аҳмад). *Нимани чатоқ қилиб қўйибман?* (Саид Аҳмад). *Нима, қизим, нима ёзаётгубсан?* (А. Қ а ҳ ҳ о р) ва бошқалар.

2. Сифат олмошлар:


1) Кўрсатиш олмоши: *Бунни Кифоятхоннинг ўзи боплаб айтади* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Саида шунни билгиси, тезроқ билгиси келар эди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

2) Белгилаш олмоши: ...*каттани ака, кичикни ука деб, ҳам мани ишга солди* (А. Қ а ҳ ҳ о р) ва бошқалар.

Ҳаракат номи тушум келишигида белгили ишлатилади (Бунда келишиктан олдин кўпинча эгалик аффикси ҳам келади). Бундай конструкцияда бир ҳаракатнинг иккинчи бир ҳаракатга ўтганлиги ифодаланади, иккинчи ҳаракат процесснинг номи сифатида олинади: *Қиз бунни пайқади-да, чиқиб кетишини ҳам, чиқмаслигини ҳам билмай, эшик олдида туриб қолди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). «*О... — деди мезбон Саидага ўз сўзини исбот қилиш учун далаллалар кўрсатишни хоҳлаб,—қориб қолдик!*» (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Сифатдош тушум келишигида белгили ишлатилади, чунки бунда у отлашган бўлади. Мисоллар кўрсатадиги, бундай вазифада

сифатдошнинг *-ган* формаси келади: *Лекин бу гаплар... унинг бутун областни қадамлаб кезганини, кўп колхозларни, улардаги одамларни яхши билганини кўрсатар эди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). У Саиданинг «Бўстон»га кетаётганини эшитиб... (А. Қ а ҳ ҳ о р).



Сифат отлашиб, тушум келишигида келса, донм белгили ишлатилади: *...к ат т а н и а қ а, к и ч и к н и у қ а д е б, ҳ а м м а н и и ш г а с о л д и* (А. Қ а ҳ ҳ о р). Бу мисолда сифатланмиш туширилиб, сифат отлашган. Мана бу мисолда эса сифат қаралмиш бўлиб келган, у эгалик аффикс олиб отлашган, сўнг келишик қўшилган: *Қаландиров унинг оғзидан бунақа гапларни, эҳтимол, жуда кўп эшитган ва ҳар сафар с а р а г и н и олиб, п у ч а г и н и қулоғи ёнидан йўқазиб юборадиган бўлса* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Сифатнинг аввал субстантив форма ясовчи *-лик* аффиксини, эгалик аффиксини, кейингина келишик аффиксини олиб ишлатили-

ши ҳам учрайди: *У мана шу ақлини, донолигини кўрсатиш учун мавзудан мавзуга кўчар... эди* (А. Қаҳҳор).

Юқоридаги тип конструкцияда *-лик* ўрнида *экан* қатнашуви ҳам учрайди: *Қаландаров бир оз сабр қилса, ёнида йтирган шофер милиционерга машина янги эканини... айтиб, орқиқча сўзга йрин ҳам қолмас эди* (А. Қаҳҳор).

Сон тўлдирувчи, жумладан, воситасиз тўлдирувчи вазифасида махсус текстлардагина учрайди: *Уни ичга кўпайтиринг, сўнг иккига бўлинг* каби. Одатдаги текстларда эса қаралмиш бўлиб келиб, эгалик аффикси олади, кейингича келишик қўшилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам сон тушум келишигида белгилли ишлатилади: *Носиров қизил папкадаги қоғозлардан бириккитасини кўздан кечирди* (А. Қаҳҳор) ва б.

Тушум келишигининг белгисиз ишлатилишига таъсир қилувчи факторларни схемада шундай кўрсатиш мумкин (229-бетга қаранг).

Чиқиш келишиги

Чиқиш келишигининг орфографик шакли битта — *-дан*, орфоэпик шакли эса иккита — *-дан* ёки *-тан*:

1) Унли товуш билан, жарангсизлашмайдиган жарангли товуш билан, жаранглилашувчи жарангсиз товуш билан тугаган негизларда *-дан* шаклида айтилади; негиз охиридаги товуш эса:

а) ўзгармайди (айтилиши билан ёзилишида бир хиллик сақланади): *даладан, сойдан, куздан, баҳордан* каби;

б) ўзгаради, шу сабабли бу товушни айтиш билан ёзиш фарқ қилади (ёзувда жарангли товуш сақланади): *қишлоқдан (қишлоқдан), ўтоғдан (ўтоқдан); челайдан (челакдан), куртайдан (куртакдан)* каби.

2) Жарангсиз товуш билан, шунингдек, жарангсизлашувчи жарангли товуш билан тугаган негизларда *-тан* шаклида айтилади (аммо *-дан* шаклида ёзилаверади); негиз охиридаги товуш эса:

а) ўзгармайди (айтилиши билан ёзилишида бир хиллик сақланади): *штан (шндан), жамияттан (жамиятдан), курстан (курстандан)*;

б) ўзгаради, шу сабабли бу товушни айтиш билан ёзиш фарқ қилади (ёзувда жарангли товуш сақланади): *китоптан (китобдан), мактаптан (мактабдан); заводтан (заводдан), докладтан (докладдан)* каби.

Чиқиш келишигининг белгисиз ишлатилиши деярли учрамайди. Уюшиқ бўлак қисмларининг *-дан* аффиксини олмай ишлатилиши мавжуд бўлиб, бунда келишик яхлитловчи форма бўлиб келади (белгисиз формадан кескин фарқ қилади):

1) Оглар уюшиб келганида: *Унинг бутун жиҳози шол кўрпа тўшалган оддий темир каравот, устига алланима тўкилиб, қотиб қолган кўпол стол, иккита табуретка, ... турли плакатлардан иборат эди* (А. Қаҳҳор).

2) Сифатдош уюшиб келганида: *... саводсизликни битириш кур-*

сини тугатгани ва ўша курсда бир йилдан ортиқ ўқитувчилик қилганидан бошқа янги гап айтмади (А. Қаҳҳор).

Чиқиш келишигининг (умуман, макон келишиklarининг) аффикс кўрсатиш оломошларининг и товушли негизига қуйидагича қўшилади: *ундан, шундан, ўшандан*. Тилимизнинг ҳозирги тараққиёт босқичидан келиб чиқиб, буни товуш ортириш деб тушунтирилади. Тарихан эса бу товуш асли л бўлиб, негизнинг ўзига мансуб товуш эди (*бул, шул* каби). Бу товуш ҳозир кўрсатиш оломошларининг бош келишик формасида қатнашмайди, қаратқич, тушум келишиklarида аффикснинг таркибига ўтади (*шу+нинг, шу+ни*); макон келишиklarида эса негиз таркибда сақланиб қолган: *шун+дан, шун+га, шун+да*.

Чиқиш келишигидаги сўз:

I. Мустақил сўзга тобеланади: *синовдан ўтмоқ* каби.

II. Қўмакчи билан бирлашади. Бунда келишик синтактик вазифани кўрсатмайди, балки ёрдамчи сўзнинг мустақил сўз негизига бирлашиш формаси ҳисобланади: *ондан кейин (сўнг), икки кундан кейин, бир йилдан бери (буён), чойхоначиликдан ташқари, ифтихордан кўра; шундан кейин, ўшандан бери; ўқитувчилик қилганидан бошқа, институтни битирганидан кейин* каби («Қўмакчилар» баҳсига қаранг).

Отларда чиқиш келишиги асосан битта маънони — ҳаракатнинг чиқиш нуқтасини — ифодалайди. Қандай негизга қўшилиши ва қандай негиз томонидан бошқарилишига қараб объект, ўрин, пайт, сабаб каби маъно оттенкалари ифодаланади, шунга кўра бу келишикдаги сўз турлича вазифаларда келади.

Чиқиш келишиги қўшилган негиз мустақил сўзга тобеланганида икки хил вазифада келади:

I. Иккинчи даражали бўлак бўлиб келади. Бу — асосий вазифаси.

II. Кесим бўлиб келади.

Иккинчи даражали бўлак вазифасида келганида:

A. Ҳол бўлади (Мисолларнинг ярмидан кўпроғида шундай). Бунда:

I. Урин ҳоли бўлади (Юзта мисолнинг 95 тасида шундай), сўроғи — *қа е р д а н?* Бундай вазифада:

1) Турдош от келади:

а) Урин оти келади: ... *ў р н и д а н туриб, хайрлашгани қўл берди* (А. Қаҳҳор). *Бу е р д а н ҳовлининг ... қаровсизлиги яна ҳам яққолроқ кўринар эди* (А. Қаҳҳор);

б) киши аъзоларининг номи келади: ... *похол шляпасини бошидан олиб, рўмолчаси билан пешана ва бўйинини наридан-бери артди* (А. Қаҳҳор). ... *кўк рўмолини томоғидан боғлаб олган бир кампир Саидага қараб: «Келинг», — деди* (А. Қаҳҳор).

в) Тури предметларнинг номи бўлади: *йўл-йўл бахмал жилеткасининг биқин чўн тағидан ярим чиқиб турган кичкинагина блокнотини олиб, столга қўйди* (А. Қаҳҳор). *Мезбон ичкари уйдан бир вазада конфет олиб чиқди* (А. Қаҳҳор).

Баъзан ҳаракат содир бўлишида восита вазифасини ўтаган ўрин оттенкаси ҳам англашилади: *Дарвозадан чиқиб, катта йўлдан бир оз юрган, чап томондаги толзор кўчага киришди (А. Қаҳҳор). Кифоятхон... ёш қиздай уяла-уяла зинадан чиқиб келди (А. Қаҳҳор).*

2) Географик атоқли от бўлади: *...бир қочиб кетган эдим, Намангандан топиб, гирибонимдин сиқиб олиб келди (А. Қаҳҳор).*

2. Пайт ҳоли бўлади, сўроғи — қачондан?, қанчадан? (оз учрайди):

1) Бошқарувчиси феъл бўлади: *Писанд қилмагани яхши. Агар писанд қилса, борган кунингиздан бошлаб чўқиш пайига тушади (А. Қаҳҳор). Бюро олдидан Носиров Саида билан гаплашиб... (А. Қаҳҳор).*

2) Бошқарувчиси сифат бўлади: *...йўша курсда бир йилдан ортиқ ўқитувчилик қилганидан бошқа янги гап айтмади (А. Қаҳҳор). Қаландаров қизининг болалигидан жуда иқлли бўлганини айтиб... (А. Қаҳҳор).*

3. Сабаб-натижа ҳоли бўлади, сўроғи — нима сабабли? (Бу ҳам жуда оз учрайди): *...йўлнинг баҳорги ёғингарчиликидан чўккан, бузилган кишик бир участкаси... (А. Қаҳҳор). ...устиди ўзига кенг жигар ранг тўржурка, тиззалари қора мойдан ялттираган галифе шим ... (А. Қаҳҳор).*

Б. Тўлдирувчи бўлади (Мисолларнинг деярли ярмида шундай). Бундай сўз кўпинча нимадан?, қисман кимдан? сўроғига жавоб бўлади. Бошқарувчи ҳар хил туркум сўзи билан ифодаланади:

1) Бошқарувчи феъл билан ифодаланади: *Шунақа гаплардан қачон қутуламиз? (А. Қаҳҳор). ...автобус кўздан йўқолгунча қараб турди (А. Қаҳҳор). Қаландаров тўғрисида келганда эса мавзудан чиқиб кетди (А. Қаҳҳор). ...меҳмонлардан узр сиради (А. Қаҳҳор).*

Кишиларнинг атоқли оти ҳам бу келишикда тўлдирувчи бўлиб келади: *Қаландаров Саидадан жавоб кутмай, Назаров билан сўрашди (А. Қаҳҳор). Саида бўлган воқеани кейинчалик опаси Қаримадан эшитди (А. Қаҳҳор).*

Келишнк формасини қабул қилган негиз ва бошқарувчи негиз англаган маънолар туфайли бундай бирикмадан баъзан «қисм», «ҳисса» маъноси ифодаланади. Бунда чиқиш келишинг формасидан олдин кўплик формаси ҳам қатнашади: *... яна ўтмишидаги хизматларидан гап очди (А. Қаҳҳор).*

Мана бу гапда эса «кўпнинг қисми» маъноси англашилади; бунда бошқарувчи феъл ўтимли бўлса, чиқиш келишинг ўрнига тушум келишининг ишлатини билан ҳаракатнинг предметга тўла ўтиши англашилади: *Қани, сомсадан олинлар (А. Қаҳҳор). — Томсани олинлар. — ...кейин қулупнайдан бир ҳовуч олиб, оғзига солди (А. Қаҳҳор). — ...бир ҳовуч қулупнайни олиб... каби.*

2) Бошқарувчиси сифат бўлади: *...бир томонга силлиқ қилиб*

таралган сочи оғидаги амиркон туфлисидан ҳам қорароқ ва кўпроқ ялтироқ эди (А. Қаҳҳор). Кифоятхон бу кишидан уч-тўрт ёш каттароқ (А. Қаҳҳор).

3) Бошқарувчи иборат сўзи билан ифодаланади: *Бу вақтларда Эшон артист бўлиб, театрда ойлигига яраша деб фақат доира чертар, дуторчи ва ашулачилиқдан иборат икки ҳунарини эса «отар»дагина кўрсатар экан* (А. Қаҳҳор) ва б.

В. Қаратувчи ҳолатида келади. Бунда чиқиш келишигидаги сўз қаратувчи-қаралмиш муносабатидаги биринчи компонент сифатида қатнашади, шунга кўра қаратқич келишиги билан маъно муносабати ҳосил этади. Қаратувчи қаратқич келишигида келса, таъкид, чиқиш келишигида келса, улуш, қисм ифодаланади. Бундай конструкцияда чиқиш келишиги формаси кўплик формасидан кейин қўшилади, конструкциянинг иккинчи қисми эса одатда миқдор билдирувчи сўз билан ифодаланади: *Носиров қизил папкадаги қогозлардан бир-иккитасини кўздан кечирди* (А. Қаҳҳор). *Кунлардан бир кунни марказий газеталардан бири «Бўстон» ҳақида ўз мухбирининг каттагина бир очеркини босиб чиқарди* (А. Қаҳҳор).

Чиқиш келишиги формасини ишлатиш баъзан услуб талаби билан ҳам воқе бўлади. Масалан, қуйидаги гапда иккита сўзни қаторасига -нинг билан ишлатишдан қочиб, биринчи сўз чиқиш келишиги формасида келтирилган:... *автобус бекатида марказий газеталардан бирининг областадаги махсус мухбири Аъзамжон учраб қолди* (А. Қаҳҳор).

Г. Чиқиш келишигининг қуйидагича ишлатилиши алоҳида вазият кашф этади: *Кечқурун правление аъзоларидан уч-тўрт кишини чақириб...* (А. Қаҳҳор). *Булардан шаддод бир кампир Бабарнинг қийғини ешиб олди* (А. Қаҳҳор). ...*бири — қишлоқ активларидан шу Қаландаров экан* (А. Қаҳҳор). *Бу киши — «Социализм» колхозининг донгдор бригадирларидан Тожиҳон Жаъфарова* (А. Қаҳҳор).

Бундай конструкцияда бошқарувчи киши оти билан (турдош от ёки атоқли от билан) ифодаланади. Чиқиш келишигида эса кўпинча турдош от, қисман кўрсатиш олмоши келади; бундай сўз келишиккача кўплик формасини олган бўлади. Қаратувчи ҳолатидаги сўз ҳам чиқиш келишиги формасидан олдин кўплик формасини олган бўлади. Демак, бу икки конструкциянинг биринчи компоненти грамматик жиҳатдан бир хил шаклланади. Асли чиқиш келишигининг вазияти фарқли: *газеталардан бири* бирикмасида чиқиш келишиги қаратқич келишиги ўрнига келади, шу сабабли чиқиш келишиги формасини қаратқич келишиги формаси билан алмаштириш мумкин (*газеталардан бири — газеталарнинг бири*); *бригадирлардан Тожиҳон* каби бирикмада бундай хусусият ва имконият йўқ.

Бу икки конструкция орасидаги фарқ иккинчи компонентда яққол кўринади:

а) биринчи конструкцияда бу компонент белги маъносини аниқ-

латувчи сўз билан (кўпинча сон билан, қисман миқдор равиши, сифат билан) ифодаланади; иккинчи конструкцияда эса кишини англатувчи турдош ёки атоқли от билан ифодаланади;

б) биринчи конструкцияда бундай компонент эгаллик аффикси олади, иккинчи конструкцияда эса бундай аффикс қатнашмайди.

Кўринадикки, биринчи конструкция қаратувчи-қаралмиш муносабатига жуда ўхшайди. Иккинчи конструкцияда эса биринчи компонентни қаратувчи деб ҳам, тўлдирувчи деб ҳам бўлмайди.

Сезилиб турибдики, иккинчи конструкциянинг от **компонентлари** орасида миқдор маъносини англатувчи ёки кўрсатини билдирувчи сўз билан ифодаланган сифатловчи келади: *правление аз-золаридан уч-тўрт киши, қишлоқ активларидан шу Қаландаров каби*. Демак, бундай конструкцияда ҳам чиқиш келишини «кўпининг қисми» маъноси билан қатнашади.

II. Кесим вазифасида чиқиш келишигидаги сўз жуда кам ишлатилади. Бундай сўз тўлдирувчи, ҳол сўроғига жавоб бўлаверади, гапни тугаллаб турувчи бўлак сифатида тусловчи олади ва вазифа жиҳатидан кесимга тўғри келади: *Қаландаров ҳақиқатан, Носиров пайқаганича ва Саида айтганича, х и й л а э р к а р а и с л а р д а н э д и* (А. Қаҳҳор). *Аъзамжон сергап бўладиган ва бунинг устига ғоят хушчақчақ йиғитлардан эди* (А. Қаҳҳор).

Демак, кесим вазифасидаги отда келишик тугалловчи форма бўлмайди, синтактик жиҳатдан нейтраллашади; чунки бу хусусиятлар келишикдан кейин қўшиладиган тусловчига хос бўлади. Миносоллар кўрсатадики, бу вазифадаги сўз келишиккача кўплик аффиксини олган бўлади, бу жиҳатдан қаратқич ўрнида ишлатилдиган чиқиш келишигига ўхшайди.

Мана бу мисолда чиқиш келишини формасидаги сўз кесим вазифасида келган, асли эса ўрин ҳоли сўроғига жавоб бўлади: *Танишиб қўйинглар, Тоғжихон — деди мезбон, — бу киши райондан ...Бизга ишга келдилар* (А. Қаҳҳор).

Олмошлар чиқиш келишигида қўйидагича ишлатилади:

I. Иккинчи даражали бўлак бўлиб келади:

A. Тўлдирувчи вазифасида келади:

1. Кишилик олмоши: *Мана бу гапни мен сиздан кутмаган эдим* (А. Қаҳҳор).

2. Уз сўзи: *Келин ўзимиздан чиқди* (А. Қаҳҳор).

3. От сўроқ олмоши: *...колхозга борса, ишини нимадан бошлашни узоқ ййлади* (А. Қаҳҳор) ва б.

Тўлдирувчи вазифасидаги олмош феъл бўлмаган сўз томонидан ҳам бошқарилиши мумкин. Бунда бошқарувчи:

1) Сифат билан ифодаланади: *Сен эмас, сендан дурустроқ секретарга ҳам муҳтож эмасман* (А. Қаҳҳор). *...ўздан беш ёш кичик ...Эшонни дарров ичкўёв қилиб олибди* (А. Қаҳҳор).

2) Равиш билан ифодаланади: *Али бобо бундан кўп йиллар муқаддам хотинини сўйиб ташлаган* (А. Қаҳҳор). *...бундан*

икки йил бурун ўз кўзи билан кўрганини айтди (А. Қаҳҳор) ва б.

Б. Ҳол вазифасида келади. Масалан, қуйидаги гапда чиқиш келишигидаги сўроқ олмоши ўрин ҳоли бўлиб келган: «*Ахир мен.. Қўлимдан келмайди*». — «*Қаёқдан биласиз?*» (А. Қаҳҳор).

В. Қаратувчи ҳолатида келади: *Гапдан гап чиқиб, булардан бири Қариманинг отаси қамоқ муддатини битириб келганини айтди* (А. Қаҳҳор).

П. Кесим вазифасида келади (асли тўлдирувчи ёки ҳол сўроғига жавоб бўлади): *Секретарь колхозинг ўзидан бўлса...* (А. Қаҳҳор). *Келин қаердан?* (А. Қаҳҳор).

Ҳаракат номи формасидаги феъл чиқиш келишигида тўлдирувчи бўлиб келади: *...бир кечаси Қаландаровнинг уйига келибди, лекин унга рўпара бўлишдан ҳайиқиб, энагининг қорнига пичоқ уриб кетибди* (А. Қаҳҳор).

Сифатдош формасидаги феъл чиқиш келишигида қуйидагича ишлатилади:

1. *-ган+[лик]+и+дан* конструкциясида чиқиш келишиги формаси сабаб маъносини ифодалайди (уни сабабли сўзи билан алмаштириш мумкин), сабаб ҳолини шакллантиради: *Жим кетавериш ноқулай бўлганлигидан Саида Эшондан: «Сиз колхозда нима иш қиласиз?»—деб сўради* (А. Қаҳҳор).

2. *-ма+с+дан* конструкциясида чиқиш келишиги формаси ўзидан олдин келган *-с* сифатдош формаси билан биргаликда *-й* равишдош формасига синоним бўлади, равиш ҳолини ёки найт ҳолини шакллантиради: *Карима Мирзачўлга тушмасдан тўғри Қорасува ўтиб кетди* (А. Қаҳҳор). *...биройга қолмасдан ҳовлини сочиб, «Бўстонга кўчиб келишибди* (А. Қаҳҳор).

Сифат бу келишик формасида отлашиб, қуйидаги вазифаларда келади:

1. Иккинчи даражали бўлак бўлади:

А. Тўлдирувчи бўлиб келади:

1. Феъл томонидан бошқарилади: *...афсус-надоматини ўздан ҳам, ўзгадан ҳам яшириб, шу ғурур остига кўмар эди* (А. Қаҳҳор).

2. Равиш томонидан бошқарилади: *Саида гоҳ бошқалардан олдин, гоҳ бошқалардан кейинда қолиб бойчечак айтар эди* (А. Қаҳҳор).

Б. Ҳол бўлиб келади. Масалан, қуйидаги гапда равишдан ясалган сифат отлашиб, сифат томонидан бошқарилаяпти: *Раис унинг кўзига илгаригидан камсавлатроқ кўринди* (А. Қаҳҳор).

П. Кесим бўлиб келади: *Бу одам ...ўттиз тўққизинчи йилда «Хурмат Белгиси» ордени билан мукофотланган илғорлардан эди* (А. Қаҳҳор).

Сон чиқиш келишигида қуйидагича ишлатилади:

1. Қаср сонда бутуннинг бўлаklarини англатувчи миқдор сон чиқиш келишигида келади: *учдан икки, ўндан бир каби*. Бунда

асли сифатланмиш тушиб қолиб, сон отлашади: *уч қисмдан икки қисм* → *учдан икки каби*.

2. Миқдор сон чиқиш келишиги формасини одатда бирор конструкция таркибида олади ва иккинчи даражали бўлак вазифасида келади:

1) Сутканинг бирор пайтини билдирувчи конструкцияда санок сон чиқиш келишиги формасини *ошмоқ* феълга тобеланиб олади ва миқдор ҳоли бўлиб келади: *Карима Қорасув станциясига эрта-лаб соат тўққиздан ошганда тушди (А. Қаҳҳор)*. *Қаландаров шу кетганича кечаси соат бирдан ошганда келди (А. Қаҳҳор)*.

2) Ёш билдирувчи конструкцияда ҳам санок сон чиқиш келишиги формасини *ошмоқ* феълга тобеланиб олади ва миқдор ҳоли бўлиб келади: *...ёши элликдан ошиб қолганига қарамай...* (А. Қаҳҳор). *Эшон боли эмас, ёши элликдан ошган кўса экан (А. Қаҳҳор)*.

3) Мана бу мисолда чиқиш келишиги формаси қаратувчили бирикмага қўшилиб, уни ўрин ҳоли вазифасига мослаган: *Айвонга чиқадиған икки эшикнинг биридан хонатмас кўйлак кийган ...бир хотин чиқди (А. Қаҳҳор)*.

3. Тартиб сонга чиқиш келишиги формасини қўшиш билан нутқий парчаларнинг саналиш сраси англатилади, бундай конструкция ажратилган бўлак (кириш) вазифасида келади: *Қор кўп ёгса, биринчидан, ер яхши семиради, иккинчидан, ёзда сув сероб бўлади*.

Изоҳ. Кириш бўлак вазифасида келадиган бундай сўзларни уларнинг омонимидан фарқлаш зарур. Масалан, *Қизим бешинчидан олтинчига ўтди* гапда қатнашаётган *бешинчидан* сўзи шаклан кириш бўлак вазифасида келадиган сўзга ўхшайди, ammo грамматик моҳияти жиҳатидан фарқ қилади: 1) Бу гапда *бешинчидан* сўзи ажратилмаган (одатдаги) бўлак вазифасида келади, 2) асли сифатловчи-сифатланмишга тенг бирикмадан ўсиб чиққан: сифатланмиш туширилиб, унинг грамматик формаси сифатловчининг ўзига қўшилиб қолган (*бешинчи синфдан* → *бешинчидан*). Ажратилган бўлак вазифасида келувчи сўз эса тартиб сонга чиқиш келишиги формасини тўғридан-тўғри қўшиш билан тузилади.

Равишларда чиқиш келишиги формаси қуйидагича:

1) Равишга чиқиш келишиги формаси уни феълга тобелаш учун қўшилади, бунда равиш пайт ҳоли бўлиб келади: *...қилинадиган ишларни ҳозирдан ёзиб бориш керак (А. Қаҳҳор)*.

2) Равишлар жуфтлашганда ёки такрорланганда ҳам биринчи қисми чиқиш келишиги формасида келади: *...рўмолчаси билан пешана ва бўйинини наридан-бери арди (А. Қаҳҳор)*. *...кўчага камдан-кам чиқади (А. Қаҳҳор)*.

Чиқиш келишиги формасида қотиб, келишник системасидан чиқиш ва шу келишник формасида бирор туркум сўзга айланиш

ҳам бор. Чиқини келишиги формасининг лексема таркибига бундай ўтиб кетиши билан:

1) Равиш ҳосил бўлади: *бирдан, зимдан, тўсатдан, дабдурустдан, ҳалитдан, дастидан* каби: *Ҳуринисо бирдан тушди, товуши нечукдир майин бўлиб қолди* (А. Қаҳҳор). *Синда Қифоятхонга зимдан* разм солди (А. Қаҳҳор).

Мана бу мисолда равиш таркибидаги чиқини келишиги формаси факультативдек кўринади; аммо келишикнинг қатнашуви ёки қатнашмаслиги равишнинг синтактик вазифасини ўзгартиради (равиш ҳоли — пайт ҳоли), чунки маънода фарқ бор (*тез* — ҳолат равиши, *тездан* — пайт равиши): *Зулфиқоров масаласини тездан текшириб, чора кўриши ...* (А. Қаҳҳор).

2) Модал сўз ҳосил бўлади: *Қаландаров машқ ва ашуладан мамнун бўлди, афтидан, уни яна гапиртириб кулгиси келди* (А. Қаҳҳор).

3) Кўмакчи ҳосил бўлади: *Носиров қабулхонада ҳурмат юзасидан ўрнидан турган ёрдамчиси — йигирма икки ёшлардаги... қизга салом бериб, кабинетга кириб кетди* (А. Қаҳҳор).

Жўналиш келишиги

Жўналиш келишиги кўрсаткичининг орфографик шакли учта: *-га, -ка, -қа*:

1) *к, г* товуши билан тугаган негизларга *-ка* шаклида қўшилади: *эшикка, баркка* каби. Бунда қуйидагича товуш ўзгариши акс эттирилади: $к+г=кк$, $г+г=кк$.

2) *қ, ғ* товуши билан тугаган негизларга *-қа* шаклида қўшилади: *ўтоққа, тоққа* каби. Бунда қуйидагича товуш ўзгариши акс эттирилади: $қ+г=ққ$, $г+г=ққ$. Кўринадиги, ҳар икки ҳолатда ҳам жарангсизланиш ҳодисасини акс эттириб ёзиш қабул қилинган.

3) Бошқа ҳолатларда *-га* шаклида қўшилади: *оилага, сойга, кузга, баҳорга; ишга, жамиятга, курсга; китобга, докладга* каби.

Жўналиш келишиги кўрсаткичининг орфоэпик шакли ҳам учта — *-ка, -қа, -га*:

1) *к, г, қ, ғ* товушларидан кейин бу келишик кўрсаткичининг орфографик ва орфоэпик шакли бир хил (Юқоридagi биринчи, иккинчи пунктларга қаранг).

2) *-ка* орфоэпик шакли яна жарангсиз товуш билан, шунингдек, жарангсизлашувчи жарангли товуш билан тугаган негизларда айтилади (аммо *-га* ёзилаверади): *ишка (ишга), жамиятка (жамиятга), курска (курсга); китонка (китобга), докладка (докладга)* каби.

3) Қолган ҳолатларда *-га* айтилади (ва ёзилади): *темага, уйга, колхозга* каби.

Чиқини келишигида бўлганидек, жўналиш келишиги аффикси ҳам кўрсатиш олмошларининг *н* товушили негизига қўшилади: *шун+га, ун+га* каби.

Жўналиш келишигидаги сўзнинг белгисиз шаклда (-га аффикси туширилган ҳолда) ишлатилиши жуда кам учрайди. Бундай ишлатиш, масалап, ўрин англатувчи сифатларда юз беради: ...*ҳар сафар бошини қуйи солиб, илжайиб, ...кўз қири билан Ҳуришисога қарар эди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). ...*холи қолганда шунчалик на с т тушадиган хотинлар тошфасидан экани очиқ кўриниб турар эди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Мана бу шеърий парчада географик турдош от жўналиш келишигининг белгисиз шаклида ишлатилган: *Деди: «Тездан қишлоқ чиқсин сайёра суд...»* (Ғ. Ғулом).

Кўринадики, негиздан ўрин маъноси англашилсагина, бундай сўз жўналиш келишигининг белгисиз шаклида кела олади.

Жўналиш келишигидаги сўз:

I. Мустақил сўзга боғланади.

II. Кўмакчи билан бирлашади. Жўналиш келишиги формаси кўмакчи ишлатиш муносабати билан қўйилганида синтактик вазифани кўрсатмайди, балки ёрдамчи сўзнинг мустақил сўз негизига бирлашиш формаси ҳисобланади: *буйруққа буюан, шартномага доир, келишувга кўра, вокзалга довур (қадар) каби*.

Отларда жўналиш келишиги битта маънони — ҳаракатнинг йўналиш нуқтасини ифодалайди. Объект, ўрин, пайт каби маъно от-тенкалариининг ифодаланиши бу келишак формасини олган ва уни бошқарган негизнинг лексик маъносига боғлиқ.

Жўналиш келишигидаги сўз мустақил сўзга тобеланганда иккинчи даражали бўлак бўлиб келади ва қўйидаги вазифаларни бажаради:

А. Тўлдирувчи бўлади. Бу — асосий вазифа (Барча ишлатишларнинг бешдан уч қисмини ташкил қилади): *Шу-шу бўлди-ю, Қаландаров кечани кеча, кундузни кундуз демий колхоз ишига жуда қаттиқ ёпишди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *О черкка «Бўстон» деб сарлавҳа қўйилган* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Тўлдирувчиларнинг кўши н и м а [л а р] г а? сўроғига жавоб бўлади, к н м [л а р] г а? сўроғига жавоб бўлувчилари инсбатан оз. Кейингисига мисол: *Ҳовлига бориб, хотинимга айт, нозик меҳмон олиб бораман* (А. Қ а ҳ ҳ о р). ...*графиндан стаканга қилтилатиб яхна чой қуяр экан, қизга айрим диққат билан разм солди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Бундай тўлдирувчи вазифасида кишиларнинг атоқли оти келади: ...*кейин манглай оша Қаримага қаради да, ранги бўзрайиб кетди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Бу келишикдаги сўз баъзан ҳаракат йўналган предметни эмас, балки восита бўладиган предметни англатади; бундай тўлдирувчи н и м а г а? сўроғи билан бир қаторда, н и м а б и л а н? сўроғига ҳам жавоб бўлади: *Тўтинисо буниг сабабига қизиқди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Жўналиш келишиги билан шаклланган тўлдирувчи асосан феъл негиз томонидан бошқарилади, қисмангина феълдан бошқа сўз бошқарувчи бўлиб келади (Қирқта биринчи тип мисолга битта ик-

кпичи тни мисол тўғри келади). Бундай бошқарувчи:

1) От бўлади: *Мен бригаданга аъзо эмасман* (А. Қаҳҳор). *Зулфиқоров партия аъзолига кандидат экан* (А. Қаҳҳор). *Аёлларга феодал муносабат фақат хотин устига хотин олишдан иборатми?* (А. Қаҳҳор)

2) Сифат бўлади: *Сен эмас, сендан дурустроқ секретарга ҳам муҳтож эмасман* (А. Қаҳҳор). *У ерга қараганича ғам-ғуссага тўла бир куйни хиргойи қилиб Қариманинг олдидан ўтиб кетди* (А. Қаҳҳор) каби.

Б. Ҳол бўлади. Бу — миқдоран иккинчи вазифа. Ҳолнинг турларида:

1. Урин ҳоли бўлади (юзтанинг тўқсон тўққизтасида). Бу вазифада:

1) Урин отлари ёки урин маъноси англашиладиган отлар (жўналиш келишигида қаерга? сўроғига жавоб бўлувчи отлар) келади: *Шийпонга жой қилинди* (А. Қаҳҳор). *...қалин дафтарини қўлатиғига қисиб кирганида...* (А. Қаҳҳор). *Ҳуринисо билан Саида қайтиб ҳовлига киришиди* (А. Қаҳҳор).

2) Географик атоқли от ёки маълум территорияда жойлашган ташкилотнинг атоқли оти бўлади: *Карима Мирзачўлга тушмасдан тўғри Қорасувга ўтиб кетди* (А. Қаҳҳор). *Билмадим, ростми-ёлғонми, «Москвага бориб ўқийман»,— дейди* (А. Қаҳҳор). *У Саиданинг «Бўстон»га кетаётганини эшитиб, Қаландиров тўғрисида гапирди* (А. Қаҳҳор).

2. Пайт ҳоли бўлади (оз учрайди). Бу вазифада миқдор сифатловчиси олган ой, йил, кун каби пайт билдирувчи сўз келади: *... бир ойга қолмасдан ҳовлини соғиб...* (А. Қаҳҳор).

Ҳол вазифасидаги сўз ҳам феъл бўлмаган сўз томонидан бошқарилиши мумкин (жуда оз учрайди). Бунда у:

1) Сабаб-мақсад ҳоли бўлади: *Коньякка ҳам закусками?* (А. Қаҳҳор). *Соғ одамга Сукротнинг ҳам кераги йўқ* (А. Қаҳҳор). *Қолхозда айшингизни қилиб юра берасиз. Партия ташкилотининг секретарига иш йўқ дейиш мумкин* (А. Қаҳҳор). Биринчи мисолда бошқарувчи бўлиб от, иккинчисида керак сўзи, учинчисида йўқ сўзи келган; биринчи мисолда жўналиш келишигидаги сўз нима учун? сўроғига, иккинчи, учинчи мисолларда эса ким учун? сўроғига жавоб бўлади.

2) Миқдор ҳоли бўлади (оз учрайди): *Тўйдан кейин Ҳуринисо яна бир ярим йилга яқин чала-чулла ўқитувчилик қилибди* (А. Қаҳҳор).

Олмошлар жўналиш келишигида қуйидагича ишлатилади:

1. Тўлдирувчи бўлиб келади:

1) От олмошлар:

а) кишилик олмоши (Энг кўпи — шу): *Бу гапни менга айтдинг, ўртоқ, бошқа одамга оғзингдан чиқарма!* (А. Қаҳҳор). *...унга оқ, йўл, ишда муваффақият тилади* (А. Қаҳҳор);

б) ўз сўзи: *...давлатингиз ўзингизга буюрсин* (А. Қаҳҳор).

в) инкор олмоши: *У ҳеч кимга сўз қотмайди* (А. Қаҳҳор);

г) сўроқ олмоши: *...сиз ўзингизга аёл деб қарасангиз, додимизни кимга айтамыз!* (А. Қаҳҳор).

2) Сифат олмошлар:

а) кўрсатиш олмоши: *Саида бунни пайқади ва бунга эътибор қилмади* (А. Қаҳҳор). *Вой ўлай, шунга дарров ўн йил бўлибдими!* (А. Қаҳҳор);

б) белгилаш олмоши: *...бунинг ҳаммасига одамнинг ичи ачир, ғами келар эди* (А. Қаҳҳор).

2. Ҳол бўлиб келади. Бу вазифада от олмошлар келиб:

1) Ҳоли ҳоли бўлади: *...қаерга борса, колхозчилар ўраб олишади* (А. Қаҳҳор).

2) Сабаб ҳоли бўлади. Бу вазифада *не?*, *нима?* сўроқ олмоши келади: *Нега, нега унақа қиладилар?* (А. Қаҳҳор).

Жўналиш келишигидаги ҳаракат номи:

1) Қўйинча мақсад ҳоли бўлиб келади: *...ўзини ниҳоятда қуз вазир қилиб кўрсатишга ҳаракат қилар эди* (А. Қаҳҳор). *...илмга берилиб кетганини исбот қилишга урина кетди* (А. Қаҳҳор).

Бунинг бўлишсиз формасига (-маслик формасига) мисол: *...кўйлагининг орқа этагини ғижим қилмасликка тиришиб, эҳтиётлик билан курсига ўтирди* (А. Қаҳҳор).

2) Баъзан тўлдирувчи бўлиб келади: *...ҳозир бирон иш қилишига, иш қила олишига кўзи етмаса ҳам, ҳар қалай сўради* ... (А. Қаҳҳор).

Бунинг бўлишсиз формасига (-маслик формасига) мисол: *...райком бюроси бу вазларни эътиборга олмаслигига қаттиқ ишонар эди* (А. Қаҳҳор).

Жўналиш келишигидаги ҳаракат номининг феъл бўлмаган сўз томонидан бошқарилиши ҳам учрайди. Масалан, қуйидаги гаида бундай бошқарувчи сифат билан ифодаланган бўлиб, жўналиш келишигидаги ҳаракат номи эса тўлдирувчи вазифасида келган: *...Саида билан бир гаплашишга муштоқ эканини қайта-қайта айтиб, уни уйига таклиф қилди* (А. Қаҳҳор).

Жўналиш келишигидаги сифатдош:

1) Тўлдирувчи бўлиб келади: *Ҳуринисо Қифоятхонни ўринбосар қилиб олганига қанча вақт бўлганини ҳисоблаиб, ҳайрон қолди* (А. Қаҳҳор). *Тошкентда ўқиётганига ҳам анча бўлди* (А. Қаҳҳор). *Шу билан бирга, Қифоятхоннинг кўпроқ вақти расининг хизматида ўтадиганга ўхшар эди* (А. Қаҳҳор).

2) Сабаб ҳоли бўлиб келади: *Тўсатдан шундоқ деганингизга ганғиб қолдим* (А. Қаҳҳор) ... *шундай оилдан шундай тарбияли қиз чиққанига ҳайрон қолар эди* (А. Қаҳҳор).

Жўналиш келишигидаги сифатдош сабаб ҳоли бўлиб келганида от томонидан бошқарилиши ҳам мумкин. Масалан, қуйидаги гаида

бошқарувчи бўлиб сабаб сўзи келган: Манзурахон кўпроқ умрини мактабда ўтказганига, каникул вақтларида ҳам ота-онасининг олдидан кўп турмаганига сабаб бу оиладан жиркангани эмас, илмга берилиб кетгани эканини исбот қилишига урина кетди (А. Қаҳҳор).

Жўналиш келишигидаги сифат:

1) Урин ҳоли бўлиб келади. Бундай сўзнинг негизи ўрин маъносини англатади: ...ниҳоят, бир нимани баҳона қилиб, пастга тушиб кетди (А. Қаҳҳор).

2) Равиш ҳоли бўлиб келади. Бундай сўзнинг негизи *нодон, аҳмоқ, пуч* каби аслий сифатлар бўлади: ... қудалари ҳақида эри гапирган ноҳўя гапларни пучга чиқариш зарурияти Хуринисонинг жағини очиб юборди (А. Қаҳҳор). ...сўз Манзурахон тўғрисида кетганда эрини буткул *нодонга* чиқарадиган луқмалар ташлай бошлади (А. Қаҳҳор).

Жўналиш келишигидаги сон:

1) Қаралмиш бўлиб келиб, қаратувчиси билан биргаликда келишик олади ва кўпинча кимга? сўроғига жавоб бўлиб, тўлдирувчи вазифасида келади: Бироқ Қифоятхон бу саволларнинг биронтасига ҳам жавоб бермади (А. Қаҳҳор).

Бундай конструкцияда -нинг ўрнида -дан формаси келиши мумкин: ...бу ерда икки йилча ишлаганидан кейин район партия комитетининг масъул ходимларидан бирига тегди (А. Қаҳҳор).

2) Отлашиб (*ёш* сўзи тушиб), келишик аффиксини олади ва нечага? сўроғига жавоб бўлиб, миқдор ҳоли бўлиб келади: Болаларимизнинг каттаси ўн олтига қадам қўйди (А. Қаҳҳор).

3) Такрорланиб отлашади ва келишик формасини олиб, кимга? сўроғига жавоб бўлиб, тўлдирувчи вазифасида келади: Бир-бирига хўп муносиб! (А. Қаҳҳор).

Равишларда:

1) Равиш жўналиш келишиги формасини олади, бунда келишик ўз маъносини сақлайди (Уни бошқа келишик билан алмаштириб бўлади):

а) ўрин равиши бу келишикда ўрин ҳоли бўлиб келади: ...ката-ката нутқлар сўзлаганида орқа қаторларда ўтирганлар беихтиёр олдинга силжиб кела беради (А. Қаҳҳор);

б) пайт равиши бу келишикда пайт ҳоли бўлиб келади (Қуйидаги гапда жўналиш келишиги формасининг ишлатилиши ҳатто факультатив): Эртасига Саида «Бўстон»га жўнади (А. Қаҳҳор).

2) Жўналиш келишиги формаси равишнинг доимий таркибий қисмига айланиб кетган бўлади (*бирга* сўзидаги каби): Қаландаров қош қорайганда Эшон билан бирга келди (А. Қаҳҳор).

Модал сўзларда жўналиш келишиги формаси бундай сўзнинг доимий таркибий қисмига айланиб кетган бўлади: нафсамбирига сўзидаги каби.

Ўрин келишиги

Ўрин келишиги кўрсаткичининг орфографик шакли битта — *-да*, орфоэпик шакли эса иккита — *-да, -та*:

1) Унли товуш билан, жарангсизлашмайдиган жарангли товуш билан, жаранглилашувчи жарангсиз товуш билан тугаган негизларда *-да* шаклида айтилади, негиз охиридаги товуш эса:

а) ўзгармайди (айтилиши билан ёзилишида бир хиллик сақланади): *далада, сойда, кузда, баҳорда* каби;

б) ўзгаради, шу сабабли бу товушни айтиш билан ёзиш фарқ қилади (ёзувда жарангсиз товуш сақланади): *қишлоғда* (қишлоқда), *булоғда* (булоқда); *этайда* (этакда), *челайда* (челакда) каби.

2) Жарангсиз товуш билан, жарангсизлашувчи жарангли товуш билан тугаган негизларда *-та* шаклида айтилади (аммо *-да* шаклида ёзилаверади), негиз охиридаги товуш эса:

а) ўзгармайди (айтилиши билан ёзилишида бир хиллик сақланади): *ишта* (*ишда*), *жамиятта* (*жамиятда*), *ганта* (*ганда*), *курста* (*курсда*);

б) ўзгаради, шу сабабли бу товушни айтиш билан ёзиш фарқ қилади (ёзувда жарангли товуш сақланади): *китопта* (*китобда*), *мактапта* (*мактабда*), *завотта* (*заводда*), *доклатта* (*докладда*) каби.

Чиқиш келишигида бўлганидек, ўрин келишиги аффикси ҳам кўрсатиш олмошларининг *n* товушили негизига қўшилади: *шун+да, ун+да* каби.

Ўрин келишиги формасининг белгисиз шакли жуда оз (мингта белгили шаклга битта белгисиз шакл) учрайди, шунда ҳам пайт маъносини англатувчи негизларда содир бўлади: *Аяси ўша қонли оқшом яширинча дарсга кетаётган экан* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Ўтларда ўрин келишиги битта маънони — ҳаракатнинг (баъзан предметнинг) бўлиш нуқтасини ифодалайди. Бу келишик формасидаги сўз қандай лексик маънони англатишига қараб ўрин, пайт, объект маънолари ҳақида гапирилади:

1) Негиздан ўрин маъноси англашилса, бу келишикдаги сўз қаерда? сўроғига жавоб бўлса, ҳаракатнинг бўлиш ўрни ифодаланади: *Буни Қифоятхоннинг ўзи боплаб айтади, ўшанда Манзура хоннинг орқасида турган экан* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Қаландаров бир оз сабр қилса, ёнида ўтирган шофер...* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

2) Негиздан пайт маъноси англашилса, бу келишикдаги сўз қачон? сўроғига жавоб бўлса, ҳаракатнинг бўлиш пайти ифодаланади: *Шу ерда ўқиб юрганида ҳам кўпроқ умрини мактабда, ёзда лагерларда, пионерлар орасида ўтказар эди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Бир йили Қарима эри билан курортга борди ва экскурсия вақтида ўз она қишлоғидан келган икки киши билан танишиб қолди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

3) Негиздан ўрин ёки пайт маъноси эмас, предмет маъносининг ўзи англашилса, маълум пунктда мавжуд предмет (объект) ифо-

даланади: *Бу суҳбатда нима гаплар бўлганини Саида билолмади* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Манзураҳоннинг ўз оиласига муносабати масаласида эса эр-хотин тортишиб қолди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). ↑

Кўринадики, ўрин, пайт, предмет (объект) маъноларини бу келишикдаги сўзнинг негизи билдиради, келишикнинг ўзи эса ҳаракатнинг (ёки предметнинг) бўлиш нуқтасини ифодалайди. Келишик ифодалайдиган маъно билан негиздан англашиладиган ўрин, пайт каби маъно бирлашиб, бу келишикдаги сўзнинг қайси бўлак вазифасида келишини белгилайди. Шу асосда ўрин келишигидаги сўз қуйидагича вазифаларда келади:

I. Иккинчи даражали бўлак бўлиб келади.

II. Кесим бўлиб келади.

III. Қириш бўлак бўлади (жуда оз учрайди). Бунда ўрин келишигидан аввал нисбатловчи қўшилади. Бундай вазифада кўпинча қаратувчилик бирикма келади, якка сўз бўлса, модал сўзга яқин туради: *Саиданинг назаридан, Ҳуринисонинг эрига қилган муомаласидан уйда, нечукдир, кўнгилсиз бир ғубор қолди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Назаримдан, Ҳуринисонинг эрига қилган муомаласидан...*

Иккинчи даражали бўлак вазифасида келганида:

А. Ҳол бўлади. Бу — асосий вазифа (Барча ишлатишларнинг учдан икки қисмини ташкил қилади). Бунинг кўринишлари:

1. Ўрин ҳоли бўлиб келади. Бу — шу келишик билан шаклланивчи сўзлар учун актив вазифа (Барча ишлатишларнинг деярли ярмини қамраб олади).

Ўрин келишигида қ а е р д а? сўроғига жавоб бўлиб, ўрин ҳоли вазифасида қуйидаги сўзлар келади:

1) Ўрин оти келади: *олд, орқа, ост, уст, ён, ўрта, ора, ич, рўпара, ёқ, охир, томон, ер, жой* каби. Бу сўзларда кўпинча келишикдан олдин эгалик аффикси ҳам қатнашади. Бунда ўрин оти:

а) ўзи ёлғиз ишлатилади: *Рўпарада тандирга ўт ёқаётган бир кампир Саидага қараб «келинг» деди-ю, яна ишини қила берди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Саида ичидан: «Қаландаровнинг ҳаваси зўр-у, лекин хотинининг ҳафсаласи, табиати мундайроқ экан», — деб қўйди* (А. Қ а ҳ ҳ о р);

б) қаратувчи билан ишлатилади. Бу — асосий ҳолат. Бундай конструкциядан (қаратувчилик бирикмадан) ўрин маъноси англашилиши учун қаратувчи ўрин маъносини билдира олиши шарт: *Қиз буни пайқади-дан, чиқиб кетишини ҳам, чиқмаслигини ҳам билмай, эшик олдида туриб қолди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *...чумчуқларнинг чуғурлаши, дераза остидан оқиётган ариқчанинг шовиллаши эшитилди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Тузалган хонтахта ёнидан, афтидан, меҳмонни қаршилаб турган бир аёл Саида билан сўрашди* (А. Қ а ҳ ҳ о р);

в) сифатловчи билан ишлатилади: *Ҳуринисо ошдан кейин Саидани ҳужрасига кетгани қўймади. Саида шу ерда ётиб қолди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

2) Үрин маъносини билдира оладиган турдош от келади: *колхоз, мактаб, район, уй, сўри, каравот, қишлоқ, институт, қурултой, қабулхона, айвон, бурчак, увот ва б.* Колхозда нима иш қиласиз? (А. Қаҳҳор). Ундан кейин Самарқандда медицина институтида ўқиди (А. Қаҳҳор).

3) Географик атоқли от келади: *Тошкентда ўқийди* (А. Қаҳҳор). *Карима Ропқонда ўқишини давом эттириб, уруш бошланган йили ўн йилликни битирди* (А. Қаҳҳор).

2. Пайт ҳоли бўлиб келади (Бу вазифа — миқдор жиҳатидан учинчи ўринда). Үрин келишигида қачон? сўроғига жавоб бўлиб, пайт ҳоли вазифасида қуйидаги сўзлар келади:

1) *Утмиш, келажак* каби пайт билдирувчи сўз; *ёз, куз* каби фасл билдирувчи сўз: *Саида унинг ўтмишда Қаландаровга қандай ёрдамлар кўрсатганига жуда қизиқди* (А. Қаҳҳор). *Уша йили кузакда унга бирдан икки киши совчи қўйибди* (А. Қаҳҳор).

2) *Вақт, пайт, давр, замон, йил, кун* каби пайт билдирувчи сўз ўз аниқловчиси билан биргаликда: *У бўш вақтида мана шу арқон каравотда деворга қараб чордона қуриб ўтиради* (А. Қаҳҳор). *Ҳозирги замонда дадил қадам ташлай олмаган киши туртилиб, четга чиқиб қолади* (А. Қаҳҳор). *Бу одам ўттиз тўққизинчи йилда «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотланган илғорлардан эди* (А. Қаҳҳор).

3) *Еш* сўзи анча сўзи ёки саноқ сон билан ифодаланган аниқловчиси билан биргаликда: *Эшон, нияти холис экан, ўттиз икки ёшида шундай хотинга, яъни мана шу Қифоятхонга учрабди* (А. Қаҳҳор).

4) *Ора, олд, ич* каби ўрин оти пайт маъноси англашиладиган аниқловчиси билан биргаликда: *Қаландаров бир ҳафтанинг ичид а ҳамма расм-русумни жойига қўйиб, Ҳуринисони никоҳлаб олибди* (А. Қаҳҳор). *Саиданинг мўлжалича шундай маврид колхозга кетадиган куни келиши, жўнаш олдид а Носиров суҳбат ўтказиши, унга йўл-йўриқ кўрсатиши керак эди* (А. Қаҳҳор).

Пайт маъносини баъзан аниқловчи эмас, балки узоқ контекст кўрсатади: *Бу орада Тўтинисонинг эри қазо қилди, урушга кетган ўғли тўғрисида қора хат келди* (А. Қаҳҳор).

Кўринадики, бу тўрт пунктдан биринчисида келишик формаси яқка сўз негизига қўшилади, кейинги уч пунктда эса бирикманинг негизига қўшилади: *(бўш X вақт) + и + да, (ўттиз икки X ёш) + и + да.*

Мисолларни кузатиш яна шуни кўрсатадики, *зум* сўзи шу шаклида ёлғиз ўзи ишлатилмайди: олдидан *бир* аниқловчиси келади, ҳар иккиси *-гина* чегаралов юкламасини ёки ўрин, жўналиш келишикларидан бирини олади: *бир зумгина, бир зумда, бир зумга*. Бундай бирикмада равиш томон силжиш аниқ сезилади.

Умуман, қачон? сўроғига жавоб бўлиб, пайт ҳоли вазифасида келиш негизи пайт маъносини англададиган, ўзи эса бош келишик формасида турадиган сўзларда кўп учрайди («Бош келишик»

бахсига қаранг). Шу ерда ўрин келишиги билан бош келишик орасида маъно муносабати воқе бўлади: *Ўттиз тўққизинчи йилда — Ўттиз тўққизинчи йили* каби. Мисоллардан кўринадики, ўрин келишигини бош келишикка алмаштириш муносабати билан III шахс эгалик аффикси қўшилади.

3. Равиш ҳоли бўлиб келади (жуда оз учрайди). Бунда қ а й т а р з д а? сўроғига жавоб бўлади: *Эшон раиснинг олдида пилдираб, икки гапнинг бирида ун кулдириб, о ё қ у ч и д а елиб-югуриб, бирпасда бутун ҳовлига, шийпонга файз киргизди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Ўрин келишигида келиб, ўрин маъносини англаган сўз асосан феъл негизига, қисмангина бошқа туркум сўзига тобеланади. Шу келишикда келиб, пайт маъносини англаган сўзнинг феълдан бошқа туркум сўзига тобеланиши камдан-кам учрайди:

1) *Бор, йўқ* сўзларига тобеланади: *Хуринисо гапир аётган гапларнинг ичид а тўғриси ҳам бор* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Менинг идорада яна бирон соатлик ишим бор* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

2) Тасвирий гапда буюм маъносини англададиган сўзга боғланади: *Уш!... Фақат бир оз букчайган, узун соқоли оқарган, у с т и д а ўзига кенг жигар ранг т у ж у р к а, ...б о ш и д а эски пилотка, о ё ф и д а солдатча ботинка* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

3) Лавозим маъносини англададиган сўзга боғланади: *Хуринисо бу ерда, «Бўстон» колхозид а ҳам боғча мудири* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Қаландаров Ворошилов колхозид а бригадир, Хуринисо ипакчилик звеносининг бошлиғи бўлган экан* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Б. Тўлдирувчи бўлиб келади (Бу вазифаси миқдор жиҳатидан иккинчи ўринда туради). Ўрин келишигида тўлдирувчи бўлиб келадиган от кўпинча н и м а д а?, қисмангина к и м д а? сўроғига жавоб бўлади.

Ўрин келишигидаги тўлдирувчидан уч хил маъно англашилади:

1. Ҳаракат қаратилган объект маъноси англашилади (Бу маъно кўп учрайди): *Носиров ўрнидан туриб, хайрлашгани қўл берди, унга оқ йўл, и ш д а муваффақият тилади* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Колхозга яқинлашган сайин унинг зеҳнида тажрибасизлик ваҳимаси чўкиб, Қаландаров билан ишлай олиш-олмаслик ваҳимаси юзага қалқий бошлади* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

2. «Биргалик» объекти маъноси англашилади. Бу маънода ўрин келишиги билан кўмакчисининг шундай маъносига синоним бўлади. Бунда «биргалик» маъноси ўта мавҳум ифодаланади, чунки ўрин келишиги мавҳум тушунчани англададиган сўзга қўшилиб келади: *Саида гап тамом бўлди деган х а ё л д а ўрнидан турмоқчи эди, Носиров тўхтатди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *«Қифоятхоннинг қўли тегмайди, Эшонни юборинг!»—деди Хуринисо бошқа гап сифмай диган оҳангда* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Қаландаров шу жимликни бузиш мақсадида... «Бизнинг Эшон кабобпазларнинг пири...» — деди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

3. Ҳаракатни бажаришда восита бўладиган объект англашилади. Бунда келишик формаси конкрет предметни англададиган

негизга қўшилади (оз учрайди): *Мезбон ичкари уйдан би р в а з а д а конфет олиб чиқди* (А. Қаҳҳор).

Ўрин келишигидаги сўз кесим вазифасида оз ишлатилади. Кесим вазифасидаги бундай сўз ҳол, тўлдирувчи сўроғига жавоб бўлаверади. Гап шу келишикдаги сўз билан тугани сабабли, шундан кейин феъл билан ифодаланган кесим йўқлиги сабабли, ҳол ёки тўлдирувчи сўроғига жавоб бўлишидан қатъи назар, бундай сўз кесим деб қаралади: *Чол ўшандан бери шу ерда* (А. Қаҳҳор). *Ҳамма иллат отамда* (А. Қаҳҳор). *Қаландаров ҳамон ўша кайфиятдами ёки кейинчалик ўйлаб, феълидан тушдимми?* (А. Қаҳҳор). *Саида ўшанда неча ёшда бўлса экан?* (А. Қаҳҳор).

Кесим вазифасидаги сўз ҳол ёки тўлдирувчи (иккинчи даражали бўлак) вазифасидаги сўздан форма жиҳатидан кескин фарқ қилади: иккинчи даражали бўлак вазифасидаги сўзда келишик сўзнинг грамматик шаклланишидаги охириги, тугалловчи форма бўлса, кесим вазифасидаги сўзда келишикдан кейин тусловчи қўшилади: *шу ердан, шу ердасан; неча ёшда бўлсам экан? неча ёшда эдинг?* каби.

Ўрин келишигидаги сўз кесим вазифасида келганида эгага келишик формаси воситасида тобеланмайди, балки тусловчи воситасида боғланади (мослашади). Демак, кесим вазифасидаги сўзда ўрин келишиги тобеликни кўрсатмайди, бу эса келишик учун одатдаги (бирламчи) вазият эмас, албатта.

Ўрин келишигидаги сўз ҳол, тўлдирувчи вазифасида келганида ҳоким лексемага (Бу—феъл негизи бўлади) шу келишик формаси воситасида тобеланади. Демак, бунда келишик синтактик мохиятига мос вазиятда бўлади.

Ўрин келишиги формасида келиб, пайт маъносини англатадиган сўз феъл негизига боғланади. Ўрин ёки объект маъносини англатганида эса асосан феълга, қисман бошқа туркум сўзига боғланади ёки ўзи кесим вазифасида келади.

Олмошлар ўрин келишигида қуйидагича ишлатилади:

1) Оғ олмошлар келишикни оғ каби қабул қилади: . . . *қ а с р д а д и р кўргандай бўлди* (А. Қаҳҳор). *Ҳ а р қ а е р д а колхоз учун талашиб-тортишди* (А. Қаҳҳор). *У ш а оннинг ўзида гапиролмади* (А. Қаҳҳор).

2) Сифат олмошлар келишикни отлашганда олади. Масалан, қуйида кўрсатиш олмошлари ютлашиб, ўрин келишиги формасида келган: *У ш а н д а қаншари ёрилган эди* (А. Қаҳҳор). *Ҳ а ё л и ш у л а р д а бўлса керак* (А. Қаҳҳор). *Кўчага чиқса, ҳаммининг кўзи ўшанда* (А. Қаҳҳор).

Вазифа жиҳатидан отлардаги ҳолатни қайтаради: ҳол (ўрин, пайт ҳоли), тўлдирувчи, кесим бўлиб келади (Мисоллари юқорида).

Ҳаракат номи — феълнинг от формаси, шунга кўра доим бирор келишикда келади. Ўрин келишигидаги ҳаракат номи одатда ҳол (асосан пайт ҳоли) бўлиб келади: *У м е ҳ м о н к у т и ш д а айтиладиган бир дунё гапни тез-тез ва бир нафас билан тўкиб ташлади*

(А. Қахқор). *Қайси йили Шоҳимардондан қайтишда...*
(А. Қахқор).

Сифатдош ўрин келишигида келганида ютлашади ва пайт ҳоли бўлиб келади (Бу — актив вазифалардан бири). Бундай вазифада -ган формасидаги сифатдош ишлатилади: *Саида борганда раис ҳамон ўшандай, сўрида оёғини осилтириб ўтирар эди* (А. Қахқор). *Хотини билан подручка қилиб кетаётганида орқасидан кўрган киши Эшонни Кифоятхонга осиб қўйибди дейди* (А. Қахқор). *Оғир уруш шароити бўлишига қарамай колхоз икки йил деганда оёққа босди* (А. Қахқор). Биринчи мисолда икки составли гап, иккинчи мисолда бир составли гап ўрин ҳоли бўлиб келган. Охири мисол булардан бир оз бошқача: феъл тушиб қолиб (*икки йил бўлди ёки ўтди → икки йил*), пайт ҳоли сақланган ва бу эллиптик қисм деганда воситаси билан гўё яна қайта пайт ҳолига айлантирилган: *икки йил деганда*. Демак, аслида бу мисол ҳам аввалги мисолдан фарқ қилмайди.

Сон туркумида ўрин келишиги аффикси асли предикатив синтагмага қўшилади: *соат ўн → соат ўнда* каби. Сўзлашув нутқида, айниқса диалогда эга (*соат*) кўпинча тушиб қолади: *ўнда келаман* каби.

Ўрин келишиги формасининг қаратувчили бирикмага қўшилиши ҳам учрайди: *Тўртта хонанинг учтасида биз яшаймиз, биттасида бошқа оила туради* каби. Бундай ишлатишларда отлашиш юз беради.

Умуман, ўрин келишигининг отдан бошқа туркумларда ишлатилиши у қадар кўп эмас. Булар ҳам кўпинча от компонент қатнашган бирикма ёки гап бўлади.

Келишик формасида маълум маъно тараққиётига учраб, янги, мустақил мундарижа ва вазифа кашф этиш ўрин келишиги формасидаги сўзла ҳам анчагина учрайди. Бу келишик аффиксини олган сўз ўз туркумидан ажралиб чиқиб, қўйидаги туркум сўзига айланади:

1. Равишга айланади. Булар асли турли туркум сўзлари бўлиб чиқади:

1) Асли пайт билдирувчи отнинг бир сўзи билан бирикувига тенг бўлади (*бирпасда* каби), чек-чегара маъносини англатадиган от бўлади (*ниҳоятда* каби): *У бирпасда талай гап гапириб ташлади* (А. Қахқор). *...эшик секин очилди-ю, Арслонбек Қаландаровнинг шопдай мўйлови ниҳоятда ярашган озғин юзи кўринди* (А. Қахқор).

2) Асли масофа англатадиган сифат бўлади: *Тоҳир Носиров район партия комитетининг секретарлигига яқинда сайланган бўлиб, ...* (А. Қахқор).

3) Асли ҳолат равиши бўлади: *тезда* (Бу ҳолат равиши чиқиш келишиги формасида яна бошқа бир равишга тенг: *тездан*): *Ундан тезда тайинлик бир ишора бўлмагандан кейин...* (А. Қахқор).

2. Қўмакчига айланади: *ҳақида, тўғрисида* (Булар актив), *хусусида, борасида, тарзида, йўсинида, бобида* (Булар пассив) каби: *Урушга кетган ўғли тўғрисида қора хат келди* (А. Қаҳҳор). *Бу тўғрида эртадан кейин гаплашамиз* (А. Қаҳҳор). *Сенинг тўғрингда анчагина яхши гаплар гапирди* каби. Мисоллардан кўринадики, бу қўмакчилар от, отлашган сўз, кишилиқ олмоши билан бирлашганида эгалик аффикси олиб келади, кўрсатиш олмоши билан бирлашганида эса эгалик аффиксиз ишлатилади.

3. Модал сўзга айланади: *Ҳар ҳолда, эс-эс билади: ўша оқшом ой жуда ҳам катта чиққан эди* (А. Қаҳҳор).

ОТ ТУРКУМИДА ЛЕКСЕМА ЯСАШ ВА ЛЕКСЕМА ТУЗИШ

Луғат бойлигининг кўп қисмини от туркумига мансуб лексемалар ташкил қилади. Энг тез ва сезиларли даражада бойиб боровчи туркум ҳам шу. Ҳозир ўзбек тили луғатини бойитишнинг актив ва прогрессив усули—рус тилидан ўзлаштириш. Бундай ўзлаштирмалар рус тилининг ўз материали ёки рус тили учун ҳам ўзлаштира бўлиб, одатда интернационал характерга эга бўлади. Умуман дунё тили сифатида, СССРдаги барча миллат ва халқларнинг иккинчи она тили сифатида рус тили, бошқа тиллар қатори, ўзбек тили луғатининг бойишига ҳам катта ҳисса қўшаётир. Буни аниқ-са от туркумининг бойишида яққол кўрамиз.

Қардош миллатларнинг луғатида муштарак қатламнинг орта боришига олиб келиши жиҳатидан ҳам, оз куч сарфлашни талаб қилиши жиҳатидан ҳам ўз ясашидан кўра ўзлаштириш прогрессив усул ҳисобланади. Вақтли матбуот орқали *экран, зал, область, фильм, кинотеатр, практика, метод* каби юзлаб сўзлар қаторига *перевижка, установка, марка (пўлат маркаси)* каби янги-янги ўзлаштирмалар қўшилаётир.

Калькаләш ҳам луғатни бойитишдаги асосий усуллардан бирига айланган. Калька турли даражада бўлади:

а) Тўлиқ калька. Бунда бошқа тилдаги луғавий бирлик англаган маъно ўзлаштирилади, ўша маънони англаувчи луғавий бирликнинг морфематик тузилишидан нусха олиб, ўзлаштирувчи тил материали асосида лексема тузилади: *чернить+ница — сибҳ+дон, показа+тель — кўрсат+кич, связь+ист — алоқа+чи* каби. Булар қаторига шу тип янги-янги калькалар қўшилаётир: *призёр — совриндор* каби.

б) Ярим калька. Бунда қисмма-қисм нусха кўчириш сақланадигу, аммо морфемаларнинг бир қисми ўша тил материали билан, бир қисми ўзлаштирувчи тил материали билан ифодаланади: *авантюрачи, агентлик, виночилик, гримхона, авиамоторсозлик* каби. Бу-

лар қатори ҳам янги-янги калькалар билан ортиб бормоқда: *автохўжалик, микрожониворлар* каби.

Калькалаш том маънода ўз яшаш ҳам, ўзлаштириш ҳам эмас. Ҳақиқий калькада қисмлар сунъий равишда бирлашади, масалан, *умумхалқ, бутуниттифоқ* сўзларида бўлгани каби. Бу сўзлар таркибидаги биринчи қисм иккинчи қисмга сунъий равишда қўшилган: ҳозирги ўзбек тилида *умум* шаклидаги сўз йўқ (*умумий, умуман* бор); *бутун* сўзига бундай «сифатловчи» бўлиб келиш хос эмас. *Қўлэзма* калькасида ҳам худди шундай.

Калькалаш йўли билан ҳосил қилинган отларда маъноли қисмлар ўзаро ўзлаштирувчи тилнинг қонун-қондаси бўйича қўшилади: *лечбеница — шифохона, кораблестроитель — кемасоз, моряк — денгизчи, заготовитель — заготовкachi, гегельянство — гегельчилик* каби. Мисолларни диққат билан кузатсак, калькалашда оддий нусха кўчириш билан чекланилмай, ижодий ёндашиш ҳам мавжудлигини кўрамыз. Шунга кўра бундай калькалар ўз яшаш деб юритилувчи ҳодисага яқинлашадн.

Луғавий бирлик лексемага ёки лексемадан йирик номинатив бирликка тенг бўлади. Масалан, *кун, тошқин, бойчечак, хотин-халаж* кабилар лексемага тенг, *меҳнат дафтарчаси, омонат кассаси, қишлоқ хўжалиги, олмошлаб экиш* кабилар эса лексемадан йирик номинатив бирликлардир.

Лексемадан йирик номинатив бирликлар турғун бирикмалар деб юритилади. Бундай номинатив бирлик таркиби алмаштириш ва ўзгартишларга йўл қўймайди, у яхлитлигича маълум луғавий маънони англатиш учун хизмат қилади: *Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси, Олий Совет, Министрлар Совети, халқ контроли, давлат комитети* каби.

Мисоллар кўрсатадики, бундай турғун бирикмалар с ўз+лексема формуласи асосида таркиб топади, яхлитлигича яна негизга тенг ҳолатда бўлади (лексемадан йирик бундай луғавий бирликни шартли равишда лексосинтагма деб номлайлик): сўз+лексема = лексосинтагма: (*Олий X Совет*)-каби.

Бундай от лексосинтагма турловчини (шунингдек, сонловчини; қатнашса, эгалик аффиксини ҳам) нутқда, маълум грамматик маънони ифодалаш, бирор синтактик вазифада келиш муносабати билан олади: *давлат комитети—давлат комитетлари* каби ишлатишда сонлаш категориясининг ҳар хил формасида келса, *давлат комитетида, давлат комитетини* каби ишлатишда келишик категориясининг ҳар хил формасида келади; бундай грамматик формалар бу лексосинтагмага нутқда қўшилади.

Кўринадики, формал ўзгаришлар лексосинтагмага яхлитлигича хос (ташқи кўринишдагина бу формалар охириги лексемага қўшилади). Лексосинтагманинг охириги лексемадан олдинги компонентлари сўзга тенг шаклда бўлиб, бу компонентларда грамматик ўзгариш юз бермайди:

сўз

сўз

сўз

негиз
(лексема)

га

дан

лексосинтагма

Лексосинтагмалар туфайли пайдо бўлган ҳодиса сифатида аббревиатураларни (қисқартмаларни) кўрсатиш лозим. Қисқартиш усули вақт (оғзаки нутқда) ва ўрин (ёзма нутқда) иқтисод қилиш мақсади билан ўйлаб топилган.

Бундай қисқартмаларнинг кўпи рус тилидан ўзлаштирилган, оз қисмигина ўзбек тилининг ўзида тузилган (Мисоллари қуйироқда). Кейингилари асосан калькалаш натижасида юзага келган.

Қисқартмаларнинг асосий кўринишлари:

1) Ҳарфий қисқартмалар. Бунда лексосинтагмадаги ҳар бир сўз-лексеманинг вакили сифатида унинг биринчи ҳарфи олинади:

а) булар бош ҳарф шаклида ёзилади: СССР, ТАСС, БМТ (*Бирлашган Миллатлар Ташкилоти*), ТТЗ (*Тошкент трактор заводи*) каби. Бош ҳарф билан ёзиш атоқли лексосинтагмалардагина эмас, турдошларида ҳам қабул қилинган: АТС (*автомат телефон станцияси*) каби;

б) баъзангина бундай қисқартма кичик ҳарфлар билан ёзилади: вуз (*высшее учебное заведение*) каби.

Ҳарфий қисқартмаларнинг охирги туригина (*вуз* кабилар) фонетик ва график қиёфаси жиҳатидан сўзга ўхшайди, шу сабабли сўз каби уқилади; бошқа тур ҳарфий қисқартмалар шартли равишдагина сўз деб қаралади.

2) Бўғинга тенглашувчи қисмлардан тузилган қисқартмалар. Бунда ҳар бир сўз-лексемадан биринчи бўғин ёки бўғинга тенглашувчи бош қисм олинади ва бу қисмлар қўшиб, шартли сўз тузилади. Ташқи (фонетик ва график) қиёфаси билан булар одатдаги сўзлардан фарқ қилмайди, шу сабабли сўз деб қабул қилинади: обком (*область комитета*), партбюро (*партия бюроси*), завхоз, завком, совхоз каби. Буларнинг одатдаги сўзга тенг деб қаралиши янги лексема яшашда база бўлиб хизмат қилишидан ҳам билинади: колхоз—колхозчи каби.

Бундай тур қисқартмалар калькалаш асосида ҳам тузилган: Узсозсиздат — *Ўздавнашр* (*Ўзбекистон давлат нашриёти*) каби.

3) Бўғинга тенглашувчи қисм билан ҳарфий қисқартмадан тузилганлари ҳам бор: районо (*районное отделение народного образования*), Уз ТАГ (*Ўзбекистон телеграф агентлиги*) каби.

Шуни таъкидлаш керакки, районо кабиларда ҳарфий қисқартмалар кичик ҳарф билан ёзиб юборилган, УзТАГ да эса ҳарфий қисқартма бош ҳарф билан (Т), бўғинга тенглашувчи қисмларнинг биринчиси Уз шаклида (бош ва кичик ҳарф билан) ёзилган, иккинчиси эса АГ шаклида (бош ҳарфлар билан) ёзиб юборилган.

4) Бўғинга тенглашувчи қисм билан лексемага тенг қисм бирла-

шади. Буларнинг кўпчилиги рус тилидан ўзлаштирилган: *агитмашина, авиабаза, автозавод* каби.

Бу тур қисқартмаларнинг баъзиси қисмларга ажралмас даражага етган (ҳозир одатдаги туб лексема деб уқилади): *авторучка* каби.

Юқоридаги тур қисқартмалар ўзбек тилида калькалаш билан ҳам тузилади: *автогонка — автопойга, автосани — авточана* каби.

Калькалашда оригиналдаги маълум маъноли қисмни (русча сифат ясовчини оқончани билан биргаликда) ташлаш усули ҳам учрайди: *авторемонтный завод — авторемонт заводи* каби (Бунда оригиналдаги сифат калькада отга айланади).

Қўринадик, иккинчи, тўртинчи, қисман биринчи ва учинчи пунктларда тасвирланган қисқартмалар ташқи (фонетик ва график) қиёфаси жиҳатидан одатдаги лексемаларга ўхшайди, шу сабабли уларни қисқартма лексемалар деб юритиш мумкин. Қолганларини қисқартма лексема деб эмас, шартли қисқартма лексема деб аташ тўғрироқ.

Қисқартмаларнинг барчасига қарата қўшма терминини ишлатиш ноўрин: қўшма сўз лексемалардан тузилади, қисқартмаларда эса барча қисмлар ёки бирор қисм лексемадан узиб олинган шартли парча бўлади. Бундан қатъи назар, қисқартмаларни қайтадан тўлиқ ҳолига келтирсак, қўшма сўзга тенг бирлик юзага чиқмайди (Бундай birlikларни қўшма сўз деб қарайдиган вақтлар ўтиб кетди), балки турғун бирикма юзага чиқади. Демак, қисқартма қўшма сўз ҳақида эмас, қисқартма турғун бирикма ҳақида гапириш ўринли.

Юқорида тасвирланган қисқартмаларни айрим текст турларида ишлатиладиган шартли қисқартмалардан фарқлаш керак. Масалан; луғат, дарслик, турли қўлланмаларда энг кўп учрайдиган баъзи сўзлар учун, шунингдек, автор, асар номлари учун шартли қисқартмалар ишлатилади: *в. б.— ва бошқалар, Х. Х.— Ҳамза Ҳақиқатда Ниёзий, «Олт. вод. шаб.» — «Олтин водийдан шабадалар»* каби. Бундай шартли қисқартмаларда ҳар бир қисм одатда нуқта билан тугалланади, демак, ажратилади, шунга кўра бундай қисқартма яхлитлигича сўз даражасига кўтарила олмайди.

От лексемалар ўз тузилишига кўра туб, ясама, қўшма, жуфт бўлади.

Лексема ёлғиз лексик морфеманинг ўзига тенг келса, туб лексема бўлади: *кўз, китоб, пахта, ҳосил, саннат* каби.

Лексема лексик морфемага сўз ясаш морфемасини қўшиб ҳосил қилинган бўлса, ясама лексема бўлади: *жангчи, терим, теримчи, озодлик* каби.

Эслатма. Расмий ёки интим муомалада ишлатиладиган хоним лексемаси таркибида форма ўзгарувчи эгалик аффикси қатнашади, аммо бу морфема лексема ясамайди. Шунга кўра хоним кабиларда ясаш ҳақида эмас, семантик-грамматик тараққиёт нати-

жасида рўй берадиган морфологик соддалашиш ҳақида гапириш ўринли.

Лексема сўз билан лексемани (ёки сўз билан сўзни) тобеллик асосида ўзаро боғлаш усули билан тузилган бўлса, қўшма лексема бўлади: *тоғолча, оқсоқол, мингоёқ, гурскетти* каби.

Э с л а т м а. *Оқ соқол, тўрт бурчак* каби айтиш ва ёзиш синтагмага хос, лексема эса қўшиб айтилади ва ёзилади.

Лексема бир хил грамматик формада келган икки лексемани тенглик асосида ўзаро бирлаштириш усули билан тузилган бўлса, жуфт лексема бўлади: *бахт-саодат, нон-насиба, эгачи-сингил* каби.

Кўринадики, лексема яшаш бор ва лексема тузиш бор. Лексема яшашда маълум бир лексема ясовчи морфема қатор лексик морфемаларга индивидуал равишда қўшилиб, янги лексемаларни юзга келтиради, бунда ўзаро морфемалар бирлашади, морфологик акжюз беради. Масалан, *трактор+чи—тракторчи, табелчи, чеканкачи, прицепкачи* кабиларда лексема ясовчилик вазифасини *-чи* морфемаси бажарган, у ҳар гал бошқа-бошқа лексик морфемага қўшилиб, янги лексема ҳосил қилган. Шундай қолип асосида, агар лозим бўлса, яна кўплаб лексемалар яшаш мумкин. Демак, айни бир лексема ясовчи ёрдамида бир қанча лексема ясалади.

Лексема тузишда эса қўшилувчи қисмлар ҳар гал индивидуал танланади: *қўлқоп, канакунжут* каби. Агар қўшилувчи қисмлардан бири (одатда охириги) бир қанча лексемалар таркибида қатнашса, бундай қисм лексема ясовчига ўхшаб қолади, кўп лексемалар таркибида такрорланса, лексема ясовчига айланиши ҳам мумкин. Масалан, ҳозирги ўзбек тилида, мустақил *хона* лексемаси билан бир қаторда, лексема ясовчи даражасидаги *-хона* ҳам бор: *чайхона, ошхона, касалхона, меҳмонхона, дарсхона, кутубхона, қироатхона, шифохона* каби. Асли бу ерда икки лексема асосида янги бир лексема тузиш воқе бўлади. Аммо иккинчи лексеманинг қатор лексемалар таркибида қатнашуви уни лексема ясовчи даражасига тушириб қўяди (аффиксоид ҳақида гапириш мумкин бўлади).

Лексема тузишда лексик морфемалар қатнашади, аниқроғи, қўшма лексемада сўз билан лексема ёки сўз билан сўз боғланади, жуфт лексемада эса икки сўз бирлашади; ҳар икки усулда тузилган от яхлитлигича лексемага тенг бўлади: (*ерёнғоқ*)-, (*озик-овқат*)-каби.

Ясама от

Лексемага лексема ясовчи морфемани қўшиш йўли билан ҳосил қилинган отга ясама от дейилади. Лексема ясовчи морфема бунда сўзга эмас, негизга қўшилади, бундай негиз лексема яшаш негизи деб юритилади:

(*адабиёт-* + *-чи*)-

лексема,
туб

лексема
яшаш не-
гизи

(*бил-* + *-им*)-

лексема,
туб

лексема
яшаш не-
гизи

лексема, ясама лексема

лексема, ясама лексема

Лексема яшаш негизи ўз таркибига кўра турлича бўлиши мумкин:

1) Лексик морфемага (ўзакка) тенг бўлади: *алоқа+чи*, *бич+иқ* каби; лексема ясовчи бўлиб аффиксоид ҳам келади: *иш+хона*, *шарт+нома* каби.

2) Лексик морфема (ўзак) ва лексема ясовчидан таркиб топган бўлади: (*бич+иқ*)+*чи*, (*газ+ла*)+*ма* каби. Лексема ясовчи деб ҳар гал охирги морфема (бу мисолларда *-чи*, *-ма* морфемаси) ажратилади, чунки янги лексемани ана шу аффикс ҳосил қилади. Лексема ясовчилар иккитадан ортиқ қатнашуви ҳам мумкин, шунда ҳам янги лексема яшаш вазифасини охиргиси бажаради: [(*бич+иқ*)+*чи*]+*лик* каби.

Лексема+лексема ясовчи аффиксоид+лексема ясовчи аффикс турини ҳам шу ўринда кўрсатиб ўтиш керак: (*дори+хона*)+*чи* каби.

3) Лексик морфема ва форма ясовчидан таркиб топган бўлади: (*иси+т*)+*ма*, (*айир+ув*)+*чи* каби.

Биринчи, иккинчи пунктлардаги мисолларда лексема яшаш негизи таркибида грамматик морфема қатнашмайди, учинчи пунктда эса қатнашади. Демак, лексема ясовчи морфема, бевосита лексик морфемага қўшилишидан ташқари, форма ясовчи морфемадан кейин ҳам қўшила олади. Бунда лексема яшаш негизи таркибида грамматик кўрсаткич келади, бундай негиз соф лексема ҳолатида эмас, балки лексик морфема+маълум грамматик характеристика ҳолатида намоён бўлади.

4) Баъзан [(лексик морфема+лексема ясовчи)+форма ясовчи]+лексема ясовчи каби таркиб топган ясама от ҳам учрайди: [(*йўл+а*)+*в*]+*чи*, [(*бош+қар*)+*ув*]+*чи* каби.

5) Лексема яшаш негизи сифатида қўшма лексема ҳам келади: *асал X ари*)+*чи*, (*бахти X ёр*)+*лик* каби. Бу ерда янги лексема қўшма лексемадан ясалади, қўшма лексема эса шу ердаги ясалиш туфайли эмас, балки унгача тузилган. Демак, бу ерда фақат аффиксация мавжуд (композиция ҳақида эса *асалари*, *бахтиёр* лексемаларининг таркиб топишига нисбатан гапириш лозим).

Э с л а т м а. *Асаларичи* кабилардан *йўлбошчи* кабиларни фарқлаш керак. Биринчисида *-чи* аффикси қўшма лексемага қўшилади: (*асал X ари*)+*чи* каби; иккинчисида эса аффикс қўшма лексеманинг иккинчи қисмига мансуб бўлади: [(*йўл*) X (*бош+чи*)] каби.

Демак, биринчи мисол ясама отга, иккинчи мисол эса қўшма отга тенг.

6) Лексема яшаш негизи бўлиб баъзан жуфт лексема ҳам келади: (*сиҳат-саломат*) + *лик* каби.

7) Такрорнинг баъзи турлари ҳам лексема яшаш негизи бўлади: (*биз-биз*) + *ак*, (*шар-шар*) + *а* каби.

8) Лексема яшаш негизи сифатида баъзан бирикма ҳам келади: (*беш йил*) + *лик* → *бешйиллик* («пятилетка»), [(*кўп минг килограмм*) + *чи*] + *лик* *ҳаракати* каби. Демак лексема ясовчининг қўшилиши бу ўринда бирикмани яхлит ҳолатга келтиради. Лексема ясовчини қўшиш билан лексема ҳосил бўлар экан, бирикманинг қисмлари қўшиб ёзилиши шарт бўлиб қолади. Кўринадики, бу ерда аффиксация бирикмани лексема ҳолатига ўтказди.

От яшаш негизи сифатида қуйидаги туркум лексемалари хизмат қилади:

1. Феъл лексема келади. Бунда қуйидаги ясовчилар қўшилади:

1) -*к* (-*қ*, -*ик*, -*иқ*, -*уқ*, -*ак*, -*оқ*): *безак*, *истак*, *йўргак*, *бодроқ*, *бутоқ*, *бўёқ*, *кемтик*, *йўриқ*; *кекирик*, *ёриқ*, *бичиқ*, *кесатиқ*; *буйруқ*; *бўлак*, *кесак*; *ётоқ* каби. Бу ясовчи форма ясовчидан (даража кўрсаткичидан) кейин ҳам қўшилади: *бостириқ*, *келишиқ* каби. (Сифат ясовчи -*к* (-*қ*) аффикси ҳам бор: *бўртиқ*, *бўрсиқ* каби.)

2) -*м* (-*им*): *билим*, *битим*, *бичим*, *босим*, *бўлим*, *кесим*, *боғлам* каби.

Кўринадики, бу ясовчи туб лексемага ҳам, ясама лексемага ҳам қўшилади.

3) -*ма*: *айирма*, *бўғма*, *кенгашма*, *бирикма*, *газлама*, *димлама*, *тенглама*, *боғлама*, *жамғарма*, *иситма*, *бостирма*, *ачитма* каби.

Кўринадики, бу ясовчи туб ва ясама лексемага, шунингдек, орттирма кўрсаткичини олган лексемага ҳам қўшилади.

Эслатма. -*ма* асли сифат ясовчи: *айланма* (*йўл*), *ағдарма* (*ёқа*) каби. Сифатланмишсиз ишлатилиш, отлашиш орқали кўпинча отга ўтиш юз беради: *бўғма* (касал турнинг номи), *бостирма* (бино турининг номи) каби. Бу аффикс янги ясалишларда от ясовчи бўлиб ҳам, сифат ясовчи бўлиб ҳам хизмат қилади: *тенглама* (уравнение), *ясама* (производное) каби.

4) -*ин* (-*ун*, -*он*): *қорин*, *қўшин*, *биқин*, *тиқин*, *ёғин*, *йиғин*, *бўғин*; *туғун*; *тўзон* каби. Кўринадики, бу аффикс бир бўғинли туб лексемага қўшилади. (Тилимизда феълдан сифат ясовчи -*ин* аффикси ҳам бор: *тўқин* *ёз*, *тўқин* *ой*, *соғин* *сигир* каби).

5) -*қин* (-*қун*, -*ғин*, -*ғун*): *босқин*, *тўсқин*, *тошқин*; *учқун*; *қузғин*, *қирғин*; *юлғун* каби. Бу ясовчи ҳам бир бўғинли туб лексемага қўшилади. (Асли сифат ясовчи бўлган бу аффикс ҳозир ҳам сифат ясайди: *жўшқин*, *озғин*, *қизғин*, *турғун* каби).

6) -*ғич* (-*қич*, -*ғич*, -*кич*): *қирғич*, *йўчирғич*; *қисқич*, *тутқич*; *кулдирғич*, *ўтказғич*; *кўрсатқич* каби. Кўринадики, бу аффикс ўтимли феъл лексемага қўшилади, агар у ўтимсиз бўлса, орттирма аффиксини олиб ўтимлилашгач қўшилади: *қир*- (*нимани*) + *ғич*; *ўт* + *каз*- (*нимани*) + *ғич* каби. Асосан туб лексемага, баъзан ясама

лексемага қўшилади: (боғ+ла)+ғич каби. (Асли сифат ясовчи бўлган бу аффикс ҳозир ҳам шу вазифада келади: бошланғич мактаб, қақшатғич зарба, йиртқич ҳайвон каби).

7) -чи: а) Тўғридан-тўғри лексемага қўшилади: чўм+ич, ўп+ич, чек (чак)+ич каби; б) асли таркибида ўзлик даража кўрсаткичи бор лексемага қўшилади: ишонч, севинч, ўтинч, қувонч, юпанч, соғинч, таянч каби (юпат-юпан каби зидланишнинг мавжудлиги бундай лексемалар таркибидаги -н асли ўзлик даража кўрсаткичи эканини тасдиқлайди. Бундай ясама лексемаларда ясовчи деб -(и)нч қисмини ажратиш мумкин эмас, чунки шундай ажратишдан кейин қолган қисм мустақил маъно ташийвермайди: ишо-, юпа-, соғ-, қув- каби. Сев- — севин-, ўт- — ўтин- кабиларда эса зил қўйилувчилар ўзаро семантик боғланишини йўқотган; тая- — таянч кабилардагина бош (ўтим) даража — ўзлик даража муносабати ўз кучини сақлайди, аммо бу ерда ҳам лексема ясовчи деб -ч ажрати-лиши лозим).

8) -(и)нди: ювинди, йиғинди каби. Бу аффикс сифат ҳам ясайди: асранди бола каби.

*9) -қи (-ғи, -ғу, -ки, -ғи): чопқи, ачитқи; ёнилғи, томизғи; туйғу, урғу, чолғу; тепки, туртки; кулги, сезги, супурги каби. Қўринадики, бу аффикс даража ясовчидан кейин ҳам қўшилади. (Сифат ясовчи -қи аффикси ҳам бор: вайсақи, ўйноқи каби).

10) -қоқ (-как, -гак): ботқоқ, эшкак, илгак каби.

11) -дақ (-доқ): кекирдақ, югурдақ, қовурдоқ каби.

12) -чиқ: қабарчиқ каби. Бу аффикс ўзлик даража кўрсаткичидан кейин ҳам қўшилади: ёпинчиқ, суянчиқ каби.

13) -чак : бурчак, кемирчак каби. Бу аффикс ўзлик даража кўрсаткичидан кейин ҳам қўшилади: беланчак каби.

14) -мачоқ: бекинмачоқ, айланмачоқ каби. Мисоллар кўрсатадики, бу ясовчи ўтимсиз лексемаларга қўшилади.

15) -из : бўғиз каби.

16) -миқ : буламиқ каби.

17) -т (-ит, -ат, -от) : қурт (қури+т), чиқит, кўчат, ўлат, сизот каби. Мисоллар кўрсатадики, бу ясовчи ўтимсиз туб лексемаларга қўшилади.

18) -миш : ўтмиш, қилмиш каби.

19) -килик (-ғилик) : ичкилик, кўргилик каби.

20) -моқ (-мак) : илмоқ, қуймоқ, чертмак каби. Бу аффикс ҳозирги ўзбек тилида асосан ҳаракат номи формасини яшашда хизмат қилади.

21) -ши (-иши): эмлаши, тораиши, қурилиши, кўриниши, огоҳлантириши каби. Бу аффикс ҳам ҳозирги ўзбек тилида асосан ҳаракат номи формасини ясайди.

22) -в (-ув); синов, ўстов, ундов; тинтув, қуришов, уқув каби. Бу аффикс ҳам ҳозирги ўзбек тилида асосан ҳаракат номи формасини ясайди ва б.

2. От яшаш негизи бўлиб сифат лексема келади. Бунда қўйидаги ясовчилар қўшилади:

1) *-чи* : қизиқчи, эскичи каби. Бунда асли сифатдан отга кўчиш воқе бўлади: *ёлгончи, ағлочи, бекорчи* каби.

2) *-ча* : қизилча, кўкча, олача каби.

3) *-а* : бўза, қуйқа каби.

4) *-лик* : шодлик, хотиржамлик, далиғуллилик, сиҳат-саломатлик каби.

5) *-чилик* : арзончилик, боғдорчилик каби.

6) *-гарчилик* : бемаънигарчилик, бемазагарчилик каби ва бошқалар.

3. От яшаш негизи бўлиб сон лексема келади (жуда оз учрайди):

1) *-лик* : тўртлик, бирлик каби.

2) *-чи* : бешмингчи (асли: беш минг килограммчи). Бу жуда оз учрайди.

4. От яшаш негизи бўлиб равиш лексема келади (оз учрайди):

1) *-лик* : тезлик каби.

2) *-чилик* : камчилик каби.

5. От яшаш негизи бўлиб бор, йўқ лексемалари келади:

1) *-лиқ* : борлиқ, йўқлиқ. (*Борлик, йўқлик, камлик, унчалиқ, ўқиганлик* кабиларда *-лик* аффикси форма ясовчи бўлиб келади).

2) *-чилик* : йўқчилик каби.

3) *-сил* : йўқсил (архаик) каби.

6. От яшаш негизи бўлиб тақлид лексемаси келади:

1) *-ак* : варрак, гулдурак, бизбизак, дардарак каби.

2) *-а* : жизза, дўмбира, дағдаға, васваса каби.

7. От яшаш негизи бўлиб от лексема келади. Бунда қуйидаги ясовчилар қўшилади:

1) *-чи*: ёрдамчи, зенитчи, зиёратчи, ашулачи; бичиқчи, айирмачи; дорихоначи, асаларичи, водопроводчи каби.

Э с л а т м а. *-чи* асли сифат ясовчи бўлиб, ҳозир от лексемага қўшилганида от ясовчи деб қаралади. *Ёрдамлашувчи* каби лексемалар таркибида *-чи* аффиксининг сифат ясовчи экани аниқ сезилиб туради.

2) *-лик*: аъзолик, авторлик, биродарлик, гувоҳлик, декадентлик, жарлик, балиқчилик, ирқчилик, воситачилик, гулчилик, бўёқчилик, ёзувчилик; заргарлик, дорбозлик, дарахтзорлик каби.

Э с л а т м а. *-лик* сифат ясовчиси ҳам мавжуд: *қ и ш л и к пальто, ш а ҳ а р л и к йиғит, к ў й л а к л и к шерсть* каби. Булардан ташқари, форма ясовчи *-лик* ҳам бор эканини юқорида таъкидлаган эдик: *у ч о й л и к курс, б о р а о л м а г а н л и г и д а н хижолатда* каби.

3) *-чилик*: ипакчилик, байрамчилик, деҳқончилик, доячилик, йиғитчилик каби.

4) *-гарлик*: ёмғиргарлик каби (оз учрайди).

5) *-гарчилик*: исрофгарчилик, ёғингарчилик, вайронгарчилик каби.

6) *-дош*: йўлдош, асрдош, ватандош каби.

7) *-зор*: гулзор, бодомзор, арчазор, анжирзор каби.

8) *-дон*: гулдон, сиёҳдон каби.

9) -лоқ: *ўтлоқ* каби ва бошқалар.

Э с л а т м а. Асли «кичик» маъносиини англатадиган *-ин (-ун), -чи, -ка, -ак (-оқ)* каби аффикслар қатнашган лексемаларда ҳам баъзан янги лексемага айланиш воқе бўлади: *бўй — бўйин, дуд — тутун, бўйин — бўйинча, тақсим — тақсимча, йўл — йўлка, йўл — йўлак, ич — ичак, бош — бошоқ* каби.

Юқоридаги аффикслардан ташқари, от лексемага қўшилиб, от ясаш вазифасини қуйидаги аффиксонлар ҳам бажаради:

1) *-хона: ётоқхона, босмахона, ишхона, дарвозахона* каби.

2) *-нома: айбнома, илтимоснома, ижозатнома* каби.

✓3) *-бон: боғбон, дарвозабон* каби.

✓4) *-кор: бинокор, бастакор* каби.

✓5) *-боз (-воз): дорбоз, ишқивоз* каби.

✓6) *-хўр: ижарахўр, пивоҳўр* каби.

✓7) *-каш: арракаш, меҳнаткаш* каби.

✓8) *-шунос: адабиётшунос, арабшунос* каби.

• 9) *-дўз: дўппидўз* каби.

✓10) *-соз: соатсоз* каби.

11) *-паз: кабобпаз* каби.

12) *-вачча: амакивачча, аммавачча* каби.

13) *-гоҳ: жангоҳ, оромгоҳ* каби ва бошқалар.

8. От ясаш негизи бўлиб *-в* ҳаракат номи формасидаги феъл лексема келади:

1) *-чи: бошқарувчи, айбловчи, боғловчи, бўлинувчи* каби.

2) *-чилик: етишмовчилик, англашилмовчилик, келишмовчилик* каби ва бошқалар.

Лексема ясовчилар қандай маъноли от ясашига кўра ҳам тасниф қилинади. Шу асосда от ясовчилар аввало иккига группаланади: конкрет маъноли от лексемани ясовчилар ва абстракт маъноли от лексемани ясовчилар.

1. Конкрет маъноли от лексемани ясовчилар ўз навбатида қуйидаги уч турга бўлинади:

1. Шахс маъносили от лексемани ясовчилар:

1) *-чи* аффикси. Бу аффикс қўшилган негизнинг семантикасига боғлиқ ҳолда «шахс» маъносига «мансуб»лик (*ленинчи, динамочи*), «машғул»лик (*бетончи, сурнайчи, йилқиччи, кўкчи, ўқитувчи*) каби маънолар қўшилади.

Биринчи эслатма. *Балиқчи* (қуш номи), *ниначи* (ҳашарот номи) каби ясаишларда ҳам *-чи* асли шахс оти ясайди, бу ерда гўё жонлантириш (киши деб тасаввур қилиш) воқе бўлади.

Иккинчи эслатма. *Суюнчи, томчи* кабиларда ясовчи деб *-чи* қисмини эмас, балки *-и* қисмини ажратиш тўғрироқ бўлар: *суюнчи+и, том[и]чи+и* каби.

2) Шахс маъносили от лексема *-дош* аффикси билан ҳам ясади: *курсдош, йўлдош* каби. (Бу аффикс асли сифат ҳам ясайди: *маслакдош, қуролдош, ундош* каби).

3) Тарихан шахс маъносили от лексема *-вул* аффикси билан ясалган: *қоровул, баковул, ясовул* каби.

4) Тожик тилидан ўзлашган аффиксонларнинг кўпчилиги ҳам шахс маъносили от лексема ясашга хизмат қилади: *тарозибон, қасоскор, маишатбоз, меросхўр, чилдирмакаш, ҳуқуқшунос, этикдўз, кemasоз, сомсапаз* каби.

2. Нарса-қурол маъносили от лексема ясовчилар:

1) Феълдан от ясовчи *-гич, -дак, -чиқ, -чак, -мачоқ, -из, -миқ, -т, -моқ* каби аффикслар: *чизгич, қовурдоқ, сунчиқ, кемирчак, топишмачоқ, илмоқ* ва б.

Бу тип аффиксларнинг бир қанчаси, нарса-қурол отигина эмас, балки ҳолат-ҳаракат оти ҳам ясайди (қуйидаги мисолларнинг биринчиси нарса-қурол отига, иккинчиси эса ҳолат-ҳаракат отига келтирилди): *бодроқ* ва *кесатиқ, бостирма* ва *бирлашма, қорин* ва *йигин, юлғун* ва *қирғин, ювинди* ва *йигинди, чолғу* ва *туйғу* ва б. Демак, айни бир аффикснинг ҳар хил семантик турга мансуб от лексема ясай олиши ясовчиларни узил-кесил бир семантик турга киритиб бўлмаслигини кўрсатади.

2) Сифатдан от ясовчи *-ча, -а* аффикслари (*қизилча, бўза* каби), тасвир лексемасидан от ясовчи *-ак, -а* аффикслари (*бизбизак, дўмбири* каби), отдан от ясовчи *-дон* аффикси ҳам (*туздон, кулдон* каби) нарса-қурол маъноли от лексема ясайди ва б.

3. Урин-жой маъносили от лексема ясовчилар:

1) *-лоқ, -қоқ, -зор, -стон* аффикслари: *тошлоқ, ботқоқ, токзор, қабристон* каби.

2) *-хона, -гоҳ* аффиксонлари: *музхона, сайилгоҳ* каби.

II. Абстракт маъноли от лексемани ясовчилар ўз навбатида икки турга бўлинади:

1. Ҳолат-ҳаракат маъносили от лексемани ясовчилар:

1) Феълдан от ясовчи *-м, -ч, -миш* аффикслари: *тўплам, қўрқинч, қилмиш* каби. Бу тип аффиксларнинг бир қанчаси нарса-қурол оти ҳам ясашга хизмат қилишни юқорида таъкидланган эди.

2) Шу турга шартли равишда *-ш, -в* ҳаракат номи формасини ясовчиларни ҳам киритиш мумкин: *қарғиш, тинтув* каби (Буларда ҳаракат номи формасида отга ўтиш воқе бўлади) ва б.

2. Белги-ҳолат маъносили от лексема ясовчилар:

1) *-лик* аффикси: *ишсизлик, юзгалик, тезлик, йўқлик, биродарлик* каби.

2) *-чилик: хафачилик, қудачилик* каби.

3) *-гарчилик: намгарчилик, муттаҳамгарчилик* каби.

4) *-килик: кўргилик* каби.

5) *-нома* аффиксоиди: *айбнома* каби ва б.

От ясовчиларни яна бир нуқтаи назардан — ўз ясовчи ёки ўзлашган экани жиҳатидан ҳам группалаш мумкин. Ўзлашган ясовчилар икки ҳолатда бўлади:

1) Қабул қилинган лексема таркибида ясовчи сифатида уқилди, аммо ўзбек тили манбаида лексема яшаш вазифасини бажармайди. Масалан, *-ист, -изм, -анг* аффикслари: шундай вазиятда: *марксист, марксизм, курсант* каби.

2) Ўзбек тили манбаида ҳам лексема яшаш вазифасини ўтай-

ди Масалан, тожик тилидан ўзлаштирилган аффиксоидларнинг кўпчилиги шундай хусусият кашф этган: *хаскаш — чизмакаш, зардўз — этикдўз, чорвадор — ярадор* каби.

Ясовчилар ҳозирги ўзбек тилида янги лексема ҳосил этишда қатнашуви жиҳатидан ҳам ҳар хил бўлади:

а) продуктив ясовчилар. Булар ҳозирги ўзбек тилида янги лексема ҳосил этишда хизмат қилади. Масалан, *-чи, -дош, -ма, -ғич, -м, -лик, -чилик* аффикслари, *-хона, -кор, -соз, -шунос, -фуруш* аффиксоидлари ҳозирги кунда ҳам янги лексема яшаш вазифасини ўтайди. Булардан *-чи, -ма, -лик, -хона, -кор* кабиларни сермахсул ясовчилар, қолганларини эса каммахсул ясовчилар деб аташ мумкин;

б) нопродуктив ясовчилар. Булар ясовчи сифатида қатор лексемалар таркибида қатнашади-ю, аммо ҳозирги кунда янги лексема ясовчилик вазифасини ўтамайди. Масалан, *-вул, -дак, -из, -ин* каби аффикслар шулар жумласига киради.

Хуллас, тилимизда мавжуд от ясовчиларнинг барчаси янги лексема яшашда бирдек қатнашавермайди. Турли даврда уларнинг актив-пассивлиги турлича бўлади. Ҳозирги ўзбек тили луғатида от лексемаларнинг бойишига, ўзича ўзлаштириш, калькалаш билан бир қаторда, продуктив аффикс ва аффиксоидлар билан яшаш ҳам муҳим ҳисса қўшади.

Юқоридаги параграфларда от лексемани бирор ясовчи қўшиб яшаш ҳақида гапирилди. Бу ўрнида бошқа бир ҳодиса — семантик, тараққиёт асосида бир лексемадан иккинчи бир лексеманинг ўсиб чиқиши ҳақида гапирмоқчимиз. Масалан, лексик маънони метонимия йўли билан кўчиришнинг баъзи турларида лексик маънолар ўзаро ҳар хил туркумга мансуб бўлиб қолади, натижада улар грамматик жиҳатдан ҳам фарқланади, демак, семантик ҳамда грамматик планда ўзаро фарқ қилувчи икки лексема пайдо бўлади, омонимия вужудга келади. Бундай жараённи ички ясалиш ёки конверсия деб юритиш қабул қилинган. Бунинг ўзбек тилидаги баъзи кўринишлари қуйидагилар:

1) Ҳаракат маъносини англатувчи лексеманинг (феълнинг) маъно тараққиёти билан предмет маъносини англатадиган лексема (от) пайдо бўлади: *кўч(моқ) — кўч, кенгаш(моқ) — кенгаш, кураш(моқ) — кураш* каби. Бунда ҳаракат ва шу ҳаракатнинг объекти, ҳосиласи муносабати акс этади.

2) Белги маъносини англатувчи лексеманинг (сифатнинг) маъно тараққиёти билан предмет маъносини англатадиган лексема (от) пайдо бўлади: *кўк* (ранг номи) — *кўк* («кўкат»), *кўк* («осмон») каби.

Умуман, булар ҳозирги ўзбек тилида продуктив эмас.

Қўшма от

От лексема тузиш усулларидадан бири сўз билан лексемани ёки сўз билан сўзни тобелик асосида ўзаро боғлаш бўлиб, бу усул

билан ҳосил қилинган от қўшма от деб юритилади. Демак, қўшма отлар тилимизда мавжуд синтактик қолиплар асосида тузилади. Шунга кўра қўшма отларни у ёки бу синтагмага тенглаштириш, у ёки бу синтагмадан ўсиб чиққан деб изоҳлаш мавжуд. Тўғри, қўшма отларнинг кўпчилиги асли синтагмага тенг бўлган, тараққиёт натижасида қўшма от даражасига етган, лексемага айланган. Шу билан бир қаторда, қўшма отнинг бевосита мавжуд қолини асосида тузилишини ҳам инкор этиб бўлмайди. Масалан, *мингоёқ* тарихан маълум тип синтагма асосида тузилган, кейинчалик лексемага айланган дейиш мумкиндир, аммо *учбурчак* каби яқинда пайдо бўлган қўшма отлар «синтагмадан лексемага» тараққиёт босқичини ўтмай, тўғридан-тўғри қўшма от тузиш қолипи асосида ҳосил қилинган.

Шунингдек, *отбоқар* балки синтагмадан ўсиб чиққандир, аммо ҳозир пайдо бўлган *бузоқбоқар*, *чўчабоқар*, *товуқбоқар* кабилар тайёр қолип асосида тузилди.

Ҳар икки ҳолда ҳам қўшма отнинг қисмларини ўзаро синтактик алоқага киришиб турган лексемалар (сўзлар) деб бўлмайди: улар сўз (лексема) шаклида бўлади-ю, аммо ўзинча сўзга (лексемага) тенг бўлмайди; улар биргаликда қўшма от лексема ҳосил қилади. Шу сабабли қўшма отнинг қисмларини лексема—компонент, сўз—компонент деб юритиш маъқулроқ.

Қўшма от тузишда аввало иккита қолипини фарқлаш керак:

I. Сўз+лексема қолипи.

II. Сўз+сўз қолипи.

Қўшма отларнинг кўпчилиги биринчи қолип асосида тузилади.

Бу қолипларнинг ҳар бири икки кўринишда учрайди:

1. Ташқи грамматик шаклланишгача махсус форма ясовчи қатнашмайди: (*калтакесак*) + сон формаси + келишик формаси каби.

2. Ташқи грамматик шаклланишгача махсус форма ясовчи қатнашади: [(*каллакес*)ар] + сон формаси + келишик формаси каби (қуйироққа қаранг).

Булардан қатъи назар, биринчи қолип асосида тузиладиган қўшма отлар ўз тузилишига кўра қуйидагиларни эслатади:

1) Сифатловчи-сифатланмиш синтагмасини эслатади: *каттақўрғон*, *итбалиқ* каби. Шаклан шу турга мансуб баъзи қўшма от лексемалар асли жуфт от бўлган, талаффузда ва ёзувда жуфтлик ҳолати акс эттирилмаганлиги натижасида улар қўшма от ҳукмига ўтиб қолган: *каллапоча* (асли: *калла-поча*), *Замбилгалтак*, *Белкуррак* каби.

2) Қаратувчи-қаралмиш синтагмасини эслатади: *бедапоя*, *қўқонгул* каби. Бу тип қўшма от лексемаларнинг баъзисида фонетик ўзгариш ҳам юз берган. Масалан, *билагузук* қўшма отида биринчи компонент охиридаги жарангсиз ундош ўзидан кейинги унли таъсирида жарангиллашади (регрессив аккомодация). Мана бу мисолда эса иккинчи компонент бошидаги ундош товуш биринчи компонентдаги худди шундай товуш таъсирида ўзгаради (икки

портловчидан бири сирғалувчига ўтади, дистант диссимилияция воқе бўлади): *бошбоғ*→*бошвоғ*.

Кўринадики, ҳар икки тур қўшма от лексемалар бирикма қолипи асосида тузилади: тобе компонент сўз ҳолатида, ҳоким компонент эса лексема ҳолатида бўлади, иккиси биргаликда от лексемага тенг келади. Буни схемада шундай кўрсатиш мумкин:

(*катта* × *қўрғон*)-

сўз лексема

қўшма от лексема

Қаратувчи-қаралмиш синтагмасини эслатувчи баъзи қўшма отларда иккинчи компонент III шахс эгалик аффикси билан келади: *бузоқбоши*, *карвонбоши*, *синфбоши* каби. Натижада эркин бирикмага ўхшашлик кучли бўлади. Асли қаралмишга қаратувчининг шахс-сонига мувофиқ ҳолда қўшиладиган бу грамматик форма қўшма от юзага келгач, ўз грамматик моҳиятини йўқотади, лексеманинг доимий таркибий қисмига айланади.

Қаратувчи қаратқич келишигининг белгисиз шаклида келиб, қаралмиш нисбатловчи билан келадиган бирикмалар жуда кўп («Қаратқич келишиги» баҳсига қаранг). Бундай бирикмалар хоҳ эркин, хоҳ турғун бўлсин, улар таркибидаги сўз—компонент ва лексема—компонент алоҳида-алоҳида айтилади ва ёзилади: *пахта терими*, *иш ҳақи*, *билим юрти* каби.

Шундай тузилишли қўшма отнинг компонентлари эса қўшиб айтилади ва ёзилади: *сўзбоши*, *девонбеги* каби. Булар ажратиб айтилса ва ёзилса, лексемага эмас, синтагмага (бирикмага) тенг бўлиб қолади (Шу нуқтада нмломизга аниқлик киритиш зарурияти бор).

3) Асли тўлдирувчи-тўлдирилмиш синтагмасига тенг бўлиб, яхлитлигича ҳаракат номи формасини олади, кейинчалик феълликнинг бу от формасида отга ўтади: *дунёқараш*, *ишташлар* каби.

Худди юқоридаги тип синтагма -р сифатдоши формасини олиб, атрибутив формага киради, сифатланмишсиз ишлатилиш натижасида отлашади, кейинчалик отга ўтади: *каллакесар йигит*→*каллакесар* каби.

4) Асли ҳол-ҳолланмиш синтагмасига тенг бўлади, яхлитлигича сифатдош формасини олиб, атрибутив формага киради, сифатланмишсиз ишлатилиш натижасида отлашади, кейинчалик отга ўтади: *бешотар милтиқ*→*бешотар* каби.

Чивин турларидан бирини англлатувчи *искабтопар* қўшма оти ҳам асли ҳол-ҳолланмиш синтагмасидан юқоридаги йўл билан ўсиб чиққан.

Э с л а т м а: *Ишлабчиқариш* («производство») қўшма оти қўшиб айтилади ва ёзилади; *ишлаб чиқармоқ* қўшма феъли (демак, *ишлаб чиқариш* ҳаракат номи ҳам) ажратиб айтилади ва ёзилади (Бундай тип қўшма феъл ҳам асли ҳол-ҳолланмиш синтагмаси

қолипи асосида тузилади). Қовун турларидан бирини англатувчи *босволди* лексемаси эса асли мустақил феъл+кўмакчи феъл конструкциясига тенг бўлиб, аниқлик майлининг *-ди* замон формасида отга ўтган. Бундан ташқари, бу от лексемани жонли талаффуз асосида айтиш ва ёзиш қабул қилинган: *босиб олди* → *босди* | *б олди* → *босволди*. Бу ерда *и* унлиси редукциялашади, б портловчиладан бири *в* сирғалувчисига алмашади (дистант диссимляция).

Сўз+сўз қолипи асосида тузиладиган қўшма от лексемалар асли гапга тенг бўлади:

1) Эга-кесим синтагмасини эслатади: *ғўштқуйди* каби.

2) Тўлдирувчи-тўлдирилмиш синтагмасини эслатади; бунда предикатив синтагмага яхлитлигича қўшилади, уни атрибутив формага киритади: (*ич*×*кет*)+*ар* каби.

3) Ҳол-ҳолланмиш синтагмасини эслатади; бунда ҳолланмиш кесим каби шаклланган бўлади: *гурскетти* каби.

4) Кесим билан ундалмадан иборат бўлади: «*Ерилтош*» каби ва б.

Алоҳида типни *ичкетар*, *бўйўсар* каби лексемалар ташкил қилади. Буларнинг биринчи компоненти бош келишиқдаги сўзга тенг (*ич*, *бўй*), шунга боғланувчи феъл эса асли кесим каби шаклланиши лозим (*кегади*, *ўсади* каби). Юқоридаги тип мисолларда бундай предикатив синтагмани атрибутив формага киритиш зарурияти билан *-р* сифатдош формаси қўшилган. Бунинг учун эса кесимдаги тусловчи (III шахс тусловчиси) ташланган, *-а* замон ясовчиси *-р* сифатдош ясовчисига алмаштирилган (бу билан аниқ феълдаги замон маъноси сақлаб қолинган):

<i>ич</i>	<i>кет</i>	<i>а</i>	<i>ди</i>
		↓	↓
<i>ич</i>	<i>кет</i>	<i>ар</i>	—

Асли *-р* сифатдош формаси иккинчи компонентга эмас, балки предикатив синтагмага яхлитлигича қўшилади, уни атрибутив формага киритади: (*ич*×*кет*)+*ар* каби.

Демак, бу ерда предикатив синтагма (гап) сифатловчи (бўлак) вазифасига мос формага киради (*ичкетар касал*), сифатланмиш ташланмиш, отлашниш юз беради (*ичкетар*), кейинчалик эса отга ўтиш воқе бўлади.

Қўшма от лексемаларнинг компонентлари сифатида қуйидаги туркум лексемалари қатнашади:

1. Сифатловчи-сифатланмиш синтагмаси қолипи асосида тузилган бўлса:

1) От+от. Булар кўпчиликни ташкил қилади; биринчи от иккинчисига белги сифатида келтирилади:

а) сифатий белгисини англатади: *бойчечак*, *заркокил*, *бободсҳ-қон* каби;

б) ўхшатишга асосланган белгини англатади: *канақунжут*, *аж-даргул*, *девпечак* каби.

2) Сифат + от: *калтакесак каби*.

3) Сон + от: *бешбармоқ, бешқарсак каби*.

2. Қаратувчи-қаралмиш синтагмаси қолипи асосида тузилган қўшма от лексемалар от + от муносабатини акс эттиради: *айиқтовон, гулчамбар, зиғирпоя каби*. Бунда биринчи компонент англаган предмет иккинчи компонент англаган предметга нисбат берилади (мисоллари юқориди); агар биринчи компонент ўрин маъносини англата олса, ўринга нисбатлаш ифодаланади: *маккажўхори каби*.

3. Тўлдирувчи-тўлдирилмиш синтагмаси қолипи асосида тузилган қўшма от лексемалар от + феъл муносабатини акс эттиради: *дунёқараш, каллакесар каби*.

4. Ҳол-ҳолланмиш синтагмаси қолипи асосида тузилган қўшма от лексемалар:

1) Сон + феъл муносабатини акс эттиради: *бешотар каби*.

2) Феъл + феъл муносабатини акс эттиради: *искабтопар, ши-лабчиқариш* («производство») каби.

5. Эга-кесим синтагмаси қолипи асосида тузилган қўшма от лексемалар от + феъл муносабатини акс эттиради: *гўштқуйди, бўйўсар каби*.

6. Тўлдирувчи билан кесимдан таркиб топган қўшма от лексемалар ҳам от + феъл муносабатини акс эттиради: *киривди каби*.

7. Ҳол билан кесимдан таркиб топган қўшма от лексема тасвирий сўз + феъл муносабатини акс эттиради: *гуркетти каби*.

8. Кесим ва ундалмадан таркиб топган қўшма от лексема феъл + от муносабатини акс эттиради: «*Очилдастурхон*» каби ва бошқалар.

Қўшма от лексемаларнинг тожикча ўзлаштирмаларда рўй берган яна бир тури бор: тожикча синтагма (изофали бирикма) ўзбек тилида лексемага тенг деб уқилади, натижада қўшиб айтиш ва ёзиш лозим тошлади: *диликантар* (узум турининг номи), *дардисар* каби.

Бу мисолларнинг биринчиси таркибидаги ҳар икки лексема ўзбек тилида мустақил ишлатилади. Иккинчи мисол таркибидаги иккинчи лексема эса ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди. Демак, *дардисар* кабиларни қўшиб айтиш ва ёзишга асос бор. Аммо *диликантар* кабиларни қўшиб ёзиш изофани (ўзга тил системасига хос грамматик формани) уқмаслик туфайлигина мумкин.

Асли ўзбек тилига бундай тожикча синтагма ўзлашиб кетса, одатда изофа ташланади, натижада асли синтагмага тенг бирликнинг компонентлари қўшма сўз тарзида қўшиб айтилади ва ёзилади: *гулбеор, гулхайри, жойномоз, гулҳамишабахор каби*. Бундай товуш ташлаш қўшиб айтиш ва ёзиш ҳуқуқини беради. *Гултожи-хўроз* лексемасида изофани бир ўринда ташлаш (гарчанд изофа иккинчи ўринда сақланса ҳам) қўшиб айтиш ва ёзиш учун етарли асос бўла олган.

Э с л а т м а: Ўз тили нуқтаи назаридан қўшма, аммо ўзбек тили нуқтаи назаридан содда деб қаралувчи от лексемалар ҳам ан-


чагина. Бундай отларнинг таркибидаги лексемалар ёки улардан бири ўзбек тили нуқтаи назаридан мустақил лексема деб қаралмайди, шу сабабли бундай от биттадан ортиқ лексемадан тузилган дейилмайди, демак, қўшма эмас, содда лексема деб талқин қилинади: *вассалом (ва ас-салом), гулоб* каби.

Аэропорт, антициклон кабилар ўзбек тилида тузилмаган, балки қўшма лексема ҳолатида ўзлаштирилган. Буларнинг таркибидаги қисмлар аниқ ажралиб туради, лекин биринчи қисм ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди.

Жуфт от

От лексема тузиш усулларида бири бир хил грамматик формада келган икки лексемани тенглик асосида ўзаро бирлаштириш бўлиб, бу усул билан ҳосил қилинган от жуфт от деб юритилади: *имо-ишора, ақл-ҳуш* каби.

Жуфтлашувчи қисмлар орасидаги тенглик муносабати ёзувда дефис билан кўрсатилади. Талаффузда бу қисмлар тенг фонетик чўққига эга бўлади, айни вақтда иккиси ягона лексик урғу ёрдамида лексема бўлиб бирлашади:



Э с л а т м а. Тенглик эмас, балки тобелик асосида тузилган *булка нон* кабиларни жуфт сўз деб қараш нотўғри, булар — сифатловчилик бирикма: *оби нон, гижда нон, ёпган нон, булка нон; жайдари ун, синька ун* каби.

Тенглик муносабатининг кўрсаткичи сифатида баъзан қисмлар орасида *-у(-ю)* юкламаси (боғловчиси) келади (аммо бунда жуфтликдан уюшиқликка томон силжиш юз беради, шунга кўра боғловчи ишлатиш меъёридан ошмаслиги керак): *тўй-у томоша, ёр-у биродарларимиз* каби. Ҳозирги имлода бундай вазиятдаги юкламани (боғловчини) олдинги қисмга қўшиб ёзиш тавсия қилинади: *тўю томоша, ёру биродар* каби. Имло қондаларини унификация қилишда шу нуқтага эътибор бериш керак (Қиёс қилинг: *Атрофи тоғ-у, аммо баланд эмас.— Тоғу тошда ойлаб қолиб кетамиз*. Асли ҳар икки ҳолда ҳам юклама-боғловчи дефис билан ёзилгани маъқул).

Жуфт от сифатида бирлашувчи қисмлар айни бир туркумга мансуб ва айни бир грамматик формадаги лексемалар бўлади. Кўпинча икки от жуфтлашади, бунда ҳар бир қисм бирлик ва бош келишик формасидаги, эгалик аффикси олмаган сўз ҳолатида қатнашади; яхлитлигича эса от лексемага тенг бўлади: сон, келишик (қатнашса, нисбатлаш) категорияларининг формалари шу жуфт

от лексемага нутқда яхлитлигича қўшилади: (арз-дод) + имиз + ни, (ичак-човоқ) + лар + и + дан каби.

Э с л а т м а. Грамматик ўзгариш жуфт отнинг ҳар икки қисмида содир бўлади деган хато фикр бор: *болам, бўтам деб, ўзини ўтга, чўққа урди* кабилар жуфт сўзга эмас, уюшиқ бўлакка тенг (Буларни *болам-бўтам, ўтга-чўққа* шаклида дефис билан ёзиш ўзини оқламайди).

Икки от жуфтлаша, жуфт от тузилавермайди, у бошқа туркумга ўтиши ҳам мумкин. Масалан, *тун-кун, кеча-ю кундуз* жуфт сўзлари от эмас, балки равнш. Демак, жуфт сўзнинг туркумини компонентлари қайси туркум сўзи эканидан келиб чиқиб эмас, балки жуфт сўздан яхлитлигича англашиладиган маънога суяниб белгилаш лозим. Феълларнинг, сифатларнинг жуфтлашиб, отга ўтишида ҳам худди шу талабга амал қилинади (Қуйироққа қаранг).

Қирқ беш ёшдагидай мош-биринч соқол (Ғ. Ғулом) гапидаги *мош-биринч* ҳам от эмас, балки сифат: бу ерда мошнинг ва гурунчининг ранги кўзда тутилаётир (предмет тушунчасидан эмас, белги тушунчасидан келиб чиқиляётир).

Икки сифат ёки равнш бош формасида (грамматик аффикс олмагаи формасида) жуфт отга ўтади: *иссиқ-совуқ, оқ-қора, кам-кўст* каби. Булар ҳам отга хос грамматик формаларни яхлитлигича нутқда олади: *Меҳмонимизнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб туриш, кам-кўстини кейинроқ бир ёқлик қилармиз* каби.

Феъллар жуфтлашиб, от тузилганида ҳам жуфтлашувчи қисмлар феълликнинг айни бир функционал формасида бўлади, яхлитлигича от лексемага тенглашади ва нутқда отга хос грамматик формаларни олади. Ҳаракат номи — феълликнинг субстантив формаси, шу сабабли жуфт от кўпинча ҳаракат номи формасидаги феъллардан тузилади: *юриш-туриш, ёзув-чизув, емоқ-ичмоқ* (*Емоқ-ичмоқдан ҳеч камлигинг йўқ* каби). Булардан *-ш* формаси актив, қолган иккиси эса пассив.

Жуфт от аниқлик майли, буйруқ майли формасидаги икки феълдан ҳам тузилади: *келди-кетди, борди-келди, ур-йиқит* каби. Кўринадики, бу ерда ҳам жуфтлашувчи сўзлар айни бир грамматик формада бўлади, жуфтлашгач, бу грамматик формалар ички форма ҳолатига ўтади, жуфт от лексема эса грамматик формани нутқда олади: (*Келди-кетди*)нинг *охири кўринмайди* каби.

Э с л а т м а. Юқорида феъл сўзлардан жуфт отнинг тузилиши ҳақида гапирдик. Икки мустақил феълдан тузилган жуфт феълларда эса унинг биринчи қисми *-б* равишдоши формасида бўлади, иккинчи қисми лексемага тенг келади, ҳар иккиси грамматик формани яхлитлигича нутқда олади: (*бичиб-тўқи*)дим, (*бичиб-тўқи*)ганинг билан; (*қўллаб-қувватла*)япти, (*қўллаб-қувватла*)шидан каби.

Тасвирий сўзлар ҳам жуфт от ҳосил қилади: *ади-бади, қий-чув* каби.

Жуфтлашувчи қисмлар семантик мундарижага эгаллиги жиҳатидан турлича бўлади:

1. Ҳар икки қисм семантик мундарижага эга бўлади. Бунда:

1) Ҳар икки қисм ҳозирги ўзбек тилида ишлатиладиган сўз бўлади. Кўпчиликни шулар ташкил қилади: *чўзма-чалпак, ўйин-кулги, ака-ука, қозон-товоқ* каби.

Ҳол-аҳвол, сир-асрор каби жуфт отларнинг қисмлари асли айни бир арабча сўзнинг бирлик ва кўплик формаларига тенг, бироқ ўзбек тили нуқтаи назаридан уларнинг ҳар бири мустақил (бошқа-бошқа) сўз деб қаралади.

2) Иккинчи қисми ҳозирги ўзбек адабий тилида мустақил ишлатилмайди, бу сўз:

а) архаизм бўлади: *туз-намак, кўча-кўй* каби;

б) эски сўз бўлади: *эл-улус, идиш-оёқ* каби.

2. Фақат биринчи қисми семантик мундарижали сўз бўлади, иккинчи қисм сифатида маълум товуш ўзгариши билан биринчи қисмнинг ўзи келади. Бунда иккинчи қисм семантик мундарижали сўз ҳолатидан чиқади, биринчи қисмнинг гўё соясидек қатнашади: *иш-пиш, чанг-чунг* каби.

Маза-матра, шўрва-шулти каби жуфт отларда ҳам иккинчи қисм ўзича семантик мундарижага эга сўз эмас; айни вақтда уни биринчи қисмнинг фонетик сояси деб ҳам бўлмайди. Буларни ҳар икки қисми семантик мундарижали жуфт отлар қаторига қўшини тўғрироқдир.

3. Ҳар икки қисми семантик мундарижаси йўқ сўз бўлади: *қақир-қуқур, иқир-иқир* каби. Буларда ҳам асли биринчи қисм тасвирий сўзга ўхшаб кетади, иккинчи қисм эса биринчи қисмнинг фонетик соясига тенг бўлади.

Жуфт отлар ўзбекча сўзлар асосида ҳам, ўзлаштира сўзлар асосида ҳам тузилади:

1) ўзбекча + ўзбекча: *от-улов, она-бола, кўрпа-ёстиқ* каби;

2) ўзбекча + ўзлаштира:

а) ўзбекча + арабча: *куч-қувват, ўй-хаёл* каби;

б) ўзбекча + тожикча: *туз-намак* каби;

в) ўзбекча + русча: *кисса-кармон* каби;

3) ўзлаштира + ўзбекча (тожикча + ўзбекча): *савдо-сотик, гап-сўз* каби;

4) ўзлаштира + ўзлаштира (арабча + арабча): *ҳисоб-китоб* каби.

Мисоллар кўрсатадики, туркий тилга (ўзбек тилига) хос лексема тузиш усули, ўз сўзлардан ташқари, ўзлаштира сўзларга ҳам татбиқ қилинади.

Жуфтлашнинг семантикага асосланади: ҳар қандай икки сўз жуфтлашавермайди; жуфтлашувчи сўзлар семантик жиҳатдан ўзаро боғлиқ, алоқадор бўлиши керак. Жуфт отларда:

1. Ҳаро боғлиқ, яқин предметларнинг, ҳаракатларнинг номлари жуфтлашади: *ичак-қорин, юз-кўз, юз-қўл, оёқ-қўл, ур-йиқит* каби.

2. Бутун билан бўлак (қисм) муносабатини акс эттирувчи сўзлар жуфтлашади: *гап-сўз, идиш-товоқ, ой-кун* каби.

3. Синонимлар жуфтлашади: *йй-хаёл, ор-номус* каби.

4. Антонимлар жуфтлашади: *савол-жавоб, эркак-аёл, келди-кетди, оқ-қора* каби.

Мустақил сўз+шунинг фонетик сояси формуласи асосида жуфтлаш жуда актив йўл бўлиб, буларни деярли ҳар бир от асосида тузиш мумкин; шунга кўра бу тур жуфтликни тил бирлигидан кўра нутқ бирлиги деб талқин қилиш тўғрироқ: *сетка-петка, дафтар-сафтар* каби.

Тилда бундай фонетик сояларни ҳосил этиш қолиплари бор, ана шу қолиплар билан истаган от асосида жуфтлик тузаверамиз. Бунда қуйидагича фонетик жараёнлар юз беради:

1. Агар сўз унли товуш билан бошланса, фонетик соясида бу унли товуш олдига ундош товуш қўшилади: *овқат-повқат, илон-милон, ирим-чирим* каби.

2. Агар сўз ундош товуш билан бошланса, фонетик соясида шу ундош бошқа ундошга алмаштирилади: *нон-пон, китоб-митоб, мева-чева* каби.

Мисоллардан кўринаднки, товуш қўшишда ҳам, товуш алмаштиришда ҳам айни бир ундош товушлар хизмат қилади (*п, м, ч, с* ва бошқалар). Жуфт отларнигина эмас, барча жуфт сўзларни кўзда тутсак, бундай товушлар ўнга етади (Энг активлари — юқоридаги тўрт товуш).

3. Сўз таркибидаги унли товуш бошқа бир унли товушга алмаштирилади. Бу фонетик ўзгариш асосида «кенг унлидан тор унлига», «лабланмаган унлидан лабланган унлига» формуласи ётади (асосан *a→y* ҳолати учрайди): *чанг-чунг, жаз-жуз, қарз-қурз* каби.

Агар сўз кўп бўғинли бўлса, биринчи бўғинидаги унли ўзгаради: *халта-хулта* каби. Икки бўғинли тасвирий сўзларда эса ҳар икки бўғинидаги унли ўзгаради: *тапир-тупур, тарақ-туруқ* каби. Баъзан биринчи қисм охирига *a* унлиси ҳам орттирилади: *шарақа-шуруқ, тарақа-туруқ* каби.

4. Ҳам ундош қўшилади, ҳам унли алмаштирилади (*майда-чуйда* сифатидаги каби). Бундай жуфт от тузиш жуда оз учрайди. Масалан, *эски-туски* жуфт оти *t* товушини қўшиш ва лабланмаган *э* унлисини лабланган *y* унлисига алмаштириш билан тузилган.

Жуфт отлар жамлик маъносини ифодалаш учун хизмат қилади. Жуфт отларнинг турларига кўра бу жамлик маъноси ҳар хил бўлади:

1. Ҳар икки қисми мустақил сўзлардан тузилган жуфт отларда:

1) Жуфт отнинг маъноси шу икки компонент англатган маъноларининг йиғиндисига тенг бўлади, жуфтлик ифодаланади: *она-бола, маҳси-кавиш, борди-келди* каби.

2) «Шу икки компонент англатган предмет ва шунга ўхшаш бошқа предметлар» маъноси ифодаланади. Бунда жуфт отнинг маъноси компонентларининг маъноси йиғиндисидан кенг бўлади:

қозон-товоқ («ошхонада ишлатиладиган буюмлар»), *сабзи-пиёз* («сабзавот экинлари»), *ур-йиқит* («тўполон») каби. Демак, бундай жуфт отларда ноаниқ жамлик маъноси ифодаланади («шулар ва яна шунинг кибилар»).

2. Биричи қисмигина семантик мундарижали жуфт отларда, шунингдек, ҳар икки қисми ўзича семантик мундарижасиз жуфт отларда ҳам ноаниқ жамлик маъноси ифодаланади: *тўп-пўп*, *иқир-чиқир* каби. Юқоридаги пунктдан фарқли ҳолда, бу тур от лексемада салбий муносабат ҳам ифодаланиб туради: сўзловчи ўзи англатаётган предметга гўё камситиб, менсимай қарайди. Қиёс қилинг: *Овқатинг борми?— Овқат-повқатинг борми?*

Жуфт лексема қисмлари орасидаги алоқа тенгликка асосланган бўлса-да, бу қисмларнинг жойлашувида эркинлик кўпинча бўлмайди. Демак, кўпчилик жуфт отларда таркибидаги қисмларнинг ўрни ҳақида гапирини лозим, тартиби ҳақида эса қисмлари олдин-кетин алмашиб жойлашуви мумкин бўлган жуфт отлардагина гапирини ўзини оқлайди.

Масалан, *маҳси-кавуш — кавуш-маҳси*, *чой-нон — нон-чой*, *танга-чақа — чақа-танга* каби жуфт отларда қисмларини икки хил жойлаб ишлатиш мавжуд. Бу ерда ҳам асосий, актив тартибда ва иккиламчи тартибда жойлашуви фарқ қилиш керак. Қайси тартибда жойлашув одатда семантик талаб асосида белгиланади: қайси бири таъкидланмоқчи бўлса, ўшаниси олдин жойлаштирилади. Агар *танга-чақа* деб ишлатсак, кўпи танга экани, *чақа-танга* деб ишлатсак, кўпи чақа экани таъкидланади.

Кўпчилик жуфт отларда юқоридагича тартиб эркинлиги йўқ. Бундай мисолларни кузатиш кўрсатадики, жуфт от компонентларининг жойлашуви аввало семантик талабга бўйсунди.

Семантик талаб асосида жойлашув деб қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Кенг ишлатиладиган, демак, барчага тушунарли сўз—компонент олдин жойлашади:

1) Ўз ва ўзлаштира сўз жуфтлашса, ўз сўз кўпинча олдин жойлашади: *лаб-даҳан* каби (Баъзан акси ҳам учрайди: *савдо-сотиқ* каби; бу ерда ўз сўздан кўра ўзлаштира сўз тилимизда актив ишлатилади).

2) Замонавий ва замондош сўз (шунингдек, эски сўз) жуфтлашса, замонавий сўз олдин жойлашади: *тенг-қур*, *йигит-яланг*, *кўча-кўй* каби.

2. Бутун билан бўлак муносабатини акс эттирувчи сўзлар жуфтлашса, бутуннинг номи олдин жойлашади: *гап-сўз*, *вақт-соат(и)* каби.

3. Жинс билдирувчи отлар жуфтлашса:

1) Ҳар хил жинсни билдирса, олдин эркак жинсини, кейин аёл жинсини билдирувчи сўз жойлашади: *эркак-аёл*, *эр-хотин* каби.

2) Бир хил жинсни билдирса, олдин катта ёшлигини, кейин кичик ёшлигини англатувчи сўз жойлашади: *хотин-қиз* каби. Ҳозир-

дан тарихга қараб борилса, аксинча ҳам жойлашади: *ота-бобо* каби.

4. Қариндошлик билдирувчи отлар жуфтлашса:

1) Ҳар хил жинсни билдирса, олдин эркак жинсини, кейин аёл жинсини билдирувчи сўз жойлашади: *чол-камшир, ота-она, ўғил-қиз* каби.

2) Бир хил жинсни билдирса:

а) олдин катта ёшлигини, кейин кичик ёшлигини англатадиган сўз жойлашади: *ака-ука, опа-сингил* каби. Жинсни фарқлаб кўрсатмайдиган қариндошлик отларида ҳам шу қондага амал қилинади: *ота-бола, она-бола, эвара-чевара* каби;

б) олдин эр томонини, кейин хотин томонини билдирадиган сўз жойлашади: *амма-хола* каби.

5. Феъллардан тузилган жуфт отларда ҳам унинг қисмлари семантик талаб асосида жойлашади: *қўйди-чиқди, келди-кетди* каби (Кетish учун аввал келиш керак; кимдир қўяди, иккинчиси чиқади).

6. Сифатлардан тузилган жуфт отда ҳам шундай: олдин ижобий белгини, кейин салбий белгини англатувчи, олдин тасдиқни, кейин инкорни ифодаловчи сўз келади: *оқ-қорани таниган киши, бор-йўгимдан айрилдим* каби.

7. Сўз ва унинг фонетик соясида тузилган жуфт отларда, фонетик соя (семантик мундарижаси йўқ қисм), табиий, иккинчи ўринда жойлашади: *идиш-пидиш, доғ-дуғ, латта-путта* каби.

Жуфт от компонентларининг формал талаб асосида жойлашуви деб қўйидагиларни санаш мумкин (Булардаги истиснолар юқорида таъкидланган семантик талаб таъсири билан юзага келади):

1. Жуфтлашувчиларда бўғин миқдори ҳар хил бўлса, оз бўғинлиси олдин жойлашади: *соч-соқол, чанг-тўзон, йўл-йўриқ, қурт-қумурсқа* каби (Ваъзан акси ҳам учрайди: *кийим-бош, қариндошируғ* каби. Булар семантик талаб асосида изоҳланади).

2. Жуфтлашувчилар тенг бўғинли бўлса:

1) Унли билан бошланувчи сўз олдин келади: *ўйин-кулги* каби. (Ҳар икки қисми мустақил ҳолда маъно англатмайдиган жуфт отларнинг *икир-чикир* каби типини ҳам шу қондага мос ҳолда тузилади).

2) Ҳар иккиси ундош билан бошланганда:

а) ҳар иккиси жарангсиз билан бошланса, портловчи билан бошланувчи сўз олдин жойлашади: *тўрва-халта* каби (Аксинча ҳам жойлашаверади: *сабзи-пиёз* каби);

б) бири жарангли, иккинчиси жарангсиз билан бошланса, жарангли билан бошланувчиси олдин жойлашади: *бош-кўз, қуюқ-суюқ* каби (Аксинча ҳам жойлашаверади: *сигир-бузоқ, соқол-мўйлов, савол-жавоб* каби).

Мисолларни кузатиш кўрсатадики, жуфт от қисмларини жойлаштиришда формал талабга агар у семантик талабга зид келмасagina амал қилинади. Формал талаблардан бўғинга асосланувчи талабнинг мавқеи кучлироқ.

Давр ўтиши билан жуфт от содда отга тенглашуви мумкин. Бунда жуфт от таркибида морфологик соддалашув рўй беради, жуфт сўз қисмлари маълум фонетик ўзгаришларга учраб, ўзаро қўшилиб кетади. Масалан, ҳозир содда сўз каби қўшиб айтиладиган ва ёзиладиган *оғайни* сўзи асли *ога-ини* жуфт отидан ўсиб чиққан. Ўзидан катта ёки кичиклиги поиниқ кишига мурожаатда ишлатилган бу жуфт лексема содда сўз сифатида «биродар» маъносини англатади. Талаффузда иккинчи сўз бошидаги *и* товуши *й* товушига айланган, бу билан тўрт бўғинли жуфт лексема уч бўғинли содда лексемага тенглашган.

Шунингдек, *типратикан* сўзи ҳам асли жуфт отдан содда отга айланган. Асли *кирпи-тикан* шаклида жуфтлашган икки сўз қатор фонетик ўзгаришлардан кейин *типратикан* шаклига кирган: а) иккинчи қисм бошидаги *т* товуши таъсирида биринчи қисм бошидаги *к* товуши *т* товушига ўтган (дистант ассимиляция); б) биринчи қисмдаги *р* ва *п* товушлари ўрин алмашган (контакт метатеза); в) иккинчи қисмнинг иккинчи бўғинидаги *а* товуши таъсирида биринчи қисмнинг иккинчи бўғинидаги *и* товуши *а* товушига ўтган (дистант ассимиляция).

Сарпо сўзи ҳам асли тожикча *сар-у по* жуфт сўздан ўсиб чиққан: бу ерда ўзлаштирма жуфт от қисмлари орасидаги боғловчи ташланган ва содда сўздек талаффуз қилинган (Ўзбек тилига *сар* ва *по* лексемалари қабул қилинмаган, бу ҳол *сар-у по* жуфт сўзи таркибининг морфологик соддалашуви учун замин яратган).

Шу ерда яна бир ҳодисани таъкидлаб ўтиш ўринли: баъзан асли тожикча изофали бирикма жуфт лексема сифатида тақдим қилинади. Масалан, имло лугатида, *арз-дод* жуфт лексемасига тақлидан бўлса керак, *арзи ҳол* бирикмаси *арз-ҳол* тарзида келтирилган. Бу ерда изофаннинг тушиб қолиши дефис билан ёзиш учун асос бўла олмайди: изофа ташланса, қўшиб ёзилиши керак эди (*гулнор*, *гулбеор* лексемаларида қилингани каби). 1959 йилги ўзбекча-русча лугатда *-у* юклама-боғловчиси билан ёзиш варианты ҳам берилганки, бунга мутлақо қўшилиб бўлмайди.

Рус тилидан ўзлаштирмалар орасида *вице-президент*, *генерал-майор*, *ампер-секунд* кабилар ҳам бор (Сўнгги мисолда *секунда* сўзи охиридаги унли ташланган; калькалаш ҳам учрайди: *ампер-соат* каби).

Бундай ўзлаштирмаларнинг қисмлари орасига гарчанд дефис қўйилса ҳам, бу қисмлар семантик жиҳатдан тенг ҳолатда бўлмайди. Шунга кўра, булар ташқи кўриниши жиҳатидан жуфт отга ўхшайди-ю, мазмунан эса изоҳловчи-изоҳланмиш муносабатини эслатади. Рус тилшунослигида булар составное слово деб номланиб, қўшма сўзнинг бир кўриниши сифатида тақдим қилинади. Бу терминни ўзбекчалаштирсак, *тузма* сўз деб олиш тўғри (составли сўз термини бошқача ҳодисаларга нисбатан ишлатиб юборилган, бу ердаги ҳодисанинг моҳиятига тўғри келмайди ҳам).

СИФАТ

Сифат категориясидаги сўзлар бирор предмет, воқеа-ҳодиса ва ҳолатнинг белги хусусиятларини (яъни ранг-тусини, ҳажмини, шаклини, характер-хосса-хусусиятларини, вазнини, мазасини) ифода-лаш учун хизмат қилади. Масалан: *қизил алвон, сабрли одам, қайсар қиз, қаттиқ шамол, шинам уй*.

Демак, предмет, ҳолат ва воқеа-ҳодисанинг белгисини, хосса-хусусиятини ифодалаш учун хизмат қилувчи сўзлар сифат деб ата-лади.

Сифатлар семантик жиҳатдан 9 турга бўлинади («Сифатлар-нинг семантик турлари» мавзуга қаранг).

Сифатлар гапда асосан а) аниқловчи (сифатловчи) бўлиб ке-лади: *Олов ҳорғин ва оч баданга элитувчи бир ҳузур ва ором бағишлади* (Ойбек); б) кесим бўлиб келади: *У бир нимасини йў-қотгандай табиати хира, асабий эди* (А. Мухтор).

Отлашган сифатлар от туркумига хос (эга, кесим, тўлдирувчи, қаратқич каби) вазифаларни ҳам бажариб келади: *Яшиш топиб гинирар, ёмон қошиб. Бечораларга ёрдам бериш керак*.

Сифат равиш вазифасида кела олади: *Қизиқ кулади*.

Сифат туркумининг ўзига хос морфологик хусусияти қуйнда-гича: Сифат даражаланиш хусусиятига эга: *юмалоқ — юмалоқ-роқ — юм-юмалоқ. Сариқ-сарғиш — сарғимтил — сап-сарик* ва б.

Сифат аниқловчилар (сифатловчилар) ўзларининг сифатлан-мишлари билан мослашмайди.

Структура (таркибий тузилиши) жиҳатидан сифатлар содда ва мураккаб бўлади.

1. Содда сифатлар: а) туб сифат: *катта, кичик, ёмон, оқ, кўк, бўш, тор* ва ш. к.; б) ясама сифат: *кузги, ақлли, тўлиқ, бемаза, серсув* каби.

2. Мураккаб сифатлар: а) қўшма сифат: *ҳаворанг, соддадил, хушмуомала, кечпишар* ва ҳ. к.; б) жуфт сифат: *катта-катта, омма-вий-сиёсий, йнқир-чўнқир* каби; в) бирикмали ва тизма сифат: *нафси бузуқ, эси наст, тўқ жигар ранг, йлардек енгил табиат* (қиз), *тўқ қора қизил* (духоба) ва ш. к.

Содда сифатлар

1. Туб сифатлар. Туб сифатлар том маъноси билан белги ту-шунчасини ифодалайди. Белги кишининг сезги аъзолари орқали

сезилган, фаҳм-идроки пла тасаввур этилган конкрет ва абстракт элементларидир. Масалан, *қизил, ачиқ, совуқ* ва ш. к. Баъзи сифатлар (*яшил, эгри, қизил* каби) ҳозирда туб ҳисобланса ҳам тарихан ясама бўлган.

Туб сифатларда турли грамматик, семантик ва стилистик имкониятлар қўшма ва жуфт сифатларга қараганда кенгроқ, яъни даража кўрсаткичлари кўпинча туб сифатларга қўшилади (*кичик—кичикроқ, кўк—кўкимтир, юмалоқ—юм-юмалоқ, пушти—ним пушти* каби). Жуфт ва такрорий сифатлар компонентлари туб сифатлардан бўлади (*эгри-қийишқ, яхши-ёмон, ёлгон-яшиқ, оқ-қора* каби).

2. Ясама сифатлар (сифат ясалиши). Сифатлар турли йўллар билан ясалади: 1) аффиксация усули (морфологик усул) билан (*тун+ги, ёғ+ли, сер+пул, бе+ақл, уят+чане*); 2) композиция усули билан сўзларни бир-бирига қўшиш, жуфтлаштириш, такрорлаш йўллари орқали сифат ҳосил қилинади (*кулранг, латтачай-нар, иккиюзлама, куйди-пишди*). Бундай ясалишни синтактик усул деб ҳам юритилади.

Морфологик усул (аффиксация)

А. Актив (маҳсулдор) аффикслар. Ўзбек тилида бошқа сўз туркумларидаги каби сифат туркумида ҳам аффиксация усули билан сўз ясаш кенг ривожланган.

Сифат ясовчи аффикслар шакл ва функция жиҳатидан турлитуман бўлиб, от, равиш, феъл ясовчи аффиксларга жуда ўхшаб кетади. Баъзи сифат ясовчи аффикслар келиб чиқиши нуқтаназаридан араб, форс-тожик тилларига мансубдир.

Сифат ясовчи аффикслар содда (*юза+ки, ақл+ли*), қўшма (*одат+да+ги, кел+иш+им+ли*) бўлади. Баъзан бутун бошли сўз — аффиксоидлар сифат ясайди: *-парвар (халқпарвар), -параст (мансабпараст)* кабилар. Бундай ясовчилар бошқа тилдан кирган бўлиб, ўзбек тилида сўзлик ҳуқуқига эга эмас, чунки булар мустақил ҳолда маъно англатмайди.

Сифат ясовчи аффиксларнинг баъзилари функцияси жиҳатидан синонимик характерга эга (*мазасиз—бемаза; бетартиб—тартибсиз; бадавлат—давлатманд* каби).

Ясовчи аффикслар орасида омоним аффикслар бор, яъни булар ҳам сифат, ҳам от ҳамда бошқа туркумдаги сўзларни ясада тенг қўлланади.

Аффикслар воситасида турли сўз туркумларидан (отдан, сифатдан, олмондан, феълдан, тақлидий-тасвирий сўзлардан) сифат ясалади. Булардан энг кўп тараққий қилгани от ва феълдан сифат ясалишидир.

-ли. Бу аффикс ўзбек тилида жуда сермаҳсул, актив ясовчи ҳисобланади. Кўпинча от ва сифатдошлардан сифат ясайди.

1. *-ли* аффикси орқали ясалган содда сифатлар қуйидаги маъноларни англатади:

а) сўз ўзагидан англашилган маънога (предмет, ҳодиса ва ш. к. тушунчаларга) эга эканликни ёхуд ўша маъноли нарса, ҳодисанинг мавжуд эканлигини, борлигини билдиради: *мевали дарахт, виждонли киши; шакарли чой*;

б) *-ли* аффикси ўзакдан англашилган маънога эгаликни билдириш билан бирга, ортиқлик, катта ёки мўллик маъноларини беради: *Вера Петровна — дуркун, кучли, камгап, содда аёл, зарчани билмас эди (Ойбек). Полвон — исми жисмига ярашган, гавадали, келишган, бақувват йигит...* (Ж. Шарипов).

в) *-ли* аффикси орқали (бирор нарсага, фахр ёки инъомга, сезига) «сазovor», «муносиб», «лойиқ» деган маънолар ифодаланиши мумкин: *севикли, севимли, ҳурматли* ва ҳ. к.

г) *-ли* аффикси ифодалайдиган маъно баъзан *-диган* қўшимчаси маъносига тенг келади: *ёқимли (ёқадиган) одам, ачинарли (ачинадиган) ҳол, ўтиришли (ўтирадиган) жой, сезиларли (сезиладиган) ҳаракат, юқумли (юқадиган) касаллик*.

д) қиёматли сўзидаги *-ли* қисман *-гача* аффикси маъносига тўғри келади: *Қиёматли дўст, қиёматли қўшни*.

2. *-ли* аффикси қўшма, жуфт сўзларга қўшилиб келиб, қўшма сифат ясади ва турли маъноларни англатади: а) ҳар иккала компонентга қўшилади: *қўлли-оёқли (одам), ували-жували (одам)* (Бу жуфт сўз аффиксиз ҳолда «ува-жува» тарзида ишлатилмайди), *ақлли-ҳушли* кабилар; б) *-ли* аффикси қўшма сўзларнинг бир компонентига қўшилиб, идиоматик иборалар, кўчган маъноларчи сифатлар ҳосил қилади: *одамжонли, оғир оёқли (оғир оёқ), қаттиқ қўлли (қаттиқ қўл), оқ кўнгилли (оқ кўнгил); тўла қонли, арслон билакли, тўрт бурчакли* ва ш. к.

-лик (-лиқ) формантлари орқали алоқадорлик, хослик, тааллуқлик, ҳолат маъноларини ифодалайдиган сифат ясалади.

-лик (-лиқ) аффикси билан ясалган сифатлар: а) ҳолат билдиради: *Уч томони жарлик ерга келиб қолдим («Муштум»)*. *Пастлик, тепалик, чуқурлик, қиялик* каби сифатлар шулар жумласидандир; б) бирор давр билан боғлиқликни билдиради: *болалик, гўдаклик, йиғитлик* каби: *У... гўдаклик йилларининг унутиб бўлмас хотираларига бой бўлган... кўчалар оғушида маст бўлиб борар эди (Сайд Аҳмад)*. *Аммо бундан унинг (Йўлчининг) йиғитлик ҳусни яна кучлироқ барқ урган эди (Ойбек)*.

в) хусусият, хосса билдиради: *арзирлик, жўялик, дидлик, инсонлик*. *Бу ердаги ҳамма халқларнинг инсонлик ҳуқуқи қилинар ҳурмат (Ғ. Ғулом)*. *Зебихоннинг қизлик ғурури баланд келди (Сайд Аҳмад)*. *Шийпонни ҳақиқатан жуда дидлик одам эфир ҳавас билан солганлиги кўриниб турар эди (А. Қаҳҳор)*. *Авваламбор ташлаб келганинг жўялик иш бўлмаган эди (Сайд Аҳмад)*.

г) алоқадорлик, мансубликни билдиради: *темирчилик, тақачилик, сартарошлик, атторлик* каби: *Қандайдир темирчилик устахонасининг бостирмаси ёнида тўхташди (А. Мухтор)*.

-лик аффикси турли феъл формаларига (сифатдош, иш отларига) қўшилиб, характер-хусусият, хосса билдирувчи сифатлар ясайди. Масалан: *арзигулик, ўтиришлик, ўқимшлик, аралашимлик, киришимлик* каби.

-лик ва -ли аффиксларининг вазифадош ўринлари бор, яъни айрим сифатлар -лик қўшилган формада қўлланганда ҳам, -ли қўшилган формада қўллаганда ҳам маънога ҳалал етмайди. Масалан: *ақлли — ақллик, киришимли — киришимлик, аралашимли — аралашимлик, чиройли — чиройлик, пулли — пуллик* ва ҳ. к.

Баъзи сифатларнинг эса -ли олган формалари билан -лик олган формалари грамматикада бошқа-бошқа маъно ва бошқа-бошқа вазифалар учун ишлатилади. Масалан: *кўйлаккли (одам) — кўйлаклик (чит), болали (хотин) — болалик (чоғлар)* каби.

-сиз. Бўлишсизлик маъносини берувчи бу аффикс сифат яшашда актив қўлланади. -сиз аффикси иштирокида кўпинча отлардан характер-хусусият, хосса, ҳолат билдирувчи сифатлар ясалади. Масалан: *қаровсиз, ақлсиз, сабабсиз, мантиқсиз, молсиз, ишсиз* ва ҳ. к.

-сиз аффикси орқали ясалган сифатларнинг англлатган маъноларига кўра, қуйидагича группалаштириш мумкин:

а) сўз ўзагидан англашилган маънога (предмет, ҳодиса, ҳолат ва ш. к. тушунчаларга) эга эмаслигини, ундан маҳрумликни, нарса, ҳодиса ва шу кабиларнинг мавжуд эмаслигини ёки инкор маъноларни билдиради: *ерсиз, кимсасиз, билетсиз, асбобсиз, дарахтсиз, бахтсиз, вафосиз, жонсиз, кераксиз* ва б.;

б) бирор предмет, ҳолат ёки имкониятга эга эмаслик, ундан маҳрумликни ифодалайди: *ҳуқуқсиз, иложсиз, ҳимоясиз, уйқусиз; жавобсиз, кучсиз* каби;

в) салбий характер-хусусият ёки ҳолат англатади: *уятсиз, шармсиз, тарбиясиз, одобсиз, ҳаёсиз, тутуриқсиз, бурдсиз, субутсиз, тартибсиз* каби;

г) ижобий ҳолат, хосса англатиш ҳам мумкин: *ғуборсиз, ташвишсиз, ғам-ғуссасиз* каби.

-сиз аффикси мантиқан -ли аффиксининг антонимидир. Лекин ҳамма ҳолатда ҳам -ли билан ясалган сифатларнинг зиддини, инкорини ёхуд антонимини -сиз бўлишсизлик аффикси орқали бериб бўлмайди ёки бунинг акси, -сиз билан ясалган сифатнинг бўлишли формасини яшаш учун -ли қўлланмайди. Уларнинг антоним маънолари бошқа турли аффикслар, зид маъноли сўзлар ёки изоҳлаш йўллари орқали ифодаланади. Масалан: *чиройли — хунук, ўқимшли — оми, ўтиришли — ўтиришли эмас* ва б. Қиёс қилинг: *қаровсиз, поёнсиз, мадорсиз, чексиз, чорасиз, ихтиёрсиз, ҳолсиз, ҳимоясиз* ва б.

Баъзи сифатларнинг бўлишли маънолари антонимларини ҳосил қилиш учун уларни ясовчи аффиксларсиз, негиз ҳолида қўллаш кифоя: *тўлиқсиз — тўлиқ, қулайсиз — қулай* каби.

-ли орқали ясалган қўшма, жуфт, бирикмали сифатлар деярли ҳеч қачон -сиз аффикси билан бўлишсизлик ҳосил қилмайди: *тиш-*

ли-тирноқли, қўлли-оёқли, кўп хонали, узун бўйли, ували-жували каби.

-сиз аффиксининг но-, бе- сифат ясовчилари билан вазифадош ўринлари бор: *кераксиз — нокерак, ўринсиз — ноўрин, вақтсиз — бевақт, сабабсиз — бесабаб* каби. Лекин бу вазифадошликда ҳам стилистик жиҳатидан фарқланиб қолган вариантлар учрайди. Масалан, *нотавон, нодон, нокас, ноёб, нотекис* каби сифатлардаги но-ўрнида -сиз аффиксини қўллаб бўлмайди, *бегавфиқ, бебақо, беҳузур, бетоб* сифатлари ҳам шулар жумласидандир.

-ги, -ки, -қи. Ўрин ва пайтга муносабат билдиришда қўлланувчи бу аффикслар турли сўз туркумларидан сифат ясайди:

а) ўринга муносабат, хослик билдиради: *ташқи, ички, нариги, бериги, остки, устки, пастки, сиртқи* каби;

б) пайтга муносабат, хослик билдиради: *кечаги, бурунги, қадимги, тонгги, бояги, баҳорги, бултурги, тушки, эрталабки, эртанги* каби;

в) -ги аффикси ўрин-пайт келишиги қўшимчаси (-да)дан кейин қўлланганда ўрин ва пайтга хослик, муносабат маънолари янада аниқлашади, умумий хослик конкретликка ўтади. Айни вақтда воқеа, ҳодиса содир бўлган пайт ёки жойни хотирлаш, эслатиш каби маъноларни ҳам англатиши мумкин: *ёздаги* (саёҳат), *ойдиндаги* (суҳбат), *бозордаги* (ғалва), *у ердаги, бу жойдаги, рисоладаги* (қиз), *уйдаги* (меҳмон).

-ги, -ки, -қи аффикслари баъзи ҳолларда -лик ясовчиси билан алмашилиб қўллана олади: *ёзги — ёзлик, қишки — қишлик* каби.

-ки, (-а-ки), -қи (-а-қи), -и (-йи). Бу ясовчилар хослик, характер-хусусият, хосса билдирувчи сифатлар ясайди.

а) характер-хусусият билдиради: *жиззаки, жиртаки, безори, ҳавойи*;

б) хосса билдиради: *қалбаки* (ҳужжат), *юзаки* (билим), *аймоқи* (ток), *қайроқи* (узум), *хомаки* (план);

в) хослик, алоқадорлик, ўхшашликини билдиради: *даҳанаки* (жанг), *хонаки* (кийим), *пистоқи* (ранг), *тўтаки* (ранг), *қалами* (бўз), *чиллаки* (узум), *қозоқи* (телпак), *араби* (от), *қалмоқи* (сигир), *ироқи* (чок, дўппи), *дўзахи* (одам), *жаннати* (кампир), *эртаки* (мева), *сахройи* (ўсимлик), *қишлоқи* (одам), *қашқари, хитойи, жайдари* (буғдой);

г) ҳолат билдиради: *иллати* (мушук), *мишиқи* (бола), *салқи* (юз); *кўтаринки* (руҳ); *савдойи* (киши); *фидойи* (одам).

-к (-ук, -ик, -ак), -қ (-уқ, -иқ, -ақ). Бу аффикслар турли сўз туркумларидан, кўпинча феълдан сифат ясайди: *чирик* (чири+к), *очиқ* (оч+иқ) каби.

Англлатган маънолари:

а) бирор ҳолатни ифодалайди: *тиниқ* (сув), *бўғиқ* (товуш), *синиқ* (идиш), *бузуқ* (софат), *ёпиқ* (эшик), *совуқ* (ҳаво), *тешиқ* (тоғора), *тўлиқ* (текст), *илиқ* (сув), *сиқиқ* (муҳит), *ёриқ* (дотор), *ёруғ* (уй), *титроқ* (овоз), *йиртиқ* (кийим), *ғалвирак* (ёнроқ);

б) шакл-кўринишни ифодалайди: *чўзиқ* (бош), *пучуқ* (бурун),

ботиқ (шакл), *қисиқ* (кўз), *сузук* (кўз), *қийиқ* (рўмол), *эгик* (темир), *бурушиқ* (юз);

в) хусусият, хосса ифодалайди: *қочириқ* (гап), *қўрқоқ* (одам), *пишиқ* (буюм), *қизиқ* (ўйин);

г) ҳолат, тур ифодаланади: *мурғак* (бола), *қимизак* (олма).

-к (-ик, -ук, -ак), -қ (-иқ, -уқ, -ақ) аффикслари билан ясаладиган сифатлар ўзагида қуйидаги ҳолатларни кўриш мумкин:

1. Аффикс (буйруқ майл формасига) қўшилганда ўзакда ўзгариш бўлмайди. Масалан: *или-қ*, *қизи-қ*, *оч-иқ*, *ёп-иқ*, *ёй-иқ*, *теш-иқ*, *син-иқ*, *эг-иқ*, *бўл-иқ*, *тин-иқ* ва ҳ. к.

2. Ундош билан тугалланган сўзларга -қ сифат ясовчиси -ақ шаклида қўшилади. Лекин -қ нинг таъсирида а товуши о га айланади: *қол+а+қ — қолоқ*, *қоч+а+қ — қочоқ*.

3. а) ўзак (буйруқ феъл формаси) а билан тугалланган бўлса, -қ ясовчиси таъсирида о га ўтади: *юмша+қ — юмшоқ*, *тарқа+қ — тарқоқ*, *янгра+қ — янгроқ*, *қувна+қ — қувноқ*, *қайна+қ — қайноқ*, *юмала+қ — юмалоқ*, *оқса+қ — оқсоқ*.

Зийрак, *тийрак*, *сийрак* каби бир қатор сўзлар ҳозирги тилда морфологик составларга ажралмайди;

б) ўзакнинг олдинги бўғинидаги товушлар (масалан, *у*, *в*) таъсирида аффиксдаги унлиларда сингармонизм ҳодисаси юз беради, кўпинча *и* товуши *у* тарзида талаффуз қилинади: *буз+иқ — бузук*; *сўз+иқ — сузук* каби;

а) аффикс олгандан кейин ўзакнинг (сўнги) товушларида ҳам ўзгариш юз беради: *сови+қ — совуқ*, *чуци+қ — чучук*, *қури+қ — қуруқ* каби.

4. Аффикс олгандан сўнг баъзи ўзаклардаги кейинги ундошлар иккиланади: *ачи+қ — ачиқ*, *саси+қ — сассиқ*, *қати+қ — қаттиқ*, *исси+қ — иссиқ* ва б.

5. Аффикс ўзакдаги сўнги ундошни сиқиб чиқаради (буйруқ маъноси йўқолади). Масалан, буйруқ майли формасидаги қуюл сўздан *қую+қ — қуюқ* тарзида сифат ясалади. Шунга ўхшаш, суйил — *суйи+қ — суюқ*; тирил — *тири+қ — тирик*; юксал — *юкса+қ — юксак*; ялпай — *ялла+қ — яллоқ*; қийшай — *қийш+и+қ — қийшиқ* кабилар.

6. *Сийрак*, *тийрак*, *зийрак*, *шапарак*, *ғовак*, *шалоқ*, *тансиқ* каби сифатлар ташқи кўринишидан юқоридаги ясама сифатларга ўхшаса-да, ҳозирги замон тили нуқтаи назаридан буларни морфологик составга ажратмай, туб сифатлар қаторида ўрганилади.

-к, -қ аффикси билан ясалган қуйидаги сўзлар ҳам сифатлик, ҳам отлик вазифасида қўллана олади: *ямоқ*, *ёриқ*, *пучуқ*, *совуқ*, *иссиқ*, *қийиқ*.

-дор (тожик тилидан кирган) — бу аффикс асосан от туркумидаги сўзлардан сифат ясади. Ҳосил бўлган сифатлар қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1) ўзакдан англашилган маънога (предмет, ҳодиса ва ш. к.га) эга эканликни, ўша маънодаги нарса ёки ҳодисанинг бор эканлигини англатади. Бу жиҳатлари -ли аффиксига тўғри келади: *хол-*

дор (қиз); рангдор (чит); ҳомиладор (аёл); жимжимадор (қути); кунгирадор (рўмол); нишондор (ишчи); оҳангдор (куй); хабардор (киши); қарздор (одам); панжарадор (каравот);

2) ўзакдан англашилган предмет тушунчасининг ортиқлигини, катталигини, кўплигини, сифати яхшилигини билдиради. Бу жиҳатдан *сер-* аффикси хусусиятига тўғри келади: *пулдор*, *мулкдор* (одам), *яғриндор* (полвон), *ғўштдор* (оёқ), *калладор* (йигит), *ҳосилдор*, *маҳсулдор*, *унумдор* (ер), *жаҳлдор* (одам), *ҳусндор* (қиз), *мазмундор* (асар), *ҳашамдор* (нақш), *кўкракдор* (пахлавон), *киндор* (рақиб), *жарангдор* (кулги), *зотдор* (мол), *сепкилдор* (бола);

3) *-дор* билан ясалган сифатларнинг баъзилари характер-хусусият, хосса, ҳолат билдиради: *Асқар полвон... аста, с а л м о қ д о р одим отар эди* (Ойбек). *Димоғдор* (қиз), *болохонадор* (сўкиш), *жозибадор* (кўриниш), *вафодор* (йигит), *азадор*, *айбдор*, *дахлдор*, *миннатдор*, *мурдор*, *манфаатдор*, *тарафдор* кабилар;

4) ўзакдан англашилган предмет, ҳодиса тушунчаларига эгаллик, моликлик, уни забт этганлик ёки ўз ҳукмида тутиш, ишонч билдириш каби маъноларни билдиради: *тождор*, *ҳукмдор*, *диндор*, *тақадор*, *байроқдор*, *дўкандор*, *жиғадор*, *туғдор*, *қулдор* ва б.

-кор (-гар). Бу аффикс асосан от туркумидаги сўзлардан сифат ясайди. Ясаладиган сифатлар турли ўзакдан англашилган предмет, ҳодиса тушунчаларига эга эканликни ва ўша нарса билан шуғулланувчи, уни тарғиб, намоёниш қиладиган шахс маъносини аниқлатади: *ташаббускор*, *фидокор* (аёл), *хиёнаткор*, *хизматкор*, *эҳтиёткор*, *ҳийлакор* — *ҳийлагар* (кампир), *ситамгар*, *мўъжизакор*, *халоскор*, *исёнкор*, *пахтакор*, *шоликор*, *бастакор*, *лалмикор*, *зулмкор*, *соҳибкор*, *мададкор*, *жафокор*, *гуноҳкор* ва ҳ. к.

Бу сифатларнинг кўпи шахс билан боғлиқ бўлганлиги сабабли от функциясида ҳам келаверади.

-ий, -вий (араб тилидан кирган) — бу аффикс от туркумидаги сўзлардан сифат ясайди. Ҳосил бўлган сифатлар хослик, тааллуқлилик, хосса билдиради.

-ий, -вий аффиксининг морфологик характери турлича:

1) ясалган сўз морфемаларга (ўзак ва аффиксга) ажралиш хусусиятини сақлайди: *омлавий*, *ғоявий*, *хаёлий*, *синфий*, *тасодифий*, *тарихий*, *фахрий*, *тарбиявий*, *самовий*, *афсонавий*, *ташкилий*, *тахминий*, *хаётий*, *қонуний*, *мавсумий*, *музикавий*, *техникавий*;

2) ясалиш процессида фонетик ўзгариш юз беради: сўз ўзагидаги айрим товушлар ўзгаради ёки иккиланади: *тиббий*, *фанний*, *ҳиссий*. Иккиланишнинг асосий сабаби тиб, фан, ҳис каби сўзларнинг араб тилида тибб, фанн, ҳисс тарзида қўш ундош билан қўланиши туфайли бўлиши мумкин;

3) сўз морфемаларга ажралиш хусусиятини йўқотган ҳолда унинг форма ва мазмуни бошқача тус олган бўлади: *маданий*, *сиёсий*, *воқеий*, *муסיқий*, *самимий*, *сахий*, *шаръий*, *ҳақиқий*, *ҳаққоний*, *хурофий*, *табиий*, *жиноий*, *фалсафий*, *жўғрофий* (*географик*) каби.

Ўзбек тилида бу сўзларнинг аффикс ҳолдаги «нотўлиқ» формалари қўлланмади. Балки уларнинг (от туркумига хос бўлган) маданият, сиёсат, самимият, саҳоват, шарият, ҳаққоният, ҳақиқат, хурофот, табиат, жиноят, фалсафа, жўғрофия (география) каби тўлиқ формалари ишлатилади. Бу (3-пунктга) группалаштирилган сифатлар ясама сифатлардан кўра туб сифатларга яқинроқ туради. Шуларга ўхшаш *жиддий, тадрижий, ашаддий, сунъий, фоний, салбий, ижобий, оддий, ажнабий, бадавлат, мажусий, ҳарбий* каби сўзлар ҳам туб сифат ҳисобланади.

-ма аффикси иш-ҳаракат натижасида ҳосил бўлган белгини билдирувчи сифат ясайди: *сузма* қурт, *қовурма* шўрва каби. Бу аффикс: 1) ўтимли (буйруқ) феълларга қўшилиб, характер, хосса, ҳолат билдирувчи сифатлар ясайди: *суқма* (пиёз), *тизма* (тоғ), *тўкма* (халфана), *сочма* (ўқ), *сайратма* (бедана), *уйдирма* (гап), *чийратма* (арқон), *ағдарма* (этик), *қовума* (тўн), *қайнатма* (шўрва), *қайтарма* (ёқа), *туғма* (одат), *қуйма* (тилла), *ясама* (тиш), *қурама* (халқ), *бўяма* (соч), *қўшма* (мажлис), *улама* (соч), *эзма* (қош), *осма* (кўприк), *эзма* (одам), *учирма* (гап) кабилар;

2) ўтимсиз буйруқ феълларга қўшилиб характер-хусусият, хосса, ҳолат, шакл, усул билдирувчи сифатлар ҳосил қилади: *судралма* (одам), *шалдирама* (қоғоз), *қайрилма* (қош), *ҳовлиқма* (киши), *қотма* (жувон), *чўққайма* (палаталар), *кўчма* (қум), *айланма* (йўл), *толма* (бўй);

3) -ма аффикси -*илла* билан ясалган феълларга қўшилиб, хосса, хусусият билдирувчи сифат ясайди: *қирчиллама* (совуқ), *жағиллама* (қайноқ сомса), *ғирчиллама* (қор), *данғиллама* (иморат), *ланғиллама* (чўғ) каби.

-ма аффикси орқали феъл ўзакларидан сифат ясалганда бу аффикс маъноси -*диган, -лайдиган* қўшимчалари маъносига тенг келади деса бўлади: *судралма — судраладиган, ғарчиллама — ғарчиллайдиган* ва б.;

4) *данғиллама, лақма* сифатларида сўз ўзаги аффиксиз ҳолда ишлатилмайди, чунки ундай ҳолда маъно англабмайди. Шу жиҳатдан бу сифатларни туб сифатлар сирасига қўшиш мумкин.

-*дек, -дай*. Бу аффикслар от, сифат, феъл, олмош туркумидаги сўзлардан сифат ва равишлар (предмет ва иш-ҳаракат белгилари) ҳосил қилишда актив қўлланувчи ясовчилардандир.

-*дек, -дай* аффикси -*дайн* қўшимчасининг қисқарган формаси бўлиши мумкин. Чунки ҳозирги жонли тилда -*дек, -дай* ўрнида -*дайн* формасининг қўлланиб туриши учрайди.

Бу аффикс турли семантик, стилистик хусусиятларга эга бўлиши билан характерланади.

-*дек, -дай* аффикси отларга қўшилганда ўзакдан англашилган предмет маъносига қиёслаш, ўхшатиш йўли билан ҳажм-миқдор, шакл-кўриниш, ҳид, маза, белги маъноларини ифодалаб келади ҳамда умуман бадний тасвир белги маъносини ошириш, муболаға, кўчган ва экспрессив маъноларни беришда кенг қўлланади: *нўхот-дек* (марварид), *қанддек* (мастава), *муздек* (сув), *тоғдек* (йигит), *ойдек* (жувон), *зигирдек* (бола) ва ҳ. к.

Бу аффикснинг қуйидаги семантик-стилистик хусусиятлари диққатга сазовордир.

а) *-дек* орқали ясалган баъзи сифатлар яхлит, монолит ҳолга келиб қолган, бундаги ўзаклар ҳозирги тилда мустақил маъноси-ни йўқотган. Масалан: *матолдек//ниҳолдек* (қиз), *жўжабирдек//жўжабирдай* (жон), *қитдай* (туз).

Қиёс қилинг: *бесўнақай, бетавфиқ, бежирим, япасқи* кабилар (булардаги ўзаклар ҳам мустақил қўлланмайди);

б) *-дек* орқали ясалган сўз билан ўзакнинг маъноси бир-биридан узоқлашиб, фарқланиб қолади. Масалан: *балодек: балодек келин экан*. Бундаги ўзак, яъни *бало* сўзи аслида «*офат*», «*кулфат*» каби салбий маъноларни англатишга қарамай *-дек* қўшимчиси қўшилиб, унга ижобий маънодаги белги, экспрессивлик, модаллик маъноларини бағишлайди. *Балодек* сўзи сифатнинг аниқловчиси бўлиб ҳам хизмат қилиши мумкин: *балодек яхши қиз экан, балодек чаққон йигит* каби.

Шунга ўхшаш, ҳаяжон ифодаловчи *хайҳот* ундов сўзидан *-дек* орқали (*хайҳотдек* ҳовли), «*жуда катта*», «*жуда кенг*» маъноларини берувчи сифат ҳосил қилинади. Равиш туркумидаги *дангал* сўзидан — *-дек* орқали (*дангалдек* киши) «*катта*», «*бесўнақай*» каби маъноларни берувчи сифат ясалади;

в) *-дек* аффикси билан ноўрин, ножўя қўлланадиган тил фактлари учрайди. Масалан, *бинойи* сўзи аслида «*соз*», «*яхши*», «*бир яхши*» маъноларини беради. Бас шундай экан, уни *-дек* аффиксиз қўллаш лозим эди (Қиёс қилинг: *яхши* костюм — *яхшидек* костюм). Бу сўз четдан кирганлиги сабабли шундай (*бинойидек*) формада қўлланган.

Шу каби *сумбатдек* сифатини олайлик. Сўз ўзаги *сумбат* — «*қадди-қомат*», «*баст*», «*бўй-вош*» маъноларини беради. Шу жиҳатдан *қадди-қомати сумбатдек жувон* деб қўллаш логик асосдан маҳрум кўринади (яъни аслида *сумбати келишган жувон* тарзида қўллаш мантиққа тўғри бўлур эди). Лекин шунга қарамай, *сумбатдек* формаси тилга ўрнашган;

г) *-дек* орқали ясалган сўз ўзагида фонетик ва морфологик ўзгаришлар юз беради. Жумладан: *нозандек* (аёл). Сўз ўзаги «*нозан*» мустақил маъно англатмайди. Чунки у *нозанин* («*ғўзал аёл*», «*жозибали аёл*») сўзининг қисқарган ҳолатидир. Лекин *нозандек* сифати «*туппа-тузук*», «*яхшигина*», «*бир яхши*» маъноларида жуда кўп предметларга нисбатан қўлланила олади: *нозандек пальто, нозандек овқат* ва ҳ. к.

-дек аффикси жонли тилда *-дай*, *-дак*, *-доғ*, *-до* шакллари олиган.

Б. *Пассив* (каммаҳсул) ясовчилар. *-вор* (о+вор). Бу аффикс от, сифат туркумига оид сўзлардан сифат ясайди. Хослик, характер-хусусият, шакл, ҳолат каби белги маъноларини англатади (адабий тилга хос): *Оркестр товушида бутун улғвор табиат, тоғлар, даралар, булут, туман...* (А. Мухтор). *У жанговар кунлар абадий ёдда сақланади* («Совет Ўзбекистони»).

Ким билади, балки Ваҳобжон афсонавор бу оқишомда ўз бахтини, муҳаббатини қўриқлаётгандир (Саид Аҳмад). Умидавор она ўғлига кўз тутиб ўтирарди («Муштум»). Мардонавор йигитлар тездан жангга отландилар.

-лоқ (ағлоқ). Бу аффикс от, сифат туркумидаги сўзлардан ҳолат, шакл, хусусият каби белги маъноларини ифодаловчи сифат ясайди: Улар тошсиз қатқалоқ йўлда бир оз юриб, қишлоққа киришди (Ойбек). Бойнинг хотини — бақалоқ, семиз аёл — лапанглаб эри олдига келди (Ойбек). Тошлоқ қияликларда Жуман қизни эҳтиёт қилиб, тирсагидан ушлаб қўяр эди (А. Мухтор). Булари майли-ю, бу овлоқ уйда менга халақит берадиган яна бир одам... (А. Мухтор). Уғижмалоқ кўйлакни олиб устига илди. Қўшалоқ ғўза анчагача қўлдан-қўлга ўтди. Япалоқ (коса), чақалоқ (бола), ўтлоқ (ер), қумлоқ (соҳил) кабилар шулар жумласидандир.

-лоқ аффикси билан ясалган сифатлар от вазифасида қўлланнишга жуда мойил.

-қин, -гин, -фин. Буйруқ феълларидан, хослик, характер-хусусият, ҳолат маъноларини англатувчи сифатлар ясайди: сотқин (киши), тутқун (одам), қочқин (киши), жўшқин (дарё), тошқин (сув), шошқин (хабар), ёрқин (фикр), ғамгин (сиймо), кескин (масала), қизгин (суҳбат).

Надяпишиқва туйғун қизча эди (Ойбек). Унинг ёши эликлардан ошган, сочлари оппоқ, бўлгин юзлари сарғайган... (Ш. Рашидов). Олов ҳорғин ва очбаданига элитувчи бир ҳузур ва ором бағишлади (Ойбек). Нишонбойнинг юзи озгин, бўйи узун, елкалари пучроқ эди (П. Қодиров).

Бу сифатлардан шахс белгиси учун қўлланадиганлари (қочқин, сочқин, тутқун сингарилари) от вазифасида ҳам ишлатилаверади.

-қир, -гир, -қир, -фир. Бу аффикслар феълларнинг буйруқ формаларига қўшилиб, актив хусусият, хосса тушунчасини берувчи сифатлар ясайди: ўткир, кесқир (пичоқ), чопқир (теша), сезгир (бола), тамагир (одам), топқир (одам), бўлмағур (эркак).

Булардан ўткир сўзи жуда кўп ҳолларда кўчган маъноларда қўлланади.

-кор. Бу аффикс орқали ясалган сифатлар кўпроқ адабий тилга мансуб. Асосан от туркумидаги сўзларга қўшилиб, ўзакдан англашилган тушунчага эгаликни, у тушунчанинг ориқлигини ёки унга ўхшашлик, хослик, хусусият, ҳолат маъноларини ифодаловчи сифатлар ясайди: Бу салқин, мусаффо, ям-яшил олам худди хаёлдагидай фусункор туюлди (А. Мухтор). Шафтлизорда сазванинг гоҳ фиғонли ноласи, гоҳ шиддаткор чақчағи тинмайди (Саид Аҳмад). Нақшинкор устунлар жойидан силжиган... («Тошкент оқшоми»). Бугунги девкор ишларимизни ҳеч қандай мезон билан ўлчаб бўлмайди («Муштум»). Совет кишиси янги ҳаётнинг илҳомкор қурувчиси ва ижодчиси бўлиб қолди («Совет Ўзбекистони»). Шуларга ўхшаш: ғазабкор.

(халқ); *эхтиёткор* (одам), *тезкор* (уста), *ҳаваскор* (қўшиқчи), *тажрибакор* (врач), *сиркор* (айвон), *риёкор* (одам) ва ш. к.

-қоқ, -ғоқ. Бу аффикс феъл ўзак-негизларига қўшилиб характер-хусусият, ҳолат каби маъноларни берувчи сифатлар ҳосил қилади: *Ёпишқоқ балчиқ қияликлардан силқиб оқар...* (А. Мухтор). *Тиришқоқ* (бола), *урушқоқ* (одам), *ботқоқ* (ер), *қочоқ* (бола), *уюшқоқ* (коллектив), *тойғоқ* (йўл), *тўзғоқ* (соч), *қурғоқ* (иқлим), *қуришқоқ*//*буришқоқ* (олма).

-каш (тожик тилидан кирган). Бу аффикс от туркумидаги сўзлардан сифат ясайди. Кишига хос характер-хусусият, турли (табий, руҳий ва ш. к.) ҳолат, вазифа ва ҳоказо белгиларни билдирувчи сифатлар ҳосил қилади: *Уёши етмишларга бориб қолган дилкаш чол эди* (Сайд Аҳмад). *Ўлма, эй қўли қанд, жафокаш боғбон, яшай бер, боғларга чўлганган Ватан* (Ғ. Ғулом). *Заҳматкаш*//*меҳнаткаш* (киши); *...у киши (бувим) саксондан ошиб кетган, носкаш кампир эдилар* (Ғ. Ғулом). *Заҳкаш* (ер), *чалкаш* (масала), *пасткаш*//*сусткаш* (одам), *киракаш* (арава), *тарафкаш* (одам), *ҳазилкаш* (киши), *аравакаш* (чол) кабилар.

Булардан, кишиларга хос белгиларни ифодаловчи сифатлар қўпинча от вазифасида ишлатилавериши мумкин.

-ча. Бу аффикс турли сўзлардан от, равиш, шунингдек, сифат ясаши мумкин. -ча аффикси эгалик ёки кўплик категориялари қўшимчасидан кейин қўшилганда деярли ҳамма вақт равиш маъносини беради, иш-ҳаракат белгиси учун қўлланади. Сифатларга қўшилиб келганда -ча аффикси қўшимча — модалъ маъно беради: *қорача, олача, янгича, яширинча* каби.

-ча аффикси: а) услуб, тур, хил билдирувчи сифатлар ясайди: *афғонча* (рубоб), *ўзбекча* (кўйлак), *русча* (фасон), *арабча* (ўйин), *стахановча* (ҳаракат), *қирғизча* (телпак);

б) ҳолат, кўриниш билдирувчи сифатлар ясайди: *хипча* (бел); в) ҳажм-миқдор билдирувчи сифатлар ясайди: *зиғирча* (туз), *тариқча* (ақл), *заррача* (фойда) кабилар.

Сифат ясовчи -ча аффиксининг англатаётган маъноси кўп ҳолларда -дек, -дай аффикси функциясига тенг келади: *зиғирча* — *зиғирдек* каби.

Ўзак билан -ча аффикси оралиғида бир -н товушининг орттирилиши (*ўртача-ўртанча*) сўзларни дифференциал фарқлаш учун керак бўлган бўлиши мумкин. Дарҳақиқат, *ўртача* ва *ўртанча* сўзлари бир-биридан маълум даражада фарқ қилади: *ўртача* (зиёфат) — *ўртанча* (ўғил).

-чан//чанг сифат ясовчи аффикси ўзакдан англашилган предмет, ҳодиса тушунчаларига ориқлик, активлик каби белги маъноларини беради. От туркумидаги сўзларга қўшилиб характер-хусусият, хосса — ҳолат билдирувчи сифатлар ясайди. Масалан, *яшовчан* (жонивор), *ўзгарувчан* (ҳаво), *ишчан* (йигит), *курашчан* (халқ), *талабчан* (раҳбар) ва ш. к.

Бу мисолларнинг кўпида -чан билан параллел равишда -чанг

аффиксини ҳам ишлатиш мумкин: *кўнгилчан — кўнгилчанг, ишчан — ишчанг, уятчан — уятчанг, хаёлчан — хаёлчанг* кабилар.

Лекин *-чанг* аффиксининг яна ўзига хос функцияси ҳам бор. *-чанг* отларга қўшилиб ўзакдан англашилган тушунчага эгаликни ёки бунинг акси — эга эмасликни англатади: *қўйлакчанг, махсичанг, яктакчанг, сарпойчанг, иштончанг* ва ш. к.

Булардан *сарпойчанг* сўзи тожик тилидан кирган бўлиб, ўзбек тилида яхлитлигича қўлланади, маъноси: пайпоқ, махси ва ш. к. киймаган ҳолда қуруқ оёққа калиш (ковуш, туфли) кийиб юриш.

Умуман, *-чанг* аффикси билан ясалган (юқорида келтирилган) сўзларнинг маъноси икки хил тушунилиб қолган. Айрим диалект ва шахслар тушунчасида шу предметга эга эмаслик англашилса, айримларида фақатгина шу предметга эгалик англашилади. Яъни *махсичанг* деганда: а) махси кийиб, калиш (ковуш) киймаган ҳолда, б) махси киймай фақат калиш (ковуш) кийган ҳолда англашилади.

-чи. Бу аффикс асосан от ясовчи ҳисобланади. Лекин шунга қарамай сифат ясашда ҳам қўлланади. Асос бўлувчи негизлар деярли отлардан бўлади: *гапчи* (одам), *адоватчи, тухматчи* (киши), *айирмачи* (одам), *аскиячи* (йигит), *ваҳимачи* (аёл), *маслаҳатчи* (киши), *ўйинчи* (қиз), *ҳасадчи* (одам), *айғоқчи ёлғончи, миллатчи, яллагчи* каби.

Баъзан *-чи* бошқа сўз туркумларидан ҳам сифат ясайди: *дангалчи* (хотин), *бекорчи* (гап), *айирмачи* (одам), *тиланчи//тиламчи* (хотин), *қизиқчи* (одам).

Кўринадики, бундай сифатлар кўпроқ инсонга хос характер — хусусият белгисини ва вазифа бажарувчи маъносини ифодалаб келади. Бу белгилар аксар инсонга тааллуқли бўлгани учун ҳам кўп ҳолларда сифатланмиш тушириб қолдирилиб, сифатловчи сўз от тарзида қўлланаверади: *ўйинчи келди, айғоқчи борди, бекорчи дан ҳамма безор, миллатчи суд қилинди* кабилар. Аниқлик киритишга ҳожат бўлгандагина сифатланмиш тикланади.

-манд, -банд. Бу аффикс отларга қўшилиб, ўзакдан англашилган предмет маъносига эга эканлигини, ортиқлик, давомийлик маъноларини беради. Характер-хусусият, ҳолат каби белгиларни ифодаловчи шахсга хос сифатлар ясайди. Масалан: *ихлосманд, иштиёқманд, ҳунарманд, давлатманд, касалванд, дардманд, нашаванд* (нашаванг) кабилар.

-мон, -ман. Бу аффикс *-ар* формали феълларга қўшилиб, ўзакдан англашилган маънонинг ортиқлигини ифодалайди, характер-хусусият билдирувчи сифатлар ясайди. Масалан: *билармон, устамон, ўлармон* кабилар. Бу сўзлар айтиш чоғда кесатик, киноя каби экспрессив маънолар учун ҳам қўлланиши мумкин.

-чиқ. Бу аффикс буйруқ феъл формасидан характер-хусусият, хосса билдирувчи сифатлар ясайди. Масалан: *сирғанчиқ — сирпанчиқ* (йўл), *қизғанчиқ* (одам), *мақтанчиқ//мақтанчоқ* (киши) ва ш. к.

-чоқ, -чак. Бу аффикс аслида от ясовчи (кўпинча кичрайтиш от-

ларни ясовчи) форма ҳисобланади. Лекин баъзан, феълнинг буйруқ формаларига, сифатларга қўшилиб характер-хусусият, ҳолат, шакл-кўриниш каби маъноларни берувчи сифатлар ясади: *тортинчоқ, эринчоқ* (эринчак), *ялинчоқ, урйнчоқ, тиқмачоқ* (тиқмачоқдек), *чўзинчоқ* ва ш. к.

-он, -ен, -ан. Бу аффикс отларга қўшилиб, хусусият, ҳолат билдирувчи сифатлар ясади. Масалан: *чароғон, заъфарон, симён, шодон, тубан* кабилар: *Улар ... ҳаётларини чароғон саройларда айш-шират оғушида кечирмоқдалар* (Ойбек). *Унинг юзи заъфарон бўлди* (Саид Аҳмад).

-ин (-к+ин) аффикси от ва буйруқ феъллардан характер-хусусият, ҳолат билдирувчи сифатлар ҳосил қилади: *Чиркин буржуазия тиш-тирноғи билан урушга епишди, халқ қони тўкиляпти...* (Ойбек). *Кескин, совуқ шамол дарахтларни шовиллатиб эсарди* (Ойбек). ... *Лекин қуюқ мазмунли, оташин қудратли бир нутқ сўзлади...* (Ойбек). *Уларни катта дарвозадан олиб чиқиб, пастга, узоқдаги пастак ғиштин бино томон ҳайдаб кетишди* (А. Мухтор). ... *Тўкин куз эди* (Саид Аҳмад). *Камтарин* (аёл); *тўлин* (ой); *соғин* (сигир); *эркин* (қуш) ва б.

Шу аффикс билан ясалган *камтарин* сўзи *камтар* сўзи билан бир хил мазмунга эга.

-гар. Бу аффикс отларга қўшилиб, ўзакдан англашилган тушунча (предмет, ҳодиса) билан шуғулланувчи, бажарувчи деган маъноларни англатадиган (шахсга хос) белги сўзларини ҳосил қилади: *иғвогар, офсунгар, сеҳргар, ситамгар, шивагар, ҳийлагар, фирибгар, жодугар, савдогар, мисгар, чилангар* ва о.

Ҳозирги даврда бу аффикс билан сўз ясалмайди.

-вон (а+вон). Бу аффикс отлардан ҳолат, хусусият маъноларини берадиган сифат ясади: *Эшиги жанубга қараган ойнавон уйдан қотма, жуссаси пишиқ йигит чиқди* («Совет Ўзбекистони»). — *Ҳа, мен! Мен ўлгур сизнинг пахтавон гапларингизга учган* (Шуҳрат). *Зўравон* (йигит).

-(а)ғон аффикси кўпроқ жонли тилга (тошк. шев. га) хос бўлиб, феълларга қўшилиб, ўзакдан англашилган маъноларнинг ортиқлигини, мукамаллигини ифодаловчи, характер-хусусият, ҳолат билдирувчи сифатлар ҳосил қилади: ... *Иттифоқимизнинг ҳамма соҳасида ўз етук, билағон кадрлар бор* («Тошкент оқшони»). *Чопағон* (бола); *сузағон* (спортчи); *учағон* (қўнғиз); *топағон* (ўқувчи); *кулағон* (қиз); *ўзағон* (сузувчи); *тепағон* (от); *қопағон* (ит) ва б.

Бу аффикс -ан+ғич (-он+ғич) ясовчиси билан функциядош бўлиб, худди шу маънолар бериш учун -ан+ғич ясовчисини ҳам қўллаш мумкин.

Қиёс қилинг: *чопағон — чопанғич; тепағон — тепонғич; қопағон — қопанғич* ва ш. к.

-қа. Бу аффикс бир нечта сифатлардагина учрайди. Ҳажм, ҳолат каби маънолар билан боғлиқ: *У, қисқа бўй, калта оёқ, ...чамаси қирқ ёшлардаги одам эди* (Ойбек). *Хотиннинг кўзи*

жиққа ёшга тўлди (С а и д А ҳ м а д). Л о й қ а сув ариқларни тўлдириб оқарди.

-с (-ма+с). Бу аффикс кўпинча -ма бўлишсизлик форманти билан тугалланган буйруқ феълларга қўшилиб, характер-хусусият, ҳолат билдирувчи сифатлар ясайди: *ўтмас* (пичоқ); *индамас* (одам); *толмас* (курашчи); *арзимас* (баҳона).

Бу аффикс кўпроқ характер-хусусият, ҳолат билдирувчи қўшма, жуфт сифатлар охирига қўшилиб келади: *борса-келмас* (жой); *тилбилмас* (одам); *тепса-тебранмас* (киши); *тиниб-тинчимас* (киши); *тиниб-тинчимас* (одамлар); *сезилар-сезилмас* (чизиқ); *тўймасбало* (одам); *бўлар-бўлмас* (гап), *киши билмас* (оғриқ) ва ҳ. к.

Бир группа сифат ясовчи аффикслар борки, улар «*ўхшайдиган*», «*ўхшаш*», «... *кўринишга эга*» деган маъноли сифатлар ясайди. Булар қуйидагилар:

-намо (тожик тилидан кирган). Бу аффикс от ва сифатларга қўшилиб, ўзакдан англашилган предмет, ҳодиса, ҳолат тушунчасига, «*ўхшаш*» деган маънони берувчи белгилар (сифатлар) ҳосил қилади: *олимнамо*, *мажнуннамо*, *жинниннамо*, *мулланамо*, *калнамо* ва ҳ. к.

-омуз (тожик тилидан кирган *омез*—«*аралаш*»). Бу аффикс от туркумидаги сўзлардан, ўзакдан англашилган тушунчага «*ўхшаш*», «*аралаш*» деган маъноларни берувчи, хусусият, хосса билдирувчи сифатлар ясайди; *Шу пайт ташқаридан кимнингдир масхара омуз овози эшитилди* («Муштум»). *Умматалининг хотинига бунчалик совуқ муносабатда бўлиши, заҳар омуз ҳазили уни баттарроқ қочирриққа ундади* (Ш у ҳ р а т); *хазиломуз* (гап) ва ҳ. к.

-симон. Бу аффикс кўпроқ отларга қўшилиб «*ўхшаш*» маъносини беради. Хусусият, хосса, шакл билдирувчи сифатлар ҳосил қилади: *маймунсимон*, *одамсимон*, *ойсимон*, *тухумсимон*.

Жонли сўзлашувда -симон ўрнида баъзан тахлит (тақлид) сўзи ҳам ишлатилади (*одамтахлит*).

Рус тили орқали кирган совет-интернационал сўзлар таркибида -он(-ион), -иал, -ик, -ив каби сифат ясовчи аффиксларни учратиш мумкин. Бу аффикслар ўзларининг қуйидаги хусусиятлари билан характерланади.

-он (талаффузи -ўн, русча -онный). Бу аффикс охири -ия билан тугалланган отларга (совет-интернационал сўзларига) қўшилиб, хослик, алоқадорлик маъноларини беради ва характер-хусусият, хосса билдирувчи сифатлар ясайди. Бунда от охиридаги «я» тушиб қолади: *революцион*, *эволюцион*, *интонацион*, *ревизион*, *традицион*, *селекцион* ва ҳ. к.

-ик (русча -ический). Бу аффикс совет-интернационал сўзларига (отларга) қўшилиб, хослик, алоқадорлик, оидлик билдирувчи сифатлар ясайди: *этнографик*, *стилистик*, *фантастик*.

-ик аффикси қўшилган сўзларнинг ўзакларида турлича ҳолатни кўриш мумкин: а) ўзак тўлиқ формасини сақлайди; синонимик — *синоним-ик*. цилиндрик — *цилиндр-ик*, фактик — *факт-ик*, автома-

тик — *автомат-ик*; б) охири *-ия* билан тугалланган сўзларда эса охирги *-ия* аффикси туширилиб, сўз ўзагига *-ик* аффикси қўшилади: стратегия — *стратегик*, археология — *археологик*, этнография — *этнографик*, симфония — *симфоник*; в) *-изм* билан тугалланган совет интернационал сўзларида *-зм* туширилиб, ўрни *-ст* товушлари билан алмаштирилади ва кетидан *-ик* форманти бириктирилади: социализм — *социали+ст+ик*, коммунизм — *коммуни+ст+ик*, эгоизм — *эгои+ст+ик*, капитализм — *капитали+ст+ик*; г) охири *-ика* билан тугалланган (статистика, гимнастика) совет-интернационал сўзларида, шу ясовчи қисқариб, ўзак сифат ясовчи *-ик* аффиксини қабул қилади: статистика — *статистик*, гимнастика — *гимнастик*, топонимика — *топонимик*, тактика — *тактик*, стилистика — *стилистик*. Рус тилида бу сўзларнинг сифат формасини яшаш учун *-ический, -ическая, -ическое* аффикслари қўлланади. *Техник* сўзи эса ўзбек тилида ҳам от, ҳам сифат маъносини бераверади (русча *техник, технический*).

-ик билан ясалган баъзи сўзларнинг (*эластик, эпик, юридик, антик* каби) шу туришида ўзак ва аффиксларга ажратиб бўлмайди (русчаси — *эластичный, эпический, юридический, античный*).

-ив аффикси совет-интернационал сўзларидан (отлардан) оидлик, хослик билдирувчи сифатлар ясайди: *объектив, субъектив, эффектив, консерватив*.

-ал, -иал (русча *-иальный*) совет-интернационал сўзларидан (отлардан) оидлик, хослик маъноларини берувчи сифатлар ясайди: *эмоционал, сентиментал, экваториал*.

Бу аффикс билан ясалган сифатлар ўзбек тилида унча кўп эмас.

Ўзбек тилида қўлланиб келаётган яна бир группа сифат ясовчи аффикслар тожик тилидан ўтган бўлиб, аслида улар мустақил маънодаги феъл ўзакларидир. Бу элементлар тожик тилида ҳам кўшма сўзлар компоненти бўлиб келади.

-боз, -воз (тожикча бозидан — ўйнамоқ) аффикси отларга қўшилиб, ўзакдан англашилган тушунча (предмет ёки ҳодиса) билан кўп шуғулланадиган, унга қизиқадиган, жуда берилган, уни ўйнайдиган каби характер, хусусият маъноларини берувчи сифатлар ясайди.

-боз аффикси шахс маъносини ҳам акс эттиради: *аризабоз, қиморвоз, буйруқвоз, аскиявоз, сафсатавоз*.

Ишқибоз (*ишқивоз*) сўзида *-боз* нинг маъноси юқоридаги мисоллардаги *-бозга* нисбатан бошқачароқ. Бу сўз яхлит ҳолда, умуман, «қизиқувчан», «қизиқувчи», «ҳавасманд» каби маънолар касб этиб қолган: футболга *ишқибоз* одам, илмга *ишқибоз* киши.

-боз билан ясалган бир қатор *доғавоз* (одам), *лўттивоз* (одам), *шаввоз* каби сўзларда ўзак аффиксдан ажралган ҳолда маъно англамайди, у бир бутун ҳолга келиб қолган.

-параст (тожикча — парастидан, яъни «таъзим қилмоқ», «чўқинмоқ») — бу аффикс отларга қўшилиб, ўзакдан англашилган тушунчага (предмет, ҳодисага) жуда берилган, одатланган, чўқи-

надиган, топинадиган каби маъноларда характер-хусусият билдирувчи (шахсга хос) сифатлар ясайди. *Молпараст, бодапараст, шахсиятпараст, бутпараст, амалпараст, офтобпараст* ва ҳ. к. Бундай сифатлар кўпроқ салбий маънога эга.

-парвар (тожикча — парвардан, яъни «ўстирмақ», «парвариш-ламоқ», «тарбияламоқ»). Ўзбек тилида *-парвар* ҳолида мустақил қўлланмайди, фақат ясовчилик вазифасини ўтайди, холос. Бу аффикс отдан характер-хусусият билдирувчи сифатлар ясайди: *адолатпарвар, ватанпарвар, камбағалпарвар, илмпарвар, одампарвар, сояпарвар, тараққийпарвар, халқпарвар* ва ҳ. к.

-хон (тожикча — хондан, яъни «ўқимоқ», «куйламоқ» феълининг буйруқ формаси, пассив ясовчи). Ог ва сифатдан хосса, хусусият билдирувчи сифатлар ҳосил қилади. Масалан: *китобхон, журиналхон, газетхон, шеърхон, саводхон, яккахон*.

-хўр (тожикча — хўрдан, яъни «емоқ», «ичмоқ» феълининг буйруқ формаси). Бу аффикс отларга қўшилиб, хусусият, ҳолат билдирувчи шахсга онд сифатлар ясайди: *ғамхўр, одамхўр, ароқхўр, гўштхўр, судхўр, текинхўр* каби.

-шунос (//-шунос) (тожикча *-шинохтан*, яъни «билмоқ», «англамоқ» феълининг буйруқ формаси). Бу аффикс отларга қўшилиб, шуғулланувчи, билувчи, мутахассис каби маъноларни беради ва ҳолат, хусусият ифодалайдиган (шахсга онд) сифатлар ҳосил қилади: *шарқшунос, адабиётшунос, тилишунос, йилшунос* ва ҳ. к.

-соз (тожикча *-сохтан*, яъни «қурмоқ», «тузатмоқ», «ясамоқ» феълининг ўзаги). Бу аффикс от туркумидаги сўзларга қўшилиб, ўзакдан англашилган тушунчани (предметни) ясайдиган, қурайдиган, тузатадиган деган маънолардаги (шахсга хос) сифатлар ҳосил қилади: *соатсоз, машинасоз, араवासоз* каби.

Шуларга ўхшаш яна *-фуруш* (*-пуруш*) (*дўппифуруш, читфуруш, тўнфуруш*); *-дўз* (*этиكدўз, кавишдўз, махсиддўз*); *-паз* (*сомсапаз, мантипаз*) каби аффикслар ҳам тожик тилидан ўтган бўлиб, шахсга хос ҳунар ёки бирор касбга онд сифатларни ясашда қўлланади.

Сифат ясовчи олд қўшимчалар (префикслар). Ўзбек тилидаги сифат ясовчи олд қўшимчалар тожик тилидан ўтган. Бундай қўшимчаларнинг миқдори у қадар кўп бўлмаса ҳам, булардан *-сер, -бе* префикслари нисбатан маҳсулдор ясовчи ҳисобланади.

-сер (тожик тилидан кирган). Бу аффикс сўз ўзақларининг (кўпинча отларнинг) олдида қўшилиб, ўзакдан англашилган маънонинг кўплигини, ортиқлигини, активлигини англатади: *серпиёз, сертухум, сермазмун* ва ҳ. к.

сер- аффиксининг маъносига кўра қуйидагича группалаштириш мумкин:

а) миқдор жиҳатдан кўпликни, унга эгаликни англатади. Бунда *сер-* билан ясалган сифатлар хосса, хусусият, ҳолат маъноларини ифодалаб келади: *сермева, сергўшт, серёғ, серсоч, сержун, серпахта, серсомон, серсув, серсут, серфарзанд, серқатиқ, серҳосил, серажин*;

б) отларга қўшилиб келган *сер-* аффикси ўзакдан англашилган тушунчанинг ортиқлигини, активлигини ва унга эгаликни англатади. Бундай сифатлар кўпроқ киши характериини, бирор белгисини ифодалаш учун хизмат қилади ва шахснинг аниқловчиси бўлиб келади: *серғайрат* (одам), *серҳаракат* (киши), *серҳафсала* (аёл), *сергап* (кампир), *сержаҳл* (киши), *серзавқ* (йигит), *серзарда* (одам), *сермулозамат* (киши) кабилар;

в) ўзакдан англашилган маъноларнинг ортиқлигини англатади, хосса, хусусият, ҳолат маъноларини ифодалайди: *сермаъно*, *сермазмун*, *серқатнов*, *серташвиш*, *серфайз*, *сершовқин*, *серҳашам* каби;

г) *сер-* қўшимчаси олган баъзи сўзлар ўз маъносидан ташқари кўчган маъноларда ҳам ишлатилади: *серсавлат* сўзи — «*кўркам*», «*келишган*» маъноларини бера олади;

д) баъзи сўзларда *сер-* қўшимчаси ўзак билан бирикиб. яхлит, ажралмас ҳолга келиб қолган: *сероб*, *сергак* каби.

бе- (тожик тилидан ўтган) бу префикс отларга қўшилиб, ўзакдан англашилган тушунчага эга эмасликни, бирор белги ёки хусусиятнинг йўқлигини, инкорни англатади. Функция жиҳатдан *-сиз* аффикси ва *йўқ* сўзларига тўғри келади: *бесабр*, *беўлчов*, *беодоб* ва ҳ. к. Бундан ташқари, яна ўзига хос хусусиятлари ҳам бор:

1) *бе-* ясовчиси отларга қўшилиб ўзакдан англашилган тушунчанинг инкорини, у предмет (хосса, хусусият)га эга эмасликни билдиради. Бундай сифатлар кўпинча: а) шахсга оид харахтер-хусусият, хосса-ҳолатларни ифодалаб келади ва *-сиз* аффикси орқали ясалган бўлишсиз маънодаги сифатлар билан ўрни алмаштира олади: *беғуноҳ*, *бемехр*, *бераҳм*, *беҳафсала*, *беҳаё*, *бетайин*, *беахлоқ*, *бедармон*, *беқўним*, *бесабр*, *беодоб*, *беор*, *бетамиз*, *бетоқат*, *бевафо* кабилар;

б) турли шакл-кўриниш, хусусият, хосса, ҳолат, пайт каби маънолар учун қўлланиши мумкин: — *Билмайман*, *болам*, *қандай беда* ва *о дундагали чалиндим*, *на уйқу бор*, *на иштаҳа* (Ойбек). *Глухов пичоқ билан бир пастда беўхшовгина юлдуз ясади...* (Ойбек). *Унинг бевақт ажин тушган юзларида аллақандай ифода* (Саид Аҳмад). *...Бежанжал кун ўтмайдим* (Ойбек). *Бу ерда бозор кунлари билан бебозор кунларининг фарқи сезилмайди, ...* (Ойбек).

Бу келтирилган мисоллардаги *-бе* қўшимчаси *-сиз* аффиксининг маъносига деярли тенг келади.

бе- қўшимчаси воситасида ясалган қуйидаги сифатлар ўрнида *-сиз* билан ясалган бўлишсиз вариантни қўллаб бўлмайди. Қиёс қилинг: *беҳуда* — *ҳудасиз*, — кейинги варианты қўлланмайди. Шунга ўхшаш *бениҳоя*, *бениҳоят*, *бечора* (одам), *беҳад* (шод), *бенаво* (одам), *бебаҳо* (дунё), *беҳузур*, *бетоб*, *беозор*, *бебош*, *бесаранжом*, *бетавфиқ*, *бенасиб* ва ҳ. к.

Бу каби сифатларнинг ўзақлари (от ўзақлар) назарий жиҳатдан *-сиз* бўлишсизлик аффиксини ола олса ҳам, истеъмолда қўлланмайди. Демак, бу мисоллардаги сифат ўзақларни *бе-* қўшимчаси билан мувофиқлашиб қолган.

2) Баъзи сифатлар *бе-* қўшимчаси орқали ясалган бўлишига қарамай, қўшимчасиз ҳолда маъно англатмайди, фақат бириккан ҳолдагина маъно бера олади: *бедор* (одам), *бесўнақай*, *бекор*, *бекорчи*, *безовта*, *бежирим*. Бу мисоллардаги *бе-* олд қўшимчасини *-сиз* бўлишсизлик аффикси билан алмаштириб бўлмайди.

Қўшма сўзлардан ҳам *бе-* қўшимчаси ёрдамида сифат ясалиши учрайди; *бедому дарак*, *бекаму кўст*, *беном-нишон*.

ба-, *бо-* (тожик тилидан кирган) олд қўшимчалари отларга қўшилиб, предмет, ҳодиса тушунчаларига эгалик ёки ортиқлик маъноларини англатувчи сифатлар ҳосил қилади: *баҳаво*, *баодоб*//*боадаб*, *бамаза*, *бамаъни*, *баҳайбат*, *басавлат*, *баобрў*//*бообрў*, *бақувват*, *бадават*.

но- (тожик тилидан кирган) олд қўшимчаси сифат ва отларга қўшилиб, ўзак-негиздан англашилган предмет, белги ёки ҳодиса тушунчаларига эга эмасликни, бўлишсизликни, инкорни англатадиган сифатлар ҳосил қилади: *ноқобил*, *нотекис*, *ноўрин*, *ношуд*, *номақбул*, *нотўғри*, *ношукур*, *нокерак*, *нотинч*, *носоғ* ва ҳ. к.

но- орқали ясалган баъзи сўзларда, ясалишига асос бўлган ўзак, негиз ўзбек тилида маъно англатмайди, мустақил қўлланмайди; *но-* билан бириккан ҳолдагина бир бутун маънога эга бўлади: *нодон* (одам), *нотавон* (одам), *нокас*//*нокаста* (одам), *ноёб* (нарса), *ночор* (аҳвол) ва ш. к. Бу сўзлар ўзбек тилига тожик тилидан бутунлигича кириб келган. Уларнинг ўзақлари тожик тилидагина маълум маънога эга.

бар-. Бу ясовчи фақат уч-тўрт сўздагина учрайди: *барвақт*, *баркамол*, *бардошли* ва б.

бад- (тожик тилида бу сўз мустақил «ёмон» маъносига қўлланади ҳамда қўшма сўзга компонентлик вазифасини ўтайди). *бад-* билан ясалган сифатлар асосан салбий маънога эга. Бу префикс отларга қўшилиб, характер-хусусият, хосса, ҳолат, шакл-қўриниш каби маъноларни ифодаловчи сифатлар ҳосил қилади: *бадфеъл*, *бадхулқ*, *баднафс*, *бадбашара*, *бадбўй*, *бадҳазм*, *бадқовоқ*, *бадном*, *баджаҳл* ва б.

Мураккаб сифатлар

Сифатлар морфологик (аффикслар воситасида) ясалишдан ташқари, яна синтактик (сўзларнинг бирикуви) ва синтактик морфологик (яъни сўзларнинг бирикуви+аффикслар) усули билан ҳам ясалади.

Синтактик ва синтактик-морфологик усулда ясалган сифатлар группасига: а) қўшма сифатлар; б) бирикмали ёки тизма сифатлар; в) жуфт сифатлар киради.

Қўшма сифат. Бирдан ортиқ ўзак-негиздан ташкил топган қўшма сифатлар бир бош урғу билан айтилиб, бир белги хусусиятни ифодалаш учун хизмат қилади: *оромбахш* (шабада), *безбет* (одам), *оқ кўнгил* (йигит), *тилла ранг* (соқ) каби.

Қўшма сифатлар компонентларининг қайси сўз туркумидан бўлиши ва уларнинг синтактик алоқалари жиҳатини кўзда тутиб,

уларни морфологик ва синтактик томондан қуйидаги группаларга ажратиб анализ қилиш мумкин:

1) икки туб сўздан ташкил топади: от+от, от+сифат, сифат+от, сифат+сифат, равиш+от. Синтактик жиҳатдан қараганда эса бу компонентлар — сифатловчи+сифатланмиш, аниқловчи+аниқланмиш, белгисиз қаратқич+белгисиз қаралмиш, баъзан эга+кесим, тўлдирувчи+кесим тарзида бир-бирига бириккан бўлади. Қўшма сифат ҳолида эса бир бутун маънони (белги маъносини) англатувчи сифатловчи вазифасини ўтайди. Масалан: *беда-на қадам, хомкалла, туя пайпоқ, ширакайф, кулча юз, анордона, жигар ранг, безбет, сарв қомат, қўй кўз, қўл бола, бодом қовоқ, от юз, тош кўнгил, латтафаҳм, тош бағир, тўқим табиат, ит феъъл, оммабон, ёқа вайрон, аламзада, сандиқзада, муллақуруқ (||мирқуруқ), муштумзўр, нонкўр, қизикқон, совуққон, узун қулоқ, як-капайкал, олачалпак, қорапўчоқ (қовун), очкўз, очофат, баланд-парвоз, баландбўй||баландбўйли (одам), софдил, дўнг пешона, қаттиқ қўл, калтафаҳм, калтадум, наст бўй||наст бўйли (одам), ўрта бўй||ўрта бўйли (одам), улуғсифат, ширин сўз, хом калла, ўрта ёш, оқ кўнгил, шўр пешана, шум така, оғир оёқ, катта оғиз, шум оёқ, қорамағиз, қимматбаҳо, ёлғизоёқ, ёлғиз қўл, яланг оёқ||оёқ яланг, яланг бош||бош яланг, хом семиз, самантўриқ, қора тўриқ, қора қизил, олачипор, камқувват, камгап, ҳозиржавоб тезкор.*

2) компонентлардан бири туб, иккинчиси ясама (ёки эгалик аффикси олган) сўздан бўлади. Масалан, от+(-ар, -мас формали) сифатдош: *меҳнатсевар, эрксевар, тинчликсевар, жонкуяр, изқувар, музёрар, каллакесар, латтачайнар, эрта пишар, ишёқмас, хушёқмас, тилбилмас.*

Худди шу формага яна -мон ясовчиси қўшилиб келади: *уста бузармон, иш билармон.*

От+от+эгалик афф. (*ер ости, сув ости, байрам олди, май олди, юбилей олди, тил олди* (товушлари) ва ҳ. к. Бу тип қўшма сифатлар рус тилидан калька йўли билан олинган бўлиб, тилда янги ҳодиса ҳисобланади.

Олмош+ясама сифат: *ўзбилармон.*

Равиш+сифатдош: *тез оқар, тинч оқар, эрта пишар, кеч пишар, чўрткесар.*

Ўзбек тилида компонентларидан бири мустақил қўлланмайдиган ва маъно англатмайдиган бир қатор қўшма сифатлар бор, чунончи: *хазонрезги, шалтанг қулоқ, такасалтанг, калондимог, каллабароз, ажабтовур, жулдурвоқи, калтабақай, диққи нафас, сўққабош, чапдаст* ва ҳ. к.

Бир туркум қўшма сифатлар аниқловчи-аниқланмишли конструкциялардан ривожланган деса бўлади. Даглаб бундай қўшма сифатларнинг иккинчи компонентидан, юқоридаги бирикмали сифатлардаги каби -ли қўшимчаси бўлган бўлиши мумкин. Чунки ҳозирда ҳам бунинг элементлари сақланган. Масалан, *бутун бошли* (коллектив), *бир сўзли* (одам), *ўз сўзли* (бола) каби қўшма си-

фатлар компонентидан *-ли* аффикси олиб ташланса, у белги маъноси англантиш хусусиятини йўқотади. Аниқловчи ва аниқланмиш (бутун бош) бўлиб қолади. Лекин буларни бирикмали сифатлар қаторига киритиб бўлмайди, чунки булардаги ўзаро синтактик алоқа ўчган. Ҳозирда бир бутун ҳолда бир белги ифодаси учун қўлланади. Шунинг учун булар қўшма сифатлардир.

Баъзи қўшма сифатлар *-ли* аффикси олмаган ҳолда қўлланишига қарамай, *-ли* ни қўшиб айтилганда ҳам маънога футур етмайди, шунда ҳам белги маъносини англатаверади: Масалан, *оқ кўнгиш* (одам) — *оқ кўнгишли* (одам), *софдил* (аёл) — *соф дилли* (аёл), *оғир оёқ* — *оғир оёқли*, *тош бағир* — *тош бағирли* ва ҳ. к. Лекин, *яланг оёқ*, *яланг бош*, *хом калла*, *сурбет*, *безбет*, *бадбаша* каби (аниқловчи-аниқланмиш конструкциясидаги) қўшма сифатлар *-ли* аффиксидан бутунлай ҳоли ҳолда қўлланади.

Бирикмали сифат. Белги маънолари бир сўз (содда сифат) орқали ёки икки сўз (қўшма, жуфт сифатлар) орқали ифодаланиши мумкин. Булардан ташқари белги маънолари икки ёки ундан ортиқ сўзли (сифатловчи сифатланмиш, эга-кесим ва ҳоказо) турли бирикмалар орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Бундай белги ифодаларини шартли равишда бирикмали сифатлар дейилади.

Бирикмали сифатлар таркибидаги сўзларнинг ўзаро синтактик муносабатига кўра қуйидаги группаларга ажратиш мумкин:

1) Аниқловчи-аниқланмиш ҳолатидаги (атрибутив алоқадаги) бирикмалар. Масалан *юқори ҳосилли* (колхоз), *қизил байроқли* (бригада). Бу тип бирикмалар (сифатлар) қўшма сифатга анча ўхшаб кетса ҳам (яъни ҳар икки ҳолатда ҳам предмет белгисиз аниқланса-да) қўшма сифат группасига кира олмайди. Чунки сифатловчи вазифасидаги бирикмаларда аниқловчи ва аниқланмишлик муносабати, ички синтактик алоқа сақланган, мазмунан ҳали яхлит бир белги маъносига (фақатгина белги ифодаси ҳолига) бориб етмаган бўлади.

Аниқловчи-аниқланмиш ҳолатидаги бирикмали сифатларда кўпинча компонент *-ли* аффикс олган бўлади: *беш қаватли* (бино), *тўрт хонали* (квартира), *кўп хонали* (сон), *узун толали* (пахта) ва ҳ. к.

2) Бирикмали сифатларнинг бир туркуми эга-кесим муносабатидаги (предикатив алоқадаги) бирикмаларга тенг келади. Булар қуйидагилар: *кўнгли юмшоқ*, *кўнгли қаттиқ*, *сўхтаси совуқ*, *қўли очиқ*, *истараси иссиқ*, *тили аччиқ*, *тили узун*, *гапи совуқ*, *оғзи бўш*, *қўли эгри*, *лафзи ҳалол*, *жаҳли тез*, *ёши улۇф*, *сочи узун*.

... *Зуваласи пишиқ бу қиз Аъзамнинг дидига бирдан ўтириб қолди* (Ш у ҳ р а т). *Аммо Башорат ишига пишиқ қиз* (С а и д А ҳ м а д).

Мисоллардан кўринадикки, бу каби белгилар кўпроқ шахсга (кишининг характер-хусусиятига) хос бўлиб, биринчи компонент ҳар доим III шахс эгалик қўшимчасини олган ҳолда бўлади, шундай формадагина у бир белги маъносини ифодалайди, бирикмали

сифат ҳисобланади. Биринчи компонент доим от туркумидан, иккинчиси деярли сифатлардан ташкил топади.

Айрим бирикмали сифатлар компонентларининг ўрнини алмаштириб қўллаш мумкин, бунда аниқловчи-аниқланмишли конструкция эга-кесим шаклига келиб қолади: *оқ кўнгли — кўнгли оқ, тош бағир — бағри тош, очиқ қўл — қўли очиқ* каби.

3) Жўналиш келишиги формасидаги от+сифат муносабатидаги бирикмалар ҳам бор: *гапга нўноқ, гапга уста, бетга чопар, кўзга яқин, ўзига тўқ, ўзига пишиқ, ўзига тинч* кабилар.

4) Сифатдош оборотли конструкцияга тенг бирикмали сифатлар. Бундай бирикмали сифатлар қўшма (икки сўздан) ва тизма (бир неча сўздан, иборат) бўлиши мумкин. Булар қуйидагилар:

а) бирикмали сифатнинг иккинчи компоненти *-ган* қўшимчали сифатдошдан бўлади: *Қув, ичидан пишган, фидойи, жасур, ғамхўр* командирни ҳамма севади (Ойбек). *Гапга бичган* (одам), *ис босган* (кишилар), *оҳори тўқилмаган* (дастурхон) ва б.;

б) бирикмали сифатнинг биринчи компоненти чиқиш келишик аффикси (*-дан*)ни олган бўлади ва «келган» сўзи унга иккинчи компонент сифатида бирикади: *қорачадан келган, новчадан келган, қоратўридан келган. Умарали йигирма уч, йигирма беш ёшларда, баланд бўйли, оқишдан келган, келишган йигит* (Ойбек). *Ўрта бўйли, нозиккинадан келган бу серғайрат жувон шу қуртларнинг меҳрибони, ғамхўри* («Саодат»). *Хипчадан келган қизнинг қўлида чиройли филофли чамадон...* («Совет Ўзбекистони»).

в) иккинчи компонент *-мас* аффикси олган сифатдошдан бўлади: *Уни ... тил билмас одамлар орасида кўрди-да, илжайиб қўйди* (Ойбек).

Жуфт сифат. Икки сўзнинг тенг боғланишидан ҳосил бўлган, предмет, ҳодиса ёки ҳолатнинг бир умумий белгисини ифодалаш учун хизмат қиладиган сифатлар жуфт сифат дейилади. Жуфт сифат компонентларининг ҳар қайсиси мустақил урғу билан айтилади.

Жуфт сифатлар қуйидаги усуллар билан:

1. Иккита бир формадаги сўзни жуфтлаштириш (такрорлаш) йўли билан ҳосил қилинади. Бундай сифатлар маънони кучайтириш, бирдан ортиқликни билдириш, таъкид, модал муносабат каби ифодалар учун қўлланади. Масалан: *лўппи-лўппи* (пахталар), *маржон-маржон* (тер), *оппоқ-оппоқ* (ёстиқлар), *майда-майда* (картошка), *катта-катта* (ёнғоқ), *лўнда-лўнда* (гап), *лиқ-лиқ* (тилла), *лим-лим* (сут), *лахта-лахта* (қон), *лак-лак* (аскар), *узоқ-узоқ* (йўл), *қизиқ-қизиқ* (гап), *янги-янги* (кийим), *баланд-баланд* (тоғлар) ва б.

Бундай усул жуфт сифат ясашда жуда маҳсулдор ва имконияти кенг усулдир. Сифат ва равиш туркумидаги сўзларнинг жуда кўпини такрорлаб қўллаш йўли билан жуфт сифат ҳосил қилиш мумкин.

2. Қарама-қарши маъноли сўзлар (бунда зид маъноли, бўлишли-бўлишсиз маъноли ва бошқа шунга ўхшаш сўзлар) жуфтлашади. Бундай жуфт сифатлар состави турли сўз туркумидан (от, феъл, сифатлардан) бўлиши мумкин. Булар кўпроқ умумлаштириш ва таъкид каби маъноларни ифодалайди ҳамда кўчган маъноларда қўлланиши мумкин. Қарама-қарши маънодаги сифатлар: а) туб сўзлардан бўлади: *ҳалол-ҳаром, ўнг-терс, олис-яқин, оғир-енгил, оқ-қора, паст-баланд* (||баланд-паст), *эски-янги, катта-кичик, яқин-йироқ, яхши-ёмон* (||ёмон-яхши), *ёш-қари, ёлгон-чин, катта-кичик, узоқ-яқин* ва б.

Бу типдаги жуфт сўзларда, баъзи ҳолларда (айниқса, жонли тилда) биринчи компонент кетидан сўзларни бирлаштирувчи унли товушлар қўшилиши мумкин: *ёшу қари, пасти баланд, каттаю кичик, ўнги терс, оқу қора* каби;

б) компонентлар туб+ясама сўздан бўлади: *маза-бемаза, узун-қисқа, ҳуд-беҳуд, ҳуда-беҳуда, ҳақ-ноҳақ, ҳўл-қуруқ, тўғри-нотўғри* ва б.;

в) ҳар иккала компонент ясама сўздан бўлади: *керакли-керак-сиз, таниш-нотаниш, сезилар-сезилмас, ачиқ-чучук, илинар-илинмас, билинар-билинмас, борди-келди, қўлли-оёқли, сабабли-сабаб-сиз, қуюқ-сууюқ, унар-унмас, етар-етмас, иссиқ-совуқ, кирди-чиқди* ва б.

Антоним характеридаги жуфт сифатларда биринчи (олдинги) компонент кўпинча бўлишлилик маъносини, иккинчи (кейинги) компонент бўлишсизлик, инкор маъносини ифодалаб келади. Шу сабабли, зарур бўлган ўринларда, *-сиз, -бе, но-* аффикслари иккинчи (кейинги) компонентга, *-ли* биринчи (олдинги) компонентга қўшилиб келади.

3. Жуфт сифатлар компонентлари синоним характеридаги маънодош ёки яқин маъноли сўзлардан бўлади... *оч-наҳор, эрка-арзанда, бой-бадавлат, шалдир-шулду, соғ-саломат* (||соғу саломат), *ола-чипор, соя-салқин, ўйдим-чуқур* (ўнқир-чўнқир), *оч-ночор, пухта-пишиқ, нозик-ниҳол, узук-юлуқ, қари-қартанг, мўмин-қобил, ола-қуроқ, кекса-қари, хор-зор, тенг-қур, шармандаи шармисор* ва ҳ. к. Бу тип жуфт сўзлар жуда маҳсулдор ҳисобланади.

4. Компонентлардан бири (ё униси, ё буниси) маъно англамайди, тилда мустақил қўлланимайди. Фақат жуфтлашган ҳолдагина бир бутун маънога эга бўлади: *бўш-баёв, увада-чувада, хом-хатала, чала-чулла, чалакам-чатти, ҳаром-ҳариш, эски-туски, эгри-бугри, яримта-юримта, ачиқ-тиззиқ, валдир-вулдир, қора-қура, ғадир-будир, жинни-санғи, синиқ-бертик* ва б.

5. Жуфт сифатларнинг ҳар иккала компоненти ҳам ёлғиз ҳолда маъно англамайди ва тилда мустақил қўлланимайди. Жуфтлашгандагина бир бутун маъно касб эта олади: *иланг-биланг, ували-жували, дали-ғули, икир-чикир, илдим-жилдим, ғарра-шарра, вати-қути, шивир-шивир, там-там* (қиз), *ипир-ипир, алоқ-чалоқ, айқаш-уйқаш, ажи-бужи* ва б.

6. Жуфт сифат компонентлари бир турдаги сўзлардан бўлиб, кўпинча биринчи компонент ясовчи ёки келишик аффикслари олган ҳолда бўлади. Қўшимча олган компонент аксари ёлғиз ҳолда маънодан маҳрум бўлади. Масалан: *пойма-пой, кўпдан-кўп, лабо-лаб, хилма-хил, жона-жон, ранго-ранг, ранг-баранг, лиммо-лим, сўзма-сўз* (таржима), *ёнма-ён* (қўшни) каби.

-ли, -сиз аффикслари баъзан жуфт отлардан жуфт сифат ясаши мумкин. Бундай ҳолда аффикс иккинчи компонентга қўшилади: *она-болали, ичкари-ташқарили, ер-сувсиз, сон-саноқсиз* ва б.

Иккинчи компонент -мас аффиксини олган ҳолда бўлади: *киши билмас, тепса-тебранмас, сув бермас, гап уқмас, одам суймас* ва б.

Қўшма ва бирикмали сифатларнинг компонент моделлари

Қўшма ва бирикмали сўзлар таркибида келадиган баъзи компонент бир эмас, бир неча қўшма ва бирикмали сўзлар таркибида ҳам қўлланаверади. Бундай компонент (модел)лар материал жиҳатидан турлича сўзлардан (от, сифат, сон, феъллардан), этимологик жиҳатдан — ўзбек, форс, тожик, араб сўзларидан бўлиши мумкин. Компонент моделларнинг баъзилари (яъни ўзбек тилида мустақил маънога эга бўлмаганлари) ясовчи аффикслар қаторига ўтиб қолган. Масалан: *-парвар (ватанпарвар), -боз (масхарабоз), -кор (шифокор), -дон (билимдон)* ва ҳ. к.

Бу каби элементлар аффикс сифатида «Сифат ясовчилар» бобида берилган.

Модел компонентлари кўпинча иккинчи ўринда келади. Биринчи ўринда келиши ёки ҳар иккала ўринда қўлланиши нисбатан кам учрайди.

Қўшма сифат компонентлари (моделлари). *Бахш* — бу сўз тожик тилидан кирган бўлиб (бахшидан — «инъом қилмоқ», «бағишламоқ» феълнинг ўзаги), қуйидаги қўшма сўзлар компонентида келади: *оромбахш, шифобахш, роҳатбахш, ҳаётбахш* ва ҳ. к.

Боп — бу сўз «мос», «муносиб», «лойиқ» маъноларини беради ва қуйидаги қўшма сифатлар таркибида қўлланади: *бозорбоп, сенбоп, менбоп, оммабоп, харидорбоп, ҳаммабоп* ва ҳ. к.

Дил — «кўнғил», «юрак», «қалб» сўзларига синоним бўлган бу сўз қўшма сўзларнинг олдинги ва кейинги компонентлари вазифасида қўлланади: *дилором, дилхаста* (//хастадил), *дилнавоз (куй)*; *якдил, софдил, покдил* ва ҳ. к.

Жон — олдинги ва кейинги компонент вазифасида келади: *рамақижон* (//рамағдажон), *офатижон, болажон* (//болажонли), *яримжон, нимжон, чалажон; жонкуяр, жонсарак* ва ҳ. к.

Кам — биринчи компонент вазифасини ўтайди: *камгап, камсухан, камфаҳм, камчиқим, камсуқим, камҳафсала, камхарж, камнамо, камдийдор, камқувват* ва б.

Ним — тожик тилидан кирган (маъноси — «ярим»). Қўшма сифат таркибида биринчи компонент вазифасида қўлланади: *ним-жон, нимранг, нимпушти, нимдошт, нимхуш, нимтатир* ва ҳ. к.

Ранг — қўшма сифат ясаиди: *жигар ранг, кул ранг, сур ранг, ҳаво ранг, бугдой ранг, мош ранг* ва б.

Хуш — (тожик тилидан кирган, маъноси «ёқимли»). Қўшма сифатларнинг биринчи компоненти бўлиб келади: *хушманзара, хушфеъл, хушҳол, хушнуд, хушҳаво, хушбўй, хушқомат, хушчақчақ, хушёқмас, хушмуомала, хушмўйлов, хушрўй, хушовоз* ва б.

Хўр — (тожик тилида «емоқ», «ичмоқ» маъносиди) қўшма сўзларнинг иккинчи компоненти бўлиб келганда қуйидаги маъноли сифатлар ҳосил бўлади: *одамхўр, қонхўр, ғамхўр, хушхўр, чимхўр* ва б.

Ғайри — (*ғайир* — «ўзга», «беғона», «рақиб» маъносиди). Бу сўз қўшма сўзларнинг биринчи компоненти бўлиб келганда эса «эмас», «акси», «зидди» каби маъноларни англатади: *ғайритабиий, ғайриқонуний, ғайришумий, ғайририхтиёрӣ, ғайришуурий* ва б.

Ҳам — қўшма сифатларнинг биринчи компоненти бўлиб келадиган бу элемент юклама (-*ҳам*) билан боғловчи (*ҳам*) дан маъно ва вазифа жиҳатидан фарқ қилади. Кўпинча *ҳам* сўзи отларга қўшилиб «бирга», «бир» деган маъноларни англатади: *ҳамдард, ҳам-жиҳат, ҳамнафас, ҳамтовоқ, ҳамшаҳар, ҳамоҳанг, ҳамфикр, ҳам-суҳбат* ва ҳ. к.

Бирикмали сифат компонентлари (моделлари). Бир қатор сўзлар (от, сифат, сон туркумидан) бирикмали сифатларни ҳосил қилиш учун хизмат қилади. Бундай компонентларда ҳали синтактик муносабат бутунлай йўқолиб кетмаганлиги, ҳали яхлит (монолит) бир сўз даражасига келиб қолмаганлиги учун улар қўшма сифатлар группасига кира олмайди, улар бирикмали сифатлардир:

Аралаш — бу сўз иккинчи компонент бўлиб келади: *тош аралаш* (қум); *ловия аралаш* (мош), *қум аралаш* (лой); *қор аралаш* (ёмғир); *сув аралаш* (керосин); *ҳазил аралаш* (киноя) ва б.

Йўқ — иккинчи ўринда келади: *тенги йўқ, баҳоси йўқ, аҳамияти йўқ, мазаси йўқ* ва б.

Кўп — биринчи ўринда келади: *кўп сонли, кўп миллатли, кўп тиражли, кўп тармоқли, кўп йиллик, кўп болали, кўп серияли* ва ҳ. к. *Кўп* сўзи орқали ҳосил бўлган бирикмаларнинг иккинчи компоненти -ли аффикси олган ҳолда бўлади.

Олий — биринчи ўринда келади: *олий нав (олий навли), олий маълумотли, олижаноб, олиҳиммат* ва б.

Оч — биринчи ўринда келади: *оч қизил, оч пушти, оч кўк, оч сариқ* ва ҳ. к. *Оч* сўзи ранг билдирувчи сўзлар олдидан келганда (бирикмали сифат ҳосил қилганда) асл маъносидан кўчиб, ранг оттенкаларини (озайтириш даражани) ифодалаб келади.

Тўла — бу сўз ҳам бирикмали сифатни ҳосил қилишда қатнашади, асосан олдинги компонент бўлиб келади. Баъзан бадий тасвирларда иккинчи компонент бўлиб ҳам келади: *тўла қонли,*

тўла ҳуқуқли, тўла қимматли; ... Ҳув ўша, ю л д уз т ў ла осмон-га чиққан, бутун оламга етгудек овоз билан қўшиқ айтгиси келарди (Саид Аҳмад). Уларнинг ишонч тўла кўзлари порлаб туришига амин бўлиб сафарга кетдим (Саид Аҳмад).

Тўқ — бу сўз эга-кесим муносабатидаги бирикмали сифатлар компоненти (*қорни тўқ, кўзи тўқ, назари тўқ* каби) бўлиб келиш билан бирга *оч* сўзи каби ранг билдирувчи сўзлар олдидан қўшилиб келиб бирикмали сифатлар ҳосил қилади. Бунда *тўқ* сўзи асл маъносидан кўчиб, ранг оттенкаларини ифодалаш (даражасини ошириш) учун қўлланади: *тўқ қизил, тўқ қора, тўқ сариқ, тўқ зангор, тўқ кўк* ва б.

Чала — биринчи компонент бўлиб келади: *чала ўлик, чала жон, чала маст, чала мулла, чала савод* ва б.

Эслатма: *чала* сўзи бириккан *чалажон, чалақурсоқ* бирикмалари қўшма сифат доирасига кирган деса бўлади.

Ярим — биринчи компонент бўлиб келади: *ярим мустамлака, ярим қоронғи, ярим кустар, ярим автомат, ярим айлана, ярим доира, ярим ёввойи* ва б.

Эслатма: *яримжон* сўзи қўшма сифатдир.

Компонент моделлар вазифасида айрим сонлар ҳам қўлланиб келади.

Бир — бу компонент биринчи ўринда келади: *бир талай, бир текис, бир ёқлама, бир томонлама, бир хил*; иккинчи компонент *-ли* аффикси олган ҳолда бўлади: *бир бурчакли, бир фазали, бир оёқли, бир маъноли, бир тавақали, бир турли* ва б.

Икки — (*баъзан уч, тўрт*) — бу сўз биринчи ўринда келади: *икки ёқлама, икки тавақали, икки ёқли, икки ўринли, икки уйли, икки ғилдиракли* ва б.

Икки сўзи орқали ҳосил бўлган бирикмаларнинг иккинчи компоненти кўпинча *-ли* аффикси олган ҳолда бўлади.

Эслатма: *икки* сўзи қўшилиб ҳосил бўлган *икки қат, икки юзламачи* бирикмалари қўшма сифатлар доирасига кирган деса бўлади.

Тизма (изоҳли сифат). Бир белги маъносини ифодалаш учун содда, қўшма, жуфт ва бирикмали сифатлардан ташқари тизма сифатлар, яъни турли лексик-фразеологик бирикмалар, ёйиқ изоҳловчилар қўлланиши ҳам мумкин. Лексик ифодалар ва изоҳлар турли сўз туркумларидан таркибланади. Бундай изоҳловчилар кўпроқ предмет белгисининг (аниқловчининг) аниқловчилари, уни конкретлаштирувчи воситалар, муболағалар бўлади: *Кенг елкали, катта сопол товоқдай беўхшов юзли... солдат консерва банкаларини миришкорлик билан очиб ташлади* (Ойбек). *Катта ҳовлининг ўртасида ҳусни бир жаҳонга татийдиган жувон ётипти* (Саид Аҳмад). *Мўйлови тўсдек қоп-қора бу одамнинг олдига боришга хижолат бўлиб... турди* (Саид Аҳмад). *Шу ором ва фароғатга тўла саратон тунда боғ кўчадан бир қиз билан йигит келарди* (Саид Аҳмад).

Сифат даражалари

Предмет, ҳолат, ҳодисанинг турли-туман ўзига хос конкрет ҳамда абстракт белгилари бўлади. Бундай белгилар нормал бўлиши мумкин ва шу нормалликка нисбатан ортиқ ёки кам, паст ёки баланд бўлиши мумкин. Бу ҳодиса сифатнинг даража формалари ёрдамида ифодаланади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида сифатнинг даража формалари қуйидагича:

1. Орттирма даража — белгининг ортиқлигини ифода этиш учун қўлланади.

2. Озайтирма даража — белгининг камлик даражасини ифода этиш учун қўлланади.

3. Қиёсий даража — бунда белгининг ортиқ-камлиги турли чоғиштириш усуллари воситасида аниқланади.

Орттирма даража

Бу даража формалари орқали предмет, ҳолатга оид белги хусусиятларнинг ортиқлик маънолари, яъни белгининг нормал ҳолатдан юқорилиги, баландлиги ифодаланади. Белги даражасининг ортиқлигини кўрсатишда уч хил усул қўлланади: 1) морфологик (аффиксация) усул; 2) лексик усул: бунда турли кучайтирув маъносини берувчи сўзлар, сўз бирикмаларидан фойдаланилади; 3) лексик-семантик усул; 4) фонетик усул — бунда эса урғу, интонация, товуш такрори каби фонетик воситалардан фойдаланилади.

Морфологик усул. (Интенсив форма). Белгининг ортиқлик даражасини ифодалашда қўлланувчи интенсив форма бирор предмет белги хусусиятини бошқа предметдаги шундай белги хусусияти билан қиёс этилмаган ҳолда ортиқлигини ифодалашга хизмат этади. Бу турли кўринишга эга: а) сўзнинг биринчи (очиқ) бўғини ажратилиб, унга кейинги бўғиндаги биринчи ундош қўшилади-да, ёпиқ бўғин ҳосил қилинади ва кетидан тўлиқ формаси қўшиб айтилади. Масалан: *дум-думалоқ, пак-пакана*;

б) сўзнинг аввалги икки товуши (баъзан бу — бир бўғинга тўғри келади) ажратилиб, унга *п, м, с* товушлари қўшилади-да, ёпиқ бўғин ҳосил қилинади ва кетидан асл ўзак қўшиб айтилади: *кап-катта, сип-сарик, қип-қизил, сип-силлик, қоп-қоронғи, нес-нобуд, ям-яшил* кабилар.

Бир бўғинли сифатларда интенсив форма қуйидагича ясалади: Масалан, ўзак оҳиридаги ундош товуш *м* ёки *п* товушга айлантйрилиб янги бўғин ҳосил қилинади ва бу бўғинга асл ўзак яна тиркаб айтилади: *кўк — кў + м-кўк (кўм-кўк), бўш — бў + м-бўш (бўм-бўш)* кабилар. Оқ сўзида эса о товуши кетидан икки *пп* товуши орттирилади, сўнг яна асл ўзак тиркаб айтилади: *оқ — о + пп + оқ (оппоқ)*;

в) сўз олдидан такрорланувчи қолип бўғин икки (ёпиқ, очиқ) бўғиндан иборат бўлади, яъни ажратиб олинган икки товушга *п* товушини қўшиш орқали ёпиқ бўғин ҳосил қилинади ва унга яса-

ма бўғин -ла қўшилади; тўппа-тўғри, соппа-соғ, оппа-осон, қуппа-қуруқ (қуп-қуруқ), куппа-кундузи, туппа-тузук, теппа-тенг, хаппа-халол (/хаппайхалол) ва ҳ. к.

Лексик усул. Бу усул бир неча турга бўлинади: а) махсус кучайтирувчи (*жуда, энг, ғоят, ниҳоятда, бир, бирам, тим, нақ, зап* ва бўлишсизлик маъносигадаги *беҳад, бениҳоя, чексиз, мислсиз, тенгсиз, ниҳоясиз, беқиёс каби*) сўзлар орқали ифодаланади: *Фақат унинг тенгсиз ҳуснига оддий бир жўн одам сифатида лол бўлиб турибман, холос (Саид Аҳмад). Чексиз қувончли бир умид билан юзига тикилди (А. Мухтор). ...бениҳоя қора кўринган мўйлови ўзига жуда ярашган... (А. Қаҳҳор). Дарҳақиқат, ёнбағирлар беқиёс чиройли эди (Саид Аҳмад). Далада энг оғир ишни шу қилади (Саид Аҳмад). Баҳор ҳавоси эмасми, бирам ёқимли, нафас олган саринг роҳат қиласан («Тошкент оқшоми»). Мадамин жудаям қаттол, айёр кўрбоши (К. Яшин). ...эртага жуда даҳшатли жанг бошланиши муқаррар (А. Қаҳҳор). Зап ғалати одамларингиз бор-да (Саид Аҳмад). Пахта иши оғир, нозик иш-да (Ойбек). Саҳни каттагина экан ҳовлисининг, гилослари мунча кўҳлик-а... (Ойбек). Нақадар улғвор гапа- (Ж. Абдуллахонов). Тун шу қадаар сокин, ҳаво шу қадаар майин (П. Қодиров). Қиз ниҳоятда чиройли (Шуҳрат). Тим қоронғи, изғиринли кеча (Ойбек). Бу геолог халқи тозаям эзма, хамири ачимаган халқ бўлар экан (Саид Аҳмад). Наҳотки шундай там-там қиз дарров бошқача бўлиб қолган бўлса? (Саид Аҳмад). Лекин фанер эшик шунчалик омонат эдики, бошлиқнинг оилавий гапни чор-чор эшитишга тўғри келади (А. Мухтор). —Улғудай зикна ҳасис бой ўзиям,—кулди Арабхон (Ойбек). Ўзлариям ўлгунча кўзи тор, мурдор одам... (Ғ. Фулом). Тўғриси айтганда, бойлар ўта ноинсоф, бағри тош одамлар (Ойбек). Қалла шўрва хўп бамаза нарса-да («Муштум») ва б.;*

б) такрорий (жуфт) сўзлар воситасида ифодаланади. Бундай такрорий сўзлар кўпинча от олдидан қўлланади. Такрорий сўзлар аффиксиз ёки биринчи компоненти аффикс ё юклама олган ҳолда ва ҳар икки компонент -дай аффикси олган ҳолда бўлиши мумкин. *У бир қўллаб кураш тушиб зўр-зўр давонгир йигитларни чирпирак қилиб ерга уриб, ҳаммани ҳайрон қолдирарди (М. Мухаммаджонов). Қамол бақувват тишлари билан ёнғоқларни қарс-қурс чақиб, олтин рангли бармоқдай-бармоқдай майиз билан ея бошлади (Ойбек). Лекин вақтдан яхши дори йўқ. не-не жароҳатларни даволайди. Не-не аччиқ аламларни унут қилади (Шуҳрат). Йўқ, унча-мунча одам тушунмаса керак унинг ҳозирги аҳволини («Шарқ юлдузи»). Икки агрофида каттадан-катта гулхан ёнарди... (Ш. Рашидов);*

в) турлича сўз бирикмалари, идиоматик иборалар воситасида: *Эллик ёшлардаги ҳаддан зиёд чўтир бир киши каравотдан оёқларини тушириб...ётарди (Ойбек). Ҳаддан ташқари*

қонли ва даҳшатли бўғишмалар қайнади. (Ойбек). Ҳа, эшитдим. Эшмуҳаммад жаҳонда мисли йўқ бир тўй берибди, таърифдан тил ожиз эмиш (Ойбек). Худо умрини берсин, хўп жувонда, баҳоси йўқ жувон (А. Қаҳҳор). — Гадейликдан ўлим яши, минг марта яши, — йўлаб деди Шоқосим (Ойбек)... Автобус мени мутлақо нотаниш... ҳусни бир жаҳон пёл билан йўлга ташлаб кетди (Сайд Аҳмад). Хўш, ҳози домла, қани бойга-ку қулинг ўргилсин Жамилахонни олиб берямиз... (Ҳ. Ҳакимзода). Ақл бовар қилмас гап («Муштум») ва б.

Лексик-семантик усул. Бу усулда маънони кучайтириш учун белги билдирувчи сўзлар ўрнида ёки улар олдидан бошқа туркумдаги сўзлар қўлланади, баъзан у сўзлар такрорланган ҳолда ёки -дек аффикси олган ҳолда келади: *аччиқ гаримдори* — *заҳар гаримдори* (*заҳардек гаримдори*, *заҳар-қотил гаримдори*, *заҳар-талоқ гаримдори*, *заҳар-заққум гаримдори* ва б.); *ширин қовун* — *қанд-қанд қовун*; *айёр одам* — *тулки одам*, *шўх қиз* — *шайтон қиз*; *бўш одам* — *матта одам*; *шўх бола* — *олов бола каби*.

Фонетик усул. Бу усул асосан жонли тилга оид, яъни товушларга хос бўлган турли ҳодисалар талаффуз вақтида намоён бўлади. Белги маъносини кучайтиришда фонетик усулдан ҳам фойдаланилади. Бу қуйидагича: а) белги билдирувчи сўз составидаги унлилар чўзиқ талаффуз қилинади ва урғу ўша унлиларга тушади: *балаанд*, *маайда*, *кўўп*, *тооза*, *ёмоон*, *чуқуур*, *харооб*, *қаари каби*.

Интенсив формалаги сифатларда урғу олдинги, ясама бўғинларга тушади: *яп-япалоқ*, *сап-сарик*, *қуп-қуруқ* ва ҳ. к.;

б) сўз составидаги баъзи ундошлар иккиланади: *юммишоқ юпқа*, *теккис каби*.

Баъзи бир белги билдирувчи сўзларга нисбатан иккала ҳодисани ҳам қўллаш мумкин бўлади. Бунга мисол тариқасида, биринчидан, асл ўзагида иккита ундош бор сўзларни келтириш мумкин, яъни маънони кучайтириш учун ўша қўш ундошлар янада кўпайтирилади: *аччиқ*, *сассиқ*, *қатттиқ*, *қиррриқ*, *тиррриқ*, *жаажжжи каби*; шу билан бирга, бу сўзларнинг биринчи бўғинидаги унлиларни чўзиқ талаффуз этиш ҳам мумкин: *қааттиқ*, *саассиқ*, *жаажжжи*, *ааччиқ каби*.

Бунга интенсив формаларни ҳам киритиш мумкин, яъни ясама бўғинидаги ундошлар иккиланади: *сап-сарик* — *сапп-сарик*, *қипқизил* — *қипп-қизил*, *юм-юмалоқ*, *юмм-юмалоқ каби*.

Озайтирма даража

Озайтирма даража кўпроқ ранг-тус белгиларига хос, айниқса озайтирувчи аффикслар ранг билдирувчи сифатлар билан боғлиқ. Бундан белги маъносининг нормал даражага етмаганлиги, нормалдан пастлиги (турли усуллар билан) ифода этилади.

1) **аффиксация:** *-иш -ғиш* (*қизғиш*, *сарғиш*, *кўкшиш*, *оқшиш* ва ҳ. к.),

-мтир, -имтир (қорамтир, кўжимтир, қизғимтир, оқимтир, сар-
-имтир).

Қизил, сариқ сўзлари *-ғиш*, *-ғилг*, *-ғимтир* аффиксларини ол-
ганда ўзақда торайиш ҳосил бўлган.

Юқорида келтирилган аффикслар асосан ранг билдирувчи си-
фатларга қўшилиб, камлик маъносини ва шу билан бирга ранг
оқтенкаси маъносини беради.

-роқ аффикси ҳам қиёсий аффикс бўлиши билан бирга сифат-
ларда озайтирма даража ҳосил қилишда қўлланади, яъни белги
маъносининг меъёрига ёки юқори даражага етмаганлигини, бир оз
пастлигини, камлигини ҳам кўрсата олади: *У эскироқ, жуда
тор камзул, оёғига эркакча туфли кийган* (А. Мухтор).

Бу мисолдаги *эскироқ* сўзининг маъноси ўша эски сўзидаги
ўзлиқ маънога бориб етмаган, демак, *-роқ* аффикси ундаги белги
маъносини қиёслашга эмас, балки камайтириш, занфлаштириш
учун хизмат қилган.

2) лексик воситалар: *ярим, ним, оч, хиёл, хила, чизми, сал, айтар-
ли, унча, унчалик... эмас, у қадар... эмас* ва б.: *Ярим қоронғи
залда тимирскилаб ўз ўрнимни топдим* (Саид Аҳмад). *Улар
фронддан хила узоқ... ўрмонда эдилар* (Ойбек). *Айтарли
тузук-қуруқ гап йўқ* (Саид Аҳмад). *Ҳамма кўрган оғир
кунлари у қадар қора кун эмас экан* (А. Мухтор). *Узи
унча чиройли бўлмаса ҳам аллақадери одамга ёқади* (Саид
Аҳмад).

3) лексик-морфологик усул. Бунда белги маъносини бериш
учун лексик элементлар ва озайтирувчи аффикслар қўлланади:
*Бу орада пастга битга айиқ тушиб келган эди. Буниси хиёл кич-
чикроқ...* (П. Қодиров). *Боя еганим сал ғўрароқ эди*
(Саид Аҳмад).

Қиёсий даража

Сифат белги ифодаларида қиёслаш даражаси ҳам катта ўрин-
ни эгаллайди. Бу даража орқали белгининг ортиқ ё камлиги, юқори
ёки пастлиги қиёслаш йўли орқали аниқланади. Яъни бунда
предметларнинг ўзи ёхуд уларнинг белгилари бир-бирига чоғиш-
тирилади: *Узум ўрикдан ширинроқ*.

Қиёсий даража формасини ясовчи энг муҳим воситалардан
бири *-роқ* аффиксидир. Лекин белги англатувчи сўзга фақат *-роқ*
аффиксини қўшиш билан чоғиштириш (қиёсий даража) ҳосил
бўлавермайди. Бу даража маъноси контекстдагина реаллашади.
Қиёсий даража учун қуйидаги тартибда тузилган гапларни кел-

тириш мумкин...га { қараганда...
нисбатан ... *-роқ* яъни — *уйга қараганда*
айвон ёруғроқ: денгизга нисбатан кўл кичикроқ.

...дан { *кўра*
ҳам *-роқ, шаҳардан кўра дала салқинроқ.*

Юқоридаги кўмакчи сўзларсиз ҳам қиёсий даража ифодаланиши мумкин: ... қалбдан айтилган ташаккурдан қимматли-роқ мукофот борми одам боласига (Саид Аҳмад).

Қиёс одатда икки предмет (ҳодиса, воқеа, ҳолат) иштирокида юзага келади. Лекин нутқ процессидан ёки мантиқан чоғиштириш англашилиб турса, ундай ҳолда қиёсга асос бўладиган объект тушириб қолдирилиб, -роқ, қўшилган элементнинг ўзигина гапда иштирок этиб қиёс ҳосил қилиши мумкин: —Нафас ололмаётибман, шабадароқ жойга олиб боринг (Саид Аҳмад). Агар бу мисолдаги фикр тўлиқ тикланса—«Нафас ололмаётибман, бу ердан кўра шабадароқ жойга олиб боринг»—шаклини олар эди.

-роқ аффиксининг муайян ортиқликни ёки қиёсга етмаганликни англатиши кўпроқ контекстга, кейин эса, -роқ нинг қайси маънода келиши, чоғиштириш воситаларига, субъектнинг модал муносабатига ҳам боғлиқ: Аҳмаднинг бўйи баланд, — Йўқ, Валининг бўйи ундан ҳам баландроқ. Кейинги мисолдаги баландроқ сўзининг маъноси баланд сўзи маъносига тенг, яъни бу ердаги баландроқ сўзи ўрнида баланд сўзини ишлатиш мумкин.

Қиёслаш воситалари сифатида энг, янада сўзлари ҳам қўлланади. Бу воситалар қўлланганда контекст қиёсий характерга эга бўлиши шарт: Мевалар ичида энг яхши си узумдир. Бугунги шамол кечагига қараганда янада кучлироқ.

Бу мисоллардаги қиёслаш белгининг ортиқлигини ифодалашга қаратилган.

Шунингдек, бир-биридан, биридан-бири, кундан-кун, йилдан-йил, ойдан-ой каби такрорий сўзлар қиёслаш воситалари сифатида хизмат қилади ва булар воситасида қилинган қиёсларда ҳам белги маъносида ортиқлик ифодаланади: Йилтираган, бир-биридан гўзал қўш олмавут оғлар енгил юриб кетишди (Ойбек).

Қиёслашда баттар, бешбаттар каби элементлар ҳам қўлланади: .. кўришамиз деб бундан ҳам баттар қора кунга қолмасдан, ... (Ҳамза).

Сифатларда модал форма

Сифатлардаги модал маъноларни ифода этишда а) айрим аффикслар, б) кўмакчи сўзлар қўлланади.

Модал маъно берувчи аффикслар. Бундай аффикслар ўзининг баъзи бир хусусияти билан сифат ясовчилардан бирмунча фарқланади. Улар сўз маъносини тубдан ўзгартирмайди, балки унга қўшимча маъно оттенкасини беради. Бундай аффиксларнинг маънолари субъектнинг модал муносабатига қараб ҳам турлича ўзгариши мумкин.

Модал формаларни ҳосил қилишда, даража формалари, кич-райтиш-эркалаш маъносини берувчи -гина, (-кина, -қина) аффикслари қўлланади: Тешабой ота белбоғига қистирган каттагина

оистрўмолини олиб терлаган юз-бўйинларини артди (Шухрат). *Ҳаво анчагина салқин* (Ғ. Ғулом). *Ота-онаси фақиргинга сдамлар...* (Ойбек). *Уста қаригина, бурни чўтирроқ, аммо жуда сўзамол, маҳмадона киши* (Ойбек).

Мисоллардан кўринадики, сифат категориясидаги сўзларда *-гина* аффиксини қўллаш, кўпинча субъектнинг шахсий модал муносабати билан боғлиқ. Яъни *-гина* аффикси сифатларга қўшиб айтилганда, предмет белгисини ёқтирганлик ёки умуман предметга, шахсга бўлган ижобий муносабат маънолари англашилади.

Шахснинг субъектив ёки модал муносабати туфайли баъзи сифатларга қўшимча равишда *-ча* аффикси қўшиб айтилиб сўз вариантлари ҳосил қилинади. Масалан: *етим — етимча, яширин — яширинча, ошиқ — ошиқча* каби.

-Кам (-а+кам, -да+кам). Бу аффикс бир неча сўзларгагина қўшилиб келади. У кўпроқ жонли тилга хос бўлиб, сўзларга (юк-ламалар сингари) кичик (модаллик характеридаги) қўшимча маъно оттенкасини беради: *Шундай қилсанг, чинакам одамлик қилган бўласан* (Санд Аҳмад). *Бу ҳазилакам гап эмас, ростакам ҳужум бошланади. Ёлғондакам кўз ёш тўкишини қўй*.

Кўпинча бу ясама сифатлар шу сифатлар ўзаги (*чин, ёлғон, ҳазил, рост* каби сўзлар) билан тенг қўллана олади. *Чалакам-чэтти жуфт* сўзнда эса *-кам* аффиксини ўзак билан бирлашиб кетган.

Субъектнинг объектга бўлган шахсий, модал муносабатларининг ифодаланишида *бир, бирам, жуда, ажойиб* каби сўзлар ҳам қўлланиши мумкин: *Ажойиб бир машшоқ бор, «Тановар»ни ундан зўр чаладигани йўқ* (Санд Аҳмад). *Эрталаб жуда бир ажойиб манзарани намойиш қилади* (П. Турсун).

Сифатнинг маъно турлари

Сифатлар семантик маъноси жиҳатидан асосан 9 турга ажралади:

Характер-хусусият, хосса билдирувчи сифатлар. Бундай сифатлар, айниқса инсон характер-хусусиятини ифодалаб келган сўзлар тилда жуда кўп қўлланади: *яхши, баджаҳл, ёқимтой, мулойим, зийрак, маҳмадона, дилкаш* ва ҳ.к.

Булардан бир туркуми инсон, предмет ва ҳайвонларнинг характер-хусусиятини ифодалашда умумий қўлланади, бир туркуми эса фақат инсон характери ёки предмет хоссасини ифодалашга хос бўлиб қолган.

Характер-хусусиятлар, хоссалар ижобий ва салбий бўлиши мумкин. Шунга кўра, бундай сифатлар ижобий ва салбий мазмунга эга. Булардан ташқари, ижобий ҳам, салбий ҳам бўлмаган (лоқайд мазмунли) сифатлар мавжуд.

1. Инсоннинг характер-хусусиятига хос: а) ижобий сифатлар: *мулойим, одобли, чандаст, чаққон, абжир, зийрак, мўмин, содиқ,*

ювош, моҳир, пок, сипо, ўктам, (камтарин), асл, қувноқ; озода, соф, яхши, дадил, хушмуомала, ростғўй, меҳрибон, ва б.;

б) кишига хос салбий характер-хусусиятларни билдирувчи сифатлар кўпинча ижобий характер-хусусиятларни билдирувчи сифатларга антоним сифатида қўлланади, яъни бу группа сифатлар кишиларнинг ёқимсиз, ярамас хусусиятларини ифода этади: *золим, нокас, тошбағир, шафқатсиз, қув, айёр, муттаҳам, расво, аблаҳ, доғули, уқувсиз, ғайир, танноз, таманно, такаббур, қабиҳ, мунофиқ, олчоқ, зукко, қўрс, тўнг, муғомбир, инжиқ, ўжар, лаванг, нўноқ, ишёқмас, суллоҳ, ғаламис, худбин, ғалча, иккиозламачи* ва б.

Кишиларга хос ижобий ёки салбий хусусиятлар унинг гап-сўзини, ўй-пиётини, ёки тана аъзоларидан бирини сифатлаш орқали ҳам берилади: Бундай сифатлар киши билан боғланган ҳолда ёки ўзи алоҳида бўлиши мумкин: *Уларнинг пок, нозик ҳисларини сёёқ ости қилгансиз* (А. Мухтор). *.. қалбининг эзгу ҳисларини бир-икки қисқа сўзлар билан айтиб қўяр эди* (Ойбек). *Унинг сўзлари болаларча содда, самимий, лекин аниқ ва равшан эди* (Ойбек). *У эзгу тилакли, соф кўнгил киши. Жамона соддадил аёл. У содда сўзлари, юрак оташи, оқилона боқишлари билан, ..меҳнаткашлар синфини курашга чақиради* (Ойбек). *Қаёқдандир қувноқ кулги эшитилди* (А. Мухтор). *...Қизнинг соф диллиги.. менда яшириниб ётган энг пок туйғуларни юзага чиқарган эди* (П. Қодиров). *Яхши гап билан илон инидан чиқади деганлари рост экан* («Муштум»).

Қўли очиқ одам, очиқ кўнгил киши, тили ширин аёл, кўнгели тўғри одам, қўли эгри, тили аччиқ, нафси бузуқ кабилар ҳам худди шундай.

Киши характер-хусусиятини беришда юқорида зикр этилган сифатлардан ташқари бошқа туркумдаги (ҳолат, шакл, маза-таъм, ранг-тус билдирувчи) сифатлардан ҳам фойдаланади. Бундай сифатловчилар орқали ҳам кишиларга хос турли характер-хусусиятлар очилади:

Бир қаради, кўзи ёмон ўткир экан, жоним чиқиб кетаёзди («Ўзбек халқ дostonлари»). *У сарбаст, зийрак, ҳаракатлари дадил, сўзлари ўткир, ўртоқлари орасида она боши қиз* (Ойбек);

в) киши характер-хусусиятига оид яна шундай сифатлар борки, уларнинг маъносидан ижобийлик ёки салбийлик яққол бўртиб турмайди. Нутқ моментига қараб улар ҳар иккала чегарасига ҳам ўтиб олиши мумкин. Масалан: *довдир, лоқайд, шўх, маҳмадона, синчков, мағрур, индамас, ўжар, шаддод, тўпори, ўткир* ва б.: *Гулчеҳра сал энгилтак ва шўх бўлса-да ўзи жуда ... меҳр-оқибатли қиз* (О. Ёқубов).

2. Предмет (наrsa, ҳайвон, жонивор), ҳолат, ҳодиса ва шу кабиларнинг характер-хусусиятини ифодалаш учун қўлланувчи сифатлар: *хонаки, долзарб, дабдабали, ташвишли, асов, чопонғич, сунғий, табиий, текин, қиммат, арзон* каби.

3. Киши ва предмет хусусиятлари учун бирдек қўлланаверадиган сифатлар: *ажойиб, яхши, ёмон, зўр, чидамли* ва б.

Баъзи сифатлар эса, ё киши, ёки предмет белгиси учун кўчган маънода қўлланиши мумкин: *енгил, оғир, дағал, дардисар, бачкана, расво, қайсар, хира, учар* ва б.

Ҳолат билдирувчи сифатлар. Предмет, ҳодисага, инсон ва ҳайвонга хос ҳолат ёки вазият турли сифатлар орқали ифодаланиши мумкин:

1) табиий ҳолат белгилари, а) ижобий маънода: *гўзал, кўҳлик, чиройли, сулув, латиф, қоматдор* ва б.; б) нуқсоний белгилар: *чўлоқ, майиб, маймоқ, букир, чўтир, соқов, хунук, ғилай, кар, пес, кўр, қийшиқ* ва б.

Қайд этилган сифатларнинг айримлари ҳайвон ва предметларнинг белгиси учун ҳам қўлланавериши мумкин: *Уша ма й и б турна чолнинг қўлида шифо топиб яна ўз карвонига қўйилганини билармикин* (Саид Аҳмад). *Жуда хунук иш бўпти* («Муштум»).

2) Жисмоний ёки физик ҳолатларни ифодаловчи сифатлар: *бардам, бақувват, тетик, ёш, кекса, қари, ожиз, заиф* ва б. Бундай сифатлар предмет белгилари учун ҳам қўллана олади: *Оқсоқол ҳовлига, кекса тут шохлари энгашиб турган тунука томга суқланиб бирма-бир қараб чиқди.* (Саид Аҳмад). *Найда чалинган о ж и з наво эса, . . бир чўпон боладай чинқириб нола қилар эди* (А. Мухтор).

3) Рухий ҳолатни ифодаловчи сифатлар: *хурсанд, хафа, жинни, соғ, сергак, хушёр, ғазабнок, дарғазаб, тажанг, киндор, маъюс, ғамгин, аламдийда, аламзада* ва б.

4) Кишининг ҳаётий ҳолатини, аҳволини ифодаловчи сифатлар: *бой, бадавлат, камбағал, қашшоқ, йўқсил, гадо, етим, мушфиқ, бечора, мусофир* ва б.

5) Предметнинг ҳарорат белгисини ифодаловчи сифатлар: *иссиқ, совуқ, илиқ, салқин, илмилиқ (илиқ-милиқ)* каби.

6) Тозалик, ифлослик ҳолатларини ифодаловчи сифатлар: *тоза, озода, соф, мусаффо, сахтиён, кир, исқирд, ирkit* ва б.

7) Предметнинг эскилик, янгилик ҳолатларини ифодаловчи сифатлар: *янги, эски, чурук, увада, жулдур* ва б.

8) Предметнинг пишган ёки хомлик ҳолатларини ифодаловчи сифатлар: *хом, ғўр, думбул, пишган, пишиқ* каби.

9) Предметнинг хўл-қуруқлик ҳолатини ифодаловчи сифатлар: *хўл, нам, намхуш, намтоб, қуруқ, қоқ, қоққуруқ, шилта, шалаббо* ва б.

10) Тинч ва нотинч ҳолатларни ифодаловчи сифатлар: *тинч, жим, жим-жит, сокин, осуда, осойишта, нотинч, бетинч, безовта* ва б.

Шунингдек, *силлиқ, ғадир-будир, ғижим, текис, сийрак, зич, қалин, юпқа, омонат, пухта, ғуж, шовул, танҳо, гавжум, очиқ, берк* каби сифатлар ҳам турли ҳолатларни ифодалаб келади.

Юқорида келтирилган ҳолат билдирувчи сифатларнинг деярли

ҳаммаси даражаланади, форма ўзгартувчи аффиксларни қабул қилади ва кўпчилиги кўчган маъноларда қўлланади.

Ранг-тус билдирувчи сифатлар. Предметнинг белги хусусиятларидан бири ранг-тусдир. Бир туркум сифатлар предметнинг ана шу белгисини ифодалаш учун қўлланади: *оқ, қизил, қора, кўк, яшил, малла* ва б.

Маълумки, табиат ранг ва буёқларга ниҳоятда бой, ранг турларининг ҳисобига етиб бўлмайди. Лекин луғат бойлигидаги ранг атамалари, яъни ранг ифодаловчи махсус сўзлар ранг-тусларнинг ҳаммасини аташ учун етарли эмас. Бунинг учун тилда кўпинча предмет номлари ёки от орқали ясалган ясама, қўшма, бирикмали ранг билдирувчи сифатлардан унумли фойдаланилади: *барикарам (барги карам), гулсафсар, мош ранг, тилларанг гунафша ранг, шафтоли гули, қовоқ ранг, фируза ранг* ва б.

От тусларини ифодалаш учун тилда махсус сўзлар қўлланади: *саман, тўриқ, човқар, жийрон, бўзтўриқ* каби.

Шакл-кўриниш билдирувчи сифатлар. Бундай сифатлар орқали предметнинг турли шакл-кўринишлари, ички ва ташқи формалари ифодаланади: *думалоқ, ясси, узунчоқ, қийшиқ, тўғарак, бўғ* ва б.

Шакл-кўриниш билдирувчи сифатлар билан ҳолат билдирувчи сифатлар баъзан мос келиши мумкин: *семиз, озғин, пачоқ, буқир* каби. *У о р и қ қ и н а бўлса ҳам қўли, болдирлари т и қ м а ч о қ, узунчоқроқ ёноқлари ҳам япалоқроқ, «8» рақамга ўхшаб кетадиган лаблари ҳам етук қизларга хос бўлиқ тирсиллама* (А. Мухтор).

Ҳажм-ўлчов-масофа билдирувчи сифатлар. Бундай сифатлар предметнинг ҳажми, ўлчови, миқдори каби белгиларини ифода этади: *кенг, тор, узун, чуқур, чоғ, йирик* ва б. Бу сифатлар айрим томонлари билан шакл ва ҳолат билдирувчи сифатларга ўхшаб кетади: *Кенг дала,.. ҳамма ёқ лолалардан либос кийган* (Ш. Рашидов). *Умматали юкни орқалаб, катта кўча томонга юрди* (Шуҳрат). *Катакдай кичик, ер бағирлаган қинғир қийшиқ хароб уйларда рус ишчилари яшайди* (Ойбек). *Биз олис, бегона, нотаниш соҳиллар сари йўл олдик* («Совет Узбекистони»).

Маза-таъм билдирувчи сифатлар. Бу тур сифатлар предметга хос хусусиятлардан бири бўлган маза-таъмни ифодалашга хизмат этади: *У худди нордон олма егандек юзларини буриштирди* (Ш. Рашидов). *Шўр кўлмак ичавериб Турсунбой чой таъмини унутаёзган эди* (Саид Аҳмад).

Маза-таъмни ифодалаш учун от туркумидаги сўзлардан ҳам фойдаланилади: *шакар, новвот, номақоб, сув, заҳар, мия, кақра* (//қаҳра) каби.

Ҳид билдирувчи сифатлар. Бу тур сифатлар предметнинг ҳидини ифодалаш учун хизмат қилади: *хушбўй, қўланса, сассиқ, ифор, муаттар* ва б. Бундай сифатлар тилнинг луғат бойлигида жуда кам сонни ташкил этади. Шу туфайли бундай белги учун предмет ном-

ларидан фойдаланилади, яъни ҳидни ифодалаш учун предмет номига «ҳид» сўзини қўшиб айтиш орқали қўшма сифатлар ҳосил қилинади: *атир ҳиди, райҳон ҳиди, ёғ ҳиди, керосин ҳиди, балиқ ҳиди кабилар. Уйғонган ел жизгинак, қўла н с а, ҳидни димоққа зўрлаб уради* (Ш у ҳ р а т).

Вазн-оғирлик билдирувчи сифатлар. Предметнинг оғир ёки енгиллик белгисини ифодалаш учун қўлланади: *оғир, енгил, зилдек, вазмин* ва б. *Уйлашиб кўрамиз, ука,— деди оёқларига зилдай оғир чориқларни кийиб* (О й б е к).

Ўрин ва пайтга муносабат билдирувчи сифатлар. Бир қатор сифатлар ўрин ва пайтга муносабат билдириб келади: *тонгги, кузги, кечки, кейинги, аввалги, қишки, ёзги, эртанги, уйдаги* ва б.

Бу сифат туркумига тааллуқли сўзлар кўпинча отларга *-ги, -ки, -даги* аффикслари қўшиш йўли билан ҳосил қилинади.

Сифатларнинг отлашуви — субстантивация

Сифат туркумидаги сўзлар ўрни билан (кўпинча контекстда) от туркумига ўтиб, отлик функциясини бажариб келиши мумкин. Яъни бунда сифат белгини эмас, предметни ифодалайди. Лекин сифат бутунлай от туркумига ўтиб кетмайди.

Сифат қуйидаги ҳолларда отлашади: предмет — аниқланмиши (сифатланмиш) тушиб қолганда. Сифатланмишнинг тушиб қолиши сифатловчини отга (предмет маъносини англатувчи сўзга) кўчиради. Бундай ҳодиса, кўпинча: а) мақол ва маталларда учрайди: *кўр тутганини қўймас, кар эшитганини; қизили қирда қолди, сариғи сойда; мол оласи ташида, одам оласи ичида; камбағални туянинг устида ит қопар* ва б;

б) киши ёки ҳайвонларнинг табиий (ёки социал) ҳолатларини (нуқсон ва камчиликларини) билдирувчи (кўнинча, уларга лақаб бўлиб қолган) сифатлар аниқланмишсиз, от тарзида қўлланади: *чўлоқ, чиноқ, маймоқ, пакана, найнов, малла, кўр, кал, қийшиқ, семиз, бой кабилар.* Булар киши номларига тиркаб айтилиши ҳам мумкин: *Бектемир бу гуруҳ ичида элаларидан Сафар чўтир билан Али тажангни кўрди* (О й б е к). *Бой қурсин, уят-андишани билмайдими? Қариб мияси айнигандир* (О й б е к). *Қизимни мусофирга бермайман деб қўярмикин, билмадим* (А. Қ о д и р и й);

в) киши исмлари отлашган сифатлардан бўлиши мумкин. *Гўзал, Доно, Ботир, Бахтиёр, Нозик, Қора, Малла, Турғун, Қўрқмас* каби. Бундай исмлар *-хон, -жон, -вой, -ой* каби аффикс ёки аффиксоид олган ҳолда ҳам қўлланади: *Маллавой, Донохон, Турғуной, Қоражон* каби.

Сифатлар отлашганда отнинг бутун морфологик белгиларини (эгаллик, келишак ва кўplik қўшимчаларини) олиши ва синтактик вазифаси жиҳатидан эга, иккинчи даражали бўлак, кесим бўлиб келиши мумкин: *Ёмондан қоровул қўйсанг ёв етти бўлур. Тонг отишига яқин уч ярим сотихча жойнинг паст-баландини*

текислаб бўлганди (С а и д А ҳ м а д). ...сенга ўхшаш нота вонларга ёрдам берсам дейман. Ахир мусулмонман, айланай!— деди Ҳожи хола (М. Исмоилий).

Бошқа туркумдаги сўзларнинг сифат ўрнида қўлланиши

Сифатлар от ўрнида қўлланган сингари бошқа сўз туркумидаги сўзлар ҳам (от, сифатдош, равишлар) сифат ўрнида қўлланиши мумкин. Кўпинча отлар кўчган маънода ёки эмоционал-экспрессив маъноларни ифодалаш учун предмет белгиси вазифасида ишлатилади: *заҳар (одам), тилла (бола), шакар (қиз), олтин (йигит), кумуш (сув) каби. Икромжон... ёғоч оёғига белини кўтариб суйкалаётган мушукнинг шикоятли мийвлашига лоқайд қараб ўтирибди (С а и д А ҳ м а д).*

Сифатдошлар белги маъносини ифодалаб, сифат вазифасида қўлланади: *келишган йигит, оқар сув, келишмаган қилиқ каби.*

Равишлар сифат вазифасида қўлланиши мумкин: *русча китоб, оқилона маслаҳат, тез одам ва б.*

СОН

Сон предметларнинг саногини, тартибини кўрсатувчи сўз туркумидир. Сон саналадиган предмет билан бирга қўлланмаганда, яъни математик сон маъносида келганда у сон оти ҳисобланади. Бундай вақтда соннинг маъноси мавҳум характерга эга бўлади. Масалан, уч, ўнбеш, учдан бир каби сонлар от билан бирга қўлланмаганда фақат сонларнинг номи ҳисобланади. Сонлар саналадиган предметлар билан бирга қўлланганда у сон туркумини ташкил қилади.

Сифат ва равишга ўхшаш сон ҳам белги тасаввурини билдиради — сифат предметнинг, равиш белгининг (ҳаракатнинг) белгисини билдирса, сон предметнинг миқдорини, саноғи ва тартибига кўра белгисини ифодалайди.

Сонлар («бир»дан мустасно) отлар билан бирга қўлланиб, бир неча предметларнинг йиғиндисини, аниқ миқдорини билдиради. Шу жиҳатдан аниқ миқдор билдирувчи бу сўзлар предметларнинг ноаниқ миқдорини ифодаловчи *кўп, оз, бир оз* каби сўзлардан фарқланиб туради. Сонлар ҳам предметларнинг аниқ миқдорини (*бешта китоб*) ёки ноаниқ миқдорини (*беш-олти китоб*) ифодалаш мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам сонлар ёзувда рақамлар билан ифодаланади. Лекин *бир оз, кўп, оз* каби предметларнинг ноаниқ миқдорини билдирувчи сўзлар юқоридаги рақамлар билан ифодаланмайди. Шунинг учун ҳам улар сон ҳисобланмайди.

Булардан ташқари, сон яна морфологик ва синтактик хусусиятлари билан бошқа сўз туркумларидан ажралиб туради.

Сонларнинг морфологик хусусиятлари қуйидагича:

1. Сонларда махсус формал кўрсаткичга эга бўлган қуйидаги категориялар бор.

а) предметларнинг тартибига, сирасига кўра муносабатини кўрсатувчи категория. Бу категория саноқ сонларга *-(и)нчи* аффиксининг қўшилишидан ҳосил қилинади;

б) предметларнинг группасини, тўдасини кўрсатувчи категория. Бу категория саноқ сонларга *-ов, -ала* аффиксларининг қўшилишидан ясалади;

в) предметларнинг тахминий ҳисобини кўрсатувчи категория. Бу категория саноқ сонларга, *-та -ча, -лаб* каби аффиксларнинг қўшилишидан ясалади;

г) предметларнинг тақсимини кўрсатувчи категория. Бундай сонлар саноқ сонга *-та + дан* аффиксининг қўшилишидан ясалади.

2. Сонларнинг баъзан *жуфт, литр, дона* каби ҳисоб сўзлари (нумеративлар) билан бирга қўлланиши уларнинг бошқа сўз туркумларидан ажралиб турувчи ўзига хос белгилардан биридир (Бу сўзлар ҳақида қуйида тўлароқ тўхталамиз).

3. Сўз ўзгартувчи қўшимчалар соннинг ҳамма турларига ҳам қўшила бермайди.

4. Бошқа сўз туркумларидан сон ясалмайди. Сондан эса турли сўз туркумлари ясалиши мумкин. Масалан: *уч-лик, бир-лаш-моқ, икки-лан-моқ* ва б. Ҳеч қандай аффиксларсиз ҳам баъзи сонлар от вазифасида ишлатилиши — отлашиши мумкин (Бу ҳақда саноқ сонларга доир бўлимда тўла маълумот берилади). Сонлар таркибида келадиган *-та, -тача, -ов-, -(и)нчи, -ала* каби аффикслар соннинг маълум турларини ҳосил қилиш учун ишлатилса ҳам, улар сўз ясовчи эмас, форма ясовчи аффикслардир.

Соннинг синтактик хусусиятлари қуйидагича:

1. Доим отлар билан бирга қўлланиш, отларнинг аниқловчиси бўлиб келиш сонларнинг асосий синтактик хусусиятларидан биридир.

2. Сонлар ҳеч қачон белги ифодаловчи сўзларни ўзига тобе қилиб келмайди — аниқловчи олмайди.

3. Сонлар от олдида аниқловчи вазифасида келганда кейинги ҳоким бўлакка нисбатан кўпинча от билан бирикиб кетиб бирикмали бўлак ҳолатида муносабатга киришади. «*Бешта қиз келишмади*» гапида аниқловчисиз қўллаб «*қиз келишмади*» ҳолида ишлатилмайди. Бундай ҳолатларда от олдидаги сон — аниқловчи бирга қўлланиши шарт.

4. Баъзан сон ва сифат бирга отнинг аниқловчиси вазифасида келиши мумкин. Бундай вақтда ўзбек тили нормасига кўра кўпинча олдин сон орқали ифодаланган аниқловчи, кейин сифат билан ифодаланган аниқловчи келади: *учта катта уй, иккита йирик мевали дарахт, ўн та чиройли пахта гулли коса*.

5. Сонлар кўпинча гапда аниқловчи ва кесим вазифасида келади. Баъзан улар гапнинг бошқа бўлаклари вазифасида ҳам кела олади: *Рўзимат деган ёшгина йигит биринчи бўлиб сўзга чиқди* (А. Қаҳҳор). *Уруғликни битта-битталаб саралаймиз* (Ойбек). *Ҳикоядаги икки қизнинг бири Петровнинг келинчаги Валя, иккинчиси — сиз* (Ш. Рашидов). *Бири бирига ўртоқ* (Ғ. Ғулом).

Сонларнинг юқорида қайд қилинган грамматик хусусиятлари сонларнинг ҳар хил турлари ичида яна ўзига хос бошқача хусусиятларга ҳам эга. Бу хусусиятлар сонларнинг кам миқдор билдирувчи ёки кўп миқдор билдирувчи кўринишларига, шунингдек, соннинг тузилиш турларига кўра яна турли хусусиятларга эга бўлади. Шунинг учун ҳам бу масалалар ҳақидаги маълумот қуйида ҳар бир бўлимда тўлароқ ёритилади.

Сонларнинг тузилишига кўра турлари

Ўзбек тилида сонлар бир сўздан, икки ёки ундан ортиқ сўзнинг қўшилишидан тузилади.

Сонлар тузилишига кўра икки асосий группага бўлинади: 1) содда сонлар, 2) қўшма сонлар.

Содда сонлар бир ўзакдан тузилади. Содда сонлар туб сўз ҳолида (*бир, икки, уч каби*), форма ясовчи аффиксларни олган ҳолда (*битта, иккитадан, учтача, тўрттала, уччови, юзта, мингтача* каби) бўлади. Туб сонларга *бир, икки, уч, тўрт, беш* каби ўнгача бўлган санок сонлар ва *юз минг* каби кўп миқдор билдирувчи бир сўздан ташкил топган сонлар кириди. Ўзбек тилида содда сонлар ичида айримларининг синоним вариантлари мавжуд. Масалан, *бир* ўрнида *якка, ягона, ёлғиз* каби сўзлар ишлатилади. *Икки* сўзи ўрнида эса кўпинча *қўш* сўзи қўлланади.

Содда ясама¹ сонлар санок сон ўзакларинга *-та, -тача, -тадан, -ов, -ала, -(и)нчи* каби аффиксларнинг қўшилишидан ҳосил қилинади: *битта, иккитача, учтадан, уччови, иккаласи, ўнинчи, мингтача, юзтадан* каби.

Қўшма сонлар икки ёки ундан ортиқ ўзакдан тузилади. *Ун бир, йигирма беш, бир юз ўттиз беш* каби. Бу сонлар *-та, -тадан, -(и)нчи* каби аффиксларни қабул қилиб қўлланаверади.

Жуфт сонлар ҳам қўшма соннинг бир туридир. Жуфтланишининг ҳам маълум қонуниятлари бор, яъни бир хил ўзақлар жуфтланиши мумкин: *учта-учта, ўнта-ўнта...* Шунингдек, ҳар хил ўзақлар жуфтланади: *бешта-ўнта, икки-уч, ўнбеш-йигирма* каби.

Бу хилдаги жуфтланишда кам миқдор кўрсатувчи сон аввал, кўп миқдор кўрсатувчи сон эса кейин келади. Бундай тартиб ёнма ён сонлар жуфтлашиши (*бир-икки, икки-уч* каби), беш ва ўнликлар жуфтлашиши (*ўн-ўн беш, беш-ўн, йигирма-йигирма беш*), шунингдек, ўнликлар жуфтлашиши (*йигирма-ўттиз, олмиш-етмиш*) ҳолатида учрайди. Лекин ёш ёки вақтга кўра миқдор билдирадиган сонларда бу ҳолат ўзгариши мумкин: *қизнинг ёши йигирма икки-йигирма учларга бориб қолган эди. Соат учдан ўнбеш-ўн етти минутлар ўтганда шу ҳодиса рўй берган эди.*

Жуфтланишидаги бошқа ҳолатлар ҳақида чама сонлар бўлимида батафсил маълумот берилади. Жуфт сонлар қуйидагича тартибда жуфтланади:

содда сон + содда сон: бир-икки, иккита-учта каби;

содда сон + қўшма сон: ўн-ўн беш, юз-юз эллик каби;

қўшма сон + қўшма сон типда жуфтланади: *йигирма икки-йигирма уч, тўрт юз-беш юз, бир минг-икки минг* каби. Булар жуфтлашиш тартибининг энг асосий усулларидир..

¹ Форма ясовчи аффиксларни қабул қилган сўзлар ясама сўз ҳисобланмаса ҳам туб сондан фарқлаш учун «ясама сон» термини шартли қўлланилди.

Сонларнинг маънога кўра турлари

Ўзбек тилида сонлар маъно ва грамматик хусусиятларига кўра икки асосий гурпуага бўлинади: миқдор сонлар ва тартиб сонлар. Миқдор сонлар предметнинг миқдори, саногига кўра белгисини; тартиб сонлар эса уларнинг тартиби, сирасига кўра белгисини кўрсатади.

Миқдор сон

Миқдор сонлар предметларни санаш, доналаш ва тақсимлаб ёки тахминлаб кўрсатиш учун қўлланади. Соннинг бу тури баъзи грамматик хусусиятларига кўра тартиб сонлардан фарқланади. Бу фарқ тубандагича:

1. Миқдор сонлари ўзига хос морфологик кўрсаткичларга эга. Тартиб сонлар эса *-(и)нчи* аффикси орқали ясалади.

2. Миқдор сонлар ҳисоб сўзлари (нумеративлар) билан бирга қўлланади. Тартиб сонлари бу хил сўзларсиз ишлатилади.

3. Миқдор сонлар жуфтлашиб кела олади. Тартиб сонларда бу хусусият кўринмайди.

4. Миқдор сонлар бирикмали ҳолда *учдан бир, тўртдан уч* каби формаларда қўлланади, тартиб сонлар эса бу хилда қўлланмайди.

5. Миқдор сонлар *-лар* аффиксини олиб кўпинча тахминий миқдор билдирса, тартиб сонлар баъзан *-лар* аффиксини олиб, отлашади ва кўпликни ифодаловчи от вазифасида келади. Қиёслайлик: *Соат учларда йиғилиш бошланади. Қампирнинг ёши саксонларда бўлса керак. Биринчилар йиғилишди.*

Миқдор сонлар қуйидаги турларга бўлинади: 1) саноқ сонлар, 2) чама сонлар, 3) жамловчи сонлар, 4) каср сонлар.

Саноқ сонлар предметларни санаш, доналаб кўрсатиш ва тақсимлаш маъноларини билдиради: *Бригадамизда ўн бир киши ишлайди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Бир четда гулзор оралаб иккита қиз гул теряпти* (О й б е к). *Маҳаллага иккитадан вакил тайинлади* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Шу хатлардан иккитасини сиз ёзган бўлсангиз керак* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Саноқ сон предметнинг миқдори жиҳатидан белгисини кўрсатади ва гапда аниқловчи вазифасида келади.

Сонларнинг бу тури бошқа сўзларга боғланмаган ҳолда, мустақил равишда қўллана олади. Бу ҳолат унинг отга яқинлигини кўрсатади. Лекин саноқ сон предмет маъносиини эмас, предметнинг миқдорини билдиради. Шунингдек, сон отга ўхшаш сифат орқали аниқланмайди. Унинг бирлик ёки кўпликда эканлигини кўрсатувчи грамматик категория ҳам йўқ. Соннинг бу турини миқдор маъносини ифодалашдаги абстракт форма деб ҳисоблаш мумкин.

Саноқ сонлар предметларни доналаб санаш, шунингдек, бир турдаги предметларнинг тақсимини ҳам аниқлаш орқали миқдор билдиради. Бирор предметни *икки, уч, беш, ўн* деб умумий санаш

билан уларни *иккита, учта, бешта, ўнта* деб доналаб санаш орасида фарқ деярли йўқ. Санашда бу икки форма ҳам кўпинча бир хил ишлатила беради. Солиштирайлик: *беш китоб—бешта китоб, уч бола — учта бола, икки хона — иккита хона.*

Саноқ сонлар таркибидаги *-та* аффикси урғу олмайди. *-та* аффикси қўшилиб келган саноқ сонларда урғу шу аффиксга эмас, ундан олдинги бўғинга тушади: *бешта китоб, иккита портфель.*

Саноқ соннинг бу формаси чиқиш келишиги аффикси *-дан* ни қабул қилиб ҳам предметларни санаш учун ишлатилади. Лекин бундай сонларда санаш билан бирга бўлиш, тақсимлаш маънолари ҳам англашилади: *Бештадан, ўнтадан* ва б.

Саноқ сонлардаги *-та* аффикси ҳар қандай сон ўзакларига қўшилиб кела олади: *иккита, қирқ бешта, бир минг уч юзта* каби.

«Бир» сўзига *-та* аффиксининг қўшилиши натижасида ўзакдаги *-р* товуши *-т* га айланиб *бирта* эмас, *битта* шаклида айтилади.

-та аффикси предметларни доналаб кўрсатиш учун қўлланадиган ҳисоб сўзлари (нумеративлар) ўрнини босувчи формантдир: *учта қизил гул — уч дона қизил гул, йигирма бешта студент — йигирма беш нафар студент, еттита қўй — етти бош қўй* ва б.

Лекин *-та* аффикси ўзбек тилида ишлатиладиган ҳамма нумеративларнинг ўрнида қўллана бермайди. Кўпинча предметлар айириб, доналаб саналиши лозим бўлса, *-та* аффикси ишлатилади.

Саноқ сонларнинг бу турида *-та* аффиксидан сўнг ҳеч қачон кўпликни ифодаловчи формант *-лар* қўшилиб келмайди.

Эгалик аффиксининг қўшилишида ҳам ўзига хос хусусият мавжуд: I, II шахс бирлик формасида деярли қўлланмайди, кўпинча III шахс формасида келиб отлашган ҳолда қўлланади; *Биттаси пишибди* (Ойбек). ... *ёнғоқни чақиб биттасини ўзи еса, иккитасини менинг оғзимга солди* (А. Қаҳҳор). ... *қолган мингтасини ёқиб кейин сўнади* (А. Қаҳҳор). *Айниқса биттаси эзиб-эзиб ашула айтди* (Саид Аҳмад). *Қани амаки, биттасини гапириб беринг* (Ойбек).

Баъзан бундай сонлар феъл олдида келиб ҳаракат ҳолатини ифодалайди: *Мен сизга битта гапирман. Битта гапириб ўнта куладиган одати бор.*

Шу хилда ишлатилган сонлардан сўнг ҳам сўзи қўшилиб келиши мумкин. Бундай вақтда феъл инкор аффикси *-ма* ни қабул қилган бўлади.

Ҳар қандай саноқ сон ҳам шу функцияда кела бермай, кўпроқ бир сонининг ишлатилишида шу хусусиятни кўрамиз. Функцияси жиҳатидан бу сўз бўлишсизлик ифодаловчи олмош-равишга яқиндир: *биттаям гапирмади — ҳеч гапирмади; битта ҳам кулмади — ҳеч кулмади.*

Предметларни чегаралаб, айириб доналаб кўрсатиш учун *-та* аффиксини олган саноқ сонларга *-гина* (*-кина, -қина*) аффикслари қўшиб ишлатилади. Бу аффикс ҳеч қандай аффиксларсиз шакланган сон ўзакларига қўшилмайди (*Бир* сони бундан мустасно):

Наинки хотинига иккитагина анор олиб беролмаса (А. Қ а ҳ ҳ о р).

-тадан аффикси билан қўлланган сонларда асосан предметларни санаб, доналаб кўрсатиш оттенкаси мавжуд бўлиб, тақсимлаш маъноси эса чиқиш келишиги аффикси -даннинг хусусиятларидан келиб чиқади. Саноқ соннинг бу турида тўданинг, гуруҳнинг (кўпнинг) тенг қисмлари, бўлаклари ифодаланади. Одатда бу хилдаги сонларда кўп ҳолатда -тадан аффиксини олган сондан олдин кўп миқдор билдирувчи сон ёки гуруҳни, тўдани ифодаловчи сўз келтирилади: *ўттиз икки самолёт саккизтадан бўлиб борар эди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Ҳовлининг тўридаги айвончининг икки томонида биттадан уй бўлиб...* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Йигирма-йигирма беш минутнинг ҳар бири биттадан соғтишини суғуриб олгандек бўлиб ўтди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Бундай сонлар олдида кўп миқдор билдирувчи сонларгина эмас, кўпликни ифодаловчи отлар ёки жуфт отлар ёйинки ҳар, ҳар бир каби сўзлар орқали аниқланган отлар келиши мумкин: *Нимчаларининг чўнтагига биттадан тўр копток солиб чиқадилар* (О й б е к). *Азим ҳар елкасига тўрттадан одам сиғадиган бир йигит бўлибди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Маҳкама мардикор пули йиққани ҳар маҳаллага иккитадан вакил тайинлади* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

-тадан аффиксини олган сўзлар саноқ сонларнинг бошқа кўри-нишлари каби от ва от туркумларидаги сўзлар олдида ва феъл олдида келиши мумкин. Бундай вақтда улар предмет ва ҳаракатнинг миқдор белгисини кўрсатади. Бундай ҳолатда ҳам -тадан аффиксини олган сўзлар олдидан кўп миқдор ёки гуруҳ — тўда билдирувчи сўзлар иштирок этади: *Мардикорлар жавзанинг бошларида биттадан, иккитадан бўлиб кела бошлади* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Ҳаммамиз биттадан нон олсак, бас* (Ойбек). *Биқиниб, нафасларимизни ютиб туриб, ҳаяжон билан биттадан тош отамиз* (О й б е к).

Соннинг бу тури нумеративлар билан ҳам қўлланиши мумкин. Нумеративлар саноқ сон ўзаги+нумератив+чиқиш келишиги қўшимчаси шаклида қўлланади: *икки дондан, беш нусхадан, ўн литрдан* каби.

Саноқ сонлар ичида бир сўзи гапда хилма-хил маънони ифодалаб, турли вазифада келади. Шу хусусиятларига кўра бир сўзи бошқа саноқ сонлардан анча фарқланиб туради:

1. Предметнинг аниқ миқдорини ифодалайди: *Яна бир масалани гаплашиб олишимиз керак* (А. Қ а ҳ ҳ о р). ... *бир профессорга ҳаваси келиб юрарди* (М и р м у ҳ с и н). *Бунда бир рус оиласи яшайди* (Ойбек).

2. Ноаниқ миқдорни кўрсатувчи формант бўлиб келади: *Ешик чоғимда мен бир ҳикоя эшитган эдим* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Кенг яғринли бир ўзбек йигити сўзлай бошлади* (О й б е к).

3. Бир сўзи сифатловчи, аниқловчи ва аниқланмиш орасида келиб, бирикмага ноаниқлик оттенкасини қўшади: *Жувон асабий*

б и р ҳаракат билан рўмолини олиб ўради (А. Қ а ҳ ҳ о р). Сафаров уни хунук б и р хабар билан қарши олди (А. Қаҳҳор). Баъзан бир сўзи бу хилдаги бирикмалар олдида келиб ҳам юқоридагича маънони англатади: Уларнинг юзида б и р чиройли табассум порлайди (С а и д А ҳ м а д).

Ноаниқлик маъносини янада бўрттириб, кучайтириб кўрсатиш учун «сифат+бир+от» типигаги бирикма олдида гумон олмошлари ҳам келади: *Қандайдир бўғиқ б и р товуш билан деди (О. Ё қ у б о в). Ойим аллақандай ғамгин б и р вазиятда ўтирарди (О. Ё қ у б о в).*

4. Ҳаракатнинг белгисини билдиради: *Машина б и р лапанглади-да, яна илгарилади (С а и д А ҳ м а д).*

5. *Бир сўзи кўпинча кесим вазифасида келганда, предметларнинг бир хил эканлиги, бир турдалигини билдиради: Ҳаммамизнинг кўрган кунимиз б и р (О й б е к). Уларнинг тили б и р (О й б е к).*

6. Мазмунидаги истак англашилган гаплар таркибида кесим олдида келиб, бирор воқеа-ҳодисанинг бажарилиши тахминлангани, мўлжал қилинганлигини билдиради: *Б и р концертга тушсам.*

7. Баъзан уюшган сифатловчи аниқловчилар олдида келиб маънони кучайтириш учун қўлланади: *Б и р чиройли, б и р ёқимли шамол турди (С а и д А ҳ м а д).*

Ҳисоб сўзлари (нумеративлар)

Предметнинг сонига кўра белгисини ифодалаб келадиган санок сонлар баъзи вақтда предметларнинг ҳисобини кўрсатувчи сўзлар — ҳисоб сўзлари (нумеративлар) билан бирга қўлланади. Бу сўзлар асосан саналаётган конкрет предметни кўрсатмай, ўша предметни ҳисоблашда унинг қайси категорияга, гуруҳга оид эканлигини аниқлаш учун ишлатилади. Бу сўзлар санок сон билан саналадиган предметни ифодаловчи сўз орасида келиб, уларнинг огирлигига, узунлигига, ҳажмига, жойлашиш ўрнига ва бошқа шунга ўхшаш хусусиятларига кўра ўлчовини билдиради. Ҳисоб сўзлари шу предметнинг қандай йўл билан саналиш хусусиятига қараб қўлланади: дарахтлар тупига кўра, оёқ кийим жуфтига кўра, моллар бошига кўра ва б.

Ҳисоб сўзлари кўпинча от туркумидаги сўзлар орқали ифодаланган. Шунингдек, предметларнинг ҳаракат маъноси билан боғланган ҳолда ўлчовини кўрсатадиган *боғлам, сиқим, тутам* каби ҳисоб сўзлари ҳам бор.

Ўзбек тилида ҳисоб сўзлари қўлланишига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. **Предметларни яқкалаб ҳисоблаш учун ишлатиладиган сўзлар:** *Дона.* Бу сўз доналаб саналадиган предметлар олдида келиб, санок сонлардаги *-та* аффиксига яқин функцияни бажаради. *Самандаров и к к и д о н а гайка, б и р д о н а мис парракни кўрди*

(А. Қ а ҳ ҳ о р). *Суткасига ўн минг дона пишиқ гишт чиқарадиган завод қурилди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Нусха. Бу сўз кўпинча предметларнинг ажраладиган белгисига — нусхасига кўра миқдорни кўрсатади. *Нусха* сўзи одатда газета, журнал, китоб ва шунга ўхшаш предметларни ҳисоблаш учун ишлатилади: *Тагорнинг 59 марта 16000000 нусха китоби нашр этилди.*

Бош. Бу сўз баъзи ҳайвонларни ҳисоблаш учун, шунингдек, узумнинг ҳисобида ишлатилади: *Колхоз чорвасига бир юз ўн тўққиз бош қорамол қўшилди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Икки бош оқ чиллақини эндигина чумчуқ талай бошлаган экан* (С а и д А ҳ м а д).

Туп. Бу сўз дарахт, гул ва бошқа баъзи ўсимликларнинг ҳисобини кўрсатиш учун ишлатилади: *Чорвоқча катта бўлмаса ҳам, икки туп олча, бир туп шафтоли, бир туп қизил гул бор экан* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Нафар. Бу сўз кўпроқ кишиларнинг айрим гуруҳини яккалаб ҳисоблаш учун ишлатилади: *Икки нафар қизил аскар кўз ўнгидан* (О й д и н).

2. *Бутуннинг, гуруҳнинг ёки тўданинг қисмини ҳисоблаш учун ишлатиладиган сўзлар:* *Бурда.* Бу сўз кўпинча ноннинг қисмини ҳисоблаш учун ишлатилади: *Ҳар эҳтимолга қариши қопқонга бир бурда нон ҳам қистириб қўйди* (С а и д А ҳ м а д).

Парча. Бу сўз предметларнинг қисмини ҳисоблаш учун ишлатилади. Бу сўз кўпинча қисм деган маънони ҳам билдиради: *Онам бир парча боғини сотдириб отамнинг ўлигини кўмди* (О й д и н). *Мен ариқ бўйдан бир парча лой олиб «поқ-поқ» ўйнаб ўтирсам...* (О й б е к).

Варақ (саҳифа). Бу сўз кўпроқ ёзилган ёки ёзишга мўлжалланган бир текис қоғозларнинг қисмини ҳисоблаш учун ишлатилади: *Шу ниятда ўрнидан туриб бир варақ қоғозни олди* (С а и д А ҳ м а д). *Саида ўн тўрт саҳифадан иборат қўлёзма нутқини кўриб чиқди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Оғиз. Бу сўзлашишдаги қисқа процессни ҳисобловчи, энг кам (оз) сўз ифодасини билдирувчи ҳисоб сўзидир: *Бир оғиз гапимиз бор, шуни сизга айтгани келдик* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Унсиннинг юрагига қувват бўладиган бир-икки оғиз сўз айтмоқчи бўлди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Бу ҳисоб сўзи баъзан феъл олдида келиб, ҳаракат ҳолатини ҳам ифодалайди: *Ўзим ҳам сизларни йиғиб икки оғиз гаплашмоқчи эдим* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Бу ҳақда бир оғиз айтиб қўйишимни лозим топмабди* (М и р м у ҳ с и н).

Луқма. Бу сўз баъзан ошнинг қисми, баъзан маълум даражада кўчма маънода сўзлашиш процессининг қисмини ҳисоблаш учун ишлатилади: *Ғапига бир-икки луқма қўшмоқчи бўлибди* (О й д и н). *Чандир чайнаган кампирдек, бир луқма ошни оғзида айлантира берибди* (О й д и н).

Сиқим. Бу сўз фақат сиқимлаб ажратиш мумкин бўлган отлар олдида келади: *Зиёдахон бир сиқим туз ташлаб чайқади* (А. Қаҳҳор). *Бир сиқим чақа-танга олиб унга узатди* (А. Қаҳҳор). *Кулала... олдига бир сиқим жийда қўйди* (А. Қаҳҳор).

Тилим (карч). Бу сўз тилимламоқ феълидан олинган бўлиб, ничоқ билан узунлигига қараб маълум формада бўлақларга ажратилган предмет қисмларини ҳисоблашда ишлатилади: *Қарасам, қўлида бир тилим ҳандалак* (Ойбек). Бу маънода карч сўзи билан ҳам ифодаланади: *Жамилахон бир карч қовунни олиб кўчага югурди* (М. Исмоилий).

Чимдим. Предметлар тўдасини кўпроқ (қуруқ чой ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларни) қисмлаб олишда чимдим сўзи ишлатилади: *Икромжон бир чимдим чойни белбоғининг учидан олиб чойнакка ташлади* (Саид Аҳмад). *Бобом бир чимдим носвойни олиб ҳидлади* (Ойбек).

Қултум, ютум, хўплам. Ичишга мўлжалланган суюқ предметларнинг қисмини ифодалашда ишлатиладиган ҳисоб сўзидир. *Қултум ва хўплам* сўзлари кўпинча бир-бирига синоним бўлиб ишлатилади: *Қеннойм сигирининг бир қултум сутини кўзи қиймайди* (Ойбек). ...*Бир қултум сувга зор бўлиб...* (А. Қаҳҳор). *Бир хўплам сув олиб четга пуркади* (Ойдин). *Бу уйда бир ютум сув ҳам йўқ* («Эртак»).

Томчи (қатра). Бу ҳисоб сўзи қултум, хўплам сўзларидан кўра ҳам оз бўлган суюқлик миқдорини ҳисоблаш учун ишлатилади: *Уч кун, тўрт кун саҳрода юрасиз, бир қатра сув йўқ* (Ойбек). *Пўлатжоннинг киприклари орасидан икки томчи ёш сизиб чиқди* (Ойдин). *Кўзида бир қатра ёш йўқ эди. Чаккамга бир томчи илиқ ёш томди* (А. Қаҳҳор).

Чақмоқ. Бу сўз йирик нарсанинг майдаланган қисмини ҳисоблаш учун ишлатилади: *Атиги бир-икки чақмоқ қандни қўлимга тутқазди* (Ойбек).

Нимта. Бу сўз қисмнинг ярмини ифодаловчи (сўйилган ҳайвоннинг ярмини билдирувчи) ҳисоб сўзидир: *Улбўлсин бир нимта гўштни Тўрашга берди* («Қорақалпоқ ҳикоялари»).

Тўғрам. Тўғралган нарсаларнинг, кўпроқ гўштнинг қисмини ҳисоблаш учун ишлатилади: *Отам икки тўғрам гўштни оташкуракда чўғга тутиб кабоб қилди* (А. Қаҳҳор). *Бир тўғрам нонни оғзига солиб чойни хўплади* (С. Абдулла).

Пой. Бу сўз баъзи жуфт предметларнинг қисмини ҳисоблашда (кўпинча оёқ кийимларининг, пайпоқ, қўлқоп ёки жуфт безак асбобларининг қисмини (бирини) ифодалайди) ишлатилади: *Ун тўкилиб, унинг бир пой катта кавушининг изи қолипти* («Эртак»).

Жуфт безак асбобларнинг бир пойини тоқа сўзи билан ҳам қўллаш мумкин:

Бир пойзирақ --- бир тоқа зирақ.

Бўлак. Бу сўз предметларнинг қисмини ҳисоблаб кўрсатиш учун ишлатилади: *Халтанинг ичидан қирқ бир бўлак ёғочдан ишланган чолғу асбобини қўлига олди* («Минг бир кеча»). *Бир бўлак гўшт, бир бўлак нон олди.*

Шингил. Бу сўз кўпроқ бир бош узумнинг энг кичик қисмини ифодаловчи сўз бўлиб, баъзан кўчма маънода ҳам ишлатилади: *Оила аъзолари бир шингил узум узишдан маҳрумлар* (С. Абдулла). *Бир шингил ҳазил эшитинг.*

Юқорида санаб ўтилган предметларнинг тўда, гуруҳининг қисмини, бўлагини ифодалайдиган ҳисоб сўзлари одатда кам миқдор билдирувчи сонлар билан бирга келади. Кам миқдор билдирувчи сонларни ҳам фарқлашга тўғри келади. Одатда тўданинг қисмини ифодаловчи бу сўзлар бир сони билан, баъзан бир-икки сон билан ва жуда кам ҳолатда иккидан кейинги сон (3-4) билан қўланади.

3. Тўдалаб, гуруҳлаб кўрсатувчи ҳисоб сўзлари. Бу группадаги ҳисоб сўзлари предмет ёки шахсларни тўдалаб, бутунлаб, гуруҳлаб ҳисоблаш учун ишлатилади.

Гала. Бу сўз кўпроқ қушлар, паррандалар тўдасини ҳисоблаш учун ишлатилади: *Олисдан бир гала ўрдак учиб келаётган эди* (Санд Аҳмад).

Тўп. Бу сўз шахслар ёки қуш — ҳайвонлар гуруҳини кўрсатади. *Бир тўп қарға ҳар томонга учиб кетди* (А. Қаҳҳор). *Бу ерда бир тўп аёллар мажлисни кутиб ўтиришпти* (А. Қаҳҳор).

Гуруҳ. Бу сўз кўпроқ шахслар тўдасини кўрсатиш учун ишлатилади: *Дарвоза устида турган бир гуруҳ одамни тусмол билан таниши мумкин эди* (А. Қаҳҳор). *Душманнинг катта бир гуруҳи қуришда қолди* (А. Қаҳҳор).

Тўда. Шахс тўдасини кўрсатиш учун тўда сўзи ҳам ҳисоб сўзи сифатида ишлатилади: *Ҳийла вақтдан кейин Қўқон томондан бир тўда отлиқ кўринди* (А. Қаҳҳор). *Дўкон олдида бир тўда одам ўрмалашиб турганини кўриб қолдим* (Санд Аҳмад).

Даста. Бир турдаги предметларнинг йиғиндисини, тўдасини ҳисоблаш учун ишлатилади: *Меҳмон чўнтагидан бир даста гул чиқарди* (А. Қаҳҳор). *У бир даста коса кўтариб ариқ томонга ўтди* (Санд Аҳмад).

Боғ (боғлам). Боғланадиган предметларнинг кичик-кичик йиғиндисини, тўпламини кўрсатиш учун боғлам ёки боғ сўзи ишлатилади: *Бир боғ жўхориюя аравага ўқ бўлмайди* (А. Қаҳҳор). *Зитта Сўнанинг олдида бир боғлам қизил гул кўтариб келди* (Войнич).

Қучоқ. Бу сўз ҳам нарса-предметлар йиғиндисини кўрсатиш учун ишлатилади. *Қиз бир қучоқ тут баргини кўтариб келди* (Санд Аҳмад). *Олимбува бир қучоқ кўрпа кўтариб чиқиб, кўчанинг ўртасига улоқтирди* (А. Қаҳҳор).

Шода. Бу сўз предметнинг бир ипга тизилган йиғиндисини билдиради: *Бир шода марваридни тақшишга буюрди* (Ойдин).

Нафар. Бу сўз бирдан ортиқ сонлар билан бирга қўлланганда шахсларни яккалаб санаш учун ишлатилса ҳам, бир сўзи билан келиб тўда, гуруҳ маъносини ифодалайди: *Бир нафар ёшлар имтиҳон залларига кириб кетишди* (Мирмуҳсин).

Группа. Бу сўз ҳам кўпинча шахсларни тўдалаб, гуруҳлаб ҳисоблаш учун ишлатилади: *Бир группа декада қатнашчилари тўқувчилар билан учрашди* (Газетадан).

Ховуч. Бу сўз ҳам предметларнинг маълум кичик тўдасини кўрсатади: *Бола чўнтагидан бир ховуч қоп-қора аштархон гилос олиб берди* (А. Қаҳҳор). *У икки-уч ховуч тутни оғзига тиқди-ю яна бир ховуч териб...* (А. Қаҳҳор). ... *айтсанг икки ховуч туршак берман* (Ойбек).

4. **Жуфт предметлар ҳисобини кўрсатувчи сўзлар:** Одатда бундай сўзлар жуфт предметлар ҳисоби учун ёки якка предметларни жуфтлаб ҳисоблаш учун ишлатилади.

Жуфт. Жуфт предметлар ҳисобини кўрсатади: *Ярақлаган бир жуфт калишни менга узатди* (Ойбек). *Энди расм бўлган бир жуфт чиройли туфлени қўлтиғига қистирди* (Шуҳрат).

Жуфт сўзи яккалаб саналадиган нарса ёки шахсларнинг жуфтлаб ҳисоблаш учун ҳам ишлатилади: *Бир жуфт тол тагидаги сўрида одам кўп* (Санд Аҳмад). *Бир жуфт бола курашга тушади* (Ойбек). *Бир жуфт мусича боласига кўзим тушди* (Ойбек).

Пар(а). Бу сўз рус тилидан олинган бўлиб, жуфтнинг синонимидир: *Менга бир нар туфли, бир нар пайпоқ олиб келиб севинтиришди* (Ойдин).

5. **Оғирликни ўлчаш учун ишлатиладиган ҳисоб сўзлар:** Предметларнинг оғирлигини ўлчаш учун маълум ҳисоб сўзлари ишлатилади. Бу сўзларнинг айримлари актив, баъзилари эса пассив (ёки архаиклашган). Масалан, *грамм, килограмм, метр, пуд, центнер, тонна* каби сўзлар актив қўлланувчи сўзлардир:

Утган йил ҳар гектар ердан ўттиз беш центнердан пахта ҳосилини олдик. Бир грамм пахтани ҳам нобуд қилмайлик. Ҳар қутгидан 78 килодан шилла чиқса бўладими (А. Қаҳҳор). *Давлатга шу йили 35 минг пуд галла, 70 тонна гўшт топширилди.*

Бу сўзларнинг қўлланишида ҳам фарқ бор. Яъни *литр* сўзи фақат суюқлик учун; *грамм, килограмм* ҳам суюқлик, ҳам қаттиқ нарсалар ўлчови учун; *пуд* сўзи кўпроқ дон ўлчови учун, *тонна* сўзи ҳам суюқлик, ҳам қаттиқ нарсалар ўлчови учун ишлатилади.

Айрим нумеративларнинг ишлатилиш доираси торайиб бормоқда ёки архаиклашмоқда. Бу сўзлар ўзбек тилида аввалдан жуда кўп қўлланиб келган бўлса ҳам ҳозирги кунда улар ўрнида совет-интернационал сўзлари қўлланади. Масалан, *мисқол, қадақ, ботмон* каби сўзлар: *Унинг оғирлиги бир мисқолдан ҳам тушмайди* (А. Қаҳҳор). *Тўртта қўй, уч ботмон бугдой, бир ботмон гурунч сўрашинти* (А. Қаҳҳор).

Ўзбек тилида, айниқса жонли тилда, суюқ ёки қаттиқ жинсдаги предметларнинг оғирлигини ўлчашда жуда кўп отлар шу предметлар ўлчовини ифодалаш учун ҳисоб сўзи вазифасида ишлатилади. Бу сўзлар юқорида санаб ўтилган ҳисоб ўлчовини маълум даражада ифодалаш мумкин.

Бу сўзлар аслида от туркумига оид бўлса ҳам аниқ миқдор кўрсатувчи сўз — сон ва саналаётган предмет номи ўртасида келиб, ҳисоб сўзи вазифасини бажаради. Бу хилдаги сўзлар предметларнинг аниқ оғирлик ўлчовини эмас, тахминий ҳисобини кўрсатади. Бундан ташқари, бир предмет ичига солиниб ўлчанадиган нарсаларнинг миқдори ҳам унинг қандай предметлигига қараб турлича бўлади. Бундай сўзларга *пиёла, қошиқ, коса, чойнак, қоп, қути, чамадон* каби сўзлар киради: *Жаннатхола шошиб-пишиб бир-икки пиёла чой ичди-да...* (С а и д А ҳ м а д). *Подшо хайирчига ҳар кун и бир қошиқ мой, икки қошиқ туз бериб турибди* («Эртак»). *Қифоятхон бир коса ош, иккита равоч келтирган эди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Столда нон, жизза, бир чойнак чой турарди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Деҳқонларнинг ўроғини чархлаб бир халта-ярим халта дон-дун топиб келар эди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Етти киши бўлиб тўрт қути пилла олдик* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Отаси икки чамадон нарса олиб келди.*

Умуман, предметларни жойлашган идиш ёки нарсалари ҳисоби билан ўлчаш ўзбек тилида жуда кўп учрайдиган ҳодисадир.

Булардан ташқари бир қатор сўзлар борки, улар предметларнинг жойлашиш ўрни, хосланганлигига кўра ҳисобини англатадилар. Масалан: Кийимлик ўлчови учун *жўра, кийим, кийимлик*: *Тўй қилувчининг онасига бир кийим чит, хотинига бир кийим атлас, кичик онасига бир кийим чит, ўзига қийиқ, дўппи ва ҳоказо* (С. Л б д у л л а). *Сенга бир жўра беқасам олиб қўйдим* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Мана бу сафар бир жўра шоҳи олиб келибди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Газлама ёки пахтанинг катта тўпининг ўлчови учун *той* сўзи ишлатилади: *Элик туяга юклатилган юз той газлама қўшилди* («Эртак»). *Улар учун яна икки той пахта ҳам ажратилди.*

Предметларни ташувчи восита номи билан ўлчовини кўрсатиш учун *арава, машина, туя*: *Бир кўтаришда бир туя юк кўтара оларди.* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Даладан бир арава қовун, икки машина юк келди.*

Предметларни тахлаш ёки устма-устлигини кўрсатиш учун *қават сўзи* ишлатилади: *...рўзғор ишини буткул қўлимга олсам-у, сизни етти қават кўрпачага ўтқазиб қўйсам дейман* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор* («Топишмоқ»).

Шу функцияда ишлатилган *қават* сўзи *қат* сўзи ҳолида ҳам ишлатилиши ва предметларнинг устма-устлигини кўрсатиш билан бирга ҳисоблаш учун эмас, мустақил сўз функциясида (*Бу нарса бизда қат-қат бўлиб ётибди*) ишлатилиши мумкин. *Қабат* сўзи баъзан *-лик* аффиксини олиб бинолар ўлчови учун ишлатилади: *Бир қабат (лик) бинолар ўрнига шаҳримизда кўплаб тўрт, беш*

ва тўққиз қаватлик бинолар қад кўтармоқда (Газетадан). Қабат сўзи билан параллель ҳолда *этаж* (лик) сўзи ҳам бинолар ўлчови учун ишлатилади: *Икки этажлик уй қурдик*.

Предметларнинг ёнма-ён жойлашганлигини кўрсатиш учун қатор сўзи ишлатилади: *Адир этагида уч-тўртта оқ уй ва ўртасида икки қатор фарамга ўхшаган қора уйлар кўринди* (А. Қаҳҳор).

Сочни ўриш, тараш, тутиш ҳаракатлари билан боғлиқ бўлган ҳисоб сўзлари ҳам кўп учрайди: *Бир ўрим сочи эҳтиётлик билан орқасига ташлаб қўйди* (Саид Аҳмад). *Икки ўрим сочи бошига чамбар қилди* (Ойдин). *Икки тутам сочининг ярашиб турганини кўрсанг яна кўрсанг келади* (Ойдин).

Шунингдек, предмет ёки шахсларнинг жойлашган ўрнига қараб ҳисобини кўрсатувчи яна бир қатор сўзлар мавжуд: *Ҳеч бўлмаса бир-икки тандир нон ёпиш кераклигини айтди* (Ойдин). *Бир сандал хотин, ўртада дастурхон* (Ойдин). *Қўлида бир тоғора сомса кўтариб кириб келиб қолди. Тўйда икки уй хотин, бир айвон ёш болалар бўлди*.

6. Узунлик ўлчови учун ишлатиладиган ҳисоб сўзлари: Предметларнинг узунлик ўлчовини ҳисоблаш учун энг кўп ишлатиладиган ҳисоб сўзларига *метр, сантиметр, километр* каби совет интернационал сўз-терминлари киради: *Планга қўшимча равишда 500 минг метр ин газлама, 556 минг метр шойи газлама ва бошқа товарлар тайёрланди* (Газетадан). *Қаландаровнинг машинаси соатига саксон километр масофа ўтиб борарди* (А. Қаҳҳор).

Узунлик ўлчови сифатида *метр, километр* каби сўз-терминлар қўллангунча *газ, таноб, тош* каби сўзлар ишлатилган бўлиб, ҳозир бу сўзлар архаиклашган ўлчов сўзи ҳисобланади: *Бу боғнинг сатҳи тахминан 16 таноб ерни банд қилган* (Ойдин). *Ҳаммаси бўлиб 17 газ бахмал сотиб олди*.

Булардан ташқари, узунлик ўлчови учун қадимдан кўп ишлатилиб келадиган *қарич, қулоч, чақирим, қадам* сўзлари борки, бу сўзлар ҳозирги кунда жонли тилда кўплаб учрайди: *Фарҳоднинг отган тошлари минг қулоч ердан ҳам ўз нишонасига тегарди. Бир қулоч арқонни олиб уйдан чиқиб кетди* (Ойдин). *Ун қадам ҳам юрмай оёғи қалтираб четга чиқди* (Саид Аҳмад). *Қолхозчилар бир қарич ерни бўш қолдирмасликка тиришдилар*. (А. Қаҳҳор). *Саодат мендан бир қарич ҳам жилмасди* (Саид Аҳмад).

7. Ёш ҳисоби учун қўлланадиган ҳисоб сўзлари: Ёш ҳисоби учун ишлатиладиган ҳисоб сўзи асосан кишилар учун, баъзан ҳайвон ва дарактлар учун ишлатилади. Кишилар ёш ҳисоби учун ишлатиладиган *ёш* сўзи деярли аффикслар билан бирикма ҳолида келади. Бу сўзларнинг қўлланиши қуйидагича:

-ар аффиксини олган *ёш* сўзи яшар шакли билан келади: *Мунозара ва музокаралардан сўнг... звенога етмиш бир яшар Тўхтабўви Саримсоқови сайланди* (А. Қаҳҳор). *Анзираг холи*

икки яшар ўгли ва ўн беш яшар ўгли билан қолди (А. Қаҳҳор).

Баъзан яшар сўзи -ли аффиксини олиб ҳам келади: *Ўн бир яшарли қиз боланинг кўнглини чўқтирмасангиз бўларди* (А. Қаҳҳор). *Кўз ўнгига ўн саккиз яшарли қишлоқ қизи келди* (Ойдин).

-даги аффикси ёш сўзига қўшилиб (ёшдаги шаклида) келади: *Уруш бошланган йил Шамсиддин йигирма икки ёшдаги, Фазлиддинин эса ўн тўққиз ёшдаги йигитчалар эди* (Саид Аҳмад). *Ўн тўрт ёшдаги Қифоятхон ҳаётининг аччиқ-чучугини татиб кўрди* (А. Қаҳҳор).

Баъзан -даги аффикси олдидан -лар қўшилиб келиб тахминий ёш ҳисобини кўрсатади: *Эллик ёшлардаги эшон бола эмас, кўса экан* (А. Қаҳҳор).

-ли(к) аффикси ҳам ёш сўзига қўшилиб келади; *Саккиз ёшли ўгли ва ўн бир ёшли қизини олиб уйдан чиқиб кетди* (Ойдин). *Ўттиз икки ёшлик Эшон мана шу Қифоятхонга учрабди* (А. Қаҳҳор). Булардан ташқари, ёш ҳисоби учун қуйидаги бирикмалар ишлатилади: *ёшга кирган (бориб қолган): Бир юз уч ёшга кирган табаррук кампир...* (А. Қаҳҳор). *Баззоз ўн етти ёшга бориб қолган қизга огиз солган экан.* (А. Қаҳҳор). *Бу гапни олтиш ёшга бориб қолган бир чолдан эшитганлиги унга ниҳоятда наша қилди* (А. Қаҳҳор).

Айрим вақтда ёш сўзининг иштирокисиз ҳам ёш ҳисоби англашилади. Бундай конструкцияларда сондан кейин макон келишиклари аффикслари ва айрим сўзлар қўшилиб ишлатилади: *Ўн учга кирган ёшгина попуқдай қиз эди* (Ойбек). *Ўттизга кирибсан, лекин «хе»ни билмайсан* (Ойбек). *Болаларимизнинг каттаси ўн олтига қадам қўйди. Раис эллика яқинлашиб қолган бўлса ҳам, ҳали жуда бақувват эди* (А. Қаҳҳор). *Бир ёшгача бўлган давр учун ойлик, кунлик сўзлари ҳисоб сўзи ўрнида ишлатилади: Қўлида 10—15 кунлик чақалоқ...* (Ойдин). *Етти ойлик паҳлавондай ўғилчаси билан келди.*

Юқорида кўрсатиб ўтилган ёш ҳисоби учун ишлатиладиган сўзлар соф ҳисоб сўзлари бўлмай, нисбий ҳисоб сўзларидир.

8. Вақт ўлчови учун ишлатиладиган сўзлар: Бу группага *аср, йил, ой, ҳафта, сутка, кун* сўзлари, шунингдек, сутканинг бўлакларини ифодаловчи *кеча, кундуз, соат, дақиқа, минут, секунд* каби сўзлар киради. *Аср, йил, ой, ҳафта, сутка, кун* сўзлари маълум миқдорни ифодалайди (*йил* сўзи 365 кунни, *ой* сўзи асосан 30 кунни, *ҳафта* етти кунни ва ҳ. к.). Бу хилда тузилган вақт бирликлари баъзан отга, жуда кўп ҳолатда феъл ва равишга боғланиб келади: *Орадан уч йил вақт ўтди ҳамки, ундан дарак бўлмади* (отга боғланган). *Бир ҳафта жума кунни ҳам ишладик. Бир ой ишлар-ишламас тракторчиликка ўқигани кетиб қолди* (А. Қаҳҳор). *Бир ой ишламасдан туриб бюрога тушди* (А. Мухтор). *Чилон қори уни уч-тўрт йил кафтида кўтариб юрибди* (А. Қаҳҳор).

хор). Бундан бир ҳафта илгари биз отамлар билан учрашган эдик (Мирмуҳсин).

Баъзан кун, ой, йил, аср каби сўзлар -лик аффиксини олиб предметнинг вақтга кўра белгисини кўрсатиши мумкин: Тракторнинг ҳақи битта отнинг уч кунлик ем-хашагидан арзон тушибди (А. Қаҳҳор). Бир кунлик иш ҳақимизни давлат фондига бағишладик. Пўлатжон уч кунлик нормани бир кунда бажариб қўйди.

Тахминий миқдор маъносини ифодалаш учун бундай сўзларга -ча аффикси қўшилиб келиши ёки олдидаги саноқ сон жуфтланиб чама сон шаклида ишлатилиши ёки тахминан каби сўзлар билан бирга қўлланиши мумкин: Бу мактабда уч ойча ўқидим, холос (А. Қаҳҳор). Дадам тахминан қирқ кунча ишга ярамай қолди (А. Қаҳҳор). Натижада олти-етти кунлик иш саккиз кунга чўзилди (А. Қаҳҳор). Орадан бир-икки ҳафта ўтар-ўтмас мактаб буткул тарқаб кетди (А. Қаҳҳор).

Саноқ сонлардан кейин келиб вақт ўлчови учун ишлатиладиган йил, ой, ҳафта, кун, сутка сўзлари турли келишик аффиксларини олиб келиши ва шунингдек, кўмакчилар билан бирга қўлланиши мумкин: Уч кунда шунча ишни Атҳамжоннинг бир ўзи бажариши қийин эди. Отаси икки ойга дам олиш учун кетган эди. Ун беш кундан сўнг қайтиб келибди. Бир ҳафта ичида айтилган топшириқни бажариш керак.

Вақт ўлчови учун ишлатиладиган юқоридаги сўзлар тартиб сонлар билан бирга ҳам ишлатилади. Тартиб сонлари кун сўзининг синоними — число сўзи билан бирга қўллана олади. Лекин число сўзи ҳеч вақт саноқ сон билан бирга келмайди. Бешинчи кун — бешинчи число (беш число деб ишлатилмайди): 1970 йил биз учун унитилмас йил бўлди. Биринчи кунни Дилбар янги уйга ўргана олмай турди. Биринчи ҳафта ишимиз жуда дуруст борди.

Йилдаги ойлар номи, ҳафтадаги кунлар номи ҳам маълум даражада миқдор тартибини кўрсата олади: Январь ойи (1-ой). Сентябрь ойи (9-ой). Жума кунни (5-кун). Чоршанба кунни (3-кун) ва ҳ. к.

Бундай бирикмаларда ой, кун сўзлари III шахс бирликдаги эгалик аффикси билан бирга ишлатилади.

Сутканинг бўлақларини ифодаловчи кеча, кундуз, соат, дақиқа, минут, секунд каби сўзлар ҳам кўпинча феъл ва равишга, баъзан отга боғланиб, вақт ўлчовининг кичик миқдорини билдиради: Қирқ кечаю қирқ кундуз тўй-томоша қилиб... («Эртак»). Қаландаров соат бир яримда станцияга машина чиқаришини сўрабди (А. Қаҳҳор).

Соат сўзи сонни кўрсатувчи сўздан олдин ва кейин қўллана олади.

Бу сўз сондан олдин келса, маълум конкрет вақтни ифодалайди. Чоғиштиринг: соат тўрт бўлди — тўрт соат бўлди; соат учда йиғиламиз — уч соатда йиғиламиз.

Бундай конструкцияларда *соат* сўзи ҳеч қандай формант олмай, келишик қўшимчалари сонга қўшилиб келади: *Роса соат ўн бир-да раислар кабинетга таклиф қилинди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Каналнинг очилиш маросими соат тўртга белгиланган эди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Соат ўн иккидан ошди, аммо ундан дарак йўқ* (М и р м у ҳ с и н).

Баъзан тахминий қисқа вақтни кўрсатиш учун сон ва келишик аффикси орасида кўплик қўшимчаси ҳам қўшилиб келади: *Соат тўртларга раис машина чиқарибди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Соат сўзи сонлардан кейин қўлланганда юқоридагига кўра узоқ вақтни ифодалайди. Бундай конструкцияларда турли келишик аффикслари сонга эмас *соат* сўзига қўшилади.

Мисоллар: *Шанбаликда уч соат ишладик. Уч соатнинг ичида жуда катта иш қилдик. 5—6 соатда (5—6 соат ичид а) қишлоқни айланиб чиқдик.*

Минут сўзи *соатнинг* қисмларини, *секунд* эса *минутнинг* қисмларини кўрсатадиган ҳисоб сўзи бўлиб, асосан саноқ сонлардан кейин ишлатилади: *Шу одамнинг олдида ўн беш минут пахта терасан.*

Бу сўзлар келишик аффикслари ва кўмакчилар билан бирга қўлланади: *Беш минутда ҳовлини айланиб чиқди. 10—15 секунда ишда қопиш мусобақаси бошланади.*

Ўзбек тилида сутка ҳисоби — *соат* ҳисоби қуйидагича: Бутун маъноси рақам ва *соат* сўзи билан белгиланади. Бутун *соатнинг* ярмигача (*соат*) — чиқиш келишигидаги саноқ сон+саноқ сон+ минут+ошмоқ ёки ўтмоқ сўзлари келтирилади. *Соат учдан ўн минут ошди. Соат иккидан 15 минут ўтганда...* *Соатнинг* ярмида эса: *каср сон+бутун сон+ярим* сўзи ишлатилади. Баъзан олдинги типдаги конструкция ҳам ишлатилади: (*соат*) бешдан ўттиз минут ўтди. Яримдан кейинги вақт ҳисоби учун *соат+саноқ сон+минут+кам* сўзларининг қўшилишидан тузилган конструкция ишлатилади. *Минут* сўзи эгалик аффиксини олиб ҳам ишлатилади: *ўнбеш минута кам уч...*

Юқоридаги конструкцияларда *соат* сўзининг ишлатилиши факультативдир.

9. Қиймат (пул) ҳисоби учун ишлатиладиган ҳисоб сўзлари: Предметларнинг қийматини ҳисоблаш учун энг кўп *сўм* ва *тийин* сўзлари ишлатилади.

Сўм бутун миқдор учун, *тийин* эса унинг қисмларини ифодалаш учун қўлланади.

Танга, чақа, тилла сўзлари илгари пул ҳисоби учун кўп ишлатилган сўз бўлса ҳам, ҳозирги кунда пул қиймати ҳисоби учун кам ишлатилади: *Ҳовлини савдога қўйишганда, олти тилладан ортиққа харидор чиқмаган экан* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Турдиалидан беш-олти танга қарз олиб келган экан* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Бировдан бир чақа сўраганим йўқ, сўрамайман ҳам* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Танга, чақа сўзлари ҳозирги ўзбек адабий тилида пул ҳисоби учун (*беш танга, икки танга каби*) ишлатилмай, пулнинг бир кўри-

ниши сифатида *чақа, танга* сўзлари, металнинг кўриниши сифатида *тилла* сўзи ишлатилади. Майда пулнинг ҳисоби учун ишлатилган *мири, пақир* сўзи архаиклашган сўз ҳисобланади: *Гаффор жон икковимизга уч мири бериб, ғўшт келтиргани буюрди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Битта мушак уч пақир,— деди Туробжон* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Қиймат ифодаловчи бу конструкциялардан сўнг *пул* сўзи ҳам қўшиб ишлатилади: *Йигирма беш сўм пул бўлса, ҳамма харажатга етар экан* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Эллик тийин пулни яшириб қўйдим* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Пул сўзи ўрнида *чиқим* сўзи ишлатилиши мумкин: *Икки юз йигирма беш сўм чиқим бўлар экан, холос* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Қиймат ифодаловчи бирикмалар таркибида *пул* сўзи ишлатилмай, ўша сўзга қўшилиши лозим бўлган эгалик, келишик қўшимчалари *сўм, тийин* сўзларига қўшилади: *Бугун меҳнат кунимиз йигирма етти сўмдан тушаётган бўлса, эртага йигирма сўмга и тушиб қолиши ҳеч гап эмас* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Даромад бу йиллар ўн бир сўм билан йигирма уч сўм орасида тебраниб турган экан* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Кўпроқ жонли тилда қиймат билдирувчи *сўм* сўзи қўлланмай, соннинг ўзи турли келишик аффиксларини олиб қўллана олади: *Дадам икки юз эллик беришга рози бўлди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Утган йили пахтадан бир миллион уч юз минг даромад олдик* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Гилям таниган одам икки мингга индамай олади* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Ҳозирги ўзбек тилида ҳаракатнинг миқдорига кўра белгисини ифодалаш учун ҳам сонлар ишлатилади.

Ҳаракат белгиси учун ишлатиладиган сонлар бевосита феъллар олдида келиши (*Бир гапирдим, икки гапирдим қулоқ солмади*) ёки сон билан феъл орасида махсус сўзлар ишлатилиши мумкин. Бу сўзлар баъзи жиҳатдан ҳисоб сўзларига яқин туради.

Қуйидаги сўзлар сон ва феъл орасида келиб, ҳаракат миқдорини белгилаш учун хизмат қилади.

Марта (*мартаба, маротаба*): *У шамни ўчириш учун уч марта пуфлади* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Бу нарса бир марта текшириб чиқилди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Мен Янгибозорга уч марта борганман* (Ойбек). *Батальон душманга қарши ўн уч марта ба ҳужум қилди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Марта сўзи *-лаб* аффиксини олиб кўп деган маънода ишлатилган «*неча*», «*бир неча*» сўзлари ёки «*кўп*» сўзи билан бирга ҳам ишлатилади: *Евлар шаҳарни неча марталаб хонавайрон қилди, шаҳар бир неча марталаб ёнғинда қолди* (Газетадан). *Сиз билан кўп марталаб учрашамиз*.

Навбатда сўзи тартиб сон билан бирга келади: *Урмонжон биринчи навбатда жорий қилиш лозим бўлган тадбирлар ҳақида гапирди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Карра: Умид эшитган гапларини яна бир к а р р а х а ё л и д а н ў т - к а з а б о ш л а д и (М и р м у ҳ с и н).

Бор: бир б о р га п и р д и м, и к к и б о р га п и р д и м қ у л о қ с о л м а д и.

Ҳисса: У с и з д а н и к к и ҳ и с с а ё ш б ў л с а ҳ а м н о р м а с и н и и к к и - у ч ҳ и с с а о ш и р и б б а ж а р а д и.

Қатла, дафъа сўзлари ҳам шу функцияда ишлатилади. Лекин бу сўзлар жуда пассив ишлатилади: Бир-икки да ф ъ а к е л и б - к е т и б, а х и р н о ғ о р а ч и н и к ў н д и р а м а н (О й б е к). М и н г қ а т л а ш у - к у р к и, к а т т а б ў л и б қ о л д и м (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Сидра: Аҳмаджон буларга қараб уч с и д р а ў қ ёғ д и р д и (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Чама сон

Чама сонлар предметнинг ноаниқ миқдорини, тахминий ҳисобини кўрсатади.

Миқдор сонининг бу тури асосан икки усул билан ҳосил қилинади.

1. **Морфологик усул билан ясалиши.** Бу усул орқали саноқ сонларга айрим аффиксларнинг қўшилишидан чама сонлар ҳосил қилинади:

1) Саноқ сонларга *-лаб* аффикси қўшилиб келиб, предметнинг миқдорини равишга айланган (адвербиализациялашган) формасини ҳосил қилади. Бу аффикс ҳар қандай сонга қўшила бермай, одатда у йирик миқдор ифодаловчи *ўн, юз, минг* каби сонларга қўшилиб келади: *У шу станцияда юз минглаб одамларнинг ишини қиларди (С а и д А ҳ м а д). Шаҳримизда ўнлаб театрлар, юзлаб мактаблар бор.*

+*лаб* аффикси орқали ясалган чама сонлар боғланиб келадиган от кўпинча кўплик формасида қўлланади. Бу аффикс баъзан *-та* аффиксини олган саноқ сонларга ҳам қўшилиб келиб, предметнинг миқдорга кўра белгисини эмас, ҳаракатнинг белгисини ифодалаб келади: *Меваларни б и т т а - б и т т а л а б т о з а л а д и.*

2) Сон ўзакларига *-гача (-та+ча)* аффиксининг қўшилишидан ҳосил қилинади: *Бир борганида ҳеч нарса тополмай й и г и р м а - т а ч а э с к и а р а в а м и х о л и б б о р и б д и (А. Қ а ҳ ҳ о р). Фиштин полли, худди вагондагидай, икки томонига уч қаватдан, о л т м и ш т а - ч а ж о й қ и л и н г а н (А. М у х т о р).*

Ҳисоб сўзлари (нумеративлар) билан бирга қўлланган сонларда *-гача* аффикси *-ча* аффикси шаклида сонга эмас, ҳисоб сўзига қўшилиб келади. Чунки юқорида айтганимиздек, ҳисоб сўзи доналаб санаш учун ишлатиладиган *-та* аффиксининг функциясини бажаради. Ҳисоб сўзларининг масштаб, вақт ва оғирлик маъноларини билдирадиган турига *-ча* аффикси қўшилиб тахминий миқдор маъносини билдиради: *Тепаликнинг у ёнидаги қишлоқдан ярим кило метрча нарида... танклар изғиб юрар эди (А. Қ а ҳ ҳ о р). Сертупроқ йўлдан и к к и ю з м е т р ч а наридаги чайлада бир*

чол букчайиб ўтирибди (С а и д А ҳ ма д). Тонг отишга яқин у уч я р и м с о т и х ч а жойнинг паст-баландини текислаб бўлганди (С а и д А ҳ ма д). ... Қанизак ўн қа да м ч а яқин келганида... (А. Қ а ҳ ҳ о р). Бу мактабда ярим ой ч а ўқидим, холос (А. Қ а ҳ ҳ о р). Совғада 200 г р а м м ч а тамак, битта ғалати батист рў-молча, кўк конверта солинган икки энликкина хат (А. Қ а ҳ ҳ о р).

3) Чама сонлар -ларча (-лар+ча) аффиксларининг сон ўзакларига қўшилиб келишидан ҳосил қилинади. Бу хилда ясалган сон таркибидаги -лар аффикси тахмин, чама маъносида қўлланган бўлиб, -ча аффиксини олиш билан ундаги тахмин яна ортади ёки чама маъноси таъкидлаб кўрсатилади.

-ларча аффиксининг ишлатилишида ўзига хос хусусиятга кўриш мумкин, яъни чама сон ҳосил қилувчи -та+ча аффикси ҳар хил миқдор ифодаловчи сонларга қўшилиб келса, -ларча аффикси кўпинча ўн, юз, минг каби йирик миқдор кўрсатувчи сонларга қўшилиб келади. Бу сон боғланиб келган от кўплик формасида қўлланади: Сидиқжон ю з л а р ч а киши оғзига қараб турган дамж-лисни кўз олдига келтириб жуда катта ташвишга қолди-ю, дами ичига тушиб кетди (А. Қ а ҳ ҳ о р). Мингбоши ҳар бир хотин орқасида ю з л а р ч а, ми н г л а р ч а эркак-аёл турганини сезди шекилли... (А. Қ а ҳ ҳ о р). -ларча аффикси ҳисоб сўзлари билан бирга қўлланган сонлар таркибида баъзан соннинг ўзига, баъзан эса ҳисоб сўзига қўшилиб келади: Бундан бир ярим й и л л а р ч а муқаддам Иноят оқсоқол таъқиқланган мол билан қўлга тушиб қолди-ю... (С а и д А ҳ ма д). Бу ердаги ҳаёт фронтдан ми н г л а р ч а километр узоқда... эди (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Баъзан -ча аффикси санок сонларнинг ўзагига қўшилиб келиши орқали ҳам тахмин, чама маъноси ифодаланади: Ҳужрада бир қа-доқ эмас, б и р м и н г ч а кўкнор бор экан (А. Қ а ҳ ҳ о р).

4) Чама сонлар -лар аффиксини олган санок сондан сўнг макон келишиклари аффиксларининг қўшилиши орқали ҳосил қилинади. Чама соннинг бу формаси ҳар қандай санок сонлардан ҳосил қилина бермайди. -лар+да (-дан, -га) аффикслари кишиларнинг ёшига нисбатан тахминий миқдорни англатади. Бундай ҳолатларда фақат соннинг ўзагигина чама-тахмин ифодаламай, у кўпинча ўзига хос бир конструкцияда тузилади. Яъни: а) «ёш» сўзи билан бирга — чама сон формасидаги сўздан олдин ёши сўзининг чама сондан сўнг «бориб қолган» «етиб қолган» каби формаларини келтириш орқали ҳосил қилинади: У ё ш и е т м и ш л а р г а б о р и б қ о л-г а н дилкаш чол экан (С а и д А ҳ ма д); б) ёш сўзи санок сондан кейин чама сон форманти -лар+макон келишиклари аффикслари ҳолида қўлланади: Рўзимат қоронғида кўзига й и г и р м а б е ш ё ш л а р д а кўринган эди (А. Қ а ҳ ҳ о р). Зокиржон етмиш ё ш л а р д а кўринган, ҳақиқатан эса ниҳояти қирқ еттига кирган Матвей Андреевич Степанов ҳақида сўзлаб берди (А. Қ а ҳ ҳ о р). У й и г и р м а и к к и ё ш л а р д а бўлиб, бир кўзи ғилай эди (А. Қ а ҳ ҳ о р); в) ёш сўзи ишлатилмай ҳам тахминий ёш бел-

гисини ифодалаши мумкин: *Бу одам ўзи ўттиз бешларга бориб қолган бўлса ҳам...* (А. Қаҳҳор). *У олтмишларга бориб қолган нимжон... бир кампир эди* (А. Қаҳҳор). *Дўппифуруш элликка бориб қолган одам* (А. Қаҳҳор).

Бу хилдаги чама сонлар пайт, вақтга нисбатан ҳам тахмин маъносини билдиради. Бунда кўпинча вақт билдирувчи сўз аввал келади: *Соат еттиларда Умида Саиданинг эшигини қоқиб, раис йўқлаётганлигини айтди* (А. Қаҳҳор). *Саида уйга кеч соат ўн бирларда қайтди* (А. Қаҳҳор).

Баъзан чама сон ҳосил қилувчи юқоридаги ҳар икки формант бирга ишлатилиши ҳам мумкин: *Бир ой чалардан кейин Қоплонбек билан Таманнонинг тўйи бўлди* (Шухрат).

б) -ми сўроқ юкламаси сонлар таркибида келиб ноаниқ миқдорни, чама маъносини ифодалаши мумкин: *Уч кун бўлди ми, жуда безовта* (Саид Аҳмад). *Бир шоир билан бир режиссёр колхозга келиб, бир ой ми, икки ой ми туришади* (А. Қаҳҳор).

2. Чама сонлар композиция усули билан ҳосил қилинади. Бу хилдаги ясалишда турли миқдорни ифодаловчи санок сонлар аввал кам миқдорни кўрсатувчи компонент, кейин кўп миқдор ифодаловчи компонент типда жуфтланади. Шуниси характерлики, чама сонлардаги жуфтланишнинг ҳам ўзига хос қонуниятлари бор. Булар қуйидагилардан иборат:

а) ўнгача бўлган сон ўзақлари жуфтланиб чама сонни ҳосил қилганда ёнма-ён сонлар жуфтлашади: *бир-икки, икки-уч, уч-тўрт, тўрт-беш* каби. Бу хилда жуфтланган сонлар предмет миқдорини ва ҳаракат белгисини — миқдорини кўрсатади: *Қишлоққа борсам, бири-икки оғиз гап сўрашар* (А. Қаҳҳор). *Йигит кўприкка томон бири-икки қадам босди-ю, қоровулни чақирди* (А. Қаҳҳор). *Улар эмас, бошқа икки-уч таниш кўринди* (М. Исмоилий). *Кейинги уч-тўрт кун ичида бу миш-миш ғовлаб кетди* (А. Қаҳҳор);

б) чама сонлар бешликлар билан аввал кам сон, кейин кўп сон тартибида жуфтланиб ҳосил қилинади: *Беш-ўн танга чиқим қилишни мўлжаллаган эдим* (А. Қаҳҳор). *Шу ўн-ўн беш кун ичида босмачилар кўп жойни босди* (А. Қаҳҳор). *Сенлар шунча иш қилганда мен ўн беш-йигирма минут гапирсам нима қилибди!* (А. Қаҳҳор).

Бошқа сонлар ҳам шу хилда жуфтланади. Лекин ортиқ миқдор ифодаловчи сонларда бу хилда бешликлар билан жуфтланиш камроқ учрайди;

в) ўнликларда ҳам юқоридагича кам миқдор ифодаловчи сон олдин, кўп миқдор ифодаловчи сонлар эса кейин келиб жуфтланади: *Машина қирқ-эллик қадам нарида тўхтади.* (А. Қаҳҳор). *Танк қирқ-эллик метр яқин келганда...* (А. Қаҳҳор);

г) юзлар, минглар каби сонни ифодаловчилар эса юқоридаги бирликлар тартибида жуфтланади. *Икки юз — уч юз, беш юз —*

олти юз каби: *Рота фронтдан уч-тўрт минг километр бериди эди* (А. Қаҳҳор). Баъзи вақтда иккинчи компонентдагина юз сўзи келиши мумкин: *Уч-тўрт юз (сўм) каби*.

Юқоридагича жуфтланиб ясалган чама сонларга *-та* аффикси қўшилиб келиб доналаб ҳисоблаш орқали предметларнинг ноаниқ миқдорини кўрсатади. Одатда *-та* аффикси жуфтланган сонларнинг ҳар иккисига қўшилиб келиши мумкин: *Онда-сонда битта-иккита сигир, қўй кўринар эди* (А. Қаҳҳор). *Битта-иккита ёмғир томчилаб турибди* (А. Қаҳҳор).

Баъзан *-та* аффикси жуфтланиб келган чама сонларнинг иккинчи компонентига қўшилиб келади; *Хаёл ўтмай яна уч-тўртта ўқ отилди* (А. Қаҳҳор). *Қузгача беш-олтига кетмон ишдан чиқди* (А. Қаҳҳор). *Бир куни мактабга ўн-ўн бешта саллал қариялар келишди* (А. Қаҳҳор).

Чама сонлар айрим вақтда «кўп+кам сон» типига ҳам жуфтланади. Бу ҳолат фақат бир ва ярим сонларнинг жуфтланишида сезилади: *Битта-яримта азамат олғирлик қилмасмикин?* (А. Қаҳҳор). *Битта-яримта руҳонийнинг сўзига қулоқ солиб юрманг* (А. Қаҳҳор).

Битта-яритма сўзи предметларнинг тахминий миқдоринигина эмас, отлашиб ноаниқ шахс маъносини ҳам ифодалайди: *Битта-яримта сезгани йўқми, деган ўй билан атрофга аланглади* (Саид Аҳмад).

Чама сонларнинг жуфтланиш ва *-тача, -лар, -ча, -ларда* аффикслар билан ҳам қўлланиши ҳоллари учрайди: ... *йигирма-ўттиз метрча бериди қора каска кўринди* (А. Қаҳҳор). *Орол тўрт-тўрт ярим танобча келар эди* (А. Қаҳҳор) *Шом вақтида йигирма-йигирма бир ёшлардаги бир жувон келди* (А. Қаҳҳор). *Ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги бир қиз Мирзаев билан сўрашди* (А. Қаҳҳор).

Жамловчи сон

Жамловчи сонлар бир турдаги предметларнинг йиғиндисини ифодалаш учун қўлланади. Жамловчи сонлар санок сонларга махсус аффиксларнинг қўшилишидан ҳосил қилинади. Одатда бу аффикслар ўндан паст бўлган айрим сонларгагина қўшилиб келиб биргалик, жамлик маъноларини англатади.

-ов аффикси. Бу аффикс санок сонларнинг ҳаммасига ҳам қўшилиб кела бермай, кўпроқ 2, 3, 4 сонларига қўшилиб биргалик, жамликни англатади (Бу аффикс бир сўзига қўшилиб келганда ноаниқ шахс маъносини билдириб, гумон олмоши бўлиб келади).

-ов аффикси орқали ясалган жамловчи сонлар доимо II, III шахс бирлик ва I, II, III шахс кўпликдаги эгалик аффикслари билан бирга қўлланади. *-ов* аффиксининг қўшилишидан ҳосил қилинган сонлар бошқа сонларга ўхшаш гапда сифатловчили аниқловчи вазифасида келиш хусусиятига эга эмас. Яъни улар қўпинча пред-

метнинг миқдорига кўра белгисини кўрсатмайди. Бу нарса унинг эгалик аффикслари билан бирга қўлланишидан — отга яқинлашганидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам гапда эга, қаратқичли аниқловчи, тўлдирувчи, кесим бўлиб келади: *Юз центнерчи қизларнинг бешови ҳам саҳарлаб далага югуришга қарор қилишди* (Ойбек). *Унинг сўзларидан кейин ҳар иккаласининг ҳам назарида бу мушоҳада тамоман янги, икковининг ҳам хаёлида бўлмаган жуда катта бир мазмун касб этди* (А. Қаҳҳор). *Илғор қизларнинг учовига ҳам мукофот берилди. Биринчи бўлиб келган — шу иккови эди. Беш киши эканмиз, бешовимиз бир қути уруғ олсак, наинки энлаб боқолмасак* (А. Қаҳҳор).

-ала аффикси. Бу аффикс *икки, уч, тўрт, беш* сонларига кўпроқ қўшилиб келса ҳам *олти* ва *етти* сонларига кам қўшилади. Адабий тилда улардан юқори сонларга деярли қўшилиб келмайди. -ала аффиксининг қўшилиши натижасида ҳам сонларнинг ўзак состида юқоридагича ўзгариш юз беради: *Икк(и)аламиз, учаласи* каби. -ала аффиксли сон ҳам I шахс бирликдан бошқа ҳамма шахс ва сондаги эгалик аффикслари билан бирга қўлланади.

Умуман олганда, -ала аффиксининг сонларга қўшилишида шу нарса сезилиб турадики, бу аффикс *икки, уч* (баъзан *тўрт*) сонларига бевосита қўшилади. *Тўрт, беш, олти* ва *етти* сонларига қўшилганда эса, ўзакка бевосита қўшилмай доналик сон аффикси -га дан кейин келади: *тўртталамиз, бешталамиз (бешчаламиз), олтиталамиз*.

Баъзан маънони қучайтиш ва таъкидлаб кўрсатиш учун -ов, -ала аффиксини олган сонлардан олдин кишилик, кўрсатиш олмошлари ёки ҳар сўзи келиши мумкин: *биз икковимиз, сиз учалангиз, сен иккаланг, ҳар иккаласи* каби: *Айвончани, ҳар иккала уйни, ҳовлини тозалади* (А. Қаҳҳор).

Айрим вақтда олмош ва ҳар сўзи сон олдида бирга кела олиши ҳам мумкин; *сизлар ҳар иккалангиз, биз ҳар учовимиз*.

-ала аффиксини олган сўз эгалик аффиксини олмаганда, гапда аниқловчи (изоҳловчи), эгаликни олганда эга, тўлдирувчи, кесим, қаратқичли аниқловчи бўлиб келиши мумкин: *иккала қиз сўзлади. Иккаласи бирга ишлайди. Теримчиларнинг учаласига ҳам мукофот берилди. Иккаласининг мақсади бир. Мукофот олганлари — шу иккаласи*.

Баъзан -ала ва -ов аффикслари бирга ишлатилиши мумкин: *Болазанингни учалови баббаравар ўсишди*.

-ов+ла+б ёки -ов+ла+ш+иб аффиксларининг саноқ сонларга қўшилиб келишидан биргалик сонлар ясалади: *Бу вазифани икковлаб ишладик. Уроз оғам билан акам икковлашиб бир ҳовлини ижарага олишяпти* (Ойбек). *Учовлашиб ичкарига киришди* (М. Исмоилий).

-ов+лан. Бу аффикс жуда кам қўлланади: *Олтовлон ола бўлса оғзидагин олдираб* (мақол). *Бешовлон бирдан ҳаҳолаб юборди*. Бу аффиксларнинг қўшилишидан ҳосил қилинган жамловчи сонлар гапда ҳол вазифасида келади.

Қаср сонлар бутуннинг қисмини ифодалаш учун ишлатилади. Қаср сонлар тузилишига кўра бошқа сонлардан фарқланиб туради, бу сонлар бир сўз билан ифодаланмай, кўпинча маълум формада келган бирдан ортиқ сонларнинг бирикишидан ҳосил қилинади. Қаср сон чиқиш ва бош келишиқдаги икки саноқ соннинг сўз бирикмаси ҳолида ифодаланишидан тузилади. Қаср соннинг сурати бош келишиқдаги, махражи эса чиқиш келишиғидаги сўз орқали ифодаланади: *учдан бир* ($\frac{1}{3}$), *бешдан бир* ($\frac{1}{5}$). Субстантивлашганда қаср сонларнинг махражи ўзгармай, сурати эғалик ва келишиқ аффиксларини қабул қилиши мумкин: *Колхозчиларнинг учдан бири янги уйларға кўчирилди*.

Ярим, ёрти сўзлари ҳам қаср сондир. *Ярим* сўзи ўзича ҳеч қандай сон билан бирға келмаган ҳолда қўлланганда бутуннинг тенг ярми маъносини ифодалайди. Саноқ сон билан келганда эса, бутун устида яна бир бутуннинг ярми деган маънони билдиради: *икки ярим (икки+бирнинг ярми), уч ярим (уч+бирнинг ярми)*.

Ярим сўзи баъзи отларға қўшилиб келиб сўз ясаш функциясини бажаради: *ярим шар, ярим мустамлака, ярим ота, ярим доира*. Бу сўз баъзи отлар олдида келиб, аниқловчи; ўрин алмашиб, аниқланмиш бўлиб келади; *ярим тун — туннинг ярми, ярим кеча — кечанинг ярми*. Кўпгина бирикмаларда *ярим* сўзининг ўринини шу тартибда алмаштириб қўллаш мумкин бўлмайди: («*уйнинг ярми*», «*ярим уй*», «*китобнинг ярми*», «*ярим китоб*» деб қўлланмайди).

Баъзан маънони кучайтириш, бутуннинг аниқ ярмини кўрсатиш учун *ярим* сўзидан олдин *қоқ, тенг* сўзлар ишлатилади: *уйнинг тенг ярми, куннинг қоқ ярми* каби.

Ярим сўзи саноқ сонларға ўхшаш -та аффиксини олиб, предметни доналаб кўрсатиши; -тача аффиксини олиб, тахмин, чама маъносини, -тадан аффиксини олиб, тақсимлаш маъносини ифодалаши мумкин: *яримта, яримтача, яримтадан*.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида *ёрти* сўзи деярли қўлланмайди. У фақтгина *ярим-ёрти* типидаги бирикмада *яримта* сўзи синоним шаклида ишлатилади.

Қаср сон бутун сонлар билан бирға келиб, аралаш сонни ҳосил қилиши мумкин. Бундай ҳолларда яхлитликни билдирувчи сондан кейин *бутун* сўзи қўшилиб келади: *бир бутун юздан тўққиз (1,09), уч бутун ўндан бир (3,1)*.

Чорак, нимчорак сўзлари ҳам қаср сон ҳисобланади. *Чорак* — (чорак) — *тўртдан бир бўлак, ним чорак* — *саккиздан бир бўлак* деган маънони билдиради.

Бу сўз ҳам *ярим* сўзига ўхшаш -та, -тача, -тадан каби сон аффиксларини қабул қила олади; *чоракта, чорактадан, чорактача* каби.

Қаср сон ҳам бошқа сонларга ўхшаш гапда аниқловчи, отлашганда бошқа гап бўлаги бўлиб келади: *Бу хабарни учдан бир ўқувчигина эшитди. Мажлисга чақирилганларнинг учдан бири келмади. Теримчиларнинг учдан бирига мукофот берилди.*

Бундай ҳолатларда касрли сондан кейин юклама вазифасида қўлланган ҳам ёки ҳатто сўзларини қўшиб ишлатсак, миқдорга таъсир этади: *Чақирилганларнинг учдан бири келмади, (учдан иккиси келди), чақирилганларнинг учдан бири ҳам келмади (учдан иккиси ва ундан ортиғи келмади).*

Баъзан каср сонларга *-ча* равиш ясовчиси қўшилиб келиб, гапда ҳол вазифасида келади: *Сизнинг терган пахтангиз мен терганнинг учдан бирича келмайди.*

Тартиб сон

Тартиб сон предметнинг миқдорини бошқа сонларга нисбатан конкрет равишда ифодалайди — предметни абстракт равишда эмас, уларнинг табиий тартибини, кетма-кетлигини билдиради. Предметнинг кетма-кетлиги ҳақидаги тасаввур унинг белги тасаввуридир. Бу хусусияти тартиб сонларни функцияси ва морфологик хусусиятларига кўра сифатга яқин эканлигини кўрсатади.

Тартиб сонлар саноқ сонга *-(и)нчи* аффиксининг қўшилишидан ясалади. *-и(нчи)* аффикси қўшма ёки составли тартиб сонларнинг энг охирги элементига қўшилиб келади: *ўн бешинчи, бир минг бир юз эллик бешинчи* ва шу кабилар. Шунингдек, бу аффикс уюшиб келган тартиб сонларнинг ҳам охиргисига қўшилади: *беш, ўн уч, йигирма биринчи ўрта мактаблар.*

Айрим вақтда тартиб сонлар эгалик аффиксини олиб, тақсим, улуш маъноларини билдириши мумкин: *биринчиси, еттинчиси.*

Тартиб сонлар гапда аниқловчи ва кесим бўлиб келиши мумкин. Кесим вазифасида келган сонлар шахс қўшимчасини қабул қилиб келади: *Биринчи звено аъзолари социалистик мусобақани бошлаб юбордилар. Биз биринчимиз, сиз иккинчиси эиз.*

Айрим вақтда тартиб сонлар ҳаракатнинг белгисини ифодалаб, гапда ҳол бўлиб келади: *Сизни биринчи кўришим. Бу ишни иккинчи такрорламанг.*

Бундай ҳолларда тартиб сонлар билан феъл орасида *марта, қайта*, баъзан *бор* каби сўзлар ишлатилиши ҳам мумкин.

Баъзи ўринларда *-(и)нчи* аффикси *-ла* аффиксини олган сонга қўшилиб келади: *бирламчи, иккиламчи.*

Сонларнинг отлашуви

Сон абстракт маънода қўлланса, у кўпинча гапда отга яқин вазифани бажаради. Конкрет предмет билан бирга келса, белгилни кўрсатади — аниқловчи бўлиб келади. Гапда сон аниқлаб келадиган от тушиб қолиб, отлашиб (субстантивлашиб) ўша от бажарган вазифани бажаради. Сонлар отлашиб, отга хос бўлган эгалик ва келишиқ қўшимчаларини олиб, гапда эга, тўлдирувчи ва қаратқичли аниқловчи вазифасида келади (-та+дан аффикси орқали ясалган сонларда бу хусусият кўринмайди): *У н н и н г я р м и б е ш . О л т и н и и к к и г а қ о л д и қ с и з б ў л и ш м у м к и н . Қ и з л а р н и н г и к к а л а с и ҳ а м ш у е р д а . К и т о б н и н г ю з э л л и к т а ч а с и б и з г а б е р и л д и . Б о л а л а р н и н г и к к и т а с и д а н с ў р а д и м .*

Кўплик аффикси -лар доналик, тақсим, чама ва каср сонларга қўшилиб келмайди. Сонлар отлашганда аниқланмиш от сондан олдин келиши мумкин «Тўртта олма олдим» ўрнига «олмадан тўртта олдим» деб қўлланади. 1-мисолда доналик сон бош келишиқдаги отдан олдин келган. 2-мисолда аниқланмиш от (олма) чиқиш келишиқ формасида қўлланган. Аниқловчи бўлиб келган доналик сон аниқланмиш от билан ўрин алмашиб қўлланиши мумкин. Бунда доналик сон эгалик аффиксини олиб, қаралмиш бўлиб келади. От эса қаратқич бўлиб келади: *Бешта қиз — қизларнинг бештаси, учта мактаб — мактабларнинг учтаси* ва б. Сонлар от билан шу хилда ўрин алмашиб қўлланганида ҳам предметнинг миқдорини англата беради. Сон+от бирикмасида от бирликда қўлланса ҳам, от+сон бирикмасида бирлик формасидаги от кўплик аффиксини олади, сон эса отлашиб, эгалик аффиксини қабул қилади. I шахс бирликдаги эгалик аффикслари сонларнинг отлашган формасига деярли қўшилмайди (саноқ сонлар *иккитам, учалам* типиди ишлатилмайди). Лекин баъзи вақтда *бир сўзига* қўшилиб келганда саноқ сон маъносини эмас, ўхшашликни ифодалайди: *у ҳам менинг бирим! / у ҳам менга ўхшаш* ва б.

ОЛМОШ

Олмошлар маъно жиҳатдан бошқа мустақил сўзлардан маълум даражада фарқ қилади. Улар предмет, белги ва миқдор маъноларини тўғридан-тўғри ифодаламай, бошқа предмет, белги ва миқдор тушунчалари билан боғланган ҳолда, у ёки бу муносабатга киришган ҳолда ифодалайди. Олмошнинг конкрет маъноси контекст, ситуация — нутқ процессида иштирок этувчиларнинг муносабатига қараб қонкретлашади.

Олмошлар мустақил маъноли сўзлар каби шахс, предмет, белги ёки миқдорни билдирмай, баъзан улар ўрнида алмашилиб қўлланади, қандайдир йўл билан уларга ишора қилади, ўрни билан уларнинг ўринбосари ҳисобланади. Олмошлар конкрет маъно билан умум маънонинг алмашилиб қўлланишини характерловчи сўзлардир.

Олмошнинг муҳим белгиларидан бири унинг абстракт ва умумлашган маъноларни ифодалашидир: *Улар ким-у, биз ким? У нима-ю, бу нима?* каби гапларда *ким* ва *нима* олмошлари икки ўринда қўлланиб, икки шахс, икки предметни кўрсатган.

Олмошлар айрим хусусиятларига кўра отларга, баъзи хусусиятларига кўра сифатларга ва айрим белгиларига кўра равишларга яқин туради.

Олмошлар қуйидаги грамматик хусусиятлари билан бошқа сўз туркумларидан фарқ қилади ва ўзи алоҳида мустақил сўз туркумини ташкил этади:

1. От, феъл, сифатларда сўз ясалиш ҳодисаси кучли бўлади, олмошларда эса жуда кучсиздир. Олмошларнинг ўзига хос сўз ясовчи аффикслари йўқ — бошқа сўз туркумларидан маълум аффикслар ёрдамида олмошлар ясалмайди. Лекин олмошлардан айрим ясовчи аффикслар ёрдамида бошқа сўз туркумларига хос бўлган сўзлар ясалиши, шунингдек, таркибига олмошлар қўшилган ҳолда қўшма сўзлар ҳосил қилиниши мумкин: *сенсирамоқ, сизламоқ, менсимоқ, шунча, менимча, қачонги, сенбоп, унда-мунда* ва б.

Олмошлар жуфтланиш — такрорланиш натижасида бошқа сўз туркуми вазифасида келади: *Мен уни 3—4 йил олдин кўрган эдим, ш у-ш у кўрмайман; ў ш а-ў ш а келмай қўйди.*

Икки хил кўрсатиш олмошлари жуфтланиб отлашади:

Шундай қилиб, у н и-б у н и гаплашиб юрамиз (О й б е к).

Ниҳоят уста Мўмин у н г а-б у н г а учраб патта олди (А. Қ а ҳ-қ о р). Баъзи сўроқ олмошлари такрорланиб, миқдор-даражанинг ортиқлигини кўрсатади: *Қ а н ч а-қ а н ч а уйлар ер қимирлашидан зарар кўрди.* Такрорланиб қўлланган олмошлар орасида айрим вақтда чиқиш келишиги аффикси ишлатилади: *қанчадан-қанча уйлар; ўзидан-ўзи йиғлаб юборди.* Қим, нима олмошлари такрорланганда, ҳар хил шахс, ҳар хил нарса маъноси англашилади: *к и м-к и м келишипти? н и м а-н и м а олишди?*

2. Олмошлар отларга хос сўз ўзгартувчиларни қабул қилади.

1) Келишик аффиксларини олади. Бунда олмошлар доим белгили қўлланиши билан бошқа сўз туркумларидан фарқланади. Баъзи олмошларга келишик қўшимчалари қўшилганда, ўзакда айрим фонетик ўзгаришлар содир бўлади: *мен+ни—мени, сен+нинг—сенинг, у+га—унга, шу+да—шунда* каби (Бу ҳақда олмошнинг ҳар бир тури бўйича кейинги бўлимларда батафсил маълумот берилади).

2) Олмошларнинг эгалик аффиксларини олиб қўлланишида айрим хусусиятлар мавжуд: а) от типидagi сўроқ олмошлари, бўлишсизлик, белгилаш олмошлари, шунингдек, ўз олмоши эгалик аффиксларини қабул қилади; б) пайтга нисбатан сўроқ билдирувчи олмошлар, сабаб-мақсадни аниқлаш учун бериладиган сўроқ олмошлари, I, II шахс кишилик олмошлари эгалик аффиксларини олмайди; в) келишик-кўрсатиш олмоши (*у*), *қайси*, *неча* сўроқ олмошлари, асосан отлашганда эгалик аффикслари билан бирга қўлланади. Эгалик аффиксларининг қўшилишида айрим хусусиятлар бор: кўрсатиш олмошлари I ва II шахс бирлик ва кўплик, шунингдек, III шахс кўплик эгалик аффиксларини бир даражали қабул қилади: *бун и м*, *шуним и з*, *унинг и з* каби. Кўрсатиш олмошларининг III шахс бирлик формасида эса эгалик аффикси икки даражали бўлиб келади: *у — униси*, *шу — шуниси*, *бу — буниси*, каби. *Қайси*, *неча* сўроқ олмошлари отлашиб II ва III шахс бирлик I, II, III шахс кўпликда эгалик аффиксларини олиб келса ҳам, I шахс бирликда (гарчи улар отлашган бўлса ҳам) эгалик аффиксларини олмайди. *Қайси* олмошининг ўзаги, аслида *қай* бўлиб, унинг таркибида эгалик аффикси бордай кўринса ҳам (*қай-и-си*, *қай-у-си*) ҳозирги тилда яна бир эгалик аффикси қўшиб ишлатилади: *қайсиси*.

3) Кўплик қўшимчасини қабул қилишда ҳам олмошлар ўзига хос хусусиятга эга. I шахс бирликдаги кишилик олмоши *-лар* форма ясовчиси билан бирга қўлланмайди. II шахс бирликдаги кишилик олмоши *-лар* аффикси билан қўлланганда (*сенлар*) кўпинча тингловчига ҳурматсизлик билан менсимай қараш — фамиляр муносабат ифодаланади. I ва II шахс кўпликдаги кишилик олмошлари (*биз*, *сиз*)га *-лар* қўшилиб келганда эса, сўзловчи ва тингловчининг кўплигини эмас, бир сўзловчи ва бошқалар, бир тингловчи ва бошқаларни ифодалайди. III шахс кишилик олмошининг бирлик

формаси битта ўзга (бошқа шахс)ни, кўплик формаси кўп ўзга (бошқа шахслар)ни ифодалайди. От характеридаги сўроқ олмошларига *-лар* аффикси қўшилганда кўплик ва бир шахсга ҳурматни билдиради. Бундай олмошлар жуфтланиб ҳам кўпликни ифодалаш мумкин: *Ким-ким келди? Нима-нима олдинг?* Баъзан такорланган бундай олмошлардан кейин ҳам *-лар* аффикси қўшилиб кела олади: *Ким-кимлар келди? Нима-нималар олдинг?* *-лар* аффикси айрим сўроқ олмошларига қўшилганда тахмин, чама каби маънолар англашилади: *Соат нечалар бўлди? Ёши нечаларда?*

Қачон сўроқ олмоши *-лар* аффиксини олиб «кўп вақт» деган маънони ҳам ифодалай олади (маънони кучайтиради:) *Келганим қачонлар эди.*

3. Олмошларни гапда бажарган вазифасига кўра 4 гурпуага ажратиш мумкин: а) от характеридаги олмошлар; б) сифат характеридаги олмошлар; в) равиш характеридаги олмошлар; г) сон характеридаги олмошлар.

Олмошнинг синтактик хусусиятларига кўра бошқа сўз туркумларидан ажралиб турадиган асосий фарқларидан яна бири шуки, олмош ҳеч вақт ўзидан олдин аниқловчи олмайди. Масалан: *мен, сен, биз, шу, неча, ким, нима* каби олмошлар биронта аниқловчи билан бирга қўлланмайди. От ўрнида қўлланувчи олмошлар отларга ўхшаш сўз ўзгартирувчиларни қабул қилади ва гапда от бажарган вазифани бажаради — эга, тўлдирувчи, қаратқичли аниқловчи, баъзан кесим бўлиб келади: *Биз шонли йўлни босиб ўтдик* (А. Мухтор). *Ҳамма ҳосилотнинг сўзларини диққат билан тингларди-ю, ҳамманинг кўнглида турли-туман фикр кечарди* (Ш. Рашидов). *Шундай қилсанг, ўзингдан бошқа ҳеч кимга оғир тушмайди* (А. Қаҳқор). *Ҳамма гап бизда* (А. Қаҳқор).

Сифат характеридаги олмошлар (*қандай, қайси, бу, шу, шундай...*) сифатлар каби от олдида келиб, гапда сифатловчи, аниқловчи ва баъзан кесим, ҳол бўлиб келади. Бундай олмошлар сифатларга ўхшаш отлашиб гапнинг бошқа бўлаклари вазифасида келиши мумкин. *У Назокатнинг қайси даҳа, қайси маҳаллалик эканини, Наманганнинг қайси қишлоғида қандай уруғлари борлигини суриштирди* (А. Мухтор); *Умидимиз-шу* (А. Қаҳқор).

Сон характеридаги олмошлар (*неча, нечанчи, қанча*) сонларга ўхшаш миқдорни ифодалаш учун қўлланади ва гапда сифатловчи — аниқловчи ёки кесим бўлиб келади: *Нечанчи уйда тура-сиз? Ёшингиз нечада?*

Равиш характеридаги олмошлар (*нега, қалай, қани*) равишга ўхшаш ҳаракат белгисини ифодалайди ва гапда ҳол, кесим вазифасини бажаради: *Нега куласиз? Аҳволлари қалай? Айтганинг қани?* Олмошлар эргашган қўшма гап таркибида нисбий сўз вазифасида келади. Нисбий сўз вазифасида сўроқ ва жавоб тарзида (*ким-у, қанча-шунча, қаерда — шу ерда* каби) ишлати-

лади: *Ким кўп ишласа, у кўп ҳақ олади; Ерга қанча кўп куч сарф қилсанг, ҳосил шунча мўл бўлади; қаерда уюшқоқлик бўлса, шу ерда унум кўп бўлади* (А. Қ а ҳ ҳ о р). Айрим олмошлар боғловчи сўзлар таркибида келади: *Шунинг учун, ундай бўлса, унда, бунинг натижасида* ва б.

Олмошларнинг турлари

Олмошлар маъно ва грамматик хусусиятларига кўра қуйидаги турларга бўлинади: 1) кишилик олмошлари: *мен, биз* (I шахс); *сен, сиз* (II шахс); *у, улар* (III шахс); 2) кўрсатиш олмошлари: *бу, шу, ўша, мана шу, мана бу, ана шу* кабилар; 3) сўроқ олмошлари: *ким, нима, қандай, неча, қайси, қанча, нега, қалай* кабилар; 4) ўзлик олмоши: *ўз*; 5) белгилаш-жамлаш олмошлари: *ҳамма, бутун, барча, бари, ҳар ким, ҳар қандай* кабилар; 6) бўлишсизлик олмошлари: *ҳеч ким, ҳеч қандай, ҳеч нима, ҳеч қайси* кабилар; 7) гумон олмошлари: *аллаким, аллақандай, аллақайси, кимдир, нимадир, алланима* кабилар.

Кишилик олмошлари

Кишилик олмошлари шахсларга нисбатан ишлатилади. Баъзи кишилик олмошлари шахсни ифодалаши билан бирга, кўрсатиш маъносини ҳам билдиради. Шунга кўра, кишилик олмошларини икки гурӯҳга бўлиш мумкин: 1) соф кишилик олмошлари (*мен, сен, биз, сиз*); 2) кишилик-кўрсатиш олмошлари (*у, улар*). Соф кишилик олмошлари фақат шахсни кўрсатади, улар сўзловчи ва тингловчини ифодаловчи олмошлардир. Баъзан шеърятда соф кишилик олмошлари предметлар учун қўлланиши ҳам мумкин: *Дарахтлар, бўстонлар, сиздан сўрайман* (У й ғ у н). *Пахта дейди кулиб, товланиб, «Севган киши мени мақтасин»* (У й ғ у н).

Кишилик-кўрсатиш олмошлари эса (*у, улар*) кишилик билан бир қаторда кўрсатиш олмоши вазифасини ҳам бажаради. Бу олмош от ўрнида қўлланиб келади — отнинг ўрнини босади: *Дилором келди — у келди. Меҳмонларни кутяпмиз — уларни кутяпмиз*.

Кишилик олмошлари нутқ процессида уч хил шахсни — I, II, III шахсларни билдиради. I шахс (*мен*) — сўзловчини, II шахс (*сен*) — сўзловчи муружаат қилаётган шахсни — тингловчини, III шахс (*у*) — нутқ процессида иштирок этмаган, сўзловчи ёки тингловчи эслатиб ўтаётган шахсни ёки кўрсатилаётган предметни ифодалайди. Булар бирликни кўрсатувчи кишилик олмошларидир. Кўпликда кишилик олмошларидан *биз* олмоши бир қанча сўзловчиларни эмас, сўзловчи ва бошқа шахсларни, *сиз* (II шахс кўпликдаги) олмоши эса тингловчи ва бошқа шахсларни билдиради. Шундай қилиб, *биз, сиз* олмошлари составида I ва II шахс иштирок этган шахслар тўдасини ифодалайди: *Биз пландан ташқари*

неча-неча юз гектар семиз ер очиб ҳаммага намуна кўрсатдик (Ш. Рашидов). *Сиз буюк ишлар қилдингиз* (А. Мухтор).

III шахс кўпликдаги *улар* олмоши сўзлаш процессида иштирок этмаган бирдан ортиқ бошқа шахсни ёки предметларни ифодалайди: *Улар бизга етиб олишини* (А. Мухтор).

Кишилик олмошларининг қўлланишида айрим хусусиятлар бор. Кишилик олмошлари шахсларни ифодалганда, шахслар ўз маъносидан ташқари кўчган ҳолда қўлланиши мумкин. Бу ҳолат 3 хил кўринишда учрайди: 1) шахс кўчади. Шахснинг кўчган ҳолда ишлатилиши кўпроқ бадий асарларда, риторик сўроқ гапларда ёки монологларда учрайди: *Агар сен ўзингга зеб беришдан қайтмас экансан, халқдан ҳам, партиядан ҳам ажраб қоласан* (Ш. Рашидов). I шахс кўпликдаги кишилик олмоши — *биз* кўпроқ II шахс кўпликдаги *сиз* олмоши ўрнида (сўзловчининг ўзи ҳам шунга қисман иштирокчи эканлиги англашилган ҳолда) қўлланади: *Қани энди биз ишга тушайлик*. Бундай қўлланишда кўпинча бошқа шахсларни маълум бир ишни бажаришга ташвиқ қилиш маъноси англашилиб туради; 2) кўпликни ифодаловчи олмошлар бирлик учун қўлланади. Масалан: *шунча ишни ким бажарди?* — *Биз бажардик*. Бу гапдаги *биз* олмоши бирликдаги *мен* ўрнида ишлатилиб, бир оз мақтаниш ёки ўзини кўрсатиш маъносини билдирган. Баъзан публицистик асарларда ёки тантанали маросимларга хос нутқда, шунингдек, жонли сўзлашувда ҳам, кўпликдаги *биз* олмоши бирликдаги *мен* ўрнида қўлланиб, камтариликни ифодалаши мумкин. Масалан; *биз бу масалани бошқача усул билан ҳал қилдик* (*Мен бу масалани бошқача усул билан ҳал қилдим* маъносидан ишлатилган). II ва III шахс кўпликдаги кишилик олмошлари эса, ҳурмат маъносини ифодалаш учун бирликни кўрсатувчи *сен* ва *у* олмошлари ўрнида келиши мумкин: Масалан: *Сиз бир оз дам олинг* (А. Қаҳҳор). *Нега улар гапирмайдилар-а, ая?* (А. Мухтор); 3) шахс ва сон бирликда кўчади. I шахс кўплик олмоши, II шахс бирликдаги *сен* олмоши ўрнида қўлланади: — *Хўш, биз энди бугунга нима, деймиз?*

Кишилик олмошлари кўплик аффикси *-ларни* олиш билан кўпликни кўрсатмайди.

Мен олмоши -лар аффиксини қабул қилмайди. *Сен* олмоши эса *-лар* аффикси билан бирга қўлланганда, тингловчи ва бошқа шахсларга фамиляр муносабатни ёки тингловчини бир оз камситиш маъносини билдиради: *Сенларга айтялман* (*сен* ва бошқаларга айтаялман). *-лар* аффикси III шахс бирликдаги *у* олмошига қўшилиб келади: *У келди* — *Улар келдилар*. *Биз* ва *сиз* олмошларига қўшилганда маънони бир оз кучайтириш оттенкасини, шунингдек, сўзловчи ва бошқалар тўдасини — кўпликни билдиради. Масалан: *Балли-е рус ишчиларига, бизларнинг кўзимизни очишди!.. — дейди уста* (Ойбек). *Мен ўша ердан туриб сизларнинг таомларингизни кўрдим* (А. Мухтор). *Сизларда инсоф борми?!*

Эгалик аффикслари кишилик олмошларига одатда қўшилиб келмайди. Баъзан III шахс кишилик олмоши кўрсатиш маъносида келганда, отлашиб эгалик аффиксларини қабул қилиши мумкин: *У н и с и 15 ёшга кирди (У 15 ёшга кирди).*

Кишилик олмошлари келишик аффиксларини олиб турланиши мумкин. *Мени, унинг, сени, сизда, сизга, улардан* каби.

Кишилик олмошларининг I ва II шахс бирлик формалари тушум ва қаратқич келишиклари билан турланганда бир *н* товуши тушиб қолади: *менни — меннинг, сенни — сеннинг* эмас, *мени — менинг, сени — сенинг.*

Кишилик олмошлари гапда турли гап бўлаклари вазифасини бажариб келади: *Бундан чиқдики, бизнинг аҳволимизни сен ўзимиздан яхшироқ билар экансан, бундан чиқдики, бизни рўёбга чиқарадиган йўлни ҳам сен биласан* (А. Қ а ҳ ҳ о р). Бу мисолда кишилик олмошлари эга, қаратқичли аниқловчи, тўлдирувчи вазифасида қўлланган. *Э, ўша киши сизмидингиз?* (Саид А ҳ м а д). *Мен ҳам сизнинг эркинғизни бўғмай, сиз ҳам меникини!* (А. У б а й д у л л а е в). Айрим вақтда кишилик олмошлари белги маъносини ифодаловчи сўзлар ёки отлар олдидан қўлланиб, ўша сўзларнинг изоҳловчиси вазифасини бажаради. Масалан: *Кимдан эшита қолдинг, сен пакана фитна?* (О й б е к) *Сен ҳумпорни ҳар қанча сўксам, яна бўйнимда қарз қолади* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Бир кўрганда ошиқ бўлдим сен қизга.*

Кўрсатиш олмошлари

Кўрсатиш олмошлари шахс, предмет ёки белгини кўрсатиш, таъкидлаш учун ишлатиладиган сўзлар бўлиб, бу турга *бу, шу, ўша* каби сўзлар киради.

Кўрсатиш олмошлари от, сифат ва равишларнинг ўрнида қўлланиб, уларнинг ўринбосарлари ҳисобланади. Шунга кўра, уларни уч гурпуага ажратиб текшириш мумкин.

Биринчи гурпуа кўрсатиш олмошларига от ўрнида қўлланувчи олмошлар кириб, улар от характеридаги кўрсатиш олмошларидир.

Иккинчи гурпуани сифат ўрнида қўлланувчи олмошлар ташкил қилиб, улар сифат характеридаги кўрсатиш олмошлари бўлади.

Учинчи гурпуани эса, равишлар ўрнида қўлланувчи кўрсатиш олмошлари ташкил қилиб, улар равиш характеридаги кўрсатиш олмошларидир.

Биринчи гурпуани ташкил қилган кўрсатиш олмошлари отлар каби шахс ёки предметларни уларга ишора қилиш — кўрсатиш орқали номлайди. Шахсларга нисбатан қўлланадиган *бу, шу* олмошлари кўпинча кўплик аффикси *-лар* билан бирга қўлланиб, ё кўпликни, ё ҳурмат маъносида бирликни ифодалайди. Бирлик формасида шахсларга нисбатан қўлланган кўрсатиш олмошлари кўпроқ ўша шахсга менсимай қараш, ҳурматсизликни билдириш, умуман фамиляр муносабатни ифодалаш учун ишлатилади; *Хотинингиз билан онангиз рози эмас экан, шуларни хафа қилиш, орага*

совуқчилик туширадиган гапларга сабаб бўладиган ишни қилишдан нима фойда? (А. Қаҳҳор) Чироғим, олдинга ол буларни, пича сабоғини ўраат (Ойбек). Буларнинг ўрнига қирови тўкилмаган кетмончилар топиб қўйганман. Маъқул кўрсангиз шуларни кетмонга соласиз (А. Қаҳҳор).

Уша кўрсатиш олмоши эса, кўпинча бирлик формада келиб, шахс ифодалаб келиши мумкин: Уша сизмидингиз, буни қаранг-а, танимапман (Саид Аҳмад). Аъзамжон билан Тошкентда кўришган эдим, ўша гапириб берди (А. Қаҳҳор). ...Яхши одам, ўшанинг уйига борамиз (Ойбек).

У олмоши кўпинча шахсларга нисбатан қўлланади. Лекин предметни ифодаловчи отлар ўрнида ҳам кела олади. Бу сўзнинг шахс ёки предметга нисбатан қўлланганини ситуациядан ва шу олмошнинг бошқа сўзларга боғланишидан уқиб олса бўлади. Кўпинча кўрсатиш олмошлари иштирок этган гапдан олдин шу кўрсатиш олмошларининг қайси сўз ўрнида қўлланаётгани сезилиб туради. Бошқача қилиб айтганда, олмошнинг қўлланишига сабаб бўлаётган от иштирок этади: Мана, Оқ мачитда боққол бор-ку, нимани қидирсангиз топасиз ундан (Ойбек). (— Ундан — боққолдан);... невараси Сулувни ўйлар, унга ошиқ бўлган йигитнинг қанақалигини билгиси келарди (Саид Аҳмад). (— Унга — Сулувга); Энди мана бу суратни кўринг, уни Москвадан юборган (А. Қаҳҳор). (уни — суратни).

От характеридаги кўрсатиш олмошлари баъзан гап ўрнида қўлланиши ёки эргашган қўшма гапнинг бош гапи таркибида келиб эргаш гап томонидан изоҳланиши — изоҳланувчи сўз бўлиб келиши мумкин: ...хотинлари кундузи уйда бўлмайди. Бу — бир! Эрлари бола тарбиясига аҳамият бермайди. Бу — икки! Тез-тез қўй сўйиб туришади. Бу — уч! (А. Мухтор).

Шуни билинги, турмуш қонунини ўсиш, камол топишдир (Ш. Рашидов).

Иккинчи группани ташкил қиладиган сифат характеридаги кўрсатиш олмошлари предметнинг белгисини ифодалайди: Эртасига бу хабар бутун колхозга тарқалди (А. Қаҳҳор). У гуллар читга гул босувчи ижодкор рассом қизларга илҳом берар эди (А. Мухтор). Чолнинг шу ишидан жаҳлим чиқади (Ойбек). Биз ўша дўконга борамиз (Ойбек).

Учинчи группани такрор ҳолда қўлланиб ҳаракатнинг белгисини билдирадиган шу-шу, ўша-ўша олмошлари ташкил этади: Шу-шу у бошқа арз қилганимни билмайман (А. Қаҳҳор). Уша-ўша кампир билан Ғаффоржон бизникида қолиб кетди (А. Қаҳҳор).

Айрим вақтларда бундай олмошлардан сўнг бўлди сўзи қўшилиб келиши ҳам мумкин: Шу-шу бўлди-ю, Сидиқжон яна ўз тўпига қўшилиш тараддудига тушди (А. Қаҳҳор).

Кўрсатиш олмошлари -дай, -ча каби ясовчиларни олиб сифат ва равиш характерида ишлатилиши мумкин. -дай аффикси бошқа

ўзаклардан сўнг *-дек* шаклида қўлланса ҳам, кўрсатиш олмошларидан сўнг *-доқ, -дақа* ёки *-ақа, -дақанги, -ақанги* шаклида ишлатилади: *бундоқ, бундақа, шунақа, шундақанги/шунақанги* каби. Бу ясовчилар кўшилиши натижасида бир *n* товуши қўшилиб ишлатилади. Бу товуш аслида кўрсатиш олмошларининг қадимий шакли — *бул, шул, ул, ўшал* сўзлари таркибидаги *л* товуши бўлиб, кейинча фонетик ўзгаришга учраб *л < n* ҳодисаси рўй берган: *бул-дай, — бундай, шул-ча — шунча* каби. Бундай олмошлар предметнинг ёки ҳаракатнинг белгисини ифодалаш мумкин: *Шундай ўлка доим бор бўлсин, Шундай ўлка элга ёр бўлсин* (Ҳ. Олимжон). *Ушундай қолармикин...* (А. Мухтор). *Козимбек шунча одамнинг ичиде ўйнади* (А. Қаҳҳор). *Шунча айтдим...* (А. Қаҳҳор).

Сифат характеридаги кўрсатиш олмошлари предметнинг белгисини ифодалаб келгани учун баъзан у аниқлаётган сўз тушиб, отлашуви мумкин. Кўрсатиш олмошлари от характерида қўлланганда эса, отлашиш ҳодисасини кўрмаймиз. Чоғинтириш учун мисоллар: *Буларнинг ўзаро муомаласини ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлди* (А. Қаҳҳор). *Шуни тўғрилашга ҳам пул керакмиди?* (Ойбек). Мисоллардаги *буларнинг, шуни* кўрсатиш олмошлари от характерида келган бўлиб, уларда отлашиш йўқ. *Кетди унингиз ўша Сулувнинг олдига* (Саид Аҳмад). *Шундақа сани топсангиз, майли, йўқ демайман* (Ойбек). Бу мисоллардаги сифат вазифасидаги *унингиз, шундақасини* олмошлари отлашиб келган (*шунақаси* сўзи баъзан йўналиш маъносини ҳам ифодалаш мумкин: *Институтга бориб, шунақаси китоб магазинига кириб келаман*).

У, бу, шу кўрсатиш олмошлари *-ча* (лик) аффикси билан қўлланганда миқдор маъносини ва миқдор-даражанинг кучли ҳолатини ифодалаш мумкин: — *Ҳа, унча кўп эмас, деди Ойқиз* (Ш. Рашидов). *Йўқ, гулда бунчалик латофат қайда? Бир одамнинг бир одамга яхшилиги шунча бўлади-да* (А. Убайдуллаев). *Кимни шунча кутдинг, дастлаб чечак* (Уйғун). *Сен унча қизиқаверма, ўртоқ Султонов* (А. Мухтор). *Бунча ҳам кўп бугун кўкда юлдузлар!* (Уйғун) *У Эътиборга шунчалар ўрганиб қолган...* (Саид Аҳмад).

Кўрсатиш олмошлари маънога кўра икки хил бўлади: конкрет кўрсатиш олмошлари: *шу, ўша*; конкрет бўлмаган кўрсатиш олмошлари: *у, бу*.

Конкрет кўрсатиш олмошлари сўзловчи ва тингловчига олдин маълум бўлган предмет ёки воқеани кўрсатиш учун қўлланади. Масалан, *ўша уй* деганимизда аввалдан маълум бўлган, илгари шу ҳақда фикр юритилган предметни (*уйни*); *шу одам* дейилганда эса, фикр юритилаётган (айни бир вақтда сўзловчи ва тингловчига маълум бўлган) шахсни кўзда тутамиз.

Конкрет маънони ифодаловчи кўрсатиш олмошлари масофа ва вақтнинг яқин-узоқлигига кўра икки хил бўлиши мумкин: а) *шу*

олмоши сўзловчига яқинда бўлган воқеани билдиради: *шу уйда тураман* (ё сўзловчи кўрсатиб гапираётган уй, ёки сўзловчи олдин шу ҳақда гапирган, ҳозир эслаётган уй); б) *ўша* олмоши сўзловчидан нарироқдаги предметни ёки аввалроқ бўлган воқеани билдиради: *Уша киши (ўша кишини чақиринг)*. Бу гапни 2 хил аниқлаш мумкин: 1) илгари шу киши ҳақида гап юритилган, ҳозир сўзлаш momentiда уни эслаб, «*ўша кишини чақиринг*» дейилади; 2) одамлар орасидан, сўзловчидан анча нарида бўлган кишини қўл ёки бош билан ишора қилиб «*ўша кишини чақиринг*» дейилади (Баъзи ҳолатларда *шу* ва *ўша* олмошлари бири иккинчисининг ўрнида қўлланиши мумкин, яъни «*ўша кишини чақиринг*» дейиш ўрнига «*шу кишини чақиринг*» деб ҳам ишлатилади).

Конкрет бўлмаган кўрсатиш олмошлари ноаниқ предмет, нотаниш шахс ёки воқеаларни кўрсатиш учун ишлатилади.

Бу олмоши аввалдан маълум бўлмай, сўзлаш momentiдагина маълум бўлган, сўзловчи яқинидаги предмет ёки шахсни кўрсатади: *Бу фикр унга маъқул бўлмади* (А. Қаҳҳор). Чолнинг бу ишидан жаҳлим чиқади (Ойбек).

У олмоши ҳам сўзлаш momentiда маълум бўлган, лекин сўзлаш вақтида мавжуд бўлмаган, сўзловчидан узоқроқдаги предметни ёки олдинроқ бўлган воқеани кўрсатади: ... *у йўлдан юганига пушаймон бўлди* (А. Қаҳҳор). *У қиз кўнглида кек сақлайдиган экан-да* (А. Қаҳҳор).

Кўрсатиш олмошлари *ана*, *мана* сўзлари билан бирга ҳам қўлланади ва бунда айрим хусусиятлар юзага келади.

Мана сўзи бу олмошига қўшилиб қуйидаги маъноларни ифода қилади:

а) сўзловчига яқин бўлган предметнинг белгисини кўрсатади: *Мана бу омонатингиз* (А. Қаҳҳор). *Мана бу нарсани олиб қўй* (А. Қаҳҳор);

б) сўзловчига яқин бўлган от характерида қўлланиб, предметнинг ўзини кўрсатади: *Мана бу шу ерда олдирган суратлари* (А. Қаҳҳор);

в) *-дай*, *-дақа*, *-ақа* аффиксларини олган кўрсатиш олмошлари билан бирга келиб, сўзловчига яқиндан маълум бўлган ҳолатни кўрсатади: ... *обрў тўғрисида мана бунақа ташвиш тортиб ўтиришининг ҳам маъноси қолмайди* (А. Қаҳҳор).

Мана сўзи шу олмоши билан бирга қўлланиб, ўрин ёки вақт нуқтаи назаридан сўзловчига жуда яқин бўлган предмет, шахс ёки белгини кўрсатиш учун қўлланади: *Мана шу гапларни айтиб берасиз* (А. Қаҳҳор). *Уруш мана шу қапсанчилардан бошланган экан* (А. Қаҳҳор).

Ана сўзи ҳам бу, шу (баъзан *у*) олмошлари билан бирга қўлланиб сўзловчидан нарироқда бўлган предмет, шахс ёки белгини кўрсатиш учун қўлланади: *Биз ана шу мактабда ўқиган эдик. Ана шунақа гаплар* (А. Қаҳҳор). *Анави бола ҳали ёш* (А. Қаҳҳор). *Ана шу йили биз қишлоқдан кўчиб кетдик.*

Мана, ана сўзларига бу, у олмошлари қўшилиши натижасида фонетик ўзгариш содир бўлиб, бу қўшма кўрсатиш олмошлари манави, анави ҳолида айтилади: Анави уйга кирайлик, бир маслаҳатим бор (Х а м з а). Эртага анави олти отнинг бировини миниб келайин (Э. Жуманбулбул ўғли).

Мана, ана сўзлари ўша сўзи билан ёнма-ён келса ҳам, улар қўшма кўрсатиш олмошларини ҳосил қилмайди: Масалан: Мана ўша бетиним ёшлик (А. Мухтор).

Кўрсатиш олмошлари жуфт ёки такрорий сўз ҳолида ҳам қўлланади. Кўпинча *шу, ўша* олмошлари такрорланиб келиб қуйидаги хусусиятларга эга бўлади: а) пайт маъносини билдиради: *ш у ш у колхознинг иши юришиб кетди* (А. Мухтор); б) *ўша* олмоши такрорланиб, «*ҳеч ўзгаршисиз*», «*бир хил*», «*аввалгича*» деган маънони билдиради: *Турсуной тузукми? — ўша-ўша аю, лекин вофуруш домидан қутулганига Собиржон хурсанд, феъли ҳам ўзгара бошлади* (А. Мухтор).

Кўрсатиш олмошлари ичида *у, бу* олмошлари жуфтланиб келиб, қуйидаги хусусиятга эга бўлади: а) ҳар хил предмет ёки шахс маъносини англатади: *Тепаликларни текислашдан ҳам кўра, одамларга баҳона билан уни-буни айтиб олиш зарур эканлигини уқдирар эди* (А. Мухтор). *Шундай қилиб, уни-буни гапириб юрамиз* (Ойбек). *Ниҳоят уста Мўмин унга-бунга учраб патта олди* (А. Қаҳҳор).

Одатда олмошларнинг жуфтланишида маълум қонуният бор — жуфтланишда *у* олмоши олдин, *бу* эса кейин келади (*бу -у* шаклида жуфтланмайди). Жуфтланган кўрсатиш олмошлари бош келишик ва тушум, чиқиш келишик формаларида кўпроқ предмет-нарсга маъносини, жўналиш келишиги формасида шахс маъносини, ўрин-пайт келишиги формасида пайт ёки ўрин маъносини билдиради: *Унда-бунда булбулнинг овози эшитиларди, унда-бунда катта осма чироқлар чарақлайди* (Ойбек). Қаратқич келишиги қўшимчаси жуфтланган олмошларга қўшилмайди (унинг-бунинг деб айтилмайди); б) *-дай* (*-доқ*, *-(д)ақа*) аффиксини олган *у-бу* кўрсатиш олмошлари жуфтланиб келиб, белгининг ортиқ эканлигини — интенсив даражани ифодалайди: *Мен сизга унақа-бун ақа яхшилик қилганим йўқ* (сўзлашувдан); в) *-ча* аффиксини олиб жуфтланган кўрсатиш олмошлари оз миқдорни ва қисман маънонинг ортиқлигини билдиради: *Қозоқ тилини унча-мунча биламан. Унча-мунча нарсага хафа бўла бермайман. Унча-мунча ишлар қўлидан келмайди дейсизми?*

У, бу олмошлари ҳар хил уюшган бўлаклар олдида қўлланиши ҳам мумкин: *У дўконхонанинг дам у учига, дам бу учига келади* (А. Мухтор). *Бири у дейди, бири бу...* (А. Убайдуллаев).

Кўрсатиш олмошлари сўз ўзгартувчи ва айрим форма ясовчиларни қабул қилганда, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Кўрсатиш олмошлари кўпликни ифодаловчи -лар аффиксини қабул қилиши билан кўпроқ шахсни, баъзан предметни ифода-
лаб, кишилик ёки кишилик-кўрсатиш олмошларига яқинлашади:
Булар меҳнатда ажойиб намуналар кўрсатдилар. Шулардан ибрат олайлик.

Кўпинча сифат характеридаги кўрсатиш олмошлари отлашади ва бунда эгалик аффиксларини қабул қила олади: *шуним, шунинг, шунимиз, шунингиз, шулари, буним, бунинг* ва ҳоказо. Эгалик аффикси III шахс бирликда икки даражали бўлиб қўшилиб келади: *шуниси, буниси, униси (шу+и+си > шуниси, бул+и+си > буниси, ул+и+си > униси).*

Кўрсатиш олмошлари келишикнинг ҳамма формаларида келиб, отлар каби вазифани бажаради. Лекин улар ўрин-пайт (баъзан чиқиш) келишиклари формасида келганда бошқалардан бир оз фарқланади: а) предметни, шахсни кўрсатади: *Бунда бешта орден бор; б) ўринни билдиради: Сиз унда, мен бунда ўртада ҳижрон (Уйғун). Кичкина уй. Ота билан қиз шунда яшар (Уйғун); в) пайт маъносини ифодалайди: Ушанда муҳаббат ўзининг ҳеч қачон қаримаслигига иқрор қилади (Саид Аҳмад). Ушанда Отахон ўзи ётган каравот ёнидаги курсида... Ефим Даниловични кўрди (А. Мухтор).*

Баъзи кўрсатиш олмошлари келишик қўшимчаларини олиб ва айрим сўзлар билан бирга келиб, боғловчи вазифасини бажаради: *Биз ҳаммамиз кетамиз. Унда мен ҳам кетаман. Биласан, меванг майда, мендек бўлишинг қайда? Шундан узундир тилим... (Ғ. Ғулом). ...Бунақада обрў қолмайди-ку! (А. Қаҳқор).*

Қаратқич келишиги формасидаги кўрсатиш олмошлари *натижасида, орқасида* каби сўзлар билан; жўналиш келишиги формасидаги олмош *кўра, қараб (қараганда)* сўзлари билан; чиқиш келишиги формасидаги олмош *ташқари, буён* сўзлари билан бирга келиб ёрдамчи сўз вазифасида ишлатилади: *шунинг (бунинг, унинг) учун, шунинг натижасида, шунга кўра, бундан ташқари* каби.

Шунинг учун ёрдамчиси таркибида бошқа сўзлар ҳам кела олади. Бундай вақтда шу олмоши от маъносида предмет ёки шахсни кўрсатиб келади: *Шулар учун, шуларнинг оч-юпун бўлмасликлари учун... А. Мухтор).*

Айрим кўрсатиш олмошлари кўмакчи сўзлар составида келади: *У кетгандан буён, кетгандан буёққа* ва б.

У, бу, шу олмошлари қадар сўзи билан бирга миқдор-даражани ифодаловчи сўз вазифасида келади: *Шу қадар тез гапирдики... Ишга шу қадар берилиш ярамайди. Шу қадар эзмаки...*

Шунингдек, *кун, йил, пайт, замон* каби пайт билдирувчи отлар, *ёқ, томон, ер* каби ўринга муносабатни ифодаловчи сўзлар кўрсатиш олмошлари билан бирга келиб, пайт ёки ўрин маъносини ифодаловчи равиш вазифасида қўлланади: *Шу кун и кечаси ваҳима*

босди (А. Қаҳҳор). Мен бу ёқда қандай ташвишлар қилиб юрибман-у... (Саид Аҳмад). Шунда ҳовли томондан кимнингдир товуши эшитилди (А. Қаҳҳор).

Шу кўрсатиш олмоши бу олмошидан олдин келиб, сўз маъносини кучайтиради — кўрсатиш маъносини янада аниқроқ қилиб ифодалайди. Лекин ҳеч вақт бу олмоши шу сўздан олдин келмайди: *шу бу йил, шу бугун*.

Кўрсатиш олмошлари гапда турли вазифани бажариб келади: а) эга бўлиб келади: *Бу — бутун дунёга танилган шараф (Уйғун)*; б) тўлдирувчи бўлиб келади: *Шуларни одам яратган, уларда одам қўлининг изи бор (Саид Аҳмад)*. *Шуни ўйлаганда Турсуной анча юпанди (А. Мухтор)*; в) аниқловчи вазифасида қўлланади: *Қатор-қатор машиналар, аравалар ва туялар эртадан кечгача шу пахта пунктига қатнади (Ш. Рашидов)*. Баъзан аниқловчи бўлиб келган кўрсатиш олмошлари билан аниқланмиш орасида бошқа аниқловчилар келиб, белгининг белгисини кўрсатиши мумкин: *Уш а тўрт йил аввал учрашган манзил, ўша гўзал қирғоқ, ўша сўлим жой (Уйғун)*; г) ҳол вазифасида келади: *Оддийгина шундай танишдик-да, суҳбатлаша кетдик иккимиз (Уйғун)*; д) кесим бўлиб келади: *Кечқурун бўладиган партия мажлисида ҳам масала шу (А. Мухтор)*. *Ниятим ҳам шу эди (Саид Аҳмад)*.

Бундан ташқари, кўрсатиш олмошлари эргашган қўшма гапда нисбий сўз ва изоҳланувчи сўз бўлиб келиш хусусиятига ҳам эга: *Бизнинг тушунган хотинлар қанча кўп бўлса, хавф шунча камаяди, курашимиз шунча енгиллашади (А. Мухтор)*. *Шуни билки, сени Ватан кутади. Мени қайси ўқишга муносиб кўрсангиз, ўшанга ёзинг (А. Қаҳҳор)*.

Сўроқ олмошлари

Сўроқ олмошлари орқали сўзловчи нутқ процессида иштирок этувчилардан ўзига маълум бўлмаган нарсани аниқлаб билишга интилади.

Сўроқ олмошлари шахсга (*ким?*), предметга (*нима?*), белгига (*қайси? қандай?*), миқдорга (*неча?, қанча?*), вақтга (*қачон?*), мақсад ва сабабга (*нега?, нимага?*) ва ўринга (*қани?*) муносабат англатади.

Баъзи сўроқ олмошлари қўшма гапда нисбий сўз вазифасида келгани учун сўроқ-нисбий олмошлар деб номланади: *ким меҳнат қилса, у роҳат кўради. Нимани буюрсанг, шуни келтираман*. Эргаш гапда келган бундай сўроқ олмошлари сўроқ маъносини йўқотган бўлади.

Ўзбек тилида қўлланадиган сўроқ олмошлари асосан қуйидаги хусусиятларга эга:

Қим олмоши шахсларга нисбатан қўлланади. Бу олмошнинг қўлланишида қуйидаги хусусиятлар бор:

1) Шахсга нисбатан сўроқни ифодалагани учун от характерида

келади ва отлар каби эгалик ва келишик қўшимчаларини қабул қилади: *Менинг кимим бор?* (С а и д А ҳ ма д) — *Зулфиқоровни кимингиз деб биламиз?* (А. Қ а ҳ ҳ о р) Лекин кўплик аффикслар ни олганда отларга ўшаш бир предметнинг бирдан ортиқ эканлигини билдирмайди, шахснинг кимлигини ёки унга нисбатан ҳурмат маъносини билдиради. *Мажлисда кимлар сўзлади? Бу киши кимлар?*

Айрим вақтда жуфтланиб келиб шахсларнинг кимлигини аниқлаш учун қўлланади. Жуфтланиб келганда ҳар иккиси бирликда ёки олдингиси бирлик, кейингиси кўплик формасида қўлланиши мумкин: *Ким-ким келди? Ким-кимлар сўзлади?*

2) Нисбий сўз вазифасида келганда маънони кучайтириш учун *-ки* ёки *-да+ким* ёрдамчилари қўшиб ишлатилади: *кимки кўп ишласа, у кўп ҳақ олади. Кимдаки (м) виждонан ишласа, у ҳурматга сазовор бўлади.* Баъзан маънони яна ҳам кучайтириб, таъкидлаб кўрсатиш учун *-ки* юкламасидан олдин *-и (й)* элементи орттириб ишлатилади: *Кимийки Нуъмонҳожидан Қаландаровнинг хўжалиги тугатилсин, ўзи бу ердан бадарға қилинсин деса, қўлини кўтарсин* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

3) *Ким* олмоши *-са* аффиксини олиб отга кўчади: *кимса.* Бу сўз ҳеч, ҳар сўзлари билан келиши ёки *-сиз* аффиксини олиши мумкин: *Аммо унинг қўшиғини ҳеч кимса эшитмасди* (Р. Та г о р). *Зўрлигимни ҳар кимсага етказсам, шохнинг ҳожат ишларини битирсам* (И с л о м ш о и р).

4) *Ким* олмоши *-ли* аффикси ёки «эканлик» тўлиқсиз феъл билан бирга қўлланиб, отлашади: *Шу хат менинг кимлигимни кўрсатиб қўйди* (С а и д А ҳ ма д). *Қодиров Меҳрининг ким эканлигини билмас эди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Ким олмоши гапда кўпинча эга, кесим, тўлдирувчи, баъзан аниқловчи ва ҳол бўлиб келади: *Ким келди? Бунақа гаплар кимдан чиқади?* (А. Қ а ҳ ҳ о р) *Кимнинг овози баланд? Кимдай ишлашим керак? Бойваччанг ким?* (О й б е к).

Нима олмоши предмет ёки воқеаларга нисбатан сўроқни билдиради. *Нима олмоши қуйидаги хусусиятларга эга:*

1) *Бир* сўзи билан бирга келиб ноаниқ нарсаларга предмет маъносини билдиради: *Иккови икки ёқда ердан бош кўтармай, бир нима билан овора бўлгандай ўтира беришди* (А. М у х т о р). *Бир нимадан шу тобда қўрқди, шекилли...* (О й б е к). *Одам боласи бир нимага жазм қилгандан кейин...* (С а и д А ҳ ма д). Одатда, *бир нима* сўзи иштирок этган гап кўпинча сўроқни эмас, дарак мазмунини билдиради.

2) *Нима* олмоши ҳеч қандай аффикс олмай, от олдида келганда предметнинг белгиси қандайлигини аниқлаш учун қўлланади: *Сенинг нима ишинг бор?* (О й б е к). *Сизнинг нима дардингиз бор?* (А. Қ а ҳ ҳ о р) *..бу ишни қилишдан нима фойда?* (А. Қ а ҳ ҳ о р) *Бу нима масхарабозлик?* (А. М у х т о р) Бундай гапларда сўроқ мазмуни (қисман риторик сўроқ гап мазмуни) ифодаланган бўлади.

3) Отларга ўхшаш эгалик, келишик ва кўплик қўшимчаларини олиб, сўроқ маъносини билдириши ёки ноаниқ нарсалар-предмет маъносини ифодалаш мумкин. Шунга кўра, бу хилдаги сўзлар иштирок этган гаплар ифода мақсадига кўра сўроқ ёки дарак гап бўлиши мумкин: *Сиз нима ни ёқтирасиз? Яна нима мбор?* (А. Қаҳҳор) *Нимасини талашини адади?* (Саид Аҳмад) — сўроқ гаплари. *Нимадан гап очишини билмай турди* (А. Қаҳҳор) — дарак гап.

4) *Нима* олмоши такрорланиб, ҳар иккиси бир хил формада ёки олдингиси бирликда, кейингиси кўплик аффиксини олган ҳолда келади: *нима-нима олдинг, нима-нималар олдинг?*

5) *Нима* олмоши, гарчи предмет ҳақидаги сўроқни ифодаласа ҳам, кесимни ифодаловчи шахс қўшимчаларини олмайди. Баъзан шахсга нисбатан сўроқни ифодалаб, *ким* ўрнида қўлланганида кесимни ифодаловчи аффиксларни олиши мумкин: *Сен ўзинг одам-мисан? нима сан?*

6) Ўхшатиш оттенкасини берувчи *-дай* аффиксини олади: *Катталиги нимадай келади?*

7) Айрим вақтда фақат предметга нисбатан эмас, бутун бир гапга нисбатан сўроқни ифодалаб, сўроқ сўз — гапи бўлиб келади. Айтилган гапни тўла англамаслик натижасида яна такрорланиши учун *нима?* (*нима дединг* маъносида) деб сўралади: — *Мен эртага кетаман.*

— *Нима?*

— *Мен эртага кетаман, деляман.*

8) *Нима* олмоши сўроқдан ташқари нарсалар, предметлар маъносини ифодаловчи учун айрим вақтларда тушум келишик қўшимчасини олмай белгисиз ишлатилиши мумкин: *Нима истайсан? Нима олдинг?*

9) Баъзан гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмай модал сўз характерига эга бўлади: *Нима, ҳамма шундан менадан сўраб қилармидингиз? Сўрамаган эдингиз-ку* (А. Қаҳҳор). *Унга нима, оламни сел олиб кетса, тўпигига чиқмайди деб шундан айтади-да* (А. Қаҳҳор).

10) *Нима* сўзи III шахс бирликда эгалик аффиксини олиб, гапда отларга ўхшаш вазифани бажаради: *Нимасидан хижолат бўласиз? Бунинг нимаси ёмон?* Баъзи вақтда эса таажжуб маъносини ифодаловчи сўроқ гапларнинг кесими бўлиб келади: *Қизимга уйланишини ман қилишинг нима си?* (Р. Тагор). *Ия, бу нима си?* (Ойбек). Бу хил ишлатишда *-си* аффикси ҳеч қандай хосликни ифодаламайди. Баъзан бу бирикма таажжуб маъносини ифодалаб, кириш ибора вазифасида келади: *Бу нима си, колхозга чиқсанг бўлмайдими?* (А. Қаҳҳор). *Бу нима си кап-катта одам, бировнинг гулини узгани уялмадими?* (С. Аҳмад). *Баъзан бу сўздан кейин эди тўлиқсиз феъли келиши мумкин: Бу нима си йди?*

11) Жўналиш келишиги формасидаги сўздан кейин келиб, эътиборсизлик, бирор нарсага бепарқ қараш каби маънони билдиради:

Унга нима, оламни сув олиб кетса тўпига чиқмайди деб шуни айтади-да («М у ш т у м»). *Сенга нима, сендан артист чиқармиди?*

12) *-и-ки* аффикси қўшилиб жамлик маъносини — ҳамма нарса деган маънони билдиради: *Дунёда нимаикки бўлса, ҳаммаси яхшиликка олиб боради* (Р. Тагор).

13) *не* (нима) ўзагига учун кўмакчиси қўшилиб келиб, ноаниқ сабабни ифодаловчи сўз ҳосил қилинади: *не учунки, у туғилганда, Собирга деб ном синдирилган* (Х. Олимжон).

14) «қотиб қолган» жўналиш келишиги аффиксини олиб, сабабни аниқлаш учун бериладиган сўроқ сўзи бўлиб келади: *Нимага жаҳлингиз келди?* (А. Қаҳҳор).

15) *Нима* сўзи баъзан *не* шаклида (ёлғиз, ё такрорланган ҳолда) келиб: а) предметга нисбатан қўлланадиган *нима* сўроқ олмоши ўрнида ишлатилади: *...туз айниса не солади?* б) предмет белгисини ифодаловчи қандай олмошига яқин вазифада ёки гапнинг мазмунига қараб *ёмон, кўп* деган маъноларда ишлатилади: *У қўрқувдан не аҳволда эканини ўзи билар эди* (А. Қаҳҳор). — *ёмон аҳволда эканини... Зуннунхўжа не машаққат билан илжайди* (А. Қаҳҳор). — *кўп машаққат билан...* в) шунингдек, ҳаракат белгисини ифодалайди: *Кекса қалбда нималар борлигини ўзгалар не билсин!* (С. Аҳмад). — *...қандай билсин! Саида бечоранинг ҳоли не кечди экан?* (А. Қаҳҳор) — *...ҳоли қандай бўлди экан? Сиз билан биз не қиламиз?* (Саид Аҳмад) — *қандай қиламиз?*

Такрорланиб, *не-не* шаклида ишлатилганда маънонинг ортиқчилигини, эмоционалликнинг кучлилигини билдиради: *У қизини Тошкентга не-не умидлар билан юбормади* (Саид Аҳмад).

Бу олмош гапда эга, кесим, тўлдирувчи, баъзан қаратқичли аниқловчи бўлиб келади: *Сени нима қизиқтиради? Отинг нима? Нимани истайсан? Ниманинг фойдаси кўп?*

Нега (*не* (нима) + *га*) олмоши воқеа-ҳаракатнинг содир бўлишидаги сабаб, мақсадни аниқлаш учун бериладиган сўроқни билдиради. Бу олмош қуйидаги хусусиятларга эга:

1) Деярли ҳамма вақт равиш характерига эга бўлиб, бўлишли формадаги феъллар олдида келади ва сабаб, мақсадни аниқлаш учун бериладиган сўроқни ифодалайди: *Нега келдинг? Нимага кечикдинг?*

2) Бўлишсиз феъли олдида келиб, деярли ҳамма вақт сабабни билдиради: *Нега кузатмади? Неганга мен шундай қилолмайман?* (Саид Аҳмад).

3) *Нимагаки, негаки, нега десангиз, наки* формаларида сабаб боғловчиси вазифасини бошқаради: *Ойқиз бунинг сабабларини суриштирмади, негакки ҳозир бошқа бригадаларнинг бошлиқлари ҳам келишлари керак эди* (Ш. Рашидов). *Нега бунга Читтак деб лақаб қўйдиларинг?* — *Нимагаки, шохдан-шоҳга сакраб юради* (А. Қаҳҳор);

4) *Нега* сўзи *-дир* аффиксининг қўшилиши билан модаллик характерига эга бўлиб, воқеа-ҳодисанинг содир бўлиши сабаби сўзловчи учун номаълум эканлигини билдиради: *Ёмғир аралаш қор*

ёғиб турган бўлса ҳам, у негадир шошилмас, хаёл билан банд эди (С. Зуннунова).

Равиш характерида бўлгани учун ҳам сўз ўзгартувчи аффиксларни олмайди. Такрорланиб келганда сўроқдан бошқа маънони ифодаламайди.

Бу олмош гапда сабаб ёки мақсад ҳоли бўлиб келиши мумкин: *Нега кечикдингиз? Нимага келдингиз? Нега сўзи ёлғиз сўроқ мазмунини ифодаловчи сўз-гап бўлиб келади:— Яхшисини топсак, уни ҳайдамоқчимиз. — Негача? (И. Раҳим).*

Неча (не+ча) олмоши не ўзаги билан боғлиқ бўлиб, предметнинг миқдорига нисбатан сўроқни ифодалайди. *Неча* олмошининг қўлланишида қуйидаги хусусиятлар мавжуд:

1) Ўзидан кейинги от (аниқланмиш) деярли ҳамма вақт бирлик формада қўлланади. *Неча китоб? Неча уй?*

2) Бу олмош сонларга ўхшаш тартибни кўрсатиш учун *-ни*, доналикни ифодалаш учун *-та*, тақсимлаш маъносини билдириш учун *-тадан* аффиксларини олади: *нечани? нечта? нечадан?*

3) Сонларга ўхшаб равиш вазифасида қўлланганда *марта*, *ҳисса* сўзлари билан бирга қўлланади: *...аламон неча ҳисса кўпайиб... (А. Қаҳҳор). Пахта терганимда неча марта ўтириб турдим экан (А. Қаҳҳор).*

4) Баъзан миқдорнинг ортиқлигини ифодалаш учун кучли интонация билан айтилади. Бу кўпинча риторик сўроқ гапларда учрайди: *Неча воқеалар бўлиб ўтмади?* Баъзан шу маънони ифодалаш учун *неча* олмоши такрорланиб, предметнинг миқдори ортиқлигини ёки ҳаракатнинг бажарилиш миқдори ортиқлигини билдиради: *Бу орада шаҳарнинг чекка маҳаллаларини неча-неча босмачи босди, неча-неча отишмалар бўлди (А. Қаҳҳор). ...неча-неча қоматини ростлаб, неча-неча энгашди (А. Қаҳҳор).*

5) *Неча* олмоши отлашиб, келишикнинг ҳамма формаларида кела олади: *нечани, нечага, нечанинг, нечадан, нечага.*

6) Кўплик аффикси *-лар* ни қабул қилганда ноаниқ, тахминий пайтни кўрсатади: *Ешингиз нечаларда? Соат нечалар бўлди?*

7) *Бир* сўзи билан бирга келиб *кўп* деган маънони билдиради: *Бир неча киши, бир неча китоб.*

8) *Неча* сўзи предмет миқдорига нисбатан сўроқни ифодалаганда, сонларга ўхшаш нумеративлар билан бирга қўлланади: *Неча саржин ўтин қилишни кейин айтаман (А. Қаҳҳор). Неча гектар ерга нималар экар экан (А. Қаҳҳор.) ...Неча километр йўл босдим экан (А. Қаҳҳор).*

9) Гапда аниқловчи ва кесим бўлиб келади: *Неча киши келди? Уқувчиларнинг сони неча (нечта)?* Баъзан кесим бўлиб келганда ўрин-пайт келишиги кўрсаткичи (*-да*) қўшилиб келади: *Ешингиз нечада? Кўплик ва ўрин келишиклари қўшимчасини олиб, пайт ҳоли вазифасида келади: Соат нечаларда йиғиласиз? Отлашиб эга ва тўлдирувчи вазифасида ҳам кела олади.*

Баъзи вақтда сўроқ гапдаги сабабнинг сўзловчи учун ноаниқ эканлигини ифодалашда *нечук* (*нучук*) сўзи ҳам ишлатилади. *Негадир* сўзи кўпроқ дарак гапларда ишлатилса, *нечук* сўзи кўпинча таажжубли сўроқ гаплар тартибида иштирок этади: *Мендан бe-сўроқ кампир бунга нечук рози бўлди экан?* (А. Қаҳҳор) ...қори шундоқ қилишга нучук журъат қилди? (А. Қаҳҳор).

Қандай олмоши предмет ёки ҳаракатнинг белгисига нисбатан сўроқни билдиради. Бу сўз қанақа, қандоқ шаклида ҳам келиб юқоридаги маънони ифодалаш мумкин: *Кўнгилни ёритадиган қандай ниятларинг бор* (Саид Аҳмад). *Мени шундоқ дейишга қандоқ тилингиз борди?* (А. Қаҳҳор) *У қанақа омонат эканини билди* (А. Қаҳҳор).

Қандай сўзи қуйидаги хусусиятларга эга:

1) Сифат олдида келиб, белгининг белгисини, ортиқлигини билдиради. Одатда бундай қўлланиш ундов гапларда учрайди: *Қандай чиройли кўриниш!*

2) От олдида келиб, предметнинг белгисига нисбатан сўроқни ёки ундов гаплар таркибида келиб, белгининг ортиқлигини, дарак гаплар таркибида эса, предмет белгисига нисбатан сўроқни билдиради: *Бу чиройли гулдаста қанақа гуллардан боғланганини билмаймиз* (А. Қаҳҳор). *Орамизда қандай одамлар бор эдики...* *Қандай фикрларингиз бор?*

3) Феъл кесим олдида келиб ҳаракатнинг юзага келишидаги ҳолатга нисбатан сўроқ ёки белгининг ортиқлигини билдиради: *қандоқ тотув яшадик!* (Саид Аҳмад) *Қандай ўқияпти? Мени шундоқ дейишга қандоқ тилингиз борди?!* (А. Қаҳҳор).

4) *Қандай* сўроқ олмоши баъзан предмет миқдорини аниқлаш учун ҳам ишлатилади: *Дўппиларнинг нархи қандай* (Ойбек).

5) Эргаш гапларда нисбий сўзларнинг олдинги компонентини ташкил қилади: *Сиз қандай кўрсатган бўлсангиз, мен шундай ишладим.*

6) Гапда аниқловчи, ҳол ва кесим бўлиб келади: отлашганда бошқа бўлақлар вазифасида ҳам кела олади: *Қурилишга қандай одамларни юборайлик?* (Ш. Рашидов.) *Қандай ўргатишди? Соғлиғи қандай? Атласнинг қанақаси сизга маъқул?*

Қайси олмоши предметнинг тартибга ёки ўринга кўра белгисини аниқлаш учун қўлланади: *қайси киши? қайси уй?* Ҳозирги замон ўзбек тилида бу сўз составидаги эгалик аффикси «қотиб қолган» бўлиб, III шахс формаларида яна *-си, -лари* аффикслари қўшилиб ишлатилади: *қайсиси? қайсилари?* Баъзан бу сўз отлашиб *қайсиниси* шаклида ҳам ишлатилади.

Қайси олмоши сифат характерига эга бўлгани учун отлашгандагина эгалик ва келишик аффиксларини олади. Лекин бу сўз шахс ёки предметлар қаторидан бирини белгилаш, айириб кўрсатиш учун бериладиган сўроқ бўлгани учун ҳам ҳеч вақт биринчи шахс бирлик

формасида келмайди: қайсинг? қайсиси? қайсимиз? қайсингиз? қайсилари?

Гапда аниқловчи, кесим отлашганда эга, тўлдирувчи бўлиб келади: *Қайси китобни ўқидингиз? Янги битган иморат қайси? Буларнинг авзойидан қайси си колхозда қолмоқчи, қайси си чиқмоқчи эканини билиш қийин эди (А. Қаҳҳор). Бюро аъзолигида қайсингизни кўрсатишди?*

Эргашган қўшма гапларда қайси олмоши нисбий сўзларнинг биринчи компоненти бўлиб келади: *Қайси киши тиришиб ҳалол ишласа, у ҳурматга сазовор бўлади.*

Қанча олмоши сон-равиш характерига эга бўлиб, предмет ёки ҳаракатнинг миқдорига кўра белгисини аниқлаш учун бериладиган сўроқни ифодалайди.

Кўп предметнинг миқдорини аниқлаш учун қўлланганда, ўзидан кейинги от кўпинча бирликда келади: *Қанча китоб олдинг? — Унта китоб олдим.*

Тахминий миқдорни аниқлаш учун қўлланганда, баъзан -ча аффикси қўшилиб келади: *Қанча чача ерни ҳайдадингиз?*

Нисбий сўзларнинг биринчи компоненти бўлиб келиб, даража-миқдорни ифодалаш учун қўлланади: *Ерда қанча нам кўп бўлса, уруғ шунча тез униб чиқади.*

Ундов гаплар таркибида якка ҳолда ёки такрорланиб келиб миқдорнинг ортиқлигини билдиради: *колхозимиз жуда бадавлат: қанча сигир, қанча йилқи бор. Қўриқлар очилиб, Олтинсой чўллари пахтазор бўлгач, Умурзоқ ота қанча дан-қанча севинди! (Ш. Рашидов)*

Бу олмош жуфтлашиб келганда, биринчи олмош чиқиш келишиги қўшимчасини олиши мумкин: *Ер қимирлаганда, қанча дан-қанча бинолар шикаст еди. Қанча дан-қанча болалар сафни бузиб... (А. Қаҳҳор).*

Гапда аниқловчи, ҳол, кесим отлашганда эга ва тўлдирувчи бўлиб келади: *Қанча ўқувчи келмади? Қанча ишладик? Болаларнинг сони қанча? қанча си комсомол? Қанча сизга топшириқ берилган?*

Қачон олмоши ҳаракат-воқеанинг бажарилиш вақтини аниқлаш учун бериладиган сўроқни билдиради. Бу сўз асосан феълга боғланиб, пайт ҳоли вазифасида келади: *Абдуҳалилни кўргани қачон бормоқчимиз? Йиғилишимиз қачон ўтказилади?*

Бу олмош бошқа олмошларга ўхшаш отлашиш хусусиятига эга эмас.

Қачондан-қачонгача типига қатор келиб икки гап бўлагига — икки пайт ҳолига бериладиган сўроқни ифодалайди.

Баъзан жўналиш келишиги қўшимчасини олиб қўлланади. Бундай вақтда муддатнинг қайси вақтга белгиланишини билдиради: *Меҳмонлар қачонгача келишади?*

-лар аффиксини олиб: а) тахминий вақтга нисбатан сўроқни билдиради: *Қачонлар келасиз?* б) бирор ҳаракатнинг юзага

келганига кўп вақт ўтганлигини билдиради: *Қачонлар келган эдим.*

Қачон сўзи гапда пайт ҳоли ёки кесим бўлиб келиши мумкин: Энди сиз қачон ҳисоб берасиз? (А. Қ а ҳ ҳ о р) Москвага кетишингиз қачон?

Қани олмоши кўпинча шахс ёки предмет, воқеа-ҳодисаларнинг мавжудлик ўрнини аниқлаш учун бериладиган сўроқни билдиради. Бу сўз предмет-шахснинг жойлашиш ўрнини аниқлаш учун бериладиган сўроқ бўлгани учун ҳам, гапда кўпинча кесим бўлиб келади: Дорингиз қани? (А. Қ а ҳ ҳ о р)

Қани олмоши турли хилдаги модал оттенкаларни ифодаловчи кириш сўз бўлиб келади: Қани, Синчалакхон қизим, мана буни кийиб олинг-чи! (А. Қ а ҳ ҳ о р). Қани, Болтабой, сиз нима дейсиз? (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Шарт эргаш гаплар составида қўлланиб, бирор воқеа-ҳодисанинг юзага келишига истакни кучайтиради. Бундай вақтда қани сўзидан сўнг эди, энди сўзлари қўшилиб ишлатилади: Қани энди, мана бу даштларга ҳам сув чиқа қолса (Ш. Рашидов).

Қалай олмоши воқеа-ҳодисанинг ва ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини аниқлаш учун бериладиган сўроқни билдиради. Бу сўз қуйидаги хусусиятларга эга: Ҳолатни белгилаш учун қўллангани учун ҳам кўпинча гапда кесим бўлиб келади: Тожихонлар оиласи қалай? (А. Қ а ҳ ҳ о р). Тинчликми, Одилжоннинг аҳволи қалай (С а и д А ҳ м а д). Уқшиларинг қалай? Бу сўз ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатига нисбатан сўроқ сифатида қўлланганда, гапда ҳол вазифасини бажариши мумкин: Синглимиз қалай ўқияпти? Ўз хусусиятига кўра кўпинча қандай олмошига синоним бўлиб кела олса ҳам, у отлар олдида келиб, предмет белгисини аниқловчи сўроқни билдириш учун қўлланмайди.

Баъзан кириш сўз вазифасида келади: Қалай, фикримиз сизга маъқулми?

Ўзлик олмоши

Олмошнинг бу тури бир сўз — ўз сўзидан иборат.

Ўз олмоши ҳар уччала шахс, бирлик ва кўпликдаги кишилик олмошлари ўрнида ишлатилиб, кўпинча шахсни, баъзан предметни кўрсатади. Бу хил функцияда келган олмошлар турли келишик қўшимчалари ва баъзи кўмакчилар билан бирга келади.

Ўз олмоши бош келишик формасида эгалик билан турланиб турли шахсни ифодалаш мумкин. Айрим вақтда ўз олмошининг маълум шахсга тааллуқлигини таъкидлаб кўрсатиш учун ундан олдин бош келишик, баъзан қаратқич келишик қўшимчасини олган кишилик олмошлари қўлланади: *мен(инг) ўзим бажардим, сен(инг) ўзинг бажардинг, у(нинг) ўзи бажарди; биз(нинг) ўзимиз бажардик, сиз(нинг) ўзингиз бажардингиз, улар(нинг) ўзлари бажардилар.*

Баъзи ҳолларда ўз олмоши ўрнида кишилик олмоши ишлатилса ё услубда анча ўзгартириш содир бўлади, ёки уларни алмаштириб бўлмайди: *Модомики, шундоқ экан, ўзингиз берган маслаҳатга ўзингиз овоз беришингиз шартми?! (А. Қаҳҳор)* *Нима қилсам ҳам ўзим биламан (Саид Аҳмад).* *Идорангизга бормоқчи бўлиб турсам, ўзингиз келиб қолдингиз (Саид Аҳмад).* *Ўзингиз гапиринг, ўрғанинг (А. Қаҳҳор).*

Бошқа келишиқ формасидаги ўз олмоши ҳам баъзан шу келишиқлар формасида келган кишилик олмошлари ўрнида қўлланганда, уларнинг синоними бўлиб келади: *...Ҳаммаси ўзингизга маълум (Ойбек).* — *...сизга маълум. Ўзларингизга қийин бўлади (Саид Аҳмад).* — *Сизларга қийин бўлади. Шу чоқ кўзларимга ўзимнинг домлам кўрингандай бўлиб кетди (Ойбек).* — *менинг домлам кўрингандай бўлиб кетди. Айб ўзингизда! — Айб сизда! Ўзимизда шунақа хушманзара жойлар бор экан-ку, ... (Саид Аҳмад).* — *Бизда... бор экан-ку, ...Келин ўзимиздан чиқди (А. Қаҳҳор) — Келин биздан чиқди. Биз раисликка ўзингизни таклиф қиламиз (А. Қаҳҳор) — ...сизни таклиф қиламиз.*

Ўз олмоши отлар олдидан келиб айириб, таъкидлаб кўрсатиш учун қўлланади ва шу предметни аниқлаб, субъектга хос эканлигини кўрсатади. Бу хилда ишлатилган ўз олмоши юқоридагича қўлланган олмошлардан эгалик ва келишиқ қўшимчаларисиз қўлланиши билан фарқланади: *Бу кунларда ҳар ким ўз дард-алами, ўз ғам-ҳасрати билан банд эди (А. Қаҳҳор).* *Мактаблардаги коммунистларни ўз ҳисобимизга кўчирдик (А. Қаҳҳор).* *Мен ўз тилагимни унга билдирсам (Ойбек).* *Қиз ўз қилмишига иқрор бўлди (А. Қаҳҳор).*

Ўз олмоши қаратқич келишиги формасидаги кишилик олмошидан кейин келиб кишилик олмошини қатъий айириб, таъкидлаб кўрсатади, унинг изоҳловчиси бўлиб келади: *Сенинг ўзинг ҳамма нарсага дарров тушуна қолганмисан? (А. Қаҳҳор).*

Ўз олмоши турли хилдаги модал оттенкаларни ифодалаш учун ҳам қўлланади: *Нима қилмоқчи ўзи? (Саид Аҳмад) — Қизиқмисан ўзинг? (А. Қаҳҳор)* *Хўш, нима гап, ўзи? (А. Қаҳҳор) — Миянг борми ўзи? (А. Қаҳҳор).*

Шу функцияда баъзан кўрсатиш олмошлари билан бирга ҳам қўлланади: *—А, нимани сўрайберади бу ўзи? (Ойбек).*

Бундай ҳолларда факультатив характерда қўллангани учун ўз олмоши сон бўйича мослашмайди ҳам: *Булар қанақа одамохун кишилар ўзи (Саид Аҳмад)*

Ўз олмоши пайт ёки ўринга нисбатан аниқликни таъкидлаш учун ҳам қўлланади: *Ҳовуз яқин, гузарнинг ўзида (Ойбек).* *Соат 12 нинг ўзида парк олдидан тўпландик. Ҳозирнинг ўзида планни бир юз ўн олти процент бажарди (А. Қаҳҳор).*

Бу сўз эгалик қўшимчасини олиб, русча «просто», ёки, «просто так» деган маънони билдиради: *— Нимага турибсиз? — Ўзим, шундай ... (А. Қаҳҳор).* *Нима учун жим бўлиб қолдинг? —*

Ўзим... (О й б е к). Предмет, шахс ёки ҳаракат-ҳодиса қиёсланганда айнанликни, бир хил деган маънони билдиради: — Худди ўзи, Кенжагинамнинг ўзи. Бир туки ўзгамас (С а и д А ҳ м а д). Кулиши, юриши, қилиқлари худди она сининг ўзи-я!

Бундай ҳолларда ўз олмошидан сўнг -гина элементи қўлланиши ҳам мумкин: *Сатанг чумчуқ қарқуноқнинг худди ўз гина си эди (С а и д А ҳ м а д).*

Ўз олмоши ҳам (ям) ёрдамчисини олиб, маълум даражада модаллик оттенкасига эга бўлади; баъзан маънони кучайтириш учун ишлатилади: *Ўзи ям миқти келган, тикмачоқ киши эди (С а и д А ҳ м а д). Асл шафтоли! Арзон ўзиям (О й б е к).*

Ўз олмоши II шахс бирлик, III шахс кўплик формасида келганда баъзан ундаги шахс кўчади;

Ўзинг нима ғамдасан-ку, буниг кулишини қара.—Мен нима ғамдаман-ку... Мавсумни ўтказмасдан кув қилсалар, ўзлари га ҳам яхши, бизга ҳам яхши бўларди (А. Қ а ҳ ҳ о р). — ...Сизга яхши... ўзларидан ибрат олсак... камина учун ҳам дуруст эди (А. Қ а ҳ ҳ о р). — Сиздан ибрат олсак... Йўллари бўлсин, меҳмон, ўзларини бу бий далага қайси шамол бошлаб келди? (С а и д А ҳ м а д). — Сизни... қайси шамол бошлаб келди?

Ўз олмоши такрорланиб, жуфт ҳолда ҳам қўлланиши мумкин. Бундай вақтда унинг бир компоненти бирор келишк қўшимчасини олиб келади. Компонентларнинг бу хилдаги аффикслар билан қўлланиши шу сўзнинг маъносига ва грамматик ҳолатига таъсир ҳам кўрсатади:

Агар биринчи компонент ҳеч қандай аффиксиз, кейингиси аффиксли қўлланса, биргина ўз сўзининг маъноси кучайтириб, таъкидлаб кўрсатилади. Бу жуфтлик бир гап бўлаги вазифасини бажаради: *Ўз-ўзимизга ҳукумат уй берди (А. Қ а ҳ ҳ о р). Бу гаплар ўз-ўзидан босилиб кетади (А. Қ а ҳ ҳ о р).*

Биринчи компоненти белгисиз қўлланган бундай жуфтлик -ча, -ники каби аффикслар билан ҳам келади: *...ўз-ўзича гапириб кетди (О й б е к). Бу нарса ўз-ўзимники.*

Олдинги компонентлар эгалик ва келиши қўшимчаларини олган ҳолда, кейингиси эса белгисиз қўлланади. Бундай ҳолатда бу комплекс икки гап бўлаги вазифасини бажаради: *Ўзини-ўзи суд қилди (С а и д А ҳ м а д). Ўзингизга-ўзингиз отвод берасиз (А. Қ а ҳ ҳ о р). Ўзимга-ўзим тухмат қилиб, ўзимни-ўзим ҳақорат қилишим ҳам сиз учун эди (С а и д А ҳ м а д). ...Ўзидан-ўзи савол бериб сўрарди (А. Қ а ҳ ҳ о р).*

Баъзан ўз олмоши турли гап бўлаги вазифасида турли келишк формасида қатор келиши ҳам мумкин: *Бу қутлуғ уйда мени ўзимга-ўзимни танитган... одамлар яшайди (С а и д А ҳ м а д).*

Ўз олмоши гапда ҳамма гап бўлаги вазифасида кела олади: *Бу ишни ўзим бажардим. Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил (Мақол). Ўз уйим-ўлан тўшагим (Мақол). Мени тўғри йўлга бошлаган тарбиячим ўзингсан.*

Жамлаш-белгилаш олмошлари предмет ва шахсларнинг йиғиндисини, тўдасини билдиради ёки уларни айириб, таъкидлаб кўрсатади. Шунга кўра, уларни икки кичик группага — жамлаш ва белгилаш олмошларига ажратиш мумкин. Биринчи группага кирувчи олмошлар жамликнигина ифодаласа, иккинчи группага кирувчи олмошлар эса қисман жамликни ифодалаш билан бирга таъкидлаб, белгилаб, аниқлаб ҳам кўрсатади.

І Жамлаш олмошларига *ҳамма, бари, жами, барча, бутун, ялли* сўзлари киради.

Ҳамма олмоши предмет ва шахслар ўрнида қўлланиб от вазифасида, предмет белгисини кўрсатиб сифат вазифасида келади. Бу сўз предмет ёки шахслар тўдасини ёки уларнинг белгисини ифодалайди.

От вазифасида қўлланганда эгалик ва келишиқ қўшимчаларини олади: *Ҳ а м м а л а р и қотиб-қотиб кулишади* (О й б е к). *Ҳ а м м а н и н г ҳам шундай лақаби бўлади, парво қилма, ҳаммаси ҳазил* (О й б е к). *Ҳ а м м а н и н г эти жимиллашиб кетди.* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Ҳамма олмоши предметлар белгисини — жамини кўрсатиб, сифат вазифасида ишлатилади: *Экилган ҳ а м м а дарахтлар кўкараяпти.* *Ҳ а м м а меҳмонлар бизникида.*

Бундай конструкцияларда аниқловчи вазифасида келган *ҳамма* олмоши отлашиб аниқланмиш вазифасида, аниқловчи эса ўрин алмашиб қаратқичли аниқловчи вазифасида келади. Бу хилдаги алмашиш билан маъно ўзгармайди: *Ҳ а м м а қизлар шу ерда — Қизларнинг ҳ а м м а с и шу ерда.*

Ҳамма олмоши ёқ, вақт сўзлари билан бирга қўлланиб ўрин ва пайтга муносабатни кўрсатувчи равиш ясаydi: *Ҳ а м м а вақт юртдан ўзингизни четга тортасиз-да, уста!* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Ҳ а м м а ёқ да кулги, хурсандчилик.*

Ҳамма олмоши гапнинг уюшиқ бўлақларидан кейин ёки олдин қўлланиб, умумлаштирувчи сўз вазифасида келади: *Онам, опам, акам бобом, бувим ва мен — ҳ а м м а м и з айвонда дастурхон атрофида давра қурганмиз* (О й б е к). *Қурт-қумурсқа, капалак, қўнғиз — ҳ а м м а с и н и ҳимоя қиларди* (О й б е к). *... завод, фабрика, ер-сув — ҳ а м м а с и бизники, дейишяпти* (О й б е к).

Баъзан жамлаш маъносини кучайтириш учун умумлаштирувчи сўз вазифасида келган *ҳамма* олмошидан олдин *жамийки* сўзи ишлатилади: *Петроград ишчилари завод фабрикалар, ер-сув — ж а м и й к и ҳ а м м а с и бойлардан тортиб олинсин деяпти* (О й б е к).

Ҳамма олмоши инкор гаплар таркибида келганда тўла жамликни ва қисман жамликни ифодалайди. Масалан, *ҳ а м м а келмади* гапини икки маънода тушуниш мумкин: а) «*ҳеч ким келмади*» маъносида, б) «*тўлиқ ҳамма эмас, баъзилар келмади*» деган маънода.

Ҳамма олмоши эгалик аффиксларини олишда маълум хусусиятга эга. Бу олмошнинг ўзагида кўплик маъноси ётганлиги учун эга-

ликнинг бирлик формаларини олганда ҳам кўпликни ифодалайди: *Эртага ҳамманг бир тангадан пул олиб келасанлар* (Ойбек).

Бари олмоши кўпинча от характерида қўлланиб предмет ва шахсларнинг йиғиндисини ифодалайди. Бу олмош аслида *бор* (*мавжуд*) маъноси билан боғланган бўлиб, кейинги -и товуши эгалик аффиксидир. Бу олмош кўпинча от характерида қўлланади ва гапда отга хос вазифаларда келади. Бошқа жамлаш олмошларидан шу хусусияти билан ҳам ажралиб туради.

Бари сўзининг таркибида III шахс бирликни ифодаловчи эгалик аффикси бўлганлигидан кўпинча қаратқич келишиги формасидаги сўз билан бирга ишлатилади: *Буларнинг бари ни тарих шамоллари учуриб кетди* (Саид Аҳмад).

Эгалик аффикси баъзан икки даражали бўлиб ҳам қўшилади: *Одамларнинг бариси аввал бўз киярди* (Ойбек). «*Бариси бўрдақи*» дейди қўй эгалари (Ойбек).

Бари олмоши уюшган бўлақлар ёки бирикмалардан кейин келиб, уларнинг умумлаштирувчиси вазифасини ҳам бажаради: *Унە қўлим, сўл қўлим — бари ўз қўлим* (А. Қаҳҳор). *Ҳа деб бузулверганидан кейин у ёғини кавлайди, бу ёғини кавлайди, хуллас, ичиди нимаси бўлса, бари ни билиб олади* (Саид Аҳмад). *Бошимдан зар сочсалар, оёқларим остига поёндоз ёзсалар, нурдан қўйлак тикиб кийдирсалар, баридан кечардим-у, шу бир оғиз сўз билан қолардим* (Саид Аҳмад).

Бари олмоши гапда эга, қаратқичли аниқловчи ва тўлдирувчи вазифасида келади: *Қизларнинг бариси шу ерда. Барисининг эғнида атлас қўйлак. Уларнинг барисини танидим. Баримиз кулгидан қотиб қоламиз* (Ойбек).

Жами олмоши ҳам юқоридаги олмошга ўхшаш кўпинча от характерида қўлланади. Унинг таркибидаги -и асли III шахс бирликдаги эгалик аффикси. Бу сўз ҳам кўпинча қаратқич келишигидаги сўз билан бирга қўлланади. Эгалик аффикси икки даражали бўлиб ҳам қўллана олади: *Болаларнинг жами далада — Болаларнинг жамиси далада*.

Бу олмош баъзан сифатловчи аниқловчи вазифасида кела олиши билан *бари* сўзидан қисман фарқ қилади: *Жами болалар шу ерда*. Бу сўз баъзан -ки юклагини олиб ҳамма олмошидан олдин қўлланиб тўдалаш маъносини таъкидлаб, қатъий чегаралаб кўрсатади: *Завод-фабрикалар, ер-сув жамийки ҳаммаси бойлардан тортиб олинди* (Ойбек).

Барча (*бор+и-ча*) олмоши кўпроқ сифат характерида қўлланиб предметнинг миқдорига кўра белгисини ифодалайди: *Барча одамлар майдонга чиқди. У барча қилмишларига иқрор бўлди*.

Барча олмоши сифатловчи аниқловчи вазифасида келиб миқдор белгисининг ортиқлигини кўрсатганидан унинг аниқланмиши деярли ҳамма вақт кўплик аффикси -лар ни қабул қилади: *Барча мушкулотлар осон бўлади* (Ойбек).

Бу сўз отлашиб, отларга хос эгалик, келишик аффиксларини олади ва гапда отларга хос вазифада келади. Масалан: *Қаланда-*

ров барчага бирдай бўлган эмас (А. Қаҳҳор). Барчамиз бирга ишлаб, мақсадимизга етайлик (Ойбек).

Барча сўзи ҳам юқоридаги жамлаш олмошлари каби уюшган бўлақлардан кейин умумлаштирувчи сўз вазифасида келади: Катта боёнлар, чор ҳукумат вакиллари барчаси ишга тушди (Ойбек).

Бутун (бут+ун) олмоши сифат ва равиш характерида қўлланиб, миқдорга кўра предмет ёки ҳаракатнинг белгисини ифодалайди: Хали бутун қишлоқ вазмин уйқуда (Уйғун). Бутун гап шу, устод,— деди Иброҳимов тавозе билан (А. Қаҳҳор). Орадан уч-тўрт кун ўтар-ўтмас Бўтабой аканинг бутун умиди пучга чиқадиган кўриниб қолди (А. Қаҳҳор). Акромжон бутун диққати хотинида бўлгани учун мени пайқамади (А. Қаҳҳор).

Бутун олмоши, гарчанд барча, ҳамма олмошлари каби жамликни ифодаловчи сўз ҳисобланса ҳам, айрим ўринда у олмошларнинг ўрнини боса олмайди. Барча, ҳамма олмошлари гапда от характерида от бажарган вазифани (эга, тўлдирувчи вазифасини) бажаради. Бутун сўзи эса жамликни ифодалаб шу вазифада қўлланмайди. Масалан, ҳамма йиғилди, барчани баробар кўради каби гаплардаги барча, ҳамма олмошлари ўрнида бутун олмоши ишлатилмайди.

Ялли сўзи ҳам бутун олмоши каби сифат характерида қўлланиб, предмет ёки шахсларни жамлаб кўрсатади. Ялли колхозчилар шу майдонга тўпланишди. Бу сўз эгалик аффиксини олиб от характерида ҳам ишлатилади: Ишга яроқли одамларнинг яллиси пахта теримида. Ялли олмоши жамликни ифодаловчи бошқа олмошларга нисбатан анча кам қўлланади.

II Белгилаш олмошларига ҳар сўзи ва шу сўзнинг айрим сўроқ олмошлари, шунингдек, бир, нарса каби сўзлар билан қўшилишидан ҳосил бўлган сўзлар киради. Булар бир қанча шахс ёки предметдан исталганини айириб, таъкидлаб кўрсатиш учун қўлланади.

Ҳар сўзининг ўзи якка ҳолда қўлланиб, предметни санаб, таъкидлаб кўрсатиш орқали унинг белгисини ифодалайди: Ҳар дартнинг ширасини сўрайдиган қурти бўлганидек, Найманчанинг ҳам тепасида ўз текинхўрлари бўлган (А. Мухтор).

Ҳар сўзи отлар олдида келиб унинг маъносини айириб, таъкидлаб, кучайтириб кўрсатганда, отлар кучайтирув юкламаси -ки ни олиб қўлланиши мумкин: Ҳар тошларки, одамнинг ваҳми келади (Саид Аҳмад). Ҳар шафтолики, палахмонга солиб отсанг, пахса деворни ағдаради (А. Қаҳҳор).

Бу сўз баъзан феъллар олдида равиш вазифасида ҳам қўллана олади: Ҳар соғинганда, хатларига қараб қўяман. Ҳар ташланганда бир уҳ! деб қўяди (Ойбек). Ҳар кирганда юрагим шув этиб кетади, дегин! (А. Қаҳҳор).

Ҳар сўзи сўроқ олмошларида ким сўзи билан бирга келиб, «ҳамма», «ҳар қандай одам» деган маънони ифодалайди. Бу сўз отлар ўрнида қўллангани учун ҳам эгалик ва келишик аффиксларини қабул қилади: Ҳар ким ўз ҳолича ясанган (Ойбек). Ялингандай

ҳар кимга термилади (Ойбек). Ҳар кимнинг ўз орзуси бор (А. Қаҳҳор).

Нима, нарса сўзи билан бирга келиб, ҳар хил нарси, ҳамма нарса деган маънони билдиради: *Шу вақт ҳар нарса бир-бир ҳайлимдан ўтди* (Ойбек). *Магазиндаги ҳар нималар Дилоромни қизиқтирар эди. Дурбек ёш бўлса ҳам ҳар нима ни билишга қизиқар эди. У ҳар нима дан ҳадиксирай бермайди.*

Қандай (қанақа) сўзи билан бирга сифат вазифасида қўлланади ва предмет — шахсларни умумлаштирган ҳолда белгисини кўрсатади: *...ҳар қандай аёлнинг Тожиҳонга ҳаваси келар эди* (А. Қаҳҳор). *Ҳар қанақа масала кўпчилиكنинг раъйига қараб ҳал қилиниши керак.* (А. Қаҳҳор). *Ҳозир унинг фикри-ёди ҳар қандай азобни енгишда эди* (А. Қаҳҳор).

Қайси олмоши билан бирга сифат вазифасида келади ва маъноси жиҳатдан ҳар бир олмошига ўхшайди: *Ҳар қайси гуруҳ сувнинг бошида бўлишни истарди* (А. Қаҳҳор).

Бу олмош кўпинча эгалик аффиксини олиб келади ва от вазифасида қўлланади: *Ҳар қайсимиз ўз иззатимизда қолсак* (А. Қаҳҳор). *Буларни билмасак, ҳар қайсисини ўзига муносиб жойда қўя олмаймиз* (А. Қаҳҳор). *Ҳар қайсимизнинг дилимизда андиша бор эди.*

Қанча олмоши билан бирга қўлланиб миқдорнинг ортиқлигини кўрсатади: *Иккови бу муносабатни ҳар қанчалар яширса ҳам, барибир ҳамма эшитиб қолди* (А. Қаҳҳор). *Саломат кўришганимиз учун ҳар қанча хизмат қилсак ҳам оз* (Саид Аҳмад).

Қачон олмоши билан бирга келиб, «ҳамма вақт» деган маънони билдиради. *У ҳар қачон ўз ҳукмини ўтказиб ўрганган одам* (А. Қаҳҳор). *Бу гапни ҳар қачон такрорлай берса керак.*

Ҳар олмоши бир сўзи билан бирга от ва сифат характерида қўлланади. Бунда предметларни таъкидлаб, ажратиб кўрсатади: *Ҳар бир сўз уларнинг оғзидан эмас, қалбидан чиқётгандай эди* (Ойбек).

Ҳар олмоши баъзи биргалик ва доналик сонлари билан бирга қўлланиб, шу сонларни таъкидлаб кўрсатади: *Униб чиққан ҳар битта ниҳол унга севини бахш этарди. Уғилларнинг ҳар учаласи ҳам бедарак кетди. Қизларнинг ҳар иккови ҳам жуда одобли.*

Бўлишсизлик олмошлари

Инкор олмошлари маъно жиҳатидан белгилаш олмошларининг зиди бўлиб, барча предмет ёки белгига нисбатан инкор маъносини — бўлишсизликни билдиради. Бу олмошлар иштирок этган гапнинг кесими бўлишсиз формада келиб, гап инкор гап ҳисобланади.

Бўлишсизлик олмошларига ҳеч сўзи ва шу сўзнинг баъзи сўроқ олмошлари, шунингдек, *бир, нарса* каби сўзлар билан бирикишидан ҳосил бўлган олмошлар киради.

Ҳеч сўзи якка ҳолда қўлланганда кўпинча феъллар олдида ке-

либ, равиш функциясини бажаради ва иш-ҳаракатнинг батамом инкорини билдиради: *Бу тўғрида ҳеч ташвишланманг* (Ойбек). *Онаси жуда хурсанд бўлса ҳам ҳеч ухлай олмайди* (А. Мухтор). *Бу кунларда Оксана ҳеч тиниб-тинчимайди* (А. Мухтор).

Ҳеч сўзи бўлмаса сўздан олдин келиб, гапда энг минимал шарт маъносини ифодалаганлигини билдиради: *Ҳеч бўлмаса битта элеватор бўлса эди* (Ш. Рашидов).

Сўроқ олмошлари *ҳеч* сўзи билан бирикиб келганда сўроқ олмошларининг маъноси ўзгариб, шахс (*ҳеч ким*), предмет (*ҳеч нима*), миқдор (*ҳеч қанча*), белги (*ҳеч қандай, ҳеч қайси*)га нисбатан инкорни ифодаловчи сўзлар ҳосил қилинади.

Ҳеч ким олмоши шахсга нисбатан инкорни ифодалайди: *Идорада ҳеч ким йўқ эди* (А. Қаҳҳор). *Атрофда Саодатдан бошқа ҳеч ким йўқ эди* (А. Мухтор).

Ҳеч ким олмоши от вазифасида қўллангани учун ҳам эгалик, шунингдек, келишик қўшимчаларини олиб, гапда отлар каби вазифани бажариб келади: *Қарашадиган ҳеч кимим йўқлигини билиб невараси тушлик олиб келди* (Саид Аҳмад). *Ҳеч киминг йўқ. Ҳеч кимдан сўрамай-нетмай, чиқди-кетди* (А. Қаҳҳор). *Сиздан бошқа ҳеч кимга гапирма олмайман* (А. Қаҳҳор). *Ҳеч ким билан кенгашмай-нетмай шахарга бориб аппаратура сотиб олибди* (А. Қаҳҳор). *Кўнглига тугиб юрганни ҳеч кимнинг фикри билан ҳисоблашмасдан айтди* (А. Қаҳҳор).

Ҳеч ким олмоши инкор гаплар таркибида уюшган бўлақларнинг умумлаштирувчи сўзи вазифасида ҳам кела олади: *Унга на йўловчи, на самоварчи — ҳеч ким эътибор қилмади* (А. Мухтор).

Ҳеч нима олмоши предмет ёки воқеа-ҳодисага нисбатан инкорни ифодалайди: *Мен сизга ҳеч нимани кўрсатганим йўқ эди-ку!*

Ҳеч нима олмоши ҳам кўпинча отлар ўрнида келиб, отларга хос эгалик ва келишик аффиксларини олади. Гапда отлар каби вазифани бажаради: *Менинг ҳеч нимам йўқ. Ҳеч нимадан тап тортмайдиган одам ва б.*

Ҳеч қандай олмоши предмет белгисига нисбатан инкорни билдиради: *Бироқ Саиданинг юзида ҳеч қандай ўзгариш йўқ эди* (А. Қаҳҳор). *Улар инсон муҳаббати ҳеч қандай чегарани тан олмаслигини билишарди* (Саид Аҳмад). *Козимбек ҳеч қандай дори бермоқчи эмас экан* (А. Қаҳҳор).

Ҳеч қайси олмоши ҳам предмет белгисига нисбатан инкорни билдиради: *Ҳали ҳам ҳеч қайси колхознинг қурти нишона бергани йўқ* (А. Қаҳҳор).

Ҳеч қайси олмоши *ҳеч қандай* сўзи каби предмет белгисига нисбатан инкорни ифодаласа ҳам, отлашиш хусусияти кучли: *Буларнинг ҳеч қайсиси пахтани билмайди* (А. Қаҳҳор). *Ҳеч қайси миз ҳам олдирадидек* (А. Қаҳҳор).

Ҳеч қачон сўзи пайтга нисбатан инкор маъносини билдиради ва гапда равиш характерида қўлланади — иш-ҳаракатнинг *ҳеч*

вақт юзага келмаганлигини билдиради: *Мен ҳеч қачон ўлим кутган эмасман, кутмайман ҳам!* (А. Қаҳҳор) *Малоҳат уни ҳеч қачон бу аҳволда кўрмаган бўлса керак, юмшиди* (А. Қаҳҳор). *Қаландаров ҳеч қачон бунақа меҳмонни кутган эмас эди* (А. Қаҳҳор).

Худди шу хилда пайтга нисбатан инкорни ифодалаш учун қачон олмоши ўрнида вақт, маҳал сўзлари ҳам ишлатилади: *Орамизда ҳеч вақт шу хилдаги аччиқ гаплар айтилмаган эди* (Саид Аҳмад). *Унинг назарида бундай одамлар бир-бирини ҳеч вақт камситмас, ҳеч вақт алдамасдай кўринар эди* (А. Мухтор). *Ҳеч маҳал бўлмайсан менга баробар* («Достон»дан).

Ҳеч қаер сўзи ўринга нисбатан инкор маъносини билдиради ва гапда ўрин-пайт, жўналиш ва чиқиш келишиклари аффиксларини олиб ўрин равишлари вазифасини бажаради: *Ҳеч қаерга бормасам дейман* (А. Қаҳҳор). *Пахта байрами ҳеч қаерда Мирзачўлдагидек қизиқ ўтмаса керак* (А. Қаҳҳор).

Ҳеч қаер сўзи бош ва тушум келишиклари формасида қўлланса от вазифасида (*ҳеч қаер ҳам бизнинг қишлоқча обод ва кўркам эмас экан. Бошқа ҳеч қаерни орзу қилмайман*); қаратқич келишиги қўшимчасини олиб, қаратқичли аниқловчи вазифасида келади: *Ҳеч қаернинг ҳавоси менга ёқмади*.

Ҳеч сўзи бир сони билан бирга келиб предмет белгисига нисбатан инкорни; отлашиб, предмет ёки шахсга нисбатан инкорни билдиради: *Раис икки звенонинг ғўзасини оралаб ҳеч бир қусур тополмай, чеҳраси очилиб, шийпонга томон юрди* (А. Қаҳҳор). *Анзират хола ҳеч биримизга гап бермай, неварасини таърифлаб мақтаб кетарди* (А. Мухтор).

Ҳеч сўзи нарса сўзи билан бирга келиб предметга нисбатан инкорни билдиради. Гапда от қаби вазифани бажаради: *...ҳеч нарса англай олмасдим* (Ойбек). *Бу томонларнинг оқшомига ҳеч нарса тенг келолмайди* (Саид Аҳмад). *Биз ҳеч нарсага овор бўлмадик. ...ўғилгинанг ҳеч нарсанг кўрмагандай, отдай бўлиб кетади* (Ойбек).

Бундай конструкциялардаги нарса сўзи нима сўроқ олмоши ўрнида ҳам қўллана олиши мумкин: *Қоннинг тагида ҳеч нарса қолмаган — ...ҳеч нима қолмаган*.

Қўшма сўз шаклида қўлланган бўлишсизлик олмошлари гапда бирдан ортиқ келиши мумкин. Бундай гапларда бир неча инкор ифодаланган бўлади: *Мен ҳеч қачон ҳеч кимнинг устидан ҳеч қаерга арз қилган эмасман* (А. Қаҳҳор). *...ҳеч ким ҳеч бир номзоднинг сайлов рўйхатида қолдирилишига қарши чиқмади* (А. Қаҳҳор). *Бу ҳақда бизда ҳеч ким ҳеч нарса демай қўйди* (А. Қаҳҳор). *Ҳеч ким ҳеч қачон ҳеч нарсанг билмайди* (Ойбек).

Юқорида санаб ўтилган бўлишсизлик олмошларидан ташқарида бир+нарса (бир+нима) типига тузилган қўшилмалар иштирок этган гапларнинг кесими бўлишсизликни ифодаласа у сўзлар бўлишсизлик олмоши вазифасини бажаради: *Турғуной то Мостон олиб бермагунча қўл узатиб бир нарса олмас эди* (А. Қаҳҳор).

ҳор) — ҳеч нарса олмас эди. Лекин ҳеч ким ёрилиб бир нима демас эди (А. Қаҳҳор) — ...ҳеч нима демас эди (А. Қаҳҳор). У менга қараб бир нима демади — ...ҳеч нима демади.

Кимса сўзи ҳам бўлишсизлик олмоши ўрнида қўлланиб, шахсга нисбатан инкор маъносини билдиради: *Лекин шафтолига кимса боқмайди* (Ойбек) — ...ҳеч ким боқмайди. *Уйда кимса йўқ* эди. — ...ҳеч ким йўқ эди.

Гумон олмошлари

Гумон олмошлари предмет, белги ёки ҳодиса ҳақидаги ноаниқ тасаввурни билдириб, уларга умумий (абстракт) ва тахминли ишора қилади.

Гумон олмошлари асосан от ва сифат характерида қўлланади: *Муҳиддин ака алланимадан хурсанд бўлиб чиқиб кетди* (А. Қаҳҳор). *Ефим билан Собиржон кўпроқ аллақандай нотаниш шахарлар, яна қандайдир деҳқонлар ҳақида гаплашар эди.* (А. Мухтор).

Гумон олмошлари бир неча хил йўл билан ясалади:

Алла элементи баъзи сўроқ олмошлари билан бирга гумон олмошларини ясайди: *аллаким, алланима, алла қандай* ва б.

Алланима олмоши кўпинча от характерида ишлатилиб, турли келишик аффикслари, эгаллик ва кўплик қўшимчаларини олади: *Бобом гоҳо беҳушдай алланималарни шивирлаб қўяди* (Ойбек). *Меҳри юрагини зулукдай сўриб ётган алланималардан қутулиб чиқди* (А. Қаҳҳор).

Алланима олмоши баъзан уюшган бўлақлардан кейин ёки олдин умумлаштирувчи сўз вазифасида ҳам келади: *Ғалтак аравада гуллик қора лас кўрна, қизил лўла болиш, яна алланималар бор экан* (А. Қаҳҳор). *У синглисига ҳамиша алланималарни ўргатар — гоҳ расм солар; гоҳ ҳисоб чиқарар, гоҳ эртак айтар, гоҳ ашула ёдлатар эди* (Ш. Рашидов).

Алланима олмошига хос маъно ва вазифада алланарса олмоши ҳам қўлланади: *Алланарсанинг портлашидан уйғониб кетдим* (Саид Аҳмад). *Агроном алланарсани алланима бўлди дебди* (А. Қаҳҳор).

Аллаким олмоши шахсларга нисбатан ноаниқлик кўрсатади: *Турсуной кабинетга кирганда, у аллаким билан гаплашаётган эди* (А. Мухтор). *Лекин уста Мўмин бу гапни маҳаллалик аллакимдан эшитган экан* (А. Қаҳҳор).

Аллақандай (аллақанақа) олмоши предметнинг белгиси ноаниқ эканлигини кўрсатади: *Шундай кунларга аллақандай мўъжиза кучи билан дарров етиша қолишни ўйлардим* (Саид Аҳмад). *Аллақандай бир аравакаш қумни кўчага туширди-да, кетиб қолди* (Ойбек).

Кўпинча бундай конструкцияларда аниқловчи аллақандай сўзи билан аниқланмиш орасида ноаниқликни ифодаловчи бир сўзи ҳам ишлатилади. Бу сўз олмошдаги ноаниқлик маъносини янада

таъкидлаб кўрсатади: *У а л л а қ а н д а й б и р д е л е г а ц и я с о с т а в и д а у ч о й м у д д а т б и л а н к е т а ё т г а н э к а н (А. Қ а ҳ ҳ о р). У н и н г к ў к с и д а а л л а қ а н д а й б и р а д о л а т п а й д о б ў л г а н э д и (А. Қ а ҳ ҳ о р).*

А л л а қ а й с и о л м о ш и ҳ а м, ю қ о р и д а г и о л м о ш к а б и, п р е д м е т б е л г и - с и н и н г н о а н и қ л и г и н и б и л д и р а д и: Қ о д и р о в а л л а қ а й с и м а к - т а б н и н г д и р е к т о р и б ў л и б, ... (А. Қ а ҳ ҳ о р). М и р в а л и а л л а қ а й - с и б а з а д а э к с п е д и т о р (С а и д А ҳ м а д). К ў н г и л н и н г а л л а қ а й с и б у р ч и д а а л а н г а л а н а ё т г а н ғ а з а б... (А. Қ а ҳ ҳ о р).

А л л а қ а й с и о л м о ш и н и н г қ ў л л а н и ш д о и р а с и а л л а қ а н д а й о л м о ш и - г а н и с б а т а н т о р.

А л л а қ а е р о л м о ш и ў р и н г а н и с б а т а н н о а н и қ л и к н и б и л д и р а д и. Б у о л м о ш т у р л и к е л и ш и к ф о р м а с и д а к е л и ш и г а қ а р а б т у р л и б ў л а к в а з и ф а с и н и ў т а й д и: У з и у н ч а ч и р о й л и б ў л м а с а ҳ а м а л л а қ а е р и о д а м г а ж у д а ё қ а д и (С а и д А ҳ м а д). Б и р п а с д а ю р а г и н и н г а л л а қ а е р и ж и з э т и б к е т д и (С а и д А ҳ м а д) — э г а в а з и ф а с и д а. А л л а қ а е р д а н ў л а н я н г р а й д и (О й б е к). Тўғ р и йў л қ о л и б а л л а қ а е р д а н ю р д и к (А. Қ а ҳ ҳ о р) — ў р и н ҳ о л и.

А л л а қ а е р о л м о ш и а л л а қ а ё қ в а а л л а қ а й ш а к л и д а ў р и н к е л и ш и к - л а р и а ф ф и к с и н и о л и б қ ў л л а н а д и. Б у о л м о ш л а р б о ш к е л и ш и к ф о р - м а с и д а и ш л а т и л м а й д и: Х а ё л а н а л л а қ а ё қ л а р д а н к а т т а п у л т о п и б о л г а н д е к, ... (С а и д А ҳ м а д). У л а р д а р р о в а л л а қ а й д а н е т и б к е л а д и л а р (О й б е к).

А л л а н е ч у к о л м о ш и кў п и н ч а ҳ а р а к а т н и н г н о а н и қ ҳ о л а т д а ю з а г а к е л и ш и н и, т у ш у н а р с и з ў л л а с о д и р бў л и ш и н и кў р с а т а д и. Б у о л м о ш ҳ о л а т р а в и ш и в а з и ф а с и н и ў т а й д и: В а ҳ о б ж о н г а б у ҳ а ш а м л а р а л - л а н е ч у к кў р и н и б к е т д и (С а и д А ҳ м а д). Б у г а п Қ а л а н д а р о в - н и н г қ у л оғ и г а а л л а н е ч у к э р и ш т у ю л д и (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Б аъ з а н а л л а н е ч у к сў з и н о а н и қ б е л г и м аъ н о с и н и ҳ а м и ф о д а л а й - д и: А й в о н д а х и р а о с м а ч и р о қ а л л а н е ч у к к и р ёғ д у тў к и б т у - р и п т и (А. Қ а ҳ ҳ о р). Кў з л а р и а л л а н е ч у к б е с а р а м ж о н (О й - б е к).

А л л а қ а н ч а о л м о ш и м и қ д о р г а н и с б а т а н н о а н и қ л и к н и б и л д и р а д и: У к и ш и т оғ йў л и д а н а л л а қ а н ч а йў л б о с и ш и к е р а к (С а и д А ҳ м а д).

А л л а қ а н ч а о л м о ш и ҳ а м п а й т г а н и с б а т а н б е л г и н и н г о р т и қ э к а н - л и г и н и, кў п л и г и н и б и л д и р а д и: О т а с и н и н г ў л г а н и г а в а ў з и ш а ҳ а р г а к е л и б қ о л г а н и г а а л л а қ а н ч а в а қ т ў т д и.

Б аъ з а н а л л а м о р ф е м а с и н е ч а н ч и сў з и г а қў ш и л и б т а р т и б г а н и с - б а т а н н о а н и қ л и к н и б и л д и р а д и: ... ж и н о я т қ о н у н л а р и м а ж м у а с и н и н г а л л а н е ч а н ч и м о д д а с и тўғ р и с и д а г а п и р д и (А. Қ а ҳ ҳ о р).

П а й т б и л д и р у в ч и в а қ т, м а ҳ а л, п а л л а сў з и ҳ а м а л л а э л е м е н т и б и л а н қў ш и л и б, п а й т г а н и с б а т а н н о а н и қ л и к н и и ф о д а л а й д и: С а о д а т а л л а в а қ т г а ч а х а т ё з и б ў т и р д и (Ж. Ш а р и п о в). А л л а м а - ҳ а л г а ч а с и з н и к у т д и, — д е д и (Ж. Ш а р и п о в).

Н о а н и қ л и к о л м о ш и кў п и н ч а сў р о қ о л м о ш л а р и г а -д и р э л е м е н т и - н и н г қў ш и л и ш и о р қ а л и ҳ о с и л қ и л и н а д и. Б у ф о р м а н т о т, с и ф а т в а р а в и ш х а р а к т е р и д а г и о л м о ш л а р н и я с а й д и; к и м д и р, н и м а д и р, қ а н - д а й д и р, қ а й с и д и р в а б.

Маълумки *-дир* элементи кесимликни кўрсатувчи боғлама вази-
фасида келиб ҳам, айрим сўроқ олмошларига қўшилиб келиши мум-
кин. Бундай вақтда *-дир* элементини олган олмош ноаниқлик
олмоши ҳисобланмайди. Чоғиштинг: *Қимдир* эшикни тақиллат-
ди. *Қимдир* бу? — *сўрайман эшикка яқинроқ келиб* (Ойбек).

Ноаниқлик форманти *-дир* кўплик, эгалик ва келишик қўшимча-
ларидан сўнг қўшилиб келади: *Ниманидир мулоҳаза қилиб*,
ҳеч нарса демади (А. Қаҳҳор). *Шу пайт кимнингдир дод-
лаган товуши эшитилди* (А. Қаҳҳор). *Ширин орзулар шу топ-
гаёқ қаёққадир ғойиб бўлди* (Саид Аҳмад). *Қаердадир чақо-
лоқ йиғламоқда, қаердадир чилим қуриллайди* (А. Қаҳҳор).
Нисо буви *қаердандир янги бир чора топиб келди* (А. Қаҳ-
ҳор). *Қизча нималардир деб жовраяпти* (Саид Аҳмад). *Ди-
ректор нималарнидир санай бошлади* (Саид Аҳмад).

Қим, *нима* олмошларига қўшилиб, ноаниқ шахс ёки предметни
кўрсатади: *Қимдир вофурушининг номини атаб чақирди*. *Қампир
чеварасининг жингалак сочларига термилиб нималарнидир
пицирлайди* (Саид Аҳмад). *Чол ҳамон ниманингдир
хаёлини суради* (Саид Аҳмад).

Қандай сўзига қўшилиб, ноаниқ белгини ифодалайди. Кўпинча
бу хилдаги гумон олмоши белгини ифодаловчи сўзлар олдида ке-
лади: *Бувим бирдан қандайдир ваҳимали товуш билан қич-
қиради* (Ойбек). *Кўчамизда қандайдир нотаниш овозлар
эшитилди* (Ойбек).

Қаер, *қаёқ* сўзларига қўшилиб, ўрнига нисбатан ноаниқ белги-
ни кўрсатади. Бунинг учун бу сўзлар ўрин келишиклари аффикси-
нинг бирини қабул қилган бўлиши шарт: *Қаёқдандир халойик
йиғилибди* (Ойбек). *Саида бу хотинни қаердадир кўргандай
бўлди* (А. Қаҳҳор). *Қаергадир бормоқчилар* (Ойбек).

Қаер олмоши бош, тушум келишиклари формасида келиб, *-дир*
элементини қабул қилса, ўринга нисбатан эмас, предметга нисбатан
қўлланади ва ноаниқ предмет номини ифодалайди: *Шипнинг қае-
ридир «қирс» этди* (А. Қаҳҳор). *У қўли билан қаёқнидир
кўрсатди*.

Қачон сўзи *-дир* формалари билан келиб пайтга нисбатан ноа-
ниқликни билдиради: *Шипон қачондир бир бўялган экан*
(А. Қаҳҳор). *Қачондир яна бағринга қайтаман* (Саид
Аҳмад).

Баъзан қачон сўзи ва *-дир* элементи орасида *-лар* аффикси қў-
шилиб, *узоқ вақт* маъносини ифодалайди: *Қачонлардир яхши
кун келишига ишонар эдим* (Саид Аҳмад). *Қачонлардир
бир кун илк муҳаббат эсга келади* (Саид Аҳмад).

Нега олмоши *-дир* форманти билан бирга келиб ноаниқ сабаб
маъносини ифодалайди: *Негадир, мактуб ўзига бачканароқ ёзил-
гандай туюлди* (А. Қаҳҳор). *Фахриддин негадир дам кулар,
дам бурнини артиб йўталар эди* (А. Қаҳҳор). *Бобо ҳар гал не-
гадир ўша болани эслайди* (Саид Аҳмад).

Худди шунга ўхшаш ноаниқ сабаб маъноси ва ноаниқ белги

маъноси *нечукдир*, нима *учундир* олмошлари орқали ҳам англашилади: *Оксана нима учундир*, шу белгиларни тушунишга бел боғлаб, ..(А. Мухтор). *Ҳамма нечукдир*, ўнғайсизланар эди (А. Қаҳҳор). *Одамлар, нечукдир*, андишасиз бўлиб кетаётганини пайқади (А. Қаҳҳор). *Хуринисонинг эрига қилган муомаласидан уйда нечукдир кўнгилсиз бир ғубор қолди* (А. Қаҳҳор).

Гумон олмоши баъзи сўроқ олмошларига ҳам ёрдамчисининг қўшилишидан ҳам ҳосил қилинади. Бу ёрдамчи сўз ўзгартувчи аффикслар ёки кўмакчилардан кейин қўшилиб келади: *Сизни кеча ким ҳам эслаётган эди-я. Кимниям чақирившаётган эди. Нима билан ҳам исботламоқчи бўлди*, лекин исботлай олмади.

Шу хилда ясалган гумон олмошларидан кейин ҳам ноаниқликни ифодаловчи *-дир* форманти қўшилиб ишлатилиши мумкин: *Сизни ким ҳамдир эслаётган эди*.

Гумон олмошларини ҳосил қилишда баъзан бир сўзининг маълум даражада роли бор. Бу сўз нима сўроқ олмоши билан бирга келиб, ноаниқ предметни кўрсатади: *Кўзимга бир нима кўринди — кўзимга бирнарс кўринди || кўзимга алланима (алланарса) кўринди*.

«*Бир нима*» сўзи ҳамма вақт ноаниқлик маъносини ифодалай бермайди. Унинг қандай маънода келиши гапнинг мазмуни, кесимларнинг шаклланишига ҳам боғлиқ.

Агар гапнинг кесими бўлишли форма билан ифодаланса (гап тасдиқ мазмунини билдирса), *бир нима* сўзи ноаниқлик олмоши вазифасида қўлланади: *Бу одам тонг отгунча юртга бир нима совға қилади* (Саид Аҳмад). *Саида ётган жойида дафтарига шошиб-пишиб бир нималар ёзаётибди* (А. Қаҳҳор). *Самандаров столнинг тортмасидан бир нима қидираар экан...* (А. Қаҳҳор).

Гапнинг кесими бўлишсиз формадаги феъллар орқали ифодаланса ва гапнинг мазмунидан инкор англашилса *бир нима* сўзи ноаниқликни эмас, бўлишсизлик олмоши вазифасини бажаради: *...лекин ҳеч ким ёрилиб бир нима демас эди* (А. Қаҳҳор). *Нуринисо бир нимани ҳам эшитмагандай ўтирар эди. Уғил бир нимани ҳам билмас эди*.

Биров сўзи биргалик сонини ясовчи *-ов* аффиксининг *бир* сонига қўшилишидан ҳосил қилинган асли сон туркумига хос сўз ҳисобланса ҳам, деярли ҳамма вақт ноаниқ шахсни билдиради. Шунинг учун ҳам бу сўзнинг қўлланишидаги кўпгина хусусиятларига кўра гумон олмошлари қаторига киритиш мумкин.

Биров сўзи кўпинча *бегона*, *бошқа*, *нотаниш*, *ноаниқ одам*, *кимдир* деган маънони ифодалайди: *Биров эшикни қоқди* (А. Қаҳҳор). *Уйга қайтай деса этагидан биров тортгандай бўлди* (А. Қаҳҳор). — *Жуфт бўлсин!* — *қичқиради биров* (Ойбек).

Биров сўзи баъзан уюшиқ бўлақлар ёки қўшма гаплар таркибида такрорланиб келиб, турли хил ноаниқ шахсларни ифодалайди. Бундай гаплар таркибида икки, уч, ҳатто тўртта *бир*ов сўзи ишлатилиши мумкин: *Биров рўй-рост, биров ер остидан унга қаради*

(А. Қахқор). *Биров рўпарадаги томга, биров деворга, биров толнинг каллагига чиқди* (А. Қахқор). *Маҳалламиздаги биров бўзчи, биров махсидўз, биров боққол* (Ойбек). *Биров муомалани билади, биров билмайди, биров гапни ёглаб гапиради, биров тиканак боғлаб гапиради* (А. Қахқор).

Биров сўзи баъзан кесимлари бўлишсиз формада келган инкор гаплар таркибида келиб бўлишсизлик олмоши вазифасини ҳам бажаради: Бунга биров тушуна олмас, биров ишонмас эди. (А. Қахқор). *Албатта менинг бўйнимга биров арқон солаётган йўқ* (А. Қахқор).

Демак, *биров* сўзи ноаниқ шахс ёки бегона шахс маъносини билдирганда бир-бирларидан кўп жиҳатдан фарқ қилади.

Кўплик аффиксини олган *баъзи* сўзи гумон олмоши вазифасида кела олади.

Баъзи сўзи аслича ноаниқ белгини кўрсатиб, гапда сифат вазифасида келади: *баъзи одамлар, баъзи уйлар* каби.

Урин-пайт келишиги қўшимчасини олиб, ноаниқлик маъносини билдиради: *Баъзида шошиб қоларди*. Бу сўз -лар аффиксини олиш билан отлашиб, ноаниқ шахс маъносини ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, гумон олмоши вазифасини ўтайди: *Баъзилар раиснинг кўнишига шубҳа билан қарар эдилар* (А. Қахқор). *Баъзилари паранжида, баъзилари чопон ёпинган* (Ойбек).

Олмошларнинг тузилиш жиҳатидан турлари

Олмошлар тузилишига кўра иккига бўлинади: 1) содда олмошлар; 2) қўшма олмошлар.

Содда олмошлар бир ўзакдан тузилиб, туб ёки ясама бўлиши мумкин. Туб олмошлар бир асосий морфемадан (*мен, сен, у, шу, ким, бу, нима* кабилар), ясама олмошлар эса айрим ясовчи аффиксларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Ясовчиларни олиш билан айрим вақтда олмошнинг бир туридан иккинчи тури келиб чиқади ёки бошқа сўз туркумига кўчади: *бу (у, шу) — бунча (унча, шунча), бундай (ундай, шундай); мен — менинча, мендай; ўз-ўзича, ўзидай, сиз — сизча, сиздай, сизсирамоқ* кабилар. Гумон олмошларини ясовчи *алла-, -дир* морфемалари аффикс эмас, ёрдамчи элемент сифатида олмош ясайди: *аллаким, кимдир* каби.

Қўшма олмошлар бирдан ортиқ ўзакларнинг бирикишидан ясалади, бунда: а) ўзакларнинг бири олмош, иккинчиси эса бошқа сўз туркумига оид сўз бўлади (*мана бу, мана шу, қай вақт, ана шу, аллақайси* каби); б) ҳар иккиси ҳам олмош бўлади (*ҳар ким, ҳар қандай, аллаким, ҳар нима, ҳар қандай* каби).

Олмошлар такрорланиб, жуфтланиб қўлланиши мумкин. Бунда улар: а) ҳеч қандай аффиксларсиз бир асосий морфема шаклида жуфтланади: *шу-шу, ким-ким, қанча-қанча, неча-неча* кабилар; б) уларнинг бирига ясовчи ёки сўз ўзгартувчи аффикслар қўшилган ҳолда жуфтланади; *ўзидан-ўзи, ман-манлик, сан-санламоқ* каби.

Баъзан турли ўзакдаги бир хил олмошлар жуфтланиб келади: *у-бу, уни-буни* каби.

Жуфтланиш натижасида олмошлар кўпроқ бошқа сўз туркумига — равишга (*ўзидан-ўзи, ўша-ўша*), феълга (*сан-санламоқ*), *отга (у-бу, ман-манлик, уни-буни)* кўчади.

Бошқа туркумларга оид сўзларнинг олмошга кўчиши

Нутқдаги маълум шароитга қараб баъзи от, сифат ва сонларнинг асл маъноси ўзгариб абстрактлашади, умумлашади — олмошга яқинлашади. Бунга прономинализация дейилади. (пропот — лотинча олмош деган маънони билдиради). Пронаминализация натижасида от предметни, сифат белгини, сон эса миқдорни билдирмай, олмошларга ўхшаш уларга ишора қилади. Масалан, *одам киши, инсон, нафас, иш* каби отлар; *баъзи, бошқа, айрим, тубандаги, қуйидаги* каби сифатлар; *бир* сони олмошга яқинлашади, олмош функциясида қўлланади: *Унинг кўнглини олишга бир инсон топилмади (ҳеч ким топилмади). Сизни бир одам чақиряпти (сизни кимдир чақиряпти). Бир нарса олиб келди (бир нима олиб келди), яқин кунда бажарилиши лозим бўлган вазифаларимиз тубандагилардан (қуйидагилардан) иборат... — ...вазифаларимиз шулардан иборат... Уларнинг баъзиларини танийман, айримлари билан бирга ишлаганман ҳам, бошқаларини билмайман. Бири келди, бири келмади. Бир ерга борсам, орқамдан борасиз.*

Умуман бошқа сўз туркумларининг олмошга яқинлашувида *бир, ҳар, ҳеч* сўзларининг роли каттадир. Бу сўзлар қўшилиши билан кўпгина сўзлар олмошга деярли кўчади.

Сўзларнинг олмошга яқинлашув процесси асосан қуйидаги ҳолатларда кўринади:

1) Ҳеч қандай аффикслар олмай, асосий морфема шаклида келганда: *Одам кетгиси келяпти (мен кетгим келяпти). Бир-биридан қувноқ, бир-биридан соғлом болаларнинг ўйинларини кўриб, жуда қувонасан киши (Мен қувонаман ёки... ҳамма қувонади).*

2) Сон туркумига хос айрим сўзлар кўпинча III шахс эгалик аффиксларининг қўшилиши билан олмошга яқинлашади: *Бири китоб ўқийди, бири шахмат ўйнайди, бошқалари турли ўйинлар билан банд.* Шу хилда уюшиб қўлланган *бири* сўзи ўрнида *бошқалари* ёки *қолганлари* сўзлари қўлланиши мумкин: *Бири китоб ўқийди, қолганлари унга диққат билан қулоқ солади.*

3) Икки бошқа-бошқа сўз туркумларига хос бўлган сўзлар ёки бошқа сўз туркумидаги бир сўз — олмош типидagi сўзларнинг қўшилиши натижасида ҳосил бўлган айрим қўшма сўзлар олмош функциясига яқинлашиши мумкин: *қайбири, баъзи бир киши (одам), бир ерга (жойга), ҳар бир, ҳеч бир, ҳар ерда, ҳар томондан (тарафдан, жиҳатдан), бир нарса* каби.

ФЕЪЛ

Феъллар ҳаракат маъносини билдирувчи сўзлардир. Грамматикада ҳаракат тушунчаси жуда кенг бўлиб, у *ухламоқ, ётмоқ, турмоқ* каби феъллар ифодалайдиган ҳолатларни, *қўрқмоқ, чўчи-моқ, завқланмоқ, қаҳрланмоқ* каби феъллар билдирадиган психик ўзгаришларни, *гулламоқ, ўсмоқ* каби феъллар билдирадиган биологик процессларни ва шу каби ҳодисаларни ўз ичига олади. Булардан ҳар бирининг ўзига хос хусусий томонлари бўлиши билан бирга, уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган томони ҳам бор, яъни буларнинг ҳаммаси замон билан боғлиқ ҳолда юз берувчи ҳодиса ҳисобланади. Шунинг учун бу ҳаракат-ҳодисаларни билдирувчи сўзларнинг ҳаммаси «нима қилмоқ»? сўроғига жавоб бўлади. Уларни бир гурпуага киритиш ва «феъл» деб аташда ҳам худди ана шу умумий хусусияти асосга олинади.

Ўзбек тилидаги феъллар лексик-грамматик хусусиятларига кўра икки асосий гурпуага бўлинади: 1) мустақил феъллар; 2) ёрдамчи феъллар.

Мустақил феъллар қуйидаги хусусиятларга эга: 1) ҳаракат билдиради (яъни мустақил маънога эга бўлади) ва гапда унинг бирор бўлаги вазифасида кела олади: *План муддатидан илгари б а ж а р и л а д и*; 2) бирор сўзни бошқариб келади: *экинни с у ф о р м о қ, далага ч и қ м о қ* каби; 3) ҳаракатнинг объектга бўлган муносабатига қараб мустақил феъллар икки гурпуага бўлинади: а) объектли феъллар, б) объектсиз феъллар. Объектли феъллар билдирган ҳаракат объект тушунчаси билан боғлиқ бўлади ва бундай феъллар тушум келишигидаги сўзни бошқаради. Қолган феъллар бундай хусусиятга эга бўлмайди. Қиёсланг: *ол, сўра, ҳайда* — объектли феъл; *кел, ухла, қизик* — объектсиз феъл; 4) феъл билдирган ҳаракат объектив ҳаракатнинг тилдаги ифодаси. Лекин у объектив ҳаракатнинг айнан копияси бўлмай, киши онгида акс этган ҳаракат, ҳодиса, ҳолат кабилар ҳақидаги абстракт тушунчадир. Демак, феъл билдирган ҳаракатнинг объектив воқеликка муносабати ифодасида бевосита инсон, аниқроғи, сўзловчи қатнашади. Ҳаракатнинг объектив воқеликка сўзловчи томонидан белгиланадиган муносабати ҳам тилда ўз аксини топади. Бундай муносабат феъл майли деб аталади ва шундай муносабатни ифодаловчи формалар майл формалари дейилади. Майл маъносига эгалик феълнинг асосий хусусиятларидан ҳисобланади: *бор* — буйруқ майли, *борса* — шарт

майли; 5) ҳар қандай ҳаракат бажарилиш ёки бажарилмасликка муносабатда бўлади ва феъллар ана шундай муносабатни ифодаловчи формага эга бўлади. Бажарилишни билдирадиган форма — бўлишли форма, бажарилмасликни билдирадиган форма — бўлишсиз форма ҳисобланади: *борди* — бўлишли, *бормади* — бўлишсиз; 6) юқорида кўрдикки, ҳаракатнинг объектга бўлган муносабатига қараб феъллар бир-биридан фарқланади. Бундан ташқари, ҳаракат бирор кимса ёки нарса томонидан бажарилади. Бошқача айтганда, ҳаракат субъект (бажарувчи) тушунчаси билан ҳам боғланган бўлади. Ҳаракатнинг объект ва субъектга бўлган муносабати феъл даражалари дейилади. Бундай муносабат махсус грамматик формалар орқали ифодаланади: *айт* — бош даража формаси, *айттир* — орттирма даража формаси; 7) ҳаракатнинг бажарилиши, албатта, замон (вақт) доирасида бўлади. Шунга кўра ҳаракат замон маъноси билан боғланган бўлади ва феъллар замон маъносини ифодаловчи формаларга ҳам эга бўлади: *борди* — ўтган замон формаси, *боряпти* ҳозирги замон формаси; 8) ҳаракатнинг бажарувчи шахс билан боғланганини кўрдик. Ҳаракатнинг воқеликка муносабати эса бевосита сўзловчи орқали реаллашади. Сўзловчи бор экан, ўз-ўзидан, тингловчи ҳам бўлади. Бундан ташқари, сўзловчи ва тингловчидан четдаги (ўзга) шахс (шахслар)нинг бўливи ҳам табиий. Ҳаракат субъекти ана шу шахсларнинг бири (сўзловчи, тингловчи ёки ўзга шахс) бўлади. Ҳаракатнинг ана шу шахсларга бўлган муносабати шахс-сон категорияси дейилади ва бу муносабатни ифодаловчи формалар шахс-сон формалари дейилади: *бордим*, *бординг*, *борди* каби; 9) мустақил феълларнинг от, сифат, равиш туркумларига хос хусусиятларга эга бўлган ҳаракат номи, сифатдош, равишдош формалари ҳам бор: *ишлаш* (фойдали), *ишлаган* (одам), *ишлаб* (чарчади) каби.

Ёрдамчи феъллар ҳаракат билдирмайди (мустақил маъно ифодаламайди). Улар турли грамматик маъно ифодалаш учун ёки бошқа вазифада қўлланади. Ёрдамчи феълларни асосий хусусиятларига қараб уч гурӯпага бўлиш мумкин: 1) сўз ясаш учун хизмат қилувчи ва боғлама вазифасини бажарувчи ёрдамчи феъллар: бўл, қил феъллари; 2) феълларга бирикиб турли қўшимча маъно ифодаловчи ёрдамчи феъллар: бошла (ёза бошлади), чиқ (ўқиб чиқди) каби. Буларни, бошқа ёрдамчи феъллардан фарқлаган ҳолда «кўмакчи феъллар» деб аташ мумкин; 3) феъллар, шунингдек, отлар билан қўлланиб, турли маъно ифодаловчи ва ёрдамчи вазифаларда қўлланивчи ёрдамчи феъл. Бу феъл лингвистик адабиётларда «тўлиқсиз феъл» деб аталувчи феълдир: *эди*, *экан* каби.

ФЕЪЛ ЯСАЛИШИ

Ўзбек тилидаги ясама феълларнинг кўпчилиги икки асосий усул: 1) аффиксация ва 2) композиция усули билан ясалган феъллардир.

Аффиксация усули (синтетик усул). Ўзбек тилида феъл ясовчи аффикслар жуда ҳам кўп эмас. Лекин оз миқдордаги бу аффикслар ёрдамида жуда кўп миқдордаги феъллар ясалади. Ясама феълларнинг асосий қисмини аффиксация усули билан ясалган феъллар гашкил этади. Бу жиҳатдан феъл ясалишининг бу усули энг маҳсулдор усул ҳисобланади.

Аффиксация усули билан ўзбек тилида феъл бўлмаган сўзлардангина феъл ясалади: *иш-ишла, куч-кучай* каби.

Ҳозирги ўзбек тилида қуйидаги аффикслар ёрдамида феъллар ясалади:

-ла аффикси. Бу аффикс феъл ясовчилар ичида энг маҳсулдор бўлиб феълдан бошқа барча туркумга оид сўзлардан феъл ясай олади (*силтала, опичла* каби феъллардаги -ла аффикси билан қориштирмаслик керак). Унинг ёрдамида, отлардан ясалган феъллар асосан, қуйидаги умумий маъноларни билдиради: а) ўзак-негиздан англашилган нарсас-предмет билан таъминлаш, шу предметга эга ҳолатли қилиш маъносини билдиради: *ўғитла, мойла, бетонла* каби; б) асбоб-қурол билдирувчи отларга қўшилганда шу асбоб билан бажариладиган ишни қилиш маъносини билдиради: *рандала, қайчила, аррала, эговла* каби; в) ўзак-негиздан англашилган нарсас- предметни юзага келтириш (пайдо қилиш) маъносини билдиради: *уруғла, могорла, болала* каби.

-ла аффикси ёрдамида ясалган феълларнинг маъноси фақат юқоридагилар билан чегараланмайди. Бу типдаги феълларнинг маъноси ҳар бир ҳолатда -ла аффикси билан у қўшилган ўзак-негизга хос хусусиятдан келиб чиқади. Айрим предметлар маълум умумий хусусиятга эга бўлганидан бу предметларни билдирувчи отлардан ясалган феълларнинг маъносида ҳам маълум умумийлик бўлади (*аррала, рандала* феълларидаги каби). Лекин ҳар бир предметнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам борлигидан отлардан ясалган феълларга хос маъноларни жуда кўп феъллар доирасида умумлаштириш мумкин бўлавермайди. Масалан, қурол-асбоб билдирувчи отлардан -ла аффикси ёрдамида ясалган феълларнинг шу асбоб билан бажариладиган ишни қилиш маъносини билдиришини кўрдик. Лекин -ла аффикси ёрдамида асбоб-қурол билдирувчи отлардан ясалган ҳар қандай феъллар ҳам шундай маъно ифода-лайвермайди. Масалан, *пичоқла*. Бунинг сабаби шундаки, арра, ранда, эгов каби асбобларнинг ҳар бири билан маълум бир типдаги иш бажарилади. Пичоқ билан эса бир неча турли иш бажарилиши мумкин. Ана шундай сабабларга кўра, асбоб-қурол билдирувчи отлардан -ла аффикси ёрдамида ясалган феълларнинг маъноси бир хил бўлавермайди. Бу аффикс билан отлардан ясалган жуда кўп феълларнинг маъноларини эса ҳар бир феълнинг ўз доирасида алоҳида изоҳлаш керак бўлади: *ўтла, кўзла, бошла* ва б.

Сифат ва равишлардан -ла аффикси ёрдамида ясалган феълларда ўзак-негиздан англашилган тусга, ҳолатга эга қилиш, шу

ҳолатни олиш ифодаланади: *тикла, текисла, силлиқла, секинла, тезла, тозала, яхшила* каби.

Ундовлардан *-ла* аффикси билан ясалган феълларда шу ундовга хос ҳис-ҳаяжон, буйруқ-хитоб, мурожаат кабиларни бажариш маъноси ифодаланади. Аниқроқ қилиб айтганда, бундай феълларнинг маъноси, асосан, ундов сўзга хос маъно билан «демоқ» феълнинг маъноси йиғиндисига мос келади: *додламоқ (дод демоқ), войвойламоқ (вой-вой демоқ), чуҳламоқ (чуҳ демоқ), ҳиҳиламоқ (ҳи-ҳи демоқ)*.

Демак, *-ла* аффикси маълум даражада «демоқ» феъли билан маънодош ҳисобланади.

-ла аффикси ёрдамида ундовлардан ясалган феълларда, одатда, ундов билдирадиган ҳис-ҳаяжон, буйруқ-истак кабиларнинг бирдан ортиқлиги ифодаланади: Шунга мос ҳолда, кўпинча, ундов сўз такрор ҳолда қўлланади: *кишитламоқ (кишит-кишитламоқ)*. Агар ундов сўз билдирадиган ҳис-ҳаяжон, буйруқ-хитоб кабилар такрор ҳолда бўлмаса, одатда *-ла* аффикси эмас, балки «демоқ» феъли қўлланади: *чуҳ деди, вой деди* каби.

-ла аффикси «демоқ» феълига хос маънога ва такрорийликни билдириш хусусиятига эгалигидан, бирор сўз ёки гапни бирдан ортиқ бажарилишини (такрорий ижросини) ифодалаш учун ҳам қўлланади. Бу ҳодиса, айниқса, озғак нутқда кўп учрайди: *кетаманламоқ, онамламоқ (онамлаб йиғламоқ)* каби.

Тақлидий сўзлардан *-ла* аффикси ёрдамида ясалган феълларда тақлидий сўз билдирган товуш ёки бирор ҳолатнинг юз бериши ифодаланади, яъни бундай феълларнинг маъноси, асосан, тақлидий сўз ва «этмоқ» сўзининг маънолари йиғиндисига тўғри келади: *шитирламоқ (шитир этмоқ), гумбурламоқ (гумбур этмоқ), лапангламоқ (лапанг-лапанг этмоқ)*. Бундай феълларда ҳам, одатда, тақлидий сўздан англашилган товуш, образ ва бошқалар бирдан ортиқ бўлади.

-лан ва *-лаш* аффикси. Ташқи кўринишдан *-лан* ва *-лаш* аффикслари икки аффиксдан иборатдек (*-ла+н* ва *ла+ш*) кўринади. Бунинг сабаби, бир томондан ҳозирги ўзбек тилида феъл ясовчи *-ла* аффикси ва даража ясовчи *-н, -ш* аффиксларининг актив қўлланишида бўлса, иккинчи томондан, *-лан, -лаш* аффикслари билан ясалувчи феълларда ўзлик ёки бирлик даражада формасига хос хусусиятнинг сезилиб туришидадир (*завқланмоқ, баҳслашмоқ* каби). Лекин бу ўринда ҳодисани қуйидаги нуқтаи назардан келиб чиқиб баҳолаш керак бўлади. Агар феълни морфемаларга ажратганда, *-н* ва *-ш* аффикслари ажралиб, *-ла* аффиксли қисмининг ўзи мустақил қўлланадиган бўлса ва *-н, -ш* аффикслари даража маъносини ифодаласа, бундай феълларда *-лан* ва *-лаш* мустақил аффикс ҳисобланмайди. Масалан, *майдаланмоқ* феъли таркибида *-н* даража кўрсаткичи ҳисобланади ва бош даража формаси сифатида майдаламоқ феъли қўлланади. Демак, бунда *-ла* ва *-н* аффикслари мустақил аффикс ҳисобланади.

Ҳозирги ўзбек тилида *афсусланмоқ, ажабланмоқ, завқланмоқ*

лазатланмоқ, баҳслашмоқ, жанжаллашмоқ, равшанлашмоқ каби кўпгина феъллар таркибида *-ла* ва *-н, -ш* аффиксларини ажратиб бўлмайди, яъни *афсусламоқ, ажабламоқ, жанжалламоқ, баҳсламоқ* каби мустақил қўлланувчи феъллар йўқ. Демак, бундай феълларда *-лан* ва *-лаш* феъл ясовчи мустақил аффикслар ҳисобланади.

-лан аффиксининг асида *-ла* ва *-н* аффикслари бирикувидан юзага келгани кўпгина адабиётларда қайд этилган ва буни сезиш қийин ҳам эмас.

-н аффикси ҳозирги ўзбек тилида ўзлик ва мажҳул даража формасини яшаш учун хизмат қилади (*кўринди* — ўзлик даража, *олинди* — мажҳул даража). *-лан* аффиксининг юзага келишида қатнашган *-н* аффикси эса ўзлик даража аффиксидир.

-лан аффикси от, сифат ва равишлардан феъл ясайди: *жонланмоқ, аччиқланмоқ* каби (сонлардан ясалиши фақат *икки* сўзида учрайди: *иккиланмоқ*).

-лан аффикси ёрдами билан белги, ҳолат билдирувчи сўзлардан ясалган феълларда субъектда шундай белги, ҳолатнинг юзага келиши ифодаланади: *сергақланмоқ, асабийланмоқ, хавотирланмоқ* каби. Отлардан *-лан* аффикси ёрдамида ясалган феъллар турлича маъно ифодалайди, уларни маълум бир умумий маъно остига бирлаштириб бўлмайди: *овқатланмоқ, фойдаланмоқ, қаноатланмоқ, тўлқинламоқ* каби.

-лаш аффикси ҳам *-ла* ва *-ш* аффиксларининг бирикувидан юзага келган. Бу аффикс ҳам от, сифат ва равишлардан феъл ясайди. Сонлардан ясаши фақат *бир* сўзида учрайди: *бирлашмоқ*. *-лаш* аффиксининг юзага келишида қатнашган *-ш* аффикси ўзлик ва биргалик даража маъноларини ифодалаш хусусиятига эга. Бу хусусият *-лаш* аффиксида ҳам сезилади: *қийинлашмоқ, дўстлашмоқ, суҳбатлашмоқ* каби.

-лаш аффикси билан ясалган феълларда ўзлик даражага хос хусусият сезиларли бўлган ҳолларда бу феъллар маъно жиҳатдан *-лан* аффикси билан ясалувчи феълларга ўхшайди: *йириклашмоқ, осонлашмоқ, тезлашмоқ, яқинлашмоқ, оғирлашмоқ* каби. Шунинг таъсирида баъзи феълларда *-лаш* ва *-лан* аффиксларининг бирини иккинчиси билан алмаштириш маълум даражада мумкин бўлади: *асабийланмоқ-асабийлашмоқ, равшанлашмоқ — равшанланмоқ* каби. Лекин *-лан* ва *-лаш* аффикслари ёрдамида феъл ясалиши маълум сўзлар доирасида чегараланган, яъни айнан бир хусусиятли феъллар *-лаш* аффикси билан ясалган сўзлардан *-лан* аффикси ёрдамида феъл ясалмайди ва аксинча, *-лан* аффикси ёрдамида ясалиши мумкин бўлган сўзлардан *-лаш* аффикси билан феъл ясалмайди (юқоридаги мисолларни қиёсланг).

-лан аффикси билан ясалувчи феълларда ўзлик даражага хос хусусиятнинг, *-лаш* аффикси ёрдамида ясалувчи феълларда эса ўзлик ва биргалик даражага хос хусусиятнинг сақланишидан қатъи назар бу аффикслар ёрдамида ясалувчи феъллар бош даража формаси ҳисобланади. Чунки *ривожланмоқ, оғирлашмоқ* каби феъл-

ларда даража формасини ясовчи формант йўқ. Феълнинг ҳеч қандай даража кўрсаткичига эга бўлмаган формаси эса бош даража ҳисобланади (Бу ҳақда «даража категорияси» баҳсига қаранг). Қиёсланг: *шодланмоқ* — *шод бўлмоқ*, *суҳбатлашмоқ* — *суҳбат қилмоқ*. Булардан *шод бўлмоқ*, *суҳбат қилмоқ* қўшма феълларида ҳеч қандай даража кўрсаткичи йўқ ва улар бош даража формасидаги феъл ҳисобланади. Даража шакли ва маъноси жиҳатидан *шодланмоқ* ва *суҳбатлашмоқ* феъллари *шод бўлмоқ*, *суҳбат қилмоқ* феълларидан фарқланмайди, улар ҳам феълнинг бош даража шакли ҳисобланади.

-*илла* аффикси. Бу аффикс баъзи тақлид сўзлардангина феъл ясайди: *чирқилламоқ*, *лиқилламоқ*, *гувилламоқ*, *шувилламоқ* каби.

-*ира* аффикси. Бу аффикс ҳам айрим тақлид сўзлардангина феъл ясайди: *ярқирамоқ*, *милтирамоқ* каби.

-*а* аффикси. Бу аффикс билан ясалган феъллар унчалик кўп эмас. -*а* аффикси от, сифат ва тақлидий сўзлардан феъл ясайди: *ошамоқ*, *қонамоқ*, *ўйнамоқ* (ўйин+а), *бўшамоқ*, *қийнамоқ* (қийин+а) *шилдирамоқ*, *жилдирамоқ* ва б.

-(*а*)*й* аффикси. Бу аффикс санокли даражадаги сифат ва равишлардан феъл ясайди: *пасаймоқ* (паст+ай), *қораймоқ*, *тораймоқ*, *кўпаймоқ*, *озаймоқ* каби (отлардан ясалиши фақат *куч* сўзида учрайди: *кучаймоқ*). -(*а*)*й* аффикси ёрдамида ясалган феълларда унинг асоси (сифат ва равиш) билдирган белги — ҳолатга ўтиш маъноси ифодаланади: *қора-қораймоқ*, *кўп-кўпаймоқ*.

-(*а*)*р* аффикси. Бу аффикс айрим сифатлардангина феъл ясайди: *оқармоқ*, *кўкармоқ*, *қисқармоқ*, *эскирмоқ* каби. (*Гапирмоқ*, *тупирмоқ* феълларидаги -*ир* аффикси -(*а*)*р* аффиксидан бошқа аффикс бўлиши керак).

-*сира* аффикси. Бу аффикс баъзи отлар ва *сен*, *сиз* олмошларидан феъл ясайди. Отлардан ясалган феълларда ўзак-негиздан англашилган нарса-предметга эҳтиёж, шуни иташ, унга мойиллик ифодаланади: *қонсирамоқ*, *сувсирамоқ*, *тузсирамоқ* ва б. *Сен* ва *сиз* олмошларидан ясалган феълларда эса *сен* ёки *сиз* деб гапириш ифодаланади: *сенсираб гапирмоқ*, *сизсирамоқ*.

-(*и*)*к*/-(*и*)*қ* аффикси. Санокли сўзлардангина феъл ясайди: *бирикмоқ*, *йўлиқмоқ*, *кечикмоқ*, *зўриқмоқ* каби.

-*и* аффикси. Уч-тўртта сўзлардангина феъл ясайди: *тинчимоқ*, *бойимоқ*, *чангимоқ* каби.

-*т* аффикси. Бу аффикс ҳам уч-тўртта сўздан феъл ясайди: *тўлатмоқ*, *йўқотмоқ*, *беркитмоқ*.

Ҳозирги ўзбек тилида кўпгина феъллар борки, уларни морфемаларга ажратиш мумкин. Лекин булар таркибидаги аффикс фақат шу биргина феъл ёки иккита феълдагина учрайди. Шу сабабли бу аффиксларни тўла маънода феъл ясовчилар қаторига киритмаса ҳам бўлади: *бошқармоқ*, *ғивирсимоқ*, *йўқолмоқ*, *гарангсимоқ*, *кучанмоқ* ва б.

Яна шундай феъллар ҳам борки, улар аслида ясама феъл бўлса-да, лекин ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан уларни морфемаларга ажратиб бўлмайди. Шунга кўра, уларни ясама феъллар

қаторига киритиш ҳам тўғри бўлмайди: *бақирмоқ, қичқирмоқ, қақшамоқ, қушамоқ, қайнамоқ, тўғнамоқ, буруқсимоқ, тузалмоқ, изғимоқ вайсамоқ* ва б.

Ҳозирги ўзбек тилида ҳаракатнинг такрорийлигини, кучли ёки кучсиз даражасини кўрсатувчи аффикслар бор. Булар *-кила (-қила, -зила, ғила), -имсира, -инқира* аффиксларидир: *турткиламоқ, кулимсирамоқ, оқаринқирамоқ* каби. Бу аффикслар ўзи қўшилган феълнинг маъносини бутунлай ўзгартирмайди, янги маъноли янги феъл ҳосил қилмайди. Шунинг учун уларни тўла маънода феъл ясовчилар қаторига киритиб бўлмайди.

Композиция усули (аналитик усул). Бу усул билан қўшма феъллар ясалади: *жавоб бермоқ, олиб келмоқ* каби.

Қўшма феъллар компонентларининг қандай сўздан эканига кўра икки асосий турга бўлинади: от+феъл типигаги қўшма феъллар (феъл бўлмаган сўз билан феълнинг бирикишидан ҳосил бўлган қўшма феъллар) ва феъл+феъл типигаги (икки феълнинг ўзаро бирикишидан ҳосил бўлган) қўшма феъллар: *ҳурмат қилмоқ, сотиб олмоқ* каби.

От+феъл типигаги қўшма феъллар ҳақида гапирганда асосан, феъл бўлмаган сўз билан қилмоқ, айламоқ, этмоқ ёки бўлмоқ феълнинг бирикишидан ҳосил бўлган баён қилмоқ, касал бўлмоқ типигаги бирикувлар назарда тутилади. Ҳақиқатда ҳам қўшма феълларнинг кўпгина қисмини қилмоқ, этмоқ, айламоқ ёки бўлмоқ феълларининг бошқа сўз билан бирикишидан ҳосил бўлган қўшма феъллар ташкил этади. Лекин феъл бўлмаган сўзнинг қилмоқ, этмоқ, айламоқ ёки бўлмоқ феъли билан бирикишидан ҳосил бўлган ҳар қандай бирикувлар ҳам қўшма феъл бўлавермайди. Қилмоқ, этмоқ, айламоқ ва бўлмоқ феъллари боғлама вазифасида ҳам кенг қўлланади. Улар бундай вазифада қўлланганда, қўшма феъл ҳосил қилмайди. Қиёсланг: *ўқитувчи эди — ўқитувчи — ўқитувчи бўлади*. Бундаги *ўқитувчи бўлади* бирикуви қўшма феъл эмас. Чунки *ўқитувчи* ва *бўл* сўзларининг бирикишидан янги сўз (қўшма сўз) ҳосил бўлаётгани йўқ. *Тасдиқ қилди, тасдиқ бўлди* бирикувлари эса қўшма феъл ҳисобланади. Бунини *қил* ва *бўл* феълларини *-ла* ва *-лан* аффикслари билан алмаштириш мумкинлиги ҳам аниқ кўрсатади: *тасдиқ қилди — тасдиқлади, тасдиқ бўлди — тасдиқланди*.

Демак, *қилмоқ, айламоқ, этмоқ* ва *бўлмоқ* феълларининг феъл яшаш ёки боғлама вазифасида қўлланишини фарқлаш керак бўлади.

Икки феълнинг ўзаро бирикишидан ҳосил бўлувчи қўшма феъллар ўзбек тилида у қадар кўп эмас. Бундай қўшма феъллар ҳам компонентлари маъносидан фарқли янги маъно ифодалайди: *олиб келмоқ, сотиб олмоқ* каби.

Ўзбек тили грамматикасига оид ишларда қўшма феълнинг феъл+феъл типигаги тури ҳақида гапирганда, одатда, етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил толувчи *ўқиб чиқмоқ, кела бошламоқ, қизариб кетмоқ* каби бирикувлар назарда тутилади ва шу типдаги бирикувлар анализ қилинади. Лекин етакчи ва кўмакчи феълдан

ташқил топган бирикувлар ўз хусусиятларига кўра қўшма феъллардан ҳам, сўз бирикмаларидан ҳам фарқланади. Буларнинг қўшма феъл (қўшма сўз) эмаслигини кўрсатувчи асосий белгилар сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Қўшма сўзларда бирдан ортиқ сўзнинг бирикувидан янги маъноли бошқа бир сўз ҳосил бўлади. Масалан, *сотиб олмоқ* феъли *сотмоқ* ва *олмоқ* феълларидан фарқланувчи янги сўз — қўшма феъл. Етакчи ва кўмакчи феълдан ташқил топган бирикувларда бирикув таркибидаги сўзлардан фарқланувчи бошқа янги бир сўз ҳосил бўлмайди, балки биринчи феъл ўз маъносини сақлайди ва у асосий (етақчи) феъл ҳисобланади. Кейинги феъл эса унга қўшимча маъно беради. Шу сабабли у кўмакчи феъл ҳисобланади. Масалан, *ёзиб бермоқ* бирикуви *ёзмоқ* ва *бермоқ* феъллари маъносидан фарқланувчи тамомила янги маъно ифодаламайди, яъни бунда *ёз* ва *бер* феълларининг бирикуви учинчи бир феълни келтириб чиқармайди, балки *ёзмоқ* феъли ўз маъносини сақлайди, *бермоқ* кўмакчи феъли эса *ёзмоқ* феълнинг маъносига қўшимча маъно беради (ёзиш ҳаракатининг ўзга учун бажарилиши маъносини билдиради).

2. Етакчи ва кўмакчи феълдан ташқил топган бирикувларда етакчи феъл билан кўмакчи феълнинг ўртасида юкламалар қўлланиши ҳам мумкин: *Гап билан овора бўлиб, кечикиб ҳам қолибман* (З. Фатхуллин).

Қўшма сўз компонентлари ўртасида ҳеч қандай сўз (шунингдек, ёрдамчи сўз) қўлланмайди. Чунки қўшма сўз, неча компонентдан ташқил топишидан қатъи назар, бир сўз ҳисобланади. Бир сўз ичидан яна бошқа сўзнинг қўлланиши мумкин эмас. Бу ҳодиса ҳам етакчи ва кўмакчи феълдан ташқил топган бирикувларнинг қўшма сўз (қўшма феъл) эмаслигини, балки унинг ҳар бир компоненти (бири мустақил, бошқаси кўмакчи бўлишидан қатъи назар) алоҳида-алоҳида сўз эканлигини кўрсатади.

3. Етакчи ва кўмакчи феъллардан ташқил топган бирикувларда етакчи феъл форма ясовчи қўшимчаларни қабул қилиши мумкин: а) бўлишсизлик формаси (*-ма*) билан қўлланади: *билмай қолди, келмай қўйди, ишламай юрди, сезмай турди каби*; б) даража ясовчи *-роқ* аффиксини қабул қила олади: *Ота чойни ерга қўйиб, ўрнашиброқ олди* (Р. Файзий). *Чирогнинг пилигини кўтариб роқ қўйди* (А. Қаҳҳор).

Бирикув таркибидаги етакчи феълнинг ўзи алоҳида грамматик форма қабул қилиши ҳам етакчи ва кўмакчи феълдан ташқил топган бирикувларнинг қўшма феъл эмаслигини кўрсатади. Чунки қўшма сўзларда унинг компонентлари шу қўшма сўз доирасида сўз эмас, балки сўзнинг элементи ҳисобланади. Шу сабабли унинг компонентлари ҳеч вақт мустақил ҳолда грамматик форма қабул қилмайди. Ҳар бир сўз ўзича грамматик форма қабул қила олар экан, албатта, бу бирикув қўшма сўз бўлмайди, балки бирикувнинг ҳар бир компоненти алоҳида сўз ҳисобланади.

4. Етакчи ва кўмакчи феълдан ташқил топган бирикувларнинг етакчи қисми жуфт ёки такрорий сўзга тенг бўлиши мумкин: *Ра-*

ҳимнинг майкаси йиртилиб, ҳамма ёғи тирналган, афт-ангори қизариб-бўзариб кетган эди (Ҳ. Назир). Шубҳа ва қўрқув билан атрофига қараб-қараб қўйди (Ойбек).

Агар етакчи ва кўмакчи феъллардан ташкил топувчи бирикувлар қўшма сўзлар (қўшма феъллар) қаторига киритиладиган бўлса, у ҳолда қўллаб-қувватлаб келмоқ, қараб-қараб қўймоқ каби етакчи қисми жуфт ёки такрорий сўзлардан ташкил топган бирикувларни ҳам қўшма феъллар қаторига киритиш лозим бўлади. Чунки булар ҳам етакчи ва кўмакчи қисмдан ташкил топади. Лекин бундай бирикувларнинг қўшма феъл бўла олмаслиги жуда аниқ.

5. Ниҳоят, етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларнинг қўшма феъллардан фарқли асосий белгиси сифатида яна шуни айтиш мумкинки, бундай бирикувларда бирдан ортиқ етакчи феълга бир кўмакчи феъл қўлланиши мумкин, яъни етакчи феъл уюшиб келиши мумкин: *Еруғ дунёдан бўлган умидимиз бу камбағалчиликни еб, кемириб ташлаётибди* (А. Қаҳҳор). *Учрашиб, киноларга бориб, умуман яқинлашиб, дўстлашиб борарканман, Насибанинг ақлли ва босиқ бир қиз эканига ишончим орта борди* (О. Ёқубов).

Бундай ҳолларда уюшиб келган етакчи қисмлар (етакчи феъллар) орасида бошқа сўзлар ҳам қўлланиши мумкин: *Бу қадар баликни сақлашнинг сира иложи йўқ эди. Мўйноққа ташиш учун эса қайиқ етишмайди. Хонадонлар қуришиб ҳам, музлатиб ҳам, тузлаб ҳам, туйиб ҳам олдилар* (А. Мухтор). *Йил сайин совхознинг ери кенгайиб техникаси кўпайиб, одамлари ўсиб бормоқда* (М. Жўра).

Етакчи қисмнинг уюшиб келиши, ҳатто, улар орасида яна бошқа сўзларнинг қўлланиши мумкинлиги етакчи ва кўмакчи феъллардан ташкил топувчи бирикувларнинг қўшма сўз бўла олмаслигини яна ҳам очиқроқ кўрсатади.

Хуллас, қўшма феъл деганда феъл бўлмаган сўзларнинг феъл билан ёки бирдан ортиқ феълнинг ўзаро бирикшидан ҳосил бўлувчи янги маъноли янги лексик бирик назарда тутилади.

КЎМАКЧИ ФЕЪЛЛАР

Ўзбек тилида бутунлай кўмакчи феълга айланган (мустақил маъносини йўқотиб, фақат кўмакчи феъл сифатида қўлланадиган) бирорта ҳам феъл йўқ. Айрим мустақил феъллар кўмакчи феъл ва зифасида ҳам қўлланади ва турли-туман маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. Улар қуйидагилар: *бошла, ёт, тур, юр, ўтир, бўл, бит (битир), ол, бер, қол, қўй, чиқ, бор, кел, кет, юбор, ташла, сол, туш, ўл, ўт, ет, кўр, қара, боқ, ез*. Бу кўмакчи феълларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эгаллиги билан бирга улар учун умумий бўлган хусусиятлар ҳам бор.

Кўмакчи феъллар асосий (етакчи) феълга асосан *-(у)б* ва *-а, -й* равишдош ясовчилари орқали бирикади: *ёзиб олди, ёза бошлади,*

ишлай тур каби. Баъзи кўмакчи феъллар равишдошнинг ҳад икки турига бирика олса, айримлари фақат *-(и)б* ёки *-а, -й* аффиксли равишдошга бирикади. Масалан, *ол, бер, тур* кўмакчи феъллари равишдошнинг ҳар икки турига, *бошла, ёз* кўмакчи феъллари эса *-а, -й* аффиксли равишдошга, *бўл, ташла* кўмакчи феъллари *-(и)б* аффиксли равишдошга бирикади: *ёзиб бер, ёза бер, ёзиб ол, ёза ол; ёзиб тур, ёза тур, ёза бошлади, ишлай бошлади, йиқила ёзди, ёзиб бўлди, ёзиб ташлади*. Равишдошнинг фақат *-а, -й* аффиксли турига бирикадиган кўмакчи феъллар учта: *бошла, бил, ёз: ёза бошла, ёз тур, бита ёзди*.

Кўмакчи феълнинг қандай равишдош формасига бирикиши унинг аслида қандай формадаги бирикма негизида кўмакчи феълга айланганлиги билан изоҳланади. Масалан, *ташла* кўмакчи феъли ёрдамида ясалувчи бирикув аслида *-и(б)* аффиксли равишдошнинг *ташла* феълига бирикишидан ҳосил бўлувчи сўз бирикмасидан келиб, чиққан ва бирикишнинг шу формаси ҳозир ҳам сақланган: *ёзиб ташлади*.

Айрим кўмакчи феъллар етакчи феълга грамматик форма ёрдамисиз ҳам бирикади. Бундай ҳолларда етакчи ва кўмакчи феъл бир хил формада бўлади: *ёзди-олди, айт-қўй, кетсин-қўйсин* каби. Лекин етакчи феълга фақат шу типда бирикиш бирорта кўмакчи феъл учун ҳам характерли эмас. Айрим феълларгина равишдош формасига бирикиш билан бирга етакчи феълга шу типда ҳам бирикади.

Кўмакчи феъллар етакчи феълга равишдош формаси ёрдамида бирикканда, туловчи формантлар кўмакчи феълга қўшилади: *ёзиб олдим, ёзиб олсин, ёзиб олсанг, ёзиб олмоқчи* каби.

Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларда кўмакчи феъл бирдан ортиқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳам ҳар бир кўмакчи феъл равишдош формаси орқали бирикади: *айтиб бериб тур, айтиб бериб тура қол*. Бирдан ортиқ кўмакчи феълли бирикувлар ҳам икки компонентга — етакчи ва кўмакчи компонентга бўлинади. Масалан, *ёзиб бериб тур* бирикувида *ёзиб* — етакчи компонент, *бериб тур* — кўмакчи компонент.

Бирдан ортиқ кўмакчи феълли бирикувларда равишдошнинг *-(и)б* аффикси ёрдамида ясалувчи турига бирикадиган кўмакчи феъл олдин, *-а, -й* аффиксли равишдошга бирикадиган кўмакчи феъллар кейин бирикади: *олиб бера қол, ишлаб юра тур* каби. Лекин *ола қолиб бер, ишлай туриб юр* типдаги бирикиш йўқ.

Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувлар уюшиб келган ҳолларда бирдан ортиқ етакчи феълга кўмакчи феълнинг бир марта қўлланиш ҳоллари ҳам учрайди: *Ун ёшидан бери ўқитиб, едириб, кийдириб келаман* (А. Қодирий). *Ёруғ дунёдан бўлган умидимиз бу камбағалчиликни еб, кемириб ташлаётди* (А. Қаҳҳор). *Йил сайин колхознинг ери кенгайиб, техникаси кўпайиб, одамлари ўсиб бормоқда* (М. Жўра).

Етакчи феъл қўшма, жуфт ёки такрорий феъллардан бўлиши,

шунингдек, етакчи феъл баъзи форма ясовчи аффиксларни қабул қилиши мумкин: *Шу сабабли совет кишилари партияни астойдил қўллаб-қувватлаб келмоқдалар* («Тошкент ҳақиқати»). *Бошқа ҳеч гапга ўрин қолмаган бўлса ҳам, яна узиб-узиб олди* (А. Қаҳҳор). *Э, азиз дўстим, сал қийналиброқ қолдим* (А. Қаҳҳор).

Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувлар ўз хусусиятлари билан кўшма феъллардан (кўшма сўзлардан) ҳам, сўз бирикмаларидан ҳам фарқ қилади. Уларни, ўз хусусиятларига кўра, феълнинг махсус аналитик формаси деб қараш керак бўлади.

Кўмакчи феълларнинг ҳаммаси мустақил феъл сифатида ҳам кенг қўлланиши сабабли, маълум ҳолларда уларнинг мустақил феъл ёки кўмакчи феъл эканини белгилаш қийинроқ бўлади. Бу ҳол, айниқса, кўмакчи феъл вазифасида қўлланганда ифодалайдиган маъноси билан мустақил феъл сифатида қўлланганда ифодалайдиган маъноси ўртасида боғланиш аниқ сезилиб турган ҳолларда юз беради. Буни *бошла, бўл, бит* кўмакчи феълларида ҳам кўриш мумкин: *ёза бошлади, ёзиб бўлди, ёзилиб битди*. Агар кўмакчи феъл мустақил феъл сифатида қўллангандаги маъносидан бутунлай бошқа маъно ифодаласа, унинг кўмакчи феъл экани аниқ сезилиб туради: *ёза олади, кета бер, семириб кетди* каби.

Равишдош формасига бирикиб келган феълнинг мустақил ёки кўмакчи феъл эканини белгилашда асосий белги унинг қандай маъно ифодалаши бўлмайди, яъни бунда кейинги феълнинг ўз асл маъносига яқин ёки бутунлай бошқа маъно ифодалашинигина асосга олиш тўғри бўлмайди. Бунда равишдош формасидаги феъл ва унга бирикиб келган феълнинг бир-бирига бўлган муносабатига асосланиш керак бўлади. Агар равишдош формасидаги феъл кейинги феълнинг белгисини кўрсатса, ўз-ўзидан, кейинги феъл мустақил феъл бўлади. Аксинча, равишдош формасига бирикиб келган феъл у билдирган ҳаракатнинг бирор жиҳатдан характеристикасини кўрсатса, кўмакчи феъл ҳисобланади. Шу жиҳатдан *ирғиб тушди* бирикувидаги *туш* феъли мустақил ёки кўмакчи феъл бўлиши мумкин: (*Девордан*) *ирғиб тушди* (*туш* — мустақил феъл). (*Қаттиқ говушдан*) *ирғиб тушди* (*туш* — кўмакчи феъл). Бирор кўмакчи феъл мустақил феъл сифатида ифодалайдиган маъносига жуда яқин маъно ифодалаши мумкин. Шундай ҳолларда ҳам юқоридаги белги асосга олиниши керак. Масалан, *ёза бошлади* бирикувидаги *бошла* феъли бошланиш (бошлаш) маъносини билдиради. Лекин бунга қараб уни мустақил феъл деб бўлмайди. Чунки *ёза бошлади* бирикувида равишдош формасидаги феъл (*ёза*) *бошла* феълнинг белгисини билдираётгани йўқ. Аксинча, *бошла* феъли *ёз* феълни билдирган ҳаракатнинг характеристикасини кўрсатапти. Шу сабабли у кўмакчи феъл ҳисобланади.

Кўмакчи феълларнинг баъзилари бир маъноли, кўпчилиги эса кўп маънолидир. Масалан, *бит* кўмакчи феъли фақат тугаллик маъносини билдиради. *Қол* феъли эса ўндан ортиқ маънога эга.

Кўп маъноли кўмакчи феълларнинг қандай маънода қўллангани контекстда аниқ бўлади.

Кўп маънолилиқ равишдошнинг *-(u)б* аффикси ёрдамида ясалувчи турига бирикадиган кўмакчи феълларда учрайди.

Равишдошнинг ҳар икки турига бирика оладиган кўмакчи феъллар, одатда, *-(u)б* аффикси билан ясалувчи равишдошларга бирикканда бошқа маъно, *-а, -й* аффикси орқали ясалган равишдошга бирикканда бошқа маъно ифодалайди: *олиб бер — ола бер, ёзиб олди — ёза олди, кўриб қол — кўра қол* ва б. Агар кўмакчи феъл кўп маъноли бўлса, маъноларининг кўпчилиқ қисми *-(u)б* аффиксли равишдошга бирикканда ифодаланадиган маънолар бўлади. Масалан, *қол* кўмакчи феълнинг саккизта маъноси равишдошнинг *-(u)б* аффикси билан ясалувчи турига бирикканда ифодаланадиган маънолардир.

Равишдошнинг ҳар икки турига бирикканда ҳам бир хил маъно ифодаланиши бир-икки кўмакчи феълдагина учрайди: *савалаб кетди — савалай кетди*. Лекин шунда ҳам равишдошнинг *-(u)б* аффиксли турига бириккан форма билан *-а, -й* аффиксли турига бириккан форма маънодаги нозик ўзгачалиги ва бошқа хусусияти билан бир-биридан фарқланади.

Бирдан ортиқ кўмакчи феълли бирикувларда ҳар бир кўмакчи феъл ўз маъноси билан қатнашади. Агар бирикув таркибидаги бирор кўмакчи феъл тушириб қолдирилса, шу кўмакчи феълга хос маъно йўқолади. Қиёсланг: *ўқиб бериб тур-ўқиб бер — ўқиб тур*.

Бирдан ортиқ кўмакчи феълли бирикувларда ҳар бир кўмакчи феълнинг маъноси фақат етакчи феълнинг маъносига қўшимча тарздаги маъно бўлмайди, балки маънолар муносабати бир оз бошқачароқ бўлади. Бунда биринчи кўмакчи феъл ифодалайдиган маъно бевосита етакчи феълнинг маъносига қўшимча маъно бўлиб, кейинги кўмакчи феълларнинг маъноси эса ўзидан олдинги кўмакчи феъл ва етакчи феълнинг маънолари йиғиндисига қўшимча тарздаги маъно бўлади. Масалан, *ўқиб бериб тур* бирикувида *бер* кўмакчи феъли ўқиш ҳаракатининг ўзга учун бажарилишини, *тур* кўмакчи феъли эса ана шу ўзга учун бажариладиган ҳаракатнинг давомчилиги маъносини билдиради. Кўмакчи феълларнинг етакчи феълга бирикишида маълум ўзгармас тартиб борлиги (хоҳлаган кўмакчи феълни олдин ёки кейин қўллайтириш мумкин эмаслиги) ҳам ашунинг таъсирида келиб чиқади.

Кўмакчи феълларнинг қўлланиш доираси бир хил эмас. Айрим кўмакчи феъллар деярли барча феъллар доирасида қўллана олса, баъзилари sanoқли феъллар билангина қўллана олади. Масалан, *бошла* кўмакчи феъли деярли барча феъллар билан қўллана олгани ҳолда, *юбор* кўмакчи феъли *қизар, ухла, тарбияла* каби юзлаб феъллар билан бирика олмайди. Кўмакчи феълнинг қандай феъл билан бирика олиш ёки бирика олмаслиги, биринчи навбатда, ҳаракат билан кўмакчи феъл билдирадиган маънонинг хусусиятидан келиб чиқади. Масалан, *ташла* кўмакчи феъли *ухла* феъли билан бирикмайди (*ухлаб ташлади* дейилмайди). Чунки *ухла* феъли

билдирган ҳаракат *ташла* кўмакчи феъли ифодалайдиган маънода бажариладиган ҳаракат эмас. Бундан ташқари, кўмакчи феълларда улар мустақил феъл сифатида қўлланганда ифодалайдиган ҳаракатга хос хусусият маълум даражада сақланиши мумкин. Бу нарса ҳам кўмакчи феълнинг қўлланиш доирасини маълум даражада чегаралаб қўяди. Масалан, *чиқ* кўмакчи феъли тугаллик, тўла бажарилиш маъносини билдиради. Лекин у шу маънода барча феъллар билан қўллана бермайди. Масалан, хат ёки ҳикояни ёзиб гугатиш маъносини ифодалашда *чиқ* кўмакчи феъли қўлланмайди, яъни «ёзиб бўлди», «ёзиб тугатди» маъносиди «ёзиб чиқди» формасини қўллаб бўлмайди. Ҳаракатни ўз устига олган объект кириш ва чиқиш (бошланиш ва тугаш) пунктларига эга бўлса, тугаллик маъносини ифодалаш учун *чиқ* кўмакчи феълни қўллаш мумкин бўлади: *китобни ўқиб чиқди*.

Бошла. Равишдошнинг *-а, -й* аффиксли турига бирикади ва ҳаракатнинг бошланиши маъносини билдиради: *ёза бошлади, ишлай бошлади*: *Мажлис тамом бўлиб кишилар тарқала бошлади* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Ёт. Равишдошнинг *-(и)б* аффиксли турига бирикади: *ёзиб ётибди, ишлаб ётибди*, (*ёзаётибди, келаётибди* каби форма таркибидаги *ётиб* кўмакчи феъл эмас, балки аффикс ҳисобланади). Маъноси:

1. Давомлиликни билдиради ва ҳаракатни кучли оттенка билан ифодалайди: *Дарёдан сув чиқаришга уриниб ётишибди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

2. Субъектнинг етакчи феълдан англашилган ҳолатда мавжудлигини билдиради: *уйилиб ётибди, кўкариб ётибди, занглаб ётибди*. Ёт кўмакчи феъли ёрдамида ясалувчи феъл бирикуви бошқа майл ва бошқа замон формаларига нисбатан ижро майли ҳозирги замон формасида кўп қўлланади.

Тур. Равишдошнинг ҳар икки тури билан ҳам бирика олади: *ёзиб тур, ёза тур, ишлай тур*.

1. Равишдошнинг *-(и)б* аффиксли турига бирикканда:

1. ҳаракатнинг маълум конкрет (чегараланган) вақт ичида давом этишини билдиради: *Улар машинадан тушиб, йўл четидаги дарахтлар орқасига ўтиб турдилар* (О й б е к). *Сидиқжон... қизни кузатиб турган эди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). Шу маънода ҳозирги замон формасида қўлланса, ҳаракатнинг худди нутқ momentiда бўлаётганлиги ифодаланади: *Кўнглингда қандай ўй борлиги кўзингдан кўриниб турибди* (С. А й н и й).

2. Ҳаракатнинг маълум белгили вақт ичида, бирор ҳаракат-ҳодиса амалга ошгунча бажарилиши маъносини, «вақтинча», «ҳозирча» деган маънони билдиради: *Сиз ўқишга кетганингда дарахтларга ўзим қараб тураман* (Ш. Рашидов). *То шаҳардан муаллим келгунча, бўлис ўзлари ўқитиб турадилар* (Ҳ. Фулом). *Тур* кўмакчи феъли бу маънони билдирган ҳолларда у мустақил феъл сифатида билдирадиган ҳаракатга хос хусусият бутунлай бўлмайди. Шунинг учун ҳам у бу маънода *тур* феълга қарама-қарши маъно билдирувчи *юр, ўтир, ёт* феъллари билан ҳам,

ҳатто, *тур* феълнинг ўзи билан ҳам қўллана олади; *бирпас юриб тур*; *ўтириб тур*; *ётиб тур*; *туриб тур*.

3. Айрим феъллар билан бирикканда, ҳаракатнинг такрорийлиги маъноси ифодаланади. Бу маъно етакчи феъл билдирган ҳаракатнинг хусусияти ва *тур* кўмакчи феълга хос давомлилик маъноси таъсирида келиб чиқади: *Биз томонларга ҳам бориб туринг* (Ойбек). *Улар Олимжон кетган кунлардан бошлаб... бир-бирлари билан самимий ва дўстона хат олишиб турдилар* (Ш. Рашидов).

4. Субъектнинг етакчи феълдан англашилган ҳолатда эканини билдиради. Бу ҳолат статик ҳолат бўлади: *Хў анови нашватини қаранг, ўғлим, — деди у... меваларининг кунгай томони қизариб турган нашвати дарахтига имо қилиб* (М. Исмоилий).

II Равишдошнинг *-а, -й* аффиксли турига бирикканда:

1. Ҳаракатнинг вақтинча, бирор бошқа ҳаракат-ҳодиса юз бергунча давом этиши маъносини (русча «пока» деган маънони) билдиради; *бора тур, қўя тур, ёза тур, ишлай тур. Тур* кўмакчи феъл *-(у)б* аффиксли равишдошга бирикканда ҳам шу маънони ифодалай олади. Лекин бу икки форма (*ёзиб тур* ва *ёза тур* формаси) ўзига хос фарқли хусусиятларга эга. Биринчидан, ҳаракатнинг давомлилиги *ёзиб тур* формасидагига нисбатан *ёза тур* формасида қисқароқ бўлади. Иккинчидан, *тур* кўмакчи феъл равишдошнинг *-а, -й* аффиксли турига бирикканда, «вақтинча», «ҳозирча» деган маъно контекстдан ташқарида ҳам аниқ ифодаланаверади. *-(у)б* аффиксли равишдошга бирикканда эса бу маъно контекстдан ташқарида аниқ ҳолатда бўлмайди. Қиёсланг: *ёзиб тур — ёза тур, айтиб тур — айта тур, кутиб тур — кута тур*. Учунчидан, айрим феълларга равишдош ясовчи *-(у)б* аффикси орқали бирикканда, ҳолатнинг маълум вақтдаги давоми ифодаланса, *-а, -й* аффиксли равишдош формасига бирикканда, ҳаракатнинг маълум вақтдаги давоми ифодаланади. Қиёсланг: *бориб тур — бора тур, чиқиб тур — чиқа тур, ётқизиб туриб — ётқиза туриб, — очиб туриб — оча туриб* ва б. Тўртинчидан, буйруқ-истак майли формасида қўлланганда, *ёза тур, ишлай тур* формасида буйруқ жуда кучсизланади, ҳатто, йўқ ҳолатда бўлади. *Ишлаб тур, ёзиб тур* формасида эса буйруқ ўз кучида бўлади.

2. *Бил, кўр*, бўл феъллари билан *-(у)б* аффиксли равишдош формасида қўлланганда (шахс-сон билан тусланмаган ҳолатда), «билгани ҳолда», «кўргани ҳолда», «бўлгани ҳолда» деган маъно ифодаланади. Шу билан бирга, гап ичидаги бирор сўз билдирган ҳаракат ёки ҳодисанинг етакчи феъл билдирган ҳаракатга зидлиги ҳам ифодаланади: *Эрашнинг хулқини била туриб, унга бир оғиз ишпиштиб қўймаганига энди қаттиқ ўқинди* (А. Муҳтор). *Амирнинг раҳмсизлик билан одамларни ўлдираётганини кўра туриб бош кўтаришга ботинадими?* (С. Айниё). *Алижонга секин қаради-да, ундан истиҳола қилди шекилли, оғзига келган гапни дарров гапиролмади.*

— *Бола-чақаси бўлатуриб бировнинг қизига...* (Ҳ. Нуъмон).

Тур кўмакчи феъли равишдошнинг *-(у)б* аффиксли турига бирикканда ҳам шу маъно ифодаланиши мумкин: *билиб туриб қилляпти*. Лекин бу форма мазкур маънода кам қўлланади. Бундан ташқари, *билиб туриб* (*кўриб туриб*, *бўлиб туриб*) формасида етакчи феълдаги ҳаракатга зидлик, номуносиблик маъноси бўлмаслиги мумкин. *Била туриб* формасида эса ҳамма вақт шу маъно ҳам бўлади. Қиёсланг: *билиб туриб кўнмаяпти* — *била туриб кўнмаяпти*. Шу сабабли зидлик маъносини аниқ ифодалаш учун *била туриб* (*кўра туриб*, *бўла туриб*) формаси қўлланади.

Юр. Равишдошнинг *-(у)б* аффиксли турига бирикади ва қуйидаги маъноларни билдиради: 1. Ҳаракатнинг узоқ давомини билдиради: *Урмонжон хўп ҳам тўлиб-тошиб юрган экан*, *юрагини роса бўшатди* (А. Қаҳҳор). *Мен звенога Ғуломжонни мўлжаллаб юрибман* (Ҳ. Нуъмон).

2. Етакчи феълдаги ҳаракат маъқул бўлмаган ҳаракатлигини, унинг бажарилиши мақсадга мувофиқ эмаслигини билдиради: *Тўй қизиганда яна бир балони бошлаб юрма*, — *деб Тўламат мўйлов Қўчқорга қўл чўзди* (С. Анорбоев).

Юр кўмакчи феъли асосан жонли предметлар бажарадиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан қўлланади.

Утир. Бу кўмакчи феъл равишдошнинг *-(у)б* аффикси ёрдамида ясалувчи турига бирикади ва:

1. Худди *ёт*, *тур*, *юр* кўмакчи феъллари каби ҳаракатнинг давомлилигини билдиради. Бу кўмакчи феъл давомлиликни ифодалаган ҳолларда ўз асл маъносини тамомила йўқотмайди (маълум даражада ўз маъносини сақлайди). Шунинг учун ҳам *ёзиб ўтирмоқ*, *ишлаб ўтирмоқ* каби бирикувларда *ўтир* феълнинг мустақил феъл ёки кўмакчи феъл эканлигини белгилаш бир оз қийинроқ бўлади: *Қия столлардан иккитасида икки йигит бош кўтармай ишлаб ўтирибди* (А. Мухтор).

Утир кўмакчи феъли маълум даражада ўз маъносини сақлаши сабабли бу кўмакчи феъл билан ясалган бирикувларда етакчи феълдаги ҳаракат-ҳолат маълум конкрет вақт ичида бажарилувчи ҳаракат-ҳолат бўлади, яъни ўтириш ҳолатида бажарилувчи ҳаракат-ҳолат бўлади. Шу сабабли *ўтир* кўмакчи феъли бириккан конструкция ҳозирги замон маъносида қўлланганда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг худди нутқ моментида бажарилаётганлиги ифодаланади: *ишлаб ўтирибди*, *ёзиб ўтирибди* каби.

2. Етакчи феълдаги ҳаракат мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳаракат эканлигини, шу ҳаракатнинг бажарилишига субъект ёки сўзловчининг тарафдор эмаслиги маъносини билдиради: *Агар ота-онангиз мен билан шу ерда умр қилишингизга рози бўлишса*, *ўзингиз ҳам шунини хоҳласангиз*, *шариат-тариқат деб ўтирмаймиз* (А. Қаҳҳор). *Одам бўлсанг шунақа бемаза гапларни гапириб ўтирармидинг?!* (Уйғун).

Утир кўмакчи феъли бу маънода қўлланганда, кўпинча, давомлилик маъносига эга бўлмайди. Шунинг учун ҳам у *-(и)б* аффиксини олиб, шахс-сон билан тусланганда, асосан, ўтган замон маъносини билдиради (ҳозирги замонни билдириши кам учрайди): *Қўйинглар-э? Яна мен сизларга ишониб юзга қўл қўйиб ўтирибман-а!* (*У йғун*). *Мен содда шунинг гапига ишониб ўтирибман* (*А. Қ а ҳ ҳ о р*).

Ўтир кўмакчи феъли давомлилик маъносида қўлланганда унинг равишдош ясовчи *-(и)б* аффиксини олиб, шахс-сон билан тусланган формаси контекстга кўра ҳозирги замон ёки ўтган замон маъносини ифодалаш мумкин. Ўтган замон маъносини билдирганда, бу форма «Ўтган замон эшитилганлик» феъли ҳисобланади. «Ҳаракатнинг бажарилишига сўзловчининг тарафдор эмаслиги» маъносида қўлланганда ҳам унинг *ўтирибман, ўтирибсан, ўтирибди* формаси ўтган замон маъносини билдиради. Лекин бунда у ўтган замон эшитилганлик маъносини эмас, балки ўтган замон аниқлик маъносини билдиради. Қиёсланг: *Мулла Бурҳон ҳам Ситоранинг келишини кутиб, ...бирон жойга чиқмай ўтирибди. Ситора ҳам кўп куттирмабди* (*С. А й н и й*): *Тирик одамни, дабдурустан: «Йўқ қилинди,» — деб ўтирибди* (*А. Мухтор*).

Утир кўмакчи феъли бу маъноси билан буйруқ-истак майлида, ҳамма вақт бўлишсиз формада қўлланади: *айтиб ўтирма, сўраб ўтирма, хафа қилиб ўтирмасин, жавоб беролмай ўтирмай* каби. Бунинг сабаби шундаки, сўзловчи ўзи тарафдор бўлмаган (ўзи хоҳламаган) ҳаракатни бажаришни буюрмайди ва ўзи ҳам шундай ҳаракатни бажаришни истамайди.

Бор. Бу кўмакчи феъл равишдошнинг *-(и)б* аффикси орқали ясалган тури билан ҳам, *-а -й* аффикслари орқали ясалган тури билан ҳам бирика олади ва иккала ҳолатда ҳам ҳаракатнинг давомлилиги маъносини билдиради: *Кундан-кунга Зайнабнинг сусайиб, ўзига бегоналашиб борганини яхши англари эди* (*А. Қ од и р и й*). *У кун сайин ака-ука, ёр-оғайнига айланиб бораётган кишилар орасида ўзининг бегоналигини унутиб борди* (*П. Турсун*).

Бор. кўмакчи феъли ҳаракатнинг давомлилигини ифодалаш билан бирга, бу ҳаракатнинг бирор пунктга қараб йўналивчи ҳаракат эканлигини (шу пунктга қараб йўналишда давом этувчи ҳаракат эканлигини) билдиради. Давомлиликни ифодаловчи *ёт, тур, юр, ўтир, бер* каби кўмакчи феъллар ана шу йўналиш оттенкасига эга эмас: *Бу йил ҳам неча кун ҳаво булут бўлиб, ёмғир ёққанини ёзиб бораман, денг?* («*М у ш т у м*»).

Агар *ёзиб бораман* бирикувидаги *бор* кўмакчи феъли ўрнида *тур* ёки *юр* кўмакчи феъллари қўллansa, йўналиш оттенкаси йўқолади.

Бор кўмакчи феъли ифодалайдиган йўналиш уч хил ҳодисада бўлиши мумкин.

1. Йўналиш вақт доирасида бўлади. Бунда ҳаракатнинг йўналиш бошланадиган пункти ҳам, йўналиш қаратилган (йўналиш борадиган) пункти ҳам вақтда бўлади: *Соат олтидан ўтиб бораё-*

тир, дараги бўлади (А. Қаҳҳор). Дафтарга каникулда қилган ишларимни ҳеч қолдирмай ёзиб бормоқчиман (Р. Файзий).

2. Йўналиш макон (жой) да бўлади. Бунда йўналишнинг бошланиш пункти ҳам, йўналиш қаратилган пункт ҳам макон (жой) да бўлади: *Йўлда Жўрахоннинг ҳалокатини айтиб борди* (Саид Аҳмад). *Ботиб бораётган қуёшнинг шуъласи дарёни қипқизартириб юборди* (А. Қаҳҳор).

3. Йўналиш даражада бўлади. Бунда йўналишнинг бошланиш пункти ҳам, йўналиш қаратилган пункт ҳам даражада бўлади: *Башорат сингисининг ўз кўз ўнгида ўзгариб бораётганини сезарди* (А. Мухтор). *Ундаги безовталиқ авжига минган сари кўнелида ашулага иштиёқ кучайиб борарди* (М. Исмоилий).

Келтирилган мисолларнинг иккаласи ҳам етакчи феъл ифодалаган ҳаракат даражасининг бошланғич пунктдан охириг пунктга (даражанинг энг охириг пунктига) қараб йўналиши ифодаланади. Йўналиш даражанинг бошланғич пунктдан охириг (энг юқори) пунктга қараб бўлганлиги учун бундай ҳолларда ҳамма вақт даражанинг борган сари кучайиб (ривожланиб) бориши ифодаланади.

Бор кўмакчи феълнинг *-(у)б* аффикси орқали ясалган равишдошга бириккан формаси билан *-а, -й* аффикслари орқали ясалган равишдошга бириккан формаси давомлилик маъносини билдирсада, лекин икки форма маълум фарқли хусусиятларга эга.

1) *Бор* кўмакчи феълнинг *-а, -й* аффикси билан ясалган равишдошга бириккан формаси *-(у)б* аффикси билан ясалган равишдошга бириккан формасига нисбатан кам қўлланади.

Бор кўмакчи феълнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан тури, асосан, ўтган замон формасида қўлланади. Бошқа замон формаларида, айниқса ҳозирги замон формасида қўлланиши жуда ҳам кам учрайди. *-(у)б* аффикси билан ясалган равишдошга бириккан тури эса барча замон формасида қўлланаверади: *ёзиб бордим, ёзиб боряпти, ёзиб боради: Узини шу қуриб бораётган мажнун толга ўхшатди* (М. Исмоилий). *Узларингга маълум, саройнинг харажати кундан-кунга ошиб бормоқда* (Ж. Шарипов).

Келтирилган икки мисолдаги *қуриб бораётган, ошиб бормоқда* формаси ўрнида *қурий бораётган, оша бормоқда* формаси қўлланмайди.

Бор кўмакчи феълнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан формасининг қўлланиши, асосан, йўналишнинг даража аспектида учрайди. Йўналишнинг вақт аспектида қўлланиши жуда кам учрайди. Макон аспектида қўлланиши эса деярли учрамайди: *Ҳамроҳим йўл-йўлакай колхоз ҳақида гапириб борди* («Қизил Ўзбекистон»). *Қуёш қизариб ботиб бораётган пайтда ниманидир сезиб, Давлатёрни уйғотди* (П. Турсун).

Уз ичидан шилинади,

Индамай кетиб боради (Фозил Йўлдош).

Келтирилган мисоллардаги *гапириб борди*, *ботиб бораётган*, *кетиб боради* формасидаги бирикув ўрнида *гапира борди*, *бота бораётган*, *кега боради* формасидаги бирикув қўлланмайди.

2) *Бор* кўмакчи феълнинг *-а*, *-й* аффикслари орқали ясалган равишдошга бириккан формаси маъно оттенкаси ва маънодаги баъзи нозик белгиси билан *-(и)б* аффикси орқали ясалган равишдошга бириккан формасидан фарқланади.

Бу форма ҳаракатнинг йўлакай бажарилувчи ҳаракат эканлигини кўрсатади. Худди шу маънода унинг *-(и)б* аффикси билан ясалган равишдошга бириккан формаси ҳам қўлланади. Лекин бу маъно бевосита шу форманинг ўзи орқали ифодаланмайди, балки контекст ёки умумий ҳолатдан реаллашади. Контекст шу маънони аниқ кўрсатмаса, бу ҳаракатнинг йўлакай бажарилувчи ҳаракат ёки асосий ҳаракат эканлиги аниқ бўлмайди. *-а* *-й* аффикси билан ясалган равишдошга бириккан формаси эса контекстдан ташқарида ҳам ҳаракатнинг йўлакай бажарилувчи ҳаракат эканлигини аниқ ифодалайди: *Биз республика қишлоқ хўжалик илғорларининг ҳамма ишларини кузатиб борамиз* (М. Жўра). Бу мисолда етакчи феълдаги ҳаракатнинг асосий ҳаракат ёки йўлакай бажарилувчи ҳаракат эканлиги аниқ ифодаланмайди. Агар *кузатиб борамиз* формаси ўрнида *кузата борамиз* формаси қўлланса, етакчи феълдаги ҳаракат йўлакай бажарилувчи ҳаракат эканлиги ифодланади.

Лекин ҳаракатнинг йўлакай бажарилувчи ҳаракат экани, кўпинча, контекст ёки умумий ҳолатдан маълум бўлиб туради. Шу сабабли йўлакай бажарилиш маъносида ҳам *-(и)б* аффикси билан ясалган равишдошга бириккан формаси қўлланаверади. Бу ҳодиса *-а*, *-й* аффикси билан ясалган равишдошга бириккан формасининг қўлланиш доирасини анча чегаралаб қўяди.

Бор кўмакчи феълнинг *-а*, *-й* аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан формаси «йўлакай бажарилиш» оттенкасига эга бўлгани учун етакчи феълдаги ҳаракат асосий ҳаракат сифатида бўлган ҳолларда бу форма қўлланмайди: *Қорни очиб, овқатга иштаҳаси ортиб бораётганини сезди* (Ҳ. Нуъмон).

Юқорида *бор* кўмакчи феълнинг *-а*, *-й* аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан турининг, асосан, ўтган замон формасида қўлланишини айтган эдик. Бунинг сабаби ҳам шу форманинг «Йўлакай бажарилиш» («йўлдошлик») оттенкасига эгаллиги билан изоҳланади. Масалан, «кунлар шу тариқа ўта борди», дейилади, лекин «ўта боряпти» дейлмайди, балки, «ўтиб боряпти» дейилади. Чунки сўзловчининг ўзи ҳозир ҳам бор. Айтилаётган кунлар (вақтлар эса ўтган. Демак, маълум ҳодисаларга эга бўлган вақтлар сўзловчига «йўлдош» бўлган. Шунинг учун ҳам бунда «Йўлдошлик» («ҳамроҳлик») оттенкасини ифодаловчи *ўта борди* формасини қўллаш мумкин бўлади. Ҳозирги замон маъносида эса вақтнинг ўтиш ҳаракати бошқа бирор ҳаракатга «Йўлдош» («ҳамроҳ») тарзидаги ҳаракат (бошқа бирор ҳаракат билан бирга боровчи ҳаракат) бўлмайди. Аксинча, бошқа ҳаракатлар вақт билан бирга

борувчи (унга йўлдош тарзидаги) ҳаракат бўлиши мумкин бўлади. Шу сабабли йўналиш вақт аспектида бўлганида ва ҳаракат субъекти вақтнинг ўзи бўлганида, *бор* кўмакчи феълнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан тури ҳеч вақт ҳозирги замон формасида қўлланмайди. Бунда *бор* кўмакчи феълнинг *-(и)б* аффиксли равишдошга бириккан тури қўлланади: *Соат олтидан ўтиб бораётир, дараги бўлмади* (А. Қаҳҳор).

Кел. Бу кўмакчи феъл равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикади ва давомлилик маъносини йўналиш отенкаси билан ифодалайди. *фойдаланиб келмоқ, сақлаб келмоқ. Бригада ўша йилдан буён йилга ҳосилни уч-беш центнердан ошириб келяпти* (Р. Файзий). *Сиз одамларни эзиб, уларнинг меҳнати билан бойлик орттириб келдингиз* (П. Турсун),

Йўналиш *кел* кўмакчи феълида ҳам, худди *бор* кўмакчи феълидаги каби, уч хил аспектда бўлади.

1. Вақт аспектида: *Неча йиллардан бери қалбида сақланиб келаятган эзгу армонлар унинг бутун асабларини уйғотиб юборган эди* (С. Зуннуова).

2. Макон аспектида: *Асқар ота уни йўл бўйи сансираб келганидан қаттиқ ҳижолат бўлди* (А. Қаҳҳор). *Эндигина кўтарилиб келаятган офтоб унинг тиниқ бетидан ойданек ялтираб, кўзни оламан дейди* (Саид Аҳмад).

3. Даража аспектида: *Гапинг тўғри-ку, лекин колхозларинг дуруст бўлиб келаяпти* (А. Қаҳҳор). *Энди сабзариинг келаятган кўкатларнинг, ҳали очилмаган ўрик гулларининг муаттар ҳидларини таратиб енгил шамол эсмоқда* (О. Ёқубов).

Кўринадик, *кел* кўмакчи феъли ҳам, худди *бор* кўмакчи феъли каби, давомлиликни йўналиш отенкаси билан ифодалайди ва бунда ҳам йўналиш уч хил аспектда (вақт, макон ва даража аспектларида) бўлади. Лекин йўналишнинг характери ва бошқа хусусиятлари билан *бор* ва *кел* кўмакчи феъллари ўзаро фарқланади. *Бор* кўмакчи феълида сўзловчи йўналиш бошланадиган томонда бўлади. *Кел* кўмакчи феълида эса йўналиш қаратилган томонда бўлади. Қиёсланг: *Бугундан бошлаб хотираларни ёзиб борасан* (Ҳ. Назир). *Совет ҳукумати космик тадқиқотлар соҳасидаги Совет Иттифоқининг муваффақиятларини фақат совет халқининг ютуқлари эмас, шу билан бирга бутун инсониятнинг ҳам ютуқлари деб ҳамиша ҳисоблаб келди ва ҳисобламоқда* («Тошкент ҳақиқати»).

Бор ва *кел* кўмакчи феълларидаги йўналишнинг ана шу фарқи бу икки феълнинг ўзаро яна бошқа фарқли хусусиятларини келтириб чиқаради. Бу фарқли хусусиятлар йўналишнинг вақт ва даража аспектида учрайди.

Йўналиш вақт аспектида бўлганда, *бор* кўмакчи феъли учала замон (ўтган замон, ҳозирги замон ва келаси замон) формасида қўллана олади, яъни феъл ва *бор* кўмакчи феълидан ташкил топган бирикув учала замон маъносига эга бўла олади: *ёзиб бор-*

дим, ёзиб боряпман, ёзиб бораман. Етакчи феъл ва кел кўмакчи феълидан ташкил топган бирикув эса фақат ўтган замон ва ҳозирги замон формасига эга бўлади: *ишлаб келдим, ишлаб келяпман.* Лекин ҳеч вақт бугундан буён *ишлаб келаман* ёки *эртадан бошлаб ишлаб келаман* дейилмайди. Бунинг сабаби шуки, кел кўмакчи феълида йўналиш нутқ моментигача давом этади. Йўналиш фақат нутқ моментигача давом этар экан, етакчи феъл ва кел кўмакчи феълидан топган бирикувлар, ўз-ўзидан, келаси замон маъносига эга бўлмайди. Чунки келаси замон нутқ моментидан сўнг бошланади.

Кел кўмакчи феъли билан ясалган бирикувлар буйруқ майли формасида ҳам қўлланмайди.

Бор кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда ҳам, *кел* кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда ҳам йўналиш даражанинг қуйи босқичидан юқори босқичига қараб бўлади. Лекин *бор* феъли йўналишнинг даражадаги охириги пунктга (энг юқори пунктга) қараб бўлишини билдиради. *Кел* кўмакчи феъли ҳаракатнинг ривожланишида давом этишини ифодаласа ҳам, бироқ унинг даражадаги охириги пункт (энг юқори)га қараб ривожланаётгани ифодаланмайди. Қуйидаги мисолларни олиб кўрайлик: *Шамол кучайиб боряпти, шамол кучайиб келяпти.* Факт шуки, даражанинг ривожланиши бошланган ва ҳозир давом этапти. Бу маънода иккала гап ҳам бир-биридан фарқланмайди. Лекин *шамол кучайиб боряпти* гапида кучайишнинг борган сари юқори пунктга қараб ривожланаётгани ифодаланади. *Шамол кучайиб келяпти* гапида ҳам шамолнинг кучайишида (ривожланишида) давом этаётганлиги ифодаланади. Лекин охириги пунктга томон ривожланаётганлиги ифодаланмайди. Бу нарса *бор* ва *кел* феълларидаги йўналишнинг характери билан изоҳланади. *Шамол кучайиб боряпти* гапида ривожланишнинг сўзловчи олдида (нутқ моментида бўлаётганлиги ва ундан келгусига қараб яна шундай ривожланишида бўлиши ифодаланади. Чунки *бор* кўмакчи феълида йўналиш сўзловчи томондан келгусига қараб бўлади. *Шамол кучайиб келяпти* гапида йўналиш ҳеч вақт сўзловчи мавжуд бўлган пунктдан (нутқ моментидан) келгусида ўтмайди. Сўзловчининг ўзи йўналиш қаратилган томонда бўлади. Шунинг учун ҳам *кучайиб келяпти* гапида даражанинг охириги пунктга қараб ривожланишида яна давом этиши бўлмайди.

Кел кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда, кўпинча, ҳаракатнинг энди юзага келганлиги (яқинда бошланганлиги) ифодаланади: *гуллар очилиб келяпти, узум қизариб келяпти, қовунлар пишиб келяпти* каби. *Бор* кўмакчи феъли бундай хусусиятга эга эмас. Масалан, *қовунлар пишиб келяпти* деганда пишининг энди юзага келаётганлиги ифодаланади. Худди шу бирикувда *кел* кўмакчи феъли ўрнида *бор* кўмакчи феъли деярли қўлланмайди. Бу нарса ҳам *бор* ва *кел* кўмакчи феълларидаги йўналишнинг характери билан изоҳланади.

Кел кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда даражанинг йўналиши охириги пунктга қараб бўлмайди, балки сўзловчи мавжуд

Бўлган пунктга қараб бўлади. Субъект мавжуд бўлган пункт эса даражанинг юқори пункти эмас. Даражанинг йўналиши юқори (охирги) пунктга қараб бўлувчи йўналиш эмас экан, албатта, у ҳали нормал даражага етмаган бўлади. Чунки юқори даражага қараб йўналиш нормал даражадан сўнг бошланади. Демак, бунда даража энди нормал ҳолатга йўналаётган даража бўлади. Ана шундан даражанинг энди юзага келаётганлиги (энди юз бера бошлаганлиги) англашилади. *Еришиб келяпти, қоронгилашиб келяпти, ўсиб келяпти, исиб келяпти, қизариб келяпти* бирикувларида ҳам худди шу маъно ифодаланади.

Демак, *бор* ва *кел* кўмакчи феълларининг даража аспектидаги асосий фарқи — уларнинг биринчиси даражанинг охирги пунктга (юқори ҳолатга) қараб тобора ривожланиши маъносини, иккинчиси даражанинг яқинда юзага келганлиги (ҳали нормал ҳолатга етмаганлиги) маъносини билдиради.

Бўл. Бу кўмакчи феъл равишдошнинг *-(и)б* аффикси орқали ясалган тури билан бирикади ва:

1) Тугаллик, тўла бажарилиш маъносини билдиради: *Утан ўз улушига тушган зовурни хотини билан қайнанасининг ёрдамида ҳаммадан аввал қазиб бўлди* (Ҳ. Ғулом). *Меҳри газетани ўқиб бўлганча, кўз ёшларини зўрға тўхлатиб, дадасига бурилди* (Ш. Рашидов).

Бўл кўмакчи феъли бирор объект устида бўладиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда, тугаллик ана шу объектга нисбатан бўлади, яъни ҳаракатнинг объект устида тўла бажарилиши (ҳаракат қилинадиган объектнинг тугаши) маъноси ифодаланади: *Китобни ўқиб бўлди. Ерни эртага ҳайдаб бўламиз* каби.

Баъзан тугаллик объектга нисбатан эмас, ҳаракатга нисбатан бўлиши ҳам мумкин. Масалан, *чойни ичиб бўлиб, кинога борамиз* гапида тугаллик ҳаракатга нисбатандир, яъни бунда чойнинг тугаши эмас, балки ҳаракатнинг (ичишнинг) тугаши ифодаланади.

Етакчи феълдаги ҳаракат бирор объект устида бўлмайдиган ҳаракат бўлса, тугаллик ҳаракатнинг ўзига нисбатан бўлади, шу ҳаракатнинг тугаши, тамом бўлиши ифодаланади: *ёғиб бўлди, тарқаб бўлди, ўйнаб бўлди* каби.

2. *Бўл* кўмакчи феълнинг тугаллик, тамом бўлиш маъносини ифодалаши етакчи феълдаги ҳаракатнинг давомли ҳаракат эканлигини ҳам келтириб чиқаради. Чунки ҳаракат тамом бўлиш пунктига эга экан, албатта, у бошланиш пунктига ҳам эга бўлади. Масалан, *одамлар йиғилиб бўлди* гапидаги *йиғилмоқ* феъли билдирган ҳаракат бирданига бўладиган ҳаракат эмас, балки бу ҳаракат маълум шахс (ёки шахсларнинг) келиши билан бошланади ва охири шахснинг (ёки шахсларнинг) келиши билан тугайди. Агар йиғиладиган шахснинг ҳаммаси бирдан келса (бирликда келса) «йиғилиб бўлди» дейилмайди. Шу хусусиятга кўра *бўл* кўмакчи феъли бир он (бир лаҳза)нинг ўзида бажариладиган ҳаракатнинг билдирувчи феъллар билан бирикканда, бошқача маъно — русча «уже» деган маъно ифодаланади. Масалан, яшириниб турган ёки яширин-

моқчи бўлган одамни кўриш (кўриб қолиш, сезиб қолиш) аввал бошланиб, сўнгра тамом бўладиган ҳодиса эмас. Бу маънода кўриш ҳаракати бир лаҳзада (кўз тушиши биланоқ) бажариладиган ҳаракатдир. Шунинг учун ҳам *бўл* кўмакчи феъли *кўр* феъли билан унинг шу маъносига бирикканда, ҳаракатнинг охирига етиши, тамом бўлиши маъносини эмас, балки бирор шахс бошқа бир ҳаракатни бажаргунча, субъектнинг шу ҳаракатни бажариб қўйиши маъносини (русча «уже» деган маънони) билдиради: *кўриб бўлди* (сен яширингунингча кўриб бўлди). *Кетиб бўлди, сезиб бўлди* каби бирикувларда ҳам худди шу маъно ифодаланади. Бу маъно *бўл* кўмакчи феълнинг асосий маъноларидан бирига айланган.

Кетиб бўлди, сезиб бўлди каби бирикувларда ҳам тугаллик маъноси бор, албатта. Лекин бундаги тугаллик «охирига етиш», тамом бўлиш» маъносигади тугаллик эмас. Қиёсланг: *йқиб бўлди — кетиб бўлди*. Биринчисида ҳаракатнинг объект устида тўла бажарилиши (бошидан охиригача етиши) ифодаланади. Иккинчисида эса, етакчи феълдаги ҳаракат бошланиш ва тамом бўлиш пунктларига эга бўлган ҳаракат эмас. Шунинг учун ҳам *кетиб бўлди* бирикувида «уже» деган маъно ифодаланади. Агар кетувчи шахс кўп бўлса ва кетиш олдинма-кетин юз берадиган бўлса, *бўл* кўмакчи феъли ҳаракатнинг охиригача етиши (тамом бўлиши) маъносини билдиради: *Одамлар кетиб бўлсин, кейин маслаҳатлашамиз*. Кетувчи шахс битта бўлса, ҳаракатнинг охирига етиши маъноси эмас, балки юқоридаги маъно («уже» деган маъно) ифодаланади.

3. Ҳаракатнинг бажарилиши учун имкониятнинг борлиги (бўлишсиз формада — имкониятнинг йўқлиги) маъносини билдиради: *Ҳамла илми фақат савод орқалигина ўрганиб бўлади* (П. Турсунов). *Чанқовни томчи билан қондириб бўлмайд:* (Ойбек).

Мумкинлик, имкониятнинг борлиги (бўлишсиз формада — мумкин эмаслик, имкониятнинг йўқлиги) маъносини *ол* кўмакчи феъли ҳам ифодалайди. Лекин *бўл* ва *ол* кўмакчи феъллари ўзаро фарқли хусусиятларга эга.

Бўл кўмакчи феъли ҳаракатнинг бажарилишидаги объектив имкониятга нисбатан қўлланади. *Ол* кўмакчи феъли эса, субъектнинг ўзидаги имконият маъносини билдиради: *бориб бўлади — бора олади*.

Ол кўмакчи феъли субъектнинг ўзидаги имкониятни билдириши сабабли бу маънода учала шахс формасида ҳам қўлланаверади: *эза оламан, эза оласан, эза олади*. *Бўл* кўмакчи феъли эса бу маънода фақат учинчи шахс формасидагина қўлланади: *эзиб бўлади*. Лекин бунда ҳам, *бўл* феъли учинчи шахс формасида бўлишидан қатъи назар, мазмунан учинчи шахс ифодаланмайди. Имконият учала шахс учун умумий бўлади.

Бит (битир). Бу кўмакчи феъл равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикади ва ҳаракатнинг тўла бажарилиши, охирига етиши маъносини билдиради: *Кичикроқ водийнинг ҳар ер-*

ҳар еридан суюқ тутун кўтарилмоқда — қишлоқ батамом ёниб битган (А. Қ а ҳ ҳ ор). Колхозимиз... шартномада кўрсатилган миқдор ерга йигирма иккинчи апрелда юз фойиз чигит экиб битирди (А. Қ одирий).

Ҳаракатнинг тўла бажарилиши, батамом бўлиши маъноси бўл кўмакчи феъли орқали ҳам ифодаланишини кўрдик. Лекин шу маънони ифодаловчи бит (*битир*) кўмакчи феъли ўзига хос хусусияти билан бўл кўмакчи феълидан фарқланади.

Ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъносида қўлланган бит (*битир*) феъли ўрнида бўл кўмакчи феълини қўллаш ҳамма вақт мумкин бўлади. Аксинча, бўл кўмакчи феъли ўрнида бит (*битир*) кўмакчи феълини қўллаш ҳамма вақт мумкин бўлавермайди. Масалан, ёниб битди, экиб битирди бирикувларидаги бит, битир феъллари ўрнида бўл кўмакчи феъли қўллана олади (ёниб бўлди, экиб бўлди), лекин йўнаб бўлди бирикувидаги бўл кўмакчи феъли ўрнида бит (*битир*) кўмакчи феълини қўллаб бўлмайди.

Бит (*битир*) феъли, асосан, бирор объект устида бўладиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билангина бирикади ва объектнинг тугаши маъносини билдиради. Ана шундай хусусиятга эга бўлмаган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бит (*битир*) кўмакчи феъли деярли бирикмайди. Масалан, бу феъл ухламоқ, йиғламоқ, кулдирмоқ, кутмоқ каби феъллар билан бирика олмайди. Бўл кўмакчи феъли эса бундай феъллар билан ҳам бирикиб, тугаллик маъносини ифодалай олади.

Бит (*битир*) феъли бирор объект устида бўладиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда, ҳамма вақт шу объектнинг тугашини билдиради. Объект тугамаган ҳолда умуман ҳаракатнинг тугаши маъносида қўлланмайди. Масалан, чойни ичиб битирмоқ бирикувида, албатта чойнинг тугаши ифодаланади. Бўл феъли эса объектнинг тугаши маъносини ҳам, шунингдек, объект тугамаган ҳолда ҳаракатнинг тугаши маъносини ҳам ифодалайверади. Умуман, тугалликни ифодаловчи бит (*битир*) феълининг қўлланиш доираси бўл феълининг қўлланиш доирасига нисбатан жуда чегараланган.

Чиқ. Бу кўмакчи феъл равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикади ва қуйидаги маъноларни ифодалай олади:

1. Тугаллик, тўла бажарилиш маъносини билдиради. Бундаги тугаллик қуйидаги ҳодисаларга нисбатан бўлиши мумкин.

1) Етакчи феълдаги ҳаракатнинг шу ҳаракатни ўз устига олган объект бўйлаб (шу объект устида) тўла бажарилиши маъноси ифодаланади. Объект бир бутун (яхлит) ёки бирдан ортиқ бўлиши мумкин: Бундан йигирма уч йил аввал Матқовул ўзининг забардаст кетмони билан Салтонбунинг тўрт таноб ерини тўрт кун деганда ағдариб чиқди (М. Исмоилий). Шербек аввал касал молларни, сўнгга қолган ҳамма молларни укол қилиб чиқди (С. Анорбоев).

Келтирилган мисолларда субъектнинг етакчи феълдаги ҳара-

катни шу ҳаракат йўналган объект устида тўла бажарганлиги (ўз ҳаракати билан шу объектлар доирасидан чиққанлиги) ифодаланади. Ана шундан тугаллик маъноси ҳам келиб чиқади. Лекин бундаги асосий нарса етакчи феълдаги ҳаракатнинг тугаши эмас, балки ҳаракатни ўз устига олган объектнинг тугашидир.

Чиқ феъли кўмакчи феъл вазифасида келганда ҳам, қисман бўлса-да, ўз маъносини сақлайди, яъни бундай ҳолларда субъектнинг бирор объект доирасидан чиқиши англашилади. Ҳатто, ана шу нарса алоҳида таъкидланади. Шунинг учун *чиқ* кўмакчи феъли юқоридаги маънода қўлланганда, унинг ўрнида *бўл* кўмакчи феълни қўллаб бўлмайди. Буни қуйидаги икки мисолда очиқ кўриш мумкин: *Қўлига киргизиб олган янги ерларни айланганда чиқиши учун Матчон тўра иккита навқарини эргаштириб қум тарафга жўнади* (Ж. Шарипов). *Олимов ўз одатича, кўзойнаги четидан ҳар бир болага синчиклаб зеҳн солиб чиқди* (Ҳ. Назир).

Чиқ кўмакчи феълнинг ўзига хос хусусиятини аниқроқ тасаввур этиш учун уни *бўл* кўмакчи феълига қиёслаб кўриш мумкин. Бунда *чиқ* кўмакчи феълнинг *бўл* кўмакчи феълдан фарқланувчи икки асосий хусусиятини кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, *чиқ* кўмакчи феъли бирор тайёр объект устида бўладиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билангина бирика олади ва субъектнинг ўз ҳаракати билан шу объектни тугаши маъносини ифодалайди. *Бўл* кўмакчи феъли учун бу нарса шарт эмас. У ҳар қандай феъл билан бирикиб, шу феълдаги ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъносини ифодалайверади. Масалан, *хат ёзмоқ*. *Хат* ҳали йўқ нарса, у энди ёзилиши керак. Шунинг учун ҳам ёзиш ҳаракатининг тугал бажарилишини ифодалаш учун *чиқ* кўмакчи феълни қўллаш мумкин бўлмайди (чиқиладиган объектнинг ўзи йўқ). Бу ҳаракатнинг тугал бажарилишини ифодалаш учун *бўл* кўмакчи феъли қўлланаверади: *хат ёзиб бўлди* (*хатни ёзиб бўлди*).

Иккинчидан, *чиқ* кўмакчи феъли бирор объект устида бўлувчи ҳаракатни билдирадиган феъллар билан ҳамма вақт ҳам бирикавермайди. Унинг шу маънода қандай ҳолларда қўлланиши ёки қўлланмаслиги етакчи феълдаги ҳаракат йўналган объектнинг харақтери билан изоҳланади.

Чиқ кўмакчи феълнинг юқоридаги маънони ифодалаши ва бирор феъл билан бирикиши учун етакчи феълдаги ҳаракатни ўз устига олган объект кириш (бошланиш) ва чиқиш (тугаш) пунктларига эга бўлган объект бўлиши керак. Масалан, *китобни ўқимоқ* бирикмасида *ўқимоқ* феъли бошқариб келган сўз ифодалаган предмет (китоб) бошланиш (кириш) ва тугаш (чиқиш) пунктларига эга бўлган предмет (объект)дир. Шунинг учун ҳам субъектнинг ўқиш ҳаракати билан китобни тугатишини ифодалаш учун *чиқ* кўмакчи феълни қўллаш мумкин: *китобни ўқиб чиқмоқ*.

Агар бирор феълга бошқарилиб келган сўз ифодалаган объект (предмет) чиқиладиган (чиқиш пунктига эга бўлган) объект сифатида тасаввур этилмаса, *чиқ* кўмакчи феъли субъектнинг шу объект устидаги ҳаракатини тугал бажаришини ифодалаш учун

қўлланмайди (тўғриси, қўллана олмайди). Масалан, *нонни емоқ* бирикувида *емоқ* феъли бошқариб келган сўз ифодалаган объект (нон) чиқиладиган объект эмас. Шунинг учун ҳам субъектнинг *емоқ* ҳаракати билан шу объектни тугатганлигини ифодалаш учун *чиқ* кўмакчи феълени қўллаб бўлмайди. Бу маънони ифодалаш учун *бўл* кўмакчи феъли қўллана олади.

2) Етакчи феълдаги ҳаракат йўналган объект бошланиш ва тугаш (кириш ва чиқиш) пунктларига эга бўлмаслиги, лекин ҳаракат субъекти шундай пунктларга эга бўлиши мумкин. Бунда *чиқ* кўмакчи феъли шу объект устида ҳаракат қилувчи субъектнинг тугашини билдиради. *Ҳамма уни бир-бир уриб чиқди; ўтирганлар бу гулни бир-бир ҳидлаб чиқди* каби.

3) Субъектнинг етакчи феъл ифодалаган ҳаракат-ҳолат билан маълум чегарага эга бўлган вақтни тугатишини, шу вақт тугагунича етакчи феъл ифодалаган ҳаракат билан машғул бўлиши маъносини билдиради: *Полвон... тўранинг бошига чўқмор билан солғуси, бўғиб ўлдирғуси келиб кетди, лекин кечалари билан тинмай изғиб чиқадиган қуролли навкарларини йўлаб, «ҳимм» деб ижирганиб қўя қолди* (Ж. Шарипов). *Қиш бўйи алақайси гўр острларида жунжиб чиққан қуш зотлари: чумчуқлар, читтаклар, тўрғайлар, саъвалар... ўз тўплари билан вижир-вижир, чуғур-чуғур сайраб куладилар* (А. Қодирий).

Субъектнинг бирор ҳаракат ёки ҳолатни бажариш билан маълум чегарага эга бўлган вақтни ўтказишини, шу вақт доирасидан чиқишини ифодалаш учун ҳамма вақт *чиқ* кўмакчи феълени қўллаш мумкин бўлавермайди. Масалан, «*қиши билан китоб ўқиб чиқди*» дейиш мумкин. Лекин «ёзи билан китоб ўқиб чиқди» дейилмайди. Ёки «бир ой китоб ўқиб чиқди» дейилмайди. Шунингдек, «кечаси билан йўғлаб чиқди» дейиш мумкин. Лекин «кун билан йўғлаб чиқди» дейилмайди. Бу ҳодиса маълум сабабга эга. Масалан, кун (кундуз кун)и тугаши билан кеч қиради — кечаси (тун) бошланади. Шунга кўра «кеч қирди» дейиш мумкин. Лекин «кун қирди» ёки «кундузи қирди» дейилмайди. Кун (кундуз)нинг тугаши билан кеч (тун)нинг бошланиши кечаси (тун)нинг кириши экан, ўз-ўзидан, тун (кечаси)нинг тугаш моменти унинг (туннинг) чиқиш пункти бўлади. Бошқача қилиб айтганда, сутканинг икки қисмидан бири, яъни тун (кечаси) ички қисм, иккинчи қисми, яъни (кундуз кун)и — сутканинг ёруғ қисми) ташқи қисм сифатида тасаввур қилинади. Демак, кечаси (тун) сутканинг кундуз (ёруғ) қисмидан қириладиган (кундузнинг тугашидан бошланадиган) ва кундузга чиқадиган бўлаги ҳисобланади. Мана шу нарса субъектнинг бирор ҳаракат билан кечаси (тун)ни тугатишини (тундан чиқишини) ифодалаш учун *чиқ* кўмакчи феълени қўллашга имкон беради.

Сутканинг тун (кечаси) қисми ички қисм, кундузи ташқи қисм сифатида тасаввур қилинганидек, қиш — фаслнинг ички қисми, ёз — ташқи қисми сифатида тасаввур қилинади. Шунинг учун субъектнинг бирор ҳаракат-ҳолат билан қишни тугатишни (қишдан чиқишини) ифодалаш учун *чиқ* феълени қўллаш мумкин бў-

лади. Ёз ва кундузи ташқи қисм сифатида тасаввур қилинганидан субъектнинг бирор ҳаракат-ҳолат билан ёз ёки кундузини тугатганлигини ифодалаш учун *чиқ* кўмакчи феълини кўллаш мумкин бўлмайди.

2. *Чиқ* кўмакчи феъли от (кенг маънода) + *бўл* феъли билан бирикиб келганда, натижа, оқибат *бўл* феълига боғланиб келган от ифодалаган маънодагича бўлишини билдиради: *Хўш, оқибат нима бўлиб чиқди* (Х. Ғулом). *Шунинг билан бирга* (муҳаббат) *кўп вақтлар кишига зарарли ҳам бўлиб чиқадир* (А. Қодирий). *Дастлабки сотиш бу хилда бўлиб чиқди. У молини сотмади — сувга оқизди* (Ойбек).

Ет. Бу кўмакчи феъл равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикади ва ҳаракатнинг тўла даражада (нормал даражада) юзага келиши (бўлишсиз формада тўла даражада юзага келмаслиги) маъносини билдиради: *тушуниб етди — тушуниб етмади, пишиб етди — пишиб етмади* каби.

Ет феъли билан ясалган бирикувларда ҳаракатнинг тўла бажарилиш (юзага келиш) пункти қуйидаги ҳодисаларга нисбатан бўлиши мумкин:

1. Тўла бажарилиш (юзага келиш) пункти маконда бўлади. Бундай ҳолларда гап ичида ана шу пунктни кўрсатувчи сўз қатнашади. Субъект бирор ҳаракати билан шу пунктга етганда етакчи феълдаги ҳаракат бажарилади: *Бу хатим бориб етмасдан тагин хат келди* (А. Қаҳҳор). *Ойпошиша рўйхатчи аёлининг столи ёнида «севгилим мени қутқаришга келиб етмади микан?» деган хаёл билан атрофига қаради* (П. Турсун).

2. Бажарилиш пункти вақтда (замонда) бўлади: *Онанинг гапидан шу маълум бўлдики, олма пишиб, тагига тушиши пайти келиб етибди* (Х. Ғулом).

3. Тўла бажарилиш пункти ҳаракатнинг даражасида бўлади. Бундай ҳолларда етакчи феълдаги ҳаракат аста-секин (даражама-даража) ривожланиш хусусиятига эга бўлган ҳаракат бўлади ва ривожланиш маълум даражага етганда ҳаракат тўла бажарилган бўлади. *Зайнаб Кумушнинг тўлишиб етмаган гавдасига баён олти ёшлар чамаси ғубор тегмаган ҳуснига ҳайрон бўлиб, мулоҳазасини айтишга қўрқди* (А. Қодирий).

Ўт. Бу кўмакчи феъл равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикади ва қуйидаги маъноларни билдиради:

1. Тугаллик маъносини билдиради: *Шунинг учун ҳам энгил саноат ходимларининг яқинда бўлиб ўтган республика кенгашида бу масалага алоҳида эътибор берилди* («Тошкент ҳақиқати»).

Ўт кўмакчи феъли бу маъносида фақат *бўл* феъли билан бирика олади. Шунда ҳам *бўл* феълининг барча маъноларида эмас, балки «содир бўлмоқ», «юз бермоқ» маъноси доирасида бирикади, яъни *бўл* феъли фақат шу маънони билдирган ҳоллардагина *ўт* кўмакчи феъли у билан бирикади. Бунда *бўл* феъли бирор воқеа, ҳодисанинг содир бўлиши, юзага келиши маъносини, *ўт* кўмакчи

феъли шу воқеа-ҳодисанинг тугаши маъносини билдиради. Масалан, *тўй бўлиб ўтди* бирикувида *бўл* феъли тўйнинг юзага келганлигини, *ўт* феъли унинг (тўйнинг) тугаганлигини, тамом бўлганлигини билдиради.

Кўринадики, *ўт* кўмакчи феъли бирор ҳаракат-ҳолатнинг тугашини эмас, балки воқеа-ҳодисанинг тугашини билдиради.

2. Субъектнинг етакчи феълдаги ҳаракатга тўхташи маъносини билдиради. *Марҳамат саяҳатнинг вазифаси ва тартибини янги бир марта тушунтириб ўтди* (Ҳ. Назир). *Утап сўз олиб, Эъзозхоннинг камтарлик қилиб айтмаган сўзларини бирма-бир санаб ўтди* (Ҳ. Фулом).

Субъектнинг йўналишда бажарадиган ҳаракати фақат етакчи феълдаги ҳаракатнинг ўзи бўлса, юқорида кўрсатилган маънонинг ўзи ифодаланади. Баъзан етакчи феълдаги ҳаракат субъектнинг ўз йўналишида бажарадиган ҳаракатларидан бири (шу ҳаракатлар орасидаги ҳаракат) бўлади. Буни контекст кўрсатади. Бундай ҳолларда субъектнинг шу ҳаракатга йўлакай тўхташи (уни йўлакай бажариб ўтиши) ҳам англашилади. *Бўтабойнинг ишларини танқид қилганимда, мактаб масаласини ҳам қистириб ўтсам бўлар эди* (А. Қаҳҳор).

Ол. Бу кўмакчи феълнинг етакчи феълга бирикиши уч хил кўринишга эга: 1) равишдош ясовчи *-(и)б* аффикси орқали бирикади: *кўриб олди*; 2) *-а, -й* равишдош ясовчиси орқали бирикади: *кўра олди*; 3) ҳеч қандай воситасиз бирикади: *кўрди-олди*.

1. Ол кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикканда, қуйидаги маъноларни билдиради.

1. Етакчи феълдаги ҳаракатни ўз устига олган объектнинг субъект томонига йўналиши маъносини билдиради: *Шунинг учун ҳам қурилишдаги ва қўриқдаги одамларни чақириб олдим-у, ёйза парваршига юбордим* (Ш. Рашидов).

2. Ҳаракат натижасининг субъект манфаатига (ўзи учун, ўз фойдасига) йўналишини билдиради. *Қурбон ота елиб-югуриб, сал кунда қишки ва ёзги қизил чойхонанинг кам-кўстини тўғриллаб олди* (А. Қаҳҳор).

Ҳаракат натижасининг субъект манфаатига йўналиши ифодаланган ҳолларда объектнинг қай томонга йўналиши аҳамиятли бўлмайди. Объект субъект томонига йўналмаслиги, ҳатто, йўналувчи объектнинг ўзи бўлмаслиги ҳам мумкин бўлади: *Гапнинг пухтаси шуки, ёйзаларимизни ҳам тузатиб олдик, ҳосил ҳам мўл бўлди* (Ш. Рашидов). *Қоронғи тушмасданоқ қишлоғига етиб олди* («Ғунча»).

3. Айрим феъллар билан бирикканда, ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини билдиради: *Адолат чойшабни юзига тортиб, ўраниб олди* (С. Зуннунова).

Бундай ҳолларда етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилишидан ҳам кўра ундан юзага келувчи ҳолат (ҳолатнинг юзага келиши), асосий ўринда туради. Масалан, *боғлаб олмоқ, кийиб олмоқ, ёпишиб олмоқ* бирикувларида асосий нарса, умуман боғлаш,

кийиш, ёпишиш ҳаракатларининг бажарилиши эмас, балки боғланган, кийинган, ёпишган ҳолатларнинг юзага келишидир.

Ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносида қол ва қўй кўмакчи феъллари ҳам қўлланади. Лекин ол, қол, қўй кўмакчи феъллари маънодаги баъзи нозик томонлари ва қўлланишдаги ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади. Масалан, қол кўмакчи феъли бу маънода фақат объектсиз феъллар билан қўлланади. Ол кўмакчи феъли эса объектли ва объектсиз феъллар билан қўллана олади: *ётиб қолди — ётиб олди; ётқизиб олди. Қол кўмакчи феъли қўлланганда субъект актив бажарувчи сифатида бўлмайди. Ол кўмакчи феълида эса субъект актив бажарувчи бўлади: осилиб қолди — осилиб олди, ўтириб олди — ўтириб қолди, суяниб қолди — суяниб олди* ва б.

Қўй кўмакчи феъли бу маънода фақат объектли феъллар билан бирикади. Бундан ташқари, ол кўмакчи феълида субъект томон йўналиш оттенкаси бўлади, қўй кўмакчи феълида эса бўлмайди. Қиёсланг: *боғлаб олмоқ — боғлаб қўймоқ, ўраб олмоқ — ўраб қўймоқ, суяб қўймоқ — суяб олмоқ* ва б.

4. Ол кўмакчи феъли айрим феъллар билан бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг бир марта («однократно») бажарилиши маъносини билдиради: *Йўталиб олди, қимирлаб олди* каби: *Абду-расул билан Элмурод, ўзаро маслаҳатлашгандай, бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди* (П. Турсун). *Боламнинг тарбияси бузилмаса, ҳозирги отасини ўз отам деб билса, деган эдим, — деди-да, томоғи қақраб, ютиниб олди* (Ҳ. Зиёхонова).

Ҳаракатнинг бир марталиги маъносини қўй кўмакчи феъли ҳам ифода эта олади. Лекин йўналиш оттенкасига эга эмаслиги билан у ол кўмакчи феълдан фарқланади. Масалан, *мўралаб олди, шўнғиб олди* бирикувларида субъект манфаатига йўналиш тушунчаси бор, *мўралаб қўйди, шўнғиб қўйди* бирикувларида эса йўқ.

II. Ол кўмакчи феъли равишдошнинг -а, -й аффикслари билан ясалган турига бирикканда қуйидаги маъноларни билдиради.

1. Ҳаракатни бажариш қобилиятига эгалик маъносини билдиради: *ўқий олмоқ, ёза олмоқ, суза олмоқ, ўйнай олмоқ* каби (Бўлишсиз формада ҳаракатни бажариш қобилиятига эга эмаслиги ифодаланади): *Русчада китоб мутолаа қила олмасан ҳам, лекин мукалима тилига анча-мунча эппил* (Ойбек).

2. Ҳаракатни бажариш имкониятига эгалик, қодирлик маъносини билдиради: *Буни ҳам мен катта мақсадни кўзлаганлари учун шундай шаҳар қура олишган, деб ўйлайман* (Р. Файзий). *Орадан олти ойларча вақт ўтгандан кейин у иш бошлай олди* (Саид Аҳмад).

III Ол кўмакчи феъли етакчи феълга ҳеч қандай воситасиз бирикканда, -(и)б аффикси билан ясалган равишдошга бирикканда ифодалайдиган маъноларни ифодалайди. Фақат маъно оттенкасида бир оз ўзгариш бўлади. Биринчидан, бундай бирикувда ҳаракат-

нинг бажарилишидаги тезлик кучаяди (ҳаракатнинг тез, шартта бажарилиши ифодаланади). Иккинчидан, бундай бирикувда ҳаракатнинг «ўйлаб ўтирмай, қараб ўтирмай» бажарилиши ифодаланади. Қиёсланг: *ёзиб олди — ёзди-олди, ўқиб олди — ўқиди-олди, бориб олди, борди-олди, кийиб олади — кияди-олади, ичиб оласан — ичасан-оласан ва б.*

Бер. Бу кўмакчи феълнинг етакчи феълга бирикиши уч хил кўринишга эга: 1) равишдош ясовчи *-(и)б* аффикси орқали бирикади: *ёзиб берди*; 2) равишдош ясовчи *-а, -й* аффикслари орқали бирикади: *ёза берди*; 3) ҳеч қандай воситасиз бирикади: *ёзди-берди*.

I *Бер* кўмакчи феъли равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикканда қуйидаги маъноларни билдиради.

1. Ҳаракатни ўз устига олган объектнинг субъектдан ўзга томонга йўналиши маъносини билдиради: *Понсодга бориб айтинг, бир шиша милтиқ ёғи топиб берсин (Х. Фулом). Бу чолдан ҳар бало кутса бўлади. Уни ҳукуматга тутиб бериш керак (П. Турсун).*

2. Ҳаракатнинг ўзга учун бажарилиши (ҳаракат натижасининг ўзга манфаатига йўналиши) маъносини билдиради: *Гулнорхон ашула айтиб берса, чалиб бераман (С. Зуннуова).*

Бер кўмакчи феъли салбий характердаги ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда, йўналишининг ўзга манфаатига бўлиши йўқдек туйилади. Ҳақиқатда эса шундай характердаги йўналиш бор бўлади ва бундай ҳолларда ҳаракат кучайтириб ифодаланади. Ҳаракатнинг кучайиши эса унинг салбий характерга эгалигидан келиб чиқади: *Бу гапларни аввал хотинидан, сўнгра... Қамбаралидан эшитиб, ишонмади ва икковини ҳам сўкиб берди (А. Қаҳҳор). Нима, тўғри гапни айтди-да, сенга ўхшаб унга бобиллаб берсам тузукмиди?! (Ш. Фуломов)*

II *Бер* кўмакчи феъли равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикканда, кўпинча *вер* талаффуз этилади ва қуйидаги маъноларни билдиради:

1. Ҳаракатнинг бажарилиши учун тўсиқ, монелик, қаршилик йўқлиги (тўсиқсиз, монеликсиз, қаршиликсиз бажарилиши) маъносини билдиради: *Янги ерга Ойқиз, Олимжон, Каримлар кўчаверсин, қолаверса, уларнинг қариндош-уруғлари кўчсин (Ш. Рашидов). У ҳам домлага ўхшаб еб тўймаслардан. Олдига қўйилган ҳар қандай овқатни молдек шапиллатиб ея берар эди (П. Турсун). Менга буқоғинг билан ҳам ёқа берар эдинг (А. Қаҳҳор).*

Ҳаракатнинг бажарилиши учун қаршиликнинг, тўсиқнинг йўқлиги сўзловчи томонидан бўлиши ҳам мумкин, субъект томонидан бўлиши ҳам мумкин. Қаршилик (тўсиқ)нинг сўзловчи ёки бошқа шахс (нарсаси) томонидан йўқлиги яна қўшимча оттенкаларни келтириб чиқаради.

Қаршилик (тўсиқ)нинг йўқлиги сўзловчи ёки субъект томонидан бўлганида ҳаракатнинг бажарилишига сўзловчи ёки субъектнинг қарши эмаслиги, «менга бари бир» деган маъно ифодаланади: *кетса*

кетаверсин, кетсам кетавераман каби. Тўсиқ (қаршилиқ) ҳаракат йўналган объект томонидан бўлиши мумкин бўлса, субъект учун шу ҳаракатни бажариш учун объектда тўсиқ йўқлиги, шу объект устидаги ҳаракатни бемалол бажара олиши ифодаланади. Бунда *бер* кўмакчи феълнинг маъноси ол кўмакчи феълнинг маъносига яқин келади: *Синглингни айтмайсанми?.. Тракторни ҳам ҳайдайдеради... Машинани ҳам юргизаверади. ...Қўйчи, қилмаган иши, билмаган ҳунари йўқ (Уйғун).*

Буйруқ-истак майли формасида қўлланганда, ҳаракатнинг бажарилишига сўзловчининг қаршилиги йўқлиги, рухсат маъноси ифодаланади. Бунда *бер* кўмакчи феъли маъно жиҳатидан қол кўмакчи феълига анча яқин келади. Лекин *бер* кўмакчи феълида қарши эмаслик, бетарафлик маъноси устун турса, қол кўмакчи феълида розилиқ маъноси устун туради. Қиёсланг: *олавер — олақол, кетавер — кетақол, боравер — борақол* ва б.

2. Етакчи феълдаги ҳаракатнинг давомлилиги, такрорийлиги маъноси билдиради: *...замон ўтган сайин унинг хизматига муҳтож кишилар ва шулар билан бирга даромад кама я берди (А. Қаҳҳор). ...Экспаваторнинг ер қазий бериб оқариб кетган тишларидагина қуёшнинг қизғиш акси кўзга ташланиб қолади (Р. Файзий).*

Бер кўмакчи феълида ҳаракатнинг давом этиши бирор доира ёки пункт билан чегараланмайди. Бу кўмакчи феъл ҳаракатнинг тўхтамай қаршилиқсиз, чекланмай давом этишини билдиради (давомлилиқ шундай оттенка билан ифодаланади). Шунинг учун ҳам *бер* кўмакчи феъли давомлилиқ маъносини ифодалаган ҳолларда контекстда, кўпинча, шу маънога мос келувчи «ҳадеб», «мунча» каби сўзлар қатнашади: *Бас энди, ҳадеб йиғлайверманг, онажон, бўлар иш бўлди (П. Турсун). ...ҳариш этдай мунча менга сурканаверди деб юрсам, бунинг тагида гап бор экан (А. Қаҳҳор).*

III *Бер* кўмакчи феъли етакчи феълга ҳеч қандай воситасиз бирикканда, ҳаракатни ўз устига олган объектнинг ёки ҳаракат натижасининг ўзга томон йўналиши маъносини билдиради, яъни бунда у равишдошнинг *-(у)б* аффикси билан ясалган турига бирикканда билдирадиган маънони ифодалайди. Фарқ шундаки, етакчи феълга ҳеч қандай воситасиз бирикканда, ҳаракатнинг тез, шартта, ўйлаб ўтирмасдан бажарилиши оттенкаси ҳам ифодаланади. Қиёсланг: *ёзиб берди — ёзди-берди, ўқиб берди — ўқиди-берди, бошлаб берди — бошлади-берди...*

Қол. Бу кўмакчи феъл ўзбек тилида кўп маънолилиги билан, шунингдек, жуда кенг қўлланиши билан характерлидир. Қол кўмакчи феълнинг етакчи феъл билан бирикиши уч хил кўринишга эга: 1) равишдош ясовчи *-(у)б* аффикси орқали бирикади: *кўриб қолди*; 2) *-а, -й* равишдош ясовчиси орқали бирикади: *кела қолди*; 3) ҳеч қандай формасиз бирикади: *кетди-қолди*.

I Етакчи феълга равишдош ясовчи *-(у)б* аффикси орқали бирикканда қўйидаги маъноларни билдиради.

1. Етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатга айланиши (ҳолатнинг юзага келиши) маъноси ифодаланади: *осилиб қолмоқ, суйниб қолмоқ, эгилиб қолмоқ, очилиб қолмоқ, тегиб қолмоқ, жуфтлашиб қолмоқ* каби: *Газетадан кўз олмай, ўнг қўли билан тимирскилаб ёнидаги пиёлани топиб, и ли б қ ол г ан чойни шимирди* (С а н д А ҳ м а д).

2. Баъзи феъллар билан бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракат-ҳолатнинг давомлилиги маъноси ифодаланади: *бақрайиб қолмоқ, серрайиб қолмоқ, тикилиб қолмоқ* каби. *Сидиқжон ичкарига киришни ҳам, кўчага чиқиб кетишни ҳам билмай остонада туриб қолди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Қайси бирини айтсам экан, қайси биридан бошласам экан, ҳаммаси дард-алам..., — деб бир лаҳза ўй л а н и б қ ол г а ч: сўзлай бошлади у* (Ж. Ш а р и п о в).

3. Бу кўмакчи феъл баъзи феъллар билан бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг тўла даражада амалга ошиши ва тўла даражадаги ҳолатга айланиши маъноси эмас, балки унинг маълум даражада амалга ошиши ва ҳолатнинг маълум даражада юзага келиши маъноси ифодаланади: *Олмаларга ранг кириб қолибди* (Ҳ. Н а з и р). *Ўртоқларингни қара, нозандай дастёрликка яраб қолди* (Ҳ. Н а з и р). *Кечагина икки қуда учрашганларида болаларининг бўйи чўзилиб қолганлигини гаплашишган эди* (Ш у ҳ р а т).

Қол кўмакчи феъли даражама-даража амалга ошувчи ҳаракатни билдирадиган феъллар билан бирикканда, умуман, ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини билдиради. Ҳаракат-ҳолат юқори даражада ёки нормал даражада, ёки паст даражада юзага келган бўлиши мумкин. Ҳаракат-ҳолатнинг қай даражада юзага келганлиги, асосан, бошқа воситалар ёрдамида ифодаланади. Қиёсланг: *Бувим жуда қариб қолганлар* (Р. Ф а й з и й). *Ҳозир Жўражон анча қариб қолгандир* (С а и д А ҳ м а д).

Лекин ҳаракат-ҳолатнинг қай даражада юз берганлиги маъноси ҳамма вақт контекстан сезилиб туриши шарт эмас, яъни *ўрганиб қолди, етилиб қолди* каби бирикувларда ҳаракат-ҳолатнинг тўла даражада эмас, маълум даражада юз бериши маъносининг ифодаланишини бевосита контекстнинг ўзига боғлаш тўғри бўлмайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳаракат-ҳолатнинг маълум даражада юз бериши деган сўз ҳаракат-ҳолатнинг кучсиз (сал, озгина) даражада юз бериши деган сўз эмас. *Қол кўмакчи феъли ҳаракат-ҳолатнинг кучсиз даражасини кўрсатмайди, балки унинг маълум даражада (нормал ҳолатга етмаган даражада) юз бериши маъносини билдиради. Бундай даражанинг нормал ҳолатга қанчалик яқин ёки узоқ эканлиги аниқ ифодаланмайди. Лекин, кўпинча, ҳаракат-ҳолат нормал даражага яқинроқ (аммо етмаган) бўлади. Шунинг учун ҳам қол кўмакчи феъли ўрнида ҳаракатнинг кучсиз даражасини кўрсатувчи -инқира аффиксини қўллаш кўп ҳолларда мумкин бўлмайди: Мажлис қишлэқнинг ялпи колхозлашишига п и ш и б қ ол г а н и н и кўрсатди* (Ҳ. Ш а м с).

4. Қол кўмакчи феъли баъзи феъллар билан бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилишига (тамомланишига) яқинлашганлик маъноси ифодаланади. Бу маъно қол кўмакчи феъли бирор давомли ишнинг тамомини, якунини билдирувчи тугамоқ, етмоқ, бажармоқ, охирламоқ каби феъллар билан бириккан ҳоллардагина ифодаланди: *Бу хотиннинг жони битта эмас, минг битта... Ҳозир тугаб қолган шамдай липиллаб ёнаётган жонни башарти сўнган тақдирда ҳам қолган мингтасини ёқиб кейин сўнади.* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Бор, қизим овқатинг совиб қолади, мен ҳам бўлиб қолдим.* (Р. Ф а й з и й). *Бу гапни олтмишга бориб қолган бир чолдан эшитганлиги унга ниҳоятда наша қилди.* (А. Қ а ҳ ҳ ҳ о р).

5. Етакчи феълдаги ҳаракатнинг кутилмаган, тасодифий ҳаракат эканлиги маъносини билдиради: *Олиб келган одамнингиз саводли чиқиб қолди-ку...* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Нима бўлди-ю, Комилжон билан Жамила бир-бирларига дуч келиб қолишди.* (Ж. А б д у л л а х о н о в).

6. Етакчи феълдаги ҳаракатнинг хоҳиш-ихтиёрдан ташқари юзага келиши, ҳатто, хоҳиш-ихтиёрга қарама-қарши ҳолда юзага келиши маъноси ифодаланади: *Онани жиғибийрон қилган нарса гўдаклигида, «бешик кертди» қилиб қўйилган Нодиранинг айни бқолиш хавфи эди* (Ш у ҳ р а т). *Муҳаррир ҳижолат бўлиб, ўзини оқлашга тиришди.*

— *Баъзан кетиб қолади-да* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Қол кўмакчи феъли ҳаракатнинг тасодифан, қўққисдан бажарилиш маъносида буйруқ-истак майли формасида қўлланади: *уриб қол.* Лекин ҳаракатнинг хоҳиш-ихтиёрдан ташқари, хоҳиш-ихтиёрга қарама-қарши юз бериши маъносида буйруқ-истак майли формасида қўлланмайди. Чунки сўзловчи ўз хоҳиш-ихтиёрига қарама-қарши бўлган ҳаракатни бажаришни буюрмайди. Шунингдек, ҳаракат субъекти ҳам ўз манфаатига зид бўлган ҳаракатнинг бажарилишини орзу қилмайди (истамайди).

7. Етакчи феълдаги ҳаракатни амалга ошириш учун мавжуд бўлган шароит ғанимат шароит эканлиги, қўлдан бериб бўлмайдиган шароит эканлиги маъноси ифодаланади. Бундай ҳолларда контекстда шу маънога мос келувчи «вақтида», «вақти ғаниматда» каби сўз ёки сўз бирикмалари қатнашуви ҳам мумкин: *Санобарона, ҳозир чехраси жуда эчилиб турибди. Шу пайтда сўраб қолинг, хўп дея қолади* (Б. Р а ҳ м о н о в). *Битта-яримта хуштори бўлса, у билан бирга вақти ғаниматда бирон шаҳарга қочиб қолдим и* (О й б е к). *Ҳа, тўйчилик-да, оғзимиз чучиб қолсин* (О й б е к).

8. Қол кўмакчи феъли *қутқармоқ, ушламоқ* каби айрим феъллар билан бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатни ўз устига олган объектнинг бирор ҳаракатни бажаришга йўл қўймаслик ёки унда бирор ҳаракат-ҳолат юз беришига йўл қўймаслик маъносини билдиради. Бундай ҳолларда юз бериши мумкин бўлган, лекин субъект йўл қўймаган ҳаракат ёки ҳодиса контекстдан ёки умумий ҳо-

латдан англашилади: *Баъзилар тузоқни нарироққа бориб кўриш учун ўринларидан туриб кетишар, аммо Олимэв тутиб қолар эди* (Ҳ. Назир). *Қиш бўйи тўпланган намни сақлаб қолман деган деҳқон эрта баҳордаёқ ерини сифатли борона қилиб қўяди* («Тошкент ҳақиқати»). ...*Қамчи кўтаришининг хавfli эканини тушунган Абдумажид раиснинг қўлидан ушлаб қолди* (С. Анорбоев).

Бу маъно баъзи ҳолларда қол кўмакчи феъли қўлланмаса ҳам ифодаланаверади. Масалан, *бир ўлимдан асраб қолди — бир ўлимдан асради*. Лекин қол кўмакчи феъли қўлланган ҳолат билан у қўлланмаган ҳолат маъно ва стилистик жиҳатдан бир-бирига тенг бўлмайди. Қол кўмакчи феъли қўлланганда, юз бериши мумкин бўлган ҳаракат-ҳолатнинг ўткинчи эканлиги ҳам англашилади. *Қол кўмакчи феъли қўлланмаса, ана шу нарса ифодаланмайди. Қиёсланг: фалокатдан асрамоқ — фалокатдан асраб қолмоқ*.

II Қол кўмакчи феъли равишдошнинг *-а, -й* аффикси билан ясалган турига бирикканда, турли маънолар ва маъно нозикликларини ифодалайди. Бундай ҳолларда бирикувнинг қайси майл формасида бўлишига, нутқнинг кимга қаратилганлигига қараб қол кўмакчи феъли ифодаладиган маънолар ҳам ҳар хил бўлади. Шунинг учун қол кўмакчи феъли етакчи феълга *-а, -й* аффикси орқали бирикканда ифодаланадиган маъноларни ҳар бир майл доирасида алоҳида олиб текшириш мақсадга мувофиқ бўлади.

1. Бирикув буйруқ-истак майли формасида бўлганда:

1) Етакчи феълдаги ҳаракат субъектнинг ёки ўзга шахснинг илтимосига (майлига, хоҳиш-ихтиёрига) кўра бўлувчи ҳаракат бўлса, шу ҳаракатни бажаришга руҳсат, розилик, хайрихоҳлик маъноси ифодаланади: *Майли, майли, холажон, мен ўзимизнинг эшикдан чиқа қолай* (А. Қаҳҳор). *Жуда соз, миниб бора қолинг. Шаҳарда сизга бир иш ҳам бор* (М. Исмоилий).

2) Етакчи феълдаги ҳаракат ўзга учун (ўзга манфаати юзасидан) ёки ҳаракат субъекти манфаати юзасидан бажарилувчи ҳаракат бўлса, шунингдек, бу ҳаракатнинг бажарилиши илтимос (талаб) қилинмаган бўлса, хайрихоҳлик, тингловчига нисбатан хушмуомалалик маъноси ифодаланади: *Мен ана у сўқмоқдан юрсам бўлади. Лекин сизни нарироққача кузатиб, катта йўлдан кета қолай* (А. Қаҳҳор). *Юра қол, мен сени кампирга топшириб чикай, у ҳам одамшаванда* (Ойбек).

Юқоридаги биринчи пунктда келтирилган мисолларда хайрихоҳлик маъноси билан розилик маъноси ҳам ифодаланади. Кейинги мисолда эса фақат хайрихоҳлик ифодаланади.

3) Етакчи феълдаги ҳаракат сўзловчининг истак-майлига кўра бўлувчи ҳаракат бўлса, шу ҳаракатни бажаришга хайрихоҳлик билан маслаҳат, илтимоснинг кучайиши, шундай қилиш маъқуллиги ифодаланади: *Ўғлим, бугун қола қол, ойдинда балиқ овлар эдик, кечроқ кетарсан* (Ж. Шарипов).

— *Рўзиматми? Рўзимат кетмонда...*

— *Мен ҳам кетмон чопа қолай* (А. Қаҳҳор).

Бундай ҳолларда нутқ қаратилган шахс ҳам, ҳаракатни ба-
жарувчи ҳам сўзловчининг ўзи бўлса, сўзловчининг шу ҳаракатни
бажаришни ўзига маслаҳат кўриши, шуни маъқул топиши ифода-
ланади: *Тогда юриб сочиб ўсиб кетди. Олдир а қолай,*
... (С. Анорбоев). Ю ви б чи қа қолай, яна эртага меҳмон
келиб қолиши бор (Ж. Абдуллахонов).

Буйруқ-истак майли формасида қўлланганда кесатиқ, киноа
ифодаланиши ҳам мумкин (айниқса, иккинчи шахс формасида).
Лекин бу маъно бевосита қол кўмакчи феълига хос бўлмай, гап
оҳангидан, контекстдан келиб чиқадиган маъно бўлади. Қол кў-
макчи феъли эса кесатиқни кучайтиради:

— *Қани ичкари уйга кирилсин, ойим.*

— *Мен нима қилдим?*

— *Гап битта, уйга кира қолинг (Яшин). Мунча яхши, ха-*
зинасини ҳам инъом қила қолинг (А. Қаҳҳор).

2. Ижро майли формасида қўлланганда:

1) Ишнинг мақсадга мувофиқ, осонлик (қийинчиликсиз) ва тез-
лик билан юз бериши маъноси ифодаланади: *Нега у қўл урган*
иш бита қолади-ку, Саидғозининг енгил иши ҳам оғир кў-
чади... (С. Анорбоев). Унинг ўрнига алоқа ишларини яхши
биладиган мутахассис топила қолармикан? (С. Анор-
боев).

2) Умуман, ишнинг осонлик ва тезлик билан юз бериши маъ-
носи ифодаланади: *Сиз аллақандай тушунтирасиз... дарров тушу-*
на қоламан (А. Қаҳҳор). От мункиб кетиб, ўмгани билан
шағалга қадалди-да, ағнаб бир неча минут ичида ўла қолди
(А. Қаҳҳор).

3) Шарт майли формасида қўлланганда, кўпинча, етакчи феъ-
лдаги ҳаракатнинг тез бажарилишига хоҳиш-ихтиёрнинг кучлилиги
ифодаланади. Бундай ҳолларда шу маънога мос келувчи «кошкий-
ди», «қани энди» каби сўз ёки сўз бирикмалари ҳам қатнашуви
мумкин: *...Чарчаган тарозибонлар машина йўлига кўз тикканлар,*
тезроқ кела қолса-ю, пахталарни пунктга таший қолса
(Р. Файзий). Уни яна ўй босди... «Оҳ, кошкийди босди-босди
қила қолишса» (С. Анорбоев). Марҳамат ҳамон ҳайрон
эди. Қани энди биронтасини, таниса-ю, гапга қўшила қолса
(Р. Файзий).

III Қол кўмакчи феъли етакчи феълга ҳеч қандай воситасиз би-
рикканда унинг шахс-сон ва замон формалари етакчи феъл билан
кўмакчи феълда бир хил бўлади. Бу типдаги бирикувларда қол
кўмакчи феъли равишдошнинг -(и)б аффикси билан ясалган фор-
масига бирикканда ифодалайдиган ҳолатнинг юзага келиши, да-
вом, кутилмаганлик (тасодиф), ҳаракатнинг тезлик билан (бирдан,
тўсатдан) бажарилиши каби маъноларни ифодалайди:

1. Ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатга ўтиши: *Билмадим...*
ҳар нечук сув қуйгандек бўлди-қолди, илоҳи эм тушган
бўлсин (А. Қодирий).

2. Давом: *Ҳалиги ерда бир мўйсафид келиб, ҳассасига суяниб тикилди-қолди* (Ойбек).

3. Кутилмаганлик, тасодиф: *Хотин бошқа нарсаларини ҳам сотиб тап-тайёр бўлиб турган экан, волидамиз билан қизини олишди-ю, бир кечада зим-ғойиб бўлибди-қолибди* (А. Қаҳқор).

4. Ҳаракатнинг тезлик билан, бирдан бажарилиши: *Мени кўрди шекилли, бирпасда йўқ бўлди-қолди* (С. Анорбоев).

Келтирилган мисолларда қол кўмакчи феъли ифодалаган маънолар шу кўмакчи феълнинг *-(у)б* аффикси билан ясалган равишдошга бирикканда ифодалайдиган маъноларининг ўзи. Фарқ шундаки, буларда ҳаракатнинг тезлик билан, шартта бажарилиши отенкаси ҳам бўлади.

Кўй. Бу кўмакчи феъл етакчи феълга: 1) *-(у)б* равишдош формаси орқали бирикади: *айтиб қўйди*; 2) ҳеч қандай форма ёрдамисиз бирикади: *айтди-қўйди*.

1 Етакчи феълга *-(у)б* равишдош ясовчиси орқали бирикканда куйидаги маъноларни билдиради.

1. Ҳаракатнинг бажарилиши ва унинг натижаси сифатида ҳолатнинг юзага келиши маъносини, статик ҳолатни билдиради: *суяб қўймоқ, очиб қўймоқ, илиб қўймоқ, ётқизиб қўймоқ* каби: *Бошидаги кир, кўк чалмасининг узун пешини елкасидан осилтириб қўйган* (Ш. Тошматов). *Қандайдир бир куч уни ўтирган жойига миҳлаб қўйгандек қимирлатмади* (Саид Аҳмад).

Етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатга айланиши маъносини (динамиканинг статикага айланишини) қол кўмакчи феъли ҳам ифодалайди. Фарқ шундаки, қол кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда субъект актив бажарувчи сифатида бўлмайди. У юзага келган ҳолатда фақат «қолувчи» сифатида бўлади. *Қўй* кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда эса субъект актив бажарувчи сифатида бўлади. Қиёсланг: *очилич қолмоқ — очиб қўймоқ*.

Баъзи феъллар билан бирикканда давомлилик маъноси ифодаланади: *Ниҳоят, бугунги сўроқ Зиёдиллани анча ўйлантириб қўйди* (Ҳ. Фулом). *Ҳали у ерда, ҳали бу ерда янги туғилаётган қўзилар чўпонларни шошириб қўйган, уларда тиним йўқ* («Тошкент ҳақиқати»).

3. Ҳаракатнинг хоҳиш-ихтиёрдан ташқари, хоҳиш-ихтиёрга қарама-қарши ҳолда юз бериши маъносини билдиради: *Афтидан, улар энди ёлғиз қолишганда табиатнинг ғайирлиги келибди-ю, ажратмоқчи бўлиб, билмасдан бирлаштириб қўйибди* (А. Мухтор). *Гўзал қўлидаги гулдастани адашиб қолдим, она тили йқитувчисига бериб қўйди* (Р. Файзий). *Жуда ёмэн хато қилиб қўйдик* (А. Мухтор).

Бу маънода *қўй* кўмакчи феъли буйруқ-истак майлининг бўлишли формасида қўлланмайди. Чунки субъект ҳеч вақт ўз манфаатига зид бўлган ҳаракатни бажаришни орзу қилмайди. Шунингдек, сўзловчи ҳам ўз хоҳиши-ихтиёрига зид бўлган ҳаракатни бажаришни ўзгага буюрмайди.

4. Айрим феъллар билан бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг бир марта бажарилиши маъносини билдиради: *қараб қўймоқ, кулиб қўймоқ, қимирлаб қўймоқ, туртиб қўймоқ* каби: *Фуломжон ...қоронғида ҳам кўзлари чақнаб турган саманини пешонасидан силаб, суйиб қўйди* (М. Исмоилий). *Тогда алаларидан панд еган Қўзбой, беихтиёр қулогини ушлаб қўйди* (Ҳ. Назир).

Бирор сўз, замон формалари ёки бошқа воситалар ёрдамида ҳаракатнинг такрорийлиги ифодаланиши мумкин. Лекин шунда ҳам қўй кўмакчи феъли ҳаракатнинг бир марталигини билдиради. Натижада бир мартали ҳаракатнинг давом этаётганлиги, такрор ҳолда бажарилишда экани ифодаланади: *фақат сигирларнинг ...вақти-вақти билан пишллаб қўйишларигина эшитилади* (С. Анорбоев). *Касали ўқтин-ўқтин бир кўриниш бериб қўйди* (Ойбек).

II. Қўй кўмакчи феъли етакчи феълга ҳеч қандай форма ёрдамсиз бирикканда қўйдаги маъноларни билдиради:

1. Ҳаракатнинг бажарилиши ва унинг натижаси сифатидаги ҳолатнинг юзага келиши маъносини билдиради: *Ойнага урилиб оқётган ёмғир қалин кўкимтир пардадай Кўксой водийсини кўзлардан тўсди-қўйди* (С. Анорбоев). *Учиройли йиғитни кўрса, эҳушини йўқотади-қўйди* (С. Зуннуова).

Келтирилган мисоллардаги *тўсди-қўйди, йўқотади-қўйди* формасидаги бирикувлар ўрнида *тўсиб қўйди, йўқотиб қўйди* формасидаги бирикув қўлланса ҳам ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъноси ифодаланади. Лекин биринчи формада (*тўсди-қўйди* формасида) шу маъно «кескин», «тез», «шартта», «бирпасда» бажарилиш маъноси билан ифодаланади.

2. Етакчи феълдаги ҳаракат хоҳиш-ихтиёрга қарама-қарши ҳаракат эканлигини билдиради: *Хўжабеков кўрқоқлик қилиб қочди. Бу билан ўзини фош қилди-қўйди* (С. Анорбоев). Бунда ҳам ҳаракатнинг тез, осонгина бажарилиши англашилади.

3. Бир марталилик маъносини билдиради: *Е пирай, отаси, бормисиз! ...Эшикка қарайман-қўйман, қарайман-қўйман...* (Ш. Тошматов). *Э, қизим, иш йўқ, зерриканимдан устарани қайрайман-қўйман* (Ойбек).

4. Етакчи феълдаги ҳаракатнинг қаршиликсиз, ўйлаб ўтирмасдан, осонгина бажарилиши, маъносини билдиради: *Лаълининг қўйинини шу вақтгача пуч ёнғоққа тўлдириб келаётганини оппа-очиқ айтди-қўйди* (Ҳ. Фулом). *Битта болани қўшиб бер, бошлаб боради-қўйди* (Саид Аҳмад). *Арслонбекнинг шунча молдунёни давлатга ихтиёрий топишишига ишондигиз-қўйдингизми* (Ҳ. Фулом).

5. Буйруқ майли формасида қўлланганда, буйруқ маъноси бутунлай бўлмайди, балки ҳаракатни бажаришга даъват, маслаҳат маъноси ифодаланади. Бунда етакчи феълдаги ҳаракатнинг мақсадга мувофиқ ҳаракат эканлиги, ўйлаб ўтирмасдан бажаравериш лозим бўлган ҳаракат эканлиги англашилади: *Ўзингизни койитиб*

овора бўлманг, тайёр бизнинг қўшида ҳайданг-қўйинг (А. Қодирий). Ундай бўлса, биронта одамни туширинг-у, олдириб чиқинг-қўйинг-да (М. Исмоилий).

Кет. Бу кўмакчи феъл етакчи феълга: 1) -(у)б равишдош ясовчиси орқали бирикади: *йиқилиб кетмоқ, семириб кетмоқ*; 2) равишдош ясовчи -а, -й аффикслари орқали бирикади: *суриштира кетмоқ, йўрғалай кетмоқ*; 3) ҳеч қандай форма ёрдамсиз бирикади: *ўтди-кетди, ёъди-кетди*.

1. Равишдошнинг -(у)б аффикси билан ясалган турига бирикканда, қўидаги маъноларни билдиради.

1. Ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъносини билдиради: *тарқаб кетмоқ, улғайиб кетмоқ, ўрганиб кетмоқ* каби.

Бундай ҳолларда кет кўмакчи феъли тўла бажарилиш маъносига яна бошқа қўшимча маъноларни ҳам билдиради:

1) Субъектнинг равишдош формасидаги ҳаракат юз берган ўриндан яна нарига йўналиши (бошқа томонга кетиши) маъносини билдиради. Бунда кет феълнинг асл маъноси маълум даражада сақланади (сезилиб туради): *Назирқулнинг қалбида кўтарилган тўфон вужудидаги ўчиш олдида турган учқун бетидан кулни суяриб кетди* (Саид Аҳмад).

2) Нормал ҳолатдан кучлиликни (юқориликни) билдиради, яъни маънони кучли оттенка билан ифодалайди. Бундай ҳолларда кет феълнинг асл маъноси (муस्ताқил феъл сифатида ифодалайдиган маъноси) бутунлай йўқолади: *семириб кетмоқ, оқариб кетмоқ* каби.

Кучайтириш қўидаги ҳодисаларга нисбатан бўлади:

а) Ҳаракат-ҳолатнинг даражасига нисбатан бўлади: *Хабарни ўқиб, шу қадар уялиб кетдимки, ўзимни шарманда бўлгандай ҳис қила бошладим* (Ж. Абдуллахонов). *Агар селитра ҳаддан ташқари кўп солинса, ғўза ғовлаб кетадию, ҳосил тугмайди* (М. Жўра).

б) Кучайтириш вақтга нисбатан бўлади. Бунда етакчи феълдаги ҳаракатнинг юзага келганига анча вақт бўлганлиги (анча вақт ўтиши) ифодаланади: *Замона кажрафтори режаларимизни остин-устин қилиб юбормаганда, ишимиз ўн чандон осон кўчарди. Афсуски, қатта толлар кесилиб кетди* (Ҳ. Фулом). *Э, мухбир ука, бормисиз? Биз томонларга сира келмай кетдингиз* (Саид Аҳмад).

в) Кучайтириш масофага нисбатан бўлади. Бунда макондаги масофанинг нормал ҳолатдан узунлиги (узоқлиги) ифодаланади: *Қўлтиқ таёқли нотаниш киши орқада қолиб кетди* (Саид Аҳмад). *Узоқларга чўзилиб кетган дарё лабидаги майсалар устида палос, кўрпачалар солинди* (Ҳ. Зиёхонова).

г) Бир нафасда юз бериши мумкин бўлган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда, кучайтириш ҳаракатнинг тезлигига нисбатан бўлади, яъни ҳаракатнинг жуда ҳам сезилмас (қисқа) вақт ичида бажарилиши маъноси ифодаланади: *Қоронгида тугмачасини пийнаслаб юрамани. Яна ўти тегиб кетма-*

с и н, деб қўрқаман (Ойбек). Раис зум ўтмай, ўзи ўйлаган фикрлардан ўзи чўчиб кетди (Ш. Рашидов).

Кет кўмакчи феъли ифодалайдиган тўла бажарилиш маъноси-ни тамом бўлиш, тугаш маъноси билан аралаштирмаслик керак. Кет кўмакчи феъли тугаш, тамом бўлиш маъносини эмас, балки тўла даражада, ҳатто, ортиқ даражада бажарилиш маъносини билдиради. Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда унинг ўрнида тугаш, тамом бўлиш маъносини билдирувчи бўл кўмакчи феълени қўллаб бўлмайди. Мисол: *Қани энди, бизга ҳам ўғил берса, худди мана шунақа чопқиллаб юриб кетса (Ҳ. Фулом). Бир ўспирин укаси бор экан, ...ўзини эплаб кетади (Ойбек).*

2. Айрим феъллар билан бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг бошланиши (субъектнинг шу ҳолатини бажаришга тушиши) давом этиши маъносини билдиради. Шундай ҳолларда ҳам маъно, кўпинча, кучли оттенка билан ифодаланади: *Олдинги сафда ўтирганлардан бири туриб... яна сўз берилмаган йигитни дўппослаб кетди (А. Қаҳҳор). У, бирор киши билан учрашди дегунча, икки лунжини тўлдириб, гапга тушиб кетади («Мустум»).*

Кет кўмакчи феъли давомлиликни билдириши ва ҳаракатни кучли оттенкада ифодалаши билан бирга, бу ҳаракатнинг олдин бўлмаганлиги, энди юзага келиши ва шу хилда давом этишини ҳам кўрсатади. Қийёсланг: *дўппослаб ётмоқ — дўппослаб кетмоқ, гапириб ётмоқ — гапириб кетмоқ.*

II. Кет кўмакчи феъли равишдошнинг -а, -й аффикслари билан ясалган турига бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг бошланиши (субъектнинг етакчи феълдаги ҳаракатни бажаришга тушиши) ва шу хилда давом этиши маъносини билдиради: *Ана шунда Арслонбек жаноблари токчадан бир тахта қоғоз олиб ўқий кетди (Ҳ. Фулом). Уйин ҳам бир турли назокат касб этиб, Ғулсин-биби йўрғалай кетди (А. Қодирий).*

Кет кўмакчи феълнинг -а, -й аффикслари билан ясалган равишдошга бириккан формаси оддий сўзлашувда жуда кам қўлланади. Юқорида кўрсатилган маънони ифодалашда ҳам оддий сўзлашувда, асосан, кет кўмакчи феълнинг -(и)б аффикси билан ясалган формасига бириккан тури қўлланади. Бундан ташқари, кет кўмакчи феъли равишдошнинг -(и)б аффикси билан ясалган турига бирикканда ҳаракатнинг бошланиши ва шу хилда давом этиши маъноси билан бирга субъектнинг шу ҳаракатга бутунлай берилганлиги алоҳида таъкид билан ифодаланади. Бундай ҳолларда унинг ўрнида -а, -й аффиксли равишдошга бириккан формасини қўллаб бўлмайди: *Кечирасиз, ҳасрат қилишга тушиб кетибмиз (С. Анорбоев). Фуломжон узоқ ўй суриб кетгани сабабли суҳбат узилиб қолди (М. Исмоилӣ).*

III. Етакчи феълга ҳеч қандай форма ёрдамисиз бирикканда, ҳаракатнинг тўла даражада бажарилиши маъносини билдиради. Бундай ҳолларда ҳам маъно кучайиши бўлади: *Мажлисдан қўрқин керак эмас, ҳаммамиз ҳам мажлисдан ўтганмиз. Сени ҳамма би-*

лади, бир пасда ўтасан-кетасан (А. Қаҳҳор). Бир учи со-
вуқ қор бўронларидан бошланиб, охири қуёшли гирдобларда чў-
милган қадим ва азим мамлакат ўпирилди-кетди (Ой-
бек).

Кет кўмакчи феъли етакчи феълга ҳеч қандай форма ёрдами-
сиз бирикканда, маънонинг кучайиши, асосан, тезликка нисбатан
бўлади. Равишдошнинг *-(у)б* аффикси билан ясалган турига би-
рикканда эса кучлилик ҳаракатнинг даражасига нисбатан бўлади.
Қиёсланг: *ўтиб кетди — ўтди-кетди, ўпирилиб кетди — ўпирилди-
кетди, ўзиб кетди — ўзди-кетди.*

Етакчи феълга ҳеч қандай форма ёрдамисиз бирикканда маъ-
но кучайиши тезликка нисбатан бўлиши сабабли бирданга тез
бажарилиши мумкин бўлмайдиган ҳаракатни билдирувчи феъллар
билан *кет* кўмакчи феъли бу формада бирика олмайди. Масалан,
қовунлар пишиб кетди, қўйлар семириб кетди дейиш мумкин, ле-
кин *пишиди-кетди, семирди-кетди* формаси қўлланмайди.

Юбор. Бу кўмакчи феъл етакчи феълга: 1) равишдош ясовчи
-(у)б аффикси орқали бирикади: *тўкиб юбормоқ, йиғиб юбормоқ*;
2) ҳеч қандай форма ёрдамисиз бирикади. Бу ҳолатда юбор деяр-
ли ҳамма вақт *вор* талаффуз этилади: *ташлади-ворди, жўнади-
ворди* каби.

1. *Юбор* кўмакчи феъли равишдошнинг *-(у)б* аффикси билан
ясалган турига бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг тўла ба-
жарилиши маъносини билдиради. Етакчи феълдаги ҳаракатнинг
хусусиятига қараб тўла бажарилиши маъносига қўшимча тарздаги
яна бошқа маънолар ҳам ифодаланади.

1) *Юбор* кўмакчи феъли айрим феъллар билан бирикканда ўз
асл маъносини маълум даражада сақлайди. Ана шу маъноси тўла
бажарилиш маъносига қўшимча тарздаги маъно ҳисобланади. Бун-
да ҳаракатни ўз устига олган объектни ўзи мавжуд бўлган ўри-
дан бошқа томонга йўналтириш (юбориш) ифодаланади: *Сурхонни
бўғиб, унинг сувини омборга буриб юбориш керак* («Муш-
тум»). *Она кўриб-билиб туриб укасини қўлдан чиқариб
юборган катта ўғлидан хафа бўлди* (Шухрат).

2) Бирор феълдаги ҳаракат даражаси ҳар хил (паст, нормал,
юқори) бўлиши мумкин бўлган ҳаракат бўлса, юбор кўмакчи
феъли бундай ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда,
шу ҳаракатнинг юқори (кучли) даражаси юз беришни билдиради:
*Хадича аянг яшии аёл-ку, ...лекин ўғлини талтайтириб юбо-
рибди-да* (Ҳ. Назир). *Булардан чиққан қаттиқ овоз қулоқни
том битириб юборгудай эди* (Ҳ. Назир).

3) Бир нафасда бажарилиши мумкин бўлган ҳаракатни билди-
рувчи феъллар билан бирикканда, ҳаракатнинг жуда қисқа (сези-
ларсиз) вақт ичида юз бериши маъносини билдиради, яъни маъно-
нинг кучайиши тезликка нисбатан бўлади: *Шайтон энди ёнбошга
келтираман деб турганда мингбоши чалиб юборди* (М. Ис-
моилий)

II. Етакчи феълга ҳеч қандай форма ёрдамисиз бирикканда ҳам

ҳаракатнинг тўла даражада юз бериши маъносини билдиради ва маънони кучли оттенка билан ифодалайди. Бунда маънонинг кучайиши тезликка нисбатан бўлади, ҳаракатнинг шартта, ўйлаб ўтирмасдан, тез бажарилиши ифодаланади: *Мен ҳам битта-яримта қирчиллама қиз топаман-у, уйланаман-вораман* (Уйғун). — *Билмасам, ...«Отни олиб чиқ» деди. Кетди-ворди* (П. Турсун).

Бу формада маънонинг кучайиши тезликка нисбатан бўлишининг сабаби юбор феъли тез, бирданига бажарилиши мумкин бўлмаган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикмайди. Масалан, *қаритиб юборди* дейилади, лекин *қарибди-ворибди* формаси деярли учрамайди.

Юбор кўмакчи феъли етакчи феълга ҳеч қандай форма ёрдасиз бирикканда, ҳамма вақт *вор* тарзида қўлланади (*юбор//ювор > вор*). Бундай қўлланиш етакчи феълга *-и(б)* равишдош ясовчиси орқали бириккан ҳолларда ҳам учрайди. Бунда етакчи феълдаги равишдош кўрсаткичи *-б* ҳам тушиб қолади: *Қамбар акангиз нархини жуда ерга урвordi-ку* (Уйғун). ...*қулоқ-миямни еворай дейишди* (С. Анорбоев).

Ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъносини билдириши ва шу маънони кучайтириб ифодалашига кўра юбор кўмакчи феъли кег кўмакчи феъли билан бир хилликка эга. Лекин бу маънода кег кўмакчи феъли асосан объектсиз феъллар билан, юбор кўмакчи феъли эса асосан объектли феъллар билан бирикади. Қиёсланг: *йиқилиб кетди— йиқитиб юборди, ошиб кетди — ошириб юборди, исиб кетди — иситиб юборди* ва б.

Ташла. Бу кўмакчи феъл етакчи феълга: 1) равишдош ясовчи *-(и)б* аффикси орқали бирикади: *ёзиб ташлади*; 2) ҳеч қандай воситасиз бирикади: *ёзди-ташлади*.

1. *-(и)б* аффикси билан ясалган равишдошга бирикканда, худди кет ва юбор кўмакчи феъллари каби, ҳаракатнинг тўла (бутунлай) юзага келиши маъносини билдиради ва шу маънони кучли оттенка билан ифодалайди: *Урмонжон соқолини буткул қирдириб ташлагани ...* (А. Қаҳҳор). *Бир қўли— кўкраги аралаш дока билан боғлаб ташланган эди* (С. Зуннунова).

Ташла кўмакчи феъли билан ясалган бириквуларда етакчи феълдаги ҳаракатнинг хусусиятига қараб тўла бажарилиш маъносига қўшимча тарздаги яна бошқа маънолар ҳам ифодаланади.

1) *Ташла* кўмакчи феъли айрим феъллар билан бирикканда, ўз асл маъносини маълум даражада сақлайди. Унинг ана шу маъноси тўла бажарилиш маъносига қўшимча тарздаги маъно ҳисобланади: *Раҳматилла гўё ўз ғояларининг амалга оширидан умид узган ва бу ғояларни кўнглидан чиқариб ташлаган...* (А. Қаҳҳор). *Дастурхон ёзиб, топган-тутганини тўкиб ташлади* (С. Анорбоев).

2) Айрим феъллар билан бирикканда, ҳаракатнинг юқори (кучли) даражада юз беришини билдиради: *Уйинг куйгур бу камбағалчилик одамнинг ёруғ дунёдан бўлган умидини кемириб, зангдай*

е б т а ш л а р э к а н (А. Қ а ҳ ҳ о р). Б у ё г и н и м е н г а қ ұ й и б б е р а с и з, қ и й и б т а ш л а й м а н (У й ғ у н).

3) Айрим феъллар билан бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракатнинг тез, субъект учун қийинчиликсиз бажарилиши ҳам англашилади. Бу нарса *ташла* кўмакчи феълнинг маънони кучайтириш хусусиятидан, шунингдек, етакчи феълдаги ҳаракатнинг хусусиятидан келиб чиқади: *Муҳаммад Жамол пок, самимий ишқини тасвир этувчи янги-янги шеърларини шу замон тўқиб ташлар эди* (Ойбек). *Бошқалар бир йилда 70-75 лекция ўқиса, мен тезкорлик билан 250—300 лекция ўқиб ташлайман* («Муштум»).

4) Айрим феъллар билан бирикканда, ҳаракатнинг бирдан ортиқ (кўп) марта юз бериши ифодаланади: *тирнаб ташлади, уриб ташлади, гапириб ташлади, тишлаб ташлади* каби.

Бундай бирикувларда ҳаракатнинг бирдан ортиқ юз бериши, маъносининг ифодаланиши ҳам *ташла* кўмакчи феълнинг маънони кучайтириш хусусияти билан изоҳланади.

2. *Ташла* кўмакчи феъли етакчи феълга ҳеч қандай форма ёрдамсиз бирикканда ҳам етакчи феълдаги ҳаракатнинг тўла-тўқис (бутунлай) бажарилиши маъносини ифодалайди. Фарқ шундаки, етакчи феълга ҳеч қандай форма ёрдамсиз бирикканда тўла-тўқис бажарилиш маъноси билан бирга ҳаракатнинг тез, бирпасда, шартта бажарилиши ҳам ифодаланади, яъни бунда маънонинг кучайиши ҳамма вақт тезликка нисбатан бўлади: *ёзиб ташлади — ёзди-ташлади*.

-*(у)б* аффикси билан ясалган равишдошга бирикканда ҳаракатнинг тез, бирпасда бажарилиши ифодаланиши мумкин. Лекин тезликнинг даражасидаги юқорилик етакчи феълга ҳеч қандай форма ёрдамсиз бириккандагича бўлмайди. Қиёсланг: *ёзиб ташлади — ёзди-ташлади*.

Ташла кўмакчи феъли фақат объектли феъллар билан бирикади. Бу хусусияти ва тўла бажарилиш маъносини кучайтириб ифодаланишига кўра *ташла* кўмакчи феъли *юбор* кўмакчи феълга яқин туради. Лекин улар ўзларига хос айрим хусусиятларга эга.

Ташла ва *юбор* кўмакчи феълларида улар мустақил феъл сифатида қўлланганда ифодалайдиган ҳаракатга хос хусусият маълум даражада сақланиши мумкин. Бундай ҳолларда уларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаб бўлмайди: *Шундай бўлгандан кейин полдаги сувни очиб юборишни не қандай нафи бор?* (Р. Файзи). *Аҳмаджон... қора қалин сочи орасидан сизиб пешонасига тушаётган қонни дам-бадам бармоғи билан сидириб ташлар эди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Айрим феъллар билан *юбор* кўмакчи феъли бирикканда ҳаракатнинг бир марта тўла бажарилиши ифодалангани ҳолда, худди шу феълларга *ташла* кўмакчи феъли бирикса, ҳаракатнинг бирдан ортиқ бажарилиши ифодаланади: *тирнаб юбормоқ — тирнаб ташламоқ, тегиб юбормоқ — тегиб ташламоқ, гапириб юбормоқ — гапириб ташламоқ* ва б.

Юбор ва *ташла* кўмакчи феъллари ҳаракатнинг юқори даражада юз беришини билдирганда баъзан уларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин бўлади. Бунда ҳаракат даражаси *юбор* феълидагига нисбатан *ташла* феълида юқори бўлади: *қийнаб юборди* — *қийнаб ташлади*, *бузиб юборди* — *бузиб ташлади* ва б.

Ташла кўмакчи феълида кескинлик билан бирга, кўпинча, субъект ҳаракатни ўз устига олган объектга нисбатан бефарқ, ҳатто, салбий муносабатда бўлади. Шу хусусиятига кўра *ташла* феълли салбий характердаги ҳаракатни билдирувчи *жеркимоқ*, *тепмоқ* каби феъллар билан бирика олгани ҳолда (*жеркиб ташламоқ*, *тепиб ташламоқ* каби), ижобий характердаги ҳаракатни билдирувчи *руҳлантирмоқ*, *севинтирмоқ* каби феъллар билан бирикмайди (*руҳлантириб ташлади*, *севинтириб ташлади* дейилмайди).

Сол. Бу кўмакчи феъл равишдошнинг *-(и)б* ва *-а* аффикслари билан ясалган турига бирикади: *Бутун дардини тўкиб солди*. *Тура сол иб югуриб кетди*.

1) Равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикканда, ҳаракатнинг тўла-тўқис (бутунлай) бажарилиши маъносини билдиради ва шу маънони кучли оттенка билан ифодалайди. Бу маънода у фақат объектли феъллар билан бирикади: *Сен менадан ҳар қанча хафа бўлсанг ҳам, кўнглимга тугиб қўйганимни энди айтиб солмасам иложи йўқ* (А. Қодирий). *Унинг кўзлари Жамилага бошқача боқар эди. Балки юрагида борини ҳозир очиб солмоқчи бўлгандир* (Ж. Абдуллахонов).

Сол кўмакчи феъли ҳаракатнинг тўла, бутунлай бажарилиши маъносини ифодалаш хусусияти билан *ташла* кўмакчи феълига жуда яқин туради. Лекин у *ташла* кўмакчи феълига нисбатан жуда пассив. Бу кўмакчи феъл жуда кам феъллар билангина бирика олади. Сол кўмакчи феъли бирикадиган феъллар билан *ташла* кўмакчи феъли ҳам бирика олади, лекин *ташла* кўмакчи феъли бирика оладиган феълларнинг жуда кўпчилиги билан *сол* кўмакчи феъли бирика олмайди. Масалан, *кесиб ташламоқ*, *бўяб ташламоқ*, *ғижимлаб ташламоқ*, *ёндириб ташламоқ* каби бирикувлардаги етакчи феъл билан *сол* кўмакчи феъли бирика олмайди.

Шу нарса ҳам характерлики, *сол* кўмакчи феъли бирор феъл билан бирикиб, шу феълдаги ҳаракатнинг тўла (бутунлай) бажарилиши маъносини ифодалаган ҳолларда етакчи феъл бошқариб келган сўз билдирган нарса-предмет бирдан ортиқ бўлади. Шунинг учун ҳам етакчи феълга бошқарилган сўз кўп ҳолларда ё кўплик формасида бўлади, ёки контекстда шу сўз билдирган нарса-предметнинг кўплигини (бирдан ортиқлигини) кўрсатувчи сўз қатнашадди: *Юрагига тўпланиб қолган ўз туйғуларини очиб солди* (П. Турсун). *Добротворцев бу жойлар ҳақида китобларда ўқиб билганининг ҳаммасини айтиб солмоқда* (А. Мухтор). *Ботиралига бор гапни айтиб солди* (Ҳ. Фулом).

2. Равишдошнинг *-а* аффикси билан ясалган турига бирикканда, ўзи ҳам деярли ҳамма вақт *-(и)б* аффикси билан ясалган равишдош формасида бўлади ва етакчи феъл билан бирга содда

гап таркибидаги равишдош оборотнинг кесими вазифасида келади. Бунда субъектнинг етакчи феълдаги ҳаракатни тугатган (бажарган) замоноқ, шу оннинг ўзидаёқ содда гапнинг кесими вазифасида келган феълдаги ҳаракатни бажаришга ўтиши (шу ҳаракатни бажариши) ифодаланади: *Йўлчи пичоқни ола солиб, узоққа отди* (Ойбек). *Саидғози қўлидаги қаламини қўя солиб, чапакка зўр берди* (С. Анорбоев).

Бу маънода сол кўмакчи феъли объектсиз феъллар билан ҳам бирикаверади: *Йўгон киши ўрнидан тура солиб, Сафаровга ташланди* (А. Қаҳҳор). *У шийпон олдида «Оқтой»дан туша солиб, Қудратга мақтанди* (Ҳ. Назир).

Шуниси характерлики, кўриб ўтилган каби мисоллардан сол кўмакчи феъли тушириб қолдирилса ҳам маънода ўзгариш деярли бўлмайти. Қиёсланг: *тура солиб қочди — тура қочди, кела солиб ишга тушди — кела ишга тушди*. Бундай ҳодиса бошқа бирорта ҳам кўмакчи феълда учрамайди.

Туш. Бу кўмакчи феъл, асосан, равишдошнинг *-(и)б* аффикси орқали ясалган турига бирикади ва қуйидаги маъноларни билдиради:

1. Ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъносини пастга (қуйига) йўналиш оттенкаси билан ифодалайди: *Директор оғир гавдасини кўтариш учун жон-жаҳди билан интилди-ю, яна юмшоқ қумга ағдарилиб тушди* (Ш. Рашидов). *От мункиб кетганда эгарнинг устидан дўмбалоқ ошиб тушган паранжисиз қиз, ўйноқи каптардай абжирлик билан ўзини ўнғариб олди-да, жувонга ёрдам бергани шошилди* (А. Қаҳҳор).

Туш кўмакчи феъли билан ясалган бирикувларда баъзан равишдош формасидаги феъл тушириб қолдирилса ҳам ёки *туш* феъли тушириб қолдирилса ҳам асосий маъно ўзгармайди. Бундай ҳолларда қайси феълнинг асосий феъл эканлигини белгилаш қийинроқ бўлади. Масалан, *қовоғи осилиб тушди*. Бу гапдаги *туш* ёки *осил* феъллари тушириб қолдирилса ҳам асосий маъно ўзгармайди: *Мингбоши, қўққисдан чаён чақиб олгандай, сесканиб кетди. Ранги ўчди, қовоғи яна баттар тушди* (М. Исмоилий). *Акасининг бу ҳаракатидан Раънонинг кўнгли бузилиб, қовоғи осилди-ю, аразлаганча ҳовлига тушиб кетди* (Ҳ. Назир).

Равишдош формасидаги феълни тушириб қолдириш мумкинлигидан бундай ҳолларда *туш* феъли асосий феълдек кўринади. Ҳақиқатда эса *қовоғи осилиб тушди* бирикувида *туш* феъли асосий феъл эмас, балки кўмакчи феъл ҳисобланади.

2. *Ярашмоқ, ёқмоқ* каби айрим феъллар билан бирикканда субъектнинг ҳаракат йўналган объектга етакчи феълдаги ҳолатда ўринлашиши (шундай ҳолатда келиши) маъносини билдиради: *Ҳошиясига аллақандай живир-живир гул нақшланган бу тўн унинг паст бўйига, қотма гавдасига жуда ярашиб тушибди* (Ҳ. Фулом). *Куй Ойқиз юрагига жуда ёқиб тушди шекилли, ичиди унга жўр бўлди* (Ш. Рашидов).

Ул. Бу кўмакчи феъл равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикади. Маъноси:

1. Ҳаракат-ҳолатнинг юқори даражада (нормал ҳолатдан юқори) юз беришини билдиради: *соғиниб ўлмоқ, чанқаб ўлмоқ* каби: *Бай-бай-бай-, совуқ еб ўлибсан-ку, уйга кира қол* («Тошкент ҳақиқати»). *Бир оздан кейин чиқиб ойим билан сўрашинг, кирмаганингиз учун қайин оналарингиз севинишиб ўлаёттибдидилар* (А. Қодирий).

2) Давомлилик, такрорийлик маъносини билдиради: *суриштириб ўлди, чақириб ўлди* каби: *Шу бугун ўзим ўйқудан қолиб мудраб ўляпман* (Ҳ. Зийёхонова). *Аллавақтгача ухлай олмадим, қўрқиб ўлдим* (Сўзлашувдан).

Ул кўмакчи феъли барча кўмакчи феъллардан фарқланувчи ўзига хос хусусиятга эга. Бу кўмакчи феъл етакчи феълдан олдин ҳам қўлланади: *ўлди севиниб, ўлди кула-кула, ўлди ёзгириб, ўлди суриштириб* каби. Бу ҳодиса оддий сўзлашувда кўп учрайди. Кўмакчи феълнинг етакчи феълдан аввал қўлланиши бошқа бирорта ҳам кўмакчи феълда учрамайди.

Ул кўмакчи феъли етакчи феълдан олдин қўлланганда, маъно яна ҳам кучаяди: *суриштириб ўлди — ўлди суриштириб, севиниб ўлди — ўлди севиниб*. Бундай ҳолда *ўл* феъли алоҳида ургу билан айтилади. Ул феъли мустақил феъл сифатида қўлланганда ҳам юқоридаги маънони ифодалай бўлади. Мустақил феъл сифатида қўлланганда ҳам, шунингдек, кўмакчи феъл сифатида қўлланганда ҳам, кўпинча, салбий оттенкага эга бўлади. Шунинг учун ҳам субъект *ўл* феълени бу маънода ўз ҳаракатига ёки ўзи билан сирдош, ҳар нарсани тортинмай гаплашиши мумкин бўлган шахснинг ҳаракатига нисбатан қўллаёверади. Лекин сўзловчи учун жуда ҳурматли бўлган шахснинг ҳаракатига нисбатан қўлланмайди. Масалан, субъект ўзининг мудраш ҳаракатини ортқ даражада юз беришини «мудраб ўляпман» тарзида ифодалайверади. Шунингдек, ҳар нарсани очиқчасига гапираверадиган дўстига нисбатан «мудраб ўляпсан» деяверади. Лекин ҳар нарсани очиқ гаплашавермайди (азиз) меҳмонига нисбатан «мудраб ўляпсиз» деймайди.

Кўр. Бу кўмакчи феъл равишдошнинг *-(и)б* ва *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикади.

1.) Равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракат синаш, билиш учун бажариладиган ҳаракат (билиш, синаш ҳаракати) эканлигини билдиради: *Зокир ота Сидиқжонга бир оз ғўза чоптириб кўрдию, чопиққа ниҳоятда чечан эканини кўриб: «Отанга раҳмат!» — деди* (А. Қаҳҳор). *Майли, толеи йўқ дўстингни бугун бўлмаса, эртага ёқлаш тўғрисида ўйлаб кўраман* (Ш. Рашидов).

2. *Кўр* кўмакчи феъли равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига ҳам бирикади. Бу ҳодиса фақат буйруқ-истак майли доирасидагина учрайди, *кўр* феълнинг ўзи эса ҳамма вақт бўлишсиз формада қўланади. Бунда ҳаракатни бажармасликни қатъий таъкидлаш, қатъий огоҳлантириш маъноси ифодаланади: *бора кўрма, ола кўрмасин: Формада олиб бора кўрма,*

...ЗАГС мудирининг жини қўзғамасин тагин (А. Қаҳҳор). Қақилдоқсанки, отанг эшита кўрмасин,... (Ойбек). Бу сирни ҳеч кимга айта кўрма (Ғайратий).

Қара ва боқ. Бу кўмакчи феъллар фақат равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикади ва *кўр* кўмакчи феъли равишдошнинг *-и(б)* аффикси билан ясалган турига бирикканда ифодалайдиган маънони — етакчи феълдаги ҳаракат билиш, белгилаш, аниқлаш учун бажарилувчи ҳаракат эканлиги маъносини билдиради: *Малоҳат суриштиргани корхонага борибди. Суриштириб қараса, Жонфиғон фақат ўн етти кун ишлабди, холос* (А. Қаҳҳор). *Ҳа, яна бир камчилик: ...ҳужуминг бу сафар суст кўринади. Мана ўқиб боқ* (Ойбек). *Ҳар ҳунарнинг ўз вақти бор, дейдилар, қани биз ҳам далага чиқиб боқайлик* (Шуҳрат).

Бир хил маъно ифодаловчи *кўр*, *қара*, *боқ* кўмакчи феъллари ўртасида стилистик жиҳатдан бирор фарқ йўқ. Шунингдек, улардан бирини фақат бирор шевага хос, деб ҳам бўлмайди. Бу кўмакчи феъллар жонли сўзлашувда ҳам, ёзувда ҳам аралаш қўлланаверади. Қуйидаги икки мисолда буни очиқ кўриш мумкин: *Уйлаб кўринг, бу улар учун жуда ҳам катта меҳнат, машаққат эмасми?.. Энди ўйлаб қарасам, у бахтини эмас, бахтсизлигини йўқотган экан* (Сайд Аҳмад).

Битта эмас қўлинг қизим,

Иккита-ку санаб боқ:

Санаб кўрар яна жим ... (Т. Тўла).

Булар ичида энг актив (кўп) қўлланувчиси *кўр* кўмакчи феълдир. *Қара* кўмакчи феъли унга нисбатан анча кам қўлланади. *Қара* кўмакчи феълига нисбатан *боқ* кўмакчи феъли ҳам кам қўлланади.

Бил. Бу кўмакчи феъл равишдошнинг *-а, -й* аффикслари орқали ясалган тури билан бирикади ва етакчи феълдаги ҳаракатни бажаришга қодирлик, шу ҳаракатнинг субъект қўлидан келиши (бўлишсиз формада қодир эмаслик, қўлидан келмаслик) маъносини билдиради. Шунга кўра, у ол кўмакчи феълининг синоними ҳисобланади: *...фирқа сенинг душманларинг билан ҳам ҳисоблаша олади, турмушингни ҳам тузата билади* (А. Қодирий). *Бунинг устига Шерназарбой Шомурод бахши билан Вакил ўртасидаги адоват ва келишмовчиликлардан яхши фойдалана билди* (Ж. Шарипов).

Бадий адабиётларда *бил* кўмакчи феълининг ҳам «мочь», «уметь» маъноларида қўлланиши кўп учрайди. Лекин *бил* кўмакчи феъли «мочь» маъносида қўлланганда жуда сунъийлик сезилади: *Содиқ Саркор чангалидаги калитларни икки-уч тортиб ҳам ола билмади* (Ҳ. Шамс). *...Агар ўз دادаси ва акалари эшитса, улар Йўлчининг шалоқ йигит эканига ишонадилар, ҳайдайдилар; кейин Йўлчини хизматкорликка ола билмайдди* (Ойбек).

Бил кўмакчи феъли ақл билан бажариладиган ҳаракатларга нисбатан қўлланганда («уметь» маъносида қўлланганда), сунъий-

лик сезилмайди, балки адабий тил нуқтан назаридан ҳам нормал ҳолат сифатида бўлаверади. Чунки бунда бил кўмакчи феълнинг маъноси унинг мустақил феъл сифатида қўлланганда ифодалайдиган маъносига тўғри келади: *Лекин масала тўғри йўлни, ҳақиқатни кўрсата билишда* (Ойбек)...*ҳар бир меҳнаткаш оқни қорадан, дўстни душмандан ажрата билиши керак* (Ҳ. Ғулом).

Ёз. Бу кўмакчи феъл равишдошнинг -а, -й аффикслари билан ясалган турига бирикади ва қуйидаги маъноларни билдиради:

1. Ҳаракатнинг юз беришига оз қолганлиги, лекин бажарилмаганлигича қолганлиги маъносини билдиради: *Қизнинг паранжисини кўриши биланоқ йигитнинг юраги қинидан чиқа ёзди* (Ойбек). *Агар Офтобхон тасодифан кириб қолмаса, онангдан ажрала ёзган экансан* (Ҳ. Зиёхонова).

2. Ҳаракатнинг тўла даражада бажарилишига яқинлашганлик, оз қолганлик маъносини билдиради: *Кумушбиби энди ўн еттин кўйиб ўн саккизга қадам босганлигидан бўйи ҳам онасига ета ёзган, ammo жуссаси онасига кўра тўлароқ эди* (А. Қодирӣ). *Механик-ҳайдовчи ярим соатдан бери чиқаза олмай, моторни гувиллатавериб ёниғини тугата ёзган экан* (Саид Аҳмад).

— *Қўлдошвой, рўйхат нима бўлди?*

Рўйхат тамом бўла ёзди (Ҳ. Шамс).

Ёз кўмакчи феъли ҳаракатнинг бажарилишига яқинлашганлиги (бажарилиш арафасида эканлиги) маъносини ифодалаган ҳолларда етакчи феъл, одатда, тугал бажарилиш маъносини ифодаловчи феъллар бўлади. Агар бирор феъл билдирган ҳаракат шундай характерга эга бўлмаса, бу ҳаракатнинг бажарилишига яқинлашганлиги маъносини ифодалашда ёз кўмакчи феъли билан бирга *бўл кўмакчи феъли* ҳам қўлланади: *Ҳамма ўз пилласини топшириб бўла ёзди* (З. Фатхуллин). *Мана, Кўкорол пахтазори ғўмай, қиёқ, печак каби ўтлардан тозаланиб бўла ёзди* (Ҳ. Назир).

Юқоридаги иккала пунктда келтирилган мисолларда ҳам ёз кўмакчи феъли, умуман, оз қолганлик маъносини билдиради. Фарқ шундаки, *йқила ёзди, ўла ёзди* каби бирикувларда ҳаракатнинг бажарилишига оз қолганлиги, лекин бажарилмаганлиги маъноси (русча «чуть не...» деган маъно) ифодаланади. *Тугата ёзди, ўқиб бўла ёзди* каби бирикувларда эса ҳаракатнинг бажарилмаганича қолиши ифодаланмайди (яъни «чуть не...» деган маъно ифодаланмайди), балки ҳаракатнинг тўла бажарилишига яқинлашганлиги (тўла бажарилишга яқин ҳолатда эканлиги) ифодаланади.

* * *

Кўриб ўтдикки, кўмакчи феълларнинг ҳар бири ўзи бирикиб келган равишдош формасидаги феълнинг (асосий феълнинг) маъносига турли қўшимча маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. Кўмакчи феълларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши билан бирга, улар маъно ва вазифаларидаги умумий томонлари билан маълум гуруҳларга ҳам бўлинади. Масалан, кўмакчи

фeyлларнинг айримлари ҳаракат процессининг характеристикасини кўрсатади, айримлари модал маъноларни ифодалайди ва ҳоказо. Маъноси ва вазифасидаги ана шундай умумий томонларига қараб кўмакчи фeyлларни куйидаги уч асосий гурппага ажратиш мумкин:

1. Ҳаракат процессининг характеристикасини билдирувчи кўмакчи фeyллар.

2. Модал маъноларни ифодаловчи кўмакчи фeyллар.

3. Йўналиш маъносини ифодаловчи кўмакчи фeyллар.

1. Ҳаракат процессининг характеристикасини кўрсатувчи кўмакчи фeyллар маъно ва вазифаларига кўра ўзаро яна алоҳида гурппаларга (турларга) бўлинади:

1) ҳаракатнинг бошланғич фазасини кўрсатувчи кўмакчи фeyллар;

2) ҳаракатнинг бажарилишдаги фазасини кўрсатувчи кўмакчи фeyллар;

3) ҳаракатнинг бажарилишга яқинлашган фазасини кўрсатувчи кўмакчи фeyллар;

4) ҳаракатнинг тўла (тугал) бажарилиш фазасини кўрсатувчи кўмакчи фeyллар;

5) ҳаракатнинг юқори фазасини (интенсив фазасини) кўрсатувчи кўмакчи фeyллар;

6) ҳаракатнинг нормал (тугал) даражага етмаган фазасини кўрсатувчи кўмакчи фeyллар;

7) ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши фазасини кўрсатувчи кўмакчи фeyллар;

8) ҳаракатнинг бир марталилигини билдирувчи кўмакчи фeyллар;

9) ҳаракатнинг бир лаҳзада (сезиларсиз вақт ичида) юз беришини билдирувчи кўмакчи фeyллар.

1) ҳаракатнинг бошланғич фазасини кўрсатувчи кўмакчи фeyллар гурппасига *бошла, кел, кет* кўмакчи фeyллари киради.

Бошла кўмакчи фeyли, умуман, ҳаракатнинг бошланиши, субъектнинг етакчи фeyлдаги ҳаракатни бажаришга киришиши маъносини билдиради. Бунда ҳаракатнинг бошлангандан сўнг давом этганлиги назарда тутилмайди. *Бошла* кўмакчи фeyли ҳаракатнинг бошланиши маъносига бошқа бирор қўшимча маъно ёки қўшимча оттенка ифодаламайди.

Кел кўмакчи фeyли ҳар қандай фeyллар билан эмас, балки баъзи фeyллар билан бириккандагина ҳаракатнинг бошланғич фазаси юзага келиши маъносини билдиради. *Кел* кўмакчи фeyли, асосан, аста-секин, даражама-даража ривожланиб, сўнгра тўла (нормал) ҳолатда юз берувчи ҳаракатни билдирувчи фeyллар билан бириккандагина ана шу маънони ифодалайди. Масалан, узумнинг пишиши, қўйнинг семириши, дарахтнинг гуллаши бирданга юз берадиган ҳодиса эмас, балки аста-секин, даражама-даража юз берадиган ҳодисадир. *Кел* кўмакчи фeyли ана шундай характердаги ҳаракатни билдирувчи фeyллар билан бирикканда, ҳаракатнинг бошланғич фазаси (бошланғич даражаси) юзага келиши маъ-

носини билдиради: *пишиб келяпти, семириб келяпти, гуллаб келяпти, ўрганиб келяпти, қоронғилашиб келяпти* каби.

Кел кўмакчи феъли ҳаракатнинг умуман бошланиши маъносини эмас, балки бошланғич фазасининг юзага келиши ва ҳаракатнинг нормал даражага қараб йўналиши маъносини билдиради. Бунда ҳаракат нормал даражага қараб йўналишда (ривожланишда) бўлади.

Бундан ташқари, *кел* кўмакчи феъли ҳаракатнинг бошланғич фазасини билдирган ҳолларда, кўпинча, ҳаракат-ҳолатнинг жуда элементар тарзда эканлиги англашилади. *Бошла* кўмакчи феъли эса бу маънони таъкидламайди, балки умуман бошланиш маъносини билдиради. Масалан, *бодом гуллаб бошлади* деганда гуллаш ҳаракатининг бошланганлиги ифодаланади. Бунда, албатта, бодомда гуллар пайдо бўлган бўлади. *Бодом гуллаб келяпти* деганда эса бодомда ҳали бирорта ҳам тўла очилган гул йўқ бўлиши мумкин. Бунда бодомнинг гуллашга ўтиш процессида эканлиги (гулнинг бошланғич элементлари юз берганлиги) ифодаланади.

Кет кўмакчи феъли ҳар қандай феъллар билан эмас, балки баъзи феъллар билан бириккандагина ҳаракатнинг бошланғич фазасини кўрсатади. *Кет* кўмакчи феъли бирданига, бир нафасда бажарилиши мумкин бўлган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда ҳеч вақт ана шу маънони ифодаламайди. Масалан, *синмоқ, қуламоқ, уйғонмоқ* феъллари билдирган ҳаракатлар бир нафасда («моментально») бажарилиши мумкин бўлган ҳаракатлардир. *Кет* кўмакчи феъли шу феъллар билан бирикканда ҳеч вақт ҳаракатнинг бошланғич фазасини кўрсатмайди. *Бошла* феъли эса ана шундай характердаги ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда ҳам ҳаракатнинг бошланиши маъносини ифода-лайверади.

Кет кўмакчи феъли бир текисда давом этадиган характердаги ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бириккандагина шу ҳаракатнинг бошланғич фазасини (бошланғич фазаси юзага келишини) кўрсатади. Ҳаракат бир текисда давом этувчи ҳаракат бўлганидан бундай ҳолларда бошланғич фазадаги давомлилик ифодаланади, яъни ҳаракатнинг умуман бошланиши эмас, балки бошланиши ва шу бошланғич ҳолатдаги давомлилиги ифодаланади. *Бошла* кўмакчи феъли эса фақат ҳаракатнинг бошланиши маъносини билдиради. Қиёсланг: *гапира бошлади — гапира кетди, ўйнай бошлади — ўйнай кетди*.

Ҳаракатнинг бошланғич фазасини кўрсатувчи кўмакчи феъллар ичида энг кўп (универсал) қўлланувчиси *бошла* кўмакчи феълдир;

2) ҳаракатнинг бажарилишидаги фазасини кўрсатувчи кўмакчи феъллар группасига *ёт, тур, юр, ўтир, бор, кел, бер (вер)* кўмакчи феъллари киради. Бу кўмакчи феълларнинг ҳаммаси ҳам субъектнинг ҳаракат-ҳолатни бажаришда мавжудлигини (мавжуд бўлганлиги, мавжуд бўлиши), бажаришда давом этиши маъносини билдиради.

Ет, тур, юр, ўтир кўмакчи феъллари ўзларига хос умумий белги-хусусиятлари билан *бор, кел* ва *бер (вер)* кўмакчи феълларидан фарқланади. Бу кўмакчи феъллар умуман субъектнинг ҳаракат-ҳолат процессида мавжуд бўлиши маъносини билдиради. Буларда ҳаракатнинг бошланиш ёки тугаш фазаларига муносабати ифодаланмайди: *ишлаб ётмоқ, ишлаб турмоқ, ишлаб юрмоқ, ишлаб ўтирмоқ* каби.

Бор ва *кел* кўмакчи феъллари субъектнинг ҳаракат-ҳолатни бажариш процессида мавжуд бўлиши маъноси билан бирга шу ҳаракат ҳолатнинг бошланиш ва тугаш пунктларига муносабатини ҳам ифодалайди, яъни булар ҳаракатнинг йўналиш бошланган ва йўналиш қаратилган пунктлар бўйлаб давом этувчи ҳаракат эканини билдиради: *тарбиялаб бормоқ, тарбиялаб келмоқ*.

Бер (вер) кўмакчи феъли равишдошнинг *-а, -й* аффикси билан ясалган формасига бирикканда, субъектнинг ҳаракатни бажариш процессида бўлиши маъносини (давомлилик маъносини) билдиради. Бундай ҳолларда *бер* кўмакчи феъли субъектнинг ҳаракатни бажариш процессида бўлиши маъноси билан бирга унинг (субъектнинг) шу ҳаракатдан қайтмаслиги, тўхтамаслиги, шу ҳаракатни қаршиликсиз, монеликсиз бажариши каби маъноларни ҳам ифодалайди: *ўйнайверади, ишлайверади, ухлайверади* каби;

3) ҳаракатнинг бажарилишга яқинлашган фазасини кўрсатувчи кўмакчи феъллар группасига *қол* ва *ёз* кўмакчи феъллари киради.

Қол ва *ёз* кўмакчи феъллари ҳар қандай феъллар билан эмас, балки бирор ҳаракатнинг якунини, унинг тугаш пунктини билдирувчи *бўл, бит, ет* каби феъллар билан бириккандагина яқинлашганлик маъносини (ҳаракатнинг бажарилишга яқин фазада эканлигини) билдиради: *етиб қолдик, ета ёздик, битиб қолди, бита ёзди* каби.

Бошқа феъллар билдирган ҳаракатнинг бажарилишга яқин фазада эканлигини ифодалашда *қол* ёки *ёз* кўмакчи феълларидан олдин тугаллик маъносини ифодаловчи *бўл* кўмакчи феъли ҳам қўлланади: *ёзиб бўлиб қолди, ёзиб бўла ёзди; топшириб бўла ёзди, топшириб бўлиб қолди* каби. Бу маънода *ёз* кўмакчи феъли *қол* кўмакчи феълига нисбатан кам қўлланади. *Ёз* кўмакчи феълида яқинлик даражаси *қол* кўмакчи феълидагига нисбатан кучлироқ бўлади, яъни *топшириб бўла ёзди* бирикувида ҳаракат *топшириб бўлиб қолди* бирикувидагига нисбатан бажарилиш (тугаш) пунктига яқин ҳолатда бўлади;

4) ҳаракатнинг тўла (тугал) бажарилиш фазасини кўрсатувчи кўмакчи феъллар группасига *бўл, бит, битир, чиқ, ет, ўт, ол, қўй, кет, юбор, сол, туш* кўмакчи феъллари киради. Бу кўмакчи феъллар ичида энг кўп (универсал ҳолда) қўлланувчиси *бўл* кўмакчи феълидир.

Бит, битир кўмакчи феъллари тўла бажарилиш (тугаллик) маъносида *бўл* кўмакчи феълига нисбатан жуда кам қўлланади. Бу кўмакчи феъллар қўлланган ҳолларда тугаллик маъноси алоҳида таъкидланади. Шунинг учун ҳам *бит* ва *битир* феълларининг мус-

тақиллик даражаси *бўл* феълидагига нисбатан кучлироқ бўлади: *ёниб битмоқ, еб битирмоқ* каби.

Чиқ кўмакчи феъли ҳаракатнинг тўла (тугал) бажарилиши маъносида қўлланганда ҳам шу феъл билдирган ҳаракатга хос хусусият маълум даражада сақланади. Шунинг учун ҳам *чиқ* кўмакчи феъли бирор феъл билан бирикиб, тугаллик маъносини ифодалаш учун шу феълдаги ҳаракатни ўз устига олган объект (ёки ҳаракат йўналган объект) кириш ва чиқиш пунктларига эга бўлган объект бўлиши керак бўлади. Акс ҳолда ҳаракатнинг тугаллиги маъносини ифодалаш учун *чиқ* кўмакчи феъли қўлланмайди.

Агар объект кириш ва чиқиш пунктларига эга бўлмаса ёки феъл объектсиз бўлса, *чиқ* кўмакчи феъли ҳаракатнинг тугаллигини эмас, балки вақтнинг тугаллигини билдиради: *кечаси билан ёғиб чиқмоқ, кечаси билан эшикни қоқиб чиқмоқ* каби.

Ет кўмакчи феъли ҳам ҳамма вақт ўз асл маъносини маълум даражада сақлайди. Бу кўмакчи феъл, асосан, даражама-даража юз берадиган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикади ва ҳаракатнинг тўла даражада юз бериши (тўла даражага егиши) маъносини билдиради.

Ут кўмакчи феъли, асосан, воқеа-ҳодисаларнинг тугаллигини ифодалаш учун қўлланади: *тўй бўлиб ўтди* каби. Бу кўмакчи феъл ҳам ҳамма вақт ўз асл маъносини маълум даражада сақлайди.

Ол ва *қўй* кўмакчи феъллари ҳаракатнинг тўла бажарилиш фазасини кўрсатган ҳолларда ҳамма вақт ўзига хос бирор қўшимча оттенка ҳам ифодалайди. Масалан, *ол* кўмакчи феъли ҳаракатнинг субъект учун бажарилиши оттенкасини билдиради: *еб ол, ичиб ол* каби. *Қўй* кўмакчи феъли, кўпинча, ҳаракатнинг хоҳиш-ихтиёрга қарама-қарши бажарилиши, тасодифан юз бериши маъносини билдиради: *еб қўймоқ, ичиб қўймоқ*. Лекин *ол* ва *қўй* кўмакчи феъллари тугаллик, тўла бажарилиш маъносини ифодаловчи сўз сифатида қўлланганда, улар ифодалайдиган бошқа маънолар асосий ўринда бўлмайди. Ҳатто баъзи ҳолларда улар ифодалайдиган қўшимча маънолар жуда сезиларсиз даражада бўлади ва фақат тўла бажарилиш маъносининг ўзи ифодаланади: *чойингни ичиб қўй* («қолмасин, ҳаммасини ич»).

Кет ва *юбор* кўмакчи феълларининг тўла (тугал) бажарилиш маъносида қўлланиши анча чегараланган. Бу ҳодиса шу феълларнинг ўзига хос маъно хусусияти билан изоҳланади.

Ташла кўмакчи феъли ҳар жиҳатдан *кет* ва *юбор* кўмакчи феълларига яқин туради. Қийёсланг: *қўмилиб кетди — қўмиб юборди — қўмиб ташлади*.

Сол кўмакчи феъли ҳам ўз маъносини маълум даражада сақлайди ва ҳаракат йўналган объектларнинг шу ҳаракатга тўла даражада тортилганлигини билдиради: *бор гапни айтиб солмоқ, тўкиб солмоқ* каби.

Туш кўмакчи феъли ҳам бу маънода жуда кам қўлланади. ва, кўпинча, йўналиш оттенкасини ҳам ифодалайди *йиқилиб тушди, сўлиб тушди* каби;

5) ҳаракатнинг юқори фазасини (интенсив фазасини) кўрсатувчи кўмакчи феъллар группасига *кет, юбор, ташла, ўл* кўмакчи феъллари киради. Бу кўмакчи феъллар турли даражада (нормал, паст, юқори даражада) юз бериши мумкин бўлган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда, ҳамма вақт ҳаракатнинг юқори даражаси (юқори фазаси) юз беришини билдиради: *семириб кетди, семиртириб юборди, чарчаб кетди, чарчатиб юборди, чарчаб ўлди. Ул* кўмакчи феъли ҳаракат-ҳолатнинг *кет, юбор, ташла* кўмакчи феъллари билдирган даражадан ҳам юқорилигини билдиради: *қийналиб кетди, қийнаб юборди, қийнаб ташлади, қийналиб ўлди;*

6) ҳаракатнинг нормал (тўла) даражага етмаган фазасини кўрсатувчи кўмакчи феъл — *қол* феъли аста-секин, даражама-даража ривожланиб, сўнгра тўла даражаси юз берувчи ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикканда, шу ҳаракатнинг нормал даражага етмаганлигини (маълум даражада юз берганлигини) билдиради. Бу жиҳатдан у *кет* ва *юбор* кўмакчи феълларининг антоними ҳисобланади: *семириб қолибди — семириб кетибди;*

7) ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши фазасини кўрсатувчи кўмакчи феъллар группасига *ол, қол, қўй* кўмакчи феъллари киради. Булар равишдошнинг *-(у)б* аффикси билан ясалган турига бирикканда, ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини билдиради. Бу маънони ифодалашда *ол* кўмакчи феъли объектли феъллар билан ҳам, объектсиз феъллар билан ҳам бирика олади. *Қол* кўмакчи феъли, асосан, объектсиз феъллар билан, *қўй* кўмакчи феъли объектли феъллар билан бирикади. Ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини ифодалаган ҳолларда *ол, қол* ва *қўй* феъллари ўз асл маъноларини маълум даражада сақлайди. Қиёсланг: *суяб олди — суяб қолди — суяб қўйди;*

8) ҳаракатнинг бир марталигини билдирувчи кўмакчи феъллар группасига *ол* ва *қўй* кўмакчи феъллари киради. *Ол* ва *қўй* кўмакчи феъллари айрим феълларга равишдош ясовчи *-(у)б* аффикси орқали бирикиб, ҳаракатнинг бир марта бажарилиши маъносини билдиради: *Айвонда ўтирган хотинлар оқсоқол опани кўриб, бир-бири билан кўз уриштириб олдилар* (Саид Аҳмад). *Сидиқжон... бош ирғитиб, илжайиб қўйди* (А. Қаҳор).

Ҳаракат бирдан ортиқ (такрорий) бажарилиши ҳам мумкин. Лекин шунда ҳам *ол* ва *қўй* кўмакчи феъллари ҳаракатнинг ҳар сафар бир марта (бўлиниб-бўлиниб) бажарилишини билдиради: *Ҳамма болалар бир-бир шу томонга қараб олишарди* (Р. Файзий). *Эрининг қаҳр-ғазабидан юрак олдиргани учун ҳам орқасига қараб-қараб қўйарди* (Ш. Рашидов);

9) ҳаракатнинг бир лаҳзада (сезиларсиз вақт ичида) юз беришини билдирувчи кўмакчи феъллар группасига *кет, юбор, туш* кўмакчи феъллари киради. Бу кўмакчи феъллар бир нафасда юз бериши мумкин бўлган ҳаракатни билдирувчи феъллар билан би-

рикканда, ҳаракатнинг жуда тез, кўз очиб юмгунча бўлиб ўтиши маъносини билдиради: *чўчиб кетди, чўчиб тушди, чўчитиб юборди* каби. Бундай ҳолларда учала кўмакчи феъл ҳам маънони кучли оттенка билан ифодалайди. Маънонинг кучайиши эса тезликка нисбатан бўлади.

2. *Модал маъноларни ифодаловчи кўмакчи феъллар.* Кўмакчи феълларнинг маълум бир группаси сўзловчининг ҳаракатга бўлган турли муносабатини кўрсатувчи маъноларни — модал маъноларни ифодалайди. Бундай маънолар ҳар бир кўмакчи феълнинг анализида айтиб ўтилган бўлса-да, бу ўринда қайси кўмакчи феълнинг модал маънони ифодалашини, шунингдек, кўп маъноли кўмакчи феълларнинг қайси бир маънони модал маъно эканлигини кўрсатиб ўтамиз.

Кўмакчи феъллар ифодалайдиган модал маънолар жуда хилма-хил. Модал маъноларни ифодалаш нуқтаи назаридан кўмакчи феълларни йирик-йирик группаларга ажратиб бўлмайди. Шу сабабли ҳар бир кўмакчи феълнинг қандай модал маъно ифодалашини алоҳида-алоҳида кўрсатиб ўтамиз.

Ол кўмакчи феъли. Бу кўмакчи феъл равишдошнинг *-а, -й* аффикслари орқали ясалган турига бирикиб, қодирлик маъносини ифодалайди: *қила олади, ёза олади, ўқий олади* каби.

Бил кўмакчи феъли. Бу кўмакчи феъл ҳам равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турга бирикиб, қодирлик маъносини билдиради: *қила билади, ажрата билади.*

Бўл кўмакчи феъли. Бу кўмакчи феъл ҳаракатнинг бажарилиши учун объектив имкониятнинг мавжудлиги маъносини (мумкинликни) билдиради: *ўқиб бўлади* (ўқиш мумкин), *ўтиб бўлади* (ўтиш мумкин, ўтиш имконияти бор).

Қол кўмакчи феъли. Бу кўмакчи феъл равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикканда уч хил модал маъно ифодалайди:

1) ҳаракатнинг тасодифан, кутилмаганда юз бериши маъносини билдиради: *Қандай қилиб бу хат қўлингга тушиб қолди?* (Ойбек).

2) Ҳаракатнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги, хоҳиш-ихтиёрга қаршилиги маъносини билдиради: *Нафас олса, жонбахшидан, дилкашидан айрилиб қоладигандек жим эшитди* (М. Исмоилий).

3) «Ғанимат» маъносини, ҳаракатни бажариш учун имкон берувчи шароит ўткинчи («ғанимат») шароит эканлигини билдиради. *Юр тезроқ, вагондан жой олиб қолайлик* (З. Фатхуллин).

Қол кўмакчи феъли равишдошнинг *-а, -й* аффикси билан ясалган турига бирикканда, турли майл формаларида қўлланишига қараб турли модал маъноларни ифодалайди.

Буйруқ-истак майли формасида қўлланганда, хайрихоҳлик, илтимос, даъват, рухсат каби маъноларни ифодалайди: *ола қол, бера қолинг, ёза қолсин* каби.

Ижро майли формасида ҳаракатнинг мақсадга мувофиқ ҳолда, осонлик билан, ният қилгандек юз бериши маъноларини билдиради: *тушуна қолади, кета қолди, бера қолди* каби.

Шарт майли формасида сўзловчи ёки субъектнинг ҳаракатнинг тезроқ бажарилишига жуда тарафдорлиги, шуни жуда хоҳлаши маъносини билдиради: *Қани энди Ханкаси тушмагур уламани тақа қолса* (С а и д А ҳ м а д). *Нима эди-я, эҳ, ... э с и м г а туша қолса-чи* (Р. Ф а й з и й).

Қўй кўмакчи феъли. Бу кўмакчи феъл ҳаракатнинг хоҳиш-ихтиёрдан ташқари юз бериши, етакчи феълдаги ҳаракат бажарилмаслиги керак бўлган ҳаракат эканлиги маъносини билдиради: *Мени кечиринг, Эъвозхон, кўнглингизга озор бериб қўйдим* (Ҳ. Ғ у л о м).

Бер(вер) кўмакчи феъли. Бу кўмакчи феъл равишдошнинг *-а, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикканда, ҳаракатнинг тўсиқсиз, монеликсиз бажарилиши, ҳаракатнинг бажарилиши учун тўсиқ, монеликнинг йўқлиги каби модал маъноларни билдиради: *еяверади, кетавераман, беравер, олаверди* каби.

Кўр кўмакчи феъли. Бу кўмакчи феъл икки хил модал маънони билдиради:

1) Равишдошнинг *-а, -й*, аффикслари билан ясалган турига бирикканда, асосан буйруқ-истак майлида ва бўлишсиз формада қўлланиб, ҳаракатни бажармасликни қатъий таъкидлаш, қатъий огоҳлантириш маъносини билдиради: *ола кўрма, бора кўрмасин* каби.

2) Равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалган турига бирикканда, етакчи феълдаги ҳаракат синаш, билиш (белгилаш) учун бажарилувчи ҳаракат эканлиги маъносини билдиради: *ўқиб кўр, еб кўрди, сўраб кўраман* каби.

Қара, боқ кўмакчи феъллари. Бу иккала кўмакчи феъл ҳам етакчи феълдаги ҳаракат синаш, билиш (белгилаш) учун бажарилувчи ҳаракат эканлигини билдиради: *ўқиб қара, ўқиб боқ, еб қара, еб боқ* каби.

Тур кўмакчи феъли. Бу кўмакчи феъл ҳаракатнинг вақтинча, бирор бошқа ҳаракат ёки ҳодиса юз бергунча бажарилишда (ёки бажарилмасликда) бўлиши маъносини («вақтинча», «ҳозирча», деган маънони) билдиради: *ишлай тур, борма тур, айтмай тур* каби..

Юр, ўтир кўмакчи феъллари. Бу кўмакчи феъллар ҳаракатнинг бажарилиши маъқул эмаслиги, бажарилмаслиги керак бўлган ҳаракат эканлиги маъносини билдиради: *Мен уни излаб марказга бориб юрибман* (Ш. Ғ у л о м о в). *Бирор зиён-заҳмат етказиб ўтирмасин тагин* (С. А н о р б о е в).

Ёз кўмакчи феъли. Бу кўмакчи феъл ҳаракатнинг бажарилишига сал қолганлиги, лекин бажарилмаганлиги маъносини (русча «чуть не...» деган маънони) билдиради: *ўла ёзди, йиқила ёзди* каби.

3. *Йўналиш маъносини ифодаловчи кўмакчи феъллар.* Ҳаракатнинг ўзга учун ёки субъектнинг ўзи учун бажарилиши (ҳаракат

натижасининг ўзига ёки ўзгага йўналиши) маъносини ифодалаш билан *ол* ва *бер* кўмакчи феъллари алоҳида группани ташкил этади.

Ол кўмакчи феъли равишдошнинг *-(у)б* аффикси билан ясалган турига бирикканда, ҳаракат натижасининг субъект манфаатига йўналганлиги маъносини билдиради: *ўрганиб олмоқ*, *ўйнаб олмоқ* каби. *Бер* кўмакчи феъли равишдошнинг *-(у)б* аффикси билан ясалган турига бирикканда, аксинча, ҳаракатнинг ўзга учун бажарилиши маъносини билдиради: *ўқиб бермоқ*, *ўйнаб бермоқ*, *сўзлаб бермоқ* каби.

Ўзбек тилидаги *бор*, *кел*, *кет*, *юбор*, *туш* кўмакчи феъллари ҳам йўналишни билдиради. Лекин буларни йўналиш маъносини ифодаловчи *ол* ва *бер* кўмакчи феъллари билан бир группага киритиб бўлмайди. Чунки, биринчидан, бу кўмакчи феъллар асосан йўналишни ифодаловчи кўмакчи феъллар эмас, яъни йўналиш маъноси бу кўмакчи феълларнинг асосий маъноси эмас, балки бошқа бир маъносига қўшимча тарздаги маъноси бўлади. Масалан, *йиқилиб кетмоқ*, *учириб қетмоқ* бирикувларида *кет* кўмакчи феълнинг асосий маъноси ҳаракатнинг тўла (тугал) бажарилиши маъносидир. *Ёзиб олмоқ*, *ёзиб бермоқ* каби бирикувларда *ол* ва *бер* кўмакчи феъллари ифодалайдиган йўналиш маъноси шу кўмакчи феълларнинг асосий маъноси ҳисобланади. Иккинчидан, *ол* ва *бер* кўмакчи феъллари билдирадиган йўналиш ҳамма вақт шахсга қараб бўладиган йўналишдир, йўналиш ўзига ёки ўзгага бўлади. *Бор*, *кел*, *кет*, *юбор*, *туш* каби кўмакчи феъллардаги йўналиш бундай характерга эга эмас.

Юқоридагилардан маълум бўладики, кўмакчи феъллар ҳозирги ўзбек тилида турли-туман маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. Ҳар бир кўмакчи феъл бирор маънони ифодаловчи восита сифатида қўлланишда ўзига хос хусусиятларга эга. Бирор кўмакчи феълни у ёки бу маъносида хоҳлаган феъл билан қўллаш ҳамма вақт ҳам мумкин бўла бермайди.

ТҮЛИҚСИЗ ФЕЪЛ

Ҳозирги ўзбек адабий тилида тўлиқсиз феълнинг қуйидаги формалари қўлланади: *эди*, *экан*, *эмиш*, *эмас*, *эса*. Булардан *эмас* бўлишсиз форма ясовчи воситага, *эса* боғловчига айланган. Шу сабабли уларнинг биринчиси бўлишсиз форма ясовчи воситалар билан бир қаторда, *эса* қўшма гап баҳсида ўрганилади.

Тўлиқсиз феълнинг *эди*, *экан*, *эмиш* формалари ҳам ҳаракат маъносига эга эмас. Улар турли маъноларни ифодалаш учун турли грамматик вазифаларда қўлланади. Тўлиқсиз феъллар отлар билан ҳам (отлар — кенг маънода), феъллар билан ҳам қўлланади: *боғ эди*, *ишлар эди*; *гўзал экан*, *келган экан* каби.

Тўлиқсиз феъл ҳар бир формасининг ўзига хос хусусияти билан бирга, уларнинг учаласи учун умумий бўлган хусусиятлар ҳам бор. Улар қуйидагилар:

1. Тўлиқсиз феъл мустақил маънога эга эмас. Лекин тарихан мустақил маъноли бўлган.

2. Тўлиқсиз феъл ўзича ҳаракат билдира олмаслиги сабабли феълларга хос бўлишсизлик, даража, замон каби маъноларга ва бу маънони ифодаловчи формаларга эга бўла олмайди. Гарчи шахс-сон қўшимчалари тўлиқсиз феълга қўшилса-да, лекин улар билдирган шахс маъноси тўлиқсиз феълга эмас, балки кесим ва-зифасидаги бутун комплексга оид бўлади: *хабардор экан + ман, хабардор экан + сан; билган эди + м, билган эди + нг; билар эмиш + ман, билар эмиш + сан*. Тўлиқсиз феъл яқка ҳолда тусланмайди.

3. Тўлиқсиз феъл формаларида ўзак ва унга қўшилган аффикс ташқи томондан аниқ ажралиб туради: *эди (э + ди), экан (э + кан)* каби. Лекин ҳозирги ўзбек тилида тўлиқсиз феълнинг ўзи мустақил маъносини сақламагани каби, унга қўшилган аффикслар ҳам шу форма доирасида ўз хусусиятини тўла сақламаган ёки бутунлай йўқотган. Ҳатто ўтган замон феълнинг бир неча турини ҳосил қилишда қатнашадиган *эди* тўлиқсиз феъли таркибидаги *-ди* форманти ҳам ўз хусусиятини тўла сақламаган. Шу сабабли *эди* тўлиқсиз феъли доим ўтган замон маъносини ифодалайвермайди.

4. Тўлиқсиз феъллар феъл формалари билан бирикканда, асосий феъл формасига хос маъно маълум даражада сақланиши мумкин. Лекин умумий маъно асосий феъл формаси билан тўлиқсиз феъл формаси маъносининг оддий арифметик йиғиндисидан иборат бўлмайди. Шунинг учун ҳам маълум формалар доирасида тўлиқсиз феълни тушириб бўлмайди ёки тушириш мумкин бўлган ҳолларда ҳам маъно бутунлай ўзгариб кетади. Масалан, ҳозирги тилда *ишлаётган экан, ишлагувчи эди* формаларидан *экан, эди* тўлиқсиз феълларини тушириб қолдириш мумкин эмас (*ишлаётган, ишлагувчи* формалари кесим бўлиб кела олмайди). *Ишлар эди, билар экан* феълларидан *эди, экан* тўлиқсиз феъли туширилса, аниқлик маъноси гумон маъноси билан алмашади ва ҳ. к.

Демак, «асосий феъл + тўлиқсиз феъл» типидagi қўшилмаларда маъно бутунлиги билан бирга форма бутунлиги ҳам бўлади.

5. Тўлиқсиз феъл билдирган маъно фақат бир сўзга эмас, балки конструкциянинг характериға қараб бутун бирикмага ёки гапга оид бўлиши мумкин: «*Узунни қўй, қисқани кес* экан-да дунёнинг иши (С. Айнӣ). Амали бўлгандан кейин эчкини тоғам деркансан-да (Мирмуҳсин). Давранинг тўрида ўтириб келган Комилжон эдик (Саид Аҳмад). Совет жангчиларининг бирдан-бир шори «*Ғалаба ёллим!*» эди (Ойбек).

6) Тўлиқсиз феъл формаларидаги биринчи товуш (э) нотурғун: у маълум фонетик шароитларда, бошқа товушнинг таъсири билан ёки позицион ҳолатига қараб, бошқа товушга ўтиши ёки тушиб қолиши мумкин. Бу ҳодиса, айниқса, оғзаки нутқда кўп учрайди: *ишларди, ишларкан, ишлармиш; ишлаганакан, ишласайди, ишлаётганмиш* ва ҳ. к.

7. Тўлиқсиз феъл формалари отларга ҳам, феълларга ҳам бирика олади. Уларнинг тусланишли феълларга бирикишига нисбатан сифатдош ва равишдош формасига бирикиши кўп учрайди. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки икки феълнинг ўзаро бирикишида одатда равишдош ёки сифатдош формалари восита бўлади. Тўлиқсиз феълнинг тусланишли феъл формасига бирикиши нисбатан анча кейинги даврларда юз берган.

8. Бир кесим составида *эди, экан, эмиш* формаларидан биттасининг қўлланиши ҳозирги ўзбек тилида асосий ҳолат ҳисобланади. Лекин, қам бўлса ҳам, бир кесим составида икки тўлиқсиз феълнинг қўлланиш ҳоллари учрайди:

...бу сукунат яна қанча давом этар эди экан? (М. Исмоилий).

Бундай ҳолларда, одатда, тўлиқсиз феълларнинг бири ёки ҳар иккиси қисқарган ҳолда қўлланади: *айтармидийкин* каби:

Ана холос, бу одам мени танирмиди экан? ...шарманда бўлдим! (М. Исмоилий) *Эки булар кеча ҳар жой-ҳар жойда сочилиб, бурчак бурчакда ётгани учун кўзга кўринмас эдимикин* (И. Раҳим).

9. Тўлиқсиз феъл формалари бир печа кесим учун бир ўринда (охирги кесим таркибида) қўлланиши мумкин. Бу кесимлар турли формадаги феъллар, шунингдек, отлардан ифодаланган бўлиши мумкин:

У Барно ҳақида ҳам, Гулчеҳра тўғрисида ҳам анча гаплар эшитган, Акмалнинг изтироб чекиб юрганини ҳам билар, лекин Гулсум опа бунчалик фиғони чиқиб гапиришини биринчи кўриши эди (О. Ёқубов).

Эди. Бу форма аслида тўлиқсиз феъл ўзагига ўтган замон феъли ясовчи *-ди* аффиксининг қўшилишидан ҳосил бўлган: *эр + +ди > эди*. Ҳозирги ўзбек тилида *эди* тўлиқсиз феъли қуйидаги маъно ва вазифаларда қўлланади:

1. Нарса, белги, ҳаракат кабиларнинг, умуман ўтган замонга оидлигини билдиради: *Буларнинг кийимлари тоза ва янги эди. Мошранг духоба дўппили бола болаларнинг энг каттаси эди* (Ойбек). *Кичкинализимда дадамлар билан отга мингашиб қовун сайлига чиқардик. Ушанда ҳам шунақа қамиш капалар бўларди, одамлар кечалари гулхан ёқишиб суҳбат қилишарди. Мен бўлсам эски жангномаларни эслардим* (О. Ёқубов).

Тўлиқсиз феълнинг *эди* формаси орқали ифодаланадиган ўтган замон маъноси билан бошқа ўтган замон феъл формалари орқали ифодаланадиган ўтган замон маъноси бир хил эмас. Масалан, нутқ моментигача бажарилган ҳаракатни билдирувчи ҳар қандай феъл ўтган замон феъли деб қаралади. Бу феъллар билдирган ҳаракат-ҳолатларнинг бажарилиши сўзловчининг кўз ўнгида юз берган бўлиши мумкин: *Хатни тугатдим* (ҳозиргина). *Эди* формасида эса бошқачароқ ҳолатни кўраемиз. Буни осонроқ сезиш учун *эди* тўлиқ-

сиз феълнинг отлар билан қўлланган ҳолатини олиб кўриш мумкин.

Эди тўлиқсиз феъли отларга бирикиб келганда, нарса-ҳодиса ёки белгининг мавжуд бўлиши нутқ моментига нисбатан эмас, ҳозирга нисбатан олинади. Шу сабабли «қачон?» сўроғига бўладиган жавоб ҳам эди формасида ўтган замон феълларидагидан бошқача бўлади. Масалан, «Хатни тугатдим» гапига нисбатан қўйиладиган «Қачон?» сўроғига «ҳозир», «эндигина» сўзлари жавоб бўлиши мумкин. Лекин «ҳақиқий эди» формасига нисбатан қўйиладиган сўроққа бу сўзлар («ҳозир», «эндигина») жавоб бўла олмайди. Демак, ўтган замон феъл формаларида ҳаракат-ҳолатнинг нутқ моментига эмас, балки нутқ моментидан олдин (нутқ моментига) бажарилиши ифодаланса, *эди* формасида нарса-ҳодиса белгининг ҳозир эмас, балки аввал, илгари (ҳозиргача) мавжуд эканлиги ифодаланади. Шу сабабли нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг аввалги ва ҳозирги ҳолатлари қиёс қилинганда, биринчи гапнинг кесими (аввалги ҳолатни билдирувчи кесим) *эди* формасида, ҳозирги ҳолатни билдирувчи гапнинг кесими ўтган замон феъл формасида бўлади. Лекин ҳозирги ҳолатни билдирган гапнинг кесими ҳеч вақт *эди* формасида бўлмайди:

Ким эдим? Энди ким бўлдим? (Саид Аҳмад).

Кейинги гапнинг кесими ўтган замон формасида бўлишидан қатъи назар, ундаги *бўл* феъли ўрнида *эди* тўлиқсиз феълни қўллаб бўлмайди.

Эди тўлиқсиз феъли нарса, ҳодиса, белги кабиларнинг мавжуд бўлишини нутқ моментига нисбатан эмас, балки ҳозирга нисбатан кўрсатишидан («ҳозир эмас, аввал, илгари» маъносидан) бундай ҳолларда узоқ ўтган замон маъноси келиб чиқади.

Эди тўлиқсиз феъли ўтган замон маъносига эга бўлса-да, лекин у нутқ моментига муносабатни бевосита кўрсата олмайди. Чунки у мустақил маънога эга эмас. Нутқ моментига муносабатни кўрсатиш мустақил феълларда бўлади. Бундай феълларда бажарилган, бажарилаётган ёки энди бажариладиган ҳаракат ифодаланади (абсолют замон): *келди, келяпти, келади*. Демак, мустақил феълларда ҳаракат замон билан боғлиқ ҳолда юзага келган, юзага келаётган ёки энди юзага келадиган процесс тарзида ифодаланади.

Мустақил маънога эга бўлган феъл отлар билан бирикиб, боғлама вазифасида қўлланганда ҳам от орқали ифодаланган нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг юзага келганлиги, юзага келаётганлиги ёки энди юзага келиши ифодаланади: *ғўзал бўлди, ғўзал бўляпти, ғўзал бўлади*. Демак, буларда ҳам нутқ моментига муносабат бор. Шунга кўра, *ғўзал бўлган* — ўтган замон, *ғўзал бўляпти* — ҳозирги замон, *ғўзал бўлади* — келаси замон ҳисобланади.

Тўлиқсиз феъл айрим ҳолда ҳаракат тушунчасига эга эмаслигидан, унда бажариладиган нарса ҳам йўқ. Бажариладиган нарса (ҳаракат) йўқ бўлгач, ўз-ўзидан, унда нутқ моментига муноса-

бат ифодаловчи формалар ҳам бўлмайди. Тулиқсиз феълнинг бугунги ўзбек тилида ҳозирги ва келаси замон формаларига эга эмаслиги ҳам унинг ана шу хусусиятлари билан боғлиқ.

Эди формасидаги *-ди* аслида ҳаракатнинг нутқ моментига муносабатини кўрсатувчи аффикс (ўтган замон феъли ясовчи аффикс) бўлса-да, лекин тўлиқсиз феълнинг хусусияти таъсирида унинг ана шу хусусияти ҳам ўзгарган. Бу аффикс *эди* формаси таркибида ҳам ўтган замонни ифодалаш хусусиятини сақлаган, лекин тўлиқсиз феълда бажариладиган нарса (ҳаракат) бўлмаганидан *эди* формасида нутқ моментига муносабат ифодаланмайди, балки нарса-ҳодиса ёки белгининг ҳозир эмас, балки умуман аввал мавжуд бўлганлиги маъноси ифодаланаяди.

Демак, *эди* формаси нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг ҳозирга эмас ўтмишга (илгарига) оидлигини ифодаловчи формага айланган. Нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг ўтмишга оидлигини (илгари бўлганлигини) ифодалашда (нутқ моментига муносабатсиз) боғлама вазифасини бажариши мумкин бўлган феълларнинг бирор ўтган замон формаси эмас, балки фақат *эди* тўлиқсиз феъли қўлланади (*Эди* тўлиқсиз феъли ана шу вазифани бажарувчи ягона формага айланган). Бадий асарларда *эди* формасининг жуда кўп қўлланишининг сабаби ҳам ана шунда.

Хуллас, мустақил маънога эга бўлган феъллар ўтган замон формасида боғлама вазифасида келганда, нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг нутқ моментидан олдин (нутқ моментигача) юз берганлигини ифодалайди. От кесимлар *эди* тўлиқсиз феъл формасида бўлганда, *эса* нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг нутқ моментидан олдин юз бериши эмас, балки ҳозиргача (аввал, илгари) мавжуд бўлганлиги ифодаланаяди. Демак, нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг нутқ моментига муносабати бевосита эмас, балки восита орқали — «ҳозир» орқали ифодаланаяди.

2. *Эди* тўлиқсиз феълнинг биринчи маъноси ҳақида гапирганда айтдикки, бунда нарса ҳодиса, белги, ҳаракат кабиларнинг ҳозир эмас, балки илгари, аввал мавжуд бўлганлиги ифодаланаяди. Бундай ҳолларда нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг ҳозир мавжуд ёки мавжуд эмаслиги назарда тутилмайди, яъни ҳозирги вақтга муносабати ифодаланмайди.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида *эди* формаси нарса-ҳодиса, белги ва шу кабиларнинг бошқа бирор нарса-ҳодиса юз бергунгача ёки ҳозиргача мавжуд бўлганлиги, бажарилганлиги маъносини ҳам ифодалайди. Бу ҳолда нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг мавжуд бўлганлиги бошқа бирор ҳодиса, белги кабиларнинг юз бериш вақтига нисбатан ёки айтилаётган вақтга нисбатан олинади: *Элдан бурун отланган сиз эдингиз-ку, мана энди кун ёниб кетди* (Ойбек).

Бундай ҳолларда ҳам *эди* формаси орқали ўтган замон ифодаланиши мумкин. Бунда нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг мавжудлиги илгари, аввал эмас, балки нутқ моментидан бир неча дақиқа олдинга тўғри келиши мумкин. Масалан, бирор нафис чинни идиш

ерга тушиб синса, шу сийган оннинг ўзидаёқ «яхши эди», «чиroyли эди» ёки «топилмас нарса эди» дейиш мумкин. Бунда шу нарсанинг «яхши», «чиroyли» ёки «топилмас нарса» эканлиги синиши юз бергунга қадар (синиш юз берган вақтга нисбатан) олинади. Демак, эди тўлиқсиз феъли бу маънода ҳам нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг нутқ моментигача мавжуд бўлганлигини билдирмайди.

Лекин бундан эди тўлиқсиз феълининг бу маъноси ҳам биринчи маъносининг ўзи экан, деган хулоса чиқмайди. Биринчи маъносида нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг умуман ўтган вақтларда (илгари, аввал) мавжуд бўлганлиги ифодаланса (ҳикоя қилинса), иккинчи маъносида эса нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг мавжуд бўлганлиги бошқа бирор ҳодисага ёки «ҳозир»га нисбатан олинади. Шу сабабли эди тўлиқсиз феъли бу маънода қўлланганда (бошқа гап бўлмаган ҳолларда ҳам), айтилаётган нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг энди йўқлиги, бор-йўқлиги маълум эмаслиги ёки уларда бирор ҳодиса юз берганлиги ва шунинг каби маънолар англашилиб туради ва айтиладиган фикр фақат кесими эди формасидаги гап билан тугамаганлиги, балки унга қандайдир муносабатни ифодаловчи яна бошқа гап ёки гаплар борлиги сезилиб туради: *Алиохун, ҳаммамизга бир кампир керак эди* (Ойбек). *Дам олиш кунлари тўйиброқ ухлаб олиш одатингиз бор эди* (И. Султон). *Қилиғи совуқнинг қилган ишини қаранг, яппаянги кўйлак эди-я* (Саид Аҳмад).

Келтирилган мисолларда эди тўлиқсиз феъли қўлланмаса, айтилаётган нарсанинг ҳозирги вақтга оидлиги ифодаланади. Лекин буларда эди тўлиқсиз феълининг қўлланиши ўтган замон маъносини ифодалаш учун эмас, балки нарса-ҳодисанинг юз берган бошқа нарса-ҳодисага нисбатан ёки ҳозирга муносабатини ифодалаш учундир. Ана шундай муносабат борлигидан (буни эди тўлиқсиз феъли ифодалайди) ҳали айтиладиган нарсанинг тугамаганлиги, кесими эди формасидаги гап билдирган фикрга бирор муносабатни ифодаловчи бошқа гап ёки гаплар борлиги сезилиб туради. Ҳақиқатда ҳам шундай гап (гаплар) бор:

Алиохун, ҳаммамизга бир кампир керак эди, яхши бўлибди ўз ичимиздан чиқди (Ойбек). *Келинойи, бугун жуда эрта турибсиз? Дам олиш кунлари тўйиброқ ухлаб олиш одатингиз бор эди* ((И. Султон). *Ҳожимат ўлгур томдан келиб устимиздан бир челақ сув қуйиб юборса бўладими... Қилиғи совуқнинг қилган ишини қаранг яппаянги кўйлак эди-я...* (Саид Аҳмад).

Эди тўлиқсиз феъли бу маънода қўлланганда, нарса-ҳодиса белги кабиларга бўлган муносабат ҳозир нуқтаи назаридан бўлиши ҳам мумкин. Бунда аввал ёки ҳозир мавжуд бўлган нарса, белги кабиларда келасида, энди бирор ҳодиса юз бериши маълум бўлади. Мисол:

—...*Бордию оқ подио қулатилса... узед ҳокими лавозимига олмонлар келиб ўлтирса, унда на ўлур?!*

— Нима бўларди, Хўжа али эди, Алихўжа бўлади-да! (Н. Сафаров).

Айтилганлар ва келтирилган фактлар эди тўлиқсиз феъли бу маънода замон ифодаловчи форма сифатида эмас, балки муносабат ифодаловчи форма сифатида қўлланишини кўрсатади.

3. Эди тўлиқсиз феълининг пайт маъносига эгаллиги ва муносабат (алоқадорлик) кўрсатиш хусусиятига эгаллиги таъсирида ҳозирги ўзбек тилида унинг (эди тўлиқсиз феълининг) яна бир янги вазифаси юзага келган. Эди тўлиқсиз феъли пайт маъносини ифодалаш ва пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш учун ҳам хизмат қилади: *Алижон Латофатнинг шу илтимосига жавобан «бугун ҳам таклиф қилса, нима деб жавоб бераман» деган мулоҳазад а эди, коридорда эшитилган оёқ товуши билан хаёли бўлиниб кетди* (Ҳ. Нуъмон).

Юқорида эди тўлиқсиз феълининг кўрсатилган уч хусусияти отлар ва феъллар билан қўлланган ҳолати учун умумий. Бундан ташқари, эди тўлиқсиз феълининг сифатдош ва равишдош формаларига бирикишидан ўтган замон феълининг бир қатор формалари, -(а)р аффиксли сифатдошга бирикишидан эса шартли майл формаси ҳосил бўлади. Бу формаларга хос хусусиятлар ўз ўрнида («феъл замонлари» ва «шартли майл» бўлимида) текширилади. Бу ўринда эди тўлиқсиз феълининг айрим феъл формаларига бирикиши орқали ифодаланадиган модал маънолар ҳақида гапириш билан чегараланиш мумкин.

Эди тўлиқсиз феълининг буйруқ-истак майли иккинчи ва учинчи шахс формаси билан қўлланиши кўп учрайди: *борсин эди, борсин эди* каби.

Буйруқ-истак майли формасида ҳаракатни бажариш истаги, ҳаракатни бажаришга ундаш, буйруқ каби маънолар ифодаланади. Ҳаракатнинг бажарилиши келгусига оид бўлади. Бу форма билан эди тўлиқсиз феълининг қўлланиши натижасида ўтган замон маъноси ифодаланади. Демак, буйруқ-истак формаси ва эди тўлиқсиз феълининг маъно хусусияти таъсирида -гин+эди, -син+эди ёрдамида ясалувчи формаларда ҳаракатнинг бажарилмаганлиги, бўлишсиз формада эса бажарилганлиги маъноси келиб чиқади: *келсин эди* (келмаганлик). Буйруқ-истак формасини эди тўлиқсиз феъли билан қўллаш фақат шу маънони ифодалаш учунгина бўлмайди. Эди тўлиқсиз феълини қўллаш билан бу формада муносабат ифодаланади, яъни шу формадаги феъл билдирган ҳаракатнинг истак-хоҳиш тарзидаги бошқа ҳаракатга муносабати борлиги ифодаланади. Субъект шу ҳаракатнинг бажарилишини хоҳлар экан (ёки хоҳламас экан), -гин+эди (-син+эди, -нг+эди) ёрдамида ясалган формадаги феъл билдирган ҳаракатни бажариши керак эди (ёки бажармаслиги керак эди) деган маъно ифодаланади. Шу сабабли бу формадаги феъл қўлланган гаплар олдида, кўпинча, шарт маъносини билдирувчи гаплар ҳам қўлланади (қўлланмаган тақдирда ҳам шундай маъно англашилаверади): *Бунақа экан, мажлиснинг охиригача ўтиринг, нимани ўйлаб Усмонжон*

ни таклиф қилганлигини коммунистларга айтиш эди (А. Қ а ҳ ҳ о р). Унақа олифта бўлса, келмасин эди (А. Қ а ҳ ҳ о р). А й т г и н э д и, айб ўзингизда (М. И с м о и л и й.)

Демак, эди тўлиқсиз феъли буйруқ-истак формаси билан қўлланганда, қуйидаги ҳодисаларни кўриш мумкин: Биринчидан, бу формадаги феъл билдирган ҳаракат субъект истаган бирор ҳаракатнинг амалга ошиши учун бажарилиши лозим бўлган ҳаракат бўлади. Иккинчидан, бундай ҳолларда ҳам исталган, ихтиёр этилган ҳаракат бўлади. Лекин бу ҳаракат -гин+эди, -нг+эди, -син+эди ёрдамида ясалган формадаги феъл билдирган ҳаракат эмас, балки унга муносабатда бўлган қандайдир бошқа ҳаракат бўлади. Учинчидан, буйруқ-истак майли формаси билдирган истақ, хоҳиш сўзловчининг хоҳиши, истаги бўлади: олгин, айтсин. Эди тўлиқсиз феъли қўлланганда ифодаланадиган истақ эса ҳаракат субъектининг истаги бўлади: (Буни истага) эртарақ келсин эди. Тўртинчидан, бу формада субъект истагининг амалга ошиши учун айтилаётган ҳаракатнинг бажарилиши керак бўлгани ифодаланибгина қолмайди. Бунда субъект ўз хоҳишининг амалга ошиши учун керак бўлган ҳаракатни бажармаганликда айбланади, яъни бунинг учун айбдор ҳаракат субъектининг ўзи эканлиги ифодаланади («Ҳоҳлар экан, нега шундай қилмади» деган маъно ифодаланади). Бу формада эди тўлиқсиз феъли қўлланиши сабабли айтилаётган нарса-ҳодисанинг аниқ тарзда экани таъкидланади. Буйруқ-истак майли биринчи шахс формасининг эди тўлиқсиз феъли билан қўлланмаслиги ана шу сабаблидир.

Буйруқ-истак майлининг иккинчи шахс формаси сўзловчининг алоҳида туйғусини, ҳис-ҳаяжонини, айтаётган нарсасининг жуда «бошқача» эканини ифодалаш учун ҳам қўлланади. Агар айтилаётган нарса бошқа бирор нарсага қиёсланадиган бўлса, иккинчи шахс буйруқ-истак формаси икки марта қўлланади ва биринчиси -у(ю) юклагаси билан шаклланади. Эди тўлиқсиз феъли шу маънодаги иккинчи шахс буйруқ-истак феъли билан қўлланганда, ҳаракат ҳодисанинг ўтган замонга оидлиги ифодаланади, холос: Қаяққа кетаётганини сўради. Қирдаги лолани кўринг эди-ю, Асалхонни кўринг эди. «Тезроқ борай, опахон, кутаётгандир...» дейди қизи тушмагур (Ҳ. Ғ у л о м).

Риторик сўроқли гапларда буйруқ-истак майлининг учинчи шахс формасида ҳаракатнинг инкори ифодаланади: қаердан билсин (билмайди). Қандай ишласин (ишлай олмайди). -син эди ёрдамида ясалувчи формада ҳам шундай маъно ифодаланади. Бундай ҳолларда -син эди ёрдамида ясалувчи формани -мас эди ёрдамида ясалувчи форма билан алмаштириш мумкин: Узи пайдо бўлмагандир-ку, бирор киши йўлаб чиқармаганда, радио қандай бўлсин эди (Н. С а ф а р о в).

Юқоридагилардан кўринадики, эди тўлиқсиз феъли буйруқ-истак майли формасига бирикканда тўлиқсиз феъл ва буйруқ-истак майли формасига хос хусусиятлар йўқолиб кетмайди. Шунингдек, уларга хос барча маънолар сақланмайди ҳам.

Эди тўлиқсиз феълининг шарт майли формаси билан қўлланиши ҳам жуда кўп учрайди. *-са эди* ёрдамида ясалувчи форма мустақил гап ёки эргаш гапнинг кесими вазифасида қўлланиши мумкин. Мустақил гапнинг кесими вазифасида қўлланганда, шарт майли формасига хос истак маъноси нисбатан кучли ифодаланади.

Шарт майли формаси (*эди* тўлиқсиз феълисиз) мустақил гапнинг кесими вазифасида келганда, истак, маслаҳат, илтимос каби маънолар ифодаланиши мумкин. Илтимос, маслаҳат ифодаланган ҳолларда истак маъноси ҳам йўқолмайди (чунки исталмаган нарса илтимос қилинмайди). Лекин истакка нисбатан илтимос, маслаҳат асосий ўринда туради. *-са эди* ёрдамида ясалувчи формада эса ҳамма вақт истак асосий ўринда бўлади: *Она болам ҳали хом, шу кўкйўталдан ҳам эсон-омон ўтиб олса эди, деб ташвиш тортарди* (С а и д А ҳ м а д).

-са эди ёрдамида ясалувчи формада истак асосий ўринда туриши сабабли илтимос, маслаҳат тарзидаги истак маъносида бу форма қўлланмайди. Бу формада *эди* тўлиқсиз феъли қўлланиши билан «ҳаракатнинг бажарилиш-бажарилмаслиги номаълум» деган муносабат ифодаланади. Демак, бунда истак *бор-у*, унинг амалга ошиши эса «лекин» ҳолатида бўлади. Шу сабабли *-са эди* ёрдамида ясалувчи формадаги истак хаёлий, амалга ошиши шубҳали ҳолдаги истак бўлади: *Ҳозир унинг дили нақадар типирчилаб ўйнаётганини, мияси хилма-хил саволларга тўлиб тошганини ўртоқлари сезса эди* (Ҳ. Назир). *Яқинда бўлиб ўтган мажлисда парторг бизнинг звенони мақтади... Кўнглим тоғдай кўтарилганини билсанг эди* (Ж. Абдуллахонов).

Кўриб ўтилган формада истак билан бирга ҳамма вақт муносабат ҳам ифодаланиши бўлишсиз аспектда яна ҳам аниқроқ кўрилади. Бундай ҳолларда ҳаракатнинг бажарилмаслигини ишташ маъноси билан бирга, ҳаракатнинг бажарилиши эҳтимолдан узоқ эмаслиги ифодаланади ва шу нарса алоҳида таъкидланади: *Бир кун «Элобод» колхози сени бағримдан узмасса эди,— деди айёрча илжайиб раис* (Ойбек). *Бугун яна ота билан орамизда гап очмасса эди* (Ҳ. Нуъмон).

Эргаш гапнинг кесими вазифасида келган шарт майли формаси (*-са* аффиксли форма) шарт, сабаб, пайт каби маъноларни ифодалаши мумкин, *-са эди* ёрдамида ясалувчи форма эса фақат шарт маъносида қўллана олади ва бунда ҳам *эди* тўлиқсиз феъли муносабат ифодалайди: *Агар менга ўхшаган авиациячи бўлсангиз эди, Ватанимизнинг қанчалик катталигини кўрган бўлар эдингиз* (Ғ. Ғулом).

-са эди ёрдамида ясалувчи формада шарт-сабаб тарзидаги ҳаракатнинг бажарилиш бажарилмаслиги ноаниқ (хаёлий) бўлганидан шу ҳаракатнинг бажарилишига боғлиқ бўлган ҳаракатнинг бажарилишини аниқ ифодалаш мумкин бўлмайди. Шу сабабли шарт эргаш гапнинг кесими *-са эди* ёрдамида ясалувчи формада бўлса, бош гапнинг кесими шартли майл формасида (*-р эди* ёр-

дамида ясалувчи формада) бўлади: *Тузалса эди, одамлардек юра олса эди, бошига кўтарарди* (Саид Аҳмад)

Хуллас, шарт майли формасини *эди* тўлиқсиз феъли билан қўллаш натижасида *-са* аффикси ёрдамида ясалувчи формага хос маъно йўқолмайди: *-са эди* ёрдамида ясалувчи формада *эди* тўлиқсиз феъли *-са* аффикси билан ясалувчи форманинг маъносига қўшимча тарзда ўзига хос маъно ифодаловчи элемент сифатида қатнашади. *-са эди* ёрдамида ясалган форманинг қўлланишдаги хусусиятлари ҳам *эди* тўлиқсиз феълига хос хусусиятлар таъсирида келиб чиқади.

-са эди ёрдамида ясалувчи феъл формасида *эди* тўлиқсиз феъли билан ясалувчи бошқа формаларда бўлмаган бир хусусият бор, яъни бу формада шахс-сон қўшимчасининг қўлланиши уч хил кўринишга эга: 1) асосий феълга қўшилади: *Оҳ, оғзидан чиққан сўзларини эшитсаларинг эди* (Ш. Рашидов); 2) *эди* тўлиқсиз феълга қўшилади: *Агар бу ишни қози-калон жанобларига арз қилсайдингиз* (С. Айний); 3) ҳар иккисига қўшилади: *Шундай одамларни бир кўрсам эдим* (П. Турсун).

Бу формада шахс-сон қўшимчасининг асосий феълга қўшилиши (*кўрсам эди* типидagi форма) нормал ҳолат ҳисобланади.

Экан. Бу тўлиқсиз феъл отлар билан, феълнинг *-(и)б, -а, -й* ва *-гач* аффикслари ёрдамида ясалувчи равишдош формаларидан бошқа ҳамма формаси билан қўллана олади. Унинг қандай феъл формалари билан бирика олиш ёки бирика олмаслиги шу формаларнинг мустақил содда гап кесими вазифасида кела олиши ёки кела олмаслигига ва маълум даражада улар ифодалайдиган маънога боғлиқ. Бу тўлиқсиз феъл содда гапнинг кесими вазифасида кела олмайдиган феъл формасига бирика олмайди.

Экан тўлиқсиз феълнинг отларга бирикканда ифодалайдиган маъноси ва вазифаси билан феълларга бирикканда ифодалайдиган маъно ва вазифаси тенг эмас. Отларга бирикканда ифодалайдиган айрим маънолари айрим феъл формаларига бирикканда ифодаланмайди ва аксинча.

Отларга бирикканда:

1. Ўзи бирикиб келган сўздан англашилган нарса, ҳодиса, белги кабиларнинг аввал маълум бўлмай кейин маълум бўлганини билдиради: *боғ экан, чиройли экан, ўнта экан* каби. Кейин маълум бўлиш сўзловчининг ўз кузатиши, текшириши йўли билан ёки ўзгачан эшитиш йўли билан бўлиши мумкин: *Исомиддин махсум... қўлидаги тангаларни санаб кўрди, йиғирма танга экан* (С. Айний). *Бу бир ғариб мусофир экан, борадиган жойи йўқ экан, бирга олиб келдим* (С. Айний).

Бундай ҳолларда шу мазмунга мос келувчи (кейин маълум бўлганликни билдирувчи) сўз ёки бошқа воситалар қўлланиши ҳам мумкин: *Сулув буларнинг гапидан яна шунинг англадики, Аллонбийнинг йилқилари, уюрлари алақачон йўлда экан* (А. Мухтор). *Асрора йўлаб қараса, кўнгили иши нозик нарса экан* (Саид Аҳмад).

Халқ мақоллари ва маълум нарсаларни билдирадиган бирикмалар экан тўлиқсиз феъли билан қўлланганда, айтилаётган нарсанинг тўғрилиги яна бир тасдиқланганлиги, уни яна бир билганлик ифодаланади: *Нима қилай, жонимни жабборга бериб ишлаганим билан биров ҳолинг не демаса...*, *Тўқайга ўт кетса, ҳўлиқуруқ баравар экан*. *Бизга ўхшаганларнинг меҳнати куйиб кетяпти* (Саид Аҳмад). *Тушунмагандан кейин қийин экан-да*. *Тавба, ҳар ким кириб раисга дўқ қила берса-я!* (Уйғун).

2. Ўзидан олдин ёки кейиндаги гапдан англашилган нарса, ҳодиса кабиларнинг сабаби экан тўлиқсиз феъли бирикиб келган сўз билдирган нарса, ҳодиса, белги ва шу кабилар экани маъносини билдиради: *Кўнгли экан, нима ҳам деб бўлади...* (А. Қаҳор). *Бу нарсанинг ўз-ўзидан рўй бермаслигига ақлим етади, шундай бўлса ҳам, инсончилик экан-да...* (Б. Кербобоев). *Жигар экан, машина орқасидан юраги увушиб қараб қолди* (Саид Аҳмад).

3. Нарса, ҳодиса, белги ва шу кабиларнинг фақат экан тўлиқсиз феъли бириккан сўз билдирган нарса, ҳодиса, белги билан чегараланмаслиги маъносини («...гина эмас» деган маънони билдиради. Бундай ҳолларда таъкидни кучайтириш учун, кўпинча, *-ку (-у)* юклагаси ҳам қўлланади: *Ҳали жонивор экан, у савилдан (кўприкдан) одам ҳам зўрға ўтади-ку* (М. Исмоилий). *...ҳали битта фосиҳ афанди экан-у, мингта фосиҳ афанди келиб гувоҳликка ўтганда ҳам... хайр, бу гапни қўяйлик* (М. Исмоилий). *Йўқ-йўқ, соат экан-ку, минут, секундида ҳам гап кўп* (Саид Аҳмад).

4. Шарт маъносини билдиради ва экан тўлиқсиз феъли билан шаклланган сўз шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келади: *Кишининг қўли узун экан — юлдузни ҳам узиб олади, қўли қисқа чўнтагидагини ҳам ололмайди* (Ойбек). *Дарахтнинг илдиизи сувда экан, ундан мева умид қилиш мумкин* (С. Айний).

Бу форма, худди шарт майли формаси каби, сабаб оттенкасидаги шарт маъносини ифодалаш учун ҳам кенг қўлланади: *Агар Олтинсой фойдали экан, мутахассислар нега индамайдилар?* (Ш. Рашидов) *Сиз император жаноблари томонидан қўйилган намоянда экансиз, халқнинг арзини тинланг...* (Н. Сафаров).

Экан тўлиқсиз феъли шарт маъносига эгаллиги сабабли у бирикиб келган сўз, феълнинг шарт майли формаси каби, эга эргаш гап ва ўрин эргаш гапнинг кесими вазифасида кела олади. Бундай ҳолларда ҳам шарт маъноси сезилиб туради: *Қаерда бекорчилик бор экан, у ерда бемаънигарчилик авж олади* (Ш. Рашидов). *Кимки севгисига содиқ экан, оилавий ҳаётда албатта бахтли бўлади* («Саодат»).

Шарт майли формасига кўп жиҳатдан яқин бўлганидан, экан тўлиқсиз феъли шарт майли формасига хос бўлган пайт маъно-

ларини ифодалаш учун ҳам қўлланади. Лекин унинг бу маъноси тўла шаклланиб етмаган, балки шарт маъноси асосида келиб чиқувчи маънолар даражасида бўлади: *Ула-ўлгунимча сизни дейман, танда жоним бор экан, сизни кутаман* (Б. Раҳмонов). *Мен қизлар билан бирга эканман, биронтасининг кўзига гард тушмайди* (А. Убайдулла).

5. Сабаб маъносини билдиради ва у билан шаклланган сўз сабаб эргаш гапнинг кесими вазифасида келади: *Раҳбар эканми зми, ҳамманинг кўзи бизда бўлади, меҳмонлар ҳам беҳисоб...* (Ш. Рашидов). *Мен ижроком эканман, қўл остимда ким ишлашидан қатъи назар, ҳаммасидан интизом ва ҳисоб талаб қилишга мажбурман* (Ш. Рашидов).

Баъзан шарт ва сабаб маънолари деярли тенг ҳолатда бўлиб, улардан қайси бирининг асосий эканини белгилаш қийин бўлади: *Бундай восиқалар сизнинг қўлингизда экан, Едгор сиздан қутула олмайди* (С. Айний). *У (Қодиров)... раислик қиладиган президиум столини севади, чунки ҳақ-ҳуқуқи тўла экан, бировни уришади, бировга маслаҳат беради* (Ш. Рашидов).

6. Муносабат билдиради. Бундай ҳолларда ҳам экан формасига хос «кейин билганлик» маъноси йўқолмайди. Лекин муносабат ифодалаш асосий ўринда бўлиши сабабли экан тўлиқсиз феълни тушириб бўлмайди. Экан формасининг қўлланиши шу гап билдирган нарсага алоқадор нимадир борлиги, ҳали айтиладиган нарса борлигига ишора қилиб туради: *Шаҳарда юргани ҳам дуруст экан, қулоғимиз тинч эди* (Уйғун). *Аҳмаджон дарҳол ўзини уйиб қўйилган фишт орқасига олган эди, бу ёғ чуқурлик экан, ағдарилиб тушди* (А. Қаҳқор).

7. Пайт эргаш гапнинг кесими составида пайт маъносини ифодалаб келади. Бундай ҳолларда пайт эргаш гап кесими билдирган нарса, ҳодиса, ҳолат ва шу кабилар вақтида бош гапдаги ҳаракат, ҳолат кабиларнинг юз бериши маъноси ифодаланади: *Анвар супада Урда юмушларидан баъзисини қилиш билан машғул экан, ичкаридан Раъно чиқиб келди* (А. Қодирий). *Бир вақтлар ҳали мен йўқ эканман, у мана шундай ёш тўкиб, дадамни жангга кузатган. Мана энди мени кузатиши керак* (А. Мухтор).

Тўлиқсиз феълнинг экан формаси шу маънода фақат китобий тилда қўлланади, оддий сўзлашувда қўлланмайди.

Экан тўлиқсиз феъли бу маънода ҳар қандай отлар билан эмас, балки қуйидаги хусусиятга эга бўлган сўзлар билан бирика олади:

а) ҳолат маъносига эга бўлган сўзлар билан: *Гулнор айвонда қуруқ бўйра устида ўтириб, махси кийиши билан овора экан. Унсин кириб келди* (Ойбек). *Мен беморни қулайроқ ётқизиш билан банд эканман, аёл нарироқда туриб менинг ҳаракатларимни кузатарди* (У. Назаров);

б) ўрин-пайт келишиги формасидаги сўзлар билан: *Марям бахши хаёлда экан, эшик зулфини шилдираб қолди...*

(Х. Шамс). Қиз билан озгина суҳбат учун... ҳаяжонли ҳислар қуюнида экан, бирдан Искандаро чиқиб келди (Ойбек);

в) баъзи сўзлар билдирган нарса, ҳодисалар маълум вақт ўтиши билан тугайдиган (бошқаси билан алмашинадиган) бўлади. Экан тўлиқсиз феъли кўрсатилган маъносида ана шундай нарса, ҳодисаларни билдирувчи сўзлар билан ҳам бирикади: Бундан саккиз йил аввал у ўн етти яшар ўспирин экан, Қарқарага қатновчи бир қўйчи бой... Тошкентга келтирган (Ойбек).

8. Кесимдан англашилган ҳаракатнинг экан формаси бириккан сўз ёки сўз бирикмаси билдирган ҳолатда (ҳолда) бажарилиши ифодаланади, яъни экан феъли бирикиб келган сўз кесимдаги ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини кўрсатади. Бу маънода экан тўлиқсиз феъли асосан ўрин-пайт келишиги формасидаги ва ҳолат билдирувчи сўзлар билан бирикади: Шаҳодат муфти савағич қаламини давотга бир-икки тиқиб олгач, кўзи қоғозда экан, жавоб берди... (А. Қодирий). ...икки кўзи осмонда экан, ёнига борган Қудратга: Кўрдингми?— деди (Х. Назир).

Тўлиқсиз феъл экан формаси бу маънода қўлланганда, субъект битта бўлади, субъект бирдан ортиқ бўлганда (бажарувчи бошқа-бошқа шахслар бўлса), пайт маъноси ифодаланади ва эргаш гап пайт эргаш гап ҳисобланади: Узоқдаги кимгадир қараб қолди, кўзи ўша тарафда экан, бояги сўзни такрорлади (А. Қодирий). Бу мисолда ҳолат маъноси ифодаланади, яъни «кўзи ўша тарафда бўлгани ҳолда (ўша ёққа қараган ҳолда) бояги сўзини такрорлади». Агар феъл кесимнинг шахс формаси ўзгартирилса, пайт маъноси асосий ўринга ўтади: ...«кўзи ўша тарафда экан, бояги сўзини такрорладим».

Тўлиқсиз феъл экан формасининг отлар билан (умуман, феъл бўлмаган сўзлар билан) бирикканда ифодалайдиган маънолари, маъно нозикликлари, вазифалари ва қўлланишидаги хусусиятлари шулардан иборат. Энди унинг феълларга бирикишидан ҳосил бўлувчи формаларга тўхтаб ўтамиз. (Экан формаси сўроқ гаплар доирасида яна айрим хусусиятларга ҳам эга. Шунингдек, эканлик ва -лик формалари каби мустақил гапни гапнинг бирор бўлагига вазифасидаги конструкцияга айлантириш хусусияти ҳам алоҳида диққатни жалб этади. Бу хусусиятлар отлар ва феъллар доирасида умумий бўлгани учун экан формасининг феълларга бириккандаги хусусиятларини анализ қилгандан кейин, отлар ва феълларга бириккандаги умумий хусусият сифатида, алоҳида тўхтаймиз).

-ди экан. Утган замон феълнинг -ди аффикси ёрдамида ясалган формаси билан экан тўлиқсиз феъли фақат сўроқ гаплар доирасида, составида сўроқ олмошлари ёки -ми сўроқ юкласи бўлган гаплар доирасидагина бирика олади. Бунда шахс-сон қўшимчаси асосий феълга қўшилади: Қачон айтдим экан? Қачон айтдинг экан? Қачон айтди экан? Саидғози қандай мақсад билан бу ерга келди экан? (С. Анорбоев). Йўқ, Одилжон икки билмайдан ушлаганича, билмадим, қанча турдик экан, ниҳоят ерга

қараб: ... (У. Назаров). ...сенга тўғриси айтишга уялган бўлса, бош врач ундан сени суриштирмадимиз экан? (Е. Хамов, М. Раҳмон).

-ган экан. Сифатдошнинг -ган аффикси орқали ясалган тури билан экан формаси қуйидаги маъно ва вазифаларда қўлланади:

1. Ҳаракат-ҳолатнинг аввал номаълум бўлиб, кейин маълум бўлганлиги маъносини билдиради. Бу ҳаракатни сўзловчи кейинчалик ўзи билган ёки ўзгача эшитган бўлиши ҳам мумкин: *Ҳа-а, эшитганман, тўғри эшитган эканман, таърифини эшитганман* (М. Исmoilий). *Айтишингиздан, орада ҳеч гап ўтмаган экан* (А. Қаҳқор).

Кейин билганлик, эшитганлик маъносини ифодалаш билан бу форма -(и)б аффикси билан ясалган равишдошнинг шахс-сон билан тусланган формасига (*ишлабсан, ишлабди* формасига) ўхшайди: *Домла! Калтак есам, рўзам очилади-ку!— деган экан* («Латифалар»). *Худойим! Икки танга бермасанг ҳолим хароб!*— дебди («Латифалар»). Лекин бу икки форма кўрсатилган маънода ҳам бир-бирига бутунлай тенг эмас. Биринчидан, -(и)бди формасида энди билганлик, эшитилганлик маъносининг ўзи ифодаланиши, бунда «аввал билмаганлик» маъноси ифодаланмаслиги мумкин. -ган экан ёрдамида ясалувчи формада эса «аввал билмаганлик» таъкидланади. Қиёсланг: *Хабар берибди* — умуман хабар берилганликни билганлик. *Хабар берган экан* — биз билмаган эканмиз, энди билдик. Иккинчидан, -ган+экан ёрдамида ясалувчи формада ҳаракатнинг бажарилиш вақти нисбатан узоқ бўлади. Қиёсланг: *ТошДУни битирган экан* — *ТошДУни битирибди*. Учинчидан, айрим феъллар -(и)бди формасида бўлганида, ҳолатнинг ҳозир мавжудлиги ифодаланади. Шу феъллар -ган+экан ёрдамида ясалувчи формада бўлганда эса бошқача маъно — ҳаракат-ҳолатнинг бошқа бирор ҳаракат-ҳодиса юз бергунча мавжуд бўлганлиги, ҳозир эса унинг йўқлиги ёки у ҳақда сўзловчининг ҳозир бирор тасаввурга эга эмаслиги каби маъно ифодаланади. Қиёсланг: *Осиб қўйибди* — *Осиб қўйган экан*. Шу хусусиятларига кўра, аввал маълум бўлмай, кейин маълум бўлган ва кетма-кет (олдинма-кейин) юз берган ҳаракатларни ифодалашда биринчи ҳаракатни билдирувчи феъл -ган+экан ёрдамида ясалувчи формада, кейинги ҳаракатни билдирувчи феъл эса -(и)бди формасида бўлади: *Улар овқат олдиндан сойга чўмилгани кетишганда кийимларини очиқ жойда қолдиришган экан, шамол туриб, кийимларини ҳар ёққа тўзитиб юборибди* (Ҳ. Назир).

2. Муносабат ифодалайди. Бундай ҳолларда ҳам кейин маълум бўлганлик, эшитиб билганлик маъноси йўқолмайди. Лекин бу маъно асосий ўринда бўлмайди. Масалан, ўрикнинг яхши гуллаганини кейин билган (кўрган) киши бу маънони ифодалаганда, экан тўлиқсиз феълни қўлламай, уни «ўрик яхши гуллабди» тарзида (яъни «гуллабди» формаси орқали) ифодалайверади. Агар «яхши гуллаган экан» дейилса, бу ҳаракатдан кейин воқиф бўлиш маъноси билан бирга яна нимадир юз берганлиги (яхши гуллаган ҳолат-

нинг ҳозир йўқлиги, унда бирор нарса бўлганлиги) ҳам ифодаланганиши мумкин: *Яхши гуллаган экан, лекин қуриб кетибди.*

Экан тўлиқсиз феъли муносабат ифодалаган ҳолларда икки гап ўртасидаги пауза жуда қисқа бўлади (ёзувда бу ҳодиса вергул орқали ифодаланadi). Икки гапнинг семантик муносабати қандай характерда эканлиги *экан* тўлиқсиз феъли орқали ифодаланмайди, балки шу гаплар орасидаги ички боғланишга қараб аниқланади: *Кампир жуда бўлиб қолган экан, тоқат қилолмади* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Мирза Баҳром ундай маъно чиқишини сира кўзда тутмаган экан, ўсал бўлди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

3. Пайт эргаш гап ҳосил бўлиши ва унинг бош гапга боғланиши учун хизмат қилади. Бунда бош гапнинг кесими ҳам кейин билганлик, эшитилганлик маъносини ифодаловчи формада бўлади: *Бир кун Султон ака энди намоздау қайтиб, ҳовлига киранман деб эшик остонасига шундай қадам қўйган экан, биров шақ этиб пешонасига урибди* (О й б е к).

4. Шарт маъносини билдиради ва бу формадаги феъл шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келади: *Демак, Адолат Қодировнинг сўзларини қайтариб, ўз билганини қилган экан, бу қишлоқ Совети ёки Умрзоқованинг тарғиботи эмас, қалбининг қарори, шуурининг буюрганидир* (Ш. Р а ш и д о в).

5. Сабаб маъносини билдиради ва *экан* тўлиқсиз феъли билан келган феъл сабаб эргаш гапнинг кесими вазифасида келади: *Ўз ихтиёримиз билан бу вазифани зиммамизга олган эканмиз, бўйнимизга олган юкни «энди кўтара олмаймиз» деб ярим йўлда ташлаш биз учун ордир, айбдир* (С. А й н и й).

-(и)бди *экан*. Юқорида кўрдикки, -(и)бди ёрдамида ясалувчи форма ҳам, худди *экан* тўлиқсиз феъли каби, аввал маълум бўлмай, кейин маълум бўлганлик, эшитилганлик маъносини билдиради. Шу сабабли *экан* тўлиқсиз феълнинг бу маънода -(и)бди формасидаги феълга биринчи деярли учрамайди. -(и)бди *экан* ёрдамида ясалувчи форма сўроқ гапларда, таркибида сўроқ олмошлари ёки -ми юкласи бўлган гапларда учрайди (лекин бу ҳам жуда кам): *Эр-хотин «Бизнинг тўғримизда бу ёлғон гапни ким тўқибди экан»,— деб бир-бирларига қараб анқайишиб қолдилар* (Ё. Х а и м о в, М. Р а ҳ м о н).

-ётган+экан. Бу формада ҳам *экан* тўлиқсиз феъли худди -ган+экан формасидаги маъно ва вазифаларда қатнашади. Асосий фарқли хусусият -ган ва -ётган формантларига хос фарқли хусусиятлар, яъни -ган+экан ёрдамида ясалувчи формадаги ҳаракат тугаган, бажарилган ҳаракат бўлади. -ётган+экан ёрдамида ясалувчи форма билдирган ҳаракат эса назарда тутилган вақтда (моментда) тугамаган, бажарилаётган ҳаракат бўлади. Қиёсланг: *келган экан* — келаётган экан. Бундан ташқари, -ган+экан ёрдамида ясалувчи форманинг муносабат билдириш ва пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш вазифасида тўлланиши нисбатан кам учрайди, -ётган+экан ёрдамида ясалувчи форма эса бу вазифаларда кўп қўлланади: *Мана бу одам қишлоққа кириб келаёт-*

ган экан, тутдик (И. Султон). Кампир ошхонада қозон юваётган экан, эрини кўриши билан яна жовраб кетди (Саид Аҳмад).

Экан тўлиқсиз феъл ҳозирги замон сифатдошидан ташқари, аниқ ҳозирги замон феълнинг барча формалари билан ҳам бирика олади: *Бу тикилган катта-катта кўзлар биздан нимани умид қиляпти экан?* (А. Мухтор). *Кейинги кунларда эса мактабда қанчадан-қанча янгиликлар бўлаёттибди экан-ку.* *Марҳамат Қудратни бир оғиз йўқлатмайди* (Ҳ. Назир). *У кимни олиб кетаёттир экан?* (Б. Кербобоев). *Мен билмаган эканман, ўтнинг тафтига липпамдаги ёғ эриб, почамдан оқмоқда экан* (Ғ. Ғулом).

Тўлиқсиз феъл экан формасининг аниқ ҳозирги замон феъл формаларининг барчаси билан бирикиши фактик жиҳатдан мумкин бўлса-да, лекин бундай қўллаш адабий тил нуқтаи назаридан ҳам-ма вақт ҳам нормал ҳолат бўлавермайди. Бу маънода адабий тил нормасига мос форма *-ётган+экан* ёрдамида ясалувчи формадир. Лекин сўроқ формасидаги гапларда таажжуб, ҳайронлик ва шу каби маънолар ифодаланган ҳолларда *-япти+экан* (*яптийкин*), *-ёттибди+экан* (*ёттибдийкин*) ёрдамида ясалувчи формани қўллаш адабий тил учун ҳам нормал ҳолат ҳисобланади: *Нима қилаётганикин?— Нима қиляпти экан* (*қиляптийкин*), *келаётганмикин?— келяптимикин* (*келяптими экан*) каби.

-ади-(йди)+экан тўлиқсиз феълнинг ҳозирги-келаси замон формасига бирикиши, кам бўлса ҳам учрайди: *Оббо, концертга борамиз деб, концерт қўйиб берамиз экан-да!* (С. Зуннунова). *Сен шаҳарнинг феълени билмайсан экан* (Ҳ. Шамс).

Ҳозирги ўзбек адабий тилида бу форма орқали ифодаланган маънода, асосан, *-р+экан* ёрдамида ясалувчи форма қўлланади (*концерт қўйиб берамиз экан-да — концерт қўйиб берар экан-миз-да, билмайсан экан — билмас экансан*).

-(а)р+экан. Бу форма ҳозирги ўзбек тилида *экан* тўлиқсиз феъл билан ясаладиган феъл формалари ичида кўп маънолили-ти, кўп маъно нозикликларига эгаллиги ва қўлланишда ўзига хос қатор хусусиятлари билан ажралиб туради:

1. Ҳаракатнинг аввал номаълум бўлиб, кейин (энди) маълум бўлганлигини билдиради: *Кейин билсам, бу болалигимдан қулоғимга сингиб кетган ойимнинг овозига ўхшар экан* (А. Мухтор).

Ҳаракат келгусига оид бўлган ҳолларда бу форма «кўрасан», «кейин биласан» каби маъноларни ҳам ифодалайди. Бу маънолар *экан* тўлиқсиз феълнинг «кейин маълум бўлиш»ни ифодалаш хусусиятидан келиб чиқади: *Иккинчи шу уйга қадам қўйгин, нима қилар эксанман?* (Саид Аҳмад). Бу ҳодиса, айниқса оғзаки нутқда учрайди.

2. Шарт маъносини билдиради ва шарт эргаш гапнинг кесими

вазифасида келади: *Агар ана шу ишга муносиб ҳисса қўшар эканман, халқ ишончини оқлаган бўламан* (Ш. Рашидов).

3. Сабаб маъносини билдиради ва бу формадаги сўз сабаб эргаш гапнинг кесими вазифасида келади: *Кечани кеча, кундузни кундуз демай тер тўкар эканмиз, турмушимиз ҳам фаровон бўлуви шарт* (Ш. Рашидов).

4. Муносабат билдиради. Бундай ҳолларда ҳам кейин маълум бўлганлик маъноси йўқолмайди. Лекин бу маъно асосий ўринда бўлмайди. *-р+экан* ёрдамида ясалувчи форма муносабат билдириш учун қўлланган ҳолларда, худди *-р+эди* ёрдамида ясалувчи формадаги каби, айтилаётган ҳаракатга оид нимадир борлиги сезилиб туради. Шунингдек, камтарлик, хушмуомалалик ҳам ифодаланади. Агар кейин маълум бўлганлик таъкидланмайдиган бўлса, *-р+экан* формаси *-р+эди* формаси билан алмаштирилиши мумкин: *Бу гапни аямга айтмай қўяқолсам ҳам бўлар экан, дадам балога қолди* (А. Қаҳқор).

5. Пайт маъносини билдиради ва пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келади: *Ёз чоқлари Йўлчи далада ишларкан, улар тез-тез учрашиб туришар, жуда самимий сўзлашар эди* (Ойбек).

Бу типдаги қўшма гапларда бош ва эргаш гапдаги ҳаракатнинг бажарилиш вақти қўйидагича муносабатда бўлиши мумкин: 1) Эргаш гап кесими билдирган ҳаракат процессида бош гапдаги ҳаракат бажарилади: *Қўшни қиз билан хайрлашиб чиқар эканман, у кампирдан тез-тез хабар олиб туришимни илтимос қилди* (Ғайратий); 2) эргаш гапдаги ҳаракат бажарилган вақтнинг ўзида бош гапдаги ҳаракат ҳам бажарилади: *Орқасидан келиб турган Аҳмедовга кўзлари тушаркан, у кишидан бир оз уялди* (Ибоҳон); 3) бош гапдаги ҳаракатнинг бирор вақт билан чегараланмаганлиги, қачон эргаш гапдаги ҳаракат бажарилса, бош гапдаги ҳаракатнинг ҳам бажарилиши ифодаланади: *Бу фикрни илгар сурар эканман, мен давлат манфаатларини кўзлайман, холос* (И. Раҳим); 4) эргаш гап ва бош гапдаги ҳаракат кетма-кет бажарилади: *Чўлбобо чойга қорган толқонини ямлаб ютаркан, Ферузадан сўради* (Ҳ. Ғулом).

-р+экан формасининг бу вазифада қўлланиши китобий услубга хос бўлиб, оддий сўзлашувда учрамайди.

6. Бош гапдаги ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини билдиради ва бу формадаги феъл равиш эргаш гапнинг кесими вазифасида келади: *-Ҳа, ҳа, — деди Йўлдошбой Ғазабидан титрар экан* (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов). *Ватаннинг содиқ ўғли Беловнинг нафаси ўчди. Бахўр дўстининг мурдасини маҳкам қучоқлар экан, гарчи сен менинг овозимни эшитмаётган бўлсанг ҳамки, душмандан сен учун қасос олишга онт ичаман,— деди* (Ё. Хаимов, М. Раҳмон).

7. Натижа маъносини билдиради: *Бунда иккинчи мисрада шоир подшо маъносида Хусрав сўзини ишлатар экан, қизиқ сўз ўйини қилган* («Тошкент ҳақиқати»).

Бу форманинг кейинги 6 ва 7- пунктларда кўрсатилган маъноларда қўлланиши ҳам китобий услубга хос.

-адиган (-йдиган) + экан. Бу форма, асосан, қўйидаги икки маънода қўлланади: 1) Бажарилиши лозим бўлганлиги эшитилган, лекин бажарилмай қолган ҳаракатни ифодалаш учун қўлланади: *Кеча келадиган экан* (лекин нима учундир келмади). 2) Ҳаракатнинг бажарилишини маъқул ва лозим кўриш маъносини билдиради: *Уша ерларни бир бориб кўрадиган экан* (Сўзлашувдан).

Бу маъно ҳозирги ўзбек тилида *-(у)ш керак экан* ёрдамида ясалувчи форма орқали ҳам ифодаланади. Лекин бу формада фақат ҳаракатни бажариш лозимлиги ифодаланиб, бошқа қўшимча маъно ифодаланмаслиги мумкин. *-адиган (-йдиган) + экан* ёрдамида ясалувчи формада ҳаракатнинг бажарилишини маъқул кўриш маъноси асосий ўринда туради. Шунинг учун ҳам бу форма қўлланган гап ичида «фалончи буюрди» каби маънодаги сўз ёки сўз бирикмаларини қўллаб бўлмайди. Қиёсланг: *Уша ерга бориш керак экан* (Бошлиқ буюрди) — *Уша ерга борадиган экан* (Шу ҳаракатни бажариш маъқул, яхши эканини билганлик).

Экан тўлиқсиз феъли феълларга бирикканда қайси шахс формасида қўлланса, одатда, шу шахс формасига хос маъно сақланади. Ҳозирги-келаси замон сифатдошига бирикишидан ҳосил бўлувчи форманинг учинчи шахси, кўпинча, учала шахс учун умумий маънода (умумий шахс маъносида) қўлланади: *Бир кўрадиган экан*.

-са + экан. Феълнинг бу формасида шарт маъноси йўқолади ва:

1. Ҳаракатни бажариш ёки бажармасликни иташ, маъқул кўриш каби маънолар ифодаланади: *Лекин, ...сиз яхши ишлаганингиз учун бошқалар олиб кетмаса экан деб қўрқаман* (Ойбек). *Эй, биродар, кироий хотининг бўлса, Онахонга ўхшаб колхозга катта бўлса экан* (Яшин).

Бу маъно шарт майли формасининг ўзи орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Шу сабабли кўп ҳолларда *экан* тўлиқсиз феъли тушириб қолдирилса ҳам маъно деярли ўзгармайди (Келтирилган мисоллардаги *экан* феълени тушириб кўринг). Лекин *экан* формаси бўлганида шу маъно ифодаланади, бўлмаган ҳолларда эса ҳамма вақт ифодаланиши мумкин бўлавермайди. Шунинг учун маълум ҳолларда *экан* тўлиқсиз феълени тушириб қолдириш мумкин бўлмайди: *Гўё ўзларини билмаганга солишадиганга, «яна шундан гапирдишса экан» деб илҳақ бўлиб туришадиганга* (Х. Нуъмон, А. Шораҳмедов).

2. Ҳаракатнинг бажарилиш ёки бажарилмаслигини иташ, шунга тарафдорлик, ҳақиқатда эса бунинг акси мавжудлиги, буниси сўзловчига маъқул эмаслиги маъноси ифодаланади: *Ақалли уйида уни тушунса, ғамига шерик бўлишса экан* (С. Анорбоев). *Нима дер эдим, мен сиз айтганни айтаман. Аммо... уни чақириб олмасангиз экан* (Ғ. Ғулом). *Э, Рувзон буви, буюм сизга ўхшаш ётиғи билан гапирса экан* (Яшин).

3. Таркибида сўроқ олмоши ёки сўроқ юкламаси бўлган гапларда шарт маъноси деярли йўқолиб, буйруқ-истак формаси маъносига яқин мазмун ифодаланади: *Нигора сумкасидан сочиқ, совун олди-да, қаерда ю вин сам экан, деган ўй билан атрофга кўз ташлади* (С. А н о р б о е в). *Сени қаердан топсам экан деб ўйлаб туриб эдим шу топда* (О й б е к).

4. Шарт майли формаси билан экан тўлиқсиз феъли ўртасида бўл ёрдамчи феълнинг -р аффикси билан ясалган сифатдош формаси қўлланганда (-са бўлар экан формасида), аслида ҳаракатнинг бажарилиши маъқул бўлгани (бўлишсиз формада — маъқул эмаслиги), лекин бунинг акси юз бериб, сўзловчининг афсуси ифодаланади. Бунда экан формасининг биринчи маъноси сақланади. Шунинг учун ҳам уни тушириб қолдириш мумкин эмас: *Сизни илгарироқ сайласак бўлар экан, Аширали ака...* (Ҳ. Ғ у л о м).

-моқчи+экан. Феълнинг бу формаси таркибида экан тўлиқсиз феъли қуйидаги маъно ва вазифаларда қўлланади:

1. Аввал маълум бўлмай, кейин маълум бўлганлик маъносини билдиради (Маълум бўлиш эса эшитиш ёки бошқа йўл билан юз бериши мумкин): *Бу ердამидингиз, домла. Далада сизга махтал бўлиб қолишди. Доклад қилиб бермоқчи экансиз* (Ҳ. Н а з и р).

2. Шарт маъносини билдиради ва бу формадаги феъл шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келади: *Дадам қиз олмоқчи экан, олсин. Гулнорни олмоқчи экан, олсин. Ука, биз тўсиқ бўлмайлик* (О й б е к).

3. Пайт маъносини билдиради ва бу формадаги феъл пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келади: *...хотин кетмоқчи экан, Жамолбой унинг қўлидан дадил ушлади-да, бир қўли билан бўш стулни ўз ёнига сурди* (О й б е к).

-син+экан. Тўлиқсиз феълнинг экан формаси буйруқ-истак майли формаларига қўшилганда, буйруқ маъноси йўқолади. Бу ҳодиса экан формасининг таъсирида юз беради, албатта.

Тўлиқсиз феълнинг буйруқ-истак майли биринчи шахс формасига бирикиши ҳозирги ўзбек тилида жуда кам учрайди ва шунда ҳам, асосан, жонли сўзлашувда учрайди. Бунда ҳаракатни бажариб олишни маъқул ва лозим кўриш ва буни аввал билмай энди билганлик маъноси ифодаланади. Бундай ҳолларда экан формаси бириккан феъл билдирган ҳаракат яна қандайдир ҳаракатдан олдин бажарилиши керак бўлган ҳаракат тарзида бўлади. Шунинг учун ҳам гап ичида, кўпинча, «олдин», «аввал» каби сўзлар қўлланади: *Олдин шуни битириб олай экан.*

Тўлиқсиз феъл буйруқ-истак майлининг иккинчи ва учинчи шахс формаларига бирикканда, кўпинча, шахс умумлашади, ҳаракатнинг бажарилиши учала шахс учун умумий экани ифодаланади: — *Узунни қўй, қисқани кес!* экан-да, *дунёнинг иши...* (С. А й н и й). *Азоб-уқубат нималигини билмоқчи бўлсанг, эрдан ажраб кўр экан* (Б. Р а ҳ м о н). *Э, ука, одам етим*

қолмасин экан! Етим қоладиган бўлса, онадан туғилмасин экан... (П. Толис).

Келтирилган мисолларнинг учаласида ҳам шахс маъноси бир хил. Лекин бундан қатъи назар, иккинчи шахс формасини учинчи шахс формаси билан ёки учинчи шахс формасини иккинчи шахс формаси билан шундайгина алмаштиравериш мумкин бўлмайди. Учинчи шахс формасида бўлганда, гап ичида, кўпинча, «одам», «киши», «ҳеч ким», «ҳар ким» каби сўзлар ёки сўзлар бирикмаси ҳам қўлланади. Иккинчи шахс формасида эса бундай сўзларни қўллаб бўлмайди: *Лекин одам бир бахтсиз бўлмасин экан* (П. Толис). ...*киши ёмон хотинга йўлиққандан кўра, бир боғ ўтинга йўлиқсин экан* (А. Убайдулла). *Сени соғиндик, ҳеч бандани ота-онасиз қилмасин экан* (Ғ. Фулом).

Тўлиқсиз феъл экан формасининг отларга ва феъл формаларига бирикканда ифодалайдиган маънолари, маъно нозикликлари ва қўлланишдаги хусусиятларининг айрим умумий ва хусусий ҳолатлари шулардан иборат. Ҳозирги ўзбек тилида экан формаси отлар учун ҳам, шунингдек, феъл формалари учун ҳам умумий характерга эга бўлган маъно ва вазифага эга.

1. Кўриб ўтдикки, экан формасининг биринчи маъноси «аввал маълум бўлмай, кейин маълум бўлганлик» (аввал билмай, кейин билганлик) маъносидир. Сўроқ гапларда ҳам сўзловчи нарса, белги, ҳаракат ва шу кабиларни билмайди, шунинг учун ҳам сўрайди. Сўроқ гапнинг кесими экан формасида бўлганда, экан формаси ва сўроқ гапнинг айтилган хусусияти яна бошқа айрим маъно ва маъно нозикликларини келтириб чиқаради.

1) Сўралаётган нарса, ҳаракат ва шу кабилар сўзловчига ҳам, тингловчига ҳам аввал маълум бўлмай, кейин маълум бўлган бўлади. Масалан, бирор нарсани қидираётган икки кишидан бири шу нарсани топганда, иккинчиси «қаерда экан?» деб сўраши мумкин. Демак, бунда аввал маълум бўлмай, кейин маълум бўлганлик маъноси бор. *Экан* формаси тушурилиб қолдирилса, шу маъно ифодаланмайди. Қиёсланг: *Қаерда экан? — Қаерда?*

Тингловчининг нарса, ҳаракат ва шу кабиларни билиш-билмаслиги аниқ бўлмаслиги мумкин. Бунда савол билган-билмаганликни аниқлаш учун берилади: *Шаҳардан келган комсомоллар нечта экан, билмадингизми* (Ғайратий).

2) Сўралаётган нарса тингловчи учун маълум бўлса, у ҳолда ажабланиш, «билсак бўладими?» каби маънолар ифодаланмади: *Борди-ю, машинани тўхтатадиган... милиционернинг ўзини қасддан уриб, йиқитиб ўтса-чи, унда нима бўлади?*

— *Унисини билмадим... Қанақа шофер экан у довурак* (А. Қаҳҳор).

3) Сўроқ формасидаги гапларда сўроқ ифодаланмаслик ҳоллари ҳам бор. *Экан* формаси шундай гапларда қўлланганда:

а) сўзловчининг нарса, ҳаракат ва шу кабиларни билмаслиги

(унга нотанишлиги), билиш учун ўйлаши, ҳайрон бўлиши каби маънолар ифодаланади: *Унинг кўзи тўнка устида ётган чит кўйлакка тушди. Бу кимники экан?* (Саид Аҳмад). ...*тун ичида изғиган булар қандай меҳмонлар экан, деб ўйланиб турганида қарсиллаб милтиқ отилди* (С. Анорбоев);

б) нарса, ҳаракат ва шу кабилар ўтган замонга оид бўлганида, сўзловчининг аввал билмаганлиги ва эндиги афсуси каби маънолар ифодаланади: *«Рози эмасман» деган гапни илгарироқ айтсам нима экан?..* (А. Қаҳҳор).

Одатда, *-ми* юкламаси сўзга ҳамма турдаги аффикслардан кейин қўшилади. *-(ми+лар* формаси истисно). Бу юклама экан тўлиқсиз феъли билан шаклланган сўзнинг охирига қўшилганда, экан феълига хос маъно ҳам, *-ми* юкламасига хос маъно ҳам ўзгармайди: *ўқиган эканми? Чиройли эканми? -ми* юкламаси экан тўлиқсиз феълидан олдин қўшилганда маънода маълум ўзгаришлар юз беради. Бунда аввал номаълум бўлиб, кейин маълум бўлганлик маъноси ифодаланмайди, балки сўроқ қаратилган шахс (тингловчи) бўлмай, умуман, сўзловчининг нарса, ҳаракат ва шу кабиларни билмаслиги, ҳайронлик, таҳмин билан ўйлаши каби маъно ифодаланади: *Айтганча, Ольга ана шу сўзнинг маъносига тушуниб етарми экан?* (Б. Кербобоев).

Ҳозирги ўзбек тилида экан тўлиқсиз феълининг қисқаришидан ҳосил бўлган *-кан, -кин* шакли жуда кўп учрайди. Булардан *-кан* шаклини «экан»нинг қисқариб қўллангани деб қараш мумкин. Лекин *-кин* элементи ҳақида бошқачароқ гапиришга тўғри келади. (*кин* элементи ундош билан битган сўзлардан сўнг *икин*, унли билан тугаган сўзлардан сўнг *й(и)кин* шаклида бўла олади).

Ҳозирги ўзбек тили фактларининг кўрсатишича, *кин* элементи экан формасининг фонетик варианты холос, маъно ва бошқа хусусиятлари жиҳатидан улар ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ деб бўлмайди.

Агар *кин* элементи экан тўлиқсиз феълининг фақат фонетик вариантигина бўлса, маъно ва бошқа хусусияти жиҳатдан ундан фарқ қилмайдиган шакли бўлса, талаффуз имкон берадиган ҳар қандай ҳолларда экан ўрнида «кин»ни қўллаш мумкин бўлаверар эди. Ҳақиқатда эса бундай қилиб бўлмайди. Масалан, *яхши экан, келар экан* мисолларидаги «экан»ни «кин» билан алмаштириб бўлмайди.

Бу элемент (*кин*) фақат сўроқ гапларда, таркибида сўроқ олошлари ёки *-ми* юкламаси бўлган гаплардагина қўллана олади: *Қаерда ишларкин? Келдимикин?*

Бу элемент тингловчига кейин маълум бўлган нарса, ҳаракат ва шу кабиларни сўраш учун қўлланмайди. Масалан, бирор шахснинг қачон кетганлигидан хабардор бўлган кишидан «Кеча кетган эканми?» деб сўраш мумкин. Лекин бу ўринда *кин* элементини қўллаб бўлмайди.

Бу элемент сўроқ қаратилган шахс (тингловчи) бўлмаганда ёки тингловчи ҳам, худди сўзловчи каби ҳаракат, ҳодисалардан

хабарсиз (уни билмайдиган) ҳоллардагина қўлланади. Қиёсланг: *Кеча кетган эканми?*— ўзи кузатган эмас, лекин кейин маълум бўлган. *Кеча кетганмикин?*— ҳаракатнинг бажарилган ёки бажарилмаганлиги тингловчига ҳам, сўзловчига ҳам номаълум.

кин билан ясалган формада нарса, ҳаракат кабиларни сўзловчи ҳам, тингловчи ҳам билмайдиган ҳолатда бўлиши туфайли *кин* сўзга ҳамма вақт *-ми* юкласидан кейин қўшилади: *келдимикин, уйдамикин, чиройлимикин.*

кин элементи маълум маъно ва вазифа учун махсусланиб бораётгани сабабли айрим феъл формаларига *экан* формасининг бирикиши адабий тил нуқтаи назаридан нормал ҳолат ҳисобланмагани ҳолда, шу формага *кин* элементининг бирикиши адабий тил нуқтаи назаридан ҳам нормал ҳисобланаверади. Масалан, аввал билмай, кейин билганлик маъносидан *экан* тўлиқсиз феълнинг *ишляпти* формасига бирикиши (*ишляпти экан*) нормал ҳолат эмас, *кин* элементининг *ишляпти* формасига бирикиши нормал ҳолат ҳисобланаверади: *Қаерда ишляптийкин? Заводда ишляптимикин? Умарали тўй қиляптимикин?... (И. Раҳим).*

кин элементи боғламаларга хос хусусиятга эга эмаслиги ва маълум маъно, вазифа учун махсусланганлиги сабабли тўлиқсиз феълнинг *эди* формасидан кейин ҳам қўлланади: *Бир марта кўрса ҳам армондан чиқармидикин бечора қизинг (И. Раҳим).*

Бу келтирилган хусусиятлар *кин* элементи *экан* тўлиқсиз феълнинг шунчаки фонетик варианты эмаслигини, балки у маълум ўринларда (ҳолларда)гина қўлланиш учун махсуслашган грамматик восита эканини кўрсатади.

Қуйидаги ҳолларда *экан* тўлиқсиз феълни эмас, балки *кин* элементини қўллаш маъқул ва тўғри бўлади:

1) Сўроқ қаратилган аниқ шахс бўлмай, сўзловчининг нарса, ҳаракат, белги кабиларни билмаслиги, у ҳақдаги ўйи, ҳайронлик, тахмин каби маънолар ифодаланган ҳолларда: *Қачон келаркин?*

2) Сўроқ қаратилган аниқ шахс бор, лекин у нарса, ҳаракат, белги кабиларни билмаслик жиҳатдан сўзловчига ўхшаш, «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб бера олмайдиган ҳолатда бўлган ҳолларда: *Қаерга кетганикин?*

3) Сўроқ юкласи *-ми* сўзнинг энг охирига эмас, балки *кин* элементидан олдин қўшилганда, *экан* формасини қўллаш учун ҳеч қандай эҳтиёж бўлмайди. Бундай ҳолларда ҳамма вақт *кин* элементининг ўзини қўллавериш керак: *бормикин, уйдамикин, чиройликмикин, ўқиганмикин, айтганмикин* каби.

2. Биз юқорида кўриб ўтган пунктларнинг ҳаммасида ҳам, *экан* тўлиқсиз феъли қандай маъно ва вазифада қўлланишидан қатъи назар, у бирикиб келган сўз ё мустақил гапнинг ёки эргаш гапнинг кесими вазифасида келади. Лекин ҳозирги ўзбек тилида *экан* формаси билан қўлланган сўзнинг ёки бирикманинг эга, тўлдирувчи, ҳол вазифаларида келиш ҳоллари ҳам кўп учрайди. Бундай ҳолларда *экан* тўлиқсиз феъли гап ҳукмидаги конструкцияни гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантирувчи восита ва-

зифасини бажаради: *шу ҳал қилинса, ким интизомли ва ким интизомсиз экани аён бўлади* (И. Раҳим). *Зиндон қоровулчини ўлдириб, маҳбусларни озод қилибдилар, кимлар экани номаълум* (Ж. Шарипов). *Гулнорнинг хаёли ёлғиз Йўлчида эканини, Йўлчи учун доимо изтиробда эканини яхши билар эди* (Ойбек). *Қўшиқнинг нима эканини билмайсан, Полвон* (Ж. Шарипов). *Қишлоқда эканида соқолини кун ора қирар эди* (С. Анорбоев).

Бундай ҳолларда экан тўлиқсиз феъли ўрнида унинг эканлик формаси, шунингдек, *-лик* аффикси ҳам қўлланади. Бу билан маъно ёки вазифада ўзгариш юз бермайди: *...уларнинг ёшми, кексами эканликлари маълум эмас эди* (С. Айний). *Қизиқ, ундай бўлса, нега ким эканликларини айтишмайди* (Н. Фозилов). *Ўзингиз шу ерда эканлигингизда умуммажлис чақирсақда, масалани очди қила қолсак, яхши бўлар эди* (С. Анорбоев). *Татьяна Комилжоннинг бу гапини камтарликдан деб тушунди, унинг ана шундай олижаноб хислатларга эга эканлигиндан севинди* (И. Раҳим). *Ҳамма жойни айланиб кўрса, ким қандайлиги маълум бўлиб қолар эди* (П. Қодиров). *Қизингни кўндир, кўзинг очилганида эрга тегсин* (И. Раҳим).

Гап ҳукмидаги конструкция экан (*эканлик, -лик*) ёрдамида гапнинг бирор бўлагига айлантирилганда, бу бўлак отларга хос эгалик, келишик ва кўплик қўшимчаларини қабул қила олади. Уларнинг доим кўплик ёки келишик қўшимчалари билан қўлланавериши шарт эмас, лекин ҳамма вақт бирор эгалик аффикси билан қўлланган бўлади (Юқоридаги мисолларга қаранг).

Экан (эканлик, -лик) ёрдамида гап турларидан ҳар қандайини гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантириш мумкин бўлавермайди. Бу ҳодиса фақат дарак гап ва сўроқ формасидаги гаплар доирасидагина юз бериши мумкин. Сўроқ формасидаги гаплардан фақат сўроқ мазмуни деярли йўқолган, жавоб талаб қилмайдиган гапларигина экан (*эканлик, -лик*) ёрдамида гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантириш мумкин бўлади: *Насимнинг ҳақлими-ҳақсиз экани устида ҳозирча гап юритмасак ҳам бўлади* (Е. Хаимов, М. Раҳмон).

Демак, экан тўлиқсиз феъли ҳозирги ўзбек тилида гап ҳукмидаги конструкцияни гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантириш вазифасини бажариш учун ҳам кенг қўлланади.

Эмиш. Тўлиқсиз феълнинг бу формаси ҳам аслида *эр-* ўзагига сифатдош ясовчи *-миш* аффиксининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Бу тўлиқсиз феъл ҳозирги ўзбек тилида *-имиш, -ймиш, -миш* каби вариантларда ҳам қўлланади. Бундай қўлланиш, айниқса, оғзаки нутқда кўп учрайди.

Эмиш тўлиқсиз феълнинг маъно ва вазифа доираси эди, экан тўлиқсиз феълнинг маъно ва вазифа доирасига нисбатан анча чегараланган. Бу форма ҳеч вақт муносабат ифодалаш учун, шунингдек, пайт ифодалаб, пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида

қўлланмайди. Эмиш формасида ўтган замон сифатдошига хос хусусият бутунлай йўқолган.

Эмиш тўлиқсиз феъли отлар, шунингдек, феълнинг барча формалари билан қўллана олади. Лекин унинг қандай сўзларга ва феълнинг қандай формаларига қачон бирика олиш ёки олмаслиги қандай маънода қўлланишига боғлиқ. Бу тўлиқсиз феъл:

1. Эшитиб билганлик маъносини билдиради. Унинг бу маъносига мос равишда гап ичида «эшитишимча», «айтишича» каби маънодаги сўз ёки сўзлар бирикмаси қўлланиши мумкин: *Кечқурун идорада мажлис бор: Жамики аъзоларнинг бориши мажбуриймиш* (С а и д А ҳ м ад). *Аризани б е р а р м и ш с и з*, *Ботиров буюрди* (Ҳ. Назир). *Эшитишимча, Тошкентдан, Бухородан, Қўқондан ва бошқа жойлардан бир қанча йигит-қизлар Москвага ўқишга кетган эмиш* (Ҳ. Нуъмон, А Шораҳмедов).

Эмиш тўлиқсиз феъли бу маънода ўтган замон феълнинг -ган ёрдамида ясалувчи формасига, ҳозирги замон ва ҳозирги-келаси замон сифатдошларига, -р аффикси билан ясалувчи формага, -моқчи ёрдамида ясалувчи феъл формасига ва ҳаракат номи формасига бирикади. Бу формаларнинг ҳаммаси доирасида ҳам эшитилганлик маъносига қўшимча бошқа маъно ифодаланмайди: *келаётган эмиш, келган эмиш, келар эмиш, келмоқчи эмиш*.

Тўлиқсиз феълнинг эди, экан формалари ҳамма вақт ўзи бирикиб келган сўз билан бирга (унинг кетида) қўлланади. Эмиш тўлиқсиз феъли эса феъл билан бирга ҳам, шунингдек, гап бошида ҳам қўлланади. Гап бошида қўлланганда, «айтишларича», «айтишларига қараганда» деган маънони билдиради (яъни шу сўзлар ўрнида қўлланади). Бу ҳодиса, асосан, бирор ҳодиса, воқеанинг ҳикоясида учрайди. Ҳикоя ичида қатнашган гапларнинг кесими, одатда, эшитилганлик формасида бўлади: *Эмиш қайсидир бир амирнинг замонида шу қишлоқ деҳқонлари Оқсойдан сув чиқариш учун тоғ бағрини ёриб ариқ қавлаётганларида, бир девонам дарвиш келиб қолибди* У: «Эй барака топкурлар, мени ҳам ер-сувларингга шерик қилсанглар», деб илтимос қилибди... *Йигитлар! «Йўлингдан қолма!» — дейишибди, жаҳллари чиқиб...* (С. Анорбоев).

Эмиш формаси қўлланганда ифодаланган нарса-ҳодисалар аниқ тарзда бўлмаслиги (кимлардир айтган нарса-ҳодисалар бўлиши) таъсирида «аниқ бўлмаган нарса-ҳодиса, фақат оғизда (гап ҳолида) мавжуд бўлган нарса-ҳодиса» маъносини ифодаловчи «миш-миш» сўзи келиб чиққан: *Бир неча йилдан кейин унинг қўнғирот элида овулма-овул девона бўлиб юргани ҳақида «миш-миш» тарқалди* (А. Мухтор).

Эмиш тўлиқсиз феъли тушда кўрган нарса-ҳодисаларнинг баёнида ҳам қўлланади: *Каттакон йиртқич қуш Қудратни кўтариб кетаётган эмиш. Қуш борган сари баландлашар, ер эса кўзига коптоқдак бўлиб кўринар эмиш. Қудрат уйғониб кетди* (Ж. Абдуллахонов).

Эшитилганлик маъноси экан тўлиқсиз феъли орқали ҳам ифо-

даланишини кўрган эдик. Лекин экан ва эмиш тўлиқсиз феъллари бу маънода қўлланишда ўзига хос хусусиятларга эга.

Экан тўлиқсиз феълида эшитиб билганлик маъноси алоҳида таъкидланмайди. Бу маъно бошқа бирор восита ёки умумий ҳолатнинг таъсирида аниқ ифодаланиб туради. Эмиш тўлиқсиз феъланда эса эшитиб билганлик маъноси ҳамма вақт таъкидланади. Шу сабабли контекстдан ташқарида ҳам бу маънони аниқ ифодалайверади. Қийёсланг: *уйда экан — уйда эмиш, яхши экан — яхши эмиш, билар экан — билар эмиш* ва б.

Нарса-ҳодиса, ҳаракат ўтмишга оид бўлганда эшитиб билганлик маъносида экан тўлиқсиз феъли қўлланади, лекин эмиш формаси қўлланмайди: *Афанди муфти экан, бир косиб ундан фатво сўраб келибди* («Л а т и ф а л а р»).

Нарса-ҳодиса, ҳаракат мавжуд факт сифатида ифодаланган ҳолларда эшитиб билганлик маъносида эмиш қўлланади, лекин экан тўлиқсиз феъли қўлланмайди: *Низомжон* (тушида) *марҳум онаси ва акасининг юзларини шундоққина кўрди. Ўзгармаган, ammo негадир икковининг ҳам бўйи жуда узун бўлиб кетганмиш* (С а и д А ҳ м а д.)

2. Эътироз, норозилик, ёқтирмаслик, ранжиш («гапини қаранг», «шу ҳам гап бўлди-ку») каби маъноларни билдиради. Бунда икки хил ҳолатни кўриш мумкин:

а) Ўзганинг гапига қўшилмаслик, норозилик, ранжиш ифодаланади. Бундай ҳолларда ўзганинг гапи айнан ўз ҳолида ёки унинг бирор қисми эмиш тўлиқсиз феъли билан қўлланади. Шунингдек, гапнинг кесими айнан ўз формасида ёки айрим ўзгариш билан қўлланиши мумкин. Эмиш тўлиқсиз феъли бу маънода ҳар қандай сўз ва феълнинг ҳар қандай формаси билан қўллана олади. Чунки сўзловчи ўзгандан қандай сўз эшитган бўлса, унинг айнан ўзини, айнан формасида эмиш тўлиқсиз феъли билан такрорлайверади: *Раҳим масхарали қараш қилиб ва ўзининг биринчи пионерлар постидаги «навбатчилиги»ни пеш қила кетди. Бу, Меҳрига ёқмади.*

— *Навбатчилик эмиш, қоровуллик деб қўя қол!* (Ҳ. Назир). *Қайт эмиш-а, эркак бўлсанг, йўл бошла!* (Ойбек).

б) Эмиш тўлиқсиз феъли қўшилиб келган сўз (умуман гап) ўзгандан эшитилган бўлмайди, балки сўзловчининг бирор нарса-ҳодисадан норозилиги, ранжиши ифодаланади. Кимдан норози экани эса гапнинг умумий мазмунидан билиниб туради: *Зардоб ютиб ишлагин эмиш-у, ҳосилингни ўртага тўкиб оғзингни очиб қолавер эмиш* (Ҳ. Шамс). *Бу қандоғ адолатсизлик, энг чиройли, энг ақлли қиз сиздек ичи қора... фикри лойқа йиғитни севар эмиш-у, сиз уни ҳақорат қилар эмишсиз?* (Ҳ. Фулом). *Сени қара-я! Унинг қўли ўша кунийёқ тузалиб кетган, «врач» эмиш-а...* (О. Ёқубов).

Эмиш формаси эшитиб билганлик маъносини билдирганда, сўроқ юкламаси (-ми) эмиш тўлиқсиз феълдан кейин қўшилади. Эътироз, ранжиш каби маъноларда қўлланганда эса -ми юкламаси

асосий сўзга қўшилаверади. Қиёсланг: *Келган эмишми?* — *Келганми эмиш!*

Эмиш формаси бу маънода қўлланганда, норозилик, эътироз, ранжиш алоҳида таъкид билан ифодаланади. Шунинг учун ҳам бундай ҳолларда, кўпинча, таъкид ифодаловчи *-у, -а* каби юкламалар ҳам қўлланади.

ФЕЪЛНИНГ ТУСЛАНИШЛИ ВА ТУСЛАНИШСИЗ ФОРМАЛАРИ

Тусланиш системасига бўлган муносабатига қараб феъллар икки асосий гурпуага бўлинади: 1) тусланишли феъллар, 2) тусланишсиз феъллар.

Тусланишли феъллар

Шахс-сон, замон ва майл категориялари феълларга хос асосий грамматик категориялардан ҳисобланади. Бу грамматик категорияларнинг ҳар бири бирдан ортиқ грамматик маънога ва шу маънога хос грамматик формаларга эга. Масалан, шахс-сон формалари: *ёзяман, ёзясан, ёзяпти; ёзямиз, ёзясиз, ёзяпти (лар)*. Замон формалари: *ёздим, ёзяман, ёзаман, ёзарман* ва б. Феълнинг ана шундай замон, шахс-сон, майл формалари билан ўзгариши тусланиш ва бундай формаларни ҳосил қилувчи аффикслар тусловчилар дейилади. Демак, тусланиш системасидаги феъл майл, шахс-сон, замон жиҳатдан шаклланган бўлади. Лекин бундан тусланишли феълнинг асосий белгиси доим майл, замон ва шахс-сон жиҳатдан шаклланган бўлиши керак деган хулоса чиқмайди. Бунда қуйидаги ҳолатларни таъкидлаб ўтиш керак бўлади.

Майл турларидан фақат ижро майлигина ҳаракатни замон билан боғлиқ ҳолда ифодалайди ва ижро майлидаги феълларгина ҳар уч замон (ўтган замон, ҳозирги замон ва келаси замон) формасига эга бўла олади. Ҳаракатнинг нутқ моментига муносабатининг (яъни замон маъносининг) ифодаланишида ҳамма вақт замон формаларининг қатнашиши шарт. Замон кўрсаткичи йўқ формада грамматик замон маъноси ҳақида гапириш мумкин эмас. Бироқ ижро майлида замон ва шахс-сон кўрсаткичларидан ташқари, фақат майлнинг ўзини билдирувчи морфологик кўрсаткич йўқ: *ёзди, ёзганман, ёзгансан*.

Буйруқ майли формаси феълни шахс-сон билан туслаш орқали ҳосил қилинади: *ёзай, ёз (ёзгин), ёзсин; ёзайлик, ёзинг (лар), ёзсин(лар)*.

Майл турларидан шарт майли, шартли майл ва мақсад майлигина махсус майл кўрсаткичига эга. Майлнинг бу турлари махсус майл кўрсаткичи ва шахс-сон аффикслари ёрдамида шаклланади: 1) *ёзсам, ёзсанг, ёзса; ёзсак, ёзсангиз, ёзса(лар)*; 2) *ёзар эдим, ёзар эдинг, ёзар эди. ёзар эдик, ёзар эдингиз, ёзар эди (лар); ёзмоқчиман, ёзмоқчисан, ёзмоқчи, ёзмоқчимиз, ёзмоқчисиз, ёзмоқчи(лар)*.

Тусланиш системасидаги феъллар барча майл доирасида ҳам шахс-сон билан албатта шаклланган бўлади: *ёздим, ёзсам, ёзсин, ёзмоқчиман* ва ҳ. Баъзи майл турларида иккинчи ёки учинчи шахсда махсус грамматик кўрсаткич бўлмаслиги мумкин («Шахс-сон категорияси» баҳсига қаранг). Масалан, *ёз* — буйруқ майли, иккинчи шахс, бирлик; *ёзди* — ижро майли, ўтган замон, учинчи шахс, бирлик. Лекин булар феълнинг ўзак ёки негизи эмас, балки махсус шакли (формаси) ҳисобланади. Бундай ҳолларда махсус кўрсаткичнинг йўқлиги ҳам шахс-сон билан тусланишнинг алоҳида кўриши ҳисобланади.

Хуллас, тусланишли феъллар ҳамма вақт майл ва шахс-сон жиҳатдан шаклланган бўлиши шарт. Лекин ҳамма вақт шахс-сон кўрсаткичларига эга бўлавериши шарт эмас. Тусланишли феъллардан фақат ижро майлидаги феълларгина замон маъносига эга бўлади ва замон маъносининг ифодаланишида шу маънони ифодаловчи формант албатта қатнашади.

Ўзбек тилида фақат феълларгина эмас, балки кесим вазифасида келган отлар ҳам (отлар—кенг маънода) шахс-сон аффиксларини олади: *хурсандман, хурсандсан, хурсанд* каби. Шунингдек, асосан атрибутив вазифада қўлланувчи айрим феъл формалари кесим вазифасида қўлланганда, шахс-сон қўшимчаларини олади. Лекин бу билан улар тусланишли форма бўлавермайди. Масалан, *Эртага меҳмонга борадиганман. Яхши ишлаётганлардансан* гапларидаги *борадиганман, ишлаётганлардансан* формаси тусланишли форма эмас. Қуйидаги мисолда ҳам кесим вазифасидаги сифатдош формаси тусланишли форма эмас: *Гап илгари сарисоб солмаган, илгари пайқаман нарсаларимизга ҳозир сарисоб соладиган, пайқайдиган бўлганимизда* (А. Қаҳҳор.) *Кўкиш рангдаги осмон, чарақ-чарақ юлдузлар кўзни қамаштиргудай* (Ж. Абдуллаҳонов).

Тусланишли формадаги феъл шахс-сон маъносидан ташқари, албатта, майл маъносига, ижро майли доирасида эса замон маъносига ҳам эга бўлади.

Демак, тусланишли феъл албатта шахс-сон жиҳатдан шаклланган бўлади. Лекин шахс-сон кўрсаткичларига эгаликнинг ўзи тусланишли феъл дейиш учун асосий белги бўла олмайди. Майлнинг бирор турига мансуб бўлишлик тусланишли феълнинг асосий белгисидир. Тусланишли формадаги феъл гапда кесим вазифасида келади. Бундай феъллар шахс маъносига эгаллиги туфайли яқка ҳолда ҳам (эга ифодаланмаган ҳолларда ҳам) мустақил гапни ташкил эта олади: *Келди* (у келди). Шу хусусиятига кўра тусланишли феъллар предикативликка мослашган феъл шакли ҳисобланади.

2.. Тусланишсиз феъллар

Айрим феъллар майл, шахс-сон, замон маъноларини ифодалай олмайди ва шу маъноларни ифодаловчи формаларга ҳам эга бўлмайди. Демак, улар тусланиш системасига эга бўлмайди — тусла-

нишсиз феъл ҳисобланади. Булар ҳаракат номи, сифатдош ва равишдош формаларидир. Шу формалар феълнинг от, сифат ва равишга хос маъно ва вазифаларда қўлланишга мослашган формаларидир. Ҳаракат билдириши жиҳатидан улар тусланишли феъллардан фарқланмайди. Сифатдош ва равишдошнинг айрим формалари замон формасининг ясалишида хизмат қилади. Лекин улар шахс-сон билан тусланиб, бирор замон формаси ҳосил қилганида, тусланишли формалар қаторига киради.

ФЕЪЛНИНГ ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯЛАРИ

Феъл туркуми бошқа сўз туркумларига нисбатан бой ва мураккаб грамматик категориялар системасига эгалиги билан ажралиб туради.

Ҳозирги ўзбек тилида феълга хос грамматик категориялар қуйидагилар: 1) даража, 2) бўлишли-бўлишсизлик, 3) майл, 4) замон, 5) шахс-сон.

Даража категорияси

Даража категорияси ҳаракатнинг субъект ва объектга бўлган муносабатини кўрсатади. Бу муносабат махсус феъл формалари орқали ифодаланади. Масалан, *китобни ўқиди* — гапнинг эгаси ҳаракатни бевосита бажарувчи бошқа бир шахс (китобни укасига ўқитди), *китоб ўқилди* — ҳаракатнинг бажарувчиси ноаниқ ва б. Демак, феълнинг даража формаси ўзгариши билан ҳаракатнинг субъект ва объектга бўлган муносабати ҳам ўзгаради. Ҳозирги ўзбек тилида феълнинг беш хил даража формаси бор: бош даража, ўзлик даража, орттирма даража, биргалик даража, мажҳул даража.

Бош даража

Феълнинг бош даража формаси ҳаракатнинг эга билан ифодаланган шахс ёки предмет томонидан бажарилишини билдиради: *билди, кўрди, сўради, айтди, қайтди* каби. Бу турда даражанинг махсус кўрсаткичи йўқ. Унинг бош даража деб аталиши бошқа даража формаларига нисбатандир. Бу даражадаги феъл объектли ёки объектсиз бўлиши мумкин: *олди* (объектли), *қолди* (объектсиз).

Ўзлик даража

Ўзлик даража формаси асосан, *-(и)н*, баъзан *-(и)л* аффикси ёрдамида объектли феъллардан ясалади: *ташланмоқ, мақтанмоқ, қўшилмоқ* ва б. Бир-иккита феълдагина ўзлик даража формасининг *-(и)ш* аффикси ёрдамида ясалиши учрайди: *жойла—жойлаш*,

кер — *кер*иш каби. *Яйра, қичқир, ухла, бор* каби объектсиз феъллардан ўзлик даража формаси ясалмайди.

Ўзлик даража формаси қўлланган гапларда феълнинг лексик маъноси, айрим сўзлар ва бошқа фикрлар таъсирида ўзлик даражага хос бўлмаган маънолар худди шу формага хос маънодек кўринади. Натижада ўзлик даража формасининг бевосита ўзига оид маънони аниқ белгилаб олиш бирмунча қийинроқ бўлади. Масалан, *ювинди, таранди, безанди* каби феълларда бажарувчининг шу ҳаракатга объект ҳам эканлиги, ҳаракатнинг бажарувчига қайтиши, «ўзини ўзи» маъноси ифодаланаётгандек кўринади. Яна бошқа ҳолатларда, маълум контекстда, ўзлик даража формасидан бошқача маънолар англашилиши мумкин. Қуйидаги мисолларни қиёсланг: *Паншахасини пичанга санчиб сопига суяниб турган бир йигит: Даромаднинг йўлини билган одам чорвадан ҳам тез бойийди,— деди* (П. Қодиров). *Бир маҳал Ғуломжон туйнукдан эриниб чиқаётган тутунга қараб сўзланди* (М. Исмоилий). *Кўктошлик бир бой одам йиғилган жойда Санамойнинг отасига ёпишди* (П. Қодиров). *Бирдан бир ғамхўрларидан айрилган бечоралар айрилиқ, хўрлик аламидан кўз ёшларини сел-сел оқизиб янғийдла тушдилар* (П. Турсун).

Биринчи мисолда *суяниб* формаси билдирган маънони «ўзини ўзи» деган маънога қиёслаш, иккинчи мисолдаги *сўзланди* формаси маъносини «ўзича» сўзига хос маъно билан изоҳлаш мумкин. Лекин кейинги мисоллардаги *йиғилган, айрилган* феъл формалари билдирган маънони бу йўл билан тушунтириб бўлмайди. Яна қуйидаги мисоллардаги феълнинг ўзлик даража формасининг маъносига эътибор беринг: *Сўнг узун дўнглик ортига ўтиб кўринмай кетди* (П. Қодиров). *Отилмаган соқон ҳам бошга, ҳам қуймичга тегади* (Мақол). *Йигит шу гапларни айтишга айтди-ю, кўзини яширишга жой тополмай қийналди. Овози титраб ютинди* (Саид Аҳмад). *Рўпарадаги кўркам уйлардан яши кийинган... аёллар қўлларида идишлари билан қэзон бошига қатнаб турибдилар* (П. Турсун). *Давлатбековнинг туғилган қишлоғи Бодомзор бу ердан ўн бир чақирим пастда* (П. Қодиров).

Бу мисоларнинг бирортасида ҳам ўзлик даража формаси ҳаракатнинг бажарувчига қайтишини, бажарувчи ҳаракат объекти ҳам эканини ёки «ўзини ўзи» деган маънони билдирмайди. Аслида ҳам бундай маънолар ўзлик даража формасига хос маънолар эмас. Ўзлик даража формаси объектли феъллардан ясалади ва бунда грамматик объект тушунчаси йўқолади. Бошқача қилиб айтганда, ўзлик даража формаси объектли феълни объектсиз феълга айлантиради: *артмоқ — артинмоқ, қийнамоқ — қийналмоқ, тешимоқ — тешилмоқ, сўкмоқ — сўкинмоқ, кавшамоқ — кавшанмоқ* ва б. Ана шу хусусиятига кўра айрим феълларнинг ўзлик даража формаси бирор объектсиз феъл билан синоним бўлиб қолиши ҳам мумкин: *кўзини тикмоқ — тикилмоқ — қарамоқ*.

Ўзлик даража формасининг асосий хусусияти объектли феълни

объектсиз феълга айлантириш эканини яна қуйидаги ҳодисалар ҳам очиқроқ кўрсатади.

Ўзлик даража формасининг объектли феъллардан ясалишининг ўзи ҳам бу форманинг айтиб ўтилган хусусияти билан боғлиқ. Айрим объектсиз феълларнинг ўзлик даража формасида қўлланиш ҳоллари учрайди. *шош-ил-моқ, тарқа-л-моқ, юмала-н-моқ* каби. Лекин булардаги *-(и)н, -(и)л* кўрсаткичлари ўзлик даражага хос маънони ифодаловчи эмас. Шу сабабли уларни қўлламаса ҳам бўлади. Қуйидаги икки мисолни қиёсланг: *Кампир бурнини торта-торта, енгини кўзидан олиб, ўғлидан ўпкаланди* (Ж. Абдуллаҳонов). *Гапнинг давомини кутгандай бир неча қадам индамай борди-да, ...бошини чайқаб қўйиб, ўпкалаган овозда сўради* (П. Турсун).

Ўзлик даража формаси ҳар қандай объектли феълдан ясалавермайди. Масалан, *ўқи, ҳайда, эк, мин кес, тик, суғор* феълларидан ўзлик даража формаси ясалмайди. Чунки бу феъллар билдирган ҳаракат ҳамма вақт объект тушунчаси билан боғлиқ бўлади, бу объектни «йўқотиш» ва келтирилган феълларни объектсиз феълга айлантириш объектив ҳолда мумкин бўлмайди.

Шундай ҳаракатлар борки, улар бажарувчининг ўзида (ўз устида, ўз танасида) бажарилиши мумкин. Лекин шундай ҳаракатни билдирувчи феъллардан ўзлик даража формаси ясалавермайди. Масалан, *ҳидламоқ, тирнамоқ* феъллари объектли феъллар. Шунингдек, бу феъллар билдирган ҳаракат субъектнинг ўзида бажарилиши, яъни бажарувчи ўзини ўзи ҳидлаши ва ўзини ўзи тирнаши мумкин. Лекин *ҳидламоқ, тирнамоқ* феълларидан ўзлик даража формаси ясалмайди.

Ўзлик даража формаси объектли феъллардан ҳосил қилинса-да, лекин орттирма даража орқали ҳосил қилинган объектли феъллардан ясалмайди. Бу ҳодиса ҳам ўзлик даража формасининг айтиб ўтилган хусусияти ва орттирма даража формасининг хусусияти билан изоҳланади.

Ўзлик даража формасининг баъзи феълларда, аслида, объектли феъллардан ясалганлиги ва бош даража формасининг маъноси билан боғланиши борлиги сезилиб турса-да, лекин уларнинг маъносида силжиш бўлган ва улар янги маъноли янги феълга айланиб бораётганлиги сезилади: *...юзлари семизликдан тирсиллаган Араббой кери лган бир ҳолда сўради* (П. Турсун). *Бу қишлоқда Авазининг энг очилиб гаплашадиган тенгдоши шу Замонали эди* (П. Қодиров). *Бошқа илож қолмагач, она энг тубан ва жиркани бир «хунарга» тутинди* (П. Турсун). *Хулқар эркаклардан ҳеч тортинмас эди* (П. Қодиров). *Элмурод уни ҳар бир жумлани тутила-тутила... зўрға ўқигани ва тез ўқишга ҳаракат қилиб, китобда йўқ гапларни айтиб юборгани учун менсимас эди* (П. Турсун).

Ҳозирги ўзбек тилида *-ла* аффикси феъл ясовчи энг актив аффикс ҳисобланади. Бу аффикс ёрдамида асосан объектли феъллар ясалади: *ишла, тикла, ўқла, ҳидла* каби. Лекин маълум сўзлардан

-ла аффикси ёрдамида феъл яшаш мумкин бўлмайди. Худди шу сўзлардан эса объектсиз феъл яшаш мумкин бўлади. Бунинг учун -ла аффикси билан ўзлик даража кўрсаткичидан фойдаланилади: *завқланмоқ, аччиғланмоқ, фойдаланмоқ, йнғайсизланмоқ* ва б. Бу ҳодиса ҳам ўзлик даража формасининг асосий хусусияти объектсизлик билан боғлиқлигини кўрсатади. *Завқланмақ, аччиғланмоқ* каби феъллар таркибидаги «н» даража формасини ясовчи эмас, балки -ла ва -н бир бутун ҳолда бир аффикс ҳисобланади, *завқлан, аччиғлан* феъллари эса бош даража формаси ҳисобланади.

Баъзи феълларда бош даража формаси билан ўзлик даража формасининг маъноси бир хилдек кўринади: *Элмурод бир оз й й л а н и б туриб, охири сўрашга жазм қилди* (П. Тур с у н). Бу мисолдаги *йй ланиб* формаси *ййлаб* формаси билан алмаштирилса ҳам Элмуроднинг нималарнидир ўйлагани англашилаверади. Лекин *йй ланмоқ* формаси қўлланганда, грамматик объект йўқ бўлади. *Ўй ламоқ* формаси қўлланганда, гарчи грамматик объектни кўрсатувчи сўз қўлланмаган бўлса-да, аслида бор бўлади ва сўроқ орқали уни тиклаш мумкин бўлади.

Ўзлик даража формасининг тушум келишигидаги сўз билан қўлланиши учрайди, бундай қўлланишда икки хил ҳолат бўлиши мумкин: 1) ўзлик даражадаги феъл билан грамматик алоқадаги сўз нотўғри равишда тушум келишигида қўлланган бўлади: *Она кўзларини очган, бир оз жон кирган эди. У қуруқшаган лабларини я л а н д и* (П. Тур с у н); 2) бошқарилган сўзнинг тушум келишигида қўлланиши тўғри, лекин ўзлик даража формаси башқача маъно касб этган (бошқача янги маъно билан қўлланган) бўлади. Масалан, *чопонини ёпинмоқ* бирикмасидаги *ёпинмоқ* феъллини тўла маънода *ёпмоқ* феълнинг ўзлик даража формаси деб бўлмайди. Чунки юқоридаги маънода «бошига чопон ёпмоқ» бирикмаси қўлланмайди. Демак, бу ўринда *ёпинмоқ* феъли *ёпмоқ* феълдан фарқли янги маънода қўлланган ва шу маънода қўлланганда, тушум келишигидаги сўзни бошқаради.

Орттирма даража

Феълнинг орттирма даража формаси ясовчи аффиксларнинг кўплиги билан ҳам бошқа даража формаларидан фарқланиб туради. Ҳозирги ўзбек адабий тилида феълнинг орттирма даража формаси қуйидаги аффикслар ёрдамида ясалади:

-дир (//-тир) аффикси: *ёздир, қулдир, келтир, чоптир.*

-газ (//-ғиз// -ғаз// -ғиз// -каз// -киз// -қаз// қиз)

аффикси: *кўргаз, кирғиз, турғиз, юргиз, кетказ, кетқиз, ўтқаз, тутқиз.*

-т аффикси: *ўқит, чўқит, қурит, шилат, сўрат.*

-из аффикси: *оқиз, томиз, эмиз.*

-ир аффикси: *битир, учир, пишир, қочир, очир.*

-ар аффикси: *чиқар, қайтар.*

-сат аффикси. Фақат *кўр* феълидан орттирма даража формаси ясайди: *кўрсат*.

Айрим феълларнинг орттирма даража формасининг ясалишида кўриб ўтилган аффикслардан фақат биттасини қўллаш мумкин бўлгани ҳолда, бошқа бир феълларнинг орттирма даражасини ясашда уларнинг учтасидан фойдаланиш мумкин бўлади (*кўн-кўндир; тўл — тўлат — тўлдир — тўлғаз* ва б.).

Орттирма даража формасининг ясалишида бошқа даражадагилардан фарқли, алоҳида хусусияти бор—бу даража формасида феълга бирдан ортиқ даража (орттирма даража) кўрсаткичи қўшилиши мумкин: *Тоғдаги чўпонларга ун-пунларни рўйхат билан жўнаттирди* (П. Қодиров). *Авлиё чўдири билан хизматкорини чўлда қолдириб: «Шу мусича болаларини учуриб кетгунча озор етказдирма, ...деб тайинлаб кетибди* (П. Турсун).

Орттирма даража формаси объектли феъллардан ҳам, объектсиз феъллардан ҳам ясала олади: *ухла — ухлат, ўқи — ўқит* каби.

Орттирма даража формаси объектсиз феъллардан ясалганда, объектли феъл юзага келади: *кўкар — кўкартир, уч — учир, қичқир — қичқиртир, юр — юргиз, қури — қурит* каби.

Орттирма даража формасидаги феъл қўлланганда, ҳаракатга мажбур қилиш, унга йўл қўйиш ва шунга ўхшаш маънолар ифодаланиши мумкин. Лекин бундай маънолар умумий ҳолат, феълнинг лексик маъноси ва бошқа факторларнинг таъсирида юзага келади. Масалан, *кўрсат* феъли контекстдан ташқари олинганда кўриб ўтилган маънолар конкретлашмайди. *Уғирлатмоқ* формасида эса «восита бўлиш», «мажбур қилиш», «қўзғатиш» каби маъноларнинг бирортаси ҳам йўқ. Демак, бу маънолар бевосита орттирма даража формасига хос маънолар бўлмайди.

Орттирма даража формасида феълнинг ўзак-негизидан англашилган ҳаракатда бевосита бажарувчи шахс ва уни бажарувчи шахс борлиги сезилиб туради. Шунга кўра, бу даража формасида «асосий субъект ва иккинчи даражали субъект», «ҳаракатни бевосита бажарувчи шахс ва ҳаракатга восита бўлувчи шахс» бўлиши ҳақида гапирилади. Лекин бу маънолар ҳам бевосита орттирма даража формасига хос бўлган грамматик маънолар эмас. Орттирма даража формасида ҳам ҳаракат бажарувчиси эга ёки жўналиш келишигидан бошқа келишикдаги сўз орқали ифодаланган шахснинг ўзи бўлади. Бир мисол: *Сочини қирқтириб, пионер кийимини кийиб олганини кўрган амакисининг жони чиқади* (П. Турсун). Бу гапдаги *қирқтирмоқ* феълида ҳаракатнинг реал бажарувчиси ёки асосий субъект қирқтириш ҳаракатини бажарган шахс (айтайлик, сартарош) эмас, балки қирқтириш ҳаракатини бажарган шахснинг ўзи. Қўйидаги мисолларда ҳам худди шундай: *У бармоқларини қирқтириб, доктор опамга кўп раҳмат* (А. Убаев). *Қариндошларингизни ишлатиб, ўзингиз мўйловни бураб ётган экансиз-да* (П. Қодиров). *Бир кампир Элмуродга ўғлининг дўпписи билан кўйлак ва камзулини чийгизди* ... (П. Турсун).

Агар ҳаракат бажарувчиси (яъни «бевосита бажарувчи») бош даража формаси нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, объектли феълдан ясалган орттирма даража формаси билан объектсиз феълдан ясалган орттирма даража формаси ўзаро фарқланмайди. Масалан, *едирди* феълида ейиш ҳаракатини бажарувчи шахс бошқа бўлганидек, *ухлатди* феълида ҳам ухлаш ҳаракатини бажарувчи шахс бошқа бўлади.

Демак, орттирма даража формаси қўлланганда, ҳаракат бажарувчиси шу форма орқали ифодаланган шахснинг ўзи бўлади. Бунда бош даража формаси билдирган ҳаракатнинг ким бажариши назарда тутилмайди. Шунинг учун ҳам жуда кўп ҳолларда бу шахс ифодаланмайди.

Орттирма даража формасида, кўриб ўтилган каби кишини чалғитадиган ҳолатлар таъсирида, баъзан бу формада бажарувчининг бирдан ортиқлиги ифодаланиши айтилади. Лекин ҳаракат бажарувчисининг бирдан ортиқ бўлиши кўплик формаси ва биргалик даража формасидагина кўринади. Орттирма даража формаси ясалиши билан эса ҳаракат бажарувчиси (яъни грамматик субъект) эмас, балки ҳаракат объекти ортади, агар бундай объект йўқ бўлса, у юзага келади: *кийди* — *кийгизди*, *келди* — *келтирди*. Орттирма даража кўрсаткичи бирдан ортиқ қўшилганда ҳам худди шундай бўлади: *кийгиздирди*, *келтиртирди*.

Айрим феълларда орттирма даража ясовчи аффикс аниқ кўришиб турса-да, лекин ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан уларни морфемаларга ажратиб бўлмайди: *тузатмоқ*, *суриштирмоқ*, *узатмоқ*, *солиштирмоқ*, *яратмоқ* каби. Ҳатто, айрим феълларда орттирма даража кўрсаткичини бошқа даража кўрсаткичи билан алмаштириш мумкин бўлади: *уйғот* — *уйғон*, *юпат* — *юпан* каби. Лекин бу феъллар ҳам ҳозирги тил нуқтаи назаридан морфемаларга бўлинмайди.

Баъзи феълларда бош даража формаси билан орттирма даража формасининг маъноси бир хилдек бўлиб, улар бир-бири билан алмаштирилса ҳам маъно ўзгармайдигандек кўринади. Лекин бундай ҳолларда орттирма даража формасига хос хусусият сезилиб туради ёки орттирма даража формаси янги маъноли сўзга айланаётган бўлади: *Бир кун у қўлтиғига қоп қистириб*, *езишдан чиқиб эдики*, *қаришидан Норжон келиб қолди* (П. Турсун). *Қора тўриқ от устида эса телпагини калласининг бир томонига бостириброқ кийган қуролли кимса* (П. Турсун).

Баъзи феълларнинг орттирма даража формаси янги лексик маъно касб этган бўлади. Бундай феъллар ё бош даража формасида қўлланмайди, ёки бош даража формаси бутунлай бошқа маъно билдиради: *Бу қараш аввал қўрқувни*, *сўнг чексиз бир ғазабни билдирарди* (П. Қодиров). *Элмурод Ленин асарларидан далиллар келтириб*, *майда деҳқон хўжалигидан яна қулоқ ва камбағаллик*, *эзиш ва эзилиш келиб чиқишини тушунтирди* (П. Турсун). *Улар ўзбекча ва русча сўзларни аралаш-қуралаш ишлатиб анча тортишди* (П. Турсун).

Айрим объектли феълларга орттирма даража ясовчи аффикс қўшилганда, ҳаракатнинг объект ва субъектга бўлган муносабатида ўзгариш бўлмайди. Бундай ҳолларда ҳам орттирма даража формаси янги маъно касб этган бўлади. Шу сабабли унинг ўрнида бош даража формасини қўллаб бўлмайди: *эркаламоқ — эркалатмоқ; Чиндан ҳам қишлоққа келиб-келиб юрган районнинг баъзи бир раҳбарлари оқсоқолни анча э р к а л а т и б қўйган эдилар* (П. Турсун).

Орттирма даража формасининг ясалишида шу формани ясовчи аффиксларнинг икки-уч хил туридан фойдаланиш мумкинлигини кўрдик: *тўл-тўлат, тўлдир, тўлғаз* каби. Бу формалар маъно жиҳатдан (даража маъносига кўра) бир-биридан фарқланмайди. Шу сабабли уларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин. Лекин айрим ҳолларда бу формаларнинг бирортаси маълум бир бирикма доирасида қўлланишга хосланган бўлиши мумкин. Ана шундай ҳолларда унинг ўрнида бошқа аффикс ёрдамида ясалган формани қўллаб бўлмайди: *Элмурод ёқимли ҳиди димоғига ўтириб турган нонни катта тишлади-да, эғзини тўлдириб чайнай бошлади* (П. Турсун). *Паришон бир ҳолда ҳовлига қадам қўйиши билан айвонни тўлдиришиб ўтирган турли кийим ва қиёфадаги аёлларни кўриб, ўзининг беҳосдан кириб қолганига анча безовта бўлди* (П. Турсун). Биринчи гапдаги *тўлдири* формаси ўрнида *тўлат, тўлғаз* формасини қўллаш мумкин. Лекин иккинчи гапдаги *тўлдири* формасини *тўлат, тўлғаз* формалари билан алмаштириб бўлмайди.

Ўзлик даража формаси объектли феълни объектсиз феълга айлантиришини кўрган эдик. Ўзлик даражадан орттирма даража ясалганда яна объектли феъл юзага келади: *юв-ювин — ювинтир*. Баъзи феълларда ўзлик даража кўрсаткичи қўлланмаса ҳам асосий маъно ўзгармайди: *билинтирма-билдирма, шўшилтирмоқ-шоширмоқ, овунтирмоқ-овутмоқ* ва б.

Айрим феъллар доирасида ўзлик даражадан ясалган орттирма даража формаси ўрнида бош даража формасини қўллаш мумкин бўлади. Бундай қилиш адабий тил доирасида ёки бирор шевада учрайди: *жойлаштирмоқ — жойламоқ, уйлантирмоқ — уйламоқ* (шева).

Умуман, ҳар қандай ўзлик даражадан орттирма даража формаси ясалавермайди. Шунингдек, ўзлик даража кўрсаткичинини қўлламаслик ёки ўзлик даражадан ясалган орттирма даража формаси ўрнида бош даража формасини қўллаш ҳамма вақт мумкин бўлавермайди. Бундай қилиш мумкин ёки мумкин эмаслигининг объектив сабаблари бор.

Мажхул даража

Мажхул даража формаси асосан *-(и)л*, айрим феълларда *-(и)н* аффикси ёрдамида ясалади: *айтилди, сўралди, тозаланди, олинди* каби. *-(и)н* аффикси ёрдамида ясашиш таркибида «л» товуши бўлган сўзларда учрайди.

Мажхул даража формаси асосан объектли феъллардан ва баъзи объектсиз феъллардан ясалади. Объектли феъллардан ясалганда, асосий эътибор бажарувчига эмас, балки объект билан ҳаракатнинг ўзига қаратилган бўлади, аслида грамматик объектни билдирган сўз эга вазифасида бўлади: *Терак учларига гўё алтин суви югуртирилган, осмон марвариддан ясалгандай тиниқ* (Ҳ. Шамс). *Бу ерда четан билан ўралган мол қўриси бор эди* (П. Қодиров). *Бобохўжа домла ишдан бўшатилди* (П. Турсун).

Мажхул даража формаси объектли феъллардан ясалганда, асосий эътибор ҳаракатни ким бажарганлигига қаратилмаслиги ва бажарувчини кўрсатувчи сўзнинг қўлланмаслигидан қатъи назар, ҳаракат бажарувчиси борлиги мантиқан сезилиб туради (юқоридаги мисолларга қаранг). Лекин унинг сезилиш даражаси бир хил бўлмайди. Баъзи ҳолларда ҳаракат бажарувчисининг борлиги ва унга эътибор жуда кучсиз даражада бўлади: *Уларнинг олдиларида эса жингалак сочли, уч-тўрт яшар сап-сариқ қизча пўсти арчилмаган сабзи кемириб турибди* (П. Турсун).

Гап таркибда ҳаракат бажарувчисини кўрсатувчи сўз иштирок этганда ҳам у эга вазифасида бўлмайди, балки грамматик объектни билдиради. Бу сўз *томон* ёки *тараф* сўзи билан бирга қўлланади: *Отабек тарафидан кутилмаган бу савол уни шоширди ва нима деб жавоб беришни билмай қолди* (А. Қодирӣ). *Дирекция томонидан чиқарилган буйруқ*.

Айрим объектсиз феълларнинг мажхул даража формасида қўлланиши айтилди. Бундай ҳолларда шахссизлик ифодаланади — шахссиз феъл ҳосил бўлади: *Бу кўча билан икки-уч юз одим юрилгач, қишлоқ гузарига етилади* (Ҳ. Шамс). *Расми ёмон хотиндан қочилади, замона шум бўлса, яхши хотиндан ҳам қочар экан киши* (А. Қаҳқор).

Иккинчи шахс буйруқ феълининг «сенлаш» ёки «сизлаш» формаси асосан оддий (одатдаги) муносабатда қўлланади ва бунда ҳаракат бажарувчиси аниқ ифодаланади. Унинг бу хусусияти расмий буйруқлар учун унчалик мос келмайди. Мажхул даражадаги феъл -син аффикси билан қўлланганда нутқнинг, буйруқнинг кимга қаратилганлиги умумий ҳолатдан маълум бўлиб туради. Лекин ҳаракатни бажарувчи шахс аниқ ифодаланмаганлигидан бунда «сенлаш» ёки «сизлаш» бўлмайди. Шу жиҳатдан бу форма расмий буйруқларга жуда мувофиқ келади ва шу вазифада кенг қўлланади: *Давлатбеков докторнинг қоғозини Чўлпойдан олаётганда, «Қамбаров, бунақа ишлар иккинчи такрорланмасин, ўқитувчига қимиз бериб турилсин!» деб резолюция қўймоқчи эди* (П. Қодиров). *Маданий-маиший хизматга эътибор кучайтирилсин* («Совет Ўзбекистони»).

Кўриб ўтилган хусусияти таъсирида мазкур форма буйруқни кучсиз тарзда ифодалаш, камтарлик, хушмуомала, қочирӣқ (истеҳзо) ва шу каби маъноларда ҳам қўлланади: *Қани, ичкари уйга*

кирилсин, ойм (Яшин). Масаланинг ҳал бўлишига оз қолди-ку, энди машинага камроқ тушилса ҳам бўлади (Б. Раҳмонов).

Баъзан феъл бош даража формасида мажҳул даражага хос маънода қўлланиши ёки мажҳул даража формасидаги феъл бош даража формасида қўлланса ҳам маъно ўзгармаслиги мумкин. Мажҳуллик маъносининг бундай ифодаланиши контекстуал ифодаланиш деб қаралади. Анчагина юрга ч, бошловчи «отингизга ҳам жой бор» деб қўйди (А. Қодирӣ). Эрбўгани қуришиб қиём қилса, ҳамма дардга даво бўлар эди-ку (П. Қодиров). Унинг паршон юзи ва нурсиз кўзларида умрда кўрилмаган бир нарсани тўсатдан кўриб қолгандаги ҳайронлик бор эди (П. Турсун). Мели полвон Сотволди кабиларга ҳарф ўргатиб улгуролмас, баъзи бировлари эса ўтилган ҳарфларни эсдан чиқариб қийналардилар (П. Турсун).

Мажҳул даража маъносида бош даража формасининг қўлланиши ёки мажҳул даража кўрсаткичини қўлламас ҳам мумкин бўладиган ҳолат, айниқса, ҳаракат белгисини билдириб келган равишдош формасида кўпроқ учрайди: Бу дори спиртда ивителиб, қиём қилиб ичилади (Н. Сафаров). Эшакка тескари миндириб сазойи қилинди (М. Исмоилӣ). Шу кунга аталиб ҳовли ўртасида ёзлик саҳна ясатилди (П. Турсун). Четларига ялтироқ жезлар қоқилиб безатилган катта қора чамадон... (П. Турсун).

Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган феъл бирикувларида мажҳул даража кўрсаткичи кўмакчи феълга қўшилади: айтиб қўйилди, сўраб кўрилди каби. Етакчи феълга қўшилиш айрим ҳоллардагина учрайди: рўйхатга олина бошлади.

Кесим мажҳул даражадаги феълдан бўлганида логик объектни билдирувчи сўзнинг бош келишида бўлишини ва эга вазифасида келишини кўрдик. Лекин оғзаки нутқда, ҳатто, ёзувда ҳам бу сўзни тушум келишигида қўллаш ҳоллари учрайди: Шу муносабат билан мудирликни яна Бобоҳўжа домлага топширилди (П. Турсун). Бундай унвонларни авансга берилмайди (А. Убайдуллаев). Бундай қўллаш тўғри эмас.

Биргалик даража

Биргалик даража формаси -(и)ш аффикси ёрдамида ясалди ва ҳаракатнинг бирдан ортиқ шахс томонидан бажарилишини билдиради: ёзишди, суғоришди, келтиришди. Бу даража формасининг «биргалик» деб аталиши ҳам ҳаракатнинг бажарилишида бирдан ортиқ шахснинг иштирок этиши, бирга бажариш маъносини ифодалашига кўради. Бунда қуйидаги ҳолатларни кўриш мумкин: 1. Бирга бажариш, ҳаракатни бажаришда бирга иштирок этишни билдиради: Тонг ғира-ширасида ҳам сезилиб турган бир ҳаяжон, кўзларида нажот борми, деган бир савол билан кўришишди (М. Исмоилӣ). Мен ҳам бирга қувшидим (Ғайратӣ).

2. Бошқа бир шахснинг ҳаракатига ёрдам тарзидаги ҳаракат эканини билдиради: *Ер ҳайдашди, экин экишди.*

3. Умуман кўплик маъносини, ҳаракатнинг бирдан ортиқ шахс томонидан бажарилишини билдиради: *Катталар ўша ерда. Арз қил, ёрдам беришади, йўл-йўриқ кўрсатишади* (П. Турсун). Юзаки қараганда, бунинг биринчи пунктдаги маънодан фарқи йўқдек кўринади. Ҳақиқатда эса ундай эмас. Қиёсланг: *Улар муюлишга келганда бир-бири билан хайрлашишди. Улар мен билан хайрлашишди.*

4. Узаро, галма-гал бажарилган ҳаракатни билдиради: *уришди, қувишди* каби.

Баъзи феълларнинг таркибида биргалик даража кўрсаткичи бўлса-да ва улардан биргалик даража формасига хос маъно сезилиб турса-да, лекин улар ҳозирги тилда морфологик жиҳатдан ажралмас ҳолга келган бўлади, бош даража формаси ҳисобланади: *тўқнашди, боқшди, қарашди* («ёрдамлашди» маъносида), *айтишди, торттишди* («баҳслашди» маъносида) ва б.

Биргалик даража формасидаги феълнинг баъзан кўплик ифодаловчи -лар аффикси билан қўлланиш ҳоллари учрайди. Лекин биргалик даража формасининг ўзи кўплик маъносини ифодалагани ҳолда яна худди шу маънони ифодаловчи -лар аффиксини қўллашга ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди, у ортиқча ҳисобланади ва қўлланган ҳолларда унинг адабий тил нуқтаи назаридан нормал ҳолат эмаслиги аниқ сезилади: *Звено аъзолари Шарофат холаининг сўзига завқланиб кулишдилар* (Н. Сафаров). *Она-бола узоқ йиғлашдилар, кўз ёшлари битгунча бўзлашдилар* (А. Қодирӣ).

Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларда биргалик даража кўрсаткичи етакчи феъл ёки кўмакчи феълга қўшилиши мумкин. Ҳатто, унинг ҳар икки феълга қўшилган ҳолатлари ҳам учрайди. Бу ҳол унинг маъно хусусиятидан келиб чиқади, албатта.

Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган феъл бирикувларида кўплик кўрсаткичи -лар аффикси кўмакчи феълга қўшилади: *Плани муддатидан илгари бажариб қўйдилар*. Кўплик маъносини ифодалаган биргалик даража кўрсаткичи (-(и)ш аффикси) ҳам асосан кўмакчи феълга қўшилади, баъзан етакчи феълга қўшилган ҳолати ҳам учрайди: *Ўзлари ҳам шунга маҳтал экан, ерга омоч боса кетишди* (Н. Сафаров). *Қани тез-тез қимирлайлик, меҳмонлар келишиб қолади* (Н. Сафаров).

Узаро бажариш, бирга иштирок этиш маъносини ифодалаганда биргалик даража кўрсаткичи етакчи феълга қўшилади: *Ўзиниғиз ҳам ёнгиналарида ўтиринг. Ҳа, соғинишиб қолгансизлар* (Яшин). *Яқиндагина махсус ҳунар мактабида чопишиб ўйнаб юрганлари, баъзан аразлашиб қолганлари, ...бир-бир кўзга гавдаланарди-да, соғиниб йиғлаб юборгиси келарди* (Ибон).

Биргалик даража кўрсаткичи етакчи ва кўмакчи феълга қўшил-

ганда, етакчи феълдагиси биргалик, кўмакчи феълдагиси кўплик маъносини билдиради: *Буларни қизиқиши билан кузатиб турган Ҳасан, Зуҳралар бир-бирларига қарашиб, кулим сирашиб қўйишарди* (Ибохон).

Фақат кўплик ифодаланадиган ҳолларда биргалик даража кўрсаткичининг кўмакчи феългагина қўшилиши етарли. Баъзан унинг бу маънода етакчи феълга ҳам қўшилган ҳолати учрайди. Лекин унинг нормал ҳолат эмаслиги сезилади: *Бошқалар ҳам хайрлашиб чиқишиб кетишди* (С. Абдуқаҳҳор).

Хуллас, биргалик даража формаси ҳаракатнинг бажарувчи нуқтаи назаридан (биргалик, кўплик нуқтаи назаридан) бўлган характеристикасини билдиради. Шу сабабли унинг объектли ва объектсиз феълларга муносабати нейтрал ҳолатда бўлади — объектли ва объектсиз феъллардан биргалик даража формаси ясалaveraди. Шунингдек, биргалик даража формаси ясалганда, объектлилик ёки объектсизлик нуқтаи назаридан ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди.

Бўлишли-бўлишсизлик категорияси

Бўлишли ёки бўлишсиз формада бўлиш феълга хос асосий хусусиятлардан ҳисобланади. Ҳар қандай феъл ё бўлишли, ёки бўлишсиз формада бўлади. Бўлишли форма ҳаракатнинг тасдиғини, бўлишсиз форма эса инкорини билдиради: *ёзди — ёзмади*. Бўлишли форманинг махсус грамматик кўрсаткичи йўқ. Бўлишсизлик (инкор) маъноси эса махсус грамматик воситалар ёрдамида ифодаланади. Бу воситалар қуйидагилар:

-*ма* аффикси. Феълнинг тусланишли ва тусланишсиз формаларида ҳам инкор маъносини ифодалаш учун -*ма* аффикси қўллана олади: *ёзмаяпти, ёзмайдиган, ёзмагач* каби. Фақат ҳаракат номининг бўлишсиз формаси -*маслик* аффикси ёрдамида ясалади: *ёзмаслик, айтмаслик*. Кўриниб турибдики, бу форма таркибида ҳам -*ма* элементи қатнашади.

-*ма* аффикси ёрдамида ясалувчи форма стилистик жиҳатдан нейтраллиги ва қўлланиш доирасининг кенглиги билан бўлишсизликнинг бошқа формаларидан фарқланади. Фақатгина мақсад равишдоши (*айтгани кетди*) -*ма* аффикси билан қўлланмайди. (Умуман, равишдошларнинг инкор формасида қўлланишида айрим хусусиятлар бор. Булар ҳақида «Равишдош» баҳсида гапирилади). Лекин бундан мақсад равишдоши билдирган ҳаракат ҳеч вақт инкор этилмайди деган хулоса чиқмайди. Бу равишдош билдирган ҳаракатнинг инкори икки хил йўл билан ифодаланади: 1) асосий феълнинг (тусланишли феълнинг) бўлишсиз формаси орқали: *Кўргани келмади, билгани келди*; 2) эмас тўлиқсиз феъли орқали: *Тоққа ўйнагани эмас, иш билан чиқдик* (С. Анорбоев). *У ўртоқ кўргани эмас, зўр бахтсизликка учраган кишидан кўнгиел сўрагани келган одамга ўхшаб гапирар эди* (А. Қаҳҳор).

Феъл ҳаракат белгисини билдирувчи сўзлар билан қўлланганда, инкор маъноси фақат ҳаракатнинг ўзига эмас, балки бутун

бирикманинг мазмунига оид бўлади. *Ургоқлар, бу босмачиларни о сонлик билан енгмадик* (Н. Сафаров).

Етакчи-кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларда -ма аффиксининг қўлланиши уч хил кўринишга эга: 1) етакчи феълга қўшилади: *ёзмай тур*; 2) кўмакчи феълга қўшилади: *ёза кўрма*; 3) ҳар иккаласига қўшилади: *ёзмай қўйма*. Бундай бирикувларда бўлишсизлик кўрсаткичининг қайси феълга қўшилиш ёки қўшилмаслиги маъно талаби билан бўлади. -ма аффикси етакчи феълга қўшилса, ҳаракат инкор этилади, лекин кўмакчи феълга хос маъно инкор этилмайди. Масалан, *келмай қолди, айтмай қўйди, ишламай кўрди* бирикувларида *кел, айт, ишла* феъллари билдирган ҳаракат инкор этилади, лекин *қол, қўй, кўр* кўмакчи феълларига хос маъно инкор этилмайди. Агар бўлишсизлик кўрсаткичи кўмакчи феълга қўшилса, кўмакчи феъл билдирган маънодаги ҳаракатнинг инкори ифодаланади. Масалан, *келиб қолмади* бирикувида тасодифий, кутилмаган ҳаракатнинг юз бермаганлиги ифодаланади. Яна қиёсланг: *айтмай қўйди — айтиб қўймади, айтмай турди — айтиб турмади, айтмай кўрди — айтиб кўрмади* ва б.

Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларнинг барча турида ҳам бўлишсизлик аффикси кўмакчи феълга қўшила олади. Сабаби шуки, бутун бирикувга хос маъно (етакчи ва кўмакчи феълга хос маъно яхлитлигича) тасдиқ ёки инкор ҳолатида бўлиши мумкин: *ёзиб олмади, ўқиб чиқмади, кела олмади, айтиб қўймади* ва б. Лекин етакчи феъл билдирган ҳаракатнинг инкор ҳолатда, кўмакчи феълга хос маънонинг тасдиқ ҳолатда бўлиши, объектив равишда, ҳамма вақт мумкин бўлавермайди. Ана шундай ҳолларда -ма аффиксини етакчи феълга қўшиш мумкин бўлмайди. Масалан, *кет, ташла, юбор* кўмакчи феъллари ҳаракатнинг юқори (кучли) даражасини кўрсатади; *семириб кетди, бузиб ташлади, мақтаб юборди*. Бу кўмакчи феъллар ёрдамида ясалувчи бирикувларда бўлишсизлик кўрсаткичи етакчи феълга қўшилмайди. Чунки -ма аффикси етакчи феълга қўшилганда, ҳаракат инкор этилади (яъни ҳаракат йўқ бўлади). Ҳаракат йўқ экан, уни кучли даража билан ифодалаш ҳам мантиққа тўғри келмайди. Шу сабабли *семирмай кетди, бузмай ташлади, мақтамай юборди* дейилмайди. *Семириб кетмади, мақтаб юбормади* дейилганда эса етакчи феълдаги ҳаракат умуман инкор этилмайди, балки унинг *кет, юбор* кўмакчи феъллари билдирган маънода юз бериши инкор этилади. Масалан, *мақтаб юбормади* деганда мақташ маълум даражада бўлган бўлиши мумкин, лекин бунда унинг юқори (ортиқ) даражада бўлмаганлиги ифодаланади.

Инкор белгиси етакчи ва кўмакчи феълга қўшилганда, тасдиқ (бўлишлилик) ифодаланади. Бунда тасдиқ маъноси алоҳида таъкидланади, қатъий тусда бўлади: *айтмай қўймади, билмай қолмайди*. Бўлишсизлик кўрсаткичи ҳар икки компонентга қўшилганда, етакчи феълдаги инкор маъноси кўмакчи феълдаги -ма форманти орқали инкор этилади ва натижада тасдиқ маъноси келиб чиқади. Тасдиқнинг бу йўл билан ифодаланиши айрим кўмакчи феъллар

билан ҳосил бўлувчи бирикувлардагина учрайди. Бунинг сабаби ҳам ҳаракат билан кўмакчи феъл ифодалайдиган маънонинг ўзаро муносабатидан келиб чиқади.

Эмас тўлиқсиз феъли. Бўлишсизлик ифодаловчи *эмас* аслида тўлиқсиз феълнинг инкор формасидир: *эрмас > эмас*. Ҳозирги ўзбек тилида *эмас* ёрдамчисининг бўлишсизликдан бошқа маъноси йўқ. Шунинг учун уни бўлишсизлик ифодаловчи махсус ёрдамчи сўз (элемент) деб қараш мумкин. Оғзаки нутқда, баъзан ёзма нутқда ҳам, *эмас* ёрдамчисининг биринчи товуши тушиб қолиши ёки «а» талаффуз этилиши мумкин: *айтганмас//айтганамас* каби.

Ҳозирги ўзбек тилида инкор маъносининг ифодаланишида *эмас* ёрдамчиси жуда кенг қўлланади. Бу ёрдамчи ўзига хос маъно но-зиклиги ва қўлланишидаги айрим хусусиятлари билан бўлишсизлик кўрсаткичи бўлган *-ма* аффиксидан фарқланади.

Бўлишсизлик кўрсаткичи бўлган *-ма* аффикси фақат ҳаракатнинг инкорини билдиради. *Эмас* ёрдамчиси эса нарса-предмет, белги ва ҳаракатнинг инкорини ифодалаш учун ҳам қўлланаверади: *дарахт эмас, катта эмас, ўнта эмас, келган эмас* ва б. Демак, бу жиҳатдан *-ма* аффиксига нисбатан *эмас* ёрдамчисининг қўлланиш доираси анча чегараланган. Юқорида кўрдикки, *-ма* аффикси феълнинг тусланишли ва тусланишсиз формалари доирасида инкорни ифодалаш учун кенг қўлланаверади. *Эмас* ёрдамчисининг қўлланиши эса тусланишли феъллар доирасида ҳам, тусланишсиз феъллар доирасида ҳам анча чегараланган. Масалан, *ишламаётган одам келди, кулмай гапирди* гапларидаги инкор ифодаловчи *-ма* аффиксини *эмас* ёрдамчиси билан алмаштириб бўлмайди. *Эмас* ёрдамчиси икки ҳаракат-ҳодисани бир-бирига қиёсан олиб, биринчисининг инкор ифодаланадиган ҳоллардагина феълнинг тусланишсиз формалари билдирган ҳаракатнинг инкорини ифодалаш учун қўллана олади: *Кулиб эмас, жиддий гапирди. Қарашини эмас, кулишини чиройли.*

Ҳаракат-ҳодиса қиёсан олиниб, биринчисининг инкорини ифодалаш учун *эмас* ёрдамчиси қўлланганда, фақат у ёки бу феъл билдирган ҳаракатнинг инкори эмас, балки биринчи гап орқали ифодаланган фикрнинг инкори ифодаланади. Масалан, *югуриб эмас, секин келди* деганда *югуриб келди* гапига хос мазмун инкор этилади. Бундай ҳолларда гапнинг бирор бўлаги тушириб қолдирилади, *эмас* ёрдамчиси фикрни ихчам тарзда ва алоҳида таъкид билан ифодалаш учун ёрдам беради: *Ҳаммаси уруғ айирса, б и р л а ш и ш э м а с, тўзиб кетиш ҳеч гап эмас* (А. Мухтор) *Буни йўқ қилиш эмас, балки қилиб юрган ишининг тагига етиш лозим* (Ғайратий).

Бундай ҳолларда *эмас* ёрдамчиси, ҳатто, тусланишли формалар билан ҳам қўлланади: *Сўраса эмас, ялинса айт. Уқисингина эмас, ёдлаб олсин* каби: *Бормоқчи бўляпман эмас, боряпман, деявер* (А. Убайдуллаев). *Ҳожи хола индамасди эмас, бошда йиғлади, сиқтади, қаршилиқ қилган чоғлари ҳам бўлди* (М. Исмоилий).

Демак, бундай ҳолларда *эмас* ёрдамчиси феълнинг инкор формасини ясовчи бўлмайди, умуман инкор маъносини ифодаловчи ёрдамчи сўз ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу маънода у турли модал маъно ифодаловчи сўзлар, юкламалар, ундовлар билан ҳам, шунингдек, бўлишсиз формадаги феъл билан ҳам қўлланаверади: *Ҳамма гап шундаки, колхоз бир центнер пахтани бир меҳнат кунига тушириши мумкин, мумкингина эмас, партия ва ҳукумат шундай қилмоқчи, шундай қилмоқчигина эмас, қилаётибди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Ахир бу... қарордагидек тўғри-ку.*

— *Ахир эмас, хайр! ...Бу — бошқа бир оғиз ҳам сўз кетмайди, дегани эди* (Ш. Тошматов). *Ғамлаганлар бўлмади эмас* (Н. Сафаров).

Инкор ифодаловчи *эмас* ёрдамчиси тусланишли феъллардан фақат *-ган* ёрдамида ясалувчи ўтган замон феълнинг ва *-моқчи* аффикси ёрдамида ясалувчи мақсад феълнинг бўлишсиз формасини яшаш учун хизмат қилади. Бу формаларда шахс-сон кўрсаткичлари *эмас* ёрдамчисига қўшилади. Агар бу форма таркибида *эди* тўлиқсиз феъли қўлланса, шахс-сон аффикслари шу тўлиқсиз феълга қўшилади: *Мен бу ерга ариза бериб келган эмасман, ариза бериб кетмайман* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Кечиринг, ойи мен бундай демоқчи эмас эдим* (Б. Раҳмонов). Бу мисолларда *эмас* ёрдамчиси инкор маъносини ифодаловчи ва феълнинг инкор формасини ясовчи ҳисобланади.

Ҳали бутунлай аффикс ҳолига келмагани, яъни сўзлик хусусиятини маълум даражада сақлагани учун *эмас* ёрдамчисининг бирдан ортиқ уюшиқ кесимлар учун бир марта (охиргиси билан) қўлланиш ҳоллари ҳам учрайди. Шунингдек, *эмас* ёрдамчисидан олдин маънони кучайтирувчи (таъкидловчи) ҳам юкламаси қўлланиши мумкин: *Лекин уларнинг нима ўқиганини кўрган ҳам, қандай ўқиганини эшитган ҳам эмас* (П. Турсун). *Уйга хат ёзмақчи ҳам, бормоқчи ҳам эмасман* (Саид Аҳмад).

Юқоридагилардан кўринадики, *-ма* аффикси бўлишсизлик формасини яшаш учун тусланишли ва тусланишсиз феъллар доирасида кенг қўллангани ҳолда, *эмас* ёрдамчиси бундай хусусиятга эга эмас, Инкор маъносини ифодаловчи ёрдамчи сўз сифатида *эмас* тўлиқсиз феъли жуда кенг қўлланса-да, лекин феълнинг инкор формасини ясовчи сифатида маълум феъл формалари доирасидагина қўллана олади. Бу ҳодиса феълнинг тусланишли ва тусланишсиз формаларига хос хусусият билан *эмас* тўлиқсиз феълга хос хусусиятнинг ўзаро таъсиридан келиб чиқади.

-ган аффикс билан ясалувчи ўтган замон феълнинг *-ма* аффикси ва *эмас* тўлиқсиз феъли ёрдамида ясалувчи инкор формасининг маъно томондан бирор фарқли хусусияти ҳақида гапириш қийин. Шунинг учун ҳам бу икки форманинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш билан маънода бирор ўзгариш сезилмайди: *келмаган — келган эмас, кўрган эмас — кўрмаган*. Фақатгина, маълум ҳолларда, *эмас* тўлиқсиз феъли ёрдамида ясалган форма орқали

инкор маъноси алоҳида таъкид билан ифодаланади. Бу ҳодиса *эмас* ёрдамчисида сўзлик белгиси маълум даражада сақланганлигидан келиб чиқади: *Дунё бино бўлиб биз Қамишкана меҳнаткашлари бунчалик қувонган эмасмиз* (П. Турсун). *Бировнинг ҳақини ейдиган тишлар энди қолган эмас!* (Ҳ. Шамс).

Шу хусусиятига кўра гап ичида маънони кучайтирувчи сўз, сўз бирикмаси ёки бошқа воситалар бўлганида, инкор ифодалаш учун *-ма* аффиксига нисбатан *эмас* ёрдамчиси кўпроқ қўлланади: *Мен шу ёшга кириб кўпчилик ичида «симоварчи, чой» деёлган ҳам эмасман* (А. Қаҳҳор). *Ахир ўн саккизинчи йилдан бери унақа қурғоқчилик бўлган эмас-ку* (П. Қодиров). *Умримда бирор марта сўккан эмасман. Синфдош ўртоқларим битта сўксанг, ҳамма айтганингни қиламиз деб тихирлик билан туриб олишса ҳам сўккан эмасман* (Сайёр).

Лекин *эмас* ёрдамчиси, *-ма* аффиксидан фарқли ҳолда, маънони кучайтириб (таъкидлаб) ифодалайди дея олмаймиз. Инкор билдирувчи бу икки восита кўп ҳолларда бир-бирига тенг маънода қўлланаверади. Гап шундаки, *эмас* ёрдамчисида маънони кучайтириш имкони бор ва шу мақсад учун *-ма* аффиксини *эмас*, балки *эмас* ёрдамчисини қўллаш мумкин бўлади.

Йўқ ёрдамчиси. Инкор ифодаловчи *йўқ* ёрдамчиси аслида бор сўзнинг антонимидир. Инкорни билдириш — бу сўзнинг асл лексик хусусияти. Бошда *йўқ* сўзи ҳаракатнинг инкорини ифодалаш учун қўлланмаган, яъни феълнинг бўлишсиз формасини ҳосил қилмаган, балки нараса-предметларнинг инкорини ифодалаш учун қўлланган. Буни ҳозирги тил фактлари ҳам тасдиқлайди.

Инкор билдирувчи ёрдамчи сўз сифатида *йўқ* сўзнинг қўлланиш доираси *-ма* аффикси ва *эмас* ёрдамчисининг шу маънода қўлланиш доирасига нисбатан анча чегараланган. Бу сўз фақат *-ган* ва *-ётган* аффикслари ёрдамида ясалувчи ўтган замон ва ҳозирги замон феълларининг инкор формасини ҳосил қилиш учунгина қўллана олади: *ёзгани йўқ, ёзаётгани йўқ* каби. Ўтган замон ва ҳозирги замон феълларининг *йўқ* сўзи ёрдамида ясалувчи инкор формасида шахс-сон кўрсаткичлари феълнинг ўзига (*йўқ* сўзидан олди) қўшилади: *ёзганим йўқ, ёзганинг йўқ, ёзгани йўқ; ёзаётганим йўқ, ёзаётганинг йўқ, ёзаётгани йўқ* каби. Учинчи шахсда баъзан шахс кўрсаткичининг қўлланмаслик ҳоллари учраб туради: *келган йўқ* каби. Лекин бу нормал ҳолат ҳисобланмайди.

Ўтган замон феълининг *-ган* аффикси ёрдамида ясалувчи турида (бўлишли формада ҳам *-ма* аффикси ва *эмас* ёрдамида ясалувчи бўлишсиз формасида ҳам) шахс-сон кўрсаткичларининг *-ман, -сан; -миз, -сиз* типдаги тўла формалари қўлланади: *ёзганман — ёзмаганман — ёзган эмасман, ...* Инкор формаси *йўқ* сўзи ёрдамида ясалганда эса *-им, -инг, -и; -имиз, -ингиз, -(лар)и* шахс-сон кўрсаткичлари қўлланади: *келганим йўқ, келганинг йўқ, келгани йўқ; келганимиз йўқ, келганингиз йўқ, келган(лари)и йўқ*. Кўришиб турибдики, бундаги шахс-сон кўрсаткичлари эгалик аффикслари билан

бир хил кўринишга эга. Ҳақиқатда ҳам бундаги шахс-сон кўрсаткичлари аслида эгалик кўрсаткичлари бўлган ва *-ган* аффиксификс сифатдош формаси от вазифасида келган, *йўқ* сўзи эса шу от вазифасида келган сифатдош билдирган нарсанинг инкорини (*йўқлигини*) билдирган. Буни қуйидаги мисоллар ҳам аниқ кўрсатади:

— *Ҳу... и ...Жилвон рўди бор-ку, биласизми?*

— *Эшитганим бор, аммо кўрганам йўқ* (С. А й н и й). *Қумурсқага ажал келса, қанот пайдо қилади, деган гапни эшитганинг бордир* (Ж. А б д у л л а х о н о в).

Ҳозирги ўзбек тилида *бор* сўзи феълнинг бўлишли формасини ясовчи восита вазифасини бажармайди. Лекин келтирилган биринчи мисоли *йўқ* сўзи билан айнан бир сифатдош формасига бириктириши ва *йўқ* сўзининг антоними сифатида қўлланиб туриши *йўқ* сўзининг ҳам аслида феълнинг инкор формасини ясовчи ёрдамчи сўз бўлмаганлигидан, у бириктиб келган сўз от вазифасидаги сифатдош бўлганлигидан, *-им, -инг* аффикслари эгалик кўрсаткичлари бўлганидан далолат беради.

Демак, *ёзганим йўқ, ёзганинг йўқ, айтганимиз йўқ, билганингиз йўқ* кабиларда *йўқ* сўзининг инкор формасини ясовчи ёрдамчига айланиши ва бу формадаги *-им, -инг -имиз, -ингиз* аффиксларининг шахс-сон кўрсаткичларига айланиши нисбатан анча кейинги даврларда юз берган ва шу тариқа *йўқ* сўзи *-ма* аффикси ва *эмас* тўлиқсиз феъли каби феълнинг бўлишсиз формасини ясовчи ёрдамчи сўзга айланган, улар билан вазифадоз бўлиб қолган (Жонли сўзлашувда *-ман, -сан, -миз, -сиз* шахс-сон кўрсаткичларининг *йўқ* ёрдамчисига қўшилиш ҳоллари учрайди: *борган йўқман, олган йўқсан* каби. Бу ҳодиса феъл билан *йўқ* сўзини бир бутун ҳолда инкор форма сифатида қараш таъсирида бўлса керак).

Инкор билдирувчи *йўқ* ёрдамчиси ўзига хос бошқа хусусиятлари билан ҳам *-ма* аффикси ва *эмас* тўлиқсиз феълдан фарқланади.

-ма аффиксидан фарқли хусусиятларидан бири шуки, бу сўзфақат *-ган* ва *-ёт+ган* аффикслари ёрдамида ясалувчи ўтган ва ҳозирги замон феълларининг инкор формасини ҳосил қилишдагина қўллана олади.

Инкор билдирувчи «*йўқ*» аффикс *эмас*, сўз бўлганидан унда ҳам, худди *эмас* ёрдамчисидagi каби маънони кучайтириб (таъкид билан) ифодалаш хусусияти бор: *Умрим бино бўлиб хотинга бунчалик бино қўйсан эрни кўрганам йўқ* (П. Қодиров). *Аммо ҳеч қайсимиз ҳалигача менинг келишимдек қилиб қурт боққанамиз йўқ* (Н. Сафаров). *Ахир биз сени ҳали колхоздан чиқарганимиз йўқ-ку!* (А. Қаҳҳор).

Худди шу хусусияти таъсирида *йўқ* ёрдамчисидан олдин маънони кучайтирувчи «*ҳам*», «*-ку*» каби юкламалар қўлланиши мумкин: *Синфдошларимнинг бу янгиликларни қандай кутиб олганликларини пайқаганим ҳам йўқ* (А. Мухтор): *Ортиқча кутганим-ку йўқ, аммо ҳайрон бўлдим, рост нега ундай бўлди* (И. Боҳон).

Юқорида кўрдикки, *эмас* ёрдамчиси фақат *-ган* аффикси ёрдамида ясалувчи ўтган замон феълнинг инкор формасини ясайди ва ўтган замон феълнинг шу тури доирасидагина *-ма* аффикси билан вазифадош бўла олади: *келмаган — келган эмас*. Аммо *келган эмас* формаси *келмади* формаси билан вазифадош эмас (унинг ўрнида қўллана олмайди). *Йўқ* ёрдамчиси билан ясалувчи бўлишсиз форма эса бошқачароқ хусусиятга эга. *Йўқ* ёрдамчи сўзи фақат *-ган* аффикси ёрдамида ясалувчи ўтган замон феъл доирасидагина эмас, шунингдек *-ди* аффикси билан ясалувчи ўтган замон феъл доирасида ҳам *-ма* аффикси билан вазифадошдир: *синмади — сингани йўқ келмаган — келгани йўқ—келган эмас*.

Мисоллар: *Ҳамма ўз пилласини шартнома бўйича топшириб бўлаёзди-ю, нега сиз шу маҳалгача топширгангиз йўқ?* (З. Фатхуллин). *Терим бошлаганига бир ҳафта бўлди, аммо бригадасидагина эмас, бутун колхозда ҳам ундан ўзадиган киши топилгани йўқ* (И. Раҳим). *Опажон,— деди жаллоб,— мен сизга ялинганим сиз олинг деб ёлвораётибсиз* (С. Айний).

Бу мисоллардаги *топширгангиз йўқ*, *топилгани йўқ*, *ялинганим йўқ* формалари *топширдингиз*, *топилди*, *ялиндим* формаларининг акси (инкор формаси) ҳисобланади. Шунинг учун (таъдиқ ифодаланадиган бўлса) улар ўрнида *топширмагансиз*, *топилмаган*, *ялинмаганман* формасини қўллаб бўлмайди, балки *топширмадингиз*, *топилмади*, *ялинмадим* формасини қўллаш мумкин. Қуйидаги мисолларда аксинча ҳолатни кўрамиз: *Ҳали октябр кирмасдан пахтанинг бу қадар очилганини Содиқ яқин йилларда кўргани йўқ* (И. Раҳим).

— *Нега аралашсан сен қулвачча.*

Полвоннинг юзи қизариб кетди.

— *Бу сўзни менга тўра ҳам айтгани йўқ, Мадрайим оға* (Ж. Шарипов).

Бу икки мисолдаги *йўқ* сўзи ўрнида *-ма* аффикси ёки эмас ёрдамчисини қўллаш мумкин. Лекин *кўргани йўқ*, *айтгани йўқ* формалари ўрнида *кўрмади*, *айтмади* формасини қўллаб бўлмайди. Демак, бу ўрнида *йўқ* сўзи, ҳақиқатда ҳам, *-ган* аффикси билан ясалувчи ўтган замон феълнинг бўлишсиз формасини ҳосил қилган.

-ган аффикси ёрдамида ясалувчи феъл формаси ҳолатнинг ҳозир (нутқ momentiда) мавжудлигини ҳам билдиради. *Йўқ* ёрдамчиси ана шундай ҳолатнинг инкорини ифодалаш учун ҳам қўлланади. Бундай ҳолларда унинг ўрнида *-ма* аффикси ёки эмас тўлиқсиз феълни қўллаб бўлмайди: *Кўз очиб кўрган ҳаёт йўлдошимдан ажрашганимга ўзим ҳам хафаман. Аммо сизни унутганим йўқ* (Б. Раҳмонов). *Ҳали ишим битгани йўқ, бевосита раҳбарлигингизда антиқа ҳикоя чиқадиганга ўхшайди* (Санд Аҳмад).

Йўқ ёрдамчиси *-ган* аффикси билан ясалган феъл формаси билан қўлланганда фақат ҳолатнинг ҳозирги инкорини ифодалаш

мумкин. Бунда ҳаракатнинг бажарилиши мумкинлиги инкор этилмайди. Масалан, *меҳмонлар келишгани йўқ* деганда ҳозирги инкор ҳолат назарда тутилади, келиш ҳаракатининг бажарилиши бутунлай инкор этилмайди. Агар бу форма ўрнида *-ди* аффикси ёрдамида ясалувчи ўтган замон феълининг инкор формаси қўлланса, ҳаракатнинг бутунлай инкори ифодаланади. Қиёсланг: *тарқалгани йўқ — тарқалмади, план тўлгани йўқ — план тўлмади* ва б. Шу хусусиятига кўра фақат ҳолатнинг ҳозирги инкори ифодаланган, ҳаракатнинг бажарилиши мумкинлиги инкор этилмаган ҳолларда, кўпинча, гап ичида *ҳали, ҳозирча* каби сўзлар ҳам қўлланади. Бу маънони алоҳида таъкидлаш учун шахс-сон кўрсаткичларидан сўнг *-ча* аффикси ҳам қўлланади: *Йиғилишга ҳали Сабир ака, Иван Гавриловичлар келганича йўқ* (Ж. Шарипов). *Рост, биз ҳали «масалани кўндаланг» қилиб қўйганимизча йўқ, ...* (О. Ёқубов). *Тонг отди, аммо қуёш уфқдак ҳали бош кўтарганича йўқ* (Б. Кербобоев).

Шахс-сон кўрсаткичларидан сўнг *-ча* аффикси қўлланганда, ҳаракат-ҳолатнинг маълум даражаси юз берган бўлиши мумкин, лекин унинг тўла даражаси эмаслиги ифодаланади: *Юринглар, ҳали қош қорайганича йўқ* (А. Мухтор).

— *Тушундим, тушундим. ...*

— *Йўқ, ҳали тушунганингизча йўқ* (Ж. Шарипов).

Йўқ ёрдамчиси ҳозирги замон феълининг инкор формасини ясаш учун қўлланганда ҳам маънони алоҳида таъкидлаш хусусияти билан *-ма* аффиксидан фарқланади. Шу хусусиятига кўра бу форма жавоб тариқасидаги нутқларда кўп қўлланади:

— *Менга ҳеч ким хўжайин бўлмайди.*

— *Ҳалиям сизга ҳеч ким хўжайин бўлаётгани йўқ* (О. Ёқубов).

— *Хурмачангизга сизга ичинг-да-*

— *Мен сендан хурмача сўраганим йўқ* (З. Фатхуллин). *Биз «жаноби олий»нинг давлати соясида тирикчилик қилаётганимиз йўқ* (С. Айний).

На ёрдамчиси. Бу ёрдамчи такрор ҳолда, кам даражада, учқайта қўлланади: *Шундай қилингларки, на сиз куйсин, на кабоб* (Н. Сафаров). *Бора-бора бу мулоҳазасини тамоман кўнглидан чиқариб ташлади, на кишилар ёллайдиган, на ҳукуматга билдирадиган ва на қутидорни хабардор қиладиган бўлди* (А. Қодирий).

На ёрдамчиси орқали ҳаракатнинг инкори алоҳида таъкид билан ифодаланади. Инкор этилувчи ҳаракатни билдирадиган феъллар бўлиши ёки бўлишсиз формада бўлиши мумкин: *Унга на малла чакмонга ўралган бой, на кўрпага ёнбошлаб олган семиз накана боққол ёрдамлашишди* (Ҳ. Ғулом).

Феълнинг ўзи бўлишсиз формада қўлланганда, *на* ёрдамчиси ҳам сўзининг вазифасида келади, яъни боғловчи вазифасини бажаради, маънони кучайтиришга хизмат қилади: *На чигит, на макка текис квадрат уясиз экилмасин* (Ш. Тошматов).

Инкор билдирувчи на ёрдамчисини феълнинг бўлишсиз формасини ясовчи дея олмаймиз. Бу ёрдамчи билан феъл ўртасида бирдан ортиқ сўзлар қўлланиши мумкин. Бундан ташқари, на ёрдамчиси билдирган инкор ҳаракатга оид бўлмаслиги мумкин: *Бу орада Аъзам ўз андозасига солиб ўлчаб кўрса, қизнинг на оила-сида, на уруф-аймоғида «трамплин» бўладиган кимса бор* (Шухрат).

Баъзилар, инкор билдирувчи на ёрдамчиси қўллангач, феъл бўлишли формада қўлланиши керак, деган мулоҳазани айтадилар. Лекин бунда: қатъий қоида бериб бўлмайди. Тўғри, кўп ҳолларда шундай қилиш мумкин, бироқ ҳамма вақт эмас: *Чигирқувуқда одамлар беш кундан бери на ишга чиқолмай, на ухла-ёлмай, денгиз ёқасида уймалашади* (А. Мухтор).

Гап ичида на ёрдамчиси қўлланганда ҳам бўлишсизлик ифодаловчи -ма аффиксининг қўлланавериши, айрим ҳолларда эса -ма аффиксини тушириб қолдириш мутлақо мумкин эмаслиги на ёрдамчисининг аслида инкор билдирувчи эмас, балки боғловчи вазифасидаги сўз бўлганлигини кўрсатади. Инкор маъносининг -ма аффиксисиз ифодаланишида дастлаб гап интонацияси муҳим роль ўйнаган. Кейинчалик (инкор ифодаловчи махсус кўрсаткич қўлланмагач) на ёрдамчиси шу вазифани ҳам бажарувчи сифатида тасаввур этила бошлаган ва ҳатто фақат шу вазифани бажарувчи (инкор ифодаловчи) деб ҳам қаралган. Шунинг таъсирида бўлса керак, на ёрдамчиси қатнашган гапларда ва боғловчисини ҳам қўллаш ҳоллари учрайди. *Шунинг учун ҳозирча на батрақлар ва на қолхозга норозилар қаторига кирган* (Х. Шамс). *Пахта иши тўла машиналаштирилмасдан, на пахтакорнинг иши енгиллашади ва на пахтакорлик кенг кўламда ривожланади* (Н. Сафаров).

Инкор ёки тасдиқ маъносининг ифодаланишида сўроқ билдирувчи сўз ёки юкламалар ва интонациянинг ҳам роли бор. Бундай ҳолларда инкор формаси бўлса, тасдиқ маъноси, тасдиқ формаси бўлса, инкор маъноси англашилади: *Бу бош,—Хўжабеков бармоғи билан чеккасига тўқ-тўқ этказиб урди,—бевафо дунёда нималарни кўрмади дейсиз* (С. Анорбоев) *Қаёққа кетасиз,... сизни бу ердан кеткизармидик* (П. Турсун).

Лекин бу ҳодиса фақат феъллар учунгина хос эмас: *Тошматотанинг бола си эмасми. Кўп жонқуяр йигит* (Яшин).

Умуман, ўзбек тилида инкорнинг ифодаланиш усуллари ва инкор ифодаловчи воситалар кўп. Лекин феълнинг бўлишсиз формасини ясовчи воситалар учта: -ма аффикси ва эмас, йўқ ёрдамчилари.

Майл категорияси

Майл категорияси ҳаракат билан субъект орасидаги алоқанинг воқеликка муносабатини кўрсатади. Бу алоқа ва муносабатнинг турлича бўлишидан майлнинг ҳам бир неча тури бор ва ҳар бир турга хос маънолар махсус формалар орқали ифодаланади:

1) буйруқ-истак майли, 2) шарт майли, 3) шартли майл, 4) мақсад майли, 5) ижро майли. Фейълнинг тусланишли формалари, албатта, ана шу майл турларидан бирига мансуб бўлади.

Буйруқ-истак майли

Буйруқ-истак майлидаги феълнинг тусланиши қуйидагича:

Бирлик

Кўплик

- | | |
|--------------------------------------|---|
| I <i>ёзай, ишлай</i> | I. <i>ёзайлик, ишлайлик</i> |
| II <i>ёз (ёзгин), ишла (ишлагин)</i> | II. <i>ёзинг, ишланг, ишлангиз; ёзинглар; ишланглар</i> |
| III <i>ёзсин, ишласин</i> | III. <i>ёзинг (лар), ишланг (лар); ёзишсин, ишлашсин.</i> |

Майлнинг бу турига нисбатан «буйруқ-истак майли» терминини қўллашда биринчи шахснинг истак, иккинчи ва учинчи шахснинг буйруқ ифодалашини назарда тутилади, деб тушунмаслик керак, яъни бунда биринчи шахс билан иккинчи ва учинчи шахсга хос хусусиятлар бирлаштирилади деб қарамаслик керак. Чунки истак ифодалаш фақат биринчи шахс формасига эмас, балки иккинчи ва учинчи шахс формаларига ҳам хос: *Кўнглингда нимашики мақсадинг бўлса, ҳаммасига ет (Ҳ. Фулом). Шошма-шошарлик қилма, Убдан ййла? Кейин пушаймон бўлиб юрмагин (Б. Раҳмонов). Бировнинг арзандаси, ишқилиб, шифотопиб кетсин-да, хотин (Саид Аҳмад).*

Демак, «буйруқ-истак майли» дегандаги «истак» тушунчаси учала шахс формаси учун ҳам характерли. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки истак билан буйруқни бир-биридан бутунлай ажратиб бўлмайди. Истак бўлгандагина буйруқ ҳам бўлади, бирор ҳаракат учун истак бўлмаган ўринда уни бажаришга буюриш, даъват этиш, ундаш ҳам бўлмайди. Буйруқ-истак формаларининг асосий хусусияти сўзловчининг истаги билан боғли ҳолдаги ҳаракатга ундаш, шу ҳаракатга даъват этиш, қўзғатишни ифодалашдир. Ҳаракат бажарувчисининг қайси шахс экани ва бошқа ҳолатлар яна бошқа ўзига хос маъноларни келтириб чиқаради, фақат истак ёки буйруқнинг ўзи ва шу кабиларни конкретлаштиради.

Биринчи шахс бирлигининг *-(а) й* аффикси ёрдамида ясалувчи формаси билан бирга *-(а) йин* аффикси ёрдамида ясалувчи формаси ҳам учрайди: *борайин, сўзлайин* каби. Биринчи шахс формасида сўзловчининг ҳаракатни бажариш истаги, ҳаракатга бўлган рағбати ифодаланади: *Қулоқ сол, чироқ, ота-бувамиздан қолган бир илм бор, айтай (С. Анорбоев). Сиз шийпонга бориб бир зум дам олинг. Мен мана бу китобларни қизларга етказай (С. Зуннуова).* Сўзловчининг ўзига ўзи буйруқ бериши мантиққа тўғри келмаслигидан биринчи шахснинг соф буйруқ учун қўлланиши учрамайди. Ўзгага бўлган мурожаатга истак билан бирга илтимос ҳам ифодаланади: *Сиз билан борай.*

Биринчи шахс формаси ўзгага қарата сўзланган ҳолларда буйруқ, дўқ ҳам ифодаланиши мумкин: *Совхоз территориясида иккинчи марта башарангизни кўрмай* (Шуҳрат).

Биринчи шахс формаси сўроқ гапнинг кесими вазифасида келганда, ҳаракатнинг бажарилишига сўзловчининг истагидан бошқа маъно ифодаланади. Бундай ҳолларда ҳаракатнинг бажарилиши заминда ўзганинг буйруғи, илтимоси, даъвати, истаги ётади. Сўзловчи шу ҳаракатнинг бажарилишини бирор жиҳатдан конкретлаштириш учун сўроқ билан мурожаат этади: *Қачон борай? Кимга айтай?* каби. Агар ҳаракатни бажариш бошқа бирор киши гомонидан айтилмаган бўлса, сўзловчи бу ҳаракатга тингловчининг истагини ёки бошқа муносабатини билиш учун мурожаат қилган бўлади: *Эшик секин очилиб Ёдгорбек кирди.*

— *Чой берайми, дада?* (О. Ёқубов) *Меҳмонингиз борга ўхшайди, чой ҳозирлайми?* (Яшин).

Биринчи шахснинг кўплиги *-(а)йлик* аффикси ёрдамида ясалди. Баъзан *-(а)йик* аффикси билан ясалувчи формаси ҳам учрайди: *борайик, ухлайик* каби. Лекин бу форма ҳозирги ўзбек адабий тили учун норма эмас.

Биринчи шахснинг кўплигида фақат истак эмас, шу билан бирга ҳаракатга даъват, илтимос каби маънолар ҳам ифодаланади. Чунки биринчи шахс кўплигида сўзловчидан бошқа шахслар ҳам бўлади, яъни биринчи шахснинг кўплиги сўзловчи ва у билан бир коллективдаги шахслардан иборат бўлади («Шахс-сон категорияси» бўлимига қаранг): *Бир ёқадан бош чиқарайлик, чекиниш йўқ!* (Б. Раҳмонов). *Бир оз дам олайлик, чарчаганга ўхшайсан* (А. Убайдуллаев). *Бу жудоликни қўзғолончи халққа билдирайлик. Мустамлакачи золимларга қарши яна халқни кўтарайлик. Қудратнинг ишини охирига етказайлик!* (Н. Сафаров)

Ҳақиқий маънодаги буйруқ иккинчи шахс формасидагина бўлади. Чунки бунда нутқ қаратилган шахснинг ўзи қатнашади. Лекин иккинчи шахс формасида ҳам ҳамма вақт буйруқ ифодаланавермайди. Иккинчи шахс формасида ҳам ҳаракатга даъват этиш, ундаш асосий ўринда бўлади. Даъват этиш (ундаш) эса турлича муносабатда бўлиши мумкин. Шунинг учун бу формада соф буйруқдан тортиб то дўқ қилишгача, иккинчи томондан, илтимос, ҳатто ялинишгача бўлган муносабат ифодаланиши мумкин. Шунингдек, сўзловчи истагининг ўзи ифодаланиши ҳам мумкин: *Сиз саройдаги қора йўрғани миниб, шу топдаёқ яйловга жўнанг. Салим қорага айтинг, фермада ҳисоб-китобни тўғрилаб қўйсин* (Ҳ. Ғулом). *Йўқолинг дедим! Кўзимга кўринманг, аблаҳ одам...* (А. Мухтор). *Айвонга қўя қол, холанг ўргилсин* (Яшин). *Бундан кўн соғинтирма, болам* (П. Қодиров). *Ўртоқ командир, шунинг жавобгарлигини мендан олиб ташланг,— деди Наталя ялиниш оҳангида* (А. Убайдуллаев). *Илтимосим шуки, ерга эҳтиёт бўлинглар. Олтин еримизни кўз қорачиғидай сақланглар. Аэротехникани маҳкам ушланглар* (Ҳ. Ғу-

лом). *Хар кунн тушингда минг йигит қўйнингга кирсин, ўнгингда биттасини ҳам кўролма* (Н. Сафаров). *Ундай бўлса, бор, Нурхонинг билан қўшақари* (Яшин).

Демак, иккинчи шахс формасини ҳам фақат буйруқ ифодаловчи форма деб бўлмайди. Иккинчи шахснинг *-гин* аффикси билан ясалувчи формасида эса буйруқ жуда кучсизланади. Шу хусусиятига кўра кўпроқ илтимос учун ёки оддий ундаш (даъват) учун қўлланади: *Рўзимат, ука, шу яхши гапингга яна битта гапни қис-тириб ўтгин* (А. Қаҳҳор). *Жон Насриддин, келаетган жума намозида бизни кулдирмагин* («Доғистон эртаклари»).

-гин аффикси билан ясалувчи формада илтимос, ундаш, ода-да, алоҳида таъкид билан ифодаланади. Бунда *-гин* аффиксидаги «и» унлиси чўзиқ талаффуз этилади: *бор — борги:н, ол — олги:н* каби.

Учинчи шахсда ҳаракатга ундаш, буйруқ, иккинчи шахс (тингловчи) орқали бўлади: *Колхоз билан, одамлар билан яхши танишсин, кейин менга учрасин* (Ҳ. Фулом). *Қолган аъзоларни бошқа бригадаларга беринг, пахта тераверишсин* (Н. Сафаров). Учинчи шахснинг соф буйруқ (бевосита буйруқ) учун қўлланиши асосан мажҳул даража формасида учрайди: *Туя-нинг думига боғлаб сазойи қилинсин* (А. Мухтор). *Гранаталар тайёрлансин!* (А. Убайдуллаев).

Учинчи шахс формаси истак, илтимос каби маъноларда ҳам қўлланади: *Раисдан сўрамоқчиман, камида икки юз ҳашарчи берсин* (Ҳ. Фулом).

Маълумки, учинчи шахсда ҳаракат бажарувчиси фақат киши-лар эмас, ҳатто, жонсиз предметлар бўлиши мумкин. Демак, ҳара-кат бажарувчиси кишилар бўлмаганида, учинчи шахсга қарата буйруқ бўлиши мумкин эмас. Бундай ҳолларда сўзловчининг истаги ифодаланиб, буйруқ, илтимос иккинчи шахсга қаратилган бўлиши мумкин ёки фақат истакнинг ўзи ифодаланиши мумкин: *Жони чиққани билан ғўза таги ифлос бўлмасин, тагин тухумидан тарқалмасин-да!* (Ҳ. Назир) *Кийим бошини жиққа ҳўл қилса ҳам майли, фақат туман тарқалмасин* (С. Анорбоев).

Хуллас, истак, илтимос, ҳаракатга ундаш каби маънолар буйруқ-истак майлининг учала формаси учун ҳам хос. Соф маънодаги буйруқ асосан иккинчи шахс формаси учун характерли.

Буйруқ-истак майлининг биринчи ва учинчи шахс формалари сўроқ ифодаловчи, шунингдек, тахмин, ўйлаш каби маъноларни ифодаловчи воситалар билан қўллана олади. Иккинчи шахс формаси эса бундай воситалар билан қўлланмайди. Сабаби шу шахс формаларининг маъно хусусиятида. Масалан, *эртага келайми, эртага келсинми, эртага келаймикин, эртага келсинмикин* каби қўлланиш кўп учрайди. Лекин *эртага келми, эртага келмикин* типигаги форма йўқ. Бундай маънода иккинчи шахснинг ҳозирги-келаси замон ёки шарт майли формаси қўлланади: *эртага келсанми, эртага борсанмикин* каби.

Буйруқ-истак майлининг бўлишсиз формаси ҳаракатнинг бажарилиш эҳтимоли борлиги, унга огоҳлантириш каби маъноларда ҳам қўлланади. Бундай ҳолларда, кўпинча, гап ичида «яна» ёки «тағин» сўзи ҳам қўлланади: *Отларига ишониб бирор фалокатга йўлиқишмасин тағин* (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов). *Бирор зиён-заҳмат етказиб юрмасин тағин* (С. Анорбоев).

Гап таркибида бир сўзи қўлланса, ҳаракат бажарилган тақдирда унинг жуда кучли (юқори, ортиқ) даражаси юзага келиши ифодаланади: *Бизлар бир ўтирмайлик, ўтиргандан кейин яна турадиганлардан эмасмиз!* (М. Расво).

Буйруқ-истак майлининг бўлишсиз формаси тўсиқсизлик маъносини билдириб, тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими вазифасида ҳам келади: *Турсуной қанча ёнмасин, Аширали ҳамон босиқ сўзларди* (Ҳ. Фулом). *Лекин ўз фойдасига қанча далил келтирмасин, бари бир, ҳеч биттаси салмоқли, асосли кўринмади* (М. Исмоилий).

Буйруқ-истак майли формаси ҳаракатнинг бошқа бирор ҳаракат-ҳодисадан олдин бажарилувчи ҳаракат эканини, у бажарилгандан кейин яна нимадир бўлишини ифодалаш учун ҳам қўлланади. Кейин нима бўлиши эса контекстдан билиниб туради. Бундай ҳолларда *-чи* юкламаси қўлланиши ҳам мумкин: *Ҳали сен ёшсан, биттагина болага ота бўлгин, жудоликнинг қанақа бўлишини биласан* (Саид Аҳмад).

Шарт майли

Шарт майли формаси *-са* аффикси ва шахс-сон қўшимчаларининг қўшилишидан ҳосил бўлади: бирлик: *борсам, борсанг, борса*; кўплик: *борсак, борсангиз* (*борсанглар, борсаларинг, борсаларингиз, борсангизлар*), *борса(лар)* ёки *боришса*. Феълнинг бу формаси ҳозирги ўзбек тилида бир-биридан фарқли бир неча маъноларни ифодалаш учун қўлланади:

1. Шарт майли формасидаги феъл бошқа бирор ҳаракатнинг бажарилиши учун шарт бўлган ҳаракатни билдиради, бошқа бирор ҳаракатнинг бажарилиши ёки бажарилмаслиги шарт майли формаси билдирган ҳаракатнинг бажарилиш ёки бажарилмаслигига боғлиқ бўлади: *Сен ҳам очилсанг, шу хилда яйрайсан, гулим!* (Яшин). *У помешчикни ўлдирсак, бу помешчикни ўлдирсак, подшоҳни ўлдирсак, бахтли бўламиз деб ўйлаган эдик* (Б. Раҳмонов). *Бирор обуначининг газетаси келмай қолса, Рамазон ака почта мудирининг қулоғини тинчитмайди* (Ҳ. Нуъмон).

Феълнинг бу формаси кўрсатилган маънода қўлланганда, бош гапнинг кесими ижро майли, буйруқ-истак майли, мақсад майли, шартли майл формаларида бўла олади. Шунингдек, бош гапнинг кесими феъллардан бўлмаслиги ҳам мумкин. Ижро майлининг асосан, ҳозирги-келаси замон формаси бош гапнинг кесими вазифаси-

да кела олади: *Мана бу канал битса, янги ер очилса, пахта ҳам кўпаяди* (А. Қаҳҳор). *Агар иш ёқмаётган бўлса, дарду ҳасратингни айт-қўй!* (Б. Кербобоев). *Эртоев бир нимани сезмаса, бунчалик талвасага тушмас эди* (О. Ёқубов). *И жозат берсангиз, ҳузурингизга кирмоқчи* («Совет Ўзбекистони»). *Яхши кетмон чопиқ билан тер тўкиб меҳнат қилинса, куз келганда хирмон тўла ҳосил* (Ойбек). *Мендан ҳар қанча хафа бўлсаларингиз, ...ҳақларингиз бор* (М. Исмоилий).

Бош гапнинг кесими *-са* аффиксли формада бўлиши мумкин. Лекин бундай ҳолларда *-са* аффикси билан ясалган форма шарт маъносини эмас, балки истак маъносини билдиради: *Агар сизлар рози бўлсангиз правлениега масала қўйсак* (Н. Сафаров).

Шарт майли формасининг кўрсатилган маъносида *-ган* аффикси билан ясалган сифатдошнинг ўрин-пайт келишигидаги формаси ҳам қўлланади. Бундай ҳолларда бош гапнинг кесими шартли майл формасида бўлади: *Бизнинг бундай улуғ кунга эришганимизни қизил аскар отамиз ҳам кўрганда, қандай қувонар эди, ...* (Ибохон). *Мен ҳам доим қишлоқда турганимда, машинани ўрганиб олардим* (Ҳ. Назир).

Ўтган замон ва ҳозирги замон сифатдоши билан *бўл* феъли ёрдамида ясалган шарт майли формасидаги феъл билдирган ҳаракат маълум бир вақтда тутаган ёки давом этаётган бўлиши мумкин: *Келган бўлса, менга хабар қил. Келаётган бўлса, менга хабар қил. Лекин келган бўлса* типидagi форма ҳам, *келаётган бўлса* типидagi форма ҳам ҳаракатнинг нутқ моментига муносабатини бевосита кўрсата олмайди. Бу формадаги феъл билдирган ҳаракатнинг бажарилган ёки бажарилаётган экани бошқа бир вақтга нисбатан белгиланади ва унинг ўтган замон ёки ҳозирги замон деб қаралиши ҳам ўша вақтга нисбатан бўлади. Демак, булар нисбий замон формаси ҳисобланади.

Шарт майлининг ҳеч қандай замон кўрсаткичига эга бўлмаган *борсам, келсанг, айтса, сўрасак* типидagi формаси замон маъносига эга эмас ва уни шарт майлининг бирор замон формаси деб қараш ҳам мумкин эмас.

Ҳаракат-ҳодиса ўтган замонга оид бўлган ҳолларда ҳам *-ган бўлса* ёрдамида ясалувчи форма эмас, *-са* аффикси билан ясалувчи форманинг ўзи қўлланавериши мумкин: *У ёғига ўтмаса-нгиз, гап очиб нима қилардингиз* (С. Анорбоев). *Биз билан ўтовда тунаган, биз нима овқат есак шуни еган,...* (С. Абдуқаҳҳор).

Феълнинг *-са* аффиксли формаси шарт маъносини билдирганда, ҳар қандай ҳолатда ҳам, ҳаракатнинг бажарилиши сўзловчига аниқ бўлмайди, яъни сўзловчи уни билмайди. Масалан, *келган бўлса, келаётган бўлса, келса* формасининг учаласида ҳам ҳаракатнинг бажарилганлиги, бажарилаётганлиги ёки энди бажарилишини сўзловчи билмайди

Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки ҳаракатнинг бажарилиши сўзловчига маълум бўлса, у ҳолда шарт маъносини ифодаловчи форма қўлланмас эди. Ана шунинг таъсирида бўлса керак, шарт майли формаси нореал (ирреал) ҳаракатни ва тахмин (гумон) тарзидаги ҳаракатни ифодалаётгандек кўринади. Лекин «нореал», «ирреал», «тахмин» каби маъноларнинг шарт майли формасига алоқаси йўқ, бу маънолар шарт майли формаси орқали ифодалангани грамматик маънолар эмас. Шарт майли формасининг бевосита ўзига хос бўлган маъно шу формадаги феъл билдирган ҳаракатнинг бажарилиш ёки бажарилмаслиги бошқа бирор ҳаракат учун шарт экани маъносидир. -са аффиксли форма бу маънода қўлланганда, шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келади. Бундай гапларда ифодаланган нарсасиз ҳодисалар қайси замонга оид бўлмасин (ўтмишга, ҳозирга ёки келгусига оид бўлганида ҳам), бош гапдаги ҳаракат бажарилмаган (йўқ, номаълум ҳолатдаги) ҳаракат бўлади: *У падарлаънат бизнинг экинимиз бошига сув қуйган бўлса, биз унинг бошига ўт ёқамиз* (С. Айнӣ). *Агар биз иш қилмасак, аллақачон кишанлаб қўярди* (С. Айнӣ).

Бунинг сабаби шуки, бош гапдаги ҳаракат шарт майли формасидаги феъл билдирган ҳаракат юз берсагина бажарилиши мумкин бўлган ҳаракат бўлади. Шарт майли формасидаги ҳаракат эса бажарилмаган ҳаракат бўлади (Бажарилган ёки бажарилаётганлиги маълум бўлса, унинг «шарт»лиги қолмайди). Бу ҳаракатнинг реал, ирреал ёки тахмин этилган ҳаракат экани контекст орқали маълум бўлади.

Шарт эргаш гапли қўшма гапларда бош гапнинг кесими ўтган замон формасида бўлиши ҳам мумкин Бундай ҳолларда шарт майли формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг бажарилганлиги, одатда, ноаниқ ҳолда бўлади. Шунга кўра, бош гапнинг кесими гумон билдирувчи формада бўлади: *Хатингни олган бўлса, жуда қувонгандир*. Агар шарт майли формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг бажарилгани аниқ деб фараз қилинса, бош гапдаги ҳаракатнинг юз бериши ҳам муқаррарлиги алоҳида таъкид билан ифодаланади: *Агар буларни пайқаган бўлса, ҳамма иш барбод бўлди*. *Агар мени ёш бола деб ўйласангиз... чуқварани хом санабсиз* (О. Ёқубов). Демак, бунда ҳам шарт майли формасидаги ҳаракатнинг бажарилгани сўзловчига ноаниқ бўлади.

Қўшма гап орқали ифодаланган ҳаракат-ҳодиса ўтган замонга оид бўлганида, бош гапнинг кесими, кўпинча шартли майл формасида бўлади (*Бу хабарни эшитган бўлса, етиб келар эди*). Бундай ҳолларда шарт майли формасидаги феъл билдирган ҳаракат бажарилган тақдирда бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиши аниқ экани ифодаланиши мумкин. Лекин шунда ҳам, барибир, иккала гапдаги ҳаракат ҳам бажарилмаган (йўқ, ноаниқ ҳолдаги) ҳаракат бўлади.

Хуллас, шарт майли формаси бошқа бирор ҳаракатнинг бажарилиши учун шарт-шароит бўладиган ҳаракатни билдиради. Ана

шу «шарт» билдириш хусусиятига кўра бу формадаги феъл билдирган ҳаракат йўқ ҳолдаги ҳаракат бўлади. Агар бу ҳаракат амалга ошса ёки аниқ ҳолда бўлса, унинг «шарт»лиги йўқолади, аниқроғи, агар бажарилса, бош гапдаги ҳаракат ҳам бажарилади. Натижада шарт «сабабга» айланади.

2. Пайт ифодалаб пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келади: ...*фронтга кетганимда энди бўйи чўзилган қиз эдингиз, қайтсам, ойдай тўлишибсиз* (Ойбек). *Қайтиб келсам, база эски жойидан бутунлай кўчириб келтирилибди* (А. Мухтор). *Эр-талаб деразадан қарасам, ҳамма ёқ оппоқ...* (Ойбек).

Шарт майли формаси ҳозирги замон кўрсаткичи -ёт билан қўллansa, ҳамма вақт пайт маъносини ифодалайди: *Бир куни кўчада кетаётсам, Умри бир бош узум кўтариб келяпти* (А. Қаҳҳор).

Шарт тарзидаги ҳаракатни ҳозирги замон маъноси билан ифодалаш учун албатта бўл ёрдамчи феъли ҳам қўлланади. Қиёсланг: *бораётса — бораётган бўлса, ишлаётса — ишлаётган бўлса*.

3. Истак маъносини билдиради: Бу маънони ифодалаганда мустақил содда гапнинг ёки қўшма гапларда бош гапнинг кесими вазифасида ҳам қўллана олади: *Секин пўстини арчисанг, офзингга солиб, тилинг билан танглайингга боссанг-у, сувини қулт-қулт ютсанг* (А. Қаҳҳор). *Қани энди инқилоб бўлса-ю, меҳнаткаш халқ хонни ағдариб мамлакатни ўзи идора қилса, ҳамма эркин нафас оلسа* (Ж. Шарипов).

4. Илтимос, маслаҳат ифодалайди. Бундай ҳолларда ҳам истак маъноси йўқолмайди (Истак бўлмаса, илтимос, маслаҳат ҳам бўлмайди). Лекин унга нисбатан маслаҳат, илтимос асосий ўринда бўлади: *Эртага аввал бу масалани правлениеда бир гаплашиб олсанг-у, индинига умумий мажлис чақира қолсак* (А. Қаҳҳор). *Агар бемалол бўлса, ўша кишини чақириб берсангиз* (Б. Раҳмонов). *Мана шамол ҳам физиллаб қолди, ...ёстиқ берсам бир чимдим ҳордиқ чиқарсангиз* (Ойбек).

5. Турли типдаги содда ва қўшма гапларда сабаб ва сабабга экин маъноларни ифодалайди: *Йўқ, бирда-иккида хат ёзмаган бўлсам, уят бўлади* (М. Исмоилий). *Бу бегона сел қайтишини қаяқдан билади, ...у авлиё бўлмасам, ахир!* (А. Мухтор). *Қаердан билай, мен бошқа ерда ишласам* («Тошкент оқшоми»).

6. Ҳаракатнинг бажарилиш ёки бажарилмаслиги манфаатга (истакка) зидлиги ифодаланади. Бунда ҳаракатнинг бажарилиш ёки бажарилмаслигидан манфаатдор бўлган (уни истовчи) шахс ноилож ҳолатда бўлади, яъни ҳаракатнинг бажарилмаслиги унга боғлиқ бўлмайди: *Йўқ деб айтсам ишонмасанглар* (М. Исмоилий). *Нима қилай, Ниёз ака! Кулиб кулолмасам, йиглаб йиглолмасам* (Б. Раҳмонов). *Айтсанг ўлдириб кетса, айтмасанг бу жабру жафоларга тоқат қилиб бўлмасам* (Яшин).

Зидлик, «тўғри келмаслик» сўзловчи ёки бошқа шахснинг манфаатига нисбатан эмас, балки бирор ҳаракатга нисбатан ёки уму-

мий ҳолатга нисбатан бўлиши мумкин: *Эртага тўй бўлса-ю, бу тенг так аллақайларда дайдиб юрса* (Саид Аҳмад). *Наҳотки шуни билмасангиз* (А. Мухтор). *Қаранг, бир қишлоқда туриб ҳафталаб учрашмасак* (С. Анорбоев).

7. Составида -ки юкламасини олган инкор формасидаги сўз бўлган гапларда ҳаракатнинг бажарилиш-бажарилмаслигига инкор формасидаги сўз билдирган ҳаракат-ҳодиса йўл қўймаслиги ифодаланади: *Ахир янги келган эмассизки, тартибни билмасангиз* (Саид Аҳмад). *Хосиятнинг эскиси ҳам йўқки, сенга ечиб берса!* (Н. Сафаров).

Қарама-қарши қўйилаётган нарса-ҳодисани билдирувчи сўз инкор формасида бўлмаслиги мумкин. Лекин унинг инкор мазмунига эгалиги контекстан сезилиб туради ва бу сўз -ми юкламаси билан қўлланади: *Сен ёш боламсанки, ойинг билан маслаҳатлашсанг* (О. Ёқубов).

8. Шарт майли формаси ҳам ёки -да юкламаси билан қўлланганда тўсиқсизлик маъносини билдиради ва тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими вазифасида келади: *Эй, қўйинг, хафа қилманг уларни, бола-да. Шўхлик қилсалар ҳам, жуда тўйдириб суғорятдилар* (Ойбек).

9. Шарт майли формаси бошқа бирор ҳаракат-ҳодисанинг жуда «бошқача» бўлишини, нормал ҳолатдан ортиқ даражада бўлишини ифодалайди. Ниманинг «жуда бошқача» бўлиши контекстан сезилиб туради: *Ҳар кеча идорамиздаги томошани кўрсанг. Ҳисоб-китоб, мажлис, танқид...* (Ойбек). *Бу қирларга кўкламда чиқсанг* (сўзлашувдан). *Ичини кўрсанг, вой бирам гиламлар билан ясатиб қўйилганки, оғзинг очилади* (Ш. Рашидов).

10. Таркибида эҳтимол сўзи қўлланган гапларда шарт майли формасининг маъноси гумон ифодаловчи формалар маъносига жуда яқин туради. Қиёсланг: *Эҳтимол, келиб қолса — Эҳтимол келиб қолар. Эҳтимол келган бўлса — эҳтимол келгандир*. Лекин бу формалар маъно жиҳатдан бир-бирига бутунлай тенг бўлмайди. Бундай гапларда шарт майли формаси қўлланган ҳолларда ҳаракатнинг бажарилишига тарафдорлик, истак маъноси ҳам сезилиб туради: *Лекин оғамнинг топиши зўр, яқинда, эҳтимол, уй олиб чиқиб кетса* (Ойбек).

11. Шарт майли формаси -чи юкламаси билан қўлланганда буйруқ-истак майлига хос маънолар ифодаланади: *Бу ёққа келсангиз-чи, қуда, бирпас чақчақлашайлик* (А. Қаҳҳор). *Марасул ака, машинангизга солиб бир айланиб келсангиз-чи!* (А. Қаҳҳор).

12. Шарт майли формаси қўшма гапнинг бир неча турларида эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади: *Тўтиқиз... дугонасини ўйласа, холаси ўз кўксига паноҳ топгандек бағрига кириб олган жиянини ўйлар эди* (М. Исмоилий). *Шариатнинг йўли кўп экан, биттаси берк бўлса, тўрттаси очик* (А. Қаҳҳор). *Қаердан ўт очилса, ўша томонга граната ёғдирилди* (Н. Сафаров). *Қариб қолдим шекилли, бирини эпласам, ўз-*

гасини унутаман (Ойбек). Олдин мен даладан сизирни ҳайдаб келаман. Кейин ҳовузга бир шўнғисам, топ-тоза бўламан (Ойбек).

13. Шарт майли формаси *-чи* юкламаси ёки қани (қани энди) сўзи билан биргаликда инкор маъносининг ифодаланишида ҳам хизмат қилади. Бундай ҳолларда гап интонацияси ҳам ўзига хос бўлади: *Қани энди бу маслаҳатга кўнса!* (Сўзлашувдан). *Уззукун «юртнинг отасиман» деб оғзини кўпиртиради-ю, арз билан борсангиз қўлингизга қарайди. Юрт ғами парвойига келсачи!* (М. Исмоилий) *Ҳали кетяпмиз, ҳали кетяпмиз, қани лозор кўрина қолса* (Сайёр).

14. Шарт майли формаси бир неча турдаги аналитик форманинг ясалишида қатнашади: *кўнса керак, олса бўлади, бормасанг бўлмайди, кетса кетсин* каби. Бундай аналитик формаларнинг маъноси шарт майли билан унга бириккан ёрдамчи сўзнинг маънолари йнғиндисидан келиб чиқади.

Шартли майл

Шартли майл формаси *-(а)р (-мас)* аффикси билан ясалувчи сифатдошга эди тўлиқсиз феълининг бирикувидан ҳосил бўлади: *ишлар эди, келар эди, сўрар эди, айтмас эди* каби. Бу майл тури бажарилишининг бирор шартли бўлган, бажарилиши бирор ҳаракатга боғлиқ бўлган ҳаракатни билдиради, яъни бу форма билдирган ҳаракатнинг бажарилиш-бажарилмаслигининг шартли бор (бирор шарт билан боғланган) бўлади: *Агар сен Йўлчининг боласи бўлсанг эди, мен унга аллақачон хабар берар, ундан севинчи олиб қувонар эдим* (Ойбек). *Бултур кузакда Салор бетигадаги коппонда, орага мен тушмасам, оломон сени ўлдириб кетар эди* (Ғ. Ғулом). *Мени инвалидлар уйига обориб бера қолсангиз, мунчалик қийналмас эдингиз* (Саид Аҳмад).

Шарт эргаш гапли қўшма гапларда бош гапнинг кесими ижро майли формасидаги феъллардан бўлганда ҳам бош гапдаги ҳаракатнинг бирор шарт билан боғланганлиги ифодаланади. Шунга кўра, шарт билан боғланганлик маъносининг ифодаланиши жиҳатдан шартли майл формаси бошқа майл формаларидан фарқланмайдигандек кўринади. Масалан, *этароқ келса, кинога борар эдик* ва *этароқ келса, кинога борамиз* гапларининг иккаласида ҳам кинога боришнинг этароқ келишга боғлиқлиги ифодаланади. Лекин «Этароқ келса, кинога борамиз» гапида шарт борлиги маъноси бевосита шарт майли формаси орқали ифодаланади, *борамиз* формасининг ўзи шундай шарт борлигини кўрсата олмайди. «Этароқ келса, кинога борар эдик» гапидаги *борар эдик* формаси эса, шарт майли формаси қўлланмаса ҳам, ҳаракатнинг бажарилиши бирор шарт билан боғланганини ифодалай олади. Бундан ташқари, шартли майл формаси шарт майли формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг бажарилиш ёки бажарилмаслигини сўзловчининг аниқ билмаслиги каби қўшимча маъноларни ҳам ифодалайди: *Эр-*

тароқ келса, кинога борамиз — бунда эртароқ келишнинг амалга ошиши ёки ошмаслигига ҳеч қандай муносабат ифодаланмайди. *Эртароқ келса, кинога борар эдик* — бунда муносабат ифодаланади, яъни «...кинога борамиз-ку, лекин эртароқ келармикин, йўқмикин» деган муносабат ифодаланади.

Шартли майл формасига хос хусусиятлардан яна бири шуки, бу формадаги феъл билдирган ҳаракат ҳамма вақт бажарилмаган, юзага келмаган ҳаракат бўлади. Ҳатто, қўшма гап билдирган ҳаракат-ҳодиса ўтган замонга оид бўлганида ҳам шартли майл формасидаги феъл билдирган ҳаракат бажарилмаган, юзага келмай қолган ҳаракат бўлади. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки бажарилмаган, юзага келиши мумкин бўлган ҳаракатгина бирор шарт-шароитга боғлиқ бўлиши мумкин. Бажарилган ҳаракатнинг бирор шартга боғлиқлиги, бирор шартни талаб этиши мантиққа тўғри келмайди: *Агар Пиримқул Зумрадга билдириб қўймаса, биз ундан ажраб қолган бўлар эдик* (Б. Раҳмонов). *Агар алоқамиз илгарироқ бошланганда эди, биз бу қора юз шармандаларни илгарироқ фош қилган бўлар эдик* (З. Фатхуллин).

Шартли майл формасида ҳаракатнинг инкори, юз бермаганлиги ифодаланишидан, бу майлнинг бўлишсиз формаси қўлланганда (ҳаракат-ҳодиса ўтган замонга оид бўлганида), мантиқан, ҳаракатнинг бажарилганлиги маъноси келиб чиқади (инкорни инкор этишдан тасдиқ маъноси келиб чиқади): *Агар сиз яхши одам бўлсангиз, уйдаги сирни кўчага чиқармасдингиз* (З. Фатхуллин). *Уша вақтда оёқларингни маҳкам тирасанглар эди, дадам Гулнорга уйланмаган бўларди* (Ойбек).

Шартли майл формаси қатнашган гапларда ҳаракат натижасининг кимга қаратилганлиги, ҳаракат-ҳолатнинг қайси замонга оидлиги ва шу кабиларга қараб сўзловчининг орзу-истаги, ҳаракатга даъват этиши, ҳаракатнинг бажарилиши ҳақидаги ўйи ва шу каби маънолар ифодаланиши мумкин. Лекин бу маънолар бевосита шартли майл формасининг ўзига хос манолари бўлмайди. *Агар ҳозир қилсаларинг, кечқурунга правление чақира берар эдик* (А. Қаҳҳор). *Самовар қайнаган, Ҳожи бобо, чой берсангиз, дамлар эдим* (Ғ. Фулом). *Кун оққандан сўнг жўнасанг, бир манзилга етиб олардинг* (Ғайратий). *Тўпанисо опам билан бирга бўлсам, иш билар эдим, гап билар эдим, тушунган хотин бўлар эдим* (А. Қаҳҳор).

Лекин истак, ҳаракатга қўзғатиш, маслаҳат каби маънолар бевосита шартли майл формасининг ўзига хос маъно бўлмай, бошқа факторларнинг таъсирида келиб чиқувчи маънолар бўлади. Шартли майл формаси қўлланган гапларда истак, маслаҳат, ҳаракатга қўзғатиш каби маънолар ифодаланмаслиги мумкин: *Агар Пиримқул Зумрадга билдириб қўймаса, биз ундан ажраб қолган бўлардик* (Б. Раҳмонов). *...орага мен тушмасам, оламон сени ўлдириб кетар эди* (Ғ. Фулом). *Эртоевнинг гапини*

бир эшитсангиз, сиз ҳам юриб чиқардингиз кечаси билан (О. Ёқубов).

Юқоридаги мисолларнинг ҳаммасида ҳам бевосита шартли майл формасига хос бўлган маъно ҳаракатнинг бирор шарт билан боғлиқ экани маъноси бўлиб, бошқа қўшимча маънолар турли факторларнинг таъсирида келиб чиқадиган маънолар бўлади.

Мақсад майли

Мақсад майли формаси *-моқчи* аффикси ёрдамида ясалади ва субъектнинг ҳаракатни бажариш мақсадини, ниятини, ҳаракатни бажариш мўлжалини билдиради: *бормоқчиман, бормоқчисан, бормоқчи; бормоқчимиз, бормоқчисиз(лар), бормоқчи(лар): Йўқ ўғлим, мен нефт ишида янгидан дадил бир қадам қўйиб, гавдамга яна қувват бағишламоқчиман, умримни пича узайтириш ниятидаман* (Б. Кербобоев). *Қўриқдан янги ер ҳам очмоқчиман. Шундай ниятим бор, тақсир* (Н. Сафаров).

Феълнинг бу формаси фақат мақсад, мўлжал маъносини билдиради, унинг замон маъносига дахли йўқ. *-моқчи* аффикси билан ясалувчи форма замон маъносига эга бўлган бирор восита билан қўлланмаганда, у билдирган мақсад, мўлжал ҳозирга (ҳозирги вақтга) оид, ҳозир бор бўлган мақсад, мўлжал бўлади. Қиёсланг: *У ҳозир ҳамманинг калласини ғовлатган шум хабарни ё ҳеч ўйламаяпти, ёки бу гапнинг менга сира дахли йўқ, деб кўрсатмоқчи* (А. Мухтор). *Уялиш у ёқда турсин, ўзи ўйинини кўрсатмоқчи бўляпти* (М. Исмоилий).

Контекстда ижро майлининг ўтган замон ёки ҳозирги замон формалари қўлланган ҳолларда *-моқчи* аффикси билан ясалган феъл формаси келаси замон маъносини ифодаладигандек кўринади. Ҳақиқатда эса бундай бўлмайди. *Конкрет тадбирингизни айтинг, нима қилаётибсиз, нима қилмоқчисиз* (С. Анорбоев). Бу мисолдаги *қилаётибсиз* формасига қиёсан *қилмоқчисиз* формаси келаси замон ифодаладигандек кўринади. Ҳақиқатда эса у ҳаракатнинг келгусида бажарилишини билдирмайди, балки мақсад, ният маъносининг ўзини билдиради.

-моқчи аффикси билан ясалувчи форманинг *эди* тўлиқсиз феъли ва бўл ёрдамчи феъли билан қўлланишидан мақсад маъносига турли қўшимча маъноларни ифодаловчи аналитик форма ҳосил бўлади: *бормоқчи эди, бормоқчи бўлди* каби.

-моқчи аффиксли феъл *эди* тўлиқсиз феъли билан қўлланганда, ўтган замон ифодаланиши мумкин. Лекин бунда ҳаракатнинг ўтган замонга оидлиги (ўтган замонда бажарилиши) эмас, балки мақсаднинг ўтган замонга оидлиги ифодаланади: *Самоварчи сандиқ устидаги иккита кўрпанинг бирини олиб, ёстиқ билан Йўлдошбойнинг олдига қўйди-да, «алламаҳал бўлиб қолди, ётайлик» деди. Узи эса ухламоқчи эмас эди* (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов). *Домланинг ер олгани рост, бунди Саидийга билдирмоқчи ҳам эмас эди* (А. Қаҳқор).

Иккала мисолда ҳам **-моқчи** аффикси мақсад маъносини билдиради, *эди* тўлиқсиз феъли эса шу мақсаднинг ўтган замонга (ўтмишга) оидлигини билдиради.

-моқчи аффикси билан ясалувчи форма *бўл* ёрдамчи феъли билан қўлланганда, шу ёрдамчи феълнинг қандай замон формасида қўлланишига қараб мақсад маъносига замон маъноси қўшилади: *Отанинг сўзини унинг охирги дамида ерга урмоқчи бўлаётирсанми?* (С. Айний). *Энди дарёга тўғон солмоқчи бўлиб турибмиз.* (А. Қаҳҳор). *Бойвачча данакдай нонни оғзига ташлаб, вақти зиқлигини билдирмоқчи бўлди* (Ойбек).

-моқчи аффикси билан ясалган форма *бўл* феълнинг ўтган замон, ҳозирги замон формалари билан қўлланганда ҳам ҳаракатнинг ўтган замон ёки ҳозирги замонга оидлиги эмас, балки мақсаднинг (ниятнинг) ҳозирги замон ёки ўтган замонга оидлиги ифодаланади. Бу ҳодиса қуйидаги мисолда жуда аниқ кўринади: *Бормоқчи бўляпман эмас, боряпман деявер* (А. Убайдуллаев).

Демак, **-моқчи** аффикси ёрдамида ясалган феъл формаси *эди* тўлиқсиз феъли ва *бўл* ёрдамчи феъли билан қўлланганда мақсад майли формасига хос маънога *эди* ва *бўл* ёрдамчилари ифодаладиган маъно қўшилади.

Ижро майли

Ижро майли ҳаракат-ҳолатни унинг бажарилиш вақти билан боғлиқ ҳолда ифодалайди. Бу майлда ҳаракатнинг бажарилиши (ижроси) тушунчаси бўлади. Бу майлдаги феъл, албатта, бирор замон формасида бўлади: *келди, келяпти, келади* каби.

Ижро майлининг махсус грамматик кўрсаткичи йўқ. У феълга замон ва шахс-сон қўшимчаларининг қўшилиши орқали шаклланади. Ижро майлининг махсус грамматик кўрсаткичга эга эмаслиги ҳам табиий. Чунки замон формаларининг ўзи ҳаракатнинг воқеликка бўлган муносабатини кўрсатади.

Демак, майлнинг бу тури грамматик замон маъносига ва бу маънони ифодаладиган формага эгаллиги билан характерланади. Ижро маълидаги феълнинг асосий синтактик вазифаси мустақил содда гапнинг кесими бўлиб келишдир.

Замон категорияси

Феъл билдирган ҳаракатнинг бажарилиши, албатта, маълум бир вақтда бўлади. Демак, ҳаракат вақт (замон) тушунчаси билан алоқадор бўлади. Феъл билдирган ҳаракат объектив ҳаракатнинг тилдаги ифодаси бўлганидек, феъллардаги замон ҳам ҳаракатнинг бажарилиши билан алоқадор бўлган объектив вақтнинг тилдаги ифодасидир. Лекин объектив замоннинг тилдаги ифодасининг ўзи грамматик замон категорияси ҳисобланмайди. Грамматик замон категорияси ҳаракатнинг нутқ моментида муносабатини ифо-

далайди. Нутқ momenti ҳам субъект томонидан белгиланадиган қандайдир вақт бўлаги бўлмай, объектив замон (вақт)нинг сўзловчи гапи, сўзи (нутқи) тўғри келган бўлагидир (сўзлаш, нутқ ҳам ҳаракат ҳисобланади ва унинг бажарилиши объектив вақтнинг бирор қисмига тўғри келади). Ҳаракат бажарилиш вақтининг нутқ моментига муносабатига қараб феълнинг уч хил замони фарқланади: 1) нутқ моментигача бўлган ҳаракат — ўтган замон; 2) нутқ моментига ҳам давом этаётган (туғаманган) ҳаракат — ҳозирги замон; 3) нутқ моментидан кейин бўладиган ҳаракат — келаси замон. Замон маънолари махсус формалар орқали ифодаланади ва бу формалар феълнинг замон формалари деб аталади.

Ижро майлидаги феълларда ҳаракатнинг нутқ моментига муносабати бевосита ифодаланади. Бу майл формаси билдирган замон абсолют замон ҳисобланади. Айрим феъл формалари, масалан, сифатдош ва равишдош формалари ҳаракатнинг нутқ моментига муносабатини бевосита кўрсата олмайди. Шунинг учун булардаги замон нисбий замон бўлади (Бу ҳақда «сифатдош» ва «равишдош» бўлимларига қаранг).

Ҳозирги ўзбек тили феълнинг замон формаларига жуда бойлиги билан ҳам характерланади. Ҳаракатнинг нутқ моментига муносабатини кўрсатиш хусусиятига кўра ҳозирги ўзбек адабий тилидаги феълнинг замон формалари уч асосий группага бўлинади:

- 1) ўтган замон формалари (*борди, борган, борибди, борган эди* ва б.);
- 2) ҳозирги замон формалари (*боряпти, бормоқда, бориб турибди* ва б.);
- 3) ҳозирги-келаси замон формаси (*боради, ишлайди* каби)

Ўтган замон формалари

Ҳозирги ўзбек тилида ўтган замон феълнинг бир неча формалари бўлиб, улар ўзларига хос маъно ва бошқа хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ўтган замон феълнинг қуйидаги формалари қўлланади:

- 1) *-ди* аффикси ёрдамида ясалувчи форма: *ёздим, ёздинг, ёзди;*
- 2) *-ган* аффикси ёрдамида ясалувчи форма: *ёзганман, ёзгансан, ёзган;*
- 3) *-(и)б* аффиксли равишдошни шахс-сон билан туслаш орқали ҳосил қилинувчи форма: *ёзибман, ёзибсан, ёзибди;*
- 4) *эди* тўлиқсиз феъли ёрдамида ҳосил қилинувчи формалар: *ёзган эдим, ёзган эдинг, ёзган эди, ёзиб эдим, ёзиб эдинг, ёзиб эди, ёзаётган эдим, ёзаётган эдинг; ёзаётган эди; ёзаётиб эдим, ёзаётиб эдинг, ёзаётиб эди; ёзмоқда эдим, ёзмоқда эдинг, ёзмоқда эди; ёзар эдим, ёзар эдинг, ёзар эди; ёзгувчи эдим, ёзгувчи эдинг, ёзгувчи эди.*

Кўринадики, ўтган замон феълининг учта формасигина аффикслар ёрдамида ясалади. Қолган беш формасининг ясалишида *эди* тўлиқсиз феъли қатнашади. Бу формаларнинг ҳар бири маъно ва бошқа жиҳатдан ўзига хос фарқли хусусиятларга эга. Лекин шу билан бирга *эди* тўлиқсиз феъли ёрдамида ясалувчи формаларда уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган белги-хусусиятлар ҳам бор. Бу белги-хусусиятлар ўтган замон феълининг синтетик формаларининг бирортасида ҳам йўқ. Шундай экан, бу формаларнинг бирортаси ҳам *эди* тўлиқсиз феъли ёрдамида ясалувчи формаларнинг бирортаси билан ҳам бир гурӯҳга киритилиши мумкин эмас.


Ўтган замон феълининг синтетик формаларида ҳаракатнинг нутқ моментига муносабати бевосита ифодаланаяди. *Эди* тўлиқсиз феъли ёрдамида ясалувчи ўтган замон формаларида эса ҳаракатнинг нутқ моментига муносабати бавосита, яъни «ҳозир» орқали (нутқ моментини ҳам ўз ичига олган ҳозирги вақт орқали) ёки бошқа бирор форма ифодалаган вақт орқали бўлади. Ўтган замон феълининг синтетик формалари билдирган ҳаракат «ҳозир» (ҳозирги вақт) доирасида бажарилиши ва бу формалар билдирган ҳаракатнинг бажарилиш вақтига нисбатан қўйиладиган сўроққа «ҳозир» сўзи жавоб бўлиши мумкин:

- *Келди.*
- *Қачон?*
- *Ҳозир.*

Эди тўлиқсиз феъли ёрдамида ясалувчи формалар фақат ҳаракатнинг ўтган замонда бажарилганлиги маъносини ифодаловчи форма сифатида қўлланган ҳолларда улар билдирган ҳаракатнинг бажарилиш вақти ҳеч қачон «ҳозир» (ҳозирги вақт) доирасида бўлмайди ва бу формалар билдирган ҳаракатнинг бажарилиш вақтига нисбатан қўйиладиган сўроққа «илгари», «бир вақтлар» каби сўз ёки сўз бирикмалари жавоб бўлиши мумкин: *У жимиб қолган далада яраланиб ётаркан, шунақа хаёлларни кўп сурган эди* (Саид Аҳмад). *Дадаси кuzда даладан қайтишда тўнни ё плаштини ана шундай «тўрва» қилиб, ичига қовун, тарвуз солиб келгувчи эди* (Ҳ. Назир).


Демак, ўтган замон феълининг синтетик формалари «нутқ моментига эмас, ундан олдин» деган маънони билдирса, *эди* тўлиқсиз феъли ёрдамида ясалувчи ўтган замон феъл формалари «ҳозир эмас, аввал, илгари» деган маънони билдиради. Агар, шартли равишда, объектив ўтувчи вақтни чизиқлардан ташкил топган узун стрелка (—————→) билан, нутқ моментини кичик тўғри тўртбурчак (□) билан, ҳаракатнинг бажарилиш вақтини қора стрелка (→) билан белгилаб, объектив ўтувчи замонни (вақтни) «ўтмиш», «ҳозир», «келгуси» каби қисмларга ажратсак, у ҳолда ўтган замон феълининг синтетик формалари билдирган ҳаракатнинг бажарилиш вақти объектив ўтувчи вақтнинг «ҳозир» қисмига тўғри келиши (шу қисмига кириши) мумкин, лекин *эди* тўлиқсиз феъли билан ясалувчи формалар билдирган ҳаракат-

нинг бажарилиш вақти унинг «ўтмиш» қисмига тўғри келади (шу қисм ичида бўлади):



Лекин бундан, *эди* тўлиқсиз феъли ёрдамида ясалувчи формалар ҳамма вақт ҳам ҳаракатнинг ўтмишга, илгари вақтларга оидлигини ифодалайди, деган хулоса чиқмайди. Бу формалар қандайдир бошқа ҳаракат-ҳодисага муносабат, алоқадорлик ифодалаш ҳам мумкин. Бундай ҳолларда *эди* тўлиқсиз феъли ёрдамида ясалувчи форма билдирган ҳаракатнинг бажарилиш вақти объектив вақтнинг «ҳозир» қисмига тўғри келиши мумкин. Бир мисол: *Сиз билан хайрлашай деб келган эдим, бунақа можаранинг устидан чиқиб қолибман* (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов).

Бу мисолдаги *келган эдим*, *чиқиб қолибман* формалари билдирган ҳаракатнинг ҳозирга ва нутқ моментига муносабатини шакл орқали кўрсатсак, қуйидагича бўлади:



Кўриниб турибдики, *эди* тўлиқсиз феъли ёрдамида ясалувчи форма билдирган ҳаракатнинг бажарилиш вақти объектив ўтувчи вақтнинг «ҳозир» қисмида бўлганида ҳам у билдирган ҳаракатнинг нутқ моментига муносабати бевосита бўлмайди, балки бошқа феъл формаси билдирган ҳаракатнинг бажарилиш вақти орқали бўлади.

Хуллас, *эди* тўлиқсиз феъли ёрдамида ясалувчи ўтган замон формаларининг ҳаммаси ҳам ўтган замон феълсининг синтетик формаларидан фарқли умумий хусусиятларга эга. Агар ўтган замон формалари маъноси ва бошқа хусусиятларига кўра маълум группаларга ажратиладиган бўлса, у ҳолда синтетик формаларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида берилиши, *эди* тўлиқсиз феъли ёрдамида ясалувчи формалар эса улардан фарқланувчи алоҳида тур сифатида берилиши керак бўлади. Бундан ташқари, *эди* тўлиқсиз феъли ёрдамида ясалувчи формалар маъно хусусиятларига кўра яна маълум группаларга ажратилиши мумкин.

Ўтган замон формаларининг маъно ва вазифалари. *-ди* аффикси ёрдамида ясалувчи форма: *ўқидим, ўқидинг, ўқиди; ўқидик, ўқидингиз, ўқиди(лар)*. Бу форма ҳаракатнинг нутқ моментигача бажарилганини аниқ, қатъий тарзда ифодалайди. Бу ҳаракат, одатда, сўзловчи ўзи кўрган, билган ҳаракат бўлади. *-ди* аффикси ёрдамида ясалувчи форма билдирган ҳаракат, сўзловчи ва тинг-

ловчининг бевосита кўз олдида бажарилиши ҳам мумкин: *Ана, келди*. Сўзловчи ҳаракатнинг бажарилган ёки бажарилмаганлигини ўзгадан эшитиб билган бўлиши мумкин. Бунга жуда ишонса, аниқлигига тўла ишонч ҳосил қилса, бу ҳаракатни *-ди* аффикси ёрдамида ясалувчи форма орқали ифодалайверади. Масалан, кеча уйдан чиқмаганлиги аниқ эканини ўзгадан эшитиб билиб олган киши «Кеча уйингдан ҳеч қаерга чиқмадинг» деб айтиши мумкин. Умуман, *-ди* аффикси билан ясалган форма ифодалаган ҳаракат бир неча ой ёки йил илгари бажарилган бўлиши мумкин. Лекин бу ҳаракат ўтмишга (узоқ ўтмишга) оид ҳаракат бўлмайди. Шу хусусиятига кўра, ҳаракатни ўзи кузатган ҳаракат сифатида хронологик тарзда ифодалашда шу форма кенг қўлланади: *Гулсум опа Барнони бир кўрай деб бухгалтерияга кирди*. *Барно йўқ экан, бир оз кутди, келвермагач, ўтиришга сабри чидмай, идорадан чиқди* (О. Ёқубов). *Ҳамшира қиз қўлидаги ҳарорат ўлчагичини қўлтиғимга қўйди*. *Бошқа тўлароғи стулга ўтирдида, сўроқ қила бошлади* (Сайёр).

-ган аффикси ёрдамида ясалувчи форма: *ўқиганман, ўқигансан, ўқиган; ўқиганмиз, ўқигансиз, ўқиган(лар)*. Бу форма қуйидаги хусусиятларга эга:

1 **-ган** аффикси ёрдамида ясалган формада қўлланган феъл билдирган ҳаракат ҳеч вақт сўзловчи ва тингловчи ўзаро суҳбатлашиб турган ҳозирги вақтда бажарилган ҳаракат бўлмайди. Шунинг учун ҳам *ҳозиргина айтди, янги кетди* каби гаплардаги *айтди, кетди* формаси ўрнида *айтган, кетган* формасини қўллаб бўлмайди. Қуйидаги мисолларда ҳам, худди шу хусусиятига кўра, *-ди* аффикси ёрдамида ясалган форма ўрнида **-ган** аффикси орқали ясалган ўтган замон формасини қўллаб бўлмайди: *Таниди, таниди!*— *Чўлбобо бир қоп семириб кетди* (Ҳ. Фулом) *Капалагимни учириб юбординг-а!* (Ҳ. Назир) *Юрагим орқамга тортиб кетди* (Ғайратий).

Айнан бир вақтдаги ҳаракат *-ди* ёки **-ган** аффикси ёрдамида ясалувчи форма орқали ифодаланиши мумкин. Лекин **-ган** аффикси билан ясалувчи форма қўлланганда, ҳаракат бажарилиш вақтининг нисбатан узоқлигига ишора қилиш сезилиб туради. Қиёсланг: Институтни *ўтган йили битирди*— *Институтни ўтган йили битирган*. Агар ҳаракатнинг бажарилиш вақтини кўрсатувчи *кеча, ўтган йили* каби сўзлар бўлмаса, **-ган** аффикси билан ясалувчи формада ҳаракатнинг бажарилиш вақти доим нисбатан узоққа (илгарига) оид бўлади: *келди*— *келган, уйғонди*— *уйғонган, уйланди*— *уйланган*.

2. Ҳаракатнинг бажарилганлиги ва ундан юзага келган ҳолатнинг ҳозир ҳам мавжуд эканини билдиради. Бунда, ҳатто, ҳаракатнинг бажарилгани эмас, ҳолатнинг ҳозир мавжудлиги асосий ўринда бўлади: *Йўлнинг икки томонига чўзилган қир ёнбағирларини эндигина ёриб чиқаётган ўтлар қоплаган* (П. Турсун). *Уринда ҳам гаплашаверамиз, сен жуда чарчагансан* (И. Раҳим).

3. *-ди* ва *-ган* аффикслари ёрдамида ясалган форманинг иккала-сида ҳам ҳаракатнинг бажарилганлиги аниқ тарзда ифодаланади. Лекин *-ган* аффиксли формада сўзловчи ҳаракатнинг бажарилганини бевосита кузатган, унга ишончи жуда қатъий бўлиши шарт эмас. Ҳаракатни ўзгачан эшитган ёки ҳеч кимдан эшитмай, унинг бажарилганини ўзича (баъзи мулоҳазаларга кўра) аниқ деб айтиши ҳам мумкин. Қиёсланг:

1) — *Бормадим.*

— *Бординг* (аниқ биламан, ўзим кўрдим).

2) — *Бормадим.*

— *Боргансан* (бўлмаса, кечикмас эдинг).

Демак, сўзловчи бажарилган бирор ҳаракатни *-ди* аффикси билан ясалувчи форма орқали ифодаланганда, шу ҳаракатнинг аниқ бажарилганлигига ҳеч қандай шубҳа бўлмайди, у ҳаракатнинг бажарилганлигини исботловчи (тасдиқловчи) далилга эга бўлади. *-ган* аффикси билан ясалувчи формада эса бундай аниқ далил (факт) бўлмаслиги ҳам мумкин: *Ифлос чўри қиз уйимизга бошлиқ бўладими?... жувонмарг Гулнор ўзи қошини қоққан, кўзини учирган, шундай қилиб дадамни йўлдан оздирган* (Ойбек). *Саида унинг... қилдан қийиқ топаётганининг сабабини дарров тушунди: «Раиснинг хатоси топилган эмиш, масаласи қачон кўрилади», деган миш-мишга кимдир либос кийгизиб, унинг юрагига ғулғула солган* (А. Қаҳҳор).

-ган аффикси билан ясалган ўтган замон феъли билдирган ҳаракат сўзловчи бевосита кузатган ҳаракат бўлиши шарт эмаслигидан, ўзи кузатмаган, ундан кейин хабардор бўлган ҳаракатни ифодалашда ҳам шу формани қўллаши мумкин бўлади: *Селдан кейин ғўзаларни ўтбосган, ҳашарот оралаган. Колхозчилар жуда шошиб қолишибди* (Ҳ. Назир). Бу мисолдаги *босган, оралаган* формалари ўрнида *босибди, оралабди* формасини қўллаш мумкин. *-ган* аффикси билан ясалган форма бу маънода қўлланганда, ҳаракат бажарилиш вақтининг узоқ-яқинлиги *-ди* аффикси билан ясалган формадагидан фарқланмаслиги мумкин.

Равишдошнинг *-(и)* аффикси ёрдамида ясалувчи турини шахсон билан туслаш орқали ҳосил бўлувчи форма: *ўқибман, ўқибсан, ўқибди; ўқибмиз, ўқибсиз, ўқибди(лар)*.

Ўтган замон феъленинг бу формаси:

1. Ҳаракатни бевосита кузатмаганлик, ундан кейин хабардор бўлганлик маъносини билдиради. Кейин хабардор бўлиш эса икки хил йўл билан бўлиши мумкин: 1) ўзгачан эшитиш йўли билан. Бунда эшитиб бўлганлик ифодаланади: *Эшитишимга қараганда, Қўчқор туман марказига кетганича қайтиб келмабди* (С. Анорбоев). *Уларнинг пароходлари Олтиқудуқда ҳукуматга ўтиб кетибди, энди бизнинг давлатга сотган балиғимизни таширмиш* (А. Мухтор); 2) ҳаракатни ўзгачан эшитмай, ундан ўзи кейин хабардор бўлган бўлиши мумкин. Бу турнинг биринчи шахс (бирлик ва кўплик) формаси ана шу маънода қўлланади. *Кечирасиз, ўртоқ Зуннунов, ёшларнинг можароси билан бўлиб сиз-*

ни маҳтал қилиб қўйибман (И. Раҳим). Узим кўрдим, тош чап елкасига тушибди (М. Исмоилий).

Аввал билмай, кейин хабардор бўлганлик маъноси фақат ҳаракатнинг ўзига нисбатан эмас, балки феъл ва унга боғланган сўзга хос маънога (яъни сўз бирикмаси ифодалаган маънога) оид бўлиши мумкин. Буларнинг ётоғига келиб, Марьямни Марьямнинг ўзидан сўрабман (Ҳ. Фулом). «Шинелни бекор кийибман» деб қўнғидан ўтказди (С. Анорбоев). Бу мисолларда сўраганлик ва кийганликни кейин билганлик эмас, балки Марьямнинг ўзидан сўраганликни, бекор кийганликни кейин билганлик маъноси ифодаланади.

Бу форма ҳаракатнинг бажарилган ёки бажарилмаганлигини кейин билганликнигина эмас, балки бажариш ёки бажармаслик кераклигини кейин билганлик маъносини ифодалаш учун ҳам қўлланади: *Турсуной шундай деб келди-ю, лекин нима гаплигини сўрамабман* (М. Исмоилий). *Шуни айтинг-а, мен ҳадеб одамлар орасини қидирибман-у, бошқа ёққа қарамабман* (Ибохон).

Бу форма сўзловчининг ҳаракатни қатъий тарзда эътироф этмай, ўзганинг гапи ёки бошқа бирор мулоҳазага кўра шундай деб айтиши маъносида ҳам қўлланади. Бу маънода, асосан, шарт эргаш гапли қўшма гапларда бош гапнинг кесими вазифасида қўлланади: *Майли, болам, майли, эшитсан сен туфайли эшитибман, у туфайли эшитганим йўқ* (А. Қаҳҳор). *Парвардигорнинг иши қозиларни дуо қилишга қолган бўлса, худодан ҳам путур кетибди* («Латифалар»).

Баъзан бу форманинг маъноси -ди аффикси билан ясалувчи форманинг маъносига жуда яқин бўлади; *Ялиниб-ёлвориб Шокирвойни зўрға қутқариб олибман* (Ҳ. Нуъмон). *Озиб-ёзиб машинангизга бир тушибман-у, шуни ҳам дарров юзимга солдингизми?* (Б. Раҳмонов). Бу мисолдаги *қутқариб олибман, тушибман* феъллари билдирган ҳаракат сўзловчи ўзи кўрган, билган ҳаракат. Шунинг учун бу форма ўрнида *қутқариб олдим, тушдим* формасини қўллаш мумкин. Лекин *қутқариб олибман, тушибман* формасида «ўзи билмаганлик»ка ишора қилиш сезилади.

«Хоразм қовунини емабсан, бу дунёга келмабсан» каби қўшма гапларда биринчи гапда қўлланган «емабсан» типидagi форма «емаган бўлсанг» типидagi формага хос маънода қўлланади. Шунингдек, «кимки бунини тушунмабди, ўз ишида кўп хатоларга йўл қўяди» каби гаплардаги «тушунмабди» типидagi форма шарт майли формаси («тушунмаса») маъносини билдиради. Бу маънолар асосида ҳам «билмаслик» тушунчаси ётади. Қуйидаги мисолларда ҳам худди шундай: *Қўнғини топибди, қандини есин* (Н. Сафаров). *Қўйинг бунини, текширишга келибсизми, текширинг-да, ука* (Ш. Саъдулла). *Энди, кепсан, роса ишлатаман* (Ҳ. Фулом).

2. Етакчи феъл ва қўй кўмакчи феълидан ташкил топган бирикувлар ҳолатнинг мавжудлиги маъносида қўлланганда, ўтган замон феълининг бу формаси кейин хабардор бўлганликни эмас,

балки ҳолатнинг ҳозир мавжудлиги маъносини билдиради: *Раҳмат давлатимизга, етарли машина бериб қўйибди* (Ҳ. Ғулом). *Мени дарахт эрмаган деб ўйлайди* шекилли бобой, *қирқ гектар боғни яшнатиб қўйибман* (Ҳ. Ғулом).

3. Пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида *-ки* боғловчиси билан қўлланганда бош гапдаги ҳаракат-ҳодисанинг эргаш гап кесими билдирган ҳаракат бажарилгандан бери давом этиши ифодаланади: *Ақлимни танибманки, шу колхозда ишлаб келяман* (С. Анорбоев). *Шу уйга тушубманки, меҳмон кутаман* (Ҳ. Ғулом).

Ўтган замон феълининг бир қатор формалари эди тўлиқсиз феъли ёрдамида ясаллади. Улар қуйидагилар:

-ган+эди ёрдамида ясалувчи форма: *ёзган эдим, ишлаган эдим, келган эди* каби. Бу форма қуйидаги маъно ва вазифаларда қўлланади:

1. Ҳаракат-ҳолатнинг ҳозирга эмас, балки ўтган вақтга, илгари (аввалги) вақтга оидлигини ифодалайди: *Бизнинг йигитни ҳам, катта масофани пиёда босгани учунми, кун хила бетоқат қилган эди* (Ойбек). *Ерни юмшатиб, баҳорда тўқайни бузиш мақсадида қайта-қайта қўйилган сув энди ерга сингмай, музлаб қолган эди* (А. Қаҳҳор). *У (Мирзакаримбой) ҳозиргина ёдига олган қишлоқи Ҳушрўйибини ҳам, унинг камтарин, меҳнаткаш марҳум эрини ҳам, кутилмаган вақтда йўқлаб келган бу арслондай қишлоқи жиянини ҳам унутган, унинг фикрини ёлғиз ўз ишлари ишғол этган эди* (Ойбек). *Бозор бу гапларнинг ҳақиқий маъносини энди тушунган эди* (С. Айний).

-ган+эди ёрдамида ясалувчи формада ҳаракатнинг бажарилиши ўтган вақтларга оид бўлиши сабабли бу форманинг *-ди* ва *-(и)* аффикслари ёрдамида ясалувчи ўтган замон формасидан фарқли хусусиятини сезиш (фарқлаш) қийин эмас. Лекин *-ган* ва *-ган+эди* ёрдамида ясалувчи формалар ўртасида маълум умумийлик борлигидан уларнинг фарқли хусусиятларини фарқлаш бир оз қийинроқ бўлади. Бу фарқли хусусиятлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) *-ган* ва *-ган+эди* ёрдамида ясалувчи формада ҳаракатнинг бажарилиш вақти нисбатан узоқ бўлади. Шу жиҳатдан бу икки форма ўртасида умумийлик бор. *-ган* аффикси билан ясалган формада ҳаракатнинг бажарилиш вақтининг узоқлик даражаси ҳар хил бўлиши мумкин. Бундан бир неча асрлар илгари юз берган ҳодисага нисбатан ҳам *-ган* аффикси билан ясалган формани қўллаш мумкин (*Бешинчи асрда яшаган*). *-ган* аффикси билан ясалган сифатдошга эди тўлиқсиз феълени қўшиб туслаш билан ҳосил қилинган формада ҳаракатнинг бажарилишидаги узоқлик даражаси ортмайди. Агар узоқлик даражаси ортадиган бўлганида, жуда ҳам қадим замонларда юз берган ҳаракат-ҳодисаларни ифодалаш учун *-ган* аффикси билан ясалган формани қўллаш мумкин бўлмас эди, узоқликнинг маълум даражасигача *-ган* аффикси ёрдамида ясалувчи формани, ундан ўтадиган даражаси учун эса *-ган+эди*

ёрдамида ясалувчи формани қўллаш керак бўлар эди. Лекин ўзбек тилида бундай ҳолни учратмаймиз.

-ган аффикси билан ясалувчи форма жуда қадимда юз берган ҳаракатларни ифодалаш учун ҳам қўллана олиши ва ҳаракатнинг ўтган даврларга оидлиги, кўп ҳолларда бирор сўз ёки бошқа воситалар орқали англашилиб туриши сабабли маълум ўринларда эди тўлиқсиз феълни қўлламаслик ёки қўлланган бўлса, тушириб қолдириш мумкин бўлади: *Бир замонлар дадангиз мени ҳам йўлга солиш тилагида анча уринган. Мен бўлсам, ўжарлик қилиб ўз билганимни қилганман* (Ш. Рашидов). *Москвага биринчи келганимда ўзимдан-ўзим атрофга боқиб кулаверардим. Олдимдан ўтиб кетаётган одамлардан уялиб оғзимни қўлларим билан яширардим. Бари-бир бўлмасди, оғзим очилиб кетаверарди. «Кўриб оғзим очилиб қолди» деган иборанинг маъносини шунда уққан эдим* (Саъид).

Лекин *-ган* аффикси ёрдамида ясалувчи форма ҳаракатнинг ўтган даврларга (ўтмишга оидлигини) таъкидламайди (шундай маънога эга эмас). Бу форманинг узоқ вақтларда бажарилган ҳаракатни ифодалаш учун қўллана олиши унинг маълум сўзлар ёрдамида ўтган даврга оид ҳаракатни ифодалаш учун қўлланишига имкон беради. *-ган* аффиксининг ўзи ҳаракатнинг ўтмишга оидлигини бевосита ифодалаш хусусиятига эга эмаслиги сабабли маълум ўринларда эди тўлиқсиз феълни тушириб қолдириш мумкин бўлмайди (эди феъли қўлланмаса, шу маъно ифодаланмайди): *Ўрмонжон бригада ва звено бошлиқларидан хоҳлаган кишиларни ҳар ҳафта икки мартаба қизил чойхонага йиғиб ўқита бошлаган эди* (А. Қаҳҳор).

Гап таркибида энди, ҳозир (ҳозиргина) каби сўзлар қўлланганда ҳам эди тўлиқсиз феълни тушириб бўлмайди: *Улар ўринларидан турганларида, ой энди юз кўрсатган эди* (Ш. Рашидов).

Демак, бундай ҳолларда «энди», «ҳозир» каби сўзлар нисбий тарзда ишлатилади ва сўзловчи мавжуд бўлган нутқ моментини ўз ичига олган вақт маъносида эмас, балки *-ган+эди* ёрдамида ясалган феъл формаси билдирган ҳаракат бажарилган даврдаги вақт маъносида қўлланади: *Бозор бу гапларнинг ҳақиқий маъносини энди тушунган эди* (С. Айний).

Агар *-ган+эди* ёрдамида ясалувчи форма ўтган замон феълнинг бошқа формасига, масалан, *-ди* аффикси ёрдамида ясалувчи формага алмаштирилса, *ҳозир, энди* каби сўзларнинг кўпчилиги ўз маъносида («ҳозирги вақт» маъносида) бўлади. Қиёсланг: *У ҳозиргина ёдига келган қишлоқи Ҳушрўйибини ҳам, унинг камтарин, меҳнаткаш марҳум эрини ҳам, ... унутган эди* (Ойбек) — *У ҳозиргина ёдига келган Ҳушрўйибини ҳам, унинг камтарин, меҳнаткаш марҳум эрини ҳам, ... унутди*.

Лекин ҳозирги вақт (шу вақт) маъносини билдирувчи айрим сўз ёки бирикмалар қўлланган ҳолларда *-ган+эди* ёрдамида ясалувчи форма *-ди* аффикси билан ясалувчи формага алмаштирил-

са ҳам ҳаракат-ҳодисанинг ўтмишга оидлиги ифодаланаверади: *Шу вақт ташқарида ҳовлини янграгиб қўнғироқ жаранглади...* ҳовли бир зумда бўшади.

Каникул тамом бўлган, ўқишлар бошланган эди (О. Ёқубов).

Мисолдаги *тамом бўлган эди, бошланган эди* формаси *тамом бўлди* (*тамом бўлиб*), *бошланди* формаси билан алмаштирилса ҳам ҳаракатнинг ўтмишга оидлиги ифодаланаверади. Гап таркибидан «шу вақт» бирикмаси ҳам туширилса ҳаракат-ҳодиса ҳозирги вақтга оид бўлиб қолади.

Ҳаракатнинг бажарилиши жуда узоқ даврларга тўғри келиши, лекин у факт сифатида ҳозир ҳам инкор этилмаслиги мумкин. Шу сабабли, гап ичида бу ҳаракатнинг юзага келиши анча илгари (узоқ вақтларда) бўлганлигини кўрсатувчи сўзлар ёки бошқа воситалар бўлганда ҳам, бари бир, мазкур феълни *-ган+эди* формасида қўллаб бўлмайди, балки у *-ган* формасида қўлланади: *Рус халқи аллақачонлар бу жаҳонгирлик урушидан безган* (Н. Сафаров).

2) *-ган* аффикси ёрдамида ясалган форма ҳолат билдирганда, шу ҳолатнинг ҳозир мавжуд ҳолдалиги ифодаланади. Бу ҳолатнинг ўтмишдаги бирор вақт доирасида мавжуд ҳолда бўлганлигини ўтмиш маъносини билдирувчи бирор сўз ёки бошқа воситалар ёрдамида ифодалаб бўлмайди. Масалан, қирларнинг бир вақтлар майсалар билан қопланган ҳолда мавжуд бўлганини «Бу қирлар бир вақтлар майсалар билан қопланган» тарзида ифодалаш мумкин эмас. Бу маънони ифодалаш учун, албатта, *эди* тўлиқсиз феъли қўлланади. Шу сабабли ҳолатнинг ўтмишга (ўтган вақтларга) оидлигини ифодаловчи восита бўлган ҳолларда ҳам *эди* тўлиқсиз феълни тушириб бўлмайди: *Икки отряд хайрлашганда, қуёш эндигина чиққан, кун илиган эди* (О. Ёқубов). Бу мисолдан *эди* формасини тушириб бўлмайди. Баён қилинган мазмун *эди* тўлиқсиз феълсиз ифодаланадиган бўлса, бутун жумла бошқача тузилиши керак. Масалан, «Қуёш эндигина чиққан. Кун илиган. Шу вақт икки отряд хайрлашди». Бунда ҳолатнинг умуман ўтмишга оидлиги «шу вақт» бирикмаси ва контекстнинг ёрдамида ифодаланади.

3) Қўриб ўтилган иккала ҳолатда ҳам *-ган+эди* ёрдамида ясалган форма таркибида *-ган* форманти ва тўлиқсиз феълга хос хусусият озми-кўпми даражада сақланади. Лекин *-ган+эди* ёрдамида ясалган форма таркибида *-ган* форманти ҳамма вақт ҳам ўз хусусиятини сақлайвермайди. Шу сабабли маълум ҳолларда *-ган+эди* ёрдамида ясалган формадаги тўлиқсиз феълни тушириб, мазкур феълни *-ган* аффикси билан ясалган ўтган замон формасида қўллаш мумкин бўлмайди: *Кечагина юзларча ўқувчиларнинг қувноқ шов-шувлари билан янграб турган кенг, ёруғ бинолар энди жим-жит бўлиб қолди. Дарсга чақирувчи қўнғироқнинг ёқимли, таниш овози тинди.*

Уқишлар тамом бўлган, каникул бошланган эди (О. Ёқубов).

Бир неча гапдан иборат бўлган контекстларда биринчи гап ёки охирги гап кесими вазифасида келган феълни *-ган+эди* ёрдамида ясалувчи формада қўллаш билан шу контекстдаги барча феъллар билдирган ҳаракат ёки ҳолатнинг ўтган даврларга оидлиги ифодаланади. *-ган+эди* ёрдамида ясалган форма билдирган ҳаракатнинг бажарилиш вақти шу контекстдаги бошқа феъллар билдирган ҳаракатларнинг бажарилиш вақтидан нисбатан илгари (узоқ) бўлмай, бу феъллар билдирган ҳаракатларнинг бажарилиши ўтмишдаги маълум бир вақт доирасида бўлиши мумкин. Ана шундай ҳолларда *-ган+эди* ёрдамида ясалган формадан *эди* тўлиқсиз феълни тушириб бўлмайди. Чунки *-ган* аффикси билан ясалган ўтган замон феълида, юқорида кўриб ўтганимиздек, ҳаракатнинг бажарилиш вақти *-ди* аффикси билан ясалган ўтган замон формасига нисбатан узоқ (илгари) бўлади. Бир мисол: *Шу вақт ташқарида ҳовлини янгратиб қўнғироқ жаранглади. Уқувчиларга ёқимли, таниш овоз синфларни, коридорни, зални — ҳамма ёқни тўлдирди. Ҳовли бир зумда бўшади. Каникул тамом бўлган, ўқишлар бошланган эди* (О. Ёқубов).

Бу мисолдаги барча феъллар билдирган ҳаракат ўтмишда бир вақтда бажарилган. Демак, ундаги *бошланган эди, тамом бўлган эди* формасидаги *-ган* аффикси нисбатан узоқни билдирувчи аффикс сифатида қатнашмаган. Агар *эди* тўлиқсиз феъли бўлмаса, *-ган* аффиксининг ўзи мустақил феъл формасини ясовчи бўлиб қолади ва унинг ўзига хос бўлган маъно хусусияти ҳам тикланади. Шу сабабли келтирилган мисолдаги эди тўлиқсиз феълни тушириш мумкин эмас. Агар бу мисолдаги феъллар билдирган ҳаракатлар ўтмишдаги бирор вақтда бажарилган ҳаракатлар сифатида эмас, ҳозир бажарилган ҳаракатлар сифатида ифодаланадиган бўлса, у ҳолда охирги икки гапнинг кесими *тамом бўлган, бошланган* формасида эмас, балки улар ҳам олдинги гапларнинг кесими билан бир хил замон формасида (*тамом бўлди, бошланди* формасида) қўлланиши керак: *Шу вақт ташқарида ҳовлини янгратиб қўнғироқ жаранглади. Уқувчиларга ёқимли, таниш овози... ҳамма ёқни тўлдирди. Ҳовли бир зумда бўшади.*

Каникул тамом бўлди (ёки *тамом бўлиб*), *ўқишлар бошланди.*

Демак, бундай ҳолларда *-ган* аффикси нисбатан илгари бошланган ҳаракат ёки ҳаракатнинг патижаси сифатидаги ҳолатни билдирувчи аффикс сифатида қатнашмайди, балки ҳаракатнинг нутқ моментига нисбатан бажарилган вақтни ифодалашни жиҳатдан умумий маънода *-ди* аффиксининг синоними сифатида қатнашади. *Эди* тўлиқсиз феъли ҳаракатнинг нутқ моментига муносабатини доим ифодаловчи *-ди* аффикси билан ясалган ўтган замон формасига бирика олмаслиги сабабли *-ди* аффикси ўрнида *-ган* аффиксидан фойдаланилади. Шу сабабли бундай ҳолларда *-ган+эди* ёрдамида ясалувчи форманинг маъноси, асосан *-ди* аффикси ва *эди* тўлиқсиз феълнинг маънолари йнғиндисига тўғри келади, яъни

бундаги «ўтмиш» маъноси бевосита эди тўлиқсиз феълига хос бўлиб, ҳаракатнинг ана шу ўтмишдаги конкрет вақтдан илгарироқ, узоқроқ эмас, балки шу вақтнинг ўзида бажарилиши маъноси -ди аффиксига хос маънодир.

2. Эди тўлиқсиз феълининг «ҳозир эмас, аввал, илгари» деган маънога эгаллиги нутқ сўзланаётган вақтда -ган+эди ёрдамида ясалган формадаги феъл билдирган ҳаракат-ҳолатдан бошқача ёки мазмун жиҳатдан унга алоқадор бўлган бирор ҳаракат-ҳодиса юз берганлиги маъносини келтириб чиқаради: *Таклиф қилмасаям ўтира бошлагандим...* (С ай ёр). *Мажлисда ҳамма масала очилгандай, Аҳмедовдан сўралмаган ва тўлиқ жавоб олинмаган савол қолмагандай бўлган эди...* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Бу мисолларда -ган+эди ёрдамида ясалган форманинг қўлланиши натижасида нутқ сўзланаётган вақтда шу формадаги феъл билдирган ҳаракат билан қандайдир алоқаси бўлган бошқа бирор ҳаракат, ҳодиса юз берганлиги англашилиб туради. Бу ҳаракат-ҳодисани кўрсатувчи сўз ёки гап йўқлигидан ҳали фикр тугамагандек, айтиладиган гап тамом бўлмагандек бўлиб туради: *Бир оз яйрашамизми деб келган эдим, шу ерда ҳам тинчлик бермадингиз* (Н. Сафаров). Бу мисолдаги кейинги гап қўлланилмас, фикрнинг тугамаганлиги аниқ сезилиб туради. Лекин ёзувда ёки оғзаки нутқда -ган+эди ёрдамида ясалувчи форма билдирган ҳаракатга муносабати бўлган ҳаракат-ҳодисани билдирувчи сўз ёки гапнинг қўлланиши ҳамма вақт ҳам шарт эмас. Алоқаси бўлган ҳаракат-ҳодиса кўп ҳолларда контекстдан, умумий ҳолатдан ёки гапнинг умумий мазмунидан англашилиб туради ва бу ҳаракат-ҳодисани билдирувчи гапни қўллаш талаб этилмайди ва қўлланилмайди ҳам: *Мен сизни жуда мард қиз деб ўйлаган эдим* (С. Зуннунова). *Бормисан, азизим. Биз сени ўлди га чиқарган эдик-а!* (З. Фатҳуллин).

Демак, эди тўлиқсиз феълининг муносабат ифодалаш хусусияти бу форма доирасида ҳам сақланади, яъни -ган+эди ёрдамида ясалган форма муносабат ифодалаш учун ҳам кенг қўлланади.

-ган+эди ёрдамида ясалган форма муносабат ифодаламай, ҳаракат-ҳолатни ҳикоя тарзида ифодалаш учун қўлланилганда, бу ҳаракат-ҳолатнинг бажарилган вақти нисбатан анча илгарироқ вақтга оид бўлади. Муносабат ифодалаган ҳолларда эса ҳаракатнинг бажарилиши илгарироқ эмас, балки ҳозирги вақтга тўғри келиши ҳам мумкин. Ҳатто, бундай ҳолларда феълдан англашилган ҳолатнинг ҳозир ҳам мавжудлиги инкор этилмайди:

— *Ҳа, ая келдингизми, қорин ҳам тоза очган эди-да:*

— *Акангни чақир, овқатланиб олинглар* (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов).

Муносабат ифодалаш ёки ифодаламаслик нуқтан назаридан айнан бир ҳаракатнинг ўзини билдирувчи феълни -ган+эди ёрдамида ясалувчи формада ёки ўтган замон феълининг бошқа формасида қўллаш мумкин.

— Овозингизни эшитиш умиди билан атайлаб келган эдим, бахтимга ўзингизни ҳам кўрдим.

— Атайлаб келмагансиз, ишингиз бордир,... (Ойбек).

Эди тўлиқсиз феъли муносабат (алоқадорлик) ифодалаш хусусиятига эгаллиги сабабли қўшма гапларда *-ган+эди* ёрдамида ясалган форма қўлланган ҳолларда қўшма гап компонентини (содда гапни) боғловчи воситалар қўлланмаслиги ҳам мумкин бўлади: *Чол қўл узатган эди, Норқўзи қучоқ очди* (Ҳ. Фулом). Агар *-ган+эди* ёрдамида ясалувчи форма *-ди* аффикси билан ясалувчи формага алмаштирилса, албатта боғловчи қўллаш лозим бўлади: *Чол қўл узатди, лекин Норқўзи (эса) қучоқ очди*.

Бироқ бу фактдан эди тўлиқсиз феъли ҳозирги замон ўзбек тилида *лекин*, *аммо* каби боғловчиларга хос вазифаларга ҳам эга (*эди* — боғловчи) демоқчи эмасмиз. Бу форма қўшма гаплар таркибида муносабат маъносини ифодалайди, холос. Лекин у қўшма гап компонентларининг мазмун жиҳатдан қандай муносабатдир эканлигини аниқ ифодаламайди. Мазмун жиҳатдан бўлган муносабат бошқа сўзлар ёки қўшма гапнинг умумий мазмунидан реаллашади. Қуйидаги мисолларни қиёсланг: *Унинг авзойини кўрган келин ҳол-аҳвол сўрашай деб оғиз жуфтлаган эди, хола кўрмаганга солиб ўтиб кетди* (Ж. Абдуллахонов). *Масков, Петербург театрларини гапирган эди, оғзим очилиб қолди* (Ойбек). *Жиянингни бир пас кўтарган эдим, нақ манови қиймат қилворди* (Саид Аҳмад). *Сатторқул чиқиб, «ундоқ қиламиз, бундоқ қиламиз» деб аравани қуруқ олиб қочаверган эди, «қисир сизир кўп маърайди» дедилар* (А. Қаҳҳор). *Ҳошимжонга қараб ўтирган Анзират хола пиқ этиб кулиб юборган эди, бурнидан пуфак ёрилди* (А. Қаҳҳор).

3. Пайт ифодалайди ва пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади: *Давлатбеков ошни еб бўлиб...* энди бир мизғиб олмоқчи бўлиб чўзилган эди, *кўчада мотор гувиллади* (П. Қодиров). *Чой чақириб энди бир пиёла ичган эдики, олтмиш-етмиш ёшлар ўртасидаги тўрт қария келиб унинг ёнига ўтирди* (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов).

-ган+эди ёрдамида ясалган феъл формаси эргаш гапнинг кесми вазифасида келиши учун бош ва эргаш гапдаги ҳаракат ўтган замонга оид бўлиши керак. Бунинг сабаби эди тўлиқсиз феълнинг ҳозиргача (аввал, илгари) юз берган ҳаракат-ҳодисани ифодалаш хусусиятидир.

Бу типдаги эргаш гапли қўшма гапларда *-ган+эди* ёрдамида ясалган феъл формаси ҳам ёки *-ки* юклагаси, ҳатто уларнинг иккаласи билан қўлланиши мумкин. Лекин ҳам ва *-ки* юклагалари эргаш гапни бош гапга боғлаш вазифасини бажармайди, балки гаъкид, кучайтириш учун қўлланади. Булар тушириб қолдирилса ҳам қўшма гап компонентларининг ўзаро боғлиқлиги йўқолмайди: *Чой чақириб, энди бир пиёла ичган эдики, олтмиш-етмиш ёшлар ўртасидаги тўрт қария келиб унинг ёнига ўтирди* (Ҳ. Нуъмон, Шораҳмедов). *Булар... коплон томонга бурилган*

ҳам эди, орқада, йигитлар тўпида шовқин, бақирӣқ, чақирӣқ бошланди (Ҳ. Нуъмон). Сайёра элий олмаслигини айтиб, арз қилишига оғиз жуфтлаган эди ҳамки, ...комсомол комитетининг секретари Олим Умаров... (О. Ёқубов).

Пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиш ва эргаш гапни бош гапга боғлаш вазифаси ҳозирги ўзбек тилида *-ган+эди* ёрдамида ясалган форманинг алоҳида бир вазифасига айланганлигидан маълум ҳолларда эргаш гапни бош гапга боғловчи айрим воситалар ўрнида *-ган+эди* ёрдамида ясалган формани ва, аксинча бу форма ўрнида эргаш гапни бош гапга боғловчи бошқа воситаларни қўллаш мумкин бўлади: *Эшикни тақиллатсак, етти-саккиз ёшлар чамасидаги бир қиз эшикни очиб: «Сизларга ким керак?» деб сўради* (Б. Раҳмонов). *Ўзи ҳам қараб турмай энди ишга бошлаган эди, директор телефон орқали чақириб қолди* (Ибоҳон). Биринчи мисолдаги *тақиллатсак* феълни *тақиллатган* эдик формасида, иккинчи мисолдаги *бошлаган эди* феълни *бошлаганида* формасида қўллаш мумкин. *-ган+эди* ёрдамида ясалувчи форма пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида қўлланувчи бошқа формалардан маъно ва бошқа ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади.

Пайт эргаш гапли қўшма гапларда бош гапнинг кесими ўтган замон феълнинг барча формаларида қўлланиши мумкин: *Сен қайтиб келгач, кетган эди — қайтиб келгач, кетган-у қайтиб келгач, кетдим* ва ҳ. к. Лекин *-ган+эди* ёрдамида ясалувчи феъл формаси бош гапнинг кесими *-ди* аффикси орқали ясалган феъл формасидан бўлгандагина эргаш гапнинг кесими вазифасида кела олади. Бу ҳодиса *-ган+эди* ёрдамида ясалувчи феъл формаси билан ўтган замон феълнинг бошқа формаларига хос хусусиятнинг ўзаро таъсиридан келиб чиқади.

-(и)б+эди ёрдамида ясалувчи форма. Жонли сўзлашувда ундош ёки «и» унлиси билан тугаган феълларда *«(и)б эди» — -увди* тарзида талаффуз этилади: *очувди < ачи+б+эди*; «а» унлиси билан тугаган феълларда бу товуш «о»га, равишдош ясовчи *-б* аффикси «в»га айланади: *ишловди < ишла+б+эди*. Деярли ҳамма шеваларнинг талаффузи учун умумий ҳолат бўлганидан ёзувда ҳам шу кўриниш, ўз-ўзидан, қўлланаверади.

Феълнинг бу формаси ўз хусусиятига кўра *-ган+эди* ёрдамида ясалувчи формага жуда яқин туради, яъни:

1. Ҳаракатнинг ўтмишдаги бирор вақтда (илгари) юз берганлигини (ҳаракатнинг ҳозирга эмас, илгарига ондлигини) билдиради: *Уруш тугаса, бизникига меҳмонга бэрасиз, ўшанда аямнинг қанақалигини кўрасиз деб эди* (С. Зуннунова). *Ҳасан, эсингдами, ойим билан бир қишлоққа борувдик* (Ибоҳон).

Бу маънода *-(и)б+эди* ёрдамида ясалувчи феъл формаси *-ган+эди* ёрдамида ясалувчи форма билан бирликни ташкил этиши сабабли бир жумла ичида айнан бир маънода улар аралаш (кетма-кет) қўлланавериши мумкин: *Армияга кета туриб илтимос қилган эдим, шу суратни берувди. Кутади деб кўнглим тўқ бўлиб кетган эдим* (П. Қодиров).

2. Муносабат ифодалайди. Муносабатнинг мазмун жиҳатдан қандай характерга эгалити шу муносабатдаги гапларнинг умумий мазмунидан реаллашиб туради: *Менга арз қилиб келувди, менда ихтиёр йўқ, ҳоким тўрага боринг, дедим. Ҳокимга секин шипшитиб қўювдик, у киши ҳам: ярим подишодан сўранг, дебди* (М. Исмоилий). *Ана, мен албатта озод бўламиз дёмовдимми* (С. Айний).

3. Пайт ифодалайди ва пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади: *Жойимдан жилиб, бир-икки қадам шийпон ўртасига юрувдим, қиз «ялт» этиб менга қаради* (У. Нэзаров). *Шу куни энди кўчага чиқиб эди, Зуннун бошлиқ беш нафар бола пойлаб турган...* (М. Исмоилий).

Юқорида келтирилган факт ва мисоллар кўрсатадики, асосий маъно ва вазифаларида *-ган+эди* ва *-(у) б+эди* ёрдамида ясалувчи формалар маълум умумийликка эга. Агар, ўтган замон феъллари энг яқин хусусиятларига қараб группаланадиган бўлса, *-(у) б+эди* ва *-ган-эди* ёрдамида ясалувчи форма бир группага киритилиши керак бўлади. Лекин ҳозирги ўзбек тилида бу икки форманинг ҳар бири ўзига хос айрим хусусиятларга эга. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки тилда бир-бирига бутунлай тенг келадиган ҳодисаларнинг доимий эмаслиги қонундир.

-(у) б+эди ва *-ган+эди* ёрдамида ясалувчи формаларнинг асосий фарқли хусусиятларидан бири биринчисининг нисбатан кам қўлланишидир.

Юқорида кўрдикки, *-(у) б эди* формаси оғзаки нутқда *-увди, -овди* тарзида талаффуз этилади ва ёзувда шу ҳолда ифодаланаверади. Талаффуздаги ҳолатига қараб бериш (ёзиш) бу формани кўпроқ оғзаки нутққа хос қилиб қўяди (оғзаки нутққа хос форма қилиб кўрсатиб қўяди). Унинг ёзувда *-ган+эди* ёрдамида ясалувчи формага нисбатан кам қўлланиш сабаби ана шунда. Лекин *-(у) б+эди* ёрдамида ясалувчи форманинг ўзи эса (маълум тур сифатида) оғзаки ва ёзма нутқ учун умумий.

«а» унлиси билан битган феъллар бу формада қўлланганда ҳам, одатда «б» равишдош кўрсаткичи «в» талаффуз этилади. Ундан олдинги «а» унлиси айрим шеваларда (масалан, Тошкент шевасида) «о», айрим шеваларда эса ўз аслича («а») талаффуз этилади. Лекин «а» унлиси ўз ҳолича талаффуз этилгани билан адабий тил нуқтан назаридан бу ҳодиса нормал ҳолат ҳисобланмайди.

Чунки адабий тилда «в»дан олдинги позициядаги «а», «о»га ўтади: *сайла — сайлов, бура — буров, қийна — қийнов* каби. Шунга кўра, *ишловди, сўровди* типдаги форманинг қўлланиши адабий тил нуқтан назаридан ҳам нормал ҳолат бўлаверади.

-ган аффикси билан ясалган ўтган замон формасида ҳаракат бажарилиш вақтининг *-ди* аффикси билан ясалган ўтган замон формасидагига нисбатан узоқроқ бўлишини кўрган эдик. Ҳаракат бажарилиш вақтининг узоқ-яқинлиги жиҳатидан *келди* ва *келибди* типдаги форма бир-биридан фарқланмайди. Демак, ҳаракатнинг бажарилиш вақти *келган* формасида *келибди* формасидагига

нисбатан узоқ бўлади. Қиёсланг: *олибди — олган, келибди — кетган, ўлибди — ўлган*. Ўтган замон феълининг бу икки формаси ўртасидаги фарқ *-(и) б + эди* ва *-ган + эди* ёрдамида ясалувчи формаларда ҳам маълум даражада сақланади, яъни ҳаракатнинг бажарилиш вақти *келган эди* формасида *келиб эди* формасидагига нисбатан узоқроқ бўлади.

Тўғри, *-ган + эди* ёрдамида ясалувчи форма ҳамма вақт нисбатан узоқ бўлган ҳаракатни ифодалаш учун қўлланавермайди. Ҳаракатнинг бажарилиш вақти бошқа воситалар орқали аниқ ифодаланиб туриши сабабли бу икки форманинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш имконияти бор (буни юқорида кўрдик). Лекин иккала форма контекстдан ташқари, бошқа сўзлардан холи қилинганда, *-ган + эди* ёрдамида ясалувчи формада ҳаракат бажарилиш вақтининг нисбатан узоқлиги сезилади. Қиёсланг: *олиб эди — олган эди, келиб эдинг — келган эдинг, туриб эди — турган эди, кўриб эдим — кўрган эдим*. Шу хусусиятига кўра (ҳаракатнинг бажарилиш вақтини конкретлаштирувчи воситалар бўлмаганда), анча қадим бўлиб ўтган ҳаракатнинг ифодасида, асосан, *-ган + эди* ёрдамида ясалувчи форма қўлланади.

-ган аффикси билан ясалган феъл формаси, одатда, ҳаракатни ҳолат тарзида ифодалайди. *-ган* аффиксининг бу хусусияти *-ган + эди* ёрдамида ясалувчи формада ҳам сақланади ва айрим феъллар бу формада қўлланганда, ҳаракатнинг эмас, балки ҳолатнинг ўтмишга ондлиги ифодаланади. Бундай ҳолларда унинг ўрнида *-(и) б + эди* ёрдамида ясалувчи формани қўллаб бўлмайди: *.. қорол ва мардикорлар тиз чўкиб, қўлларини қовуштириб ўтиришди, уларнинг бошлари эгилган эди (Ойбек). Раиса мажлисдан чиқиб, биласи бўйлаб кетди. Тераклар учидаги ой атрофни қуюқ нурга кўмган эди (Ж. Абдуллахонов)*.

-ётган + эди ёрдамида ясалувчи форма: *ишлаётган эди, келаётган эди каби*. Ундош билан битган феълларда *-ёт* формантидан олдин бир а уйлиси орттирилади: *суриштираётган эди, кўтараётган эди* каби. Бу форма қуйидаги маъно ва вазифаларда қўлланади:

1. Ҳаракатнинг ўтмишдаги бирор вақт моментида бажарилаётган ҳолда эканини (тугамаган, давом этаётган ҳаракат эканини) билдиради. Бажарилаётган вақт эса бошқа бирор восита, контекст ёки умумий ҳолатдан маълум бўлиб туради: *у (Икромжон) бу тонг ҳам тўқайга қараб кетди. Бу гал у миллиқ олмади. Оталик журғати билан уни кўндиришни ният қилган эди*.

Ғира-шира тонг ёришиб келаётган эди. Икромжон қамшилар орасида узоқ кезди. Овоз чиқариб ўғлини чақирди. Ҳеч қандай жавоб бўлмади (Сайд Аҳмад). Низомжон тўнини апилтапил кийиб цехга югурди. Тунги смена танаффусга чиққан, ҳамма бир-бирини янги йил билан табриклаётган эди (Сайд Аҳмад).

2. Муносабат ифодалайди. Бундай ҳолларда *-ётган + эди* ёрдамида ясалган форма билдирган ҳаракатга алоқадор бўлган қандай-

дир бошқа ҳаракат-ҳодиса ҳам бўлади: *Давлатбеков шу билан бир балодан қутулдим деб қувонаётган эди. Бироқ Воҳидов яна ўша мавзуга қайтди* (П. Қодиров). *Икромжон каналдан сув ташиб келишни Низомжонга юклаётган эди, у рози бўлмади* (Саид Аҳмад).

Муносабат ифодаланган ҳолларда ҳаракатнинг бажарилиши анча илгари вақтга оид бўлмаслиги, ҳатто, бу гап айтилаётган вақтга оид бўлиши мумкин. Шу сабабли, муносабат маъноси ифодаланмайдиган бўлса, «-ётган+эди»ни *-ял* аффикси билан алмаштириш мумкин бўлади:

— *Сен менга айтчи, новча ҳарбий киши ҳам шу ердами?*

— *Ут қўйиш учун Умарбек билан Шоди Човушни ўша юборди-да.*

— *Узинг бевақт қаерга кетаётган эдинг?*

— *Сизларнинг олдиларингизга бориб, Умарбек билан Шоди Човушининг ўт қўймоқчи бўлганлигини айтмоқчи эдим.*

— *Барака топ, ўғлим ...* (Ғайратий).

Мисолдан кўриниб турибдики, (Пўлатнинг) келаётган вақтнинг моментига тўғри келади. Бу жиҳатдан «Қаерга кетясан?» деб сўраш ҳам мумкин. Лекин бу ҳаракат энди ўзгариши мумкин (Пўлатжон йўлида давом этмаслиги мумкин). Ана шу муносабатни ифодалаш учун *кетаётган эдинг* формаси қўлланган.

3. Пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келади ва эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади. Бундай қўшма гапларда эргаш гапнинг кесими вазифасидаги феъл билдирган ҳаракат бажарилаётган вақтда бош гаптаги ҳаракатнинг бажарилиши ифодаланади: *Қаландаров хиргойи қилиб келаётган эди, йўл бўйида турган милиционер қўлидаги ола таёқ билан йўлинг четини кўрсатди* (А. Қаҳҳор). *Ариқ қазийётганларга чой олиб бораётган эди, қўш тарафга кетаётган Зебихонни кўриб қолди...* (Саид Аҳмад).

ётиб+эди ёрдамида ясалувчи форма: *бораётиб эди, ишлаётиб эди* каби. Маъно, вазифаси жиҳатидан бу форма *-ётган+эди* типига ясалувчи формадан фарқланмайди. Шу сабабли айнан бир ҳаракатни билдирувчи феъл жумла ичида ана шу икки хил формада аралаш қўлланавериши мумкин:

— *Қаёққа кетаётган эдингиз?*

— *Шаҳарга.*

— *Мен ҳам шаҳарга кетаётувдим* (У. Назаров).

Оғзаки нутқда *-ётиб+эди* деярли ҳамма вақт *-ётувди* тарзида талаффуз этилади. Талаффуз учун умумий бўлган бу ҳодиса ёзувда ҳам ўз ифодасини топган, яъни *-ётиб эди* ёзувда ҳам асосан, *-ётувди* тарзида учрайди. *-ётувди* шакли оғзаки нутқнинг ифодаси бўлганидан ёзувда унинг қўлланиши *-ётган+эди* типигаги формага нисбатан кам учрайди. Бадиний адабиётларда ҳам бу форма жонли сўзлашувни акс эттирувчи ўринларда, асар қаҳрамонлари нутқида кўпроқ учрайди: *Жуда зеркиб кетдим, айтчи, ҳали Азиза билан кулишиб нимани гапиришаётувдиларинг...*

(Х. Нуъмон, А. Шораҳмедов). *Салом бериб ёнларида ёттиб кетаётувдим: «Ҳа, қори, ярим кечада йўл бўлсин?»*-деди (М. Исмоилий). *Мен кирганда қизиқ бир нарсани ҳикоя қилаётувдингиз* (Х. Фулом).

-*ётган эди* билан *-ётиб эди (-ётувди)* ўртасидаги бу фарқли хусусият худди *-ган эди* билан *-(и)б эди (-увди)* ўртасидаги фарқли хусусиятга ўхшайди.

моқда+эди ёрдамида ясалувчи форма: *келмоқда эди, кўрмоқда эди*.

-*моқда* аффикси ёрдамида ясалувчи форма китобий тилга хос бўлиб, оддий сўзлашувда қўлланмайди. Бу форма образли ифодаларда, кўтаринки нутқларда қўлланади. Озгаки нутқнинг адабий тил нормаларига асосланган турида, докладларда ва бошқа гаптанали нутқларда учрайди. Ҳаракатнинг бажарилиш характери (давомлилики ёки бошқа хусусиятини) ифодалашига кўра *-моқда* ва *-яп* аффикслари ёрдамида ясалувчи формалар ўзаро фарқланмагандек (бу ҳақда «ҳозирги замон формалари» баҳсига қаранг), *-моқда+эди* ва *-ётган+эди* ёрдамида ясалувчи формалар ҳам бу жиҳатдан ўзаро фарқланмайди, *-моқда эди* типиде ясалувчи форма ҳам (худди *-моқда* аффикси ёрдамида ясалувчи форма каби) ёздий асарларда, асосан, автор нутқида учрайди.

-моқда+эди ёрдамида ясалган форма худди *-ётган+эди* типиде ясалувчи форма каби ўтмишдаги бирор моментда давом этаётган, тугалланмаган ҳаракатни ифодалаш учун ҳам, шунингдек, муносабат ифодалаш учун ҳам қўлланади: *узилиб кетган ер парчаси худди олдай секунд сайин денгиз ичкарасига қараб кетмоқда эди* (А. Мухтор). *Афтдан Сафаров иккови оғилга томон кетмоқда эди. Мирҳамидхўжа шошиб Қамбарали аканинг қўлидан пулни олди-да, унинг қўйнига тикди* (А. Қаҳқор).

-моқда+эди ёрдамида ясалувчи форманинг пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш учун қўлланиши (пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши) деярли учрамайди. Бунинг сабаби ҳам унинг маънони кучайтириб, образли қилиб ифодалашидадир, яъни бош гап кесимининг стилистик жиҳатдан нейтрал формадаги феълдан бўлиши эргаш гап кесими вазифасидаги феълнинг ҳам стилистик жиҳатдан нейтрал хусусиятга эга бўлган формада бўлишини талаб этади. Чунки ўзаро муносабатда бўлган ҳаракатларни билдирувчи феъллардан бирини, аниқроғи, бундаги нисбий формани образлилик хусусиятига, маънони кучайтириш хусусиятига эга бўлган формада, асосий феълни эса стилистик жиҳатдан нейтрал формада қўллаш бундай муносабатнинг характерига мос келмайди.

Ҳозирги ўзбек тилида тўрт ҳолат феълининг—*ёт, тур, юр, ўтир* ҳолат феълларининг—ҳозирги замон формаси, умумий ҳолатдан истисно тарзида, *ётибди, турибди, юрибди, ўтирибди* формасида ясалди. Бошқа феълларда *-ётган+эди, -ётиб+эди* формаси орқали ифодаланган маъно бу феълларда *-ган+эди* ёки *-(и)б+эди* (*турган эди, туриб эди*) формасида ифодаланади. Демак, ўтган замон феъллари маъно жиҳатдан группаланган

бўлса, тўрт ҳолат феълининг бу формаси ўтган замон феълининг *-ган+эди*, *-б+эди* ёрдамида ясалувчи формаси қаторига эмас, балки *-ётган+эди*, *-ётиб+эди* каби формадаги феъллар группасига киради.

Бу тўрт ҳолат феъли шу формада кўмакчи феъл вазифасида келганда, айрим нозик фарқлардан қатъи назар, *-ётган+эди*, *-ётиб+эди*, *-моқда+эди* формаларига хос маънони билдиради: *Икромжон болалик излари тушган йўллардан, тор кўчалардан ёғоч оёқ билан алла вақтгача кезиб уйига қайтди. Хотини ухламай тўқ этса эшикка қараб ўтирган эди* (Саид Аҳмад). *Ҳали почталёон Марҳамат опадан. . . янги адресингни сўраб турувди-ку* (Ҳ. Назир). *Жудаям боргим келяпти. Қачондан бери Борис билан ваъдалашиб юрувдим* (Ҳ. Назир).

Демак, бу турдаги феъллар ҳам мазмун жиҳатдан *-ган+эди* формасидаги ўтган замон феъллари билан эмас, балки *-ётган+эди*, *-ётиб+эди* каби формадаги феъллар билан бир группани ташкил этади.

-(а)р+эди (-мас+эди) ёрдамида ясалувчи форма: *ишлар эди*, *келмас эди*. Ҳозирги ўзбек тилида *-(а)р* аффикси ёрдамида ясалувчи сифатдошнинг *эди* тўлиқсиз феълига бирикишидан ҳосил бўлган феълнинг ижро майли ва шартли майл формаси бўла оlishини кўрдик. Ижро майли формаси сифатида у:

1. Ҳаракатнинг ўтган замондаги бирор вақтда тугамаганлигини, бажарилишда давом этганлигини билдиради: *Ёмғир бетиним ёғар, лекин унинг томчилари чанг зарраларидек кўзга илинмас эди* (П. Турсун). *Улар бир партада ўтиришар, бирга дарс тайёрлашар, мактабни битиргандан кейин қаера ўқишга бориш ҳақида маслаҳатлашар, ҳаёл суришарди* (С. Зуннунова).

-(а)р+эди ёрдамида ясалувчи форма ўтган замондаги маълум бир вақтда тугамаган, давом этган ҳаракатни билдириши билан *-ётган+эди*, *-ётиб+эди*, *-моқда+эди* ёрдамида ясалувчи формаларга жуда яқин туради. Лекин ўзига хос айрим хусусиятлари билан улардан фарқланади. Бу форма билдирган ҳаракат одатдаги (типик ҳаракатлардаги) ҳаракат ёки ўтмишдаги маълум бир вақтда бажарилаётган, давом этаётган ҳолдаги ҳаракат бўлиши мумкин. Одатдаги (донмий) ҳаракатни билдирган ҳолларда унинг ўрнида *-ётган+эди* (*-ётиб+эди*, *-моқда+эди*) ёрдамида ясалувчи формани қўллаб бўлмайди: *Кичкиналимда дадамлар билан отга минганиб қовун сайлига чиқардик, . . . одамлар кечалари гулхан ёқишиб суҳбат қилишарди, мен бўлсам эски жангномаларни эслардим* (О. Ёқубов).

Ўтган замон феълининг *ётган+эди*, *-ётиб+эди*, *-моқда+эди* ёрдамида ясалувчи формаларида аниқ ҳозирги замон феълига хос бўлган хусусият сақланади. Бу формалар ифодалаган ҳаракатлар конкрет бир вақтда юз бераётган бўлади. Бу конкретлик *ишлаётган* формасидаги сифатдошда ҳам сақланади. Демак, конкретлик жиҳатидан *ишляпти*, *ишлаётган*, *ишлаётган эди* формалари бир-биридан

фарқланмайди. Лекин ҳозирги-келаси замон феъли, ҳозирги-келаси замон сифатдоши ва ҳозирги-келаси замон феълининг «вакил» форманти (-р) қатнашган -(а)р+эди ёрдамида ясалган формада ишляпти, ишлаётган, ишлаётган эди формаларидаги каби бир хил муносабатни кўрмаймиз.

Аввало, ҳозирги-келаси замон феъли нутқ momentiда бўлаётган ҳаракатни ифодалаш учун (аниқ ҳозирги замон маъносида) қўллана олади. Лекин ҳозирги-келаси замон сифатдоши ҳеч вақт аниқ ҳозирги замон маъносида қўллана олмайди, яъни, кулади формаси куляпти формасининг маъносида қўлланиши мумкин, лекин куладиган формаси ҳеч вақт кулаётган формаси маъносида қўлланмайди. Шу сабабли ўтмишда бир вақтда юз бераётган ҳаракатларнинг бири сифатдош формасида, иккинчиси -(а)р+эди формасида ифодаланган бўлса, сифатдош формаси -ётган формасида бўлади, лекин ҳеч вақт -диган ёрдамида ясалувчи формада қўлланмайди: Қурбон ота ёш боладай қувончдан энтикиб сўзлаётган Сидиқжоннинг сўзларига зўр мамнуният билан қулоқ солар эди (А. Қ. аҳқоф). Ҳаммадан кўра кўпроқ ва баландроқ қўйиш қайтаётган Қўзибойнинг овози эшитилса ҳам, ўзи кўринмасди (Ҳ. Назир).

Ҳозирги-келаси замон феъли нутқ momentига оид ҳаракатни ифодалаган ҳолларда ҳам ўзига хос маълум бир нозик томони билан аниқ ҳозирги замон феълидан фарқланади: Меҳмонлар ишй-панда шоҳи, атлас кўрпачаларга бошларини оппоқ ва юмшоқ ёстиқларга кўмиб ухлайдилар, баъзиси пишиллайдилар, яна бирови хириллайди, кими секингина бурни билан ҳуштак чалади, баъзилари хуррак тортади (Ойбек).

Бу мисолда ҳозирги-келаси замон феъл формаси орқали бевосита кузатиб турилган ҳаракат ифодаланапти. Шунга кўра, уларни ухляптилар, пишиллаяпти, хириллаяпти, хуррак тортяпти тарзида ифодалаш мумкин. Бу билан ҳаракатнинг нутқ momentига муносабатида ўзгариш бўлмайди. Лекин ёзувчи ҳозирги-келаси замон формасини қўллаш билан бу ҳаракатларнинг нутқ momentига бўлаётганини таъкидламоқчи эмас, балки ҳар бир бажарувчига хос ҳаракат тарзида ифодаламоқчи. -(а)р+эди ёрдамида ясалувчи форма ўтмишдаги маълум бир momentда юз бераётган ҳаракатни ифодалаган ҳолларда ҳам ҳозирги-келаси замон формасига хос бўлган ана шу хусусият сақланади ва шу хусусияти билан -ётган+эди, -моқда+эди ёрдамида ясалувчи формалардан фарқланиши мумкин: Девор тагида катта сизир бошвоғини ерга ёйиб бемалол ковуш қайтариб ётарди. Унинг қўнғир туклари ойдинда олтинланиб ялтирарди (Ойбек).

Феъллар билдирган ҳаракатлар маълум бир конкрет вақтда бажарилиши жиҳатдан бир-биридан фарқланмаслиги мумкин. Лекин бу ҳаракатларнинг қай тарзда ифодаланишига қараб -ётган+эди ёки -(а)р+эди формаси қўлланади. Агар мақсад ҳаракатнинг бажарилиш momentини таъкидлаш (конкретлаштириш) бўлса, -ётган+эди ёрдамида ясалувчи форма қўлланади.

Асосий эътибор умуман ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатига қаратилган бўлса, $-(a)r+эди$ ёрдамида ясалувчи форма қўлланади. Бунда ҳаракатнинг бажарилиш momenti конкретлаштирилмайди (таъкидланмайди). Қуйидаги парчада $-ётган+эди$ ва $-(a)r+эди$ ёрдамида ясалган формалар билдирган ҳаракатлар аниқ бир вақтда бажарилаётган ҳаракатлар. Лекин юқорида айтилган хусусиятларга қўра бу икки форманинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин эмас:

Қундузхон югуриб чиқди. Хотин қўлидаги буюмларни столга қўйяётган эди.

—*Дадангиз кетиб қолдиларми?*

—*Ҳозир кетдилар. Лола тузукми аяжон? Хотин турган ерида донг қотиб қолди. Қундуз уни аяжон деб атади. У бахтдан энтика-энтика Қундузнинг бошини силар, эркаларди (Сайд Аҳмад).*

Ҳозирги ўзбек тилида ҳозирги-келаси замон феъл формаси бевосита нутқ моментиди бўлиб турган ҳаракатни билдириш учун кам қўлланади. Бу маънода, асосан, $-яп$, $-ётиб$, $-моқда$ аффикслари ёрдамида ясаладиган феъл формалари қўлланади. Лекин ўтмишдаги маълум бир конкрет вақтда (конкрет моментда) бажарилишда бўлган ҳаракатни ифодалаш учун $-(a)r+эди$ ёрдамида ясалувчи форма жуда кўп қўлланади: *Опа-сингил ҳовлини тўлдириб кულიшар, тоза ҳавони зирқиратиб чинқирчишар эди.*

Тўла булар ёнидан тез ўтиб кетмоқчи бўлган эди, опа-сингил чинқирчишиб қор ота бошлади (М. Исмоилий). Сиддиқжон бу чоғ қиз боланинг тақдири тўғрисида ўйлар эди, чолнинг гапини эшитмади (А. Қаҳқор). Ширмонхон кўчага чиққанда, Болтабой ота шу эшикка қоғозга ўроғлиқ гўшт кўтариб келарди (С. Зуннунов).

Ҳозирги келаси замон формасида қўлланганда одатдаги доимий ҳаракат маъносини ифодалайдиган кўпгина феъллар $-(a)r+эди$ ёрдамида ясалувчи формада қўлланганда, ҳаракатнинг бажарилиш вақти маълум даражада чегараланган бўлади. Демак, бунда $эди$ тўлиқсиз феъли ҳаракатнинг бажарилиш вақтига маълум аниқлик (конкретлик) киритади. Ана шу нарса ўтмишдаги бирор моментда бўлаётган ҳаракатни ифодалашда $-ётган+эди$, $-моқда+эди$ ёрдамида ясалувчи формалар билан бирга $-(a)r+эди$ ёрдамида ясалувчи форманинг ҳам қўлланаверишига имкон беради. Бундан ташқари, $-(a)r+эди$ ёрдамида ясалувчи форманинг бу маънода кўп қўлланиши учун яна бошқа сабаб ва асослар ҳам бор.

$ётган+эди$ ёрдамида ясалувчи формада ҳаракатнинг бажарилиш вақти таъкидланади. Бадий ифодада ҳаракатнинг бажарилиш вақтини (моментини) таъкидлаш эмас, балки ҳаракат-ҳодисаларнинг ўзининг баёни асосий ўринда бўлади. $-(a)r+эди$ ёрдамида ясалувчи формада ҳам ҳаракатнинг бажарилиш вақти конкретлаштирилмайди, балки ҳаракатнинг бажарилиши асосий эътиборда бўлади. Шунга қўра, бадий ифодада маълум бир вақтда бажари-

лаётган ҳаракатни кўрсатиш учун *-ётган+эди* ёрдамида ясалувчи формага писбатан *-(а)р+эди* билан ясалувчи форма мос келади. Ҳаракатнинг маълум конкрет вақтга (моментга) оидлиги умумий ҳолатдан сезилиб тураверади: *Мана йўлдан салгина нарида бўрон жарчиси пайдо бўлди. Осмон билан туташиб кетган қуюн ер бағрини қиртишлаб, хас-хашак борми, чанг-тўзон борми—ҳаммасини учуриб кўкка интиларди. Қўриққа туташиб саҳронинг қумлари бўрон кучайган сари гўза эгаларига сувдай оқарди. Янғидан-янғи қум оқимлари бунёд этиб, қудратли қуюн кўтариларди* (Ш. Рашидов). Унинг кетидан бошиқалар ҳам от қўйишди. Булар кенг, равои йўлдан қуюндай боришар, узоқда «Қўйчинор» чироқлари *порларэди* (А. Қаҳҳор).

Ўтмишдаги маълум конкрет вақтда бажарилаётган ҳаракатни ифодалаш учун *-(а)р+эди* ёрдамида ясалувчи форманинг кўп қўлланиш сабабларидан бири бу формада бир неча феъл учун битта *эди* тўлиқсиз феълнинг қўллаш мумкинлигидир: *От олдинги сёқларини сувга ботириб анҳор четида халқон бўлиб қолган сувчи имирар, оғзини сувдан узмай яғринини талаётган чивиларни думи билан тўзтитиб юборар, йигит эса тўқайдан кўтарилаётган бир гала ўрдакнинг ҳавода пириллаб учшини кузатарди* (Саид Аҳмад).

Ўтмишдаги аниқ бир вақтда давом этаётган ҳаракатни ифодалаш учун *-ётган+эди, -ётиб+эди* ёрдамида ясалувчи формалар кам қўлланади. Булар асосан муносабат ифодалаш учун ва пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида кенг қўлланади. Бу ҳодиса ҳам *-(а)р+эди* ёрдамида ясалувчи форманинг ўтмишдаги конкрет бир вақтда бажарилаётган ҳолдаги ҳаракатни ифодалаш учун кенг қўлланаверишига имкон берган сабаблардан бири ҳисобланади.

-(а)р+эди ёрдамида ясалувчи форманинг одатлаги (типик) ҳаракатни ифодалаш адабий тил ва жонли сўзлашув учун умумий характерга эга. Лекин унинг ўтмишдаги аниқ бир вақтда бўлаётган ҳаракатни ифодалаш учун қўлланиши умумий характерга эга эмас. Бу маънода қўлланиш асосан китобий тилга, аниқроғи бадий нутққа хос.

2. Муносабат ифодалайди: *Мен сизни фақат яхши пахтакор деб биларэдим, бошқа ҳунарингиз ҳам бор экан* (А. Қаҳҳор). *Йўлдош ака, намоз беш ракат бўларэди, ундан ҳам ошиб кетдику?* (З. Фатхуллин).

Бу маънода қўлланган ҳолларда алоқадор бўлган нарса-ҳодисани билдирувчи гап қўлланимаса-да (ва шундай алоқани—боғланишни кўрсатувчи белгилар қўйилмаса-да), бари бир, *-(а)р+эди* ёрдамида ясалувчи формадаги феъл билдирган ҳаракатга алоқаси бўлган қандайдир ҳаракат-ҳодиса борлиги (юз берганлиги) мазмуни англашилиб тураверади: *Сидиқжон бу тўғрида Зуннунхўжанинг розилигини олганлиги учун кампирнинг вайсалларига чандон эътибор бермай келарэди...* (А. Қаҳҳор). Бу гапнинг охирига вергул ёки бошқа белги қўйилмай, нуқта

қўйилса ҳам, бари бир, бу гапга алоқадор бўлган яна бошқа гап борлиги сезилиб туради.

- (а)р+эди ёрдамида ясалувчи форманинг *эди* тўлиқсиз феъли ёрдамида ясалувчи ўтган замон формаларидан фарқлиг бир хусусияти шундаки, бу форма жонли сўзлашувда ҳам, адабий тилда ҳам пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш вазифасида қўлланмайди.

-гувчи+эди ёрдамида ясалувчи форма. Бу форма нисбатан кам бўлса-да, оғзаки нутқда ҳам, ёзма нутқда ҳам қўлланади ва феъл билдирган ҳаракат субъект (бажарувчи)нинг одатдаги, типик ҳаракати эканини билдиради: *Чунки у кўп ишда биринчи бўлишга интилгувчи эди, мақтанмиш учун эмас, тўғри кўнгилда и н т и л г у в ч и э д и* (Ҳ. Назир). *Эғнида ямоқ тўн, белида арқон, ҳамма вақт ерга қараб юргувчи эди* (П. Турсуи).

Ҳозирги ўзбек тилида одатдаги, типик ҳаракат маъноси, асосан, *-р+эди* ёрдамида ясалувчи форма орқали ифодаланади. Келтирилган мисоллардаги *-гувчи+эди* ёрдамида ясалган форма ўрнида ҳам *-р+эди* ёрдамида ясалган формани қўллаш мумкин.

-гувчи аффикси билан ясалувчи форманинг ҳозирги ўзбек тили учун характерли эмаслиги ва одатдаги, типик ҳаракат маъноси-нинг *-р+эди* ёрдамида ясалувчи форма орқали ифодаланиши бу маънода *-гувчи+эди* ёрдамида ясалувчи форманинг жуда кам қўлланишига сабаб бўлган факторлардир.

Феълнинг бу формаси шахснинг феълдан англашилган ҳаракатни бажариш одати борлигини таъкидлайди. *-р+эди* ёрдамида ясалувчи формада эса баъзи феъллар доирасида бу маъно таъкидланмаслиги мумкин: *Дадаси кузда даладан қайтганда плащини ё тўнини ана шундай «тўрва» қилиб, ичига қовун, тарвуз солиб келгувчи эди* (Ҳ. Назир). *Унинг олдига бир иш билан борсангиз, бўлар-бўлмас ерда «иннайкейин» деб сўрайдиган одати бор эди. Ана шу иннайкейинга жавоб топиб бера олмасангиз, онангизни учқўрғондан кўрасиз. Қамчи билан елгага тушириб қолгувчи эди* (Ғ. Фулом).

Биринчи мисолда *-гувчи+эди* ёрдамида ясалган формани қўллашдан мақсад субъектнинг кузда даладан қайтишда доим тарвуз олиб келишини ифодалаш эмас, балки шу ҳаракатни бажариш одати борлигини ифодалашдир. Агар унинг ўрнида *-р+эди* ёрдамида ясалган форма қўлланса, ҳаракатни бажариш одати борлиги эмас, балки шундай ҳаракатнинг кузда даладан қайтишда доим бажарилиши ифодаланиб қолади.

Бу форманинг асосий хусусияти субъектнинг феълдан англашилган ҳаракатни бажариш одати борлигини ифодалаш бўлгани сабабли у, асосан, инсон ҳаракатини билдирувчи феъллар доирасида қўлланади. Чунки одат, асосан, инсонларга хос хусусиятдир.

-гувчи+эди формасида *эди* тўлиқсиз феъли борлигидан одат тарзидаги ҳаракатнинг умуман ўтган замонга оидлиги ҳикоя қилиниши ҳам мумкин, шунингдек, муносабат ифодаланиши ҳам

мумкин: Саидий ўқиганда Мунисхоннинг ҳар замон товуши ичиқиб тургувчи эди. Бир соатдан ортиқ овози чиқмагани Саидийни шубҳага солди (А. Қаҳҳор).

Ҳозирги замон формалари

Ҳозирги ўзбек тилида ҳозирги замон феълнинг аффикслар ва кўмакчи феъллар ёрдамида ясалувчи бир неча формаси қўлланади. Ҳозирги замон феълнинг синтетик формаси қуйидаги аффикслар ёрдамида ясалади: *-ял, -ётиб, -ётир, -моқда: ёзяпти, ёзаётибди, ёзаётир, ёзмоқда* каби. Тасвирий формаси эса *ёт, тур, юр, ўтир* кўмакчи феъллари ёрдамида ясалади: *ёзиб ётибди, ёзиб турибди, ёзиб юрибди, ёзиб ўтирибди* каби.

Ҳозирги замон формалари ҳаракатнинг нутқ моментидан олдин бошланганлиги ва нутқ моментида ҳам тугамаганлигини билдиради. Бу форма билдирган ҳаракат нутқ моментида бажарилаётган (бажарилиб турган) ёки нутқ моментида бажарилмаётган бўлиши мумкин. Бундаги асосий нарса ҳаракатнинг худди нутқ моментида бажарилаётган бўлиши эмас, балки ҳаракатнинг нутқ моментидан аввал бошланганлиги ва ҳозир ҳам тугамаганлиги, давом этаётганлигидир: *Мана булар ажойиб ҳунар эгалари бўлиб ўсмоқда* (Ибохон). *Отанг боғда ишляптилар* (Ҳ. Ғулом). *Ҳозир у ўз қилмишидан анча пушаймон бўлаётибди* (Ҳ. Назир).

Бу мисоллардаги *ўсмоқ, ишламоқ, пушаймон бўлмоқ* феъллари билдирган ҳаракатларнинг худди нутқ моментида бажарилаётган бўлиши шарт эмас. Масалан, «боғда ишляптилар» деган вақтда ота дам олиб ўтирган бўлиши мумкин. Гап шундаки, боғда ишлаш бошланган ва ҳали тугамаган, ишлаш яна давом этади.

Ҳаракатнинг давомлилиги (тугамаганлиги) маъноси ҳозирги замон формаларининг ҳаммасига хос. Шу сабабли таркибида ҳозирги замон кўрсаткичи бўлган ўтган замон феъл формалари ҳам давомлилик маъносига эга бўлади: *ишлаётган эди, ишламоқда эди* каби.

Ҳозирги замон феъл формалари маъно ёки қўлланишдаги хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади.

Ҳозирги замон феълнинг стилистик жиҳатдан нейтрал ва энг кўп қўлланилган формаси *-ял* аффикси ёрдамида ясалувчи формадир. Бу форма ҳаракатнинг бошланганлиги ва ҳозир ҳам давом этаётганлиги маъносига бошқа бирор қўшимча маъно ифодаламайди.

-ётиб аффикси ёрдамида ясалувчи форма *-ял* аффикси билан ясалувчи формага нисбатан кам қўлланади. Бу форма нисбатан қадимий бўлиб, *-ял* аффикси *-ётиб* аффиксидан келиб чиққан. Шу сабабли бу икки аффикс ёрдамида ясалувчи феъл формаси маъно жиҳатдан бир-биридан фарқланмайди ва жумла ичида уларнинг иккаласининг аралаш қўлланиш ҳоллари кўп учрайди.

Маъно жиҳатдан *-ётир* аффикси ёрдамида ясалувчи форма *-ял*

ва -*ётиб* аффикслари орқали ясалувчи формалар билан бир группани ташкил қилади. Лекин у кўпроқ диалектал форма бўлиб, ёзувда асосан газета материалларида, поэтик асарларда учрайди:

*Биз, мана, бир бутун қувватни тўплаб,
Шу олий жаҳонни қураётимиз.
Ҳар тўсиқ, ҳар говни парчалаб, бузиб,
Тубсиз ўпқонларга сураётимиз (Уйғун).*

Ҳозирги замон феълнинг -*моқда* аффикси билан ясалувчи формаси китобий услубга хос. Бу форма образли ифодаларда, тантанали, кўтаринки нутқларда қўлланади: *Кеч куз. Олтиндек сапсарик барглар дарахт шохларидан чирт-чирт узилиб ерга тушмоқда* (Ж. Шарипов). *Қушлар шохдан-шохга сакрашиб, қувноқ саярашмоқда. Қишлоқ устида кишига ҳузур берувчи тонг шабадаси ғир-ғир эсмоқда* (Х. Назир). Бу мисоллардаги -*моқда* аффикси билан ясалган феъл формаси -*ял* аффикси ёрдамида ясалувчи форма билан алмаштирилса, воқеа оддий баён тусини олади. -*моқда* аффикси билан ясалувчи форманинг биринчи ва иккинчи шахсга нисбатан учинчи шахсда, биринчи ва иккинчи шахснинг бирлигига нисбатан кўплигида кўп қўлланишининг сабаби ҳам унинг юқорида айтилган хусусиятидан келиб чиқади.

-*моқда* аффикси билан ясалувчи форманинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири унинг бўлишсизлик (инкор) формасига эга эмаслигидир.

Тўрт ҳолат феълнинг — *ёт, тур, юр, ўтир* феълларининг — ҳозирги замон формаси -(и)б аффикси билан ясалган равишдошга шахс-сон қўшимчаларининг қўшилишидан ҳосил бўлади: *ётибман, ётибсан, ётибди; турибман, турибсан, турибди; юрибман, юрибсан, юрибди; ўтирибман, ўтирибсан, ўтирибди* каби: *Станцияда ҳали яна икки вагон тахта, цемент, ойна, тунукалар ётибди* (А. Мухтор). *Республикамиз олдида жуда азим, юксак вазифалар турибди* (Ойбек). *...чирмандангни секинроқ черт, далада ҳали эл юрибди* (Ойбек). *Катта уйда эшон ойимлар, ...Маҳамат Шариф қозининг қизлари ўтиришибди* (Ойбек).

Тўрт ҳолат феълнинг бу формаси ўтган замон маъносини ҳам ифодалайди. Ўтган замон ёки ҳозирги замон ифодалаганлиги контекстда аниқлашади: *Хон бир бегуноҳ одамни ғазабига олиб тошибўрон қилдирибди, «тош отмаган одам қолмасин» деб ўзи тепасида турибди* (А. Қаҳқор). *Ўктам электр фонарчасини ёқиб соатга тутди, икки соат юришибди* (Ойбек). *Мулла Бурхон ҳам Ситоранинг келишини кутиб чиллахонадан бирон жойга чиқмай ўтирибди. Ситора кўп кутдирмабди* (С. Айний).

Тўрт ҳолат феълнинг бу ҳозирги замон формаси бўлишсиз формада қўлланмайди. Агар бўлишсизлик кўрсаткичини олса, ўтган замон ифодаланади: *ётмабди, турмабди, юрмабди, ўтирмабди* каби.

Ёт, тур, юр, ўтир феълларининг ҳаракат ёки ҳолат ифодалашини фарқлаш керак. Ҳаракат билдирганда, уларнинг ҳозирги замон формаси -яп, -ётиб, -ётир аффикслари ёрдамида ясалади. Қиёсланг: ўрнига ётяпти — ўрнида ётибди, ўрнидан туряпти — ўрнида турибди.

Ҳозирги замон феълининг тасвирий формалари ёт, тур, юр, ўтир кўмакчи феъллари ёрдамида ясалади: ёзиб ётибман, ёзиб турибман каби: Қолхознинг кенг, уфққа туташган яхлит майдони... қуёш таптида кўпчиб ётибди (Ҳ. Нуъмон). Ҳали душманларимиз тинчигани йўқ, ...хушёрликни қўлдан бердинг, калланга соламан деб пойлаб турибди (Уйғун). Мен звенога Ғуломжонни мўлжаллаб юрибман (Ҳ. Нуъмон). Ҳали келишгани йўқ, ўзим ҳам ҳавотир бўлиб ўтирибман (А. Қаҳҳор).

Тасвирий форманинг ёт, тур, юр, ўтир кўмакчи феъллари ёрдамида ясалувчи ҳар бир тури ўзига хос қўшимча маънолари ва бошқа хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади. Масалан, ёт кўмакчи феъли ёрдамида ясалувчи форма ҳаракат-ҳолатни кучайтириб ифодалайди: ёзиб ётибди, ишлаб ётибди, ёғиб ётибди каби; юр кўмакчи феъли билан ясалувчи форма ҳаракатнинг узоқ давомини билдиради: ишлаб юрибди ва ҳ. к. Бу фарқли хусусиятлар ҳар бир кўмакчи феълга хос фарқли хусусиятлар ҳисобланади (Булар ҳақида «кўмакчи феъллар» баҳсига қаранг).

Тўрт кўмакчи феъл ёрдамида ясалувчи ҳозирги замон феълининг инкор формасида бўлишсизлик кўрсаткичи етакчи феълга қўшилади: ишламай турибди, бормай юрибди каби. Бўлишсизлик кўрсаткичи кўмакчи феълга қўшилса, ўтган замон ифодаланади: ишлаб турмабди.

Ҳозирги замон феълининг тасвирий формаси аффикслар ёрдамида ясалувчи формага нисбатан анча қадим юзага келган.

Ҳозирги-келаси замон формаси

Ҳозирги-келаси замон феълининг икки формаси бор: 1) ҳозирги-келаси замон аниқлик формаси; 2) ҳозирги-келаси замон гумон формаси.

Ҳозирги-келаси замон аниқлик формаси -а, -й аффикси билан ясалган равишдошини шахс-сон билан туслаш орқали ҳосил қилинади: ёзаман, ёзасан, ёзади, ёзамиз, ёзасиз, ёзади(лар): ишлайман, ишлайсан, ишлайди; ишлаймиз, ишлайсиз, ишлайди(лар). Бу форма қуйидаги маъноларни ифодалаш учун қўлланади:

1. Ҳозирги замонни билдиради. Бунда қуйидаги ҳолатлар бўлиши мумкин: 1) ҳаракатнинг бажарилиши бирор вақт билан чегараланмайди, у предметнинг қонуний, доимий белгисига айланган бўлади: қуш учади, ёзда ҳаво исийди, кулги умрни узайтиради ва б.: Инсон юраги — нозик рубоб. Уни муҳаббат билан чертсанг, ишқ қўшигини, вафо дostonини эшитасан (Ҳ. Ғулом). Ўзбек қизлари севгисини айтмайди. Бир умр пинҳон

тутади (Сайёр). Қуш уясида кўрганини қилади (Мақол); 2) шахс ёки предметнинг одатдаги, доимий ҳаракатини билдиради: *Аёлим қишин-ёзин ичкари ҳовлининг юмушини қилади: кир ювади, уй-жойини супуради, нон ёпади, кўрна қавайи ёди, ... (Ойбек). Менинг икки танишим бор, ... бир-бирига ишонади, ... бирга ишлайди, бирга юради, бирга туради...* (А. Қаҳҳор). 3) ҳаракатнинг бажарилиши бевосита нутқ моментига, ҳозирга онд бўлиши мумкин: *Йигит ниҳоятда исиб кетган. Пешонаси, юзларидан тинмай тер қуяди (Саид Аҳмад). Уша куни бўлиб ўтган шов-шув ҳали ҳам қулоғим тагида шанғиллайди, ҳали ҳам миямни гангитяпти (Б. Қербобоев). Аллақандай қинғир-қийшиқ йўлларда юриб, жиноят қилиб, жар ёқасида турасан, бола!! (Яшин).*

Ҳаракат предметнинг доимий белгиси, одатдаги ҳаракати бўлганида ҳам бу ҳаракатнинг ҳозирги замонга оидлиги инкор этилмайди, балки бу ҳаракат ҳозирги замон учун ҳам характерли бўлади. Шу сабабли *қуш учади, одам гапиради* каби гаплардаги *учади, гапиради* феъллари ҳозирги замон маъносини ифодаловчи формалар ҳисобланади (грамматик жиҳатдан феълнинг ўтган замон, ҳозирги замон ва келаси замонидан бошқа яна қандайдир замони йўқ). Ҳозирги-келаси замон формаси ҳозирги замон маъносини ифодалаган ҳолларда ҳаракатнинг бажарилишини маълум вақт доирасида конкретлаштирмаслиги билан ҳозирги замон феъл формаларидан фарқланади. Шунга кўра, ҳаракат-ҳолат ҳозирги вақтга онд бўлган ҳолларда ҳам ҳозирги-келаси замон формаси билан алмаштирилса, маънода маълум ўзгариш сезилади. Қиёсланг: *нега индамайсан — нега индамаясан.* Худди шу хусусиятига кўра қуйидаги мисоллардаги ҳозирги-келаси замон формасини ҳозирги замон формаси билан алмаштириб бўлмайди: *Кўкрагингиз ярқ-ярқ қилади-ю, яна яёв келяпсиз (Ойбек). Нега қочган беданадай пусиб чурқиллайсан (А. Қаҳҳор).*

2. Келаси замонни билдиради. *Боланг уч-тўрт кун қийналади, кейин ўрганиб кетади (А. Қаҳҳор). Ҳам ишлайман, ҳам ўқийман, бўлгани шу. Институтнинг сиртқи бўлимига кираман (Ш. Рашидов).*

Келгусида бажарилиши аниқ бўлган ҳар қандай ҳаракат ҳозирги ўзбек тилида шу форма орқали ифодаланаверади.

Ҳозирги-келаси замон гумон формаси сифатдошнинг *-(а)р (-мас)* аффикси билан ясалувчи турини шахс-сон билан туслаш орқали ҳосил қилинади: *ёзарман, ёзарсан, ёзар; ёзармиз, ёзарсиз, ёзар(лар); ёзмасман, ёзмассан, ёзмас; ёзмасмиз, ёзмассиз, ёзмас(лар).* Замон ифодалашига кўра бу форма *ёзаман, ишлайман* типигаги формадан фарқланмайди, яъни бу форма ҳам ҳозирги замон ва келаси замон маъноларини ифодалаш учун қўллана олади: *Райком секретари ўзининг кекса дўстини бориб кўрса, айб бўлмас (Ш. Рашидов). Қаердан биласан, балки ҳозир ҳам юқоридан қарарман (А. Қаҳҳор). Шу атрофда юргандир, келиб қолар (С. Анорбоев). Агар ярам*

жуда ҳам безовта қилса, санчагга ўзим бора қоларман (Н. Сафаров).

Ҳозирги-келаси замон феълининг ёзаман, ишлайман типдаги формаси билдирган ҳаракатни гумон тарзда ифодалашда ёзарман, ишларман типдаги форма қўлланаверади: *заводда ишлайди — заводда ишлар, эртага келади — эртага келар* ва ш. к. Лекин ҳозирги замонга оид ҳаракатнинг гумон тарзда ифодаланишида, асосан, *-дир* аффикси ва *-са керак* ёрдамида ясалувчи форма қўлланиши сабабли (*ишлаётгандир, ишласа керак каби*) *ишлар, келар* типдаги форманинг ҳозирги замон маъносида қўлланиши нисбатан кам учрайди.

Ҳозирги-келаси замон гумон феъли формаси шарт эргаш гапли қўшма-гапларда бош гапнинг кесими вазифасида, кўпинча, фикрнинг қатъий ифодаси учун ҳам қўлланади: *Агар ўлган киши қайта тирилса, бундан ортиқ ажойибот бўлмас* (А. Убайдуллаев).

Ҳозирги-келаси замон гумон формаси бу маънода қўлланган гап баъзан содда гап кўринишида бўлади. Лекин шунда ҳам бу феъл формаси билдирган ҳаракатнинг бирор шарт билан боғланганлиги сезилиб туради: *Сенга теккан баримни кесиб ташларман* (Н. Сафаров).

Ҳозирги-келаси замон гумон формаси келаси замон маъносида қўлланганда, у билдирган «гумонлик»нинг даражаси ҳар хил бўлиши мумкин: *Балки завод қуриш учун овора бўлишга тўғри келмас, биз тайёр заводни, ишлаб турган заводни қўлга олармиз ва жуда ҳам арзонга олармиз* (Ойбек). *Пулингнинг ярмига турлаб ипак ол, қолганини сарфлама, читини кейин оларсан* (Ойбек). Биринчи мисолда ҳаракатнинг бажарилиш-бажарилмаслигини ҳақиқатда ҳам сўзловчининг билмаслиги ифодаланади ва шунинг учун бу гапда «гумон», «билмаслик» маъносини ифодаловчи *балки* сўзини қўллаш мумкин бўлади. Кейинги гапда эса бундай эмас. Бу гапдаги *оларсан* формаси ҳаракатнинг бажарилишини аниқ тарзда ифодаламайди. Лекин у ҳаракатнинг бажарилиши ноаниқ эканини (сўзловчининг билмаслигини) таъкид билан ифодаламайди. Шу сабабли бу гапда *балки* сўзини қўллаш ҳам мумкин эмас. Биринчи ҳолатда ҳозирги-келаси замон гумон формаси ўрнида *-са керак* ёрдамида ясалувчи формани қўллаш мумкин: *эртага келар — эртага келса керак*. Иккинчи ҳолатда эса ҳозирги-келаси замон формаси ўрнида бу формани қўллаб бўлмайди. Мисоллар: *Қадр-қимматларингни туширманглар бўтам. Яна танангизга ўйлаб кўрарсиз* (Ж. Абдуллахонов). *Мана ўғлим, эртага ўзинг олиб ерсан мороженоени* (О. Еқубов). *Йўқ, ая, чой бўлса бошқа пайт ичармиз, ҳозир фурсат йўқ* (У. Назаров).

Демак, биринчи ҳолатда аниқ билмаслик, ноаниқлик таъкидланиши билан айтилаётган ҳаракат-ҳодисанинг акси ҳам назарда тутилади. Масалан, *эртага келар* деганда ҳаракатнинг эртага бажарилмаслиги мумкинлиги ёки эртадан бошқа куни келиши

мумкинлиги ҳам назарда тутилади. Иккинчи ҳолатда эса айтилаётган нарсанинг акс томони назарда тутилмайди: *Бир оз ўтириб борарсиз* (Б. Раҳмонов). *Мен мана бу ўнгирда ёта турарман* (А. Мухтор). Шунинг учун бундай ҳолларда сўзловчининг ҳаракатга даъвати, истаги каби муносабати ҳам ифодаланади (Юқоридаги мисолларга қаранг).

Ҳозирги-келаси замон гумон феълининг аниқлик маъносида қўлланиш ҳоллари шеърятда, эски услубга хос нутқларда учрайди: *Яллалар айтиб кезарман*.

Шу гўзал бўстонда мен (Яшин). Лекин ҳозирги ўзбек адабий тили нуқтаи назаридан унинг гумон маъносида қўлланиши нормал ҳолат ҳисобланади.

Демак, ҳозирги-келаси замон феъл формалари, айрим фарқли модал маъноларидан қатъи назар, ҳозирги ва келаси замон маъноларини ифодалай олади. Худди шу хусусиятига кўра «ҳозирги-келаси замон формаси» деб аталади.

Замон формаларининг бир-бирига кўчиши

Ўтган, ҳозирги ва келаси замон маъноларининг ҳар бири махсус грамматик форма орқали ифодаланишини кўрдик. Лекин бир замон формасининг бошқа замон формасига хос маънода қўлланиши ҳам учраб туради. Бу ҳодиса маълум услуб талаби билан бўлади. Ҳаракатнинг қайси замонга оидлиги эса умумий ҳолатдан сезилиб туради.

Ўтган замон феъл формаларидан *-ди* аффикси ёрдамида ясалувчи форманинг келаси замон ва ҳозирги замон маъноларида қўлланиш ҳоллари учрайди: *Ҳозир қоронғида қайққа бордигу, нимаям қилдик* (П. Турсун). *Шундан сўнг билмадим, қанча вақт ширин хаёллар осмонида қанот қоқиб юрдим* (Сайёр).

Бир вақтга оид воқеа-ҳодисаларни баён этишда *-ган* аффикси билан ясалувчи ўтган замон формасининг баъзан ҳозирги замон маъносида қўлланиши учрайди: *Биров китоб ўқиган, кимлар шахмат атрофида* («Совет Ўзбекистони»). *-ган* аффикси билан ясалувчи форманинг ҳолат ифодалай олиш хусусияти унинг шу маънода қўлланишига имкон беради.

Ҳозирги замон феълининг келаси замонга оид ҳаракатни ифодалаш учун қўлланиши, асосан, *кет, бор, юбор, бошла* каби феъллар доирасида учрайди. Бунда сўзловчи субъектни ҳаракатни бажаришга киришган каби тасвирлайди: *Буларни бошқа полкка юборяпмиз* (А. Убайдуллаев). *Эртага урушга кетяпман, ука* (О. Ёқубов). *Сиздан фотиҳа олай деб келдим, бузун теримни бошляпмиз* (Ҳ. Фулом).

Ҳозирги замон формасининг ўтган замонга оид ҳаракатни ифодалаш учун қўлланиши жуда кўп учрайди. Бундай ҳолларда сўзловчи ўзини ўтган замонга олади ва ҳаракатни унинг бевосита кузатувчиси сифатида баён этади: *Кеча далада чунонам чекан-*

ка қилляптики, бамисоли уста сартарош ғўзани попаратка қилляпти дейсан (Саид Аҳмад). Бир кун қарасам, дарчани бузаман деб болта кўтариб кел аёттибди (А. Қаҳҳор).

Шахс-сон категорияси

Шахс-сон маънолари феълга хос грамматик маънолар бўлиб, бу маънолар бир-бирига қиссан олиниши мумкин бўлган бир неча формалар орқали ифодаланади, келдим — биринчи шахс, келдинг — иккинчи шахс ва б.

Тусланишли формада ҳаракатнинг бажарувчиси (бажарувчи шахс) ҳам кўрсатилади. Ҳаракат бажарувчиси сўзловчи, тингловчи ёки ўзаро суҳбатда иштирок этмовчи ўзга шахс бўлиши мумкин. Бу маънолар махсус формантлар ёрдамида ифодаланади. Шахс билдирувчи формантлар айли вақтда бажарувчининг сомиқдорини ҳам кўрсатади. Бажарувчининг бирдан ортиқлигини билдирувчи форма шу шахснинг кўплик формаси бўлади: *бордик* — биринчи шахс, кўплик формаси.

Биринчи шахс бирлик формаси ҳаракат бажарувчиси сўзловчининг ўзи эканини билдиради: *бордим, келганман* каби. Унинг кўплиги эса ҳаракатнинг сўзловчи мансуб бўлган коллективга оидлигини билдиради: *бордик, борганмиз, борамиз* каби. Иккинчи шахснинг бирлиги ҳаракатнинг бажарувчиси тингловчи эканини, кўплиги эса тингловчи мансуб бўлган коллектив эканини билдиради: *бординг, борасан; бордингиз, борасиз* каби. Учинчи шахс формаси сўзловчи ва тингловчидан бошқа шахс (бирлик) ёки шахслар (кўплик) ҳаракат бажарувчиси эканини билдиради. Кўплик маъносининг ифодаланишида *-лар* аффикси ҳам қатнашади: *боради, борадилар* каби.

Феълнинг биринчи ва иккинчи шахс формаси киши (одам)ларга нисбатан, учинчи шахс формаси эса киши (одам) ва предметларга нисбатан ҳам қўлланади: *келдим, келдинг, келди, гуллади*. Бадий ифодаларда «жонлаштириш» билан баён этишда биринчи ва иккинчи шахс формаси предметларга нисбатан ҳам қўлланади: «*Қизил вагон*», *яна қаерларга олиб борасан сен? Мени Ферузадан қанча олисга олиб кетасан?* (Ҳ. Фулом).

Тусланишли феъллар мажҳул даража формасидан бошқа даража формаларида ҳамма вақт уч шахсдан бирини аниқ кўрсатади. Мажҳул даража формасида ҳаракатнинг бажарувчиси аниқ бўлмади. Умуман, бу даража формасида ҳаракат бажарувчисига асосий эътибор қаратилган бўлмади: *Гектаридан қирқ центнердан ҳосил олинди*.

Биринчи ва иккинчи шахснинг бирлик ва кўплиги махсус кўрсаткичларга эга. Учинчи шахс кўплиги эса шахс кўрсатувчи махсус кўрсаткичга эга эмас. Бунда кўплик маъноси бирликка *-лар* аффиксини қўшиш орқали ёки биргалик даража формаси орқали ифодаланади. Кўпгина ҳолларда эса бирликнинг ўзи кўплик учун

ҳам қўлланаверади: болалар келдилар, болалар келишди, болалар келди.

Ҳозирги ўзбек тилида шахс-сон кўрсаткичларининг бир неча тури бор. Уларни ўз хусусиятларига кўра тўртта асосий турга бўлиш мумкин.

1. Ижро майлининг сифатдош ва равишдош формаларидан ясалган ўтган замон турларида, ҳозирги замон феълининг барча формаларида, ҳозирги-келаси замон формасида ва мақсад майли формасида биринчи шахснинг бирлиги *-ман*, кўплиги *-миз*, иккинчи шахснинг бирлиги *-сан*, кўплиги, *-сиз* кўрсаткичига эга бўлади. Учинчи шахс баъзи замон турларида *-ди* аффиксли бўлади, баъзи замон турларида эса унинг махсус кўрсаткичи бўлмайди:

I	<i>борган</i> + <i>ман</i> ... + <i>миз</i>	<i>бориб</i> + <i>ман</i> ... + <i>миз</i>
II + <i>сан</i> ... + <i>сиз</i> + <i>сан</i> + <i>сиз</i>
III + — ... + (<i>лар</i>) + <i>ди</i> , + <i>ди</i> (<i>лар</i>);
I	<i>боряп</i> + <i>ман</i> ... + <i>миз</i>	<i>бора</i> + <i>ман</i> ... + <i>миз</i>
II + <i>сан</i> ... + <i>сиз</i> + <i>сан</i> ... + <i>сиз</i>
III + <i>ти</i> , ... + <i>ти</i> (<i>лар</i>); + <i>ди</i> ; ... + <i>ди</i> (<i>лар</i>);
I	<i>бормоқчи</i> + <i>ман</i> + <i>миз</i>	
II + <i>сан</i> + <i>сиз</i>	
III + —, + (<i>лар</i>)	ёки <i>боришмоқчи</i> .

2. Ўтган замон феълининг *-ди* аффикси, *эди* тўлиқсиз феъли ёрдамида ясалувчи турларида, шунингдек, шарт майли формасида биринчи шахснинг бирлиги *-м*, кўплиги *-к*; иккинчи шахснинг бирлиги *-нг*, кўплиги *-нгиз* кўрсаткичи бўлади. Учинчи шахснинг махсус кўрсаткичи бўлмайди:

I	<i>борди</i> + <i>м</i> ... + <i>к</i>	<i>борган эди</i> + <i>м</i> ... + <i>к</i>
II + <i>нг</i> ... + <i>нгиз</i> + <i>нг</i> ... + <i>нгиз</i>
III + — ... + (<i>-лар</i>); + —, ... (<i>лар</i>);
	<i>борса</i> + <i>м</i> ... + <i>к</i>	
 + <i>нг</i> + <i>нгиз</i>	
 + —, ... + (<i>лар</i>)	

3. Ўтган замон ва ҳозирги замон феълларининг «йўқ» сўзи ёрдамида ясалувчи инкор формасида шахс-сон кўрсаткичлари эгалик аффикслари билан бир хил кўринишга эга бўлади.

I	<i>борган</i> + <i>им йўқ</i> ... + <i>имиз йўқ</i>
II + <i>нг йўқ</i> ... + <i>нгиз йўқ</i>
III + <i>и йўқ</i> ... + (<i>лар</i>) <i>и йўқ</i> ;
	<i>бораётган</i> + <i>им йўқ</i> ... + <i>имиз йўқ</i>
 + <i>инг йўқ</i> ... + <i>ингиз йўқ</i>
 + <i>и йўқ</i> ; ... + (<i>лар</i>) <i>и йўқ</i>

4. Буйруқ-истак майлининг шахс-сон кўрсаткичлари алоҳида группани ташкил этади:

- I бор + ай бор + айлик
II бор + — ёки бор + гин бор + инг, бор + ингиз, бор + ларинг, бор + инглар
III бор + син, бор + син (лар), бор + ишсин.

Шахс-сон формаларидан биринчи шахснинг бирлик формаси фақат шу шахснинг бирлигини ифодалаш учун қўлланади. Иккинчи шахснинг бирлик формаси эса шу шахснинг кўплиги учун ҳам қўлланади. Бу ҳолат, асосан, сенсираш, ҳурматсизлик, дўқ-пўписа билан бўлган муносабатларда учрайди. Кўplik маъноси -лар аффиксини олган олмош орқали сезилиб туради: *сенлар айтгансан, ҳамманг кел каби.*

Учала шахснинг кўplik формасининг қўлланишида эса айрим хусусиятлар бор.

Биринчи шахснинг кўплиги шу шахснинг бирлиги учун қўлланади. Бундай ҳолларда камтарлик ёки ўзини юқори олиш, ёки киноя, кесатиқ ифодаланади; *Уша боғбон биз бўлсак деб келдик* (Ш. Саъдулла). *Тушки пайт эди, соч-соқолни олдирдик, мўйловни қайчилатдик, атирри септирдик. Кейин дўплини чаккага қўндириб, бундай гостиницага кирсак, ҳеч ким кўринмади* (С. Анорбоев). *Ҳали бой, феодал номини ҳам ортирдикми?! Бўлди. Бу уйда ё феодал турсин, ё сиз туринг!* (Б. Раҳмонов) *Сизга ёқмабмиз, холос!* (Яшин).

Иккинчи шахснинг кўплиги бирдан ортиқ кўринишга эга. Биринчи турдаги шахс + сон кўрсаткичларидан иккинчи шахс кўплигининг қуйидаги кўрсаткичлари бор: *-сиз, -санлар, -сизлар: боргансиз, боргансанлар, боргансизлар* каби. *-сиз* кўрсаткичи форма иккинчи шахснинг бирлиги учун ҳам кенг қўлланади. Бундай ҳолларда ҳурмат ёки кесатиқ, киноя ифодаланади: *Сиз нега бизларни ўзингизга ўгай кўрасиз* (Н. Сафаров).

Ўзидан катта ёшдаги суҳбатдошнинг ҳаракатига нисбатан ва умуман ҳурмат ифодалашда ҳар қандай ёшдаги суҳбатдошнинг ҳаракатига нисбатан иккинчи шахс кўplik формасининг қўлланиши ҳозирги ўзбек адабий тилида нормал ҳолат ҳисобланади. Бу ҳодиса иккинчи шахс бирлик формасининг қўлланишида ўзгариш юз беришига сабаб бўлган. Иккинчи шахс кўплигининг шу шахс бирлиги учун ҳурмат маъносида қўлланиши бирлик формасининг ҳурматсизлик, менсимаслик ифодаси учун қўлланишига олиб келган: *Яна тутиб бермоқчимисан, номард?* (С. Анорбоев). Лекин иккинчи шахс бирлик формаси доим ҳурматсизлик, менсимаслик ифодалайди деб бўлмайди. Ўзидан кичик ёшдаги ёки тенгдош суҳбатдошнинг ҳаракатига нисбатан иккинчи шахс бирлигининг қўлланиши оддий (нормал) ҳолат ҳисобланаверади. Лекин ҳурматсизлик, менсимасликни ифодалаш ҳам унинг асосий хусусиятларидан бирига айланган. Шунинг учун расмий нутқларда (агар ҳурматсизлик ифодаланмайдиган бўлса) ўзидан

кичик ёшдаги суҳбатдошнинг ҳаракатига нисбатан ҳам иккинчи шахс бирлик формаси қўлланмайди, балки *-сиз* аффикси билан ясалувчи иккинчи шахс формаси қўлланади (*боргансан эмас, боргансиз*). Умуман, иккинчи шахс кўплик формасининг ҳурмат, киноя маънолари унинг «сизлаш» хусусиятидан келиб чиқади. Демак, *-сан* ва *-сиз* формантлари бирлик ва кўплик ифодалани жиҳатидангина эмас, шунингдек, «сизлаш» ва «сенлаш» хусусияти жиҳатдан ҳам дифференцияланган. Бу нарса ўз навбатида иккинчи шахс кўплигининг яна бошқа хусусиятларини келтириб чиқарган.

Иккинчи шахс кўплик кўрсаткичи «*-сиз*»нинг бирлик ва ҳурмат маъносида кенг қўлланишини кўрдик. Контекстдан ташқари ҳолатда *-сиз* аффиксли форманинг кўплик ёки бирлик маъносида қўллангани аниқ бўлмай қолади. Натижада кўпликнинг аниқ ифодаланиши учун бу форманинг ўзи ҳам *-лар* аффиксини олади: *боргансизлар* каби. Бу формада ҳамма вақт ҳурмат (аниқроғи, «сизлаш») ҳам бўлади: *Рўзғор тирикчиликларинг қалай, қийналмаясизларми?* (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов).

Кўпликнинг *-сизлар* форманти ёрдамида ясалувчи формаси ўз хусусиятига кўра «сизлаш» билдирувчи форма бўлганидан, бунга қарама-қарши ҳолда, иккинчи шахс кўплигининг «сенлаш» формаси ҳам келиб чиқади. Бу форма иккинчи шахс бирликка *-лар* аффиксининг қўшилишидан ҳосил бўлади: *боргансанлар*. Бу форма ҳурматсизлик ифодалаш учун ҳам, оддий муносабат учун ҳам қўлланиши мумкин: *Бирпас бир-бирларингни кўрмасаларинг туролмайсанлар!* (П. Қодиров). *Ҳа, ариққа тушмайсанларми?!* (Н. Сафаров) *Еппасига чўлга кўчасанлар* (П. Қодиров).

Шахс-сон кўрсаткичларининг иккинчи турида ҳам иккинчи шахснинг кўплиги бирдан ортиқ формага эга. Бу турда ҳам кўпликнинг *-лар* олмаган формаси иккинчи шахснинг бирлиги учун ҳам қўлланади: *бордингиз* — кўплик ёки бирлик «сизлаш» маъноси билан. Иккинчи турда бир фарқли хусусият бор, яъни иккинчи шахснинг бирлиги сизлаш маъносидаги кўпликни ифодаловчи форма таркибида қатнашади. Қиёсланг: *бординг* — бирлик, *бординглар* — кўплик ва «сизлаш», *бордиларинг* — кўплик ва «сенлаш»: *Сизлар мушкул операцияни бажариб, қўмондонликнинг ишончини оқладинглар* (А. Убайдуллаев). *Нимага руҳсат сўрамасдан кирдиларинг?* (О. Ёқубов).

Иккинчи шахс кўплигининг *-нгиз* аффиксли формасига *-лар* аффиксининг қўшилишидан ҳосил бўлувчи тури ҳам қўлланади. Бунда *-лар* аффиксининг *-нгиз* аффиксидан олдин ёки кейин қўшилиш ҳоллари учрайди: *бордиларингиз* ёки *бордингизлар* каби: *Қандай бўлса ҳам душман кўрмагандай қилиб ишласаларингиз яхши бўлади-да* (Н. Сафаров). Демак, бу турда иккинчи шахс кўплиги қуйидаги формантлар ёрдамида ясалади: *-нгиз, -нелар, -ларингиз, -нгизлар*. Лекин булардан *-ларингиз* ва *-нгизлар* ёрдамида ясалувчи форма нисбатан кам учрайди.

Учинчи турда ҳам иккинчи шахс кўплигининг худди юқоридаги каби кўрсаткичлари бор: *-ингиз, -инглар, -ларинг, -ингизлар, -ларингиз*: *борганингиз йўқ, борганинглар йўқ, борганларинг йўқ, борганингизлар йўқ, борганларингиз йўқ*. Маъноси ва қўлланишидаги хусусиятлари ҳам худди юқорида кўриб ўтганимиз каби.

Буйруқ майлида ҳам иккинчи шахснинг кўплиги бирдан ортиқ кўринишга эга: *бор+инг, бор+ингиз, бор+инглар, бор+ларинг, бор+ингизлар*. Кўринадики, буйруқ майлида иккинчи шахснинг *бор, борин* типисидаги бирлик формасидан *-лар* аффикси ёрдамида кўплик формаси ясалмайди.

Иккинчи шахснинг *-инг* аффикси ёрдамида ясалувчи формаси кўпликдан кўра бирликнинг ҳурмати, «сизлаш» маъносида кўп қўлланади: *Қани, меҳмон, қанд тишлаб ичинг* (Шухрат). Кўпликнинг «сизлаш» маъносида, асосан, *-инглар*, «сенлаш» маъносида *-ларинг* формантлари ёрдамида ясалувчи формаси қўлланади: *Шундай қилингларки, бир йўқ билан икки қуён нишонга олинсин!* (Н. Сафаров). *Чулдиравермаларинг чуғурчиқдай! Қулоқ керак бўлса, кесиб олларинг* (Ҳ. Назир). Кўпликнинг *-ингиз* ва *-ингизлар* формаси нисбатан кам қўлланади.

Кўринадики, иккинчи шахснинг кўплиги формаларга бойлиги билан характерланади. Бундай кўп формаларнинг юзага келиши аслида кўпликни ифодаловчи форманинг бирлик ва «сизлаш» маъносида қўлланиш хусусиятига, бирлик формасининг «сенлаш» хусусиятига эга бўлиши билан изоҳланади.

Шахс-сон формаларининг юқоридаги тўртала турида ҳам учинчи шахс кўплиги бир хил хусусиятга эга, яъни учинчи шахснинг кўплиги; 1) шу шахснинг бирлик формаси орқали ифодаланади: *улар келди, улар келган, улар келсин* ва б.; 2) *-лар* аффикси ёрдамида ифодаланади: *улар келганлар (келдилар, келсинлар)*; 3) биргалик даража формаси орқали ифодаланади: *келишди, келишяпти, келишсин*. Биринчи ва иккинчи ҳолатда бирлик ёки кўплик ифодалангани контекстан ташқарида жуда аниқ бўлмайди. Чунки *-лар* аффикси бирликнинг ҳурмати учун ҳам қўлланади: *Отам келдилар*. Биргалик даража формаси қўлланганда эса кўплик маъноси ҳамма вақт аниқ бўлади. Бу формада ҳамма вақт «сизлаш» ҳам бўлади: *боришсин, келишяпти*. Демак, *келсин* ва *келсинлар* формаси, бир томондан (бирлик формаси сифатида), «сенлаш» ва «сизлаш» ифодалаши нуқтаи назаридан бир-бирига қарама-қарши туради. Иккинчи томондан эса бирлик ва кўплик нуқтаи назаридан бир-бирига қарама-қарши туради. *Улар келсин* ва *улар келишсин* гапларидаги *келсин* ва *келишсин* формалари эса «сенлаш» ва «сизлаш» нуқтаи назаридан бир-бирига қарама-қарши туради. Биргалик даража формаси ҳам кўплик, ҳам «сизлаш»ни ифодалай олгани сабабли бу форма қўлланганда *-лар* аффиксини қўллашга эҳтиёж қолмайди. Агар қўлланса, унинг нормал ҳолат эмаслиги сезилади. *Тўртинчи курсда мени факультет*

комсомол бюросининг секретари қилиб сайлашдилар (О. Ёқубов).

Учинчи шахс кўплигининг борганлар, боришган типигади формаси «сизлаш» хусусиятига эгалигидан ҳаракат нарса-предметларга оид бўлганида, кўплик учун ҳам бирлик формасининг ўзи қўлланаверади: *мевалар пишди, гуллар очилди* каби. Бундай ҳолларда кўплик формасининг қўлланиши нормал ҳолат ҳисобланмайди ва бундай қўлланишнинг адабий тилга хос эмаслиги сезилади: *Яна бир кўп буқланган қоғозлар унинг кўзидан ўтдилар* (Х. Шамс).

Юқоридагилардан маълум бўлдики, ўзбек тилида феълнинг иккинчи ва учинчи шахси «сенлаш» ва «сизлаш»га хосланган формаларга эга: *келдинг — келдингиз, келгансан — келгансиз, келдиларинг — келдинглар, сўра — сўранг* каби. Айрим шеваларда ёши катта, ҳурматли шахсга нисбатан «сенлаш» формасини бефарқ қўллаш ҳодисаси бор: *укам келди, отам келди* каби. Бундай қўллаш бадний асарларда ҳам учрайди. Лекин адабий тил нуқтаи назаридан бундай қўллаш ҳамма вақт ҳам нормал ҳолат бўлавермайди.

Шахс-сон формаларининг бир-бирига кўчиши

Шахс-сон формаларининг кўчган маънода қўлланиши ҳам кўп учрайди. Бу ҳодиса, асосан, иккинчи ва учинчи шахс формаларида кўрилади.

Учинчи шахс формасининг биринчи шахс маъносида қўлланиши эски услубга хос бўлиб, ҳозирги кунда жуда кам учрайди. Бундай ҳолларда гап ичида «камина», «фақир» сўзлари ҳам қўлланади: *камина айтди — мен айтдим*.

Учинчи шахс кўплик формасининг иккинчи шахс бирлик «сизлаш» маъносида қўлланиши ҳам кўпроқ эски услубга хос: *Нима хоҳласалар ҳаммаси бор* (Н. Сафаров). *Ассалому алайкум, Жиянбой ака, соғ-саломат бормилар, эсон-омон юрибдиларми?* (З. Фатхуллин). *Кулмасинлар, бой афанди, сипоҳларнинг... номи ваҳмалари ҳам юракларни бесаранжом қилади-я* (Яшин).

Учинчи шахс формасининг баъзан сўроқ формасида таъкид, дўқ учун иккинчи шахсга нисбатан қўлланиши учрайди. Бу ҳодиса кўпроқ оғзаки нутққа хос: *Тинч қўядими ўзи, ҳе... койиған бўлди қора йигит* (А. Убайдуллаев).

Иккинчи шахсининг бирлик формаси ва бирлик маъносида «сизлаш» учун қўлланувчи формаси умумшахс маъносида қўлланади: *Қайта-қайта ҳидлаганингда ер меҳрига тўйгандай бўласан* (Сайёр). *Гоҳ, кўпинча саҳар пайтида, тўсатдан совқотганингни сезиб уйғонасиз, ...баланд кўтарилган ҳулкарга тикилиб узоқ ётасиз, ...порлаб турган тонг юлдузини кўрасиз, кейин чакмонга яхшироқ ўралиб, яна ухлаб қоласиз* (О. Ёқубов). *Бундай ҳолларда гап ичида кўпинча «одам»*

ёки «киши» сўзлари қўлланади: *Шунчаки ишнинг белига тенганига ачинасан киши* (С. Анорбоев). *Иш шундай кўпайдики, овқатни ҳам кўчаларда юриб ейсан киши* (Яшин). Гапничида «одам» ёки «киши» сўзи қўлланганда, учинчи шахс формаси ҳам умум шахс маъносида қўллана олади: *Муваффақиятларини кўриб одам қувонади.*

Бир шахс-сон формасининг юқоридаги каби бошқа шахс-сон формаси маъносида қўлланиши ҳар қандай ҳолатда ҳам мумкин бўлаверадиган ҳодиса эмас, балки бундай қўлланиш маълум майл ёки замон формалари доирасида чегараланган бўлади. Масалан, ҳозирги-келаси замон гумон феъли доирасида шахс-сон формаларининг кўчган ҳолда қўлланиши учрамайди. Кўчган ҳолда қўлланишининг мумкин ёки мумкин эмаслиги шахс-сон формалари билан майл ёки замон турларига хос хусусиятларнинг ўзаро муносабатидан келиб чиқади.

Сифатдош

Сифатдошлар феълнинг функционал формаларидан бўлиб, унинг вазифа доираси ҳаракат номи формасининг вазифа доирасига нисбатан анча кенгдир. Бу турдаги феъл формаларининг «сифатдош» деб аталиши уларнинг бир асосий хусусиятига кўра, яъни сифатлар каби предметнинг белгисини кўрсатишига кўрадир. Сифатдош формалари, асосан, ана шу хусусияти билан феълнинг тусланишли формаларидан фарқланади.

Феъллар ҳам, сифатлар ҳам, шунингдек, сонлар ҳам, умуман олганда предметнинг белгисини билдиради. Лекин бу туркумларга оид сўзлар лексик-семантик жиҳатдан бир-биридан фарқланади. Феъллар предметнинг ҳаракат-ҳолатини, сифатлар предметнинг ранги, ҳажми, мазаси, хусусияти ва шу каби белгиларини, сонлар эса предметнинг сони, миқдорини билдиради: *келган одам, яхши одам, учта одам*. Сифатдошнинг лексик-семантик жиҳатдан сифат ва сон туркумига оид сўзлардан фарқи унинг ҳаракат ёки ҳолат ифодалашидир. Шунга кўра, сифатдош феъл (феъл формаси) ҳисобланади.

Предметнинг ҳаракат белгисини атрибутив йўл билан ифодалаш сифатдошларнинг асосий хусусиятидир. Лекин сифатдош формаларининг вазифаси фақат шу билан чегараланмайди. (Бу ҳақда ҳар бир сифатдош формасининг ўзи доирасида алоҳида-алоҳида гапирилади.)

Ҳозирги ўзбек тилида кенг қўлланувчи *келган, келаётган, келадиган* типидagi сифатдошларнинг замон жиҳатдан бир-биридан фарқланишини сезиш қийин эмас. Булардан биринчиси ўтган замон, иккинчиси ҳозирги замон, охиргиси ҳозирги-келаси замон сифатдоши ҳисобланади. Лекин сифатдошнинг бу формалари ҳаракатнинг нутқ моментига муносабатини бевосита кўрсатмайди. Сифатдошлардаги замон феълнинг тусланишли формаси

билдирган ҳаракатнинг бажарилиш вақтига, гапнинг кесими орқали англашилган вақтга ёки контекстдаги бошқа бирор сўз (сўз бирикмаси) билдирган вақтга нисбатан белгиланади: *Йигит қора қушлар п а с т л а ё т г а н т о м о н г а қ а р а б ч о п д и* (П. Қодиров). *Келинг, ўтиринг... сизга а й т а д и г а н а н ч а га п л а р и м б о р* (Ҳ. Фулом). *Деҳқон келаси кузда о л а д и г а н ҳ о с и л и н и н г г а м и н и ш у к у з д а н кўради* (М. Исмоилий).

Ҳатто, *-ган* аффикси орқали ясалувчи ўтган замон сифатдоши билдирган ҳаракат келгусига оид бўлиши мумкин. Унинг ўтган замон деб қаралиши тусланишли формадаги феъл билдирган ҳаракатнинг бажарилиш вақтига нисбатан бўлади: *Хотиржам бўлинг, к е л г а н о д а м л а р н и т е з д а ҳ у з у р и н г и з г а ю б о р а м а н*.

Демак, сифатдошлардаги замон нисбий бўлади. У ёки бу сифатдош формасини ўтган замон, ҳозирги замон ёки келаси замон деб аташда ана шу нисбатан олинадиган вақт назарда тутилади.

Ҳозирги ўзбек тилида сифатдош ясовчилар ичида энг актив *-ган* аффиксидир. Бу аффикс ёрдамида сифатдошнинг қайси замон формаси ясалиши, асосан, унинг феълнинг қандай формасига қўшилишига боғлиқ.

-ган аффикси феълнинг замон кўрсаткичи бўлмаган формасига қўшилганда қуйндаги маъно ва вазифаларга эга бўлади:

1. Феълнинг ўтган замон маъносини билдирувчи атрибутив формасини ясайди: *У миясига к е л г а н б у йўдан қўрқиб кетди* (Саид Аҳмад). *Аъзамнинг кўз олдига кинода кў р г а н, ў қ и г а н китоблардаги қў л г а т у ш г а н ж о с у с л а р н и н г тақдири келди* (Шуҳрат).

Тўрт ҳолат феъли — *ёт, тур, юр, ўтир* феъллари — *-ган* аффикси билан қўлланганда ҳозирги замон маъноси ҳам ифодаланаверади: *Олдид а ё т г а н* керакли асбобларни тез топа олмас, *кўвани қидирган қўли ширач косага ботар...* (Ойбек). *Фаҳриддин осилиб турган қалин пастки лабини бир-икки қимирлатиб... жавоб берди* (А. Қаҳҳор). *Ҳовли юзида айланиб юрган оқсоқ мушук тўкилган жўхорини искаб кўрди* (А. Қаҳҳор). *Қўрбошининг ўнг ёнида... ў т и р г а н табиб ҳам салмоқлаб, дон-дона қилиб гапириб...* (А. Қаҳҳор).

2. Предметнинг статик ҳолатини билдиради: *Сочига битта-иккита о қ о р а л а г а н хотин чиқиб эшикни очди* (А. Қаҳҳор). *Дўконхонанинг кўчага қ а р а г а н, ойна ўрнида шалдиروқ қоғоз ёпиштирилган кичкина деразаси хира ялтираб кўринади* (Ойбек).

-ган аффикси билан ясалган сифатдош статик ҳолатни билдирганда, ҳаракатнинг ўтган замонга оидлиги ифодаланмайди, балки предметнинг ҳозирги ҳолати асосий ўринда бўлади. Шунинг учун ҳам бундай ҳолларда баъзан сифатдошнинг бу формаси ўрнида ҳолатнинг ҳозирги замонга оидлигини билдирувчи бошқа формасини қўллаш мумкин бўлади: *Лаъли ўзини бурчакдаги тош ойнага солиб, ...юрагига с и ф м а г а н, қувончини ашулага солиб ай-*

тағтибди (Ҳ. Фулом). Бунинг устига мамлакатнинг ҳар еридан сен танимаган одамлардан ҳар хил хатлар, ғалати-ғалати совға келиб туради (А. Қаҳҳор). Бу икки мисолдаги *сиғмаган* ва *танимаган* формаси ўрнида *сиғмаётган*, *танимайдиган* формасини қўллаш мумкин.

Бу формадаги сифатдошнинг атрибутив вазифада отга оид эгалик кўрсаткичлари билан қўлланиш ҳоллари учрайди. *Яхши деб йўлда жон берганинг Азизбек бу кун сизларга яхшиликгингизни ўттиз икки танга солиқ билан қайтармоқчи бўлди* (А. Қодирий). *Шу тондаёқ Жобир буйруқни бажаришга киришган ва натижада эрта билан ҳалиги кўрганимиз воқеа рўй берган эди* (Ҳ. Шамс).

Мисолдаги сифатдошга қўшилган эгалик аффиксини у боғланиб келган отга қўшса ҳам бўлади: *Яхши деб йўлда жон берганинг Азизбек — яхши деб йўлда жон берган Азизбегинг. Ҳалиги кўрганимиз воқеа — ҳалиги кўрган воқеамиз*. Шунга кўра, сифатдошга қўшилган эгалик қўшимчаси аслида у бирикиб келган отга оид қўшимчадек кўринади. Лекин бундай эмас. Шу сабабли юқоридаги каби ҳолларда сифатдошга қўшилган эгалик аффиксини у бирикиб келган отга қўшиш ҳамма вақт ҳам мумкин бўлавермайди. *Иван оға, кўндан бери орзу қилганим большевиклар партиясига аъзо бўлиб кирдим* (Ж. Шарипов). *Ҳеч йўламаганим, кутмаганим ҳар бир нарсани гапирдилар* (С. Айний).

Демак, келтирилган мисоллардаги эгалик аффикслари ҳаракатнинг кимга оидлигини кўрсатади. Агар эгалик аффикси қўлланмаса, ҳаракатнинг кимга оидлиги ва умумий фикр аниқ бўлмай қолиши мумкин: *Акам ҳам айтганим Саидаброр юзбошининг хизматкори эди* (А. Қаҳҳор). Мисолдаги *айтганим* сўзи эгаликсиз (*айтган* тарзида) қўлланса, айтган одам акасими ёки хизматкор бўлган одам акасими эканлиги аниқ бўлмай қолади. Бироқ атрибутив вазифадаги сифатдошни эгалик қўшимчаси билан қўллаш орқали ҳаракатнинг кимга оидлигини ифодалаш ҳозирги ўзбек тили учун характерли эмас. Бу маъно сифатдош боғланиб келган отдаги эгалик қўшимчаси ёки бошқа сўз, контекст ёрдамида ифодаланади: *Масалан, ўқиганим китоб эмас, балки ўқиган китобим ёки мен ўқиган китоб дейиш нормал ҳолат ҳисобланади*.

3. Сифатдошнинг бу тури шахс-сон қўшимчаларини олиб предикатив вазифада қўлланади. Бунда у аниқлик майлининг ўтган замон формаси ҳисобланади, *-ган* аффикси эса замон кўрсаткичи сифатида қаралади: *келганман, келгансан, келган; келганмиз, келгансиз, келган(лар)* («Ўтган замон формалари» баҳсига қараңг).

Феълнинг ҳозирги замон кўрсаткичи бўлган формасига (асосига) *-ган* аффиксининг қўшилишидан ҳозирги замон сифатдоши ҳосил бўлади: *ёзаётган, ишлаётган, сўзлаётган* каби.

Ёзаётган, ишлаётган каби формада *-ган* аффикси фақат феъл-

нинг атрибутив формасини яшаш вазифасини бажаради. Унинг замон маъносига даҳли йўқ. Бу маъно *-ёт* форманти орқали ифодаланади.

Ҳозирги замон сифатдоши, асосан, атрибутив вазифада қўлланади: *ишлаётган одам, эсаётган шамол* каби. Бу формани шахс-сон билан тушлаш орқали (*ёзаётганман* каби) ҳозирги замон феъли ҳосил қилинмайди. Фақат қуйидаги ҳоллардагина ҳозирги замон сифатдоши ҳозирги замон феълининг ясалиши учун хизмат қилади: 1) *йўқ* сўзи билан ҳозирги замон феълининг инкор формаси ясалишида қатнашади: *ишлаётгани йўқ, келаётгани йўқ*; 2) ҳозирги замон феълининг эшитилганлик формасида *эмиш* тўлиқсиз феъли билан бирга қўлланади: *ишлаётган эмиш, келаётган эмиш*; 3) ҳозирги замон гумон маъносини ифодалашда *-дир* аффикси билан қўлланади: *ишлаётгандир, келаётгандир*.

Ҳозирги замон сифатдошининг сифатга кўчиш ҳодисаси учрамайди. Бунинг сабаби шуки, мазкур формада доимий ҳаракат ёки турғун ҳолат ифодаланмайди, балки ҳамма вақт аниқ бир вақт (момент) даги ҳаракат ифодаланади. Демак, бу формада ҳаракатга хос хусусият ҳамма вақт сақланади.

Ҳозирги-келаси замон феъли асосига *-ган* аффиксининг қўшилишидан ҳозирги-келаси замон сифатдоши (ҳозирги-келаси замон феълининг атрибутив формаси) ҳосил бўлади: *боради + ган > борадиган, ишлайди + ган > ишлайдиган* каби.

Ҳозирги-келаси замон сифатдоши контекстга кўра ҳозирги замон (одатдаги ҳаракат-ҳолат) ёки келаси замон маъноларини ифодалай олади: *Феруза «Меҳнат-роҳат» колхозига борадиган йўлни ўшалардан сўрамоқчи бўлиб, ... (Ҳ. Фулом). Учрашадиган одамнинг номи нима? (Шуҳрат). Сен билан биз ҳамма нарсага тушунадиган одамлармиз (Б. Кербобоев).*

Ҳозирги-келаси замон сифатдоши кесим вазифасида келганда мақсад ёки лозимлик маънолари ифодаланиши мумкин. Лекин бу маънолар бевосита ҳозирги-келаси замон сифатдошининг ўзига хос маъно бўлмай, бошқа факторлар, контекст ёрдамида келиб чиқувчи маънолар бўлади: *Эртага Ботиралининг онасига жамoadан егулик олиб борадиганман (Ҳ. Фулом)... қўйиб берса, Париса унинг нормасини ҳам ўз зиммасига оладиган (О. Ёқубов).*

Юқоридагилардан маълум бўлдики, ҳозирги ўзбек тилида сифатдошнинг ўтган замон, ҳозирги замон, келаси замон формаларини ясовчи махсус (алоҳида-алоҳида) формантлар йўқ. *Ишлаган, ишлаётган* каби формада ясалган сифатдошларнинг ҳаммасида ҳам сифатдош ясовчи аффикс *-ган* нинг ўзидир. Буларда *-ган* аффиксининг замон маъносига даҳли йўқ. У ҳозирги замон феъли асосига қўшилса, ҳозирги замон сифатдоши, ҳозирги-келаси замон феъли асосига қўшилса, ҳозирги-келаси замон сифатдоши ясалади. Феълнинг замон кўрсаткичи бўлмаган асосига қўшилганда, кўп ҳолларда ўтган замон ифодаланади, лекин ҳамма вақт эмас (Бунинг юқорида кўрдик).

Сифатдош ясовчи аффикслардан бири *-(а)р* (бўлишсиз *-мас*) аффиксидир.

Тарихан *-(а)р* аффикси ёрдамида ясалувчи форма жуда кўп вазифада қўлланган. Шунингдек, ҳозирги ўзбек тилидаги *келади, ишлайди* ва *келадиган, ишлайдиган* формаларига хос маъноларни ифодалаш учун ҳам *-(а)р* аффикси билан ясалувчи форма қўлланган. Тил тараққиётининг кейинги босқичларида *ишлайди, келади* ва *ишлайдиган, келадиган* формаларининг юзага келиши, шубҳасиз, *-(а)р* аффикси ёрдамида ясалувчи форманинг маъно ва вазифасида қандайдир ўзгариш юз беришини тақозо этар эди. Ҳақиқатда ҳам шундай бўлди. Ўзбек тилида *келади, ишлайди; келадиган, ишлайдиган* типдаги форманинг пайдо бўлиши *-(а)р* аффикси ёрдамида ясалувчи (*келар, ишлар* каби) форманинг қўлланиш доирасини анча чегаралаб қўйди. Ҳозирги-келаси замон феълига хос бўлган маъно ва вазифада *келади, ишлайди* типдаги тусланишли форма (предикатив форма) ва *келадиган, ишлайдиган* типдаги атрибутив форма кенг қўлланади. Буларга хос бўлган маънода *келар, ишлар* формасининг қўлланиши жуда кам учрайди. Масалан, *эртага келадиган одам* бирикмасидаги *келадиган* формаси ўрнида *келар* формаси қўлланмайди. Умуман, *-(а)р* аффикси ёрдамида сифатдош ясалиши жуда пасив ҳодиса. Бу аффикс билан қўлланувчи айрим сўзлар феълдан кўра сифатларга жуда яқин туради: *оқар сув, сўнмас ҳаёт* каби. Ҳозирги-келаси замон феълининг *келади, ишлайди* ва *келадиган, ишлайдиган* типдаги формаси келиб чиққач, *-(а)р* аффикси ёрдамида ясалувчи форма ҳозирги-келаси замон гумон феъли формасига айланган («Ҳозирги-келаси замон гумон феъли» баҳсига қаранг).

Феълларга *-вчи* аффиксининг қўшилишидан ҳосил бўлувчи форма ҳам сифатдош ҳисобланади. Бу аффикс охири *а* билан битган сўзларга қўшилганда, *а* «о»га айланади, *и* унлиси билан битган феълларда эса *и* «у»га айланади. Шунингдек, ундош билан битган феълларга қўшилганда бир «у» орттирилади: *ишла — ишловчи, ўқи — ўқувчи, бор — борувчи* каби.

Сифатдошнинг бу тури, асосан, предметга доимий хос бўлган, одатдаги ҳаракат белгисини, кам даражада эса келгусига оид ҳаракат белгисини билдиради: *Ахир, боғдаги манови кўзни қувнатувчи, юракни тўлқинлатувчи... яшиллик билан касалхона палаталаридаги доим бир хил зерикарли ҳаётни таққослаб бўлар эканми!* (С. Анорбоев) *Элмурод бу ерга келувчи меҳмонларнинг ҳаммасини таниб олди* (П. Турсун).

Баъзан *-вчи* аффикси билан ясалувчи форма ўрнида *-гувчи* аффикси ёрдамида ясалувчи форманинг қўлланиши учрайди. Лекин у эскирган форма ҳисобланади. Умуман, *-вчи* аффикси ёрдамида ясаладиган форма ҳозирги ўзбек тилида кам қўлланади. Бу форма ифодалайдиган маънода ҳозирги-келаси замон сифатдоши қўлланаверади.

Юқоридагилардан ташқари феълнинг *-рлик, -ғлик, -гулик*

аффикслари ёрдамида ясалувчи атрибутив формаси ҳам қўлланади. *-ғлик* аффикси ёрдамида ясалувчи форма предметнинг статик ҳолатини билдиради: *Хўжабеков жувоннинг қистови билан я с а т и ғ л и к хонтахтани айланиб ўтиб тўрга чиқди* (С. А н о р б о е в). *Қирқинчи лампалар ё қ и ғ л и қ қизил чойхона колхозчилар билан тўлган эди* (С. А й н и й).

Бу аффикс жуда кам феъллар доирасида қўлланади. Масалан, *чопмоқ, ухламоқ, айтмоқ* каби феъллар бу формада қўлланмайди. Шунингдек, *-рлик* ва *-гулик* аффикслари билан ясалувчи форма ҳам жуда кам феъллар доирасида учрайди: *Охирда Солиҳ маҳдум таҳсилни тарк этишга, қ о р и н т ў й д и р а р л и к бир касб излашга мажбур бўлди* (А. Қ о д и р и й). *Бири етимлигини билдирмай сағир бошини силаган, бири унинг умри охирига етг у л и к ситам қолдирган* (С а и д А ҳ м а д).

Феълнинг *-ғлик, -рлик, -гулик* аффикслари ёрдамида ясалувчи формалари жуда кам феъллар доирасида қўлланишидан ташқари, инкор ва замон формаларига ҳам эга эмас. Ана шу хусусиятларига кўра буларни ҳозирги ўзбек адабий тили нуқтаи назаридан тўла маънода сифатдошлар қаторига киритиб бўлмайди.

Хуллас, ҳозирги ўзбек тилида сифатдош ясовчи актив аффикс сифатида фақат *-ган* аффиксини кўрсатиш мумкин.

Сифатдошларнинг асосий синтактик вазифаси аниқловчи бўлиб келишдир. Улар отлашганда эса отларга хос синтактик вазифаларда кела олади. Шахс-сон билан тусланиб, майл, замон маъноларини ҳам ифодалаган ҳолларда кесим вазифасида келади. Бунда тусланишли форма бўлади.

РАВИШДОШ

Ҳаракат белгисини билдирадиган, уни бирор томондан характерлайдиган феъл формаси равишдош деб аталади. Равишдошлар фақат тусланишли феъллар билдирган ҳаракатнинг эмас, балки сифатдош, ҳаракат номи, ҳатто, равишдош формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг ҳам белгисини кўрсатаверади: *кулиб гапирди, кулиб гапирадиган, кулиб гапириш, кулиб гапириб* каби. Бунинг сабаби шуки, ҳаракат билдириши жиҳатдан функционал формалар ҳам тусланишли формалардан фарқланмайди ва ҳаракат билдирган ҳар қандай формадаги феъл билан равишдош формаси қўллана олади.

Ҳозирги ўзбек тилида равишдошнинг бир неча формаси бўлиб, улар қуйидаги аффикслар ёрдамида ясалади:

-(и)б аффикси: *сўраб, эслаб, қувониб*. Бу форма бажарадиган вазифасининг хилма-хиллиги билан бошқа равишдош формаларидан алоҳида ажралиб туради. Унинг асосий вазифаларни қуйидагилар:

1. Ҳаракат белгисини билдириб ҳол вазифасида келади: *Шу пайт чорбоғдан эчки е т а к л а б Дилдор кириб келди* (С а и д

Аҳмад). У окопдан и рғиб юқорига чиқди-да, қоронғида ғойиб бўлди (А. Убайдуллаев).

-(и)б аффикси ёрдамида ясалувчи форманинг равишдош деб аталиши, асосан, унинг ана шу хусусиятига кўрадир. Бу вазифада у, худди равишлар каби, -роқ, -гина аффикслари билан ҳам қўллана олади; *Бор, ўқариқлардан хабардор бўлиб тур. Сувни жи л д и р а т и б р о қ қўй* (Ш. Саъдулла). *Қудрат унга хатни ўқийди, сўнг тортинибгина сўради...* (Ҳ. Назир).

-(и)б аффикси билан ясалувчи равишдош бу вазифада қўлланилганда, у билдирган ҳаракат бошқа феъл билдирган ҳаракатни бирор жиҳатдан характерлайдиган ҳаракат бўлади. Демак, равишдош билан у боғланиб келган феъл бир бутун бирикмани (сўз бирикмасини) ташкил этади. Шунга кўра, бундай ҳолларда равишдошдан сўнг (агар уюшиқ ҳолат бўлмаса) вергул ёки бирор ажратувчи белги қўйиш тўғри бўлмайди. Бундай белги қўлланса, нотўғрилиги сезилади: *Бой бувам эрибдилар-да!— бир йигит чойхоначига эшиттириб, пичинг отди* (Ҳ. Фулом).

Ҳаракат белгисини билдирувчи равишдош кетма-кет қўлланиши мумкин (уюшиқ ҳолат назарда тутилмапти). Бунда биринчи равишдош кейинги равишдош билдирган ҳаракатнинг белгисини, иккала равишдош бирликда эса бошқа формадаги феълга оид ҳаракатнинг белгисини билдиради: *Тобига келган чойдишдек шарақлаб кулиб Палмонтоз кириб келди* (А. Мухтор).

Кўчирма гапларда бу вазифадаги равишдошнинг қўлланиши ўрни икки хил бўлиши мумкин: а) кўчирма гап автор гапининг ўртасида келса, равишдош кўчирма гапдан олдин, «деди» сўзи кўчирма гапдан сўнг қўлланади; б) автор гапи кўчирма гапдан кейин бўлса, равишдош ҳам «деди» сўзидан сўнг, ҳатто, гап охирида қўлланади: *Тўтиқиз китобчани ола туриб: Мен ўқишни билмайману,— деди* (М. Исмоилий). *Раҳимнинг шу аҳволга тушишига ўзимиз ҳам оз-моз сабабчимиз,— деди Марҳамат Аҳмаддан ўпкалаб* (Ҳ. Назир).

2. Етакчи феъл билан кўмакчи феълни боғлашга хизмат қилади: *сўраб кўр, ташлаб юбор, ишлаб тур*.

3. Боғловчилик вазифасини ўтайди ва шу билан бирга феълнинг қандайдир бир формаси ўрнида қўлланади. Буни қуйидаги бир мисолдаёқ очиқ кўриш мумкин: *Кекса мастер Кузнецов ўз шогирдларидан фахрланиб, у ҳам яхши тилаклар билан бирикки сўз айтди-да, Омоновга ўрин берди* (Ибоҳон). Мисолдаги *фахрланиб* формаси ўрнида *фахрланди-да* формасини ва *айтди-да* формаси ўрнида *айтиб* формасини қўллаш мумкин. Демак, *фахрланиб* формасидаги -(и)б равишдош ясовчисини -ди аффикси билан -да боғловчисига хос вазифада қўлланипти. Қуйидаги мисолларда ҳам тусланишли феъл ва боғловчи восита ўрнида равишдош формасини, равишдош формаси ўрнида эса тусланишли форма билан боғловчини қўллаш мумкин: *Йигит қора қушларни кўрди-ю, бирдан сергакланди. Ўрнидан кўтарилиб, орқага тики-*

либ қаради (П. Қодиров). Гулсум она ҳамма гапни бир қоғозга ёзиб олди-да, Чавандознинг олдига кетди (О. Ёқубов). Марҳамат сумкасини очиб, ундан қизил галстукни олди-да: *Мана!*—деб уни ҳилпиратган эди, ... (Ҳ. Назир). У стол ёнидаги табуреткани каравот олдига суриб, қўлидаги овқатни унга қўйди (С. Зуннунова).

Боғловчи вазифасини бажариш ва бирор форманинг ўрнида қўлланиш фақат кесими -ди аффикси билан ясалган ўтган замон формасидан бўлган феъллар доирасидагина учрамайди: У нима эканки, сени кулдираар экан-у, мени йиғлатар экан? (А. Қаҳҳор). Ханифа ўрнини аллақачон йиғиштириб, хонтахта атрофига кўрпачалар тўшабди (Ҳ. Фулом). Ҳали қуёш чиққани йўқ. Лекин тонг ёришиб, кўк юзи тип-тиниқ, кўк шиша тусига кирган (Ибохон). Биринчи мисолдаги кулдираар экан-у формаси ўрнида кулдириб формасини, кейинги гаплардаги йиғиштириб, ёришиб формалари ўрнида йиғиштирибди, ёришган формалари билан ва боғловчисини қўллаш мумкин.

Умуман, -(и)б аффикси билан ясалувчи равишдошнинг боғловчи вазифасини бажариши ва бирор форма ўрнида қўлланиши фақат тусланишли феъл-ва кесим доираси билангина чегараланмайди. Бу вазифада у феълнинг функционал формалари ва гапнинг иккинчи даражали уюшиқ бўлаклари доирасида ҳам қўлланади: Ҳозир ҳамма ёқ сап-сарик бўлганидан чўл қаердан бошланиб, қаерга туташшини билиб бўлмасди (Саид Аҳмад). Қосимжон ака, интернатдаги ўртоқларимнинг ёрдами билан ҳадемай бемалол ўқиб, ёзадиган ҳам бўлдим (Ғайратий). Бу мисоллардаги бошланиб, ўқиб формаларини «бошланишини ва», «ўқийдиган ва» билан алмаштириш мумкин.

Ўзаро боғланиш махсус интонация ёрдамида бўлганида, -(и)б аффикси билан ясалувчи равишдош формасини тегишли бирор форма билан алмаштириб, ва боғловчисини қўлламаслик ҳам мумкин: Қорининг озгин жуссаси баттар ориқлаб, қора соқол чўзинчоқ юзи янада чўзилиб, қоп-қора чуқур тушган кўзлари илгаригидан ҳам чуқур тушиб, супра қулоқлари бешбаттар қаққайиб қолгандай кўринди (С. Анорбоев). Зухра эшикка чиққанда эрталабдан бери ёғайтган қор тўхтаган, унинг ўрнига бир оз шабада қўзғалган эди (Ибохон). У қишлоққа етганда қуёш ботиб, кечанинг сукунатли қора тўрлари дала устини қоплаган эди (Ҳ. Шамс). Бу мисоллардаги ориқлаб, тушиб, чўзилиб формалари ўрнида ориқлагандай, тушгандай, чўзилгандай формаларини, тўхтаган, ботиб формаси ўрнида тўхтаб, ботган формасини қўллаш мумкин.

Юқоридаги каби ҳолларда бўлишсизлик аффикси фақат бир ўринда қўлланиб, равишдош бўлишли формада қўлланиши мумкин. Лекин инкор маъноси равишдош билдирган ҳаракатга ҳам тегишли бўлиши мумкин: Сизнинг Қашқангизга ўхшаган Россиядан келтирилган сигирлар илгари бу касал билан оғриб, танаси пишмагани учун қийналиб қолди (С. Анорбоев). Октябрь ойида ноль

иккидан топширишни қулоқ эшитиб кўз кўрмаган (И. Раҳим).

Баъзи ҳолларда *-(у)б* аффикси билан ясалган равишдошнинг боғловчилик вазифаси аниқ сезилиб турмайди: *Подшо ҳам аҳмоқ эмас, сизга бир қоп тилла бериб* («Латифалар»). *Қурол бўлиб бирлик бўлмаса, ичингдан ола чиқаверса...* (Н. Сафаров). *Госпиталда кўп ётиб оёқларинг уюшиб қолибди* (А. Убайдуллаев). *Яхши қилдинг бу тентакни ушлаб...* (А. Мухтор). Биринчи гапдаги *бериб* равишдоши бошқа форма билан алмаштирилса, гап таркибида боғловчи қўллашга тўғри келиб қолади. Чунончи: *Подшо ҳам аҳмоқ эмаски, сизга бир қоп тилла берса. Подшо аҳмоқмидики, сизга бир қоп тилла беради* ва ҳ. к. Демак, келтирилган мисолда равишдош формасининг боғловчилик вазифаси бор. Кейинги мисолларда ҳам худди шундай.

4. Равишдошнинг бу тури шахс-сон билан тусланади ва тусланишли феъл, яъни ўтган замон феъли ҳосил бўлади: *келибман, келибсан, келибди* каби.

Юқоридагилардан маълум бўлдики, *-(у)б* аффикси билан ясалувчи равишдош формаси (шахс-сон билан тусланмаган) деярли барча ҳолларда боғлаш вазифасини бажаради. Ҳатто, бу форма ҳаракатнинг белгисини билдириб, ҳол вазифасида келганда ҳам икки феълнинг боғланиши шу форма орқали бўлади. Боғлаш вазифасида қўлланиш унинг бошқа равишдош турларидан фарқланадиган асосий хусусиятидир. Бу форманинг бошқа типдаги равишдошларга нисбатан жуда кенг қўлланиши ҳам худди шу хусусияти таъсирида келиб чиқади.

-(у)б аффикси ёрдамида ясалувчи равишдошнинг қандай вазифада қўлланишига қараб гапнинг қандай бўлаги вазифасида келиши ҳам ҳар хил. Ҳаракатнинг белгисини билдирганда ҳол вазифасида келади, боғловчилик вазифасида қўлланганда эса эргаш гапнинг, равишдош оборотларнинг кесими, уюшиқ кесим ёки гапнинг иккинчи даражали бўлаклари бўлиб келади (Юқоридаги мисолларга қаранг).

Бу равишдошнинг бўлишсиз формаси *-май, -масдан* формантлари орқали ясалади: *ўқиб-ўқимай, ўқимасдан; кўриб-кўрмай, кўрмасдан: Хотиржам бўлинг, Норқўзи ака,— деди Асалхон сув сатҳида қалқиб келаётган жийда шохидан кўзини олмай* (Ҳ. Фулом). *Менга ҳам ичидагини очиқ равшан гапирмасдан четлаб юрибди* (Ҳ. Назир).

Фақат тусланишли формадагина *-(у)б* кўрсаткичининг ўзи сақланади: *келмабсан, келмабди*.

Шеърятда *-май* формантининг *-майин* тарзида қўлланиши ҳам учрайди:

Қанотини қуш қоқмайин

Уйғонар эл полвонлари (Миртемир).

Кулмай гапирди, сўрамай кирди каби бирикувлардаги *кулмай, сўрамай* формаси *-а, -й* аффикси билан ясалувчи равишдошнинг эмас, балки *-(у)б* аффикси ёрдамида ясалувчи равишдошнинг

бўлишсиз формаси ҳисобланади: *кулиб гапирди — кулмай гапирди, сўраб кирди — сўрамай кирди*. Лекин *кула кирди, сўрай кирди* дейилмайди. *-а, -й* аффикслари ёрдамида ясалувчи равишдош бўлишли формада ҳам, бўлишсиз формада ҳам якка сўз ҳолида қўлланиш хусусиятини деярли йўқотган (Бу ҳақда кейинроқ гапирамиз). Аслида қайси турдаги равишдошнинг бўлишсиз формаси бўлганидан қатъи назар, *кулмай, кулмасдан* типидagi формани ҳозирги ўзбек тилида *-(и)б* аффикси билан ясалувчи равишдошнинг бўлишсиз формаси деб қараш мумкин.

-а, -й аффикси. Равишдошнинг бир тури ундош билан битган феълларга *-а*, унли билан битган феълларга *-й* аффиксининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Бу турдаги равишдош қуйидаги маъно ва вазифаларда қўлланади:

1. Ҳаракатнинг белгисини билдиради. Бу вазифада унинг якка сўз ҳолида (*кула, ушлай* каби) қўлланиши жуда кам учрайди. Якка сўз ҳолида қўллаганда, субъектнинг шу форма билдирган ҳаракатни бажарган оннинг ўзида (тезлик билан) бошқа бирор ҳаракатни бажаришга ўтиши ифодаланади: *Жўхори туютган хотини унинг қўлидаги туғунчани кўриб, келисонни келининг устига қўйя чопди* (А. Қаҳқор).

Лекин бир ҳаракатни бажарган оннинг ўзида бошқа ҳаракатга ўтиш ҳодисаси ҳар қандай ҳаракат доирасида ҳам мумкин бўлавермайди. Шу сабабли *-а, -й* аффикси ёрдамида ясалувчи равишдошнинг бу маънода якка сўз ҳолида қўлланиши ҳам анча чегараланган. Масалан, *ишла, ухла* феъллари бу формада ҳаракатнинг белгисини билдириш учун якка сўз ҳолида қўлланмайди. Бу вазифада якка сўз ҳолида қўлланиувчи *-а, -й* аффикси ёрдамида ясалувчи равишдошнинг бўлишсиз формаси ҳам ишлатилмайди. Масалан, *кела ишга тушиди* гапидаги *кела* равишдошининг *келмай* (ишга тушиди) типидagi бўлишсиз формаси йўқ.

Равишдошнинг *-а, -й* аффикси билан ясалувчи тури ҳаракатнинг белгисини билдириш вазифасида асосан такрор ёки жуфт ҳолда қўлланади: *Улар самолётдан тушишлари биланоқ тиззаларидан сочма қумга бота-бота хансираб бузов томонга борардилар* (Б. Қербобоев). *Тоғ оралиғидаги қалин қор эрий-эрий одам бемалол кира оладиган ғор бўлиб қолибди* (С. Анорбоев). *Муяссар шоша-паниша унга кечаси ўйлаган ўйларини гапира бошлаган эди, ...* (О. Ёқубов).

Такрорий ёки жуфт сўз ҳолида қўлланган *-а, -й* аффикси билан ясалувчи равишдош ўрнида *-(и)б* аффикси ёрдамида ясалган равишдошни қўллаш мумкин. Лекин *-а, -й* аффиксли формада маъно кучайтириб ифодаланади: Қиёсланг: *кута-кута — кутиб-кутиб, сўрай-сўрай — сўраб-сўраб, йиғлай-йиғлай — йиғлаб-йиғлаб* ва б.

Бу вазифада қўлланган *-а, -й* аффикси ёрдамида ясалувчи равишдош гапда ҳол вазифасида бўлади (Юқоридаги мисолларга қаранг).

2. Шахс-сон билан тусланиб, ҳозирги-келаси замон феъли яса-лиши учун хизмат қилади: *келаман, келасан, келади; ишлайман, ишлайсан, ишлайди* каби.

3. Етакчи феъл билан кўмакчи феълни боғлаш учун хизмат қилади: *ёза олмоқ, ўқий бошламоқ*.

Равишдошнинг *-а, -й* аффикси билан ясалувчи тури боғловчи-лик вазифаарида қўлланмайди. Бу унинг ҳозирги ўзбек тилида *-(и)б* ёрдамида ясалувчи равишдошдан фарқланувчи энг асосий хусусиятидир.

-гач (-кач, -қач) аффикси: *келгач, экакч, чиққач*. Равишдошнинг бу тури:

1. Пайт маъносини билдиради ва пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапдаги ҳаракатнинг ўзи билдирган ҳара-катдан кейин бажарилишини ифодалайди: *Уч-тўрт кун меҳмон-дорчиликда юришгач, мактабга қайтдилар* (П. Тур сун). *У ечи-ниб кўрпага киргач, Икромжонга нимадир демоқчи бўлиб бошини кўтарди* (С а и д А ҳ м а д).

Равишдошнинг *-(и)б* аффикси билан ясалувчи тури ҳам пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келади ва бундай қўшма гап-ларда ҳам бош гапдаги ҳаракатнинг эргаш гапдаги ҳаракатдан сўнг бажарилиши ифодланади. Шу сабабли, маълум ҳолларда, *-гач* аффикси билан ясалган форма билан *-(и)б* аффикси ёрдами-да ясалувчи форманинг бири ўрнида иккинчиси қўлланса ҳам маънода унчалик ўзгариш сезилмайди. Лекин *-гач* аффикси билан ясалувчи формада «кейин бажарилиш» маъноси алоҳида таъкид-ланади: *Икромжон махоркасини ўт олдириб бўлиб бир-икки тор тгач, бафуржа жавоб берди* (С а и д А ҳ м а д). Мисолдаги *бўлиб* формаси ўрнида *бўлгач* формаси, *тор тгач* формаси ўрнида *тортиб* формаси қўлланса ҳам маъно ўзгармайди. Лекин «кейин бажарилиш»нинг алоҳида таъкиди *-гач* аффикси билан ясалувчи формада бўлади.

Баъзан *-гач* аффикси билан ясалувчи равишдошнинг *-гина* юк-ламаси билан қўлланиш ҳоллари учрайди. Бундай ҳолларда у пайт ҳоли вазифасида келади: *Кўришапалакдек бир кўриниб йўқолган Мирсодиқларни кўргач гина маълум бўлди* (Ҳ. Ш а м с). Ле-кин бундай қўлланиш умумий характерга эга эмас.

2. Сабаб маъносини билдиради ва сабаб эргаш гапнинг кесими вазифасида келади: *Вақт кеч бўлиб қолгач, ортиқча ўти-ришни лозим топмаган Холмат ака фотиҳа қилиб ўрнидан турди* (Ҳ. Ш а м с). *Касбинг шу бўлгач, ўзингни ҳар ёққа солиб нима қиласан* (М. Р а с в о).

-гач аффикси ёрдамида ясалган равишдошнинг бўлишсиз фор-маси, асосан, сабаб маъносида қўлланади. Бунинг сабаби шуки, бўлишсиз формада бажариладиган ҳаракатнинг ўзи бўлмайди. Демак, бош гапдаги ҳаракатдан олдин бажарилувчи ҳаракат ҳам бўлмайди. Ҳаракатнинг йўқ бўлишидан (шу сабабли) бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиши маъноси келиб чиқади: *Шундай бўлса ҳам, ҳадеганда тешик очилавермагач, хавотир олдик-да*

(Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов). *Зорланишдан, ични ейишдан бошқа ҳеч нима қўлидан келмагач, нима қилсин* (М. Исмоилий).

-гач аффикси билан ясалувчи равишдошга хос маъноларда чиқиш келишигидаги сифатдош билан «кейин» сўзидан ташкил топган бирикув ҳам қўлланади: *келгач—келгандан кейин, айттавермагач — айттавермагандан кейин*. Умуман, -гач аффикси билан ясалувчи равишдошнинг қўлланиши кўпроқ китобий услубга хос бўлиб, оддий сўзлашувда унинг вазифасида *келгандан кейин, айтмагандан кейин* типдаги форма қўлланади.

-гунча (-кунча, -қунча) аффикси *келгунча, чеккунча, чиққунча*. Бу аффикс ёрдамида ясалувчи равишдош ҳам ҳозирги ўзбек тилида жуда кенг қўлланади ва қуйидаги маъноларни билдиради:

1. Ўзи боғланиб келган феъл билдирган ҳаракатнинг бажарилиш вақтини аниқлайди. Бунда қуйидаги ҳолатларни кўриш мумкин.

а) бирор ҳаракатнинг -гунча аффиксли феъл билдирган ҳаракатга қадар бажарилиб бўлиши ифодаланади. Бунда бирор ҳаракат бажарилган вақтда -гунча аффиксли феъл (равишдош) билдирган ҳаракат йўқ ҳолатда бўлади. Бажарилган ёки бажариладиган ҳаракат эса давомли ҳаракат бўлмайди: *Юринглар, машина кампирни ташлаб келгунча қирга чиқиб тушамиз* (И. Раҳим). Бундай ҳолларда ана шу мазмунга мос равишда, уни таъкидлаш учун «то» сўзи ва -гунча аффиксли феъл билдирган ҳаракатнинг юзага келмаганини ифодалаш учун «бўлмай» феъл формаси қўлланиши мумкин: *То хўрда сузилиб келгунча у бир томонга қийшайиб ухлаб қолган эди* (Сайд Аҳмад). *Улар ўзларини панага олгунча бўлмай шилтайи шалаббо бўлишди* (С. Анорбоев).

б) бирор ҳаракатнинг -гунча аффиксли феъл билдирган ҳаракат содир бўлгунча давом этиши ифодаланади: *Алексей Иванович Элмурод ўринга ётгунча деразадан қоронғи ҳовлига қараб хаёл сурди* (П. Турсун). *Кечаси тун оққунча бўладиган ҳангомадан кейингина Исомиддинов тиниб ухлайди* (Ҳ. Шамс).

Кет, бор, кел каби айрим феъллар -гунча аффикси билан ясалган формада қўлланганда, бирор ҳаракатнинг шу феъллар билдирган ҳаракатнинг бутун бажарилиши процессида давом этиши ифодаланиши мумкин: *Боргунча ҳикоя қилди* каби: *Ҳой қизлар, шартим шуки, кетгунча ашула қилиб кетасанлар* (С. Зуннунова).

Кўриб ўтилган маънода -гунча аффикси билан ясалган равишдошнинг бирор феълга боғланмаган ҳолда (мустақил ҳолда) қўлланиш ҳоллари ҳам учрайди. Лекин шунда ҳам равишдош билдирган ҳаракатдан сўнг нимадир борлиги (бўлганлиги, бўлиши) сезилиб туради. Бу нарса (ҳаракат) умумий ҳолатдан сезилиб туриши ёки контекст давомида айтилиши мумкин: *Оҳ, опажон, ...бу ҳаммаси уйлангунларича экан...* (П. Қодиров). *Ҳамма нарса-*

ни билиб олгунча. Билмагунча қийин, қандайдир сир бордек кўринади. ... (П. Турсун).

Бу типдаги равишдош ва у боғланиб келган феълнинг бўлишсиз формада қўлланишида ҳам айрим хусусиятлар бор. Равишдош бўлишли, у боғланиб келган феъл бўлишсиз формада бўлса, умумий ҳолатдан ташқари бирор ўзгариш бўлмайди: Боласининг камолини кўргунча, келин туширгунча шунақа тиниб-тинчимайди (Саид Аҳмад).

Равишдош бўлишсиз формада, у боғланиб келган феъл бўлишли формада қўлланганда ҳам бирор ҳаракатнинг, равишдош билдирган ҳаракатнинг инкори давомида бажарилиши ифодаланади. Шу жиҳатдан равишдошни инкор формада қўллашнинг аҳамияти йўқдек кўринади. Қиёсланг: *Одамлар тарқалмагунча юравердим — одамлар тарқалгунча юравердим*. Лекин биринчи ҳолатда (бўлишсиз форма қўлланганда) инкор тасдиққа айлангунча ҳаракатнинг давом этиши, тасдиқ (бўлишли) ҳолат юз бергандан кейин унинг бошқа ҳаракат билан алмашилиши таъкидланади: *Директор ўтиришга рухсат этмагунча тик турдим* (Ибоҳон).

Иккала феъл ҳам бўлишсиз формада қўлланганда, бирор ҳаракатнинг бажарилиши учун равишдош билдирган ҳаракатнинг бажарилиши шартлиги ифодаланади. Қиёсланг: *Сен келгунча кетмайман — Сен келмагунча кетмайман*; *Раънони эгасига топширмагунингизча... қуйилмайдиганга ўхшайди* (А. Қодирий). *Бу лақабни айтмагунча қишлоқда уни биров танимайди* (О. Ёқубов).

2. Қўшма гапларда эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, чоғиштириш маъносини билдиради ва бундай қўшма гапларда равишдош билдирган ҳаракатдан кўра бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиши маъқул экани ифодаланади, яъни *-гунча* аффикси билан ясалган равишдошнинг маъноси чиқиш келишигидаги *-ган* аффиксли сифатдош билан «кўра» сўзининг маънолари йиғиндисига тўғри келади: *Олгунча — олгандан кўра* каби: *Шу ҳолга туширгунча ўлим тиланглар* (Ҳ. Шамс). *Ўғлимни зиндонга солгунча ўзимни ўлдирсанг бўлмасмиди, хон!* (Ж. Шарипов).

Мунча ҳайқиргунча, телба тўлқинлар

Симларга қувват бер шалолалардан (Миртемир).

-гани (*-кани*, *-қани*) аффикси: *олгани*, *эккани*, *йиққани*. Бу аффикс ёрдамида мақсад билдирувчи равишдош ясалади: *Эртага қайғи йўқларни қамиш ўргани юбориш керак* (А. Мухтор). *Чолнинг касал ётганини кўриб, чор атрофдан кўргани келган чўпонлар «чақир» дейишар, дадаси эса кўнмас эди* (С. Анорбоев). *Сиз билан маслаҳатлашгани келдим* (Б. Раҳмонов).

Баъзан *-гани* аффикси ўрнида унинг *-гали* варианты қўлланиши ҳоллари учрайди. Лекин *-гали* аффикси ҳозирги ўзбек адабий тили учун характерли эмас.

Ҳозирги ўзбек тилида мақсад маъносини ифодалашда *учун* кўмакчиси кенг қўлланади. *-гани* аффикси ёрдамида ясалувчи ра-

вишдошнинг қўлланиши *учун* кўмакчисига нисбатан кам учрайди. Ҳатто, мақсад маъноси ифодаланган айрим ҳолларда *учун* кўмакчили конструкцияни *-гани* аффикси орқали ясалувчи равишдош билан алмаштириб бўлмайди ёки алмаштирилса, сунъийлик сезилади: *Қудрат орадаги ўнғайсизликни йўқотиш учунми ёки чинданми, уларни бошқа гапга чалғитди* (Ҳ. Назир). «Оқтой» билан арава менга ишлатиш учун керак... Сенга бўлса, катайса қилгани (Ҳ. Назир).

Бу турдаги равишдошнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг бўлишсиз формага эга эмаслигидир.

Ҳозирги ўзбек тилида *етгудек*, *йиқилгудек*, *йиғлагудек* формасидаги сўзлар кўп учрайди. Бундай сўзлар таркибидаги *-дек* мустақил аффикс эмас. Чунки ҳозирги ўзбек тилида *етгу*, *йиғлагу* типидagi феъл формаси йўқ. Бинобарин, бундай сўзларни сифатдошга *-дек* аффикси қўшилишидан ҳосил бўлади дейиш мумкин эмас. Булардаги *-гудек* бир бутун ҳолда бир аффикс ҳисобланади.

-гудек аффикси ёрдамида ясалувчи форма қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Ҳаракатнинг белгисини билдиради ва гапда ҳол вазифасида келади: *Ҳаётнинг қўнғир сочлари ерга етгудек осилиб тўзғиб борарди* (М. Исмоилий). *У перонинг учини синдиргудек босиб материалдаги «Сувон» сўзига «жон» қўшиб тузатди* (С. Анорбоев).

2. Предмет белгисини билдириб, гапда аниқловчи вазифасида келади: *Мақташга арзигудек ютуқларимиз кўп* (Н. Сафаров). *Севган ёридан бу гапларни эшитгач, Полвоннинг севинчи жаҳонга сизмай кетди, ...билагада тоғни қўп оргудек қудрат ҳосил бўлди* (Ж. Шарипов).

3. Сифат билдирган белгининг даражасини кўрсатади: *Йигит гапирганда овози унча кучли туюлмаган эди, қийқириғи эса ерни титратгудек қаттиқ эшитилди* (П. Қодиров). *Итнинг башараси тилинган, ... нотаниш кишининг юрагига ваҳима солгудек кўрқинчли* (С. Анорбоев).

4. Гапда мустақил кесим вазифасида келади ва бундай ҳолларда ҳам белги билдиради: *Бирор ғўзасини бостирсам, бошимни ёргудай* (И. Раҳим). *Мансурбекнинг вазоҳати худди бировни еб қўйгудек* (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов).

5. Боғламалар билан қўлланади: *Қўлимни узатсам, ойни ушлаб олгудек эдим* (Саид Аҳмад). *Ойсулув ҳамон ичаги узилгудек бўлиб кулар эди* (С. Анорбоев). *Қўш тахмондаги икки сандиқ устига шифтга етгудек қилиб атлас ва бахмал кўрпалар тахланган* (Т. Жалолов).

Келтирилган фактлардан кўринадики, *-гудек* аффикси билан ясалувчи феъл формаси мураккаб хусусиятларга эга. У ҳаракатнинг белгисини билдириши билан равишдошларга, предметнинг белгисини билдириши билан сифатларга, сифат белгисининг даражасини кўрсатиши билан равишларга ўхшайди.

-гудек аффикси ёрдамида ясалувчи формани равишлар қатори-

га киритиб бўлмайди. Чунки у ҳамма вақт феълга хос хусусиятларга эга бўлади. Масалан, бу форма ҳаракат тушунчасига, феъллар каби бошқариш хусусиятига ва даража кўрсаткичларига эга. Бундан ташқари, *-гудек* аффикси етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларга қўшилиши мумкин, унинг ўзи равишдош формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг белгисини кўрсатиши мумкин: *Гўё сиртнинг даҳшатли бўрони унинг томирларига кириб қолгандай қони қайнаб-кўпирди, ақл-хуш тўғонларини емириб ташлагудай қутуриб тошди* (С. Анорбоев). *Бола чидаб туролмади, қанот пайдо қилиб опасининг ёнига учиб боргудек талпиниб қолди* (Саид Аҳмад).

Ана шу белгиларнинг ҳаммаси *-гудек* аффиксини қабул қилган сўзнинг феъл формаси эканини кўрсатади.

Феълнинг *-гудек* аффикси ёрдамида ясалувчи формаси тусланишли формага хос хусусиятларга эга эмас. Демак, у функционал формалар қаторига киради.

Масалага бевосита тил фактларидан келиб чиқиб ёндашилса, *-гудек* аффикси билан ясалувчи формани фақат сифатдош ёки фақат равишдош деб қараш мумкин бўлмайди. Буни юқорида келтирилган фактлардан ҳам сезиш мумкин. Лекин бу форманинг равишдошларга хос хусусияти кучлироқ, яъни феълнинг кўпроқ равишдошларга хос хусусиятга эга бўлган формаси ҳисобланади. Буни мазкур форманинг ҳаракат белгисини кўрсатиш хусусиятидагина эмас, яна бошқа хусусиятларига ҳам кўриш мумкин. Масалан, *-гудек* аффикси ёрдамида ясалувчи форманинг сифат белгисидаги даражани кўрсатиши ҳам унинг равишга хос хусусиятларидан биридир. Бу форма предмет белгисини кўрсатган ҳолларда ҳам, мустақил кесим вазифасида келган ҳолларда ҳам белгининг миқдор-даражасини кўрсатиши сезилиб туради: *Хў ана, қичқирса, овоз етгудек жойда ҳалиги отлиқ яна кўринди* (С. Анорбоев). *Станокдан чиққан чинқириқ одамнинг қилоғини битириб юборгудек эди* (Ҳ. Назир).

Демак, *-гудек* аффикси билан ясалувчи форма равишларга хос хусусияти кучлилиги билан феълнинг равишдош деб аталувчи формасига кўпроқ яқин туради. Лекин у сифатдошларга хос хусусиятга, ҳатто, айрим сифатдош ва равишдош формаларидан фарқланувчи хусусиятларга ҳам эга. Масалан, сифатдош ва равишдош формалари мустақил гапнинг кесими вазифасида келганда, асосан, тусланишли форма бўлади. *-гудек* аффикси ёрдамида ясалувчи форма мустақил гапнинг кесими вазифасида ҳам тусланишли форма ҳисобланмайди, шу сабабли уни майлнинг бирор турига киритиб ҳам бўлмайди. Ана шу хусусиятларига асосланиб, *-гудек* аффикси билан ясалувчи формани феълнинг функционал формалари қаторига киритиш ва умуман белги билдиришга хосланган формаси деб қараш мумкин. Белги билдиришда ҳаракат ва предмет доирасида умумийлиги, шунингдек, миқдор-даража билдириш хусусиятига эгаллиги таркибида *-дек* элементининг қатнашишидан келиб чиқади.

Феълнинг ҳаракат номи формаси *-(и)ш*(, *-(у)в*, *-моқ* аффикслари ёрдамида ясалади: *ёзмоқ, ёзиш, ёзув; ўқимоқ, ўқиш, ўқув*. *-моқ* *-(и)ш*, *-(у)в* аффикслари ёрдамида ясалувчи феъл формалари ҳаракатнинг бажарилишини ва шу бажарилиш билан боғлиқ бўлган бошқа маъноларни билдирмайди, балки ҳаракат-ҳолатнинг номини билдиради, у ҳаракат-ҳолатнинг атамаси ҳисобланади. Шу сабабли отларга хос грамматик кўрсаткичларни қабул қила олади, гапда отларга хос вазифаларда кела олади.

Ҳаракат номи формаларининг ҳар бири ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади.

-(и)ш аффикси билан ясалувчи форма. Бу форма жуда кенг қўлланиши, стилистик жиҳатдан нейтраллиги ва лексик-семантик жиҳатдан мураккаблиги билан ҳаракат номининг *-(у)в* ва *-моқ* аффикслари ёрдамида ясалувчи формаларидан алоҳида ажралиб туради. *-(и)ш* аффикси ёрдамида ясалувчи форма қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Ҳаракатнинг номини билдиради, унинг атамаси ҳисобланади: *Ҳайдар Анорхон билан тун бўйи, тонг отгунча ҳам шу жойда, шу хилда ўтиришга тайёр эди* (И. Раҳим).

2. Иш, машғулот маъносини билдиради: *шудгорлаш, суғориш, ўғитлаш, пардозлаш* каби: *У мирзачўл ерларини суғориш, шўрни ювиш, уруғчилик масалалари билан шуғулланар, каттагина боғи ҳам бор эди* (Ҳ. Фулом). *Саратонда қовун сайили ўтказиш Каттақишлоқ деҳқонларининг одати эди* (И. Раҳим).

3. Одатдаги от маъносида қўлланади: *чопиш* («бег»), *келиш* («приход») каби: *Уша тунги тоғда отам, балки шу жиламайишим учун жон бергандир* (А. Мухтор). *Кейинги кетишда унинг елкасидаги милтиғига ёпишиб ёлворибди* (А. Мухтор). *Саратоннинг яхши келиши сабзавот бригадаси учун қувончли бўлди* (И. Раҳим).

4. Мустақил гапга тенг конструкцияни гапнинг кенгайтирилган бирор бўлаги вазифасида қўлланивчи конструкцияга айлантириш учун хизмат қилади: *Қўрбоши дарagini беришинг, ҳалиги босмачи йигитни шу ернинг ўзида фош қилишинг ҳам биз учун катта хизмат бўлди* (Ғайратий). *Бектемиров уни олиб кетмаса, бирон қори ҳол бўлишини пайқаб Қўчқорбойга имлади* (Сайд Аҳмад).

-(и)ш аффикси билан ясалувчи ҳаракат номи формасининг *-лик* аффикси билан қўлланиш ҳоллари учраб қолади: *боришлик, қўрқишлик* каби. Бундай ҳолларда учинчи пунктда кўрсатилган маъно ифодаланади. Лекин бу маъно *-(и)ш* аффикси билан ясалувчи форманинг ўзи орқали ифодаланаверади, *-лик* аффиксининг қўлланишига ҳеч қандай эҳтиёж бўлмайди ва бу аффиксни қўллаш ҳозирги ўзбек адабий тили учун нормал ҳолат эмаслиги сезилиб туради: *Кувёвига хат ёздириб, Гулчиройдан кўз-қулоқ бўлиб туришликни сўради* (Ж. Абдуллахонов). *У қаердалигини, қандай*

қочилигини билмаса ҳам, эртаю кеч шунинг пайида бўлди (М. Исмоилий).

-(и)ш аффикси ёрдамида ясалган ҳаракат номи формаси эгалик аффиксини олиб, тартиб сон билан қўлланганда ўтган замон ёки ҳозирги замон формасига хос маъно ифодаланиши мумкин: *Ёшим шунга етиб, икки кун барг еб уйқуга кетган қуртни биринчи кўришим* (Н. Сафаров). *Элмурод тўйда биринчи марта кўрпачада ўтириб ош ейиши* (П. Турсун).

Лекин бундан қатъи назар, кўриб ўтилган ҳоллардаги ҳаракат номи формасини замон маъносини ифодаловчи форма дея олмаймиз. Замон ифодаловчи форма бўлмагани учун ҳам юқоридаги каби ҳолларда ўтган замон ёки ҳозирги замон маъноси аниқ ифодаланмайди. Масалан, *биринчи марта кўришим* гапидаги *кўришим* ўрнида *кўрпача* ёки *кўрдим* формасини қўллаш мумкин. Яна қиёсланг: *кечаги одамни биринчи кўришим* — *бу одамни биринчи кўришим*.

-(и)ш аффикси билан ясалувчи ҳаракат номи формаси кўплик, эгалик ва келишик аффикслари билан қўлланганда, бу аффиксларнинг маъносида деярли ўзгариш бўлмайди. Фақат ўрин-пайт келишиги формасида қўлланганда, феълга хос хусусият ва ўрин-пайт келишиги формасининг таъсирида ҳаракат номи формасининг янги бир хусусияти келиб чиқади.

Маълумки, ҳаракат номи формасидаги феъл ҳам (феъл бўлган-лигидан) ҳаракат-ҳолат билдиради. Бу формадаги феъл пайт билдирувчи -да аффикси билан қўлланганда, ҳаракат-ҳолат пайт (вақт) маъноси билан боғланади. Натижада бу ҳаракат-ҳолат процесс ҳолатига, динамик ҳолатга ўтади. Шунинг учун ҳам ўрин-пайт келишигидаги ҳаракат номи формасини ҳаракат-ҳолатни процесс (динамик) тарзда ифодаловчи ҳозирги замон сифатдошининг ўрин-пайт келишигидаги формаси билан алмаштириш мумкин: *келишда* — *келаётганда* — *келаётган вақтда* каби: *Овқатдан кейин сўрайди, ётишда сўрайди, туришда сўрайди*. (М. Исмоилий).

-(и)ш аффикси билан ясалган ҳаракат номининг ўрин-пайт келишигидаги формасини ҳозирги замон формасига хос маънода қўлланиши баъзан шеърятда учраб туради: *Муаззам кўчаларда қор ёғишдадир, ...* (Миртемир).

Лекин бундай қўлланиш адабий тил нуқтан назаридан нормал ҳол ҳисобланмайди.

Агар ҳаракат номи формаси от маъносида бўлса, ўрин-пайт келишигида қўлланганда ҳам процесс, динамик ҳолат бўлмайди: *Кўсак қуртини йўқотиб, ҳосилни сақлашда колхозчи ота-оналаримизга ёрдам берайлик* (Х. Назир). *Шундан сўнг бутун хаёлим қочишда бўлди* (Ғайратий).

Ҳаракат номининг -(и)ш аффикси ёрдамида ясалувчи формаси кўмакчилар билан ҳам кенг қўлланади ва бунда турлича маънолар (мақсад, вақт, биргалик каби) ифодаланади: *ўқиш учун, ўқишдан аввал, ўқиш билан* ва б.

-(и)в аффикси билан ясалувчи форма. Ҳаракат номининг бу ту-

рида феъл ундош билан тугаган бўлса, бир «у» орттирилади: бор — борув. Шунингдек, сўз охири «и» билан тугаган бўлса, «и» «у» га, «а» билан тугаган бўлса, «а» «о» га ўтади: ўқи — ўқув, ишла — ишлов.

Бу форма ҳаракат номи сифатида *-(и)ш* аффиксига нисбатан жуда кам қўлланади. Бу вазифада қўлланган ҳолларда унинг ўрнида ҳамма вақт *-(и)ш* аффикси билан ясалувчи формани қўллаш мумкин: *Кўзибой ишга аралашувини ҳам, чиқиш кетувини ҳам билмай қолди* (Ҳ. Назир).

-(у)в аффикси билан ясалувчи форма от маъносида кўпроқ қўлланади. Лекин шундай ҳолларда ҳам унинг ўрнида *-(и)ш* аффикси ёрдамида ясалувчи формани бемалол қўллаш мумкин бўлади: *у билан биринчи марта учрашувини, биринчи бор сўзлашувини бўлса ҳам, ўзаро жиддий бир гап бўлганича йўқ.*

-(у)в аффикси ёрдамида ясалувчи форманинг кўмакчилар билан қўлланиши деярли учрамайди.

-(у)в аффикси ёрдамида ясалган ҳаракат номининг айримлари бутунлай отга кўчган (от туркумига хос сўз) бўлади: *сайлов, чанқов, қистов, ўқув* каби.

-моқ аффикси билан ясалувчи форма. Бу форма *-(у)в* аффикси ёрдамида ясалувчи формага нисбатан ҳам кам қўлланади: *Босмачиларнинг ваҳшийлиги ўртоқларга маълум: Одамларни кесмоқ, осмоқ, тириклай куйдирмоқ, ...* (С. Айниё).

Бу форма маъно жиҳатдан *-(и)ш* ва *-(у)в* аффикслари ёрдамида ясалувчи формадан бирор ўзига хос маъноси билан фарқланмайди (отга кўчган ҳолати бундан мустасно). Шунинг учун ҳам *-моқ* аффикси билан ясалган ҳаракат номи формаси ўрнида ҳамма вақт *-(и)ш* аффикси ёрдамида ясалувчи формани қўллаш мумкин бўлаверади.

Умуман, *-(и)ш*, *-(у)в*, *-моқ* аффикси билан ясалувчи ҳаракат номи формаларининг маъно жиҳатдан бирор фарқли хусусияти ҳақида гапириш қийин. Агар *-моқ* ва *-(у)в* аффикслари ёрдамида ясалувчи формалар бирор ўзига хос маънога эга бўлса, маълум ҳолларда улар ўрнида *-(и)ш* аффикси билан ясалувчи формани қўллаб бўлмас эди. Шунингдек, ўзаро фарқли маънога эга формалар сифатида оғзаки нутқда ва шеваларда бу форманинг учаласи ҳам қўлланиши керак эди. Ҳақиқатда эса бундай эмас. Масалан, Тошкент шеvasида ҳаракат номининг фақат *-(и)ш* аффикси билан ясалувчи формасигина қўлланади.

Ҳаракат номининг юқоридаги учала формаси ҳам бўлишсизлик кўрсаткичи *«ма»* аффиксини қабул қилмайди. Ҳаракат номининг бўлишсиз формаси *-маслик* аффикси ёрдамида ясалади: *кетмаслик, айтмаслик*, каби: *Чавандоз бу гапларни Эртоевга айтишини ҳам, айтмасликни ҳам билмай турганда* (О. Ёқубов).

Ҳаракат номи бўлишсизининг фақат битта формага эгаллиги ҳам *-(и)ш*, *-(у)в*, *-моқ* аффикслари ёрдамида ясалувчи формаларнинг маъно жиҳатдан бирор ўзаро фарқли хусусияти ҳақида гапириш мумкин эмаслигини кўрсатади. Чунки бу бўлишсиз форма учала аффикс ёрдамида ясалувчи бўлишли форма учун умумийдир.

РАВИШ

Равиш туркумига оид сўзлар иш-ҳаракатнинг белгисини, белгининг (сифат ёки равишнинг) белгисини ва баъзан предмет белгисини билдиради.

Равиш иш-ҳаракатнинг белгисини билдирганда, бажарилиш процессини, ҳолатини, пайтини, ўрнини кўрсатади: Мисоллар: *Улар кирганда, базм жуда қизиган эди* (О й б е к). *Совет халқи ўзининг буюк режаларини амалга оширишга қодир эканлигини бутун жаҳонга яна ва яна кўрсатади* («Совет Ўзбекистони»), *Дилдор билан кампир қаршима-қарши ўтиришди* (О й б е к). *Уртоқлар, бу масалани ўртага ташлаш ва тушунтириб бериш керак* («Совет Ўзбекистони»). *Ернинг унумдорлигини оширишга ҳозирдан астойдил киришдик* («Совет Ўзбекистони»).

Равиш сифат ёки равиш олдидан келиб, улардаги белгининг даражасини кўрсатади, от олдида эса предмет белгисининг бошқа белгига ўхшашлигини ёки сифатий белгини билдиради: *Мажлисда жуда ширин куйлар айтилди* (О й б е к). *Энг кейин Насимжон кетди* (О й б е к). *Кўкдайд бепоён менинг Ватаним* (Қ. Ҳикмат). *Биз коммунизмнинг батамом ва узил-кесил тантанасига қаттиқ ишонамиз* («Совет Ўзбекистони»). *Солижон... солдатларча чаққон ва кучли уддабурро шогирд чиқди*.

Равиш ҳам, бошқа сўз туркумлари сингари, ўзига хос морфологик белгиларга эга: 1: Равишнинг асосий морфологик белгисининг ўзгармаслигидир, яъни равиш бирор сўз билан боғланиб бирикма ҳосил қилганда, ўз формасини ўзгартрмайди, ҳеч қандай сўз ўзгартувчи аффикс олмайди: *Республикамизда пахта ерлари тобора юксалмоқда* («Совет Ўзбекистони»). *Фоят маъқул фикр, кечга албатта келурман* (О й б е к).

2. Равишнинг ўзига хос ясовчи аффиксларга эга бўлиши ҳам унинг морфологик белгиси саналади: *-часига* (*мардчасига*), *-ларча* (*заҳшийларча*), *-ига -сига* (*кўндалангига, узунасига*), *-лаб* (*ҳафта-лаб*), *-ча* (*аскарча, атрофлича, шошилганча*), *-дек, -дай* (*ўқдек, тошдай*) каби.

Тузилиш жиҳатдан айрим равишлар келишик формасини олган отларга (*қуйига, тубдан*) ва олмошларга (*шундан, унда-бунда*), сифатларга (*секинроқ, баб-баравар*), равишдошларга (*эрталаб, бора-бора, туриб-туриб*) ўхшаб кетади. Бу ўхшашлик тасодифий

ходиса бўлмай, балки равиш сўз туркуми сифатида шаклланаётган пайтда ўз составини ўша туркумлардан ажралиб чиққан сўзлар ҳисобига тўлдирган. Ҳатто шундай равишлар борки, улар ҳозирги кунда бошланғич формаларидан тамомила узоқлашган: *олға, онда-сонда, жўртгага, ташқари, яна* каби.

Шунингдек, баъзи равишларда сўз ўзгартувчи формалар ҳам учраб қолади. Равиш составида келишик аффикси, кўпликни кўрсатувчи *-лар* ва III шахс эгалик формаси *-и* келган бўлиши мумкин. Бу сўз ўзгартувчи қўшимчалар равишнинг лексик-семантик мундарижасини бирмунча ўзгартиради.

Равишлардаги келишик формалари асосан икки хил хусусиятга эга: бир ўринда келишик аффиксини олган равиш маъно жиҳатдан бошқача тусга киради, масалан: *кейин — кейинда — кейинга, олдин — олдинда — олдинга*; бошқа ўринда эса равиш маъно жиҳатдан ўзгармай, балки қўшимча маънога (маъно кучайиши ёки қонкретлаштиришга) эга бўлади, масалан: *эрталаб — эрталабда — эрталабдан, ҳозир — ҳозирда — ҳозирдан, тез — тезда — тездан* каби: *Аввал йўла, кейин сўзла* (Мақол). *Қани, олдиндан бир нўш қилиб турайлик* (Ойбек). *Кўкламга ҳозирдан пухта тайёрланайлик* («Совет Ўзбекистони»). *Мўл ҳосил тезда йиғиб-териб олинсин* («Совет Ўзбекистони»).

Кўplik қўшимчаси *-лар* равиш таркибида давомийлик ва ноаниқлик маъносини билдиради. *илғари — илғарилари, аввал — авваллари, аллақачон — аллақачонлари* каби. III шахс эгалик аффикси эса кўplik билан биргаликда қўлланади: *Ҳалимбобо бўлса кечқурунлари боғ ўртасига қурилган сўрига ёнбошлаб... ҳордиқ чиқарар* (Ш. Рашидов).

Равишларнинг ясалиши

Равишлар асосан икки хил йўл билан ясалади: 1) аффиксация йўли билан; 2) композиция йўли билан.

Аффиксация йўли билан равиш ясалиши тилимизда қадимдан мавжуд бўлиб, айниқса, кейинги вақтларда энг унумли усулга айланган. Равиш ясовчилар ҳам ўз навбатида унумли ва унумсиз аффиксларга ажралиб туради: *-ча, -ларча, -часига, -ига// -сига -лаб, -деб, -дай* унумли ясовчилардир: *-она, -ан, -н (-ин), -лай, -симон* кабилар унумсиз ясовчилардир.

-ча аффикси от, сифат, олмош, сифатдош ва равишларга қўшилиб равиш ясади. Бу аффикс ёрдамида отлардан равиш ясалиши бирмунча ривожланган бўлиб, қолган туркумлардан равиш ясалиши анча чегаралангандир.

-ча ёрдами билан ясалган равишлар иш-ҳаракатнинг бажарилиш усули, даражаси, белгининг ўхшашлиги каби маъноларни билдиради: *дўстча, русча, қиёматча, аскарча, коммунистча, комсомолча, аввалгича, янғича, ўғринча, яхшиликча, шунча, сизча, истаганча, югурганча, ҳозирча, кўпинча, кейинча* каби: *Қутлуғжон тез орада ўзбекча бийрон-бийрон гаплаша бошлади* (Ойбек). *Бу ерда*

хамма дер: «Қуёшча яшай» (Шайхзода). Агар сиз буни чинга ҳисоблаган бўлсангиз, мен ҳам чинча сўрайин (А. Қодирӣй). *Атрофлича муҳокама қилсак, янги таклифлар чиқиб қолади* (Р. Файзий). *Узича мулоҳаза қилиб кўрсин* (Уйғун). *Ҳайдар ота ундан жавоб ололмаслигига кўзи етиб, шошганча ичкарига кирди* (А. Қаҳқор). *Балки қизлар айтгандек ўларча ўжар эмасдир* (Ҳ. Исмоилов). *...ўзича ҳам унча-мунча биладиган эпчил йигит экан* (Р. Файзий). *Хотинларнинг баъзилари қизиққанлардан чачвонларини қия очиб, яширинча мўралашди* (Ойбек).

Равиш ясовчи *-ча* аффикси тўғридан-тўғри ўзак-негизга (*ҳарбий+ча, биз+ча*) қўшилиб кела олганидек, эгалик ва келишик аффиксларидан кейин ҳам қўшила олади (*ўз+и+ча, биз+нинг+ча*).

-ларча ёрдами билан ясалган равишлар маъно томонидан *-ча* орқали ясалган равишлардан асосан фарқ қилмайди, *-ларча* аффикси билан ясалган равишда ўхшатиш маъноси бир оз кучайган бўлади: *мардларча — мардча, дўстларча — дўстча*.

-ларча аффикси одатда от ёки отлашган сифатлардан равиш ясайди: *акаларча, ўртоқларча, ўғилларча, болаларча, оталарча, асрларча, қадрдонларча, айбдорларча, бепарволарча, ваҳшийларча* каби: *Кимни койиди, кимни оталарча мақтади* (Ойбек). *...катталарча чордона қурган бола бепарвогина таништирди* (Ойбек). *Биламанки, Асал, севган ёринг орсизларча сени ташламас* (Уйғун). *Орёл шаҳри учун сен қилган жангни йилларча сўзлашар ёшу қарига* (Ҳ. Олимжон).

-часига аффикси билан асосан от ва баъзан сифатлардан равиш ясалади. Бу равишлар маъно жиҳатдан ҳаракат белгисининг тўлиқ ўхшашлигини билдиради: *қаҳрамончасига, ҳарбийчасига, мардчасига, тошкентчасига, очиқчасига, ёзчасига* каби: *Ишни комсомолчасига ташкил қилмоқдамиз, — деди Усаржон қафтларини қашиб* (Ойбек). *Қатта масофаларни мўғулчасига яна илдам босди* (Ойбек). *Аммо чолнинг ялинишлари, савдогарнинг ўжарчасига оёқ тираб туриши йигитнинг ғазабини ошира бошладди* (Ойбек). *Мардчасига отни сурган увалар кўм-кўк* (Ҳ. Олимжон).

Равиш ясовчи *-часига* ва *-ларча* аффикслари таркиб жиҳатдан мураккаб бўлиб, ҳар иккисининг вужудга келишида *-ча* равиш ясовчиси база ҳисобланади. Тилимизнинг кейинги тараққиётида *-ча, -ларча, -часига* аффикслари мустақил ясовчига айланган.

-ига// -сига аффикслари ёрдами билан ясалган равишлар маъно жиҳатдан ҳаракат белгисининг қай тарзда бажарилишини, ўхшашлигини билдиради: *сидирғасига, узунасига, ялписига, бараварига, кўтарасига, қаторасига, ёппасига, бирданига, тиккасига, қиясига, улғуржисига, ёлғондакасига, ростакамига, чинакамига, сурункасига, шунақасига, қанақасига* каби: *Ялписига, бизнинг колхоз нормасини икки марта ортиқ бажарди* (Ойбек). *Лекин у қаторасига бир неча кун келмади* (П. Турсун). *Икки минг гек-*

гар ердаги ғўза квадрат-уялаб жойлаштирилди, ғўза узун асига ва кўндалангига культивация қилинди («Совет Ўзбекистони»). Қанақасига «тегмайман» дейсан?! (Ҳамза).

-ига//сига аффикслари одатда от, сифат, олмош, равиш ва равишдошларга қўшилиб равиш ҳосил қилади; унли билан битган сўзларга -сига (ялли+сига), ундош билан битган сўзларга — ига (бирикай+ига) қўшилади. Баъзан эса ундош билан битган сўзларда ўзак билан аффикс орасида а товуши орттирилади: узун+а+сига, қатор+а+сига.

Э с л а т м а: Равиш ясовчи -ига//сига аффикслари сўз турловчиларининг комбинациясидан вужудга келган, таркиби III шахс эгалик -и, -си ҳамда жўналиш келишиги -га аффиксларидан иборатдир. Бироқ равиш ясовчи бу аффикслар таркибида ҳозир эгалик ҳам, келишик ҳам уқилмайди.

-дек//дай аффикслари, от, сифат, олмош ва баъзан бошқа туркумдаги сўзларга қўшилиб равиш ясайди. Бу равишлар маъно жиҳатдан тақлидни, ўхшатишни билдиради: аскардек, яшиндай, бургутдек, чирмовуқдай, ўқдек, қушдай, бекорчидек, фарқсиздек, аввалгидек, кафтдагидек, ҳар кунгидай, ҳар қачонгидай; бундай, шундай, ундай, сиздек, бирдек, кўргандек, ўлгидай, билмагандек, ачингандек, йўқдай каби: Чамандек очилган бепоён пахтазор кўз қамаштиради («Шарқ юлдузи»). Русчани русдай биласан-ку (Ойбек). ...Боягидек бир сиқим тупроқни олдида, ғижимлади («Қизил Ўзбекистон»). Зўрга ҳам зўрдек бало бордир (Мақол). Бугун эса катта кўчада байрамдагидай одам кўп эди (Ш. Рашидов). Бу хусусда қилган эътирозларим балки зоҳиран маъносиздек кўрингандир (Ойбек). Ғўзани бундай ўғитлаш отанинг энг яхши кўрган усулидир («Совет Ўзбекистони»). Осмондаги қалдирғоч, мен ҳам сендек учаман (Қўшиқ). Тансиқ эшикдан ҳовлига қадам қўйиши биланоқ, чўчиғандай бир зум тўхтаб қолди (Ойбек). Барча бирдай тинмай ишларди (Уйғун).

Сўзлашув тилида -дек//дай аффиксларининг фонетик вариантлари сифатида -доқ, -доғ, -дак, -дака, -дақа, -дайн формалари ҳам учрайди: шундоқ, мундоғ, сиздака, шундақа, қушдайн. Ҳатто бу равиш ясовчи аффиксининг -ақа формасида келиши йўқ эмас: унақа, бунақа.

-лаб аффикси ёрдами билан от ёки баъзида бошқа туркумдаги сўзлардан ҳолат, пайт ва миқдор-даража маъносини билдираган равишлар ҳосил қилинади: эрталаб, кечалаб, ҳафталаб, оилаб, йиллаб, ҳарфлаб, бўғинлаб, битта-битталаб, тонналаб, ботмонлаб, гектарлаб, кўплаб каби: Таълимнинг биринчи кунлариданоқ ўқувчиларни ҳарфлаб эмас, бўғинлаб ўқишга ўргатиш керак. Азонлаб қуёш эндигина олтин зарларини сочиб чиқиб келаётганда... (Ойбек). Кузда тонналаб олинадиган ҳосилнинг грамлаб-грамлаб ундириниш палласи ҳозир (Ойбек).

Равиш ясовчи -лаб икки қисмдан (феъл ясовчи -ла ва равишдош ясовчи -б дан) ташкил топган мураккаб аффиксдир.

-она аффикси ёрдами билан ясалган равишлар тақлид ва ўхшатиш маъно англатади: *дўстона, камтарона, холисона, оқилона, қадимона, ожизона, мағрурона, маккорона, хушомадона* каби: *Ҳаяжон билан чолнинг қўлини сиқди ва ўзга колхозчилар билан биродорона хайрлашди* (Ойбек). *Қодир ит оаткорона унга плоскогубчини берди* (Комил Файзий).

-она аффикси форс-тожик тилидан кириб келган бўлиб, ясовчи сифатида *-ларча, -часига* аффиксларига тенг келади; кейингисидаясовчилик ролининг ўсиши, кенгайиши *-она* аффиксини унумсизга айлантирган.

-ан аффикси араб тилида тушум келишиги формаси бўлиб, ўша тилдан кирган сўзларда равиш ясовчилик вазифасини ўтайди. Бу аффикс билан ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини билдирган равишлар ясалган: *қисман, ҳақиқатан, қатъиян, заҳиран, фикран, виждонан, тамоман, жавобан, мажбуран, руҳан* каби: *Бу тупроқшунос олимлар билан Уктам район марказида тасоодифан учрашган эди* (Ойбек). *Бунинг устига Манзура нима учун қолганини ҳам тахминан пайқаб турарди* (А. Мухтор).

-гача аффикси ёрдами билан от, сифат, олмош ва равишлардан пайт-чегара маъносини билдирган равиш ясалади: *кечгача, яқингача, эртадан-кечгача, тушгача, бунгача, анчагача, ҳалигача, ҳозиргача* каби: *Зиёфат ва келди-кетди алла-палла гача давом этди* (Ойбек). *Етти қизнинг онаси ҳаллигача келинчак* (Топишмоқ). *Кутилмаганда бу кишининг кўриниши, она тилида гаплашиши, унинг ҳеч кимга шу вақтгача керак бўлмаган саломатлиги билан қизиқиши Лутфулланнинг кўнглини кўтарди* (Мирмуҳсин).

-симон аффикси мавҳум от ёки сифатдошларга қўшилиб, ўхшатиш маъносини билдирган равишлар ясайди: *ҳазилсимон, ҳафасимон, уялгансимон, жиловлангансимон* каби: *Койиманг, Юлдузхон — аразсимон гапирди Турсуной, — бир нафас ашула айтганимизга шунчамиз? (Р. Файзий) ...эркалангансимон илтимос қилди Саодат* (Ё. Шукуров).

-намо аффикси ёрдами билан тақлид, ўхшатиш маъносидаги равишлар ясалади: *олифтанамо, ҳазилнамо, олимнамо, уялганнамо* каби: *...олифтанамо гердайиб уйдан чиқар экан, Гулнор тўхтади* (Ойбек). *Кумуш уялганнамо юзини четга бурди* (А. Қодирий).

-лай//-лайн аффикси ёрдами билан ясалган равишлар ҳаракат белгисини билдиради: *тириклайн, бутунлай, қоқлай, ёшлай* каби: *Вақт бутунлай сезилмасдан ўтди* (Ойбек).

-н (-ин, -ун) аффикси ёрдами билан ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини, пайтини билдирадиган равиш ясалади: *эртан, кечин, олдин, кечқурун, ёзин-қишин, очин-тўқин, остин-устун* каби: *Эртан Усман томонга бизни бошлаб борасан* (Ф. Йўлдош). *Бу ерлар чорва молларига ёзин-қишин ўтлов* (Ш. Рашидов).

Равиш ясалишининг иккинчи асосий усули композициядир. Композиция йўли билан сўзлар ўзаро қўшилади, тизилади ёки так-

рорланади, натижада равиш ҳосил бўлади. Бу йўл билан равиш ясалишини бошқа туркумдаги шу хил ясалиш билан тамоман тенглаштириб бўлмайди. Сўз қўшиш билан ясалишда бирмунча равишлар таркибида морфологик формаларнинг ҳам мавжудлигини кузатамиз: *-бир ерда, бу ёққа, шу ердан, кундан-кунга, бекордан-бекор, қўярда-қўймай, кетма-кет, ном-баном* каби. Бу формалар қўшма равиш ясада муҳим аҳамиятга эга.

Маълум синонимик қаторни ташкил этган баъзи қўшма равишлар айнан сўзларнинг иштирокидан вужудга келишига қарамай, уларнинг морфологик шаклланишидан фарқ бўлади: *бир йўл, бир йўла, бир йўли, бир йўласи; йўл-йўла, йўлма-йўл, йўл-йўлакай; ҳар дам, ҳар дамда, дамма-дам; кун-кундан, кундан-кунга, кундан-кун; нари-бери, нардан-бери* каби.

Сўз қўшиш билан ясалган равишлар составида турли сўз туркумлари қатнашиши мумкин, улар қуйидагичадир:

1. *у, бу, шу, ўша* кўрсатиш олмошларидан сўнг ўрин келишиклари формасидаги *ер, ёқ, ора, ўрта* сўзларини келтириш орқали: *у ерга, бу ерда, шу ердан, ўша ёқдан, бу орага, шу ўртада* каби: *У е р г а қараб илдам юрди* (О й б е к). *Депутатлар ўша е р д а кеч соат 7 да рўйхатга олинади* («Совет Ўзбекистони»). *Шу ёқда Гўр-ўғли деган чиқипти* (Ф. Й ў л д о ш). *Бу о р а д а йўл тушиб анҳорга, Қолди чаён ҳайрату душворга* (Ҳ а м з а).

Кўрсатиш олмошлари баъзан бош ёки ўрин келишиклари формасидаги пайт маъносини билдирган отлар билан бирикиб равиш ҳосил қилади: *шу кун, шу кунда, ўша замон, шу замон, шу заҳоти, шу он, шу онда, шу аснода* каби: *Нармоянг шу кун да доврўқ устида* (Ф. Й ў л д о ш). *Ражаб ўша замон оқ жавоб берди* (Ҳ. Исмоилов). *Шу онда ёқ йиқилиб тушарди* (Ҳ. Исмоилов).

2. Белгилаш олмоши «*ҳар*» сўзи билан бош ёки ўрин келишиклари формасидаги сўзларнинг қўшилишидан: *ҳар ёққа, ҳар ерда, ҳар ён, ҳар ёнда, ҳар томон, ҳар томонда, ҳар тараф, ҳар дам, ҳар дамда, ҳар он, ҳар онда, ҳар чоқ, ҳар сафар, ҳар гал, ҳар қачон, ҳар вақт, ҳар вақтда, ҳар замон, ҳар замонда, ҳар қаерда, ҳар қанча, ҳар лаҳза, ҳар лаҳзада* каби: *Ҳ а р к у н и камида 15 гектарга чигит экиш учун* («Совет Ўзбекистони»). *Отлар... ҳ а р т а р а ф д а н кишнади* (О й б е к). *Қизил юлдуз нашъа сочар ҳар онда* (Ҳ. О л и м ж о н). *Еқимтой бўл ҳар ерда* (Қ. Муҳаммадий). *Акбархўжа бойвачча ҳар сафар чираниб...* (П. Турсун). *...Навоий Беҳзодга қалин ошна бўлганини билдирди ва ҳар вақт келиб уни қувонтиришини илтимос қилди* (О й б е к). *Суҳбат ҳар ёқла ма мазмундор, мароқли давом этди* (О й б е к).

3. *Бир* сўзининг бош ёки ўрин келишикларидаги сўзлар билан қўшилиши орқали: *бир йўла, бир кун, бир кун, бир йили, бир дам, бир дамда, бир пас, бир пастда, бир пасга, бир нафас, бир нафасга, бир нафасда, бир зум, бир зумга, бир зумда, бир он, бир онда, бир вақт, бир вақтда, бир гал, бир замон, бир замонда, бир бошдан,*

бир текис, бир текисда, бир чеккада, бир оз, бир мунча, бир талай каби.

Сўзларнинг такрорланиши билан равиш ясалиши ҳам унумли усул саналади.

Умуман, такрорланиш (редупликация) да сўзнинг асосий семантик функцияси умумлашишдир. Такрорланган сўзлар ўз туркуми доирасида қолса, ҳақиқатан умумлаштириш маъноси устун туради; такрорланиш орқали сўзлар ўз туркуми доирасидан чиқса, одатда янги сўз ҳосил бўлади.

Равиш туркуми доирасидаги такрорланиш (жуфтлашиш) умумлашиш билан бирга янги маъно беришга ҳам мойилдир: *нари-бери (тез), оз-оз, кам-кам* (секин), *унча-мунча, ҳали-бери* каби равишларда янги маъно ифодаси сезилиб турибди. *Тез-тез, жуда-жуда, секин-аста* каби жуфтлашиш эса сўз маъносининг кучайтирилганлиги ёки унга алоҳида эътибор берилганлиги туфайли вужудга келган: *Анорхон югуриб уйга келди-ю, нари-бери кийинди* (Ойбек). *Толемдан ўргилай: курс очилди, шу курс билан ишим оз-оз олдин жилди* (Ғ. Ғулом). *Улар... ғарб тарафга аста-аста кўтарилиб борардилар* (Ҳ. Назир). *...бурноғи йилги иш сира-сира эсимдан чиқмайди* (Ҳ. Назир).

Сўзларнинг такрорланиши орқали ясалган равишларни морфологик шаклланишига кўра уч турга бўлиш мумкин:

а) сўзлар бош формада такрорланади: *мўл-кўл, эсон-омон, чорночор, эрта-индин, аввал-охир, унча-мунча* каби;

б) сўзлар такрорланганда, жуфт равишлар таркибида уларни бир-бирига боғлаш учун морфологик форма-келишик аффикслари ишлатилади: *кундан-кунга, кундан-кун, йилдан-йилга, йилсан-йил, очикдан-очик, бекордан-бекорга, бекордан-бекор, уёқдан-буёққа, камдан-кам, наридан-бери* каби;

в) такрорланиш орқали ясалган равишларни туташтириш учун *-ма (-ба)* элементи орттирилади: *кетма-кет, қатма-қат, кунма-кун (кун-бакун), дамма-дам (дам-бадам), зўр-базўр, зинҳор-базинҳор* каби.

Такрорланган сўзларнинг равишга айланишидаги асосий белги уларда юз берган лексик-семантик ва грамматик ўзгаришдир. Шу туфайли жуфт сўзлар ўз туркуми доирасидан чиқиб равишга айланади.

Сўзларни такрорлаш билан равиш ясашда мустақил сўз туркумларининг деярли барчаси иштирок этади, бироқ ясалиш даражаси бирдек эмас. Такрорланиш билан отлардан равиш ясалиши бошқа туркумларга нисбатан кўпроқ учрайди.

Такрорланиш орқали ясалган равишларнинг материал жиҳатдан турлари қуйидагича:

1. От билан от. Отларнинг такрорланиши билан равиш ясалиши кўрсатиб ўтилган морфологик шаклланишнинг ҳар уч тури орқали бўлиши мумкин: *такрор-такрор, қатор-қатор, тун-кун, чаман-чаман, бош-бошига, йилдан-йилга, навбатма-навбат, орқама-орқа, галмагал, рўпарама-рўпара, учма-уч, қадам-бақадам* каби: *...ҳижолат-*

дан юзим гул-гул ёнур (Ойбек). Уз истеъдоди, билимларининг чуқурлиги билан кундан-кун кенгроқ танилди (Ойбек). Атрофида кўп канизлар, Бош-бошига сўзлар кезлар (Ф. Йўлдош). Илк қиш ҳавоси дам-бадам ўзгариб туради («Совет Ўзбекистони»). Галма-гал турар кунда (Қ. Муҳаммадий).

2. Сифат билан сифат. Сифатларнинг такрорланиши билан ясалган равишлар ҳам морфологик шаклланиши жиҳатдан уч турда бўлиши мумкин: эсон-омон, бошқа-бошқа, бийрон-бийрон, айрим-айрим, пишиқ-пишиқ, очикдан-очик, тўғридан-тўғри, зўрма-зўраки каби: Чаққон-чаққон қимирла (П. Турсун). ...бугунги суҳбат ҳақида Азиза узундан-узоқ сўзлаб берди (А. Мухтор). Сувбекордан оёқ уларни корга сарф бўлар экан (Х. Исмоилов). Айвонларда оёқ уларини танчага зўр-базўр тикиб жим ўтирган хотинлар ... (Ойбек).

3. Феъл формалари такрорланиши билан равиш ясалади: узил-кесил, ағдар-тўнтар, олмоқ-солмоқ, билинар-биланмас, кўрар-кўрмас (кўярда-кўйма, кўярда-кўймай), бора-бора, бориб-бориб, қайта-қайта, қўша-қўша, озиб-ёзиб, туриб-туриб, қота-қота, қотиб-қотиб, ура-сура каби. Сидиқжоннинг кўнглини узи л-кесил боғлаши учун ... (А. Қаҳҳор). Олмоқ-солмоқ хатни ўқиб чиқдик (Жонли сўзлашув). Нонуштадан кейин Дилдорни қўярда-кўймай боғчага олиб чиқишди (Ойбек). Бозорда қари чолни ўғри дея тутдилар, Ура-сура шўрликни подшо сари элтдилар (Х. Олимжон). Бора-боргунча унинг хаёли тракторда бўлди («Совет Ўзбекистони»).

4. Равиш билан равиш. Такрорланган равишлар янги маъно билдириб, янги сўз характериға эға бўлади: нари-бери, наридан-бери, олдин-кейин, олдинма-кейин, бирин-кетин, унда-бунда, ҳали-бери каби: Ағар болалар дув этиб келиб кирмаганда, уни онаси ҳали-бери қўйнидан бўшатмас эди (Х. Исмоилов). Улар йўлда олдинма-кейин юриб боришмоқда (Р. Файзий).

5. Олмош, сон, ундов ва аралаш ҳолда сўзларнинг такрорланиши орқали равиш ясалади: Уз-ўзидан, ўзидан-ўзи, ўз-ўзича, ўзича-ўзи, якка-якка, яккама-якка, апил-тапил, тақа-тақ, шартта-шартта, очик-ойдин, тўла-тўкис, йўл-йўлакай, чор-ночор, вақти-бевақт каби: Бир неча қиз ўз-ўзи дан рақсга тушиб кетди (Ойбек). Тўхтаназаров ҳеч нарсадан-ҳеч нарсасиз бинокорлик ишини бошлаб юборди («Совет Ўзбекистони»). Карта гепасига келди-ю, тақа-тақ тўхтади («Совет Ўзбекистони»). Юракдаги ҳасратларни бирма-бирлаб ёрибдилар (Қ. Муҳаммадий). Урмонжоннинг тахмини тўғри чиққанлиги очик-ойдин кўриниб турса ҳам ... (А. Қаҳҳор). Вақти-бевақт келиб сизни безовта қилганим учун узр.

Ясама равишларнинг маълум қисмини морфологик-синтактик йўл билан ҳосил бўлган равишлар ташкил этади. Бу тип ясалишда ўрин келишиклари (жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш) нинг бирида от, сифат, олмош, баъзан сон ва феъл формалари равишга айланади. Келишик формаси орқали равишга айланган сўзларнинг лексик-грамматик белгиларига диққат қилсак, сўз формаси ҳосил қилувчи

аффиксининг ясовчи вазифасини ўтаётганлигини аниқламоқ мумкин: *янгидан, ёддан, қайтадан, тўғрига, бирдан* ва б. Бу равишларда «морфологизация» ва «лексиколизация» ҳодисаси рўй берганки, муайян синтактик ҳолатда формаларни фикрий жиҳатдан яққалаш билан уларнинг равишлигини белгилашга эҳтиёж йўқдир.

Келишик формаси ёрдами билан равиш ясалиши, одатда, сўзларнинг маълум келишикда «қотиб» қолиши натижасида юзага келади. Энди бу равишлаган сўзлар турланиш системасидан чиқиб, махсус маънога — белгини ифодалаш имкониятига эга бўлади. Сўзда вужудга келган семантик силжиш морфологик формага ҳам эга бўлади.

Бироқ ҳар қандай сўз чиқиш, ўрин-пайт, жўналиш келишиклари формасида равишга айланмайди, балки равишлашишга мойил муайян сўзлар мавжуддир. Улар сўз туркумларига нисбатан қуйидагича:

1. Томон ва замон маъносини билдирган айрим отлар ўрин келишикларининг бирида равишга айланади ва улар предмет тунчасини билдирмайди, балки ўрин, пайт ва ҳолат равишлари ҳосил бўлади: *орага, орада, орадан, ўртага, ўртада, ўртадан, орқага, орқадан, четга, четдан, йннга, йнгда, йнгдан, кунда, йўлда, тонгда, тонгдан, тушда, тушдан, пировардида, устдан, тубдан* каби: *Қиз нарироқ бориб, Орқага бир қайрилиб боқди* (Ойбек). *Ахир, бошда ўзи танлаганда* (Ҳ. Назир). *Акасининг бошидан ўтган воқеаларни устдангина билса керак* (Ойбек). *Камчиликлар эса ташқаридан яхшироқ кўришиб туради* («Қизил Ўзбекистон»). *Учратиш қаерда дейсиз* (Р. Файзий).

2. Ўрин келишиклари формасидаги сифатдан юзага келган равишлар ҳолат, ўрин маъносини билдиради: *узоққа, узоқда, узоқдан, яқинга, яқинда, яқиндан, тўғрига, тўғрида, тўғридан, қуйига, қуйида, қуйидан, баландга, баландда, баланддан, настга, настда, настдан, янгидан, эскидан, чиндан, ёлгондан, баравардан* каби: *Эшик аста очилди, яқинда шоирга хизматга кирган Шайх Бахлул пайдо бўлди* (Ойбек). *Кейин уларга умр, бахт тилаб, дуо қилиб, настга ҳовлига тушди* (Ойбек). *Узоқда, тўғрида йўлни завод дарвозасигача ёритиб турадиган прожектор бор* (А. Мухтор).

3. Кўрсатиш олмошлари кўпинча ўрин-пайт, баъзан чиқиш келишиклари формасида равишга айланиб, пайт ва ўрин маъносини билдиради: *унда, бунда, шунда, ўшанда, бундан, шундан* каби: *Шунда тоза севиндим, Ёзда қилган ишимга* (Уйғун). *Ушанда ҳалиги Маҳмуджон деган йигит ёшларнинг ашуласини келтирди* (А. Мухтор). *...бундан бирон ёққа қўзғалиши ҳам белгисиз эди* (Ойбек).

4. Бўлишсиз формадаги сифатдошлар чиқиш келишигида равишга айланади: *шошмасдан, индамасдан, қарамасдан, чарчамасдан* каби. *Мен ҳаммасини тугай, шошмасдан пиширай, кейин бирга ўтириб ейлик* (Ойбек). *...чарчамасдан ишлайсан* (Ҳ. Олимжон).

5. Келишик формасида равишга айланган сон бир сўзи орқали вужудга келган: *Шунда бирдан завод кучли товуш-ла, Алангали қаҳқаҳала кулади (Уйғун). Бирда сенга айтган гапим эсингда турибдими?*

Ҳозирги ўзбек тилидаги равишларнинг маълум қисмини бошқа туркумдан равишга кўчган сўзлар ташкил этади. Равишлашган сўзлар зарурият туғилиши натижасида вақтинча равиш вазифасини бажариб келган бўлиб, аслида улар бошқа туркумга мансуб бўлган сўзлардир. Равишлашган сўзлар ҳали ўз туркумига хос лексик-грамматик хусусиятларни йўқотган эмас, уларда равишга хос лексик ўзгаришни кўрмаймиз: *Чигитлар текис униб чиқиб, икки қулоқ бўлди («Совет Ўзбекистони»). Қатор тизилиб тушади чигит (Аширмат). «Кофарниҳон бўйида» Шўх булбуллар тинмай куйлар (Қ. Ҳикмат). Қирқ ўлаб бир кес (Мақол). Дув туришар ҳаяжон билан (Ойбек).*

Равишлашишнинг иккинчи этапи кўчиш бўлиб, бунда бошқа туркумдаги сўз тамомила равишга айланади ва унинг лексик составини тўлдиради. Равишга кўчиш бирдан ва тасодифан бўлмай, балки янги сифат элементларининг аста-секин ва узоқ вақт давомида тўплаб бориши билан сўзда янги лексик-грамматик хусусиятларнинг воқе бўлиши натижасида юзага келади. Бундай сўзларда равишга хос хусусият турғун ва доимийдир.

Равишга кўчиш сўз туркумларининг кўпида содир бўлади. Уларнинг асосий кўринишлари:

1) равишга кўчган отлар: *эрта, индин, кеча, кеч, кечқурун, бурун каби: Пахта тўйи эрта ё индин (Ойбек). Кечагина батрақларнинг ғариб чоғида ололмаган ҳатто табиий замин (Ғ. Ғулом);*

2) равишга кўчган сифатлар: *яққол, баралла, тугал, бафуржа, муттасил, вақтли (вахли), роса, баравар, узлуксиз, омонсиз, беомон, ўзгаришсиз, ҳаракатсиз, тўхтовсиз, бетўхтов каби: Сотиболди тўқилган саватчаларни улгуржи оладиган боққолдан 20 танга қарз кўтарди (А. Қаҳҳор). — Ойи, ҳа, вақтли келиб қолибсиз, — деб чақира бошлади (Р. Файзий). Шунинг учун совет экономикаси тўхтовсиз ривожланиши лозим («Совет Ўзбекистони»). Қиз билан рус тилида бемалол гаплашар эди (Ойбек).*

3) равишга кўчган равишдошлар: *оша, ўта, қия, қиё, қўша, қайта каби: ...у қурғурлар сазвани қўлтиққа солиб, ура қочишса бўладими! (Ойбек). Манманликдан оша бизни хоритди (Ф. Йўлдош).*

От (кундуз, кеча (си), оқшом), сифатларда (узоқ, яқин) бўлгани каби мимемаларда ҳам равишга кўчиш процессини кечираётган сўзлар учрайди: *шартта, таққа, таппа, шиға, чиппа каби: Умурзоқ ота таққа тўхтади (Ш. Рашидов). Қўлнинг қамишлари таппа ётади (Ф. Йўлдош). Шартта орқасига бурилди (Ҳ. Исмоилов).*

Равишларнинг маъносига кўра турлари

Равиш қайси сўзнинг белгисини билдириб келмасин, ўзи аниқлаб келган сўзнинг сифатий белгиларини, ҳолатини, вазиятини кўрсатиб кела олади. Равишлар маъно жиҳатдан шундай турларга эга: 1) ҳолат равиши; 2) ўрин равиши; 3) пайт равиши; 4) мақсад равиши; 5) миқдор-даража равиши.

Тилимиздаги айрим равишлар кўп маънолилиқ (полесемантизм) характерига эга. Улар гапда қўлланишига кўра ўрин ёки пайт, ҳолат ёки ўрин маъноларини англатиб келиши мумкин: *Сиз и л г а р и оқар дарё эдингиз (У й ғ у н). Ҳур яшаш, бахт сари и л г а р и юрдик («Хат»дан). Мактаб ташилотининг я қ и н д а н берган ёрдами туфайли янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўрилди (Тўп. «Катта мақсад йўлида»). Буларнинг кўпларини Арслонқул яқиндан кўрган бўлса ҳам...* (О й б е к).

Ҳали равиши семантик жиҳатдан ривожланишида, у бир неча маъно англатиш хусусиятига эга бўлган: *Биласизми, ҳ а л и мажлисда нима гаплар бўлди (Ҳ. Назир). Ҳ а л и келса кўрарсиз... («Топишмоқ»). Мен ва Али дам олгани, қўшини боққа чиқдик ҳ а л и (Қ. Ҳ и к м а т). Ҳ а л и энг асосий ишлар олдинда турибди («Қизил Ўзбекистон»). Вой гапга қўшилмай ҳ а л и ўлай! (Ҳ а м з а).*

Мисоллардаги қўлланган ҳали сўзи уч ўринда бир маъно доирасидаги оттенкани (пайт равиши) билдиради, қолганлари эса кучайтирув маъносидадир.

Ҳолат равиши

∠ Ҳолат равишлари одатда иш-ҳаракатнинг бажарилиш усулини, қай тарзда юзага келишини билдиради. Феълдан бошқа сўзларнинг белгисини кўрсатиб келганда эса ўхшатиш ёки қиёслаш маъноларини ифодалайди: *аста, аранг, дарҳол, йўлақай, зимдан, тўсиндан, қийғос, зўрга, бирдан, бошқача, солдатдек, бўғинлаб, кўркўрона, пайдар-пай, пешма-пеш каби: Кўрдингми, б и р в а р а к а й икки институтни битирмоқчи (О й б е к). Элим, юртим, болам-чақам деб қа ҳ р а м о н л а р ч а курашдилар (Й ш и н). Мардча, ўткир, жонли, теран маъноли кўзларида ... (О й б е к). ...ҳамма бой б и р т е к и с д а инсофсиз (О й б е к). ...к ў л д а й катта ҳовуз қазиймиз (О й б е к).*

Ўрин равиши

Ўрин равишлари одатда иш-ҳаракатнинг юзага чиқиш ўрнини, йўналишини кўрсатади. Умуман, нарса-предметнинг бирор ерда мавжуд бўлишини билдирганда, равиш ҳаракат маъносини билдирган сўзларга тааллуқли бўлиши шарт эмас: *И л г а р и г а интил, о л д и н г а бос деб Шонли партиямиз беради сабоқ («Еши ленинчи»). Хафа қилмаганингизда, ҳеч ёққа кетмас эди (У й ғ у н). Еши улуг Назарали ота шу ерда (Ғ. Фулом). У р т а да супа ва ҳовуз (О й б е к).*

Пайт равишлари иш-ҳаракатнинг юзага келган вақтини, муддатини билдиради. Феъл бўлмаган сўзларга тааллуқли бўлганда ҳам, воқеа-ҳодисанинг содир бўлиш пайтини кўрсатади: *Ҳар кунгидек бугун ҳам бир талай кишиларни қабул қилиб эндигина бўшаган (Ойбек). Халитдан ваҳимага тушаяпсан (Ойбек). Қадимги чўл-биёбон, Ҳозир кўркам хиёбон (П. Мўмин). У Белоруссиянинг деҳқонларига аллақачонлардан маълум («Совет Ўзбекистони»).*

Миқдор-даража равиши

Миқдор-даража равишлари одатда иш-ҳаракатнинг миқдорий сифатини — даражасини ёки сифат билан равишнинг интенсив даражасини кўрсатиб келади: *Чоракор чораклаб олар, Бой акам ботмонлаб (Мақол). Кампир ҳийла узоқлашганда, Нурматжон қичқирди (А. Қаҳқор). Сиз бу сўзни иккинчи дафъа зинҳор-базинҳор оғзингиздан чиқарманг (Ойбек). Жуда соз! — деди Саксон ота (Ойбек). Энг олдин мутахассислар келишиди (Ш. Рашидов).*

Миқдор-даража равишларини маъно жиҳатдан ўз ичида яна шундай группаларга бўлиш мумкин: кучайтирув равишлари, кучсизлантирув равишлари.

Кучайтирув равишлари шу маънони икки йўл билан — тасдиқ ёки инкор йўли билан англатиши мумкин: *Энг, жуда, ниҳоят(да), ғоят(да), яна(да), тагин, тамомила, унча, унча-мунча, озмунча, ўбдан, наҳ, ўта, ланг, қоқ, зир* каби равишлар тасдиқ маъносини ифодалайди: *ҳеч, сира, асти, асло, зинҳор, ҳаргиз, ҳадеганда* каби равишлари инкор маъносини билдиради: *Ота яна сўзида давом этди (Р. Файзий). Иним,— деди,— ўртоғингизни ёлғиз ташлаб кетгани асти кўнелим бўлмаяпти (А. Қаҳқор).*

Кучсизлантирув равишлари эса ҳаракат-белгининг нормал ҳолатдан камлигини, тўлиқ эмаслигини билдиради: *аранг, зўрга, зўр-базўр, хиёл, сал, сал-пал, чор-ночор* каби: *Чанг ва тутун ичида машина ва одамлар аранг кўринар эди (А. Қаҳқор). Колхозчиларнинг соат тўққизга чақирилган мажлиси соат тўққиздан саял ўтганда бошланди (А. Қаҳқор).*

Мақсад равиши

Мақсад равишлари иш-ҳаракатнинг қай мақсадда содир бўлаётганини ёки нима учун юзага келаётганини билдиради: *атай, атайлаб, атайин, қасддан, жўрттага, азза-базза* каби: *Сиз одамларга шундай кўриниш учун жўрттага шундай қилсангиз керак (Қ. Файзулин). Юксак бинолар томон, Бордик бизлар атайин (П. Мўмин).*

Равишларда даража

Равиш ҳам сифат каби даража англатиш хусусиятига эга, бироқ равишларда даража англатиш сифатлардаги каби тараққий қилган эмас. Равиш даражалари одатда иш-ҳаракат белгисининг бошқа белгига нисбатлаб ортиқ-камлигини билдиради.

Ҳозирги ўзбек тилида равишларнинг қуйидаги даража формалари бор: 1) бош даража; 2) қиёсий даража; 3) орттирма даража; 4) интенсив — кучайтирма даража.

Бош даража. Бу даражадаги равишлар иш-ҳаракат белгисининг нормал ҳолатда эканлигини билдиради ва бошқа даража билдирувчи махсус кўрсаткичга эга эмаслиги билан характерланади. *Манзура машина ёнидан тез кетди* (А. Мухтор).

Қиёсий даража равишларга *-роқ* аффиксининг қўшилиши орқали ҳосил қилинади: *секинроқ, барвақтроқ, кейинроқ, берироққа, орқароқда, илгарироқ* каби. Аммо бу даражадаги равишлар икки конкрет белги бир-бири билан ҳамма вақт бир моментда таққосланмай, чоғиштирилмай, балки ҳаракат белгисининг абстрактлаштирилган ҳолда кучайганлиги ёки кучсизланганлигини кўрсатади. *Нарироқда бир тўп одам* (А. Мухтор).

Баъзан қиёсий даражада кучайтирув ёки кучсизлантирув экспрессив йўл билан янада орттирилган бўлиши мумкин. Бунда қиёсий даражадаги равишлар олдидан *сал, яна, тобора* каби равишлар келади: *яна тезроқ, яна илгарироқ, тобора яққолроқ, сал нарироқ, сал бурироқ* каби: *Сал бурунроқ ўтказилса, анча бўй берган бўлади* (Ш. Рашидов).

Орттирма даража равишлари белгининг нормал ҳолатдан ортиқлигини билдиради. Бу даража равиш олдидан *энг, жуда, ғоят (да), ниҳоят (да)* каби кучайтирув равишларини келтириш орқали ҳосил қилинади: *энг олдин, жуда тез, ниҳоят секин* каби: *Мана шу боғчадаги дарахтларни энг олдин шулар ўтқазиб парвариш қилишган* («Ёш ленинчи»).

Интенсив кучайтирма даража равишларда асосан икки йўл билан ҳосил қилинади: 1) Сўзларни тўлиқ такрорлаш орқали: *жуда-жуда, тез-тез, зўрға-зўрға, зинҳор-зинҳор (зинҳор-базинҳор) ҳали-ҳали, сира-сира* каби: *Бу Болтабой акага жуда-жуда малол келди* (А. Қаҳҳор). *Мастон ..зўрға-зўрға қадам таилаб келар эди* (А. Қаҳҳор). *Бурноғи йилги иш сира-сира эсимдан чиқмайди* (Ҳ. Назир); 2) қисқа такрор орқали: *куппа-кундузи, баб-баравар, тикка-тик, чиппа-чин, тўппа-тўғри* каби: *Ҳар звено ерини аъзоларига баб-баравар тақсимлаб...* (Ойбек).

Равишлар ҳам бошқа сўз туркумлари сингарининг *-гина* (*-кина қина*) аффиксини олган бўлиши мумкин. Бунда асосан равишдан англашилган белги маъносини бир оз кучсизланади: *тезгина, ҳозиргина, базўргина, бирпасгина, яқиндагина, эндигина, қушдеккина* каби: *Саватни ерга оҳистагина қўйди* (Ойбек)... *йигитнинг шундоққина орқасида тўхтади* (Ҳ. Назир).

КЎМАКЧИ

Кўмакчилар восита, мақсад, сабаб, вақт, макон ва шу каби бошқа муносабатлар билдириш учун қўлланадиган сўз туркумидир.

Кўмакчилар тарихан мустақил сўзлар бўлган бўлса ҳам улар ҳозирги замон ўзбек тилида лексик (материал) маъноларини йўқотган, грамматик маъносигина бор сўзлардир. Шунинг учун улар ҳозирги замон ўзбек тилида фақат бошқа сўзлар билан бирга ишлатиляпти.

Кўмакчилар ўзгармайди (турланмайди ва ясалмайди), келишикларни бошқаради. Масалан, *сенинг учун* (қаратқич келишиги), *уйга томон* (жўналиш келишиги).

Ҳозирги замон ўзбек тилида кўмакчиларнинг икки хили учрайди. Булар: *билан, учун, каби, сари, сайин, қадар сингари мустақил* маъносини тамоман йўқотган сўзлар ва *томон, бошқа, сабабли, орқали, туфайли, қараб, қарамай, сўнг, ташқари, бери, кўра, чоғли, узра* сингари кўмакчи вазифасида қўлланувчи, мустақил сўзлардан (от, сифат, равиш ва феъллардан) кўмакчиликка кўчган сўзлардир.

Бошқа туркий тилларда ва шунингдек, ўзбек тилида ҳам кўмакчилар семантик жиҳатдан бирор (бош, жўналиш ва чиқиш) келишикдаги сўз билан алоқадор бўлгани ва бу кўмакчилик бирикманинг маъноси турли синтактик муносабатларни ифодалаш бўлгани учун кўмакчиларнинг қайси келишикни бошқариб келиши, яъни синтактик томони ҳисобга олиниши керак.

Синтактик томондан кўмакчилар қуйидаги группаларга бўлинади: 1) бош келишикдаги от ва қаратқич келишигидаги сўзларни бошқарадиган кўмакчилар; 2) жўналиш келишигидаги сўзларни бошқарадиган кўмакчилар; 3) чиқиш келишигидаги сўзларни бошқарадиган кўмакчилар.

Восита, сабаб, мақсад, қиёс-ўхшатиш муносабатлари ифодалаш учун қўлланиладиган *билан, учун, каби, чоғли, қадар, сайин, бўйича, орқали, сабабли* кўмакчилари бош келишикдаги сўзни ёки қаратқич келишигидаги олмошларни талаб қилади.

Йўналиш, сабаб, мақсад муносабатларини ифодалаш учун қўлланадиган *кўра, қариш, қараб, қарамасдан, қарамай* кўмакчилари жўналиш келишигидаги сўзни талаб қилади.

Чоғиштириш, қиёс, ажралиш муносабатларини ифодалаш учун қўлланадиган *сўнг*, *бошиқа*, *кейин*, *ташиқари*, *бери*, *бўлак* кўмакчилари чиқиш келишигидаги сўзни талаб қилади.

Бош келишикдаги сўз (баъзан қаратқич келишигидаги олмош)
билан келадиган кўмакчилар

Билан. Бу кўмакчи ўзи бирга келган сўз билан бирликда қуйидаги маъноларни билдиради:

1. Биргалик, ҳамкорлик маъносини ифодалайди: *Абдукарим ишини шегирд болага топшириб Ҳайдаров билан ҳужрага қайтди (Сайд Аҳмад)*. *Медомики, одам бир марта яшар экан, умрбод бир киши билан — ўз севгилиси билан яшаши зарур (Ҳ. Фулом)*. *Шамол нафис япроқларни узади, ҳавода, эркинликда бирпасини улар билан ўйлашиб, эркалаб сўнг ерга ташлайди (Ойбек)*. *У билан турли нарсалар ҳақида узоқ суҳбатлашди (Ойбек)*. *Эртага шаҳарга тушинг, акам билан сўзлашиб ишни битирамиз, дурустми? (Ойбек)*.

Бу кўмакчи бирга, бирликда, биргаликда, бирлашиб, биргалашиб сўзлари билан келганда биргалик, ҳамкорлик маъноси яна кучаяди: *Асқар ога завқ қилиб кўлди, — Сен ҳали денгизни кўрганинг йўқ, қизим! Худо хоҳласа кувёнинг билан бирга кўрасан (А. Қаҳҳор)*. *У, ёш колхозчи, ўз тенгқурлари билан бирга қандай жон куйдириб ишлаган эди (Ойбек)*.

Бир хил уюшиқ бўлақлар орасида билан кўмакчиси ўзининг биргалик маъносини сақлаган ҳолда бириктирувчи боғловчи вазифасида ҳам қўлланади: *Умарали билан Шарифжон, буларнинг кетидан қоп-қора бир йигит билан Рустам келди (А. Қаҳҳор)*. *Зиёдахон Тўлаган Сулаймонов билан Сидиқжон Соҳибжоновларни колхозга олиш тўғрисида правлениенинг қарорини ўқиб берди (А. Қаҳҳор)*.

2. Қурол, восита маъносини ифодалайди: *Маърифат ойим ўрга дераза олсида садаф сопли пи чоқ билан олма артиб ер эди (Ж. Икромий)*. *Чол офтобда яшнаган лолалардан кўзи қамашиб сертомир бармоқлари билан қовоғини ишқади (Сайд Аҳмад)*. *Яшилланиб қолган боғларда ҳали барг ёзмаган чинорларнинг оппоқ навдалари зангори осмонга бўр билан чизиб қўйгандек кўринади (Сайд Аҳмад)*. *Шарофат олдида турган чойнак билан унинг башарасига туширди. (А. Қаҳҳор)*. *Йўлчи чопонининг этаги билан юзини артди (Ойбек)*. *Шинель билан ёпиб қўяқолдим (А. Мухтор)*. *Дехқонларга пулни қишда тарқат . . . Пул билан оёғига кишан ур (Ойбек)*.

Билан кўмакчиси ҳаракат воситаси бўлган предмет маъносини ҳам ифодалайди: *у поезддан тушиб, йўлнинг у ёғига машина билан кетди. — Ҳа, бўлади, ўзим арава билан олиб бораман (Р. Отаев)*.

Шунингдек, бу кўмакчи воситасида ҳаракат содир бўлган пред-

мет сатҳи маъноси англашилади: *Ҳувиллаб ётган йўл билан меҳмонхонага келдим* (Р. Отаев).

3. Ҳаракат номлари билан бирга келиб, бир ҳаракат кетидан иккинчисининг тез бошланиши маъносини ифодалайди: *Нодира-бегим номи зикр қилиниши билан Муқимийнинг ёдига китоб тушиб кетиб, жим туриб қолди* (С. Абдулла). *Машина қимирлаши билан рулда ўтирган Кларк гап бошлади* (Шуҳрат). *Дераза очилиши билан Йўлчи бошини кўтарди* (Ойбек). *Маърифатхон номи айтилиши билан суҳбатга яна жон кирди* (А. Қаҳҳор).

Билан кўмакчиси -оқ юкмасини олса, бу тезлик маъноси янада кучаяди: Уяларидан чиқиши биланоқ чумчуқлар чирқиллашиб, мусичалар кукулашдилар (А. Қодирий). *Дилкаш шийпонларни кўриш биланоқ фарғоналик аскарнинг кўзларидан... қайноқ ёш томчиланган эди* (Ойбек). *Хатни жиндак ўқишим биланоқ савол ёғила бошлади* (А. Мухтор). *Кечаси билан гупиллаб чиққан дизель шовқини тиниши биланоқ симёғочларда чироқ ўчди* (Саид Аҳмад).

4. Вақт (пайт) билдирувчи сўзлар билан келганда вақт (пайт) маъносини ифодалайди. (Бундай чоқда давомлилик маъноси ҳам англашилиб туради).

Масалан: Сидиқжон кечаси билан киприк қоқмай чиқди (А. Қаҳҳор). *Аъзам тунни билан шағалда ётгандек ағанаб чиқди* (Шуҳрат). *Тўйда кунни билан чорбоғ тепасида лайлак ногора чалди* (Саид Аҳмад). *Нафиса кунни билан боғда бўлди* (Шуҳрат).

5. Иш-ҳаракат объекти маъносини ифодалайди: *Сўнг Нури ўрнидан туриб дадаси билан совуққина кўришди* (Ойбек). *У мен билан хайрлашди* (А. Мухтор). *Район раҳбарлари эса Қиличевнинг бузоғи устида иккинчи марта жанжал чиқмагунча, савдо ишлари билан қизиқмайдиганга ўхшайдилар* («Муштум»). *Ниҳоят Мирзакаримбой орқасини ёстиқдан узиб, муҳим савдо иши билан шуғулланган каби, жиддий равишда гапириб кетди* (Ойбек). *Иш билан банд эди* (Шуҳрат).

6. Абстракт маъноли сўзлар билан бирга келганда ҳолат маъносини ифодалайди: *Сорабибини хурсандлик билан қайта-қайта қутларди* (Ойбек). *Асқар полвон болаларга қизиқиши ва оқ кўнглилик билан ўзбекча курашни тушунтиришга киришди*. (Ойбек). *У ўйчан бахтиёрлик билан жилмайди* (А. Мухтор). *Унинг кўзлари ғамгин қувонч билан нурланган эди* (А. Мухтор). *Қора кўз, бароқ қош жангчи, соғлом қўлини қизининг елкасига қўйиб, шавқ билан тошиб сўзларди* (Ойбек). *Столни айланиб, шиддат билан унинг ўрнига ўтди* (Шуҳрат). *Йўлчи жаҳл билан ўрнидан турди* (Ойбек). *Файз бошини ушлаб, ўзини эзғилаб ташламоқчи бўлгандай, алам билан ғўнғиллар эди* (А. Мухтор). *Ҳазаб билан душманга ташланишни оқлаш мумкин* (А. Мухтор).

7. Мақсад маъносини ифодалайди: *Шифокорлар москвалик*

ҳамкасблар олдига жуда зарур иш билан, яъни шу соҳада олиб бораётган диққатга сазовор илмий ишлари билан танишиш учун кетдилар («Тошкент оқшоми»). Муқимий ҳаётида яна тинч-осойишта кунлар бошланди, кундузлари ижод билан машғул бўлди (С. Абдулла). ... тингловчилар ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари бўйича янги техника ва илғор технология билан танишдилар («Тошкент оқшоми»).

8. Жараён ёки иш-ҳаракатнинг усули, тарзи маъносини ифодалайди: Қиз ҳамон кўнғироқдек кулар, сокин боғ унинг шодон қаҳқаҳаси билан тўлган эди («Шарқ юлдузи»). ... биз кучли шовқинлар билан тикка йўлга чиқиб бордик (А. Мухтор). ... қий-чув билан улоқ бошланди (Шухрат). Тақяда ўқилаётган мақом охирига етди, кўпчилик баланд овоз билан миннатдорчилик билдирди (С. Абдулла).

9. Бирор иш-ҳаракатнинг содир бўлиши бошқаси билан баробар, тенг содир бўлгани маъносини ифодалайди: у ўқиш билан баробар ёзишни ҳам ўрганиб олди. Қамола музика мактабиничг еттинчи синфини, ўрта мактабнинг ўнинчи синфи билан баробар, ўтган йили муваффақиятли тамомлади («Тошкент ҳақиқати»).

10. Умумлаштириш, хулосалаш маъносини англатади: Қирқ кун тўйу томоша қилибди. Шу билан мурод-мақсадига етибди («Эртак»). Мен сизга айтсам, ўшанда қишлоққа текширувчилар келишди, гувоҳларни чақириб сўрашди, воқеа содир бўлган ерларга боришди, яна нима балолар қилишди, шу билан вассалом, нома тамом, ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолиб кетди, инқилобдан бурун бой боласини айблаб бўлармиди («Шарқ юлдузи»).

Билан кўмакчиси бадий адабиётда баъзан бирлан, бирла, илл, -ла шаклида ҳам учрайди:

Ажойиб наъмалар билан,
Саҳарда сайрадинг булбул

(Ж. Жабборов).

Эл бирла Ҳабибий ҳам
Меҳнатда, садоқатда

(Ҳабибий).

Вафо бирла садоқатдан келур элга фидокорлик,
Вафо расмини тутгил кўзу қошинга бино қўйма.

(Қ. Убайдуллаева).

Асл, улуг бир виқор била биз сари
Келасан, гуруллаган алангалар-ла!
Пишиб етилди ҳаводин ранг олди истагича
Зиҳи бу санъат ила келди халқпарвар куз

(Ҳабибий).

Қўл-ла созлаб бўлмайди яратган ҳайкалимни (А. С. Пушкин).

Лекин билан кўмакчисининг бу шакллари ҳозирги замон ўзбек адабий тили учун норма ҳисобланмайди.

Учун. Бу кўмакчи, асосан, қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1. Мақсад маъносини ифодалайди. Бундай чоғда *учун* кўмакчиси от, олмош, шунингдек, ҳаракат номи ва *-син*, *-лик* аффикслари билан тугаган сўзлардан кейин келади: *Буюк кишилар доим инсоният учун қайғуради* (Шуҳрат). *Шоир Нодимнинг ҳашаматли бир меҳмонхонаси азиз меҳмонлар учун ажратилди* (С. Абдулла). *Юсуфбек ҳожи эрталаб чойни Отабек билан бирга ичиш учун меҳмонхонага чиқди* (А. Қодирий). *Аҳмаджон душманга омон бермаслик учун тинимсиз ўқ узди* (А. Қаҳҳор). *Бувиси эшитсин учун у қаттиқроқ сўзлади*. *Қочоқни ибрат бўлсин учун саф олдиға қўйиб отиб ташладилар* (Шуҳрат). *Кун исби кетган вақтларда дам олиш учун кичик-кичик қишлоқларда тўхтар эдилар* (С. Абдулла).

2. Сабаб маъносини ифодалайди. Бундай чоғда *учун* кўмакчиси кўпинча, *-гани* (*-ган+и*), *-лиги* (*-лик+и*), *-ганлиги* (*—ган+лик+и*) аффикслари билан тугаган сўзлардан сўнг келади: *Янги чиққан ой ёйилиб кетган ўроқдай ингичка бўлгани учун йўлни ёритмасди* (Ш. Рашидов). *Кичик ариққа ҳали сув келмагани учун Гулнор челақ кўтариб, катта ариққа жўнади* (Ойбек).

Бундай бирикувларда *учун* кўмакчиси сабабли сўзи вазифасини бажаради ва унга синоним бўлади. Қиёс қилинг: *аъло ўқигани учун мукофотланди* — *аъло ўқигани сабабли мукофотланди*.

3. Аташ (белгилаш, мўлжаллаш) маъносини ифодалайди. Бундай чоғда *учун* кўмакчиси от ва олмошлардан сўнг келади: *Бу китобларни сен учун олдим, қаламларни Салима учун*. *Шоир учун яхши эшитувчи керак, яхши эшитганда ҳам бутун вужудини қулоқ қилиб эшитиб, ҳар бир сатрнинг маъзини чақиб, унга баҳо бера оладиган эшитувчи керак* (С. Абдулла).

Учун кўмакчиси қаратқич келишигидаги олмошдан сўнг келса, аташ маъносини яна кучайтириб, ажратиб кўрсатади, *Бу китобни сенинг учун олдим*.

4. Эваз маъносини ифодалайди: *Раҳмат, Сўнаҳон, йўқлаб, топиб келганингиз учун раҳмат* (А. Мухтор). *Ёшлар Гастеллодек бўлишлари учун кўп меҳнат сарфлаётдилар* («Ёш ленинчи»).

Учун кўмакчиси бадий адабиётда *-чун* шаклида ҳам учрайди: *Тинчгина яшаш -чун туғилмаганман* («Тошкент оқшоми»).

Учун кўмакчиси *-гина*, *-дир* аффиксларини олиши мумкин: *Унинг бу гаплари менинг учунгина бутун даҳмати билан янги эди* (А. Мухтор). *Лекин нима учундир фюрернинг башорати ижобат топмасди* (Шуҳрат).

Каби. Бу кўмакчи ўхшатиш, солиштириш, қиёслаш маъносини ифодалайди.

Масалан: *Новдалардан оналарнинг соғинч тўла юракларидан сққан кўз ёшлари каби томчилар томарди* (Ойбек). *Жийда ўтини жийда каби қизил аланга бериб, ўчоқда чирсиллаб ёнмоқда эди* (С. Абдулла). *Юсупов ҳам худди Охунбобоев каби баъзи санъаткорлар билан қўчоқлашиб, бошқалари билан эса қўл беришиб кўришди* (Х. Фулом). *Шу вақт унинг қўлтиғи остидан*

узатилган қўл ҳиқилдоғидан омбир каби сиқиб олди (А. Қодирий). У Йўлчига яқин келиб, она каби бошини силади ва юпата бошлади (Ойбек). Тун совуғи билан қотган лой оёқ остида синиқ шиша парчаси каби қирс-қирс ушалади (Ойбек). Бу воқеа қўрқинчли туш каби Йўлчининг кўз олдидан ўтди (Ойбек).

Бу маънода каби кўмакчисига мисол, мисоли сўзлари синоним бўлиши мумкин. Юлдуз мисол қўй-қўзинг сулув (Р. Чинмирозев).

Бу кўмакчи сифатдош ва модал сўзлар билан келганда ўхшатиш, қиёслаш билан бирга ишонмаслик, гумон маъноларини ҳам ифодалайди: Қора Аҳмад ишонмаган каби ағрайиб, бир минут тараддудда қолди (Ойбек). Шокир отанинг юз бурушиқларида ҳам мавжланган каби туюлди (Ойбек). Гулнор уялган каби табассум билан бошини қуйи солди (Ойбек). Чол қишлоқда бўлиб ўтган воқеаларни хотиридан бир-бир кечираётган каби бир зум жим қолди (А. Қаҳҳор). Мулла Икром гўё уни ҳозир кўрган каби ҳам лоқайдлик билан, «тузукмисиз» деди (Ойбек). Уйда биров бор каби туюлди унга.

Каби кўмакчиси вақт билдирувчи сўзлар билан бирга келганда эса, доимий ўхшашлик, мунтазамлик маъносини ифодалайди: У атрофга назар солмай, ҳар вақтдаги каби ғурур билан келар эди (Ойбек). Кечга яқин дадаси қайтгач, қўрғонга кирди, ҳар кунги каби қора шўрва учун олов ёқди (Ойбек).

Сингари. Бу кўмакчи каби кўмакчисининг синоними бўлиб, у ҳам, асосан каби кўмакчиси англаган маъноларни англатади.

Ўхшатиш, солиштириш, қиёслаш билдиради: У ҳам Аҳмадجون сингари ўз взводи билан тонг қоронғусида чиқиб кетганича уй-қу маҳалида қайтади-ю, таппа тацлаганича ухлайди қолади (А. Қаҳҳор). Йигит узоқда ҳайбатли темир уюмлари сингари ағанаб ётган пачоқ паровозларга тикилди (Ойбек). Пўлатнинг кўзларида худди гўдакларники сингари севинч уйқунлари чақнади, чопганича уйга кириб кетди (Ш. Рашидов). Атроф қум чўли сингари бепоён, шамол учирган қор оёқлар остида ғижирларди (Ш. Рашидов).

Бу кўмакчи феъл формалари билан бирга келганда ҳаракат ва ҳолатда ўхшашлик маъносини ифодалайди, Рўпарадаги тоғнинг бағридан қора тутун кўтарилди ва йўталган сингари товуси эшитилди (А. Қаҳҳор). Пул қарз олиб, еб кетиш, қалбаки ҳужжатлар ясаш сингари ҳаром ишларнинг пири эди (Ойбек). Бу ишлар ҳаммаси хамирдан қил суғирган сингари енгилгина бўлмайди (Шуҳрат).

Бу кўмакчи ҳам вақт билдирувчи сўзлар билан бирга келганда доимий ўхшашлик, мунтазамлик маъносини ифодалайди: У энди, дастлабки кунлардаги сингари бегонасирамас, рўпара келган тўпга қўшилиб хурсандчилик қилар эди (А. Қаҳҳор). Хадича ҳола болалик чоғидаги сингари унинг белига нон туғиб берди (А. Қаҳҳор).

Янглиғ. Бу кўмакчи каби, сингари кўмакчиларининг синоними

бўлиб, асосан, улар англлатган маъноларни англатади. *Янглиф кўмакчиси* архаиклашган бўлишига қарамай, поэтик асарларда, шунингдек, прозаик асарларда ҳам стилистик талаб билан қўлланиб туради.

Ухшатиш, чоғиштириш, қиёс маъносини билдиради: *Ярашмас сенга бу янглиф юриш, кайфу сафокорлик* (Қ. Убайдуллаева). *Бу қиз ҳаммаларидан қаттароқ, сочлари эркакларники янглиф калта қирқилган* (А. Фадеев).

Сайин. Бу кўмакчи қуйидаги маъноларни англатади:

1. Вақт билдирувчи сўзлар билан бирга келиб, иш-ҳаракат ёки ҳодисанинг муайян вақт ичида такрорланиши ёки мунтазам бўлиб туриши маъносини ифодалайди. *Қувноқ қизнинг юрагида севги кун сайин кучлироқ ёлқинланади* (Ойбек). *Республикамизда пахта ҳосили йил сайин бормоқда* (Н. Сафаров). *Аммо, баъзан кун ора базм, ҳафта сайин ҳайит қилишга ўрганган колхозчиларнинг тинкасини қурутганга ўхшайди* (А. Қодирий). *Булутли хомуш оқшом зулмати нафас сайин қуюқлашиб келмоқда* (П. Турсун).

Сифатдош билан бирга келганда икки иш-ҳаракатнинг бир йўла содир бўлиши ва бу ҳаракатдаги давом, изчиллик маъносини ифодалайди, *Оёқ товуши ичкарига яқинлашган сайин у ўзида титроқ аралаш бир ҳол сезар эди* (А. Қодирий). *Ел борган сайин кучлана борди* (А. Қодирий). *Оғир ишда ўзи озган ва уйдаги икки қўйи семирган сайин унинг Урмонжонга қарши юрагидаги адовати ўт ола борди* (А. Қаҳҳор). *У индамаган сайин Қодир азоблар эди* (А. Қаҳҳор). *Дам ўтган сайин тоғлар чўққисини туман босиб кўздан яширмоқда* (Шуҳрат). *Муқимийда ҳар баҳор қўзғайдиган кўз тиниш... касали кун исий бошлаган сайин аста-секин кучая бошлаган эди* (С. Абдулла).

3. Иш-ҳаракатни маълум вақт орасида содир бўлиши маъносини ифодалайди: *Бу ҳол кун сайин такрорланиб туради*.

Сари Бу кўмакчи иш-ҳаракатнинг объектга қараб йўналиши маъносини ифодалайди (Бундай кўмакчили бирикувда объектни кўмакчидан олдинги сўз кўрсатиб туради): *Икки ўртада ўн одимча масофа қолгач, бу қадар парвосиз келган душман сари Арслон бутун қалҳр-ғазабини тўкиб ташланди* (А. Қодирий). *Колхозчилар ёппасига чўл сари отланди* (Ойбек). *У, ҳайрон, доддираб қолган отага тик қаради ва секин югуриб, ғамги, кўча сари чиқиб кетди* (Ойбек). *Тиришдим тоғдан ошдим, ёруғлик сари йўл очдим* (Мақол).

Бу маънода *сари* кўмакчиси томон кўмакчисига синоним бўлиши мумкин. Қиёс қилинг, *кўча сари—кўча томон*. *Ёруғлик сари—ёруғлик томон*.

Сари кўмакчиси феъл формалари билан бирга келганда икки иш-ҳаракатнинг бир йўла содир бўлиши ва бу ҳаракатдаги давом, изчиллик маъносини ифодалайди: *Кун ўтган сари менинг ҳам кўнглимда ғойибона муҳаббат авж олди* (П. Турсун). *Йўлчи Шо-*

кир отага тикилган с а р и, унинг ҳозирги пайтдаги ғамли ўйларини равшан сеза бошлади (О й б е к).

Бу маънода сари кўмакчиси сайин кўмакчисига синоним бўлиши мумкин. Қиёс қилинг: борган с а р и — борган с а й и н.

Сари ва сайин кўмакчиларнинг ишлатилиши жиҳатидан қуйидаги мисол жуда характерли (кўмакчиларнинг ўрнини алмаштириш ёки фақат биттасини ишлатиш, маънога ҳалал бермайди, фақат стилистик ранг-баранглик учунгина аҳамиятлидир): Шундай қилиб, иш борган с а р и катта бўлар ва иш катта бўлган с а й и н Саид Жалолхоннинг калласи оғирлашар эди (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Сабабли. Бу кўмакчи содир бўлаётган иш-ҳаракатнинг бошқа иш-ҳаракатга алоқадор экани, сабабини билдиради: У Сатторқулнинг таъна-дашномига жавобан сўнги вазиятларда ўз ҳолатини англаганини, шу с а б а б л и Зуннунхўжа оиласидан буткул чиқиб кетганини айтмоқчи эди (А. Қ а ҳ ҳ о р). У шундай қадрли меҳмон келишини олдинроқ билмагани с а б а б л и тайёргарлик кўра олмаганидан нақадар хижолатда эканини айтиб битиролмас эди (А. Қ а ҳ ҳ о р). Меҳрибон ҳомиладорлиги с а б а б л и, кампирларга қўйилиб қурт боқди («Шарқ юлдузи»).

Бу кўмакчи олдидан кўпинча феъл формаларидан -ган аффиксли сифатдош (ў қ и г а н и с а б а б л и), -(у)в, -(и)ш аффиксли ҳаракат номлари (ў қ у в и с а б а б л и, ў қ и ш и с а б а б л и) ва белги отлари (ў қ и л г а н л и г и с а б а б л и) келади.

Орқали. Бу кўмакчи восита маъносини ифодалайди. Бу икки хил:

1. Иш-ҳаракат содир бўлишида восита бўлган предмет ёки ҳаракат маъносини ифодалайди: Буни Ориф ака идорасида телефон о р қ а л и область судининг терговчисидан эшитди (А. Мухтор). Хатни почта о р қ а л и жўнатдим. У бу ютуқларга ҳаётни реал ифодалаш о р қ а л и эришди.

Бу маънода орқали кўмакчиси билан кўмакчиси ва ўрин-пайт келишиги аффикси (-да)га синоним бўлиши мумкин. Қиёс қилинг: почта о р қ а л и жўнатдим — почта б и л а н жўнатдим — почтада жўнатдим.

Шунингдек, бу кўмакчи иш-ҳаракатнинг содир бўлишидаги воситачи маъносини ҳам ифодалайди, У сарполарнинг овозаси, кеча кўриб кетган хотинлар о р қ а л и... шаҳарнинг ярмига тарқалди (О й б е к).

2. Иш-ҳаракат содир бўлишида восита бўлган ўрин маъносини ифодалайди: Салимжон уйига пахтазор о р қ а л и қайтди. Кўз ёшлари юзи о р қ а л и эгарнинг қошига ва отнинг ёлига тома бошлайди... (А. Қ о д и р и й).

Бу маънода орқали кўмакчиси билан кўмакчиси ва чиқиш келишиги аффикси (-дан)га синоним бўлади. Қиёс қилинг: қайтишда пахтазор о р қ а л и келди — қайтишда пахтазор б и л а н келди — қайтишда пахтазор д а н келди.

Туфайли. Бу кўмакчи иш-ҳаракатнинг содир бўлишидаги сабаб-

ни билдирди: *Ҳозир озғин, қоқ суяк қўлларида ток зангидек бўртиб турган чайир пайлари балки ана шундай бетиним меҳнат туфайли пишиб қотгандир («Шарқ юлдузи»).* Доим кўз олдимда ҳамшира якка эмас, *Ҳусниддин Салом билан бирга турар, шу туфайли хаёлларим борган сари чузалашар, вужудим борган сари сирқирар эди (М. Бобоев). Бечора Мадамин қабоҳатона шубҳа туфайли жон талвасасида ётибди (Р. Отаев). Шаҳарда, очиғи, «юзга чопар»лиги туфайли уни қаёққа қўйишни билмай қолишган эди (А. Мухтор).*

Чоғли. Бу кўмакчи сон миқдор жиҳатидан чама маъносини ифода-далайди: *Биз қишлоқдан бир йўла қирқ чоғли йигит жўнамоқда эдик (О. Ёқубов). Эшмат қўрбоши ўн чоғли йигити билан уйни босиб, холасининг фарзандлари Султонқул билан Алижоннинг бошини узиб ташлабди (Ғ. Сулаймон).*

Оша. Бу кўмакчи: 1) иш-ҳаракатнинг бошқарилган сўздан англашилган вақт давомида содир бўлиши маъносини ифода-далайди: *Халқ шоирлари ҳофизасида бу дostonлар асрлар оша сайқалланиб бизнинг давримизгача етиб келдилар («Тошкент оқшоми»); 2) иш-ҳаракатнинг бошқарилган сўздан англашилган макон бўйлаб содир бўлишини ифода-далайди: *Мен Раънога қарардиму ичимга сизмасдим, шамол бўлиб учгим, бутун юртлар, водилар, даралар оша елгим... келарди (М. Бобоев). Ёрдамлашмоқчи бўлдим, кўнмагач, чайладан чиқиб, қўл оша узоқ-узоқларга... ўйчан нигоҳ ташладим (Р. Отаев).**

Бўйлаб. Бу кўмакчи иш-ҳаракатнинг кўрсатилган маконда воқе бўлгани ёки маълум вақт давомида содир бўлгани маъносини англатади: *Жаҳон бўйлаб янгарар бир овоз (Ислоом шоир). Юсуфжонов хиёбонлар бўйлаб аста кетаркан, колхоз кўчасининг озода ва батартиблигини кўриб қувонди (Н. Фозилов). Улар Беруний майдонидан ўтиб, кенг ва катта кўча бўйлаб кетдилар (Ф. Мусажонов). Шу кун Юсуфжон аканинг севиқли шогирдларидан бири Тамарахоним Қрим бўйлаб гастролда эди (Т. Обидов). Ватанимизнинг бутун тарихи бўйлаб эришган ғалабалари унинг хаёлидан бирма-бир кечди (Т. Обидов).*

Бўйича. Бу кўмакчи 1) мослик, мутаносиблик маъносини ифода-далайди: *Учинчи кун Мажиддин ...одат ва анъана бўйича, подшоҳни кутиб олиш учун шаҳардан чиқди (Ойбек). Дарслар ўқув жадвали бўйича олиб борилади; 2) чегаралаш маъносини ифода-далайди: *У директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбо-сари.**

Узра. Бу кўмакчи иш-ҳаракатнинг бирор предмет сатҳи (сир-ти) бўйлаб йўналиши маъносини ифода-далайди:

*Қани шундай баҳор бўлса,
Олам узра ёйса гул (Э. Воҳидов).*

*Меҳр майингдан тутдинг лим коса,
Гўё тўқдинг бошим узра зар (Ё. Мирзо).*

*Бошимиз узра офтоб
Ҳар сўзи қонун китоб (Қ. Муҳаммадий).*

*Бу борада қуёш ботиб, қоронгулик борлиқ узра ўз чодирини
ёза бошлади (М. Бобоев).*

Бу кўмакчи ҳозирги замон ўзбек тили учун архаик бўлиб, фақат шеърӣ асарларда учрайди.

Ичра. Бу кўмакчи иш-ҳаракатнинг бирор предметнинг ичида содир бўлиши маъносини билдиради:

*Синфингни булғатма
Чанг-тўзон ичра ботма (Қ. Муҳаммадий).*

*Ёвни кўрсанг шер сингари юриш қил
Чапаевдай майдон ичра уруш қил (Исломошор).
Ўрмон ичра яшар сайрақи какку
Умрбод такрорлар бир куйни «кук-кук» («Муштум»)
Боғ ичра гул упасин
Иси чеҳрангга урар (Қ. Муҳаммадий).
Сандиқ ичра хуноб бўлиб уч йил тўла —
Ётдим ҳаргиз йўқламадинг сар бир йўла («Муштум»).*

Бу кўмакчи мавҳум отлар билан бирга келганда билан кўмакчисига мос келади: *Сухбат қизимай ётибди-да,— деди Аҳмад Хусайн хўрсиниб ва кўзларини хаёл ичра сузиб (Ойбек). Оғир дард ичра алаҳлаб ётган Энн «Мен сотқин эмасман» дея ўртанади («Совет Ўзбекистони»).*

Бу кўмакчи ҳозирги замон ўзбек тили учун архаик бўлиб, баъзан бадиний асарларда (кўпинча, шеърӣ асарларда) учрайди.

Бўйинча//бўйича. Бу кўмакчи бирор иш-ҳаракатнинг содир бўлшидаги асос ёки усул маъносини англатади: *шу ваъда бўйинча Олчинбойнинг миқти йигити Кўккўз нақ учинчи кун Кўнанбойни қувиб етди (М. Аvezов). Учинчи кун Мажидиддин... одат ва анғана бўйинча, подшоҳни кутиб олиш учун шаҳардан чиқди (Ойбек). Онабиби ўқитувчи берган план бўйинча ёзма иш ёзшдан бош тортди (А. Мухтор).*

Бўйи. Бу кўмакчи вақт билдирувчи сўзлар билан бирга келиб, ҳаракат-ҳолатнинг шу сўзлар ифодалаган вақт доирасида давомлиги маъносини билдиради: *Салимжон келгуси йили мусобақаларда қатнашиш учун йил бўйи машқ қилди, ўз маҳоратини оширди («Ленин ушқур»). Саида эртасига ҳам Қаландаровни кўролмай кун бўйи диққат бўлиб юрди (А. Қаҳҳор). Қиш бўйи бола бечоранинг юраги хўп ҳам қон бўлганга ўхшайди (М. Аvezов). Сафар ойининг иккинчи жума кечаси бу атрофда ёшу қари тун бўйи бедор... (А. Мухтор).*

Йил бўйи Саид Жабайга илтифот кўрсатиб келди (Ғ. Мусрепов). Бундай чоқда давомлилик маъноси билан бирга вақт-пайт маъноси ҳам англашилиб туради.

Чамаси. Бу кўмакчи тахминий ўлчов маъносини англатади: *Улар келганидан бери бир соат чамаси вақт ўтди. Беш гектар чамаси ер ҳайдабди. Юз килограмм чамаси пахта терди.*

Бу кўмакчи чама билдирувчи *-ча* аффиксига синонимдир. Қиёс қилинг: *Бир соат чамаси — бир соатча; Беш гектар чамаси — беш гектарча. Юз килограмм чамаси — юз килограммча.*

Ҳақда/тўғрида. Бу кўмакчи фикр ёки нутққа асос бўлган предмет, фикр ёки нутқ қаратилган предмет маъносини билдиради: *...У ҳақда эртасигаёқ дув-дув гап тарқалди (А. Мухтор). Кечгача бу ҳақда хотинига бир нима демади (А. Мухтор). Бир кун ўтди, ҳеч ким бу ҳақда эслатмади (А. Мухтор).*

Тўғрида кўмакчиси *ҳақда* кўмакчисининг синоними бўлиб, у билдирган маънони билдиради. Қиёс қилинг: *бу тўғрида гапирмади — бу ҳақда гапирмади.*

Ҳақида/тўғрисида. Бу кўмакчилар ҳам фикр ёки нутқ қаратилган предметлар маъносини англатади:

Масалан: *Пўлат ўз хатида... баъзи бир кечирмалар ҳақида индамай қўя қолган эди (Ш. Рашидов). Назокат Олимжоннинг Абдулхай ҳақида ёзган хатини синчиклаб ўқиб чиқди (Х. Ғулом). ...Ой ва қуёш ҳақида қўшиқлар ижод қилиб, овозининг борича куйлайди (С. Абдулла). Газета-журналларга ёзилиш тўғрисида суҳбат ўтказишди («Тошкент оқшоми»). Қишлоққа район ижроия комитетининг раиси келиб, водокачкалардан бирини тиклаш тўғрисида мажлис ўтказадиган бўлди (А. Қаҳҳор).*

Ҳолда/йўсинда. Бу кўмакчи сифатдош билан бирга келиб, иш-ҳаракатнинг содир бўлиш вақтидаги ҳолат маъносини ифодалайди: *Йўлчи бир туғунчакни кўтарган ҳолда тоғаси—Мирзакаримбойникига кириб келди (Ойбек). Шоир қалин китобни тиззасига қўйиб, ёстиққа суюнган ҳолда тарих мутолаа қиларди (Ойбек). Элликбоши... қийшиқ лампани ушлаган ҳолда кўзларини Ерматга тикиб зайсади (Ойбек).*

Йўсинда кўмакчиси *ҳолда* кўмакчисининг синоними бўлиб, у сингари ҳолат маъносини ифодалайди: *Маҳдум довдираган йўсинда Анвар билан ичкарига кирди (А. Қодирий).*

Жўналиш келишигидаги сўз билан келадиган кўмакчилар

Томон. Бу кўмакчи макон ва пайт муносабатини ифодалайди. Маънолари қуйидагича:

1. **Йўналишни билдиради:** *Ҳамқишлоқлар деворга томон бир оз четланиб ўз можароларини ҳикоя қилишга бошладилар (Ойбек). Жаннат опа йўлакка томон юриб келди-да, замбил остидагини пайқамай йўлакка бурилди (А. Қодирий). Қумушбиби ўзига томон келувчи бу даҳшатли хотинни умрида биринчи мартаба кўрар эди (А. Қодирий) Қўлидаги чойнакларни ерга қўя солиб, унга томон отилди (А. Қаҳҳор). Сидиқжон милтиллаб турган чироққа томон бурилди (А. Қаҳҳор). Оёқ шарпаси болахомага томон келар, қиз тин олмай кутар эди (А. Қаҳҳор).*

Бу кўмакчи белгисиз жўналиш келишигидаги сўзлар билан келганда ҳам йўналиш маъносини англата беради: *У Боймат т о м о н юрмоқчи бўлди (О й б е к). Сидиқжон ўрнидан туриб кўча эшиги т о м о н йўналган эди — хотини тўхтатди (А. Қаҳҳор).* *Конка жаранг-жаранг билан шаҳар т о м о н йўл олди (С. Абдулла). Хайрлашдик-да, мен эшик т о м о н юрдим (М. Бобоев).*

2. Пайт билдирувчи сўзлар билан бирга келиб, шу сўзлар ифодалаган вақти, яқин тахминий вақтни билдиради: *Кечга т о м о н мирзолар тарқалишиб, орада Султонали ва муфтилар ҳам бирин-бирин чиқиб кетдилар (А. Қ о д и р и й). Эрталабга т о м о н кун совиб, кўрпада ҳам этим жунжиди («Хикоя ва очерклар»).* *Кўча айланиб юриб-юриб, кечга т о м о н поликлиника эшиги олдига келиб, унинг ишдан чиқишини пойлаб турдим (М. Бобоев).*

Қадар. Бу кўмакчи қуйидаги маъноларни ифодалайди.

1. Иш-ҳаракатнинг вақт жиҳатидан чегараси маъносини ифодалайди: *Кеча ёққан қордан бугун пешинга қ а д а р ҳовлида из қолмаган эди (О й б е к).* *У шу вақтга қ а д а р қорининг кулганини кўрган эмас (П. Турсун).* *Қасал киши сўнги нафасига қ а д а р тузалишга умид қилади (О й б е к).* *Бойвачча мана шу режани амалга ошириш учун жиддий киришмоқчи бўлган паллада онаси ўлиб, яна баҳорга қ а д а р сабр қилишга мажбур бўлган эди (О й б е к).* *Йўлчи кечга қ а д а р неча ерга юк ташиб, ҳорғин Жўраникига келди (О й б е к).*

2. Иш-ҳаракатнинг макон (жой, ўрин) жиҳатдан чегараси маъносини ифодалайди: *Супага қ а д а р бўлган саҳн туташ тиниқ ойдин (О й б е к).* *Аҳмад Хусайн шаҳарнинг узоқроқ жойларига қ а д а р киракашлик қилиб айланиб келар эди (О й б е к).* *Кўйлак энги тирсакка қ а д а р шимарилган (О й б е к).* *Уктам қалпоғини қошларига қ а д а р бостириб кийиб, отга минди (О й б е к).*

3. Иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг содир бўлишида қатнашувчиларни имкони барича қамраш маъносини ифодалайди: *Улар Николайдан тортиб элликбошиларга қ а д а р ҳаммани қарғашади (О й б е к).* *Асрларни кўрган кўм-кўк дов арчалардан бошлаб, то бир қарич нафис болача арчаларга қ а д а р барчаси муҳташам қорлибосида кўркам ва мағрур турардилар (О й б е к).*

Қадар кўмакчиси бош келишигидаги сўзлар билан келганда, кўпинча, ҳажм, сон, даража, миқдор жиҳатидан қиёслаш, солиштириш, чамалаш маъносини ифодалайди: *У н м и н у т қ а д а р йўл юрилгач, бир томони чуқур жарлик кўчада Ермат бирдан отни тўхтатди (О й б е к).* *Кампир ш у қ а д а р секин шивирлаб гапирдики, бу сўзларни унинг ўзигина эшитди (И. Раҳим).*

Д у н ё қ а д а р мардлик сиған кенг қучоғингга

Яширинган миллион халқнинг ғазабли саси (Ҳ. Пўлат).

Бу кўмакчи модал сўзлар билан бирга келганда имконият чегарасини ифодалайди: *Капсанчилар зиммаларига тушган вазифаларни м у м к и н қ а д а р тезроқ бажаришга сўз бериб тарқалишди (А. Қаҳҳор).* *Ўрмонжон уни м у м к и н қ а д а р босишга ҳаракат қилди (А. Қаҳҳор).* *Ҳозир унинг кўнгли б и р қ а д а р кўтарил-*

ган: «Бой тоғам инсәфли одам бўлса керак» (Ойбек). Баъзан бир қадар мойилланиб, деразининг бир четидан айвонга кўз ташлаб кўяр эди (Ойбек).

Кўра. Бу кўмакчи қуйидаги маъноларни билдиради:

1. Сабабни билдиради: *Шу сабабларга кўра Элмуроднинг кўнглида бу йигитга ҳеч бир самимий дўстлик туйғуси уйғонмас эди (П. Турсун). Аҳмаджон... Петька Уховнинг илтимосига кўра, у билан биргаликда Галя тўғрисида қўшиқни айтиб берди (А. Қаҳҳор).*

Бу кўмакчи жўналиш келишигидаги кўрсатиш ольмоши (*шунга*) билан бирга келиб, қотган форма ҳосил қилади: *Биз Ҳомидбойни ўзимизга куёв ўғил қилишдан ҳеч бир монелик кўрмаймиз. Аммо қизимиз бундан сўнә эр қилмасликка қаттиқ иқрор этадир. Шунга кўра Ҳомидбой бизни кечирсин! (А. Қодирий).*

2. Айириб, таъкидлаб кўрсатиш маъносини ифодалайди: *Немисларнинг мўлжалига кўра, бу тепаликда бомба тушмаган бирон қарич ҳам ер қолмаслиги керак эди (А. Қаҳҳор). Узининг айтишига кўра, нафис адабиёт муаллими ўртоқ Боқижон Бақоев оғилга кириб таъби хира бўлди (А. Қаҳҳор). Унинг мўлжалига кўра Сидиқжон яна қасам ичиши, юр деб қисташи керак эди (А. Қаҳҳор).*

3. Қиёслаш, солиштириш маъносини билдиради: *Кумушбиби энди ўн еттини қўйиб, ўн саккизга қадам босганликдан бўйи ҳам онасига етаёзган, аммо жуссаси онасига кўра тўлароқ эди (А. Қодирий).*

Бу кўмакчи чиқиш келишигидаги сўзлар билан бирга келганда чиқиш келишигидаги сўз ифодалаган предмет ёки ҳолат бошқасига қиёсланади, солиштирилади: *Уртадан кўра пастроқ, пастан кўра юқорироқ хўжалиги бор (А. Қаҳҳор). Ноғора ва чирмандалар аввалгидан кўра оҳистароқ, енгилроқ чалинди (Ойбек). Олти-етти ёшлар чамаси дўндиққина, оққа мойил юзчаси иссиққина бу жажжи қиз ўзидан кўра кўпроқ қўғирчоққа ўхшар эди (М. Исмоилий). Бу кишини «ўртоқ» дегандан кўра «оға» деганим маъқулроқдир («Муштум»). Бу ерда ҳайрон бўлиб тургандан кўра гузарга борсақ қалай бўларкан (М. Исмоилий).*

Кўра кўмакчиси ва у бошқарган сўз орасида ҳам юкламаси келиши мумкин. Бундай чоғда қиёслашда таъкид маъноси кучаяди: *Саволингиз қизиқ, — деди, — сабаби бизлардан ҳам кўра сизга маълум бўлса керак-ку! (А. Қодирий). Мендан ҳам кўра онангининг феълени ўзинг яхши биласан (А. Қодирий). Ҳозир колхозга раис топишдан ҳам кўра секретарь топиш қийинроқ (А. Қаҳҳор).*

Қарши. Бу кўмакчи қуйидаги маъноларни билдиради:

1. Зидлик маъносини билдиради: *Одатимга қарши бугун энг орқага ўтирдим (М. Бобоев).*

У ҳозир жувоннинг ҳукмида бўлиб, унинг хоҳишига қарши ҳеч нима деёлмас эди (А. Қаҳҳор).

2. Модал маъно билдиради: *Бахтга қарши ҳозир ҳам бор* (А. Қаҳҳор).

Қараб. Бу кўмакчи қуйидаги маъноларни англатади.

1. Ҳаракат йўналган томон маъносини билдиради. Бундай чоғда ҳаракат фақат предметга томон йўналган бўлади: *Деҳқонлар тўдаси қишлоққа қараб югурди* (С. Айний). *...нега кимсасиз соҳилга қараб кетаётганини ўзи билмас эди* (А. Мухтор). *Султонали эрталаб уйқудан туриб... Солиҳ маҳдумнинг ҳовлисига қараб кетди* (А. Қодирий).

Бу маънода *қараб кўмакчиси томон* синоним бўлиши мумкин: *қишлоққа қараб кетди* — *қишлоққа томон кетди*.

2. Асос, миқдор, ўлчов маъносини билдиради: *Ишлаганига қараб ҳақ олди. Кишига билимига қараб яхшилик қил* («Абай ҳикматлари»). *Кучинга қараб кўтар, бўлмаса, белинг чиқиб кетади, ука* («Муштум»).

Бу маънода *қараб кўмакчиси ўрнида яраша кўмакчиси қўлла*ниши ҳам мумкин: *меҳнатига қараб* — *меҳнатига яраша*.

Бу кўмакчи *кўзинга қараб* (юр), *кўнглига қараб* (индамади) каби фразеологик бирликлар таркибида ҳам қўлланади.

Қараганда. Бу кўмакчи айриб кўрсатиш, таъкидлаш, шунингдек, қиёс, солиштириш маъносини билдиради: *Бу мактуб, Еқуббекнинг Хиротда олган илгариги номаларига қараганда, яна чуқурроқ муҳаббат, қадрдонлик туйғулари билан тўла эди* (Ойбек). *Бундан ташқари Гулнор каби, одамларнинг таърифига қараганда чиройли қиз билан кўнги қонгунча «суҳбат» қилиш орзуси ҳам унинг кўксини ёқди* (Ойбек). *Яширин хабарларга ва баъзи аломатларга қараганда, Бадиуззамон Астрободда исён кўтариш фикрлари билан овора бўлаётгани ҳақида гапирди* (Ойбек).

Бу кўмакчи *кўра кўмакчиси билан алмашилиши* мумкин. Бундай чоғда *кўра кўмакчиси бошқарган сўз, кўпинча чиқиш келиши*га бўлади. Қиёс қилинг: *Олмага қараганда нок ширин — олмадан кўра нок ширин*.

Қарамасдан/қарамай. Бу кўмакчилар тўсиқсизлик маъносини ифодалайди (иш-ҳаракатнинг содир бўлишида аввалгисининг монe бўлмаслигини ёки иккинчисининг содир бўлаверишини билдиради): *Деҳқонбой билан Ҳафиза, оналарининг қаршилигига қарамасдан, Мирзачўлга кетишга аҳд қилдилар* (А. Қаҳҳор). *Ҳамма ёшлар ҳам сизнинг кайфиятингизда бўлса, қурилиш муддатлари барбод бўлаётганига қарамай, нормасини эплай олмаганига қарамай, давай клуб дейди, давай парк дейди* (А. Мухтор). *Лутфинисо Гулсунбиби ва Гулнорни жуда озода-покиза эканликларини, кўрпа-ёстиқлари эски бўлишига қарамай, ҳар вақт тоза тугилишини яхши билса-да, бу гапни айтишдан тоймади* (Ойбек).

Яраша. Бу кўмакчи тенг, мос, лойиқ, монанд маъноларини билдиради: *...Ҳазалларга аксар вақт мусиқийлик нуқтаи назаридан қараб баҳолайдиган Зайниддин завққа тўлгандек сўзларнинг оҳангига яраша бошини аста тебратиб ўтирди* (Ойбек). *Чунки севги мулкени улар ўзлари учун, ўз қурбиларига яраша, ўзлари ярат-*

ганлар (А. Мухтор). *Ўзимизга яраша тўйча қиламиз* (Х. Ғулом).

Бу кўмакчи асос, миқдор, ўлчов маъноси билдириши ҳам мумкин: *Ўзбекистонда социализмнинг «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша деган принципи амалга оширилади» (ЎзССР Конституцияси).*

Бу маънода у қараб кўмакчисига синоним бўлади: *меҳнатига яраша — меҳнатига қараб.*

Доир. Бу кўмакчи алоқадорлик, боғлиқлик маъносини билдиради: *Ҳамраев Собирахоннинг... тарбияга доир гапларини ёзиб қўйди* (А. Қаҳҳор). *Бу кимёга доир гап* (П. Турсун). *У энди аския ва афанди айтишар, ишга доир гапларга аралашиб, бировнинг фикрини қувватлар ёки рад қилар, ўз фикрини айтар эди* (А. Қаҳҳор).

Асосан. Бу кўмакчи бирор иш-ҳаракатнинг содир бўлишида асос, таянч, манба бўлган объект маъносини англатади: *Мажлис қабул қилган қарорга асосан у бригадага раҳбар қилиб белгиланди. У халқ суди ажримига асосан бегуноҳ деб топилди.*

Биноан. Бу кўмакчи ҳам иш-ҳаракатнинг содир бўлишида асос, таянч, манба бўлган объект маъносини билдиради: *...Бобоали эшик оға Балхдан бугун келган маълумотларга биноан Дарвешали... марказга кириш ҳаракатини давом эттиражagini қатъий билдирганини ...сўзлади* (Ойбек).

Бу маънода *биноан* кўмакчисига *кўра* кўмакчиси мос келади. Шунингдек, бу кўмакчига *асосан* кўмакчиси мос келиши мумкин. Қиёс қилинг: *талабларига биноан — талабларига кўра. Илтимосига биноан — илтимосига кўра. Фармонига биноан — фармонига кўра. Қарорига биноан — қарорига асосан.*

Мувофиқ. Бу кўмакчи ҳам иш-ҳаракатнинг содир бўлишида асос бўлган объект маъносини билдиради: *Мотам маросимига мувофиқ дабдаба билан Ҳусайн Бойқаро ҳозир бўлди* (Ойбек). *Уларнинг ўзаро писандаларига мувофиқ янги ерлар, чиқарилган сувлар Тешабойга текин ўтади* (М. Исмоилий).

Қарата. Бу кўмакчи иш-ҳаракат йўналган предмет, шахс, жой, томон маъносини билдиради: *Раис кўпчиликка қарата шундай деди: — «Меҳнат — меҳнатнинг таги роҳат» деганлари ҳақ экан* (Х. Назир). *Абдураҳмон адолатсизлик олдида бой, мулла, эшону тўраларга қарата отилган халқ тоши эди* (Е. Шукров).

Чиқиш келишигидаги сўз билан келадиган кўмакчилар

Сўнг. Бу кўмакчи иш-ҳаракатнинг тугалланиши билан боғли бўлган вақт (пайт) маъносини билдиради: *Токчаларга шамлар ёқилиб, вақт хуфтонга яқинлашиб қолгандан сўнг уйга Отабек кирди* (А. Қодирй). *Йўлчи бунинг маъносини бир қанча кундан сўнг тушунди* (Ойбек). *Табиб Отабекдан воқеани сўраб билгандан сўнг Кумушнинг томирини кўриб лабини тишлаб қол-*

ди (А. Қодирий). Бир ойлаб кечиккандан сўнг Отабек қайтиб келди (А. Қодирий).

Бу кўмакчи чиқиш келишигидаги, *у, бу, шу* олмошлари билан бирга келганда бирор иш-ҳаракатдан кейин иккинчиси содир бўлганини билдиради: *Бундан сўнг Гулнор ҳар минут сайин кулаверди* (Ойбек). *Шундан сўнг бинога яна бир кўз ташлагач, майдоннинг кун ботарига юрди* (А. Қодирий). *Ундан сўнг шом хуфтон аралаш, бу ердан чиқиб кетмоқчи* (Ҳамза).

Кейин. Бу кўмакчи сўнг кўмакчисининг синоними бўлиб, иш-ҳаракатнинг тугалланиши билан боғли бўлган вақт маъносини билдиради: *Бир ҳафтадан кейин соғайиб яна ишга тушиб кетди* (П. Турсун). *Мен бўлсам теракнинг учидаги офтобдай гап: ҳозир борман, бирпасдан кейин йўқ* (А. Қаҳҳор).

Чиқиш келишигидаги *у, бу, шу* олмошлари билан бирга келганда ҳам сўнг кўмакчиси билдирган маънони билдиради. Қиёс қилинг: *Ундан кейин келди — ундан сўнг келди*.

Бу кўмакчи сўнг кўмакчисидан фарқли равишда сабаб билдириши ҳам мумкин: *...Юртнинг оғзи каттаси бўлгандан кейин ҳар нима қилиш қўлдан келади* (А. Қаҳҳор). *Уқитувчи бўлиб нон егандан кейин болаларни ўзига ром қилсин, босиб олсин-да* (А. Қаҳҳор).

Бошқа. Бу кўмакчи мустаснолик маъносини билдиради. Масалан: *Қампир анҳорга тикилди, нишаб оқайтган сувда ўзининг аксидан бошқа ҳеч нарса кўринмайди* (И. Раҳим). *Шоирнинг нафис шеърлари ҳозир унинг учун тузсиз сўзлар йиғиндисидан бошқа бир нарса ҳам эмас эди* (А. Қодирий). *Уламоларимиз газета ўқиган одамларни ҳам «кофир» деб ҳисоблайдиларки, бу жаҳолатдан бошқа нарса эмас* (Ойбек). *Биз ўша пайт ялпиз ҳиддан бошқа нарсани ҳам сезишимиз керак эди* (А. Муҳтор).

Ташқари. Бу кўмакчи бошқа кўмакчисининг синоними бўлиб, у кўмакчи каби мустаснолик маъносини билдиради: *Диний илмлардан ташқари, риёзиёт, илми нуҷум, мантиқ ва адабиёт ва ҳоказоларда кенг, пишиқ маълумот касб этган эди* (Ойбек). *Сигир — Гуленанинг подадан ажралиб, тикка гречихага қараб йўл олганидан ташқари, ҳеч воқеа юз бергани йўқ* (Г. Николаева).

Бўлак. Бу кўмакчи ҳам бошқа, ташқари кўмакчиларининг синоними бўлиб, улар каби мустаснолик маъносини англатади: *Бу уйда тўққизта учувчидан бўлак, унинг эгалари... ҳам турар эди* (Павленко).

Ўзга. Бу кўмакчи бошқа кўмакчисининг синоними бўлиб, мустаснолик маъносини билдиради: *Сендан ўзга жонон кўринмас кўзга. Бу чексиз кенгликларда чўпонлар ташлаб кетган эски ҳужраларнинг гувала деворларидан ўзга хас асари кўринмас эди* (А. Муҳтор).

Бери. Бу кўмакчи пайт маъносини билдиради. Бунда у кўпинча ҳаракатнинг бошланиш вақти билан боғли бўлган маълум пайт оралиғи маъносини ифодалайди:

Сени, Омон, кўргандан бери
Кўзларимга уйқу келмайди,
Сенга майл кўйгандан бери
Ҳар нарсага кўнглим тўлмайди (Х. Олимжон).

Почтачи бўлгандан бери иккита мотоциклни синдирди (А. Қаҳҳор). ...У эрталабдан бери шу нарсани узлуксиз так-
рорлар эди (П. Турсун). Дунёга келиб эсини танийбошлагандан
бери қандай яхши одамларни кўрганини хаёлидан ўтказди
(П. Турсун).

Бу кўмакчи вақт билдирувчи сўзлар билан бирга келганда, пайт
оралиғи конкретлашади. Бу конкретликни у сўзлар олдидан келган
сонлар кўрсатиб туради: *Саттор икки йилдан бери куйдирган*
санамига тикилар... (А. Мухтор). *Уч кундан бери калаван-*
нинг учини йўқотиб қўйганман. Уч кундан бери ўзимни тутиб
ололмайман, кулги бўлганим-бўлган (М. Бобоев). *Бир ойдан*
бери у мени дераза олдида михлаб қўйган (М. Бобоев). Лекин
сонлар ўрнида неча, қанча каби олмошлар келса, пайтдаги бу кон-
кретлик йўқолади: *Қанча кундан бери поездни кутиб ётишибди.*
Неча йилдан бери ишлайди.

Шунингдек, бери кўмакчиси кўп сўзи билан бирга келганда ҳам
пайт маъносини — аниқсизликни билдиради: *Гулнор билан кўп-*
дан бери турамиз-у, лекин битта ҳам боламиз йўқ (Ойдин).

Буён. Бу кўмакчи бери кўмакчисининг синоними бўлиб, шу кў-
макчига хос маънони билдиради: *Бир ҳафтадан буён сизни қиди-*
раман (Ғ. Ғулом). *Икки йилдан буён дом-дарак йўқ* (Ойбек).
Унинг бу ҳовлига кирганидан буён бир йил ўтди (П. Турсун).
Шундан буён Унсин йиғлайди (Ойбек). *Партия мажлисидан*
буён бир суткадан ортиқроқ вақт ўтди (М. Муҳамедов). *Гул-*
нор икки ҳафтадан буён дадаси ва онаси билан бирга ҳар кун
боғда ишлайди (Ойбек). *Эсини таниганидан буён хаста бўлма-*
ган... (Ойбек). *Элмурод... қишлоққа келганидан буён ўз бо-*
шидан нималар кечган бўлса ҳаммасини бирма-бир хаёлидан ўт-
казди (П. Турсун).

Нари (/нарига). Иш-ҳаракатнинг чегараси ёки даражасини
ифодалаш учун қўлланади: *Кампир йиғлашдан нари* (/нарига)
ўтмади.

Бу кўмакчи, кўпинча, бери кўмакчиси билан алмашиниб қўлла-
нади (*анчадан нари — анчадан бери*). Лекин бундай уларни
алмаштириб қўллаш стилистик жиҳатдан хатодир. Чунки бу кў-
макчилар масофа жиҳатидан узоқ ва яқинни кўрсатишлари билан
ўзаро фарқланадилар.

Бурун. Бу кўмакчи иш ва ҳаракатни ўзи бирга келган сўз ан-
латган иш-ҳаракатдан, воқеа ва бажарувчи шахслардан олдин со-
дир бўлгани маъносини англатади: *Тансиқ ўз ишини ҳаммадан*
бурун бажариб уйга эрта қайтди (Ойбек) *Бу йўлни урушдан*
бурун колхозчилар қурган эдилар (Ойбек).

Менинг туриш-турмушимни кўрмасдан бурун «айланай-ўргилай» деб ўлаётган эди, кўрганидан кейин газак олиб шишиб кетди (А. Қаҳҳор). Эшикни қоқмасдан бурун, гўё уларни кутиб ўтирган каби боғ эгаси чиқди (Ойбек).

Илгари. Бу кўмакчи пайт муносабати билдириб, бирор ҳодиса, иш-ҳаракатнинг воқе бўлишида ундан олдин содир бўлган ҳодиса ёки вақт маъносини билдириш учун қўлланади. Қуйидаги сўзлар билан муносабатга киришади:

От ва олмошлар билан келади: Масалан: *Бу корхайр. Сендан илгари мен тарафдорман* (Ойбек). *Аммо ҳаммадан илгари Сиздан сўрайман: менга ишончингиз борми?* (А. Қодирий). *Аммо ўз ризолигининг шартин қилиб тўйдан илгари Марғилон бориб келишни аҳд қилди* (А. Қодирий).

Вақт билдирувчи сўзлар билан келади: *Бундан ўн беш кунча илгари Кумуш онасига бир хат ёзган эди...* (А. Қодирий). *Вой, уч кун илгари эвара кўрди-я! Имонсиз кеткур...* (Ойбек).

Феъл формалари билан келади: *Амраг эътироз этишдан илгари шу тўғрида жавоб берсангиз* (А. Қодирий). *У қутиси устига «Роза» деб ёзилган папиросни қўлига олиб, гугурт чақмасдан илгари Мирзакаримбойни қаноатлантиришга тиришди* (Ойбек). *Кўришмасдан илгари Жондор уларнинг ҳаммасига кичик стақанларда май қуйиб тутди* (Ойбек). *Бу ишга қадам қўймасдан илгари, бир карра сизнинг олдингиздан ўтиш, раъйингизни бишлишга тўғри келди* (Ойбек).

Олдин//аввал. Бу кўмакчилар бурун ва илгари кўмакчиларига синоним бўлиб, улар билдирган маъноларни англатади: *Урушдан олдин* (//*аввал, бурун, илгари*) қурилган.

Бошлаб. Бу кўмакчи иш-ҳаракат ёки ҳодисанинг содир бўлишидаги бошланиш вақтини ифодалайди: *1 сентябрдан бошлаб ўқишга борамиз. Шу кундан бошлаб у ҳам раиснинг олдида тўнғиллаб гапирадиган бўлиб қолди* («Муштум»). *Шу кундан бошлаб Умаров агроном билан ҳам чап бўлиб қолди* («Муштум»). «Ҳаммаларининг руҳини ҳукмрон бир фикр, кўп ҳам ҳашаматли бўлмаган залга киришдан бошлаб кучли равишда сезила бошлаган бир фикр чулғаб олган эди (П. Турсун).

Тортиб. Бу кўмакчи иш-ҳаракат ёки воқеанинг содир бўлишидаги бошланғич ўрин, манба маъноларини англатади: *Қизимнинг эмган сугидан тортиб, кўз нуригача ўзимники!* (А. Мухтор). *Энг катта шаҳардан тортиб то энг кичик шаҳарларгача айланиб чиқди. Ҳамма ишни электр бажаради: молхонани ёритишдан тортиб, сигирларни соғишгача* (С. Абдуқаҳҳор). *Улар Николайдан тортиб ҳаммани қарғашади* (Ойбек).

Кўмакчи отлар

Кўмакчи отлар ўзларининг материал маъноларини сақлаган мустақил сўзлар бўлишига қарамай, ёрдамчи сўзлар каби гапда турли муносабатларни билдирувчи сўзлардир.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилидаги кўмакчи отларни вертикал йўналиш билдирувчи (*ост, уст*), горизонтал йўналиш билдирувчи (*олд, орқа, ён, ич*) ва аралаш (ҳам вертикал, ҳам горизонтал) йўналиш билдирувчи (*ора, бош, ўрта*) кўмакчи отларга ажратиш умкин.

Вертикал йўналиш билдирувчи кўмакчи отлар

Ост. Жўналиш келишигидаги бу кўмакчи от (*остига*) иш-ҳаракатни бирор предметга ёки унинг остки қисмига, томонига йўналтирилганини кўрсатади: *У кулимсираб ёстиқ остига қўл югуртирар экан, дафтарни енг устидан икки қўллаб Муқимийга тутди* (С. Абдулла). *Жуда оҳиста эшак уриб келган қайиқ сувга чодир бўлиб ёпирилган мажнун тол остига кирди, тўхтади* (Шуҳрат).

Урин-пайт келишигида бу кўмакчи от (*остида*) қўйидаги маъно муносабатларини ифодалайди.

1. Иш-ҳаракатни бирор предметнинг пастки қисмида (*остида, тагида*) ёки бевосита унинг тагида содир бўлганини ифодалайди: *Сидиқжон катта йўлдан анча четда, каттакон пахмоқ бир дарахт остида милтиллаб турган чироққа томон бурилди.* (А. Қаҳҳор). *Ёр ёмғир намидан кўпчир, шамол булутларни тўзитганда эса ёрқин қуёш остида яйрар, ундан мовий буғ ўрлар эди* (М. Шолохов).

Чиқиш келишигидаги бу кўмакчи (*остидан*) иш-ҳаракатни бирор предметдан ёки унинг остки қисмидан, тагидан йўналганини кўрсатади: *Раъно кулимсираб ер остидан Анварга қаради* (А. Қодирй). *Ешлар бир-бирларига ер остидан қарашиб олгач, Муҳаммад Аминхўжа ҳикояни давом эттиришини илтимос қилди.* (С. Абдулла). *Тўлаган деворнинг остидан бориб Бўтабойнинг рўпарасида тўхтади* (А. Қаҳҳор).

Таг. Бу кўмакчи от *ост* кўмакчисига синонимдир. Қиёс қилинг: *Раъно ер тагидан Раҳимжонни кузатди — Раъно ер остидан Раҳимжонни кузатди.*

Уст. Жўналиш келишигидаги бу кўмакчи от (*устига*) қўйидаги маъно муносабатларини ифодалайди.

1. Иш-ҳаракатнинг бирор предмет устига йўналганини ифодалайди. *Қуёш ғарбга қараб оққан, гулдасталар устига қўндирилган олтин ҳилол аломатлари қуёш нури билан кўзни элитарли даражада яшнар эдилар* (А. Қодирй) *Баҳор дадасига кўз қирини ташлаб қўйди-ю, яна стол устига эгилди* (Ш. Рашидов).

2. Бирор иш-ҳаракатни тўлдириш учун унга қўшимча равишда яна бошқа бирининг содир бўлишини ифодалайди: *Колхозчилар-*

нинг ҳар бири тикки-уч кишининг ишини бажаргани устига, китоб ўқиш, ...агротехника тўғарагига қатнашишга ҳам фурсат топишарди (Р. Файзий). Бунинг устига ҳосил тўғйимиз авжиди («Муштум»). Бу йил куз вақтли келди, унинг устига ёғингарчилик кўз очирмади («Шарқ юлдузи»).

Ҳрин-пайт келишигидаги бу кўмакчи от (устиди) қўйидаги маъно муносабатларини ифодалайди.

1. Иш-ҳаракатнинг бирор предмет устида содир бўлганини ифодалайди: *Узоқ шаҳар устида чақмоқ чақиб, момақалди роқ гумбирлади* (А. Қаҳҳор). *Эргаш полк байроғини боши устида баланд тутганча Ленин маъзолейи ёнидан ўтди* (Ҳ. Фулом). *Унроқда, яшил тепа устида қўйлар, қўзилар, эчкилар ўтлаб юрибди* (Ҳ. Фулом). *Поёнсиз денгиз сатҳини эслатувчи майдон устида Айўлдош отанинг босиқ, салобатли овози янгради* (Ҳ. Фулом).

2. Иш-ҳаракатнинг содир бўлишидаги вақт, давр, муддатни ифодалайди: *Овқат устида Хадича хола қишлоқда бўлиб ўтган ҳамма катта-кичик ҳодисалар тўғрисида гапириб берди* (А. Қаҳҳор). *Айўлдош бугун эрталаб чой устида онасига повестка кўрсатди* (Ҳ. Фулом).

3. Сўзлаш, фикрлашга оид феъллар билан бирга келиб, шу процессни қўзғатувчи, сабаб предметни билдиради ва тўғрисида кўмакчисига синоним бўлади. Қиёс қилинг: *Кейин болалари устида сўзлашга ўтди — кейин болалари тўғрисида сўзлашга ўтди*.

4. Руҳий ҳолат ифодалайди. Бунда кўпинча ҳолат билдирувчи сўзлар билан бирга келади: *аччиқ устида, жаҳл устида, ғазаб устида: Ел ортиқча бир ғазаб устида эди, ер юзидаги тиккайган нарсани букиб-янчиб ташламоқчи бўлгандай пишқирар эди* (А. Қодирий).

Чиқиш келишигида бу кўмакчи от (устидан) қўйидаги маъно муносабатларини ифодлайди.

1. Иш-ҳаракат бирор предметнинг устидан йўналганини ифодалайди: *Қоронғуликдан эски кулранг пахталик чопон устидан белбоғ боғлаган ўрта бўйли, қотмагина чол чиқиб келди* (А. Қаҳҳор). *У ...оқ яқтак устидан қат-қат қийиқ боғлаган* (А. Муҳтор).

2. Иш-ҳаракат бирор шахсга қарши қаратилганини, йўналтирилганини ифодалайди: *Унинг устидан арз қилиш...* (А. Қаҳҳор). *...Саида устидан ёзилган аризанинг ...биринчи нусхаси эди* (А. Қаҳҳор).

Горизонтал йўналиш билдирувчи кўмакчи отлар

Олд. Жўналиш келишигидаги бу кўмакчи от (олдига) иш-ҳаракатнинг бирор предметнинг олдинги қисмига йўналтирилганини ифодалайди: *Шу пайтда мактаб қизлари... Зебининг олдида келдилар, уни ўраб олдилар* (Ш. Рашидов). *Мен йиғлаганимча мураббийнинг олдида бориб арз қилдим* (А. Қаҳҳор). *Навоий*

хастанинг олди га тиз чўкиб, бошига энгашиди (Ойбек). У пиёлага чойни қуйиб, Ерматнинг олди га қўйди (Ойбек).

Урин-пайт келишигидаги бу кўмакчи от (олдида) қуйидаги маъно муносабатларини ифодалайди.

1. Иш-ҳаракатнинг бирор предметнинг олдида содир бўлганини ифодалайди: *Тўрахонов Пўлатнинг расми олдида турган Баҳорга кўзи тушиди-ю, бирданига юришини секинлаштирди* (Ш. Рашидов). *Гулноз دادасининг келганини эшик олдида тўхтаган машина моторининг гуриллашидан сезиб уйдан отилиб чиқди* (Х. Фулом).

2. Иш-ҳаракатнинг бирор шахс олдида содир бўлганини ифодалайди: *Қизил шапкали, қотмагина темир йўлчи минбарга югуриб чиқди-да, Охунбобоев олдида ғоз туриб рапорт берди* (Х. Фулом). *Мирзакаримбой олдида, эшоннинг ҳузурига кирган мурид сингари, ҳалим вазият олар эди* (Ойбек). ...*Агар кўзини ёғ босган бўлса, халойиқ олдида баланд товуш билан айтиб, кўзини очишимиз керак* (А. Қаҳҳор).

3. Иш-ҳаракатни мажозий ифодаланган бирор предмет олдида содир бўлганини кўрсатади: *У бечорани бутун район олдида ҳақорат қилинг-да, қулоғига узр айтинг* (А. Қаҳҳор). ...*Янги бюро ва умуман, партия ташкилоти олдида турган бугунги ва эртаги вазифаларни белгилаб беради* (А. Қаҳҳор).

Чиқиш келишигидаги бу кўмакчи от (олдидан) қуйидаги маъно муносабатларини ифодалайди.

Иш-ҳаракатнинг бирор предметнинг олдидан ёки олдинги қисмидан йўналганини ифодалайди: *Муқимий Миён Сотиболдихоннинг олдида н қайтиб келаётганда ҳужра даҳлизида паранжили Зиёда аяга дуч келди* (С. Абдулла). *Мадамин Олахўжа маҳсум олдида н кўнгли ўксигандай бўлиб кетгандан бери келмай қўйди* (П. Турсун).

2. Иш-ҳаракатнинг бири олдидан бошқаси содир бўлганини ифодалайди: *Бюро олдида н Носиров Саида билан гаплашиб унинг узил-кесил розилигини олди* (А. Қаҳҳор). *У кетиш олдида н олган нарсаларини яна кўздан кечирди* (А. Мухтор).

Орқа. Жўналиш келишигидаги бу кўмакчи от (орқасига) иш-ҳаракатнинг бирор предметнинг орқасига, қарама-қарши томонига йўналганини ифодалайди: *Майор стол орқасига ёзилган харитани кўздан кечирди...* (Х. Фулом). *Довучча чайнаётган бола.. нарироққа бориб эшик орқасига беркинди* (Саид Аҳмад).

Урин-пайт келишигидаги бу кўмакчи от (орқасида) иш-ҳаракатни бирор предметнинг орқасида содир бўлганини ёки предметнинг ўрни бошқа предметнинг орқасида эканини ифодалайди: *Унг томондаги тахланиб қўйилган ёғоч, бордонлар орқасида от кишнади* (А. Қаҳҳор). *Девор орқасида онасини соғинган бузоқ чўзиб-чўзиб маърайди.* (Саид Аҳмад).

Чиқиш келишигидаги бу кўмакчи от (орқасидан) қуйидаги маъно муносабатларини ифодалайди:

1. Иш-ҳаракатнинг бирор предметни орқасидан, орқа томонидан

йўналганини ифодалайди: *Адир орқасидан баркашдек ой кўтарилмоқда (Саид Аҳмад). Қўшиқ энди авжига чиққан эди, ишком орқасидан хотин кишининг зардали товуши келди (Саид Аҳмад).*

2. Иш-ҳаракатни бирор предметнинг орқасидан, кетидан, давомидан содир бўлганини ифодалайди: *Овқат орқасидан чой берилди. Отабек киши орқасидан кетди ... (А. Қодирий). Алишер Лутфий орқасидан меҳмонхонага киради (Ойбек).*

Ён. Жўналиш келишигидаги бу кўмакчи от (*ёнига*) иш-ҳаракатнинг бирор предметнинг ён томонига йўналганини ифодалайди: *Ойниса ҳамкасблари ёнига минг машаққатлар билан етиб келди (Ҳ. Фулом). Маҳдум мулла Абдурахмонни ҳовлигача кузатиб чиқди ва хайрлашиб, Анварни кутиб ўтирганлар ёнига келди (А. Қодирий). Гулноз конверт елимини лабида ҳўллаб ёпиштирди ва Лобарнинг деразаси ёнига бориб уни чертди (Ҳ. Фулом).*

Урин-пайт келишигидаги ён сўзи (*ёнида*) иш-ҳаракатнинг бирор предметнинг ёнида (унга яқин ерда, жойда), атрофида, қаторида содир бўлганини ифодалайди: *Ойниса Гулнознинг ёнида ўтириб, рўпарасидаги Алижон билан Йўлдошни кўздан кечирарди (Ҳ. Фулом). Султонали эрталаб уйқудан туриб, ... болалари ёнида чой ичмай Солиҳ маҳдумнинг ҳовлисига қараб кетди (А. Қодирий).*

Чиқиш келишигидаги бу кўмакчи от (*ёнидан*) иш-ҳаракатнинг бирор предметнинг ёнидан йўналганини ифодалайди: *Улар посёлка ёнидан бурилиб, узоқда саробдай кўринган ясси тоғлар сари йўл олдилар (А. Мухтор). Гулноз ҳам ўз навбатида меҳмонларни мева ейишга қистар, айниқса Ойнисаниг ёнидан кетмас, унга гоҳ қизил олма, гоҳ оқ ўрик, гоҳ кўк султон тутарди (Ҳ. Фулом).*

Ич. Жўналиш келишигидаги бу кўмакчи от (*ичига*) иш-ҳаракатнинг бирор предметнинг ичига йўналганини ифодалайди: *Тўрахонов отини қимтиб ариқдан ўтди ва боғ ичига кириб кетди (Ш. Рашидов). ... йирик қор парчалари хизматкорхонанинг кичкина деразасига урилар, унинг синиқ ойнасидан уй ичига ҳам уриб кирар... (Ойбек).*

Урин-пайт келишигидаги бу кўмакчи от (*ичида*) қуйидаги маъно муносабатларини ифодалайди:

1. Иш-ҳаракатнинг бирор предмет ичида, ички томонида, орасида содир бўлишини ифодалайди: *Толзорлар ичида шоли тизилиб туришади (Ҳ. Фулом). Низомиддиновнинг қўлидаги папиросдан чишиб чиқаётган тутун уй ичида ҳалқа-ҳалқа бўлиб сузиб юрибди (Саид Аҳмад). Ичкаридан чиқиб келган маҳдум мирзабошини кутиб ўтирувчилар ичида мулла Абдурахмонни ҳам кўриб қолди (А. Қодирий).*

2. Иш-ҳаракатни бирор ҳолат, вазият ичида содир бўлганини ифодалайди: *Олисда, осмоннинг ер билан туташган жойида оловли бир ҳовур ичида қуёш ботиб борарди («Шарқ юлдузи»). Оппоқ қуюн ичида трамвай қўнғироғи эшитилди (Ҳ. Фулом).*

Анвар Раънонинг олачалпоқ кўланка и ч и д а хаёлий бўлиб кўринган юзига қаради (А. Қ о д и р и й).

Шунингдек, иш-ҳаракатнинг бирор руҳий ҳолатда содир бўлганини ифодалайди: *Ҳаяжон и ч и д а келиб, аввал Саидага кўл берди (А. Қ а ҳ ҳ о р). Хотинини. . . мана шундай ҳаяжон и ч и д а биринчи марта кўриб туриши эди (Р. Ф а й з и й).*

3. Иш-ҳаракатни маълум бир давр, вақт ичида содир бўлганини ифодалайди: *Зайнаб уч-тўрт ойнинг и ч и д а киши танимаслик ҳолга тушган эди (А. Қ о д и р и й). Бектемир қишлоқда бир-икки соат и ч и д а болалардан, аёллардан, чоллардан бир-биридан фожя воқеаларни эшитди (О й б е к). Унбеш куннинг и ч и д а маҳдумнинг меҳмонхонаси расмий бир маҳкамага айланаёзди (А. Қ о д и р и й).*

Чиқиш келишигидаги ич сўзи (ичидан) иш-ҳаракатни бирор предмет ичидан, орасидан йўналганини ифодалайди: *Гулноз меҳмонларни ишқомлар и ч и д а н олмазорга олиб чиқди (Ҳ. Фулом). Урмонжон тоқчага суяб қўйилган бир ўрам қоғоз и ч и д а н бир тухтасини олиб Қурбон отанинг олдига ёзди (А. Қ а ҳ ҳ о р). Шу пайтда дарахтлар ичидан чиққан мактаб қизлари. . . уни ўраб олдилар (Ш. Рашидов).*

Томон. Бу кўмакчи маълум кўмакчили конструкцияда соф кўмакчига ҳам айланган («жўналиш келишигидаги сўзлар билан келадиган кўмакчилар»га қаранг).

Жўналиш келишигидаги бу кўмакчи от (томонга, томонига) иш-ҳаракатнинг бирор предметга томон йўналишини ифодалайди: *Уста Баҳром шошиб бориб, боласининг бош т о м о н и г а ўтирди (М. Исмоилий). Эртасига онаси қуда т о м о н г а одам юборди (А. Қ а ҳ ҳ о р). Ҳовлидагилар ҳаммаси ланг очик дарвоза т о м о н г а интилди (Ҳ. Фулом).*

Урин-пайт келишигидаги бу кўмакчи от (томонда, томонида) иш-ҳаракатнинг бирор предмет, жой яқинида содир бўлганини ифодалайди: *Бу воқеа ҳув кўкариб кўриниб турган тоғ т о м о н д а бўлган эди (А. Мухтор). Билмадим, ҳар ҳолда у қишлоқ т о м о н д а турар эди (Ҳ. Назир).*

Чиқиш келишигидаги бу кўмакчи от (томондан, томонидан) куйидаги маъно муносабатларини ифодалайди.

1. Иш-ҳаракатнинг бирор предмет томонидан йўналганини ифодалайди: *Учоқ т о м о н д а н калла-поча иси келиб, яна кўнглини ағдарди (А. Мухтор). Ҳаял ўтмай ўша т о м о н д а н Урмонжон чиқиб келди (А. Қ а ҳ ҳ о р). Эшик томондан Ҳамид ҳам кўриниб қолди (А. Қ о д и р и й). Дарё т о м о н д а н эсган изғирин бурунни учуриб кетай дейди (А. Қ а ҳ ҳ о р).*

2. Иш-ҳаракатнинг содир бўлишидаги объект маъносини билдиради: *Муҳаммад Аминхўжа. . . тоғаси ва тоғасининг хотини т о м о н и д а н қайноқ қарши олинар эди (С. Абдулла). Ўзбекилим марғилонлик т о м о н и д а н сеҳрланган ўғлига қарши қизишиб кетди (А. Қ о д и р и й).*

3. Келиб чиқиш, авлодга мансублик билдиради: *У она т о м о*

нидан қариндош бўлса ҳам ота томонидан қариндош эмас. Салим—ўртоғим, бунинг устига у бувим томонидан бизга чатишган қариндош.

4. Иш-ҳаракат ёки ҳолатга бўлган муносабат англашилади: *Шеър ўқиб томонидан унга етадигани йўқ. Сотиболди жуда ишчан йигит, менинча, ҳусн томонидан ҳам уни камситадиган жойи йўқ.*

Бу кўмакчи отга ёқ (ёққа, ёқда, ёқдан) сўзи синоним бўлиб кела олади. Қиёс қилинг: *уй томонга-уй ёққа, уй томонда-уй ёқда, уй томондан-уй ёқдан.*

Аралаш (ҳам вертикал, ҳам горизонтал) йўналиш билдирувчи кўмакчи отлар

Ўрта. Жўналиш келишигидаги бу кўмакчи от (*ўртасига*) иш-ҳаракатнинг бирор предметнинг ўртасига, орасига, марказига йўналганини ифодалайди: *Ҳовлининг ўртасига катта стол қўйилиб стуллар терилди (Ҳ. Ғулом). Хола давра ўртасига ўртди-да, секин сўзлай бошлади (А. Қаҳҳор).*

Ўрин-пайт келишигидаги бу кўмакчи от (*ўртасида*) қуйидаги маъно муносабатларини билдиради.

1. Иш-ҳаракатни бирор предметнинг ўртасида ёки икки предмет орасида содир бўлганини ифодалайди: *У... кичкинагина, чанқоқ гулзор ўртасида, йўнилган харсанг устида турибди (А. Мухтор). Кўча ўртасида велосипед минган йигитга маҳлиё бўлиб турган Назирқул Низомиддиновга юзланди (Саид Аҳмад). Уй тўрида икки тахмон ўртасида Тоштемирнинг сурати осифлиқ (Ҳ. Ғулом).*

2. Иш-ҳаракатнинг маълум вақт ўртасида, орасида содир бўлганини ифодалайди: *Бу воқеа тун ўртасида воқе бўлди. Бултур йил ўртасида қоровулликни ташлаб, механик-ҳайдовчилар курсига кетиб қолди («Тошкент оқшоми»).*

3. Иш-ҳаракатнинг одамлар ёки бирор муҳит оралиғида содир бўлганини билдиради: *Ўз тенгқурлари ўртасида тезда шуҳрат топди. (М. Алиев). Қобил бобо колхоздаги кексалар ўртасида энг тадбирли чоллардан бири.*

4. Кишилар орасидаги турли муносабатларни ифодалайди: *Она ва ўғил ўртасида бўлаётган гапни қандайдир дарров пайқаган Насимжон йўрғалаб келиб қолди (Ойбек)...Йўлчи билан Гулнор ўртасида бир кун сирли воқеалар бўлганига ишонди (Ойбек).*

Чиқиш келишигидаги бу кўмакчи от (*ўртасидан*) иш-ҳаракатнинг бирор предмет ўртасидан ёки предметлар орасидан йўналганини, содир бўлганини ифодалайди: *Трамвайлар кўча ўртасидан у ёқ-бу ёққа ғир-ғир ўтиб туради. Адирлар ўртасидан Шоҳимардон сойи оқиб чиқади.*

Ора. Жўналиш келишигидаги бу кўмакчи от (*орасига*) иш-ҳаракатнинг бирор предмет ёки предметларнинг орасига йўналганини ифодалайди: *Мудом... музли ва қорли тўғлар орасига кириб*

кўздан ғойиб бўлади (Ш. Рашидов). Олмахон ковак орасига кириб кетди. Анзират. . . дарахт орасига яширинди (Ойбек).

Ўрин-пайт келишигидаги бу кўмакчи от (орасида) қўйидаги маъно муносабатларни ифодалайди:

1. Иш-ҳаракатнинг предметлар, одамлар ёки қандайдир муҳит оралигида содир бўлганини билдиради: *Енгил шабнам ҳали ерда, ўт-ўланлар, гуллар орасида ётади (А. Мухтор). Халқ орасида шундай гап бор: «Ўқиганга толе ёр» («Шарқ юлдузи»). Шивилгон тоғ-тош орасида кўм-кўк ишқомларга кўмилиб ётган қишлоқ. . . (А. Мухтор).*

2. Икки ўртада (кишилар ва жониворлар ўртасида) бўладиган турли муносабатларни билдиради: *Қарим билан Сунбул орасида ҳеч қандай жанжал йўқ. Бу ишда одам билан от орасида фаҳқ йўқ (Ойбек). Янги замонда йигит ва қиз орасида муомалалар ҳам янгича бўлиши керак (Ойбек).*

3. Иш-ҳаракатнинг бирор вақт оралигида содир бўлганини билдиради: *Бу воқеа у иш билан машғул бўлиб турган орада содир бўлди. Даврон билан Ойжамол институтда ўқиб юрган орада турмуш қуришган эди («Шарқ юлдузи»).*

Чиқиш келишигидаги ора сўзи (орадан, орасидан) иш-ҳаракат маълум бир муҳит, предмет ёки предметлар орасидан йўналганини ифодалайди: *Олмахон ковак орасидан чиқиб шохларда сакраб-сакраб ўйнади. Йўлбарс дарахтлар орасидан секин-секин юриб, ўтиб кетди. Бозорқул улар орасидан Чори-дакки деган таниш чўлиқни топиб олди. . . (А. Мухтор).*

Бош. Жўналиш келишигидаги бу кўмакчи от (бошига) қўйидаги маъноларни ифодалайди:

1. Иш-ҳаракатнинг бирор предметнинг боши, бошланиши, тепаси, чўққисига йўналганини ифодалайди: *Самолёт тоғ бошига кўтарилди. Биз томонга келадиган сувнинг бошига катта тўғон қурилган.*

2. Ажратиб кўрсатиш керак бўлган объект-шахс, предметни ифодалайди: *Колхоз пахтаси бу йил гектар бошига 30 центнердан айланди. Совхоз ишчиларининг даромади жон бошига йилдан-йилга ошиб бормоқда.*

Ўрин-пайт келишигидаги бу кўмакчи от (бошида) предметнинг ўрнини ёки иш-ҳаракатнинг бирор предмет бошланишида, бошида, тепасида содир бўлганини ифодалайди: *Кўприк бошида каллакланган тутлар. . . (А. Мухтор). «Доктор опа» қоронғи кўчанинг бу бошида кичкинагина бўлиб бир кўриндию, зумда кўздан ғойиб бўлди (А. Мухтор). Тўйимиз бошида ўзингиз турасиз, — деди қиз уялинқираб («Шарқ юлдузи»).*

Чиқиш келишигидаги бу кўмакчи от (бошидан) иш-ҳаракатнинг бирор нарсанинг бош қисмидан, бошланишидан йўналганини ифодалайди: *Уларнинг уйи кўча бошидан кўриниб турарди. Бошида ва бошидан ёрдамчи сўзлари пайт билдирувчи сўзлар билан бирга келганда вақт муносабатини ифодалайди: Бу ёз (қиш) бошида бўлган эди.*

БОҒЛОВЧИ

Боғловчилар қўшма гап составидаги айрим содда гаплар ва уюшган бўлақлар орасидаги турли муносабатларни ифодалаш учун қўлланадиган ёрдамчи сўзлардир.

Боғловчилар грамматик жиҳатдан ўзгармайди ва мустақил лексик маънога ҳам эга эмас. Шунинг учун улар гап бўлақлари ҳамда айрим гапларнинг тузилиши ва маъноларига кўра бўладиган турли муносабатларни кўрсатиш учун қўлланади. Боғловчилар ўзлари боғлаган айрим сўзлар ва айрим содда гапларни ўзаро қандай муносабатда эканликларини кўрсатиш билан бирга, шу муносабатларнинг хилини ҳам кўрсатиб туради.

Боғловчилар ўзбек тилида якка ёки такрорий қўлланади.

Шунга кўра, улар икки хил: якка боғловчилар ва такрорий боғловчилар.

Якка боғловчилар уюшган бўлақлар ва айрим гаплар орасида якка ҳолда қўлланадиган боғловчилардир: *а, ва, ҳамда, аммо, лекин, бироқ, балки, ҳолбуки, ваҳоланки, ёки, ёхуд, ё, гар, агар, агарда, башарти, чунки, гарчи, гўё, гўёки, -ки, -ким.*

Такрорий боғловчилар бир гапда икки ёки ундан ортиқ ўринда гап бўлақлари билан бирга айнан такрорланадиган, шунингдек, қўшма гапларда айрим содда гаплар билан бирга айнан такрорланадиган боғловчилардир: *дам-дам, баъзан-баъзан, ҳам-ҳам, бир-бир, ёки-ёки, ё-ё, гоҳ-гоҳ, хоҳ-хоҳ* каби: *У ҳам кўп ўтмай ё инженер, ё ўқитувчи бўлиши мумкин (О й б е к). Р а и с отам ҳар вақт шундай дейди: ҳ а м ў қ и, ҳ а м т ў қ и, ў й и н н и э р т а г а қ ў й (О й б е к). Г о ҳ кулиб, г о ҳ кулдиради (Ш у ҳ р а т).*

Такрорий боғловчилар такрорланган гап бўлаги ёки айрим гапларнинг олдида қўлланади. Лекин *ҳам* такрорланган бўлақлар ёки гаплар кетида такрорланиб келиши мумкин. Бундай чоғда у юклама саналади: *...Ноиложликда ўзича бунни оқлаш учун қандайдир сабаб, ўзига ҳ а м, менга ҳ а м тасалли қидирар эди (А. М у х т о р). Уртанчаси бўлса йиғламайди ҳ а м, кулмайди ҳ а м (А. М у х т о р). Каромат опам гўзалликда ҳ а м, шўхликда ҳ а м, ўйинга усталикда ҳ а м ўртоқларидан қолишмайди (О й б е к).*

Такрорий боғловчиларнинг бир қисми якка ҳолда ҳам қўлланиши мумкин (*ё, ёки*). Бундай чоғда улар якка боғловчи ҳисоблана-

ди: *Бу қир Астрахань ёки Сол қирлари сингари теп-текис эмас* (А. Фадеев).

Такрорий боғловчиларнинг бир қисми эса, фақат такрорланган дагина боғловчи саналади, якка қўлланганда эса ўзи мансуб бўлган сўз туркумига тааллуқли бўлади (*бир* — сон, *ҳам* — юклама, *баъзан* — равиш ва ш. к.).

Баъзан гапда бир боғловчининг ўзи икки ва ундан ортиқ ўринда уюшган бўлақлар орасида келиб, уларнинг тенг муносабатда эканини кўрсатиб келмоғи ёки икки хил якка боғловчилар такрорий боғловчи ҳисобланмайди: *Тансиқ ва ўртоқлари тажрибакорлар кўзи ва диққати билан олдин далани кезиб чиқдилар* (Ойбек). *Любка Григорий Ильичнинг олдига югуриб келиб, кичкина ва оппоқ қўли билан унинг қора ва қадоқ қўлини ушлади* (А. Фадеев).

Боғловчилар гапдаги вазифасига кўра икки хил бўлади: тенг боғловчилар ва эргаштирувчи боғловчилар.

Тенг боғловчилар. Тенг боғловчилар гап бўлақлари ва айрим содда гаплар орасидаги тенг муносабатларни ифодалайди. Бундай боғловчилар: а) гапнинг уюшган бўлақларини боғлайди: *Кеча сокин ва илиқ эди* (Ойбек). *Уйларнинг деразаларидан болалар ҳамда хотин-қизларнинг кулгиси эшитилар эди* (А. Фадеев).

б) қўшма гап составидаги гапларни боғлайди: *Уктам ўз колхозига элтадиган йўлда тўхтади, бироқ қайрилгиси келмади* (Ойбек). *Йиғилганлар ҳаммаси урушни йўларди, лекин ундан оғиз очишга ҳеч ким журъат эта олмас эди* (Х. Фулом).

Тенг боғловчиларнинг ўзбек тилида қуйидаги гуруҳлари бор: 1) бириктирувчи боғловчилар: *ва, ҳамда* (боғловчи вазифасида келган билан кўмакчиси, ҳам юкламаси); 2) зидловчи боғловчилар: *аммо, лекин, балки, бироқ, фақат, ҳолбуки*; 3) айирувчи боғловчилар: *ё, ёки, ёхуд, ёинки, гоҳ-гоҳ, дам-дам, бир-бир, баъзан-баъзан, хоҳ-хоҳ*.

Бириктирувчи боғловчилар. Бириктирувчи боғловчилар гапнинг уюшиқ бўлақларини, қўшма гап составидаги айрим гапларни бир-бирига боғлайди. Ўзбек тилида бундай боғловчилардан энг кўп қўлланадигани ва боғловчисидир. Бу боғловчи айрим гапларни ва гапдаги уюшиқ бўлақларни боғлаганда, улар орасидаги тенг муносабатни ифодалайди: *Тарвузнинг бир палласини ўзи олиб, иккинчи палласини Йўлчи ва Уроз олдига қўйди* (Ойбек). *Жувон ходмигарларга қаради ва сўради* (А. Қаҳҳор). *Иккисининг юрагида севинчи ва бахт лим-лим тошган эди* (Ойбек).

Бир гапдаги бир неча уюшган бўлақларнинг охиргисидан олдин келганда ва боғловчиси уюшган бўлақлар орасидаги тенг муносабатни кўрсатиш билан бирга охирги уюшган бўлақни алоҳида ажратиб, таъкидлаб кўрсатиш учун ҳам ишлатилади: *Уларда бодринг, помидор, бақлажон ва қалампир етиштириш керак* («Тошкент ҳақиқати»). *Минбарга бирин-кетин ишлаб чиқариш илғорлари, комсомол ходимлари ва мутахассислар чиқишади* («Тошкент ҳақиқати»).

Ва боғловчиси қўшма гап составидаги айрим гапларни бир-бирига боғлаганда:

а) ўзи боғлаган содда гапларда ифода қилинган иш-ҳаракат, воқеа ва ҳодисаларнинг бир вақтда бўлганини кўрсатади: *Баҳри хийла олдинда Рисолат билан бирга борар ва отнинг қадам ташлаши мақомига ашула айтар эди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Хотинлар анчагина юриб тўхташибди, беллари толибди ва қўллари оғрибди* (В. О с е е в а);

б) иш-ҳаракатнинг кетма-кет бўлганини кўрсатади: *Бу орада ҳалиги бола кўприкдан ўтиб, отни сой бўйига боғлади ва ўзи юқорига чиқиб кетди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Мулла Норқўзи даргазаб бўлиб ўрнидан турди ва эшик олдига бориб бор товуши билан бақирди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Негадир Қамолхонов ҳам кулди ва қоматини ростлаб курсига секин ўтирди* (А. Қ а ҳ ҳ о р).

Баъзан ва боғловчиси ўрнида -у(ю) юкламаси ҳам уюшган бўлақлар, қўшма гап составидаги айрим гаплар орасида келиб, бириктирувчи боғловчи вазифасида ишлатилмоғи мумкин. Бундай чоқда боғланувчи бўлақлар орасидаги боғланиш жуда мустаҳкам бўлади:

*Ез бошланар дала-ю боғда,
Еруғ кўкни қиздирар қуёш* (У й ғ у н).

Қир-адирда ўтлар менинг қўю қўзим (И с л о м ш о и р).

Кетма-кет бўлган иш-ҳаракатни бир-бирига боғловчи ва ўрнида -да юкламаси ҳам қўлланади. Бундай вазифада ишлатилган -да олдинги гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги шу юклама ифодалайдиган тезликни ҳам кўрсатиб туради: *Насимжон ўрнидан турди-да эшик томон юрди* (О й б е к).

Бу боғловчи вазифасида қўлланадиган юклама тезликни ифодалаш учун қўллангани сабабли ҳар доим бўлишли феъллар орасида келади (*олди-да, кетди* каби).

Ҳамда боғловчиси гап бўлақлари ва қўшма гап составидаги айрим гапларни боғлайди: *Уйларнинг деразаларидан болалар ҳамда хотин-қизларнинг кулгиси эшитилар эди* (А. Ф а д е е в). *Американинг II вертолети ҳамда бир реактив қирувчи бомбардимончи самолёти сафдан чиқарилди* («Тошкент ҳақиқати»). *Ўзбекистон ҚП Марказий Комитети республикада хор санъатининг аҳволи ва уни ривожлантириш масаласини қараб чиқди ҳамда бу ҳақда қарор қабул қилди* («Тошкент оқшоми»).

Бу боғловчи қатор уюшган бўлақларнинг охиригидан олдин келганда, уюшган бўлақлар орасидаги тенгликни кўрсатиш билан бирга охириги уюшган бўлақни ажратиб ҳам кўрсатади: *Карим, Қодир, Бурхон ҳамда Сабура мукофот олди*.

Ҳам боғловчи вазифасида келганда ва боғловчиси сингари уюшган бўлақларни боғлайди, у бўлақлар орасидаги тенглик муносабатини кўрсатади: *Бу гап албатта шу ерда қолиши, Геннадийларга, Ашот ҳам Ниёзматларнинг қулоғига етиб бормаслиги керак*

(А. Мухтор). У Уктам ҳам Усаржонга қараб, салмоқланиб деди (Ойбек).

Бу боғловчи ҳам иш-ҳаракатнинг бир вақтда (*гапирди ҳам кўлди каби*) ёки кетма-кет бўлганини кўрсатади (*келди ҳам кетди каби*).

Ҳам уюшган бўлақларнинг олдида ёки охирида такрорланиб келмоғи мумкин. Бундай чоқда у фақат уюшган бўлақларнинг олдида келгандагина боғловчи саналади: *Ҳам табиий, ҳам ҳаётий, ҳам сиёсий жумбоқлар фавқулодда кўп* (А. Мухтор). *Ҳам қўрқаман, ҳам билгим келади* (А. Мухтор).

Ҳам уюшиқ бўлақлар кетида такрорланиб келганда уюшиқ бўлақларни ажратиб кўрсатиш учун қўлланади: *...Опам гўзалликда ҳам, шўхликда ҳам, ўйинга усталикда ҳам ўртоқларидан қолишмайди* (Ойбек).

Бу боғловчи такрорланиб келганда ҳам фонетик ўзгаришга учраб, ҳ товуши *й* га ўтиши ёки тушиб қолган ҳолда ишлатилиши мумкин. Бундай чоқда у ўзидан олдинги сўзга қўшиб талаффуз этилади ва ёзилади: *колхоз юртниям, халқниям боқди, ўзиниям боқди* (Ойбек).

Ўзбек тилида билан ўзининг асосий кўмакчилик вазифасидан ташқари, бириктирувчи боғловчи вазифасида ҳам қўлланиши мумкин. Бу кўмакчи боғловчи вазифасида келганда бошқа бириктирувчи боғловчилар сингари гапнинг уюшган бўлақларини боғлайди. Шу билан бирга, у уюшган бўлақларнинг зич муносабатини ва айни вақтда биргалик муносабатини ҳам ифодалайди: *Ёввойи қушлар билан балиқларга макон бўлган... Қорақум саҳроси* (Р. Отаев). *Йигит билан қиз чангли катта йўлни кесиб, далаги чиқшиди* (Ойбек). *Колхоз ери билан тўқай орасини кенг, чуқур жарлик айшар эди* (Ойбек).

Аму билан Сирдан сув ичган

Зарафшонни лойлатиб кечган

Чавандозлар бордир бу элда (Ҳ. Олимжон).

Зидловчи боғловчилар. Бундай боғловчилар содда гаплар ва боғланган қўшма гапларда қўлланиб, ҳодиса, иш-ҳаракат ёки бирор предметни бошқасига зид қўйиб, уларнинг орасидаги қарама-қарши муносабатни билдиради. Ўзбек тилида зидловчи боғловчилардан *лекин, аммо, бироқ, ҳолбуки* кенг қўлланади.

Зидловчи боғловчилар ўзбек тилида гапнинг уюшган бўлақларини боғлаш вазифасида жуда кам қўлланади.

Лекин боғловчиси бирор предмет, ҳодиса ёки иш-ҳаракатнинг бошқасига зид, қарама-қарши қўйилганлигини ифодалайди: У ўзодатича нутқни наст, лекин равшан товуш билан вазмин бошлади (Ойбек). *Ойниса алвонни кўрди-ю, лекин шиорни олисдан ўқий олмади* (Ҳ. Фулом). *Ўзи ўта пулдор одаммас, лекин ўта тadbирли* (Шуҳрат). *Ғарибий туғма қар бўлса ҳам, лекин шу қадар ҳушёр эдики, лаб қимирлашидан кишининг сўзини англаб олиб, жавоб қайтарар эди* (С. Абдулла).

Бу боғловчи гапда фикрнинг алмашинишини ифодалаш учун ҳам қўлланмоғи мумкин. Бундай чоқда зидлаш, қарама-қарши қўйиш маъноси кучсизланади: *Гапингиз тўғри, лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Меҳмонлар кўприкдан ўтишди, лекин қоровулнинг қисташига қарамай, ичкарига киришмади* (А. Қаҳҳор). *Ойишон, сизнинг бағрингиз эсимиз, лекин унда мен чиндан ҳам бола бўлиб қолишим ҳеч гап эмас* (А. Мухтор).

Лекин боғловчиси бажарган вазифаларни, унинг синонимлари аммо, бироқ ҳолбуки боғловчилари ҳам бажариши мумкин. Бу боғловчилар ҳам сўзлар ва айрим гапларни бир-бирига боғлаб, иш-ҳаракат, ҳолат, сифат ва шу кабилардан қарама-қаршилик, зидлик бор эканини ифодалайди: *Совуққина, бадбашара, аммо олифтанамо сотувчи полкадан китобни олдимга ташлади* (Ойбек). *Тошкентнинг баҳори Муқимий учун кўнглили ўтди, аммо ёз бошланиши билан кўп танишлар боғларига кўчиб кетганликлари сабабли ёлғиз ўзи зерика бошлади* (С. Абдулла). *Осмон кенг, уфқ поёнсиз, денгиз чуқур, табиат саҳий, аммо мана шу фазилатларнинг ҳаммаси биргина она қалбида мужассам* (Ҳ. Фулом). *Уктам меваларни саралайди, бироқ егиси келмайди* (Ойбек). *Мана у ўз колхозига элтадиган йўлда тўхтади, бироқ қайрилгиси келмади* (Ойбек).

Бу боғловчилар (айниқса аммо боғловчиси) иш-ҳаракат, ҳолат ва ҳодисаларнинг ўхшаш эмаслиги, фарқи жиҳатидан қиёслаб, бирини иккинчисига зид қўяди: *Кумушбиби энди ўн еттини қўйиб, ўн саккизга қадам босганликдан бўйи ҳам онасига етаёзган, аммо жуссаси онасига кўра тўлароқ эди* (А. Қодирий). *Бу икки аёлнинг кўнели бир-бирига нақадар яқин, аммо ёш жиҳатдан буларнинг фарқи катта* («Тухфа»).

Зидловчи боғловчилар айрим гапларнинг бошида ҳам келиб, ўзидан олдин келган гапни мазмунан кейинги гапга зид, қарама-қарши эканини кўрсатади:

Масалан: *Уктам ҳовлида юриб рўзғорга разм солди. Лекин аввалгидай қўрқиб сезмади* (Ойбек). *Петъканинг мўлжалига кўра бедом-дарак кетган бу немис кетидан бошқаси келиши керак эди. Бироқ булар кечгача пойлашди ҳамки ҳеч ким кўринмади* (А. Қаҳҳор). *Йўл бўйлаб ўсган дарахтларга яқин ердаги фўзаларга алоҳида қунт қилинмаган. Ҳолбуки ҳар бир туп фўза учун жонимиз ачиши керак* (Ойбек).

Зидловчи боғловчилардан аммо, лекин боғловчилари қават келиб аммо лекин тарзида қўлланишини ҳам кўраимиз. Бундай қаваг боғловчи сўзлашув тилида кўп учраса-да, у ҳозирги кунда бадий адабиётда (персонаж нутқида) ҳам учрамоқда: *...бир ой Саломат опа, бир ой Каромат муҳаррир бўлади. Аммо лекин Саломат опанинг газетаси ҳар сафар танқидга учрайди* (А. Мухтор). *Мен баҳо бермоқчи эмасман, ука. Аммо лекин ҳаётни ортиқча расмийлаштириб юборяпмиз...* (А. Мухтор). *Йўқотиш мумкин. Аммо лекин бутун водийга тарқаса ёмон бўлади* (А. Мухтор).

Балки боғловчиси предмет, шахс ёки иш-ҳаракат орасидаги зид муносабатни билдиради: Бу содиқ қул, балки ундан баттар одам эди (Ойбек). У икки, балки уч йилдан буён ўз тўйини кутар эди (Ойбек). Елғиз ўзи эмас, балки бутун косиб аҳлининг аҳволи пачава эканини очиб ташлади (Ойбек).

Балки гапларни боғлаганда, биринчи (олдинги) гапда ифодаланган фикрни тасдиқлайди ёки инкор қилади: Лекин бу мусиқа жим-жималикни бузмас, балки уни қуюлтиради (Ойбек).

Балки баъзан эҳтимоллик, гумон, ишончсизлик маъноларини англатади: Сиз балки менинг тилимга тушунарсиз (А. Қаҳқор). Заиф юрагим балки чиндан ҳам кўтара олмасди (А. Мухтор). Балки бахт ҳам шудир (А. Мухтор). Балки шерикларим бир нима гапиришган бўлса ҳам, мен эшитмагандирман (А. Мухтор). Балки жароҳатидан қон кета-кета ўзи ҳам ўлар эди, аммо полвон уни илгарироқ ўлдирди (А. Қаҳқор).

Балки боғловчиси гапда мазмунан зид бўлакларни боғлаш учун ҳам ишлатилади: Бу қир Астрахань ёки Сол қирлари сингари теп-текис эмас, балки паст-баланд қирлар эди (А. Фадеев).

Балки боғловчиси юқоридагидек қарама-қарши маъноли гап бўлаклари орасида келганда, туширилиб қолдирилиши, қўлланмаслиги ҳам мумкин. Лекин бундай чоқда гапнинг умумий мазмунига халал етмаса ҳам, таъкид, ажратиб кўрсатиш маъноси йўқолади: Бу қир Астрахань ёки Сол қирлари сингари теп-текис эмас, паст-баланд қирлар эди каби.

Ўзбек адабий тили учун норма даражасига кўтарилмаган бўлишига қарамай, а боғловчиси оғзаки нутқ ва бадий адабиётда учрамоқда. Бу боғловчи содда ёки қўшма гапларни боғлаб, улар орасидаги қиёс, зид муносабатларни ифодалайди: Уктамжон, менинг ўртоғим жуда эпчил аёл... котлетни у пиширсинда, а ўзимизнинг таомларни — кабоб ва паловдан тортиб, то ҳалимгача дўндириб юборади (Ойбек). Қовун танлашда дидим йўқ. А сиз-чи? (Ойбек).

Айирувчи боғловчилар. Бу боғловчилар содда гаплар ёки боғланган қўшма гапларда уюшган бўлакларни ёки қўшма гап қисмларини боғлаш учун ишлатилади. Улар гап бўлаклари, қўшма гап қисмларини боғлаш билан бирга воқеа, ҳодиса ва иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг алмашилиб туриши ёки бир-бирини тақозо қилишини ҳам ифодалайдилар.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида кўп қўлланадиган айирувчи боғловчилар ё, ёки, ёхуд, ёинки, ё-ё, гоҳ-гоҳ, дам-дам, бир-бир баъзан-баъзан, хоҳ-хоҳ боғловчиларидир.

Булардан ё, ёки, ёхуд, ёинки боғловчиларни уюшган бўлакларнинг бирини иккинчисидан, бирор воқеа, ҳодиса ёки иш-ҳаракатни бошқасидан айириб кўрсатиш учун ишлатиладилар: Раис... отбоқар ё аравакашлар билан у-бу тўғрисида сўзлашиб, кимни оталарча қойиб, кимни мақтаб аста юра бошлади (Ойбек). Граммафон деган буюмни кўрганмисан ёки эшитганмисан? — кулиб сўради Ермат (Ойбек). Улар бир-бирларига ё ҳуд халойиққа қарайдан

қўрққандай индамасдан келишарди (А. Фадеев). ...ҳаммани олиб борадимиз ёинки хоҳлаган бориб, хоҳламаган қолаберадимиз? (А. Қаҳҳор). Шундай қилиб, иссиқдан қолдан кетган бир гала қушдай қизлар... боғдаги олма тагида узоқ-узоқ ўтиришади, ёинки сой бўйидаги қалин дарахтлар ичига кириб кетишади (А. Фадеев).

Гоҳ-гоҳ, дам-дам, бир-бир, баъзан-баъзан боғловчилари эса, уюшган бўлақларнинг ёки айрим содда гапларнинг олдида такрорланиб келиб, уюшиқ бўлақлар ёки айрим гапларни айирув йўли билан боғлаб, галма-галлик, алмашилиб туриш маъноларини англатадилар: У қизга гоҳ кўкиш, гоҳ кўк, гоҳ бирдан чақновчи кўзлари билан боқар, бу кўзлар эса унинг юзини бирдан меҳрибон ва ёқимли қилиб юборар эди (А. Фадеев). Ҳаво булут, қуёш дам ялт этиб бир кўриниб қолади, дам булутлар ичига бекиниб олади (Ойбек). Уктам толга суяниб, дам чолга, дам тегирмонга қараб индамай тураверди (Ойбек).

Бир зўр оташ, бир зўр аланга
Икки қалбга туташгани рост (Х. Олимжон).

Қуруқ арча келтириб,
Баъзан гулхан ёқамиз,
Баъзан чалқанча ётиб,
Юлдузларга боқамиз (Уйғун).

Эргаштирувчи боғловчилар. Эргаштирувчи боғловчилар асосан қўшма гаплар составидаги эргаш гапларни бош гапга боғлаш учун ишлатилади. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида кўп ишлатиладиган эргаштирувчи боғловчилар *чунки, шунинг учун, агар, башарти, гарчи, гўё, гўёки, яъни, -ки (-ким)* лардир. Бу боғловчилар қўшма гап составидаги гаплар орасидаги турли муносабатларни билдиришига кўра қуйидаги группаларга ажратилади: 1) аниқлов боғловчилари: *яъни, -ки, -ким*; 2) сабаб боғловчилари: *чунки, шунинг учун*; 3) шарт боғловчилари: *агар, агарда, башарти, агарчи*; 4) чоғиштирув боғловчилари: *гўё, гўёки*.

Аниқлов боғловчилари. *Яъни, -ки (-ким)* аниқлов боғловчилари эргаш гапларни бош гапга боғлаш учун ишлатилиб, бош гапда ифодаланган фикрни аниқлаб, изоҳлаб кўрсатади: ...далани бир айланган киши равшан кўради *ки, ишимизда беҳад камчиликлар бор* (Ойбек). *Биласан ки, пахта — колхоз рўзгорининг фили* (Ойбек). *Муҳаммад Аминхўжа сувала қилишган кунининг бозори шундай ҳам чаққон бўлади ки, нафас ўтмай сават бўшайди* (С. Абдулла). *Ҳамидулла бу гапларни шундай оҳангда гапирар эдики, қизлар қотиб-қотиб кулишарди* («Ҳикоя ва очерклар»). *Пионерлар-мактаб ўқувчиларига ўрناق бўлиши, яъни аъло баҳолар билан ўқиши, интизомли бўлиши керак* («Ленин учқуни»). *Сенда эса, у йўқ. Яъни умуман сенда эмас, мажлисдаги сенда* (А. Муҳтор). *Баъзилари бунини ўзи билиб қилади, баъзилари эса*

билмайди. Яъни бир қиёфада икки киши бўлиб яшашга ўрганиб, шундай тарбияланиб қолган (А. Мухтор).

-ки аниқлов боғловчиси кўчирма гапни ўзлаштира гапга айлантириб бериш учун ҳам ишлатилади: *Кеча мажлисда колхоз раиси айтдики,— бу йил пахта планини ортиғи билан бажарамиз,— деб.*

Баъзан -ки от туркумидаги сўзлар билан келиб, таъкидлаш, уқтириш англатади. Бундай чоқда у боғловчи эмас, юклама саналади: *...шундай замондамикки, илм, техника йўли ҳаммага очиқ (Ойбек). Полвонлардай йигит экан, кўкси тўла нуқул орден ки, бир-бирдан чиройли (Ойбек).*

Сабаб боғловчилари. Сабаб боғловчилари чунки, шунинг учун эргаш гапларни бош гапга боғлаб, сабаб натижа маъноларини ифодалайдилар: *Хўжайинлардан ҳеч нима сўрамади, чунки Ёрмат бу кунларда уларнинг башарасига қарашни истамас эди (Ойбек). Аммо халқ бундай ёлборишларга қулоқ солмади, чунки иш ўтган, гишт қолипдан кўчган эди (А. Қодирий). Атрофда бўлаётган ҳодисаларни энди у писанд қилмас эди, чунки унинг қўлидан энди ҳамма нарсга келарди (А. Фадеев). ...қизга ёққан нарсанинг чехрасидаги табиий қизиллик, шу билан бирга барқ уриб турган илҳом эди, шунинг учун ҳам қиз йигитнинг юзидан кўзини узмас эди (А. Фадеев). Қиз электрпайвандчилик касбини қўни билан ўрганиб, жон-дили билан ишларди, шунинг учун заводда мақтовга сазовор эди (Ш. Рашидов). Канизак Сидиқжоннинг хотини билан қўйди-чиқди бўлганини эшитган эди, шунинг учун бу хабарни эшитса хурсанд бўлади деган хаёл билан чопқиллаганича Сидиқжоннинг олдига борди (А. Қаҳҳор).*

Шарт боғловчилари. Шарт боғловчилари агар, агарда, башарти, мабодо, гарчи шарт ва тўсиқсиз эргаш гапларнинг бош гапга бўлган муносабатидаги шартни, шу билан бирга тўсиқсизлик маъноларини англатади: *Сафаров колхозга ўн қўллаб ёпишган активларни йиғиб, агар кўклам қўлдан берилса, бунинг оқибати нима бўлишини айтди (А. Қаҳҳор). Агар мени сўриб келсалар, мен Советская майдонида бўламан (А. Гайдар). Жамоловнинг сингелисини ҳар кўрганда агарчи дардини яширишга тиришса ҳам, бирон хушхабар умидида, ўсмоқчилаб сўрайди (Ойбек). Мендан ҳам сен яхшироқ тушуниб турибсанки, агарда бизнинг розилигимиз бўлмас экан, Отабек сира ҳам иккинчи уйланмайдир (А. Қодирий). Агарда унинг ёнида уста Олим бўлмаганда эди, эҳтимол у қай вақтларгача серрайиб қолар эди (А. Қодирий).*

Шарт боғловчилари ўрнида, шу боғловчилар бажарган вазифани бажариб, бордию сўзи ҳам келмоғи мумкин: *Бордию ҳаётда учратолмасам, ўйлаб хаёлимда яратардим, кел! (А. Мухтор).*

Чоғиштирув боғловчилари. Чоғиштирув боғловчилари гўё, гўёки бош гапда ифодаланган фикрни эргаш гапдаги фикр билан қиёслаб кўрсатади. Шунингдек, айрим воқеа ва ҳодисаларни, айрим отларни бир-бирига солиштириш, ўхшатиш учун ҳам ишлатилади: *Оппоққина нозик юзи қуёшда шундай тиниқ кўриндики, гўё у нур-*

дан яратилгандай (Ойбек). Отабек кўзини тўлдириб бинога қаради, гўё бу қарашда у дунё малағи билан видолашар эди (А. Қодирий). Най садосининг майин тўлқинлари тип-тиниқ ҳавода ёйиларкан, гўё ҳаммаёқ жонланган каби туюлди (Ойбек). Уйнинг остига тўшалган қизил лола гуллик гилам кишини гўё чаманда ҳис этдирар эди (А. Қодирий). Донецк бўйининг ўткир шамоли, жазирама офтоби, гўё бу қизларни бир-биридан фарқ қилдирмоқчи бўлгандай, бирини қорайтириб, бирини қипқизартириб юборган эди (А. Фадеев). Тоғлардаги қип-қизил-лола, бўлиб гўё ёқут пиёла (Ҳ. Олимжон). У гўёки туғилиб ўсган қишлоғининг томларини кўрмоқчидай бошини кўтариб, ҳаяжон ва соғинч билан узоқларга тикилди (Ойбек). У Отабекка яна кулиб қараб турар эди-да, гўёки шу кулиш билан ўз сеҳрининг кучи билан фахрланар эди (А. Қодирий). ...маъноли шеърлардан бошини кўтармайди-да, гўёки айтарсиз китобга михланган (А. Қодирий).

Боғловчи вазифасини бажарувчи сўзлар. Баъзан бошқа сўз туркумидаги сўзлар боғловчи вазифасида қўлланади. Масалан: билан, бордию (булар ҳақида юқорида айтилган), деб (демоқ феълдан, равишдош).

Деб сўзи боғловчи вазифасида келганда эргаш гапларнинг баъзиларини (шарт, мақсад, сабаб) бош гапга боғлайди.

Боғловчи вазифасидаги деб, аниқлик майлидаги феъллардан кейин келса, аниқлик ёки сабаб маънолари англатади: У менга «Ёмон одамларгина хатарли вақтда ўз ўртоғини ташлаб кетадилар», — деб айтди (Л. Толстой). Мажлис бўлади деб вақтлик келган эдим.

Боғловчи вазифасидаги деб буйруқ ва истак феълларидан сўнг келганда эса, мақсад маъносини англатади: Шофер одамлар ўтиб кетсин деб худди машинани ўша панжара эшиги ёнида тўхтатди (А. Фадеев). Обком биносининг тамаки тутуни ва куйдирилган ҳужжатларнинг ҳиди чиқиб кетсин деб, очиб қўйилган хоналаридан бирида икки киши стол ёнида рўпара ўтириб, бемалол суҳбатлашмоқда эдилар (А. Фадеев). Тошкент медицина институтида таҳсин кўриб, эндигина онаси Ҳабиба холанинг орзу-армонларини рўёбга чиқарай деб турганда Носир қўлига қурол олишга мажбур бўлди («Ўзбекистон маданияти»).

ЮКЛАМА

Айрим сўз ёки гапга қўшимча маъно жилоси (оттенкаси) бериш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўзлар юкламалардир.

Юкламалар тузилишига кўра икки хил бўлади: юклама — аффикс (аффикс ҳолига келиб қолган юкламалар) ва юклама — сўз (айрим сўз ҳолидаги юкламалар).

Юкламалар: 1) Нутқдаги бирор сўзни ажратиб кўрсатиш учун қўлланади: *Электр кўзгагина эмас, қўлга ҳам ёрдам берсин* (Ойбек).

2) гапга сўроқ маъноси бериш учун қўлланади: — *Кеча кечқурун қирга чиққанимиз эсингда борми? Қандай яхши эди-я? Эсингда ми — деди Уля* (А.Фадеев). *Шу ашула Сизга ёқадими? — сўрайди йигит. — Ҳа, Сизга-чи?* (Ойбек);

3) ҳис ва ҳаяжонни ифодалаш учун ишлатилади: *На қадар гўзал бир гул-а* (А.Фадеев);

4) таажжубни ифодалаш учун ишлатилади: *Болага ўхшайди-я* (Ойбек).

5) Таъкид ва кучайтирув маъносини ифодалаш учун ишлатилади: *Ахири, ҳар туп гўза — халқ бойлиги, давлатнинг бойлиги* (Ойбек).

Шунингдек, юкламалар тасдиқ, инкор, чегаралов, қистов каби маъноларни ифодалаш учун ва нутққа тасвирийлик бериш учун ҳам ишлатилади.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида гапга ёки айрим сўзларга берадиган қўшимча маъноларига кўра юкламаларни қуйидагича группаларга бўлиш мумкин: 1) сўроқ ва таажжуб юкламалари; 2) кучайтирув ва таъкид юкламалари; 3) айирув ва чегаралов юкламалари; 4) аниқлов юкламаси; 5) гумон юкламаси; 6) инкор юкламаси.

Сўроқ ва таажжуб юкламалари (-ми, -чи, -а, -я). Бундай юкламалар сўзларга ёки гапларга тааллуқли бўлиб, асосан гапни сўроқ гапга айлантиради. Шунингдек, сўзга ёки гапга турли эмоционал маъно оттенкалари беради.

-ми юкламаси: 1) сўроқ билдиради: *Шу ерда онамизни кутмай-мизми?* (Д.Еремин) — *Нимадан қўрқдинг, ёмон туш кўрдингми?* (А.Мухтор);

2) таажжуб, ҳайрат билдиради (бундай чоқда сўроқ маъноси

ҳам англашилиб туради): *Мен далада ишлашим керакмишим и?* (Ойбек) *Епирай, шунинг ҳаммаси ерга тушар ми кан?* (А. Мухтор).

-ми юкламаси модал маъно билдириши ҳам мумкин: *Хўрсинди ми, дала ҳавосидан ўпкасини тўлатиб нафас олди ми, соқол энлаган кўкси қалқиб кетди* (А. Мухтор). Акбарали яхлит темир шифтнинг ваҳимали лопиллашидан ми ё кўзлари ҳеч нарсани кўрмай қолганидан ми, ўзини йўқотиб бақира бошлади (А. Мухтор). *Футболга ми, лола сайлига ми — она учун бари бир* (А. Мухтор).

-чи юкламаси: 1) сўроқ билдиради: *Жамол қайтса, бахтинг қайтмаса-чи?* (Ойбек). *Энди орқага йўл йўқ. Олдинга-чи?* (А. Мухтор);

2) буйруқ, дўқ, илтимос, хоҳишни билдиради (Бундай чоқда -чи кўпинча, буйруқ майлидаги феъллар билан бирга келади). *Қани, ўқи-чи* (буйруқ), *келиб кўр-чи, ёнимга* (дўқ), *қаламингни бериб тур-чи* (илтимос), *аввал бу китобни ўқиб чиқай-чи*, *нималар ёзилган экан* (хоҳиш): *Оби нон билан мана буни еб ол-чи*, *болам, ҳозир чой дамлаб бераман* (А. Мухтор). *Вой, мана томди, илиқ-милиқ, қўлингни олиб кел-чи!* (А. Мухтор);

3) қисташ, истак, илтимос билдиради (бундай чоқда -чи, кўпинча, шарт майлидаги феъллар билан бирга келади): *тез юрсанг-чи* (қисташ), *яхшиси, китоб ўқисам-чи* (истак), *бизникига бир келсанг-чи* (илтимос): *Бир мусаффо қор учқунлаб, бу ҳавонинг ғуборини олиб кетса-чи* (А. Мухтор). *Гапирсанг-чи*, *болам, ўз ёгинга ўзинг қовурилгунча, дардингни айтсанг-чи*, — *дер эди Шарофат хола кечқурунлари* (А. Мухтор);

4) таъкид, уқдириш билдиради: *Азимжон-чи*, *сенга аммавачча бўлади* (А. Мухтор). *Мен шу узундан-узоқ умримда-чи*, *болам, ҳеч қачон бундай ожиз, бундай аянч ҳолга тушган эмасдим* (А. Мухтор).

-а(-я) юкламаси: 1) Сўроқ билдиради: *Шаҳар жуда ҳам ўзгариб кетибди-да, а?* (А. Мухтор) *Бутун бошлиқ бир мамлакатни-я?* (А. Мухтор);

2) ҳис ва ҳаяжон билдиради: *Аҳ, қандай сўлим кеча-я!* (Ойбек). *Вой, бирам чиройли гул экан-а!* (А. Фадеев). *Ўзимизнинг Шодасой лолалари эсингдами, ўтдек ёнарди-я!* (А. Мухтор);

3) тасдиқ, ишонч билдиради: *Патирларни курсиллатиб-курсиллатиб ўзим ейман — нуқул мой-а* (Ойбек).

4) таажжуб, ажабланиш билдиради: *Мен далада ишлашим керакмишими? — мен-а* (Ойбек). *Болага ўхшайди-я* (Ойбек). *...одамлар қаёқларга бориб юришади-я...* (Саид Аҳмад).

Кучайтирув ва таъкид юкламалари — *-ку*, *ҳам*, *-у*, *-ю*, *-да*, *-оқ*, *-ёқи*, *-ки*, *-ким* ва интенсив формалар ҳосил қилувчи элементлар, *эгни қип-қизил*, *тўппа-тўғри тип сўзлардаги қип-* ва *тўппа-ҳамда тим*, *шир*, *ғирт*, *лиқ*, *жиққа*. Бундай юкламалар нутққа тасвирийлик бериб, сўз маъносини кучайтириш, шунингдек, таъкид маъноси бериш учун ишлатилади.

Кучайтирув ва таъкид юкламаларидан *-ку, ҳам, -у (-ю), -ди, -оқ, -ёқ, -ки (-ким)* юкламалари асосан кучайтириши ва таъкид маъноларини англатиш учун қўлланади: *Анча ерни суғорибсизлар-ку, Мироб оналар (Ойбек). Неча марта учрашай дедим-ку, вақтим бўлмади (Ойбек). Кўкрагингиз ярқ-ярқ қилади-ю, яна лёв келяписиз... (Ойбек). Пастга агрегатни ўрнаштирасан-да, ҳар ёққа симларни торта берасан (Ойбек). Бахт сўзи ҳам м шунчалар азизки, унга меҳнат аҳли инқилоб туфайли эришди («Ўзбекистон маданияти»).*

*Бир қиссаки м, бунинг сўнгида
Севинганлар топшигуцидир (Х. Олимжон).*

Ҳам юкламаси ўзи кучайтириб ёки таъкидлаб кўрсатадиган сўзлардан кўпинча кейин келади: *Уни ҳам ўқитаман, ўзим ҳам ўқийман (Шуҳрат). Ҳаққим ҳам бор, имконим ҳам бор (А. Мухтор). Ушанда дадам ҳам фронтда эдилар (У. Умарбеков) Темирчининг уйи тор бўлса ҳам, феъли кенг эди (Ш. Рашидов).*

Ҳам юкламаси таъкидланаётган сўздан олдин келиши кам учрайди. Ҳам юкламаси такрорланган ҳолда фақат такрорланган бўлақлар олдидагина учраши мумкин. Бундай чоқда такрорланган бўлақлар санаш интонацияси билан боғланган бўлади: *Кутилмаганда мени эсанкиратиб қўйган ҳис ҳам оғир, ҳам ширин эди (А. Мухтор). Қиш кунги гулхан камбағал учун ҳам чопон, ҳам тўшак, ҳам палов (Ойбек).*

Ҳам юкламаси: 1) таъкид маъносини билдиради. Бундай чоқда у: а) мустақил сўзларни (от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш) таъкидлаб кўрсатади: *Ваҳобжон ҳам мен билан юрди (А. Мухтор). Бу орада Умматали ҳам чиқиб келди (Шуҳрат). Ҳозир бу одамларни бу қарордан қайтариб ҳам бўлмас эди чамамда (А. Мухтор). Иккимиз ҳам ўқиймиз, албатта (А. Мухтор). Уйга ҳам кирмадим, шу кетганимча кетдим (А. Қаҳҳор);*

б) кўмакчи бирикмани таъкидлаб келади: *у молларнинг ҳаммаси сандиқларга жойлашгани учун ҳам... қайта кўришни истамди (Ойбек). Хотиржам бўлган ҳожи кечқурунги овқатга қизининг чиқмагани билан ҳам иши бўлмади (Шуҳрат);*

в) шунинг учун боғловчисидан кейин келиб, олдинги гапдаги маънони таъкидлаб келади: *Қишлоқ учун ўз ишининг усталари керак. Шунинг учун ҳам қишлоқда юксак малакали кадрлар тайёрлашни кучайтириши ғоят муҳим аҳамиятга эгадир («Совет Ўзбекистони»). Қиз электропайвандчилик касбини қунт билан ўрганиб, жон-дили билан ишларди, шунинг учун ҳам заводда мақтовга сазовор эди (Ш. Рашидов);*

2) тўсиқсизлик маъносини билдиради. Бундай чоқда у шарт майлидаги феъллар ва ўрин келишигидаги сифатдошлардан кейин келади: *Мана бир неча ойки, Умматали Нафисани кўпда кўрмаса ҳам, ҳафтада бир кўриб туради (Шуҳрат). Ота ва акаларининг ҳузурида жилла ошиб-тошмаса ҳам, улар йўқ вақтда қиз*

ўзини, «уй боши» ҳисобларди (Ойбек). Нури мени севса, онасига айтмаганда ҳам атрофдагиларга секин билдирган бўлар эди (Ойбек). Бу жиноятнинг номи йўқ, бўлганда ҳам тилга олиб бўлмайди (Шухрат);

3) тасдиқ билдирувчи ҳақиқатан, чиндан, ростдан каби сўзлар билан келиб, у сўзлардан англашилган тасдиқ маъносини яна кучайтиради: *Ҳақиқатан ҳам қора йигит кечқурун келди* (Ў. Умарбеков). *Чиндан ҳам шундай бўлиб чиқди* (Шухрат). *Абулбарака чиндан ҳам ишонмади* (Шухрат). *Ростдан ҳам вақтингиз йўқми?*

Ҳам юкламаси -ям шаклида (унлидан сўнг) ва ҳ ундоши тушган ҳолда қўлланиши ҳам мумкин. Бундай чоғда у ўзи алоқадор бўлган сўзга қўшиб ёзилади: *Бунга қизиқмаям қўйдим* (А. Мухтор). *Менам ёлғизман* (Шухрат).

-да юкламаси шарт майлидаги феъллардан сўнг келиб, тўсиқсизлик маъносини англантиши мумкин. Бундай чоғда у ҳам юкламаси билан синоним бўлади. Қиёс қилинг: *Ёш бўлса-да, бош эди — ёш бўлса ҳам бош эди. Баланд бўйли, қора соқол, юзи чўзиқроқ, кирғиз қовоқ Носир охун эски бўлса-да, озода либосда бошида кулоҳ бор эди* (С. Абдулла).

Шунингдек, -да юкламаси келишиқ қўшимчаларидан кейин келган чоғда ҳам юкламасига мос келади: *Лекин кейинчалик бундан-да воз кечади* (Ойбек). *Чой қайнатиб ичишни-да унутди* (Ойбек).

-у (-ю) юкламаси аниқлик майлидаги феъллардан сўнг келиб, иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги тезлик маъносини билдиради: *Қиз ялт этиб қаради-ю, Жамолни кўриб юраги ҳаприқиб кетди* (Ойбек). *Йўл юриб чарчаган Розик кўрпага кирди-ю, уйқуга кетди* (Санд Аҳмад). *Пўлат билан Баҳор ҳар кунгидагидек буғун ҳам дарсдан чиқишди-ю, тўғри сой бўйига келишди* (Ш. Рашидов).

-у (-ю). юкламаси уюшган бўлақлар орасида келганда боғловчи вазифасини бажаради ва у ва боғловчисига мос келади: *Қиз эрта-ю кеч... соатга қарайди, дақиқалар санайди* (Ҳ. Фулом). *Бу ҳувиллаган далада Қўлдош бобо-ю шарқ уфқидаги ҳароратсиз қуёш баркашидан бошқа ҳеч нарса кўринмайди* (Ҳ. Фулом).

-оқ, -ёқ юкламалари бош, ўрин, чиқиш келишигидаги отлардан сўнг келиб, кучайтириш билдирса, -(и)б аффиксли равишдошлардан ва билан кўмакчисидан кейин келиб, бир иш-ҳаракат кетидан иккинчисининг тезлик билан содир бўлиши маъносини англади: *Тансиқ ...концерт тугамасдан оқ, ўртоғининг уйига илдам жўнади* (Ойбек). *Кумуш қайин отаси билан қайин онасига уч-тўрт куннинг ичидаёқ ўзини кўрсатиб қўйди* (А. Қодирй). *Муҳаммад Аминхўжа йўлга кирганданоқ тоғаси бўлмиш адабиётхон, заргар Раҳматулло уни ўз тарбиясига олди ва ёшлигиданоқ алифбега ўргата бошлади* (С. Абдулла). *Отабек Зайнабнинг юзидаги маюсликни кўриб оқ сизди* (А. Қодирй). *Чол қиёмни бир стакан чой билан оқ тамомлаб, умрида учраган кулгили воқеалар,*

тасодифлар ҳақида мароқ билан ҳикоя қила кетди (Ойбек).
Поезд чўлдан кўм-кўк водийга бирдан учиб кираркан, ...дилкаш шийпонларни кўриш биланоқ, фарғоналик аскарнинг кўзларидан ихтиёрсиз равишда қайноқ ёш томчилаган эди (Ойбек).

Ахир, ҳатто, ҳаттоки, наҳотки сўзлари ҳам кучайтирув ва таъкид юкламаси бўлиб келади: ...тушунтир а х и р менга, бир нима дедими... (А. Мухтор). Солдатга мумкин эмас, албатта, ҳатто уруш вақтида ҳам (А. Мухтор).

Ҳ а т т о ш у д а р а ж а г а е т д и к и м .

Ҳ а т т о к и м е н ҳ а м б и л м а й қ о л и б м а н .

Н а ҳ о т к и с и з г а ё м о н л и к н и р а в о к ў р с а , и ш о н м а й м а н . Ҳ а т т о к и и ш ш у қ а д а р ж и д д и й б ў л с а ? (А. Мухтор)

Нутққа тасвирийлик бериб, сўз маъносини кучайтирувчи юкламалар:

Тим қора, тим қоронғи: У ҳақиқатан соч толаси каби нозик ва тим қора... (А. Мухтор). Кўчада машиналар қатнови тинган, тим қоронғи... (А. Мухтор).

Лиқ: лиқ тўла: Зал студентлар билан лиқ тўлган эди. Қоп буғдойга лиқ тўла экан.

Лим (суюқлик учун нишлатилади): лим тўла; сувга лим тўла челақ.

Фирт: фирт ёлғон, фирт жинни, фирт аҳмоқ, фирт маст, фирт саводсиз, фирт тентақ, фирт хом.

Қир/шир/қип: қир-яланғоч //шир-яланғоч// қип-яланғоч. Қиёс қилинг: яп-яланғоч.

Ғарқ: Ғарқпишиқчилик, ғарқпишган. Бу ерда ғарқпишган мавзор боғларнинг хушбўйиғина эмас, ...бир чўл ҳиди ҳам димоққа ётқир туюлар... (А. Мухтор).

Жиққа: жиққа хўл, жиққа мой.

Шунингдек, бу юкламалар сирасига сифат ва равишлар олтидан мавжуд сўз қисмларини қайтариш йўли билан ҳосил қилинадиган орттирма даража яратувчи қоп(-қора), сап(-сариқ), қип(-қизил), кўм(-кўк), бут, бус(-бутун), чиппа(-чин), тўппа(-тўғри) каби элементлар ҳам киради: ям-яшил, сип-силлик, дум-думалоқ, юм-юмалоқ, куппа-кундузи, соппа-соғ, яп-япалоқ, бўм-бўш, қуппа-қуруқ, яп-янги, яппа-янги, тип-тикка, типпа-тик, еп-енгил, еппа-енгил, шип-ширин, ёппа-ёш, яп-яхши, яппа-яхши, ёппа-ёзги, қиппа-қишки.

Айирув ва чегаралов юкламалари (-гина//-кина//-қина, фақат). Бундай юкламалар турли сўз туркумлари билан келиб, уларни чегаралаб, ажратиб кўрсатиш учун қўлланади: Йўлдошнинг йўлдан почта қутисига ташлаган хати кечагина етиб келди (Ҳ. Фулом). Улар пастак кина эшик пештоқида осилиб турган хира чироқ тагида тўқнаш келди («Шарқ юлдузи»). Назарида қорамойга бўялган ушоққина бу йигит нимаси биландир шу қушларга ўхшарди (У. Умарбеков). Сен, болам, буфетчи хотинга эмас, бошиқа ҳеч кимга ҳам эмас, фақат шодасойликлар

олдига бориб гуноҳингни ўтинишинг керак. Фақат ўшаларгина гуноҳингдан кеча олади (А. Мухтор).

-гина (-қина, -кина) юкламаси: а) мустақил сўзлар (от, сифат, олмош, сон, феъл, равиш ва айрим феъл формалари ҳамда айрим кўрсатиш) билан, *туфайли, учун* ва ш. к. дан сўнг келиб, айириб кўрсатиш, чегаралаш маъноларини билдиради: *...шу кўчанигина «Каменная» дейишади* (А. Фадеев). *Кейинча пахтакорликка қизиқиб кетмончи бўлди, звенодагина эмас, бутун бригадада энг яхши ишловчилардан ҳисобланади* (Ойбек). *Сўнагул арзон бўлса ҳам шинамгина паст пошналар бир туфли олиб кийди* (А. Мухтор). *Қашшоқ Муқимийнинг сояси ҳимоятида биргина булар эмас, балки жуда кўп ғариб-ғурабо санъаткорлар, қалам аҳллари бор эди* (С. Абдулла). *...ҳаётимнинг бирон қиммати бўлса, у... ўша кичик дафтар туфайлигина эмас* (А. Мухтор). *Директор уни шу жавобини эшитиш учунгина тўхтатган экан шекилли, нордон конфетдан иккитасини болага тутиб, жўнатиб юборди* (Шуҳрат). *Унинг бу гаплари менинг учунгина бутун даҳшати билан янги эди* (А. Мухтор).

б) Предмет ёки ҳаракат белгисини билдирувчи сўзлардан сўнг келиб предмет ёки ҳаракат белгисини айириб кўрсатиш билан бирга, ўша белгида камликни, кучсизликни ҳам ифодалайди. *Шириной салқинга ўтиб саватни ерга оҳистагина қўйди* (Ойбек). *Полковник Кларк томонидан яхшигина ўқитилган Қоплонбекка шу керак эди* (Шуҳрат). *Шипи паст, деворлари юпқа, торгина дўконхона...* (Ойбек). *Курочкин ертўладан чиқиб, қисик кўзини яна ҳам баттарроқ қисиб, қув ва мамнун табассум билан анчагина чол орқасидан қараб қолди* (Ойбек). *Ўзи ҳам кўркамгина* (Шуҳрат).

Фақат юкламаси асосан, ўзи алоқадор бўлган сўз олдидан келади. Лекин поэтик асарларда у ўзи алоқадор бўлган сўзнинг кетидан келиши ҳам мумкин:

Она ўз ўғлини севади фақат

Фақат севади-ю эртақ айтади (Ҳ. Олимжон).

Фақат ва -гина юкламалари бирга келиб (*фақатгина каби*), айириб, чегаралаб кўрсатиш маъносини яна кучайтиради: *у фақатгина ўзини овуттишга урингандай* (А. Мухтор).

Бундай кучайтириш маъноси фақат ва -гина (-кина, -қина) юкламалари бир гапта, гапнинг турли ерида келганида ҳам сақланади: *Ҳа, ўша пайтда агар ҳаётимнинг бирон қиммати, жиндай салмоғи бўлса, у фақат ўша кичик дафтар туфайлигина эди* (А. Мухтор). *Фақат дарахтлар, ариқлар, кўприкларгина таниши* (А. Мухтор).

Фақат юкламаси ўрнида ёлғиз сўзи қўлланиши ҳам мумкин: *Отабек ёлғиз меҳмонхонада ётиб кун кечириш билангина қолмади* (А. Қодирий).

Аниқлов юкламаси (худди, нақ). Бундай юкламалар ўзи мансуб бўлган сўзнинг маъносини аниқлаб кўрсатиш учун қўлланади.

Худди юкламаси: а) аниқлаб кўрсатиш маъносини билдиради: *Уғли отасининг худди ўзи. Утган кун кечаси худди шу ерда катта мажлис қилинди (Ойбек). Ешлар маориф бўлимига худди мўлжалланган вақтда, соат ўнбирда етиб келдилар (П. Турсунов).*

б) чоғиштириш (қиёс) маъносини билдиради (бундай чоғда у -дек, -дай аффикси билан ясалган ёки каби, сингари кўмакчилари билан бирга бошқарилган отлар ва олмошлардан олдин келади): *Теварак-атрофда кетмон ураётган, замбиллаб, қоплаб тупроқ ташиётган одамлар ҳам, худди Рўзиматдай, жадаллаб ишлар эди (А. Қаҳҳор). Аллақандай жозибадор... бир дарахтни силкитди (Ойбек). Сидиқжон хийла ергача, худди тўсатдан уйғонган каби, гаранг бир аҳволда борди (А. Қаҳҳор). Сидиқжон қипқизариб, худди фавқулодда бир нарса кўрган сингари, кўзанинг ичига қаради (А. Қаҳҳор).*

Шунингдек, худди юкламаси кучайтириш маъносини билдириши ҳам мумкин: *Звенолар ишини, худди ойнада кўриб тургандай, яққол намоён қилди (Ойбек).*

Нақ юкламаси ҳам худди юкламаси ўрнида келади ва у англатган маъноларни билдиради: *...итларнинг улуши нақ миясида шанғиллаб туради (А. Мухтор)...Мария Васильевнанинг бу областга, хусусан бу янги районга ишга таклиф қилиб қолиши Ориф аканинг нақ кўнглидагидай бўлди (А. Мухтор).*

Баъзан эса бу юклама «роса», «тўла» маъноларини англатади: *Сентябрь ойлари ишқомларда барг кўринмас, шигил ҳусайни, ҳар боши нақ бир сават бўларди (А. Мухтор).*

Гумон юкламаси. Гумон юкламаси -дир барча сўз туркумларига қўшилиб кета олади ва у ўзи алоқадор сўзга гумон, аниқсизлик маъносини беради: *Насимжон болалардан биттасининг қулоғига нимадир шивирлади. Бола уқдим, дегандай бошини қимирлатиб, қаергадир ўқдай учди (Ойбек).*

Инкор юкламаси. Инкор юкламаси на-на уюшиқ бўлақлар ёки айрим содда гаплар олдида такрорланиб келиб, бу бўлақлар ёки гаплар англатган инкор маъносини уқдириб кўрсатади: *Бу ерда на том, на дераза бор эди (А. С. Пушкин). Унинг эсига на севги, на истироҳат келди (Ойбек). Кўчадан якка ўзи қўлини силкитиб кетаётган Ванянинг ажойиб чеҳрасини на Клава, на бошқа киши кўрарди (А. Фадеев).*

МОДАЛ СЎЗЛАР

Гап маълум бир фикрни англатиш билан бирга, бу фикрга сўзловчининг муносабатини ҳам акс эттиради. Сўзловчининг ўз фикрига муносабатини ифодаловчи маънога модал маъно дейилади (латинча *modus* — «ўлчов», «усул»). Бунда англатилаётган фикрнинг аниқлиги, чинлиги, шартлилиги кабилар объектив воқеликка қиёсан баҳоланади. Шуларга кўра, модаллик сўзловчининг воқеликка субъектив-объектив муносабатини ифодалайди.

Модал маънолар морфологик, синтактик ва лексик усуллар билан ифодаланади. Бу усуллар ўзаро зич боғланган.

Модалликнинг морфологик ифодаланиши дейилганда одатда майл категорияси, шунингдек, замон категориясининг ички тармоқланиши назарда тутилади. Бу грамматик категориялар асосан морфологиянинг феъл баҳсида, шунингдек, синтаксиснинг гап баҳсида ўрганилади.

Гап маълум интонацион тугалликка эга. Гапнинг кузатилган мақсадга кўра турларида интонация ҳар хил бўлади. Модалликнинг синтактик ифодаланишига тааллуқли бўлган ва ўзаро чамбарчас боғланган бу икки ҳодиса — гапнинг кузатилган мақсадга кўра турлари ва интонация — грамматиканинг синтаксис қисмида ўрганилади.

Модал маънонинг лексик усулда ифодаланиши икки хил:

1. Махсус сўз билан ифодаланади. Булар модал сўз деб аталади.

2. Бирор туркумга (масалан, отга, сифатга) мансуб сўз орқали ифодаланади. Булар одатда ё модал маъноли сўз бўлади, ёки контекстга кўра модал маъно ифодалаб келади.

Сўзловчининг ўзи англатаётган фикрнинг аниқлигига, чинлигига ишонч даражасини ифодалаш учун хосланган сўз модал сўз дейилади.

Модал сўз фикрнинг чинлиги, аниқлиги, қатъийлиги ёки гумонли, чамали эканлиги каби маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади, шакл жиҳатдан ўзгармаслиги билан характерланади.

Модал сўз гап бўлаги вазифасида келмайди, гап бўлаклари билан синтактик жиҳатдан боғланмайди ҳам; одатда бутун гапга тааллуқли бўлиб, кириш бўлак вазифасида келади.

Модал сўзлар ифодалаган маъноларига кўра дастлаб қуйидагича группаланadi:

1) фикрнинг аниқлигини ифодалаш учун хизмат қилувчи модал сўзлар;

2) фикрнинг ноаниқлигини ифодалаш учун хизмат қилувчи модал сўзлар.

Фикрнинг аниқлигини ифодалаш учун хизмат қилувчи модал сўзлар ёрдамида:

а) фикрнинг ростлиги, реаллиги тасдиқланади: *дарҳақиқат, ҳақиқатан, ҳақиқатда, филҳақиқат* (архаизм), *нафсамбирига* (ҳозир истеъмолдан чиқиб бормоқда), *муҳаққақ, воқеан* (кейинги икки сўз эски луғавий бирликка айланган) каби: *Дарҳақиқат, бу мажаронинг бошқа оқибатлари ҳозир унинг кўзига ўз-ўзидан барҳам топган ва топаётгандай кўринар эди* (А. Қ а ҳ ҳ о р);

б) фикрнинг қатъийлиги таъкидланади: *шубҳасиз, сўзсиз, шаксиз* каби. *Бу, шубҳасиз, бизнинг ютуғимиз* (А. Қ а ҳ ҳ о р);

в) англатилаётган воқеликнинг юз беришига ишонч билдирилади: *албатта* (шеъриятда баъзан албат шаклида ҳам учрайди) каби: *...Лекин жигар ...Эсга тушса, ачинаман, албатта* (У й ғ у н);

г) англатилаётган воқеликнинг юзага келиши табиий эканини ифодалайди: *ўз-ўзидан, табиий* каби: *Табиий, Ефим Ефимович ҳам бу янги дўстларидан осонликча кўнгил узолмас эди* (Х. Н а з и р);

д) фикрнинг чинлиги, реаллиги эслатилади: *ростдан ҳам, дарвоқе, аслида* (*асли, аслан*; кейинги шакли архаизмга айланган) каби: *Дарвоқе, бу гап раиснинг уйида ҳам айтилган эди* (С. Н а з а р).

Фикрнинг ноаниқлигини ифодалаш учун хизмат қилувчи модал сўзлар ёрдамида:

а) фикрнинг тахминий экани билдирилади: *шекилли* (сўзлашув нутқида *шекил* шакли ҳам учрайди), *чоғи, чамаси* каби: *Ҳа, яна бир таъзирингни берадиган бўлдим, чамаси!* (У й ғ у н);

б) фикрнинг гумонли экани билдирилади: *эхтимол, балки* каби. *Балки у ерларда кўп дилбар Манзаралар жилва қилгандир...* (У й ғ у н);

в) фикрнинг тусмолли экани билдирилади: *хойна-хой, афтидан, мазмуни* каби. *Шарофат, афтидан, бунақа гаплар билан Сиддиқжоннинг ғашига тегмоқчи, шу ерда бирон можаро бошлаб, дод солмоқчи эди* (А. Қ а ҳ ҳ о р);

г) фикрнинг чинлигига гумон ҳам, ишонч ҳам билдирилади: *ҳар қалай, ҳар ҳолда* каби. *Жаҳоннинг катталиги аниқ ўлчанганча йўқ, ҳар ҳолда, бир солдатнинг қалбидан кичик бўлур* (Ғ. Ғ у л о м).

Модал сўз гап бўлаклари билан синтактик жиҳатдан боғланмаган бўлади, кириш бўлак вазифасида келади. Фикрнинг аниқлигини ифодалаш учун хизмат қилувчи модал сўзлар одатда нутқ оқимида пауза билан ажралиб туради, шунга мос равишда бундай

модал сўзлар ёзувда ҳам вергул билан ажратилади: *Зокир ота тўғри айтадилар. Ҳа қ и қ а т а н, бизни мактабдагина эмас, чойхонада, кўчада, далада — ҳамма ерда ўқитишда илми етадиган муаллим керак (А. Қаҳҳор). Мана бориб кўрарсан. Х о й н а х о й, меникига тушмасдан кетмассан?! (Уйғун) Билдимки, афсона, қўшиқ ва ўйин жон топган у шахло кўзлардан, ш а к с и з (Шайхзода).*

Баъзан модал сўз нутқ оқимида пауза билан ажралиб турмайди, шунга мос ҳолда ёзувда ҳам кўпинча вергул билан ажратилмайди. Шунда ҳам модал сўз гап бўлаклари билан синтактик жиҳатдан боғланмайди, гапга модал маъно беради. Модал сўзлар пунктуациясини ягона қоидага бўйсундириш мақсадида бундай модал сўзларни ҳам ёзувда вергул билан ажратиш тавсия қилинади. Фақат *балки, шекилли* модал сўзларигина истисно тарзида вергул билан ажратилмаслиги тўғри бўлади. Акс ҳолда сунъийлик туғилади. Масалан, қуйидаги гапларда модал сўзларни пауза билан айтиб ва вергул билан ажратиб ёзиб кўринг: *Урмонжон, бу соатнинг тўғрилигига шубҳаланди ш е к и л л и, ўз соатига қаради (А. Қаҳҳор). Балки сиз, сизир ҳам гапирадими, дерсиз («Муштум»).*

Модал сўз диалогларда, олдинги фикрга муносабатни ифодаловчи жавоб тариқасида якка ўзи келганида ҳам кириш сўзлик ҳолатини сақлайди, гап бўлиб келиш эса унинг иккиламчи синтактик вазифаси бўлади. Бундай вазифада *албатта, шубҳасиз, эҳтимол, балки* каби модал сўзлар келади. *Ҳаммангиз ҳам бир варакай тўй қиласиз! — Албатта! (Уйғун). Ишчан, жуда-жуда ишчан одам. Ишнинг кўзини билади. Колхознинг бутун ҳисоб-китоб ишларини шу элаб турибди. — Эҳтимол, — деди Урмонжон кўлимсараб. — Лекин идора ишида унинг ишчанлигини кўрмадим (А. Қаҳҳор).*

Агарда бундай жавобларнинг тўлиқлигини тикласак, яъни фикрнинг ўзини ҳам қайтарсак, модал сўзнинг моҳият эътибори билан кириш бўлак вазифасида экани аниқ кўринади. Юқоридаги мисолларда тўлиқ (фикрни ҳам ўз ичига олган) жавоб *Тўй қиламиз, албатта!; Эҳтимол, эплаётгандир* каби бўлиши керак (бу мисолларни *Ҳа, албатта; Йўқ, албатта* каби жавоблар билан ҳам қиёсланг).

Изоҳ. Иккиламчи синтактик вазифа ҳар бир бўлакка хос. Бирор бўлакнинг бундай вазифада келиши кўпинча диалогик нутқда воқе бўлади: *Етов, Айтгандек, сизни бир зарур иш билан Равшанжон излаб юрган эди. Аъзам. Мени-я? (Туйғун).* Бу диалогнинг биринчи қисмида *сизни* тўлдирувчи вазифасида келаётир; иккинчи қисм бўлиб келган *мени* ҳам тўлдирувчи, ammo бу ўринда якка ўзи гап вазифасини ҳам ўтаб турибди. Бу унинг иккиламчи синтактик вазифасидир. Қуйидаги диалогда *ким* гап бўлакларидан эга, айни вақтда у гап

вазифасида ҳам келаётир: *Ширмон Қачон келади? Ҳамдамов. Ким? Уртоқ Жўраевми?* (И. Султон). Бундай иккиламчи вазифа айниқса кесим учун табиий: *Етов. Аъзам Мансурийни биласизми? Равшан. Билман* (Туйғун).

Модал сўзлар кўп эмас. Шуларнинг ҳам маълум қисми ўзаро синонимия муносабатида: *чамаси, чоғи; шубҳасиз, сўзсиз, шаксиз; ўз-ўзидан, табиий; ҳақиқатда, ҳақиқатан, дарҳақиқат* каби.

Синоним модал сўзларнинг бир қисми ўзаро маъно қиррасида, кўпчилиги эса нутқда ишлатилишига кўра фарқ қилади. Масалан, *шубҳасиз, шаксиз, сўзсиз* синонимларидан охиригида маъно кучлироқ; фикрнинг қатъийлиги ҳеч қандай эътирозга ўрин қолдирмаган ҳолда таъкидланади, аввалгиларида қатъийлик бу даражада эмас. *Эҳтимол, балки* синонимларидан *балки* модал сўзи асосан гапнинг бошланишида келади, *эҳтимол* модал сўзининг ўрни эса эркин: гапнинг бошланишида ҳам, ичида ҳам, тугалланишида ҳам кела олади.

Бадий асарда модал сўз автор нутқида (пассив нутқда) эмас, балки асосан персонаж нутқида (актив нутқда) учрайди. Чунки кўпгина модал сўзлар асли сўзлашув нутқида хос бўлган (*шекилли, ростдан ҳам, ҳар қалай, хойна-хой* каби). Ҳозирги тилда адабий нутққа хос модал сўзлар ҳам анчагина кўпайган (*сўзсиз, шубҳасиз, табиий, ҳақиқатда* каби). Баъзи модал сўзлар нутқ кўринишларининг барчасида ишлатилаверади. Масалан, *албатта, эҳтимол, балки* каби модал сўзлар шундай хусусиятга эга.

Модал сўзларни нутқда оз-кўп учраши жиҳатидан актив ва пассив модал сўзлар деб ҳам группалаш мумкин: *албатта, эҳтимол, дарҳақиқат* кабилар актив, *чоғи, дарвоқе* кабилар эса пассив модал сўзлардир.

Модал сўзларнинг ишлатилишида яна қуйидаги хусусиятлар ҳам бор:

1) бир модал сўз такрорланиб келади. Бунда маъно кучайтирилади: *Кўнглингизга келмасин-у, извошга эшак қўшиб бўлмайди.— Тўғри! Албатта-албатта...* (А. Қаҳқор);

2) бир гапда биттадан ортиқ модал сўз қатнашади. Бундай ҳолат сўзлашув нутқининг хусусиятини акс эттиради: *Нима учун айбингизга иқрор бўлмадингиз?— Мазмун, мағрурлик, ўжарлик халал берди, чамаси...* (Уйғун). *Канизак, афтидан, шунга айтмоқчи эмас эди шекилли, ноилоҳ «ҳа» деди* (А. Қаҳқор). Модал сўзнинг ҳар хил маъно тури қатнашса, гап мураккаб модал маънога эга бўлади;

3) модал сўз эмоционал маънони ифодаловчи сўз билан биргаликда келади. Бунда ҳам маъно кучайтирилади: *Дадавой ака, мен сизни виждонли, инсофли, партия ва ҳукуматга садоқатли киши деб ўйласам бўладими?— Бўлмасамчи! Албатта* (Уйғун).

4) модал сўз юклама олиб келади: *Ҳа қ и қ а т а н ҳ а м* чолнинг меҳнат қилаётгани кўриниб турарди (С. Назар). Яхшиям келганларинг-а! Анчагина фойдаларинг тегди.— *А л б а т т а*-да. Ҳайт деган туяга мадор,— деб қўйди Бобоқул ота (Ҳ. Назир).

Модал сўзлар асосан қуйидаги сўз туркумларидан ўсиб чиққан:
1. От туркумидан. Булар модал сўзларнинг асосий қисмини ташкил этади. Бунда модал сўз:

1) туб негизга тенг бўлади: *эҳтимол* каби;

2) аслида келишик формасидаги (арабча тушум келишиги формасидаги) сўз бўлиб, ўзбек тили нуқтаи назаридан туб негиз деб қаралади: *ҳақиқа т а н* каби;

3) аслида олд кўмакчи билан келган сўз бўлиб, ўзбек тили нуқтаи назаридан туб негиз деб қаралади: *д а р ҳақиқат*, *д а рвоқе* каби. Архаик модал сўз *ф и л ҳ а қиқат* ҳам асли арабча олд кўмакчи, аниқлик артикли ва негиздан тузилган (*ф и а л ҳақиқат*). Бу сўзлардаги олд кўмакчилар мазмунан ўзбекча ўрин келишигига тўғри келади;

4) аслида ясама негизга тенг бўлади. Бундай ҳолларда ясама сўз модал сўзга асос бўлади: *шубҳасиз*, *шекилли* каби;

5) аслида негиз ва турловчи аффиксдан тузилган бўлади, шу шаклида қотиб, ўз туркумидан ажралиб чиқади. Бундай модал сўз таркибидаги турловчи аффикс ўз грамматик моҳиятини йўқотади (ўз маъносини сақламайди, бошқаси билан алмашмайди ҳам), энди у сўзнинг материал қисмига ўтиб кетади (морфемаларга этимологик жиҳатдангина ажралади). Бундай модал сўзларнинг кўринишлари қуйидагича:

а) негиз ва III шахс нисбатловчисидан тузилган бўлади: *чама-си*, *мазмун* каби;

б) негиз ва ўрин ёки чиқиш келишиги аффиксидан тузилган бўлади: *ҳақиқат д а*, *рост д а н* каби (кейинги модал сўз кўпинча *ростдан* ҳам шаклида юклама билан келади);

в) негиз, нисбатловчи ва келишик аффиксидан тузилган бўлади. Бундай ҳолларда ҳам III шахс нисбатловчиси, ўрин ёки чиқиш келишигининг аффикси қатнашади: *аслида*, *афтидан* каби.

2. Отдан бошқа туркумлардан ўсиб чиққан бўлади:

1) сифатдан ўсиб чиққан модал сўз: *табиий*, *муҳаққақ* (архаик) каби (ҳар иккиси туб негиз деб қаралади);

2) равишдан ўсиб чиққан модал сўз: *албатта* каби;

3) феълдан ўсиб чиққан модал сўз: *хойна-хой* (тожикча *хоҳи-нахоҳи* сўзининг сўзлашув нутқида фонетик ўзгариши билан ҳосил бўлган);

4) боғловчидан ўсиб чиққан модал сўз: *балки*.

3. Сўз тушириш натижасида туғилган модал сўз: *ўз-ўзидан* каби. Бу модал сўз *ўз-ўзидан аниқ* каби бирикувдаги иккинчи қисмининг тушиб қолиши йўли билан якка сўз ҳолига келган.

4. Сўз бирикмасининг қўшма сўзга айланиши йўли билан туғилган модал сўз: *ҳар қалай*, *ҳар ҳолда* (кейингиси қўшма сўзга ўтиш процессида), *нафсамбирига* (асли *нафсуламри*) каби.

Модал сўзлар ўз моҳиятига кўра сўз типларининг алоҳида бир группасини ташкил қилади. Номинативлик (ниманидир номлаш) модал сўзларга хос эмас. Улар гап бўлаги бўлиб келмайди. Бу томонлари билан мустақил сўз туркумларидан фарқ қилади.

Маъно ва вазифалари жиҳатдан модал сўз кўмакчи ва боғловчилардан ҳам тубдан фарқ қилади: кўмакчилар сўзларнинг, боғловчилар эса сўзларнинг ёки гапларнинг муносабатини кўрсатиш учун хизмат қилади; модал сўз бўлса сўзловчининг англатилаётган фикрга муносабатини ифодалайди, гапга бутунасиचा тааллуқли бўлади.

Модал сўз ундовга бирмунча ўхшайди. Ундов сўз ҳам, модал сўз ҳам гап бўлаклари билан синтактик жиҳатдан боғланмаган бўлиб, гапга бутунасича тааллуқлидир. Бу нуқталарда улар ўзаро ўхшаш. Фарқ ифодаланадиган маънода. Ундов сўз гапирувчининг турли ҳис-ҳаяжонини ифодалайди, модал сўз бўлса фикрнинг аниқлиги-ноаниқлиги каби томонларини ифодалаб, баҳолаб келади. Ундов сўз гапнинг эмоционал (ҳиссий) томонини шакллантиришда қатнашса, модал сўз гапнинг интеллектуал (ақлий) томонини шакллантиришда иштирок этади.

Ўз моҳияти билан модал сўз юкламаларга яқин. Шу туфайли бу иккиси кўпинча биргаликда тасвирланади. Аммо модал сўз билан юкламаларни тенглаштириб бўлмайди: юкламалар ранг-баранг маъноларни ифодалайди, шулардан баъзиларигина модал маънога яқин келади, иккинчидан, юклама кўпинча мустақил ишлатилмайди, бирор сўзга тиркалиб юради, учинчидан, юклама ифодалаган маъно бутун гапга бевосита тааллуқли бўлмай, аввало ўзи тиркалиб келган бўлакнинг маъносини бўрттиришга хизмат қилади ва шу бўлак орқали бутун гапга тааллуқли бўлади, тўртинчидан, юкламага қарата бирор синтактик вазифада келиши тўғрисида гапириб бўлмайди ва бошқалар.

Бирор туркум сўзи асосида модал сўз шаклланиб етган бўлса, энди айни бир сўзнинг икки маъноси ва икки синтактик вазифаси ҳақида гапириш тўғри бўлмайди; бундай ҳолларда омонимия ҳосил бўлганини эътироф этиш лозим. Буни қуйидаги мисолларда аниқ кўриш мумкин: 1) *Сиддиқжон Самандаровга бақрайиб қараб турар, а ф т и д а н, унинг бу ерга нима учун келганини ю з и д а н билишга ҳаракат қилар эди (А. Қ а ҳ ҳ о р).* 2) *Унинг а ф т и д а н: «Оббо Раҳим чатоқ-эй,... қойил қилган экансан-ку...» — дегандай ҳавасланиш акс этиб кетди (Ҳ. Н а з и р).* Биринчи мисолдаги *афт*-дан модал маъно ифодалайди, у морфемаларга ажралмайди. Иккинчи мисолдаги *афтидан* номинатив маъно англатади, у морфемаларга ажралади ва ҳар бир морфема ўз маъносида келади (*афт + и + дан*). Иккинчи мисолдаги *афтидан* сўзи биринчи мисолдаги *юзидан* сўзининг синонимидир. Биринчи мисолдаги *афтидан* модал сўзига эса *мазмуни* модал сўзи синоним бўлади. Биринчи мисолдаги *афтидан* гап бўлаклари билан синтактик боғланмаган, гап бўлаги вазифасида келмаган (кириш бўлак бўлиб келган). Иккинчи мисолдаги *афтидан* эса гап бўлаги (тўлдирувчи) вазифа-

сида келган. Модал сўз фақат шу бир шаклда ишлатилади, от сўз эса бундан бошқа жуда кўп шаклларга (сон, нисбатланиш, келишик формаларига) кира олади. Демак, бу иккиси (*афтидан* — *афтидан*) орасида ҳозир фақат шаклий (айтилиши ва ёзилиши жиҳатдан) ўхшашликкина қолган, энди булар омонимга айланган.

Яна бир мисол: *Мурод ота ёмғир ёғиш эҳтимолини айтиб, йўлдан қайтаришга уриниб кўрди* (О. Ёқубов). *Булуғларнинг ҳаракати бежо. Ҳализамон тепамиздан қуйиб берса ҳам эҳтимол* (Ҳ. Назир). *Эҳтимол, сўзинг тўғридир* (Уйғун). Биринчи мисолда от сўз қатнашган. Иккинчи мисолда ҳам от сўз қатнашаётир, аммо у модал маънони англатиб келмоқда. Бундай маъно бу сўзнинг синтактик вазифасига боғлиқ ҳолда юзага келади. Бу от сўздан модал сўзнинг ўсиб чиқиши худди шу позиция ва маънога асосланади. Авваллари шарт майли формасидаги феъл билан (*борса, эҳтимол* каби) боғланиб юрган бу сўз бошқа формадаги феъллар билан ҳам (*борар, эҳтимол; боради, эҳтимол* каби) кела бошлаши модал сўзнинг шаклланишига йўл очган. Энди бу сўз гап бўлаги (ёки гап бўлиб келиш) вазифасидан чиқиб, кириш бўлак вазифасига ўтади, натижада унинг контекстдаги ўрни ҳам эркин бўлиб қолади (*боради, эҳтимол; эҳтимол, боради* каби). Хуллас, маънода, формада, вазифада ажралиш воқе бўлиб, омонимия юзага келади (*эҳтимол* — от, *эҳтимол* — модал сўз).

«Модал сўз» ва «кириш бўлак» тушунчалари ўзаро тенг эмас: биринчиси морфологик ҳодиса бўлса, иккинчиси синтактик ҳодисадир. Кириш бўлак вазифасида, модал сўздан ташқари, турли туркум сўзлари кела олади («Содда гап»нинг «Кириш бўлак ва кириш гаплар» баҳсига қаранг). Модал сўз кириш бўлак вазифасида келувчи сўз типларидан биридир, холос. Демак, ҳар бир кириш бўлак модал сўзга тенг бўлавермайди; кириш бўлак билан модал сўзнинг ўзаро муносабати бутун билан қисм муносабатидекдир.

Қуйидаги сўз типлари модал сўзлар қаторига киритилмайди:

1) Фикрларнинг ўзаро муносабатини кўрсатувчи сўзлар:

а) умумлаштирувчи фикрга ўтишни кўрсатувчи сўз: *хуллас, демак, бинобарин, қисқаси, умуман* каби;

б) изоҳловчи фикрга ўтишни кўрсатувчи сўз: *масалан, жумладан, чунончи* каби;

в) зид фикрга ўтишни кўрсатувчи сўз: *аксинча* каби;

г) фикрларнинг тартибини кўрсатувчи сўз: *аввало, авваламбор, ниҳоят* каби.

2) Эслатишни, эътибор жалб қилишни билдирувчи сўзлар: *айтгандай, айтмоқчи, зотан* каби.

3) Таъкид билдирувчи сўзлар: *хусусан, айниқса, асосан* каби.

4) Эмоционал маъно ифодаловчи сўзлар: *кошки, зора, яхшики, хайрият, ҳайтовур, аттанг, афсуски, ажабо, оббо, бўлмаса(м)чи* каби.

Юқорида саналган сўз типлари мавжуд классификацияда бирор туркумга киритилмайди. Аммо шу асосда буларни модал сўз-

лар қаторига қўшиб қўйиш ҳам тўғри бўлмайди. Синтактик вази-
фадаги умумийлик (кириш бўлак бўлиб келиш) бу сўз типларини
модал сўзлар билан бирлаштиришга ҳуқуқ бермайди. Чунки кириш
бўлак вазифасида турли туркум сўзлари келаверади. Масалан,
фикримча (*фикрингча, фикрича*) кабилар от туркумига, *менингча*
(*сенингча, унингча...*), *нима, бу, шу* кабилар олмош туркумига,
билишимча, айтишларича кабилар феъл туркумига, *рост, тўғри,*
дуруст, тузук, маъқул кабилар сифат туркумига, *тағин, яна* каби-
лар равиш туркумига мансуб сўзлардир (*майли, хўп, бўпти, бас*
кабилар яна бир алоҳида гуруҳни ташкил этади). Булар кириш
бўлак вазифасида келиши билан ўз туркуми доирасидан чиқиб
кетмайди. Модал сўз эса, кириш бўлак вазифасида келишидан
қатъи назар, бирор туркумдан ўсиб, ажралиб чиқади ва алоҳида,
янги бир туркумни шакллантиради.

Масалан, қуйидаги гапда *тўғри* сўзи модал маънони ифодалаб
келаётир, аммо бундай маънонинг ифодаланиши контекстга боғлиқ
бўлиб, ҳали сифатнинг модал сўзга ўтганини ёки бу сифат асосида
модал сўз туғилганини кўрсатмайди (модал маънонинг гавдалани-
шида юклама ҳам катта ҳисса қўшаётир): *Тўғри-да, ахир кун-
га неча марта ўзгариб турувчи серёгин апрель ва май кунлари
ўтиб кетди-ку* (Ҳ. Назир).

Қуйидаги гапда *бу* сўзи кириш бўлак бўлиб келаётир (янги
фикрга эътиборни жалб қилиш учун ишлатилган), аммо уни модал
сўз деб бўлмайди, албатта: *Хат? Қанақа хат? Ҳа... Йўқ, хат йўқ,
қизим... Бу, холам қанилар?* (Уйғун). Мана бу гапда *барибир*
сўзи гўё кириш бўлак вазифасида келгандек кўринади (шу сабаб-
ли ёзувда бу сўз кўпинча вергул билан ажратилади), ҳақиқатда
эса бу сўз равиш ҳоли вазифасида келиб, гапда одатдаги ўрни ўз-
гарган, холос (шунга кўра, уни ҳатто кириш бўлак деб ҳам бўл-
майди): *Сен бу ишга ярамайсан барибир. Ундан кўра рассомли-
гинг тузук* (Ҳ. Назир). Қиёсланг (*одатдаги тартиб*): *Биз уни
барибир ўқитамиз* (О. Еқубов).

Зарурият маъносини ифодаловчи *керак, даркор, зарур, лозим*
каби сўзлар ҳам модал сўз эмас, балки модал маъноли сўздир.
Чунки модал сўздан фарқли равишда юқоридаги сўзлар гап бўла-
ги бўлиб ёки гап бўлагини таркибида келади, демак, гап бўлаклари
билан синтактик боғланади. Масалан, *боришим керак ёки бориш
керак* каби конструкцияларда *керак* сўзи кесим составида келади
(биринчиси — шахсли гап, иккинчиси эса шахсиз гап), *китоб ке-
рак* каби конструкцияларда *керак* сўзи кесим вазифасида келади.
Модал сўз эса бундай вазифаларда келмайди.

Модал маъноли сўзлар тилда анчагина: *шубҳа, ишонч, гумон,*
тусмол (булар — от), *рост, тўғри, ҳақ, чин* (булар — сифат), *ишон-
моқ, шубҳаланмоқ* (булар — феъл) каби. Санаб ўтилган типдаги
сўзлар ўз лексик маъносига кўра модал маънони англатиб тура-
ди. Аммо бу сўзлар англатган маънолар номинатив (номлаш) ва-
зифасини бажаради: от предметни, сифат предметнинг пассив
белгисини, феъл предметнинг ҳаракатини номлайди. Модал сўздан

эса номинатив маъно англашилмайди. Гарчи модал маъно англа-
са ҳам, модал маънони ифодалаш учун ишлатилса ҳам, юқорида-
ги каби сўзлар ўз туркуми доирасида деб қаралади.

Масалан, қуйидаги биринчи гапда феъл, иккинчи гапда сифат
модал маънони англадиб, ифодалаб келган: *Фикрларинг тўғри
кўринади (Уйғун). Аммо, ростки, юрагимда бояғи ваҳима
йўқэди (Х Назир).*

Одатда гап вазифасида келувчи қайдам сўзи ҳам асли модал
маъноли сўздир: «*Турсунали қани?*»—«*Қайдам, билмадим...*»
(Уйғун). Бу гапдаги ҳар икки сўздан ноаниқлик, гумон маъноси
англашилади. Бундай маънони у сўзларнинг лексик маъноси бе-
ради. Шунда ҳам қайдам сўзи бу маънони ўзича англаверади,
билмадим (билмасам) кабиларда эса контекст (нутқ ситуацииеси)
ва интонация муҳим роль ўйнайди.

УНДОВ

Ундовлар кишиларнинг ҳис-туйғуларини, буйруқ-хитоб, ҳайдаш, чақириш маъноларини ифодалайди. Шунингдек, расм-одат билан боғлиқ бўлган турлича муносабатларни билдиради. Булар ичида энг кўп ишлатиладигани эмоционал, яъни ҳис-туйғу ундовлари ҳисобланади.

Ундовлар махсус туркум сифатида ўзига хос хусусиятлари билан бошқа сўзлар группаларидан фарқланади. Улар лексик жиҳатдан номинативликни кўрсатмайдиган сўзлар группасида бўлса, грамматик жиҳатдан ўзгармайдиган сўзлар қаторига киради.

Соф ундовлар келишик, эгалик ва кўplik аффиксларини олмайди. Бундай аффиксларни олиш учун улар аввало отлашиши керак (*оҳ-воҳларингни қўй, додингни кимга айтасан* каби).

Бошқа сўзлар билан грамматик алоқага кира олмаслиги, гапнинг бирор бўлаги вазифасини бажара олмаслиги ҳам бу сўз туркумининг асосий хусусиятларидан ҳисобланади. Ундовлар отлашганда гапнинг бош ёки иккинчи даражали бўлаги вазифасини бажариши мумкин.

Ўзбек тилида мустақил сўз туркумлари махсус сўз ясалиш системасига эга. Лекин ундовларда бу хусусият йўқ.

Ундовлар, асосан, бошқа сўзлар билан биргаликда бирикмалар ҳам ташкил қила олмайди. Фейллардан, асосан, *демоқ*, айрим вақтлардагина *урмоқ, тортмоқ, солмоқ* феъллари билан бирикиши мумкин: *Оҳ де дим овора бўлдим. Дод-вой солмоқ, уф тортмоқ, оҳ урмоқ* каби.

Ундовлар интонация жиҳатидан жуда ҳам ранг-барангдир. Бир ундовнинг турли хил интонация билан талаффуз қилиниши уларнинг маъносига катта таъсир қилади. Масалан, *Оҳ, қандай гўзал баҳор* гапидаги *оҳ* ундовининг маъноси билан *Оҳ, золим фалак, йиқил бошимга* (*Уйғун, И. Султон*) гапидаги *оҳ* ундовининг маъноси бир хил эмас. Биринчи гапдаги ундов хурсандчилик, роҳатланиш маъносини билдирса, иккинчи гапда у норозилик ҳис-туйғусини ифодалашга хизмат қилган.

Ундов интонация жиҳатидан ўзи бирга келган гап билан боғланган бўлса-да, кўп ҳолатларда у гапнинг бошқа бўлақларидан ўзига хос интонацияси билан ажралиб ҳам туради. Интонация

баъзан айрим от ёки феълларнинг ундов вазифасида келиши учун восита бўлади:

Қ а р а н г-а! Писанд қилмасдан, ишонмаслик (Газетадан).

Мари дейилди, сафланингиз, йўқолсин сўз бўҳтони.

— *Нотиқлар жим!*

Ўртоқ Маузер, сизга сўз, қани! (В. В. М а я к о в с к и й).

Юқорида айтганлардан ҳамма ҳолатларда ҳам ундовларнинг маъносини аниқлашда интонация ҳал қилувчи ўринда туради, деган хулоса келиб чиқмайди. Ундовлар маъносини аниқлашда контекстнинг ҳам аҳамияти катта. Бундан ташқари, ундовлар маъноси, оттенкасини белгилашда турли хил мимика ва имо-ишораларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Бошқа сўзлар ҳамма вақт ҳам ундовларга ўтавермайди. Бошқа сўз туркумларидан ундовларга ўтган сўзлар махсус интонация билан талаффуз қилинади ва шу билан боғлиқ равишда улар асл лексик маъносидан бошқачароқ маъно англатади. Масалан, «Комиссия» сўзи от сифатида маълум тушунчани англатади ва эмоционал оттенкага эга эмас: *Халқ контроли комиссияси ўз ишини бошлади.* Лекин *«Комиссия! Энди нима қиламиз»* гапидан эса комиссия сўзи эмоционал оттенкага эга бўлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, ундов кўпинча ўзига хос мимика билан айтилади. Мимика ундовнинг маъносини кучайтириб ёки сусайтирибгина қолмай, уларнинг ўз маъносига ҳам таъсир этади. *«Б а й-б а й-б а й, бунақа сомсани емаганимга неча йил бўлди экан»* (А.Қ а ҳ ҳ о р) гапидан кишининг роҳатланганлиги, лаззатланганлиги кўриниб турибди. Аммо шу гапни гапира туриб, юзни буриштириш билан бошқа бир маъно ифодаланади.

Ундовлар бошқа сўз туркумларига ўтганда улардаги экспрессив мазмун йўқолади.

Нутқда ундовлар ифодалиликни кучайтириш учун хизмат қилади. Ундовлар кишининг ҳис-туйғусини ифодалашдан ташқари, баҳолаш муносабатини билдириш хусусиятига ҳам эгадир.

Ундовларнинг маънога кўра турлари

Ҳозирги ўзбек тилидаги ундовлар англатган маъноларига кўра икки катта группага бўлинади: эмоционал ундовлар, императив ундовлар. Булардан ташқари, бу икки группага ҳам киритиш мумкин бўлмаган ва алоҳида группани ташкил қилувчи ундовлар ҳам бор. Бундан ташқари бир ундов турли ўринда турли хил ҳис-туйғу билдириши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам бир группага кирган ундов баъзан бошқа бир группага алоқадор бўлиши мумкин.

Эмоционал ундовлар. Кишиларнинг ҳис-туйғусини, эмоция ва руҳий ҳолатини билдирувчи ундовлар эмоционал ундовлар бўлиб, энг катта группани ташкил қилади. Бу группаларга кирган ундовлар маъно жиҳатидан жуда ҳам ранг-барангдир. Яъни улар завқланиш, қувонч, хурсандчилик, ачиниш, шафқат, хайрихоҳлик, мамнуният, ҳузур, ажабланиш, ҳайратланиш, таажжуб, койиш, қойил

қолиш, шодланиш, миннатдорлик, ташаккур, қўрқиш, чўчиш, афсусланиш, норозилик, эътироз, жирканиш, нафратланиш, газаб, ўкинч, алам, пушаймон, ғам, қайғу, мусибат, кулфат, дард, зарда, ҳазар, нолиш, зорланиш, шикоят, ҳасрат, даҳшат, ваҳима, танбеҳ каби хилма-хил маъноларни ифодалайди.

Шу икки группа ичида интонация билан боғлиқ равишда икки хил — ўрни билан ижобий ёки салбий ҳис-туйғу ифодаловчи ундовлар ҳам мавжуд.

Ижобий — хайрихоҳлик билдирувчи ундовлар ташқи оламдан олинган таассуротлар натижасида пайдо бўлган турли хил ички кечинмаларни билдиради. Бу кечинмалар бир хил бўлмагани каби уларни ифодаловчи ундовлар ҳам бир хил эмас. Ижобий эмоционал ундовлар контекст ва интонация билан боғлиқ равишда маънода қуйидагича нозикликларга эга бўлиши мумкин:

1. Шафқат, меҳрибонликни ифодалайди: *Ие, сизмисиз, нима қилиб юрибсиз, довдираб?— деди шўх кулиб (Ш. Фуломов). О бечора. Бошига теккан эканда-а? (Р. Файзий). Воё-ей болам бояқиш-эй, бир кунда нақ ит азобини кўрибсан (П. Турсун). Эҳ, ойижонгиним, тезроқ қанотингизга кириб қарашай деб еттинчини битириб билим юртига кирдим (С. Кароматов). Воё ўз фойдасини билмаган махлуқ-эй!.. (А. Муқимов).*

2. Севинч, хурсандчилик, завқланиш, ҳавасни ифодалайди: *Воё, бутунлай бекииб қўйдинг-ку, жоним,— карашма билан деди Насрин (С. Қўжағўз).— Ҳо, келинингизга мунча меҳрибонсиз? (П. Қодиров) Уҳ-ҳў... исмигни ҳам унутмасиз-а? (Л. Толстой) Эҳе, иш катта-ку!— деди у таққа тўхтаб (Ойбек).— Ҳо, ўзининг пўпчимдан айланай (Р. Файзий). Э, Қудрат ака, сизмисиз? (М. Исмоилий) Писмиқнинг юзи тиржайди, суюниб:— Ҳо тақсир,— деди (М. Исмоилий).*

3. Қойил, қолиш, роҳатланишни ифодалайди: *Ҳай-ҳай, овқат, овқат...— деди Эшон шошилиб (П. Турсун).— Воё, Амалей, сенга кишининг ҳаваси келади-я (С. Жамол). О, жуда бадавлат экансиз-ку! (Шуҳрат).*

4. Мамнуният, фахрланиш, мағрурланиш, хайрихоҳликни ифодалайди: *Эҳа, Валахоним ҳам Шарқ гўзалларидан бўлибди-қўйибди,— деди жилмайиб у (Ойбек). Эҳ, Дўлан, Дўлан, Тяньшаннинг баҳайбат бели (Ч. Айтматов). Эҳе, хуш келибдилар, жаноблари!— деди ўрнидан қўзғалиб мударрис (Ойбек).— Уҳў, яйрамаган йигит йўқ (Е. Шукуров). Уҳ-ҳў, шу ердаям сендан хабар олиб турадиган одам топилибди-да (С. Жамол). Воё, қўйиб қўйгандек-а! (А. Несин) Эҳе... ишқилиб омон бўлаймик-у, хизматингиз сингсин-да (П. Турсун). Ҳа-я,— дер эди кўпчиликнинг дили,— нега Тошмамат ижтимоий имтиёздан бебаҳра қоларкан?! (А. Муқимов) — Эҳа,— кулиб юборди у.— Эшонхон ошиқдир-да, сенга... (Ойбек). У, Иссиқкўл қирғиз диёри — сўнмас қўшиғи (Ч. Айтматов).*

5. Ундаш, огоҳлантириш, тасдиқни ифодалайди: *Ҳай-ҳай, қиз-*

лар, юлишиб кетманглар,— деди Шакархон Бегимхоннинг қўлидан ушлаб (И. Раҳим). *Ҳай-ҳай, ундоқ дема!*— деб унинг гапини бўлди Шаҳринисо хола (Мирмуҳсин). *Ҳа, мисс... уни олиб қўя қолинг* (Соҳиб Жамол). *Ҳа, энди биз тентак бўлсак, ўзимизга сийлов, нажот бей* (С. Қўжағўз).

Ундовларнинг бошқа бир группаси сўзловчининг воқеа-ҳодисаларга салбий муносабатини, салбий ҳис-туйғусини билдиради. Ундов воситасида ифодаланган инкор қилиш маъноси «йўқ» сўзидаги ёки феълнинг бўлишсан формаси «-ма» аффикси, «эмас» тўлиқсиз феъли орқали ифодаланган инкордек жуда очиқ-ойдин сезилиб турмайди. Салбий — инкор ҳис-туйғусини ифодаловчи айрим сўзларни ҳисобга олмаганда, улардаги маъно асосан контекстда ойдинлашади.

Ундовлар воситасида салбий — инкор эмоциялари қуйидаги каби маъно нозикликларини ифодалаши мумкин:

1. Эътироз, норозилик, шикоят, зорланиш оттенкаси ифодаланади: а) *Ҳа, бу Ортиқ аканг тоза жонимни олди* (П. Қодиров). *Ҳо! Бола бизники-ю, чорасини сиз кўрасизми?* (С. Кароматов). *Во ей, сизам бир қизиқсизки, буви, нима, мени бўри еб кетармиди?*— деди-ю, ҳовли этагига кириб юриб кетди (М. Исмоилий). — *Во ой, ўлсин, эскирган-ку,— деди қиз юзини тескари буриб, кейин хомуш ҳолда аста юриб хонага кириб кетди* (Ойбек); б) *Ҳа, ҳа, нима гап, мунча қовоғингиздан қор ёғилмаса?!— деди кампир шошилиб айвон лабига ўтиргач, сўнг эрига тикилди* (Ойбек). *Ҳай-ҳай-ҳай, меҳмон деган азиз бўлади, сизга не бўлди* (Ойбек). *Во й, анавини,— дейди хотиним ўпкаланиб ва қовоғимни очиб мақсадидида харид қилган нарсаларини мақтайди* (А. Муқимов). *Э, оғайни, унинг шўрини ювиб, қийинчилик-пийинчилишига тоқат қилиб юришининг менга неча пуллик кераклиги бор* (Ш. Фуломов); в) *Уҳ, ўлдим-эй,— деди пойгакроққа ўтириб* (Ойбек). *Ҳо-о-о, бир аравакаш-да, ҳа, сиз тушунгансиз-да?* (С. Кароматов). *Оҳ, жонга тегди,— деди Баҳор йигитга дилини очиб,— имтиҳонларга баҳорда тайёрланишни ким ўйлаб чиқарган?* (Ш. Рашидов). *Э, худо, бандангни итдан ҳам хор қилгандан кўра, кел, ма, оладиган жонингни олиб қўяқол!* (П. Турсун); г) *Оҳ, Пўлат, сен қандай раҳмсизсан!* (Ш. Рашидов). *Во й, устамон-е, айёрлигини қаранг,— ҳайрон қолди Кетрин* (С. Жамол). *Оббо алдамчи-ей! Дунёда ёлғончи одам кўпайиб кетган* (А. Несин).

2. Жирканиш, нафрат, ғазаб, жаҳл, зарда қилиш оттенкалари ифодаланади: а) *Э, э, акиллай берасан-да, Сафар!* (А. Қодирӣй) *Во й башаранг қурсин, нима бало бўлди* (Ойдин). — *Эҳ, бу пул! — бу дақиқаларни у, худди ўша вақтдагидек, даҳшат ва нафрат билан эслади* (А. Толстой); б) *Эҳ, золим бойлар! Сен қабихъ иблисинг ўзисан! — жеркиди Эшонхонни қаҳрланган Жумабой* (Ойбек). — *Ҳе, тақсирламай ўл!* (М. Исмоилий). *Оҳ, лаънати сол бўлмаганда эди!..* (Ш. Рашидов). *О, ношуд ўғил, дўзахи отангинг қилмишларидан беҳабармидинг?* («Шарқ юлдузи»); в) — *Во й шарманда! Уятнинг тагида қолиб кетамиз-ку!*

(П. Қодиров) — *Ҳа, ўзинг гўл!— деди зарда билан махсум (Т. Пўлат).— Ҳа, баччагар, ёлгончи... онанг ўлмаган экан-ку,— деб койиди (П. Турсун).*

3. Ачиниш, афсусланиш оттенкаси ифодаланади: а) ачиниш:— *Ҳе, аттанг, бир марта кийганимни Нигора, Оқилалар кўрмаган бўлса, шуни кийиб борардим (А. Муҳиддин). Оҳ, қизим, мунча ўзингни ўтда ёқасан (Шухрат); б) афсус:— Оҳ, қани энди билсам (С. Жамол).— Эҳ! Уртада ойим бўлмаганда-ку, ўзим билардим нима қилишимни! (О. Ёқубов) У-ў...— деди Холмурод бош чайқаб,— калтакнинг зўрини мен ейманми десам, сен ҳам ер экансан, бояқши... (П. Турсун).*

4. Киноя, кесатик, пичинг, койиш оттенкалари ифодаланади: а) *Оббо сиз-эй, қуённинг ичини ижарага олмоқчиман дегн? (И. Шамшаров). Оҳа, дарси бор эмиш (Ш. Рашидов). О,— деди Барно ва ясама кулди (О. Ёқубов). Э, келардингиз-да, ўртоқ медалист?— деди у баланд овоз билан (У. Умарбеков). Тоғача ўтириб олгач, киноя аралаш чўзиб «ўҳ-ҳў» деди-ю, бош чайқадди (С. Кароматов). Ҳой, ҳай-ҳай... Битта жонига ҳам ўқитувчи, ҳам мухбир, ҳам танқидчи, ҳам олим!.. Борингки, салкам Афлотун! (А. Муқимов); б) Ҳо-о, қачондан буён инсон тарозисининг посангисига қараб тош босадиган бўла қолдингиз (С. Кароматов).— Э, ҳа эшакнинг қулоғига танбур чертибман (Ойбек). У-ҳў, ҳали қулваччага сизнинг раҳмингиз келадиган бўлиб қолдими?— деди бой (Е. Қукуров); в) Ҳой-ҳой, оғир бўлинглар, ота-боласизлар, ахир,— деди оқсоқоллардан бири ўртага тушиб (М. Исмоилий). Ҳо, зумраша, булар-ку, бориб канал қазийди (И. Шамшаров).— Оббо муттаҳам-э! Бунақа найранглар ҳам бўлишини ҳеч билмаган эканман!— деди ҳайратда қолган Али (С. Кўжагўз).*

5. Танбеҳ, огоҳлантириш, кутилмаганлик оттенкалари ифодаланади: а) — *Э, секинроқ гапир, бундан анави икки оёқли тўнғизлар хавфлироқ (Е. Шукуров). Ҳай-ҳай: кўпчиликдан юз ўғирманг (П. Турсун); б) Ҳай-ҳай, Назира буви, шу бўладиган ишми, ё раиснинг қўйини пуч ёнғоққа тўлдириб жўнатдингми? (А. Қаҳқор) Ҳай-ҳай, болам, эсингни едингми,— деди уйга кириб қолган Хосият хола (С. Зунуннова); в) Ия, ҳали... ҳали кампир онамиз... бу ерлик эмасмилар?— сўради Шавкатжон негадир кўзларини катта очиб (А. Муқимов).*

6. Чўчиш, ваҳима, даҳшат оттенкасини ифодалайди: а) *Во-ей, пайкамабман, қўрқиб кетдим... (Ойбек). Во-ей, юрагимни чиқариб юбордингиз-а,— деди (М. Исмоилий). Э,— деди чўчиб Нафиса,— ҳа, кечирадилар (Р. С. Зоҳир); б) Вой, мен энди ўлдим!— деб қочадиган жой қидириб қолди (П. Қодиров).— Э, худойим-ей, энди нима бўлади... (С. Жамол); в) Оҳ! Жаллод!— деб бой аранг ярим ўгирилиб, биқинини ушлаганича ёнига қулаб тушди (Е. Шукуров). О, бу қандай даҳшат! (Чехов).*

7. Ғам-гусса, қайғу-алам, кулфат, зорлик, ўкинч оттенкаларини ифодалайди: а) — *Эҳа, қизларим, менинг кўрганганимни ҳеч ким*

кўрмасин (Ойбек).— Оҳ, жуда ачинарли ҳол, жуда ачинарли... (С. Жамол). Эҳ фалак! Нелар бўляпти?— дея беихтиёр стулга ўтириб қолди (С. Қароматов); б) Воё-ей, юрагим ўйнаб кетяпти (С. Зуннуова) Оҳ, ойижоним, ойим, бу мусибатдан ҳабарингиз борми? (Ш. Рашидов); в) — Оҳ, қани энди у тирилса-ю, бир кўрсам! (Ҳ. Фулом) О, тангрим (А. Мухтор); г) — Оҳ, оёқларимиздаги кишанларнинг ҳалқалари мунча кўп-а! (М. Исмоний) Эҳ, ҳозир ёнида йўқ-да, Содиқжон!.. (И. Шамшаров) — Ҳе, товба, кимсан Мирҳоди эдинг (А. Муҳиддин).

8. Ажабланиш, таажжуб, ҳайратланиш, ранжиш оттенкалари ифодаланади: *Ийи, нима учун? Қарға қарганинг кўзини чўқийдими?* (Ё. Шукуров) *Иэ,— дедим ҳайрон бўлиб,— дадам нега қулоқ оғриғини ўтяти?! (А. Муқимов) Э-э, ака, вақф сандиғининг калити сизларда-ку!* (Ойбек) — *Воё, шунақа оталар ҳам бўлар экан!*— деб ажабланди Холмурод қайтар экан (П. Турсун). *Уҳ-ҳў!*— деб ўрнидан турди терговчи ажабланиб,— *зўрсанку?! (Ё. Шукуров) Уларнинг зиқналиғи, тағин, бай-бай-бай, такабурлиғини, гурурини айтмайсизми?* (Ойбек) *Ие-воё, мана бизникида турасизлар-да,— деди ранжиб Шавкатхон (А. Муқимов).*

Баъзан айрим ундовлар юқоридаги маънолардан фарқли бўлган бошқа маъно нозикликларини ҳам ифодаламоғи мумкин: *Ие, ўзимизни таниттирмабмиз-ку!.. Кечирасиз,— деди новча йигит қўлини кўксига қўйиб (А. Муқимов). Уҳ-ҳў!*— деди Маня худди ўз шубҳасини текшириб кўраётгандай бир минутча шу ҳолатда ўтирди-да, кейин яна гап сўради (И. Ольбрахт). *Воё, у кишининг қанақа ишлари бор экан менда (О. Ёқубов). Ҳай-ҳай, у эзма, у бангидан худо асрасин (М. Исмоний).*

Кўринадики, бир хил ундов контекст билан боғлиқ равишда гоҳ ижобий, гоҳ салбий оттенкали туйғуни билдириш учун хизмат қилади. Лекин ҳозирги ўзбек тилида ундовларнинг шундай группалари борки, улар фақат ижобий туйғуни ёки салбий туйғунигина билдириш учун хизмат қилади. Масалан: *Космос қаҳрамонларига шон-шарафлар бўлсин, ура, ўртоқлар (Газетадан).*

Фактлар шуни кўрсатадики, тилда фақат салбий туйғуни билдирувчи ундовлар ижобий тасдиқ туйғуни билдирувчи ундовларга нисбатан кўпроқдир. Фақатгина ижобий тарафдорлик туйғусини билдирувчи ундовлар сўзловчининг завқланиши, қувончи, мамнунияти, ҳузур, қойил қолиш, шодланиш, розилиғи каби маъноларни ифодалайди.

Тилда турли хил расм-одатлар билан боғланган сўзлар ҳам борки, улар ҳам сўзловчи ёки нотикнинг ҳис-туйғусини ифодалаш учун хизмат қилади: *ҳорманг, бор бўлинг, эсонмисиз, омонмисиз, офарин, баракалла каби.*

Расм-одат ундовларининг бир қисми ҳол-аҳвол сўраш, унга жавоб ва шунга ўхшаш баъзи бир такаллуфларни билдирса, иккинчи бир хиллари рағбатлантириш, миннатдорчилик туйғуларини изҳор қилиш учун қўлланади.

Расм-одат ундовлари қуйидаги маъно оттенкаларига эга бўлиши мумкин: а) сўрашиш: *ҳорманг, бор бўлинг, эсонмисиз, омонмисиз*; б) табрик ва хайрлашиш: *Ассалом алайкум, салом алайкум, ассалом, салом, хайр, хўш, хўп*; в) рағбатлантириш, ташаккур, миннатдорчилик: *марҳамат, раҳмат, ташаккур, шукур, қуллуқ, балли, офарин, баракалло, қойил* каби.

Императив ундовлар. Ундовларнинг бу группаси кишиларга нисбатан уларнинг диққатини тортиш, огоҳлантириш ёки жониворларни бирор ишни бажаришга ундаш, тўхтатиш каби маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. Бундай ундовлар тингловчига (II шахсга) қаратилганлиги билан кўпроқ буйруқ феълларига ўхшаб кетади. Улар турли хил лексик ва грамматик хусусиятлари билан бир-бирларидан фарқ қилади, албатта.

Бу группа ундовлар маъносида ҳаракат билан қандайдир боғлиқлик борга ўхшаб кўринса ҳам, уларда ҳаракатга ундаш ва шу билан қандайдир ҳиссиёт борлиги сезилади.

Императив ундовлар, аввало икки группага ажратилади: 1) одамларга қаратилган ундовлар, 2) ҳайвонларга ва жониворларга қаратилган ундовлар.

1. Одамларга қаратилган ундовларнинг бир группаси (*ҳой, ой, ҳей, алло, эй* каби) кишиларнинг диққатини сўзловчига тортиш учун (улар контекст билан боғлиқ равишда баъзи бир бошқа маънолар ҳам ифодалайди) қўлланиб, вокатив характерга эга бўлса, иккинчи бир хиллари таъкид, буюриш каби маъноларни ифодалайди (*ма, тсс, марш, бос, қани, жим, тек*).

Ҳар бир группа учун мисоллар келтирамиз: а) *Раҳмат, алло, ўртоқ Омонов, салом: Мен, Исқандаровман!* (Е. Шукуров) *Ҳой, Мўйтанлар, котибнинг калласи омонат!* (А. Мухтор) — *Ҳей, менга қара, Гулчеҳра,— деди у* (О. Ёқубов). *Эй, Пўлат,— деди Баҳор кулги аралаш,— уйимизда шундай жанг бўлдики...* (Ш. Рашидов); б) — *Марш! Рассомга мешать этмаларинг* (Х. Назир). *Тисс,— деди Сайёра бармоғини лабига қўйиб,— гап бошлади* (Ҳ. Умарбеков). *Тсс...— деди Қўчқор ваҳимали шивирлаб, ён-верига қаради* (О. Ёқубов);

2. Ҳайвонларга ва бошқа жониворларга қаратилган ундовлар, асосан, ҳайвонларни тўхтатиш, чақиритиш, ҳайдаш, тинчитиш, бирор ишни бажаришга ундаш учун ишлатилади. Ана шу хусусиятларига кўра уларни яна бир неча группаларга бўлиш мумкин:

а) ҳайвон ва жониворларни чақиритиш учун ишлатиладиган ундовлар: *беҳ-беҳ, пиш-пиш, чиги-чиги, ту-ту, гаҳ, куч-куч, маҳ-маҳ* кабилар: — *Беҳ-беҳ,— деб товуқларни донга чақирар ва унинг олдидан бир тўда товуқ қут-қутлашиб дон талашар эди* (П. Турсун).

б) ҳайвон ва жониворларни бирор ҳаракатдан тўхтатиш учун ишлатиладиган ундовлар: *дирр, трр, хўш, так, иш* каби: *Так-так!* — *Гаврилов отнинг жиловини дарров тортди* (Н. Островский);

в) ҳайвон ва жониворларни ҳайдаш, бирор ишни бажаришга

ундаш учун ишлатиладиган ундовлар: *чу, чух, пишт, кишт, хих, хайт, киш-киш* каби: *Мана бўлмасам, мана бўлмасам,—бола шундай деб қичқираркан, чодир олдига етганда уни от қилиб миниб олди.— Чу, ҳа а чу!* (С ан д А ҳ ма д) *Чу, жонивор,— деди кимдир шўхлик билан* (А. Мухтор). *Пишт ҳей, ер юткур* (М. Шолохов). *Уҳў! Қани хих, содиқ эшагим, хих жонга ўзинг ора кир!*— *деди Насриддин афанди* (Л. Соловьев).

Алоҳида группа. Ўзбек тилида шундай ундовлар борки, уларни эмоционал ундовлар составига ҳам, императив ундовлар составига ҳам киритиш мумкин эмас. Бу группадаги ундовлар предметларнинг ўрнини кўрсатиш, бўлиб ўтган воқеани эслатиш, жавобтаъкид маъноларини ифодалайди. Маънодаги айричиликларга қараб бундай ундовларни «Кўрсатиш, таъкид» ундовлари термини остига бирлаштириш мумкин. Бу ундовлар ҳам маълум контекстда ёки махсус интонация ёрдамида ўзи учун типик бўлмаган маъноларни (масалан, сўроқ маъноси) билдириши ҳам мумкин. Биз алоҳида группа сифатида ажратаётган ундовлар ўзларининг маънонозикликлари билан бошқа группалардан фарқ қилса ҳам, структураси, гапдаги вазифаси жиҳатидан (грамматик хусусияти билан) илгариги иккита катта семантик группа билан умумийликка эга.

Алоҳида группа составидаги ундовлар қуйидагича маъноларни ифодалайди:

а) кўрсатиш маъноси:— *Ху анови нашватини қаранг, ҳиди оламни тутуди, бирам пишибдики!* (М. Исмоилий). *Ху, анови ўтларни кўрјасанми,— деди* (У. Умарбеков). *Хув, ана деб дарёнинг кечувини кўрсатди Совка* (Чехов).— *Ху-ув анови қирғоқдаги тунука томларни кўрјасанми, у бизнинг автобазамиз бўлади* (Ч. Айтматов). *Ху, тераклар олдида, чақириб келайми?— деб сўради Эрали* (Ё. Шукуров). *Ховв, ана келишяпти, деди Рустам хиёбонни кўрсатиб* (У. Умарбеков);

б) жавоб, таъкид, мулоҳаза маънолари: *Ҳа-ҳа-ҳа! Кўмир, кўмир, тақсир* (А. Несин).

Бу ундовларнинг баъзилари ҳам контекст билан боғлиқ равишда бошқа (масалан, сўроқ, киноя) маъноларини англатиши мумкин: *Ҳа, Аҳмаджон, бу ерда нима қилиб турибсан?— деди ўқитувчи* (С. Кароматов).— *Хўш-хўш муддаоларини очикроқ айтсинлар,— деди айёр кўзларини ўйнатиб Эшонхон* (Ойбек). *Ана шундай бир мушкулдан Сизни халос этиб қўйилса, ёмон бўлмасди. А, лаббай* («Совет Ўзбекистони»).

Ундовлар таркибига кўра уч хил бўлади: 1) содда, 2) такрорий, 3) жуфт ундовлар.

1. Содда ундовлар морфологик жиҳатдан маъноли қисмларга бўлинмайди: *э! Ҳмм, тсс, эҳа, ўҳў, оҳ, бе, уфф, чух, так, оббо*, каби: *Э, бу ернинг қаери кам Қримдан! Нима дединлар* (А. Муқимов).— *А!*— *бақириб сўради чарм камзулли.— Ким дединг?* (Ш. Тошматов) *Ху-у, уятсизлар* (А. Чехов). *Хо-о,— деди Қимматхон чўзиб,— энди мен «пүф сассиқ» бўлдимми* (Шухрат). *Ҳм... Мирзакаримбойни Тошкентнинг тўрт даҳоси билади* (Ойбек).

Оҳ, отинг ҳам ўзингга ўхшаб чиройли экан... (А. Қодирий).— Уҳ-ҳ нега мен бошқа инсонлардай яшамадим, бахтли бўлмадим (С. Қароматов). Чу, жонивор! Хўжа Насриддинга пошшолар ҳам йўл берганлар (Ҳ. Фулом). Оҳ—ҳо, анвойи хил шойидек сеп ёйиб, жилвасига ўзингиз маҳлиё бўлиб турибсизми сухсур қиз?— деди (И. Шамшаров).— Алло! Алло,— телефонист-канинг овози эшитилди (Саид Аҳмад).

2. Такрорий ундовлар составида ҳеч қандай товуш ўзгарishi юз бермайди. Эмоцияни, экспрессивликни кучайтириш мақсадида ишлатилади: Оҳ-оҳ менинг маликаларим (И. Шамшаров).

Такрорий ундовларнинг компонентлари иккидан ортиқ бўлиши ҳам мумкин: Э-э-э,— қошини чимириб таънаомуз тикилди Манзура (Ойбек).— Ҳай-ҳай-ҳай! Бу нима деган гап?— деб шовқин билан Мадали ака кириб келди (А. Мухтор). Бай-бай-бай, бунча атирга беланмасанг (С. Аҳмад).

3. Жуфт ундовлар: оҳ-ҳо, уҳ-ҳу, ўҳ-ҳў, ай-ҳа, хах-ха, эҳ-ҳа, э-ҳа, вой-бў, вой-бўй, вой-вуй, оҳ-уҳ, вой-дод, эҳ-воҳ каби:— Ох-хо мўъжиза-ку!.. Қаердан олдинг таажжубланди Ромеш (Р. Тагор).— Вой-буй, бу дунёдаги исрофгарчиликни қаранг, исрофгарчиликни!.. («Шарқ юлдузи») Ҳеҳ-ҳа, яхши дам олиш ҳам гап эканми,— жавоб берди Аҳмаджон нотаниш кишига ёнбошидан қўл чўзиб... Сиз йўлланма деб нақ боғи эрам калидини бердирган экансиз (А. Муқимов). — Эҳ-а! Миртожибойнинг қизиман, денг, ўхшамасиз! (Е. Шукуров) А-ҳ-а!— деди Сайёра (Ҳ. Умарбеков).

Баъзан ундовларнинг уҳ-ҳу-у-ҳу, вой-э-вой-э, вой-вой-эй! каби кенгайган ҳолда такрорланиши ёки жуфтланиш ҳолатларини ҳам кўрамиз: Уҳ-ҳ ўй-ў, қўйинг-э! Мен узоқ кетмайман-ку! («Шарқ юлдузи»). Вой-вой-эй (Ҳ. Умарбеков).— Вой-ей, вой-воей, шуниям билмасанг, марг сендек тарбиясиз туғилганга! («Чаккига дакки») Вой-э й-в ой-э й!.. деб ноумид бир уҳ тортди ва қаттиқ ачиниш билан илова қилди:— Шўрғинам қурсин менинг! (М. Горький).

Ундовлар гапнинг бошқа бўлаклари билан бирор грамматик восита орқали алоқага киришмайди. Фақат умумий гап мазмуни билан маълум даражада боғланиб, баъзан у асосий гапнинг эквиваленти, баъзан эса шу гапнинг умумий якуни сифатида қўлланади. Ундов гап составида келганда шу гапдан ифодаланган умумий маънога сўзловчининг муносабатини билдиради, унга эмоционал бўёқ беради.

Гап составида, бундан ташқари, ундовлар ундалма, препозитив юклама вазифасини ўтайди.

Гапдан ташқарида эса ундовлар ўзига хос интонацияга эга бўлган бир составли сўз-гап тарзида шаклланади. Ундов соф ҳолда бир саволга жавоб бера олмайди ва гапнинг бирор бўлаги вазифасини ҳам бажаролмайди. Ундов бутун гапга тегишли бўлиши билан, яъни гапда ифодаланган умумий мазмунга нисбатан сўзловчининг салбий ёки ижобий эмоциясини билдириши билан модал сўзлар ва юкламаларга ўхшайди.

Ундовлар гапнинг бошида, ўртасида ва охирида кела олади.

Улар гапнинг бошида келганда ҳам, ўрта ёки охирида келганда ҳам гапнинг умумий мазмуни билан контекстуал боғлиқ бўлиб, кишининг турли ҳис-туйғуси, ҳайдаш, чақирриш каби маъноларни ифодалайди: *Ҳо, Адолат, тузликни бер, шакарга жиндак туз сепиб қўйай, жуда ширин бўлиб кетибди!*. (И. Раҳим) *Эҳ-е, ҳали тонг отишига икки соат бор* (Е. Шукuroв). *Дўппи тикиш, енгил-а, ҳай-ҳай палакнинг машаққати* (Ойбек). *Зумрад деганда ақлимни йўқотаман. Қомати кўрганни девона қилади. Айниқса, ййини, аҳа-аҳ...* (Ойбек).

Вокатив ундовлар гап ичида сўзловчи бирон кишининг эътиборини ўз нутқига қаратиш учун ҳам ишлатилади. Бундай ундовлар ҳамма хусусияти билан ундалмаларга ўхшаб кетади: *Эй, нимага овора бўляпсиз?— югуриб қўлидан олди Умматали* (Шуҳрат). *Ҳой, нега бегонага иш буюрасиз-а?* (П. Турсун).

Ундовлар ундалма каби ишлатилганда нутқ кимга қаратилгани унча аниқ бўлмайди. Нутқ кимга қаратилганлигини контекстан билиб олиш мумкин бўлса ҳам, лекин конкретлик от-ундалмалардагича бўлмайди. Шунинг учун бўлса керак, бундай ундовлардан сўнг конкретликни юзага келтириш учун от-ундалмани ҳам қўллашга тўғри келади. Демак, бу ўринда ундов билан от-ундалма бири иккинчисини тўлдиради: — *Эй, биродар, йшоқда юрганларингизнинг таъсири урибди, орқада қолибсиз* (Шуҳрат). *Э, қизларим, нега қочасизлар мендан?* (Ойбек) *Ҳой, бола, тилингени тий, тилинг бошингени ейди!* (П. Турсун).

Ундовлар отлашгандагина гапнинг бирор бўлаги вазифасини бажариши мумкин: *Саломлар бўлсин!* (С. Кўжағўз) — *Э, ҳорманглар, йигитлар, ҳорманглар* (О. Еқубов). *Ортиқча оҳ-воҳнинг ўринсиз эканлигини энди тушунди. Хоҳласангиз «ҳаъга, хоҳламасангиз «қарши»га қўл кўтаринг* (П. Турсун). *Москвада яқин кунлардаги учрашувларимиздан бирида анъанавий «Ассалому алайкум ва алайкум ассалом!»дан кейин у бирдан...* (К. Яшин).

Ундовларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг ундов гап сифатида (яъни сўз-гап сифатида) ишлатилишидир.

Ундовлар ёлғиз ишлатилганда турли хил ҳис-туйғу, буйруқ-хитоб, расм-одатларни билдирувчи сўз-гаплар саналади. Аммо ёлғиз ундов орқали ифодаланган гап мазмуни эшитувчи учун ҳам, сўзловчи учун ҳам номаълум бўлади. Шунинг учун, ундовдан кейин ёки аввал келган бошқа гаплар орқали — умумий контекст орқали фикр конкретлашади.

Ундовлар мустақил гап сифатида мазмун жиҳатидан доим сўроқ, таажжуб ёки эмоция билдирувчи сўроқ ва ундов гаплар бўлади. Аммо ҳеч қачон улар дарак гап бўла олмайди. Ундов гаплар қўшма гап составида алоҳида содда гап, кўчирма гапли қўшма гаплар составида кўчирма гап, бир составли содда гап каби кўринишларга эга бўлади. Ундов гаплар структурасига кўра биргина ёки бир неча ундовлардан ташкил топган бўлиши мумкин. **Ҳатто** баъзан биргина товушдан ташкил топган ундовлар ҳам гап бўлиб

кела олади. Ундов гаплар алоҳида гап сифатида ҳам, қўшма гап составида ҳам бошқа гаплар билан мазмунан алоқадор бўлади. Формал жиҳатдан эса бирор грамматик восита орқали эмас, балки интонацион алоқада бўлади: *Эҳ, ойиси жуда тошбағир хотин-да!* *Э, худо* (Ш. Сиддиқий) *Ҳа, ҳаромзода Анвар уни йўлдан оздириб, бу ердан ҳам олиб қочибди...* *Ҳарчанд ичкарини излаб ушбу хатдан ғайри асар топмадик. Эвоҳ!* (А. Қодирий).

Баъзан ундов гап бир эмас, бир неча ҳар хил ундовлардан ташкил топади. Бундай вақтда уларга бир составли ундов гап сифатида қаралаверади. Чунки улар бир нечта бўлсалар ҳам бир хил — ё ижобий, ё салбий эмоцияни билдиради, холос: *Уф, вой-вой, уф жоним!* (Ойбек).

Ундовларнинг кўчирма гап каби қўлланиши ҳам ҳар хил кўринишга эга.

1. Ундов кўчирма гап. Бунда автор гапи билан бирликда қўлланиб, кўчирма гапли қўшма гап составида келади. Бу хил ундов гаплар биргина ундовдан ёки икки ундовдан ташкил топиши мумкин: *А!*— *Жамолиддин Маҳдумнинг кўзлари чақнаб кетди* (М. Исмоилий). *Ассалому алайкум,— деди, қўлини узатди Пўлат* (Ш. Рашидов). *Марҳамат,— деди аёл катта оғзидан бурқситиб тутун чиқараркан* (М. Раҳмон, Ё. Хаймов).

Икки ундовдан ташкил топган ундов гапларни состав жиҳатидан иккига бўлиш мумкин: а) такрорланган ундов гап: *Салом, салом!*— *деди Улмас уялиб* (Ё. Шукуров). *Раҳмат, раҳмат,— деди Ғафуржон ака истараси иссиқ хушмуомала бу одамнинг кимлигини, қаерда кўрганлигини эслолмай, лекин сўрагани уялди* (Ҳ. Умарбеков); б) семантик жиҳатдан бир группага бирлашадиган икки хил ундов гап: *Раҳмат, баракалло!*— *деди ҳожи* (Ё. Шукуров).

2. Диалогик нутқда биргина ундовнинг ўзи автор гаписиз, тўлиқсиз гап каби қўлланади: *Элмурод, болаларга чест бериб, олдинда саман отда келаётган оқ кийимли командирга салом берди.*

— *Салом!* (П. Турсун)

Мен сизни ўқитиб саводингизни чиқариб қўяман. Сиз юртингизга саводли бўлиб борасиз. Маъқулми?

— *Бе!* (П. Турсун)

Ундовлар кўчирма гап сифатида автор гапидан аввал, автор гапининг ўртасида, автор гапидан сўнг кела олади: *Раҳмат,— деди Умид,— бизнинг кошонага ҳам кўз ташлаб қўярсиз* («Шарқ юлдузи»). *Ниҳоят, Раҳмат!*— *дедим* («Тоғ йўлларида»). *Адолат паранжасини бошига илар экан, Гуарни қучоқлади. — Раҳмат!* (С. Зуннунова) ва б.

ТАҚЛИД СЎЗЛАР

Кишилар, бошқа жонли ва жонсиз предметлар ва ҳодисалар чиқарган товушлар тақлидини — уларнинг турли хил кўриниши, ҳолат, ҳаракатлари тасаввурини ифодаловчи сўзлар тақлид сўзлар дейилади.

Тақлид сўзларнинг бир хили товушга тақлидни кўрсатса, иккинчи бир хили эса ҳаракат-ҳолат ва ҳодиса образига тақлидни кўрсатади. Шунга кўра улар икки хил бўлади: 1) товушга тақлид сўзлар; 2) образга тақлид сўзлар.

Товушга тақлид сўзлар. Булар кишилар, жониворлар, нарса ва ҳодисаларнинг чиқарган товушларига шартли равишда тақлид қилиш натижасида пайдо бўлади: *қарс, тарс-тарс, тиқ, тук-тук, дук-дук, қарс-қурс, кирт-кирт, шилл-шилл* каби.

Товушга тақлид сўзларни қай ҳолатда, ниманинг товушига ёки тақлид қилаётган бир жинсдаги нарсаларнинг ўзаро фарқларига қараб яна бир неча турларга бўлиш мумкин. Яъни уларнинг бир қисми жонли (инсон, ҳайвон ва бошқа жониворлар), иккинчи бир қисми эса жонсиз предметларнинг товушларига тақлид натижасида пайдо бўлгандир.

1) Жонли предметлар товушига тақлид сўзлар:

а) кишиларнинг ҳаракатларидан пайдо бўлган товушларга тақлид сўзлар: *Ҳусайн Бойқаро товоқни кўтариб, қатиқни чинакам иштаҳа... «ҳ ў р-ҳ ў р» ичар экан, дарвиш ғор оғзига чўққайиб, жаврай бошлади (О й б е к). Чол сочиқ билан ўраб қўйилган чойнакдан хотини қуйиб узатган бир пиёла илиқ-милиқ чойни қ ул т қ ул т қилиб ютди (Ҳ. Фу л о м). Шўх жувон экан шекилли, чолни масхара қилиб, п и қ-п и қ кулибди (Ҳ. Фу л о м). Ҳоким қ а ҳ-қ а ҳ уриб кулди (М. И с м о и л и й).*

б) турли ҳайвон ва жониворлар товушига тақлид сўзлар *Мо-о-о! Бехосдан Кураштена томонидан сигир маъради (С. Анорбоев). Сидиқжон шундай қаттиқ кулдизи, бурчакда кулча бўлиб ётган мушук шошиб ўрnidан турди ва Сидиқжонга қараб «м и ё в» деди (А. Қ а ҳ ҳ о р). Арчанинг орасида яна сайради: какрик акри-какри — жинсдошларини чақиради (С. Анорбоев).*

2) Жонсиз предметлар товушига тақлид сўзлар.

Жонсиз предметлар товушига тақлид қилиш асосида пайдо бўлган сўзлар бир неча майда группачаларга бўлинади:

а) қаттиқ предметлар товушига тақлид сўзлар. *Занжир тик этиб тушиб, дарвозанинг бир тавақаси очилди* (Ҳ. Фулом). *Бу товушининг эгасидан илгари «тўқ» этиб ҳасса кирди* (А. Қаҳҳор). *Шамол ўймакор даричанинг тавақаларини бир-бирига уриб тарақат уруқ билан ёнди* (Ойбек).

б) ҳар хил механизмлар, моторлар, транспорт қабиларнинг ҳаракатидан ва қуроллардан ўқ узниш пайтида пайдо бўлган товушларга тақлид сўзлар: *Машина ҳадемай тўлди, гулдиради, қарс-қарс қилди-ю, орқасидан кўк тутун пуфлаб жўнади* (А. Қаҳҳор). *Бир маҳал ит товуши билан мотоциклнинг тиртири қулоғимга кирди-ю, юрагим шув этиб кетди* (М. Шолохов). *Трубкадан фақат дид-дид деган сигнални эшитавериб хуноб бўламиз* («Мустум»);

в) газсимон предметлар ва суюқликлар ҳаракатидан пайдо бўлган товушга тақлид сўзлар: *Шамол юзга ғир-ғир урар* (Ш. Саъдулла). *Гув-гув шамол деразага, эшикка урилади...* (Ҳ. Фулом). *Юқоридаги бир-бирига бирлашиб турган қўш харсанг тагидан виқир-виқир қайнаб сув чиқмоқда* (С. Анорбоев). *Шу ернинг ўзига, гулханнынг бир чеккасида қумғонингиз вақвақ қайнайди* (Ҳ. Фулом).

Товушга тақлид сўзларнинг бу классификацияси уларнинг ҳамма семантик группаларини ва хусусиятларини ўз ичига бекамуқўст қамраб олмайди. Бу ўринда товушга тақлид сўзларнинг кишилар ҳаётида тез-тез учраб турадиган группалари келтирилган. Ҳақиқатда эса, ҳаётда бу классификациядан четда қоладиган тақлидий сўзлар ҳам учрайди: *Амиркон ковушини фарж-ғурж босишда ва узум доналарини тишлари орасида чарс-чурс эзишда қандайдир бир тажанглик, бетоқатлик бор эди* (М. Исмоилий). *Кўзларини оғиргина ҳаракатлантириб, кетма-кет чип-чип тўкилмоқчи бўлган хазонларга қаради ва ҳар бир япроқни юқоридан кузатиб, ерга қўй берди* (А. Қаҳҳор). Юқоридаги мисолларнинг биринчиси бирор нарсанинг эзилишидан ҳосил бўлган товушни кўрсатса, иккинчиси баргнинг ерга тушишидан ҳосил бўлган товушни кўрсатмоқда. Қуйидаги мисоллар эса яна бошқача характерга эга: *Ўғилларни жиз-биз ва димоқларни қитиқлаган ёқимли ҳид қучоқ очиб қарши олди* (М. Исмоилий). *Чирт-чирт ёнаётган пилигини сал кўтариб қўйиб...* *Утапни ҳам, Орловни ҳам жонсарақ назар билан кўздан кечирди* (Ҳ. Фулом). *Карнайнинг ваҳат-ваҳо, ваҳу-ваҳа деган товуши эшитилди* (А. Қаҳҳор). *Фат этган карнайчи, балога қолган сурнайчи* (Мақол).

Образга тақлид сўзлар. Товушга тақлид сўзлар эшитиш билан боғланган ҳодисаларни ифодаласа, образга тақлид сўзлар кўриш билан боғланган ҳодисаларни ифодаляди. Предметларнинг ҳолат, ҳаракат, ташқи кўринишининг ҳамда ёруғлик тасвирининг образли ифодаси сифатида майдонга келиб, тилда кенг қўлланувчи *лип-лип, ялт-ялт, пилдир-пилдир, ханг-манг* типдаги сўзлар образга тақлид сўзлар ҳисобланади.

Турмушда ҳаракат ва ҳолат формалари қанчалик кўп бўлса,

тил ҳам уларни ифодаловчи сўзларга шунча бойдир. Масалан, *аланг-жаланг* — кишининг бирор нарсадан ҳадиксираб ёки ҳайрон бўлиб, турли томонга қарашини ифодаловчи образга тақлид сўз; *жилпанг-жилпанг* — баъзи кишиларнинг бошқа шахсларга ўзини яхши кўрсатиш учун қилган ноўрин ҳаракатининг образли ифодаси; *лапанг-лапанг* — одатда гавдали, тўла кишининг ёки бошқа бирор жониворнинг бесўнақай юришининг образи: *жимир-жимир* — сувнинг маълум ҳолатда кўриниши; *ялт-юлт*, *милт-милт*, *лип-лип* — ёруғликнинг турли хил образини; *мўлт-мўлт* — маълум ҳолатдаги (зорланиб, мадад сўраб) қарашни ифодаловчи образга тақлид сўзлардир.

Образга тақлид сўзлар семантикасидаги бу ҳар хилликларга кўра бир неча группага бўлинади:

а) ҳаракатни, унинг характеристикасини билдирувчи образли сўзлар. Бу сўзлар кўпроқ кишиларнинг, нарса ва жониворларнинг юриши ва бошқа хил ҳаракатларидаги турли ҳолатларнинг образли ифодаланиши сифатида майдонга келади: *лип-лип*, *лоп*, *ликанг-ликанг*, *шип-шип*, *қилпанг-қилпанг*, *саланг-саланг*, *жилдир-жилдир*, *лапанг-лапанг*, *ғивир-ғивир*, *дик-дик*, *лик-лик*, *қилп-қилп* кабилар: *Саидий л и п этиб каттакон бутанинг тагига кириб кетди* (А. Қ а ҳ ҳ о р). *Магазиндан шилт этиб чиқиб кетишининг сабаби ҳам шунда эди* («Муштум»). *Нигоранинг лаблари учди, киприклари п и р-п и р қилар, кўзларидан д у в-д у в ёш тўкилди* (С. А н о р б о е в). ...*Ўйлаб бораётиб эди олдидан, бир газадан, л о п этиб бир одам чиқиб қолди* («Маликаи айёр»);

б) киши ва бошқа предметларнинг ҳолатини, ташқи кўринишининг тасвирини ифодаловчи образга тақлид сўзлар. Булар, асосан, нарсаларнинг тинчлик, мувозанат ҳолатини тасвирлайди: *Қудрат қанотлари л а н г очилган каттакон темир дарвоза олдида тўхтади-ю, бирдан Ғуломжоннинг икки билагидан ушлаб, юзига тикилиб туриб сўради* (М. И с м о и л и й). *Унинг қоғозидан чизилган боғларда мевалар қ и л-қ и л пишар эди* (М. И с м о и л и й). *Бу эртақ, афсоналардан баъзи бирлари бора-бора турмушга сингиб, у р ф о д а т г а айланиб кетадики, уларнинг афсоналигини ҳам, чинлигини ҳам фарқлай олмай ҳанг-манг қоласиз* (Ҳ. Ғ у л о м). *Қандай ярамас қабоҳат! Шу маҳалгача сезмаганимга ҳайронман! — деб ўйлади Ғуломжон. Ўйлади-ю, шу бўйи данг қотиб қолди* (М. И с м о и л и й). *Вакил ж и қ-ж и қ терлаб, қизариб-пишиб, гоҳо кўтарилди, гоҳо босилди* («Муштум»).

в) ёруғлик тасвирини ифодаловчи тақлид сўзлар. Бу группага образли сўзларнинг асосий қисми тўсатдан бўлганликни, кескинликни, бир лаҳзаликни билдиради.

Бундан ташқари образга тақлид сўзларнинг юқоридаги гуруплари киши ва бошқа нарсаларнинг ҳаракат ва ҳолатини ифодаласа, бу группа ёруғлик образини ифодаловчи сўзлар сифатида майдонга келади: *У тиниқ кўкда сузаятган тўлин ойга, ж и в и р-ж и в и р нуқра юлдузларга, қор босиб ётган чўққига, настга, сой бўйидаги қоронғи олчазорларга тикилди* (Ҳ. Ғ у л о м). *Букун қуёш*

хатто бирон минут ҳам «й и л т» этмади (Ойбек). Уртадаги катта текис тош лампа л и п-л и п ёнмоқда (С. Анорбоев). Қоғозни қаттиқ ғижимлаб печкага отди. Аланга л о п этиб қоғозни қоплади (Ойбек). Пастда Қўксой алвидо деб қичқирар, осмондаги якка-дуikka юлдузлар унга ачингандек м и л т-м и л т қиларди (С. Анорбоев).

Тақлид сўзларнинг семантикасини аниқлашда кўп ўринларда контекст ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бир товуш комплексининг ўзи турли ўринда турли хил маъно англатиши мумкин. Бир тасвирий сўз маълум ўринда товушга тақлидни билдирса, бошқа ўринда унга омоним сифатида нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракат-ҳолат образини ифодалайди. Бу маъно эса контекстда ойдинлашади. Чоғиштиринг: *Девор гу п этиб қулади* (товушга тақлид сўз) — *гу п-гу п қор ёғмоқда* (образли сўз); *Ош бур қ-бур қ қайнамоқда* (товушга тақлид сўз) — *Бур қ-бур қ тутун тарқалди* (образли сўз).

Тақлид сўзлар тузилишига кўра қуйидагича бўлади:

Содда тақлид сўзлар. Бу сўзлар асосан *этмоқ, демоқ* ёрдамчи феъллари билан бирикиб келади. Баъзан эса *қилмоқ* ёрдамчи феъли билан ҳам бирикади (тақлид сўзларнинг мустақил феъллар билан бирикиши ўзбек тилида кам учрайди).

Тақлид сўзлар ёрдамчи феъллар билан бирликда қўшма феълларни ташкил қилади ва кескинлик, бир лаҳзаликни ифодалайди. Сўз охиридаги геминация ҳодисаси ёки интонациясининг характери билан содда тақлид сўзларнинг маъносида ҳам давомлиликни кўрсатиш хусусияти пайдо бўлиши мумкин: Масалан: *тарrrrrr, ғирrrrrr, иммм, шифfff, тизз* (геминация), *мо-о-о, ку-у-уҳ, ду-уу-уд* (интонация) каби.

Тақлид сўзлар маъносидаги давомлилик асосан уларнинг такрорланиши натижасида юз беради. Масалан, *тақ* бир марта эшитилган товушни ифодаласа, *тақ-тақ* унинг бирдан ортиқ бўлганини билдиради.

Содда тақлид сўзлар ҳам бир неча хил формада қўлланади:

а) туб ҳолда қўлланувчи тақлид сўзлар. Бундай тақлид сўзларга асосан бир бўғинли образга ва товушга тақлид сўзлар киради: *Вой адаси, бизни етим қилиб кетган адаси!*.. *деб дод солар, фарёд чекар, қишлоқ жувонлари, кампирлар унга қўшилиб ув тортишар эди* (Ҳ. Ғулом). *Фермага яқинлашганда ба, бу деган товуш эшитилди* (Оғзаки нутқдан). *Лекин орадан уч-тўрт кун ўтгач, ичида бир нарса пақ этди-ю, ишламай қолди* («Муштум»). *Боланинг эси нима-ю, ёзги чақмоқ нима: ярқ этади-ю, ҳамма ёқни бир ёритиб яна ўчади* (М. Шолохов). *Чунки осмондан шир этиб ёмғир ёғди дегунча югур-югур, ёзлик клубларда давом этиб турган севикли кружок машғулотларини тўхтатиш лозим* («Муштум»);

б) қўшимча структура элементига эга бўлган содда тақлид сўзлар. Бундай тақлид сўзлар юқоридаги группадан икки томонлама фарқ қилади. Биринчидан, маънода фарқ қилса (масалан, бунда

кескинлик уларга нисбатан кучлироқ), иккинчидан, бу хил тақлид сўзлар структура жиҳатидан (ундош+унли+ундош+ундош) фарқ қилади: *Унга «Нигора қилмаган бўлсачи» деган шубҳа ҳам ёпишган эдики, касалхона эшиги ғ и й т этиб очилди* (С. А н о р б о е в).

*Поп қ у л т этиб тупугини ютибди,
Черткига ўз пешанасин тутибди* (А. С. П у ш к и н).
*Бир киши ёзса мени, аё Муштум,
Биласанки, ўша кунни мен п ў р т учдим* («Муштум»).

Бир бўғинли тақлид сўзларга *-ир, -(а)нг* каби қўшимча маъно оттенкалари берувчи структура элементларининг қўшилиши билан икки бўғинли тақлид сўзлар ҳосил бўлади.

Такрорий тақлид сўзлар. Тақлид сўзлар такрорланганида ҳаракат образини, товушнинг бир неча марта бир хилда, бир текисда такрорланганлигини, давомлиликни кўрсатиш учун хизмат қилади. Бундан ташқари, такрорий тақлид сўзлар миқдорни кучайтиришни ҳам кўрсатиши мумкин.

Такрорий тақлид сўзлар асосан идантик (ўхшаш, бир хил) характерда бўлади. Бир хил такрор формал томондан икки кўринишга эга: а) оддий такрор. Бунда маълум ҳодисанинг бир текисда такрорланганлиги ифодаланади: *миёв-миёв, чўп-чўп, қирт-қирт, лип-лип, гув-гув, зир-зир, чип-чип* каби; б) кучайтирув элементли такрор. Бир хил товуш ёки ҳаракат образини кучайтириб кўрсатиш, ундаги тезликни таъкидлаш учун такрорнинг компонентларидан бирига бир унли товуш орттирилади: *тақа-тақ, тасира-тусир, гурсо-гурс, шақа-шақ* каби.

Товуш ёки ҳаракат давомлилигини янада кучайтириб кўрсатиш учун кучайтирувчи элемент ҳар иккала компонентга ҳам орттирилади: *фирра-фирра, гуппа-гуппа, шартта-шартта* каби. Бир хил такрорланган тақлид сўзлар компонентларнинг бир-бирига бўлган муносабатига қараб икки гурпага ажралади. Бир хил такрорланган тақлид сўзларнинг баъзи бирларининг компонентлари одатда алоҳида-алоҳида қўлланмайди: *биж-биж, виж-виж, дағ-дағ, жав-жав, ға-ғу* каби.

Бир хил такрорланган тақлид сўзларнинг иккинчи бир хиллари борки, уларнинг компонентларини алоҳида қўллаш мумкин: *миёв-миёв, дув-дув, фир-фир, инга-инга, қулт-қулт, лип-лип, чиқ-чиқ, шип-шип, тиқ-тиқ, тақ-тақ, ғақ-ғақ, пўк-пўк, жиз-жиз, шолоп-шолоп, шарт-шарт, гур-гур, чўп-чўп, ялт-ялт, милт-милт, финг-финг* кабилар.

Жуфт тақлид сўзлар. Бу тип тақлид сўзлар бир ҳодисанинг турли хил ўзгариб туришини, биргина товуш ёки образли ҳаракатнинг гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиши, баъзан эса яқинлашиши ёки узоқлашиши каби ҳолатларни ифодалайди. Бу ҳолат эса, жуфт тақлид сўзлар компонентларидан бирининг составидаги унли ёки ундош товушнинг ўзгариши, баъзан иккинчи компонентга бир ундош орттирилиши орқали юз беради.

Ўзбек тилида жуфт тақлид сўзлар қуйидаги йўллар билан юза-

га келади: а) унлилар ўзгариши билан: *ғарч-ғурч, тақ-туқ, тарс-турс, вағир-вуғур, шолоп-шулуп*; б) ундошлар ўзгариши билан: *ғивир-шивир, чирт-пирт, ғинг-пинг*; в) иккинчи компонентнинг бошланишига бир ундош орттирилиши билан: *аланг-жаланг, апил-тапил, апир-шапир*; г) аралаш йўл билан: *қий-чув, ғиж-бадабанг, ғовур-шувур* каби.

Тақлид сўзлар компонентларининг бир-бирига муносабати ва қўлланишига кўра учга бўлинади:

1. Ҳар икки компоненти ҳам мустақил қўллана оладиган жуфт сўзлар: *ғовур-ғувур, шов-шув, аланг-жаланг, ғивир-шивир, вағир-шағир*.

2. Компонентларидан фақат биттаси мустақил қўллана оладиган жуфт тақлид сўзлар: *ивир-шивир, шақир-шукур*: Улар ҳаракати тезлашди, ҳамма ёқни темирнинг шақир-шукур садоси қоплади (Ойбек). Карнайчилар ҳам чиқишибди, ват-вутлари билан халқ шодлигини кўкларга кўтарди (М. Исмоилий).

Асосий маънони қайси компонент англатишига қараб бу хил тақлид сўзлар иккига бўлинади:

а) асосий маъно биринчи компонентда бўлган тақлид сўзлар: *Орамизда ҳали ишни орқага сурувчи ваъдабозлар, бел оғритмасдан нон ёувчи, шалдириш улдириш пул сановчи текинхўр шахслар ҳам бор* («Қизил Ўзбекистон»). *Акрам валатга ўхшаган чаққонлар Фосих афандининг у ён-бу ёнидан шилт-шилт ўтиб қочворди* (М. Исмоилий). *Шамол ўймакор даричанинг тавақаларини бир-бирига уриб, тарақ-туруқ билан ёпди* (Ойбек). *Мен қўлларимни ёнимга олдим, пошналаримни бир-бирига шақшук уриб, баланд овоз билан рапорт бердим* (М. Шолохов).

б) асосий маъно иккинчи компонентда бўлган тақлид сўзлар: *Аҳмад Хусайн ҳақгўй китоблар ҳақида Шариф Сулаймон билан баҳslashаркан, ногоҳон қий-чув кўтариб бир гала бола эшикдан келиб кирди* (Ойбек). *Ғала-ғовур ичида аллакимнинг баланд овози янгради* (М. Исмоилий).

3. Ҳар икки компоненти ҳам мустақил қўлланмайдиган жуфт тақлид сўзлар:

Эъвозхон тўшакни апил-тапил йиғиб тахмонга олиб бориб ташлади-да, ерга кўрпача ёзди (Ҳ. Ғулом). *Сотувчи узатган папиросни қўлга олиб ҳанг-манг бўлиб қолди* («Муштум»). *Бурдаланар зогора нон, апир-шапир ошар қизлар* (Ойбек). *Яқинда худди шу ерда мана шундай диққинафас пайтида шофёрлар ўртасида яхшигина ғиди-биди бўлиб ўтди* («Муштум»). *Султонмурод мажлисдагиларнинг гапидан Алишернинг ҳали саройда эканлигини англади, гангир-гунгир суҳбатга қулоқ солиб ўтирди* (Ойбек).

Тақлид сўзлар гапда, асосан, ҳол ва аниқловчи бўлиб келади.

Тақлид сўз феълларнинг олдидан келиб, ҳаракатнинг қай равишда бажарилганлигини кўрсатади. Бундай хусусиятлари билан улар равишларга анча яқин туради ва гапда ҳол вазифасини бажаради: *Пиқ-пиқ йиғлайсиз, ҳайитда кийимсиз қолган қиздай*

ўқинасиз, қўлингизни чеккангизга тираб уҳ тортасиз (Ойбек). Булбули гўё тез-тез чой ҳўплар, қилт-қилт ютар ва ҳар бир қилт этган товуш Саидийнинг юрагига эритган чўян бўлиб томар эди (А. Қаҳҳор).

Тақлид сўзлар отлардан олдин предметнинг товуш томондан белги-хусусиятларини кўрсатиб, гапда аниқловчи вазифасини бажаради:

Гарчанд машҳур, номдор, т а м- т а м чеварлар,

Рекордлар қўйди чегара билмай (Зулфия).

Шу сабаб мевам ҳам тош каби пишиқ

Қобигим ёрсангиз, ичим мой ж и м-ж и қ

(Қ. Муҳаммадий).

Тақлид сўзлар гапнинг кесими вазифасида ҳам кела олади. Тақлид сўзлар гапда кесим функциясида келиши учун, асосан, жуфт ёки такрорий формага ўтади: *Тарвузлар ҳам сой тошидек ғуж-ғуж* (Б. Кербобоев). *Шамол эсарди ғир-ғир, япроқлар шилдир-шилдир* (Қ. Муҳаммадий). *Чилдирмамининг овози ғиж-банг* (А. Қаҳҳор). *Пастда станок, машина ўрнатиладиган плиталарга бетон ётқизилмоқда. Одам ж и м и р-ж и м и р* (А. Мухтор).

Тақлид сўзлар отлашганда гапда от бажарган вазифани бажариши мумкин. Бош келишиқ формасида гапда эга вазифасини бажаради: *Бўлмаса бу иш туфайли бўлган қанчадан-қанча шовшув одам боласининг элсидан чиқадиган гап эмас эди («Муштум»). Уйда ёлғиз қолган Қумрига девор орасидаги «дўқ-дўқ» энди яна ҳам даҳшатлироқ эшитила бошлади (Ҳ. Фулом).*

Тақлид сўзлар отлашиб тушум, чиқиш, жўналиш келишиқлари қўшимчаларини қабул қилганда отлар каби гапда тўлдирувчи функциясини бажаради: *Хўжасини кутиб ўтирган содиқ мулозим Шайх Баҳлул от дукурини эшитиш билан шам ёқди (Ойбек). Иссиқда қуруқшаб ғарчиллаётган этигининг ғарчини пасайтириш учун оёқ учида юриб, харсанга яқинлашди (С. Анорбоев). Товуши бўғиқ қаттиқ миёвга ўхшаб эшитилади («Ўзбекистон маданияти»). Ишлайдилар оқшомгача, безор эдик ғув-ғувлардан (Ойбек).*

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Сўз ясалиши	7
Кириш	7
Сўз ва унинг структураси	16
Сўзнинг лексик ва грамматик маънолари	20
Сўз ясаш йўллари	21
Содда сўзлар	28
Қўшма сўзлар	32
Конверсия	46
Морфология	53
Кириш	53
Грамматик категориялар	60
Сўзнинг морфологик структураси	66
Ўзакларнинг структураси	70
Аффиксларнинг структураси	77
Сўзларнинг лексик-грамматик категориялари	120
От	124
Сон категорияси	125
Эгаллик категорияси	144
Ҳурмат формаси	187
Келишик категорияси	190
Беш келишик	191
Қаратқич келишиги	204
Тушум келишиги	223
Чиқиш келишиги	230
Жўналиш келишиги	237
Ўрин келишиги	242
От туркумида лексема ясаш ва лексема тузиш	248
Сифат	271
Содда сифатлар	271
Мураккаб сифатлар	288
Сифат даражалари	296
Орттирма даража	296
Озайтирма даража	298
Қиёсий даража	299
Сифатларда модал форма	300
Сифатнинг маъно турлари	301
Сифатларнинг отлашуви — субстантивизация	305
Сон	307
Сонларнинг тузилишига кўра турлари	309
Сонларнинг маънога кўра турлари	310
Миқдор сон	310
Ҳисоб сўзлари (нумеративлар)	313
Чама сон	324
Жамловчи сон	327
Қаср сон	329

Тартиб сон	330
Сонларнинг отлашуви	331
Олмош	332
Олмошларнинг турлари	335
Кишилик олмошлари	335
Кўрсатиш олмошлари	337
Сўроқ олмошлари	343
Ўзлик олмоши	350
Жамлаш-белгилаш олмошлари	353
Бўлишсизлик олмошлари	356
Гумон олмошлари	359
Олмошларнинг тузилиш жиҳатидан турлари	363
Бошқа туркумга оид сўзларнинг олмошга кўчиши	364
Феъл	365
Феъл ясалиши	366
Кўмакчи феъллар	373
Тўлиқсиз феъл	418
Феълининг тусланишли ва тусланишсиз формалари	443
Тусланишли феъллар	443
Тусланишсиз феъллар	444
Феълнинг грамматик категориялари	445
Даража категорияси	445
Бош даража	445
Ўзлик даража	445
Орттирма даража	448
Мажҳул даража	451
Биргалик даража	453
Бўлишли-бўлишсизлик категорияси	455
Майл категорияси	463
Буйруқ-истак майли	464
Шарт майли	467
Шартли майл	472
Мақсад майли	474
Ижро майли	475
Замон категорияси	475
Ўтган замон формалари	476
Ҳозирги замон формалари	498
Ҳозирги-келаси замон формаси	500
Замон формаларининг бир-бирига кўчиши	503
Шахс-сон категорияси	504
Шахс-сон формаларининг бир-бирига кўчиши	509
Сифатдош	510
Рашишдош	515
Ҳаракат номи	525
Рашиш	528
Рашишларнинг ясалиши	529
Рашишларнинг маънога кўра турлари	538
Рашишларда даража	540
Кўмакчи	541
Богловчи	566
Юклама	575
Модал сўзлар	582
Ундов	591
Тақлид сўзлар	602